I (أدب) **أَدُبَ** (*у*) أَدْبٌ одобли бўлмоқ, тарбияли бўлмоқ, хушхулқ бўлмоқ. أَدَبَ (*и*) مَأْدُبَةٌ *шунингдек* مَأْدَبَةٌ ~ зиефат (банкет) уюштирмоқ. II أَدَّبَ 1) тарбияламоқ, тўғриламоқ. 2) жазоламоқ. V تَأَدَّبَ 1) тарбияли бўлиб қолмоқ, одобли бўлиб қолмоқ, хушфеъл бўлиб қолмоқ, одоб сақламоқ. 2) (*бирор н га*) мос ҳаракат қилмоқ (ب). تَأَدَّبْهُمْ ~ улардан ўрнак олмоқ. 3) жазо олмоқ, жазоланмоқ. X = V اسْتَأْدَبَ

– آدَابٌ *кўп шунингдек* ~ الْأَدَبِ адабиёт. ~ كُلِّيَّةُ الْأَدَبِ адабиёт куллиёти (факультети). ◊ السُّلُوكِ ~ одоб, этикет ~ الْبَدْوِ бадавийлар одоби, хулқ-атвори тартиби

– أَدَبٌ *кўп* آدِبَةٌ 1) хушчақчақ мезбон. 2) банкет уюштирувчи киши

– آدِبَةٌ уй бекаси

– أَدَبٌ *кўп* آدَابٌ 1) адабиёт. ~ الْمُعَاصِرُ ~ ҳозирги замон адабиёти. ~ الْعَبَّاسِيُّ Аббосийлар даври адабиёти. 2) тарбия, тарбиялилик, хушмуомалалик, хушхулқлилик, яхши одоблилик. فِي ~ *ёки* ~ ... хушмуомалалик билан, одоб билан. ~ غَيْرِ одобсизлик билан, беодобона,тарбиясизларча. ~ قَلِيلُ الْـ а) қўпол, тарбиясиз. б) виждонсиз. ~ تُولِيسُ الْـ ахлоқни назорат қилувчи полиция. 3) ахлоқ, ахлоқ этикаси

– أُدَيْبَاتِيٌّ *кўп* أُدَيْبَاتِيَّةٌ кўча бахшиси, дайдиб юрувчи бахши

– أُدَيْحَانَةٌ *кўп* اتٌ ـــ ҳожатхона, таҳоратхона, туалет

– أَدَبِيٌّ 1) адабий, адабиётга оид. ~ الْمُؤَرِّخُ الْـ адабиёт тарихчиси. 2) адабли, хушмуомала. 3) маданиятли. الْعَلَاقَاتُ الْـ маданий алоқалар. 4) ахлоқий. ~ وَاجِبٌ ахлоқий бурч. الْفَلْسَفَةُ الْـ этика, ахлоқ ҳақидаги таълимот. ~ ахлоқан

– آدَابٌ *кўп* أَدَبِيَّاتٌ

– أَدِيبٌ 1) тарбияланган, тарбия кўрган, ахлоқли, адабли. 2) маърифатли, ўқимишли. 3) *кўп* أُدَبَاءُ ёзувчи, адабиётшунос, адабиётчи

– أَدِيبَةٌ *кўп* اتٌ ـــ ёзувчи аёл, адиба

– تَأْدِيبٌ тарбия кўрганлик, боодоблик, ҳурмат, эҳтиром, иззат кўрсатиш. ~ ـــ хушмуомалалик билан

– تَأْدِيبٌ 1) тарбия. 2) жазо, хизмат юзасидан бериладиган интизомий жазо. ~ مَجْلِسُ الـــ интизомий суд. 3) интизом, тартиб

– تَأْدِيبِيٌّ интизомга солишга оид, ахлоқ тузатишга оид

– مَأْدُبَةٌ, مَأْدَبَةٌ *кўп* مَآدِبُ зиефат, базм, банкет

– مُؤَدَّبٌ тарбияланган, одобли, хушхулқ, хушфеъл

– مُؤَدِّبٌ тарбиячи, ўқитувчи

– مُتَأَدِّبٌ 1) маърифатли. 2) хушмуомалали, пок, одобли

مَأْدُورٌ, أَدِرٌ дабба касалига чалинган киши

– أَدْرَةٌ, أُدْرَةٌ дабба

هِدْرِيسُ = أَدْرِيسُ

هِيدْرُوجِينٌ = إِدْرُوجِينٌ

إِدْرِيسُ *ат от*, *мз* Идрис

– إِدْرِيسِيٌّ 1) идрисий, Идриснинг издоши, идрисийлар тариқатидаги киши. 2) идрисийлар шажараси вакили

أَدْرِيَّةٌ *қар* دري

إِدَّعَدَى *халқ* демак, шундай қилиб

I **أَدَمَ** (*и*) أَدْمٌ зирвак ташламоқ, қўшмоқ. الْخُبْزَ بِاللَّحْمِ ~ нонга гўшт қўшиб емоқ. أَدَمَ (*у*) أَدْمٌ яраштирмоқ, аҳил қилмоқ. اللَّهُ بَيْنَهُمَا ~ Оллоҳ у иккаловини ўзаро аҳил қилсин! IV = I أَدَمَ (*у*). VIII ائْتَدَمَ нонни зиравор еки бирор нарсага қўшиб емоқ

– أَدَمٌ[1] *мн* أُدْمَانٌ *кўп* أُدُمٌ қора танли, буғдойранг

– آدَمُ[2] Одам ато. ~ ابْنُ одам. ~ بَنُو одамлар, одам зоти (авлоди). ~ وَ حَوَّاءُ Одам ва Ҳавво. كُلُّ ~ يَجِدُ حَوَّاءَ *мтл* ҳар бир киши ўз жуфтини топади (*сўзма-сўз*: Ҳар бир Одам ўз Ҳаввосини топади)

– أُدْمٌ[3] *мн* أُدْمَاءُ тиниқ оқ туя (*шунингдек* ~ بَعِيرٌ)

– آدَمِيٌّ 1) одамий. 2) инсонпарвар, одампарвар, одамларга меҳрибон. 3) жонли хилқат, одам. أَوَادِمُ النَّاسِ авомуннос, оддий кишилар, омма

– آدَمِيَّةٌ 1) одам (инсон) табиати. 2) одам қадр-қиймати, одамлик қадри (шаъни). 3) инсоният, башарият. 4) инсонийлик, одамийлик, мурувватли, маданиятли

– أُدْمٌ, إِدَامٌ *кўп* أُدُمٌ нонхўрак, (нонга) қўшиб ейиладиган нарса. ~ أَكَلَ الْعَيْشَ بِلَا ноннинг ўзини емоқ

– أَدَّامٌ 1) кўнчи; 2) тери билан савдо қилувчи киши, терифуруш

– أُدْمٌ аҳиллик, иттифоқлик

– أَدَمَةٌ, أُدْمَةٌ тери, терининг устки қатлами

– أُدْمَةٌ терининг қора рангли бўлиши, қорачадан келганлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (أَدَنَ) **أَذَنَ**[1] (*а*) أَذَنٌ (*н нидир*) эшитмоқ (إِلَى). أَدَنَ[2] (*а*) إِذْنٌ (*к гадир*) изн бермоқ, рухсат бермоқ (—). أَدَنَ[3] (*а*) أَدَنٌ (*бирор н ни*) билмоқ (—). II أَذَّنَ азон айтмоқ (чақирмоқ) намозга таклиф этмоқ. (الصُّبْح) أَذَّنَ الْفَجْرِ ~ эрталабки (бомдод) намозига чақирмоқ. (*н. биландир*) сигнал (хабар) бермоқ (—). بِالرَّحِيلِ ~ жўнаш ҳақида сигнал (ишора) бермоқ. ◊ فِي مَالْطَةَ ~ фойдасиз бефоида иш қилмоқ. IV آذَنَ 1) (*н ҳақдадир*) маълумот бермоқ. хабар қилмоқ, дарак бермоқ, (*н нидир*) эълон қилмоқ (—). 2) азон айтиб намозга чақирмоқ. V تَأَذَّنَ (*н ҳақдадир*) ҳаммани хабардор қилмоқ (—). X اسْتَأْذَنَ (*н нидир*) қилмоққа розилик, рухсат сўрамоқ (في). (*к дандир*) киришга рухсат сўрамоқ (على). (*к дандир*) кетишга рухсат сўрамоқ (من)

– أَذَنٌ 1) сигнал. 2) семафор

– أَذَانٌ азон, намоз ўқишга чақириш

– إِذْنٌ *кўп* أُذُونٌ 1) изн, рухсат, розилик. اللهُ ~ — Оллоҳ изн берса Оллоҳ рози бўлса Оллоҳ хоҳласа 2) ордер бона (*вақтинча пул вазифасини бажарувчи қоғоз*), лицензия (*товар олиш ёки сотиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома*). بَرِيد ~ почта орқали жўнатилган пул

– أُذُنٌ[1] *мн кўп* آذَانٌ 1) қулоқ. الْوُسْطَى ~ ўрта қулоқ. 2) қулоқ, даста (*мас., кўзанинг*); банд. ◊ آذَانُ الْبُتِّ *бот* айиқ қулоқ. إِنَّهُمْ آذَانٌ مُصْغِيَةٌ улар диққат билан қулоқ солишга тайердирлар ... مِنْهُ عَنْ أَنْ يَسْمَعَ ~ سَدَّ *қар* سَدَّ. صِنَاعَةِ أَعْبَارِ ~ (*н гадир*) қулоқ солмоқ, диққат қилмоқ. (*н нидир*) эшитмоқ. لَمْ يَجِدْ ~ وَاعِيَةٍ унга ҳеч ким қулоқ солмади حَتَّى ~ فِي бировнинг гапига қулоқ солмоқ, маслаҳатига кирмоқ. ~ عَلَى ёмон ухламоқ. ҳеч нарса билан шуғулланмаслик. ~ إِلَى الْقَوْمِ فِي مَشْعَرِ донг қотиб ухламоқ

– أُذُنٌ[2] *кўп* أُذُنُونَ ҳаммага қулоқ солаверадиган. ~ رَجُلٌ ҳаммага қулоқ солаверадиган одам

– أُذُنِيٌّ, أُذُنِيٌّ қулоққа оид. қулоққа тегишли

– أُذُونٌ катта қулоқли, шалпангқулоқ

– أُذُونَاتٌ *кўп* أُذُونٌ *дан, қар* إِذْنٌ 1) банк буйруқлари. 2) ордерлар, боналар, лицензиялар. (الْاسْتِيرَاد) أُذُونَاتُ التَّصْدِير экспорт (импорт) лицензиялари

– أُذَيْنٌ *анат* юрак бўлмаси

– أُذَيْنَةٌ кичик қулоқ, қулоқча

– إِيذَانٌ хабар (хабардор) қилиш, билдириш, эълон қилиш. ~ (*н ҳақдадир*) эълон қилиб (—)

– مَأْذَنَةٌ *кўп* مَآذِنُ мезана, азон айтиш жойи

буғдой ранглилик

– أُدْمٌ *кўп* آدَامٌ 1) кунжутли еки седанали нон. 2) тери. ◊ أَعْرَاءُ ~ *еки* الْأَرْضِ ~ ер пўстлоғи, қобиғи, устки қатлами, тупроқ. السَّمَاءِ ~ осмон, само. الصُّورَةِ ~ сувратнинг туб ранги (фон)

– إِدَاوَةٌ *кўп* أَدَاوَى теридан ишланган сув идиши (*таҳорат қилиш учун*)

أَدَاةٌ *қар* أَدِيٌّ

أَدُونٌ хўжайин

(أَدَى) II أَدَّى 1) ҳақ (пул) тўламоқ, ҳисоб-китоб қилмоқ. الدَّيْنَ ~ қарзни узмоқ, қарзни тўламоқ; 2) бажармоқ, амалга оширмоқ, қилмоқ. الْامْتِحَانَ ~ имтиҳон топширмоқ, ... عَنْ حِسَابًا ~ ҳақида ҳисоб бермоқ. رِسَالَتَهُ ~ ўз ваколатини бермоқ. الْخِدْمَةَ ~ хизмат кўрсатмоқ. الْخِدْمَةَ الْعَسْكَرِيَّةَ ~ армия хизматини (аскарий хизматни) ўтамоқ. الدَّوْرَ ~ роль бажармоқ (ижро этмоқ). السَّلَامَ ~ *еки* التَّحِيَّةَ ~ салом бермоқ. *ҳарб* честь бермоқ. الشَّهَادَةَ ~ гувоҳлик бермоқ. فَرِيضَةَ الصُّبْحِ ~ эрталабки фарз намозини ўқимоқ. فَرِيضَةَ الْحَجِّ ~ ҳаж фарзини адо этмоқ. وَاجِبَهُ ~ ўз бурчини бажармоқ. الْيَمِينَ ~ онт (қасам) ичмоқ, қасамед қилмоқ. 3) (маъно-мазмунни) баен қилмоқ, билдирмоқ. 4) (*қаергадир, н нингдир*) олдига бошлаб бормоқ (إِلَى). إِلَى عَوَاقِبَ وَخِيمَةٍ ~ таҳликали (хавфли) оқибатларга олиб келмоқ. V تَأَدَّى (*н гадир*) етиб бормоқ (إِلَى). إِلَى الْفَنَاءِ ~ у ўлим ёқасига бориб қолди. إِلَى ~ السَّمْعِ қулоққа етиб келмоқ (*товуш ва ҳ к лар ҳақида*). X اسْتَأْدَى талаб қилмоқ

– أَدَاءٌ тўлов. тўланадиган сумма. الضَّرَائِبِ ~ солиқ тўлаш 2) бажариш амалга ошириш. ~ الْأَحْسَنُ яхши бажариш الْأَصْلِ ~ матн (текст) мазмунини айтиб бериш. الْقَسَمِ ~ қасамед қилиш

– تَأْدِيَةٌ амалга ошириш. бажариш. الْخِدْمَةِ الْعَسْكَرِيَّةِ ~ شَهَادَةُ ҳарбий хизматни ўтаганлиги ҳақида шаҳодатнома

– مُؤَدَّى маъно. мазмун. моҳият ... أَنَّ مُؤَدَّاهُ حَسْبَ وَصَلَنَا ~ биз шундай ахборот олдикки. унинг асосий маъноси дир

إِذْ шундай экан. ундай бўлганда. тўсатдан. إِذْ ذَاكَ إِذْ ўшанда. ўша вақтда. إِذْ أَنَّ чунки

إِذَا ...ганда. ми. са. (*шунингдек* ~ مَا); سَأَلْتُنِي ~ كَانَ هُمَالِكَ حَضَرَ у мендан бу ишда бирор хатар йўқми эканлигини сўради. إِلَّا ...~ шу холосми. ~ مَا қачонки. ... هُوَ ~ وَ бирдан у олдида. тўсатдан у

إِذَا *еки* إِذَنْ хуллас. демак. хулоса қилиб айтганда. ундай пайтда. ундай вақтда. у ҳолда. ~ وَ мана

أَذَارُ март

أُذْرَةٌ = أُدْرَةٌ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَأْذُونٌ 1) қози вакили; никоҳлаш ва уни бекор қилиш ваколатини олган шахс; 2) лиценциат

– مَأْذُونِيَّةٌ 1) рухсат, ижозат, изн; 2) йўл қўймоқлик, ижозат берилмоқлик; 3) қози фаолияти доираси, ҳудуди, чегараси; 4) мустақиллик; 5) таътил

– مُؤَذِّنٌ 1) намозга чақирувчи, ундовчи, таклиф қилувчи, даъват қилувчи; 2) муаззин

– مَأْذَنَةٌ *кўп.* مَآذِنُ = مِئْذَنَةٌ

– مُسْتَأْذِنٌ рухсат (изн) сўровчи; ◊ ؟~ кетишга рухсат (изн) берасизми? (*хайрлашув пайтида айтилади*)

I أَذِيَ (*а*) أَذًى 1) алам, азоб чекмоқ; 2) зарар кўрмоқ; IV آذَى азобламоқ, азоб бермоқ, қийнатмоқ, азият чектирмоқ, хафа қилмоқ; V تَأَذَّى алам, азоб чекмоқ; 2) зарар кўрмоқ; 3) (*н.дандир*) хафа бўлмоқ, норози бўлмоқ (—ِ)

– أَذًى, أَذِيَّةٌ 1) оғриқ, дард, алам, азоб, уқубат, кулфат, заҳмат, жафо, азият; хафагарчилик, дилсиёҳлик; 2) нохушлик; 3) зарар, зиён

– إِيذَاءٌ азоб (жафо, уқубат, озор) бериш, жабр-жафо қилиш

– مُؤْذٍ *мн* مُؤْذُونَ зарарли, зиён келтирувчи, غَيْرُ الْـ~ـى зиёнсиз, заҳматсиз

قَرَه كُوزٌ = أَرَاجُوزٌ

آرَامِيٌّ оромийларга оид; اللُّغَةُ الْـ~ـةُ *ёки* الْـ~ـةُ оромий тили

أَرَاوِلَةٌ хризантема (*декоратив маданий ўсимлик ва унинг гули*)

أَرَاوِلَةٌ = أَرَاوِيَةٌ

I (أرب) أَرِبَ (*а*) أَرَبٌ 1) фаҳмли бўлмоқ, идрокли бўлмоқ, зийрак бўлмоқ; 2) уста, чаққон бўлмоқ; أَرَبَ (*и*) أَرْبٌ тугун боғламоқ; III آرَبَ ўзаро эпчил бўлмоқ, ўзаро чаққон бўлмоқ; V تَأَرَّبَ 1) тугулмоқ, боғланмоқ; 2) мураккаблашмоқ; ~ تْ عُقْدَةُ الْحَبْلِ *маж.* масала (иш) мураккаблашди, чигаллашди; 3) овруполашмоқ, овруполаштирилмоқ

– أَرَبٌ *кўп* آرَابٌ 1) мақсад, хоҳиш; 2) эҳтиёж, истак

– إِرْبٌ[1] эпчиллик, малака, уқув, маҳорат

– إِرْبٌ[2] *кўп* آرَابٌ бадан аъзоси, қисми; ~ اً ~ اً قَطَّعَهُ бирор нарсани майда-майда бўлакларга ажратиб ташламоқ; ~ اً ~ اً مَزَّقَهُ бирор нарсани майдалаб ташламоқ

– أَرَبٌ[3] = إِرْبٌ

– أُرْبَةٌ *кўп* أُرَبٌ 1) тугун; 2) бўйинбоғ, галстук

– أُرْبِيَّةٌ чот, чов, бут

– أَرِيبٌ 1) қобилиятли, истеъдодли, зеҳни баланд, фаросатли, фаҳмли, идрокли, зийрак; 2) эпчил, чаққон; 3) ақлли, оқил

– مَأْرَبٌ *кўп* مَآرِبُ мақсад, хоҳиш, истак, майл, интилиш, иштиёқ, ният

– مَأْرِبَةٌ, مَأْرُبَةٌ, مَأْرَبَةٌ мақсад, орзу, истак

– عُرْبُونٌ *кўп* أَرَابِينُ = أُرْبُونٌ

أُرْبِيَانٌ, إِرْبِيَانٌ креветка (*денгизда яшайдиган майда қисқичбақанинг бир тури*)

أَرْتُوَازِيٌّ: ~ ةٌ بِئْرٌ артезиан қудуғи

أَرْتِيسْتٌ артист

(أرث) II أَرَّثَ ёқмоқ (*мас., ўтни, душманлик оловини*); V تَأَرَّثَ алангаланмоқ, оловланмоқ, ёниб кетмоқ

– إِرْثٌ *қар* ورث

– إِرْثِيٌّ *қар* ورث

أُرْثُوذُكْسِيٌّ 1. 1) православиега оид; الْـ~ـةُ православие; 2) ортодоксал (*мустаҳкам эътиқодга оид*); 2. 1) ортодокс (*мустаҳкам эътиқод*); 2) ортодоксия (*мустаҳкам эътиқодлилик*)

I أَرِجَ (*а*) أَرَجٌ, أَرِيجٌ муаттар бўй таратмоқ, ёқимли бўй таратмоқ; V تَأَرَّجَ = I

– أَرِجٌ хушбўй, муаттар

– أَرِيجٌ *кўп* أَرَائِجُ ёқимли бўй, муаттар ҳид

أَرْجَحَ тебратмоқ; تَأَرْجَحَ 1) тебранмоқ, омонат ҳолда турмоқ; ~ عَلَى حَافَةِ الْحَرْبِ уруш ҳолатига яқинлашиб турмоқ; 2) жасоратли бўлолмаслик; 3) ўзгармоқ (*фикр ҳақида*)

أُرْجُوَانٌ 1) тўқ қизил ранг, тўқ қизил рангли бўёқ; 2) *бот.* арғувон

– أُرْجُوَانِيٌّ тўқ қизил рангга оид, арғувоний; ~ صَخْرٌ *мин.* порфир (*қурилиш материали сифатида ишлатиладиган тоғ жинси*)

(أرخ) II أَرَّخَ 1) число (ой, кун) қўймоқ; 2) тарих ёзмоқ; ~ لِحَيَاتِهِ (*к.нигадир*) таржимаи ҳолини ёзмоқ

– تَأْرِيخٌ, تَارِيخٌ *кўп* تَوَارِيخُ 1) число, ой-кун; ~ بِلاَ числосиз; ~ حَسَبَ حُدُوثِهَا хронологик тартибда; 2) вақт, давр, эра; 3) тарих; ~ الْـ الْحَدِيثُ янги тарих; ~ الْـ الْقَدِيمُ қадимий тарих; ~ الْأَدَبِ адабиёт тарихи; ~ مَا قَبْلَ الْـ тарихгача бўлган давр; жуда қадимий; ~ يُعِيدُ نَفْسَهُ الْـ тарих такрорланади; ~ يَبْقَى هَذَا مَعَ الْـ бу тарихда қолади, бу тарихга кириб қолади; 4) хроника, солнома; ҳикоя; ~ الْحَيَاةِ биография, таржимаи ҳол

– تَأْرِيخِيٌّ тарихий

– تَأْرِيخِيَّةٌ тарихийлик

– مُؤَرَّخٌ числоланган, ой-куни кўрсатилган; ~ فِي الْبُرُوتُوكُولُ الْـ ... куни ёзилган протокол

– مُؤَرِّخٌ тарихчи, солномачи

أَرْخَبِيلٌ архипелаг (*бир-бирига яқин турган ороллар тизими*)

أَرْدَبٌّ, إِرْدَبٌّ, أَرَادِبُّ, أَرَادِبُ *кўп.* ардибб (6 وَيْبَةٌ *ёки 197.75 литрга тенг бўлган Миср ўлчов бирлиги*)

أُرْدُنِّيٌّ 1. Иорданияга оид; *тар.* Трансиорданияга оид; 2. Иордания кишиси, иорданиялик; *тар.* трансиорданиялик

أُرْدُوَازٌ шифер; аспидли сланец (*қатлам-қатлам қора рангли минерал тоғ жинси*); ~ لَوْحٌ тоштахта, тошлавҳа; ~ قَلَمٌ грифель, тошқалам (*тоштахтага ёзадиган қалам*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

أُرْدِيٌّ урду; اللُّغَةُ الـــ~ـةُ *ёки* اللُّغَةُ الـــ~ـةُ урду тили

I أَرَزَ (*у. и*) أَرْزٌ, أُرُوزٌ қайтмоқ, аслига қайтмоқ; إِنَّ الْإِسْلَامَ لَيَأْرِزُ إِلَى الْمَدِينَةِ كَمَا تَأْرِزُ الْحَيَّةُ إِلَى جُحْرِهَا *хад.* ислом дини ҳам Мадинаи мунавварага қайтади

– أَرْزٌ *жам.* кедр (*нина барғли дарахт*); الـــ~ السَّرْمَدُ доим кўкариб турувчи кедр; لُبْنَانُ ~ Ливан кедри; الـــ~ اخْضِرَارُ гуллаш, яшнаш

– أَرْزَةٌ кедр (*дарахт*)

– أَرْزِيَّةٌ тилоғоч (*нина барғлилар туркумига мансуб дарахт*)

– أُرْزٌ гуруч; مُفَلْفَلٌ بِالشَّعْرِيَّةِ ~ қалампир (гармдори), мурч солинган гуруч ва вермишелдан тайёрланган овқат; الـــ~ الْأَبْيَضُ оқланган гуруч; الـــ~ الشَّعِيرُ шоли, янчилмаган шоли

– أُرْزَّةٌ *кўп.* اتٌ — оқушоқ (*гуручнинг майдалари, ушоқлари*)

أَرَسَ (*и*) أَرْسٌ ғаллакорлик билан шуғулланмоқ

– أَرِيسٌ *эск.* ғаллакор (деҳқон)

أَرِسْطَالِسُ Арасту

أَرِسْطُقْرَاطِيٌّ 1) аристократияга, оқсуякларга, аслзодаларга, зодагонларга оид; 2) аристократ, оқсуяк, аслзода, зодагон

– أَرِسْطُقْرَاطِيَّةٌ 1) аристократияга оид; 2) аристократлар

(أرش) II أَرَّشَ 1) (*ўт*) ёқмоқ, ёндирмоқ; 2) (*к.ларнидир орасига*) нифоқ солмоқ (بَيْنَ)

– أَرْشٌ хун, ўлдирилган одам учун тўланган товон, бадал

أَرْشِمَنْدْرِيتٌ *кўп.* أَرْشِمَنْدْرِيَّةٌ архимандрит (*монастир руҳонийларининг олий унвони*)

أَرْشِيفٌ архив, кўҳна ҳужжатлар сақланадиган махсус муассаса, бирор идора бўлими

I أَرِضَ (а) أَرَضٌ (*бирор н.ни*) қурт емоқ; أُرِضَتِ الْخَشَبَةُ ёғочни қурт еди, ёғочга қурт тушди; II أَرَّضَ *эл* ерга уламоқ, ерга туташтирмоқ

– أَرْضٌ *мн. кўп.* أَرْضُونَ, أَرَاضٍ 1) ер, қуруқлик; تَحْتَ الـــ~ а) ер остида; б) ер остига оид; عَذْرَاءُ ~ *ёки* بِكْرٌ ~ кўриқ; ҳеч ким яшамайдиган ер сатҳи, бўш жой, бўшлик; الـــ~ الْمُقَدَّسَةُ Фаластин; الْمِيعَادِ ~ жаннатосо (бориб кўриш орзу қилинадиган) жой; رُقْعَةُ الـــ~ الْخَضْرَاءِ 1) экиладиган ер майдони; 2) ер курраси; 3) майдон, территория; 4) мамлакат; 5) тупроқ; الْوَطَنِ ~ ватан; 6) тупроқ (*шуниндек:* кўч.м.); ... خَصِيبَةٌ لِـــ~ учун яхши шароит; 7) пол (*мас., хонадаги*); 8) *спорт.* майдон, майдонча; مَلْعَبِ ~ цирк майдони

– أَرَضَةٌ *кўп.* أَرَضٌ *зоол.* 1) термит, кир чумоли, оқ чумоли (*иссиқ мамлакатларда яшовчи зарарли ҳашарот*); 2) қурт, чувалчанг

– أَرْضِيٌّ 1) ерга оид; الـــ~ـةُ الْكُرَةُ ер курраси; الـــ~ الْمَاءُ тупроқости, ерости суви, сизот сувлар; 2) дунёвий (одам); 3) ерда битадиган; شَوْكِيٌّ ~ *бот.* овқат учун ишлатиладиган резавор ўсимлик; 4) ер устидаги; ~ دَوْرٌ пастки қават

– أَرْضِيَّاتٌ *кўп* 1) дунё неъматлари; 2) дунёвий фикр, ўй, хаёл

– أَرْضِيَّةٌ 1) ер, пол; 2) сақлов учун тўланган ҳақ; 3) (*расм, сурат*) фони; 4) ўриш (*матодаги*)

– أَرِيضٌ 1) кенг; 2) ўсимликка бой

– مَأْرُوضٌ қурт еган, қурт тушган; ~ةٌ خَشَبَةٌ қурт еган ёғоч, қурт тушган ёғоч

أُورِطَةٌ = أُرْطَةٌ

أُرْغُنٌ *кўп.* أَرَاغِنُ *муз.* арғунун, орган

أُرْغُونٌ *ким.* орган (*газ ҳолидаги мазасиз ва ҳидсиз кимёвий элемент*)

أَرِقَ (*а*) أَرَقٌ 1) бедор бўлмоқ, ухламаслик; бедорликдан, уйқусизликдан қийналмоқ; 2) сариқ касали билан оғримоқ, касалланмоқ; II أَرَّقَ бедорликка, уйқусизликка олиб келмоқ, сабаб бўлмоқ; ухлатмаслик, ухлашга қўймаслик, уйқу бермаслик; IV آرَقَ = II

– أَرَقٌ бедорлик, уйқусизлик; دَفَعَ الـــ~ уйқусизликни даф қилмоқ

– أَرِقٌ 1) бедорликдан, уйқусизликдан қийналувчи (азоб чекувчи); 2) уйқусиз

– أَرَقَانٌ 1) *мед.* сариқ касаллиги; 2) (*ўсимликка тушадиган*) шира

– أَرْقَةٌ *жам.* أَرْقٌ шира, ўсимлик бити

– يَرَقَةٌ = أَرَقَةٌ

– مَأْرُوقٌ сариқ касали билан оғрувчи

أَرَاكٌ арок (*туялар ейдиган янтоққа ўхшаш бута*)

أَرْكِيلَةٌ *кўп.* أَرَاكِيلُ = نَرْجِيلَةٌ

أَرِيكَةٌ *кўп.* أَرَائِكُ 1) тахт; 2) диван; супа; кат; الْخَلْفِ ~ орқа ўриндиқ (*автомашинада*); 3) чимилдиқ

إِرْلَنْدِيٌّ 1. Ирландияга оид; 2. ирландиялик

I أَرَمَ (*и*) أَرْمٌ тишламоқ, емоқ, еб қўймоқ, еб олмоқ

– إِرَمٌ *кўп.* آرَامٌ йўл ва кўча ёқасидаги тош

– أَرِمَ *кўп.* أُرَمٌ озиқ тиш; ◊ ... حَرَّقَ الْأُرَمَ عَلَى ...га тиш қайрамоқ; حَرَّقَ الْأُرَمَ مِنْ شِدَّةِ الْغَيْظِ ғазабдан тиш ғижирлатмоқ, ғирчиллатмоқ

– أَرْمَةٌ *кўп.* أَرَمَاتٌ лавҳа, вивеска (*идора, корхона ёки дўконнинг номи ёзилиб, осиб қўйиладиган ёзув*)

– أُرُومٌ, أُرُومَةٌ, أَرُومَةٌ 1) илдиз; тўнка; 2) келиб чиқиш, насаб, насл-насаб; الـــ~ بِلَا فَرْقٍ فِي келиб чиқишидан қатъий назар

أَرْمَنُ *жам.* арман

– أَرْمَنِيٌّ 1. Арманистонга оид, арманга оид; الـــ~ـةُ арман тили; 2. арман

أَرِنَ (а) أَرَنٌ, إِرَانٌ қизғин, жўшқин, хушчақчақ бўлмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– إِزَارٌ[1] қизғинлик, жўшқинлик, хушчақчақлик

– إِزَارٌ[2] *кўп* أُزُرٌ замбил, катафалк(а) *(дафн маросимида тобут қўйиладиган замбарак аравасини б) черковда тобут ўрнатиладиган супа)*

– أُزْبَةٌ сузма, творог

أُرْنَاؤُوطٌ, أُرْنَاؤُوطٌ *жам* албанлар, албанияликлар

– أُرْنَاؤُوطِيٌّ 1) Албанияга оид, албанларга оид 2) *кўп* أَرْنَاطَةٌ албанлар

أُرْنَبٌ *кўп* أَرَانِبُ أَهْلِيٌّ ~ қуён; بَرِّيٌّ ~ қуён; رُومِيٌّ ~ *ёки* هِنْدِيٌّ ~ денгиз чўчқаси, ~ مِنْ أَجْبَنُ қуёндан ҳам қўрқоқроқ, қуёнюрак, أُذُنُ ~ *бот* қуёнқулоқ; б) сомизок қуён карами

– أُرْنِيَّةٌ урғочи қуён, ◊ الْأَنْفِ ~ бурун учи, أَنْفِهِ ~ مِنْ أَبْعَدُ لَا يَرَى у бурнидан нарини кўролмайди

أُرْنِيَّتٌ = أُورْنِيَّتٌ

أُرُوبِيٌّ 1) Оврупога оид; 2) овруполик

أُرْوِيٌّ асал, бол

آرِيٌّ[1] 1) орийларга оид; ҳинд-оврупо тиллари гуруҳига оид; اللُّغَاتُ الْـ~ةُ ҳинд-оврупо тиллари. 2) орийлар, ҳинд-оврупога оид

– آرِيٌّ[2] *кўп* أَوَارٍ от ва шунга ўхшаш ҳайвонларни қамайдиган жой

أَرِيَالٌ антенна, تِلِفِيزْيُونِ ~ телевизион антенна, телевизор антеннаси

أَرِيحِيَّةٌ *қар* رُوحٌ

أَرِسْتُقْرَاطِيٌّ 1) аристократияга, аристократларга, оқсуякларга оид; 2) аристократ, оқсуяк, аслзода, зодагон

أَرِسْتُقْرَاطِيَّةٌ 1) аристократия аслзодалар, зодагонлар, 2) аристократлик, оқсуяклик, аслзодалик, зодагонлик

أَزَّ (*а/а, и*) أَزِيزٌ вишилламоқ, вашилламоқ, ҳуштак чалмоқ; шовқинламоқ

– أَزَّ ҳаяжонга солиш, ҳаяжонлантириш, ҳавасни келтириш, қизиқтириш

– أَزِيزٌ виш-виш қилиш, вашиллаш, вишиллаш; ҳуштак, шовқин (*мас.: мотор шовқини*); момоқалдироқ овози, қозондаги сувнинг қайнагандаги овози

إِزَاءَ 1) қаршисида, рўпарасида, олдида, олдин, ئِازَائِهِ а) унинг қаршисида (рўпарасида, олдида); б) унга нисбатан

إِزَّايَ, إِزَّى *халқ* қандай?, қандай қилиб?, қанақа?

أَزَبَّ (*и*) أَزْبٌّ оқмоқ, оқиб (сизиб) чиқмоқ (тушмоқ)

– إِزَبٌّ йўғон, миқти, бақалоқ, калтабақай

– مِئْزَابٌ *кўп* مَآزِيبُ *ёки* مِيزَابٌ *кўп* مَيَازِيبُ сувнинг пастга қараб оқиши, нов, тарнов

أَزْبَسْتُوسٌ асбест, тоштахта *(оқ қалин қоғозга ўхшаш иссиқлик ўтказмайдиган ва ўзи куймайдиган минерал)*; тоғ зиғири

أُزْبَكُ *жам* ўзбеклар

– أُزْبَكِيٌّ 1) ўзбекка оид; اللُّغَةُ الْـ~ ўзбек тили, 2) ўзбек

(أَزَّحَ) II أَزَّحَ гумбазли, тоқли равоқли (уй) қурмоқ

– أَزَجٌّ *кўп* آزَاجٌ гумбаз, равоқ, қубба

أُزْدُلْخُتٌ форс сирени *(гул)*

I أَزَرَ (*и*) أَزْرٌ 1) *(н нидир)* ўраб олмоқ (—ُ). 2) қўлламоқ, қўллаб-қувватламоқ, ёрдамлашмоқ; II آزَرَ кучайтирмоқ, қувватлантирмоқ, 2) *(епинчиқ билан)* епмоқ; III آزَرَ ёрдамлашиб турмоқ, ёрдамлашмоқ, қўллаб-қувватламоқ; V = VIII. VI تَآزَرَ бир-бирига ёрдамлашмоқ; VIII ائْتَزَرَ эни (тахи) бузилмаган матога ўралиб олмоқ; *(бирор н билан)* ёпиниб олмоқ (—ِ). إِزَارًا ~ изор киймоқ (*қар* إِزَارٌ[2])

– إِزَارٌ, إِزْرٌ *(кўпинча мз.) кўп* أُزُرٌ 1) (тахи бузилмаган) мато, чойшаб; 2) изор *(турсикка ўхшаш кийим)*

– أَزْرٌ 1) куч, қувват; شَدَّ ~َهُ кимгадир ёрдам қилмоқ. 2) орқа, елка

– تَآزُرٌ ўзаро ёрдам, бир-бирига ёрдам этиш

– مُؤَازَرَةٌ ёрдам кўмак, ёрдамлашиш кўмаклашиш, ёрдам (мадад кўмак) бериш, ёрдам (мадад) кўрсатиш, еқлаш, қўллаш, қувватлаш

– مِئْزَرٌ *кўп* مَآزِرُ фартук, олдга тутиб олинадиган этак, пешбанд. 2) чойшаб أَبْيَضُ ~ касалхона кийими оқ халат

I أَزَفَ (*а*) أُزُوفٌ яқинлашмоқ, яқин келмоқ, етиб кела бошламоқ, кирмоқ, бошланмоқ *(вақт ҳақида)*

– آزِفٌ кириб келаетган, яқинлашаетган *(вақт ҳақида)*; الْـ~ةُ а) *дин* маҳшар қиемат, қиемат-қойим, ялпи (ҳаммага тааллуқли) фалокат

I أَزِقَ (*и*) أَزَقٌ тор бўлмоқ, тангу тор бўлмоқ

– مَأْزِقٌ *кўп* مَآزِقُ 1) оғир аҳвол, қийин ҳолат, ~ فِي وَقَعَ оғир (қийин) аҳволга дучор бўлмоқ, оғир аҳволда қолмоқ, боши берк кўчага кириб қолмоқ; 2) берк кўча, тупик; أَخْرَجَ الْبِلَادَ مِنْ ~ هَا мамлакатни оғир аҳволдан (берк кўчадан) чиқармоқ, ~ وَضَعَهُ فِي (*к нидир*) қийин (чорасиз) аҳволга солиб қўймоқ

أَزَلٌ *кўп* آزَالٌ абадийлик, поенсизлик, азалийлик; ~ الْـ مُنْذُ الْـ~ азалдан бурундан; ~ مُنْذُ азалдан

– أَزَلِيٌّ азалий қадимул-айемдан

– أَزَلِيَّةٌ азалийлик

I أَزَمَ (*и*) أَزْمٌ *(бирор н дан)* ўзни тиймоқ (عَنْ), *(бирор н дан)* воз кечмоқ, бош тортмоқ (عَنْ). II أَزَّمَ танглик туғдирмоқ, танглик келтириб чиқармоқ; V تَأَزَّمَ 1) кескинлашмоқ, тангликка тушиб қолмоқ; الْمَوْقِفُ ~ вазият кескинлашиб қолди; 2) кескинлик (танглик) ни бошдан кечирмоқ

– أَزْمٌ 1) ўзини тийиш, воз кечиш, бош тортиш, 2) парҳез

– أَزْمَةٌ[1] *кўп* أَزَمَاتٌ, إِزَمٌ 1) кескин, танг аҳвол; 2) танглик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кескинлик اقتصاديّة ~ иқтисодий танглик кескинлик; سياسيّة ~ сиёсий танглик (кескинлик); وزاريّة ~ ҳукумат танглиги. 3) хуруж тутқаноқ; قلبيّة ~ юрак касали хуружи (тутиб қолиши).

– أزمة² = قزمة

– مأزم 1) икки тоғ ўртасидаги тор йул. 2) уруш майдони

– مأزوم тангликка, кескинликка учраган, тангликка тушиб қолган

إزميل *кўп* أزاميل кесувчи, қирқувчи (*асбоб*)

أزوت *ким* азот. ~ أكسيد الـ~ азот оксиди. ~ ثاني أكسيد الـ~ азот двуоксиди

– أزوتات *кўп ким* нитратлар, азот кислотаси тузлари

– أزوتيّ азотга оид, азотли. ~ة أمشدّة азотли ўғитлар

– أزوتيت азотга оид, азот. ~ حامض الـ~ азот кислотаси

أزون азон

(أزى) III آزى 1) ўзаро рўпарама-рўпара турмоқ, бир бирига тенг турмоқ

(أسّ) II أسّس 1) асос солмоқ. 2) ўрнатмоқ, асосламоқ. V تأسّس 1) асосланган бўлмоқ, ўрнатилган бўлмоқ. 2) (*н.гадир*) асосланмоқ, таянмоқ (على)

– أسّ *кўп* أسس، أساسيّ، إساسيّ 1) пойдевор, асос. 2) негиз, асос, база. 3) *кўч.м* манбаъ. 4) *мат* даража, даража курсаткичи

– أساسيّ *кўп* أساسات، أسسيّ 1) асос. 2) негиз, база, таянч. ~ هو الأساس бу асослар асосидир. ~ا асосан, асосида; ... على ~ шу асосдаги. لا ~ له ~ асоссиз, асосланмаган. على ~ التكافؤ тенглик асосида, тенг ҳуқуқлилик асосида. على ~ المساواة و тенглик ва ўзаро ҳурмат асосида على ~ مبدئيّ принципиал асосда (равишда). على ~ مقايضة المثل بالمثل ўзаро келишилганлик асосида, ўзаро келишиб. على ~ الخضوع ишбай ҳақ олишга келишилган иш. على ~ أعاد النظر في ... қайтадан кўриб чиқмоқ. على ~ أحد бирор нарсани асос эътибори билан қайта кўриб чиқмоқ. على ~ البحث муҳокама учун бирор нарсани асос қилиб олмоқ. على ~ ... مبنيا учун мустаҳкам асос яратмоқ. 3) манбаъ. 4) асосий қоида. من حيث الـ~ асосан, асос эътибори билан. *муз* асосий овоз (тон)

– أساسيّ асосий, бош, муҳим. ~ قانون асосий қонун, конституция; وضع الحجر الـ~ пойдеворга тош қўймоқ (*қурилишда*). 5) (*бирор н.ни*) бошлаб бермоқ

– أسيسة инфраструктура (*саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи тармоқлар тизими*)

– تأسيس 1) тузиш, яратиш, барпо қилиш, яратилиш ташкил этилиш. 2) қофиядаги чўзиқлик алифи

– تأسيسة *кўп* ات — муассаса, корхона

– تأسيسيّ таъсисий, таъсисга оид

– مؤسّس таъсис этилган, тузилган, яратилган, барпо этилган, ташкил этилган

– مؤسّس таъсис этувчи, тузувчи, яратувчи, барпо этувчи ташкил этувчи

– مؤسّسة *кўп* ات — муассаса ташкилот, корхона, идора, институт

أسّ¹ *алиф б.қ*

أسّ² *алиф б.қ*

أسانسير лифт

إسبانيّ *карт* чиллик

إسبارتيّ 1) Спартага оид. 2) Спарта фуқароси

إسباخ = سباخ، إسباخ

(أسس) تأسّس испанияликка ўхшаб қолмоқ, испанияликларнинг урф-одатини қабул қилмоқ

– إسبان *жам* испанлар, испанияликлар

– إسبانيّ 1) Испания ва испанларга оид. ~ة الـ~ испан тили. 2) испаниялик, испан

إسباهيّ *кўп* إسباهيّة *мз* сипоҳий, жангчи, солдат (*Ҳиндистонда*)

إسبتاليّة *кўп* ات — госпитал (*ҳарбий касалхона*)

إسبرتو спирт. ~ محظوظ тозаланмаган спирт

أسبيداج белила (оқ бўёқ). ~ الرصاص қўрғошинли белила (қўрғошинли оқ бўёқ)

إسبت *мн кўп* إسبتات = سبت

إستاتيكا *физ* статика (*механиканинг жисмлар мувозанати ҳақидаги бўлими*). ~ الموائع гидростатика (*мувозанатдаги суюқликнинг идиш деворига ёки суюқликка тушурилган жисмларга таъсирини ўрганувчи фан*)

– إستاتيكيّ статикага оид. ~ة الـ~ة статик электр

إستاد *кўп* ات — стадион, спорт майдони. ~ الـ~ стадион (*спорт ўйинлари ва намойишлар бўладиган пайтларда тамошабинлар ўтирадиган жой*)

أستاذ *кўп* أساتذة 1) ўқитувчи, муаллим, мураббий, тарбиячи, устоз, устод. 2) профессор. مساعد ~ профессор ассистенти, кичик илмий ходим. الـ~ الأكبر Қоҳирадаги Ал-Азҳар университетининг ректори. 3) мастер, уста. ~ رياضة спорт мастери (устаси). ~ الشطرنج шахмат устаси. الـ~ الكبير гроссмейстер. 4) устод (*ҳар қандай кишига мурожаат вақтида айтилади*). ◊ ~ دفتر الـ~ *қар* دفتر

– أستاذيّة 1) профессорлик унвони. 2) профессорлик фаолияти. 3) маҳорат

إستبرق кимхоб, кундал, зарбоф, парча

إستديو *кўп* إستديوهات *мн* студия, ателье (*мас. фотоателье*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

إِسْتَرَاتِيجِيٌّ 1) стратегияга оид; 2) стратег

– إِسْتَرَاتِيجِيَّةٌ стратегия

أُسْتَرَالِيٌّ 1) Австралияга оид; 2) австралиялик

إِسْتِرْلِينِيٌّ стерлинг (*Англияда пул бирлиги*). ~ جُنَيْهٌ қар. جُنَيْهٌ; ~ الْـــ مِنْطَقَةُ стерлинг минтақаси, доираси, зонаси

إِسْتِقْرَاطِيَّةٌ аристократия, зодагонлар, оқсуяклар

إِسْتِمَارَةٌ *кўп* اتٌ ـــ бланк, форма (*расмий иш қоғози варақаси*); ~ الْمَصْرُوفَاتِ счёт, ҳисоб-китоб варақаси

إِسْتِنْجَةٌ токоприёмник (*электровоз, трамвай, троллейбус кабиларнинг двигателига осилган электр симларидан ток олиб берувчи асбоб*); бугель (*темир чамбар, кема мачталарининг тепасига, кўприк қозиқлари бошига ва ш.к.ларга қиздириб кийдириладиган темир чамбар*)

إِسْتُودْيُو = إِسْتُودْيُوهَاتٌ *кўп* إِسْتُودْيُو

أَسْتِيقٌ резина; каучук

أَسْتِيكٌ резина, каучук, резинка; الْـــ ~ الْمَبْرُومُ эшилган, буралган резина; ~ الْـــ الْمَبْطُطُ лентали резина

أَسْتِيكَةٌ кий (*бильярд таёғи*)

أَسْتِيلِينٌ ацетилен (*рангсиз, ҳидсиз ёнувчи газ, автоген сваркасида ишлатилади*)

I **أَسِدَ** (*а*) أَسَدٌ 1) йўлбарсни кўриб, қўрқинчдан даҳшатга тушмоқ; 2) йўлбарс хулқли бўлмоқ, хулқан йўлбарсга ўхшамоқ; X اسْتَأْسَدَ 1) йўлбарсдай кучли, қувватли бўлмоқ; 2) *маж.* ўзини йўлбарс деб ўйламоқ, ботирлик қилмоқ

– أَسَدٌ *кўп* أُسُودٌ, أُسْدٌ, آسَادٌ, آسَدٌ арслон; الْـــ ~ الْهِنْدِيُّ йўлбарс; ~ الْكُهُوفِ ғор арслони; ~ الْـــ بُرْجُ *астр.* Асад юлдузлар туркуми (буржи); ~ الْبَحْرِ *зоол.* денгиз арслони, катта қулоқли тюлень, шалпангқулоқ тюлень; ◊ ~ الْعَدَسِ *бот* шумғия; ~ الْـــ دَاءُ *мед.* мохов

– أَسَدِيٌّ арслонга, йўлбарсга оид

أَسِيدٌ *хим.* кислота

I **أَسَرَ**[1] (*u*) أَسْرٌ 1) асир қилиб олмоқ, асир туширмоқ; асир қилмоқ, жазб этмоқ; юракдан урмоқ; 2) арқон билан боғламоқ, арқонга боғлаб қўймоқ; أَسَرَ[2] (*u*) أَسْرٌ яратмоқ, йўқдан бор қилмоқ, вужудга келтирмоқ; ~ اللّٰهُ ~ Оллоҳ уни йўқдан бор қилди, яратди; X اسْتَأْسَرَ 1) асирга тушмоқ, (*бирор к.нинг*) асири бўлиб қолмоқ

– آسِرٌ 1) боғлаб қўювчи, кишанлаб олувчи; 2) асир қилувчи; *кўч.м.* дилбар, дилрабо, гўзал, кишини мафтун (шайдо, асир) қиладиган, жазб этадиган, юракдан урадиган

– إِسَارٌ[1] 1) асир қилиб олиш, асир тушириш; 2) асир тушиш, асир

– إِسَارٌ[2] *кўп* камар, тасма, қайиш; арқон

– أَسْرٌ[1] = إِسَارٌ[1]

– أَسْرٌ[2] *кўп* آسَارٌ камар, тасма, қайиш; арқон; ~ الْـــ دِ بَاعَ الْجَمَلَ туяни нўхтаси билан сотди; ◊ ~ الْـــ دِ тамоман, буткул, бутунлай; ~ الْـــ دِ الْعَالَمُ бутун дунё

– أَسْرٌ[3] уремия (*буйракнинг касалланиши орқасида организмда тўпланиб қолган моддалар таъсири билан заҳарланиш*)

– أُسْرٌ *мед.* пешобнинг тутилиши

– أُسْرَةٌ *кўп* أُسَرٌ, أُسَرَاتٌ 1) оила, фамилия, сулола; الْـــ ~ الْعَلَوِيَّةُ *тар.* Алавийлар (*Муҳаммад Алининг сулоласи, авлодлари*); 2) қариндошлар, қариндош-уруғлар; ~ التِّلِفِيزْيُونِ телевидение ходимлари

– أُسْرِيٌّ оила билан боғланган, оилали, бола-чақали, уй-жойли; ~ حَيَاةٌ оилавий турмуш, оилавий ҳаёт

– أَسِيرٌ *кўп* أُسَرَاءُ, أُسْرَى 1) асирга олинган, асирга тушган, асир қилиб олинган; 2) асир, тутқин; 3) арқон билан боғланган, арқонга боғлаб қўйилган; 4) шайдойи, мафтун; مُبَادَلَةُ الْأُسْرَى асир алмаштириш, асир айрибошлаш; ~ الْحَرْبِ ҳарбий асирлик; وَقَعَ ~ لَهُ (*к.гадир, н.гадир*) асир бўлиб қолмоқ

– مَأْسُورٌ асир, тутқин, шайдойи, мафтун бўлиб қолган одам

– مَأْسُورَةٌ *кўп* مَوَاسِيرُ 1) труба, най, найча; (*ўқ отувчи қурол*) стволи

إِسْرَائِيلُ *ат.от., мз.* Исроил; ~ بَنُو *кўп* яҳудийлар, яҳудий халқи

– إِسْرَائِيلِيٌّ 1) Исроилга, яҳудийларга оид; 2) исроиллик, яҳудий

– إِسْرَائِيلِيَّاتٌ *кўп.* яҳудий тилидан кирган сўзлар

إِسْرَافِيلُ Исрофил (*даҳшатли овоз билан сур чалиб, қиёмат-қойим бўлгани ҳақида хабар берувчи фаришта*)

أُسْرُبٌّ, أُسْرُبٌّ *кўп.* графит; *эск.* қўрғошин

إِسْرِنْجٌ қўрғошинли қизғиш зарғалдоқ ёки қизғиш-жигарранг бўёқ (қўрғошинли сурик)

أُسْطُبَّةٌ *мн. кўп. йўқ* каноп лоси, зиғирпоянинг дағал толаси; ~ الْقُطْنِ пахта толаси

إِسْطَبْلٌ *кўп* اتٌ ـــ отхона

أَسْطُرْلَابٌ *кўп* اتٌ ـــ устурлоб, астролябия (*юлдузларнинг вазиятини белгилаш учун қўлланиб келинган бурчак ўлчаш асбоби, кейинчалик ер ўлчаш ишларида ҳам қўлланган*)

أُسْطُوَانَةٌ *кўп.* أَسَاطِينُ, أُسْطُوَانَاتٌ 1) *архит* устун, колонна; 2) валик; ролик, цилиндр (*двигателники ҳам*); ~ الْأُكْسِجِينِ кислородли баллон; ◊ أَسَاطِينُ الْأَدَبِ буюк адиблар, ёзувчилар; أَسَاطِينُ الْعِلْمِ илм устунлари, яъни жуда катта олимлар (уламолар); أَسَاطِينُ الْاحْتِكَارِ монополия корчалонлари, хўжайинлари

– أُسْطُوَانَاتٌ *кўп.* овоз ёзувчи аппарат - фонограф валиги; патефон пластинкаси (товоғи)

– أُسْطُوَانِيٌّ цилиндрга оид, цилиндрик, цилиндрсимон, цилиндр шаклидаги

أُسْطُورَةٌ *қар.* سطر

www.ziyouz.com kutubxonasi

– أُسْطُورِيٌّ *қар.* سطر

أُسْطُولٌ *кўп* أَسَاطِيلُ флот; الْـــ ~ الْبَحْرِيُّ денгиз флоти; الْـــ ~ النَّهْرِيُّ дарё флоти; الْـــ ~ الْجَوِّيُّ ҳаво флоти; الْـــ ~ التِّجَارِيُّ савдо флоти; الصَّيْد ~ балиқ овлаш флоти

أُسْطَى *кўп* أُسْطَوَاتٌ 1) уста; бошлиқ; الْوَابُورِ ~ паровоз ҳайдовчиси; 2) ошпаз, пазанда

I **أَسِفَ**[1] (*а*) أَسَفٌ қайғурмоқ, ғам емоқ, хафа бўлмоқ, ачинмоқ, (*н.дандир*) афсусланмоқ (عَلَى), ... أَنَّ لَهُ يُؤْسَفُ مِمَّا وَ шуниси ачинарлики, ...; IV آسَفَ ачинтирмоқ, хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ, қайғуртирмоқ; ... أَنَّ يُؤْسِفُنِي мен учун жуда ачинарли нарса шуки, ...; أَسِفَ[2] (*а*) أَسَفٌ (*бирор к.дан*) жаҳлланмоқ, ғазабланмоқ (عَلَى); IV آسَفَ жаҳлини келтирмоқ, ғазабга қўймоқ, ғазаблантирмоқ; V تَأَسَّفَ қайғурмоқ, ҳасрат чекмоқ, (*н.дандир*) афсусланмоқ (عَلَى)

– أَسِفٌ, آسِفٌ қайғирувчи, афсус чекувчи; ғам чекувчи; қайғули, ҳасратли

– أَسَفٌ ғам-ғусса, андуҳ, таассуф, ачиниш, афсус чекиш; ~ بِـــ ачиниш билан; афсус билан, афсусланган ҳолда; ~ بِالْـــ ёки لِلْـــ ~ ёки مَعَ الْـــ ~ афсуски, ...; ~ بِكُلِّ ёки ~ الْـــ مَعَ شَدِيد миннг афсуски, ...; ~ عَبَّرَ عَنْ ўз афсусини (таассуфини) билдирмоқ; ◊ يَا ~ اهْ ёки وَا ~ اهْ афсус!, эсизгина!

– أَسِيفٌ 1) ачинувчи, қайғирувчи, ҳасрат чекувчи; 2) ғамли, қайғули; 3) ачинарли, афсусланишга (таассуфга) лойиқ

– أَسَفٌ = تَأَسُّفٌ

– مَأْسُوفٌ عَلَيْهِ ~ ачинарли; афсусланишга (таассуфга) лойиқ

– مُؤْسِفٌ хафа (дилни сиёҳ) қилувчи, ранжитувчи, дилни оғритадиган; ... أَنَّ الْـــ ~ مِنَ وَ шуниси хафа қиладики, ...; шуниси ранжитадики, ...

إِسْفَنَاخٌ, إِسْفَانَاخٌ исмалоқ (*ўсимлик*)

أَسْفِكْسِيَا *мед.* асфикция, бўғилиш, нафас тиқилиб қолиш, нафас қисиш

أَسْفَلْتٌ *мз.* асфальт; بِالْـــ ~ بَسَطَ асфальтламоқ, асфальт ётқизмоқ

إِسْفَنْجٌ *жам. зоол.* булут (*сув жонивори*)

– إِسْفَنْجَةٌ *кўп.* اتٌ — *зоол.* булут

– إِسْفَنْجِيٌّ булутсимон, тешик-тешик, ғовак

إِسْفَنْدَانٌ заранг (*дарахт*)

إِسْفِيدَاجٌ = إِسْبِيدَاجٌ

إِسْفِينٌ *қар.* سفن

أَسْفَرْبُوطٌ, إِسْفَرْبُوطٌ *мед.* искарбут, зангла, зангла касали

أَسْقُفٌ *кўп* أَسَاقِفَةٌ *черк.* епископ (*насроний черковларида юқори лавозимли руҳоний*); رَئِيسُ الْأَسَاقِفَةِ архиепископ - епископлар бошлиғи

– أُسْقُفِيَّةٌ 1) епископлик мансаби, епископлик даражаси; епископлик мансабида ишлаш даври; 2) епархия (*насронийларда - архиерей тасарруфидаги маъмурий черков округи*)

أُسْقُمْرِيٌّ скумбрия, макрель (*денгиз балиғи*)

إِسْقَنْقُورٌ калтакесак

إِسْكَتَانَ *қар.* إِسْكَةٌ

– إِسْكَةٌ, إِسْكَتَانَ *дан, ик.с. анат* аёллар аврати лаблари

إِسْكِتْشٌ *кўп* اتٌ — *мз.* скетч (*эстрадада кўрсатиладиган ҳажвий ёки кулгили пьеса*)

إِسْكُتْلَانْدِيٌّ 1. Шотландияга оид; 2.шотландиялик

إِسْكَلَةٌ *кўп.* أَسَاكِلُ кема келиб тўхтайдиган ва боғлаб қўйиладиган жой; денгиз бўйидаги шаҳар

إِسْكَمْلَةٌ *кўп.* اتٌ — кўча, боғ каби жойларга қўйилган ўтирғич, эшак, скамейка

إِسْكَنْدَرُ *ат.от., мз.* Искандар

– إِسْكَنْدَرَانِيٌّ 1.Искандарияга оид; 2.искандариялик

إِسْكَنْدِيُومٌ *кимё* скандий (*элемент*)

إِسْكُوَاشٌ теннисга ўхшаш тўп ўйини

إِسْكِي чанғи

إِسْكِيفٌ *мз.* ялик (*икки ёки тўрт эшкакли қайиқ*), *спорт.* скиф (*пойга қайиқларининг бир тури*)

إِسْكِيمُو *жам.* эскимослар (*халқ*)

– إِسْكِيمُوِيٌّ 1. эскимосга оид; 2.эскимос кишиси

I **أَسُلَ** (*у*) أَسَالَةٌ мулойим бўлмоқ; силлиқ бўлмоқ; чўзиқ бўлмоқ; II أَسَّلَ чархламоқ, қайрамоқ, юпқалаштирмоқ, юпқа қилмоқ

– أَسَلٌ 1) қамиш; 2) найза

– أَسَلَةٌ 1) тикан, тиканак; 2) найза, ўткир уч, уч; тил учи

– أَسْلِيٌّ *фон.* апикалга оид, апикал (*тил усти билан юқори тиш ўртасида ҳосил бўладиган нутқ товушлари*); الْحُرُوفُ الْـــ ~ апикал ундошлар (ص, س, ز)

– أَسِيلٌ 1) текис, силлиқ; 2) чўзиқ, узун

– تَأَسُّلٌ атавизм (*ҳайвон ёки кишиларнинг аждодларида бўлган, сўнг йўқолиб кетиб, кейинчалик яна пайдо бўлган жиҳатлар*)

– مُؤَسَّلٌ ўткир қилинган, ўткирлашган, ўткирлаштирилган; учи ўткир

أُسْلُوبٌ *кўп.* أَسَالِيبُ 1) услуб, усул, йўсин, йўл, равиш, тариқа, тарз; ~ الْحُكْمِ бошқариш усули; 2) услуб (*адабий*); 3) усул, шакл

– أُسْلُوبِيٌّ 1) услубий, услубга оид; 2) стилистик; 3) стилист (*услуби жуда яхши муаллиф*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

أُسَامَةُ йўлбарс

اسْمٌ қар. سمو

إِسْمَاعِيلُ ат.от мз. Исмоил

– إِسْمَاعِيلِيٌّ дин. 1) исмоилий; 2) исмоилийликка мансуб киши

أَسْمَانْجُونِيٌّ ҳаворанг

أَسْمَنْتٌ, إِسْمَنْتٌ цемент; арматурали бетон; الْـ ~ الْمُسَلَّحُ темир-бетон

I أَسَنَ (у.и) أُسُونٌ бузилмоқ, ишдан чиқмоқ, чиримоқ; туриб бузилиб қолмоқ (*сув ҳақида*); V تَأَسَّنَ бир ерда узоқ туриб қолмоқ (*сув ҳақида*)

– آسِنٌ туриб (оқмай) қолган; ~ مَاءٌ кўлмак сув

أَسْنَوِيٌّ Асна шаҳрида яшовчи киши, асналик

I (أسو) أَسَا (у) أَسْوٌ 1) юпатмоқ, овутмоқ, овутиб қўймоқ, тинчитмоқ, тасалли (таскин, далда) бермоқ; 2) даволамоқ; 3) (*ярани, жароҳатни*) боғламоқ; II أَسَّى = I; III آسَى 1) ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ, мадад бермоқ; 2) овутмоқ, юпатмоқ; ҳамдардлик билдирмоқ; V تَأَسَّى 1) (*н.биландир*) юпатилмоқ; 2) (*н.гадир*) тақлид қилмоқ; (*н.нидир*) ўрнак деб билмоқ (بِـ), овунмоқ; 3) (*н.нидир*) сабот билан ўтказмоқ; VI تَآسَى ўзаро бир-бирини юпатмоқ, овутмоқ, бир-бирига таскин бермоқ

– آسٍ[1] мн. آسِيَةٌ юпатувчи, овутувчи, тасалли (таскин) берувчи; овутадиган, юпатадиган, тасалли (таскин) берадиган; *шуниндек:* қар أسى

– آسٍ[2] 1) даволовчи шифокор, 2) кўп. أُسَاةٌ доктор, врач

– إِسَاءٌ даво, илож

– مَأْسُوٌّ = أَسِيٌّ

– أَسًى 1) ғам, ташвиш; 2) даволаниш, муолажа

– آسِيَةٌ мн кўп. أَوَاسٍ 1) даволовчи аёл; 2) аёл врач, аёл доктор, аёл табиб

– أَسْوَانٌ ғамгин, ғамли, қайғули, хафа

– أُسْوَةٌ мисол, намуна, ... بِـ ~ ...нинг ўхшаши

– تَأْسِيَةٌ 1) юпатиш, таскин бериш; 2) даволаш

– مَأْسُوٌّ даволанган, даволанувчи

– مُوَاسَاةٌ 1) ёрдам; хайр-саховат, хайрия, саховатлилик; 2) таъзия, ҳамдардлик билдириш; юпатиш, таскин бериш

– مُؤَسٍّ мн مُؤَسِّيَةٌ тузатувчи, шифоли, даво бўладиган

أُسْوَارٌ, إِسْوَارٌ кўп. أَسَاوِرَةٌ, أَسَاوِرُ (сол. سُوَارٌ қар. سور) 1) билакузук; 2) қадама енг, қайтарма енг

أَسْوَانُ: ~ حَجَرٌ мин. сиенит (*магматик тоғ жинсларининг бинокорлик материали сифатида ишлатиладиган бир тури*)

– أَسْوَانِيٌّ 1) Асвонга оид; 2) Асвонда яшовчи, асвонлик; ◊ حَجَرٌ ~ мин. сиенит

أُسُوجِيٌّ 1. Швецияга оид; шведларга оид; الْـ ~ةُ швед тили; 2) швед, швециялик

I أَسِيَ (а) أَسًى қайғурмоқ, ҳасрат чекмоқ, ғам емоқ, куймоқ, бўзламоқ; VIII ائْتَسَى 1) сабр-тоқат қилмоқ, чидамоқ; 2) (*бирор к.нинг*) орқасидан эргашмоқ (بِـ); (*бирор к.га*) иқтидо қилмоқ (بِـ); (*бирор к.нинг*) орқасида турмоқ (بِـ)

– آسٍ мн آسِيَةٌ ғамга (қайғуга) соладиган, жуда қайғули; قِصَّةٌ آسِيَةٌ ғамгин, аламли қисса; *шуниндек:* қар أسو

– أَسًى ғам, алам; дог; يَحُزُّ الْـ ~ فِي نُفُوسِنَا алам жонимизни ўртамоқда

– أُسًى сабр, сабр-тоқат, таҳаммул

– مَأْسَاةٌ кўп 1) ғам, алам, изтироб, 2) драма; трагедия (фожиа)

– مَأْسَوِيٌّ фожиали, фожиона

أَسَيَوِيٌّ, أَسِيَاوِيٌّ 1. Осиёга оид; 2. осиёлик

أَسَايِطَةٌ кўп أَسْيُوطِيٌّ Асютда яшовчи киши

أَشَا ئِرُ кўп. байроқлар (қар. شور)

أَشَاشٌ 1) фаоллик; 2) ҳордиғи чиққанлик

(أشب) II أَشَّبَ 1) ўрмоқ, тўқимоқ (*мас., сават*); аралаш-қуралаш қилиб юбормоқ; 2) (*бирор н.ни*) тушуниб бўлмайдиган қилмоқ; 3) (*металларни*) эритмоқ; V تَأَشَّبَ 1) ўрилмоқ, тўқилмоқ, аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ; 2) ҳар тарафдан келиб йиғилмоқ (тўпланмоқ); 3) эримоқ (*металл ҳақида*)

– أُشَابَةٌ кўп. أَشَابِيبُ, أُشَابَاتٌ 1) турли-туман оломон, қаланғи-қасанғилар; 2) қотишма; أُشَابَاتٌ فِلِزِّيَّةٌ металл қотишмалари

– أَشَبٌّ ўрмоннинг қалин жойи, чакалакзор, чангалзор

– أَشِبٌّ қалин, дарахтлар билан қопланган (*жой*)

– مُؤَشَّبٌ эгаллаб бўлмайдиган; мустаҳкамланган, мустаҳкам

– إِشْبِينٌ кўп أَشَابِينُ 1) чўқинтирган ота; 2) куёвжўра (*бутхонада никоҳлаш пайтида куёв ёки келин боши устида гулчамбар тутиб турадиган киши*)

I أَشَرَ (а) أَشْرٌ такаббурлик қилмоқ, кибрланмоқ, кеккаймоқ, гердаймоқ; أَشَرَ (и) أَشْرٌ арраламоқ; II أَشَّرَ (*н.гадир*) имзо чекмоқ, виза қўймоқ (عَلَى); عَلَى الطَّلَبَةِ ~ аризага рухсат этиб қўл қўймоқ; ~ الْأَسْنَانَ тишларнинг атрофини қириб ўткирламоқ; V تَأَشَّرَ 1) қайд қилдирмоқ; 2) виза қўйилмоқ

– أَشِرٌ гердайган, кибрланган, такаббур

– أَشَارَى кўп = أَشْرَانُ

– تَأْشِيرٌ 1) ҳужжат устига виза қўйиш; 2) виза

– تَأْشِيرَةٌ кўп ـاتٌ — рухсатнома, виза; ~ اجْتِيَازٍ (مُرُورٍ) транзит визаси; ~ دُخُولٍ бирор мамлакатга келишга рухсат бёрувчи виза, ҳужжат; ~ الْعَوْدَةِ қайтиб кетиш ҳақида виза, ҳужжат

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُؤَشِّرٌ контролёр; индикатор; (*счётчик ва ҳ.к.*) кўрсаткичи

إِشْعَبَاءُ *ат от., мз.* Ишъаё

إِشْفَى *кўп.* أَشَافٍ бигиз

أَشْكِينٌ йўрға

أَشْمُونِيٌّ ашмуний (*пахта нави*)

أُشْنَانٌ ишқор

أُشْنَةٌ мох, йўсин (*зах ерларда, тош, дарахт устида ўсадиган илдизсиз ўсимлик*)

أَشُورِيٌّ 1. ассурийларга оид; اَلْـ~ةُ ассурий тили; 2. ассуриялик

أَصٌّ *кўп.* أَصَاصٌ асос, илдиз, негиз, замин

– أَصِيصٌ *кўп.* أُصُصٌ гулдон, гултувак

I أَصَدَ (*у*) أَصْدٌ (*эшикни*) ёпмоқ; IV آصَدَ = I

I أَصَرَ (*и*) أَصْرٌ ҳибсга олмоқ, қамамоқ

– آصِرَةٌ *кўп.* أَوَاصِرُ алоқа, муносабат; أَوَاصِرُ اَلْأُلْفَةِ وَ اَلْمَحَبَّةِ дўстлик ва севги муносабатлари (алоқалари)

– إِصْرٌ *кўп.* آصَارٌ 1) оғир юк, вазифа, ташвиш, ғам; 2) мажбурият, берилган ваъда

– مِأْصَرٌ *кўп.* مَآصِرُ 1) ғов, тўсиқ; 2) шлагбаум; застава

إِسْطَبْلٌ = إِصْطَبْلٌ

أُسْطُبَّةٌ = أُصْطُبَّةٌ

أَسْطُرْلَابٌ = أَصْطُرْلَابٌ

I **أَصُلَ** (*у*) أَصَالَةٌ 1) ўрнашиб олмоқ, томир (илдиз) ёймоқ; 2) наслнасабли аслзодалардан бўлмоқ; 3) зотли (зоти яхши) бўлмоқ; 4) оригинал, асл бўлмоқ; II أَصَّلَ 1) асл зотини (келиб чиқишини, наслнасабини) аниқламоқ; аждодларини кўрсатмоқ; 2) ... ~ أُصُولاً لِـ (*н.гадир*) пойдевор, асос солмоқ; IV آصَلَ аср намозидан шомгача бўлган пайтда кирмоқ *ёки* келмоқ; V تَأَصَّلَ 1) илдиз отмоқ, томир ёймоқ, ўрнашиб олмоқ; 2) (*к.нигадир*) насабидан келиб чиққан бўлмоқ (مِنْ); X اِسْتَأْصَلَ 1) илдизи билан суғуриб олмоқ, олиб (юлиб) ташламоқ, кўчириб ташламоқ; 2) бутунлай йўқ қилмоқ; ~ شَأْفَةَ *қар.* شَأْفَةٌ

– اِسْتِئْصَالٌ 1) таг-томири билан йўқ қилиш; илдизини (тухумини) қуритиш, битириш, барҳам бериш; 2) олиб ташлаш; ~ جِرَاحَةُ اَلزَّائِدَةِ اَلدُّودِيَّةِ аппендэктомия; жарроҳлик йўли билан кўр ичакни (аппендиксни) кесиб олиб ташлаш

– أَصَالَةٌ 1) келиб чиқиш; 2) аслзодалик; 3) ўзига хослик; асллик, оригиналлик; ~ أَهْلُ اَلْـ~ асл одамлар, бетакрор (ўзига хос) одамлар; 4) мустақиллик; 5) қатъийлик, мустаҳкам иродалилик, собитлик; ~ اَلرَّأْيِ тафаккурнинг соғломлиги; 6) *грам.* ўзакка алоқадорлилик (*ундош товуш ҳақида*); تَوَهُّمُ ~ اَلتَّاءِ فِي اَلْفِعْلِ اِتَّقَى "اِتَّقَى"– ғалат феълидаги ت ўзакка алоқадор деб ўйлаш қўпол хатодир; ◊ ... وَ بِوَكَالَةٍ مِنْ ~ шахсан ва ...нинг топшириғига биноан; ... بِالْـ~ عَنْ نَفْسِي وَ بِالنِّيَابَةِ عَنْهُ أَرْجُو шахсан ўзим ва унинг номидан сўрайманки, ...

– أُصُولٌ *кўп.* أَصْلٌ 1) илдиз; وَ فَصْلٌ ~ илдиз ва решалар, لاَ ~ لَهُ асли ва фарзи йўқ; 2) асос, замин, моҳият; لَيْسَ وَ لاَ فَصْلٌ *маж.* у аслзодалардан эмас; أُصُولٌ اَلْمَوْضُوعِ هَذَا مِنْ ~ бунинг масала моҳиятига алоқаси йўқ; اَلْـ~ وَ فُرُوعٌ асосий ва иккинчи даражали қисмлар (бўлаклар); اَلْفَوَائِدُ اَلْـ~ асосий капитал ва фойда (процент) лар; 3) бошланиш; فِي اَلْـ~ а) дастлаб; б) асосан; аслини олганда; كُلُّ (سَيَرْجِعُ) سَيَعُودُ إِلَى ~ هِ ҳамма нарса ўз аслига қайтади; 4) принцип; 5) келиб чиқиш; هُوَ جَزَائِرِيُّ اَلْـ~ шарифъ аслзода, зодагон; نَبَتِيُّ اَلْـ~ ўсимликдан олинган, келиб чиққан, пайдо қилинган; حَيَوَانِيُّ اَلْـ~ ҳайвондан олинган, келиб чиққан, пайдо қилинган; ~ اً а) асли (*қаердандир*); عَرَبِيٌّ ~ اً асли араблардан; б) мутлақо, бутунлай (*бўлишсиз маънодаги феъл билан келганда*); مَا فَعَلَهُ ~ اً у буни мутлақо (бутунлай) қилмаган; لَنْ يَفْعَلَهُ ~ اً у буни мутлақо қилмайди; 6) жинс; 7) сабаб; 8) асл нусха, оригинал; 9) умумий миқдор, жамъ; сумма; 13 مِنْ ~ 40 умумий миқдор бўлган 40 дан 13; 10) *кимё.* асос

– أَصَلَةٌ *кўп.* اتٌ бўғма илон, питон

– أَصْلِيٌّ 1) туб жойли; ерли; ~ سَاكِنٌ абориген, туб жой аҳолиси; 2) асосий; اَلْـ~ةُ اَلْجِهَاتُ дунё мамлакатлари, ~ عَدَدٌ саноқ сон; ~ عُضْوٌ (*қандайдир жамиятнинг*) ҳақиқий аъзоси; 3) дастлабки; 4) асосий; اَلْـ~ةُ اَللُّغَةُ она тили; اَلْـ~ةُ اَلْبِلاَدُ она ватан; 5) оригинал, асл (нусха); ~ حَرِيرٌ табиий ипак, асл ҳарир

– أَصْلِيَّةٌ аслига тўғрилик, аслига мослик, асл нусхага мувофиқлик

– أُصُولٌ *кўп.* усуллар, асосий қоидалар, тартиблар, қонун-қоидалар, жорий тартиб; دَعَا إِلَى اِتِّبَاعِ اَلْـ~ тартиб-қоидага риоя қилишга чақирмоқ; ~ حَسَبَ اَلْـ~ *ёки* ~ طِبْقًا لِلْـ~ қоидага мувофиқ; тартибга кўра, ~ عَلَى اَلْـ~ ҳамма қоида бўйича; أُصُولُ اَلتَّعْلِيمِ таълим методикаси, услубияти; عِلْمُ أُصُولِ اَلدِّينِ дин асослари ҳақидаги фан; ислом теологияси; اَلْفِقْهِ ~ мусулмон қонуншунослиги; фиқҳ илми; ... اَلْـ~ هُنَا أَنَّ а) гап (масала) шундаки, ...; б) бу ерда одат (қоида) шундайки, ...; 2) *ҳис.* актив (*баланснинг кирим, даромад ва моддий бойликлар ёзиладиган қисми*); وَ خُصُومٌ ~ актив ва пассив (*корхонанинг қарз ёки мажбуриятлари мажмуи*)

– أُصُولِيٌّ 1) қонун-қоида билан келишилган, рози бўлган; қонуний; لَمْ يُحَلْ بَعْدُ إِلَى اَلْمُحَاكَمَةِ اَلْـ~ةِ у ҳали судга берилмаган; 2) *мол.* моддий актив билан боғлиқ (алоқадор);

www.ziyouz.com kutubxonasi

مُسْتَنَدَاتٌ ~ةٌ мол-мулкка, активга доир ҳужжатлар

– أَصِيلٌ[1] *кўп* أَصَائِلُ, أُصَلاَءُ 1) аслзода, насл-насаблик; оқсуяк, зодагон, 2) зотдор, зотли; 3) асл, ҳақиқий; 4) табиий, туғма; ~ عَيْبٌ туғма айб (нуқсон); ~ النَّزْعَة асл нусха, кўчирилган эмас; 5) шу жойда туғилган, аслида шу ерлик; 6) ҳимоячига ўз ваколатини топширган даъвогар. ~ الرَّأْي фикри қатъий, қатъий фикрли

– أَصِيلٌ[2] *кўп* أُصُلٌ, أَصَائِلُ, آصَالٌ оқшом, ғира-шира пайт; аср намозидан шомгача бўлган пайт

– أَصِيلَةٌ мол-мулк, актив

– تَأْصِيلٌ (*мас., сўзнинг*) келиб чиқишини аниқлаш; ~ عِلْمُ الـ этимология (*линг. 1) тилшуносликнинг сўзларнинг келиб чиқишини текширадиган бўлими; 2) сўзнинг келиб чиқиши*)

– تَأْصِيلَةٌ келиб чиқиш; насаб, насл-насаб, шажара

– مُؤَصَّلٌ наслдор, зотдор, зотли

– مُتَأَصِّلٌ 1) илдиз отиб (сингиб) кетган; 2) суякка (қонга) сингиб кетган; ~ةٌ عَدَاوَةٌ суякка сингиб кетган адоват (душманлик, ёвлик)

I أَطَّ (*a/u*) أَطِيطٌ 1) мунгли (ҳазин) овоз чиқармоқ (*туя ҳақида*); 2) ғижирлатмоқ, 3) қулдирамоқ, қулдур-қулдур қилмоқ (*қорин ҳақида*)

I أَطَرَ (*y. u*) أَطْرٌ эгмоқ, букмоқ; қайирмоқ; II أَطَّرَ 1) эгмоқ; 2) рамка ичига солмоқ (олмоқ) (*Сурияда*)

– إِطَارٌ *кўп* إِطَارَاتٌ, أُطُرٌ 1) ром, гардиш, 2) тўғин, чамбарак, ҳалқа; ~ الْبِرْمِيلِ чамбарак; ~ الْعَجَلَة тўғин, ғилдирак тўғини; ~ مَطَّاطٌ каучук (резина) шина; 3) бош кийим гардиши, жияги, кизаги. ◊ ~ التَّعَاوُنِ الْاقْتِصَادِيِّ иқтисодий ҳамкорлик доирасида

– إِطَارَاتٌ *кўп.* кадрлар (*Шим. Африкада*)

أُطْرُغْلَةٌ *кўп* ~اتٌ ғуррак, қумри, мусича

إِطْرِيَّةٌ *қар* طِرْو

أَطْلَسٌ[1] атлас (*мато*)

أَطْلَسٌ[2] *кўп* أَطَالِسُ атлас (*карта, суврат. расм. жадваллар тўплами*)

– أَطْلَسِيٌّ атлантик, Атлантикага оид; الْحِلْفُ الـ~ الشَّمَالِيُّ Шимолий Атлантика блоки

أَطَامٌ *мед* сийдик тутилиши

– أُطُمٌّ *кўп* آطَامٌ минора; қаср, сарой, истеҳком

– أُطُومٌ *зоол.* дюгон (*сувда яшашга мослашган сут эмизувчи ҳайвон*)

أَغَا *кўп* أَغَوَاتٌ 1) оға (*феодал, ер эгасига бериладиган унвон*); жаноб; 2) ҳарам оғаси, ҳарам ходими (*бичилган қул*)

إِغْرِيقِيٌّ 1. Грецияга, грекларга оид; ~ةٌ الـ грек тили; 2. грек

أُغُسْطُسُ август

أَغُورٌ оғур (*қадимги яҳудийлар тангасининг номи*)

(أف) V تَأَفَّفَ 1) афсусланмоқ, пушаймонлик ҳис қилмоқ; 2) нафрат, жирканиш ҳис этмоқ; (*н.дандир*) ҳазар қилмоқ (ب)

– أُفٌّ ~ الْأُذُنِ қулоқ кири (*қулоқ ичидаги олтингугурт*)

– أُفٌّ *ундов сўз.* туф-туф-э! (*жирканиш*) ~ لَكَ туф сенга!

– تَأَفُّفٌ нафратланиш; жирканиш; норозилик туйғуси, ҳисси

أَفَاوِيهُ *қар* فَوْه

إِفْرَنْجٌ *жам* овруполиклар, ~ بِلَادُ الـ Оврупо

– إِفْرَنْجِيَّةٌ *кўп* إِفْرَنْجِيٌّ 1.Оврупога оид; 2.овруполик, ◊ ~ مَرَضٌ сифилис, захм (*сўзма-сўз*: Оврупо касали)

إِفْرَنْسِيٌّ 1.Францияга, французларга оид; ~ةٌ الـ француз тили; 2. француз

إِفْرَنْكِيٌّ = إِفْرَنْجِيٌّ

أَفْرُو أَسِيَوِيٌّ Афро-Осиёга оид

أَفْرُو أَمِيرِكِيٌّ Афро-Америкага оид

إِفْرِيزٌ, أَفَارِيزُ *кўп.* 1) фриз (*бино пештоқидаги, гилам, паркет четларидаги нақшли ҳошия*); карниз; 2) чет, қирғоқ; ~ الطَّرِيقِ йўл чети, қирғоғи; ~ الْمَحَطَّةِ перрон (*темир йўлларда*)

إِفْرِيقِيٌّ 1. Африкага, африкаликларга оид; 2. *кўп* أَفَارِقَةٌ, إِفْرِيقِيُّونَ африкалик

أُفْسَتٌ *полигр.* офсет; ~ طِبَاعَةُ الـ офсет босмаси (*қолипдаги расмни олдин резинага кўчириб. сўнгра қоғозга босиш усули*)

إِفْسَتِينٌ, أَفْسَتِينٌ 1) шувоқ, явшон; 2) эрмон (*ўсимлик ва ундан тайёрланадиган ичимлик*)

إِفْشِينٌ *кўп* أَفَاشِينُ 1) (*ибодат ва муборакбод қилиш*) шакли, йўли. 2 *дин.* лития (*христианларда – бутхонада қилинадиган ибодат*)

أَفْغَانُ *жам* Афғонлар

– أَفْغَانِيٌّ 1. Афғонистонга, афғонларга оид; 2. афғонистонлик

I أَفَقَ (*u*) أَفْقٌ дунёни кезиб юрмоқ, турли жойларда тентираб, изғиб юрмоқ

– أَفَّاقٌ 1) саёҳатчи; турист; 2) саргузаштлар орзуманди, саргузашт изловчи, авантюрист

– أُفْقٌ *кўп* آفَاقٌ 1) уфқ, уфқ чизиғи; ~ الْحَقِيقِيُّ ҳақиқий уфқ; ~ الظَّاهِرِيُّ кўриниб турган уфқ; 2) савия, билим даражаси; سَعَةُ ~ кенг қамровли билим доираси; ~ واسِعُ кенг билимли; ~ ضَيِّقُ билим доираси тор, саёз; ~ ضَيِّقُ тор, саёз билим, дунёқараш, 3) *кўп* а) *кўч м* (*келгусидаги*) уфқлар; فَتَحَ آفَاقًا (جَدِيدَةً) б) الْآفَاقُ дунё, олам

– أُفُقٌ = أُفْقٌ

– أُفُقِيٌّ горизонтал; ~ إِحْدَاثِيٌّ *мат* абсцисса

– أُفُقِيَّةٌ 1) горизонталлик; 2) *мат* абсцисса

– مِنْفَاقٌ перископ (*бекик жойдан туриб кузатиладиган оптик асбоб*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **أَفَكَ** (*u*) أَفْكٌ 1) ёлғон гапирмоқ; туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ; 2) йўлдан урмоқ, чалғитмоқ (عَنْ); أُفِكَ ақли паст бўлмоқ, паст ақлли бўлмоқ, фикри ожиз бўлмоқ, ожиз фикрли бўлмоқ; VIII اِئْتَفَكَ тўнтарилмоқ, ағдарилмоқ

– أَفَّاكٌ ёлғончи, туҳматчи, бўҳтончи

– إِفْكٌ ёлғон, туҳмат, бўҳтон

– مَأْفُوكٌ 1) ақли паст, паст ақлли; 2) фикри ожиз, ожиз фикрли

– مُؤْتَفِكَاتٌ *кўп* 1) *тар.* Оллоҳ таоло Лут аҳли устига ағдариб ташлаган шаҳарлар; 2) йўналиши ўзгариб турадиган шамоллар

I **أَفَلَ** (*y*) أُفُولٌ ботмоқ (*қуёш, ой, юлдузлар ҳақида*)

– أُفُولٌ *мз.* ботиш (*қуёш, ой, юлдузлар ҳақида*)

إِفْلَاطُونُ *ат.от. мз.* Афлотун

– إِفْلَاطُونِيٌّ 1) Афлотунга оид; 2) руҳий, маънавий, عَطْفٌ (حُبٌّ) ~ руҳий ишқ; маънавий муҳаббат

– إِفْلَاطُونِيَّةٌ (الْحَدِيثَةُ): ~ الْحَدِيثَةُ неоплатонизм, янги платонизм (*антик фалсафа: унга кўра, яшашдан мақсад руҳни танадан, гуноҳлардан озод этиб, илоҳий моҳиятга яқинлашишдир*)

I **أَفَنَ** (*a*) أَفَنٌ, أَفْنٌ аҳмоқ бўлмоқ, нодон бўлмоқ

– أَفِنٌ аҳмоқ, эси паст, калтафаҳм, фаросатсиз, ақлсиз

– مَأْفُونٌ аҳмоқ; أَحْمَقُ ~ қипқизил аҳмоқ

أَفَنْدِيٌّ *кўп* أَفَنْدِيَّةٌ афанди, жаноб

أَفُوكَاتُو ҳимоячи, адвокат; ~ الْعُمُومِيُّ прокурор, давлат қораловчиси

أَفْيُونٌ афюн, кўкнори; ~ صِبْغَةُ кўкноридан тайёрланган суюқлик (ичимлик)

– أَفْيُونْجِيَّةٌ *кўп* أَفْيُونْجِيٌّ афюн кашандаси

أُقَّةٌ *кўп* أُقَقٌ, أُقَاتٌ уққа (*400 дирҳамга (қар.* دِرْهَمٌ*) ёки 1,248 кг.га тенг оғирлик ўлчови*)

أَقَاقِيَا Миср акаси, акацияси (*оқ ёки сариқ гулли дуккакли дарахт, бута*)

أَقْحُوَانٌ *кўп* أَقَاحِ = قُحْوَانٌ

أَقْرَبَاذِينٌ, *кўп.* اتٌ ـــ фармакология (*доривор моддаларнинг организмга таъсир этишини ўрганувчи фан*); фармацевтика (*дори-дармон тайёрлаш, сақлаш ва беморларга бериш ҳақидаги амалий фан*)

– أَقْرَبَاذِينِيٌّ фармацевтика ва фармацевтга оид

إِقْطٌ, أَقِطٌ *кўп* أَقْطَانٌ пишлоқ, сузма

أَقْلَمَ иқлимлаштирмоқ; تَأَقْلَمَ иқлимлашмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَبْرُوكٌ 1. худонинг марҳаматига сазовор бўлган, баракотли, омадли, бахтли; !~ (*янги кийим ва б. н.*) муборак бўлсин!, қутлуғ бўлсин!, 2. *am.ot. мз.* Маврук

بِرْكَارٌ циркуль, паргар

بِرْكَالٌ перкаль (*техникада ишлатиладиган батистсимон газлама*)

بُرْكَانٌ *кўп.* بَرَاكِينُ вулқон; ثَائِرٌ ~ ҳаракатдаги вулқон; خَامِدٌ ~ ўчган вулқон; ~ الْـ مَقْذُوفَاتُ *ёки* ~ الْـ مَقْذُوفُ вулқон ҳаракати (фаолияти) натижасида ҳосил бўлган нарсалар; ~ الْـ فُوهَةُ кратер, вулқон оғзи

– بُرْكَانِيٌّ вулқонга оид; ~ الْـ النَّشَاطُ вулқон ҳаракати (фаолияти); ~ الْـ مَقْذُوفَاتٌ вулқон лаваси (*вулқонлардан оқиб, отилиб чиқадиган суюқ чўғ модда*)

بَرْكِيَةٌ паркет

بَرْلَمَانٌ *кўп.* ـَـ اتٌ парламент (*қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи*)

– بَرْلَمَانِيٌّ парламентга оид

– بَرْلَمَانِيَّةٌ парламентаризм (*бошида парламент турган давлат тузуми*)

بِرِلِّيُومٌ *кимё.* бериллий (*кулранг енгил металл*)

I (برم) بَرَمَ (*у*) بَرْمٌ 1) айлантирмоқ, бурамоқ; қайирмоқ; эшмоқ, ўрамоқ; йигирмоқ, пишитмоқ; 2) санкция (розилик, рухсат) бермоқ; тасдиқламоқ; ратификация қилмоқ; (*н. нидир*) тасдиқламоқ (*мас. имзо билан*); 3) айланмоқ, буралмоқ; ҳаракатланмоқ; بَرِمَ (*а*) بَرَمٌ 1) хавотирланмоқ, ташвишланмоқ; 2) норози бўлмоқ; дили оғримоқ, жаҳли чиқмоқ, зардаси қайнамоқ (ب); (*н. дандир*) жирканиш ҳиссини туймоқ (مِنْ); IV أَبْرَمَ 1) айлантирмоқ, бурамоқ, эшмоқ, ўрамоқ; 2) тўла ҳал қилмоқ; тасдиқламоқ; 3) (*аҳднома, иттифоқ*) тузмоқ; 4) зериктирмоқ, жонга тегмоқ, безор қилмоқ; V تَبَرَّمَ 1) қайғурмоқ, ташвишланмоқ; 2) (*н. дандир*) норози бўлмоқ, дили оғримоқ, ранжимоқ (مِنْ); (*н. дандир*) қийналмоқ, машаққат чекмоқ (ب); 3) қайғу чекмоқ; муҳтож бўлмоқ; VII اِنْبَرَمَ 1) айланмоқ, буралмоқ, эшилмоқ, ўралмоқ; 2) тасдиқланмоқ, рухсат берилмоқ; ратификация қилинмоқ

– إِبْرَامٌ 1) бураш, эшиш, ўраш, йигириш; 2) (аҳдрашув) тузиш; 3) тасдиқлаш; санкция (розилик) бериш; ратификация қилиш; قَرَارَاتُ ~ الْـ ратификацион ёрлиқлар; ~ الْـ مَحْكَمَةُ النَّقْضِ وَ шикоят суди

– بَرْمٌ 1) бураш, эшиш, йигириш; 2) тасдиқлаш; санкция (розилик) бериш; ратификация

– بَرَمٌ ўкинч, ачиниш, ранж, норозилик, мамнун эмаслик; ~ بِـ норозилик билан

– بَرِمٌ норози, дили оғриган, ранжиган

– بَرَّ بَرْمَائِيٌّ *қар.*

– بَرْمَةٌ *кўп.* بَرَمَاتٌ айланиш, айлана, доира, давра

– بُرْمَةٌ *кўп.* بُرَمٌ, بِرَامٌ 1) кастрюл (*идиш*); овқат пириширш учун фойдаланиладиган идиш; 2) *шунингдек:* ~ مِسْمَارُ винт, бурама мих, мурват

– بَرِيمٌ чилвир; арғамчи

– بَرِّيمَةٌ *кўп.* ـَـ اتٌ, بَرَارِيمُ 1) штопор (*шиша тиқинини очадиган пармасимон асбоб*); 2) парма, дастпарма; 3) бурғу; الْـ ~ الْعِمْلَاقَةُ улкан, катта бурғу

– تَبَرُّمٌ нотинчлик, хавотирлик, безовталик, ташвиш, таҳлика; 2) ўкинч, ачиниш, ранж; норозилик

– مُبْرَمٌ[1] узил-кесил ҳал қилинган; қайтариб бўлмайдиган, бўлиши аниқ (муқаррар); ўзгармас, бузилмас, қатъий; قَضَى عَلَيْهِ ~ًا قَضَاءً ниманидир узил-кесил тугатмоқ, бартараф қилмоқ; 2) ратификация қилинган

– مُبْرَمٌ[2] 1) икки қават қилиб йигирилган; 2) кийим номи

– مِبْرَمٌ *кўп.* مَبَارِمُ дуқ, йиғ; урчуқ

– مَبْرُومٌ 1) эшилган; 2) юмалоқ, думалоқ

– مَبْرُومَةٌ *кўп.* مَبَارِيمُ бурама билакузук

بَرْمَجَ режалаштирмоқ, планлаштирмоқ; программалаштирмоқ (*ҳисоблаш машиналарини*); ҳисоблаш машинасига ишлаш учун программа бермоқ (ўрнатмоқ)

– بَرْمَجَةٌ режалаштириш, планлаштириш; программалаш; لَجْنَةُ ~ الْـ لِلدَّوْلَةِ давлат режалаштириш қўмитаси

مُبَرْمَجٌ режалаштирилган, режага киритилган, планли; غَيْرُ ~ режалаштирилмаган, плансиз; ~ الْـ الْاقْتِصَادُ планли (планга асосланган) хўжалик; ~ بِشَكْلٍ планли равишда

بَرْمَقٌ *кўп.* بَرَامِقُ 1) нақшинкор устунча (*панжара ва ш.к. ларда*); 2) (*ғилдиракдаги*) кегай

بَرْمَكِيٌّ *кўп.* بَرَامِكَةٌ 1) *тар.* Бармакий; 2) лўли

بَرْمَهَاتُ барамҳот (*қибт тақвимининг 7-ойи*)

بَرْمُودَةُ бармуда (*қибт тақвимининг 8-ойи*)

بَرْمِيلٌ *кўп.* بَرَامِيلُ 1) бочка (*идиш*); ~ بَارُود порох (милтиқдори) ли бочка; ~ الْـ ضِلْعُ бочка тахтаси; ~ الْـ طُوقُ бочка гардиши, чамбараги; ~ الْـ الْفَارِغُ يَرِنُّ саёз сув шалдираб оқади (*сўзма-сўз:* бўш бочка қаттиқроқ қалдирайди); 2) баррель (*суюқлик ўлчов бирлиги*)

– بَرَامِيلِيَّةٌ *кўп.* بَرَامِيلِيٌّ *ёки* بَرَامِيلِجِيَّةٌ *кўп.* بَرَامِيلِجِيٌّ бочкасоз, бочка ясовчи уста

بَرْنِيٌّ хурмо навларидан бири

بَرْنَامَجٌ *кўп.* بَرَامِجُ 1) программа (*1. бирор иш-фаолият режаси; 2. бирор сиёсий арбоб ёки ташкилотнинг мақсади ифодаланган баёнот; 3. ўқув предметининг қисқа мазмуни, мундарижаси*); план; мундарижа, жадвал; ~ دَاخِلِيٌّ устав, низом; ~ السَّنَوَاتِ الْخَمْسِ беш йиллик план; ~ شِفْرِيٌّ (*электрон ҳисоблаш машиналари учун*) программа; ~ بِـ زَوَّدَ شِفْرِيٌّ (*ҳисоблаш машинаси учун*) программа ўрнатмоқ; 2) иш тартиби, белгилаб берилган вақт; 3) каталог (*алифбо тартибида тузилган рўйхат*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

بُرْغُلٌ креп (*юпқа қора ғижим газмол*)

بُرُنْزٌ бронза, бринж

– بُرُنْزِيٌّ бринждан ясалган; бронза рангли, буғдой ранг; офтобда тобланиб қорайган ранг

(برنس) بَرْنَسَ барнусни (*бош кийими*) киймоқ

– بُرْنُسٌ *кўп.* بَرَانِسُ 1) яктак; капюшон (*устки кийим ёқасига бириктириб тикиладиган қайтарма қалпоқ*) ли плашч; ~ الْحَمَّامِ чўмилганда кийиладиган халат; 2) илк ислом даврида қаландарлар кийган чўзиқ бош кийими, кулоҳ

– بِرِنْسٌ *кўп.* اتٌ — шаҳзода, принц

– بِرِنْسِيسَةٌ, بِرِنْسِيسٌ *кўп.* اتٌ — малика, принцесса

بَرْنَطَ, تَبَرْنَطَ шляпа киймоқ

– بُرْنَيْطَةٌ *кўп.* بَرَانِيطُ шляпа; ёш болаларнинг иссиқ бош кийими; ~ اللَّمْبَةِ абажур, лампа қалпоғи

– بَرَانِيطِيٌّ шляпадўз, қалпоқ тикувчи

– مُبَرْنَطٌ шляпа кийган

بَرْنُوقٌ *бот.* бурга ўт (*ўсимлик*)

بَرْنِيقٌ бегемот, сув оти

بَرْنِيَّةٌ *кўп* بَرَانِيُّ сопол (лойдан ясалган) идиш

بَرَاهِمَةٌ *кўп.* элчиларнинг Оллоҳ таоло томонидан юборилганлигини инкор қилган одамлар гуруҳи

– بَرَهْمَا Браҳма (*Ҳиндистондаги қадимги дин илоҳи*)

– بَرَهْمَنٌ *кўп.* بَرَاهِمَةٌ браҳман (*Ҳиндистонда олий табақаларга мансуб киши*)

– بَرَهْمِيَّةٌ, بِرَهْمِيَّةٌ браҳманизм (*Ҳиндистондаги қадимги дин*)

بَرْهَنَ (*н. нидир*) исботламоқ, тасдиқламоқ (عَلَى); далил келтирмоқ, важ қилмоқ; تَبَرْهَنَ исботланмоқ

– بُرْهَانٌ *кўп.* بَرَاهِينُ исбот, далил; важ, сабаб, аргумент

– بَرْهَنَةٌ исботлаш, далил кўрсатиш, далиллаш

– مُبَرْهَنٌ: عَلَيْهِ ~ исботланган, далилланган

بُرْهَةٌ *кўп.* بُرَهَاتٌ, بُرَدٌ қисқа вақт, кўз очиб-юмгунча ўтган вақт, лаҳза, он, фурсат, дам, нафас; مِنَ الزَّمَانِ ~ бир оз фурсатда, қисқа вақт ичида; ~ كُلِّ فِي истаган пайтда

– بَرَهُوتُ Хадрамавтдаги қудуқнинг номи (*айтишларича, кофирларнинг руҳи ўша қудуқдадир*); خَيْرُ بِئْرٍ فِي الْأَرْضِ زَمْزَمُ وَ شَرُّ بِئْرٍ فِي الْأَرْضِ ~ *ҳад.* ер юзидаги қудуқларнинг энг яхшиси Замзам, энг ёмони эса Бараҳутдир

– بُرْهِيٌّ оний, бир лаҳзада содир бўладиган

بَرْهِيزٌ парҳез

بُرُوبَاغَنْدَةٌ пропаганда, тарғибот, ташвиқот

بُرُوتِسْتَانْتِيٌّ 1. протестантликка оид; 2. протестант (*насронийларда протестантлик мазҳабидаги одам*)

بُرُوتِسْتَاتٌ *кўп* بُرُوتِسْتَاتُو протест, қатъий норозилик; эътироз билдириш

بُرُوتُوبْلَازْمٌ протоплазма (*тирик организм ҳужайраларидаги ҳаётий жараёнлар учун керакли модда*)

بُرُوتُوكُولٌ *кўп.* اتٌ — протокол, қарор, бирор фактни тасдиқлаш ёки қандайдир битимлар ҳақидаги ҳужжат

– بُرُوتُوكُولِيٌّ протоколга оид

بُرُوتُونٌ, بُرُوتُونٌ *кўп* اتٌ — протон (*ҳамма атомларнинг таркибида мавжуд бўлган мусбат зарядли элементар заррача*), ~ مُتَعَادِلٌ нейтрон

بُرُوجْرَامٌ программа

بُرُوجِيٌّ *кўп.* بُرُوجِيَّةٌ карнайчи

بَرْوَزَ рамкага солмоқ, ҳошияламоқ

– بَرْوَازٌ *кўп.* بَرَاوِيزُ, بَرَاوِزُ рамка, дераза, ром

– بَرْوَزَةٌ рамкага (деразага) солиш, ҳошиялаш

بُرُوسِيَانِيٌّ 1. Пруссияга ва пруссияликларга оид; 2. пруссиялик, Пруссияда яшовчи

بُرُوشٌ *кўп.* اتٌ — тўғнағич

بُرُوغْرَامٌ = بُرُوجْرَامٌ

بُرُوفَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) текшириб кўриш, тажриба, синов, текшириш; (*кийимни*) кийиб кўриш; 2) корректура (*босилган текстни ўқиб, хатоларини тузатиш*); صَحَّحَ بُرُوفَاتِ корректура қилмоқ; 3) репетиция, тайёргарлик (*бирор нарсани омма олдида ижро этиш олдидан машқ қилиш*)

بُرُولِيتَارِيَّةٌ, بُرُولِتَارِيَا пролетариат

– بُرُولِتَارِيٌّ 1. пролетарга оид; 2. пролетар

بُرُومٌ, بُرُومٌ *кимё.* бром

بُرُومِيدٌ бромид

بَرُومِتْرٌ *кўп.* اتٌ — барометр

بُرُونْزٌ, بُرُونْزٌ бронза, биринж

– بُرُونْزِيٌّ, بُرُونْزِيٌّ 1) бронзага оид; 2) бронза ранг

بَرَوَةٌ *кўп.* بَرَوَاتٌ қолдиқ; ~ الصَّابُونِ мағзава

بَرْوَةٌ бурун, тумшуқ (*кеманинг олд қисми*)

I **بَرَى** (*и*) بَرْيٌ 1) ўткирламоқ, учламоқ (*қаламни*), 2) дармонни қуритмоқ; толиқтирмоқ, чарчатмоқ; 3) тирнаб (тилиб, шилиб, синдириб, қириб) юбормоқ; (*оёқни*) ишқалаб қавартирмоқ, қадоқ қилиб қўймоқ; 4) яратмоқ, бунёдга келтирмоқ, барпо қилмоқ; III بَارَى (*н. дадир*) мусобақалашмоқ; рақиб бўлмоқ, рақобат қилмоқ, баҳслашмоқ (فِي);2) тақлид қилмоқ; V تَبَرَّى (تَبَرَّأَ *билан бир хил*) (*н. дандир*) қутилмоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ (مِنْ); VI تَبَارَى л) бир-бири билан мусобақалашмоқ, баҳслашмоқ, беллашмоқ; 2) (*к. гадир*) қарши) чиқмоқ (ضِدَّ); VII انْبَرَى 1) (*к. гадир қарши чиқмоқ*

www.ziyouz.com kutubxonasi

(ـــلـ); 2) бошламоқ;3) ўткирланган, учланган бўлмоқ

بُرَايَةٌ = بُرَاءٌ

– بَرَّاءَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) қаламтарош, пакки; 2) қалам учини йўнадиган асбоб

– بَرَّايَةٌ = بَرَّاءَةٌ

– بُرَايَةٌ қиринди, резги

– بَرًى 1) ер, тупроқ; 2) чанг, ғубор

– بَرْيٌ 1) учини очиш, чиқариш, йўниш; ўткирлаш, чархлаш, қайраш; 2) *геол.* абразия (*қирғоқларнинг денгиз томонидан емирилиш жараёни*)

– بَرِيَّةٌ *қар.* بَرَأَ

– بَرِّيَّةٌ *қар.* بَرَّ

– مُبَارَاةٌ *кўп.* مُبَارَيَاتٌ 1) мусобақа, беллашув; الْمُبَارَيَاتُ النِّهَائِيَّةُ финал (якунловчи) мусобақалар; ... عَلَى كَأْسِ الـــ ...нинг кубоги (соврини) мусобақалари; ~ الشَّطْرَنْجِ шахмат мусобақаси; 2) тақлид қилиш, ўхшаш, ўхшатиш

– مِبْرَاةٌ *кўп.* مَبَارٍ қаламтарош, пакки

– مِبْرِيٌّ - ўткирланган, учланган, йўнилган

بَرَى *мед* бари-бари (*$Б_1$ витамини етишмаслиги натижасида пайдо бўладиган касаллик, авитаминоз*)

بَرِيتُونٌ қорин пардаси; ~ الْتِهَابُ الـــ *мед* перотонит, қорин пардасининг яллиғланиши

بَرِيطَانِيٌّ 1. Британияга оид; 2. британиялик

بَرِيطُونٌ = بَرِيتُونٌ

بَرِيلْيُومٌ *кимё* бериллий

بَرِيمُوسٌ *кўп.* اتٌ ـــ примус

بَرِيُومٌ *кимё* барий

I **بَزَّ** (*a/y*) بَزٌّ 1) тортиб олмоқ, ажратиб олмоқ, ўғирламоқ, олиб қочмоқ; 2) (*к. дандир*) ғолиб бўлмоқ, устун келмоқ, енгмоқ, ортиқ бўлмоқ, ўтиб кетмоқ (عَلَى); ~ مَنْ عَزَّ *мқл.* ғолиб келган талайди; VIII اِبْتَزَّ тортиб олмоқ; ўғирламоқ, олиб қўймоқ; айёрлик билан қўлга киритмоқ, алдаб-сулдаб олмоқ (*пулни*)

– اِبْتِزَازٌ ўғирлаш, олиб кетиш; ўзлаштириш, эгаллаб (ўзиники қилиб) олиш; алдаб-сулдаб олиш

– بَزٌّ кўп بُزُوزٌ 1) газлама; 2) ип газлама; полотно (*газламанинг қалинроқ тури*); бўз, хом сурп

– بِزٌّ *кўп.* بِزَازٌ 1) (*аёлларнинг*) кўкраги; ~ وَلَدٌ عَلَى الـــ эмадиган бола; 3), елин, эмчак; 3) шох, бутоқ

– بَزَّازٌ баззоз, газмол сотувчи

– بَزَّازَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ сўрғич, эмизғич

– بِزَّةٌ *кўп.* بِزَّاتٌ 1) кийим-кечак, кўйлак, либос; ~ رَسْمِيَّةٌ расмий кийим; ~ الْعَمَلِ иш кийими, коржома; 2) ташқи кўриниш, қиёфа, шамойил, қад, қомат, жусса

– مُبَزَّرٌ сербутоқ, сершох; эгри-бугри

بَزَابِيزُ *кўп.* بَزْبُوزٌ 1) жўмрак (*чойнакдаги*); 2) (*сув*) чиқиб кетадиган тешик; кран, жўмрак, чумак

I **بَزَرَ** (*u, y*) بَزْرٌ экмоқ, тикмоқ; II بَزَّرَ уруғ (дон) бермоқ (*ўсимлик ҳақида*)

– أَبَازِيرُ *кўп.* зираворлар, дориворлар

– بَزَّارٌ уруғфуруш, уруғ сотувчи

– بِزْرٌ *жам.* بُزُورٌ уруғ; ~ الْكَتَّانِ зиғир уруғи (*дони*); ~ قَطُونَا *бот.* баргизуб, зубтурум; أَبْزَارٌ *кўп* (*овқатга солинадиган*) дориворлар

– بَزْرَاءُ тез-тез туғадиган аёл

– بِزْرَةٌ *кўп* بِزَرَاتٌ уруғ, дон; ~ الثَّمْرَةِ (*мева*) уруғи; ~ الْقُطْنِ пахта уруғи (чигит)

– بُزَيْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ *бот.* спора (*гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи бир ҳужайрали жониворларнинг урчиш органи*)

بَزْرَمِيطٌ дурагай, чатишма, гибрид

I **بَزَغَ** (*y*) بُزُوغٌ чиқмоқ, кўтарилмоқ (*қуёш, ой ҳақида*); بَزَغَ (*a*) بَزْغٌ кесмоқ (*жарроҳликда*)

– بُزُوغٌ чиқиш (*қуёш, ой ҳақида*)

– مِبْزَغٌ жарроҳлик пичоқчаси, пичоғи

I **بَزَقَ** (*y*) بَزْقٌ тупурмоқ, туфламоқ; II بَزَّقَ тез-тез, кўп тупурмоқ

– بُزَاقٌ 1) тупук; 2) сўлак, сўлакай

– بَزَّاقَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) тупдон; 2) шиллиқ қурт, чиғаноқ; 3) Миср кобраси (*илон*)

– بَزْقٌ тупуриш

– بَزْقَةٌ *кўп.* بَزَقَاتٌ тупук

– مِبْزَقَةٌ, مِبْزَقَةٌ *кўп.* مَبَازِقُ тупдон, тупуриладиган жой

I **بَزَلَ** (*y*) بَزْلٌ тешмоқ; ~ الزُّجَاجَةَ шиша (*тиқинини, қопқоғини*) очмоқ; ~ الْبَرْمِيلَ бочкани очмоқ

– بُزَالٌ 1) тешик (*бочкадаги*); 2) жўмрак (*бочкадаги*)

– بَزَالٌ тиқинни очадиган пармасимон асбоб; дастпарма

– بَزْلٌ *мед* сувни чиқариб ташлаш

– بِسِلَّةٌ = بِزِلَّةٌ

– مِبْزَلٌ *кўп.* مَبَازِلُ 1) *мед.* троакар (*бадандаги йирингни чиқариб ташлайдиган асбоб*), 2) кран, жўмрак

بِزْمُوتٌ *кимё* висмут (*оқ-қизғиш металл*)

أَبْزَى *мн.* بَزْوَاءُ товуқ кўкракли

– بَزِيٌّ эмишган ака, кўкалдош

إِبْزِيمٌ = بِزِيمٌ

I **بَسَّ** (*y*) 1) : ~ السَّوِيقَ арпа унига ёғ солиб қоримоқ; 2) ~ الْإِبِلَ туяни оҳиста ҳайдамоқ; туяга بَسْ بَسْ *ёки* بِسْ بِسْ демоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– بَسَّاسٌ, بَسَّةٌ *кўп.* بَسَاسٌ мушук

– بَسِيسَةٌ басиса (*ёғ қўшиб буғдой ёки арпа унидан тайёрланган ширинлик*)

– بَسْ пишт!

– بَسْ 1) *халқ.* бас!, етарли!, кифоя!; 2) بَسْ بَسْ بَسْ *ёки* بِسْ بِسْ بِسْ *туяни ёки қўйни ҳайдашда ишлатиладиган ундов сўз*

– الْبَسُوسُ *тар.* қирқ йиллик ўзаро урушга сабабчи бўлган аёл исми; ~ حَرْبُ шу аёл сабабли содир бўлган уруш; ~ أَشْأَمُ مِنَ *маж.* Басусдан ҳам ёвуз

I بَسَأَ (*а*) بَسْءٌ (*бирор к. билан*) дўстлашмоқ, (*бирор н. ни*) хуш кўрмоқ (ب)

بَسَارِيَةٌ майда-чуйдалар (*балиқ ҳақида*)

بَسْبَاسٌ *бот* 1) пастернак (*ширин илдизли хушбўй ўт*); 2) укроп, шивит (*Марокашда*)

– بُسْبُوسَةٌ бусбуса (*буғдой унидан шакар ва ёғ қўшиб тайёрланган ширин овқат*)

بَسْتَرَ пастеризация қилмоқ (*озиқ-овқат маҳсулотларини зарарли микроблардан сақлаш учун 100 градусдан юқори бўлмаган температурада қиздириш*)

– بَسْتَرَةٌ пастеризация

بُسْتَانٌ *кўп.* بَسَاتِينُ бўстон, боғ

– بُسْتَانِيٌّ боғбон

– بُسْتَنَةٌ боғдорчилик, полизчилик

بَسْتَكٌ бифштекс (*овқат номи*)

بِسْتِمٌ *кўп* بَسَاتِمُ *тех.* поршень

بِسْتُمٌ, بِسْتُونٌ *кўп* بَسَاتِنُ поршень

بَسْتُونِي (*карта ўйинида*) қарға

بَسْتِيلِيَّةٌ ширин оби нон, таблеткалар

I (بسر) بَسَرَ[1] (*у*) بَسْرٌ 1) (*н. нидир*) вақтидан олдинроқ қилмоқ, айтмоқ; 2) пишиб етилмаган, лекин ранг кирган хурмо мевасини бошқа нав хурмо билан аралаштирмоқ (*хурмодан шароб тайёрлашда*); لَا تَبْسُرُوا وَ لَا تَثْجُرُوا *ҳад.* хурмо навларини аралаштира кўрманглар (*шароб тайёрламанглар маъносида*) بَسَرَ[2] (*у*) بُسُورٌ қовоғи солинмоқ, ҳўмраймоқ, пешонани тириштирмоқ; жаҳл билан қарамоқ, IV أَبْسَرَ النَّخْلُ ~ хурмо мевасига ранг кирди; VIII ابْتَسَرَ 1) (*н. нидир*) вақтидан олдинроқ қилмоқ, айтмоқ; 2) вақтидан олдин бўлмоқ, бевақт бўлмоқ; 3) қовоғи солинмоқ

– بَاسِرٌ ҳўмрайган, қовоғи солиқ, авзойи бузуқ

– بَاسُورٌ *кўп* بَوَاسِيرُ геморрой, бавосил; шиш, ғурра; ўсма, ўсимта, ортиқ бўқоқ

– بَسْرٌ = بَاسِرٌ

– بُسْرٌ *жам кўп.* بُسَارٌ пишиб етилмаган (хом) хурмолар

– بُسْرَةٌ *кўп.* بُسُرَاتٌ хом хурмо

– الْأَسَارِيرُ : مُبْتَسِرٌ ~қовоғи солиқ, ҳўмрайган

– مُبْتَسِرٌ 1) олдиндан, вақтидан илгари; ... أَنَّ ~ فَمِنَ الْـ ҳозир ...нинг вақти эмас; 2) хом, пишмаган, етилмаган

I (بسط) بَسَطَ (*у*) بَسْطٌ 1) ёзмоқ (тўшамоқ); очмоқ (*газетани*); 2) тарқатмоқ; 3) чўзмоқ, узайтирмоқ, йўналтирмоқ; ذِرَاعَهُ ~ қўлни узатмоқ; لَهُ يَدَ الْمُسَاعَدَةِ ~ кимгадир ёрдам қўлини чўзмоқ; 4) тозаламоқ; текисламоқ, тўғриламоқ; 5) муфассал, кенг баён қилмоқ, тушунтирмоқ; 6) хурсанд қилмоқ, мамнун қилмоқ; 7) урмоқ, жазоламоқ; 8) (*темирни*) босмоқ, болғаламоқ;9) (*к. ни, н. ни бошқасидан*) афзал кўрмоқ (عَلَى); 10) الْعُذْرَ ~ узрни қабул қилмоқ; 11) далда бермоқ; ◊ يَدَهُ ~ қисиб турган қўлни ёзмоқ (очмоқ); ~ يَدَهُ فِي الْإِنْفَاقِ сахийлик билан, қисиниб-қимтинмасдан сарф-харажат қилмоқ; نَفْسَهُ ~ вақтичоғлик қилмоқ; бирор нарса билан овунмоқ; الْمَائِدَةَ ~ дастурхон тузамоқ; بَسُطَ (*у*) بَسَاطَةٌ осон бўлмоқ, қийин бўлмаслик; II بَسَّطَ 1) соддалаштирмоқ, осонлаштирмоқ; оммабоп қилиб баён этмоқ; 2) ясси, япалоқ қилмоқ, текисламоқ; III بَاسَطَ 1) (*к. биландир*) оддий (бетакаллуф) муомалада бўлмоқ; 2) бирор нарса билан машғул қилиб, кўнгил очмоқ, овутмоқ, V تَبَسَّطَ 1) кенгаймоқ, тарқалмоқ; 2) (*н. дадир*) чуқурлашмоқ, ичкари кириб бормоқ (فِي); فِي الْكَلَامِ ~ гапга тушиб кетмоқ, гапга берилиб кетмоқ, узоқ суҳбатлашмоқ; 3) (*к. биландир*) бетакаллуф муомала қилмоқ (لِـ); VII انْبَسَطَ 1) ёзилмоқ (тўшалмоқ), чўзилмоқ, ёйилмоқ, узаймоқ; 2) кенгаймоқ, ўсиб, қалинлашиб кетмоқ; 3) хурсанд бўлмоқ, мамнун бўлмоқ; 4) очилмоқ, ёзилмоқ, керилмоқ (*"кермоқ"дан – мас. қўл ҳақида*); 5) журъатли, дадил бўлмоқ, дадилланмоқ

– إِبْسِيطٌ *алиф.б.қ.*

– إِنْبِسَاطٌ 1) кенгайиш; الْقَلْبِ ~ *мед.* диастола; قَابِلِيَّةُ الْـ~ وَ التَّمَدُّدِ чўзилувчанлик, кенгаювчанлик; 2) хурсандлик, шодлик, хушвақтлик, қувонч; яхши кайфият

– بِسَاطٌ *кўп* أَبْسِطَةٌ, بُسُطٌ гилам; الرَّحْمَةِ ~ тобутга ёпиладиган нарса; الرِّيحِ ~ *фольк.* учар гилам; الْبَحْثِ ~ عَلَى (وَضَعَ) طَرَحَ *маж.* муҳокамага қўймоқ, муҳокамага ташламоқ

– بَسَاطَةٌ оддийлик, соддалик, соддадиллик, гўллик, аноийлик; ~ فِي оддийгина, соддагина

– بَسْطٌ[1] 1) тўлиқ (*муфассал*) баён қилиш; 2) тўшаш (*ёзиш*); 3) тарқатиш, тарқаш; 4) вақтни чоғ қилиш, хурсанд қилиш; 5) *мат.* суврат; 6) баст (*наша уруғидан тайёрланган наркотик модданинг тури*); ◊ الْيَدِ ~ сахийлик, хотамтойлик; қўл очиқлиги; ~ قَلَمُ қамишдан тайёрланган қалам

– بَسْطٌ[2] ~ يَدٌ озод этилган, қўйиб юборилган қўл

– بَسْطَةٌ 1) кенглик, муфассаллик, атрофличалик; ~ تَكَلَّمَ ـــ тўлиқ (*муфассал*) гапирмоқ; 2) ҳажм, кўлам; 3) мўл-кўлчилик, сероблик; 4) *шунингдек*: الْكَفِّ ~ бадавлатлик, тўқлик, бойлик; حَيِيَ فِي الْعَيْشِ وَ يُسْرَ ~ مِنَ фаровонликда, ҳамма нарса етарли шароитда яшамоқ; 5) супача (*зинапояда*);6) баста (*ёғли хамирдан сут, тухум ва шакар қўшиб пиширилади ган ва устига крем қиёмларидан гул солинган ширинлик*); 7) (*н. нидир*) кенг

www.ziyouz.com kutubxonasi

(муфассал) ёритиш, баён қилиш (عَنْ)

– بَسْطِيٌّ наша, кўкнор каби наркотик моддаларни сотувчи

– بَسِيطٌ *кўп.* بُسُطٌ, بُسَطَاءُ 1. 1) оддий, содда, мураккаб бўлмаган; 2) ёйилган, ёзилган, тўшалган; 3) очиқ кўнгил, соддадил; 4) ўртача, мўътадил (*нарх-наво ҳақида*); ~ الْيَدَيْنِ саховатли, очиқ кўнгил, олижаноб; 2. басит (*шеърий вазн номи*)

– بَسِيطَةٌ *кўп.* بَسَائِطُ *нинг мн. шакли* 1. ◊ ~ الْـ ер, олам; بَسَائِطُ الْعِلْمِ илмнинг элементар (бошланғич) масалалари

– تَبْسِيطٌ соддалаштириш, осонлаштириш; оддий, содда этиб баён қилиш

– مُبَاسَطَةٌ (*к. биландир*) одми муомалада бўлиш; ~ فِي бемалол, тортинмай

– مَبْسُوطٌ 1) кенг, муфассал, тўлиқ; 2) хурсанд, мамнун; 3) бадавлат, тўқ

– مُنْبَسَطٌ *кўп.* اتٌ ـَـ кенглик, яланглик; сайҳон ер

– مُنْبَسِطٌ 1) ёзилган, тўшалган; 2) ясси, ялпоқ, текис; 3) мамнун, кайфи чоғ; 4) ширакайф, қиттак ичиб олган

بَسْطَرٌ алебастр

بَسْطَرْمَةٌ зираворлар билан қоқланган гўшт

بَسْطِيلَةٌ бастила (*хамир, товуқ гўшти, бодом, шакар ва ёғ аралаштириб тайёрланган овқат*)

I **بَسَقَ** (*у*) بُسُوقٌ 1) баланд бўлмоқ; (*н. дандир*) баландроқ бўлиб, кўтарилиб турмоқ (إِلَى); кўтарилмоқ; 2) (*бирор н. дан*) ортиқ бўлмоқ, устун турмоқ (عَلَى); بَسَقَ (*у*) بَسْقٌ тупурмоқ, туфламоқ; II بَسَّقَ (*н. нидир*) баланд кўтармоқ

– بَاسِقٌ *кўп.* بَوَاسِقُ юксак қад кўтарган; ~ الْأَخْلَاقِ олижаноб, виждонли, пок, яхши хулқли

– بُسَاقٌ тупук, сўлак

بَسْكَوِيتٌ *жам.* бисквит, печенье

– بَسْكَوِيتَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ бисквит

I **بَسُلَ** (*у*) بَسَالَةٌ жасур, қўрқмас бўлмоқ; IV أَبْسَلَ ҳалокатга олиб бормоқ; V تَبَسَّلَ қовоғи солинмоқ, ҳўмраймоқ; X اسْتَبْسَلَ беҳад (чексиз, катта) қаҳрамонлик кўрсатмоқ; ўлимни писанд қилмаслик; ўлимдан қўрқмаслик; ~ فِي الْقِتَالِ жангда жасур, қўрқмас бўлмоқ

– اسْتِبْسَالٌ беҳад (чексиз, катта) қаҳрамонлик; ўлимдан қўрқмаслик, ўлимни писанд қилмаслик

– بَاسِلٌ *кўп.* بُسَّلٌ, بَوَاسِلُ жасур, қўрқмас, мард, қаҳрамон

– بَسَالَةٌ жасурлик, жасорат, мардлик, қаҳрамонлик

– بِسِلَّةٌ, بِسْلَى ~ خَضْرَاءُ кўклигида териб олинган нўхат

I **بَسَمَ** (*u*) بَسْمٌ кулмоқ, табассум қилмоқ; кулимсираб қўймоқ; لَهُ ~ الْحَظُّ унга бахт кулиб боқди; V تَبَسَّمَ табассум қилмоқ, кулмоқ; VIII اِبْتَسَمَ = V

– اِبْتِسَامٌ, *кўп.* اتٌ ـَـ табассум, кулги, жилмайиш; تَكَلَّفَ الْـ~ ёлғондакам кулмоқ

– بَاسِمٌ кулувчи, табассум қилувчи

– بَسَّامٌ кулаётган, табассум қилаётган; хурсанд, қувноқ, шод

– بَسْمَةٌ *кўп.* بَسَمَاتٌ кулги, табассум

– اِبْتِسَامٌ = تَبَسُّمٌ

– مُبْتَسِمٌ кулувчи, кулаётган

– مِبْسَامٌ доим кулиб турувчи

– مَبْسِمٌ *кўп.* مَبَاسِمُ оғиз; ~ السِّجَارَةِ мундштук, папирос (сигарета) найчаси

بِسْمِ اللهِ = اللهِ ~: بِسْمِ *қар.* سمو

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ (*"меҳрибон ва раҳмдил Оллоҳ номи билан"*) сўзини талаффуз этмоқ (айтмоқ); بَسْمَلَ = تَبَسْمَلَ

– بَسْمَلَةٌ : بِاسْمِ اللهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ сўзини талаффуз этиш

بِسِيكُولُوجٌ психолог, руҳшунос

– بِسِيكُولُوجِيٌّ руҳшуносликка оид

– بِسِيكُولُوجِيَّةٌ, بِسِيكُولُوجِيَا психология, руҳшунослик

إِتْبَاعٌ *қар.* بَسَنَ

بُسَيْنَةٌ *кўп* اتٌ ـَـ мушукча, мушук боласи

بَيْسَانُ Шом ўлкасидаги жой номи

I **بَشَّ** (*a/a*) بَشٌّ, بَشَاشَةٌ кулмоқ, табассум қилмоқ; (*к. нидир*) хурсанд кутиб олмоқ (بِـ); (*к. гадир*) хуш муомалалик билан (очиқ чеҳра билан) муносабатда бўлмоқ (لِـ)

– بَاشٌّ табассум қилувчи, кулиб боқувчи, хуш муомалали; шод, хуррам

– بَشٌّ табассум қилувчи, хуш муомалали; هَشٌّ بَشٌّ хуррам, хурсанд

– بَشَّاشٌ хушмуомала

– بَشَّاشَةٌ 1) табассум, 2) хушмуомалалик; илтифот; самимият; ширинсўзлик

– بَشٌّ = بَشُوشٌ

بَشَرُوشٌ = بَشَارُوشٌ

بِشَامِيلُ бишомил (*қайла*)

بَشْبَشَ ҳўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ, бўктирмоқ; تَبَشْبَشَ ивиган, намланган, бўктирилган бўлмоқ

– بَشْبَشَةٌ ҳўллаш, ивитиш, бўктириш

بِشْتٌ *кўп.* بُشُوتٌ 1) бишт (*чопонга ўхшаш либос*); 2) кофта

بُشْتٌ бесоқол, бачча, ҳезалак, пушти

بَشْتَخْتَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) пештахта, синф доскаси; кичкина кийим-кечак турадиган жавон

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (бшр) **بَشَرَ**[1] (*и, у*) بَشْرٌ чиқариб (кўчириб, ажратиб) олмоқ; шилмоқ, шилиб (юлиб) олмоқ (*устки қатламни, терисини*); тозаламоқ, артмоқ, арчимоқ; қириб олмоқ, қиртишлаб олмоқ, بَشِرَ (*а*) بَشَرٌ, بُشُورٌ *ёки* بَشَرَ[2] (*у*) بَشْرٌ, بُشْرٌ (*н. гадир*) қувонмоқ (ب); II بَشَّرَ 1) хушхабар билан хурсанд қилмоқ; 2) (*н. нидир*) ҳаммага эълон қилмоқ, билдирмоқ, дарагини бермоқ (ب); بِالْخَيْرِ ~ яхшиликдан дарак бермоқ; بِالدِّينِ ~ ваъз ўқимоқ, бирор ғояни (таълимотни) тарғиб қилмоқ; III بَاشَرَ 1) олиб бормоқ, ўтказмоқ, бажармоқ, ижро этмоқ; 2) бошқармоқ; идора қилмоқ; 3) (*н. гадир*) киришмоқ; (*н. биландир*) шуғулланмоқ; (*н. нидир*) касб, ҳунар қилиб олмоқ; التِّجَارَةَ ~ савдо билан шуғулланмоқ; الصِّنَاعَةَ ~ бирон-бир касб (*ҳунар*) билан машғул бўлмоқ; التَّحْقِيقَ ~ тергов олиб бормоқ; السُّلْطَةَ ~ ҳукмронлик қилмоқ; الْمَرْأَةَ ~ аёл билан қўшилмоқ; IV أَبْشَرَ 1) хурсанд бўлмоқ; 2) (*н. биландир*) хурсанд қилмоқ (ب); VI تَبَاشَرَ хушхабарни бир-бирига айтмоқ; бир-бирини (*н. биландир*) табрикламоқ (ب); VII اِنْبَشَرَ тозаланган, пўстидан ажратилган бўлмоқ; шилинган бўлмоқ; X اِسْتَبْشَرَ 1) хурсанд бўлмоқ; яхшиликни кутмоқ; (*н. дадир*) яхши нарсани кўрмоқ; بِهِ ~ خَيْرًا (*н. дадир*) яхшиликни, хайрли нарсани кўрмоқ; 2) (*к. нидир, н. биландир*) хурсанд (шод) қилмоқ (ب)

– بَاشُورَةٌ ов милтиқни ўқлаганда дори билан ўқ орасига ва ўқ устига босиб шиббаланадиган латта, жун ва *ш.к.* лар

– بَشَارَةٌ гўзаллик, чирой, ҳусн

– بَشَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ капалак

– بُشَارَةٌ *кўп.* بَشَائِرُ (*хушхабар учун бериладиган*) суюнчи

– بِشَارَةٌ *кўп.* 1) بَشَائِرُ хушхабар; ~ عِيدُ الْـــ *дин.* хушхабар ийди (*христианларда*); 2) Инжил (*Исо алайҳиссаломга нозил бўлган муқаддас китоб*); 3) қандайдир янги нарса; дастлабки янгилик; بَشَائِرُ الثَّمْرِ хурмонинг биринчи ҳосили; بَشَائِرُ الْحَيَاةِ ҳаётнинг биринчи белгилари

– بُشْرٌ хушхабар

– بِشْرٌ хурсандчилик, шодлик, хуррамлик; ~ وَ إِيْنَاسٍ шодлик ва самимийлик билан; ~ الْـــ حَسَنُ очиқ чеҳрали, кулиб турган

– بَشَرٌ башар, одам; ~ كَأَنَّهُ لَمْ يَمْسَسْهُ гўёки (унга) одам қўли тегмагандек; 2) инсоният, одамзод; ~ الْـــ بَنُو одамлар, инсонлар; ~ الْـــ أَبُو Одам алайҳиссалом; ~ الْـــ أُمُّ Момо Ҳавво; 3) *анат* жинсий аъзо

– بَشَرَةٌ *кўп.* بَشَرٌ тери, пўст; ~ الْـــ السَّوْدَاءِ ذَوُو қора танлилар; ~ الْـــ الْبَيْضَاءِ ذَوُو оқ танлилар

– بُشْرٌ *кўп.* بُشْرَى = بُشْرٌ

– بَشَرِيٌّ 1) инсон (башарият) га оид; ~ الْـــ الْمُجْتَمَعُ кишилик жамияти, 2) теридан бўладиган

– بَشَرِيَّةٌ 1) башарият, инсоният, одамзод; 2) инсон табиати

– بَاشُورَةٌ = بَشُورَةٌ

– بَشِيرٌ *кўп.* بُشَرَاءُ 1) хушхабар етказувчи; 2) гўзал, чиройли, ҳусндор; ◊ الْوَجْهِ ~ чиройли, хушрўй, истараси иссиқ, ёқимтой; 2. 1) хурсандчилик даракчиси; олдиндан хабар келтирувчи; даракчи; 3) инжилчи (*христиан динининг инжилга асосланган мазҳабларидан бирига мансуб киши*)

– تَبَاشِيرُ *кўп.* 1) биринчи ҳосиллар, дастлабки натижалар; 2) ёқимли белгилар, кўринишлар; (الْفَجْرِ) الصُّبْحِ ~ тонг, субҳ даракчилари, белгилари

– تَبْشِيرٌ 1) хушхабарни айтиш, эълон қилиш; 2) ваъз айтиш, диний тарғибот фаолияти; ~ الـــ جَمْعِيَّةُ диний тарғибот жамияти (*ерли халқни христиан динига ўтишга тарғиб қилиш учун ўзга юртларга тарғиботчилар-миссионерлар юборадиган ташкилот*)

– تَبْشِيرِيٌّ миссионерларга оид; الْإِرْسَالِيَّاتُ الـــ миссионерлик вазифаси; ~ الـــ النَّشَاطُ миссионерлик фаолияти

– مُبَاشِرٌ 1. 1) бажарувчи, ўтказувчи; 2) тўғридан-тўғри, бевосита; ~ غَيْرُ бавосита, билвосита; 2. мубошир, бошлиқ; назоратчи

– مُبَاشَرَةٌ 1) бажариш, олиб бориш, ўтказиш; амалга ошириш; 2) (*н. биландир*) шуғулланиш; 3) қўшилиш, қовушиш, жинсий алоқа қилиш; ◊ ~ тўғридан-тўғри, бевосита

– مُبَشِّرٌ миссионер, христианлик тарғиботчиси; 2) инжилчи (*инжилга асосланган мазҳаблардан бирига мансуб киши*)

– مُبَشِّرَاتٌ *кўп.* ёмғирдан дарак берувчи шамол

– مِبْشَرَةٌ *кўп.* مَبَاشِرُ қирғич

بَشَرُوشٌ *зоол.* қизил ғоз (фламинго)

بَشْرَفٌ *кўп.* بَشَارِفُ *муз.* увертюра (*саҳна асари, кинофильм к. ларнинг бошланиши олдидан ижро этиладиган музика*), прелюдия (*қисқароқ мусиқий асар*)

I **بَشِعَ** (*а*) بَشَعٌ, بَشَاعَةٌ 1) жирканч, ёқимсиз, нафратни қўзғайдиган, қабиҳ, жуда хунук, ёмон бўлмоқ; 2) (*н. гадир*) нафрат уйғотмоқ, (*н. дандир*) жиркантирмоқ (ب); بِالطَّعَامِ ~ овқатдан жирканмоқ; بِالْأَمْرِ ~ бу иш унга хунук кўриниб қолди; X اِسْتَبْشَعَ жирканч, ёқимсиз, қабиҳ, ёмон деб билмоқ (ҳисобламоқ)

– بَشَاعَةٌ ёқимсизлик, жирканчлик, қабиҳлик, қабоҳат

– بَشِعٌ, بَشِيعٌ жирканч, ёқимсиз, нафратни қўзғайдиган, қабиҳ

بَاشَقٌ *алиф б.қ.*

I **بَشَكَ** (*и*) بَشْكٌ алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; VIII اِبْتَشَكَ = I

– بَشَّاكِرِيٌّ *кўп.* بَشْكَارٌ, بَشَاكِرَةٌ қассоб ёрдамчиси

– بَشْكَرَةٌ: ~ الذَّبَائِحِ мол сўйиш ва гўштини нимталаб бўлиш

– بَشَاكِيرُ *кўп.* بَشْكُورٌ темир косов, косов

– بَشْكِيرٌ *кўп.* بَشَاكِيرُ сочиқ; дастрўмол (рўмолча), салфетка (қўлсочиқ); ~ الْحَمَّامِ ҳаммом сочиғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

بَشْلَكٌ *тар.* бешлик (*турк чақатангаси*)

بَشْلَةٌ *кўп* اتٌ — бацилла (*таёқча шаклидаги бактерия*)

بَشْلَةٌ = بُشْلُوسٌ

I (بشم) **بَشِمَ**[1] (*а*) بَشَمٌ 1) жуда тўймоқ, тўйиб кетмоқ; кўп еб қўймоқ, кўп овқат еб бўкиб қолмоқ; 2) меъдаси суст (овқатни ҳазм қила олмайдиган) бўлмоқ; بَشِمَ[2] (*а*) بَشَامَةٌ (*н. дандир*) нафратланмоқ, жирканмоқ (مِنْ); مِنَ الْأَمْرِ ~ бу иш унинг жонига тегди; IV أَبْشَمَ кўп (керагидан ортиқча) едирмоқ; меъданинг овқат ҳазм қила олмайдиган бўлишига сабабчи бўлмоқ

– بَشَامٌ *жам. бот.* башом (*Маккаи мукаррамада ўсадиган доривор ўсимлик*); 2) мисвок учун ишлатиладиган хушбўй дарахт

– بَشَامَةٌ нафратланиш, жирканиш

– بَشَمٌ 1) жуда тўйиб кетиш; кўп еб қўйиш; 2) меъданинг сустлиги

– بَشْمَةٌ *бот.* башма (*мевасидан тасбиҳ доналари тайёрланадиган жийдасимон дарахт*)

بُشْمُلَةٌ *бот.* мушмула (*ўсимлик*)

بَشَنْسُ башанис (*қибт тақвимининг 9-ойи*)

(بشنق) تَبَشْنَقَ ўз бошини боғлаб олмоқ

– بَشْنُوقَةٌ, بُشْنُوقَةٌ рўмол, бошни ўрайдиган ёпинчиқ

بَشْنِينٌ Миср нилуфари; сувда ўсадиган лилия (*манзарали ўсимлик*); لَا يُعْجِبُهُ الْـــ~ وَ مَنْ زَرَعَهُ унинг кўнглини топиб бўлмайди (*сўзма-сўз:* унга нилуфар ҳам, уни экқан ҳам ёқмайди)

I **بَصَّ** (*а/и*) بَصٌّ, بَصِيصٌ 1) ялтирамоқ, чақнаб турмоқ; йилтилламоқ;2) (*қаердандир*) қарамоқ, қараб турмоқ (مِنْ); II بَصَّصَ 1) кўз очмоқ (*кучук ҳақида*), 2) думни ликиллатмоқ (*ит ҳақида*); V تَبَصَّصَ изидан кузатиб бормоқ, жосуслик қилмоқ

– بَصٌّ *кўп.* اتٌ — автобус

– بَصَّاصٌ 1. изидан кузатиб борувчи; 2. изқувар, жосус

– بَصَّاصَةٌ *кўп.* اتٌ — кўз; كَهْرَبَائِيَّةٌ ~ (*радиоприёмникдаги*) яшил кўзча

– بَصَّةٌ 1) нигоҳ, қараш, боқиш; 2) писта кўмир, кўмир чўғи; сўхта, чала куюк, қоракуя

– بَصِيصٌ порлаш, чақнаш; шуъла, нур, йилтираш; ◊ مِنَ الْأَمَلِ ~ умид учқуни

بَصْبَصَ 1) (*думни*) ликиллатмоқ (*ит ҳақида*); 2) (*к. гадир*) кўз қисмоқ, кўз билан имламоқ; ёқимли қараш қилмоқ; بِعَيْنَيْهِ ~ ёқимли назар ташламоқ (солмоқ); 3) кўнгил овламоқ, хушторлик қилмоқ; ишва (ноз-карашма) қилмоқ, қичиқ қилмоқ; تَبَصْبَصَ 1) (*к. нидир*) кузатиб юрмоқ, назар остида тутмоқ (عَلَى); 2) думини ликиллатмоқ

– بَصَابِيصُ *кўп.* чўғ бўлиб турган кўмирлар

– بَصْبَصَةٌ 1) (*думни*) ликиллатиш; 2) кўз қисиш; 2) кўнгил овлаш; ноз-фироқ қилиш, қичиқ қилиш

I **بَصَرَ** (*а*) بَصْرٌ *ёки* بَصُرَ (*у*) بَصَارَةٌ 1) (*н. нидир*) кўрмоқ, пайқамоқ (ب); 2) фаҳмламоқ, билиб (сезиб) қолмоқ; қила олмоқ, уддасидан чиқмоқ; II بَصَّرَ 1) кўрсатмоқ, тушунтирмоқ, англатмоқ, уқдирмоқ; 2) билим бермоқ, маърифатли қилмоқ; (*н. гадир*) ўргатмоқ (ب); 3) Басрага жўнамоқ; 4) (*н. нидир*) олдиндан сезмоқ (*пайқамоқ*), ҳисобга олмоқ, (олдиндан) кўзда тутмоқ (ب); IV أَبْصَرَ 1) кўрмоқ, кўра билмоқ, сезмоқ; 2) фаҳмламоқ, англамоқ; طَشْقَنْدَ فِي النُّورَ ~ у Тошкентда туғилди; V تَبَصَّرَ 1) (*н. ҳақдадир*) ўйламоқ, фикр (мулоҳаза, муҳокама) қилмоқ, фикр юритмоқ (فِي); ақллилик, мулоҳазалилик қилмоқ (кўрсатмоқ); 2) (*н. нидир*) кўрмоқ, англамоқ, фаҳмламоқ, пайқамоқ, сезмоқ (ب); X اسْتَبْصَرَ 1) яхшилаб қарашга, кўришга интилмоқ; 2) билишга, тагига етишга ҳаракат қилмоқ; 3) яхшилаб қараб чиқмоқ, текширмоқ, кўриб чиқмоқ, кўздан кечирмоқ; الْمَرِيضَ ~ беморни кўрмоқ, беморни текширмоқ; 4) ўткир, сезгир, зийрак бўлмоқ; 5) яққол, аниқ, равшан кўринадиган бўлмоқ

– إِبْصَارٌ 1) ҳис этиш, фаҳмлаш, пайқаш; 2) кўриш қобилияти; кўриш

– أَبْصَارِيٌّ оптикага оид

– اسْتِبْصَارٌ 1) тушуниб олишга, билиб олишга, фаҳмлашга ҳаракат қилиш; 2) кўрик, текшириш; 3) сезгирлик, зийраклик; интуиция, ички ҳис

– بَاصِرَةٌ *кўп.* بَوَاصِرُ кўз (*битгаси*)

– بَصَارَةٌ 1) ҳис этиш; 2) фаҳмлаш, (*бирор н. ни*) яхши билиш

– بَصَارَةٌ бисора (*янчилган ловия, тугмача гул, ялпиз ва б. хушбўй моддалардан тайёрланган овқат*)

– بَصَّارَةٌ *кўп.* اتٌ — фолбин аёл, ромчи хотин

– بَصَرٌ *кўп.* أَبْصَارٌ 1) кўриш, кўриш қобилияти; صَحِيحُ الْـــ~ нормал, табиий кўриш қобилиятига эга (*мас. одам*); طَوِيلُ الْـــ~ узоқ масофани кўра оладиганлик; طَوِيلُ الْـــ~ узоқ масофани кўра оладиган; قَصَرُ الْـــ~ яқин масофани кўра оладиганлик; قَصِيرُ الْـــ~ яқин масофани кўра оладиган; وَ ~ هِ, سَمْعِهِ تَحْتَ *қар.* سَمْعٌ كَلَمْحِ الْـــ~ кўриш мумкин бўлгани қадар; عَلَى مَدَى الْـــ~ кўз юмиб очгунча, бир онда; كُلُّ ذِي ~ وَ بَصِيرَةٍ ҳар қандай кўзи ва ақли бор (*одам*); غَابَ عَنِ الْأَبْصَارِ кўздан йўқолмоқ, кўздан яширинмоқ; ... وَقَعَ ~ي عَلَى кўзим ...га тушди; إِنَّهُ يُرْمَى بِالْأَبْصَارِ *мажх. кўч.* у анча таниқли;2) фарқланиш; 3) қабул қилиниш; 4) тушунилиш, фаҳмланиш, билиниш; رِجَالُ الرَّأْيِ وَ الْـــ~ ақлли одамлар; ... فِي لَهُ ~ ...лардан анча хабардор; 5) фаросатлилик, зеҳнлилик; 6) назар, қараш

– بَصْرِيٌّ 1. басралик, Басрага оид; 2. 1) Басрада яшовчи; 2) *тар.* грамматистларнинг Басра мактаби вакили

– بَصَرِيٌّ 1) кўришга оид; кўриш орқали ҳис (қабул) қилинадиган; кўргазмали; кўрсатиладиган; الْوَسَائِلُ الْـــ~ةُ кўргазмали қуроллар; 2) кўзга оид; 3) оптик, оптикага оид

www.ziyouz.com kutubxonasi

– عِلْمُ الْـــ~ *кўп шунингдек* بَصَرِيَّاتٌ оптика (*физиканинг ёруғлик ҳақидаги бўлими*)

بَصْرَتَانِ Басра ва Куфа шаҳарлари

– بَصِيرٌ *кўп* بُصَرَاءُ 1) кўзи равшан; кўра оладиган, кўзи очиқ; ҳаммадан яхшироқ кўриб турувчи; 2) фарқловчи, сезувчи, билувчи; الْعَيْنُ ~ةٌ وَ الْيَدُ قَصِيرَةٌ *мкл* кўз кўргувчидир, қўл эса калтадир; 3) сезгир, зийрак, ақлли, фаросатли, эс-ҳушли

– بَصِيرَةٌ *кўп* بَصَائِرُ 1) ақл, идрок, фаҳм, фаросат; 2) онглилик, идроклилик; سَدَادُ الْـــ~ юксак онглилик; 3) зийраклик, сезгирлик; узоқни кўра билиш; هُوَ عَلَى ~ مِنْ ... у ... ҳақда (*ёки ...ни*) яхши билади; 4) = مَبْصَرَةٌ; بَلِ الْإِنْسَانُ عَلَى نَفْسِهِ بَصِيرَةٌ *кур* инсон ўзининг нафсига ҳужжат ёки далилдир

– تَبَصُّرٌ 1) муҳокама, мулоҳаза; 2) ақллилик, мулоҳазалилик; эҳтиётқорлик билан (кейинни ўйлаб) иш тутиш

– تَبْصِيرٌ тушунтириш, баён қилиш, шарҳлаш; الْمُسْتَقْبَلِ ~ келажакни олдиндан билиш (кўриш)

– مُبَاصَرَةٌ телевидение

– مِبْصَارٌ телевизор

– مُبْصِرٌ 1) кўриб турувчи, кўрувчи; сезувчи, билувчи, кўзи очиқ, очиқ кўз; 2) ёритувчи, ёруғ қилувчи; فَلَمَّا جَاءَتْهُمْ آيَاتُنَا مُبْصِرَةً *кур* Бизнинг оятларимиз ёритувчи бўлиб уларга нозил бўлганида ...

مَبْصَرَةٌ ҳужжат, далил

– مُسْتَبْصِرٌ сезгир, зийрак, фаросатли, идрокли, ақлли

بَسْطٌ = بَصْطٌ

أَبْصَعُ *мн* بَصْعَاءُ (جَمِيعٌ (*сўзига қўшилиб, таъкид учун ишлатиладиган сўз*); أَخَذَ حَقَّهُ أَجْمَعَ أَبْصَعَ у ўзининг ҳақини тўлалигича олди; رَأَيْتُ السُّوَدَةَ جُمَعَ بُصَعَ мен аёлларнинг барча-барчасини кўрдим

I **بَصَقَ** (*у*) بَصْقٌ тупурмоқ, туфламоқ

– بُصَاقٌ 1) тупук; 2) сўлак, сўлакай, балғам

– بَصَّاقَةٌ *кўп* اتٌ ـــ тупдон, туфдон

– بُصَاقَةٌ : الْقَمَرِ ~ ялтироқ оқ тош

– بَصْقَةٌ тупук

– مِبْصَقَةٌ *кўп* = بَصَّاقَةٌ

(بصل) II بَصَّلَ ачинтирмоқ, кийимни ачмоқ, ачиб қўймоқ

بَصَلٌ *жам* пиёз; الزَّيْزِ ~ сунбул; مَاءُ الْـــ~ пиёз шарбати; ◊ مِيَاهُ الْـــ~ *Искандария шаҳридаги маҳалла номи*

– بَصْلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ пиёз, пиёзбош, бир бош пиёз, илдизпоя; الزَّهْرِ ~ гул пиёзи (илдизи); الْفَأْرِ ~ *бот* оташак пиёз (денгиз пиёзи); الْحُبِّ حُرُوفُ ~ *мкл* ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига (*сўзма-сўз маҳбубдан қолган пиёз қўйдир*); ◊ لَا يُسَوِّي الْـــ~ ҳеч нарсага (сариқ чақага) арзимайди

– بَصَلِيٌّ 1) пиёзли, пиёзга оид; 2) пиёзсимон

– بُصَيْلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ пиёзча, кичкина пиёз; الْبَيْضَاءُ ~ الْـــ *бот* анзур пиёзи; الشَّعْرِ ~ *мед* соч (*қил*) илдизи; 2) сунбул (*Сурияда*)

I **بَصَمَ** (*у*) بَصْمٌ штемпель (*муҳр, тамға*) босмоқ, тамғаламоқ; ~ بِخَتْمٍ печать (муҳр) босмоқ; 2) (*босмахонада*) босмоқ, босиладиган нарсадан намуна олмоқ; الْقِمَاشِ ~ газламага гул босмоқ, чекмоқ; 3) имзо ўрнига бармоқ босмоқ; ◊ الدَّرْسَ ~ дарсни тушунмасдан ёдламоқ, ёдлаб олмоқ

– بَصْمَةٌ *кўп* بَصَمَاتٌ 1) муҳр, тамға; 2) босмахонада олинган намуна; الْإِصْبَعِ ~ бармоқ изи

بُوصَةٌ[2] = بُصَةٌ

بَصْوَةٌ сўхта ўтин, чала куйик; писта кўмир

I **بَضَّ** (بَضَّ) (*a/u*) بَضِيضٌ бармоқлар билан (*торларни*) чертмоқ, чалмоқ; (*чолғу асбобини*) созламоқ; بَضَّ[2] (*a/u*) بَضِيضٌ секин оқмоқ, томмоқ, таралмоқ, уфурмоқ; IV أَبَضَّ оз-оздан бермоқ

بَضٌّ - нозик (нафис) терили

I **بَضَعَ** (*a*) بَضْعٌ 1) кесмоқ, қирқмоқ, қиймоқ, қирқиб қўймоқ, кесиб олмоқ, кесиб (бўлиб, ажратиб) қўймоқ; 2) ампутация қилмоқ, кесиб ташламоқ; II بَضَّعَ харид қилмоқ, бозор-учор қилмоқ, III بَاضَعَ (*жинсий*) жуфтлашмоқ, қўшилмоқ; IV أَبْضَعَ товарга (сотиладиган молга) айлантирмоқ, сотувга қўймоқ; V تَبَضَّعَ = II; X اسْتَبْضَعَ 1) савдо қилмоқ, (*қаердандир*) товарлар (моллар) олиб келмоқ (مِنْ); 2) (*к. дандир*) сотиб олмоқ, харид қилмоқ (مِنْ)

– بَاضِعَةٌ бадандаги яра, жароҳат

– بِضَاعَةٌ *кўп* بَضَائِعُ (*савдо учун чиқариладиган*) товар, мол; بَضَائِعُ كَمَالِيَّةٌ (*сотиладиган*) зеб-зийнат буюмлари, قِطَارُ الْـــ~ юк поезди; ◊ هُوَ قَلِيلُ الْـــ~ унинг билим бойлиги оз

– بَضْعٌ 1) кесиш, қирқиш, кесиб (қирқиб) олиш; 2) кесиб ташлаш

– بُضْعٌ *кўп* أَبْضَاعٌ аёлларнинг жинсий аъзоси

– بِضْعٌ, بِضْعَةٌ, بَضْعٌ бир нечта, бир неча (*3 тадан 10 тагача*), بِضْعَةَ عَشَرَ بَيْتًا ўнтадан ортиқ уй

– بَضْعَةٌ = بَضْعَةٌ

– بَضْعَةٌ *кўп* بَضَعٌ (*гўштнинг, ноннинг*) бўлаги

– تَبَضُّعٌ, تَبْضِيعٌ сотиб олиш, харид

– مِبْضَعٌ *кўп* مَبَاضِعُ *мед* ланцет (*дудама, жарроҳлар ништари*), скалпель (*жарроҳ пичоғи*)

I **بَطَّ** (*a/y*) بَطٌّ очмоқ, кесмоқ, ёрмоқ, ичак-чавоғини олиб ташламоқ; II بَطَّطَ болғаламоқ, тақаламоқ, уриб (*босиб*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

япалоқламоқ, яссиламоқ, пучайтирмоқ; ◊ لَهُ رَأْسَهُ ~ (*к. нидир*) роса ўрмоқ, дўппосламоқ

– بَطٌّ *жам. кўп.* بُطُوطٌ ўрдаклар; بَرِّيٌّ ~ оқчорлоқлар (*Шимолда яшайдиган қуюқ патли йирик сув қуши*); شِمَالِيٌّ ~ *зоол.* шимол ўрдаги; ذَكَرُ الْـ~ эркак ўрдак; عَوَّامٌ فَرْخُ الْـ~ *мтл.* устоздан шогирд ўзибди (*сўзма-сўз:* ўрдак боласи энг зўр сузувчидир)

– بَطَّةٌ *кўп* اتٌ — 1) ўрдак; بَرِّيَّةٌ~ *зоол.* оқчорлоқ, ذَكَرٌ ~ эркак ўрдак, أُنْثَى ~ урғочи ўрдак; 2) ўрдак шаклидаги идиш; ◊ السَّاقِ ~ *ёки* الرِّجْلِ ~ болдир; يَا ~! Азизам, хоним! (*кўпинча аёлларни эркалашда ишлатилади*)

– مُبَطَّطٌ ясси, ялпоқ, текис (*тунука ҳақида*)

– مَبْطُوطٌ ясси, ялпоқ

– بَطَّارِيَّةٌ, بَطَارِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — 1) *эл.* батарея; لِلْجَيْبِ ~ чўнтак фонари батареяси; جَافَّةٌ ~ қуруқ батарея; سَائِلَةٌ ~ суюқлик батареяси; شَمْسِيَّةٌ ~ қуёш батареяси, كَلْوَانِيَّةٌ ~ гальваник батарея, كِيمَاوِيَّةٌ ~ кимёвий батарея; 2) *ҳарб.* батарея

بَطَاطِسُ *жам.* картошка

– بَطَاطِسَةٌ *кўп* اتٌ — картошка донаси, бир дона картошка

– بَطَاطَةٌ *шунингдек:* حُلْوَةٌ ~ батат, ширин картошка

I **بَطُؤَ** (*у*) بَطْءٌ секинак бўлмоқ; суст бўлмоқ; сусткашлик қилмоқ, чўзмоқ, кечиктирмоқ; II بَطَّأَ тўхтатиб турмоқ, кечиктириб юбормоқ, секинлатмоқ, сусайтирмоқ, чўзмоқ, пайсалга солмоқ, IV أَبْطَأَ 1) чўзмоқ, кечиктирмоқ, орқага сурмоқ; кечикиб келмоқ; кечиктириб (вақтидан ўтказиб) юбормоқ; 2) (*н.* нидир) тўхтатиб турмоқ, секинлатмоқ, сусайтирмоқ (ب); مَا ~بِكَ عَنَّا؟ нима учун бизникига кечикиб келдинг?; V تَبَطَّأَ секинламоқ, тўхтамоқ, туриб (ҳаяллаб) қолмоқ, пайсалламоқ, кечикмоқ, чўзилмоқ; VI تَبَاطَأَ 1) секин ҳаракат қилмоқ, суст (ланж, имиллаган) бўлмоқ; сусткашлик қилмоқ, чўзмоқ;2) чўзилмоқ, судралмоқ, кечикмоқ; X اسْتَبْطَأَ 1) секин, суст деб ҳисобламоқ;2) сабрсизлик билан кутмоқ

– إِبْطَاءٌ имиллаш, орқага суриш, кечиктириш, тўхтатиб (ушлаб) қолиш, сусткашлик секинлик; ~ (دُونَ) بِلَا кечиктирмасдан, кечикмай, الْأَمْرُ لَا يَحْتَمِلُ الْـ~ ишни орқага суриб бўлмайди

– بُطْآنَ : بُطْآنَ مَا нақадар секин

– بُطْءٌ сустлик, секинлик, имирсиганлик, имиллаганлик; ~ — секинлик билан, шошилмай

– بُطُوءٌ сустлик, секинлик

– بَطِيءٌ *кўп.* بَطَاءٌ 1) секин, суръати паст; الْحَرَكَةِ ~ кам ҳаракат қиладиган; 2) дангаса, ялқов

– مُتَبَاطِئٌ секинлашаётган, сусаяётган, пасаяётган; узоққа чўзиладиган, узун, чўзиқ, муттасил, узоқ, давомли

بَطْبَطَ 1) ғағилламоқ, ғақ-ғақ қилмоқ, 2) шўнғимоқ; қалқиб-қалқиб бормоқ; чайқалмоқ, шапилламоқ; сачрамоқ, сочилмоқ, шалаббо бўлмоқ

– بَطْبَطَةٌ 1) гақ-ғақ қилиш; 2) шўнғиш, қалқиш, чайқалиш, шапиллаш (*сув ҳақида*); сочилиш, шалаббо бўлиш

I **بَطَحَ** (*а*) بَطْحٌ 1) катта (*кенг*) очмоқ, кермоқ, ёзмоқ, ёймоқ, чўзмоқ; ағдармоқ, тўнтармоқ, қулатмоқ; 2) (*бошни*) яраламоқ, жароҳатламоқ; III بَاطَحَ йиқитмоқ, ағнатмоқ, ағдариб ташламоқ; V تَبَطَّحَ чўзилмоқ; чўзилиб ётмоқ, узала тушиб ётмоқ; чалқанчасига тушмоқ, юз тубан тушмоқ; VII انْبَطَحَ 1) керилган, чўзилган, ёзилган бўлмоқ; чалқанча, юз тубан ётмоқ; 2) чўзилиб ётмоқ, узала тушиб ётмоқ; (عَلَى بَطْنِهِ) عَلَى وَجْهِهِ ~ қорин билан ётмоқ (*отишма пайтида*); 3) (*бошидан*) ярадор бўлмоқ, жароҳатланмоқ

بَطْحَاءُ *кўп* أَبَاطِحُ = أَبْطَحُ

– بُطَاحٌ 1) (*безгакдан*) алаҳлаш, босинқираш; 2) *мед.* плеврит, зотилжам

– بَطْحَاءُ *мн. кўп.* بَطْحَاوَاتٌ, بِطَاحٌ 1) оқимнинг кенг йўли; 2) водий, 3) саванна (*тропик чўл-биёбон*)

– بَطَحْجِيٌّ *кўп.* بَطَحْجِيَّةٌ сабабчи, (*бирор н. ни*) бошлаб берган киши; йўлбошчи, бошлиқ, раҳбар

– بَطْحَةٌ *кўп.* بَطَحَاتٌ 1) текислик, текис ер; 2) яра, жароҳат (*бошдаги*); إِلَّى عَلَى رَأْسِهِ ~ يُحَسِّسُ عَلَيْهَا *халқ. мтл.* азада ҳар ким ўз дардини айтиб йиғлайди (*сўзма-сўз:* кимнинг бошида жароҳати бўлса, у уни ҳар доим ҳис қилиб туради)

بَطْحَاءُ *кўп* بَطَائِحُ =

– مُبْطَحٌ 1) керилган, чўзилган, ёзилган, чўзилиб ётган; 2) ясси, ялпоқ, текис

(بطح) IV أَبْطَحَ тарвузи кўпаймоқ, кўп тарвузга эга бўлмоқ

– بَطِّيخٌ, بِطِّيخٌ *шунингдек:* أَحْمَرُ ~ *жам.* тарвузлар; أَصْفَرُ ~ *жам.* қовунлар

– بَطِّيخَةٌ, بِطِّيخَةٌ *кўп* اتٌ — тарвуз; ◊ الْعَجَلَةِ ~ гупчак (*ғилдиракдаги*)

– مَبْطَحَةٌ *кўп* مَبَاطِحُ полиз

I **بَطَرَ** (*а*) بَطَرٌ 1) норози бўлмоқ; 2) ношукур бўлмоқ; لَنْ أَبْطَرَ بِنِعْمَةِ اللهِ *дин.* Оллоҳнинг неъматига ҳеч қачон ношукур бўлмайман (في, ب) 3) такаббур (димоғдор, кибр-ҳаволи) бўлмоқ, IV أَبْطَرَ 1) эркалатмоқ, эркатой қилмоқ, бузмоқ; 2) такаббур (димоғдор, кеккайган) қилмоқ

– بَطَرٌ 1) норозилик; 2) ношукурлик, 3) такаббурлик; калондимоғлик, манманлик

– بَطِرٌ мутакаббир, димоғдор, манман, батарин

– بَطْرَانُ 1) норози; 2) ношукур; 3) мутакаббир, кеккайган, калондимоғ, манман

بَطْرُوخٌ, بَطَارِخُ, بَطْرَخٌ уруғ икра (*балиқники*)

– مُبَطْرَخَةٌ : ~ سَمَكَةٌ уруғли (икрали) балиқ

بُطْرُسُ *ат от* Пётр

بَطْرَقٌ *кўп* بَطَارِقُ *тар.* патриарх (*қабила ёки уруғ бошлиғи*)

– بَطْرِيقٌ[1] *кўп* بَطَارِيقُ, بَطَارِقَةٌ патриарх

www.ziyouz.com kutubxonasi

– بَطْرِيقٌ[2] *кўп.* بَطَارِيقُ, بَطَارِقَةٌ 1) *тар.* патриций (*қадимги Римда оқсуяк, зодагон*); 2) *тар.* лашкарбоши; 3) *зоол.* пингвин

بَطْرَكٌ *кўп.* بَطَارِكُ, بَطَارِكَةٌ *дин.* патриарх (*провославия черковининг бошлиғи, энг катта руҳонийси*)

– بَطْرَكْخَانَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) патриарх уйи; 2) патриархия (*патриарх идора қиладиган соҳа*)

بَطْرَكٌ = بَطْرِيَرْكٌ

– بَطْرِيَرْكِيٌّ патриархга оид; патриархияга қарашли

I **بَطَشَ** (*у, а*) بَطْشٌ 1) (*к. гадир*) ҳужум қилмоқ (ب); (*к. нидир*) урмоқ (ب); 2) (*к. нидир*) ушламоқ, тутмоқ, қўлга олмоқ (ب); (*к. нидир*) ерга ташламоқ, ётқизмоқ (ب); III بَاطَشَ бир-бирига ҳужум қилмоқ

– بَطَّاشٌ 1) қудратли, кучли; 2) қаҳри қаттиқ, шафқатсиз, раҳмсиз

– بَطْشٌ қудрат, куч; مَارَسَ سِيَاسَةَ الْـــ وَ النَّهْبِ зўравонлик ва босқинчилик сиёсатини олиб бормоқ

– بَطْشَةٌ 1) ҳужум; 2) зўрлик, 3) зарба

بِطَاقَةٌ *кўп.* بِطَاقَاتٌ, بَطَائِقُ 1) кичик ёзув, хат: карточка (*бирор мақсад учун берилган варақа*); гувоҳнома; ~ الْبَرِيدِ почта открыткаси; ~ الدُّخُولِ кириш билети (чипта, патта); ~ (إِثْبَاتِ) الشَّخْصِيَّةِ шахсий гувоҳнома; ~ الزِّيَارَةِ *ёки* ~ الشَّخْصِيَّةِ визит карточкаси (зиёрат гувоҳномаси); ~ (التَّمْوِينِ) الْإِعَاشَةِ озиқ-овқат олиш учун берилган махсус варақа, талон, карточка, 2) ёрлиқ, этикетка

I (بطل) **بَطَلَ** (*у*) بُطْلٌ, بُطُولٌ, بُطْلَانٌ, 1) ёлғон бўлмоқ, қуруқ, бемаъни, аҳамиятсиз бўлмоқ; асоссиз, пуч бўлмоқ; ишонарли бўлмаган, қонуний кучга эга бўлмаган, бекор кетган бўлмоқ, (беҳуда) кетмоқ, (беҳуда) сарф бўлмоқ; 2) бекорчи бўлмоқ, фаолиятсиз, ҳаракатсиз, сust бўлмоқ; 3) ишсиз бўлмоқ; 4) ҳаракат қилишдан тўхтамоқ, тўхталмоқ; бекор қилинган. ўз кучини йўқотган бўлмоқ, بَطُلَ (*у*) بُطُولَةٌ 1) қаҳрамон бўлмоқ; *эск.* баттол бўлмоқ, 2) чемпион бўлмоқ; II بَطَّلَ 1) (*н. нингдир*) ҳаракати тўхтамоқ, бекор бўлмоқ; (*н. гадир*) барҳам бермоқ, чек қўймоқ, ~ السِّجَارَةَ сигарет чекишни ташламоқ; (*н. нидир*) тамом қилмоқ, тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ; ~ الْأَكْلَ овқатни еб бўлмоқ, овқат ейишни бас қилмоқ; 2) бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ, кераксиз қилмоқ; 3) ишсиз, фаолиятсиз қолмоқ; IV أَبْطَلَ 1) бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ, кучдан қолдирмоқ, ноқонуний, бекор деб эълон қилмоқ; 2) (*ишни*) тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ; 3) ёлғон гапирмоқ; беҳуда гапларни гапирмоқ, сафсатабозлик қилмоқ; V تَبَطَّلَ бекорчи бўлмоқ, ҳеч нарса қилмаслик, бекор юрмоқ, ялқовлик (танбаллик) қилиб юрмоқ

– إِبْطَالٌ бекор қилиш, йўқ қилиш, кучини йўқотиш

– أُبْطُولَةٌ *кўп.* أَبَاطِيلُ ортиқча ҳаракат, беҳуда уриниш, ғимир-ғимир қилиш, югуриб-елиш, оворагарчилик; пучлик, маъносизлик; أَبَاطِيلُ الْعَالَمِ ўткинчи дунёнинг беҳуда ҳатти-ҳаракатлари (югур-югурлари)

– بَاطِلٌ 1. 1) ботил, ўткинчи, ёлғон, эътиборсиз, фоний; 2) пуч, маъносиз, беҳуда, фойдасиз; ~ بِالْـــ а) ёлғондакам; б) барча ёлғон-яшиқлар билан, ~ беҳуда, бекордан-бекорга, овора бўлиб; 2. *кўп.* بَوَاطِلُ 1) ёлғон; сохталик, сунъийлик, ғирромлик; бемаънилик, сафсата; уйдирма; тутуруқсизлик; ножўялик, келишмаганлик, ёпишмаганлик; 2) ноҳақ, нотўғри; адолатсизлик;3) иблис, шайтон, малъун; ~ يَا لَهُ مِنْ *халқ.* у қандай ярамас одам!; 4) *кўп.* بَطَلَةٌ сеҳргар, афсунгар; ◊ ~ ذُو ҳазилкаш

– بَطَّالٌ 1) беиш, бекорчи; 2) ишсиз, ишдан маҳрум қилинган; 3) ёмон, бемаъни (*одам*)

– بَطَالَةٌ қаҳрамонлик, жасурлик

– بَطَالَةٌ 1) фаолиятсизлик, бекорчилик; 2) ишсизлик; 3) таътил, каникул

– بَطَلٌ *кўп* أَبْطَالٌ 1) қаҳрамон, қўрқмас; ~ الْعَمَلِ меҳнат қаҳрамони; ~ الْقِصَّةِ қисса (ҳикоя) қаҳрамони; 2) чемпион, ғолиб; ~ التِّنِسِ теннис бўйича чемпион; ~ الْعَالَمِيُّ жаҳон чемпиони

– بَطَلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) қаҳрамон (*аёл, қиз*); 2) чемпион (*аёл, қиз*), ғолиба

– بُطْلٌ 1) ёлғон, сафсата, ботил; 2) арзимаганлик, арзимаслик; нокераклик

– بُطْلَانٌ фойдасизлик, ҳақиқат эмаслик, беҳудалик; яроқсизлик, лаёқатсизлик, ярамаслик; ночорлик, асоссизлик, пучлик

– بُطُولَةٌ 1) қаҳрамонлик, жасорат; ~ بِـــ қаҳрамонларча, қаҳрамонона, жасурлик билан; 2) биринчилик, чемпионат (*мусобақа*); ~ أُوزْبِكِسْتَانَ فِي ... ...бўйича Ўзбекистон биринчилиги; ~ الْعَالَمِ فِي الْـــ الْعَالَمِيَّةُ فِي ... *ёки* ... бўйича жаҳон биринчилиги, ... бўйича жаҳон чемпионати

– بُطُولِيٌّ қаҳрамонликка оид; الْمَأْثُورَةُ الْـــ қаҳрамонона иш, жасорат

– تَبَطُّلٌ беишлик, бекорчилик

– مُتَبَطِّلٌ 1. бекорчи, 2. ишсиз

بَطَالِسَةٌ, بَطَالِمَةٌ *тар.* Птолемей

بُطْمٌ *жам.* нина баргли дарахтлар

– بُطْمَةٌ *кўп.* بُطُمَاتٌ нина баргли дарахт

I (بطن) **بَطَنَ** (*у*) بُطُونٌ 1) (*н. нингдир*) ичида (орасида) бўлмоқ; яширинган бўлмоқ; яширинмоқ; ~ وَ ظَهَرَ *маж.* ҳаммасини муфассал (ипидан игнасигача) билмоқ; 2) кирмоқ; ~ الْوَادِيَ (*саҳродан*) водийга кирмоқ; 3) чуқур билмоқ; ~ الْأَمْرَ ишнинг ботиний жиҳатини билмоқ, ишни ботинан билмоқ;4) ўзида мужассамлантирмоқ (ب); ~ بِزَيْدٍ Зайднинг характерини ўзида мужассамлантирмоқ; 5) بَطَنَ (*а*) بَطْنٌ қорнидан шикоят қилмоқ; بَطَنَ (*а*) بَطَانَةٌ жуда тўқ бўлмоқ (*ошқозон ҳақида*); بَطُنَ (*у*) катта қоринли бўлмоқ; II بَطَّنَ 1) астарламоқ; 2) уя қурмоқ (*қушлар ҳақида*); IV أَبْطَنَ 1) яширмоқ, бекитмоқ; сир сақламоқ; 2) (*к. нидир*) ўзининг дўсти деб танламоқ; V تَبَطَّنَ 1) ичига кирмоқ, (ичига) чуқур кирмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) текширмоқ; 3) астарланмоқ; 4) الْكَلأَ ~ яйловда сайр қилмоқ; X اسْتَبْطَنَ 1) ичкарига киришга ҳаракат қилмоқ; 2) чуқур ўрганмоқ; сир тутилган, кўнглида сақлаганларни билмоқ, билиб олмоқ, 3) ўз-ўзини таҳлил қилмоқ; 4) ҳомийлик қилмоқ, ҳимоясига олмоқ

– اسْتِبْطَانٌ ўз-ўзини таҳлил қилиш

– بَاطِنٌ *кўп.* بَوَاطِنُ 1. 1) ички; 2) яширинган, сир тутилган, махфий; ~اً яширинча, махфий равишда; ~اً وَ ظَاهِرًا ~ махфий ва очиқ равишда; 2. ботин, ич, ички томон; ўрталик, ора; ◊ ~ الْكَفِّ *ёки* الرَّاحَةِ ~ кафт; ~ الْقَدَمِ оёқнинг таги, товон; ~ السَّهْلِ текис ернинг ўртаси; بَوَاطِنُ الْأُمُورِ сиру асрорлар; ~ الْأَمْرِ фи аслида, аслини олганда; ~ه أَجَرَ مِنْ асосий ижарачидан кичик ижарага бермоқ; 3. Оллоҳ сифатларидан бири (*нарсаларнинг ботиний жиҳатини билувчи маъносида*)

– بَاطِنِيٌّ 1) ботиний, ички; ~ةُ الْأَمْرَاضُ الـ~ ички касалликлар, 2) яширин, махфий, сир тутилган; تَلاَ فِي صَوْتٍ ~ آيَاتِ الْقُرْآنِ Қуръони карим оятларини ичда тиловат қилмоқ; ~اً а) ичкаридан, ички томондан; б) дилда, юракда, ич-ичда

– بَاطِنِيَّةٌ : الـ~ ботинийя (*Қуръони каримдаги яширин маъноларни ахтарувчи диний-фалсафий оқим*)

– بِطَانٌ *кўп* أَبْطِنَةٌ 1) қоринбоғ, айил; ◊ الْتَقَتْ حَلْقَتَا الـ~ *маж.* ишнинг пачаваси чиқди (*сўзма-сўз:* камарнинг икки халқаси бир жойга келиб қолди)

– بِطَانَةٌ *кўп.* بَطَائِنُ 1) астар, таглик; *анат.* эндокардий (*юрак ички пардаси*); ~ الْقَلْبِ الْتِهَابُ *мед.* эндокардит (*юрак ички пардасининг яллиғланиши*); 2) яқин кишилар, яқинлар, аъёнлар; яқин муносабатдагилар; дўстлар; югурдаклар, ёрдамчилар, ҳайбаракаллачилар; 3) фон (*кутидаги қимматбаҳо нарса учун*)

– بَطَائِنِيَّةٌ *кўп.* ~ اتٌ, بَطَاطِينُ адёл, кўрпа

– بَطْنٌ *кўп.* بُطُونٌ 1) қорин; ошқозон, меъда; ~ُهُ أَخَذَهُ унинг қорни оғриди; ~ وَاحِدٍ وَلَدَتِ اثْنَيْنِ فِي у иккита (эгизак) туғди; 2) ич, ички томон; ўрталик, ора, ўрта; بُطُونُ فِي бу ниманингдир ичида; بُطُونُ الْمُؤَلَّفَاتِ الْقَدِيمَةِ қадимий битикларнинг турли жойларида; 3) туб, қаър, ост, таг; ~ الْأَرْضِ ер қаъри, ер ости; 4) уруғ, насл, зот; 5) (*қошиқни ва б. ни*) чуқурроқ ботириш; ◊ ~ه ابْنُ еб тўймас, мечкай, очофат; юҳо; ~ الْقَدَمِ оёқнинг таги, товон; ~ الْمِرْكَبِ трюм (*кеманинг юк ортиладиган остки қисми*); قَلَّبَ ~اً لِظَهْرٍ ағдар-тўнтар, остин-устун қилмоқ

– بَطِنٌ қорнинигина ўйлайдиган одам

– بُطْنَانٌ: ~ الْجَنَّةِ жаннатнинг ўртаси

– بِطْنَةٌ қориннинг ортиқ даражада тўйиши; очофатлик; еб тўймаслик, баднафслик, мечкайлик, юҳолик

– بَطْنِيٌّ қоринга оид; ~ التَّكَلُّمُ الـ~ лабини (оғзини) қимирлатмай гапириш

– بَطِينٌ[1]. қорни катта; 2. қориннинг (нафснинг) сўзига кирадиган

– بَطِينٌ[2] узоқ, узоқ масофали; ~ شَأْوٌ узоқдаги мақсад

– بُطَيْنٌ (*юрак*) қоринчаси

– مِبْطَانٌ 1. қорни катта, қориндор, қорни йўғон; 2. очофат, еб тўймас, мечкай, юҳо

– مُبْطَنٌ яширин, сирли; ~ بِشَكْلٍ сирли равишда, яширин, махфий, хуфёна

– مُبَطَّنٌ 1) астар қопланган, астарлаб тикилган; 2) уринган, кўп тутилган, тўзиган (мато билан астарланган); 3) бирор нарса билан тўшалган (*уя, ин ҳақида*)

– مُبَطَّنَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — мубаттана (*устки кийим тури*)

– مَبْطُونٌ қорни касал, касал қоринли

– مُسْتَبْطَنٌ : ~ الْكَلاَمِ сўзнинг яширин маъноси

بَاطِيَةٌ *алиф.б қ.*

I بَظَّ (*а/у*) بَظٌّ қуйилмоқ, тўкилмоқ, оқмоқ; тўкилиб кетмоқ; II بَظَّظَ тўкмоқ, тўкиб ташламоқ, ағдармоқ; қуймоқ; ◊ عَيْنَهُ ~ кимнингдир кўзини уриб чиқармоқ

بَظْرٌ *кўп* بُظُورٌ *анат.* клитор (*аёллар жинсий аъзосида*)

بَظْرَمَةٌ *халқ.* бекорчи гап, сафсата; !~ بَلاَشْ бекорчи сафсатани бас қил!

– ثَوْرٌ *кўп.* ثِيرَةٌ, ثِيرَانٌ буқа; فَحْلٌ ~ зотли, наслдор буқа; ~ مَخْصِيٌّ ҳўкиз; بُرُجُ الـــ~ *астр.* Савр буржи (*Савр юлдузлар туркуми*); كَالشَّعْرَةِ الْبَيْضَاءِ فِي الـــ~ الْأَسْوَدِ *маж.* денгиздан бир қатра (*томчи*) дек (*сўзма-сўз:* қора ҳўкиздаги битта оқ тукдек); حُرِّمَ مَا بَيْنَ عَيْرٍ إِلَى ثَوْرٍ Маккаи мукаррамадаги тоғнинг номи; الثَّوْرُ ثَوَرَانٌ ҳад. Мадинаи мунавваранинг Уҳуди билан Маккаи мукарраманинг Саври ўртаси ҳарам ҳисобланади

– ثَوْرَجِيٌّ 1) саросима, олағовур; ҳаяжонга келиш, изтироб; 2) (*вулқоннинг*) отилиши; 3) (*урушнинг*) бошланиши

– ثَوْرَجِيٌّ *кўп.* ثَوْرَجِيَّةٌ 1) революционер; 2) қўзғолончи, ғалаёнчи

– ثَوْرَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ 1) революция; ~ ثَقَافِيَّةٌ маданий революция; ~ُ مَجْلِسِ الـــ революцион совет; ~ مُعَاكِسَةٌ контрреволюция, аксилинқилоб; 2) қўзғолон, ғалаён; 3) (*вулқоннинг*) отилиши; 4) (*ғазабнинг*) қайнаши, тошиши

– ثَوْرَةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ сигир

– ثَوْرِيٌّ = ثَوْرَوِيٌّ

– ثَوْرِيٌّ 1. революцион; ~ُ الـــ النِّضَالُ революцион кураш; 2. революционер, инқилобчи

– ثَوْرِيَّةٌ революционлик, инқилобийлик

– مَثَارٌ 1) бирор нарсанинг бошланиш жойи; 2) баҳона; сабаб, манба; ~ لِكَثِيرٍ مِنَ الصُّعُوبَاتِ кўп қийинчиликларнинг сабабчиси; ~ُ الْجِدَالِ жанжалнинг, тортишувнинг, талашишнинг сабаби; ~ُ النِّزَاعِ тўқнашув, жанжалга боис мавзу; ~ُ الْهُمُومِ ғамхўрлик қилинадиган нарса

– مُثِيرٌ 1. 1) ҳаяжонли, ҳаяжонга солувчи; безовта қилувчи; خَبَرٌ ~ сенсация, шов-шув, ваҳима, дув-дув гап бўлган янгилик; ~ لِلشَّفَقَةِ (*одамнинг*) раҳмини келтирувчи; 2) ғашга тегувчи, жаҳлни чиқарувчи, қонини қайнатувчи; لِلْأَعْصَابِ ~ асабга тегувчи; 2. ғаламис, иғвогар, фитначи

ثُورِيُومٌ *кимё.* торий (*кимёвий элемент*)

(ثول) V تَثَوَّلَ 1) ғуж бўлмоқ, бир уяга (*оилага*) тўпланмоқ (*асалари ҳақида*); 2) тўпланиб турмоқ, тўпланмоқ, тиқилишмоқ; VII انْثَالَ (*бирор жойга*) келиб тўпланмоқ, йиғилмоқ, келмоқ (عَلَى); 2) (*мас.* хотиралар, ҳис-туйғулар) бирин-кетин эсга келмоқ, бирдан ёдга тушмоқ (عَلَى); 3) йиғилмоқ, тўпланмоқ, жамғарилмоқ, орттирилмоқ

– أَثْوَلُ *мн.* ءُ ثَوْلَاءُ айланма бош касалига мубтало бўлган ҳайвон

– ثَوْلٌ *кўп.* أَثْوَالٌ 1. ғуж, гала; 2. оила, уя

www.ziyouz.com kutubxonasi

– ثَوَلٌ қўйларда учрайдиган айланма бош касали

ثُومٌ *жам.* саримсоқ пиёз

– ثُومَةٌ бир бош саримсоқ пиёз

I ثَوَى (*и*) ثَوِيٌّ, ثَوَاءٌ 1) қолмоқ, яшамоқ; 2) ётмоқ; тинч ётмоқ, қабрда тинч ётмоқ (*ўлик ҳақида*); 3) *маж.* дафн қилмоқ, кўмилмоқ; IV أَثْوَى 1) яшамоқ; 2) яшаш учун жой бермоқ

– ثُوَّةٌ *кўп.* ثُوًى йўл бўйидаги, йўл устидаги столб (устун), тош

– مَثْوًى *кўп.* مَثَاوٍ манзил, макон, турар жой; ◊ ~ الْكَمَالِ утопия, хом хаёл, хаёлий фикр; أَكْرَمَ اللهُ مَثْوَاهُ ётсан жойи обод бўлсин!

(ثيب) II ثَيَّبَ · ~تِ الْمَرْأَةُ زَوْجَهَا аёл бева қолди; V تَثَيَّبَ = II

– ثَيِّبٌ *кўп.* اتٌ ـَ 1) жувон; бева аёл; эрдан чиққан аёл (хотин); 2) ~ رَجُلٌ уйланган, уй кўрган одам (эркак)

ثَيَاتِلُ *кўп.* ثَيْتَلٌ тоғ оҳуси (кийиги)

ثَيْلٌ *жам. бот.* буғдойиқ (*ғалласимон ажриққа ўхшаш ўсимлик*)

ثَيْنٌ марварид қидирувчи

ج

ج[1] (جِيمٌ) жим (*араб алифбосининг бешинчи ҳарфи; абжадда - 3*)

ج[2] *қисқ.* جَوَابٌ *дан,* жавоб; 2) *қисқ.* جَمْعٌ *дан, грам.* кўплик сон; 3) *қисқ.* جُمَادَى الْآخِرَةِ *дан,* қамарий тақвимнинг олтинчи ойи; 4) *қисқ.* جِلْدٌ *дан,* жилд, том; 5) *қисқ.* جُنَيْهٌ مِصْرِيٌّ *дан,* Миср фунти; 6) *қисқ.* ج.ع.م الْجُمْهُورِيَّةُ الْعَرَبِيَّةُ الْمُتَّحِدَةُ *дан,* БАР (*Бирлашган Араб Республикаси*); 7) *қисқ.* ج.م.ع جُمْهُورِيَّةُ مِصْرَ الْعَرَبِيَّةُ *дан,* Миср Араб Республикаси

جَا *қисқ.* جُمَادَى الْأُولَى *дан,* қамарий тақвимнинг бешинчи ойи

جَاتُوهٌ пирожний (*ёғли хамирдан пиширилган ва устига қиёмлардан гул солинган ширинлик*)

جَاثَلِيقٌ *кўп.* جَثَالِقَةٌ католикос (*арман ва грузин черковининг бош руҳонийси*)

جَارَاجٌ *алиф.б.қ.* جَرْجٌ

جَارَاشٌ = جَارَاجٌ

جَارُورٌ *алиф.б.қ.* جَرٌّ

جَازٌ[1] *кўп.* اتٌ ـَ 1) газ (*модда*); 2) керосин; лампамой

جَازٌ[2] газ; ҳарир газлама (*мато*)

جَازْبَنْدٌ жаз (*оркестр тури ва унга атаб ёзилган мусиқа асари*), жазбанд

جَاكِتَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ жакет; пиджак, эркаклар нимчаси, калта камзул

جَاكُوشٌ = شَاكُوشٌ

جَاكِيتٌ *кўп.* اتٌ ـَ аёллар жакети

جَالُوتُ *библ.* Голиаф (*чексиз қудратга эга бўлган афсонавий шахс*)

جَالُوثُ *тар.* яҳудийларнинг қувғиндаги ҳаёти, диаспора (*бошқа юртларда яшовчи келгиндилар тўплами*)

جَالُوصٌ *кўп.* جَوَالِيصُ гувала, бир юмолоқ лой

جَالُونٌ уқа, галун

جَالُونٌ *кўп.* اتٌ ـَ галлон (*Англияда, АҚШ да: суюқ ва сочилма жисмлар учун 4.54 л. ли ўлчов бирлиги*)

جَامٌ *мн. кўп.* اتٌ ـَ жом, қадаҳ, коса; صَبَّ ~ غَضَبِهِ وَ نِقْمَتِهِ (حِقْدِهِ وَ كَرْهِهِ) *маж.* ўз қаҳр-ғазабини (нафратини) ... га тўкиб солмоқ

جَامًّا гамма (*юнон алифбосининг учинчи ҳарфи*); ◊ ~ أَشِعَّةُ *физ.* гамма нурлар

جَامَكِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَ маош, мояна, ойлик, иш ҳақи

جَامُوسٌ *кўп.* جَوَامِيسُ буйвол (*буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвон*); бегемот, сув оти

– جَامُوسَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ урғочи буйвол

جَانْدَرْمَةٌ жандармерия

جَاهٌ 1) унвон, олий мартаба, мансаб; 2) қадр-қиммат, эътибор, обрў; 3) таъсир, аҳамият, куч; ~ الْـ عَرِيضُ катта обрўли, эътиборли

جَاوْدَارٌ, جَاوْدَارٌ = جَوْدَارٌ

جَاوَرْسٌ венгер (можар) тароғи

جَاوِيٌّ = جَاوِيٌّ 2)

جَاوِيٌّ Ява оролига, яваликларга оид; явалик(*лар*)га оид; 2. 1) явалик; 2) бензол смоласи; бухўр (*Осиё жанубидаги дарахтлар пўстлоғидан олинадиган хушбўй елим*)

جَاوِيشٌ *кўп.* جَاوِيشِيَّةٌ 1) сержант; унтер-офицер; بَاشْ~ катта унтер-офицер (*полицияда*); 2) жовиш (*дастурхонга охири қўйиладиган гурунчли таом номи*)

جَأْجَأَ بِالْإِبِلِ: ~ туяни сув ичишга чақирмоқ, туяга сув тутмоқ; تَجَأْجَأَ ўзини (нафсини) тиймоқ; бетараф қолмоқ, холис турмоқ (*овоз беришда*)

– جُؤْجُؤٌ *кўп.* جَآجِئُ 1) кўкрак, тўш (*қушлардаги*); 2) тумшуқ (*кемада*)

جِئْ جِئْ туяга сув ичириш, сув тутишда ишлатиладиган ундов сўз

جُؤْذَرٌ *ёки* جُؤْذُرٌ *кўп.* جَآذِرُ кийик боласи

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **جَأَرَ** (*a*) جُؤَارٌ, جَأْرٌ маърамоқ, бўкирмоқ, ўкирмоқ; ~ إِلَى اللهِ Оллоҳга ёлбормоқ, Оллоҳдан ўтиниб сўрамоқ

– جُؤَارٌ маъраш, бўкириш, ўкириш

I **جَأَشَ** (*a*) جَأْشٌ безовта бўлмоқ, ҳаяжонланмоқ

– جَأْشٌ 1) ҳаяжон, саросима, безовталик; أَسْكَنَ ~َهُ бирор кимни тинчлантирмоқ; 2) юрак, дил; 3) ўзини тута билиш; рух; رَابِطُ (سَاكِنُ) الْ~ِ اسْتَرَدَّ ~َهُ тинчланмоқ, ўзига келмоқ; хотиржам, сокин, совуққон, босиқ, оғир; ~ رَبَاطَةُ хотиржамлик, совуққонлик

I **جَبَّ** (*a/y*) جَبٌّ 1) (*қутулиш мақсадида*) кесмоқ, қирқиб ташламоқ; ~ خُصْيَتَيْهِ ахталамоқ, бичмоқ; 2) ортиқ (афзал) бўлмоқ, ошиб (ўзиб) кетмоқ; ғалаба қилмоқ

– جُبٌّ *кўп.* أَجْبَابٌ, جِبَابٌ 1) чуқурлик; 2) қудуқ

– جُبَّةٌ *кўп.* جُبَبٌ, جِبَابٌ жубба (*узун енгли устки кийим*), чопон

– مَجْبُوبٌ ҳарам оғаси; ҳарам ходими (*бичилган қул*)

(جبأ) IV أَجْبَأَ: الزَّرْعَ ~ фойдаси кўринмай туриб, экинни сотмоқ

جِبْتٌ 1) бут, санам; 2) руҳоний; 3) сеҳргар

جَبْحٌ *кўп.* أَجْبُحٌ, جِبَاحٌ асалари уяси (яшиғи), арихона

جَبَخَانَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) амуниция, аскарий анжом (*аскарнинг кийим ва қуролдан бошқа барча керак жиҳозлари*), ўқ-дорилар (*ўқ, граната, снаряд, мина ва б.*); 2; қўрхона (*порох сақланадиган ертўла*); ўқ-дорилар омбори; арсенал, аслаҳахона, қуролхона

I **جَبَذَ** (*u*) جَبْذٌ = جَذَبَ

I **جَبَذَ** (*u*) جَبْذٌ 1) тортмоқ, судрамоқ; 2) = جَذَبَ (*u*)

I **جَبَرَ** (*y*) جَبْرٌ, جُبُورٌ 1) ўрнига туширмоқ, солмоқ (*суяк ҳақида*); 2) тузатмоқ, созламоқ; қайта тикламоқ; 3) ёрдам бермоқ; 4) (н. *гадир*) мажбур қилмоқ (عَلَى); 5) бойитмоқ, бой қилмоқ, бадавлат қилмоқ; ◊ ~ خَاطِرَهُ ёки قَلْبَهُ юпатмоқ, овутмоқ; қондирмоқ, ҳузур-ҳаловат (лаззат) бахш этмоқ; II جَبَّرَ ўрнига туширмоқ, солмоқ (*суяк ҳақида*); III جَابَرَ 1) илтифот кўрсатмоқ; 2) ёқмоқ, кўнглини топмоқ; IV أَجْبَرَ мажбур қилмоқ, зўрламоқ; (н. *гадир*) буюрмоқ (عَلَى); V تَجَبَّرَ 1) ўрнига тушмоқ, солинмоқ (*суяк ҳақида*); 2) ўзини димоғдор тутмоқ, манмансирамоқ; ўзини катта (буюк) киши деб билмоқ; 3) зулм қилмоқ, азобламоқ, шафқатсиз бўлмоқ; VII اِنْجَبَرَ 1) ўрнига тушмоқ, солинмоқ (*суяк ҳақида*); 2) ёрдам олмоқ; VIII اجْتَبَرَ = VII

– إِجْبَارٌ мажбурлаш, зўрлаш; зиммасига юклаш

– إِجْبَارِيٌّ 1) мажбурий; бажарилиши шарт бўлган; 2) ноиложлик (*иложсизлик*)

– إِجْبَارِيَّةٌ мажбурийлик

– تَجْبِيرٌ солиш, ўрнига тушириш (*суякни*); أَجْهِزَةُ لِلْ~ ортопедик асбоб (*суякни даволаш учун*)

– جَابِرٌ 1. (*суяк*) солувчи; 2) 1) шикастабанд, синиқчи (*чиққан, синган суякни солувчи табиб*); 2) тиран (*Юнонистонда: ҳокимиятни зўрлик билан тортиб олган шахс*); золим ҳукмдор, шафқатсиз одам

– جَبَّارٌ 1. 1) кучли, қудратли; забардаст; الْقُوَّةُ الْ~َةُ жуда катта куч; ~ مَجْهُودٌ жуда зўр (қудратли) ҳаракат; 2) қаҳри қаттиқ, шафқатсиз, раҳм-шафқатни билмайдиган, бераҳм; 2. *кўп.* جَبَابِرَةٌ 1) жуда улкан, девқомат одам; паҳлавон, полвон, ботир, атлет, миқти (бақувват) одам; الْ~ *астр.* Орион; 2) тиран, шафқатсиз одам, золим ҳукмдор

– جُبَارٌ бефойда йўқотиш, бекордан-бекорга йўқотиш; ذَهَبَ دَمُهُ ~اً қони бекордан-бекорга тўкилди

– جَبَّارَةٌ жаббора (*кема тури*)

– جِبَارَةٌ[1] синиқчилик касби

– جَبِيرَةٌ = جِبَارَةٌ[2]

– جَبْرٌ 1) (*суяк*) солиш; لاَ ~ وَلاَ جَابِرَ بَعْدَ كَسْرِ عَظْمِهِ *мтл.* унга энди ҳеч нарса ёрдам бермайди; 2) мажбур қилиш, зўрлаш; жабр, зулм, зўравонлик; ~اً *ёки* بِالْ~ мажбурият орқасида, мажбур қилиш орқали, иложсизлик орқасида; зўрлаб, зўравонлик қилиб, мажбуран; 3) *дин.* тақдир, қисмат; 4) *шунингдек:* عِلْمُ الْ~ وَالْمُقَابَلَةِ алгебра; الْ~ الْعَالِي олий алгебра

– جَبْرَائِيلُ *ат.от. мз.* Жаброил алайҳиссалом

– جُبْرَانُ *қисқ.* جَبْرَائِيلُ *дан; ат. от. мз.* Жуброн

– جَبَرُوتٌ куч-қудрат, қувват

– جَبْرُوتِيَّةٌ манмансираш, кибрлик, кеккайиш

– جَبْرِيٌّ 1) мажбурий, зўрланган; ноилож; قُوَّةٌ ~َةٌ мажбур қилувчи куч; 2) алгебрага оид, алгебраик; الرَّمْزُ الْ~ алгебрага оид белги, алгебраик белги; الْعِبَارَةُ الْ~َةُ алгебраик ифода; الْمُعَادَلَةُ الْ~َةُ алгебраик тенглама

– جَبْرِيٌّ 1. фаталистик, фаталистларча; الْفَلْسَفَةُ الْ~َةُ фатализм (*тақдирга ишониш, ҳамма нарса тақдирга боғлиқ деб ҳисобловчи фалсафа*); 2. *кўп.* جَبْرِيَّةٌ 1) *тар.* жабарий (*инсон хоҳиш-ихтиёрини инкор қилувчи оқим вакили*); 2) фаталист, тақдирга ишонувчи

– جَبْرِيَّةٌ 1) *тар.* жабарият (*инсон хоҳиш-ихтиёрини инкор қилувчи фалсафий оқим*); 2) фатализм

– جِبْرِيَاءُ ғурур, ифтихор, иззат-нафс, кибр

– جَبْرَائِيلُ = جِبْرِيلُ

– جَبَرُوتٌ = جَبُورَةٌ

– جَبَّارٌ ўта кибру ҳаволи, манмансираган, кеккайган

– جَبِيرَةٌ *кўп.* جَبَائِرُ *мед.* тахтакач; шина (*синган жойни тахтакачлаб боғлайдиган жиҳоз*); ~ وَضَعَ رِجْلَهُ فِي кимнингдир оёғига тахтакач боғламоқ

– مُجَبَّرٌ шикастбанд, синиқчи (*чиққан, синган суякни солувчи табиб*)

– مَجْبُورٌ мажбур қилинган, зўрланган, мажбурий

www.ziyouz.com kutubxonasi

جَبَرْدِينٌ габардин (*мато*)

(جبس) II جَبَّسَ 1) гипсламоқ, гипслаб қўймоқ; ~ الْيَدَ қўлни гипсламоқ; 2) сувамоқ, сувоқ қилмоқ

– جَبَّاسٌ сувоқчи, чилкор

– جَبَّاسَةٌ *кўп.* اتٌ — гипс кони

– جِبْسٌ[1] гипс; ~ وَضَعَ رِجْلَهُ فِي الْـ оёқни гипсламоқ (тахтакач боғламоқ)

– جِبْسٌ[2] 1) қўрқоқ, юраксиз; 2) тентак, тутуруқсиз

– جَبَسٌ *жам.* тарвузлар

– جَبَسَةٌ *кўп.* اتٌ — тарвуз

– جِبْسِيٌّ гипсга оид; زَخَارِفُ ~ـةٌ гипсдан ишланган нақшлар

I جَبَشَ (*u*) جَبْشٌ (*соч-соқолни*) қирмоқ, тарашламоқ

I جَبَلَ (*y, u*) جَبْلٌ 1) қилмоқ, яратмоқ, пайдо қилмоқ; 2) қуймоқ, қолипламоқ; 3) *мажз.*(*бирор н. учун*) табиатан яратилган бўлмоқ (عَلَى); 4) қормоқ, пишитмоқ; IV أَجْبَلَ тоғ томонга юрмоқ, тоғларга чиқиб кетмоқ

– جَبْلٌ 1) пайдо қилиш, яратиш; 2) қуйиш, қолиплаш; ~ قَابِلِيَّةُ الْـ эгилиб-букилиш қобилияти, хусусияти; эгилиб-букилувчанлик

– جَبَلٌ *кўп.* جِبَالٌ тоғ; جَلِيد ~ айсберг (*сузиб юрувчи муз тоғ*); ~ نَارٍ вулқон; الْجَلْجَثَة ~ *библ.* Жабал (*Голгофа – Исо алайҳиссалом қатл этилган тоғ*); ◊ ~ بِنْتُ акс садо (ёр қиз)

– جِبِلٌّ одамлар гуруҳи (жамоаси)

– جِبِلَّةٌ яратилган мавжудот, хилқат

– جَبَلِيٌّ 1. 1) тоққа оид, тоғли; 2) *тех.* вулканизация қилинган (*каучукни резинкага айлантирилган*); 2. тоғлик, тоғда яшовчи (киши)

– جَبَلَاوِيٌّ *кўп.* جَبَلَاوِيَّةٌ 1. 1) тоғда яшовчи; 2; ёввойи; 2. тоғлик. тоғда яшовчи киши

– جَبَلَايَّةٌ грот (*денгиз қирғоғидаги тик қояларда ҳосил бўладиган ғор, сунъий ғорлар*)

– جِبْلَةٌ протоплазма (*тирик организм ҳужайраларидаги ҳаётий жараён учун энг керакли модда*)

– جِبِلَّةٌ *кўп.* اتٌ — жибиллий, туғма сифат, хусусият; хулқ-атвор, табиат

– جِبِلِّيٌّ 1) жибиллий, туғма, табиий; 2) жиддий, муҳим аҳамиятга эга бўлган

I جَبَنَ (*y*) جُبْنٌ, جَبَانَةٌ қўрқоқ бўлмоқ, юраксиз бўлмоқ; қўрқмоқ, ҳайиқмоқ; II جَبَّنَ қўрқоқликда айбламоқ; 2) қўрқоқ қилмоқ; إِنَّ الْحَشِيشَ يُجَبِّنُ وَالْخَمْرَ تُشَجِّعُ *мтл.* наша одамни қўрқоқ қилади, май эса - ботир; 3) (*сутни*) творогга (оғизга) айлантирмоқ; 4) ивиб қолмоқ, қуюлмоқ; IV أَجْبَنَ қўрқоқ деб билмоқ, қўрқоқ деб ҳисобламоқ; V تَجَبَّنَ = II 4)

– جَبَانٌ *кўп.* جُبَنَاءُ 1. қўрқоқ, юраксиз; иродаси суст; 2. иродаси суст одам

– جَبَّانٌ[1] *кўп.* جَبَّابِينُ пишлоқ сотувчи одам, пишлоқфуруш

– جَبَّانٌ[2], جَبَّانَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) қабристон, гўристон; 2) саҳро, чўл, дашт

– جَبَانَةٌ қўрқоқлик, юраксизлик; ваҳима, ҳадиксираш; руҳий тушкунлик; иродаси сустлик

– جُبْنٌ[1] қўрқоқлик, юраксизлик; руҳий тушкунлик, иродасизлик

– جُبْنٌ[2] *кўп.* أَجْبَانٌ пишлоқ; أَبْيَضُ ~ *ёки* رَطْبٌ ~ творог (оғиз); ~ رُومِيٌّ маҳаллий (четдан келтирилмаган) пишлоқ; ~ بَلَدِيٌّ турк пишлоғи, бринза (шўртанг пишлоқ); ~ فَلَمَنْكٌ голланд пишлоғи; ~ الْـ مَاءُ зардоб *қар.* قَرِيشٌ: قَرِيشُ الْـ

– جُبْنَةٌ пишлоқ бўлаги; пишлоқ; بَيْضَاءُ ~ *ёки* رَطْبَةٌ ~ творог (оғиз)

– جُبْنِينٌ казеин (*сутда бўладиган оқсил модда*)

– جَبِينٌ[1] *кўп.* جُبَنَاءُ = جَبَانٌ

– جَبِينٌ[2] *кўп.* أَجْبِنَةٌ пешона, манглай; وَصْمَةُ عَارٍ لَطَّخَتْ ~ـهُ унинг пешонасида шармандалик тамғаси бор

– جَبِينِيٌّ 1) пешонага оид; 2) олд томонда, рўпарада жойлашган, рўпарадаги, тўппа-тўғридаги

– مَجْبَنَةٌ *кўп.* مَجَابِنُ пишлоқ пишириладиган корхона

وجب қар. جِبَةٌ

I جَبَهَ (*a*) جَبْهٌ 1) юз-хотир қилмаслик, бор гапни дангал айтмоқ; 2) юзига тик қарамоқ (*мас., қўрқувнинг*); 3) ~ بِالْمَكْرُوهِ совуққонлик билан қарши олмоқ; совуқ кутиб олмоқ; ~ السَّائِلَ гадога (тиланчига) ҳеч нарса бермаслик; II جَبَّهَ ёқимсиз, ҳақоратли сўзларни гапирмоқ; уялтирмоқ; таъна қилмоқ; III جَابَهَ 1) юзига қарамоқ; (н. *нингдир олдига*) турмоқ (*туш.к. ёки* عَلَى); 2) (*бирор к. олдида*) нутқ сўзламоқ (عَلَى); 3) қарши зарба бермоқ, қайтармоқ; 4) (н. *биландир*) ҳайратга солмоқ (ب); кутилмаганда, тўсатдан дафъатан гапириб юбормоқ, айтиб юбормоқ, айтмоқ; ~ هُ بِالْقَوْلِ бирор кимнинг юзига дангал айтмоқ; V تَجَبَّهَ ягона умумий жабҳа (фронтга) бирлашмоқ

– جَبْهَةٌ[1] *кўп.* جِبَاهٌ, جَبَهَاتٌ 1) пешона; 2) жабҳа, (фронт); ~ الْـ وَالْقَاعِدَةُ (مُتَّحِدَةٌ) مُوَحَّدَةٌ ягона жабҳа фронт; фронт ва фронт орқаси; ~ بَارِدَةٌ (حَارَّةٌ) *метео.* совуқ (*иссиқ*) оқим; ◊ جِبَادُ الْقَوْمِ وَ أَعْيَانُهُمْ оқсуяклар, зодагонлар, аслзодалар, аъёнлар

– جَبْهَةٌ[2] от (*ҳайвон*); لَيْسَ فِي الْـ ~ صَدَقَةٌ *ҳад.* от-улов учу садақа берилмайди

– جَبْهَوِيٌّ жабҳа (фронтга) оид

– مُجَابَهَةٌ 1) юзма-юз тўқнашиш; бир-бирининг рўпарасид (қаршисида) туриш; 2) қарама-қаршилик, адоват

I جَبَى (и) جِبَايَةٌ (*солиқларни*) олмоқ, йиғмоқ; II جَبَّى 1) мукк тушмоқ; юз тубан йиқилмоқ, пешонани ерга теккизмоқ, тиззад

www.ziyouz.com kutubxonasi

турмоқ (*мас., саждада*); 2) совға, тортиқ қилмоқ, армуғон этмоқ; VIII اجْتَبَى танламоқ, танлаб олмоқ; сайламоқ

– تَجْبِيَةٌ тиззада туриш (*мас., сажда пайтида*)

– جَابٍ *мн.* جَابِيَةٌ *кўп.* جُبَاةٌ солиқ йиғувчи, ўлпончи, солиқчи; جَابِي التَّذَاكِرِ билет сотувчи, текширувчи

– جَابِيَةٌ *кўп.* جَوَابٍ 1) бассейн, сунъий ҳовуз; кўл, ҳавза, ҳовуз; 2) Дамашқдаги маҳалланинг номи

– جَبًا *халқ.* тортиқ, совға, ҳадя, туҳфа, инъом, армуғон; ~ عَاشَ و صَاحِبُهُ яшасин совға ва совға қилувчи киши!

– جِبَايَةٌ йиғим, тушум (*солиқ ҳақида*)

جُتٌّ 1) пўст, пўстлоқ (*мевадаги*); 2) каротин (*оранж - сариқ рангли модда*)

I جَثَّ (*а/у*) جَثٌّ 1) илдизи билан суғурмоқ; 2) таг-томири билан йўқ қилмоқ, илдизини қуритмоқ; VIII اجْتَثَّ = I

– جُثَّةٌ *кўп.* جُثَثٌ жусса; жасад, ўлик бадан; сўйилган ҳайвоннинг (*мас., қўй ёки молнинг*) нимталанган гўшти; ~ هَامِدَةٌ ўлик бадан, жасад

جَثْلٌ қалин (*соч ҳақида*)

جَثْلِيقٌ *кўп.* جَثَالِقَةٌ католикос (*арман ва грузин черковининг бош руҳонийси*)

I جَثَمَ (*у/и*) جُثُومٌ 1) чўнқайиб ўтирмоқ, тиз чўкиб ўтирмоқ; энгашмоқ, эгилмоқ, букилмоқ, бош эгмоқ; ерга қапишмоқ; 2) қимирламасдан ётмоқ; 3) бекинмоқ, яшириниб олмоқ; 4) ўтирмоқ (*от ҳақида*); 5) тошдек қуламоқ (*қуш ҳақида*); 6) (*бирор н. га*) таянмоқ, суянмоқ, оғирлигини солмоқ (عَلَى); 7) (к. *гадир*) тазйиқ ўтказмоқ, жабр-зулм қилмоқ (عَلَى); 8) тушмоқ, бошланмоқ (*тун, қоронғилик ҳақида*)

– جُثَامٌ, جُثَامٌ ёмон туш; босинқираш; мудҳиш воқеа, ҳодиса; ёмон аҳвол, даҳшат

– جُثْمَانٌ бадан; ~ الْمَيِّتِ ўликнинг бадани

– جُثْمَانِيٌّ жисмоний; баданга оид

– مَجْثَمٌ *кўп.* مَجَاثِمُ қушлар қўнадиган ер; қўноқ; синч, ходача, таёқ

I (جثو) جَثَا (*у*) جُثُوٌّ тиззалаб турмоқ, тиззани букмоқ; ~ عَلَى رُكْبَتَيْهِ тиз чўкмоқ

– جَاثٍ *мн.* جَاثِيَةٌ *кўп.* جُثِيٌّ тиззалаб турувчи, тиз чўккан, тиз чўкиб сиғинган; الْجَاثِي *астр.* Геркулес (*осмоннинг шимолий ярим шаридаги юлдузлар туркуми*)

– جُثُوٌّ тиз чўкиш, тиз чўкиб сиғиниш

– جَثْوَةٌ *кўп.* جُثًى гўр, гўртепа

– مَجْثًى *кўп.* مَجَاثٍ (*намоз пайтида тизза тагига қўйиладиган*) ёстиқ

جُحٌّ тарвуз (*Нажд ш. да*)

جَحْجَاحٌ *кўп.* جَحَاجِحُ ёки جَحَاجِيحُ жаноб, саййид, эътиборли киши

جُحًى, جُحَا (*араб халқ оғзаки ижоди қаҳрамонининг исми*) Жуҳо (*Гуҳо*)

I جَحَدَ (*а*) جَحْدٌ, جُحُودٌ 1) инкор этмоқ; 2) воз кечмоқ, рад қилмоқ; 3) ишонмаслик; 4) кўрнамак бўлмоқ, оқибатсиз бўлмоқ

– جَاحِدٌ 1) инкор этувчи; 2) динга (худога) ишонмайдиган, динсиз, даҳрий; 3) кўрнамак, оқибатсиз киши; ~ الْمَعْرُوفِ *ёки* ~ الْجَمِيلِ кўрнамак, оқибатсиз киши, яхшиликни билмайдиган киши

– جَحْدٌ, جُحُودٌ 1) инкор қилиш, тониш, тан олмаслик; 2) ишонмаслик, худосизлик, даҳрийлик; 3) *шунингдек:* ~ الْمَعْرُوفِ *ёки* ~ الْجَمِيلِ кўрнамаклик, оқибатсизлик, яхшиликни билмаслик

I جَحَرَ (*а*) جَحْرٌ уяга (инга) бекинмоқ; VII انْجَحَرَ = I

– جُحْرٌ *кўп.* أَجْحَارٌ, جُحُورٌ уя, ин

– جُحْرَانٌ = جُحْرٌ

جَحْشٌ *кўп.* جَحَاشٌ хўтук, кичкина эшак; ◊ خَشَبٍ ~ ёғочдан (тахтадан) ясалган бир нарсанинг остига қўйиладиган таглик; эшак

– جَحْشَةٌ *кўп.* اتٌ — урғочи хўтук

– جُحَيْشٌ; ~ وَحْدِهِ *ёки* عُبَيْرُ وَحْدِهِ ўзбошимча, қайсар, ўзбилармон (*салбий маънода*)

I جَحَظَ (*а*) جُحُوظٌ чақчайтирмоқ, бақраймоқ, анқаймоқ (*кўз ҳақида*), VI تَجَاحَظَ Жоҳизга тақлид қилмоқ (*қар.* الْجَاحِظُ); Жоҳизга ўхшаб ёзишга ҳаракат қилмоқ

– جَاحِظٌ *кўп.* جُحَّظٌ (*шунингдек:* ~ الْعَيْنَيْنِ) кўзлари чақчайган, олакўз, бақакўз, уккикўз; ◊ عَيْنَاهُ ~تَانِ مِنَ الْفَرَحِ қувончдан ўзини йўқотмоқ (*сўзма-сўз:* қувончдан икки кўзи чақчайиб турипти); هُوَ ~ُ الْجَاحِظُ Жоҳиз (IX *асрда яшаган машҳур шоирнинг лақаби*); ~ُ الدَّرْقِيُّ الْبَيَانِ у Жоҳизга ўхшаш (яъни тенги йўқ) сўз устасидир

– جُحُوظٌ кўзнинг чақчайиб (бақрайиб) туриши; ~ُ الدَّرْقِيُّ *мед.* Базедов касаллиги (*қалқонсимон без функциясининг бузилиши натижасидаги касаллик*), бўқоқ

I جَحَفَ (а) جَحْفٌ 1)олиб (оқизиб) кетмоқ (*сел ҳақида*); 2) (*бирор к. т арафига*) мойил бўлмоқ, қўшилмоқ, оғмоқ (مَعَ); IV أَجْحَفَ 1) зарар (зиён) етказмоқ, талафот келтирмоқ; 2) (к. *гадир*) адолатсиз бўлмоқ (ب); 3) ўзи билан олиб кетмоқ (ب); VI تَجَاحَفَ (*бирор н. да*) ўйнамоқ (ب); بِالْكُرَةِ ~ чавгон, хоккей ўйнамоқ

– إِجْحَافٌ 1) зиён, зарар, талафот; 2) озор, ранж; адолатсизлик, ноҳақлик

– جَحَّافٌ ҳалокатли, фалокатли

– جَحْفَةٌ хоккей

– جُحْفَةٌ Маккаи мукаррама билан Мадинаи мунаввара ўртасидаги жой номи (*Шом ўлкасидан келувчи ҳожилар учун мийқот*)

جَحْفَلٌ *кўп.* جَحَافِلُ катта армия, кўп сонли қўшин; ◊ رَجُلٌ ~ эътиборли одам

www.ziyouz.com kutubxonasi

– جَحْفَلَةٌ туёқли ҳайвонларнинг тумшуғи

I جَحَمَ (*а*) جَحْمٌ 1) (*олов*) ёқмоқ; 2) "шайтон олсин!" демоқ, бирор ким ёки нарсани кўздан нари ҳайдамоқ, отмоқ; унча диққат-эътибор бермаслик; II جَحَّمَ диққат билан қарамоқ; IV أَجْحَمَ (*бирор н. дан*) ўзини тиймоқ, бош тортмоқ (عَنْ)

– جَاحِمٌ қайноқ; қизиган; тобланган, қиздирилган

– جَحِيمٌ *мн.* дўзах ўти, дўзах; أَصْبَحَتِ الْحَيَاةُ ~اً فِي نَظَرِي ҳаёт мен учун дўзах бўлиб қолди

– جَحِيمِيٌّ дўзахга оид; дўзахий

I جَخَّ (*а/и*) جَخٌّ димоғи (бурни) кўтарилиб кетмоқ; керилиб, мақтаниб гапирмоқ, мақтанмоқ, керилмоқ

– جَخَّاخٌ 1. мақтанувчи, манманлик қилувчи; 2. мақтанчоқ

– جَخَّةٌ мақтаниш учун ёзилган ҳикоя

I جَخَفَ (*и, у*) جَخْفٌ, جَخِيفٌ ҳаддан ташқари мақтанмоқ, катта (йўғон) гапирмоқ

– جُخَافٌ улуғлик васвасаси, мен улуғман деб ўйлаш, жиннилик

– جَخَّافٌ ўта мақтанчоқ

– جَخِيفٌ хириллаган овоз, хириллаган товуш

(جحو) II جَحَّى қоринни ердан баландда ушлаб турмоқ (*саждада*); إِنَّهُ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ ~ فِي سُجُودِهِ *ҳад.* пайғамбаримиз алайҳиссалом саждада қоринларини баланд тутардилар

I (جدّ) **جَدَّ**[1] (*а/и*) جَدٌّ 1) буюк бўлмоқ; 2) эътиборли бўлмоқ; جَدَّ[2] (*а/и*) جِدٌّ 1) (*бирор н. да*) жиддийлик кўрсатмоқ, жиддий ҳаракат қилмоқ, ғайрат кўрсатмоқ (فِي); меҳнат қилмоқ, ишламоқ; وَكَدَّ ~ терлаб-пишиб ишламоқ; 2) жиддий бўлмоқ; (*бирор н. ни*) жиддий туриб бажармоқ; جَدَّ[3] (*и/и*) جِدَّةٌ янги бўлмоқ, яқингинада қилинган бўлмоқ; هَلْ ~ لِلْأَمْرِ جَدِيدٌ؟ бирон бир янгилик борми?; مَا يَجِدُّ مِنَ الْأَعْمَالِ (*кун тартибидаги*) ҳар хил масалалар; جَدَّ[4] (*и/а*) جَدٌّ *ёки* جُدَّ *мажх.* бахтли бўлмоқ; جَدَّ (*а/у*) бичмоқ (*газламани тикиш учун*); النَّخْلَ ~ хурмони кесмоқ, қирқмоқ, каллакламоқ; II جَدَّدَ 1) янгиламоқ; қайтадан бошламоқ; қайтадан тикламоқ; فِي ~ الْخِدْمَةَ الْجَيْشِ мажбурий муддатни адо этгач, яна ҳарбий хизматда қолмоқ; қайтадан ҳарбий хизматга кирмоқ; الشَّابَّ ~ ёшартирмоқ, ёшартмоқ; янгилик киритмоқ; 3) янгитдан (қайтадан) бошламоқ, қайтармоқ, такрорламоқ; IV أَجَدَّ 1) (*бирор н. да*) жиддийлик кўрсатмоқ (فِي); 2) янгиламоқ, қайтадан қилмоқ; النَّخْلَ ~ хурмони кесиш, қирқиш, каллаклаш вақти келмоқ; 3) буюк бўлмоқ, улуғ бўлмоқ, V تَجَدَّدَ 1) янгиланмоқ; қайтадан (янгидан) тикланмоқ;; 2) биринчи марта пайдо бўлмоқ, янги пайдо бўлмоқ; X اسْتَجَدَّ 1) янги тусга кирмоқ, тикланмоқ; қайтадан (янгидан) бошланмоқ, яна давом этмоқ; 2) яна қайтадан тикламоқ; 3) (*бирор н. ни*) биринчи марта қилмоқ; янги келган бўлмоқ (*мас., мактабга*): 4) янгилик қидирмоқ

– أَجَدَّانِ *ик.с.*: الْـ~ кеча ва кундуз

– تَجَدُّدٌ ўз-ўзини янгилаш; الْـ~ الْخُلْوِيُّ *биол.* анаболизм (*организмда ҳужайра ва тўқималар таркибий қисмлари ҳосил бўлишида моддалар алмашуви жараёни мажмуи*)

– تَجْدِيدٌ 1) янгилаш; реставрация қилиш (*эскириб ёки вайрон бўлиб кетган санъат ёдгорликларини асл ҳолига келтириб, қайта тиклаш*), қайта тиклаш; الشَّابِّ ~ ёшартириш, ёш ҳолига қайтариш; 2) янгилик киритиш

– تَجْدِيدِيٌّ янгиловчи; новаторликка ва новаторларга оид

– جَادٌّ 1) муҳим; жиддий, сипо, вазмин; 2) қунт билан ишлайдиган, тиришқоқ, ғайратли

– جَادَّةٌ *кўп.* ~ات, جَوَادُّ кенг йўл; الْحَقِّ ~ ҳақиқат йўли; الرَّشَادِ ~ тўғри йўл; عَادَ إِلَى الصَّوَابِ ~ савоб йўлига қайтмоқ, ҳақиқат йўлига қайтмоқ; النَّهْرِ ~ фарватер (*сувнинг кемалар юра оладиган чуқур жойи, кема йўли*)

– جَدٌّ[1] *кўп.* جُدُودٌ 1) улуғлик, буюклик; салобат; 2) бахт, омад; عَاثِرُ الْـ~ а) бахтсиз, толеи паст, иши юришмаган; б) омадсиз; الْـ~ الْعَاثِرُ аччиқ тақдир, паст қисмат

– جَدٌّ[2] *кўп.* أَجْدَادٌ, جُدُودٌ 1) бобо, бува; لِأَبِيهِ الْـ~ бобо (*ота томонидан*); لِأُمِّهِ الْـ~ бобо (*она томонидан*); الْـ~ الأَصْغَرُ бобо, бува; الْـ~ الأَكْبَرُ (الْأَعْلَى) *ёки* أَبُو الْـ~ (الْجَدِّ) катта бобо, катта бува (*бобо ёки момонинг отаси*), الْـ~ катта бобонинг ёки катта бувининг отаси; 2) ота-бобо, аждод

– جَدَادٌ *ёки* جِدَادٌ кесиш, қирқиш, каллаклаш

– جَدَّةٌ *кўп.* ~ات буви, момо; لِأَبِيهِ الْـ~ момо (*ота томондан*); لِأُمِّهَا الْـ~ момо (*она томондан*); الصُّغْرَى الْـ~ буви, момо; الْكُبْرَى الْـ~ *ёки* أُمُّ الْجَدِّ (الْـ~) катта буви (*бобо ёки момонинг онаси*); الْـ~ ача (*катта бобонинг ёки катта бувининг онаси*)

– جُدَّةٌ *кўп.* جُدَدٌ услуб, усул, восита

– جِدٌّ 1) тиришиш, ғайрат қилиш, ҳаракат қилиш; 2) жиддийлик, жиддият; أَخَذَهُ مَأْخَذَ الْـ~ бирор нарсани жиддий қабул қилмоқ; مَسْأَلَةٌ ~ خَطِيرَةٌ ўта жиддий масала; عَسِيرٌ ~ жуда қийин (оғир); كُلُّ ~ فِي أَفْعَالِهِ унинг ҳамма ҳатти-ҳаракатлари жиддийдир; بِـ~ *ёки* ~ مِنْ *ёки* ~ فِي жиддий; نَظَرَ إِلَيْهِ بِعَيْنِ الْـ~ бирор кимга жиддий кўз билан қарамоқ; ◊ ... عَالِمٌ أَنَّ ~ أَنْتَ сен шуни жуда яхши биласанки, ...; الاهْتِمَامِ ~ النَّاسُ مُهْتَمُّونَ ...га одамлар жуда қизиқаётир; ~اً жуда, ғоят

– جَدَدٌ текис ер; أَمِنَ الْعِثَارَ الْـ~ مَنْ سَلَكَ *мқл.* ким тўғри йўлдан юрса, у қоқилмайди

– جِدَّةٌ янгилик

– جِدِّيٌّ жиддий

www.ziyouz.com kutubxonasi

– جَدِيَّةٌ жиддийлик, муҳимлик; (*бирор н. даги*) хусусият

– جَدِيدٌ[1] *кўп.* جُدُدٌ 1) янги; энг янги; яқингинадаги, охирги; ~ لَنْحٍ яп-янги; ~ مِنْ қайтадан, яна; ~ا бошқатдан; қайтадан, тағин; яқингинада; ... فِي ~ لاَ ...да ҳеч қандай янгилик йўқ; أَتَى بِـ~ ...га бирор янгилик киритмоқ; الْـ~انِ *ик.с.* кун ва тун; 2) пара (*пиастрнинг қирқдан бирига тенг бўлган пул бирлиги*); الْـ~ الأَبْيَضُ يَنْفَعُ فِي الْيَوْمِ الأَسْوَدِ *мқл.* бойлигингни қора кунга сақла (*сўзма-сўз:* оқ паранинг (пулнинг) нафи қора кунда тегади)

– جَدِيدٌ[2] бахтли, бахт-саодатли, омадли

– جَدِيدٌ[3] бичилган (*кийим*); ~ ثَوْبٌ кийим учун бичилган газлама

– مُجِدٌّ тиришқоқ, ҳаракатчан, серғайрат

– مُجَدِّدٌ 1. янгиловчи; ~ التَّيَّارِ *эл.* реле (*электр занжирини улайдиган ва узадиган асбоб*); 2. новатор, янгилик яратувчи

– مَجْدُودٌ бахтли, саодатманд

– مُسْتَجَدٌّ янги; энг янги; яқингинадаги

– مُسْتَجِدٌّ янги одам; ~ فِي الدِّينِ *дин.* прозелит (*бирор динни янги қабул қилган киши*), бирор динга янги кирган (киритилган) киши

I **جَدُبَ** (*у*) جُدُوبَةٌ *ёки* جَدَبَ (*и*) جَدْبٌ қуруқ бўлмоқ (*ер ҳақида*), унумсиз, ҳосилсиз бўлмоқ (*ер ҳақида*); جَدَبَ (*у*) айбламоқ, айб қўймоқ; IV أَجْدَبَ 1) қуруқ, унумсиз бўлмоқ, ориқлаб қолмоқ (*ер ҳақида*); انْتَجَعَ ~ مَنْ *мқл.* ким ҳосил ололмаган бўлса, у бошқа ёқдан яйлов қидиради; 2) унумсизликдан (ҳосилсизликдан) шикаст топмоқ, азоб чекмоқ; الْقَوْمُ ~ одамлар бошига қурғоқчилик тушди

– إِجْدَابٌ 1) қурғоқчилик; 2) муваффақиятсизлик, иш юришмаслик, ишнинг ўнгдан келмаслиги

– أَجْدَبُ *мн.* جَدْبَاءُ қурғоқ, унумсиз, ҳосилсиз (*ер ҳақида*); الْجَدْبَاءُ саҳро

– جَدْبٌ[1] 1) қурғоқ (*ер ҳақида*); 2) ҳосилсиз; 2. 1) қурғоқчилик; 2) ҳосил битмаганлик, ҳосилсизлик

– جَدْبٌ[2] айб

– جُدُوبَةٌ қурғоқчилик, камҳосиллик

– جَدِيبٌ 1) ҳосилсиз, қурғоқ (*ер ҳақида*); 2) камҳосил, ҳосил бўлмаган

– مُجْدِبٌ ҳосилсиз, қурғоқ (*ер ҳақида*)

– مَجْدُوبٌ ҳосилсиз, қаттиқ, қурғоқ (*ер ҳақида*); 2) *халқ.* телба, девона, тентак, руҳий касал (*сол.* مَجْذُوبٌ)

جَدَثٌ *кўп.* أَجْدَاثٌ гўр, қабр

جُدْجُدٌ *кўп.* جَدَاجِدُ қора чигиртка

I **جَدَحَ** (*а*) جَدْحٌ бирор нарса қўшиб қормоқ, аралаштирмоқ, қориштирмоқ, бир оз қўшмоқ (аралаштирмоқ)

I **جَدُرَ** (*у*) جَدَارَةٌ 1) муносиб бўлмоқ, (н. *гадир*) лойиқ (муносиб) бўлмоқ, арзимоқ (ب); يَجْدُرُ بِالذِّكْرِ эслатиб (айтиб) ўтишга муносиб, эслатишга арзирли; 2) (к. *нингдир*) қилиши, бажариши лозим бўлмоқ (ب); 3) *мажҳ.* чечак билан оғримоқ; II جَدَّرَ 1) *шунингдек: мажҳ.* чечак билан оғримоқ; 2) илдиз отмоқ (*сол.* جَذَّرَ)

– أَجْدَرُ энг керакли; энг муносиб, ...га энг сазовор; وَالْأَجْدَرُ أَنَّ ... яна ҳам яхшиси шуки, ...

– جِدَارٌ[1] *кўп.* جُدُرٌ девор; الْـ~ الصِّينِيُّ Буюк Хитой девори; ~ الصَّوْتِ *ёки* ~ صَوْتِيٌّ *ав.* оддий тезлик билан товуш тезлиги орасидаги чегара; ضَرَبَ ~ا مِنَ الصَّمْتِ حَوْلَ ...нинг атрофига сукунат девори қурмоқ (...га мутлақо эътибор бермаслик)

– جِدَارٌ[2] *кўп.* اتٌ — асос, пойдевор, фундамент

– جَدَارَةٌ 1) мувофиқлик, муносиблик, тўғри (мос) келиш; яроқлилик; фойдалилик; қобилиятлилик, лаёқат; 2) шаън, қадр-қиммат; эътибор; яхши хислат, афзаллик; عَنْ ~ وَاسْتِحْقَاقٍ хизмати ва эътиборига яраша (лойиқ)

– جَدَارِيٌّ деворий, деворга ўрнатилган; *анат.* тана деворига (тўсиғига) яқин жойлашган (*аъзо ҳақида*)

– جُدْرَانٌ *кўп.* девор

– جُدْرٌ[1] *кўп.* جُدُورٌ *бот.* топананбур, чўчқа картошка (*Helianthus ruberosus- кунгабоқарга ўхшаш кўп йиллик туганаклик ўсимлик*)

– جِدْرٌ[2] *кўп.* جُدُورٌ илдиз

– جَدَرَةٌ *мед.* бўқоқ, Базедов касаллиги (*қалқонсимон без функциясининг бузилиши натижасидаги касаллик*)

– جُدَرِيٌّ, جَدَرِيٌّ чечак; ~ الْبَقَرِ бузоқ чечаги; ~ الدَّجَاجِ сув чечак

– جَدِيرٌ *кўп.* جُدَرَاءُ лойиқ, муносиб, (*бирор н. га*) арзийдиган (ب); بِالذِّكْرِ ~ эслатиб (айтиб) ўтишга лойиқ, эслашга арзирли; ~ بِالْإِعْتِبَارِ эътиборга арзирли, диққатга лойиқ, эътибор (диққат)га молик

– جُدَيْرِيٌّ сув чечак

– مِجْدَارٌ қўриқчи, қўрғич (*ҳосилли дала ёки боғларда*)

– مُجَدَّرٌ чечак билан оғриган касал

– مُجَدَّرَةٌ мужаддара (*гуруч, ясмиқ дон и ва ёг қўшиб тайёрланган овқат*)

– مَجْدُورٌ 1) чечак билан оғриган касал; 2) (*чечакдан*) юзи чўтир бўлиб қолган одам

جَدِيسٌ *тар.* Жадис (*Арабистондаги қадимги халқ номи*)

I **جَدَعَ** (*а*) جَدْعٌ шартта кесмоқ; ажратиб (узиб, кесиб) қўймоқ, (*баданнинг бирон бир қисмини*) кесиб ташламоқ; майиб (чўлоқ) қилмоқ, ногирон қилиб қўймоқ

– أَجْدَعُ *мн.* جَدْعَاءُ *кўп.* جُدْعٌ бурни кесилган (пучуқ)

– جَدْعٌ шартта кесиш, ажратиб (узиб, кесиб) қўйиш; ◊ يَتَمَنَّى بِـ~ الأَنْفِ қандай бўлмасин, нима қилиб бўлса ҳам; أَنْ ... учун қўлини (*сўзма-сўз:* бурнини) кестиришга тайёр эди

www.ziyouz.com kutubxonasi

– جَدَعٌ *кўп.* جُدْعَانٌ 1. довюрак, ботир; серғайрат; 2. 1) яхши йигит, йигитча; 2) ботир, мард

جَدْعَنَةٌ мардлик, ботирлик, азаматлик

I **جَدَفَ** (*u*) جُدُوفٌ кесилган қанотларни қоқмоқ; II جَدَّفَ 1). эшкак эшмоқ; 2) ҳақорат қилмоқ, ёмонламоқ, қораламоқ, урушмоқ; 3) худога шак келтирмоқ, шаккоклик қилмоқ (عَلَى اللهِ)

– تَجْدِيفٌ *кўп.* تَجَادِيفُ 1) эшкак эшиш; 2) сўкиш, ҳақорат; 3) худога шак келтириш, куфрлик (عَلَى اللهِ)

– تَجْدِيفِيٌّ худони, динни таҳқирлашга, худога, динга қаршилик қилишга оид

– جَدَفٌ[1] *кўп.* أَجْدَافٌ қабр, гўр

– جَدَفٌ[2] 1) усти ёпилмаган, беркитилмаган ичимлик; 2) егандан кейин устидан сув ичишни талаб қилмайдиган Яманда ўсадиган ўсимлик

– مِجْدَافٌ *кўп.* مَجَادِيفُ эшкак, човхода, чов; ~ بَيْتُ الْـــ эшкак қулоғи (*қайиқ ёнида эшкак ўрнатиладиган айри ва шу айри қозиғи учун қилинган тешик*)

– مُجَدِّفٌ эшкак эшувчи, эшкакчи

I **جَدَلَ** (*y, и*) جَدْلٌ айлантирмоқ, бурамоқ; эшмоқ, ўрмоқ, тўқимоқ, ўрай (тўқий) бошламоқ; ~ الشَّعْرَ فِي ضَفِيرَتَيْنِ сочни иккита кокил қилиб ўрмоқ; II جَدَّلَ 1) тўқимоқ; ўрай (тўқий) бошламоқ, 2) ерга ағдармоқ, йиқитмоқ, қулатмоқ; III جَادَلَ бир-бирига исбот қилмоқ; (*бирор н. ҳақида*) баҳслашмоқ (فِي), VI تَجَادَلَ бир-бири билан баҳслашмоқ; музокара олиб бормоқ; VII اِنْجَدَلَ 1) эшилган (ўрилган) бўлмоқ; 2) ерга ағдарилган (йиқитилган) бўлмоқ

– أَجْدَلُ (*кўч.м.*) лочин

– جِدَالٌ баҳс; музокара; ~ الْـــ (لاَ يَتَحَمَّلُ) لاَ يَقْبَلُ тортишувга (шак-шубҳага) ўрин йўқ; ~ بِلاَ шак-шубҳасиз, аниқ, равшан; ~ لاَ فِيهِ وَلاَ مِرَاءَ бу жуда ҳам аниқ (равшан)

– جَدَّالٌ баҳсчи, баҳсни яхши кўрадиган одам

جَدْلٌ аъзо

جَدَلٌ 1) баҳс, мубоҳаса, музокара; ~ بِغَيْرِ шак-шубҳасиз; هَذَا لاَ نَفْرِضُ (نُسَلِّمُ) لاَ يَقْبَلُ (لاَ يَتَحَمَّلُ) ~ا بِأَنَّ هَذَا قَدْ حَصَلَ бу содир бўлди деб фараз қилайлик; 2) *фалс.* диалектика (*ҳаракат ва ривожланишнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фалсафий таълимот; шунингдек: ҳаракат ва ривожланиш жараёни*)

– جَدِيلٌ *кўп.* جُدُلٌ ўрилган (эшилган) арқон

– جَدِيلَةٌ *кўп.* جَدَائِلُ бир тутам соч; кокил

– مُجَادَلَةٌ баҳс, мубоҳаса, тортишув; музокара

– مِجْدَالٌ[1] 1. баҳслашишни севадиган одам; 2. жанжалкаш

– مِجْدَالٌ[2] *кўп.* مَجَادِيلُ тумба, устунча; тагкурси, катта тош

– مِجْدَلٌ *кўп.* مَجَادِلُ 1) қаср, қалъа, сарой, қўрғон; 2) баҳсчи; жанжалкаш

– مَجْدُولٌ 1) айлантириб ўралган (эшилган); маҳкам қилиб эшилган; чигал, чувалган, ўралган, эшилган; 2) кучли ва чиройли; ~ الرَّقَبَةِ кучли (йўғон) бўйинли

I (جدو) **جَدَا** (*y*) جَدْوٌ (к. *гадир*) тортиқ қилмоқ, бермоқ (عَلَى); IV أَجْدَى (*фойда*) келтирмоқ; фахрланмоқ; هَذَا لاَ يُجْدِيكَ نَفْعًا бу сенга наф бермайди; عَلَيْهِ خَيْرًا ~ кимгадир фойда келтирмоқ; هَذَا لَمْ يُجْدِ فَتِيلاً бу ҳеч қандай ёрдам келтирмади; VIII اجْتَدَى 1) сўрамоқ, совға-салом талаб қилмоқ; X اسْتَجْدَى 1) сўрамоқ, сўраб олмоқ, тилаб олмоқ; ~ الأَكُفَّ хайр - эҳсон (садақа) сўрамоқ; 2) совға-салом талаб қилмоқ

– أَجْدَى энг фойдали

– جَدْوَى = جَدًا

– جَدَاءٌ фойда, манфаат

جُدَاءٌ *мат.* кўпайтма (*кўпайтириш натижаси*)

– جَدْوَى 1) совға, туҳфа; 2) фойда, манфаат; афзаллик, устунлик; ~ دُونَ *ёки* ~ عَلَى غَيْرِ ҳеч қандай фойдасиз, натижасиз; ~ بِلاَ *ёки* ~ مِنْهُ عَدِيمُ الْـــ *ёки* ~ لاَ фойда бермайдиган, бефойда, ~ عَدَمُ фойдасизлик, бефойдалик, беҳудалик; ~ ذَهَبَ دُونَ натижасиз бўлмоқ, самарасиз бўлмоқ (*мас., бирор ҳаракат ҳақида*)

– جَدْيٌ *кўп.* جِدْيَانٌ, جِدَاءٌ 1) улоқ, эчки боласи, ширвоз; أُذُنُ الْـــ *бот.* баргизуб, зуптурум; بُرْجُ الْـــ *астр.* Жадий буржи; مَدَارُ الْـــ Жадий тропиги (*Жадий буржи экватор атрофида кўринади*); 2) *шунингдек:* ~ الْفَرْقَدِ *ёки* ~ الْجَدْيُ *ёки* Қутб юлдузи

– مُجْدٍ *мн.* مُجْدِيَةٌ фойдали

– مُسْتَجْدٍ *мн.* مُسْتَجْدِيَةٌ гадо, тиланчи; қашшоқ

جَدْوَارٌ дармана, дармана илдизи

جَدْوَلَ чизиқ (жадвал) тортмоқ, жадвалларга бўлмоқ, чизиқлаб чиқмоқ; تَجَدْوَلَ чизиқ (жадвал) тортилган бўлмоқ, жадвалларга бўлинган бўлмоқ

– جَدْوَلٌ *кўп.* جَدَاوِلُ 1) оқим; сой, анҳор; канал; 2) рўйхат, санаб чиқиш, рўйхат дафтари, жадвал; таблица; график; диаграмма; ~ الأَعْمَالِ ишлар жадвали, ишлар тартиби, кун тартиби; ~ الْخَطَإِ ва الصَّوَابِ матбаа хатолари рўйхати; ~ الدُّرُوسِ дарслар жадвали; ~ الضَّرْبِ кўпайтириш жадвали; ~ الْقَضَايَا суд ишлари рўйхати; ~ نِظَامِ الْعَنَاصِرِ الدَّوْرِيُّ *ёки* مِنْدَلِيِيفَ Менделеев жадвали, элементларнинг даврий жадвали; جَدَاوِلُ انْتِخَابِيَّةٌ сайлов рўйхатлари

– جَدْوَلَةٌ чизиқлар тортиш, графалаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– جَدْوَلِيٌّ жадвалга оид; ~ الْـ رَقْمُ الْعُنْصُرِ элементларнинг жадвалдаги рақами

جَدُّونٌ руль (*велосипеддаги*)

I جَذَّ (*a/y*) جَذٌّ кесмоқ, қирқмоқ; кесиб ташламоқ; VII اِنْجَذَّ кесилган (қирқилган) бўлмоқ

– جُذَاذٌ *ёки* جِذَاذٌ кесиб олинган бўлак, қисм

– جُذَاذَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) карточка (*мас., кутубхонада*); 2) фишка (*турли ўйинларда ютуқни ҳисоблаш учун ишлатиладиган тош, соққа ва ш.к.*)

– جُذَاذَاتٌ *кўп.* қийқимлар, қирқиндилар; бўлаклар; синиқлар, қолдиқлар; пайраҳалар; қирқинди, қипиқ

– مَجْذُوذٌ = جُذَاذٌ

I جَذَبَ (*u*) جَذْبٌ 1) судрамоқ, тортмоқ; 2) ўзига жалб қилмоқ, ўзига тортмоқ, ўзига мафтун қилмоқ; қойил қолдирмоқ; 3) чўзмоқ, ўтказмоқ; III جَاذَبَ 1) тортишмоқ; ҳар ким ўз тарафига тортмоқ, судрамоқ; 2) (*бирор к. билан*) мусобақалашмоқ, курашмоқ; (*бирор н. ни*) талашмоқ; ~ُهُ حَبْلَ الْمُكَاتَبَة мен у билан хат ёзишиб турдим; ~ُهُ الْحَدِيثَ мен у билан суҳбатлашдим; ~ُهُ بِنُكْتَة мен у билан ҳазиллашдим; VI تَجَاذَبَ 1) тортишмоқ; ҳар ким ўзига қараб тортмоқ; 2) бир-бирига интилмоқ; 3) *физ.* ўзаро тортишмоқ; 4) мусобақалашмоқ; курашмоқ; ◊ ~ أَطْرَافَ الْحَدِيث (*бирор к. билан*) суҳбатлашмоқ, гаплашмоқ (مَعَ); VII اِنْجَذَبَ 1) ўзига тортувчи бўлмоқ, мафтун қилувчи бўлмоқ; тортиб олиб чиқилмоқ, судраб чиқилмоқ; 2) *физ.* тортиш кучи натижасида яқинлашмоқ, тортилмоқ; 3) жазавага тушмоқ, ортиқ даражада асабий ҳолатга тушмоқ; 4) ақлдан озмоқ, телбаланмоқ; VIII اِجْتَذَبَ ўзига тортмоқ, мафтун қилмоқ, кўнглини мафтун қилмоқ; ~ الأَنْظَار (*бирор н. га*) диққатни жалб қилмоқ (إِلَى)

– اِجْتِذَابٌ 1) қизиқиш, интилиш, майл, ҳавас; 2) ёқимлилик, жозибадорлик, дилраболик, дилбарлик; 3) *физ.* ўзига тортиш, тортиш

– اِنْجِذَابٌ 1) жазава ҳолати, ўта асабийлашган ҳолат; завқланиш, қойил қолиш; 2) (*бирор к. га*) ихлос қўйиш; (*бирор к. ни*) ёқтириш

– تَجَاذُبٌ 1) бир-бирига (ўзаро) интилиш; дўстлик; 2) *физ.* бир-бирини ўзаро тортиб туриш; ўзаро тортишиш; ~ الْـ الْمَغْنَطِيسِيُّ магнит тортишиши; туташиш, уланиш; 3) бирикиш, бирикма; ~ كِيمِيَاوِيٌّ кимёвий бирикма

– جَاذِبٌ 1) жозиб, ўзига тортувчи; ўзига мафтун (*жалб*) қилувчи; ~ الْـ الْمَرْكَزِيَّةُ الْقُوَّةُ марказга интилувчи куч; 2) мафтункор, мафтун қиладиган; таҳсинга лойиқ, чиройли

– جَاذِبَةٌ *кўп.* جَوَاذِبُ 1) *мн.* جَاذِبٌ *дан*; 2. жозибали хислат, жозибали жиҳат (томон); жозибадорлик, жозибалилик, гўзаллик

– جَاذِبِيَّةٌ 1) майл, ҳавас, интилиш; 2) *физ.* ўзига тортиш, тортишиш; ~ الإِلْتِصَاق туташиш, уланиш; бир-бирини тортиб туриш; ~ الْـ الأَرْضِيَّةُ ернинг тортиши; ~ الثِّقْلِ оғирлик кучи; ~ الْـ الْمَغْنَطِيسِيَّةُ магнетизм (*магнит ҳодисалари ва хоссалари*); نَامُوسُ الْـ ~ (قَانُونُ) ўзаро тортишиш қонуни; 3) ёқимлилик, жозибалилик, тортувчанлик, мафтункорлик, ўзига тортишлик; 4) мароқлилик, қизиқарлилик (*мас., ҳикояда*)

– جَذَّابٌ ёқимли, жозибали, мафтункор, тортувчан

– جَذْبٌ 1) тортувчи куч; ҳавас, майл; 2) жалб қилиш; 3) *физ.* тортиш, тортишиш; 4) *дин.* қандайдир бир ғойибона куч; жазава, ўзини йўқотиш даражасидаги завқланиш (ҳаяжонланиш); ~ الْـ وَالدَّفْعُ мунозаралар

– جَذْبَةٌ *кўп.* جَذَبَاتٌ 1) масофа, оралиқ; 2) ҳавас, майл, интилиш; 3) жозибадорлик, мафтункорлик; 4) жазава, ўзини йўқотиш даражасидаги завқланиш (ҳаяжонланиш)

– جَذْبِيَّةٌ жозибадорлик, мафтункорлик, тортувчанлик

– مُجَاذَبَةٌ кураш, рақобат, рақиблик

– مَجْذُوبٌ *кўп.* مَجَاذِيبُ 1. 1) жазава ҳолатидаги киши, ўзини йўқотадиган даражада ҳаяжонланган киши; 2) ақлдан озган, тентак, жинни; مُسْتَشْفَى الْمَجَاذِيب ақлдан озганлар касалхонаси; 3) бутун вужуди билан берилган, ўта қизиққан, мафтун бўлиб қолган; 2. мажзуб (*сўфийликнинг учинчи мақоми*)

– مُنْجَذِبٌ 1) мафтун бўлган; завққа тўлган; 2) жазавага тушган киши; 3) ақлсиз, тентак, жинни; 4) бутун вужуди билан берилган, ўта қизиққан, мафтун бўлган

I جَذَرَ (*y*) جَذْرٌ 1) илдизи билан суғурмоқ; 2) таг-томири билан йўқотмоқ; II جَذَّرَ 1) илдизи билан суғурмоқ; 2) илдиз отмоқ (ёймоқ); 3) *мат.* илдиз остидан чиқармоқ

– تَجْذِيرٌ 1) илдизи билан суғуриш; 2) илдизи билан йўқотиш; 3) *мат.* илдиз остидан чиқариш

– جِذْرٌ *кўп.* جُذُورٌ 1) *тур.м. да*, ўзак, илдиз; ~ الْمَلِك *бот.* ойболтирғон, оқсасир (*ўтсимон ўсимлик*); ~ تَرْبِيعِيٌّ *ёки* ~ مُرَبَّعٌ *мат.* квадрат илдиз; ~ اِسْتِخْرَاجُ الْـ *мат.* илдиз чиқариш; عَلَامَةُ الْـ ~ *мат.* радикал, илдиз аломати (√); الْجِذْرُ الثُّنَائِيُّ *грам.* икки ундошли ўзак; 2) асос, негиз, замин

– جِذْرِيٌّ 1) туб, қатъий, кескин; ~ تَبَدُّلَاتٌ ~ـةٌ туб (кескин) ўзгаришлар; 2) илдизга оид

– جَذَعٌ[1] *кўп.* جُذْعَانٌ 1) барваста йигит; азамат; мард; 2) (*бирон бир ишда*) янги одам

– جَذَعٌ[2] *кўп.* جِذَاعٌ уй ҳайвонларининг кичик ёшлиги; икки ёшли қўй, уч ёшли мол ёки бошқа туёқлилар, беш ёшли туя

– جَذَعًا *ёки* جَذَعَةً яна, қайтадан, тағин, янгидан

– جِذْعٌ *кўп.* جُذُوعٌ 1) тана. поя; тўнка; банд, даста; ёғоч, хода; رَأَى الْقَذَاةَ فِي عَيْنِ أَخِيهِ وَ نَسِيَ الْـ ~ فِي عَيْنِهِ *мқл.* иштонсиз тиззаси йиртиққа кулибди (*сўзма-сўз:* бировнинг кўзидаги гардни кўради, ўзининг кўзидаги ходани ҳам кўрмайди); 2) гавда, тана

جَذْعَمَةٌ кичик ёшли, ёши кичик

(جذف) II جَذَّفَ (*эшкак билан*) эшмоқ (*сол.* جَدَّفَ)

– تَجْذِيفٌ эшкак эшиш

– مِجْذَافٌ *кўп.* مَجَاذِيفُ эшкак, човхода, чов

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **جَدَلَ** (*а*) جَدَلٌ хурсанд бўлмоқ, қувонмоқ, шодланмоқ, завқланмоқ; IV أَجْدَلَ хурсанд қилмоқ, қувонтирмоқ, шод қилмоқ

– جَدَلٌ хурсандчилик, қувонч, завқ-шавқ, шодлик

– جَذِلٌ *кўп.* جُذْلَانٌ қувончли, шод-хуррам; хурсанд; бахтли, бахтиёр

– جِذْلٌ *кўп.* أَجْذَالٌ, جُذُولٌ тана, поя; тўнка

– جَذْلَانُ қувноқ, хурсанд, шодмон

– جُذَيْلٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*туялар келиб қашланадиган*) устун, устунча

I **جَذَمَ** (*и*) جَذْمٌ 1) кесиб қўймоқ, кесиб ташламоқ; 2) *мажх.* мохов касали билан оғримоқ; IV أَجْذَمَ мохов касали билан оғримоқ

– أَجْذَمُ *мн.* جَذْمَاءُ *кўп.* جُذْمٌ 1) мохов, мохов касаллиги билан оғриган одам; 2) майиб панжали, панжаси майиб, *ёки* майиб қўлли, қўли майиб

– جُذَامٌ *мед.* мохов

– جُذَامَةٌ анғиз (*экин ўриб олинган ер*); ўроқ вақти, ўрим-йиғим

– جِذْمٌ *кўп.* جُذُومٌ 1) ўзак, илдиз; 2) тана, поя

– مَجْذَمٌ депрозорий, моховхона (*моховлар касалхонаси*)

– مَجْذُومٌ мохов (одам)

جُذْمُورٌ *кўп.* جَذَامِيرُ тўнка

جَذْوَةٌ, جُذْوَةٌ *кўп.* جُذًى ёнаётган кўмир; сўхта ўтин; сўхта, чала куюк; қоракуя

I **جَذَى** (*и*) جَذْيٌ (*бирор н. қилмоққа*) халақит бермоқ, тўсқин бўлмоқ (عَنْ)

I **جَرَّ** (*а/у*) جَرٌّ 1) судрамоқ, ташимоқ, тортмоқ; сабаб (боис) бўлмоқ; ...га олиб бормоқ (келмоқ); ~ الْمَرْكَبَ кемани шатакка олмоқ; ~ الْمِيَاهَ إِلَى ... сувни ...га олиб бормоқ; ~ الْهَوَاءَ إِلَى جَوْفِهِ ҳавони сўриб олмоқ; ~ قَدَمَيْهِ оёғини зўрға судраб босмоқ; ~ نَفْسَهُ إِلَى ... (*бирор ёққа*) судралиб (имиллаб) бормоқ (*ёки* келмоқ); كُلٌّ يَجُرُّ النَّارَ إِلَى قُرْصِهِ *мкл.* ҳар ким оловни ўз кўмочига тортади; 2) ташиб юрмоқ, бошқа жойга ташимоқ; жойдан-жойга ташимоқ, кўчирмоқ; 3) (*н. гадир*) жалб қилмоқ, тортмоқ (إِلَى); ~ ذُبَابَهُ إِلَى الْحَرْبِ кимнидир урушга тортмоқ, жалб қилмоқ; 4) (*н. нингдир ичидан*) олмоқ, чиқармоқ, (тортиб, суғуриб) олмоқ (مِنْ), 5) *грам.* сўзни қаратқич келишигида келтирмоқ; ◊ ~ ... مَعَ شَكَلاً (*к. биландир*) жанжал келтириб чиқармоқ; ~ جَرِيمَةً (*к. гадир қарши*) жиноят содир этмоқ (عَلَى); II جَرَّرَ куч билан судрамоқ, тортмоқ; IV أَجَرَّ 1) (*сақич*) чайнамоқ; 2) (*тўлов*) муддатини узайтирмоқ, кейинга қолдирмоқ; VII انْجَرَّ 1) тортувчи бўлмоқ, эргаштириб кетувчи бўлмоқ, бир жойдан иккинчи жойга ташувчи бўлмоқ; шатакка олинмоқ; ~ مَعَ التَّيَّارِ оқим бўйича бормоқ; 2) (*бирор н. га*) қўшилган (тортилган, жалб этилган) бўлмоқ (إِلَى); ◊ ~ وَرَاءَ عَجَلَةٍ аравaнинг орқа ғилдираги бўлиб судралиб бормоқ; ҳаммадан орқада қолиб кетмоқ; ~ إِلَى الْوَرَاءِ чекинмоқ, четга (нарига) сурилмоқ; انْجَرَّ قُدَّامِي олдимда юр!; انْجَرَّ مِنْ هُنَا! йўқол (кет) бу ердан!; VIII اجْتَرَّ 1) (*сақич*) чайнамоқ; 2) етакламоқ, тортиб судрамоқ; 3) етакланмоқ, тортилмоқ; ~ الْبَعِيرُ туя етакланди; X اسْتَجَرَّ 1) секин судрамоқ, тортмоқ; 2) насияга сотиб олмоқ

– اجْتِرَارٌ (*сақич*) чайнаш

– انْجِرَارٌ эргаштириш, жалб этиш, тортиш

– انْجِرَارِيَّةٌ 1) шатакка олиниш; 2) шатакка олиш кираси (ҳақи)

– جَارٌّ *1)* тортувчи, судровчи; 2) *грам.* қаратқич келишиги бошқарувчиси. предлог, олд кўмакчи

– جَارَّةٌ жиловидан етакланадиган туя; ~ لاَ صَدَقَةَ فِي الإِبِلِ الْـ~ *ҳад.* етакланадиган туядан закот олинмайди

– جَارُورٌ *кўп.* جَوَارِيرُ суриладиган (тортма) яшиқ

– ~ جَرٌّ тортув, тортиш; судраб жилдириш; шатакка олиш; الأَثْقَالِ (*оғир нарсаларни кўтариш ва жилдириш*) механикаси; 2) *грам.* сўзни қаратқич келишигига қўйиш; ~ حَرْفُ الْـ *грам.* предлог, олд кўмакчи; ◊ ~ هَلُمَّ وَ қар. هَلُمَّ

– جَرَّاءَ: ذَلِكَ ~ бунинг оқибатида, шунинг учун; ~ أَنَّ مِنْ ... шуни назарда тутиб ...; *сол.* جَرَّاءَ *қар.* جرى

– جَرَّارٌ 1 1) кўп сонли (*қўшин ҳақида*); 2. 1) кулол; 2) прицепли платформа; ~ وَالْحَبْلُ عَلَى الْـ ва бошқалар (ва б.)

– جَرَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) трактор; ~ (ذَاتُ) جَنَازِيرَ *ёки* (ذَاتُ) ~ بِحَصِيرَةٍ *ёки* ~ حَصِيرَةٍ занжирли трактор; ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ электротрактор; 2) построма, шатак қайиш; 3) сариқ чаён

– جَرَّةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ оғиз интилиш, сапчиш; бирданига тез қилинган ҳаракат; ~ مِنَ الْقَلَمِ بِـ қалам чизиш (тортиш) билан

– جَرَّةٌ[2] *кўп.* جِرَارٌ, ـــ اتٌ кўза, хумча, тувак, хурмача; كَسَرَ بَيْنَهُ وَ بَيْنَهَا الْـ~ *маж.* у (мз.) билан унинг (мн.) ўртасидан ола мушук ўтди (*сўзма-сўз:* иккисининг ўртасидаги кўза синди); مَا كُلُّ جَرَّةٍ تُسَلَّمُ الْـ~ مَرَّةً *мкл.* Кўза ҳар куни эмас, кунида синади (*сўзма-сўз:* кўза ҳар сафар ҳам бутун қолавермайди)

– جُرَّةٌ *кўп.* جُرَرٌ из; ғилдирак изи, арава изи

– أَجِرَّةٌ *кўп.* сақич

– أَجِرَّةٌ *кўп.* جَرِيرٌ нўхта

– جَرِيرَةٌ *кўп.* جَرَائِرُ гуноҳ, айб, хато, ножўя иш; жиноят; ◊ ~ وَ ذَلِكَ бу ишнинг оқибати шуки, ...; ~ مِنْ ـــه у туфайли, унинг учун

– مُجْتَرٌّ кавш қайтарувчи; الْحَيْوَانَاتُ الْـ~ةُ кавш қайтарувчи ҳайвонлар; الْـ~اتُ *кўп.* кавш қайтарувчилар

– مَجَرٌّ *кўп.* اتٌ ـــ нов, қувур, оқава сувларни табиий сув

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳавзаларига ўтказадиган қувурлар

– مَجَرٌّ узатма тасмаси (қайиши)

– مَجَرَّةٌ: ~ الْـ *ёки* نَهْرُ الْـ ~ Сомон Йўли, Галактика (*Қуёш системасини ўз ичига олган юлдузлар силсиласи*)

– مَجَرِّيٌّ Сомон Йўлига оид; الْعَالَمُ الْـ ~ Галактика

– مَجْرُورٌ[1] 1) судраладиган, судралувчи, тортиладиган, тортилувчи; шатакка олинувчи; 2) *грам.* қаратқич келишигида келган; الْجَارُّ وَالْـ ~ олд кўмакчи ва унга тобе бўлиб қаратқич келишигида келувчи сўз

– مَجْرُور[2] *кўп.* مَجَارِيرُ (*шунингдек:* الْمَنْزِلِ ~) сув оқиб тушадиган (кетадиган) қувур, дренаж қувури; الْمَدْخَلُ الْـ ~ люк, қопқоқли туйнук, тешик; مَجَارِيرُ канализация (*ахлат, чиқинди ва ёғин сувлари оқизиладиган қувурлар тизими*); شَبَكَةُ الْمَجَارِيرِ канализация тармоғи

جَرَّ қар. جَرَّ

جِرَامٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ грамм

جِرَامُوفُونٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ граммофон

جِرَانِيتٌ гранит (*рангдор, қаттиқ тоғ жинси*)

– جِرَانِيتِيٌّ гранитга оид

I **جَرُؤَ** (*у*) جَرْأَةً, جُرْأَةً, جَرَاءَةً 1) журъатли бўлмоқ, жасур бўлмоқ, шижоатли (қўрқмас, ботир) бўлмоқ; 2) (н. *гадир*) журъат қилмоқ, юраги дов бермоқ (عَلَى); II جَرَّأَ (н. *га ёки н. гадир қарши*) жасорат бахш этмоқ, далда бермоқ, руҳини кўтармоқ, руҳлантирмоқ (عَلَى); V تَجَرَّأَ (н. *гадир*) журъат қилмоқ, ботинмоқ (عَلَى), V III اجْتَرَأَ = V

– جَرَاءَةٌ жасурлик, ботирлик, жасорат

– جُرْأَةٌ 1) журъат, жасорат, дадил интилиш; ~ـــ а) дадиллик билан, қўрқмасдан, мардона; б) дағаллик (қўрслик, қўполлик) билан

– جَرِيءٌ *кўп.* أَجْرِيَاءُ жасур, довюрак, мард, қўрқмас, журъатли, жасоратли

I **جَرَبَ** (*а*) جَرَبٌ 1) қичима (қўтир) касали билан оғримоқ; 2) айнимоқ, ўнгмоқ, оқармоқ, тулламоқ; II جَرَّبَ 1) синаб кўрмоқ, тажриба ўтказмоқ; نَفْسَهُ ~ (н. *дадир*) ўзини синаб кўрмоқ (فِي); 2) синамоқ, тажриба қилиб кўрмоқ; V تَجَرَّبَ синалмоқ, тажриба қилиб кўрилмоқ

– أَجْرَبُ *мн.* جُرْبَاءُ *кўп* جَرْبٌ 1) қичимага (қўтирга) оид; қичима (қўтир) билан оғриган касал; 2) туки тўкилган, тулланган (*мас., дум*)

– تَجْرِبَةٌ *кўп.* تَجَارِبُ 1) тажриба; синов; التَّجَارِبُ النَّوَوِيَّةُ термоядро синовлари; أَجْرَى التَّجَارِبَ عَرَفَهُ тажриба ўтказмоқ; ~ـــ بِالـ тажрибадан маълумки, ...; ~ الطَّبْعِ матбаа корректураси; ~ـــ رَاجَعَ الـ корректура ўқимоқ (тузатмоқ); ~ـــ مُدَّةُ الـ синов муддати, 2) тажриба, малака, кўникма, маҳорат; 3) синов; 4) машқ, тайёргарлик, репетиция (*бирор н. ни омма олдида ижро этиш олдидан машқ қилиш, ўрганиш, тайёргарлик кўриш*); ~ـــ الْغَنَائِيَّةُ хор репетицияси, умумий хор машқи; ~ـــ الْمَسْرَحِيَّةُ пьеса репетицияси

– تَجْرِيبٌ эксперимент (илмий тажриба) ўтказиш; синов ўтказиб кўриш

– تَجْرِيبِيٌّ экспериментал, эксперимент (илмий тажриба)га оид

– جِرَابٌ ва جُرُبٌ *кўп.* أَجْرِبَةٌ 1) қоп, чипта; сумка, тўрва, халта, сафар халта; 3) ғилоф, қин; ~ الْفَرْدِ (الْمُسَدَّسِ) тўппонча қини, кобура; 3) *анат.* мояк халтаси

جُرَابٌ[1] *кўп.* جُرَابَاتٌ, جَوَارِبُ пайпоқ

– جُرَابٌ[2] Маккаи мукаррамадаги сувнинг номи

– جَرَبٌ 1) қичима, қўтир; қора қўтир, қотган яра; қирчанғи; ~ الْحَلَّاقِينَ *мед.* паразитар, сикоз (*тери касалликларидан бири*); қасмоқ

– جَرِبٌ *кўп.* جَرَابٌ қичима (қўтир)га оид; қора қўтир босган; қўтир, қирчанғи, хариш; кал; ёмон, ярамас, чатоқ, расво

– جَرْبَانُ *кўп.* جَرْبَى 1) *қар.* جَرِبٌ; 2) ўнгиб кетган, айниган, оқариб кетган, ранги ўчган

– جَرْبَةٌ дала, пайкал, экин экиладиган ер

– جَرِيبٌ *кўп.* أَجْرِبَةٌ жариб (*100 قَصَبَةٌ مُرَبَّعَةٌ га ёки 1260 - 1592 м² га тенг майдон ўлчови*)

– جُرَيْبٌ *анат.* фолликул (*умуртқали ҳайвонлар ва одамнинг турли хил аъзоларидаги юмалоқ, тухумсимон еки ноксимон безлар, тўқималар*)

– مُجَرَّبٌ 1. бошидан кечирувчи; 2. 1) синовчи, 2) васваса қилувчи, йўлдан оздирувчи

– مُجَرِّبٌ синалувчи, текшириладиган; тажриба учун чиқарилган, тайёрланган

جَرَبَنْدِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ ов халтаси (тўрваси), илвасин халта

جَرْبُوعٌ *кўп.* جَرَابِيعُ жарбуа (*Африка қўшоёғи*); 2) дайди, дарбадар, мискин

جَرْثَمَ бактериялар юқтирмоқ; تَجَرْثَمَ эмбрионлик (муртаклик) ҳолатида бўлмоқ, туғилмоқ, дунёга келмоқ

– جَرْثَمَةٌ бактериялар билан заҳарланиш

– جُرْثُومَةٌ *кўп.* جَرَاثِيمُ 1) ўзак, илдиз, асос; 2) эмбрион, пушт, ҳомила, уруғ; جَرَاثِيمُ الذَّكَرِ *ёки* جَرَاثِيمُ مَنَوِيَّةٌ *биол.* эркак уруғининг ҳужайраси, сперматозоид; 3) микроб бактерия (*микроскоп орқалигина кўринадиган жуда майда жонивор*); جُرْثُومِيٌّ бактериологик уруш; عِلْمُ الْجَرَاثِيمِ бактериология (*бактериялар ҳақидаги фан*)

– جَرْثُومِيٌّ бактерияларга оид, бактериологик; ~ـــ حَرْبٌ бактериологик уруш

مُجَرْثَمٌ бактериялар билан заҳарланган

(جر ح) II جَرَّجَ (*машинани*) гаражга қўймоқ

– جَرَاجٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ гараж

جَرْجَاوِيٌّ 1. Жарж вилоятида яшовчи; 2. Жарж вилоятида яшайдиган одам, жаржлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (جرد) جَرَدَ (у) جَرْدٌ 1) яланғочламоқ, ечинтирмоқ; 2) тозаламоқ, кеткизмоқ, пўстини шилмоқ; 3) (н. *дәндир*) маҳрум қилмоқ (مِنْ); ~ ҳисоб-китоб қилмоқ; рўйхат тузмоқ, инвентаризация (*бор ларнинг рўйхатини*) қилмоқ; جَرِدَ (а) جَرَدٌ 1) яланғоч бўлмоқ, ~ дала бўлмоқ; 2) пўст ташламоқ; тулламоқ; ранги ўчмоқ; II جَرَّدَ яланғочламоқ, ечинтирмоқ; ~ السَّيْفَ қилични яланғочламоқ; ~ пўстини (терисини) шилмоқ, арчмоқ; 3) (н. *дандир*) маҳрум қилмоқ (مِنْ); ~ُ مِنَ الْجِنْسِيَّة бирор кишини фуқаролиқдан (гражданликдан маҳрум қилмоқ; ~ُ مِنَ الْحُقُوق бирор кишини ҳуқуқлардан маҳру қилмоқ; ~ُ مِنَ الرُّتْبَة бирор кишини унвонидан (мавқеидан) маҳру қилмоқ; ~ُ مِنَ السِّلَاح бирор кишини қуролсизлантирмоқ; ~ مِنَ الْمُلْك мулкдан (мулкчилик ҳуқуқидан) маҳрум қилмоқ; ~ نَفْسَهُ ... مِنْ (*бирор н. дан*) ўзини халос (озод) этмоқ; (*бирор н. дан*) бо тортмоқ, бўйин товламоқ; 4) экспедицияни ташкил этмо топшириқ билан юбормоқ, жўнатмоқ, юриш уюштирмоқ; (н. *учу ёки бирор к. га қарши*) сафарга тайёрламоқ (عَلَى, لِـ); абстрактлаштирмоқ, мавҳумлаштирмоқ. V تَجَرَّدَ 1) яланғочланмо ечинмоқ. 2) (*бирор н. дан*) халос (озод) бўлмоқ (عَنْ, مِنْ); эг бўлмаслик, (н. *дандир*) маҳрум бўлмоқ (عَنْ); 3) (н. *гадир*) буту борлиғини бахш этмоқ (لِـ); 4) абстракцияланмоқ (н. . *воқеа ҳодисаларнинг муҳим томонларини аниқлаш учун уларнин жузъий томонларини фикран бир чеккага қўйиб туриб қаралмоқ* عَنْ); VII انْجَرَدَ 1) ўт-ўлансиз бўлиб қолмоқ, ечинтирилга яланғочланган бўлмоқ (н. *дир ҳақида*); 2) тулламоқ (*ҳайвонла тўғрисида*). 3) тўзимоқ, эскирмоқ (*кийим ҳақида*)

– جَرْدَاء *мн.* جُرْد *кўп.* 1) яланғоч, қип-яланғоч, баргсиз, ў ўлансиз, 2) ўсимликдан маҳрум бўлган; الْجَرْدَاء унумсиз ер, ори ер. 3) сочсиз, туксиз, кал

– أَجْرَدُ *халқ.* соқол-мўйловсиз (*юз ҳақида*)

– تَجَرُّدٌ манфаатдор бўлмаслик, холислик, бетарафли яланғочлик

– تَجْرِيدٌ 1) яланғочлаш; 2) пўстни, пўстлоқни шилиш; 3) (*дандир*) маҳрум бўлиш, ажралиш (مِنْ); ~ مِنَ السِّلَاح қуролсизланиш; демилитаризация, қуролсизлантириш, қуролл куч ва ҳарбий саноатдан маҳрум этиш; 4) экспедицияни жўнатиш юбориш; сафарга тайёрлаш; 5) абстрактлаштириш мавҳумлаштириш; абстракция; ~ مَذْهَبُ الـ абстракционизм (*тасвирий санъатда: реал н. ларни мавҳум шакллар билан тасвирлаш тарафдори бўлган формалистик оқим*); 6) демонтаж бузиш, қисмларга ажратиш; 7) беғаразлик, холислик

– تَجْرِيدَة *кўп.* ات ـــ ҳарбий отряд (гуруҳ)

– تَجْرِيدِيٌّ абстрактликка оид, абстракт, мавҳум; абстракци онист (*абстрактционизм тарафдори бўлган рассом*); رَسْمٌ ~ абстракт расм; الْفَنُّ الـ~ абстракт санъат; رَسْمَةٌ ~ абстракт суврат

جَرْجَرَ 1) гулдирамоқ; қалдирамоқ, гумбурламоқ; шовқин солмоқ; ~ الْمَاءَ فِي حَلْقِه томоқ чайқамоқ (ғарғара қилмоқ); 2) зўрға-зўрға судрамоқ, тортмоқ; ~ نَفْسَهُ مِنْ شِدَّةِ الْعَنَاء (رِجْلَيْه) *ёки* مِنْ شِدَّةِ الْعَنَاء зўрға-зўрға судрамоқ; ~ وَزَاءَهُ чарчаганидан оёғини сабаб (боис) бўлмоқ, ...га олиб бормоқ (келмоқ)

– جَرْجَارٌ *бот.* кресс-салат (*Zeridium safivum - гўштли овқатларга салат тарзида ишлатилади*); ~ الْمَاء сув кресси; ~ بَرِّيٌّ ёввойи кресс

– جَرْجُورٌ *жам.* дуккакли ўсимликлар (ловия, нўхат ва ш.к.); ~ مِصْرِيٌّ люпин, бўри дуккак (*ўтсимон ўсимлик*)

– جَرْجَرَةٌ 1) гулдураш, гумбурлаш, қалдираш; шовқин, 2) чўзиш, кирялаш (*тобора кичраядиган қатор тешиклардан ўтказиб ингичкалаш*)

– جِرْجِيرٌ = جَرْجَارٌ

I جَرَحَ (а) جَرْحٌ 1) ярадор қилмоқ, жароҳатламоқ; 2) ҳақорат қилмоқ, қораламоқ, ёмонламоқ; шарманда қилмоқ; ~ الشَّهَادَةَ гувоҳ кўрсатмаларини рад қилмоқ (тан олмаслик); ~ اسْمَهُ бирор кимни обрўсизлантирмоқ; 3) амалга оширмоқ, ҳосил қилмоқ, бажармоқ; II جَرَّحَ 1) қаттиқ ярадор қилмоқ, ҳамма ёғини жароҳатлаб ташламоқ; 2) (*бирор н. нинг*) ҳақиқат эканлигига шубҳаланмоқ, ҳақиқат деб топмаслик; (*гувоҳ кўрсатмаларини*) рад этмоқ; (*гувоҳни*) рад қилмоқ, тан олмаслик; V تَجَرَّحَ қаттиқ ярадор бўлмоқ, ҳамма ёғи жароҳатлаб ташланган бўлмоқ; VII انْجَرَحَ ярадор бўлмоқ, жароҳатланмоқ; VIII اجْتَرَحَ яратмоқ, амалга оширмоқ; ~ السَّيِّئَات бирор ножўя (ёмон) иш қилиб қўймоқ; ~ الْعَجَائِبَ мўъжиза яратмоқ

– تَجْرِيحٌ 1) жароҳат етказиш, жароҳатлаш; 2) ҳақоратлаш; 3) (*гувоҳ кўрсатмаларини*) рад қилиш; (*гувоҳни*) рад этиш

– جَارِحٌ 1) жароҳатловчи; 2) ҳақоратли; 3) аччиқ, ўткир, ачиштирадиган; 4) йиртқич (*ҳайвонлар ва қушлар тўғрисида*)

– جَارِحَةٌ *кўп* جَوَارِحُ 1) аъзо, орган; қисм, бўлак; بِكُلِّ جَوَارِحِه бутун вужуди билан, ўта даражада; 2) йиртқич қуш

– جَرَّاحٌ, جَرَائِحِيٌّ жарроҳ, хирург

– جِرَاحَةٌ[1] *кўп.* جِرَاحَاتٌ, جِرَاحٌ жароҳат, яра

– جِرَاحَةٌ[2] жарроҳлик (хирурглик) касби, хирургия, жарроҳлик; ~ التَّجْمِيل пластик жарроҳлик, қайта тиклаш жарроҳлиги; ~ الـ غُرْفَةُ жарроҳлик (операция) хонаси; ~ الـ مَائِدَةُ жарроҳлик (операция) столи

– جِرَاحِيٌّ 1. жарроҳликка оид, ~ عَمَلِيَّةٌ жарроҳлик операцияси; 2. жарроҳ, хирург

– جُرْحٌ *кўп.* جُرُوحٌ, جِرَاحٌ жароҳат, яра; кесилган, (тилинган) жой

– جَرِيحٌ *кўп.* جَرْحَى ярадор, жароҳатланган, яраланган

– مَجْرُوحٌ *кўп.* مَجَارِيحُ мажруҳ, ярадор

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَجْرِيدِيَّة абстракционизм

– جَرَادٌ *жам.* чигирткалар; ~ نَطَّاطٌ сакровчи чигирткалар; ~ الْبَحْرِ амарлар (*катта денгиз тошбақалари*)

– جَرَادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — чигиртка

– جُرَادَةٌ ёғочнинг (дарахтнинг) пўстлоғи

– جَرْدٌ[1] 1) ҳисоб-китоб; тафтиш, текшириш; ~ السَّنَوِيُّ йиллик ҳисоб-китоб (*савдо моллари ҳақида*); ~ قَائِمَةُ инвентарлар рўйхати; 2) рўйхат, реестр

– جَرْدٌ[2] *кўп.* جُرُودٌ эски қалин жун рўмол (*тиззага ёпиб қўйилади*)

– جَرَدٌ *кўп.* أَجْرَادٌ яланғоч, ўсимлигидан маҳрум бўлган ер, бий дала

– جَرِدٌ 1) яланғоч, 2) соқол-мўйловсиз; бий

– جَرِيدٌ *жам.* яланғоч, баргсиз хурмо шохлари

– جَرِيدَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — хурмонинг баргсиз шохи

– جَرِيدَةٌ[2] *кўп.* جَرَائِدُ 1) жарида, газета ~ الرَّسْمِيَّةُ ярим расмий орган (*расман ҳукумат органи бўлмаса ҳам, амалда унинг фикрини тарқатувчи матбуот органи*); ~ الشِّبْهُ بِالرَّسْمِيَّةِ ярим расмий газета; ~ الْيَوْمِيَّةُ кундалик жарида, газета; 2) рўйхат

– مِجْرَدٌ *кўп.* مَجَارِدُ чўтка, ~ الأَسْنَانِ тиш чўткаси

– مُجَرَّدٌ 1) яланғоч; ~ (مَلِكٌ) *шаҳм.* ёлғиз қолган шоҳ; 2) оддий, содда; ~ بِعَيْنٍ оддий кўз билан; ~ التَّشَابُهِ фақат ўхшашликнинггина борлиги; 3) (н *дандир*) маҳрум бўлган, айрилган (مِنْ); ~ مِنَ السِّلَاحِ منطقة демилитаризация қилинган (*қуролли куч ва ҳарбий саноатдан маҳрум бўлган*) минтақа; 4) реал воқеликдан йироқ бўлган, мавҳум, абстракт; ~ بِصُورَةٍ абстракт равишда, 5) *грам.* бошланғич, дастлабки, ~ فِعْلٌ феълнинг биринчи боби; ◊ ~ ـــ . . . а) шунга мувофиқ . . фақат шугина, . . ; б) шу заҳоти, . . дан кейинок, ~ ـــ عَوْدَتِهِ қайтиб келганидан кейинок, ~ هَذَا وَهْمٌ бу фақат хом хаёл, алданиш

– مُجَرَّدَاتٌ *кўп.* мавҳумот, мавҳумликлар

جَرْدَقٌ *кўп.* جَرَادِقُ жардақ (*юмалоқ нон*)

جَرْدَلٌ *кўп.* جَرَادِلُ челак, пақир

جَرْدَوْنٌ, جَرْذٌ *кўп.* جُرْذَانٌ каламуш

جَرَزٌ *ёки* جَرْزٌ ўт чиқмайдиган ёки ўти еб тугатилган ер

– جُرُزٌ ўсимлик ўсмайдиган, битмайдиган; ~ أَرْضٌ ҳеч нарса битмайдиган ер

– جُرْزَةٌ боғ. боғлам, даста; ~ الْحَطَبِ ўтин боғлами (боғи, дастаси)

I **جَرَسَ** (*и*) جَرْسٌ 1) янграмоқ, жарангламоқ, жирингламоқ; II جَرَّسَ 1) (к. *нидир*) бадном қилмоқ, шарманда қилмоқ (ب); (к *биландир*) жанжал кўтармоқ (ب); 2) тажрибали қилмоқ, синовдан ўтган қилмоқ, IV أَجْرَسَ: الطَّائِرُ ~ қушнинг овози эшитилди, V تَجَرَّسَ бадном қилинган бўлмоқ, шарманда қилинган бўлмоқ

– جَرْسٌ 1) садо, янграш; овоз; ~ سَلِيمُ الْـ عَذْبُ الْـ *ёки* ёқимли, хушовоз; ~ الْمَاءِ сувнинг шилдираши; 2) жаранг, жиринг

– جَرَسٌ *кўп.* أَجْرَاسٌ қўнғироқ; жом; ~ الْخَطَرِ бонг садоси; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электр қўнғироғи; ~ يَدٍ қўл қўнғироғи; ~ الْـ دَقَّ қўнғироқ чалмоқ; أَفْعَى ذَاتُ الأَجْرَاسِ шақилдоқ илон (*тропикларда яшайдиган заҳарли илон*); عَلَّقَ الْـ عَلَى رَقَبَةِ الْقِطِّ қўлга ўргатиб олмоқ (*ҳайвон ва қушлар ҳақида*)

– جُرْسَةٌ *кўп.* جُرَسٌ жанжал; !~ بَلَاشْ *халқ.* жанжаллашма!

– جُرَسِيٌّ *кўп.* جُرَسِيَّةٌ жанжалкаш

– جُرَيْسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *бот.* қўнғироқ гул

جَرْسُونٌ *кўп.* ـَاتٌ — жарсун (гарсун), официант

I **جَرَشَ** (*у*) جَرْشٌ туймоқ, янчмоқ; тортмоқ (*тегирмонда унни*); майдаламоқ; ёрма қилиб майдаламоқ

– جَارُوشَةٌ *кўп.* جَوَارِيشُ тош тегирмон (*дон-дунни майдалаш, тортиш учун*)

– جَرْشٌ *кўп.* أَجْرَاشٌ ғарч-ғурч. ғижирлаш; шақир-шуқур, шақирлаш

– جَرِيشٌ 1. талқон қилинган; 2. ёрма, крупа

– مِجْرَشَةٌ *кўп.* مَجَارِشُ майдалагич, майдалаш асбоби, ёрма тортадиган жувоз; жувозхона

– مَجْرُوشٌ майдаланган; талқон қилинган

I (حرض) **جَرَضَ** (*у*) جَرْضٌ бўғмоқ; جَرِضَ (*а*) جَرَضٌ (н. *дандир*) нафас қисилмоқ (ب); (н. *биландир*) бўғилмоқ, бўғилиб қолмоқ (ب), ~ بريقه *маж.* қаттиқ ҳаяжонланган бўлмоқ (*сўзма-сўз*: сўлакайдан бўғилмоқ). IV أَجْرَضَ бўғмоқ

– جَرِيضٌ томоққа бир нарса туриб қолгандаги бўғилиш, حَالَ الْـ دُونَ الْقَرِيضِ *мқл.* мен куяман десам, у куламан дейди

I **جَرَعَ** (*а*) جَرْعٌ *ёки* جَرَعَ (*а*) جَرْعٌ ичмоқ, ютмоқ батамом охиригача ичмоқ, бир кўтаришда ичмоқ, сипқармоқ. II جَرَّعَ ичдирмоқ, юттирмоқ; V تَجَرَّعَ қултумлаб, ҳўплаб ичмоқ, ~ غَيْظَ الْغَيْظَ ғазабини ичига ютмоқ; VIII اجْتَرَعَ = I

– أَجْرَعُ *кўп.* أَجَارِعُ яланғоч, бий қумли ер

– جُرْعٌ, جُرْعَةٌ *кўп.* جُرَعٌ 1) қултум, ҳўплам; 2) дори дозаси, ўлчови, миқдори; ~ تَقْدِيرُ الْـ ўлчаш, миқдорини белгилаш, дозага ажратиш

I **جَرَفَ** (*у*) جَرْفٌ 1) кураб ташламоқ; 2) бузиб кетмоқ, олиб кетмоқ (*сув, сел ҳақида*), ювиб кетмоқ; II جَرَّفَ ўзи билан олиб кетмоқ, ювиб кетмоқ, уриб кетмоқ (*сел ҳақида*); VII اِنْجَرَفَ бузиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кетиладиган бўлмоқ, олиб кетиладиган бўлмоқ; VIII اجْتَرَفَ = I

– جَارُوفٌ *кўп.* جَوَارِيفُ 1) белкурак, курак, бел; куракча (*ахлат учун*), хокандоз; 2, ковш, чўмич (*экскаватордаги*)

– جَرَّافَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) сихмола; 2) хаскаш; 3) балчиқолғич (*сув ҳавзаларини чуқурлаштириб, лойқа-балчиқларни чиқариб ташлайдиган машина*)

– جُرْفٌ *кўп.* أَجْرُفٌ, جُرُوفٌ тик қоя, тик нишоблик; тик қирғоқ, чет; қирғоқ; الْـ~ الْقَارِّيُّ континентал шельф (*денгизнинг қуруқликка яқин нисбатан саёз қисми*)

– جُرْفٌ сел олиб (ювиб) кетган жой

– جَرُوفٌ = جَارُوفٌ

– مِجْرَفَةٌ *кўп.* مَجَارِفُ 1) белкурак, курак, бел; куракча, хокандоз; 2) хаскаш

I **جَرَمَ** (*u*) جَرْمٌ 1) гуноҳ қилмоқ, гуноҳкор бўлмоқ; жиноят содир этмоқ; 2) эга бўлмоқ, ишлаб топмоқ, ҳосил қилмоқ; II جَرَّمَ 1) жиноят содир этишда айбламоқ; жиноятчи деб эълон қилмоқ; жиноятчи деб ҳисобламоқ, 2; жарима солмоқ (*сол.* غَرَّمَ); IV أَجْرَمَ жиноят содир этмоқ; жиноятчи бўлмоқ; V تَجَرَّمَ (*к. нидир*) жиноятда айбламоқ (عَلَى); VIII اجْتَرَمَ жиноят содир этмоқ

– إِجْرَامٌ жиноий фаолият; жиноят; أَسْلِحَةُ الْـ~ жиноят содир этилган қурол; عِلْمُ الْـ~ криминалистика (*жиноий ишларни текшириш усули, тактикаси ва техникаси ҳақидаги юридик фан*)

– إِجْرَامِيٌّ жиноятга оид, жиноий, криминал; الأَعْمَالُ الْـ~ـَةُ жиноий ҳаракатлар

– تَجْرِيمٌ жиноятда айблаш; قَرَارُ الْـ~ айблов қарори; жиноят содир этишда айблаш

– جُرْمٌ *кўп.* جُرُومٌ 1) кема; қайиқ; барка (*юк ташийдиган ясси дарё кемаси*), 2) ҳажм, миқёс, ўлчов

– جُرْمٌ, جِرْمٌ *кўп.* أَجْرَامٌ гуноҳ; жиноят; ... أَنْ ~ وَلاَ ҳеч нарса эмаски, ҳеч қиси йўққи ...; ◊ ... ~ لاَ албатта, шак-шубҳасиз

– جِرْمٌ *кўп* أَجْرَامٌ жисм; (الْفَلَكِيَّةُ) الأَجْرَامُ السَّمَاوِيَّةُ осмон жисмлари

– جُرْمِيٌّ жиноятга оид; жиноий; ~ـَةٌ أَدِلَّةٌ далиллар, исботлар, жиноят аломатлари

– جُرُومٌ *кўп.* иссиқ ўлкалар

– جَرِيمٌ 1) жуссаси катта одам; 2) бичими катта, баҳайбат; 3) айбдор, айбли; жиноий, жинояткорона

– جَرِيمَةٌ *кўп.* جَرَائِمُ жиноят; الْـ~ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий жиноят; ضِدَّ ~ الإِنْسَانِيَّةِ инсониятга қарши жиноят; (عُظْمَى) كُبْرَى ~ қаттиқ жиноят

– مُجْرِمٌ 1. жиноятга оид, жиноий; 2. жиноятчи; الْحَرْبِ ~ ҳарбий жиноятчи; تَسْلِيمُ الْمُجْرِمِينَ жиноятчиларни топшириш (бериш)

جَرْمَانُ *жам.* германлар (*марказий, ғарбий ва ғарби-жанубий Оврупода яшаган қадимий элатларнинг умумий номи*); Германия аҳолиси, немислар

– جَرْمَانِيٌّ 1. Германияга оид; немисларга оид; اللُّغَةُ الْـ~ـَةُ немис тили; 2. немис, герман

جَرَامِيزُ *кўп.* جُرْمُوزٌ саккизоёқнинг пайпаслагичлари (*қўллари ёки оёқлари*)

جَيْرُونُ Дамашқ дарвозаларидан бирининг номи

جُرْمُوقٌ оёқ кийими

II جَرَّنَ (جرن) бир тўп қилиб йиғмоқ

– جِرَانٌ *кўп.* أَجْرِنَةٌ (*туянинг*) кўкраги, сийнаси; ◊ أَلْقَى عَلَيْهِ ~ـَهُ а) бирор нимага кўникмоқ; б) бирор нарса устига ташланмоқ; ~ ضَرَبَ мустаҳкамланмоқ, маҳкам бўлиб олмоқ

– جُرْنٌ *кўп.* أَجْرَانٌ 1) резервуар (*суюқлик ёки газ сақланадиган катта идиш*); бассейн, сунъий ҳовуз; кўл; 2) ҳовонча; 3) хирмон, омбор; усти берк хирмон

– جُرْنَةٌ *кўп.* جُرَنٌ (*Сурияда*) ёрон гул, атиршоҳ

– جَرِينٌ хирмон, омбор; усти берк хирмон

جُرْنَالٌ *кўп.* جَرَانِيلُ, جُرْنَالاَتٌ журнал; газета

جَرْوٌ, جِرْوٌ, جِرَاءٌ, أَجْرٍ, أَجْرِيَةٌ *кўп.* جُرْوٌ *ёки* جِرْوٌ кучук, итнинг боласи; ҳайвонларнинг янги туғилган, онасидан ажралмаган боласи

– جِرْوَةٌ *ёки* جِرْوٌ тарранинг кичкинаси

جَرُوتٌ жарут (*кулолчиликда ишлатиладиган асбоб*)

I **جَرَى** (*u*) جَرْيٌ, جَرَيَانٌ 1) югурмоқ; عَلَى أَرْبَعٍ ~ тўрт оёқлаб югурмоқ; 2) эсмоқ; لاَ تَجْرِي الرِّيَاحُ كَمَا تَشْتَهِي السُّفُنُ *мкл.* мен қиламан ўттиз, тангрим қилади тўққиз (*сўзма-сўз:* шамол ҳеч кемалар хоҳлагандай эсмайди); 3) оқмоқ; 4) содир бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ; كَمَا تَجْرِي الْعَادَةُ بِذَلِكَ бу одатдагидай бўлиб ўтмоқда; 5) муомалада бўлмоқ; يَجْرِي هَذَا الْمَثَلُ عَلَى أَلْسِنَةِ النَّاسِ бу мақол ҳамманинг оғзида; 6) (н. *нидир*) *қидирмоқ, қўлга киритмоқ* (عَلَى), 7) (к. *ҳақдадир*) қайғурмоқ, ғамхўрлик қилмоқ (عَلَى); ~ عَلَى عَائِلَتِهِ оила ҳақида ғамхўрлик қилмоқ; II جَرَّى 1) югуртирмоқ, югуришга мажбур қилмоқ; 2) оқизмоқ, оқтирмоқ, оқишга мажбур қилмоқ; ~ رِيقَهُ унинг сўлаклари оқиб кетди, 3) جَرَّى вакил қилиб белгиламоқ, элчи қилиб жўнатмоқ; III جَارَى 1) теппа-тенг, бир вақтда кетмоқ.(*бирор к. билан*) тенглашмоқ; 2) тақлид қилмоқ, ўхшамоқ; 3) рақобат қилмоқ; мусобақалашмоқ; 4) (н. *биландир*) келишмоқ (فِي); IV أَجْرَى 1) югуртирмоқ, югуришга мажбур қилмоқ; ~ الْقَلَمَ فِي وَرَقَةٍ *маж.* варақ устига ёзмоқ; 2) оқизмоқ, оқтирмоқ, оқишга мажбур қилмоқ; 3) амалга оширмоқ, ижро этмоқ; бажармоқ, ишлаб чиқармоқ; ўтказмоқ; ... الْمُحَادَثَاتِ مَعَ ~ бирор ким билан музокаралар олиб бормоқ; التَّجْرِبَةَ ~ тажриба ўтказмоқ; التَّحْقِيقَ ~ ... فِي терговни ... бўйича олиб бормоқ; عَمَلِيَّةً جِرَاحِيَّةً ~ жарроҳлик ишини бажармоқ, операция қилмоқ; عَلَيْهِ قِصَاصًا ~ бирор кимни жазоламоқ; 4) (к. *ғадир жазо*) белгиламоқ, тайинламоқ (عَلَى); (к. *ғадир*) (зарар) етказмоқ, зиён келтирмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

(على) VI تجارى ўзаро рақобат қилмоқ, кимузди ўйнамоқ; X استجرى вакил қилиб белгиламоқ, элчи қилиб жўнатмоқ

– إجراء *кўп.* إجراءات 1) ижро этиш, бажариш; الوظيفة ~ ўз вазифасини бажариш, 2) процедура, бажариладиган иш тартиби; расмий маросим; 3) *кўп* а) чоралар, тадбир: اتّخذ إجراءات чоралар кўрмоқ, б) расмиятчиликлар, قام بالإجراءات расмиятчиликларни бажармоқ; اتّخذ الإجراءات القانونية жиноятни очиш ва айбдорни фош қилиш юзасидан қонунда кўрсатилган ҳаракатлар мажмуини бошламоқ

– إجرائيّ 1) ижрочи, ижро этувчи, амалга оширувчи, бажарувчи; السلطة الـ~ة ижро этувчи ҳокимият, 2) турли процедураларга оид, процессга (суд ишига) оид, процессуал

– جار *мн* جارية 1) югурувчи, югураётган, 2) жорий; السنة الجارية жорий йил; الشهر الجاري жорий (ҳозирги) ой; الحساب الجاري жорий ҳисоб; كجارى العادة ҳудди одатдагидек, одатдагидек

– جارية[1] *кўп* جوار 1) жория, асира, тутқин, қул аёл, чўри, 2) хизматкор аёл, оқсоч; أبناء الست و أبناء الجارية *маж* аслзодалар ва оддий халқ (*сўзма-сўз: бек ойим болалари ва хизматкор аёл болалари*), 3) қиз, 4) қуёш

– جارية[2] *кўп* جاريات, جوار кема; بالريح ~ елканли кема

– جراء *ёки* جراء = جرايّة

من جراء ذلك бунинг натижасида, бунинг оқибатида, шу сабабли, шунинг учун; ... من جراء أنّ ... бўлганлиги сабабли; *сол.* جرّاء қар. جر

– جرّاء чопувчи, югурувчи

– جرايّة[1] *кўп* ات ـــ тегиш, паёк (*маълум вақтга белгили миқдорда бериладиган озиқ-овқат*), натура (*пул ўрнига тўланадиган мол, маҳсулот*) ҳақи; ~ خبز паст навли нон; بطاقة الجرايات على الخبز нон олиш учун жорий қилинган карточка системаси (тизими)

– جرايّة[2] ёшлик, йигитлик, ўспиринлик

– جريّ 1) чопиш, югуриш, ... إلى ~ دهب (*бирор ёққа*) югуриб кетмоқ; ... إلى ~ عاد югуриб қайтмоқ, 2) жараён; ... على ما ~ шунга мувофиқ, ...га кўра

– جريّ вакил, элчи

– جريّ кўп جراري денгиз илонбалиғи

– جريات *кўп.* воқеалар, ҳодисалар

– جريان жараён, оқим; سريع الـ~ шиддатли, тез, илдам, жадал (*оқим, жараён ва б. лар ҳақида*); ~ البطن *мед.* ич кетиши, ичбуруғ, дизентерия

– جريّة 1) ҳаракат (оқим) усули (тури); سريع الـ~ шиддатли, тез, илдам, жадал (*оқим, жараён ва б. ҳақида*); 2) отнинг бирор хил юриши (*мас., йўрғалаш, лўкиллаш ёки чопиш ва б. лар*)

– جريات *кўп.* = جريات

– مُجاراة 1) тақлид қилиш, 2) (*югуриш ва б. ларда*) мусобақалашиш, ... لـ~ ... билан мос ҳолда, ...га мувофиқ

– مجرى *кўп.* مجار 1) ўзан, дарё йўли, йўл; оқим (*сув ҳақида*), йўналиш (*шамол ҳақида*); الهواء ~ дудбура кучи, елвизак; مجارى الماء дренаж қувури; المجارى البوليّة сийдик йўллари; مجارى النّاقوس нафас йўллари; شبكة مجارٍ канализация (*ахлат чиқинди ва ёғин сувлари оқизиладиган қувурлар тизими*); المجارى канализация тармоғи, 2) бориш, ривожланиш (*воқеалар ҳақида*); ◊ خرج مجراه қиз ҳам ҳудди ўша йигитдай иш тутди; وما يجرى هذا الـ~ ва шу кабилар

– مجريات *кўп* = جريات. الأحداث ~ воқеаларнинг бориши (ривожланиши)

جريال май, шароб, вино; الخمر ~ майнинг ранги; الذهب ~ олтиннинг қизил ранги

I **جزّ** (*а/у*) جزّ 1) қирқмоқ, кесмоқ, 2) сочини (жунини) олмоқ, 3) ўрмоқ (*буғдойни*), IV أجزّ البرّ ~ буғдои ўриш вақти бўлди; الحقل ~ хурмони буташ вақти бўлди; الغنم ~ қўйнинг жунини олиш вақти бўлди, VIII اجتزّ = I

– جزاز (*қўйнинг*) жунини олиш

– جزّاز жун (юнг) олувчи, юнгтарош, гўспантарош

– جزازة *кўп.* جزازات, جزائز (*газетадан*) қирқиб олинган парса: карточка (*мас., кутубхонадаги*), ўрилган буғдойнинг тушиб қолгани, териб олинадиган бошоқ

– جزّة *кўп.* جزز (*қўй*) жунини олиш; من الصوف ~ қирқиб олинган жун

– مجزّ *кўп.* مجازّ жун (юнг) олиш қайчиси

– مجزوز 1) жуни олинган, 2) кесилган, қирқилган

I **جزأ** (*а*) جزء 1) бир қисмини ажратмоқ, жузвламоқ, бўлмоқ, 2) кифояланмоқ, қаноатланмоқ, (н. *билан дир*) қониқмоқ (ب); II جزّأ бўлиб-бўлиб юбормоқ, жузвларга, бўлакларга ажратиб юбормоқ; майдаламоқ, парчаламоқ, майда бўлакларга ажратиб юбормоқ; дозаламоқ, дозаларга бўлмоқ; لا يمكن أن يجزّأ бўлинмас, ажралмас; V تجزّأ 1) бўлиниб-бўлиниб кетмоқ; майдаланмоқ, майда бўлакларга эжралмоқ; لا يتجزّأ бўлинмас, ажралмас; وحدة لا تتجزّأ ажралмас бирлик; 2) (*бирор н. билан*) кифояланмоқ (ب); VII إنجزأ бўлинган (ажралган) бўлмоқ; қисмларга, бўлакларга ажралмоқ; VIII اجتزأ 1) (*бир бутундан*) бир қисмини олмоқ, ажратмоқ; 2) (н. *дандир*) қисман ўзлаштирмоқ (من); 3) (н. *биландир*) кифояланмоқ, қаноатланмоқ, қониқмоқ (ب)

– أجزائيّ аптекачи, фармацевт (дори тайёрловчи, доришунос)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– أَجْزَاخَانَةٌ = أَجْزَائِيَّةٌ

– أَجْزَائِيٌّ = أَجْزَاجِيَّةٌ *кўп.* أَجْزَاجِيٌّ

– أَجْزَاخَانَةٌ *кўп.* اتٌ — дорихона

– تَجْزَأَةٌ бўлиш, ажратиш, бўлиб-бўлиб юбориш

– تَجْزِئَةٌ бўлиш, ажратиш; майдалаш, қисмларга ажратиш; قَابِلُ الـ~ бўлинадиган, ажраладиган; غَيْرُ قَابِلِ الـ~ бўлинмас, ажралмас; قَابِلِيَّةُ الـ~ бўлиниш, ажралиш қобилияти; عَدَمُ قَابِلِيَّةِ الـ~ бўлинмаслик; بَيْعٌ بِالـ~ қисмларга бўлиб сотиш; تَاجِرُ الـ~ чакана савдогар

– جُزْءٌ *кўп.* أَجْزَاءٌ жузв, бўлак, қисм; لَا ~ لَهُ يَنْفَصِلُ عَنْهُ *ёки* لَا ~ لَهُ يَتَجَزَّأُ 1) (н. *дандир*) ажралмас (бўлинмас) қисм (مِنْ); 2) Қуръони карим жузви (*ўттиздан бир қисми*)

– جُزْئِيٌّ 1) бир оз; ا~ қисман; 2) майда, озгина, арзимас; مَوَادُّ ~ـــةٌ *юр.* майда иш; مَحْكَمَةٌ ~ـــةٌ майда ишларни кўрадиган суд (маҳкама)

– جُزْئِيَّاتٌ *кўп.* 1) жузъий жиҳатлар; майда-чуйдалар; 2) иккинчи даражали тафсилотлар

– جُزَيْئِيَّةٌ жузъий томон (жиҳат)

– جُزَيْءٌ *кўп.* جُزَيْئَاتٌ заррача; *физ.* молекула

– مَجْزَأَةٌ алмаштириш, алмаштириб қўйиш

جُزْدَانٌ, جِزْدَانٌ *кўп.* اتٌ — жуздон, ҳамён, кармон

I جَزَرَ (*у, и*) جَزْرٌ 1) сўймоқ, ўлдирмоқ, (*ҳайвонни*) сўймоқ; 2) камаймоқ, озаймоқ, пасаймоқ (*сув тўғрисида*); اَلْبَحْرُ ~ денгизда сув орқага қайта бошлади; VII اِنْجَزَرَ 1) сўйилган бўлмоқ, ўлдирилган бўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); 2) пасаймоқ, озаймоқ (*сув тўғрисида*); اَلْبَحْرُ ~ денгизда сув орқага қайта бошлади; VIII اِجْتَزَرَ сўймоқ; терисини шилмоқ, ажратмоқ

– جَازِرَةٌ сув чархпалаги

– جَزَائِرِيٌّ 1. 1) оролга оид; 2) Жазоир ва жазоирликларга оид; 2. 1) ороллик, оролда яшайдиган киши; 2) жазоирлик эркак, жазоирлик

– جَزَّارٌ қассоб

– جِزَارَةٌ қассоблик касби, қассоблик; 2) (*ҳайвонни*) сўйиш, бўғизлаш

– جَزْرٌ (*ҳайвонни*) сўйиш, бўғизлаш; 2) (*денгизда*) сувнинг орқага қайтиши; оз, озгина сув

– جَزَرٌ *жам.* 1) сабзи; أَبْيَضُ ~ *ёки* رُومِيٌّ ~ пастернак (*ширин илдизли хушбўй ўт*); 2) гўшт; سَبُّاعُ الـ~ йиртқич ҳайвонлар ейдиган гўшт

– جَزَرَةٌ[1] *кўп.* اتٌ — сабзи илдизи (ўзаги)

– جَزَرَةٌ[2] жўмрак, жўмак, кран (*кичик бочкадаги*)

– جَزَرَةٌ қурбонликка аталган ҳайвон; қурбонликка аталган қўй

– جَزَرِيٌّ 1. оролга оид; 2. орол кишиси, ороллик

– جُزُرٌ *кўп.* جُزُرٌ сўйишга мўлжалланган ҳайвон

– جَزِيرَةٌ *кўп.* جُزُرٌ, جَزَائِرُ орол; ~ شِبْهُ ярим орол

– جُزَيْرَةٌ *кўп.* اتٌ — оролча, кичик (майда) орол

– مَجْزَرٌ *кўп.* مَجَازِرُ кушхона, қассобхона

– مَجْزَرَةٌ, مَجَازِرُ *кўп* اتٌ, — кушхона, қассобхона; қирғин, хунрезлик; қонли жанг, қирғин уруш; ~ بَارْتِيلِيمِيٍّ Варфоломей кечаси (*1572 йил 24 августга ўтар кечаси Парижда католиклар томонидан гугенотларга қарши уюштирилган қирғин*)

I جَزَعَ (*а*) جُزُوعٌ, جَزَعٌ 1) бетоқат бўлмоқ, сабрсиз бўлмоқ; 2) (н. *дандир*) ташвишланмоқ, хавотирланмоқ; қўрқмоқ, хавфсирамоқ (مِنْ); 3) (к. *нингдир*) ғамини чекмоқ (عَلَى); ~ تْ نَفْسُهُ кўнгил айнимоқ (қусиб юборгудай бўлмоқ); جَزْعَ (*а*) جَزْعٌ кесиб ўтмоқ, кўндаланг қилиб кесмоқ; II جَزَّعَ кесиб бўлмоқ, кесиб қисмларга ажратмоқ; кесиб бўлакламоқ; V تَجَزَّعَ синмоқ, синиб кетмоқ, узилиб кетмоқ (*арқон, арғамчи ҳақида*)

– جَازِعٌ 1) бетоқат, сабрсиз; 2) безовта бўлган, ҳаяжонланган; ташвишланган; 3) қайғу-аламли, ғамгин, ғам (алам) чекаётган

– جَزْعٌ маржон ёки мунчоқ донаси

– جَزَعٌ сабрсизлик, бетоқатлик; 2) безовталик; ташвишланганлик; 3) қўрқиш, хавфсираш; чўчиш; ваҳима, 4) қайғу, ҳасрат, ғам-ғусса, дард-алам

– جَزِعٌ 1) сабрсиз, бетоқат, тиниб-тинчимаган, жонсарак; 2) безовта бўлган, ҳаяжонланган; ташвишга тушган, ташвишланган; 3) қўрқоқ, юраксиз; 4) ғам-ғусса чекувчи, дарду аламли

– جَزْعٌ *кўп.* أَجْزَاعٌ *мин.* аникс (*ақиқнинг йўл-йўл, тарам-тарам тури*)

– جُزْعٌ ўқ; اَلْعَجَلَةِ ~ ғилдирак ўқи

– جِزْعٌ қиялик, нишаблик

– جَزُوعٌ сабрсиз, бетоқат; тиниб-тинчимаган, жонсарак

– مُجَزَّعٌ 1) ҳар хил бўлаклардан, парчалардан ташкил топган, мозаикага оид, қадама, кошинкор; мозаик; ~ رُخَامٌ мармар мозаика; 2) гулдор, ранг-баранг, рангли; ~ وَرَقٌ мармар қоғоз

I جَزَفَ (*у*) جَزْفٌ 1) кўтарасига (улгуржи) сотиб олмоқ; 2) ўйламасдан ҳаракат қилмоқ; тавакkал қилмоқ, хавфли (қалтис) иш қилмоқ; III جَازَفَ 1) тавакkал қилмоқ, хавфли (қалтис) иш қилмоқ; (н. *нидир*) хавф остида қолдирмоқ (بِ); ~ بِنَفْسِهِ ўз ҳаётини хавф остида қолдирмоқ; 2) ўйламасдан қилмоқ, тавакkал қилмоқ; ~ فِي كَلَامِهِ ўйламасдан гапирмоқ

– جُزَافًا 1) бекор (га), беҳуда, ўринсиз, зоеъ, бефойда; 2) ўйламасдан, андиша қилиб ўтирмай, пала-партиш; ~ تَكَلَّمَ ўйламасдан гапирмоқ, палапартиш гапирмоқ; 3) тўғри келганича, тавакkалига, ўйлаб-нетиб ўтирмай, оғизга келганини бўғизга ютмай

www.ziyouz.com kutubxonasi

– حُزَافِيٌّ ўйланмаган, тавакkалига қилинган; ўйламасдан иш тутадиган, енгилтак; ўзбошимчалик билан қилинган

– مُجَازِفٌ 1. ўйламасдан иш тутадиган, енгилтак; тавакkал қилишга тайёр, хавфли (қалтис) иш қилишга тайёр 2. авантюрачи, тавакkалчи

– مُجَازَفَةٌ 1) ўйламасдан иш тутиш, тавакkал қилиш; хавфлилик, таҳликалик; ноумидлик кайфияти, руҳий тушкунлик; 2) хавф-хатар, таҳлика; авантюра, тавакkалчилик

I **جَزُلَ** (*у*) جَزَالَةٌ 1) мўл-кўл бўлмоқ, сероб бўлмоқ; 2) катта бўлмоқ; гапга чечан (уста) бўлмоқ нотиқ бўлмоқ; IV أَجْزَلَ (к. *гадир*) қизғанмасдан, сахийлик билан бермоқ (لـ), لَهُ التَّحِيَّةَ ~ бирор кишини қизғин қутламоқ; لَهُ الْعَطَاءَ ~ кимгадир сахийлик билан бермоқ

– جَزَالَةٌ 1) мўл-кўллик, сероблик, серобчилик, тўкин-сочинлик; 2) *шунингдек*: الْقَوْلِ ~ сўзамоллик, гапга чечанлик; 3) буюклик, катталик, улканлик, улуғлик; чексизлик

– جَزْلٌ *кўп.* جِزَالٌ 1) мўл-кўл, сероб, тўкин-сочин; 2) катта, аллақанча, жуда кўп; 3) гапга чечан, сўзамол

– جَزْلَةٌ *кўп.* جُزَلٌ бўлак, парча

– جَزِيلٌ *кўп.* جِزَالٌ = جَزْلٌ; الْاِحْتِرَامِ ~ катта ҳурматга сазовор, ҳурматли, муҳтарам; ~ خَيْرٌ катта эзгулик; ~ شُكْرًا катта раҳмат!; ~ أَشْكُرُكُمْ شُكْرًا сизга катта раҳмат!, сиздан жуда миннатдорман!

– جُزْلَانٌ *кўп.* ـاتٌ — ҳамён, кармон

I **جَزَمَ** (*и*) جَزْمٌ 1) кесмоқ, шартта кесиб қўймоқ, ажратиб (узиб, кесиб) қўймоқ, ажратмоқ, ажратиб турмоқ; 2) (н. *нидир*) ҳал қилмоқ, (н. *ҳақдадир*) қарор қабул қилмоқ (*туш.к.*); (н. *гадир*) жазм қилмоқ (على); 3) (*бирор к. га*) юкламоқ, топширмоқ (على); 4) (н. *гадир*) ишонч ҳосил қилмоқ, ишонмоқ (ب); 5) *грам.* феълни шарт майлига қўймоқ

– جَازِمٌ 1. 1) ҳал қилувчи; қатъий, қатъиятли; 2) (н. *гадир*) ишонган (ب); 2. *кўп.* جَوَازِمُ *грам.* шарт майли талаб қилувчи юклама

– جَزْمٌ 1) кесиш, қисқартириш; 2) қарор, тўхтам; 3) жазм, жазм қилиш; 4) *грам.* феълни шарт майлига қўйиш, ~ عَلَامَةُ الْـ *ёки* ـةِ ~ сукун белгиси

– جَزَمَاتِيٌّ *кўп.* جَزَمَاتِيَّةٌ этикдўз

– جَزْمَجِيٌّ *кўп.* جَزْمَجِيَّةٌ = جَزْمَاتِيٌّ

– جَزْمَةٌ *кўп.* جَزَمَاتٌ, جِزَمٌ ботинка, этик, بِرِبَاطٍ ~ ипли ботинка; مَكْشُوفٌ ~ қўнжсиз ботинка; ~ رِبَاطُ الْـ ип, шнур (*ботинканики*)

– مَجْزُومٌ 1) ҳал қилинган (به *ёки* فيه); 2) *грам.* а) сукун билан ҳаракатланган (*ҳарф тўғрисида*); б) шарт майлидаги (*феъл*)

جَزُونٌ газон

I **جَزَى** (*и*) جَزَاءٌ 1) қондирмоқ, қониқтирмоқ; 2) (н. *нидир*) тўламоқ, ўрнини тўлдирмоқ, қопламоқ (عَلَى); 3) (н. *биландир*) мукофотламоқ (ب); 4) ундириб олмоқ, тўлатмоқ; (н. *учундир*) жазоламоқ (عَلَى, ب); 5) (к. *нингдир*) ўрнини босмоқ, ўринбосарлик қилмоқ (عَنْ); III جَازَى 1) тўламоқ, ўрнини тўлдирмоқ, қопламоқ; 2) мукофотламоқ, тақдирламоқ; 3) жазоламоқ; ҳайфсан бермоқ, жарима солмоқ, IV أَجْزَى 1) етарли бўлмоқ, қониқтирмоқ; 2) қулай бўлмоқ, фойдали бўлмоқ; (к. *нидир*) алмаштирмоқ (عن); VI تَجَازَى دَيْنًا ~ қарзни талаб қилмоқ

– جَزَاءٌ *кўп.* جَزَاءَاتٌ 1) жазо, ўч, қасос; هَذَا جَزَاءُهُ ажаб бўпти-хўб бўпти! (*сўзма-сўз.* бу унинг жазоси!); 2) мукофот; 3) таъзир; ~ نَقْدِيٌّ жарима; ~ قَانُونُ الْـ жиноят қонуни, кодекси, ~ مِنْطَقَةُ الْـ *спорт.* жарима майдончаси; 4) санкция, розилик, рухсат, 5) شَرْطٌ ~ و *грам.* шарт эргаш гапли қўшма гапдаги бош ва эргаш гап (*сўзма-сўз.* шарт ва жавоб)

– جَزَائِيٌّ жазога, жазолашга оид; жиноий

– جِزْيَةٌ *кўп.* جِزًى, جِزَاءٌ жон бошидан олинадиган солиқ; ўлпон, ер солиғи

– مُجَازَاةٌ 1) жазо; қасос, ўч; بِالْمِثْلِ ~ *дип.* репрессалия (*бир мамлакатнинг ғайриқонуний ҳаракати учун бошқа давлат томонидан ўтказиладиган таъсир чоралари*); 2) товон, бадал

– مُجْزٍ *мн.* مُجْزِيَةٌ 1) етарли, қониқарли, тўла мувофиқ (муносиб); ~ بِسِعْرٍ арзон баҳода; 2) фойда берувчи (келтирувчи), фойдали

I **جَسَّ** (*а/у*) جَسٌّ пайпасламоқ; ушлаб кўрмоқ; النَّبْضَ ~ томирни ушлаб кўрмоқ; 2) билишга ҳаракат қилмоқ; текшириб кўрмоқ, зонд билан текширмоқ; V تَجَسَّسَ дараклаб билмоқ, суриштириб билмоқ; қидириш (қидирув) билан шуғулланмоқ; жосуслик маълумотларини тўпламоқ, жосуслик қилмоқ, айғоқчилик қилмоқ, VIII اِجْتَسَّ - I

– تَجَسُّسٌ жосуслик, айғоқчилик; الْـ ~ دَوْلَةٍ أَجْنَبِيَّةٍ ажнабий давлат фойдасига жосуслик қилиш

– تَجَسُّسِيٌّ жосус (айғоқчи) га оид; 4. ~ شَبَكَةُ ـةِ жосуслик (айғоқчилик) тармоғи

– جَاسُوسٌ *кўп.* جَوَاسِيسُ жосус, айғоқчи; махфий агент

– جَاسُوسِيَّةٌ жосуслик, айғоқчилик; излаш, қидириш, қидирув; ~ قَضِيَّةُ الْـ юр. айғоқчилик ҳақидаги суд иши

– مَجَسٌّ *кўп.* مَجَسَّاتٌ, مَجَاسُّ 1) зонд (*ички аъзоларни текшириш ёки даволаш учун ишлатиладиган найсимон асбоб, найча*); шчуп (*ер остидаги баъзи нарсаларни қидириш, топиш, синаш каби ишларда қўлланиладиган турли хил асбоблар*); 2) *зоол.* пайпаслагич, қисқич (*баъзи ҳашорот ва ҳайвонларнинг мўйловсимон қўллари ва оёқлари*)

– مَجَسٌّ *кўп.* ـاتٌ — مَجَاسُّ, مَجَسَّةٌ (*мас., томир, юрак уришини*) текшириш (синаб кўриш) жойи

I **جَسَأَ** (*а*) جُسُوءٌ, جَسْءٌ қўпол бўлиб қолмоқ, қаттиқ бўлиб қолмоқ, дағал бўлиб қолмоқ

– جَاسِئٌ қаттиқ, дағал, қўпол

– جَسَاءَةٌ, جُسْأَةٌ дағаллик, қаттиқлик, қўполлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

(حسد) II حسّد 1) мужассамлантирмоқ, маълум бир шакл бермоқ; 2) бўртма шакл бермоқ; 3) нота белгилари билан ёзмоқ; 4) заъфарон ранг билан бўямоқ; V تحسّد мужассамлашмоқ, гавдаланмоқ, маълум бир шаклга кирмоқ

– تحسُّد мужассамланиш, гавдаланиш

– تَحْسِيدٌ 1) мужассамлантириш, гавдалантириш; маълум бир шакл бериш; 2) бўртма шакл бериш; 3) нота белгилари билан ёзиш; ~ الْمُوسِيقِيُّ нота ёзуви; 4) заъфарон рангга бўяш

– جسد *кўп* أَجْسَادٌ 1) жасад, тана, тан, бадан, эндом; 2) *бот.* заъфарон; заъфарон рангли нарса

– جَسَدَانِيٌّ жисмга, жасадга оид

– جسديّ 1) жасадга оид, танага оид; 2) жисмоний; الْقُوَّةُ الْـ~ـةُ жисмоний куч; ~ًا жисмонан

– مُتَجَسِّدٌ мужассамлаштирилган, гавдалантирилган, мужассамлашган, гавдаланган

– مِجْسَادٌ *кўп* مَجَاسِدُ стереоскоп (*иккита ясси тасвирни бир-бирига қўшиб бўрттириб кўрсатадиган оптик асбоб*)

– مُجَسَّدٌ мужассамлашган, гавдаланган

– مُجَسَّدَةٌ *кўп* ات ـــ *муз.* нота (*товушнинг график белгиси ва товуш*); нота (*шундай белгилар билан ёзилган мусиқий асар матни ва уларнинг тўплами*); ~ حَامِلُ الْـ~ـ пюпитр (*нота ва китоб қўядиган қия мослама*)

– مُجَسَّدَةٌ *муз.* нота; ~ حامل الْـ~ـ пюпитр

– مَجْسَدٌ *кўп* مَجَاسِدُ кўйлак

I (حسر) حَسَرَ[1] (*у*) حَسَارَةٌ 1) жасур бўлмоқ, довюрак бўлмоқ; 2) (н *гадир*) жўраъат қилмоқ (على), 3) ўтмоқ, кесиб ўтмоқ (*мас., саҳрони*), حسر[2] (*у*) حَسْرٌ ғов (тўсиқ) қилмоқ, тўғон, кўприк қурмоқ; II حسّر 1) жасурлик бахш этмоқ, далда бермоқ; 2) ғов (тўсиқ) қилмоқ, тўғон кўприк қурмоқ; VI تحاسر жўраъат этмоқ (н *дир қилиш учун*) жасорат қилмоқ, юрак қилмоқ, довюрак бўлмоқ (على); VIII احتسر ўтмоқ, кесиб ўтмоқ (*мас., саҳрони*)

– تَحَاسُرٌ жасорат, жасурлик, довюраклик, ботирлик

– حَسَارَةٌ жасорат, жасурлик, довюраклик, ботирлик, мардлик

– حَسَارِيَّةٌ *кўп* ات ـــ кўприкни вақтинча сувда кўтариб турувчи таги ясси қайиқ еки кема

– حَسْرٌ *кўп* حُسُورٌ 1) кўтарма, уйиб ясалган баландлик, дамба, тўғон, ғов; 2) (*шунингдек: стоматологияда*) кўприк (сунъий милк), тўшама йўл (*шох-шабба, хода ётқизиб очилган йўл*); ~ سِكَّةُ الْحَدِيدِ темир йўл кўприги; ~ عَائِمٌ сузиб юрувчи кўприк; ~ مُتَحَرِّكٌ кўтарма кўприк; ~ مُعَلَّقٌ осма кўприк; 3) тўсин, балка; том бостирма; حُسُورٌ حَدِيدِيَّةٌ тунука том; حُسُورٌ خَشَبِيَّةٌ ёғоч том

– حَسُورٌ *кўп* حُسُرٌ жасур, ботир, довюрак, кўрс, дағал, қўпол

– مُتَحَاسِرٌ қўрқмас, довюрак; кўрс, дағал, қўпол

تَحَسْطَلَ (*қаердадир*) эркин, ўлан тўшак қилиб ётмоқ (في)

I **جسم** (*у*) جَسَامَةٌ катта бўлмоқ, баҳайбат бўлмоқ, савлатли (салобатли) бўлмоқ; II جسّم 1) гавдалантирмоқ, мужассамлантирмоқ; ~ُهُ بِالْجِصِّ бирор кимнинг қиёфасини гипсда гавдалантирмоқ; 2) шакллантирмоқ, шаклга солмоқ; 3) катта қилмоқ, катталаштирмоқ; 4) орттириб (бўрттириб) юбормоқ, ошириб кўрсатмоқ; 5) бўрттирма қилмоқ; V تَجَسَّمَ 1) шаклланмоқ, шаклга (қолипга) тушмоқ; 2) мужассамлашмоқ, гавдаланмоқ; 3) катта қилинмоқ, катталаштирилмоқ; 4) орттирилган (бўрттирилган) бўлмоқ, ошириб кўрсатилмоқ; 5) бўрттирма (рельефли) бўлмоқ

– تَجْسِيمٌ 1) мужассамлантириш, гавдалантириш; 2) катталашиш, кўпайиш

– جَاسِمٌ[1] катта, улкан; баҳайбат

– جَاسِمٌ[2] Шом ўлкасидаги бир қишлоқнинг номи

– جَسَامَةٌ 1) катта ўлчам, катталик, улканлик; салобатлилик, барвасталик; 2) муҳимлик, жиддийлик

– جِسْمٌ *кўп* أَجْسَامٌ, جُسُومٌ 1) жисм, бадан, тана, гавда, организм; الأَجْسَامُ الْحَيَّةُ тирик организмлар; 2) корпус, тана, синч қобирға; фюзеляж (самолёт корпуси, гавдаси); 3) масса (*механиканинг асосий катталикларидан бири - жисмдаги модда миқдорини ва унинг инерциясини белгилайди*) модда; ~ مُوَصِّلٌ *эл.* ўтказгич; ~ عَازِلٌ *эл.* диэлектрик (*электр ўтказмайдиган модда*); 4) шакл, форма

– جُسْمَانٌ тана, бадан, гавда; масса

– جُسْمَانِيٌّ 1) жисмга оид; 2) жисмоний; الْعَمَلُ الْـ~ـ жисмоний меҳнат; ~ًا أَوْ مَعْنَوِيًّا жисмоний ёки маънавий; 3) моддага оид, моддий

– جِسْمِيٌّ 1) жисмга оид; 2) жисмоний; 3) моддий, моддага оид

– جسيم *кўп* جِسَامٌ 1) катта, улкан; 2) тўладан келган, жуссали салобатли; 3) эътиборли

– جُسَيْمٌ *кўп* ات ـــ кичкина тана (гавда); заррача

– جُسَيْمَةٌ *кўп* ات ـــ кичкина тана (гавда); *физ.* майда заррача, корпускула (*модда заррачаси*); الْجُسَيْمَاتُ الشَّمْسِيَّةُ қуёш корпускулалари; الْجُسَيْمَاتُ الْمُضَادَّةُ لِلْمُسْتَضِدِّ *мед.* антижисмлар (*организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалар*)

– مُجَسَّمٌ 1. 1) мужассам; катта, улкан; 2) орттириб юборилган; 3) қаварик бўртиб турадиган; الْخَرِيطَةُ الْـ~ـةُ қабариқ харита; 2. *мат.* уч ўлчовли геометрик жисм; ~ الْقَطْعِ الزَّائِدِ гиперболоид (*гиперболанинг айланишидан ҳосил бўладиган эгри сирт*)

I (جسو) **جَسَا** (*у*) جُسُوٌّ қаттиқ бўлмоқ, дағал бўлмоқ, қўпол бўлмоқ

– جَسَاوَةٌ қаттиқлик, қўполлик, дағаллик, кўрслик

I **جشّ** (*а/у*) جَشٌّ босмоқ, эзмоқ, майдаламоқ, парчаламоқ; синдирмоқ, майдаламоқ, ийрик қилиб янчмоқ; ~ الْبُرَّ буғдойни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тегирмонга солмоқ

– أَجَشُّ *мн.* جُشْ хирилдоқ, дағал (*овоз ҳақида*), паст

– جُشَّةٌ, جُشَّةٌ хириллаш, бўғилиш

– جَشِيشٌ майдаланган; эзилган, парчаланган, талқон қилинган; йирик қилиб майдаланган, йирик тортилган ун

– مِجَشٌّ, مِجَشَّةٌ *кўп.* مَجَاشُّ қўл тегирмони

– جَشِيشٌ = مَجْشُوشٌ

(جشأ) II جَشَّأَ кекирмоқ, ўқчимоқ; ўқчиб қайтариб чиқармоқ; V تَجَشَّأَ = II

– جُشَاءٌ, جُشْأَةٌ кекириш, ўқчиш; ўқчиб қайтариб чиқариш

I **جَشُبَ** (у) جُشُوبَةٌ, جَشَابَةٌ кам (озгина) бўлмоқ, етарли бўлмаслик (*овқат ҳақида*)

I **جَشَرَ** (*а*) جَشَرٌ хириллаган бўлмоқ, овози бўғилган бўлмоқ; جَشَرَ (*у*) جَشْرٌ ўтлатиш учун яйловга олиб чиқмоқ (*чорва ҳақида*); II جَشَّرَ ўтлатиш учун яйловга олиб чиқмоқ (*чорва ҳақида*)

– أَجْشَرُ *мн.* جَشْرَاءُ *кўп.* جُشْرٌ хириллаган, овози бўғилган

– جَشَرٌ яйловда боқилган (*ҳайвон ҳақида*)

– مُجَشَّرٌ яйловда боқилган; ~ةٌ خَيْلٌ яйловда катта бўлган от

I **جَشِعَ** (*а*) جَشَعٌ очкўзланмоқ, очкўз бўлмоқ; V تَجَشَّعَ = I

– جَشَعٌ очкўзлик, ҳирс, қурумсоқлик, зиқналик

··· جَشِعٌ очкўз, ҳирс қўйган, қурумсоқ, бахил, зиқна

I **جَشَمَ** (*а*) جَشْمٌ 1) ўзига оғир иш олиб қийнамоқ, ўзига меҳнат орттирмоқ; чидамоқ, бардош бермоқ; اَلْمَشَقَّةَ ~ машаққатларга чидамоқ; II جَشَّمَ (*бирор к. га*) оғирликни (меҳнат-машаққатни) юкламоқ; ташвиш орттирмоқ; IV أَجْشَمَ оғир юк юкламоқ, оғир иш билан қийнамоқ, машаққатга қўймоқ; V تَجَشَّمَ 1) (*бирор н. нинг*) оғирлигини ўз елкасига олмоқ, ўзига оғирликни олмоқ; 2) (*хатарга*) рўбарў бўлмоқ, дучор бўлмоқ; 3) (*талафот*) кўрмоқ

(جشى) V تَجَشَّى = V تَجَشَّأَ қар. جشأ

(جص) II جَصَّصَ гипс билан қопламоқ, гипсламоқ, сувамоқ

··· جِصٌّ *мин.* гипс (*минерал ва ундан тайёрланган қурилиш материали*)

– جَصَّاصَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ гипс пишириш учун қилинган печ

تَجَسْطَنَ = تَجَصْطَنَ

جِطٌّ улкан одам, гавдали одам

جَعَانٌ қар. ج و ع

(جعب) II جَعَّبَ 1) ағдармоқ; авра-астарини ағдармоқ; остин-устун қилмоқ; 2) ерга ташламоқ

– جَعْبَةٌ *кўп.* جِعَابٌ ўқдон, тирдон, садоқ; халта, тўрва, сумка; патронташ, патрон сумкаси; ~ي قَدْ خَوَتْ إِنَّ *кўч.м.* менда ҳеч вақо йўқ, мулло Мирқуруқман; ~ الأَخْبَارِ نَفَضَ لَهُ *маж.* ҳамма янгиликни тўкиб солмоқ; فَرَغَتِ الْجِعَابُ *маж.* ҳамма янгиликлар тугади; ◊ ~ الأَخْيَارِ плеяда (*атоқли арбоблар гуруҳи*)

جَعْجَعَ 1) шовқин солмоқ (қилмоқ), авжига олмоқ, қутурмоқ; қарсилламоқ; гулдирамоқ, гумбурламоқ; 2) бўкирмоқ, ўкирмоқ (*туя ҳақида*); ғул-ғул қилмоқ (*ғулғул товуқ - курка ҳақида*); 3) жаврамоқ, вайсамоқ; тушуниб бўлмайдиган қилиб гапирмоқ, ғудурламоқ

– جَعْجَاعٌ шовқинли, сершовқин; бақироқ

– جَعْجَعَةٌ бўкириш; гумбурлаш, қасирлаш, шовқин; қичқирик; қасир-қусур қилиш; ~ بِلاَ طَحْنٍ *қисқ. мқл. дан:* أَسْمَعُ ~ وَلاَ أَرَى шовқини кўпу, фойдаси кам (*сўзма-сўз*: (тегирмон) овозини эшитяпману, аммо унни кўрмаяпман) طَحْنًا

I **جَعُدَ** (*у*) جُعُودَةٌ, جَعَادَةٌ 1) жингалак соч бўлмоқ, жингалак бўлмоқ (*соч ҳақида*); 2) ажин тушган, буришган бўлмоқ (*тери ҳақида*); II جَعَّدَ 1) жингалак қилмоқ; 2) ажин пайдо қилмоқ, буришиқ ҳосил қилмоқ; V تَجَعَّدَ 1) жингалакланмоқ, фатила-фатила бўлмоқ, ҳалқа-ҳалқа бўлмоқ (*соч ҳақида*); 2) ажин тушган, буришган бўлмоқ

– أَجْعَدُ *мн.* جَعْدَاءُ *кўп.* جُعْدٌ жингалак сочли

– تَجَعُّدَاتٌ *кўп.* ажинлар, буришиқлар

– تَجْعِيدٌ *кўп.* تَجَاعِيدُ ажин, буришиқ

– جَاعِدٌ тўшалган нарса, тўшама, тўшак

– جَعْدٌ[1] *кўп.* جِعَادٌ жингалак, фатила-фатила

– جَعْدٌ[2] *кўп.* جِعَادٌ (*шунингдек:* ~ الْيَدَيْنِ *ёки* ~ الْيَدِ) бахил, хасис, зиқна, қурумсоқ; ~ الأَنَامِلِ бахил, очкўз

– جَعْدَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) жингалак соч, зулф, гажак; 2) ажин, буришиқ

– جَعْدِيٌّ жингалак бўлиб турган

– جُعَيْدِيَّةٌ *кўп.* جُعَيْدِيٌّ қўрс одам, безори, хулиган

– مُتَجَعِّدٌ 1) чирмашадиган, жингалак; 2) ажин босган, буришган

– مُجَعَّدٌ = مُتَجَعِّدٌ

I (جعر) **جَعَرَ**[1] (*а*) جَعْرٌ ёзилмоқ, ичини бўшатмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); جَعَرَ[2] (*а*) جَعِرٌ бўкирмоқ, ўкирмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); II جَعَّرَ = جَعَرَ[2]

– جَعَارَةٌ бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон

– جُعْرَانٌ *кўп.* جَعَارِينُ қўнғиз; иссиқ мамлакатларда бўладиган гўнг қўнғизи; *қадимги мисрликларда*: қўнғизнинг расми солинган тош танга

– جِعْرِيٌّ икки киши қўлларидан ҳосил бўлган ўриндиқ (*одамни кўтариш учун*)

– مَجْعُورٌ *халқ.* тешик, йиртилган, илма-тешик, йиртиқ-ямоқ

جَعْسٌ ахлат, чиқинди, одам ахлати

(جعص) VII اِنْجَعَصَ ўтирғич суянчиғига суянган ҳолда виқор билан ўтирмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

جَعْفَرٌ *кўп.* جَعَافِرُ сой, анҳор, ариқ, жилға; кичикроқ дарё, дарёча

جَعْفَرٌ *ат.от, мз.* Жаъфар

جَعْفِيلٌ *бот.* шумғия, шумгиёҳ

I **جَعَلَ** (*а*) جَعْلٌ қилмоқ; тайёрламоқ; 2) уюштирмоқ, ташкил қилмоқ, ўрнатмоқ; 3) жойлаштирмоқ, қўймоқ; 4) мажбурламоқ, зўрламоқ; ~ ـــهُ يَقْرَأُ бирор кимни ўқишга мажбурламоқ; 5) (*бирор н. га*) айлантирмоқ, бошқа ҳолга келтирмоқ; 6) тайинламоқ, (к. *гадир*) тайин қилмоқ, белгиламоқ (لـــ); لَهُ قِيْمَةً كَبِيرَةً ~ бирор нарсага юксак баҳо бермоқ; 7) (*бирор к. га, бирор н. га*) ўхшатмоқ; деб ҳисобламоқ; ◊ يَقْرَأُ ~ ўқий бошламоқ; عَالِيَهُ سَافَلَهُ ~ оёғини осмондан қилиб ағдармоқ; III جَاعَلَ пора бериб сотиб олмоқ, ўз томонига оғдирмоқ; VII اِنْجَعَلَ қўйилган бўлмоқ, тайинланган бўлмоқ; VIII اِجْتَعَلَ = I

– جُعَالَةٌ *кўп.* جَعَائِلُ иш ҳақи, музд; мукофот

– جُعْلٌ *кўп.* جُعُولٌ, أَجْعَالٌ иш ҳақи, музд; мукофот; воситачилик ёки даллоллик ҳақи, ширинкома

– جُعَلٌ *кўп.* جِعْلَانٌ қўнғиз; иссиқ мамлакатларда бўладиган гўнг қўнғизи; *қадимги мисрликларда:* қўнғиз расми солинган тош танга

– جُعَالَةٌ = جَعِيلَةٌ

– مَجْعُولٌ 1. қўйилган, тайинланган; 2. иш ҳақи, музд; мукофот

جَعَلَنِي فِدَاءَكَ! *қуйидаги гапни айтмоқ:* جُعِلْتُ فِدَاءَكَ! *сўзма-сўз:* мен сенинг фидойинг бўлай!

– جَعْلَقَةٌ *қуйидаги гапни айтиш:* جُعِلْتُ فِدَاءَكَ! *сўзма-сўз:* мен сенинг фидойинг бўлай!

جُعْمُوسٌ *кўп.* جَعَامِيسُ ахлат, чиқинди, одам ахлати; رَمَى بِجَعَامِيسِ الْبَطْنِ ични бўшатмоқ, ахлат чиқармоқ

جَعَانٌ *қар.* جوع

جَعَةٌ пиво

جُغْرَافِيَّةٌ, جُغْرَافِيَا жўғрофия, география; ~ الاقْتِصَادِيَّةُ иқтисодий жўғрофия; ~ الطَّبِيعِيَّةُ табиий жўғрофия

– جُغْرَافِيٌّ жўғрофий, географик; жўғрофияга оид

I **جَفَّ** (*а/и*) جَفَافٌ, جُفُوفٌ қуримоқ, сергимоқ, суви қочмоқ; қақраб (қовжираб) кетмоқ; ~ حَلْقُهُ унинг томоғи қуриб қолди; ~ رِيقُهُ مِنَ الْجَرْيِ югурганидан оғзи қуриб қолди; I جَفَّ (*а/у*) جَفٌّ йиғмоқ, тўпламоқ, жамламоқ; II جَفَّفَ 1) қуритмоқ, сергитмоқ; сувини қочирмоқ; 2) артмоқ (*мас., юзни*); عَرَقَهُ ~ терни артмоқ; ~ دُمُوعَهُ عَيْنَيْهِ *ёки* ~ кўз ёшларини артмоқ; ~ يَدَيْهِ بِالْمِنْشَفَةِ қўлини сочиқ билан артмоқ; 3) *кимё.* сувсизлантирмоқ; V تَجَفَّفَ қуримоқ, сергимоқ, суви қочмоқ; VIII اِجْتَفَّ охиригача ичмоқ, ичиб битирмоқ

تَجْفَافٌ 1) қуритиш, сергитиш, намини қочириш; 2) артиш; 3) *кимё.* сувсизлантириш

– تَجْفَافٌ *кўп.* تَجَافِيفُ совут

– تَجْفِيفٌ = تَجْفَافٌ

– جَافٌّ қуриган, қуритилган, қуруқ

– جَفَافٌ 1) қуруқлик, қуриганлик; 2) қурғоқчилик

– جُفَّةٌ 1) бир тўда одамлар; 2) кўп сонли, кўпгина, ~ جَاءَ الْقَوْمُ одамларнинг ҳаммаси келди

– مُجَفَّفٌ 1) қуритилган, қуруқ; ~ حَلِيبٌ сут уни (қуритилган сут); 2) қоқи қилинган, қоқланган, қуритилган

– مُجَفَّفَاتٌ *кўп.* қуруқ мевалар

I **جَفَأَ** (*а*) جَفْءٌ 1) (*чиқинди, синган, парча-бурон н. ларни*) қирғоққа чиқариб ташламоқ (*сел, оқим ҳақида*); 2) энгаштирмоқ, тўнтармоқ; ~ الْقِدْرَ қозонни энгаштириб бўшатмоқ

جُفَاءٌ 1) кўпик, сердак; 2) (*сел, оқим қирғоққа чиқариб ташлайдиган*) чиқинди, ахлат, синган, парчаланган нарсалар; ◊ ~ً беҳудага, бекорга; ~ ذَهَبَ беҳуда кетмоқ, бекорга кетмоқ

– جِفْتٌ *кўп.* جُفُوتٌ 1) кичик омбур; кичкина қисқич; мўйчинак; пинцет, искак; исканжа; 2) *шунингдек:* ~ صَيْدٍ қўшоғиз милтиқ

جِفْتِشِي филигран, жуда нафис ишланган заргарлик буюми; хитой қоғози, сув қоғоз

جِفْتِلِكٌ мол-мулк; ферма (*чорва ёки паррандачилик хўжалиги*)

I **جَفَرَ** (*у*) جَفْرٌ: جَنْبَاهُ ~ катта бўлиб, онасидан ажрамоқ (*уй ҳайвонлари ҳақида*)

– جَفْرٌ 1 (*ҳарфлар билан*) фол очиш, ром очиш

– جَفْرٌ 2 *мн.* جَفْرَةٌ тўрт ойлик эчки боласи

– جِفْرَةٌ (*яширинча, махфий ёзишмалар учун*) шифр (*шартли белгилар, рақамлар ва б. лар воситаси билан ёзилган хат ва ш.к. лар*) ~ حَلَّ كِتَابَةَ الـــ шифрни очмоқ (ўқимоқ)

– جَفِيرٌ *кўп.* اتٌ ـــ қин, ғилоф

جِفْصِينٌ гипс (*минерал ва ундан тайёрланган қурилиш материали*)

I **جَفَلَ** (*у*) جَفْلٌ, جُفُولٌ 1) сесканиб кетмоқ, чўчиб тушмоқ, қўрқиб кетмоқ; 2) чопиб (югуриб) кетмоқ, (*қўрқинчдан*) ўзини бирор ёққа урмоқ; II جَفَّلَ қўрқитмоқ, ҳуркитмоқ, чўчитмоқ, IV أَجْفَلَ 1) = I; 2) қўрқитмоқ, ҳуркитмоқ, чўчитмоқ

– جَفْلٌ қўрқиш, ҳуркиш, чўчиш; ваҳима; ташвиш, хавотирлик

– جُفُولٌ = جَفْلٌ

جِفْتِلِكٌ = جِفْلِكٌ

جَفْنٌ *кўп.* أَجْفَانٌ, جُفُونٌ 1) қовоқ (*кўздаги*); نَامَ مِلْءَ الْجُفُونِ қаттиқ ухламоқ; ~ دُونَ أَنْ يَطْرِفَ لَهُ бақрайиб туриб, кўзини лўқ қилганича; 2) қиличнинг қини

– جَفْنَةٌ *кўп.* جِفَانٌ 1) товоқ, лаган, катта чуқур тарелка; коса; 2) ток новдаси; 3) шароб, май

I (جفو) **جَفَا** (*у*) جَفَاءٌ 1) дағал бўлмоқ, қаттиқ бўлмоқ, қотган бўлмоқ; 2) қаттиққўл, шафқатсиз бўлмоқ; 3) ўзини четга олмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ётсирамоқ, бегонасирамоқ; 4) тарк этмоқ, ташлаб кетмоқ, қолдирмоқ; II جَفَّى ўзидан итармоқ, бегоналатмоқ, четлатмоқ; III جَافَى 1) қўпол (қуруқ, қаттиқ) муомалада бўлмоқ; 2) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ, бегоналашмоқ; бегона бўлмоқ; 3) (н. *гадир*) қарши бормоқ (لـ); муносиб бўлмаслик, мос келмаслик, тўғри келмаслик; هٰذَا يُجَافِي الصَّوَابَ бу ҳақиқатга тўғри келмайди; VI تَجَافَى 1) бир-биридан узоқлашмоқ; бир-бирига нисбатан совуққонлик ҳис этмоқ; 2) ўзини тийиқ, (н. *дандир*) бош тортмоқ, воз кечмоқ (عَنْ); X اسْتَجْفَى қўпол, қаттиққўл деб билмоқ

– تَجَافٍ 1) қуруқлик, қуриганлик; шафқатсизлик, баджаҳллик, қўполлик, дағаллик; 2) тартибсизлик, ноиттифоқлик, (*алоқаларда*) совуққонлик

– جَافٍ *мн.* جَافِيَةٌ *кўп.* جُفَاةٌ 1) қўпол, қаттиқ; الْأُمُّ الْجَافِيَةُ *анат.* қаттиқ мия пўстлоғи; 2) қаттиққўл, баджаҳл, шафқатсиз

– جَفَاءٌ 1) қўполлик, дағаллик; қаттиқлик; 2) қуруқлик, қуриганлик; шафқатсизлик, бераҳмлик, баджаҳллик; بِـ~ илтифотсизлик билан; 3) (*алоқаларда*) ноиттифоқлик, совуққонлик

– جَفَاءَةٌ қўполлик, дағаллик, қотганлик, суви қочганлик

– جَفْوٌ 1) қўполлик, дағаллик; қотганлик, суви қочганлик; 2) (*алоқаларда*) узоқлашиб кетганлик, совуқлик; 3) қаттиққўллик; қўпол муомала, жиддий муомала; ноҳақлик, адолатсизлик

– جَفْوَةٌ = جَفْوٌ

– جَفِيَّةٌ сақлаш панжараси, ҳимоя қилиб турадиган панжара

I **جَلَّ** (*a/u*) جَلَالٌ 1) буюк бўлмоқ, улуғвор бўлмоқ, ҳамма нарсага қодир бўлмоқ, шуҳратли бўлмоқ; اللهُ عَزَّ وَ~ (*Оллоҳу таоло сифатларидан*) Оллоҳу азза ва жалла (*Оллоҳ ҳамма нарсага қодир ва буюкдир*); مَنْ لَا يَسْهُو وَلَا يُخْطِئُ ~ адашмайдиган ва хато қилмайдиган одам энг бахтиёр одамдир!; 2) (н. *дандир*) юқори бўлмоқ (عَنْ); هٰذَا يَجِلُّ عَنِ الْوَصْفِ бу таърифлашга сиғмайди, бу таърифдан ташқари; ◊ الشَّيْءُ ~ (н. *нингдир*) катта *ёки* асосий қисмини олмоқ; جَلَّ (*a/y*) جَلٌّ термоқ, йиғмоқ; الْبَعْرَ ~ тезак термоқ; II جَلَّلَ 1) қопламоқ; الشَّيْبُ رَأْسَهُ ~ унинг сочини оқ қоплади; بِـ~ه بِالْعَارِ бирор кишини шармандаю шармисор қилмоқ; بِالسَّوَادِ ~ қора ҳошия билан айлантириб чиқмоқ; (*мотам белгиси сифатида*) қора ҳошия боғламоқ (тақмоқ); 2) ҳурматламоқ, иззат қилмоқ; IV أَجَلَّ 1) (к. *нидир*) ҳурмат қилмоқ; эҳтиром кўрсатмоқ, чуқур миннатдорчилик билдирмоқ (*туш.к.*); 2) (н. *нидир*) афзал кўрмоқ, юқори қўймоқ (عَنْ); V تَجَلَّلَ (н. *биландир*) қопланмоқ (ب); بِالْعَارِ ~ шармандаю шармисор бўлмоқ; VI تَجَالَّ улуғланмоқ; (н. *дандир*) афзал, юқори бўлмоқ (عَنْ)

– إِجْلَالٌ ҳурматлаш, қадрлаш; чуқур миннатдорчилик, ҳурмат, иззат; ортиқ даражадаги ҳурмат; эҳтиром, иззат-икром; لَهُ ~ бирор кимга ҳурмат тариқасида, бирор кимнинг шарафига; فِي ~ ҳурмат юзасидан

– تَجِلَّةٌ ҳурмат, иззат-икром, эҳтиром

– جُلٌّ[1] атир гул, қизил гул

– جُلٌّ[2] 1) катта бўлак; 2) энг асосийси

– جُلٌّ[3] *кўп.* أَجْلَالٌ, جِلَالٌ ёпқич (*от ва баъзи бошқа уй ҳайвонларининг ёпқичи*), жул

– جِلٌّ 1) улкан, буюк; 2) семиз, йўғон

– جَلَالٌ улуғворлик, буюклик; кўркамлик, ҳашамат; ◊ فَعَلْتُ ذٰلِكَ مِنْ ~كَ буни мен сенинг учун (сени деб) қилдим

– جَلَالَةٌ 1) улуғворлик, буюклик; муҳташамлик, муаззамлик; ذُو الْـ~ (*Оллоҳ сифатларидан бири*) зулжалол (буюклик соҳиби); 2; аъло ҳазратлари, ҳазрати олийлари (*шоҳларга, қиролларга нисбатан*); صَاحِبُ الْـ~ ҳазрати олийлари; 3) катта аҳамият, аҳамият, муҳим ўрин тутиш; ◊ أَخَذَتْهُ الْـ~ унинг жазаваси тутиб қолди

– جَلَّالَةٌ кўчадаги гўнгни йиғиштирадиган қиз; 2) тезак кетидан юрадиган ҳўкиз; 3) тезак ейдиган ҳўкиз

– جَلِيلٌ 1) улкан, буюк; 2) катта, йўғон; муҳим; ~ أَمْرٌ муҳим иш

– جُلَّةٌ[1] *кўп.* جُلَلٌ сават, корзина; 2) граната; бомба; 3) *спорт.* ядро (чўян шар); رَمَى (قَذَفَ) الْـ~ ядро ирғитмоқ

– جُلَّةٌ[2], جِلَّةٌ[1] тезак, ахлат, қий, гўнг; таппи, чалма

– جِلَّةٌ[2] оқсуяклар, зодагонлар, аслзодалар, аъёнлар, киборлар

– جِلْوِيّ *халқ.* гўнг йиғадиган одам

– جُلَّى *кўп.* جُلَلٌ (энг) муҳим иш

– جِلِيلٌ *кўп.* أَجِلَّةٌ, جِلَّةٌ, أَجِلَّاءُ 1) катта, буюк; муҳим; 2) улкан, улуғвор, шавкатли; ажойиб, шаввоз; 3) машҳур; ҳурматли, эътиборли; صَاحِبُ الْمَقَامِ الْـ~ *қар.* مَقَامٌ

– جَلِيلَةٌ *кўп.* جَلَائِلُ буюк иш, муҳим иш

– مَجَلَّةٌ *кўп.* مَجَالُّ, ـَـاتٌ 1) журнал, мажалла, вақтли нашрлар; شَهْرِيَّةٌ ~ ойлик журнал; 2) *юр.* қонунлар мажмуи, кодекс

I **جَلَبَ** (*u, y*) جَلْبٌ 1) етказиб бермоқ; олиб келмоқ; ташиб келтирмоқ, импорт қилмоқ, четдан мол келтирмоқ; 2) ўзига жалб қилмоқ; гирифтор қилмоқ; النَّظَرَ ~ диққатни ўзига тортмоқ; الضَّرَرَ ~ (к. *гадир*) зарар келтирмоқ (عَلَى), 3) (к. *учундир*) топмоқ, излаб (ахтариб) қўлга киритмоқ, сотиб олмоқ, олмоқ (لـ); 4) шовқин солмоқ, шовқин кўтармоқ, шовқин-сурон қилмоқ; 5) битмоқ (*яра ҳақида*); қуйилиб қолмоқ (*қон ҳақида*); جَلَبٌ (*y*) عَلَى ~ الْفَرَسِ отни орқасидан чуҳлаб, ўзиб кетишга ундамоқ; IV أَجْلَبَ 1) топмоқ, излаб (ахтариб) қўлга киритмоқ, олмоқ, эга бўлмоқ, бирор ердаги нарсани топмоқ (олмоқ); 2) шовқин солмоқ; 3) қуйилиб қолмоқ (*қон ҳақида*); тўпланмоқ, йиғилмоқ, жамланмоқ; VII انْجَلَبَ қўлга киритиладиган бўлмоқ, олинадиган бўлмоқ, олиб кириладиган бўлмоқ, транспорт билан келтириладиган (олиб келинадиган) бўлмоқ, импорт қилинадиган бўлмоқ; VIII اجْتَلَبَ 1) ташқаридан (четдан) олиб кирмоқ; 2) топмоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ, эга бўлмоқ, бирор ердаги нарсани топмоқ (олмоқ); X

www.ziyouz.com kutubxonasi

اسْتَجْلَبَ 1) (*транспорт воситасида*) келтирмоқ; ташиб келтирмоқ, импорт қилмоқ, четдан мол келтирмоқ; 2) (*қаердандир, қаергадир*) мол чиқармоқ (إِلَى, مِنْ); 3) жалб қилмоқ, (*бошқа тарафдан*) таклиф қилмоқ

– اجْتِلاَبٌ 1) олиб келиш, ташиб келтириш, олиб бориб бериш, етказиб бериш; 2) *кўч.м.* қулоғидан (сочидан) тортиш

– اسْتِجْلاَبٌ 1) ташиб келтирилган, импорт қилинган (*мол*); 2) жалб қилиш, (*бошқа тарафдан*) таклиф қилиш

– جَالِبٌ 1. (*транспорт воситасида*) олиб келувчи, олиб (етказиб) берувчи; 2. импортчи

– جَلاَّبٌ *кўп.* جَلاَّبَةٌ 1) сотувчи; 2) *шунингдек:* ~ الْعَبِيد қул сотувчи

– جُلاَّبٌ, جُلاَّبٌ 1) гулоб, атир гул суви; 2) ширин микстура, ширин суюқ дори

– جَلاَّبِيَّةٌ *кўп.* جَلاَّبِيَّاتٌ, جَلاَلِيبُ жаллабийя (*эркакларнинг узун кўйлаги*)

– جَلْبٌ 1) олиб келинган нарса, олиб (етказиб) берилган нарса; 2) гирифтор қилиш; орттириш; зарар етказиш (келтириш), 3) етказиб бериш; топиш, излаш; ўлжа, қўлга киритилган нарса; 4) импорт, чет элдан келтирилган мол

– جَلَبٌ[1] *кўп.* أَجْلاَبٌ 1) олиб келинадиган (келтириладиган) маҳсулот; 2) *тар.* қуллар (*савдо-сотиқ предмети сифатида*)

– جَلَبٌ[2] шовқин-сурон; овоз, садо

– جَلَبَا *бот.* ялапа (*бутасимон ўсимлик*)

– جُلْبَانٌ, جُلُبَّانٌ *жам. бот.* ёввойи бурчоқ, маданий бурчоқ

– جَلَبَةٌ[1] = جَلَبَا

– جَلَبَةٌ[2] шовқин-сурон; овоз, садо; ~ ضَوْضَاءُ шовқин-сурон, қийчув; ~ وَ ضَوْضَاءُ بِدُونِ тинч, шовқин-суронсиз

– جُلْبَةٌ *кўп.* جُلَبٌ чандиқ, ямоқ (*битган яранинг ўрни*)

– جَلْبَةٌ *кўп.* جَلَبٌ, جَلَبَاتٌ втулка; шайба; чамбарак, ҳалқа, гардиш; *тех.* цилиндр, цилиндр гильзаси

– جَلُوبَةٌ *кўп.* جَلاَئِبُ = جَلِيبَةٌ

– جَلِيبٌ[1] *кўп.* جُلَبَاءُ, جُلْبَى *тар.* қуллар (*савдо-сотиқ предмети сифатида*)

– جَلِيبٌ[2], جَلِيبَةٌ *кўп.* جَلاَئِبُ олиб келинган товар (маҳсулот)

– مَجْلَبَةٌ *кўп.* مَجَالِبُ сабаб, боис; важ, далил

جَلْبَبَ (*бирор к. га*) жилбоб кийдирмоқ; تَجَلْبَبَ жилбоб кийиб олмоқ; ~ بِالْبُرْقُعِ а) ёпинчиқ билан бекинмоқ; б) ниқобланмоқ, паналанмоқ; ◊ بِجِلْبَابِ الرَّحْمَةِ ~ ўзини беозор, қўй оғзидан чўп олмаган киши қилиб кўрсатмоқ

– جِلْبَابٌ *кўп.* جَلاَبِيبُ жилбоб (*узун этакли эркаклар кўйлаги*); *шунингдек:* ёпинчиққа ўхшатиб тикилган аёллар кўйлаги; узун кўйлак, узун халат; أَفْرَنْجِيٌّ ~ оврупоча кийим

– جَلْبَبَةٌ (*бирор к. га*) жилбоб кийдириш

جُلْجُثَةٌ: ~ الـ ёки ~ الـ جَبَلُ Жулжуса (Голгофа) тоғи (*христианликда: Исо алайҳиссалом ўлдирилган тоғ*)

جَلْجَلَ 1) жарангламоқ; гумбурламоқ, қарсилламоқ; 2) шовқин билан жилдирмоқ (силжитмоқ)

– جُلْجُلٌ *кўп.* جَلاَجِلُ 1) қўнғироқча, шиқилдоқча; 2) (*кўзга чиқадиган*) говмижжа

– جُلْجُلاَنٌ кашнич уруғи

– جَلْجَلَةٌ жаранглаш; гумбурлаш, қасирлаш, тақиллаш

– جَلْجَلَةٌ, جُلْجُلَةٌ: ~ الـ ёки جَبَلُ الـ Жулжула (Голгофа) (*Исо алайҳиссалом ўлдирилган тоғ*)

– مُجَلْجَلٌ жаранглайдиган; жарангдор, чинқироқ; ~ صَوْتٌ жарангдор овоз

I جَلَحَ (*а*) جَلَحٌ кал (ялтирбош, тоз) бўлмоқ

– أَجْلَحُ *мн.* جَلْحَاءُ *кўп.* جُلْحٌ кал, ялтирбош, тоз

– بَيْضَاءُ جَالِحَةٌ ~ оқ қўтон

I جَلَخَ (*а*) جَلْخٌ 1) чархламоқ; силлиқламоқ; (*устарани*) ўткирламоқ; 2) ёймоқ, ясси қилмоқ, жўвалаб ёймоқ, ўқловлаб ёймоқ; II جَلَّخَ = I

– تَجْلِيخٌ 1) чархлаш, ўткирлаш; силлиқлаш; 2) ёйиш; عَجَلاَتُ الـ~ ёйиш (яссилаш) ғилдираклари, жўвалар

– جِلاَخَةٌ яссилаш; чиғирлаб ёйиш, жўвалаш, вальцовка

– جَلْخٌ 1) жўвалаш, чиғирлаб ёйиш; ~ الـ أُسْطُوَانَاتُ чиғирлаб ёйиш ғилдираклари; *шунингдек:* ~ الـ حَجَرُ қайроқ тош, қайроқ; 3) (*устарани ўткирлаш учун ишлатиладиган*) қайиш; ◊ ~ الْفُرْنِ шлак, тошқол (*металл эритилганда қолган қотишма*)

– مُجَلَّخٌ 1) силлиқланган; 2) ёйилган, яссиланган

I (جلد) جَلَدَ (*и*) جَلْدٌ қамчиламоқ, саваламоқ (*қамчи билан*); جَلُدَ (*у*) جَلَدٌ, جَلاَدَةٌ сабр-тоқатли бўлмоқ, чидамли бўлмоқ; جَلَدَ (*а*) جَلْدٌ музламоқ, музга айланмоқ; II جَلَّدَ 1) музлатмоқ; 2) (*китобни*) муқоваламоқ; الْحِيطَانَ ~ деворни панель билан қопламоқ; 3) терини шилмоқ; الْجَزُورَ ~ ҳайвоннинг терисини ажратмоқ; III جَالَدَ кураш олиб бормоқ, курашмоқ, жанг қилмоқ; IV أَجْلَدَ яхламоқ, совқотмоқ; совуқ урмоқ, тўнгмоқ; V تَجَلَّدَ 1) чидамлилик кўрсатмоқ, сабр-тоқат кўрсатмоқ, чидам (сабр-тоқат) билан ўтказмоқ; чидаб турмоқ, тишни тишга қўйиб турмоқ; 2) музламоқ, музга айланмоқ; VI تَجَالَدَ 1) қаршилик кўрсатмоқ; (н. *гадир*) чидамоқ, бардош бермоқ (عَلَى); 2) курашмоқ, бир-бири билан жанг қилмоқ (урушмоқ); VII اِنْجَلَدَ қамчиланган бўлмоқ, (*қамчи билан*) саваланган бўлмоқ; VIII اجْتَلَدَ 1) ўзини ўнглаб олмоқ, оёққа туриб олмоқ; 2) чидамли (тоқатли) бўлмоқ, сабр-бардош кўрсатмоқ

– تَجَلُّدٌ сабр-бардошлилик, тоқатлилик, чидамлилик

– تَجْلِيدٌ 1) музлатиш; 2) муқова, жилд; муқовалаш; ~ الْحِيطَانِ деворни панель билан қоплаш

– جِلاَدٌ кураш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– جَلَّادٌ 1) жаллод; 2) терифуруш, тери сотувчи

– جَلَادَةٌ барқарорлик, чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик, сабр-бардош, тоқат, чидам

– جَلْدٌ[1] қамчилаш, савалаш, дўппослаш, калтаклаш; ◊ ~ عُمَيْرَةَ онанизм, капаки

– جَلْدٌ[2] чидамли, пишиқ, қаттиқ, бардошли, тоқатли; ◊ أَنَا عَلَى ~ ... мен ...га қодирман

– جَلَدٌ 1) сабр, бардош, чидам, тоқат; 2) осмон гумбази, осмон, фалак

– جِلْدٌ = جَلْدٌ[2]

– جِلْدٌ *кўп.* جُلُودٌ, أَجْلَادٌ 1) жилд, тери; пўст; ~ الْحَيَّةِ илон пўсти; ~ سَخْتِيَانٍ сахтиён тери; ~ شَجَرَانٍ шаврон (*эчки, қўй каби ҳайвонлар терисидан ясалган, юмшоқ, ўзига хос гул ташлаб турадиган тери*); ~ غَزَالٍ замша (*буғу, қўй ва бошқа ҳайвонларнинг терисидан тайёрланган юмшоқ бахмалсимон чарм*); ~ لَمَّاعٌ лакланган чарм, амиркон тери; ~ مَدْبُوغٌ ошланган тери; 2) (*китобдаги*) муқова, жилд; ◊ عَلَى عَظْمٍ ~ эти бориб суягига ёпишган, қоқ суяк; ~ مَاتَ فِي جِلْدِهِ ўлгудай қўрқиб кетмоқ; غَيَّرَ جِلْدَهُ бошқача қиёфага кириб (ниқобланиб) иш юритмоқ (гапирмоқ)

– جِلْدَةٌ *кўп.* ~ اتٌ — 1) терининг бир бўлаги; ~ رَأْسِ الإِنْسَانِ скалп (*сочлари билан шилиб олинган бош териси*); ~ بَنُو ~ـــهِ *ёки* أَبْنَاءُ ~ـــهِ бир миллат, бир қабилага мансуб шахс ва бошқалар; ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар, юртдош, ватандош; 2) пардапўст, юпқа пўст; 3) (*китобдаги*) жилд, муқова

– جَلْدَةٌ *кўп.* جَلَدَاتٌ қамчилаш, (*қамчи билан*) уриш

– جِلْدِيٌّ 1) терига оид; пўстга оид; терида бўладиган, теридаги, бадандаги; ~ حَقْنٌ тери остига дори юбориш; ~ـــةٌ أَمْرَاضٌ тери касалликлари; 2) теридан (чармдан, кўндан) қилинган, ясалган; ~ قَفَّازٌ чарм қўлқоп; 3) кўнчиликка, кўн маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид; кўнчиликка оид; الْ~ـــةُ الْبَضَائِعُ кўнчилик (чарм) маҳсулотлари

– جِلْدِيَّاتٌ *кўп.* кўн (чарм, тери) дан тайёрланган маҳсулотлар

– جَلُودٌ сабр-бардошли, чидамли, тоқатли

– جَلَادَةٌ = جَلُودَةٌ

– جَلِيدٌ[1] *кўп.* جُلَدَاءُ, أَجْلَادٌ 1) қаттиқ, мустаҳкам, пишиқ; 2) бардошли, чидамли, сабрли

– جَلِيدٌ[2] совуқ; муз; ~ الْ~ـــ عَصْرُ муз асри; ~ جَبَلُ айсберг (*океанларда сузиб юрувчи муз тоғ*); ~ الْ~ـــ قِطْعَةٌ مِنَ катта муз бўлаги; ~ مَرْكَبَةُ чана

– جُلَيْدَةٌ 1) юпқа тери, юпқагина пўст; 2) *фото.* плёнка

– جَلِيدِيٌّ 1) муздан иборат, музли; музга оид; муздек, музлаб қолган; 2) музликка оид, музликдан иборат

– مُجَالِدٌ курашчи; *тар.* гладиатор (*қадимги Римда: цирк майдонида кураш туширилган қул ёки ҳарбий асир*)

– مُجَالَدَةٌ кураш, яккама-якка олишув, мубораза, жанг

– مُجَلَّدٌ 1. 1) музлатилган; 2) муқоваланган; 2. *кўп.* ~ اتٌ — жилд (том); китоб

– مُجَلِّدٌ муқоваловчи, муқовасоз (киши)

– مُجَلِّدٌ *кўп.* مُجَلِّدَاتِيَّةٌ = مُجَلِّدَاتِيٌّ

– مِجْلَدَةٌ *кўп.* مَجَالِدُ узун қамчи, дарра, ўрма қамчи, қамчи

I جَلَزَ (и) جَلْزٌ 1) ўраб (йиғиштириб) қўймоқ, тахлаб қўймоқ; боғламоқ, бириктирмоқ; 2) (*узун ўрма қамчи билан*) урмоқ, саваламоқ, қамчиламоқ

– جِلَازٌ, جِلَازَةٌ (*қамчидаги*) қайиш, тасма

I جَلَسَ (*и*) جُلُوسٌ ўтирмоқ; ~ إِلَى الطَّاوِلَةِ стол атрофида ўтирмоқ; ~ عَلَى كُرْسِيٍّ курсига (стулга) ўтирмоқ; II جَلَّسَ ўтқизмоқ, жойларига ўтқизмоқ, жойлаштирмоқ; III جَالَسَ 1) мажлис қилмоқ, кенгаш ўтказмоқ; 2) (*бирор к билан*) ёнма-ён ўтирмоқ; 3) (*бирор к. га*) шерик (ҳамроҳ) бўлмоқ; IV أَجْلَسَ ўтқизмоқ, ўтиргизмоқ; VI تَجَالَسَ бошқалар билан бирга ўтирмоқ

– جَالِسٌ *кўп.* جُلَّاسٌ, جُلُوسٌ ўтирадиган, ўтирган

– جَلِيسٌ = جِلْسٌ

– جَلْسَةٌ *кўп.* جَلَسَاتٌ 1) мажлис, кенгаш, йиғин; сессия (*маълум бир вақтда ўтказиладиган мажлислар*); ~ عَامَّةٌ оммавий йиғин; ~ عَلَنِيَّةٌ очиқ мажлис; ~ عَامَّةٌ تَامَّةٌ *ёки* ~ عَامَّةٌ بِكَامِلِ الأَعْضَاءِ ялпи мажлис; ~ الْ~ـــ الْمُسْتَعْجَلَةُ навбатдан ташқари (фавқулодда) мажлис; ~ مُقْفَلَةٌ *ёки* ~ مُغْلَقَةٌ *ёки* ~ سِرِّيَّةٌ ёпиқ, яширин мажлис; ~ فَتَحَ الْ~ـــ مажлисни очмоқ; 2) сеанс; ~ـــيْنِ قَرَأْتُ الْكِتَابَ китобни икки ўтиришда ўқиб бўлдим

– جِلْسَةٌ уйидан ташқарига чиқмайдиган (камҳаракат) одам, танбал

– جِلْسَةٌ ўрнашув; ўтириш, ўрнашув усули, тарзи; ~ التَّأَمُّرِ وَالتَّنَفُّخِ виқор билан ўтириш

– جُلُوسٌ 1) ўтириш, ўтирғич; 2) кўтарилиш, миниш, чиқиш; عِيدُ الْ~ـــ тахтга ўтириш (чиқиш) байрами

– جَلِيسٌ *кўп.* جُلَسَاءُ, جُلَّاسٌ 1) (*парта стол атрофида ёнма-ён ўтирган*) қўшни; 2) ўртоқ, ошна, оғайни, жўра; ҳамсуҳбат; улфат; шерик

– مَجْلِسٌ *кўп.* مَجَالِسُ 1) ўриндиқ; мажлислар зали, жойи; اتَّخَذَ ~ـــهُ الْمَأْلُوفَ أَخَذَ ~ـــهُ у ўзининг одатдаги жойини эгаллади; حَيَالَهُمْ у уларнинг қаршисига ўтирди; 2) мажлис, йиғилиш; 3) жамият; бирлашма, уюшма; 4) маслаҳат, кенгаш, бошқарма; палата (*айрим мамлакатларда олий давлат ҳокимияти*); ~ الْقَوْمِيَّاتِ Миллатлар Кенгаши; ~ السِّلْمِ الْعَالَمِيُّ Бутунжаҳон Тинчлик Кенгаши; ~ الأَمْنِ Хавфсизлик Кенгаши; ~ الْوُزَرَاءِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

вазирлар кенгаши; ~ الاقْتِصَادِيُّ التَّعَاضُد Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (*ЎИЁК*); ~ الأُمَّة Миллий Кенгаш (*Миср Араб Республикасида*); ~ الـ النِّيَابِيُّ парламент (*айрим мамлакатларда қонун чиқарувчи олий давлат органи*); ~ الـ التَّأْسِيسِيُّ таъсис мажлиси; ~ الـ الشُّورَيُّ ~ الـ التَّشْرِيعِيُّ қонун чиқарувчи мажлис; маслаҳат мажлиси (кенгаши); ~ الشُّيُوخ оқсоқоллар палатаси, сенат (*қадимги Римда: олий ҳокимият органи*); ~ النُّوَّاب депутатлар палатаси, вакиллар палатаси; ~ الأَعْيَان ~ *ёки* ~ اللُّوَرْدَات Лордлар палатаси (*Англияда: парламентнинг юқори палатаси*); ~ الْعُمُوم парламентнинг қуйи палатаси (*Англияда*); ~ الدِّفَاع мудофаа кенгаши; ~ الْجَامِعَة университет кенгаши; ~ الرَّقَابَة назорат кенгаши; ~ الْإِدَارَة бошқарма, маъмурият, дирекция (*директор раҳбарлигидаги маъмурият*); ~ الْمُدِيرِيَّة провинциал кенгаш; ~ الـ الْبَلَدِيُّ шаҳар кенгаши; ~ حَسْبِيٌّ васийлик кенгаши; 5) суд, трибунал (*фавқулодда суд органи*). ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий трибунал; 6) *мед.* ич келиши, ич; ганда, нажас, ахлат

حَلاَشٌ ёғли хамир, қатлама

– حُلاَشٌ (*кўкнори уруғи, ёнғоқ, бодом мағзи қўшиб пиширилган*) сомса

حَالُوصٌ *кўп.* حَوَالِيصُ кесак, қуриган лой; дўнг ер, ўнқир-чўнқир

I **جَلَطَ** (*и*) حَلْطٌ 1) (*бошни*) тарашламоқ, қирмоқ; 2) суртиб ишқаламоқ; тирнаб юбормоқ, (*терини*) чақа қилмоқ, шилмоқ. V تَجَلَّطَ қуюлмоқ (*қон ҳақида*)

– تَجَلُّطٌ коагуляция; қуюлиб қолиш (*қон ҳақида*)

– جَلْطٌ суртиб ишқалаш; тирнаб чақа қилиш; (*терини*) шилиш

– جُلْطَةٌ қуюлиб қолган қон, тромб (*томирда ивиб қолган қон*); ~ الـ الدَّمَوِيَّةُ *ёки* ~ الدَّمِ *мед.* эмболия (*қон томирлари касаллиги*), томирларнинг тўсилиб (бекилиб) қолиши

I **جَلِعَ** (*а*) جَلَعٌ аҳмоқона тарбияланган бўлмоқ, ёмон тарбияланган бўлмоқ; уятсиз бўлмоқ; IV أَجْلَعَ = I

I **جَلِفَ** (*а*) جَلاَفَةٌ қўпол, қўрс, дағал бўлмоқ, тарбия кўрмаган, маданиятсиз бўлмоқ

– جِلْفٌ *кўп.* أَجْلاَفٌ 1. қўпол, қўрс, тарбия кўрмаган, маданиятсиз; 2. қўрс (қўпол муомалали) одам, тарбиясиз одам

جَلْفَطَ қатронламоқ, қатрон (смола) суртмоқ, бирор нарса тиқиб (*кеманинг*) тешик-тирқишларини беркитмоқ

– جَلْفَطَةٌ қатронлаш, қатрон (смола) суртиш, (*кеманинг*) тешик-тирқишларини бирор нарса тиқиб беркитиш

جَلْفَنَ гальванизация қилмоқ, гальванизацияламоқ

– جَلْفَنَةٌ гальванизация, гальванизациялаш (*мед. гальваник ток билан даволаш; тех. гальваник ток ёрдамида бирор металлнинг сиртини бошқа металл билан қоплаш*)

جُلْقٌ Дамашқ шаҳрининг яна бир номи

I **جَلَمَ** (*и*) جَلْمٌ қирқмоқ, кесмоқ; (*юнгни*) олмоқ. VIII اجْتَلَمَ = I

– جَلاَّمٌ юнг олувчи, жун қирқувчи ишчи; гўсфантарош

– جُلاَمَةٌ, جَلاَمَةٌ олинган юнг (жун)

– جَلَمٌ *ёки ик.с.* جَلَمَانِ юнг (жун) оладиган қайчи

أَبُ جَلَمْبُو *қар.*

جَلْمَدٌ *кўп.* جَلاَمِدُ 1) қоя; 2) валун (*тоғ жинсларининг бўлаклари, юмалоқ катта тош*)

– جَلْمُودٌ *кўп.* جَلاَمِيدُ =

جُلَّنَارٌ анор гуллари

جَلَنْبَقٌ шовқин, тақиллаш (*эшик ҳақида*)

جَلَنْبَلَقٌ *дарвоза қаноти очилиб-ёпилганда чиқадиган овозни ифодаловчи тақлидий сўз*

جَلْنَزَ, جَلْزَ, *ёки* تَجَلْنَزَ, تَجَلْزَ инглизлаштирмоқ, инглизларга тақлид қилмоқ

– جَلْنَزَةٌ, جَلْزَةٌ инглизлаштириш

جُلاَهِقٌ ўқ, отиладиган ўқ; ~ الـ قَوْسُ камон, ёй

I (جلو) **جَلاَ** (*у*) جَلْوٌ, جَلاَءٌ 1) аниқ, равшан бўлмоқ; аниқланмоқ, топилмоқ, кўринмоқ; 2) кетмоқ, узоқлашмоқ, (*қаердандир*) эвакуация қилинмоқ, хавфли жойдан кўчирилмоқ (عَنْ, مِنْ), 3) тозаламоқ, кеткизмоқ; ойнадай силлиқламоқ, сайқалламоқ, сайқал (жило) бермоқ, ялтиратмоқ; 4) узоқлаштирмоқ, (*қаердандир*) ҳайдамоқ (عَنْ). الصَّدَأَ ~ (н. *нингдир*) зангини кетказмоқ, зангини қириб ташламоқ (عَنْ); 5) аниқламоқ, топмоқ, (н. *нидир*) кўрсатмоқ (*туш.к.* عَنْ). بَصَرَهُ بِالْكُحْلِ ~ кўзни равшан қилмоқ, равшанлаштирмоқ. II جَلَّى аниқ қилмоқ, аниқламоқ; кўрсатмоқ. III جَالَى (н. *ҳақдадир*) хабардор қилмоқ, (н. *нидир*) маълум қилмоқ (*туш.к.* ب); هَذَا الْكِتَابَ عَلَى النَّاسِ ~ у бу китобни нашр қилдирди. IV أَجْلَى 1) кетмоқ, транспортда кетмоқ, (*қаердандир*) узоқлашмоқ (مِنْ); 2) узоқлатмоқ, ҳайдамоқ; эвакуация қилмоқ, хавфли жойдан кўчирмоқ, эвакуацияга мажбур қилмоқ, хавфли жойдан кетишга мажбур қилмоқ; V تَجَلَّى 1) аниқ бўлмоқ, аниқланмоқ, топилмоқ, очилмоқ; 2) (к. *нингдир олдида*) ўзини тўла намоён қилмоқ (عَلَى); VII انْجَلَى 1) аниқ бўлмоқ, равшан бўлмоқ, очиқ бўлмоқ, аниқланган бўлмоқ, топилган бўлмоқ; ойдинлашмоқ, равшан бўлиб қолмоқ, топилмоқ; 2) кетмоқ, узоқлашмоқ, ўтмоқ, босиб ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, ортда қолдирмоқ; (*қаердандир*) эвакуация бўлмоқ, хавфли жойдан кўчиб кетмоқ; 3) сайқалланган (силлиқланган) бўлмоқ, ялтироқ бўлмоқ; 4) ниҳоясига етмоқ, (н. *биландир*) тугамоқ (عَنْ); (н. *нингдир*) натижасида ҳосил бўлмоқ (عَنْ). VIII اجْتَلَى 1) аниқламоқ, равшан қилмоқ, очмоқ, топмоқ; 2) кўрмоқ, пайқамоқ; кўриб чиқмоқ, қарамоқ; кузатмоқ; X اسْتَجْلَى аниқликка (равшанликка) эришмоқ, кўришга, билишга уринмоқ; аниқламоқ; топмоқ, кўрмоқ

– إِجْلاَءٌ кетиш; эвакуация бўлиш, хавфли жойдан кўчиб кетиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– اِسْتِجْلَاءٌ аниқлаш, сўраб-суриштириб билиш. дараклаб билиш

– تَجَلٍّ 1) топиш, кўриш, 2) (*бирор к. олдида*) тўлалигича намоён бўлиш

– تَجْلِيَةٌ 1) аниқлаш; 2) *дин.* тажаллият (*худонинг ўзи яратган н. ларда намоён бўлиши*)

– جَالِيَةٌ *кўп.* ـَاتٌ, ـَــ جَوَالٍ (*бегона шаҳарда, бегона юртда яшайдиган*) ҳамшаҳарлар, ҳамюртлар уюшмаси, ватандошлик, юртдошлик, колония (*ўзга мамлакат ёки ўлкаларга кўчиб келиб ўрнашган кишиларнинг маҳалласи, қишлоғи*)

– جَلَاءٌ 1) равшанлик, аниқлик; اَلْـــ ~ اَلْبَصَرِيُّ олдиндан кўра билиш; ـــ ~ وُضُوحٍ ғоят аниқ равишда, жуда аниқ, 2) кетиш; жўнаш; транспортда жўнаб кетиш; эвакуация

– جَلَّاءٌ маълум қилиш, хабардор қилиш, маълум қилиш

– جَلْوٌ жило бериш, силлиқлаш

– جَلْوَةٌ 1) жилва, ялтираш, чиннидай тоза бўлиш, 2) юз очиш, ёпинчиқни очиш (*янги турмуш қурган келин куёв уйида*)

– جَلِيٌّ тушунарли, аниқ, равшан, ойдин, шак-шубҳасиз. ошкора; اً ~ яққол, баралла, шубҳасиз; ... أَنَّ (تَمَامًا) مِنَ اَلْـــ ~ ҳаммага маълумки, ... жуда равшанки, ... كَالشَّمْسِ ~ кундек (қуёшдек) равшан

– جَلِيَّةٌ *кўп.* جَلَايَا1) тушунарли бўлган аниқ нарса; اَلْأَمْرِ ~ ишнинг моҳияти (мазмуни); 2) ишончли маълумот

– مُتَجَلٍّ *мн.* مُتَجَلِّيَةٌ очиқ-ойдин кўриниб турган, аниқ, равшан

– مَجْلًى *кўп.* مَجَالٍ намойиш қилиш (қилиниш); اِسْتُقْبِلَ بِمَجَالِي التَّكْرِيمِ у юксак ҳурмат билан қабул қилинди (кутиб олинди)

جِلْوَازٌ *кўп.* جَلَاوِزَةٌ миршаб, полициячи

– جِلْوَزٌ *жам.* ёнғоқлар; ~ خَازِنُ اَلْـــ эт бола (*қуш*)

– جِلْوَزَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ ёнғоқ

جِلُوكُوزٌ глюкоза (*узум шакари*)

جَلُونٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ галлон (*Англияда, АҚШда: 4, 54 литрга тенг ўлчов бирлиги*)

– جَلْفَنَ = جَلْوَنَ

– جَلْفَنَةٌ = جَلْوَنَةٌ

جَلَوَيْنٌ полиз бўзтикони (*Sonchus oleraceus*)

I جَلَى (*u*) جَلْيٌ силлиқламоқ, пардозламоқ, ишлов бермоқ; II جَلَّى марра чизиғига биринчи бўлиб келмоқ (*от ҳақида*)

– جَلْيٌ силлиқлаш, пардозлаш, ишлов бериш

– جَلْيٌ 1) люк, қопқоқли туйнук, тешик; 2) туйнук (*ҳавони янгилаш ва ёруғлик тушиши учун чердак, минора кабиларга қурилган туйнук*)

– مُجَلٍّ марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келган от

جَالُوتٌ = جُلْيَاتٌ

جَلَّطَ ёғламоқ, ёғ билан мойламоқ, суртмоқ

– جَلْطَةٌ ёғ билан мойлаш, суртиш

I جَمَّ (*a/u*) جَمٌّ 1) тўла бўлмоқ, сероб, мўл-кўл бўлмоқ, кўп сонли бўлмоқ; 2) тўлдирмоқ; جَمَّ (*a/u*) جِمَامٌ дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ (*от ҳақида*); جَمَّ اَلْفَرَسُ минмасдан дам берилмоқ (*отга*); II جَمَّمَ 1; қирғоғигача тўлдирмоқ; 2) қалин бўлиб ўсмоқ (*ўт-ўлан ҳақида*); IV أَجَمَّ дам бермоқ, дам олдирмоқ; V تَجَمَّمَ 1) қалин бўлиб ўсмоқ (*ўт-ўлан ҳақида*); 2) тўпланмоқ, йиғилмоқ; X اِسْتَجَمَّ 1) дам олмоқ; куч-қувват йиғмоқ, нафасни ростлаб олмоқ; 2) тўкин-сочинликда бўлмоқ; 3) ўсимлик билан қопланмоқ (*ер ҳақида*)

– أَجَمُّ *мн.* جُمٌّ, جَمَّاءُ *кўп.* جُمٌّ шохсиз, шохи йўқ, бешох. мугузсиз, тўқол

– اِسْتِجْمَامٌ дам. дам олиш; ~ دَارُ اَلْـــ дам олиш уйи

– جَمٌّ 1. 1) мўл-кўл, сероб; кўп сонли; اً ~ أَحَبَّ حُبًّا жуда қаттиқ севмоқ; 2) тўла; جَمُّ اَلنَّشَاطِ тўла ғайрат; 2. мўл-кўлчилик, серобчилик, кўплик; ~ غَفِيرٍ ёки وَفِيرٍ ~ а) кўп сонли; б) кўп сонли оломон

– جِمَامٌ мутлақ тинчлик, хотиржамлик, сукунат, дам олиб ўтириш

– جَمَّاءُ кўп сонли, кўп

– جُمَّةٌ *кўп.* جُمَمٌ тараб, муайян тартибга келтирилган аёллар сочи; ~ اَلشَّعْرِ қалин соч

– جَمِيمٌ ўсимлик, ўт, ўт-ўлан

– مَجَمٌّ *кўп.* مَجَامُّ кўкрак, сийна

جَمْبَرِيٌّ *жам.* майда қисқичбақалар, креветкалар

– جَمْبَرِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ майда қисқичбақа, креветка

جُمْبَازٌ (*сол.* جُنْبَازٌ) гимнастика; اَلْـــ ~ عَلَى الْأَجْهِزَةِ спорт жиҳозлари устида гимнастика машқларини бажариш; اَلْـــ ~ اَلْفَنِّيُّ бадиий гинмастика; ~ اَلْقَوَى атлетик гимнастика

– جُمْبَازِيٌّ 1. гимнастикага оид, гимнастик; 2. гимнастикачи

– جُمْبَازِيَّةٌ = جُمْبَازٌ

جَمْبُوزِيَا: ~ سَمَكُ гамбузия (*балиқ*)

جَمْجَمَ ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган қилиб гапирмоқ, ғулдурамоқ; تَجَمْجَمَ = جَمْجَمَ

– جَمْجَمَةٌ тушуниб бўлмайдиган нутқ, ғулдураш; بِلَا ~ وَمُوَارَبَةٍ жуда аниқ, тўппа-тўғри

– جُمْجُمَةٌ1 *кўп.* جَمَاجِمُ бош суяги, бош суяк косаси, чаноқ; краниология (*одам ҳақидаги фан - антропологиянинг бош суягини ўрганадиган бўлими*)

– جُمْجُمَةٌ2 ёғочдан ишланган пиёла

– جُمْجُمِيٌّ бош суягига оид

I جَمَحَ (*a*) جُمُوحٌ, جِمَاحٌ 1) ҳаддан ошмоқ, олиб қочмоқ (*от ҳақида*); ~ مِنَ اَلْحَرْبِ *мажх.* жанг майдонидан қочмоқ; 2) ўжарлик (қайсарлик) қилмоқ (*от ҳақида*); 3) ўз истакларига амал қилмоқ; 4)

www.ziyouz.com kutubxonasi

эрини ташлаб кетмоқ; جَمَحَ (а) جَمْحٌ шошилмоқ

– جَامِحٌ *кўп.* جُمَّاحٌ 1) ўжар, қайсар, бўйсунмас; тутган жойини кесадиган, терс; асов, бўй бермайдиган (*от ҳақида*); 2) тийиб бўлмайдиган, ғоят кучли, шиддатли; бўйсунмайдиган; رَغْبَةٌ ~ــةٌ босиб (қайтариб) бўлмайдиган хоҳиш

– جِمَاحٌ 1) асов, қайсар (*от ҳақида*); 2) инжиқлик, хархаша; ◊ كَبَحَ ~ــهُ тиймоқ, тўхтатмоқ, жиловламоқ

– جُمَّاحٌ *бот.* чангловчи, оталиқ (*ўсимлик гулида*)

– جَامُوحٌ = جَامِحٌ

جِمْخَانَةٌ жимхона (*от ва туя миниб иштирок этиладиган спорт мусобақалари*)

I **جَمَدَ** (*у*) جُمُودٌ ,جَمْدٌ 1) музламоқ, совқотмоқ; қаттиқлашмоқ; қотмоқ; қуюқлашмоқ; қуюлиб, ивиб қолмоқ (*қон ва сут ҳақида*); 2) (*ҳаяжон ва қўрқувдан*) ўрнида таррадек қотиб қолмоқ, серрайиб туриб қолмоқ; فِي مَكَانِهِ مِنَ الْخَوْفِ ~ қўрқувдан ўз ўрнида қотиб қолмоқ; ◊ (كَفُّهُ) تْ يَدُهُ ~ хасис, зиқна, қурумсоқ; فَهْمُهُ لِهَذَا الْكِتَابِ ~ تْ نَفْسُهُ عَلَى . . . бу китобни у тушуна олмади; ~ (*бирор н. га*) бепарво қолмоқ; II جَمَّدَ 1) қаттиқ қилмоқ; музлатмоқ; 2) *иқт.* ўсишни тўхтатмоқ, ишлатмасдан (тўхтатиб) қўймоқ; ~ الأَمْوَالَ капитални (сармояни) ишга солмаслик; 3) (*қоннинг, сутнинг*) ивиб, қотиб қолишига сабаб бўлмоқ; V تَجَمَّدَ 1) музламоқ, муз билан қопланмоқ; қаттиқлашмоқ, қотмоқ; 2) қуюқлашмоқ; ивиб қолмоқ, қуюлиб қолмоқ (*қон, сут ҳақида*); 3) *иқт.* ўсишдан тўхтаган бўлмоқ, ўсишдан тўхтаб қолмоқ; VII اِنْجَمَدَ тўла музлаб қолмоқ, муз билан қопланмоқ (*дарё ҳақида*); 2) музга айланмоқ, музламоқ

– تَجْمِيدٌ музлатиш; ~ الأَمْوَالِ *иқт.* капитални (сармояни) ишлатмаслик, тўхтатиб қўйиш

– جَامِدٌ *кўп.* جَوَامِدُ 1) қуруқ; 2) музлаган; қаттиқ; қотган; 3) пишиқ, мустаҳкам, кучли; ~ ضَرْبَةٌ кучли зарба; 4) ҳаракатсиз, қўзғалмас; 5) жонсиз, ўлик; *кимё.* анорганик; جَوَامِدُ минераллар (*анорганик қазилма моддалар*); 6) *грам.* ўзгармас; ~ فِعْلٌ шахс ва сонда тусланмайдиган феъл (мас., نِعْمَ, عَسَى, بِئْسَ); ~ اسْمٌ бошланғич (дастлабки) исм; ◊ (الْكَفِّ) الْيَدِ ~ хасис, зиқна

– جَمَادٌ *кўп.* ـَـاتٌ минерал, анорганик модда; عَالَمُ الْجَمَادَاتِ анорганик моддалар олами

– جَمَادِيٌّ минералга оид; анорганикликка оид; анорганик

– جُمَادَى: الأُولَى ~ жумодул-аввал (*қамарий тақвимнинг бешинчи ойи - 30 кун*); الآخِرَة ~ жумодул-охир (*қамарий тақвимнинг олтинчи ойи - 29 кун*)

– جَمْدٌ музлаш, яхлаш, совуқ уриш; қотиш; қуюқлашиш; دَرَجَةُ الْـ~ музлаш даражаси, нуқтаси

– جَمَدٌ *кўп.* أَجْمَادٌ муз, ях; катта муз парчаси

– جُمُودٌ 1) қўзғалмаслик, ҳаракатсизлик; қотиб қолганлик, тўмтоқлик, жаҳолат; турғунлик; 2) ҳаётсизлик; ўликлик, жонсизлик (*табиат, бирор жой ҳақида*); 3) қаттиқлик, пишиқлик, мустаҳкамлик

– مُتَجَمِّدٌ музлаган, яхлаган; қотиб қолган, қаттиқ; муз қоплаган; الْمِنْطَقَةُ الْـ~ةُ الْجَنُوبِيَّةُ Арктика; الْمِنْطَقَةُ الْـ~ةُ الشِّمَالِيَّةُ Антарктика

– مُجَمَّدٌ музлатилган; музлаб қолган; ~ لَحْمٌ музлатилган гўшт; أَمْوَالٌ ~ةٌ *иқт.* ишлатилмаган, тўхтатиб қўйилган маблағ (капитал)

– مَجْمَدَةٌ *кўп.* مَجَامِدُ (*тоғлардаги*) музлик

I **جَمَزَ** (*и*) جَمْزٌ бирикмоқ, қўшилмоқ, йиғилмоқ, йиғилишмоқ, учрашмоқ; II جَمَّزَ 1) ёнаётган, чўғ бўлган кўмирда пиширмоқ; 2) йиғмоқ, термоқ, бирлаштирмоқ; ◊ النَّخْلَ ~ хурмо тепасидаги шох-шаббани кесмоқ; الشَّعْرَ ~ сочни йиғиб орқага турмакламоқ; IV أَجْمَزَ тўпламоқ; النَّارَ ~ оловни қаламоқ; V تَجَمَّزَ бирикмоқ, қўшилмоқ; йиғилмоқ, тўпланмоқ; VIII اجْتَمَزَ (*христианларда: ибодат вақтида*) ладан тутатмоқ (بِالْمَجْمَرَةِ); X اسْتَجْمَزَ орқани тошга артмоқ, тош билан тозаламоқ

– جُمَّارٌ *жам.* 1) ўзак (*ўсимликдаги*) 2) (*хурмонинг*) учи, тепа қисми, дарахтнинг энг тепасидаги шох

– جُمَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*хурмонинг*) учи, тепа қисми, дарахтнинг энг тепасидаги шох

– جَمْرٌ *жам.* чўғ бўлиб турган кўмир; *маж.* қаттиқ, кучли қаҳр-ғазаб; هَرِقْ عَلَى ~كَ مَاءً ўзингни бос! (*сўзма-сўз:* ёнаётган оловингга сув сеп) هُوَ عَلَى مِثْلِ الْـ~ مِنَ الْقَلَقِ хавотирликдан у ўзини худди чўғ устида ўтиргандай ҳис қиляпти; عَلَى أَحَرَّ مِنَ الْـ~ *қар.* أَحَرُّ

– جُمَّارٌ = جُمَّرٌ

– جَمْرَةٌ *кўп.* جَمَرَاتٌ 1) ёнаётган бир парча кўмир; қоракуя; لَا يُمَيِّزُ بَيْنَ التَّمْرَةِ وَالْـ~ *мтл.* у кўмир билан хурмонинг фарқига бормайди; ~ لَوْ قُلْتُ تَمْرَةٌ لَقَالَ *мтл.* мен боғдан гапирсам, у тоғдан гапиради; мен Али десам, у Вали дейди (*сўзма-сўз:* мен хурмо десам, у кўмир дейди); 2) кичкина тош, майда тош; 3) *мед.* карбункул, хўппоз, кўк яра, чипқоннинг бийи; خَبِيثَةٌ ~ а) йиринг, яра; карбункул; б) куйдирги

– مِجْمَرَةٌ *кўп.* مَجَامِرُ 1) манқал; манқалдон; кабоб қўраси; 2) тутатқи солинадиган идиш, исириқдон; ладандон (*христианларда: ибодат вақтида ладан тутатадиган идиш*)

جُمْرُكٌ *кўп.* جَمَارِكُ божхона; ~ رَسْمُ الْـ божхона, пошлина

– جُمْرُكِيَّةٌ *кўп.* جُمْرُكْجِيٌّ божхона ходими

– جُمْرُكِيٌّ божхонага оид; التَّعْرِفَةُ الْـ~ـةُ божхона тарифи (*олинадиган хизмат ҳақи*); الإِجْرَاءَاتُ الْـ~ـةُ божхона расмиятчилиги, божхонада қилинадиган ишлар

I **جَمَزَ** (*и*) جَمْزٌ қадамини тезлатмоқ (*туя ҳақида*)

– جَمْزٌ туянинг юриш усулларидан бири

www.ziyouz.com kutubxonasi

– جَمَّازٌ *ёки* جَمَّازَةٌ шошилинганда миниладиган туя

– جَمَزَى тезов, тезюрар (*туя ёки от ҳақида*); ~ جِمَارٌ тезюрар эшак

– جُمَّيْزٌ *жам.* тутлар оиласига кирувчи мевали дарахт; анжир

– جُمَّيْزَةٌ *кўп.* اتٌ — тутлар оиласига кирувчи дарахт ва унинг меваси; анжир (*дарахти ва меваси*)

جَامُوسٌ *жам.* جَوَامِيسُ буйволлар (*буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвонлар*); (اَلْبَحْرِ) اَلنَّهْرِ ~ бегемот, сув оти; ~ أَبُو (*тўқ сариқ*) қўтон, қарқара

– جَامُوسَةٌ *кўп* اتٌ — буйвол, урғочи буйвол

– جَمَّاسٌ буйвол боқувчи одам, буйволчи

جَمَسْتٌ *мин.* аметист (*сафсар ёки кўкиш сафсар рангли минерал, қимматбаҳо тош*)

I **جَمَشَ** (*у*) جَمْشٌ сочни олиб ташламоқ, тукни йўқотмоқ; сочни қирмоқ; II جَمَّشَ қитиқламоқ, қитиғини келтирмоқ; эркалаб қитиқламоқ; эркаламоқ

– جَمُوشٌ депиляторий (*сочни олиб ташлашда, тукни йўқотишда ишлатиладиган модда*)

– جَمُوشٌ = جَمِيشٌ[1]

– جَمِيشٌ[2] ўсимлик битмайдиган ер

جَمَسْتٌ = جَمَسْتٌ

I **جَمَعَ** (*а*) جَمْعٌ 1) йиғмоқ, тўпламоқ; 2) (*хосилни*) ўрмоқ, термоқ; 3) ўрамоқ, қуршаб олмоқ, бирлаштирмоқ; شَمْلُهُمْ ~ бир жойга йиғмоқ, кимларнидир бирлаштирмоқ; 4) *мат* қўшмоқ; 5) тузмоқ; яратмоқ, ижод этмоқ; اَلْحُرُوفَ ~ *полигр.* (*ҳарфни*) термоқ; 6) (*бирор н га*) қўшилмоқ, бирлашмоқ (إِلَى); 7) солиштирмоқ, таққосламоқ, қиёсламоқ; 8) қўшмоқ, бирлаштирмоқ, (к. *биландир*) таништирмоқ (ب), 9) (*бирор ишни бошқа иш билан*) бирга қўшиб олиб бормоқ (بَيْنَ); (*кимнидир к. биландир*) бирлаштирмоқ (بَيْنَ); 10) *грам.*(*маълум бир вазнда*) кўплик сонни ҳосил қилмоқ (عَلَى). ◊ ~ عُدَّتَهُ кимгадир қарши қуролланмоқ; бирор кимга қарши пичоқ қайрамоқ; II جَمَّعَ 1) кўп миқдорда йиғмоқ; тўпламоқ, жамламоқ; 2) бир жойга йиғмоқ, тўпламоқ; қисмларни йиғиб, тайёр ҳолга келтирмоқ (*мас. бирор жиҳозни*), *монтаж* қилмоқ, йиғмоқ; 3) коллективлаштирмоқ, жамоалаштирмоқ, 4) коллекциялаштирмоқ, коллекция тузмоқ; III جَامَعَ 1) бирлашмоқ; 2) жинсий алоқа қилмоқ; IV أَجْمَعَ ҳал қилмоқ; (н. *биландир*) келишмоқ, (н. *ҳақдадир*) келишиб олмоқ (عَلَى). أَجْمَعُوا عَلَى الْقَوْلِ ҳамма бир овоздан розилигини билдирди, ... أَجْمَعُوا أَمْرَهُمْ عَلَى ҳаммалари бир овоздан қарор қилишдики, ...; V تَجَمَّعَ 1) йиғилмоқ, тўпланмоқ; 2) битта жамоага (гуруҳга) бирлашмоқ; 3) қўшилган бўлмоқ, жамланган бўлмоқ (*сонлар ҳақида*); 4) тўпланган бўлмоқ, бир жойга тўпланмоқ; VIII اجْتَمَعَ 1) йиғилмоқ, йиғилишмоқ, тўпланишмоқ; 2) бирлашмоқ; 3) бирга қўшилмоқ, бирга бўлмоқ; 4) (к. *биландир*) учрашмоқ (ب); X اسْتَجْمَعَ 1) йиғмоқ, термоқ; 2) тайёрланмоқ, ҳозирланмоқ; ~ قِوَاهُ куч-қувватини тўпламоқ, йиғмоқ

– اجْتِمَاعٌ *кўп.* اتٌ 1) мажлис, йиғилиш; йиғин, митинг; ~ اِنْتِخَابِيٌّ сайловолди йиғилиши; ~ جَمَاهِيرِيٌّ митинг; ~ اَلْـ اَلْكَامِلُ пленум; 2) учрашиш; 3) бирлашиш, қўшилиш; ~ شَمْلِ الشَّعْبِ халқнинг бирлашиши; ~ اَلنَّهْرِ дарёларнинг қўшилиши (*бир-бирига қуйилиши*); ~ اَلطُّرُقِ йўлларнинг (*бир-бири*) билан туташиши, чорраҳа; ~ اَلْـ عِلْمُ жамиятшунослик

– اجْتِمَاعِيٌّ 1. ижтимоий, жамиятга оид; اَلْحَالَةُ اَلْـ ـَـةُ ижтимоий вазият; اَلْمُسَاوَاةُ اَلْـ ـَـةُ ижтимоий тенглик; اَلنِّظَامُ اَلْـ ижтимоий тузум; اَلْهَيْئَةُ اَلْـ ـَـةُ кишилик жамияти; وَزِيرُ اَلشُّؤُونِ اَلْـ ـَـةِ жамоат ишлари вазири; 2. жамиятшунослик мутахассиси, жамиятшунос, социолог

– اجْتِمَاعِيَّاتٌ *кўп.* ижтимоий масалалар; ижтимоий ҳаёт воқеалари

– اجْتِمَاعِيَّةٌ жамоатчилик; жамият

– إِجْمَاعٌ бир овоздан қабул қилинган қарор; якдиллик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик; ~ اَلْـ *тар.* диний масалалар бўйича имомлар фикрининг якдиллиги; ~ بِالْـ бир овоздан, якдиллик билан

– إِجْمَاعِيٌّ 1) коллективга оид, биргаликдаги, умумий; اَلسَّلَامَةُ اَلْـ ـَـةُ коллектив (жамоат) хавфсизлиги; 2) якдиллик, бирдамлик билан; مُوَافَقَةٌ ~ـَـةٌ якдиллик билан маъқуллаш

– أَجْمَعُ *мн.* جَمْعَاءُ *кўп.* أَجْمَعُونَ бутун; ~ اَلْعَالَمُ اَلْـ *ёки* اَلْعَالَمُ بِأَجْمَعِهِ бутун олам (дунё); اَلْمَدِينَةُ جَمْعَاءُ бутун шаҳар, ~ بِـ ҳамма биргаликда

– تَجْمِيعٌ (*бирга*) тўпланиш, йиғилиш, бирлашиш, уюшиш; 2) йиғиш; монтаж қилиш (*мас. кинони*)

– تَجْمِيعِيٌّ йиғиш учун белгиланган, йиғиладиган; монтаж қилиш билан боғлиқ бўлган; اَلْأَعْمَالُ اَلْـ ـَـةُ монтаж ишлари

– جَامِعٌ[1] 1) тўпловчи, йиғувчи, тузувчи; 2) тўла, кўп нарсани ўз ичига қамраб олган, сермазмун (*нутқ ҳақида*); 3) бирлаштирувчи, боғловчи; ~ بِـ لَا يَجْمَعُهُمْ أَيُّ уларнинг ...га ҳеч қандай алоқаси йўқ; 4) жомеъ (*масжид ҳақида*); 2. 1) йиғувчи, монтажчи; 2) *шунингдек* ~ اَلْحُرُوفِ ҳарф терувчи; компилятор (*ундан-бундан йиғиб асар ёзувчи*), қурамачи

– جَامِعٌ[2] *кўп.* جَوَامِعُ жомеъ; ~ اَلْـ اَلْأَزْهَرُ *ёки* (*Қоҳирадаги*) Ал-Азҳар жомеъ масжиди; ~ اَلْـ اَلْأُمَوِيُّ (*Дамашқдаги*) Ал-Умавий жомеъ масжиди

– جَامِعَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) умумийлик, бирлик; اَلْمَصْلَحَةُ ~ манфаатлар умумийлиги; 2; мустаҳкам бирлик, жипслашганлик; бутунлик, яхлитлик; 3) алоқа; 4) иттифоқ, бирлашма, лига; ~ اَلْأُمَمِ *тар.* Миллатлар Иттифоқи (*давлатларнинг биринчи ва иккинчи*

www.ziyouz.com kutubxonasi

жаҳон урушлари орасида мавжуд бўлган халқаро иттифоқи); ~ الشُّعُوب البريطانيّة Британия халқлари ҳамдўстлиги; 5) университет; مُدِيرُ الـ~ университет ректори

– جَامِعِيٌّ 1. университетга оид; 2. университет ходими

– جَمَاعٌ 1) бир бўлиш, бирлашиш; ҳаммаси, барчаси, жами; وَ ~ الْقَوْلِ إِنَّ ... қисқа қилиб айтганда, ...; 2) жинсий алоқа қилиш; 3) етарлилик, тўлалик

– جَمَّاعٌ йиғувчи, коллекционер; ~ الْكُتُب китоб йиғувчи; ~ـةٌ كَهْرَبَائِيَّةٌ *эл.* аккумулятор

– جَمَاعَةٌ *кўп.* اتٌ ـ жамоат, бирлашма, корпорация, уюшма; 2) жамият; ~ الْفَرْدُ لِلـ~ وَالـ~ لِلْفَرْدِ бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун; 3) жамоа, гуруҳ; оломон; 4) *ҳарб.* бўлим (*взводнинг бир қисми*), отделение; 5) ёмон ниятли тўда, гала, гуруҳ, нияти бузуқ кишилар; ◊ ~ الرَّجُل а) оила; б) хотин (эрнинг хотини)

– جَمَاعِيٌّ оммавий, коллективга оид, биргаликдаги; تَدَابِيرُ ~ـةٌ биргаликдаги тадбирлар; ~ـةُ الْمَزْرَعَةِ жамоа хўжалиги, ~ قَتْلٌ оммавий қатл этиш, қатли ом

– جَمَاعِيَّةٌ умумийлик, муштараклик; ~ الْقِيَادَةِ биргаликда раҳбарлик қилиш, коллектив раҳбарлик, إِشَاعَةُ الـ~ فِي الزِّرَاعَةِ қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, умумлаштириш

– جَمْعٌ[1] *кўп.* جُمُوعٌ 1) йиғиш, тўплаш, бирлашиш, бирлаштириш; ~ كَلِمَتِهِمْ ёки ~ شَمْلِهِمْ *маж.* мустаҳкам бирлашиш; 2) йиғилиш, тўпланиш; 3) *мат.* қўшиш; 4) мажлис, йиғилиш; 5) оломон, йиғин, тўда, 6) *грам.* кўплик сон; ~ الْكَثْرَةِ (н. *ларнинг*) кўплигини билдириш учун кўплик сон; ~ الْقِلَّةِ (н. *лар*) сонининг озроқлигини билдириш учун кўплик сон; ~ الـ~ кўплик соннинг кўплиги; ◊ ~ الْيَدِ мушт

– جَمْعٌ[2] 1) елканли кеманинг кўндаланг ўрнатилган елкани; 2) Маккаи мукаррамадаги Муздалифа тоғининг иккинчи номи

– جُمْعٌ *кўп.* أَجْمَاعٌ жамлик, биргалик; бутунлик, бир бутунлик; ~ قَرَأَ الْكِتَابَ بِـ~ِهِ у китобнинг ҳаммасини ўқиб чиқди; ◊ ~ الْيَدِ (الْكَفِّ) мушт

– جُمْعَةٌ *кўп.* جُمَعٌ 1) ҳафта; *дин.* пасха арафасидаги ҳафта; 2) *шунингдек:* ~ الـ~ يَوْمُ الـ~ жума (*кун*); ~ الـ~ الْحَزِينَة ёки ~ الـ~ الْعَظِيمَةُ *дин.* пасха арафасидаги жума

– جَمْعِيٌّ жамлайдиган, тўплайдиган, умумлаштирувчи; اسْمٌ ~ الْجِنْسِ الـ~ *грам.* турдош от

– جَمْعِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـ 1) мажлис, йиғилиш; ~ الـ~ التَّشْرِيعِيَّةُ қонун чиқарувчи мажлис; ~ عُمُومِيَّةٌ умумий мажлис; ~ عَامَّةٌ пленум; 2) жамият; ~ الـ~ الْجُغْرَافِيَّةُ география (жуғрофий) жамияти; ~ خَيْرِيَّةٌ хайрия жамияти; 3) Иттифоқ, ассоциация, уюшма; ~ الـ~ الْعُمُومِيَّةُ لِمُنَظَّمَةِ الأُمَمِ الْمُتَّحِدَةِ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси; ~ الأُمَمِ *тар.* Миллатлар иттифоқи (*давлатларнинг биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ўртасида мавжуд бўлган халқаро иттифоқи*); 4) кўп миқдордаги, кўплик

– جَمِيعٌ 1. жами, бутунича, бир бутун; ~ًا ҳаммаси бўлиб, жамулжам, бутунлигича; 2. барча, бутун, ҳамма, бари, жами; ~ النَّاسِ ҳамма одамлар; ~ُهُمْ уларнинг ҳаммаси

– مُجَامَعَةٌ бирлашиш, қўшилиш

– مُجْتَمَعٌ *кўп.* اتٌ ـ 1) мажлис бўладиган жой, учрашув жойи; 2) мажлис, йиғилиш; 3) жамият; коллектив, жамоа; الـ~ الإِنْسَانِيُّ (الْبَشَرِيُّ) кишилик жамияти; الـ~ الاشْتِرَاكِيُّ социалистик жамият; الـ~ الشُّيُوعِيُّ коммунистик жамият; الـ~ اللاَّطَبَقِيُّ синфсиз жамият

– مُجْتَمِعٌ мажлис қатнашчиси

– مَجْمَعٌ *кўп.* مَجَامِعُ 1) мажлис бўладиган жой, 2) мажлис, съезд, йиғин, кенгаш; الـ~ الْعِلْمِيُّ фанлар академияси; ~ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ Араб тили академияси; 3) комплекс (*бир бутунлик ҳосил этган, воқеа-ҳодисалар, ҳаракатлар, белгилар ва б. лар мажмуи*), 4) блок, иттифоқ; ◊ أَخَذَ بِمَجَامِعِ الْقُلُوبِ ўзига тортмоқ, мафтун қилмоқ, маҳлиё қилиб қўймоқ, асир этиб олмоқ, шайдо қилмоқ

– مُجَمَّعٌ *кўп.* اتٌ ـ 1) бирлашма; الـ~ الاسْتِهْلاَكِيُّ матлубот жамияти (бирлашмаси); 2) комбинат (*бир-бирига боғлиқ бир неча корхонани ўз ичига олган йирик бирлашма*); ~ الْحَدِيدِ وَالصُّلْبِ металлургия комбинати

– مُجَمِّعٌ йиғувчи, тўпловчи, жамловчи; ~ الْكَهْرَبَاءِ *эл.* аккумулятор

– مَجْمَعِيٌّ 1. академияга оид, академик; 2. академик; академия ходими

– مَجْمُوعٌ 1. жамланган, йиғилган, тўпланган; ~ًا أَوْ مَفْرُوقًا биргаликда ёки алоҳида-алоҳида; الـ~ـةُ الْحُرُوفُ *полигр.* терилган ҳарфлар; 2. *кўп.* مَجَامِيعُ 1) ҳаммаси, барчаси, жами; умумий сумма, умумий миқдор, жами, ҳаммаси; *мат.* йиғинди, ~ مَصَانِعِ التَّعْدِينِ металлургия комбинати; 2; коллектив, жамоа

– مَجْمُوعَةٌ *кўп.* اتٌ ـ 1) мажмуа, тўплам, комплекс; ~ النِّظَامِ الشَّمْسِيِّ ёки الـ~ الشَّمْسِيَّةُ қуёш системаси (тизими) даги сайёралар; 2) коллекция (*бир турдаги н. ларнинг тизимланган (системалаштирилган) тўплами*); الـ~ الْحَشَرِيَّةُ ҳашоротлар коллекцияси; الـ~ النَّبَاتِيَّةُ гербарий (*қуритилган ўсимликларнинг коллекцияси*); 3) гуруҳ, тўда, группа; серия; ~ الدَّمِ қон группаси

– مَجْمُوعِيٌّ глобал, бутун дунёни қамраб олган, дунёга тарқалган; дунё миқёсидаги; умумий

جَامَكِيَّةٌ *кўп.* = جَوَامِكُ, ـ اتٌ

I (جمل) **جَمُلَ** (ـُ) جَمَالٌ чиройли (гўзал) бўлмоқ; وَيَجْمُلُ بِنَا أَنْ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– هَلْ تُلْقَى نَظْرَةً إِلَى ... ...га эътиборни қаратсак, яхши бўлади; يَجْمُلُ بِنَا ... шу иш бизга ярашадими?; جَمَلَ (*у*) جَمْلٌ жамламоқ; йиғмоқ; бирлаштирмоқ; боғламоқ; қўшмоқ, йиғиндисини чиқармоқ; II جَمَّلَ зеб бермоқ, безатмоқ, ясатмоқ, чиройли қилмоқ, (*овқатни зирвак билан*) чиройли қилмоқ (ب). III جَامَلَ 1) ёқмоқ, кўнглини топмоқ; 2) (*бирор к. билан*) яхши (ёқимли, одобли) муносабатда бўлмоқ; IV أَجْمَلَ 1) боғламоқ, бирлаштирмоқ; тахламоқ, тўпламоқ, жамламоқ; 2) қисқа қилиб тушунтирмоқ; маълумот тайёрламоқ; 3) (*бирор н. ни*) яхши қилмоқ; 4) الْقَوْمُ ~ одамларнинг туяси кўпаймоқ; V تَجَمَّلَ 1) безанмоқ, ясанмоқ; чиройли бўлмоқ, пардоз-андоз қилмоқ; 2) одоб сақламоқ; فِي الْكَلَامِ ~ ёқимли (одоб билан, яхши) гапирмоқ; 3) сабр қилмоқ, бардош (чидам) билан ўтказмоқ; 4) эриган ёғ емоқ; VI تَجَامَلَ бир-бири билан яхши муносабатда бўлмоқ; X اسْتَجْمَلَ чиройли деб билмоқ (топмоқ)

– إِجْمَالٌ 1) бирикиш; қўшилиш, жамланиш; 2) қисқа баён қилиш; қисқача маълумот, маълумот; بِالْـ~ ёки ~ умуман, умуман олганда; хулоса қилиб, лўнда қилиб, қисқача; عَلَى بِوَجْهِ الْـ~ *ёки* بِوَجْهِ الْـ~ умуман, умуман олганда

– إِجْمَالِيٌّ 1) жамланган, якуний; яппи, жами, ҳаммаси, умумий, умумлаштирувчи; биргаликдаги, бирга қилинган; الضَّرَبَاتُ الْـ~ةُ *ҳарб.* бир ерга тўплаб берилган зарбалар; 2) қисқартирилган, лўнда

– تَجَمُّلٌ 1) (*сохта, хўжакўрсинга қилинган*) одоб, боодоблик; 2) чидам, бардош, сабр-тоқат

– تَجْمِيلٌ чиройли қилиш, безаш; зеб бериш, зийнатлаш; جِرَاحَةُ الْـ~ *қар.* جِرَاحَةٌ[2]; مُسْتَحْضَرَاتُ الْـ~ пардоз-андоз ашёлари,косметика буюмлари

– تَجْمِيلِيٌّ безашга оид, эстетик; الْجِرَاحَةُ الْـ~ةُ косметик жарроҳлик

– جَمَالٌ жамол, гўзаллик, ёқимлилик, чиройлилик; صَاحِبَةُ الْـ~ чиройли, ёқимли, гўзал (аёл ҳақида); رَبَّةُ (الْإِلٰهَةُ) الْـ~ гўзаллик илоҳаси, Венера (*қадимги Рим мифларида*); عِلْمُ الْـ~ эстетика (*санъат ва бадиий ижодиётдаги нафосат, табиат ва ҳаётдаги гўзалликлар ҳақидаги фан ва таълимот*)

– جَمَّالٌ *кўп.* جَمَّالَةٌ туя боқувчи, туякаш

– جَمَالُونَ *кўп.* اتٌ ـــ *қар.* جَمَلُونَ

– جَمَالِيٌّ эстетикага оид, эстетик; الْمُتْعَةُ الْـ~ةُ эстетик завқ; الذَّوْقُ الْـ~ эстетик дид; الْقِيَمُ الْـ~ةُ маънавий бойликлар

– جَمَالِيَّةٌ бадиият, гўзаллик, нафосат

– جَمَلٌ *кўп.* جِمَالٌ туя; بِسَنَامَيْنِ ~ бир ўркачли туя; ذُو سَنَامَيْنِ ~ *ёки* بِسَنَامَيْنِ ~ икки ўркачли туя; ◊ الْيَهُودِ ~ *зоол.* хамелеон, буқаламун; الْمَاءِ ~ сақоқуш, бирқозон (*тумшуғи остида мешкоб халтаси бўлган йирик сув қуши*); لَيْسَ لَهُمْ فِي الْأَمْرِ ~ وَلَا نَاقَةٌ уларнинг бу ишга ҳеч қандай алоқаси (дахли) йўқ

– جُمَّلٌ[1] тўхташ жойига кемани боғланадиган йўғон арқон (*қар.* قَلْسٌ)

– جُمَّلٌ[2]: حِسَابُ الْـ~ ҳарфлар ҳисоби (*қар.* أَبْجَدَ)

– جُمْلَةٌ *кўп.* جُمَلٌ 1) жами, ҳаммаси, барчаси; натижа, сумма; маълум миқдор; бир қатор, қатор, бир неча; أَعْطَاهُمْ ~ مِنَ النَّصَائِحِ у уларга бир неча (қатор) маслаҳатлар берди; بِالْـ~ а) бир сўз билан, қисқа қилиб; б) кўтарасига, улгуржи; в) оммавий миқёсда; اعْتِقَالَاتٌ بِالْـ~ одамларни оммавий қамоққа олишлар; وَالْمُفَرَّقِ *ёки* بِالْـ~ وَالْقَطَّاعِيِّ кўтарасига (улгуржисига) ва чаканасига (чаканалаб); تُجَّارُ الْـ~ улгуржи савдогарлар; ~ бутунича; ҳаммаси бўлиб; وَتَفْصِيلِهِ فِي ~ـهِ *ёки* وَتَفْصِيلاً ~ тўла ва батафсил, умуман ва жумлатан; مِنْ ~ـهِمْ улар орасида; وَحَدَّثَنَا عَنْ ... مَا حَدَّثَ أَنْ ~ فِي у гап орасида айтдики, ...; 2) *шунингдек:* ~ خَبَرِيَّةٌ *грам.* жумла; اسْمِيَّةٌ ~ от кесимлиги; فِعْلِيَّةٌ ~ феъл кесимли гап; مُعْتَرِضَةٌ ~ кириш гап

– جَمَلُونٌ *кўп.* اتٌ ـــ иморатнинг гумбаз шаклидаги юқори қисми; икки ёққа нишаб томнинг қирраси; гумбаз, қубба, икки нишабли том; سَطْحُ الْـ~ икки ёққа нишаб томнинг тепа қирраси ва унинг устига жойлаштирилган ёғоч

– جَمَلُونِيٌّ гумбазсимон, қуббасимон

– جَمِيلٌ[1] 1. жамил, чиройли, ёқимли; истараси иссиқ, жозибали; 2. раҳм-шафқат; хайрли иш; илтифот, марҳамат; مَعْرِفَةُ الْـ~ *ёки* عُرْفَانُ الْـ~ миннатдорлик, ташаккур; نُكْرَانُ الْـ~ ношукурлик, нонтепкилик; ~ жуда соз!, жуда яхши!

– جَمِيلٌ[2] эриган ёғ, жир

– مُجَامَلَةٌ жонкуярлик, сермулозаматлик; хушмуомалалик, илтифот, ҳурмат билан муомалада бўлиш, мулойимлик; زِيَارَةُ ~ ҳурмат билдириш мақсадидаги ташриф (визит); عَلَى سَبِيلِ الْـ~ мулозамат юзасидан, لَهُ ~ бирор шахсга хушомад қилиб, унга ёқишни кўзлаб

– مُجْمَلٌ 1. 1) якуний, умумий; 2) қисқа; 2. қисқа баён; очерк (*умумий тарзда ёзилган тасвирий-тавсифий ёки илмий асар*); схема; маълумот; (тарихий) қисқа курс; ◊ ... حَالُهُ أَنْ ~ يَظْهَرُ مِنْ аниқ (очиқ) кўриниб турибдики, ...; وَتَفْصِيلِهِ فِي ~ـهِ (ـــ~ـــ) тўлалигича ва майда тафсилотлари билан

– مُجَمِّلٌ безатувчи

– مُجَمِّلَاتٌ *кўп.*(*кумушдан, қимматбаҳо тошлардан ясалган*) безаклар, зеб-зийнатлар

– جُمَانٌ *жам.* марваридлар, дурлар, инжулар

www.ziyouz.com kutubxonasi

– جُمَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ марварид донаси, дурдона

جَمْهَرَ йиғмоқ, тўпламоқ; تَجَمْهَرَ йиғилишмоқ, тўпланишмоқ

– تَجَمْهُرٌ йиғин, тўда; *халқ.* йиғилиш, тўпланиш

– جَمَاهِيرِيٌّ оммавий

– جَمَاهِيرِيَّةٌ оммавийлик, оммавий ҳол (ҳолат)

– جَمْهَرَةٌ йиғилиш, тўпланиш; омма

– جُمْهُورٌ *кўп* جَمَاهِيرُ тўда, гуруҳ, омма; бир жойга йиғилган кишилар, халқ; الْجَمَاهِيرُ الْعَامِلَةُ ишчилар оммаси; الْجَمَاهِيرُ الْغَفِيرَةُ кўп сонли омма (халқ); кенг халқ оммаси

– جُمْهُورِيٌّ 1. 1) умумий, оммавий; халққа оид; 2) республикага оид; 2. республикачи, республика тарафдори

– جُمْهُورِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ жумҳурият, республика; ~ أُوزْبَكِسْتَانَ Ўзбекистон жумҳурияти (республикаси)

– مُجَمْهَرٌ 1. тўпланган, йиғилган; 2. *кўп.* اتٌ ـَـ тўплам, مُجَمْهَرَاتُ الْعَرَبِ *ёки* الْمُجَمْهَرَاتُ مُعَلَّقَاتٌ (*араб шеъриятида дан сўнг ўз аҳамиятига кўра иккинчи ўринда турадиган*) исломгача бўлган етти қасида тўплами

I **جَنَّ** (*а/у*) جَنٌّ 1) бекитмоқ, яширмоқ; пинҳон тутмоқ; ~ اللَّيْلُ тун чўкди, тун кирди; 2) *мажз.* ақлдан озмоқ, жинни бўлмоқ; II جَنَّنَ 1) ақлдан оздирмоқ, жинни қилмоқ, жинниликкача олиб бормоқ; 2) қаҳр-ғазабини келтирмоқ; IV أَجَنَّ 1) ақлдан оздирмоқ, жинни бўлишгача олиб бормоқ; 2) бекитмоқ, яширмоқ, пинҳон қилмоқ; ~ الْمَرْأَةُ وَلَدَهَا ҳомиладор бўлмоқ; V تَجَنَّنَ ақлдан озмоқ, ақл-ҳушини йўқотмоқ; VI تَجَانَّ *ёки* تَجَانَنَ ўзини жинниликка солмоқ; VIII اجْتَنَّ беркинмоқ, яширинмоқ; X اسْتَجَنَّ 1) (н. *биландир*) ёпинмоқ (ب); 2) яширинмоқ, бекинмоқ; 3) ақлдан озган деб ҳисобламоқ

– جَانٌّ 1) иблислар, шайтонлар; жинлар, девлар (*насронийларда*); 2) оқ илон

– جَنَّانٌ جَنَائِنِيٌّ *кўп.* = جَنَائِنِيَّةٌ

– جَنَانٌ *кўп.* أَجْنَانٌ юрак; жон; ~ ثَابِتُ الْـ мустаҳкам иродали; қўрқмас, довюрак

– جُنَانَةٌ, جُنَانٌ қалқон

– جِنَانٌ жиннилик, ақлдан озиш

– جَنَّانٌ боғбон

– جِنٌّ *шунингдек:* جِنَّةٌ *жам.* жинлар, руҳлар; шайтонлар, иблислар; ~ عَالَمُ الْـ *миф.* руҳлар олами

– جِنِّيٌّ *д.с.* جِنٌّ *дан.* жин, руҳ, иблис, шайтон

– جِنِّيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ (*аёл қиёфасидаги*) жин, соҳира, сеҳрлаб (мафтун қилиб) қўядиган гўзал аёл; пари; ~ الْبَحْرِ сув париси

– جَنَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ, جِنَانٌ 1) боғ; ~ الْـ жаннат; ◊ أَهْلُ الْـ *дин.* аҳли жаннат, тақводорлар; أَسْكَنَهُ اللهُ فَسِيحَ جَنَّاتِهِ Оллоҳ унинг жойини жаннатда қилсин!; سَاكِنُ الْجِنَانِ марҳум; ~ عُصْفُورُ الْـ қалдирғоч; 2) хурмо дарахтлари

– جُنَّةٌ *кўп.* جُنَنٌ 1) (*бирор н. дан ҳимояланиш учун*) тўсиқ, пана; 2) қалқон

– جِنَّةٌ = جَنَّانٌ

– جُنُونٌ 1) жунун, жиннилик, ақлсизлик, ақлдан озганлик; مِنَ ... أَنَّ ~ الْـ агар ...са, ақлсизлик бўлади; جُنَّ ~ ـُـهُ у ақлдан озди; جُنَّ ~ هَذَا الرَّجُلِ бу одам эсини йўқотди (ақлдан озди); ~ الْـ فُنُونٌ *мтл.* ҳар ким ўз ҳолича ақлдан озади, 2) қаҳр, ғазаб; 3) васваса, ~ الْتَّعَاظُمِ улуғлик васвасаси; ~ الْحَرِيقِ пиромания (*ўт қўйишга мойилликдан иборат руҳий касаллик*); ~ السَّرِقَةِ клептомания (*ўғирликка мойилликдан иборат руҳий касаллик*)

– جُنُونِيٌّ жинниликка, ақлсизликка оид; шайтонга, иблисга оид, шайтоний, даҳшатли, қўрқинчли

– جَنِينٌ *кўп.* أَجِنَّةٌ эмбрион, пушт, ҳомила; عِلْمُ الأَجِنَّةِ эмбриология (*биологиянинг эмбрионлар ривожланишини ўрганадиган бўлими*)

– جُنَيْنَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ, جَنَائِنُ боғча, кичкина боғ

– جُنَيْنَتِيٌّ *кўп.* جُنَيْنَتِيَّةٌ боғбон

– جَنِينِيٌّ эмбрионга оид; эмбрион ҳолидаги

– مَجَنٌّ أَرْضٌ ~ـَـةٌ жинлар макон қурган ер

– مِجَنٌّ, مِجَنَّةٌ *кўп.* مَجَانُّ қалқон; ~ الْـ قَلَبَ ظَهْرَ الْمِجَنِّ (*бирор к. га қарши*) қуролни қаратмоқ (тўғриламоқ); ўзгартирмоқ, бурмоқ

– مَجْنُونٌ *кўп.* مَجَانِينُ мажнун, жинни, ақлдан озган; қутурган; ~ السِّبَاقُ الْـ ўта тез чопиш, пойга

I **جَنَبَ** (*у*) جَنْبٌ 1) бир тарафга қўйиб турмоқ; 2; ...дан четда ушлаб турмоқ; четлаштирмоқ, йўқотмоқ; II جَنَّبَ = I; III جَانَبَ هَذَا الرَّأْيُ ёнида бўлмоқ, 2) ўзини четга олмоқ, ўзини олиб қочмоқ; ~ مِنْ قَوَاعِدِ لاَ يُجَانِبُ الصَّوَابَ النَّحْوِ وَالصَّرْفِ грамматика қоидаларига амал (риоя) қилмаслик; V تَجَنَّبَ ўзини олиб қочмоқ, ўзини четга олмоқ, ўзини четга тортмоқ; VI تَجَانَبَ 1) ўзини четга олмоқ (тортмоқ); 2) бир-бирига боғлиқ бўлмоқ; VIII اجْتَنَبَ = V, يُجْتَنَبُ четлаб ўтиш мумкин бўлган нарса

– اجْتِنَابٌ бош тортиш, сақланиш, ўзини тийиш

– أَجْنَبِيٌّ = أَجْنَبُ

– أَجْنَبُ *кўп.* أَجَانِبُ 1. 1) ажнабий, бегона, чет киши; 2) четга оид; اللُّغَاتُ الْـ ـَـةُ чет тиллар; 2. бегона юртлик киши, чет эллик киши

– تَجَنُّبٌ бош тортиш, бўйин товлаш; оғиш, четга чиқиш

– جَانِبٌ *кўп.* جَوَانِبُ 1) ён, ёнбош; биқин; борт, ён девор; фланг, ён томон, қанот; (*шуниндек: дип.*) томон; ~ الْمَرْكَبِ الأَيْسَرِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

кеманинг чап борти; اَلْـــ~ اَلْفَرَنْسِيُّ (*мас. музокараларда*) Франция томони; ... ~ اِتَّفَقَ اَلْـــ~ عَلَى أَنَّ ... ҳар иккала томон келишиб олишдики, ... مُتَعَدِّدُ اَلْجَوَانِبِ а) кўп томонли. кўп қиррали, б) кўп қирралилик; ~ اَلْـــ وَحِيدُ бир ёқлама, ~ تَرْكَهُ четга, четда, бирор нимадан бош тортмоқ; كَانَ بِـــ~ـــهِ бирор ким тарафида бўлмоқ; ~ وَضَعَهُ بِـــ~ـــهِ бирор нарсани ёнга қўйиб турмоқ; у билан ёнма-ён; وَقَفَ بِـــ~ـــهِ бирор ким тарафида турмоқ; ~ إِلَى وَقَفَ إِلَى ~ـــهِ у билан бир қаторда, هَذَا шу билан бирликда, ~ـــهِ бирор ким тарафига ўтмоқ; ... ~ وَمِنْ ... آخَرَ бир томондан ..., бошқа томондан ...; ~ـــهِ مِنْ унинг тарафидан, اَلْتَزَمَ ~ اَلْحِيَادَ бетарафликни сақламоқ. бетараф бўлиб турмоқ; ~ اَلْتَزَمَ اَلصَّمْتَ сукут сақламоқ; ~ـــهُ أَهْمَلَ لَاحَظَ أَنَّ у сездики, уларга эътибор беришмаяпти; ~ـــهُ لَا يُؤْمَنُ у хатардан холи эмас, у омонатдир, у ишончли эмас; ~ـــهُ خَافَ қўрқмоқ, бирор кимдан ҳайиқмоқ, чўчимоқ; ~ فِي أَعْطَى صَوْتَهُ ... учун овоз берди; فَكَانَتِ اَلنَّتِيجَةُ 61 صَوْتًا إِلَى ~ اَلْمَشْرُوعِ لِصَوْتٍ وَاحِدٍ ضِدَّهُ натижада лойиҳа учун 61 овоз тарафдор ва бир овоз қарши бўлди; عَلَيْنَا أَنْ ~ قُوَّاتِ اَلسَّلَامِ وَاَلْحُرِّيَّةِ биз тинчликни мустаҳкамлаш ва озодлик учун курашишимиз керак; 2) бўлак, қисм, миқдор, ~ عَظِيمٌ مِنْ ... (*бирор н. нинг*) катта қисми; ~ كَبِيرٍ عَلَى (عَظِيمٌ) هَذَا اَلْخَبَرُ (اَلْخُطُورَةِ) مِنَ اَلْأَهَمِّيَّةِ бу хабар ўз аҳамиятига кўра жуда муҳим хабар, ◊ ~ـــ مَا ... шу билан биргаликда, айни замонда, ~ سَهْلُ اَلْـــ муомалада ёқимли; ~ لَيِّنُ اَلْـــ гапга кўнадиган, райиш, қобил; ~ مُرْهِفُ اَلْـــ қўрқинч (ҳисси) уйғотувчи

– جَانِبِيٌّ 1) ён томондаги, ёнбошдаги, ~ـــةٌ عَرَبَةٌ коляска, кажава (*мотоциклда*). *фото* ~ـــةٌ صُورَةٌ *ёки* ~ مَنْظَرٌ профил, ён томондан кўриниш; 2) қўшимча, ёрдамчи, иккинчи даражали, ~ نَاتِجٌ қўшимча маҳсулот; 3) *фон.* латерал ундошлар (*тилнинг икки ёнидан чиқадиган ҳаво оқими ёрдамида ҳосил бўлувчи ундошлар*)

– جَانِبِيَّةٌ *фото.* профил, ён томондан кўриниш

– جَنَابٌ 1) тараф, ён; 2) жаноб, жаноблари (*асосан чет эллик расмий кишиларга мурожаат*); ~ فُنْصُلُ إِنْكِلْتِرَا اَلْعَامُّ инглиз бош консули жаноблари; ~ كُمْ жаноб олийлари

– جُنَابٌ плеврит, зотилжам

– جَنَابَةٌ 1) лой; 2) *дин.* ҳаром бўлиш, мурдор бўлиш, булғаниш

– جَنَّابِيَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) темир йўл ёқасидаги ариқ, зовур; 2) тупроқ, шағал *ва б.* тўкиб ясалган баландлик, тепалик, дўнглик

– جَنْبٌ *кўп.* أَجْنَابٌ, جُنُوبٌ ён; ёнбош; борт, ён девор; тараф; *ҳарб.* қанот; ~ (لِـــ) إِلَى ~ـــهِ ёнма-ён, ~ـــهِ унинг ёнида, ~ عَلَى тарафга; ~ـــهُ бирор нарсанинг ёнида; бирор нарсада, ~ قَعَدَ اَلتِّلِيفُونُ телефон ёнида ўтирмоқ; ~ اَلْـــ ذَاتُ плеврит, зотилжам; ~ـــهِ بَيْنَ а) ичида; б) бирор нарсанинг ичида; ~ اَلْـــ اَلصَّاحِبُ بِ ҳамроҳ, йўлдош, сафардаги шерик

– جُنْبٌ 1) *дин* ҳаром қилинган, мурдор қилинган, булғанган, 2) бегона, ёт; ~ قَرِيبٌ узоқ қариндош; ~ اَلْـــ اَلْجَارُ ўзга юртлик, ўзга юртдан келиб қолган қўшни

– جَنْبَةٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) хуржун; 2) ён, ёнбош, тараф; بِجَنْبَاتِهِ *ёки* فِي جَنَبَاتِهِ бирор нарсанинг ичида; بِجَنَبَاتِ اَلْحُجْرَةِ ҳужралар ичида; بَيْنَ جَنَبَاتِ فِي جَنَبَاتِ اَلْمَسْجِدِ масжид деворлари орасида (ичида). هَذِهِ اَلْمَصَانِعِ يَعْمَلُ عَشَرَةُ آلَافِ عَامِلٍ бу заводда ўн минг ишчи ишлайди; 3) тармоқ, бирлашма

– جَنْبِيٌّ ён томондаги, ёнбошдаги

– جَنُوبٌ 1) жануб, ~ جَنُوبًا жанубга, жанубда, 2) жанубий шамол; ~ غَرْبِيٌّ жанубий-ғарбий, ~ شَرْقِيٌّ жанубий-шарқий

– جَنُوبِيٌّ жанубий, ~ اَلْـــ قُطْبُ Жанубий қутб

– جَنِيبٌ 1. (*енбошда*) етаклаб кетилаётган. 2. 1) кўнгилчан, итоаткор; 2) бегона, ёт

– مُتَجَانِبٌ чегарадош, қўшни, ёнма-ён, ~ـــةٌ زَاوِيَةٌ *мат.* қўшни бурчак

– مُجَانِبٌ ёнда борувчи

– مُجَانَبَةٌ ўзини олиб қочиш, қочиш; ~ لِلصَّوَابِ ҳақиқатдан четга чиқиш (қочиш)

– مُجَنَّبَةٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) флигель (*асосий уй ёнига қурилган бино*), қанот, томон (*бинода*). 2) *ҳарб.* фланг, ён томон, қанот

– جَنَابَاذِيَّةٌ *кўп* гимнастикачилар, акробатлар (*мураккаб машқларни бажарувчи гимнастикачилар ёки цирк артистлари*)

– جَنَابَازٌ *кўп.* جَنَابِزَةٌ гимнастикачи, акробат

– جَنْبَازٌ гимнастика (*сол.* جِمْبَازٌ)

– جَنْبَازِيٌّ гимнастикага оид

– جُنْبَازِيَّةٌ = جَنْبَازٌ

جَنْتِلْمَنٌ жентльмен (*Англияда: аристократик табақаларга хос назокатли одам*); ~ اَلْـــ اِتِّفَاقُ ўзаро жентльменларча келишув; тантилик билан тузилган ўзаро оғзаки битим

جُلْجُلٌ = جُنْجُلٌ

I جَنَحَ (*а*) جُنُوحٌ ,جَنْحٌ 1) қанотни, қўлни жароҳатламоқ; 2) бошланмоқ (*тун, қоронғулик ҳақида*); 3) саёз жойга ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*); 4) (н. *гадир*) интилмоқ (إِلَى); (н. *нингдир*) тарафига оғмоқ (إِلَى); (н. *гадир*) майл, ҳавас, қизиқиш кўрсатмоқ (إِلَى); (н. *гадир*) кўнмоқ, унамоқ, юрмоқ; рози бўлмоқ; қабул этмоқ (إِلَى); II جَنَّحَ 1) қанот билан таъминламоқ; ~ يَدَيْهِ қўлларни силкита бошламоқ; 2) *кўч.м.* руҳлантирмоқ, руҳини кўтармоқ; 3) бирор

www.ziyouz.com kutubxonasi

кимсани қонунбузарликда айбламоқ; IV أَجْنَحَ 1) (н. *гадир*) унатмоқ, кўндирмоқ, рози қилмоқ; 2) саёз жойга ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*)

– جَانِحٌ 1. 1) (н. *гадир*) уновчи, рози бўлувчи (إِلَى); мойил, тарафдор; 2) ақлдан озган, тўғри йўлдан адашган; 2. 1) ён, ёнбош, ён, тараф; қирра; 2) қонунбузар

– جَانِحَةٌ *кўп. анат.* جَوَانِحُ қовурға; بَيْنَ جَوَانِحِهِ унинг кўнглида, унинг юрагида (қалбида)

– جَنَاحٌ *кўп.* أَجْنِحَةٌ, جَنَاحَاتٌ 1) қанот; 2) сузгич (*сув ҳайвонларининг сузиш аъзоси*); 3) қанот, томон; флигель; корпус; (*кўргазма залидаги*) бўлим, павильон; 4) ён, ёнбош, тараф; *ҳарб.* фланг, қанот; 5) паррак (*мас. вентилятордаги*); 6) ҳимоя, ҳомийлик; هِيَ تَحْتَ ~ـــهِ у унинг ҳимоясида; 7) этак, бар; مُنْخَفِضُ ~ الْـــ камтар, ҳоксор; مَقْصُوصُ الْـــ заиф, кучсиз; عَلَى ~ الطَّائِرِ *ёки* عَلَى ~ السُّرْعَةِ худди қаноти бордай (қанот чиқаргандай) тез, шошилинч; عَلَى ~ السُّرْعَةِ الْحَرْبُ яшин тезлигидаги уруш

– جُنَاحٌ гуноҳ; айб, ножўя қилинган иш; жиноят; لاَ ~ عَلَيْهِ إِنْ... агар у ...са, ҳеч бало бўлмайди

– جُنْحٌ бир бўлак, бир қисм (*тун ҳақида*); ◊ تَحْتَ ~ الظَّلاَمِ тун пардаси остида, тун қоронғилигида

– جِنْحٌ тараф, қирғоқ, чет; ёқа, қирра, чет, чекка, лаб; ~ مِنَ اللَّيْلِ туннинг бир қисми

– جُنْحَةٌ *кўп.* جُنَحٌ айб, ноўрин иш; қонунбузарлик

– جَنُوحٌ (н. *гадир*) мойил, тарафдор (إِلَى)

– جُنُوحٌ 1) мойиллик; 2) саёз жойга ўтқизиб қўйиш (*кема ҳақида*)

– جُنَيْحٌ, جُنَيْحَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кичкина қанот, қанотча; *ав* элерон (*самолёт қанотларидаги бошқариш учун хизмат қиладиган қисмлар*)

– جُنَيِّحٌ = جُنَيْحٌ

– مُجَنَّحٌ 1) қанотли, қаноти бор; 2) руҳланган

(جند) II جَنَّدَ қўшинга, армияга одам олмоқ; ҳарбий хизматга чақирмоқ; сафарбар қилмоқ; نَفْسَهُ ~ (н. *гадир*) ўзини сафарбар қилмоқ (لـــ); (н. *нидир*) қилишга, бажаришга чоғланмоқ (لـــ); تَجَنَّدَ 1) ҳарбий хизматга кирмоқ; 2) жалб қилинган бўлмоқ, сафарбар қилинган бўлмоқ

– تَجَنُّدٌ ҳарбий хизматни ўташ

– تَجْنِيدٌ жалб қилиш, олиш; ҳарбий хизматга чақириш; сафарбар қилиш; الإِجْبَارِيُّ الـــ мажбурий ҳарбий хизмат

– جُنْدٌ *кўп.* أَجْنَادٌ, جُنُودٌ 1) аскар, лашкар, қўшин; ҳарбий қисм; جُنُودُ الْمظَلاَّتِ мунтазам армия қўшинлари; جُنُودُ نِظَامِيُّونَ парашютчилар; الْجُنُودُ الْمُجَنَّدَةُ битмас-туганмас қўшин, сон-саноқсиз қўшин (аскар); 2) ёрдамчи, ёрдам берувчи

– جُنْدِيٌّ *кўп.* جُنُودٌ 1) жангчи, оддий аскар, солдат; ҳарбий хизматчи; مُسْتَجِدٌّ ~ хизматга янги келган аскар, قَبْرُ الْـــ الْمَجْهُولِ номаълум жангчи қабри; 2) *шахм.* пиёда; الْمَقْتَأَةُ ~ полизга қўрқитиш учун қўйилган «қўриқчи"

– جُنْدِيَّةٌ 1) ҳарбий хизмат, аскарликдаги хизмат; 2) агрессив ҳарбийлар, тажовузкор ҳарбий доиралар; 3) милитаризм (*қуролланиш ва янги уруш оловини ёқишга қаратилган реакцион агрессив сиёсат*)

– مُجَنَّدٌ ҳарбий хизматга янги келган аскар

جَنْدَارْمَةٌ жандармерия (*чет давлатларда: сиёсий полиция*)

جُنْدُبٌ *кўп.* جَنَادِبُ чигиртка

جَنْدَرَ 1) (*ювилган кирни*) ўқловлаб текисламоқ, силлиқламоқ. ғижимини ёзмоқ; 2) الْكِتَابَ ~ китобнинг ўқилган қисмига қалам юргизмоқ, الثَّوْبَ ~ ранги ўчган кийимни қайтадан бўямоқ

– جَنْدَرَةٌ ўқлов (*ювилган кирни текислаш учун*)

– جَنْدَرَةٌ 1) (*ювилган кирни*) ўқловлаб текислаш, ғижимини ёзиш; 2) ўқлов

جَنْدَرْمَةٌ = جَنْدَارْمَةٌ

– جَنْدَرْمِيٌّ 1. жандармерияга ва жандармга оид; 2. жандарм (*жандармерияда хизмат қилувчи полициячи*)

جَنْدُفْلِيٌّ *жам.* устрицалар (*еса бўладиган денгиз моллюскалари*)

جَنْدَلَ йиқитмоқ, қулатмоқ; ағдариб ташламоқ, юқоридан ташламоқ

– جَنْدَلٌ *кўп.* جَنَادِلُ тош; қоя; (*дарёдаги*) остонатош (*дарё тагидан кўтарилиб турган тош дўнглик*)

– جَنْدَلَةٌ юқоридан қулаш

I (حدو) **حَدَا** (*y*) حُدَاءٌ, حِدَاءٌ, حَدْوٌ 1) (*туяни*) хиргойи қилиб ҳайдаб бормоқ; 2) (*бирор к. ни*) ундамоқ, мажбур қилмоқ, рағбатлантирмоқ (ب) (*бирор н. га*) ундамоқ, мажбур этмоқ, рағбатлантирмоқ (إِلَى); ... فِي رَغْبَةٌ ~ да (*бирор*) мақсадни кўзламоқ, ...га интилмоқ

– أُحْدِيَّةٌ, أُحْدُوَّةٌ туякашларнинг хиргойиси

– حَادٍ *кўп.* حُدَاةٌ туякаш

– حُدَاءٌ, حِدَاءٌ 1) туяларни тетиклантирувчи хиргойи; 2. *маж.* ундайдиган сабаб, бирор ишни кўнгилга солган нарса, истак, ният

– حَدَّاءٌ туякаш

– حُدْوَةٌ *кўп.* حُدًى, حُدَوَاتٌ 1) тақа; 2) нағал

I **حَدِيَ** (*a*) حَدًى (*бирор жойда*) қолмоқ (ب), V تَحَدَّى 1) чақирмоқ, чақириб келтирмоқ; 2) уятсизлик қилмоқ, беадаблик қилмоқ; 3) (*бирор н. га*) даъвогар бўлмоқ, илинжи бор бўлмоқ (ب), (*бирор н. ни*) тортишмоқ, олишмоқ (ب); рақобат қилмоқ, кимўзди ўйнамоқ; 4) ушламоқ, тутмоқ, ушлаб бормоқ

– تَحَدٍّ *кўп.* تَحَدِّيَاتٌ уятсизлик, беадаблик; чақириш; ~ فِي уятсизларча, беадаблик билан

– حِدَأَةٌ = حِدَايَةٌ

I **حَذِرَ** (*a*) حَذَرٌ (*бирор н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ (مِنْ); II حَذَّرَ огоҳлантирмоқ; حَذِّرْ النَّظَرَ إِلَى الْبَابِ ~ эшикка қарамагин деб сени огоҳлантирган эдим; III حَاذَرَ (*бирор н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ, хавфсирамоқ, хавотирланмоқ, ҳадиксирамоқ; V تَحَذَّرَ = I, VIII اِحْتَذَرَ эҳтиёт чораларини кўрмоқ; ўзини эҳтиёт қилмоқ

– تَحْذِيرٌ огоҳлантириш

– حَاذِرٌ эҳтиётқор, эҳтиётли

– مِنْ هَذَا حَذَارِ ~ бундан эҳтиёт бўлинг. !~ эҳтиёт бўлинг!, ~ أَنْ تَفْعَلَ هَذَا! эҳтиёт бўлинг, бу ишни қила кўрманг!

– حَذَارٌ эҳтиётлик, эҳтиётқорлик, хавотирланиш, хавфсираш

– حَذِرٌ, حَذُرٌ эҳтиётқор, эҳтиётли, ўйлаб иш қиладиган

– حَذَرٌ, حِذْرٌ эҳтиётлик, эҳтиётқорлик, ҳушёрлик; хавфсираш; ~ عَلَى ҳушёр бўлмоқ, ҳушёр бўлиб турмоқ; ~ أَخَذَ эҳтиёт чораларини кўрмоқ, эҳтиёт бўлмоқ

– مَحْذُورٌ *кўп.* مَحَاذِيرُ, مَحْذُورَاتٌ 1) қўрқиладиган нарса, хавф, хатар; 2) кўнгилсиз воқеа; фалокат, бало, офат; 3) бахтсиз ҳодиса

I **حَذَفَ** (*u*) حَذْفٌ 1) тушириб қолдирмоқ, чиқариб ташламоқ, ўчирмоқ; 2) (*бирор н. ни*) ирғитмоқ, улоқтирмоқ, ташламоқ, отмоқ (ب), 3) *мат.* айирмоқ; II حَذَّفَ тартибга солмоқ (келтирмоқ); чиройли шакл (кўриниш) бермоқ; VII اِنْحَذَفَ тушиб қолмоқ, чиқариб ташланмоқ, ўчирилмоқ

– حَذْفٌ 1) тушириб қолдириш, чиқариб ташлаш, узоқлаштириш, ўчириш; 2) ирғитиш, отиш

– حَذَفٌ 1 *жам.* Ҳижозда яшайдиган қора рангли кичкина қўй

– حَذَفٌ 2 *жам.* ёввойи ўрдаклар

– حَذَفَةٌ *кўп.* اتٌ — ёввойи ўрдак

حَذَافِيرُ *кўп.* حَذَافِيرٌ томон, тараф, ён; ◊ أَخَذَهُ بِحَذَافِيرِهِ ҳаммасини тўлалигича (ҳеч нарса қолдирмай)олмоқ

I (حذق) **حَذَقَ** (*a*) حَذْقٌ, حَذَاقَةٌ (*бирор н. га*) уста бўлмоқ, моҳир бўлмоқ; حَذَقَ (*u*) حُذُوقٌ нордон (шўр, аччиқ) бўлмоқ

– حَاذِقٌ *кўп.* حُذَّاقٌ 1) моҳир, эпчил; билимдон, юқори малакали; ~ عَامِلٌ юқори малакали ишчи; 2) нордон, шўр, аччиқ

– حَذَاقَةٌ маҳорат, эпчиллик, қобилият, иқтидор; юқори малака

– حِذْقٌ = حَذَاقَةٌ

حُذْلُمٌ ички кийимнинг резинка, ип ўтказадиган қисми, липа

I **حَذْلَقَ** 1) ўзини билимдон қилиб кўрсатмоқ; 2) синчков бўлмоқ, майдакаш бўлмоқ; икир-чикир расмий талабларни бажаришга зўр бермоқ; II تَحَذْلَقَ = حَذْلَقَ

– تَحَذْلُقٌ синчковлик, майдакашлик; икир-чикир расмий талабларни бажаришга зўр беришлик

– حِذْلَاقٌ 1. ўзини билимдон қилиб кўрсатувчи; 2. синчков, майдакаш одам; икир-чикир расмий талабларни бажаришга зўр берувчи одам

– حَذْلَقَةٌ синчковлик, майдакашлик; икир-чикир расмий талабларни бажаришга зўр беришлик; ўта аниқлик, пухталик

– حِذْلَاقٌ = مُتَحَذْلِقٌ

I **حَذَمَ** (*u*) шошилмоқ, тез бажармоқ

حَذَامِ Ҳазоми (*ғайритабиий ўткир кўз соҳибаси бўлган араб аёлининг исми*)

I (حدو) **حَذَا** 1 (*y*) حَذْوٌ, حِذَاءٌ тақлид қилмоқ, бировдан ўрнак олиб, унга эргашмоқ; حَذْوَةٌ ~ бирор кишининг изидан бормоқ. حَذَا 2 (*y*) рўпарада ўлтирмоқ; III حَاذَى 1) (*бирор н. нинг*) рўпарасида (қаршисида) бўлмоқ, ётмоқ; 2) параллел (ёнма-ён) юрмоқ; IV أَحْذَى бермоқ, ҳадя этмоқ, совға қилмоқ; VI تَحَاذَى 1) параллел бўлмоқ; 2) бир-бирининг рўпарасида (қаршисида) турмоқ, ётмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

VIII احْتَذَى 1) оёқ кийими киймоқ; 2) тақлид қилмоқ; مِثَالَهُ ~ бирор кишига, тақлид қилмоқ, бировдан ўрнак олиб, унга эргашмоқ

– اِحْتِذَاءٌ тақлид қилиш, ўхшатиш

– تَحَاذٍ параллеллик, *ҳарб.* сафни тўғрилаш, сафнинг тўғрилиги; مِنَ الْيَمِينِ ~! "ўнг томонга қараб саф тўғрилансин" маъносидаги амр (команда)

– حِذَاءٌ[1] *кўп.* أَحْذِيَةٌ этик; шиппак; оёқ кийими; أَحْذِيَةٌ بِسَاقٍ طَوِيلٍ *ёки* طَوِيلَةٌ أَحْذِيَةٌ этик; قَصِيرٌ ~ қўнжсиз ботинка; اللُّبَّادِ ~ пийма, киғиз этик

– حِذَاءٌ[2]: بِحِذَائِهِ *ёки* حِذَاءَهُ унинг рўпарасида, қаршисида

– حَذَّاءٌ этикдўз

– حَذْوٌ тақлид қилиш, ўхшатиш; ◊ حَذْوَ бирор нарсанинг рўпарасида, қаршисида

– حَذِيَّةٌ совға, ҳадя

– مُحَاذٍ *мн.* مُحَاذِيَةٌ рўпарада, қаршида турган; (*бирор н.* га) параллел (ـلـ); (*бирор н.* га) қарама-қарши

– مُحَاذَاةٌ рўпара, қарши томон, тараф; параллеллик; بِـ~ـهِ *ёки* فِي ~ـهِ *ёки* عَلَى ~ـهِ унинг рўпарасида, қаршисида; унга параллел ҳолда

I حَرَّ[1] (*u/a, y*) حَرَارَةٌ иссиқ бўлмоқ, қайноқ бўлмоқ; حَرَّ[2] (*a*) حَرَارٌ озод бўлмоқ, эркин бўлмоқ, эркинликка чиқмоқ; حَرَّ[3] (*a*) حَرَّةٌ чанқамоқ, ташна бўлмоқ; II حَرَّرَ 1) озод қилмоқ, озодлик бермоқ, ҳурриятга эриштирмоқ; эркинликка чиқармоқ, қутқармоқ (مِنْ); 2; таҳрир қилмоқ; текширмоқ, текшириб кўрмоқ; 3) ёзмоқ, тузмоқ, ташкил этмоқ, 4) йўлламоқ, тўғриламоқ, зарур томонга йўналтирмоқ, қаратмоқ, (*тўпни*) мўлжалга тўғриламоқ, 5) бағишламоқ; V تَحَرَّرَ озод бўлмоқ, ҳурриятга эришмоқ, эркинликка чиқмоқ, қутулмоқ; 2) ёзиб чиқилмоқ, тизилмоқ, ташкил этилмоқ; VIII اِحْتَرَّ исимоқ, қизимоқ, қайноқ бўлмоқ; X اِسْتَحَرَّ қизимоқ, қизиб кетмоқ (*мас., баҳс, тортишув*)

– أَحَرُّ энг иссиқ, энг қайноқ; ◊ مِنَ الْحَمْرِ عَلَى ~ типирчилаб, бетоқат бўлиб, сабрсизлик билан (*сўзма-сўз:* чўғдан ҳам иссиқ нарсанинг устида)

– أَحْرَارِيٌّ либерал, келишувчан, муросасоз, йўл қўювчи, эрк берувчи

– تَحَرُّرٌ озод бўлиш, эркинликка чиқиш, озодлик, эркинлик; حَرَكَةُ الـ~ الْوَطَنِيِّ миллий озодлик ҳаракати

– تَحَرُّرِيٌّ озодликка оид; حَرَكَةٌ ~ـةٌ озодлик ҳаракати

– تَحْرِيرٌ *кўп.* ـَاتٌ, ـُـ 1) озод қилиш, эркинликка чиқариш; 2) таҳрир қилиш; 3) таҳририят; إِدَارَةُ الـ~ (*газета ёки журнал*) таҳририяти; صَاحِبُ الـ~ муҳаррир; رَئِيسُ الـ~ бош муҳаррир; 4) ёзиш, тузиш, ташкил этиш; 5) хат; расмий ҳужжат; وَقَدْ يُعْرَفُ الـ~ مِنْ عُنْوَانِهِ *мкл.* сарлавҳага қараб мазмунга баҳо берилади

– تَحْرِيرِيٌّ 1) таҳририятга оид; 2) ёзма, ёзма шаклдаги; ~ًا ёзма равишда; 3) озод қиладиган, озодлик келтирадиган; حَرَكَةٌ ~ـةٌ озодлик ҳаракати

– حَارٌّ 1) қайноқ, иссиқ, қизғин, оташин, жўшқин; 2) жонкуяр, ғайратли, тиришқоқ; 3) ўткир таъмли (*овқат*)

– حَرٌّ *кўп.* حُرُورٌ иссиқ, ҳарорат; илиқлик; ~ الدُّنْيَا ҳаво иссиқ; مِنْطَقَةٌ ~ـةٌ иссиқ (тропик) минтақа

– حُرٌّ *кўп.* أَحْرَارٌ 1. 1) озод, ҳур, эркин; мустақил; مَدِينَةٌ ~ـةٌ эркин шаҳар; مَدْرَسَةٌ ~ـةٌ хусусий мактаб; 2) нақд, бор, мавжуд; الْمَالُ الـ~ нақд пул; 3) эрксевар, ҳурриятпарвар; 4) олижаноб, яхши фазилатли; 5) соф, тоза, аралашмасиз (*мас., металл*); ذَهَبٌ ~ соф олтин; 2. 1)эркин одам; 2) олижаноб киши; 3) либерал, келишувчан, муросасоз; ◊ الْوَجْهِ ~ лунж, бет, яноқ

– حَرَّارٌ = حَرَائِرِيٌّ

– حَرَّارٌ шойи тўқувчи, ҳарир тўқувчи

– حَرَارَةٌ 1)ҳарорат, иссиқ; 2; температура; مُسَجِّلُ الـ~ термограф; مِيزَانُ الـ~ термометр; دَرَجَةً 43 فِي الظِّلِّ كَانَتِ الـ~ ҳарорат соядa 43 даража эди; 3) қизғинлик, жўшқинлик, ҳовур, тиришиш; بِـ~ـهِ أَيَّدَهُ бирор кишини қизғин табрикламоқ; ~ بِـ~ـهِ бирор кишини қизғин қўллаб-қувватламоқ; 4) иссиқлик, тошма, майда ҳуснбузар; 5) (*терининг*)ловуллаши, ачишиши; (*овқатнинг*) ўткир таъмлиги

– حَرَارِيٌّ иссиқликка оид; مَحَطَّةُ الْكَهْرَبَاءِ الـ~ـةُ иссиқлик электростанцияси; نَوَوِيٌّ ~ термоядровий; وَحْدَةٌ ~ـةٌ калория

– حَرَّانُ *мн.* حَرَّى *кўп.* حَرَارَى 1) қизишиб кетган; бадани қизиб кетган; 2) қайноқ; 3) чанқоқ, сувсаган, чўллаган, ташна

– حَرَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ, حِرَارٌ вулқон ўчгандан кейин ҳосил бўлган тошлоқ жой

– حُرَّةٌ *кўп.* حَرَائِرُ *тар.* озод (чўри эмас) аёл

– حَرُورٌ гармсел

– حَرِيرٌ *кўп.* حَرَائِرُ 1) ипак; مُشَاقَةٌ ~ ипак (*хомашё*); 2) ипак газлама, ҳарир; (صِنَاعِيٌّ) اصْطِنَاعِيٌّ ~ сунъий ипак; طَبِيعِيٌّ ~ табиий ипак; 3) ипакдан ишланган маҳсулот; 4) сут қўшиб пиширилади ун овқат; ◊ صَخْرِيٌّ ~ асбест

– حُرَيْرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *физ.* калория

– حَرِيرِيٌّ 1. ипакли, ипакка оид, ипакдан ясалган; 2) ипакфуруш, ипак билан савдо қилувчи

– حُرِّيَّةٌ ҳуррият, эрк, озодлик, эркинлик; الاجْتِمَاعِ ~ йиғин ўтказиш эркинлиги; الاخْتِيَارِ ~ танлаш эркинлиги; الأَدْيَانِ ~ *ёки* ~ الْعِبَادَةِ эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги; التِّجَارَةِ ~ савдо эркинлиги; التَّعْلِيمِ ~ ўқитиш (таълим) эркинлиги; تَنْظِيمِ الإِضْرَابِ ~ иш ташлашни ташкил этиш эркинлиги; الشَّخْصِيَّةِ ~ шахс эркинлиги; الْكِتَابَةِ ~ *ёки* النَّشْرِ ~ *ёки* الصَّحَافَةِ ~ матбуот

www.ziyouz.com kutubxonasi

эркинлиги; حُرِّيَّةُ الْعَمَلِ ~ ҳаракат эркинлиги; حُرِّيَّةُ الْفِكْرِ ~ фикр (тафаккур) эркинлиги; حُرِّيَّةُ الْكَلَامِ ~ *ёки* حُرِّيَّةُ الْقَوْلِ ~ *ёки* حُرِّيَّةُ الرَّأْيِ ~ сўз эркинлиги; حُرِّيَّةُ النَّقْدِ ~ танқид қилиш эркинлиги

– مِحْرَارٌ термометр, ҳарорат ўлчайдиган асбоб

– مُحَرِّرٌ 1. озод қилувчи; 2. 1) халоскор; 2) ёзувчи; журналист; мухбир; سِيَاسِيٌّ ~ сиёсий шарҳловчи; 3) муҳаррир, редактор

– مُحَرَّرَاتٌ *кўп.* расмий ёзишмалар, алоқа қоғозлари; ёзма ҳужжатлар, хабарлар, маълумотлар

– مَحْرُورٌ 1) қизишиб кетган; бадани қизиб кетган, 2) юқори ҳароратли, 3) аччиқланган, жаҳли чиққан, ғазабланган, тутоққан

I (حرب) **حَرَبَ** (*а*) حَرَبٌ ғазабга тўлмоқ, жаҳли чиқмоқ; حَرَبَ (*у*) حَرْبٌ, حَرْبٌ талон-торож қилмоқ, тортиб олмоқ; III حَارَبَ урушмоқ, уруш қилмоқ, урушга қатнашмоқ, олишмоқ; жанг қилмоқ, курашмоқ; VI تَحَارَبَ 1)ўзаро (бир-бири билан) урушишмоқ; 2) биргаликда уруш қилмоқ, биргалашиб курашмоқ; VIII = VI

– حَرْبٌ *мн кўп* حُرُوبٌ уруш; ҳарбий юриш, кампания; кураш, жанг; الْـ~ الْأَهْلِيَّةُ биринчи жаҳон уруши, الْـ~ الْكُبْرَى الْأُولَى граждандар (фуқаролар) уруши; الْـ~ الْعَالَمِيَّةُ الثَّانِيَةُ иккинчи жаҳон уруши; الْـ~ الْوَطَنِيَّةُ الْكُبْرَى Улуғ Ватан уруши; عَادِلَةٌ ~ адолатли уруш, جَائِرَةٌ ~ адолатсиз уруш, فَاسِدَةٌ ~ ифлос уруш, بَارِدَةٌ ~ совуқ уруш, حَامِيَةٌ ~ уруш; عُدْوَانِيَّةٌ ~ агрессив уруш, نَوَوِيَّةٌ ~ термоядро уруши; كُلِّيَّةٌ ~ ялпи уруш; إِبَادَةٌ ~ қирғин уруш; حُرُوبُ الاغْتِصَابِ босқинчилик урушлари, жанглари; غَيْرُ مُعْلَنَةٍ ~ эълон қилинмаган уруш; مُشْعِلُو نِيرَانِ الْـ~ уруш оловини ёқувчилар; مَا بَعْدَ الْـ~ урушдан кейинги; أَرْكَانُ الْـ~ бош штаб (*мамлакат қуролли кучларининг марказий штаби*); فِي حَالَةِ الْـ~ уруш ҳолатида; أَعْلَنَ الْـ~ *ёки* أَشْهَرَ الْـ~ уруш эълон қилмоқ, уруш очмоқ, ◊ دَارُ الْـ~ *қар* دَارٌ

– حَرَبٌ қайғу, ҳасрат, ғам, доғ, фалокат; آهٍ وا~ оҳ-воҳ, вовайло, воҳасрато

– حِرْبَاءُ *кўп* حَرَابِيُّ, حِرْبَاوَاتٌ *зоол* буқаламун, хамелеон

– حَرْبَجِيٌّ *кўп* حَرْبَجِيَّةٌ милитарист, урушқоқ, уруш тарафдори

– حَرْبَةٌ *кўп* حِرَابٌ найза учи ўткирланган темирдан ясалган уруш қуроли; похол, пичан тушириш учун ишлатиладиган паншаҳага ўхшаш асбоб

– حَرْبِيٌّ 1) ҳарбий; مَجْلِسٌ ~ ҳарбий кенгаш, مَدْرَسَةٌ ~ ҳарбий мактаб; وِزَارَةُ الْـ~ ҳарбий вазирлик; 2) жанговар, урушқоқ; 3) *шар.* мусулмон бўлмаган мамлакатнинг фуқароси *ёки* ўша мамлакатда яшовчи

– حَرِيبٌ таланган, талон-торож қилинган, талаб кетилган

– مُتَحَارِبٌ бошқалар билан бирга урушувчи, урушда иштирок этувчи

– مُحَارِبٌ жанг қилувчи, урушувчи; 2. 1, урушувчи томон; حُقُوقُ الْـ~ урушувчи томоннинг ҳақ-ҳуқуқлари; 2) жангчи; قَدِيمٌ ~ уруш ветерани (фахрийси)

– مُحَارَبَةٌ уруш; жанг, кураш

– مِحْرَابٌ *кўп.* مَحَارِيبُ ибодатхона; الْمَسْجِدِ ~ масжид меҳроби, масжиднинг қибла томонида имом учун ажратилган қисм; йиғиннинг олдинги қатори; الْكَنِيسَةِ ~ бутхонанинг асосий қисми, саждагоҳи

حَرْتَقَ жаранглamoқ, жаранглатмоқ, шалдиратмоқ

– حَرْتَقَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) жаранг-журунг, шарақ-шуруқ, жаранглаш; الْقُيُودِ ~ кишанларнинг шарақ-шуруғи; 2) *маж.* маҳмадоналик, сергаплик, эзмалик

I **حَرَثَ** (*у*) حَرْثٌ 1) чопмоқ, ҳайдамоқ (*ер*); чопиқ қилмоқ; 2) касб-кор қилмоқ, касб-кор билан тирикчилик қилмоқ; 3) ўрганмоқ, ўрганиб чиқмоқ; أَحْرُثُ الْقُرْآنَ Қуръонни ўрган; VII انْحَرَثَ чопиқ бўлмоқ, ҳайдалмоқ, шудгор қилинмоқ; VIII احْتَرَثَ ер ҳайдамоқ, шудгор қилмоқ

– حَارِثٌ *кўп.* حُرَّاثٌ қўшчи, ер ҳайдовчи, қўш ҳайдовчи, деҳқон; ◊ أَبُو الْـ~ арслон, шер

– حَرَّاثٌ 1. ер ҳайдовчи, қўш ҳайдовчи, 2) ғаллакор (деҳқон), деҳқон

– حَرَّاثَةٌ *зоол* бузоқбоши

– حِرَاثَةٌ 1) ер ҳайдаш, шудгор қилиш; 2) ғаллакорлик, деҳқончилик

– حَرْثٌ 1) ҳайдаш (*ерни*); آلَةُ الْـ~ омоч, плуг; 2) ишланадиган, чопиқ қилинадиган ер, шудгор, 3) деҳқончилик маҳсулотлари

– حَرْثَةٌ *кўп* حَرَثَاتٌ ер ҳайдаш, шудгор қилиш, чопиш

– مِحْرَاثٌ *кўп* مَحَارِيثُ омоч, плуг; سِلَاحُ الْـ~ тиш, омоч тиши

I **حَرَجَ** (*а*) حَرَجٌ сиқилмоқ, қисилмоқ, тор бўлмоқ, оғир аҳволда қолмоқ, صَدْرُهُ ~ хавотирланмоқ, нохам бўлмоқ, ташвишланмоқ, тинчсизланмоқ; 2) (*бирор к га*) ман этилмоқ, таъқиқланмоқ (عَلَى); 3) гуноҳ қилмоқ, ёмон иш қилмоқ, ножўя иш қилмоқ; II حَرَّجَ 1) сиқмоқ, қисмоқ, қийин ҳолатга солмоқ; (*бирор н га*) мажбур қилмоқ, мажбурламоқ (فِي); 2) (*бирор к ни*) ман қилмоқ, таъқиқламоқ (عَلَى); 3) (*вазиятни*) мураккаблаштирмоқ; 4) дарахт ўтқазмоқ, дарахтзор барпо этмоқ; IV أَحْرَجَ сиқмоқ, қисмоқ, қийин ҳолатга солмоқ; оғир аҳволга солиб қўймоқ; боши берк кўчага олиб кириб қўймоқ; 3) (*бирор к га*) ман қилмоқ, таъқиқламоқ (عَلَى); V تَحَرَّجَ 1) қисилиб-қимтинмоқ; ўзини ноқулай сезмоқ; 2) оғирлашмоқ, қийинлашмоқ, мураккаблашмоқ (*вазият*); 3) гуноҳ қилишдан, хато қилишдан, адашишдан ўзини тиймоқ (олиб қочмоқ)

– أَحْرَجُ энг қийин, энг хатарли, энг мураккаб

– تَحَرُّجٌ 1) уялиш, тортиниш, хижолат бўлиш, хижолат тортиш; 2) жиддий мураккаблашув (*мас., вазият*)

– تَحْرِيجٌ 1) сиқиш, қийин ҳолатга солиш, қийнаш, қийинлаштириш; 2) (*вазиятни*) мураккаблаштириш, чалкаштириш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

3) дарахт ўтқазиш, дарахтзор барпо этиш; ~ الأَرْض кўчат ўтқазиш

– حَرَاجٌ очиқ савдо, кимошди савдоси, аукцион

– حَرَاجَةٌ қийинчилик, мушкуллик, танглик, оғир вазият

– حَرَاجِيٌّ ўрмонга оид; ~ـــةٌ تَرْوَةٌ ўрмон бойлиги

– حَرَجٌ[1] 1) сиқилганлик, сиқиқлик, танглик, қийинчилик, мушкуллик; оғир вазият; ~ أَوْقَعَهُ فِي бирор кимни қийин ҳолатга солмоқ; 2) таъқиқлаш, таъқиқ, ман, қатағон; 3) нотўғри иш, ножўя иш, гуноҳ; ◊ ... عَلَيْنَا ~ فَهَلْ مِنْ наҳотки ... бизга ноқулай бўлса; ~ عَلَيْكَ! ... وَلَمْ نَجِدْ ~ًا فِي أَنَّ ... биз ...ни уят деб билмаймиз; ~ وَلَا فَحَدِّثْ عَنْهُ *мтл* хоҳлаганингни гапир, *ишонавераман! (сўзма-сўз: у тўғрида гапиравер, ҳеч бир ноқулай жойи йўқ; (тўла ишонч ифодаси)*

– حَرَجٌ[2] *кўп* أَحْرَاجٌ, حِرَاجٌ ўрмон, чакалакзор, чангалзор, дарахтзор

– حَرَجٌ[3] замбил, замбар

– حَرِجٌ 1) сиқиқ, тор; 2) қийин, машаққатли, мушкул; دَرَجَةُ الْحَرَارَةِ الْـــ~ـــةُ ўта хавфли температура, الضَّغْطُ الْـــ~ـــةُ ўта хавфли босим; النُّقْطَةُ الْـــ~ـــةُ энг кескин (қийин) нуқта; السِّنُّ الْـــ~ـــةُ балоғатга ета бошлаган давр

– حَرَجَةٌ *кўп* ات = حَرَجٌ[2]

– حَرَجِيٌّ ўрмонга оид; الثَّرْوَةُ الْـــ~ـــةُ ўрмон бойлиги

– مُحَرِّجٌ 1) сиқувчи, қисувчи; 2) кескинлаштирувчи; 3) ман этувчи, таъқиқловчи

– مُحَرِّجَاتٌ *шунингдек* ~ الْأَيْمَانِ *кўп* қасамхўрнинг ҳолини танг қиладиган қасамлар

حَرْجَلَ у ёқ-бу ёққа югурмоқ

حَرْجَمَ 1) (*бирор н. ни қидириб*) кезмоқ, юрмоқ (عَلَى); 2) (*подани*) ҳовлига (*қўрага*) ҳайдамоқ

– حَرْجَمَةٌ (*бирор н. ни қидириб*) кезиш, юриш

حِرْجٌ *кўп* أَحْرَاجٌ *анат* мойлиқ (*аёллар жинсий аъзосининг ичи*)

I **حَرَدَ** (*у*) حَرْدٌ узоқлашмоқ, четлашмоқ, ўзини четга тортмоқ, четга чиқмоқ; حَرِدَ (*а*) حَرَدٌ (*бирор к. дан*) ғазабланмоқ, жаҳли чиқмоқ, аччиғи келмоқ (عَلَى); II حَرَّدَ гумбаз қурмоқ; гумбазли қилиб қурмоқ (*иморатни*)

– حَارِدٌ, حَرِدٌ аччиғи чиққан, аччиқланган, жаҳлдор

– حَرَدٌ ғазаб, жаҳл

– حَرْدَانُ = حَارِدٌ

حِرْذَوْنٌ *кўп* حَرَاذِينُ калтакесак; калтакесакнинг эркаги

I **حَرَزَ** (*у*) حَرْزٌ сақламоқ, асрамоқ, эҳтиётламоқ, эҳтиёт қилмоқ; حَرُزَ (*у*) حَرَازَةٌ мустаҳкам бўлмоқ, мустаҳкамланмоқ, етиб бўлмайдиган бўлмоқ; IV أَحْرَزَ эгалламоқ, қўлга киритмоқ, олмоқ, етмоқ, етишмоқ; ... الْأَوْلَوِيَّةَ فِي ~ *спорт.* ... бўйича биринчиликни қўлга киритмоқ; الْهَدَفَ ~ гол урмоқ, гол (тўп) киритмоқ; فَوْزًا ~ ғалаба қилмоқ, енгмоқ; نَجَاحًا ~ ютуққа эришмоқ; قَصَبَ السَّبَقَ ~ ютиб чиқмоқ, биринчи бўлмоқ; V تَحَرَّزَ (*бирор н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, (*бирор н. дан*) ўзини асрамоқ, сақланмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (مِنْ); VIII = V احْتَرَزَ

– احْتِرَازٌ эҳтиёткорлик, ўзини эҳтиёт қилиш

– احْتِرَازِيٌّ сақлайдиган, эҳтиёт қиладиган; ~ـــةٌ تَدَابِيرُ эҳтиёт чоралари

– حَارِزَةٌ *эл.* сақлагич (предохранитель)

– حِرْزٌ *кўп* حُرُوزٌ, أَحْرَازٌ ҳимоя, ҳимоя қилиш, қўриқлаш, сақлаш, мудофаа; 2) қалъа, қўрғон, истеҳком, حِرِزٌ ~ ёв ололмайдиган қалъа, 3) *юр.* ашёвий далил; 4) тумор; حِرِزٌ ~ كَانَ فِي а) ҳушёр бўлиб турмоқ; б) қўл етолмайдиган, муяссар бўлолмайдиган бўлмоқ

– حَرِزَةٌ (*бирор н. нинг*) энг яхши қисми; асл нарса, қимматбаҳо нарса

– حَرِزٌ кучли, бақувват; олиб бўлмайдиган (*мас., қалъа*); 2) эришиб бўлмайдиган, муяссар бўлмайдиган

I **حَرَسَ** (*у*) حِرَاسَةٌ, حَرْسٌ қўриқламоқ, қўримоқ, эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ, ҳимоя қилмоқ; V تَحَرَّسَ (*бирор к. дан ёки н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ, ўзини эҳтиёт қилмоқ (مِنْ); VIII احْتَرَسَ (*бирор к. дан ёки н. дан*) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ (مِنْ)

– احْتِرَاسٌ эҳтиёткорлик, эҳтиёт чораси, эҳтиёт; ~ بـــ эҳтиёткорлик билан, эҳтиёткорона

– حَارِسٌ 1 1) пойлоқчи, қўриқловчи; الْـــ~ الْمَلَكُ *дин* қўриқловчи фаришта (*малоика*); 2) ҳушёр; 2. *кўп* حَرَسَةٌ, حُرَّاسٌ 1) ходим; васий, ҳомий; қоравул, соқчи; қўриқчи; ~ الْحُدُودِ чегарачи; 2) *шунингдек* ~ الْمَرْمَى *спорт* дарвозабон

– حَرَّاسٌ ходим, қоравул, соқчи

– حِرَاسَةٌ сақлаш, қўриқлаш, мудофаа қилиш, назорат, назорат қилиш; қоравуллик хизмати; ~ الْحُدُود чегарани қўриқлаш, чегара ҳимояси; *юр.* давлат фойдасига бирор мулкни хатлаш, мулкдан фойдаланишни таъқиқлаш, секвестр; ~ وَضَعَ تَحْتَ الْـــ а) ҳимояга олмоқ, васийликка олмоқ, васийлик белгиламоқ; б) бирор мулкни давлат фойдасига хатламоқ, мулкдан фойдаланишни таъқиқламоқ, секвестр қўймоқ

– حَرَسٌ соқчилар, посбонлар, қоравул; қўриқлаб борувчи соқчилар гуруҳи, конвой; гвардия; ~ الشَّرَفِ фахрий қоравул; ~ الْـــ الْوَطَنِيُّ миллий гвардия

– حَرَسِيٌّ *кўп* حُرَّاسٌ подшоҳ ёки давлат бошлиғининг шахсий қўриқчиси, гвардия

– مُحْتَرِسٌ эҳтиёткор; ҳушёр

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَحْرُوسٌ 1. қўриқланадиган, пойланадиган; الْـــــةُ қўриқланган, қўриқланиб турган (*Қоҳира шаҳри унвонларидан бири*); 2. ўғил, бола, фарзанд; الْمَحْرُوسُون оила аъзолари.

I **حَرَشَ** (*и*) حَرْشٌ 1) тирнамоқ, тимдаламоқ, таталамоқ; 2) (калтакесак) овламоқ; II حَرَّشَ 1) (*бирор к га қарши*) гижгижламоқ, қўймоқ (إلى); (*бирор к орасига*) низо солмоқ, нифоқ солмоқ (بين); 2) дарахтзор барпо қилмоқ; дарахт ўтқазмоқ; ◊ الأَرْضَ ~ (*бирор н билан*) тупроқ ҳосилдорлигини оширмоқ (ب); III حَارَشَ тегишмоқ, сўз отмоқ, тегажоғлик қилмоқ, V تَحَرَّشَ жиғига тегмоқ, аччиғини келтирмоқ, иғвогарона иш тутмоқ; (*бирор к га*) тегишмоқ, тегажоғлик қилмоқ (ب); (*бирор к бирон*) тўқнашмоқ (ب); (*бирор к га*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ (على ,ب); به للخصام ~ бирор ким билан жанжал ахтармоқ.

– أَحْرَشُ *мн* حَرْشَاءُ *кўп* حُرْشٌ дағал, ғадир-будур, дағаллашган, ғудурлашган.

– تَحَرُّشٌ 1) жиғига тегиш, иғвогарлик ҳатти-ҳаракати; 2) тегишиш, тегажоғлик қилиш.

– تَحْرِيشٌ 1) гижгижлаш, ғусғуслаш, низо чиқариш; 2) дарахтзор қилиш.

الأَرْضِ ~ дарахт ўтқазиш.

– حَرْشٌ *жам* пишмаган, хом қовун, хамаклар.

– حَرْشَةٌ *кўп* اتٌ — пишмаган, хом қовун, хамак.

– حَرَاشَةٌ қаттиқлик; ғадир-будурлик, дағаллик.

– حَرِشٌ қаттиқ, дағал; ғадир-будур, ғудурлашган.

– حُرْشٌ *кўп* أَحْرَاشٌ ўрмон.

– حُرْشٌ = حِرْشٌ.

– حُرْشَةٌ = حَرَاشَةٌ.

– حَرِيشٌ *кўп* حُرُشٌ 1) қирқоёқ, мингоёқ; 2) каркидон.

حَرْشَفٌ *кўп* حَرَاشِفُ тангача (балиқдаги).

حَرْشَفَةٌ-танга-танга бўлиб қолишлик (*мас*., тери). الْجِلْدِ ~ *мед* баданнинг териси қуриб, шўрлашиш натижасида балиқ терисига ўхшаб танга-танга бўлиб қолиши, ихтиоз.

– حَرْشَفِيٌّ танга-танга, тангачали; тангачасимон.

I **حَرَصَ** (*и*) حِرْصٌ 1) (*бирор н ни*) ҳаддан зиёд хоҳламоқ; (*бирор н га*) интилмоқ (*бирор н ни*) олишга зўр бериб интилмоқ, зўр бериб талаб қилмоқ (على); 2) (*бирор н ни*) сақламоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ (على); على شَيْءٍ حِرْصَ الْمَرْءِ عَلَى حَدَقَةِ عَيْنِهِ ~ бирор нимани кўз қорачиғидай асрамоқ; 3) эҳтиёт бўлмоқ, ҳушёр турмоқ, ҳушёр бўлмоқ, диққат-эътибор билан қарамоқ. II حَرَّصَ қўзғатмоқ, уйғотмоқ, безовта қилмоқ.

– حَارِصَةٌ яра, чақа.

– حَرْصٌ ёриш, ёриб чиқиш.

– حَارِمَةٌ = حَرْصَةٌ.

– حِرْصٌ кучли орзу, катта иштиёқ, зўр ҳавас, кучли интилиш; الثَّأْرِ عَلَى ~ қасос олиш ҳирси, қасос иштиёқи; 2) очкўзлик, таъмагирлик; ҳирс, ишқибозлик; 3) сақлаш, асраш, авайлаш; 4) эҳтиётлик, эҳтиёт бўлиш.

– حَرِيصٌ 1) орзуманд, иштиёқманд, ҳаддан зиёда хоҳловчи; 2) (*бирор н нинг*) қадрига етувчи, (*бирор н ни*) ардоқловчи (على); 3) очкўз, тамаъгир; ишқибоз, ҳарис; 4) исроф қилмайдиган, лишиқ, тежамкор; 5) эҳтиёткор.

I **حَرَضَ** (*а*) حَرَضٌ туролмай ётиб қолмоқ; II حَرَّضَ 1) иғво қилмоқ, фитна солмоқ, ғаламислик қилмоқ; қизиқтирмоқ, қўзғамоқ, ҳавасини келтирмоқ; (*бирор к га қарши*) ишга етакламоқ, йўлга солмоқ, кўндирмоқ (على); 2) *эл.* магнит майдони таъсирида электр энергияси ҳосил қилмоқ; IV أَحْرَضَ йиқитмоқ, ётқизмоқ; ـــــهُ الْحُبُّ муҳаббат уни хароб қилди; V تَحَرَّضَ 1) иғвога учрамоқ, фитнага йўлиқмоқ; 2) *эл.* магнит майдони таъсирида электр энергияси ҳосил бўлмоқ.

– تَحْرِيضٌ 1) иғвогарлик, ғаламислик, фитна солиш; 2. магнит майдони таъсирида ток ҳосил бўлиш, индукция; الـــ الذَّاتِيُّ ўз-ўзидан индукцияланиш.

– تَحْرِيضِيٌّ 1) иғвогарона, ғаламисона; 2) *эл.* индукцияга оид.

– حَرَضٌ[1] *кўп* أَحْرَاضٌ 1) ўзгариш, ёмонлашиш, оғирлашиш; 2) оғир касаллик; الأَحْرَاضُ الْفَيْرُوسِيَّةُ вирус билан боғлиқ бўлган касалликлар; 3) таназзул, ёмонлаша бориш, наслнинг айниши, наслнинг бузилиши.

– حَرَضٌ[2] касал, бемор, юқумли касалга гирифтор.

– حُرْضٌ ишқор, овқатдан сўнг қўл ювишда ишлатиладиган модда.

– حُرْضٌ = حُرْضٌ.

– مُحَرِّضٌ 1)иғвогар, ғаламис, фитначи; 2) *эл.* индуктор, магнит майдони таъсирида ток ҳосил қилувчи.

I **حَرَفَ** (*у*) حَرْفٌ1) ўзгартирмоқ; 2) (*бирор н дан*) қайтармоқ, рад қилмоқ, тойдирмоқ, оғиштирмоқ (عن). (الاتِّجَاهَ) ~ عَنِ الْخَطِّ الصَّحِيحِ тўғри йўлдан чиқармоқ, тўғри йўлдан оздирмоқ; 3) бурмоқ, бурамоқ, қайирмоқ (*мас*., *отни*), II حَرَّفَ 1) бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ, нотўғри изоҳ бермоқ, сохталаштирмоқ; 2) (ҳарфларнинг) ўрнини алмаштирмоқ; III حَارَفَ яхши *ёки* ёмон қилмишига яраша тақдирламоқ; كَسْبِهِ ~ унинг яшаши қийинлашди, V تَحَرَّفَ 1) бузиб кўрсатилмоқ, нотўғри талқин бўлмоқ, нотўғри изоҳланмоқ; 2) (*бирор н дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عن); VII اِنْحَرَفَ 1) (*бирор н дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عن); бурилмоқ, қайрилмоқ; عَنِ الاتِّجَاهِ الصَّحِيحِ ~ тўғри йўлдан чиқмоқ, тўғри йўлдан озмоқ; ـــــتْ صِحَّتُهُ бўшашиб турмоқ, лоҳас бўлмоқ, бетоб бўлмоқ; 2. ғилай бўлмоқ (*кўз*); VIII احْتَرَفَ бирор касб-ҳунар қилмоқ, бирор касб-ҳунар билан шуғулланмоқ, (*бирор н ни*) ҳунар

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*касб*) қилмоқ; амалда қўлламоқ; الْمُحَامَاةُ ~ адвокатлик билан шуғулланмоқ; XII احْرَوْرَفَ = VII

– احْتِرَافٌ бирор касб-ҳунарни танлаш; ҳунар билан шуғулланиш; касбҳунарни амалиётда қўллаш

– انْحِرَافٌ *кўп* ـاتٌ — 1) оғишиш, тойилиш, четга чиқиш; *физ* бурилиш, оғиш; *астр* оғиш; *сиёс* оғмачилик 2) бир томонга қийшайиш, бир томонга оғиш; الْمِزَاجِ ~ *ёки* ~ الصِّحَّةِ лоҳас бўлиш, бетоб бўлиш, лоҳаслик, бетоблик; زَاوِيَةُ الْـ~ *мат* оғиш бурчаги

– تَحْرِيفٌ 1) бузиб кўрсатиш, нотўғри талқин қилиш; 2) (*сўзни*) бузиш, бузиб талаффуз этиш; *сўздаги ҳарфларнинг*) ўрнини алмаштириш

– تَحْرِيفِيٌّ 1 ревизионизмга асосланган; 2 ревизионист

– تَحْرِيفِيَّةٌ ревизионизм

– حَرَافَةٌ (овқат мазасининг) аччиқлиги, ўткирлиги

– حَرْفٌ[1] *кўп* حُرُوفٌ чекка, қирғоқ, қирра, ёқа; чет, ён, тиғ; лезвия (*олмос*)

– حَرْفٌ[2] *кўп* حُرُوفٌ, أَحْرُفٌ 1) ҳарф; ундош товуш; ساكِنٌ ~ *ёки* صامِتٌ ~ ундош товуш; صَوْتِيٌّ ~ *ёки* مُصَوِّتٌ ~ *ёки* مُتَحَرِّكٌ ~ унли товуш; حُرُوفُ الْعِلَّةِ *грам* ҳарфи иллатлар (ا، و، ى); الْحُرُوفُ الْهِجَائِيَّةُ *ёки* حُرُوفُ الْهِجَاءِ *ёки* الْحُرُوفُ الأَبْجَدِيَّةُ *ёки* حُرُوفُ الْمَبَانِي алифбо, алфавит; بِالْـ~ *ёки* الْوَاحِدِ сўзма-сўз, ҳарфма-ҳарф, айнан; نَشَرَ بِـ~ـهِ لَمْ يَنْطِقْ بِـ~ тўлалигича нашр қилмоқ; у ҳеч нарса демади, у лом-мим демади; كَتَبَ الأَرْقَامَ بِالْحُرُوفِ рақамларни ҳарфлар билан ёзмоқ; وَقَّعَ بِالْـ~ الأَوَّلِ مِنَ الاسْمِ исмнинг биринчи ҳарфи билан қўл қўймоқ, инициалини қўймоқ; (шартномани)тасдиқлаш учун исм ва фамилиянинг биринчи ҳарфини қўйиб, ўз розилигини билдирмоқ, 2) *грам* юклама; ~ التَّعْرِيفِ *грам* аниқлик артикли; ~ الْجَرِّ предлог, олд қўшимчаси; ~ الْعَطْفِ *грам* боғловчи; ~ الاسْتِفْهَامِ сўроқ юкламаси; ~ النِّدَاءِ ундалмада ишлатиладиган ундов сўз, ~ الْقَسَمِ қасамни ифодаловчи юкламалар, 3) сўз, وَضَعَ النُّقَطَ عَلَى الْحُرُوفِ ҳеч бир ноаниқ ерини қолдирмай изоҳламоқ яна масалага қайтмайдиган қилиб охирига етказмоқ (*сўзма-сўз ҳарфларнинг устига нуқталарни қўймоқ*)

– حُرْفٌ[1] *бот* бўлтириқ, чачирак, чиртилқоқ (ўсимлик)

– حُرْفٌ[2] давлати кўпаймаслик, бойимаслик

– حِرْفَةٌ[1] *кўп* حِرَفٌ машғулот; касб, касб-ҳунар; ~ صَاحِبُ ҳунарманд, косиб; الْـ~ (أَصْحَابُ) أَرْبَابُ ҳунармандлар, косиблар; يَدَوِيَّةٌ ~ қўлда бажариладиган ҳунар, қўлҳунар

– حِرْفَةٌ[2] = حُرْفٌ[2]

– حِرَفِيٌّ 1. касб-ҳунарга оид; 2. косиб, ҳунарманд

– حَرْفِيٌّ 1) ҳарфий, ҳарф билан; 2) сўзма-сўз, айнан, ҳарфма-ҳарф

– حَرْفِيَّةٌ 1) сўзма-сўз маъно; *сўзма-сўзлилик*; 2) *грам* сўзнинг юклама сифатидаги маъноси

– حَرِيفٌ *кўп* حُرَفَاءُ 1) ўртоқ, дўст; 2) бирга ўйновчи (*мас., шахматда*), шерик, жўра, улфат; 3) мижоз, клиент

– حِرِّيفٌ 1) аччиқ *ёки* ўткир (*таом ҳақида*), 2) билағон, моҳир, уста

– مُحَارِفٌ беризқ, бенасиб, насибаси кам

– مِحْتَرَفٌ *кўп* ـاتٌ — устахона, ижодхона (*рассомники*)

– مُحْتَرِفٌ 1 муайян бир касб билан, иш билан шуғулланувчи; 2 бирор ҳунарни ўзига касб қилиб олган ва шу касб билан шуғулланувчи, профессионал;

~ طَبِيبٌ профессионал врач (*табиб*)

– مِحْرَافٌ *кўп* مَحَارِيفُ *ёки* مِحْرَفٌ *кўп* مَحَارِفُ *мед* ичга юбориладиган резинка ичак

– مُحَرَّفٌ бузиб кўрсатилган, нотўғри талқин қилинган

– مُنْحَرِفٌ 1) оғувчи, тоювчи, четга бурилувчи; الْمِزَاجِ ~ бемор, хаста; 2) ғилай, эгри, қийшиқ, ~ خَطٌّ эгри чизиқ; ~ (مُعَيَّنٌ) مُرَبَّعٌ *мат* трапеция; ~ شِبْهُ *мат* трапецоид

– حَرْفَشٌ *кўп* حَرَافِشُ резавор ўсимлик

I **حَرَقَ** (*у*) حَرْقٌ 1) ёқмоқ, ёндирмоқ, куйдирмоқ, ёқиб (*куйдириб*) юбормоқ; ловуллатмоқ, ачиштирмоқ (*аччиқ таом ва ҳ.к.*), 2) (ғиштни) пиширмоқ; 3) (олов билан) зарар келтирмоқ, шикаст етказмоқ, ишдан чиқармоқ, بِالْمَاءِ الْحَرَّ ~ қайноқ сув билан куйдириб олмоқ, 4) қийнамоқ, азоб бермоқ (*очлик ҳақида*), 5) зговламоқ, ишқаламоқ, أَمَامَهُ بَحُورَ الْمَدِيحِ ~ *қар* بَحُورٌ الأَسْنَانَ؛ тишларни ғижирлатмоқ; II حَرَّقَ 1) қаттиқ куйдирмоқ, (*урушда*) ҳаммани куйдириб йўқ қилмоқ; 2) пасаймоқ, паст бўлмоқ (*сув сатҳи ҳақида*); оз бўлмоқ, кичик бўлмоқ (*тошқин ҳақида*); ◊ ~ الأَسْنَانَ тишларни ғижирлатмоқ; IV أَحْرَقَ куйдирмоқ, ёндирмоқ; йўқ қилмоқ (*енгин ҳақида*) قَلْبَهُ ~ *маж* бирор кишининг ичини (*юрагини*) ёндирмоқ, бирор кишини катта ғамга қўймоқ, V تَحَرَّقَ ёнмоқ, куймоқ, куйиб кетмоқ, ёниб тамом бўлмоқ; ... إِلَى شَوْقًا ~ ...нинг ишқи билан (*ишқида*) ёнмоқ; VII انْحَرَقَ 1) куйдирилмоқ, ёндирилмоқ, 2) сув миқдори оз бўлмоқ (*Нил ҳақида*); VIII احْتَرَقَ алангаланмоқ, ўт илашиб кетмоқ, ёнмоқ, куймоқ

– احْتِرَاقٌ ёниш, куйиш, قَابِلُ الْـ~ ёнадиган, ёнувчан; ~ دَاخِلِيٌّ ўз-ўзидан ёниш, مُحَرِّكٌ بِالْـ~ ичдан ёнар двигатель

– إِحْرَاقٌ ёндириш, куйдириш

– انْحِرَاقٌ сув миқдорининг оз бўлиши (*Нилда тошқин пайтида*)

– تَحَارِيقُ *кўп* 1) сувнинг энг паст сатҳи (*Нил дарёсида*); 2) (*Нилда сувнинг озойиши билан боғлиқ бўлган*) қурғоқчилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَحَرُّقٌ 1) ёниш, куйиш; 2) кучли хоҳиш, истак

– حَارِقٌ 1. ўт ёқувчи, ўт қўйиб юборувчи; 2. олов ёқувчи

– حُرَاقٌ чақмоқ учқунидан ўт илаштирадиган пилик

– حَرَّاقٌ 1) ёқиб юборувчи, куйдирувчи, 2; ёндирувчи; قُنْبُلَةٌ ~ёндирувчи бомба; 3) ўткир, аччиқ; زَيُّ الْفِلْفِلِ ~ *халқ.* қалампир каби аччиқ

– حُرَاقٌ = حُرَاقٌ

– حَرَّاقَةٌ *кўп.* اتٌ — миноносец. ўзиюрар миналар – торпедолар билан қуролланган ҳарбий кема; душман кемаларини ёндириш учун ёнувчи моддалар билан тўлғазилган махсус кема

– حُرَّاقَةٌ *кўп.* حَرَارِيقُ ғурра, пўрсилдоқ, қавариқ

– حَرْقٌ[1] 1) ёниш, куйиш; عَمْدِيٌّ ~ ўт қўйиш, ёндириш, қасддан ўт қўйиш; أَحْسَادِ الْمَوْتَى ~ кремация, жасадларни куйдириш; 2) куйдириб юбориш

– حَرْقٌ[2], حُرُوقٌ (*шунингдек*: اللَّهَبِ ~) куйиш, куюк

– حَرَقٌ 1) ёниш, куйиш; 2) чўғ, лахча чўғ

– حَرَقَانٌ *шунингдек*: الْقَلْبِ ~ зарда, жиғилдон қайнаш

– حُرْقَةٌ, حُرْقَةٌ 1) ёниш, куйиш; ёндириш, куйдириш, қизиқиш, ҳавас; шиддат, қизғинлик; الْقَلْبِ ~ зарда, жиғилдон қайнаш; 2) ғазаб, қаҳр, жаҳл, зарда; شَتَمَهُ بِـ~ оғзига боди кириб, шоди чиқмоқ, оғзига келганни қайтармай сўкмоқ; بَكَى بِـ~ аччиқ-аччиқ йиғламоқ

– حَرِيقٌ 1. ёнувчи, ёнувчан; 2. 1) ёқилғи, ёнилғи, 2) ёнғин; ўт қўйиш, ёндириш, қасддан ўт қўйиш; اتُ الْـ~ ёнғин бўлганда *ёки* бошқа заруратда очиладиган эшик

– حَرِيقَةٌ *кўп* حَرَائِقُ 1) гулхан; 2) енгин

– مُحْتَرَقٌ *физ.* фокус, нурларнинг тўпланиш нуқтаси

– مُحْرَقٌ куйдирадиган, ёқадиган жой. أَحْسَادِ الْمَوْتَى ~ *ёки* ~ الْجُثَثِ крематорий

– مُحْرِقٌ 1) ёндирувчи, куйдирувчи; 2) ловуллатадиган, ачиштирадиган; 3) ўт қўювчи, олов ёқувчи ёндирувчи; قُنْبُلَةٌ ~ёндирувчи бомба; قَارُورَةٌ ~ёндирувчи аралашма солинган бутилка (шиша идиш) (*танкларга қарши*)

– مُحَرَّقٌ пули йўқ, пулсиз, чўнтаги қуп-қуруқ

– مَحْرَقَةٌ *кўп* اتٌ — гулхан, аланга

– مُحْرَقَةٌ = مُحْرَقَةٌ[1]

– مُحْرَقَةٌ[2] *кўп* اتٌ — *дин.* батамом куйдирилган қурбонлик. ◊ كَبْشُ (تَيْسُ) الْـ~ ҳамма балога сабабчи қилиб кўрсатиладиган ва жазоланадиган одам (*сўзма-сўз*: қурбонлик қўйи (эчкиси)

– مَحْرُوقٌ 1) куйдириладиган, куйдириб йўқ килинган. ◊ خَطُّ الأَرْضِ الْـ~ـةُ куйдирилган ер зонаси (*майдони*). 2) қийноқда қолган, азият чеккан; الْقَلْبِ ~ юрагида дарди бор, қалби қийноқда қолган. дил и сиёҳ бўлган; ◊ يَا ~ـةَ يَا ~ـةَ лаънати!; مِنْهُمْ ~ قَلْبُهُ уларда ўчи (*кеки*) бор (*сўзма-сўз*: улардан дили куйган)

– مَحْرُوقَاتٌ *кўп.* ёқилғи, ёнилғи; جَامِدَةٌ ~ қаттиқ ёқилғи; سَائِلَةٌ ~ суюқ ёнилғи; صِنَاعَةُ الْـ~ ёқилғи, ёнилғи ишлаб чиқариш

حَرْقَدَةٌ *кўп* حَرَاقِدُ *анат.* кекирдак олмаси, қуштомоқ

حَرْقَفَةٌ *кўп* حَرَاقِفُ қовурға, қовурға суяги

I **حَرُكَ** (*у*) حَرْكٌ, حَرَكَةٌ ҳаракатланмоқ, ҳаракат қилмоқ, ҳаракатга келмоқ, қимирламоқ, жойидан жилмоқ; II حَرَّكَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ, жойидан жилитмоқ, жойидан силжитмоқ, жилдирмоқ, суриб қўймоқ, 2) силкитмоқ, чайқамоқ, қимирлатмоқ, 3) аралаштирмоқ, кавламоқ (*овқат пиширганда*), 4) қўзғамоқ, қўзғатмоқ, уйғотмоқ; الْعَوَاطِفَ ~ таъсир қилмоқ, ҳаяжонлантирмоқ, ҳиссиётни қўзғатмоқ; الشَّهِيَّةَ ~ иштаҳани очмоқ, 5) (*бирор н. га*) қизиқтирмоқ, қўзғатмоқ, ҳавасини келтирмоқ (إِلَى); 6) *грам.* (*ҳарфларнинг*) ҳаракатини қўймоқ; ◊ لَا يُحَرِّكُ سَاكِنًا у ҳеч бир иш қилмайди; унинг парвойи палак; у эътибор бермай ўтираверади; V تَحَرَّكَ 1) ҳаракатга келмоқ, жилмоқ, силжимоқ; ҳаракат қилмоқ, қимирламоқ, фаоллик кўрсатмоқ; 2) *грам.* (*ҳарфларнинг*) ҳаракати қўйилмоқ, ҳаракатли бўлмоқ (*ҳарфлар ҳақида*)

– تَحَرُّكٌ *кўп* اتٌ — 1) ҳаракат, қатнов, кўчиш, силжиш; жўнаш, жўнаб кетиш; إِدَارَةُ الْـ~ات кемалар қатнови хизмати (*Суэйш каналида*); رَئِيسُ الْـ~ات қатнов бошлиғи; 2) фаоллик, бирор мақсад йўлида қилинган ҳаракат. الْـ~ الْيَمِينِيُّ *сиёс.* ўнг унсурларнинг фаоллиги, активлиги

– تَحْرِيكٌ 1) ҳаракатга келтириш. 2) қўзғаш, қўзғатиш, уйғотиш, 3) *грам.* (*ҳарфларнинг*) ҳаракатини қўйиш

– حَارِكٌ ел (*отларда*)

– حَرَاكٌ ҳаракат; لَا يُبْدِي ~ у қимирламаяпти, у ўрнидан силжимаяпти

– حَرِكٌ ҳаракатчан, серҳаракат, чаққон, эпчил, тетик

– حَرْكِيٌّ 1. серҳаракат, серғайрат; қўзғалаадиган, ҳаракатланадиган, юрувчи; 2) тектурмас одам, бесаранжом, жонсарак одам; ◊ وَصَلَ عَلَى الْـ~ у ўз вақтида (*роса пайтида*) етиб келди

– حَرَكَةٌ *кўп* اتٌ — 1) ҳаракат; تَحْرِيرِيَّةٌ ~ *ёки* ~ озодлик ҳаракати; الْعُمَّالِيَّةُ الْـ~ *ёки* الْعُمَّالِ ~ ишчилар ҳаракати; النِّسَائِيَّةُ الْـ~ хотин-қизлар ҳаракати; الْمُرُورِ ~ шаҳар транспорти ҳаракати; السُّفُنِ ~ кемалар қатнови; ~اتٌ دَائِرِيَّةٌ *спорт.* асбобсиз бажариладиган эркин гимнастика машқлари; عِلْمُ الْـ~ *ёки* عِلْمُ الْـ~ الْمُحَرَّدَةِ *физ.* динамика; 2) иш, ҳаракат. динамика, амал; 3)

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолият, хизмат, машғулот; кампания, маърака; ~ اَلْتِحَابِيَّةٌ сайлов кампанияси; ~ عِلْمِيَّةٌ илмий фаолият; 4) ўсиш, бориш, оқим; 5) гапирганда қўл ва бошқа аъзоларнинг ҳаракати; ~ اَلْـ ثَقِيلُ секинак, сусткаш, ланж, ивирсиган, ~ اَلْـ خَفِيفُ ҳаракатчан, серҳаракат, чаққон, тезов; 6) қилиқ, иш, ҳаракат; ~ اَتُهُ وَسَكَنَاتُهُ унинг барча ишлари, унинг қилаётган барча ишлари; 7) *грам.*(*ҳарфларнинг*) ҳаракати, қисқа унли

– حَرَكِيٌّ ҳаракатга оид; ҳаракатга келтирувчи; динамик; قِصَّةٌ ~ ـةٌ сўзсиз, имо-ишоралар билан кўрсатиладиган тамоша, пантомима

– مُتَحَرِّكٌ 1. 1) ҳаракатланувчи, ҳаракатга келувчи; ўзи юрар; 2) серҳаракат, серғайрат; қўзғаладиган, ҳаракатланадиган, юрувчи; 2. *грам.* унли товуш

– مِحْرَاكٌ 1. ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи; 2. 1) темир косов; 2), фитначи, ғаламис, иғвогар

– مَحْرَكٌ ҳаракат йўли, чизиғи; траектория

– مُحَرِّكٌ 1. 1) ҳаракатга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи; اَلْقُوَّاتُ اَلْـ ـةُ ҳаракатга келтирувчи кучлар; 2) қўзғатувчи, уйғотувчи; 2. 1) *кўп.* ـاتٌ — двигатель, мотор; ~ كَهْرَبَائِيٌّ электромотор; 2) қўзғовчи, қўзғатадиган; 3) бирор ишни кўнгилга (*эсга*) солган нарса

حَرْكَتَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ; 2) силкимоқ, силкитмоқ, қоқмоқ; 3) титиб (титкилаб) чиқмоқ, кавлаб (кавлаштириб) ташламоқ (*бирор н. ни қидиришда*); 4) қўзғамоқ, уйғотмоқ, ҳаяжонга солмоқ; تَحَرْكَتَ *кўч.м.* (*бирор к. билан*) ёқалашмоқ, (*бирор к. га*) ёпишмоқ, муштлашишмоқ (ب)

– حَرْكَتَةٌ 1)ҳаракатга келтириш, силжитиш; 2) силкиш, силкитиш, қоқиш; 3) қўзғаш, қўзғотиш, ҳаяжонга солиш

حَرْكَشَ 1) ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ; 2) титиб (титкилаб) чиқмоқ, кавлаб-кавлаштириб ташламоқ (*бирор н. ни қидиришда*); 3)қўзғатмоқ, уйғотмоқ, ҳаяжонга солмоқ

– حَرْكَشَةٌ 1) ҳаракатга келтириш, силжитиш; 2) қўзғаш, қўзғотиш, ҳаяжонга солиш

I **حَرُمَ** (*у*) حُرْمٌ ,حُرْمَةٌ (*бирор к. учун*) таъқиқланмоқ, ман этилмоқ, (*бирор к учун*) муқаддас бўлмоқ (عَلَى); حَرِمَ (*и*) حِرْمَانٌ 1)маҳрум қилмоқ; ~ مِنَ الإِرْثِ меросдан маҳрум қилмоқ; 2) ман этмоқ, таъқиқламоқ; 3) (*бирор н. дан*) чиқармоқ, бурмоқ, четлаштирмоқ (مِنْ); II حَرَّمَ муқаддас деб эълон қилмоқ; 2) таъқиқламоқ, ман этмоқ; 3) ташламоқ, тарк этмоқ, тўхтатмоқ; ~ عَلَى نَفْسِهِ التَّدْخِينَ чекишни ташламоқ; IV أَحْرَمَ 1) чиқармоқ, бурмоқ, четлатмоқ; 2) (*ҳаж маросими пайтида ҳарамга киришдан олдин*) эҳром боғламоқ; V تَحَرَّمَ 1) таъқиқланмоқ, ман этилмоқ, ҳаром бўлмоқ; 2) муқаддаслашмоқ; VIII اِحْتَرَمَ ҳурматламоқ, ҳурмат қилмоқ; ~ قَوَاعِدَ الْمُرُورِ ҳаракат қоидасига риоя қилмоқ; X اِسْتَحْرَمَ 1) ман этилган деб ҳисобламоқ, ноқонуний деб ҳисобламоқ; ҳаром деб ҳисобламоқ; 2) овқатланаётган бўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); тутмоқ, боқмоқ, кўпайтирмоқ (*ҳайвонларни*)

– اِحْتِرَامٌ 1) ҳурмат, эҳтиром, иззат; عَلَى مَبْدَأِ الْـ ~ الْمُتَبَادِلِ لِلسِّيَادَةِ وَالْمُسَاوَاةِ فِي الْحُقُوقِ وَ عَدَمِ التَّدَخُّلِ فِي الشُّؤُونِ الدَّاخِلِيَّةِ ўзаро ҳурмат, тенгҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принципи асосида; 2) дахлсизлик; ~ اَلْمُلْكِيَّةِ мулк дахлсизлиги, ~ اَلْمَسْكَنِ турар жой дахлсизлиги

– اِحْتِرَامَاتٌ *кўп* ҳурмат белгилари, ҳурмат рамзлари; иззат-икром

– إِحْرَامٌ *дин* ҳаж маросимида ҳарам ҳудудига қадам босиш ва эҳром боғлаш; ~ مَلَابِسُ الْـ эҳром (*ҳарамга қадам босишда кийиладиган иккита қисмдан иборат игна тегмаган оқ мато; унинг бири елкага ва бўйинга ташланади, иккинчиси белга ўралади*)

– تَحْرِيمٌ таъқиқлаш, ман этиш; ~ اَلتَّحَارِبِ النَّوَوِيَّةِ ядро синовларини таъқиқлаш

– حَرَامٌ *кўп.* حُرُمٌ 1. 1) таъқиқланган, ман этилган; 2) ҳаром; مِنْطَقَةٌ ~ *ёки* ~ شَقَّةٌ таъқиқланган *ёки* нейтрал минтақа; 3) муқаддас; بَيْتُ اللهِ اَلْـ ~ Каъба; اَلشَّهْرُ اَلْـ ~ муҳаррам (*ойи*) (*қамарий тақвимнинг биринчи ойи, 30 кун*); 4) ноқонуний, ҳаром; بِالْـ ~ ноқонуний йўл билан, ҳаром йўл билан; اِبْنُ ~ никоҳсиз туғилган ўғил, ҳароми, بِنْتُ ~ никоҳсиз туғилган ҳароми қиз, 2. гуноҳ; عَلَيْكَ ~ уялинг!

– حَرَامٌ *кўп* حَرَامَاتٌ, أَحْرِمَةٌ адёл, катта ва қалин жун рўмол

– حَرَامِيٌّ *кўп.* حَرَامِيَّةٌ ўғри; қароқчи

– حَرَمٌ *кўп.* أَحْرَامٌ 1) таъқиқланган, ман этилган жой, дахлсиз жой, 2) муқаддас жой, қадамжо, зиёратгоҳ; 3) муқаддас ҳудуд; اَلْـ ~ اَنِ *ик с.* Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара; ثَالِثُ الْحَرَمَيْنِ Қуддуси шариф; *4*) муқаддаслик; қадамжо, зиёратгоҳ, энг муқаддас; 5) табу (таъқиқланган *бирор н.*); 6) рафиқа, хотин

– إِحْرَامٌ = حُرْمٌ

– حَرْمٌ *кўп.* حُرُومٌ рад қилиш, ҳайдаш; ~ كَنَائِسِيٌّ *дин.* черковдан ҳайдаш, черковдан четлатиш, лаънатлаб насроний диндан ихрож қилиш; ~ بَابَوِيٌّ папа томонидан диний маросимлардан четлатиш

– حِرْمَانٌ 1) маҳрум қилиш; اَلْـ ~ مِنَ الإِرْثِ меросдан маҳрум қилиш; 2) (*бирор н. дан*) чиқариш, четлаштириш

– حَرَمْلِكٌ ичкари, ҳовлининг аёллар учун ажратилган қисми

– حُرْمَةٌ *кўп.* حُرُمَاتٌ ,حُرَمٌ 1) таъқиқланганлик, ман этилганлик, таъқиқланган, ман этилган нарса; 2) муқаддас нарса; 3) муқаддаслик, дахлсизлик; ~ اَلشَّخْصِيَّةِ шахс дахлсизлиги; 4) ҳурмат, иззат, эҳтиром; 5) рафиқа, хотин; аёл

– حُرْمَةٌ шаҳват, шаҳвоний нафс

– حَرِيمٌ *кўп.* حُرُمٌ ,حَرِيمَاتٌ 1) рафиқа, хотин; (*бир кишининг*) хотинлари; 2; *шунингдек*: ~ بَيْتُ اَلْـ ҳарам; 3) ичкари, ҳовлининг аёллар учун ажратилган қисми; ~ اَلْبِئْرِ қудуқ атрофидаги унга тегишли бўлган ҳудуд (*территория*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– حَرِيمِيٌّ аёлларга тегишли; الأَزْيَاءُ الْـــ ـــةُ аёлларнинг кийим-кечаги, аёллар модаси; الأَقْمِشَةُ الصُّوفِيَّةُ الْـــ ـــةُ аёлларнинг кийим-кечагига боп бўлган жун матолар

– مُحْتَرَمٌ муҳтарам, ҳурматли, эътиборли; кўп ҳурматли (*мактуб ёзишда*)

– مَحْرَمٌ *кўп.* مَحَارِمُ 1. 1) таъқиқланган, ман этилган; 2) ҳарамга киришга ҳуқуқи бор, маҳрам; 2. 1) ман этилган нарса, таъқиқланган нарса; 2) қариндош

– حُرْمَةٌ = مَحْرُمَةٌ *ёки* مَحْرَمَةٌ

– مُحْرِمٌ эҳром боғлаган ҳожи

– مُحَرَّمٌ 1. 1) ман этилган, таъқиқланган; 2) ҳаром; 2. муҳаррам (қамарий тақвимнинг биринчи ойи, 30 кун)

– مُحَرَّمَاتٌ *кўп.* 1) никоҳланиш таъқиқланган қариндошчилик; 2) ман этилган нарса, таъқиқ, ман, қатағон, ~ حَلَّ جَمِيعَ الْـــ *ёки* ارْتَكَبَ الْـــ ~ барча таъқиқларни бузмоқ

– مَحْرَمَةٌ *кўп.* مَحَارِمُ рўмолча, дастрўмол

– مَحْرُومٌ 1. 1) (*бирор н. дан*) маҳрум бўлган, маҳрум (مِنْ); 2) рад этилган, четлатилган; 3) бахтсиз, бадбахт; бечора; 2. омадсиз, омади йўқ одам, иши ўнгидан келмаган одам

حَرْمَلٌ *бот.* жанубда ўсадиган ўсимликлардан бири (*уруғи бўёқчиликда ишлатилади*)

– حَرَمْلِكٌ *қар.* حرم

– حَرْمَلَةٌ *кўп.* حَرَامِلُ, حَرْمَلَاتٌ калта чопон, елкага ташлаб юриладиган енгсиз кийим

I **حَرَنَ**[1] (*у*) حُرُونٌ 1) ўжарлик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ (*от ҳақида*), 2) тўхтаб қолмоқ, бузилмоқ, юрмай қолмоқ (*машина ҳақида*); حَرَنَ[2] (*у*) حُرُونٌ = حَرَنَ

– حَرُونٌ *кўп.* حُرُنٌ қайсар, ўжар, асов, терс: ён бермайдиган, галга кўнмайдиган

حَرْوَةٌ 1) зарда, жиғилдон қайнаш; 2) сассиқ ҳид, бадбўй ҳид

V تَحَرَّى (حرى) 1) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ; 2) ҳар томонлама текширмоқ, текшириб кўрмоқ, қидирмоқ, қидирув ишлари олиб бормоқ, дастлабки тергов ишларини олиб бормоқ; 3) риоя қилмоқ, амал қилмоқ; أَوَامِرَ الدِّينِ ~ дин кўрсатмаларига амал қилмоқ

– أَحْرَى энг муносиб, энг мос, энг боп; ... بِهِ أَنْ ~ унинг учун энг яхшиси ...; بِالْـــ ~ энг яхшиси, энг тўғриси; айниқса, хусусан, ... فَمَا أَحْرَانَا أَنْ ... энг яхшиси биз ... имиз керак эди; فَقَدْ كَانَ بِهِ ~ энг яхшиси у ... дейиши керак эди; إِنْ لَمْ تَفْهَمْ هَذَا ... أَنْ يَقُولَ ... агар бу нарсани сен тушунмаган бўлсанг, бизнинг тушунишимиз анча мушкул أَنْتَ لَهُوَ ~ أَنْ لَا نَفْهَمَهُ نَحْنُ

– تَحَرٍّ *кўп* تَحَرِّيَاتٌ 1) қидириш, қидириб топиш, тадқиқот, тадқиқ қилиш; التَّحَرِّيَاتُ التَّأْرِيخِيَّةُ тарих соҳасидаги тадқиқотлар; 2) текширув, ҳар томонлама текшириб кўриш; қидирув иши, дастлабки тергов; رِجَالُ التَّحَرِّي махфий полиция агентлари, شُرْطَةُ التَّحَرِّي қидирув полицияси

– حِرَاءٌ Ҳиро (*Маккаи мукаррамадаги тоғ номи*)

– حَرِيٌّ (*бирор н. га*) муносиб, арзигулик (ب); أَوْ بِالْـــ ~ ундан яхшиси эса

I **حَزَّ** (*а/у*) حَزٌّ 1) кертиб белги қилмоқ, тилмоқ, чақмоқламоқ; 2) ярадор қилмоқ; ажратмоқ, кесмоқ, қирқмоқ; ◊ أَلَمٌ فُؤَادَهُ ~ оғриқ жонини қийнаб юборди; هَذَا الْمَنْظَرُ فِي نَفْسِهِ (قَلْبِهِ) ~ бу нарсага қараб туриш унинг учун жуда оғир (*сўзма-сўз*: бу манзара унинг дилини ўртаб юборди; عَجَزْتُ عَنْ ... فِي نَفْسِهِ ... فَكَمْ ~ ... қила олмаганлигимдан у қанчалик азобланди (сўзма-сўз: ...дан ожизлиги уни қанчалик азобга қўйди), II حَزَّزَ кертик қилиб қўймоқ, кемтик қилмоқ; VIII احْتَزَّ ажратмоқ, кесмоқ, чопмоқ

– حَزٌّ[1] сал (бир оз) кесиш, андак кесиш, чақмоқлаш, 2) ярадор қилиш, яралаш

– حَزٌّ[2] *кўп* حُزُوزٌ 1) кертиш, кесиш; кертик, белги, кесик; 2) яра; 3) керакли, зарур он (момент)

– حَزَازٌ *жам.* 1) бош кепаги, қазғоқ; 2) темиратки; 3) *бот.* Исландия йўсини

– حَزَازَةٌ[1] 1) бош кепаги, қазғоқ; 2) темиратки

– حَزَازَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ — 1) душманлик, адоват; ғазаб, қаҳр, аччиқ; нафрат; 2) эски (қадимий) хусумат; кўп низо, ниф оқ, тортишув; ـَاتٌ قَبَلِيَّةٌ — қабилавий (*қабилалараро*) низолар

– حَزَازَةٌ[3] юракдаги оғриқ

– حَزَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) кертиш, кесиш; кертик, белги, кесик; 2) керакли он (момент); 3) зарда, жиғилдон қайнаши; حَسْرَةٌ ~ оғриқ (юракдаги)

– حُزَّةُ السَّرَاوِيلِ ~ лозим *ёки* бошқа ички кийимнинг бел қисми; أَخَذَ بِـــهِ *маж.* бўйнидан олмоқ (*сўзма-сўз*: белидан олмоқ)

– مَحَزٌّ 1) кертик, белги, кесиқ; 2) энг нозик, энг қалтис жой, ◊ أَصَابَ الْـــ الْيَوْمَ мўлжалдаги жойга тегмоқ; нақ ўзига тегмоқ; وَصَلَتِ السِّكِّينُ عَلَى الْـــ бугун пичоқ бориб, суякка тақалди (сўзма-сўз: бугун пичоқ энг нозик жойга етди)

I **حَزَبَ** (*у*) حَزْبٌ (*бирор к. га*) таъсир қилмоқ, (*бирор к. ни*) қаттиқ ранжитмоқ, ташвишга солмоқ (فِي), II حَزَّبَ (ўз атрофига одамларни) тўпламоқ, йиғмоқ (إِلَى); 2) партия ташкил этмоқ; ~ الأَحْزَابَ ضِدَّهُ (*бирор к. га қарши*) тиш қайрамоқ, ҳужум қилмоқ, жангга отланмоқ; III حَازَبَ 1) (*бирор к. билан*) бир партияга мансуб бўлмоқ; 2) (*бирор к. ни*) қўллаб-қувватламоқ; V تَحَزَّبَ 1)партия сафига кирмоқ, партия аъзоси бўлмоқ, 2) партия ташкил қилмоқ; 3) (*бирор к. нинг*) тарафида бўлмоқ (لِـــ); 4) (*бирор к. га қарши*) отланиб чиқмоқ, ҳужум қилмоқ (ضِدَّ)

– حَزَبٌ *кўп.* حَوَازِبُ ташвишга соладиган нарса, фалокат; حَزَبَهُ ~ унга нимадир қаттиқ азоб бермоқда

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَحَزُّبٌ 1)партиявийлик; 2) партиявийлик руҳи; 3) ғаразгўйлик билан қараш, тарафкашлик, ғараз; ~ عَدَمُ الـــ бетарафлик, холислик, беғаразлик

– تَحَزُّبِيٌّ ғаразгўй, тарафкаш

– حِزْبٌ, أَحْزَابٌ 1)партия (*сиёсий*); الأَحْزَابُ الْعُمَّالِيَّةُ ишчи партиялари; الْعُمَّالِ ~ лейбористлар партияси; الأَحْزَابُ *кўп. Қур.* Мадинаи мунаввара учун бўлган жангда Муҳаммад алайҳиссаломга қарши турган иттифоқдош қабилалар; 2) Қуръони каримнинг олтмишдан бир қисми; النُّزُولِ ~ қимматли қоғозлар баҳоси тушганда савдо қилувчилар (*биржада*)

– حِزْبِيٌّ 1. партияга оид; ~ لا *ёки* ~ غَيْرُ партиясиз; 2. партия аъзоси

– حِزْبِيَّةٌ партияга мансублилик, партиявийлик; ~ اللاَّ партиясизлик

– مُتَحَزِّبٌ 1) партия ҳисобидаги, 2) ўз қарашларида сабот билан турувчи

I **حَزَرَ** (*u, y*) حَزْرٌ 1) пайқаб билиб олмоқ, тахминан аниқламоқ, тахмин қилмоқ, белгиламоқ, аниқламоқ; 2) ўйлаб топмоқ, гумон қилмоқ

– حَزْرَةٌ *кўп* اتٌ ~ الْمَالِ ـــ мол-мулкнинг энг яхшиси

– حَزُورَةٌ *кўп* حَزَارِيرُ топишмоқ; жумбоқ, чистон, муаммо

– مَحْزَرَةٌ 1) аниқлаш, белгилаш; 2) пайқаш, идрок, сезгирлик; фараз, гумон

I **حَزَقَ** (*u*) حَزْقٌ 1) босмоқ, сиқмоқ, эзмоқ, қисмоқ; қисиб (*сиқиб*) қўймоқ, тор келмоқ (*кўйлак, оёқ кийими ва ҳ.к. ҳақида*); 2) қидирмоқ, ахтармоқ; 3) *халқ* кучаниб қақағламоқ (*тухум қилаётган товуқ ҳақида*); الْفَرَاخُ تَبِيضُ وَتُحَزِّقُ ~ бошқалар учун ишламоқ (*сўзма-сўз*: товуқ каби сотувчи учун тухум қиласан ва кучаниб қақағлайсан), II حَزَّقَ торайтирмоқ, тор қилмоқ, тиғиз қилмоқ, зич қилмоқ; торайтмоқ (*мас., шимни*); VII انْحَزَقَ торайтмоқ

– حَازِقٌ туфлиси қисган, тор келган одам

– حَزُوقَةٌ, حَازُوقَةٌ ҳиқичоқ

– حَزْقٌ 1) босиш, сиқиш, эзиш, қисиш, қисиб қўйиш; 2) ҳиқичоқ тутиш; 3) *халқ* кучаниб қақағлаш (*тухум қўяётган товуқ ҳақида*)

– حَزْقٌ гала, тўда, тўп

– حِزْقَةٌ = حَزْقٌ

– حَزِيقَةٌ *кўп.* حَزَائِقُ парча, лахтак, узуқ, бўлак

– مُحَزَّقٌ тор, сиқиқ (*кийим ҳақида*)

– مَحْزُوقٌ қийин вазиятга қўйилган, қийин вазиятда қолган; оғиз очолмайдиган бўлиб қолган, чурқ этолмайдиган

I (حزم) **حَزَمَ** (*u*) حَزْمٌ боғламоқ, тугмоқ, тугун тугмоқ; жойлаб саранжом қилмоқ, ўраб қўймоқ; 2) тасма тақмоқ; белбоғ боғламоқ, камар боғламоқ, белга ўрамоқ, حَزْمٌ (*y*) حَزْمٌ, حَزَامَةٌ, حُزُومَةٌ 1) қатъиятли бўлмоқ, собиткадам бўлмоқ; 2) мулоҳазали бўлмоқ, доно бўлмоқ, тадбирли бўлмоқ; II حَزَّمَ 1) камар боғламоқ, белга ўрамоқ, белига белбоғ боғлаб қўймоқ; 2) боғ боғламоқ, бойламоқ, тугмоқ, V تَحَزَّمَ (*бирор н билан*) белни боғламоқ, бойламоқ (ب), 2) эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмоқ; (*бирор н. да*) қатъият кўрсатмоқ (في), VII انْحَزَمَ боғланмоқ, тугилмоқ, жойланиб саранжом қилинмоқ, VIII احْتَزَمَ белни боғламоқ, бойламоқ; (*бирор н. ни*) белга бойламоқ (ب)

– أَحْزَمُ энг доно, энг тадбиркор, энг фаросатли; ~ الـــ أَنَّ ... энг маъқули шуки, ...

– حَازِمٌ *кўп* حَزَمَةٌ 1) қатъий, саботли, узил-кесил; 2) доно, тадбиркор, фаросатли, маъқул; эҳтиёткор

– حِزَامٌ *кўп.* أَحْزِمَةٌ, حِزَامَاتٌ белбоғ, камар; ҳарбийлар камарининг елка тасмаси; (*шунингдек*: لِلْفَتْقِ ~ бандаж (*таннинг касал жойини танғиб қўядиган камар, белбоғ*), ~ السَّرْجِ қоринбоғ, айил (*от абзали*), ~ الأَمْنِ *ёки* ~ الأَمَانِ *ёки* ~ النَّجَاةِ эҳтиёт камари, сувга чўкиб кетмаслик учун белга боғланадиган камар; ~ الـــ الإِشْعَاعِيُّ مِنَ الأَرْضِ *физ.* Ернинг радиоактив минтақаси, ~ شَدَّ ـــهُ а) камарни қисиб бойламоқ, кам овқатланмоқ, ўзини қантармоқ, б) (*бирор н га*) тайёрланмоқ, ҳозирлик кўрмоқ (ـــ); ~ وَثَّقَ اللهُ ـــهُ у тўқ, бадавлат яшайди

– حِزَامِيٌّ белга (камарга) оид; айланма, ҳалқасимон; خَطُّ الْمِتْرُو الـــ~ метронинг айланма йўли

– حَزْمٌ[1] 1 1) боғлаш, бойлаш, тугиш (*тугун қилиш*), жойлаб, саранжомлаб қўйиш, ўраб қўйиш; 2) қатъият, матонат, собот; فِي ~ *ёки* ~ ـــ қатъият билан; 3) мулоҳазалилик, тадбиркорлик, ақллилик; эҳтиёткорлик

– حَزْمٌ[2] *кўп* حُزُومٌ кўтаринкилик, юксаклик, олижаноблик, юксалиш, мартабаси ошиш

– حُزْمَةٌ тугун, боғлам, даста, шода; той (*мас., пахта тойи*); маҳсулот жойланадиган, ўраладиган нарса; пакет, қоғоз халта; боғ, бойлам (*мас., ошкўк, редиска*); боғ (бойлам); ~ تَأَلَّبُوا عَلَيْهِ وَاحِدَةً улар ҳаммалари бир бўлиб унга қарши ҳужумга ўтдилар

– حَزِيمٌ *кўп* حُزُمٌ қатъиятли, матонатли, собитқадам

– حَيْزُومٌ *кўп* حَيَازِيمُ 1) кўкрак; الصَّدْرِ ~ *анат.* умуртқа билан кўкрак кафаси оралиғи; 2) кема тагёғочининг кема тумшуғига ўтган томони; кеманинг олд қисми, тумшуғи; 3) фаришталар минадиган отлардан бирининг номи

– مِحْزَمٌ, مِحْزَمَةٌ, مِحْزَامٌ *кўп.* مَحَازِمُ 1)фартуқ; камар; 3) ўров, ўрам; ўраш, бандероль

I **حَزَنَ** (*y*) حَزْنٌ хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ, ғамга солмоқ; حَزَنَ (*a*) حُزْنٌ (*бирор н дан*) хафа бўлмоқ, ғам чекмоқ, қайғуда қолмоқ (عَلَى, لِـــ); 2) (*бирор к га*) аза очмоқ, мотам тутмоқ (عَلَى); II حَزَّنَ қайғуга солмоқ, ғамга қўймоқ, кулфат келтирмоқ; IV أَحْزَنَ хафа қилмоқ, қайғуга солмоқ; V تَحَزَّنَ ғамгин бўлмоқ, хафа бўлмоқ; VI تَحَازَنَ ўзини ғамгин қилиб кўрсатмоқ; VIII احْتَزَنَ = V

– تَحْزِينٌ ~ الـــ بِـ майин овоз билан ўқимоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– حَزَائِيٌّ, حَزَائِنِيٌّ 1) ғамгин, қайғули, ҳасратли, аянч; 2) матонатга оид; ~ قُمَاشٌ мотам матоси, азада кийиладиган мато

– حَزْنٌ *кўп.* حُزُونٌ нотекис қаттиқ тупроқ

– حَزَنٌ ғам, кулфат, хафалик

– حَزِنٌ ғамгин, қайғули, аянчли

– حُزْنٌ *кўп.* أَحْزَانٌ ғам, қайғу, ҳасрат; мотам, аза; رَادَّهُ هَذَا ~ عَلَى бу уни яна баттар қайғуга солди

– حَزْنَانُ *кўп.* حَزَانَى 1) ғамгин, қайғули, аянчли; 2) мотамдор, азадор

– حُزُونَةٌ нотекислик (*тупроқдаги*)

– حَزِينٌ *кўп.* حُزَنَاءُ, حِزَانٌ 1) ғамдан ғангиб қолган, ғамгин, хафа, қайғули; اَلْقَلْبِ ~ ўксик қалбли, дили ўксик; اَلْجُمْعَةُ الْـ~ـةُ *қар* جُمْعَةٌ 2) ачинарли, кишининг раҳмини келтирадиган; مَالِكُ الْـ~ *қар* مَالِكٌ

– مَحْزُنٌ ғам-ғуссали, дард-аламли, юракни эзадиган, вазмин, фожиавий, фожиали, даҳшатли, ваҳимали; رِوَايَةٌ ~ـةٌ *ад.* фожиа, трагедия

– مَحْزَنَةٌ ғам, дард, алам, қайғу, мотам, аза

– مَحْزُونٌ ғамгин, қайғули, хафа, дардли

حَزْنَلٌ *бот.* дастарбош, бўймодарон (*ўсимлик*)

حُزْوَى Даҳно чўлидаги қумлоқ ер қисми

حَزِيرَانُ июнь

– حُطَامٌ синиқ, бўлак, парча, қолдиқ; ~ السَّفِينَةِ кема парчалари; ~ الدُّنْيَا а) дунёнинг ўткинчи ноз-неъматлари; б) обрў-эътибор, мол-мулк, бисот

– حُطَمَةُ: ~ الـ дўзах номларидан бири; ~ رَجُلٌ еб тўймас одам, серовқат одам

– حُطْمَةٌ *кўп.* حُطَمٌ синиқ, бўлак, парча, қолдиқ

– حَطِيمٌ[1] ~ الـ ал-Ҳатим (*Каъбатуллоҳ деворларидан бир қисмининг номи*)

– حَطِيمٌ[2] вайрон бўлган, тор-мор қилинган

– مُحَطِّمٌ бузувчи, синдирувчи; ~ الْبَاخِرَةُ الـ~ الْجَلِيد музёрар кема

حُطَّيٌّ бўш, заиф, нимжон; камбағал, қашшоқ, бечора

I **حَظَّ** (*u/a*) حَظٌّ 1)бахтли бўлмоқ, бахтиёр бўлмоқ, саодатга эришмоқ; 2) ризқи баланд бўлмоқ; IV أَحَظَّ = I

– حَظٌّ *кўп.* حُظُوظٌ улуш, насиба, тақдир, қисмат; бахт, саодат, омад; муваффақият, катта ютуқ; тўқлик, бадавлатлилик, мўллик; хурсандлик, мамнунлик, шодлик; роҳат, ҳузур-ҳаловат; ~ سُوءِ الـ~ муваффақиятсизлик, бахтсизлик, омадсизлик; مِنْ لِسُوءِ الـ~ *ёки* ~ سُوءِ الـ~ бахтга қарши, مِنْ حُسْنِ الـ~ *ёки* لِحُسْنِ الـ~ хайрият, яхшики, яхшиямки; مِنْ ~ـه الْحَسَنِ унинг бахтига, الـ~ خَانَهُ ундан омад кетди; أَتَاحَ لَهُ الـ~ أَنْ ... унга ...иш муяссар бўлди; لَعَنَ الـ~ أَنَّ... тақдирга лаънат ўқимоқ, لَقَدْ أَسْعَدَنِي الـ~ أَنَّ... мен шундан бахтлиманки, ...

– حَظِيظٌ бахтли, омадли, толеи ёр

– مَحْظُوظٌ 1. бахтиёр қилинган; бахтли, бахтиёр; шод, хуррам; 2. севикли, жонажон, азиз, манзур

– مَحْظُوظِيَّةٌ ҳузур-ҳаловат; шодлик, хуррамлик

I **حَظَرَ** (*y*) حَظْرٌ 1) қўрғон қилиб ўрамоқ, девор билан ўраб олмоқ; 2) (*бирор к. га*) ман этмоқ, таъқиқламоқ (عَلَى); 3) молхонага (*қўрага*) жойламоқ (*ҳайвонларни*); II حَظَّرَ тамоман ман этмоқ, мутлақо таъқиқламоқ, VIII احْتَظَرَ атрофини қўра қилиб ўраб олмоқ

– حِظَارٌ қўра, ғов, тўсиқ, девор

– حَظْرٌ таъқиқ, таъқиқлаш, ман этиш; عَلَى وَارِدَاتٍ ~ эмбарго, молни мамлакатга келтиришни таъқиқлаш; ~ التَّجَارِبِ النَّوَوِيَّةِ ядро синовларини таъқиқлаш

– حَظِيرَةٌ *кўп.* حَظَائِرُ қўра, ғов, тўсиқ; молхона, қўйхона; ~ الْبَهَائِمِ оғилхона; ~ الْغَنَمِ қўйхона, қўтон; ~ لِتَرْبِيَةِ الْبَدَارِيِّ паррандалар асрайдиган хона, товуқ катаги; ~ الْمُنْطَادِ аэростатлар турадиган, қўнадиган жой; ◊ الْقُدْسِ ~; жаннат; ... دَخَلَ فِي ~ ...нинг таркибига кирмоқ

– مَحْظُورٌ 1. ман этилган, таъқиқланган; 2. *кўп.* ـَـ اتٌ таъқиқланган нарсалар: ـَـ اتٌ таъқиқлар; الضَّرُورَاتُ تُبِيحُ ضَرُورَةٌ *қар* الـ~ات

I **حَظِيَ** (*а*) حُظْوَةٌ, حِظْوَةٌ,حَظَةٌ 1) роҳатланмоқ, масза қилмоқ, завқланмоқ; фойдаланмоқ; (*бирор н. қилиб*) ҳузур олмоқ, лаззатланмоқ (ب); بِتَأْيِيدِه ~ қўллаб-қувватлашидан фойдаланмоқ; بِثِقَتِه ~ ишончидан фойдаланмоқ, баҳраманд бўлмоқ; بِشَرَفِ التَّعَرُّفِ بِه у билан танишиш шарафига муяссар бўлмоқ; بِمُقَابَلَتِه ~ у билан бўлган учрашувдан баҳраманд бўлмоқ, у билан учрашиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

насиб бўлмоқ; 2) (*бирор н. ни*) олмоқ (ب) ; 3) ҳурматли бўлмоқ, эътибор эгаси бўлмоқ; VIII اِحْتَظَى = I

– حُظْوَةٌ 1) юқори даража, имтиёзли даража; мурувват, лутф, эътибор, қулайлик туғдириш; маъқуллаш; ҳурмат қилиш; نَالَ ~ عِنْدَهُ унинг мурувватига сазовор бўлмоқ; 2) бахт, толе

– حَظِيٌّ обрў-эътиборли, юқори мартабали

– حَظِيَّةٌ *кўп.* حَظَايَا никоҳсиз хотин, ўйнаш

– مَحْظِيَّةٌ *кўп.* ـَـاتٌ = حَظِيَّةٌ

I **حَفَّ** (*a/y*) حَفٌّ 1) (*бирор н. билан*) ўраб олмоқ (ب); بِالْمَخَاطِرِ ~ хавф-хатарлар таҳдид қилмоқ; 2) (*бадандаги*) жунни қирмоқ; олдирмоқ (*мас., соқолни*); 3) қириб олмоқ, қиртишлаб ташламоқ; 4) бир нарсанинг ўзини жуда кўп емоқ; حَفَّ[1] (*u/u*) حُفُوفٌ қуримоқ; ـَـتِ الأَرْضُ ~ ердаги ҳамма нарса қуриди; حَفَّ[1] (*u/y*) حَفِيفٌ 1) шовқин солмоқ; шитирламоқ, шалдирамоқ, шилдирамоқ, шитир-шитир қилмоқ; 2) шир-шир қилмоқ (*арранинг овози ҳақида*); II حَفَّفَ 1) ўраб олмоқ; 2) (*бадандаги*) жунни қирмоқ, олмоқ; VIII اِحْتَفَّ (*бирор к. ни, бирор н. ни*) ўраб олмоқ; (*бирор н. атрофида*) жипслашмоқ

– حَافٌّ 1) ўраб олган, ўраб олувчи; 2) қўшиб ейдиган нарсаси йўқ (*мас., нон*)

– حَافَّةٌ *кўп.* حَوَافُّ 1) чет, қирғоқ, тўсиқ; الْحَرْبِ ~ عَلَى уруш арафасида; 2) қирғоқ, соҳил; الْقَارَّةِ ~ океан, денгизнинг қитъага туташган қисми

– حِفَافٌ *кўп.* أَحِفَّةٌ чет, қирғоқ, ён, биқин

– حُفُوفٌ тукларни юлиш, олиш (*мас., юздаги*)

– حَفِيفٌ 1) шитирлаш, шалдираш, шилдираш; 2) ширилаш (*арра овози ҳақида*)

– مَحَفَّةٌ *кўп* ـَـاتٌ ـَـ замбил; тахтиравон, моафа; касаллар аравачаси, коляска; касаллар замбили (носилкаси)

I **حَفَدَ** (*y*) حَفْدٌ, حَفَدَانٌ (*бирор н. ни*) тез бажармоқ; IV أَحْفَدَ тезлик билан кўтармоқ, тезда кўтармоқ

– حَافِدٌ *кўп.* حَفَدَةٌ хизматкор

– حَفْدٌ тезлик, суръат

– حَفِيدٌ *мн.* حَفِيدَةٌ *кўп.* حَفَدَةٌ, أَحْفَادٌ набира, невара

– مَحْفَدٌ *кўп.* مَحَافِدُ насл, зурриёт, авлод

I **حَفَرَ** (*y*) حَفْرٌ 1) кавламоқ; кавлаб олмоқ, кавлаб чиқармоқ, кавлаб ташламоқ, кавлаб топмоқ; حُفْرَةٌ ~ чуқур кавламоқ; *кўч.м.* зимдан чоҳ қазмоқ; 2) маъдан, ёғоч *ёки* тошга ўйиб нақш солмоқ, ўйиб ишламоқ; عَلَى الْخَشَبِ ~ ёғочни ўйиб нақш солмоқ; عَلَى ~ الْعِظَامِ суякка нақш ишламоқ; عَلَى الْمَعْدِنِ ~ маъданни ўйиб нақш чизмоқ; 3) пармалаб кавламоқ; VIII اِحْتَفَرَ кавламоқ, қазмоқ, қазимоқ

– أُحْفُورٌ *кўп.* أَحَافِيرُ 1) кавлаб топилган нарса; археологик топилма; 2) қазилма

– أُحْفُورٌ = أُحْفُورَةٌ

– حَافِرٌ *кўп* حَوَافِرُ туёқ; ~ وَ حَفٌّ туялар ва отлар, وَقَعَ الْـــ~ عَلَى бир жуфт олмадек ўхшаш бўлмоқ; жуда тўғри, ҳеч нариберисиди йўқ

– حَافِرَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ экскаватор; غُرْفَةُ الْـــ~ экскаватор кабинаси

– حَافِرَةٌ[2] бидоя, ибтидо, бошланиш; رَجَعَ إِلَى ~ـــهِ бошланғич ҳолатга қайтмоқ, аслига қайтмоқ; عِنْدَ الْـــ~ бошланишида, дарҳол, ўша пайтнинг ўзида

– حَافِرِيٌّ 1) туёққа оид, туёқли; 2) туёқ шаклидаги

– حَفَّارٌ 1. қазувчи; الْقُبُورِ ~ гўрков; 2. 1) ер қазувчи; 2) ўймакорлик билан шуғулланувчи; 3) *зоол.* бузоқбоши

– حَفَّارَةٌ ер кавлайдиган машина; экскаватор

– حَفْرٌ 1) кавлаш, қазиш, وَرَدْمٌ ~ қазиш ишлари; 2) ўймакорлик, 3) *мед.* тиш касалланиши; тишда ҳосил бўладиган тош, дурда

– حَفَرٌ *мед.* тиш касалланиши

– حُفْرَةٌ *кўп.* حُفَرٌ чуқур, чоҳ

– حَفْرِيَّاتٌ *кўп* 1) қазиб олиш, қазиб (кавлаб) чиқариш; عِلْمُ الْـــ~ археология; қазиш пайтида топилган ашёлар

– حَفِيرٌ кавлаб олинган, қазиб чиқарилган

– حَفِيرَةٌ *кўп* حَفَائِرُ 1) чуқур, чоҳ; хандақ, зовур; 2) қазиладиган жой, عُلَمَاءُ الْحَفَائِرِ археологлар

– مَحْفُورٌ 1) кавланган, кавлаб ташланган, қазилган; 2) ўйиб нақш ишланган; صُورَةٌ ~ـَةٌ ўйиб ишланган расм, гравюра

I **حَفَزَ** (*u*) حَفْزٌ 1) (*бирор н. қилишга*) ундамоқ, жалб қилмоқ, қизиқтирмоқ (عَلَى, إِلَى); 2) санчиб олмоқ, санчиб тешмоқ; V تَحَفَّزَ (*бирор н. га*) тайёр турмоқ, ҳозир турмоқ, бўлмоқ (لِـــ); VIII اِحْتَفَزَ 1)= V; 2) тиззалаб *ёки* чўкка тушиб ўтирмоқ; ялпалмай, қисиниб ўтирмоқ

– حَافِزٌ *кўп* حَوَافِزُ рағбатлантирувчи нарса, туртки, бирор ишни орзулашга бўлган сабаб

– حَفَّازٌ *кўп.* اتٌ ـــ *кимё.* катализатор (*реакцияларни юзага келтирувчи ёки тезлатувчи модда*)

حَفَشٌ *зоол.* осётрлар оиласига мансуб балиқ тури; كَبِيرٌ ~ *ёки* ~ أَبْيَضُ катта оқ балиқ; صَغِيرٌ ~ осетрлар оиласига мансуб балиқ тури

– حُفْشٌ кичик уй, уйча

– حُفَيْشٌ осётр, бикри (*балиқнинг бир тури*)

I **حَفِظَ** (*a*) حِفْظٌ 1) асрамоқ, сақламоқ, авайламоқ, эҳтиёт қилмоқ; риоя қилмоқ; ғамхўрлик қилмоқ, жон куйдирмоқ; ҳимоя қилмоқ; ـــهُ حِفْظَ حَدَقَةِ (بِالْبُوسْتَةِ) يُحْفَظُ (بِالْبَرِيدِ) йўқлаб олинадиган хат; الْعَيْنِ бирор нарсани кўз қорачиғидек сақламоқ; 2) ёддан билмоқ, ёдламоқ, ёд олмоқ, ёдлаб олмоқ, хотирда сақламоқ; 3) ғамлаб қўймоқ, ғамламоқ, консерва қилмоқ; ◊ عَلَى ظَهْرِ قَلْبٍ ~ ёдламоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёдлаб олмоқ, ёддан билмоқ; II حَفَّظَ 1) (*Қуръони каримни*) ёдлаб олмоқ, ёдламоқ, хотирда сақламоқ; 2) ёдлатмоқ, ёд олишга ўргатмоқ; уқтирмоқ, тушунтирмоқ; 3) аччиғини келтирмоқ, жаҳлини чиқармоқ, ғазабини келтирмоқ, ғазаблантирмоқ; III حَافَظَ асрашга (сақлашга, эҳтиёт қилишга) уринмоқ (ҳаракат қилмоқ); риоя қилмоқ; (*бирор н. га*) ғамхўрлик қилмоқ, жон куйдирмоқ (عَلَى), ҳимоя қилмоқ, қўриқламоқ, мудофаа қилмоқ (عَلَى); IV أَحْفَظَ ғазабини қўзғамоқ, ғашига тегмоқ, аччиқлантирмоқ, жаҳлини чиқармоқ (*бирор к-ни бошқа бирор к-га қарши*) нафратини қўзғамоқ, қаҳрлантирмоқ (عَلَى); V تَحَفَّظَ 1) эҳтиёт бўлмоқ, сақланмоқ; ҳушёр бўлмоқ, ҳушёр бўлиб турмоқ; 2) ўзини тута билмоқ, вазмин бўлмоқ, сипо бўлмоқ; 3) (*бирор н. ҳақида*) ғам емоқ, қайғурмоқ (ب); 4) бирин-кетин ёд олмоқ; VIII اِحْتَفَظَ 1) ўзи учун асрамоқ (сақламоқ), тўхтатиб қолмоқ, тутиб қолмоқ (ب); ўзида сақлаб қолмоқ; حَقَّ الرَّدِّ فِيمَا بَعْدُ ~ ўзида жавоб қайтариш ҳуқуқини сақлаб қолмоқ; لِنَفْسِهِ بِحَقِّهِ ~ (*бирор н. қилиш*) ҳуқуқини ўзида сақлаб қолмоқ (فِي ,عَلَى) بِرَأْيِهِ ~ ўз фикрида қолмоқ; 2) сақланмоқ, асралмоқ; 3) (*бирор н. га*) риоя қилмоқ (ب); X اِسْتَحْفَظَ (*бирор к. дан*) сақлашни (асрашни) илтимос қилмоқ (сўрамоқ)

– تَحَفُّظٌ *кўп* اتٌ — 1) эҳтиёткорлик, ҳушёр туришлик, вазминлик, сиполик; ~ ضَحِكَ فِي غَيْرِ ўзини тўхтатолмай кулмоқ; ~ بِـــ вазминлик билан, ўзини босиб олган ҳолда; 2) консерватизм; 3) *кўп* изоҳ, шарҳ, шарт, баҳона; اتٍ — دُونَ сўзсиз, ҳеч бир шарт қўймасдан

– تَحَفُّظِيٌّ эҳтиёт шарт деб қилиб қўйилган, эҳтиёткорлик сифатидаги, олдини олиш сифатида амалга оширилган, олдиндан амалга оширилган; ~ إِجْرَاءَاتٌ олдини олиш учун бажариладиган чоралар

– تَحْفِيظٌ ёд олиш, ёдлаш

– حَافِظٌ *кўп* حُفَّاظٌ ,حَفَظَةٌ 1. 1) авайлаб сақловчи, эҳтиёт қилувчи; 2) ёддан билувчи; 2. 1) сақловчи, қўриқловчи; 2) *кўп* حَوَافِظُ сақлагич; 3) Қуръони каримни ёддан билувчи қори, ҳофиз

– حَافِظَةٌ[1] хотира, ҳофиза

– حَافِظَةٌ[2] *кўп* حَوَافِظُ 1) рўйхат, хотира ёзуви; 2) ҳамён, кармон, сумка; ~ الْكُتُبِ жилд, сумка; ~ الْأَوْرَاقِ *ёки* النُّقُودِ ҳамён, кармон

– حِفَاظٌ[1] сақлаш, асраш, авайлаш; қўриқлаш, ҳимоя; ~ عَلَى السِّلْمِ тинчликни ҳимоя қилиш

– حِفَاظٌ[2] *кўп* اتٌ — қуллоб (*тананинг касал жойини танғиб қўядиган камар, белбоғ*); бинт

– حَفْظٌ 1) асраш, сақлаш, қўриқлаш, ҳимоя; 2) ёдлаш, ёдда сақлаш, ёд олиш; 3) консервалаш, консерва қилиш; 4) риоя қилиш, амал қилиш

– حَفَظَةٌ *кўп* одамларнинг номаи аъмолини битувчи фаришталар

– حِفْظَةٌ ғазаб, қаҳр, жаҳл, кек, адоват

– حَفِيظٌ 1. қўриқловчи, пойловчи, сақловчи; 2. пойлоқчи

– حَفِيظَةٌ = حَفَائِظُ *кўп.* حِفْظَةٌ ~ـــهُ أَثَارَ бирор кимнинг ғазабини қўзғатмоқ, жаҳлини чиқармоқ

– مُتَحَفِّظٌ оғир табиатли, вазмин, саботли, чидамли

– مُحَافِظٌ 1 1) қўриқловчи, пойловчи; риоя қилувчи; ~ عَلَى الْمَوَاعِيدِ жуда аниқ, ўз вақтида бажарувчи; 2) консерватив, эскиликни сақлаб қолишга интилувчи. 2. 1) сақловчи, назоратчи; пойлоқчи; 2) консерватор; حِزْبُ الْـــينَ консерваторлар партияси; 3) муҳофиз (*муҳофаза бошлиғи*), губернатор

– مُحَافَظَةٌ *кўп* اتٌ — 1) риоя қилиш, сақлаш, асраш, авайлаш; أَتَعَهَّدُ بِالْـــ عَلَيْهِ ~ـــي عَلَى حَيَاتِي уни ўз ҳаётимдек асраш кафиллигини оламан; 2) муҳофаза (*муҳофиз бошқарадиган маъмурий-ҳудудий бирлик*)

– مِحْفَظَةٌ, مَحْفَظَةٌ *кўп* مَحَافِظُ портфель, папка; ~ نَقْدِيَّةٌ *ёки* ~ الْجَيْبِ ҳамён, кармон; 2) ғилоф, жилд

– مَحْفُوظٌ сақланаётган, асралаётган, қўриқланаётган; ~ بِالْبَرِيدِ (بِالْبُوسْتَةِ) йўқлаб олинадиган хат; 2) ёдланган, эсда қолган; 2)консервланган

– مَحْفُوظَاتٌ *кўп* 1)архивдаги делолар, архив ҳужжатлари, архив, ~ـــ دَارُ الْـــ архив (*идора, ташкилот*): 2) (*мактабларда*) ёд олинадиган материаллар

– مُسْتَحْفَظٌ *ҳарб.* захира, запас, резерв

I **حَفَلَ** (*u*) حَفْلٌ, حُفُولٌ 1) тўпланмоқ, жамланмоқ, йиғинмоқ, келиб тўпланмоқ, йиғилмоқ; 2) тўла бўлмоқ, тўлмоқ, (*бирор н. га ёки бирор н. билан*) тўлғазилмоқ (ب); 3) (*бирор н. га*) эътибор бермоқ, диққатни қаратмоқ (ب),(*бирор н. га*) аҳамият бермоқ (ب), يَحْفَلُ بِهِ муҳим; II حَفَّلَ 1) (*бирор н. билан*) безамоқ, зийнат бермоқ (ب), 2) йиғмоқ, тўпламоқ; ~ اللَّبَنَ сути елинда тўпланиши учун туяни соғмай турмоқ; VIII اِحْتَفَلَ 1) тўпланмоқ, йиғилишмоқ, тантана ташкил қилмоқ, байрам қилиб ўтказмоқ; (*бирор н. ни*) нишонламоқ (ب), بِالذِّكْرَى الْخَمْسِينَ عَلَى مَوْلِدِهِ ~ бирор кимнинг эллик ёшини нишонламоқ; 2) (*бирор к. ни*) тантанали қабул қилмоқ, шарафламоқ (ب); 3) (*бирор н. га*) эътиборни қаратмоқ; (*бирор н. ҳақида*) қайғурмоқ

– اِحْتِفَالٌ *кўп* اتٌ — 1) лиқ тўлганлик; 2) тантана, байрам; тантана маросими, расмий тантана тартиби, ~ خِطَابِيٌّ тантанали митинг; ~ تَذْكَارِيٌّ юбилей тантаналари; ...ـــ بِـــ ...ни байрам қила туриб, ...ни тантанали нишонлаган ҳолда

– حَافِلٌ 1) (*бирор н. га*) тўла, лиқ; кўп сонли, кўп одамли; ~ جَمْعٌ кўп сонли оломон; 2) тантанали

– حَافِلَةٌ *кўп* اتٌ, حَوَافِلُ — 1) вагон; 2) автобус, киракаш извош

– حُفَالَةٌ нишхўрт, бирор ниманинг яроқсиз қисми

– حَفْلٌ 1) оломон; йиғин, халойиқ; компания; 2)тантана, нишонлаш; ~ افْتِتَاحِ الْمُؤْتَمَرِ конференциянинг, конгресснинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

очилиш тантанаси

– حَفْلَةٌ, حَفَلاتٌ тантана, байрам қилиш, байрам: тантанали йиғилиш; тантана маросими; тамоша; меҳмонлар билан ўтказиладиган кеча; ~ الاسْتِقْبَال қабул маросими (*мас. элчихонада*) ~ افْتِتَاحِ الْمُؤْتَمَرِ конференция, конгресснинг очилиши тантанаси; ~ التَّأْبِين мотам йиғилиши; ~ خَطَابِيَّةٌ митинг; ~ الْعُرْسِ ёки ~ الزَّوَاجِ ёки ~ الزِّفَاف никоҳ маросими, тўй, никоҳ тўйи; ~ رَاقِصَةٌ рақс кечаси; ~ الشَّايِ банкет, зиёфат, чойхўрлик; ~ تَمْثِيلِيَّةٌ спектакль; ~ سِينَمَائِيَّةٌ киносеанс; ~ سَاهِرَةٌ кеча базм, гап; ~ مُوسِيقِيَّةٌ концерт; ~ لِمَوْلِد туғилган кун тантаналари; ~ الدَّفْنِ дафн маросими; ~ التَّبَرُّكِ фотиҳа олиш маросими (*сафар олдидан*)

– مُحْتَفِلٌ 1. به ~ қутланувчи, нишонланувчи; 2. тўпланиш жойи

– مَحْفَلٌ *кўп* مَحَافِلُ 1) тўпланиш жойи; 2) ячейка (*масонлар ташкилотаники*); 3) йиғин, мажлис; 4) *кўп* доиралар; الْمَحَافِلُ الرَّسْمِيَّةُ расмий доиралар; الْمَحَافِلُ السِّيَاسِيَّةُ сиёсий доиралар; الْمَحَافِلُ الْمُطَّلِعَةُ огоҳлантирилганлар; хабардор бўлганлар доираси

– مِحْفَلَةٌ *кўп* ات — замбил, носилка

حَفْلَطَ безамоқ, зийнатламоқ, ясатмоқ

– حَفْلَطَةٌ зийнат, безак

I (حَفَنَ) **حَفْنٌ** 1) (*бирор н. ни*) ҳовучлаб олмоқ; 2) оз миқдорда бермоқ

– حَفْنَةٌ, حُفْنَةٌ *кўп* حَفَنَاتٌ, حُفَنَاتٌ, حُفَنٌ ҳовуч, сиқим, кафт, чимдим; ~ مِنْ كِبَارِ الْمَالِيِّينَ бир ҳовуч йирик банкирлар

حفو *қар* حفي

I **حفي**[1] (*а*) حَفَاوَةٌ хурсандлик билан, қизғин кутиб олмоқ; (*бирор к. ни*) ҳурматини ўрнига қўйиб қабул қилмоқ (ب); حَفِيَ[2] (*а*) حَفًا, حَفِيَ 1) ялангоёқ юрмоқ; 2) юраверіб оёғи оғримоқ; IV أَحْفَى 1) (*мўйловни*) яхшилаб қиртишламоқ; 2) суриштириб билмоқ, билишга уринмоқ; 3) ўрганмоқ; V تَحَفَّى (*бирор к. га*) иззат-икром кўрсатмоқ (ب); VIII احْتَفَى 1) (*бирор к. ни*) тантанали равишда кутиб олмоқ; хурсандлик билан қабул қилмоқ (ب); тантанали равишда кузатиб қўймоқ (ب); шарафламоқ; (*бирор к. ни*) зиёфат қилмоқ, сийламоқ, бавлимоқ; 2) (*бирор н. га нисбатан*) эътибор бермоқ, диққатини қаратмоқ (ب)

– احْتِفَاءٌ 1) тантанали кутиб олиш, шодиёна учрашув, илтифот; ҳурмат, эҳтиром

– حَافٍ *мн* حَافِيَةٌ *кўп* حُفَاةٌ ялангоёқ, оёқ яланг

– حَافِيَةٌ *қар* حَافٍ

– حَفَاوَةٌ 1) тантанали кутиб олиш, шодиёна учрашув; 2) самимият, илтифот; сермулозаматлик, сертакаллуфлик; — самимият билан, лутфан; 3) шодлик, хурсандлик

– حَفِيٌّ *кўп* أَحْفِيَاءُ, حُفَوَاءُ 1. 1) яхши билувчи, хабардор; 2. илтифотли (*бирор к. га*) ҳурмат, эътибор билан қаровчи (ب); لَقِيَ به ~ бирор кимни ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилмоқ (*қарши олмоқ*); 2. 1) билимдон, олим; 2) аъзо (*мас., араб тили академиясига*)

– مُحْتَفًى به الْـ~ шарафланувчи, қутланувчи

– مُحْتَفًى яхшилаб, қиртишлаб олинган (*мас., мўйлов*)

I (حَقَّ) **حَقٌّ** унинг ...и керак бўлмоқ (عَلَيْهِ ,لَهُ), сенинг ...инг керак бўлмоқ (عَلَيْكَ ,لَكَ), менинг ...им зарур бўлмоқ (عَلَيَّ ,لِي); حُقَّ لَهُ унинг ...ишга ҳаққи бор, унинг ...иши керак; 2) ҳақиқий бўлмоқ, реал бўлмоқ. II حَقَّقَ амалга оширмоқ, ҳаётга татбиқ қилмоқ, татбиқ қилмоқ, бажармоқ; (*фаразни*) исбот қилмоқ; 2) тергамоқ, тергов қилмоқ (*жиноий иш*).(*бирор к. устидан*) тергов олиб бормоқ (مع) 3) ўрганмоқ, тадқиқ қилмоқ 4) текширмоқ, текшириб чиқмоқ; тасдиқламоқ; ~ الذَّاتِيَّةَ шахсни тасдиқламоқ; 5) (*товушларни*) тўғри талаффуз қилмоқ. ~ حُرُوفَ اللُّغَةِ الْعَرَبِيَّةِ араб тили товушларини тўғри талаффуз қилмоқ. III حَاقَّ ўзаро ҳақиқатни даъво қилмоқ. IV أَحَقَّ (*бирор н. да*) ҳақ бўлмоқ (في); ◊ ~ الْحَقَّ وَ ~ أَحَقَّ الْحَقَّ وَ ~ أَبْطَلَ الْبَاطِلَ ҳақиқатни аниқлаб, қаллобликни фош қилмоқ. V تَحَقَّقَ 1) амалга ошмоқ, бажарилмоқ, рўёбга чиқмоқ, тўғри бўлиб чиқмоқ (*олдиндан айтилган башорат*) 2) тасдиқланмоқ, (*бирор н. га*) ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ, (*бирор н. ни*) албатта билиб, ўрганиб олмоқ (*тушум келишигида ёки* مِنْ); 3) тергов қилинмоқ. VI تَحَاقَّ ўзаро жанжаллашмоқ. VIII احْتَقَّ хусумат қилмоқ, урушмоқ, жанжал бошламоқ. X اسْتَحَقَّ 1) бирор нимага ҳақи бор бўлмоқ, бирор нимага ҳақдор бўлмоқ; қозонмоқ; лойиқ бўлмоқ; сазовор бўлмоқ; арзимоқ; يَسْتَحِقُّ الذِّكْرَ у хотирлашга арзийди; 2) (*бирор к. га*) тегишли бўлмоқ, тегиши лозим бўлмоқ (لِـ), келмоқ, яқинлашмоқ (*тўлов муддати ҳақида*). تَسْتَحِقُّ كَافَّةُ الدُّيُونِ барча қарзларнинг тўлов муддати яқинлашмоқда

– أَحَقُّ энг катта ҳуқуққа эга, энг ҳақдор, энг арзийдиган, энг сазовор

– أَحَقِّيَّةٌ 1) ҳақ, ҳақ-ҳуқуқ, ҳуқуқлилик; қонунийлик, (*талабнинг*) адолатлилиги, 2) имтиёзли ҳуқуқ

– اسْتِحْقَاقٌ 1) сазоворлик, (*бирор н. га*) ҳақи борлик. ~ مِدَالِيَّةُ الْـ алоҳида муваффақият медали; ~ (بِدُونِ) بِغَيْرِ ўринсиз ҳолда, нолойиқ равишда, асоссиз равишда; ~ عَنْ ўринли равишда, хизматига яраша; 2) тўлов муддатининг яқинлашиши; тўловнинг зарурлиги. ~ يَوْمُ الْـ тўлов муддати (*куни*) (*мас., векселларнинг*)

– اسْتِحْقَاقَاتٌ *кўп* мукофот, ажр, ҳақ, бадал

– تَحْقِيقٌ 1) амалга ошириш, бажариш, татбиқ қилиш; ~ الذَّاتِ *фалс.* ўзига борлиқнинг (*дунёнинг*) объективлигини рад этувчи субъект деб қараш; 2) текшириш; 3) ўрганиш, тадқиқ қилиш; 4) аниқлаш (*мас., ҳақиқатни*); тергов қилиш (*шунингдек*: قَضَائِيٌّ ~), дастлабки тергов, тергов олиб бориш; ~ أَجْرَى тергов олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

бормоқ; ~ مَعَ الْجَانِي الـــ жиноятчи устидан олиб борилган тергов; ~ الذَّاتِيَّة *ёки* الشَّخْصِيَّة шахсни аниқлаш; ~ عَلَى الـــ *ёки* عَلَى وَجْهِ الـــ аниқ, рост, тўғри; ~ان иқ, рост

– حَاقَّة фалокат, офат, мусибат; ~ الـــ қиёмат

– حَقٌّ 1 ҳақиқий, чинакам, тўғри, адолатли (*мас*, *талаб, даъво*)

– حَقٌّ 2 *кўп* حُقُوقٌ ҳақ, ҳуқуқ; ~ صَاحِبُ ҳуқуқ эгаси, ҳуқуқи бор киши; ~ فِي (عَلَى) الْعَمَلِ (الرَّاحَة) меҳнат қилиш (дам олиш) ҳуқуқи; ~ الْمُلْكِيَّة мулкка эгалик ҳуқуқи; ~ الانْتِفَاعِ фойдаланиш ҳуқуқи; ~ الامْتِيَازِ патент; ~ الْمُؤَلِّف муаллифлик (авторлик) ҳуқуқи; ~ النَّقْضِ وَالإِبْرَام вето ҳуқуқи; ~ الاتِّفَاق *юр.* бировнинг мулкидан маълум даражада фойдаланиш ҳуқуқи; ~ الدُّوَلِيُّ халқаро ҳуқуқ; ~ الشُّعُوبِ فِي تَقْرِيرِ مَصِيرِهَا халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; حُقُوقُ الإِنْسَان инсон ҳуқуқлари, حُقُوقٌ عَيْنِيَّةٌ кўчмас мулкка эга бўлиш ҳақ-ҳуқуқлари, حُقُوقٌ مَدَنِيَّةٌ гражданлик ҳуқуқлари, عِلْمُ الْحُقُوق ҳуқуқшунослик, юриспруденция, مَجْلِسُ الْحُقُوق трибунал, كُلِّيَّةُ الْحُقُوق ҳуқуқ факультети, юридик факультет; ~ عَنْ *ёки* ~ـــ ҳақли равишда асосли равишда; بِغَيْرِ ~ ҳақсиз равишда, асоссиз равишда; وَ مِن ~هِمْ أَنْ يَفْتَخِرُوا улар фахрланишга ҳақлидирлар; ... مَلِكُ الـــ فِي أَنْ ... га ҳақи бор бўлмоқ; ... أَعْطَى الـــ لَهُ فِي أَنْ ... иш ҳуқуқини бермоқ; مِنْ ~نَا أَنْ نَقُولَ ... бизнинг ... дейишга ҳаққимиз бор; 2) адолат, одиллик, тўғрилик, ҳақиқат; الـــ مَعَكَ! сен ҳақсан!; ~ عَلَى هُوَ у ҳақ!; الـــ وَالـــ يُقَالُ إِنَّ ростини айтганда ...; عَلَيْكَ сен ноҳақсан!; ... اسْتَخْلَصَ مِنْهُ بِالـــ ~ وَبِالْبَاطِلِ алдаб-сулдаб, авраб бировдан пул олмоқ; تَعَرَّفَ زَيْدًا ~ الْمَعْرِفَة Зайдни у яхши танийди; عَلِمَ زَيْدًا ~ الْعِلْمِ Зайдни етарли даражада билмоқ; ~ بِالـــ *ёки* ~ ростдан, чиндан, ҳақиқатда, аслида; 3) ҳақ, тегиш, бажарилиши лозим нарса, мажбурият; عَلَيْكُمْ لِلْعِلْمِ ~ илм-фан йўлида сиз ишга мажбурсиз; ◊ الـــ Оллоҳ; ~ـــه унга нисбатан, унга, унинг адресига, у ҳақда; حَرَّرَ ~ـــه مَحْضَرًا у ҳақда протокол тузилган; قَدَّمْتُ ~ـــه (عَنْ ~ـــه) تَقْرِيرًا мен у ҳақда баённома (доклад) тақдим этганман; ~ الشَّعْبِ جَرِيمَةٌ ~ـــه халққа қарши қилинган жиноят

– حُقٌّ *кўп.* أَحْقَاقٌ 1) қути, қутича; яшик, яшикча; ~ الإِبْرَة *ёки* ~ الْمَلَّاحِينَ компас; 2) банкача; 3) чуқурча, чўнқир, ботиқ ер, ўпирилиб кетган ер, камар, ўра, уя; *анат.* тизза кўзи, тизза қопқоғи; *анат.* кўз косаси

– حِقٌّ *мн.* حِقَّة уч ёшдаги туя

– حَقَّانِيٌّ 1) ҳуқуқшуносликка, юриспруденцияга оид; الـــ ـــة ёки وِزَارَةُ الـــ ـــة адлия вазирлиги; 2) адолатга оид, адолатли, одил

– حُقَّة *кўп.* حُقَق яшик, қути, ҳуққа; (*сол. шунингдек* حُقٌّ)

– حُقُوقِيٌّ 1. ҳуқуқий, ҳақ-ҳуқуққа тегишли; 2. юрист

– حَقِيق *кўп.* أَحِقَّاءُ (*бирор н. га*) арзигулик, сазовор, лойиқ (ب); (*бирор н. га*) ҳақи бор (ب)

– حَقِيقَة *кўп* حَقَائِقُ 1) ҳақиқат, ҳақ, ҳаққоният; реаллик, ҳақиқийлик; ~ مَوْضُوعِيَّة объектив ҳақиқат; ~ مُجَرَّدَة мавҳум (*абстракт*) ҳақиқат; ~ سَاطِعَة чин ҳақиқат; ~ وَاقِعَة шубҳасиз (мутлақ) ҳақиқат; ~ ـــ *ёки* ~ ـــ ҳақиқатда ҳам, аслини олганда, аслида; ~ الْحَال масаланинг асл моҳияти; قَلَبَ الـــ رَأْسًا عَلَى عَقِب ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ; 2) моҳият, туб (асл) маъно, мағиз; ~ الـــ فِي ҳақиқатда, аслида; ~ الأَمْرِ масаланинг моҳияти; 3) асл қадрият

– حَقِيقِيٌّ ҳақиқий, чин, чинакам, реал; ~ أَمْرٌ амалга ошган факт, содир бўлган иш, ҳақиқий воқелик

– مُحِقٌّ ҳақ, ҳақли, тўғри, рост; 2 ҳақиқий одам, адолатли одам

– مُحَقَّقٌ 1) амалга ошган, бўлиб ўтган; 2) шак-шубҳасиз, муҳаққақ, аниқ, тўғри; ~ فَوْزُهُ унинг ғолиб келиши шак-шубҳасиз; أَنْقَذَهُ مِنَ الْمَوْتِ الـــ ~ бирор кимни нақд ўлимдан сақлаб қолмоқ

– مُحَقِّقٌ 1. 1) амалга оширувчи; 2) текширувчи, назорат қилувчи; 3) ўрганувчи, тадқиқ қилувчи, тадқиқот ишлари олиб борувчи; 2. 1)тадқиқотчи; ~ بَاحِثٌ фаҳм-фаросатли тадқиқотчи; 2) терговчи

– مَحْقُوقٌ 1) ноҳақ, ҳақсиз, адолатсиз; 2) (*бирор н. га*) арзигулик, лойиқ (ـــل, ب); ◊ أَنْ يَفْعَلَ هَذَا هُوَ ~ у буни бажариши керак

– مُسْتَحَقٌّ *кўп* ـاتٌ — тўланиши (олиниши, берилиши) лозим бўлган маблағ

– مُسْتَحِقٌّ 1) арзийдиган, лойиқ, муносиб; тўланиши (олиниши, берилиши) лозим бўлган; пули тўланадиган; الْمَبْلَغُ الـــ ~ لَكُمْ сиз тўлашингиз (олишингиз, беришингиз) керак бўлган маблағ

(حقب) VIII اِحْتَقَبَ 1) чемоданга, сумкага жойламоқ; 2) йиғмоқ, захира қилмоқ, асраб қўймоқ, ғамлаб қўймоқ

– حِقَابٌ *кўп* حُقُبٌ аёллар белига боғлайдиган камар

– حِقَبٌ *кўп* أَحْقَابٌ арқон, камар, қоринбоғ, айил (*от абзали*)

– حُقُبٌ *кўп* حِقَابٌ, أَحْقَابٌ 70 билан 80 ёш ўртасидаги давр; аср; ◊ سَالِفُ الأَحْقَابِ фи ўтмиш замонларда

– حُقْبٌ = حُقُبٌ

– حِقْبَةٌ *кўп* حِقَبٌ талайгина вақт, талай вақт; *геог.* эра; الـــ ~ الأَوْلَوِيَّة палеозой эраси; الـــ ~ الثَّانَوِيَّة мезозой эраси

– حَقِيبَةٌ *кўп* حَقَائِبُ халта, қоп, сумка; чемодан, жомадон; ~ يَدٍ сумкача, қўл жомадони, чемоданча; ~ سَفَرٍ сафар жомадони,

www.ziyouz.com kutubxonasi

саквояж; حَقَائِبُ دِبْلُومَاسِيَّةٌ حَقَائِبُ الْمَالِ бойлик, давлат, капитал; дипломатик режа-ниятлар; حَقَائِبُ وِزَارِيَّةٌ вазирлик лавозимлари (*портфеллари*)

حَقْحَقَةٌ белни қаттиқ қисиб турадиган камар, тасма

I **حَقَدَ** (*u*) حِقْدٌ (*бирор к. га нисбатан*) кек сақламоқ; (*бирор к.* ни) ёмон кўрмоқ (عَلَى); IV أَحْقَدَ нафрат қўзғатмоқ, нафратлантирмоқ; V تَحَقَّدَ (*бирор к. дан*) нафратланмоқ, кек сақламоқ (عَلَى); VI تَحَاقَدَ бир-биридан ўзаро нафратланмоқ, бир-бирини ёмон кўрмоқ

– حَاقِدٌ *кўп* حَقَدَةٌ 1. ёмон кўрувчи, нафратланувчи; дарғазаб; ёмон, ёвуз. 2. душман, нафрат билан қаровчи

– حِقْدٌ *кўп.* أَحْقَادٌ, حُقُودٌ нафрат, ғазаб, кек; ~ حَمَلَ (*бирор к. га қарши*) ичида кеки бўлмоқ (لـ); كَنَّ لَهُ الْـ~ الأَسْوَدَ бирор кимга қарши қаттиқ кек сақламоқ, ... لـ~ أَعْمَادَهُ ...га бўлган нафрати унинг ақлини хира қилиб қўйган

– حَقُودٌ кекчи; адоватчи, гинахон; ичиқора, бахил

– حَقِيدَةٌ *кўп.* حَقَائِدُ кек; нафрат

I **حَقَرَ** (*u*) حَقْرٌ жирканмоқ, ҳазар қилмоқ, ҳақорат назари билан қарамоқ, менсимай қарамоқ; эътиборсиз қарамоқ, бепарво қарамоқ, аҳамият бермай кўймоқ; حَقَارَةٌ (*y*) манфур бўлмоқ, жирканч бўлмоқ, разил бўлмоқ. II حَقَّرَ қаттиқ ҳазар қилмоқ, қаттиқ жирканмоқ, ерга урмоқ; (*бирор к. га*) менсимай қарамоқ, назарга илмай қарамоқ, илтифотсизлик қилмоқ; VIII اِحْتَقَرَ жиркимоқ, ҳазар қилмоқ, ҳақорат назари билан қарамоқ; (*бирор к. га*) ҳурматсизлик билан муносабатда бўлмоқ; X اِسْتَحْقَرَ (*бирор к. ни*) манфур (жирканч, разил) деб билмоқ; жирканмоқ, ҳазар қилмоқ

– اِحْتِقَارٌ нафрат, жирканиш, ҳазар қилиш, ҳурматсизлик; менсимай қараш; ~ بِـ *ёки* ~ فِي нафрат билан, менсимай, نَظَرَ عَيْنٌ إِلَيْهِ بِعَيْنِ الْـ~ *қар*

– تَحْقِيرٌ ҳазар қилиш, жирканиш; менсимаслик

– حَقَارَةٌ пасткашлик, қабиҳлик, палидлик, ифлослик, ҳеч нарсага арзимаслик

– حَقِيرٌ пасткаш, қабиҳ, палид, ифлос, тубан, бечора, ҳеч нарсага арзимайдиган

– مُحْتَقَرٌ пасткаш, қабиҳ, тубан, палид

I **حَقَفَ** (*y*) حُقُوفٌ оёқ-қўлларини икки буклаб ётмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*)

– حِقْفٌ *кўп* أَحْقَافٌ қум барханлари, қумдан иборат тепаликлар; Ал-Аҳқоф (*Ҳазрамавтнинг шимолидаги Ар-Рубъулхолий саҳросининг бир қисми*)

II حَقَّلَ (حقل) ерни қисмларга ажратмоқ. III حَاقَلَ ғаллани ўриб олинмаган ҳолда, кўклигича сотмоқ; IV أَحْقَلَ الزَّرْعُ ~ экиннинг барги ёзилмоқ (*танаси қотмасдан илгари*), ~ ـتِ الأَرْضُ далага айланмоқ (*ер ҳақида*)

– حَقْلٌ[1] *кўп* حُقُولٌ 1) дала, шудгор, ҳайдалган ер; ~ اِشْتِرَاكِيٌّ жамоа хўжалиги даласи; ~ التَّجَارِبِ тажриба майдони; ~ الْبُتْرُولِ *ёки* ~ الزَّيْتِ *ёки* ~ النَّفْطِ нефть чиқадиган ер, нефтга бой ер; ~ الأَلْغَامِ *ҳарб.* мина қўйилган ер; إِلاَّ الْحُقُولَ *миф.* дала ва ўрмонлар илоҳи; 2)соҳа; عَمَلٌ فِي ~ الْعُلُومِ وَالْفُنُونِ وَالآدَابِ фан, санъат ва адабиёт соҳасидадаги фаолият; 3) стун (*газетадаги*)

– حَقْلٌ[2] барг ёзган, лекин танаси қотмаган экин

– حَقْلَةٌ *кўп* أَحْقَالٌ шудгор, ҳайдалган ер; شَرْطٌ بِالْـ~ وَلاَ خِنَاقٌ ~ بِالْبَيْدَرِ *мкл.* хирмонда бўғишгандан шудгор вақтида келишиб олган афзал

– حُقَيْلَةٌ *кўп* اتٌ ـ даланинг бир қисми

– مُحَاقَلَةٌ ғаллани ўриб олмай даланинг ўзида сотиш

I **حَقَنَ** (*y*) حَقْنٌ (*бирор н. билан*) эмламоқ (ب); ~ بِـهِ إِبْرَةً *мед* бирор кимга укол қилмоқ; 2) клизма қилмоқ; 3) ушлаб қолмоқ, сақлаб қолмоқ; ~ دَمَهُ *маж.* бирор кимни ўлимдан сақлаб қолмоқ; ~ الدَّمَ қон тўкилишига мойиллик қилмоқ, VIII اِحْتَقَنَ 1) эмланмоқ; 2) клизма қилмоқ. 3; қони кўпаймоқ, қони кўпайиб кетмоқ, ~ وَجْهُهُ унинг юзи қизариб кетди

– اِحْتِقَانٌ қон қуйилиши, қоннинг тўхтаб қолиши; *мед.* қон қуйилиши, ~ دَمَاغِيٌّ мияга қон қуйилиши, ~ رِئَوِيٌّ *мед* пневмония, ўпка яллиғланиши, зотилжам. ~ مِعَوِيٌّ *мед* ичак яллиғланиши

– حَاقِنٌ 1. 1) эмловчи; 2) (*сийдик*) тутадиган. 2. инжектор (*буғ қозонига сув чиқариб турадиган, конларни шамоллатадиган, кема трюмидан сувни чиқариб ташлайдиган асбоб*)

– حَقْنٌ 1) эмлаш; тери остига дори юбориш, инъекция; آلَةُ ~ الْـ шприц. 2) ичакларни ювиш, клизма. 3) ушлаб қолиш, тўхтатиб қолиш; ~ الدِّمَاءِ қон тўкишни тўхтатиб қолиш; ~ لِلدِّمَاءِ қон тўкмаслик мақсадида

– حُقْنَةٌ *кўп* حُقَنٌ 1) эмлаш воситаси; 2) тери остига дори юбориш, инъекция; ~ تَحْتَ الْجِلْدِ *ёки* ~ جِلْدِيَّةٌ тери остига эмлаш; ~ عَضَلِيَّةٌ мушак ичига дори юбориш; ~ وَرِيدِيَّةٌ *ёки* ~ فِي الْوَرِيدِ вена (қон томири) га дори юбориш. 3) *шунингдек:* ~ شَرَجِيَّةٌ клизма. 4) шприц, шприц игнаси

– حَقَاءٌ *кўп* حَقَوٌ 1) бел; ~ يَبْلُغُ الْمَاءُ سُرَّتَهُ сув унинг белидан келади; 2) белдан пастга кийиладиган ички кийим

I **حَكَّ** (*a/y*) حَكٌّ 1) суртмоқ, ишқамоқ, ишқаб едирмоқ, ишқаламоқ, уқаламоқ. 2) қирмоқ, қиртишламоқ, тарашламоқ, қириб тозаламоқ. 3) қашимоқ, қашламоқ, тирнамоқ, тимдаламоқ, тataламоқ. 4) пробани аниқламоқ, тажриба ўтказмоқ; ◊ فِي ~ صَدْرِهِ бирор кимга таъсир қилмоқ, бирор кимнинг кўнглини юмшатмоқ, бирор кимнинг ҳиссиётига таъсир этмоқ; II حَكَّكَ 1)суртмоқ, ишқамоқ, ишқаб едирмоқ, ишқаламоқ. 2) (*қиммат баҳо тошга*) сайқал бермоқ, силлиқламоқ; IV أَحَكَّ 1)қичима (қўтир) касали билан оғримоқ. 2) қичимоқ, қичишмоқ (*тери*); V تَحَكَّكَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*бирор н. га*) ишқаланмоқ; (*бирор к. билан*) жанжални бошламоқ; VI تَحَاكَّ (*бирор к. билан*) тўқнашмоқ, тўқнашиб кетмоқ, бир-бирига тегмоқ, бир-бирига тегиб турмоқ (ب); VIII احْتَكَّ 1) (*бирор н. га*) суртанмоқ, ишқаланмоқ (ب); (*бирор к. билан*) тўқнашмоқ, тўқнашиб кетмоқ; бир-бирига тегмоқ, бир-бирига тегиб турмоқ (ب); X اسْتَحَكَّ 1) қичима бўлмоқ, қўтир бўлмоқ; 2) қичимоқ, қичишмоқ

– احْتِكَاكٌ 1) *физ.* ишқалиш, иш қаланиш; ~ُ الْـ قَوَانِينُ ишқалиш қонуни; 2) бир-бирига тегиш, тегиб туриш; 3) тўқнашув, учрашув

– احْتِكَاكِيٌّ ишқалишга, ишқаланишга оид; *фон.* сирғалувчи (*товуш*)

– حَكٌّ 1) ишқалаш, ишқаланиш; тирнаш, тимдалаш; 2; қириш, қиртишлаш, тарашлаш

– حُكٌّ компас

– حَكَّاكٌ 1) қирралаб силлиқловчи ишчи, сангтарош; 2) пробачи, проба олувчи (қўювчи); 3) қашлағич билан отларни қашловчи

– حَكَكٌ бўр, оқ бўр

– حَكَّةٌ *кўп.* اتٌ — суртиш, ишқалаш, уқалаш; ~ُ عُودِ ثِقَابٍ гугурт чақиш

– حَكَّةٌ *мед.* қичима, қўтир; қичиш

– مِحَكٌّ *кўп.* اتٌ — 1) олтин *ёки* кумушнинг софлик даражаси (*пробаси*) ни аниқлашда ишлатиладиган махсус тош; 2) мезон, критерий

– مِحَكَّةٌ *кўп.* اتٌ — қашлагич

حَكْحَكَ қаттиқ ишқамоқ, қаттиқ ишқаламоқ, роса ишқаб едирмоқ

– حَكْحَكَةٌ қаттиқ ишқаш, қаттиқ ишқалаш

! **حَكَرَ** (*а*) حَكْرٌ 1) ҳаммасини сотиб олмоқ, сотиб олиб йиғмоқ; 2) монополия қилиб олмоқ, у *ёки* бу нарсадан ёлғиз бир шахс *ёки* ҳукуматнинг ўзигина фойдаланмоқ; VIII احْتَكَرَ 1) ҳаммасини сотиб олмоқ, сотиб олиб йиғмоқ; 2) монополияга айлантирмоқ, монополия қилиб олмоқ; 3) чайқовчилик қилмоқ, чайқовчилик билан шуғулланмоқ; الطَّعَامَ ~ овқатнинг қайнашини кутиб турмоқ

– احْتِكَارٌ *кўп* اتٌ — 1) сотиб олиш, сотиб олиб йиғиш; 2) монополия; ~ُ الْـ أَرْبَابُ монополистлар; ~ُ التِّجَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ ташқи савдо монополияси; اِحْتِكَارَاتُ الْبِتْرُولِ нефть монополиялари; اِ~َ جَعَلَهُ бирор нимани монополия қилмоқ, бирор нимани монополияга айлантирмоқ; 2) чайқовчилик билан шуғулланиш, чайқовчилик

– احْتِكَارِيٌّ 1. 1) монополияга оид; 2) монополистик; 2. монополист; ~ُ الْـ الشَّكْلُ لِلرَّأْسْمَالِيَّةِ, капитализмнинг монополистик шакли

– احْتِكَارِيَّةٌ монополизм

– حَاكُورَةٌ *кўп.* حَوَاكِيرُ томорқа

– حِكْرٌ *кўп* أَحْكَارٌ 1) ижарага бериладиган иморатлар, бинолар; 2) иморатлардан, бинолардан олинадиган ижара ҳақи

– حُكْرٌ, حَكَرٌ монополияга айлантирилган, монополия қилинган (*нарса*)

– حُكْرَةٌ монополия

– مُحْتَكِرٌ 1) монополист; 2; олибсотар, чайқовчи

حُكْلٌ майда ҳашарот; майда организм

! **حَكَمَ** (*у*) حُكْمٌ, حُكُومَةٌ 1) идора қилмоқ, бошқармоқ; 2) ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ, ҳукм сурмоқ; 3) суд қилмоқ, ишини судда кўрмоқ.(*бирор н. ҳақида*) ҳукм қилмоқ, ҳукм чиқармоқ (ب); (*бирор к. нинг*) фойдасига ҳукм қилмоқ (لـ); (*бирор к. ни бирор н. га*) ҳукм қилмоқ (ب عَلَى); عَلَيْهِ بِالْإِعْدَامِ ~ бирор кимни ўлимга ҳукм қилмоқ; بِإِدَانَتِهِ ~ бирор кимни айбдор деб топмоқ; بِبَرَاءَتِهِ ~ бирор кимни айбсиз деб топмоқ, оқламоқ; 4) ўзини тиймоқ, босмоқ, ўзини тутмоқ, тиймоқ; حَكُمَ (*у*) حَكَمَةٌ доно бўлмоқ, ҳаким бўлмоқ, донишманд бўлмоқ; II حَكَّمَ 1) 1) ҳакамлар судяси этиб сайламоқ; ҳоким қилиб тайинламоқ; 2) (*бирор н. ни*) ишлатишда чекланмаган ҳуқуқ бермоқ (في); 3) мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ, маҳкам қилмоқ; 4) даволамоқ, муолажа қилмоқ (*врач, табиб ҳақида*); ◊ عَقْلَهُ ~ мияни ишлатмоқ, ўйлаб кўрмоқ, ақл юритмоқ; III حَاكَمَ судлашмоқ, суд жараёнини бошқармоқ; 2) судга бермоқ, судга оширмоқ; IV أَحْكَمَ 1) мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ; 2) пишиқ иш қилмоқ, пухта иш қилмоқ, аниқ қилиб бажармоқ, яхшилаб бажармоқ; فَتْلَ الشَّارِبِ ~ мўйловни яхшилаб бурамоқ إِغْلَاقَ الْخِزَانَةِ ~ шкафни маҳкам беркитмоқ; 3) мукаммал даражада билмоқ; V تَحَكَّمَ ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ, хоҳлаганча иш тутмоқ, буйруқ бермоқ, буйруқ қилмоқ, хўжайинлик қилмоқ; ўзиники қилиб олмоқ; диктатор бўлмоқ, диктаторлик қилмоқ; VI تَحَاكَمَ судлашмоқ; (*бирор к устидан*) судга мурожаат қилмоқ; VIII احْتَكَمَ 1) судлашмоқ, (*бирор к га*) судяга қилгандек мурожаат қилмоқ (إِلَى); (*бирор к. га*) масалани ҳал этиш учун мурожаат қилмоқ (إِلَى)! 2) (*бирор к. ни*) ҳакамлар судьяси ўрнида қабул қилмоқ; 3) ҳукмронлик қилмоқ, ҳокимлик қилмоқ, ҳукмрон бўлмоқ; (*бирор н. ни*) бошқармоқ, ташкил қилмоқ, уюштирмоқ, бош бўлмоқ (في); (*бирор н. га*) эгалик қилмоқ, эга бўлмоқ (عَلَى); 4) (*бирор к. нинг*) устига юкламоқ.(*бирор к. га*) вазифа топширмоқ, буюрмоқ (إِلَى); 5) кўнглига келганини сўрамоқ; X اسْتَحْكَمَ 1) мустаҳкам бўлмоқ, пишиқ (пухта) бўлмоқ, истеҳкомли бўлмоқ; 2) маҳкамланмоқ, мустаҳкамланмоқ

– إِحْكَامٌ 1) мустаҳкамлаш, маҳкамлаш; 2) пишиқлик, пухталик, матонат; ~ِ بِـ мустаҳкам ҳолатда, қаттиқ туриб, зич ёпилган вазиятда; 3) аниқлик, мукаммаллик, бекаму кўстлик; ~ِ بِالدِّقَّةِ وَ الْـ аниқлик ва мукаммаллик билан; 4) (*бирор н. ни*) аниқ қилиб бажариш; ~ تَطْبِيقِ الْقَانُونِ қонунни аниқ татбиқ этиш

– اسْتِحْكَامٌ *кўп.* اتٌ — *ҳарб.* истеҳком

– تَحَكُّمٌ 1) ҳукмронлик, ҳокимлик қилиш; хоҳлаганича иш тутиш, кескин буйруқ қилиш, қатъий амр бериш; رَئِيسِيَّةٌ ~ *қар.* مَحَطَّةٌ

www.ziyouz.com kutubxonasi

مَحَطَّةٌ; 2) диктатура; ~ جِهَازُ الـ~ диктатура аппарати

– تَحَكُّمِيٌّ хоҳлаганича иш тутадиган, ўзбошимчалик билан қилинган

– تَحْكِيمٌ 1) ҳакамлик; ~ لَجْنَةُ الـ~ ҳакамлар ҳайъати, суд ҳайъати; 2) муолажа, даволаш

– تَحْكِيمَاتٌ *кўп. ҳарб.* истеҳкомлар

– تَحْكِيمِيٌّ ҳакамликка оид, اللَّجْنَةُ الـ~ـةُ ҳакамлар ҳайъати

– حَاكِمٌ 1. ҳоким, ҳукмрон, ҳукумат одами, ҳукуматга оид, السُّلُطَاتُ الـ~ـةُ ҳукумат органлари, ҳокимият; الطَّبَقَةُ الـ~ـةُ ҳукмрон табақа; 2. *кўп* حُكَّامٌ 1) ҳоким: губернатор; бошлиқ; الـ~ الأَعْلَى олий ҳукмрон; الـ~ بِأَمْرِهِ тўла ҳуқуқли ҳукмрон, диктатор; ~ عَامٌ генерал-губернатор; ~ وَ مَحْكُومٌ ҳоким ва маҳкум; бошлиқ ва тобе; 2) судя; ҳакам; ~ الصُّلْحِ чакана (*майда*) ишлар судьяси

– حَكَمٌ ҳакамлар судьяси, арбитр

– حُكْمٌ *кўп* أَحْكَامٌ 1) ҳукмронлик, 2) ҳокимият, бошқарув, бошқариш; الـ~ الذَّاتِيُّ ўзини-ўзи бошқариш, автономия; الـ~ الثُّنَائِيُّ икки давлатнинг бирор ҳудуддан ўртада фойдаланиши. الـ~ طَرِيقَةُ бошқарув усули (услуби); الـ~ كَرَاسِيُّ ҳукумат мансаблари; الـ~ قَدِمَ إِلَى ҳокимият тепасига келмоқ; 3) тузум, режим; الـ~ الْجُمْهُورِيُّ республика тузуми, الـ~ الْقَائِمُ амалдаги тузум, الـ~ الْمَلَكِيُّ подшолик (монархия) тузуми; الـ~ النِّيَابِيُّ парламентар тузум; 4) қарор; ҳукм; буйруқ, амр, фармон; топшириқ, бурч; *юр* норма; ~ النَّائِبُ الْأَحْكَامِ прокурор; ~ الْقَانُونِ қонун ҳукми; ... ~ـهُ عَلَى إِنَّ هَذَا الْعَهْدَ لَا يَنْسَحِبُ бу аҳдлашув (келишув) нинг ...га алоқаси (тааллуқи) йўқ; الْأَحْكَامُ الْعُرْفِيَّةُ уруш ҳолати қонунчилиги; уруш ҳолати, أَعْلَنَ الْأَحْكَامَ الْعُرْفِيَّةَ уруш ҳолати эълон қилмоқ; ~ بِـ الْحَاجَةِ *ёки* الضَّرُورَةِ ~ـبِـ зарурат юзасидан, ~ بِـ الْقَانُونِ қонунга кўра, ~ بِـ الْحَوَادِثِ вазиятга қараб; الـ~ بِالْإِعْدَامِ ўлимга қилинган ҳукм, ўлим жазоси; الـ~ بِالسِّجْنِ қамоқ жазоси, بِالْبَرَاءَةِ ~ оқлов ҳукми, оқлаш ҳукми (*кимга*), غِيَابِيٌّ ~ *юр* сиртдан чиқарилган ҳукм; ~ حُضُورِيٌّ *юр* томонларнинг ҳозирлигида чиқарилган ҳукм; ~ قَرَاقُوشِ адолатсиз ҳукм, 5) фикр, муҳокама, мулоҳаза; тушунча, таъриф; ◊ الْمَفْقُودِ ~ فِي هُوَ у бедарак йўқолган билан бир хилдир, у бедарак йўқолган ҳукмидадир; ~ هِمْ فِي وَ مَنْ الدَّرَاوِيشُ дарвишлар ва уларга ўхшаш кишилар; ~ فِي كَانَ الْمُسْتَحِيلِ мумкин бўлмай қолмоқ, иложсиз даражага бориб қолмоқ

– حُكْمْدَارٌ *кўп* حُكْمْدَارُونَ 1)полиция бошлиғи, миршаблар бошлиғи, полицеймейстер; 2) командир

– حُكْمْدَارِيَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ полиция бошқармаси, миршабхона

– حَكَمَةٌ *кўп* اتٌ ـــ сувлиш (*югандаги*), сувлиқ

– حِكْمَةٌ *кўп* حِكَمٌ 1) донолик, донишмандлик; фалсафа; ~ الـ~ أَلَيْسَ مِنَ الـ~ أَنَّ ... ضَالَّةُ الضَّالَّةِ *қар* ... оқилона эмасми?; 2) ҳикматли сўз, чуқур маъноли гап, мақол, матал; 3) оқилона исботлаш, донишмандона асослаш; мазмун, мағиз; 4) табобатдан хабардорлик, табобат билан шуғулланиш

– حُكْمِيٌّ ҳуқуққа оид, юридик; ~ـةٌ شَخْصِيَّةٌ *юр* юридик шахс

– حُكُومَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) бошқарма, 2) ҳукумат, маҳкама, кабинет; ~ الْعُمَّالِ وَ الْفَلَّاحِينَ ишчи-деҳқонлар ҳукумати; 3) давлат

– حُكُومِيٌّ 1) ҳукуматга оид; 2) давлатга оид; الـ~ الْمَسْرَحُ давлат театри

– حُكُومِيَّةٌ давлатчилик

– حَكِيمٌ *кўп* حُكَمَاءُ 1. доно, оқил, ақлли, фаросатли; 2. 1) донишманд,

2) файласуф; 3) табиб, ҳаким, врач, доктор; ~ الْأَسْنَانِ тиш доктори, дантист; ~ الْعُيُونِ кўз доктори, окулист; ~ بَاشِيٌّ бош табиб, бош врач

– مُحَاكَمَةٌ *юр* судлашиш, даъволашиш; судда ишни кўриш; суд жараёни, процесс

– مُحْكَمٌ 1) яхшилаб бажарилган; мукаммал; маҳкам, пухта, пишиқ, мустаҳкам; 2) аниқ, тўғри, чин, ҳақиқий, чинакам; 3) дадил, қатъий, ишонарли (*ҳаракат*), 4) очиқ-ойдин, равшан, бешубҳа (*Қуръони карим оятлари ҳақида*)

– مُحَكَّمٌ ҳакамлар судьяси, ҳакам; هَيْأَةُ الـ~ـينَ жюри, ҳайъат

– مَحْكَمَةٌ *кўп* مَحَاكِمُ суд, трибунал; ~ ابْتِدَائِيَّةٌ биринчи босқич суди; ~ الْاسْتِئْنَافِ шикоят (апелляцион) суди, қайта кўриб чиқувчи суд; ~ أَمْنِ الدَّوْلَةِ *ёки* الـ~ الْعُلْيَا Олий суд, ~ أَهْلِيَّةٌ халқ суди; ~ جُزْئِيٌّ *қар* جُزْئِيَّةٌ; ~ الْجِنَايَاتِ жиноятлар суди; ~ شَرْعِيَّةٌ шариат асосидаги суд, шаръий суд; ~ الْعَدْلِ الدُّوَلِيِّ *ёки* الـ~ الدُّوَلِيَّةُ халқаро суд, ~ عَسْكَرِيَّةٌ ҳарбий трибунал, ~ قُنْصُلِيَّةٌ консуллик суди; ~ مُخْتَلِطَةٌ аралаш суд; ~ مَدَنِيَّةٌ гражданлик суди; ~ النَّقْضِ وَ الْإِبْرَامِ кассацион суд, қуйи суд органларининг нотўғри ҳукмини бекор қилишга ҳақли бўлган юқори суд; مَحْكَمَةٌ! суд келяпти

– مَحْكُومٌ 1) عَلَيْهِ (*кўп* عَلَيْهِمْ ~) а) кесилган, судланган; (*бирор нарса*) ҳукм этилган (ب); الـ~ عَلَيْهِ بِالْأَشْغَالِ الشَّاقَّةِ каторга ишларига ҳукм қилинган, б) ҳалокатга маҳкум. ҳалокатга дучор бўлиши аниқ; 2) لَهُ الـ~ судда ғолиб чиққан, 3) بِهِ الـ~ судда кўриладиган иш

– مَحْكُومِيَّةٌ судланганлик, суд қилинганлик, судга тушганлик; عَدَمُ الـ~ судланмаганлик, судга тушмаганлик

– مُسْتَحْكَمٌ мустаҳкам, кучли, мустаҳкамланган, маҳкамланган; ~ عَدَاءٌ ашаддий адоват, ашаддий душманлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُسْتَحْكَمَاتٌ *кўп.* = اسْتِحْكَامٌ *қар.* اسْتِحْكَامَاتٌ

I **حَكَى** (*u*) حِكَايَةٌ 1) ҳикоя қилмоқ, ҳикоя айтмоқ; тасвирламоқ, айтиб бермоқ, баён қилмоқ, гаплашмоқ; 2) ўхшамоқ, ўхшаш бўлмоқ; III حَاكَى 1) ўхшамоқ, ўхшаб кетмоқ; 2) тақлид қилмоқ; худди ўзига ўхшатмоқ, худди ўзи бўлмоқ; бирор нарсанинг аниқ нусхасини яратмоқ

– حَاكٍ *мн.* حَاكِيَةٌ *кўп.* حُكَاةٌ ҳикоя қилувчи, ҳикоя айтувчи; 2)граммофон; фонограф; إِبْرَةُ الْحَاكِي граммофон игнаси

– حَكَّاءٌ ҳикоячи, ҳикоя қилувчи

– حِكَايَةٌ *кўп* اتٌ — 1) ҳикоя, қисса, воқеа; 2) *грам.* кўчирма гап. ◊ عَلَى اللهِ ~ُـها الْـ! ўнима бўлишини Оллоҳнинг ўзи билади!

– مُحَاكٍ *мн* مُحَاكِيَةٌ 1) тақлид қилувчи, тақлидчи; 2) тақлидий, тақлиддан иборат бўлган

– مُحَاكَاةٌ тақлид қилиш, тақлидчилик; худди ўзига ўхшатиш, худди ўзи бўлиш, имитация

– مَحْكِيٌّ ҳикоя қилинган, баён этилган; اللُّغَةُ الْـ~ـةُ жонли сўзлашув тили

I **حَلَّ**[1] (*a/y*) حَلٌّ 1) ечмоқ, ёзмоқ, бўшатмоқ; الْعُقْدَةَ ~ тугунни ечмоқ, тугунни ёзмоқ; الظَّرْفَ ~ конвертни очмоқ; الْقَدَّانَ ~ хўкизларни омочдан бўшатмоқ; الْبِرْدَعَةَ ~ эгарини олиб қўймоқ; 2) бураб чиқармоқ, бураб чиқариб олмоқ; الْأَلْغَامَ ~ миналарни зарарсизлантирмоқ; 3) (*бирор н. дан*) озод қилмоқ, бўшатмоқ (مِنْ); ~ مِنْ ذَنْبِهِ *дин.* гуноҳини кечмоқ, гуноҳидан ўтмоқ; 4) эритмоқ, аралаштирмоқ (*мас., сувда*); териб қўймоқ, ейиб қўймоқ 5) тарқатмоқ, тарқатиб юбормоқ (*партияни, парламентни*), *ҳарб.* тугатмоқ, тарқатиб юбормоқ; نَفْسَهُ بِنَفْسِهِ ~ ўзидан-ўзи тарқалиб кетмоқ; 6) ечмоқ, ҳал қилмоқ (*масалани, мисолни*), шартли белгилар (шифрлар) билан ёзилган хатни ўқиб чиқармоқ, бўшатмоқ, бўшаштирмоқ; حَلَّ[2] (*a/y*) حُلُولٌ 1) (*муддатнинг, йил, фаслнинг*) вақти кирмоқ, пайти келмоқ; الدَّيْنُ ~ қарзни тўлаш пайти келди. لَقَدْ مَضَى دَوْرُ الْكَلَامِ وَ ~ دَوْرُ الْعَمَلِ сафсатабозликнинг вақти ўтиб, ишлаш навбати келди. 2) банд қилмоқ, эгалламоқ (*ўринни*); ўрнашмоқ, жойлашмоқ, кўчиб келиб ўрнашмоқ, тўхтаб ўтмоқ (ب، فِـ); مَحَلَّهُ ~ вазифани вақтинча бажармоқ; ўрнини эгалламоқ; ... ضَيْفًا عَلَى ~ *қар.* ضَيْفٌ 3) (*бирор к. бошига*) тушмоқ (*мас. фалокат*); юз бермоқ, рўй бермоқ (ب). ~َتْ بِهِ نَكْبَةٌ у бахтсизликка учраб қолди; الْغَزْوَ بِهِ ~ уни ваҳимали қўрқинч чулғаб олди. 4) *дин* (*бирор н. да*) намоён бўлмоқ, гавдаланмоқ, мужассам бўлмоқ (فِي). ◊ اللَّوْنُ ~ ранги ўчмоқ, хира тортмоқ, туси кетмоқ, ранги айнимоқ; حَلَّ (*u/u*) حِلٌّ, حَلَالٌ ҳалол бўлмоқ, рухсат берилмоқ, ижозат берилмоқ, йўл қўйилмоқ; қонуний бўлмоқ, қонунга мос бўлмоқ. II حَلَّلَ эритмоқ; الْوَرَمَ ~ шишни қайтармоқ; الذَّرَّةَ ~ атомни парчаламоқ. 2) ҳал қилмоқ; таҳлил қилмоқ, анализ қилмоқ; 3) рухсат бермоқ, рухсат қилмоқ, йўл қўймоқ; 4) оқламоқ, ҳалол деб ҳисобламоқ, 5) ўзини озод қилмоқ (*мас.*, қасамдан); IV أَحَلَّ 1) жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ, кўчириб олиб жойламоқ; ўрнатмоқ, яратмоқ, амалга оширмоқ, барпо қилмоқ; киритмоқ; بَدَلَهُ ~ бирор кимни алмаштирмоқ, ~ مَحَلَّهُ бирор кимнинг ўрнига қўймоқ; 2) ҳалол деб ҳисобламоқ, ижозат бермоқ, йўл қўймоқ (*бирор к. га*) рухсат бермоқ (لِـ), 3) *дин* ҳаж маросими тугагандан сўнг одатдаги ҳаёт тарзига қайтмоқ; V تَحَلَّلَ 1) эримоқ; ёзилмоқ, очилмоқ, ечилмоқ, ёйиб қўйилмоқ; рухсат берилмоқ, йўл қўйилмоқ; 3) (*бирор н. дан*) озод бўлмоқ (مِنْ); ~ مِنَ الْقُيُودِ кишанлардан халос бўлмоқ; ~ مِنْ يَمِينِهِ қасамдан озод бўлмоқ; 4) бўшашмоқ, кучсизланмоқ, дармонсизланмоқ, сусаймоқ; VII انْحَلَّ 1) ечилмоқ, ёзилмоқ; (*бирор н. дан*) қутилмоқ, халос бўлмоқ (مِنْ); ~َتْ عُقْدَةُ لِسَانِهِ унинг жағи очилди, у гапга тушиб кетди; 2) эримоқ; тарқамоқ, тарқалмоқ; териб қўйилмоқ, ейиб қўйилмоқ; яхши пишмоқ, ҳазм бўлиб пишмоқ (*овқат*), 3) тарқатилмоқ, тарқалиб кетмоқ; 4) вориссиз бўлмоқ, меросхўрсиз бўлмоқ, эгасиз қолмоқ (*мас., вафот этган одамнинг нафақаси*), 5) ечилмоқ, ҳал бўлмоқ (*мас., мисол ёки масала*), 6) бебош бўлмоқ, ахлоқсиз бўлмоқ, бузилмоқ; VIII احْتَلَّ эгалламоқ, эгаллаб олмоқ; босиб олмоқ, оккупация қилмоқ; الْمَرْتَبَةَ الثَّانِيَةَ ~ *спорт.* иккинчи ўринни эгалламоқ; X اسْتَحَلَّ ўзига эп кўрмоқ, ўзига раво кўрмоқ; ҳалол деб ҳисобламоқ, қонуний деб билмоқ; эгаллаб олмоқ, ўзиники қилиб олмоқ

– احْتِلَالٌ босиб олиш, оккупация; الْـ~ (جُنُودُ) جَيْشُ оккупацион қўшин

– احْتِلَالِيٌّ 1. оккупацияга оид; 2. оккупация қилувчи

– إِحْلِيلٌ *кўп* أَحَالِيلُ *анат.* 1) пешоб йўлининг тешиги; 2) пешоб йўли; 3) кўкрак *ёки* елиннинг сут чиқадиган жойи

– انْحِلَالٌ 1) бўлиниш, парчаланиш, йиқилиш, ағдарилиш, қулаш, бузилиш, тарқалиш; таназзул; الْـ~ُ الْخُلُقِيُّ маънавий бузилиш; ~ُ الثُّورِ еруғликнинг тарқалиши; 2) қувватнинг пасайиши (кетиши), бўшашиш; ~ُ الصُّهْرِ жинсий заифлик; 3) тарқалиш

– انْحِلَالِيٌّ тушкунликка юз тутган, тушкунликдаги

– انْحِلَالِيَّةٌ тушкунлик, таназзул, тушкунликдаги ҳолат

– تَحَلَّةٌ 1) қасамдан ўзини озод этиш, назрни ўзидан соқит қилиш; 2) рухсат бериш, рухсат; *дин.* гуноҳларни кечиш

– تَحْلِيلٌ *кўп.* تَحَالِيلُ 1) тарқатиб юбориш; ~ُ الْوَرَمِ шишни қайтариш; 2) таҳлил, анализ; ~ُ الْبَوْلِ (الدَّمِ) пешоб (қон) анализи; ~ٌ طِبِّيٌّ тиббий анализ; ~ٌ طَيْفِيٌّ спектрал анализ; ~ٌ كَمِّيٌّ миқдорий таҳлил (анализ); ~ٌ كَيْفِيٌّ сифат таҳлили (анализи); ~ٌ نَفْسِيٌّ (نَفْسَانِيٌّ) психологик таҳлил (анализ); 3) ижозат бериш; йўл бериш; ~ُ حَرَامٍ ҳаром нарсага ижозат бериш; لَهُ حَقُّ الْـ~ وَ التَّحْرِيمِ унда ижозат беришга ҳам, ман этишга ҳам ҳуқуқ бор

– تَحْلِيلِيٌّ таҳлилий, аналитик; таҳлилга оид, анализга оид; هَنْدَسَةٌ ~ـِيَّةٌ таҳлилий (аналитик) геометрия

– حَلٌّ[1] *кўп* حُلُولٌ ечиш, ёзиш, бўшатиш; 2) озод қилиш; *дин.* гуноҳларни кечириш; 3) ҳал қилиш, ечиш (*мас., мисолни,*

www.ziyouz.com kutubxonasi

масалани); шифрларни очиш, расшифровка қилиш; وَسَطِيٌّ ~ ёки أَصْحَابُ (أَهْلُ) الْحَلِّ وَ الْوَسَطِ ~ муросага келиш, компромисс; الْعُقَدِ ишни ҳал қилувчилар, эътиборли шахслар; 4) жойлаштириш, ўрнаштириш; 5) эриш; قَابِلٌ لِلْـــ~ эрувчан, эрийдиган; 6) тарқатиш, тарқатиб юбориш; *ҳарб.* тарқатиб юбориш; نَفْسِهِ بِنَفْسِهِ ~ ўзини-ўзи тарқатиш; 7) *ад.* ечим; ◊ الْـــ~ وَ صَحَبَهُ فِي ـــهِ وَ تِرْحَالِهِ тўла ҳокимият, тўла ҳукмронлик; الرَّبْطُ ҳеч бир ажрамай ҳамроҳлик қилмоқ; جَعَلَهُ بَيْنَ ~ وَ تِرْحَالٍ ҳар кўйга солмоқ (*ҳаёт ҳақида*)

– حِلٌّ[2] кунжутдан олинган мой

– حِلٌّ 1. ижозат берилган, йўл берилган; أَنْتَ ~ لَهُ وَ هُوَ ~ لَكَ сен (*мн.*) ва у бир-бирингизга ҳалолсизлар, никоҳланишингиз мумкин; 2. 1) имкониятнинг мавжудлиги; إِنَّنَا فِي ~ مِنْ أَنْ نَتَحَدَّثَ бизнинг гапиришга ҳуқуқимиз бор; هُوَ فِي ~ مِنْ هَذَا унинг бунга алоқаси йўқ; ... مِنْ ~ أَصْبَحَ فِي ...га алоқаси йўқ бўлмоқ, ...дан озод бўлмоқ; 2) қонуний амал, қонун йўли билан бажарилган амал; 3) *қур.* яшовчи, истиқомат қилувчи

– حَلَالٌ 1. 1) ҳалол, рухсат берилган, ижозат қилинган, қонуний; ابْنُ الْـــ~ а) никоҳдан туғилган бола; б) инсофли одам, андишали одам; в) дурустгина кийинган одам; الدَّمِ ~ وَ الْمَالِ жазоланмасдан ўлдирилиши ва мол-мулкидан маҳрум қилиниши мумкин бўлган одам; 2) тўла, тўлиқлик; ажратиб бўлмайдиган, ажралмас, узвий; 2. қонуний ҳаракат; فَالطَّلَاقُ أَبْغَضُ الْحَلَالِ عِنْدَ اللهِ Оллоҳнинг наздида қонун йўли билан (қонуний) қилинган энг ёмон иш талоқдир

– حِلَالٌ 1) уй анжомлари; 2) аёллар араваси

– حَلَّالٌ ечувчи, ёзувчи, бўшатувчи; ~ كُلِّ عُقْدَةٍ وَ لَهَا *мн* ҳар бир қулфнинг ўз калити бор (*сўзма-сўз*: ҳар бир тугуннинг ечувчиси бор); لِعَقْدِ اللِّسَانِ ~ الْخَمْرُ خَيْرُ *мтл.* тил тугунининг энг яхши ечувчиси шаробдир

– حُلَلٌ Ямандаги салқин ҳаво

– حُلَّةٌ *кўп.* حُلَلٌ қозон, кастрюлка

– حُلَّةٌ *кўп.* حُلَلٌ 1) кийиниш; кийим; кийим-бош; بَدَّلَ ـــهُ ~ кийимини алмаштирмоқ; الْعِيدِ ~ ارْتَدَتِ الْمَدِينَةُ шаҳар байрам либосини кийган; 2) безаш; الْمَجَلَّةِ ~ журнални безаш

– حِلَّةٌ *кўп.* حِلَالٌ, حِلَلٌ 1) манзил, манзилгоҳ; яшаш жойи, аҳоли яшайдиган пункт; 2) *дин.* назрдан ўзини озод этиш; гуноҳларни кечириш

– حُلُولٌ 1) манзил, манзилгоҳ, яшаш жойи; 2) (*бирор мавсумнинг*) кириб келиши; 3) *фалс.* зуҳур бўлиш, зоҳир бўлиш, тажассумлик; مَذْهَبُ الْـــ~ *фалс.* табиат худонинг тажассумидир деб ҳисобловчи фалсафий таълимот, пантеизм

– حُلُولِيٌّ *фалс.* 1. пантеизмга оид, пантеистик; 2. пантеизм тарафдори, пантеист

– حَلِيلٌ *кўп.* أَحِلَّاءُ эр, қаллиқ

– حَلَائِلُ *кўп.* حَلِيلَةٌ хотин, қаллиқ

– مُحْتَلٌّ 1. 1) банд қилинган, босиб олинган, оккупация қилинган; أَرَاضٍ ـــةٌ ~ босиб олинган ерлар; 2) банд қилувчи, босиб олувчи; 2. оккупант

– مَحَلٌّ *кўп.* ـــاتٌ, مَحَالُّ 1) жой, ўрин; حُدُوثِ الْجَرِيمَةِ ~ жиноят содир бўлган жой; فِي ـــهِ а) ўз ўрнида, керак бўлган жойда; б) унинг ўрнига; غَيْرِ فِي ـــهِ ~ ўз ўрнида эмас; كَانَ فِي ـــهِ а) ўринли бўлмоқ, жўяли бўлмоқ; б) асосли бўлмоқ, асосланилмоқ; كَانَ ~ بَحْثٍ ўрганилиш босқичида бўлмоқ; مَحَالُّ الْحَلْوَى وَ الْأَلْبَانِ қандолат ва сут маҳсулотлари сотиладиган жой; кафе; مَحَالُّ الْبَقَّالَةِ баққоллик дўконлари, озиқ-овқат сотиладиган жойлар, резаворлар сотиладиган дўконлар; 2) ширкат, муассаса; تِجَارِيٌّ ~ тижорат фирмаси; 3) *грам.* (*сўзнинг*) синтактик вазифаси; ◊ الْأَدَبِ ~ هَذَا هُوَ الْجَدَلِ мунозара мавзуи мана шу; ҳожатхона

– مَحِلٌّ муддат (*қарз тўлаш ёки мажбуриятни бажаришники*); الدَّيْنِ ~ ажал вақти

– مُحَلِّلٌ 1. 1) имкон берувчи, рухсат берувчи, ижозат берувчи; қонуний, қонунга мос қилиб берувчи; 2) эритувчи; 2. 1) эритувчи модда; анализатор; 2) *шар.* ҳалоллаб берувчи (*талоқ қилинган аёлнинг яна талоқ қилган эрга никоҳланиши учун вақтинчалик теккан иккинчи эри*)

– مَحَلَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ 1) лагерь; 2) маҳалла, квартал

– مَحْلُولٌ 1. 1) эритилган; 2) заиф, ожиз; الظَّهْرِ ~ жинсий алоқага ожиз; 3) винтларини бўшатиб, қисмларга ажратилган; 2. *кўп.* مَحَالِيلُ эритма; настойка

– مَحَلِّيٌّ маҳаллий; أَخْبَارٌ ـــةٌ ~ маҳаллий янгиликлар, хроника бўлими (*газетада*)

– مَحَلِّيَّاتٌ *кўп.* маҳаллий хроника бўлими (*газетада*)

– مُنْحَلٌّ ахлоқсиз, одобсиз, бузуқ, бузилган; 2) заиф

(حلأ) II حَلَّأَ бермоқ, тақдим қилмоқ

I حَلَبَ (у) حَلْبٌ соғмоқ; IV أَحْلَبَ соғишга ёрдам бермоқ; V تَحَلَّبَ 1) оқиб, томчилаб турмоқ, томиб турмоқ, сизиб ўтмоқ; оқмоқ; ~ اللُّعَابُ فِي فَمِي لِلَوْنِ الطَّعَامِ الشَّهِيِّ бу мазали таомдан оғзимдан сўлагим оқиб кетди; ~ عَرَقًا терга ботмоқ (чўмилмоқ); ~ بِقَطَرَاتٍ الرُّطُوبَةِ захликдан томчи билан қопланмоқ, тер босмоқ; 2) оқизмоқ, томизмоқ; чиқармоқ (*мас., тер*); الدَّهْرُ أَشْطُرَهُ ~ *қар.* شَطْرٌ; VII انْحَلَبَ соғилмоқ, сут бермоқ; VIII احْتَلَبَ соғмоқ, сут соғмоқ; соғ бўлмоқ; X اسْتَحْلَبَ 1) соғиб олмоқ, соғиб сутини олмоқ; 2) сиқмоқ, сиқиб сувини олмоқ; 3) эмульсия ҳосил қилмоқ

– حَالِبٌ *кўп.* حَلَبَةٌ 1. соғувчи, сут соғувчи; 2. *анат.* буйракдан қовуққа пешоб келадиган йўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

– حَلَّابٌ сут соғувчи

– حَلَّابَةٌ сут соғувчи аёл; ~ بَقَرَةٌ соғин сигир

– حِلَابَةٌ сутчилик (*касби*)

– حَلْبٌ соғиш, соғиб бўлиш; النُّحُوم ~ *фольк.* эрни хотинга иситадиган афсун

– حَلَبٌ сут

– حَلْبَةٌ[1] *кўп.* ـَات — бир марта соғиш

– حَلْبَةٌ[2] *кўп.* حَلَبَاتٌ, حَلَائِبُ 1) пойга, от пойгаси; отчопар, ипподром; 2) майдон, соҳа

– حُلْبَةٌ *кўп.* حُلَبٌ *бот.* янтоқ (*ўсимлик*)

– حَلَبِيٌّ 1. Ҳалабга оид; ~ـــةٌ قَرْحَةٌ *мед.* тери касилликларидан бир тури, лейшманиоз; ~ـــةٌ حَبَّةٌ чипқон, йиринг бойлаган яра; 2. ҳалаблик киши

– حُلُوبٌ *кўп.* حُلُبٌ соғиладиган, соғин, сутли; ~ بَقَرَةٌ соғин сигир

– حَلُوبَةٌ *кўп.* حَلَائِبُ соғиб олинадиган

– حَلِيبٌ сут; مُجَفَّفٌ ~ қуруқ (қуритилган) сут; مَسْحُوبٌ ~ қаймоғи олинган сут; مُعَلَّبٌ ~ консерва қилинган (*банкадаги*) сут; مُكَثَّفٌ ~ қуюқлаштирилган сут; ~ بَائِعُ сут сотувчи, сутфуруш; ◊ أُمُّه عَلَى فَمِه ~ онасининг сути оғзидан кетмаган

– مِحْلَابٌ *кўп.* مَحَالِيبُ сигир соғадиган идиш

– مَحْلَبٌ 1)соғиш жойи (*Ироқда*); 2) сут сотиладиган жой; 3) *бот.* шумурт (*ўсимлик*)

– مِحْلَبٌ *кўп.* مَحَالِبُ = مِحْلَابٌ

– مُسْتَحْلَبٌ эмульсия; اللَّوْز ~ бодом сути

حُلْبُوبٌ қора ранг, қора тус

حَلْبَلَابٌ *бот.* қуёнкарам

– حِلْبِلَابٌ *бот.* печак ва чирмовиққа ўхшаб ўсадиган ўсимлик

– حِلْتِيتٌ *бот.* сассиқ елим тайёрланадиган ўсимлик, ҳилтит

I **حَلَجَ** (*и/у*) حَلْجٌ тозаламоқ, титмоқ, савамоқ (*пахтани*); VII اِنْحَلَجَ тозаланмоқ

– حَلَّاجٌ тозаловчи (*пахтани*)

– حَلْجٌ, حَلِيجٌ, حِلَاجَةٌ тозалаш

– مِحْلَاجٌ *кўп.* مَحَالِيجُ пахта тозалаш машинаси, жун машина

– مِحْلَجٌ *кўп.* مَحَالِجُ = مِحْلَاجٌ

– مَحْلَجَةٌ *кўп.* مَحَالِجُ пахта тозалаш заводи

حَلْحَلَ 1) силжитмоқ, қўзғатмоқ, сурмоқ, бошқа жойга кўчирмоқ; 2) узоқлаштирмоқ, йироқлатмоқ, йироқлаштирмоқ; تَحَلْحَلَ силжимоқ, қўзғалмоқ, сурилмоқ; силжитилмоқ, қўзғатилмоқ

– حُلَاحِلٌ *кўп.* حَلَاحِلُ ҳукмдор, подшоҳ, султон, ҳоким

– حَلْحَلَةٌ жилдириш, силжитиш, қўзғатиш, суриш, бошқа жойга кўчириш

– حُلَاحِلٌ = مُحَلْحِلٌ

– حَلَزُونٌ *кўп.* ـَات — 1)*зоол.* шиллиқ қурт, чиғаноқ; 2)бурама сим, спираль

– حَلَزُونَةٌ бурама сим, спираль; *тех.* қўчқароқ, шестерня

– حَلْزُونِيٌّ спиралсимон; спиралга оид; винтсимон, винтга оид; *тех.* қўчқароққа (*шестерняга*) оид; ~ سُلَّمٌ айланма зина

I **حَلَسَ** (*а*) حَلَسٌ (*бирор жойда*) қолмоқ (ب ,في); 2) (*бирор н. га*) ёпишмоқ (ب)

– حُلْسٌ *кўп.* أَحْلَاسٌ 1) ёпиқ (*от ёпиғи*), терлик (*тўқим тагига солинадиган намат*); тўшама, таглик, тагга солинадиган нарса; хонага тўшаладиган палос; 2) астойдил (берилиб) ишловчи

– حِلْسٌ *мн.* حَلْسَاءُ *кўп.* أَحْلَاسٌ 1) тўриқ; 2) сочи йўқ, сочсиз, кал

I **حَلَفَ** (*и*) حَلْفٌ, حِلْفٌ сўз бермоқ, қасам ичмоқ, (*бирор н. номи билан*) онт ичмоқ (ب). (*бирор н. борасида*) қасам ичмоқ (عَلَى); қасамёд қилмоқ; عَلَى الْمُصْحَفِ ~ Қуръони карим билан қасам ичмоқ; الْيَمِينَ ~ қасам ичмоқ; الْيَمِينَ كَذِبًا ~ ёлғон қасам ичмоқ, ёлғондан қасам ичмоқ; II حَلَّفَ қасам ичирмоқ, қасам ичишга мажбур қилмоқ; ... بِالْحُسَيْنِ أَنَّ ~نِي у мендан Ҳусайн номи билан қасам ичиб, илтимос қилдики, ...; III حَالَفَ иттифоқ тузмоқ, битим тузмоқ; иттифоқчи бўлмоқ, иттифоқ аъзоси бўлмоқ; ~ نِي فِي الْقِرَاءَةِ мен каби у ҳам ўқиб чиқди (*сўзма-сўз:* ўқишда мен билан иттифоқ тузди); IV أَحْلَفَ қасамёд қилдирмоқ, қасам ичирмоқ; VI تَحَالَفَ ўзаро битим тузишмоқ, ўзаро иттифоққа аъзо бўлишмоқ; X اسْتَحْلَفَ қасамёд қилишни, авраб афсунгарлик қилишни сўрамоқ; қасамёдга олиб келмоқ; عَلَى الْقُرْآنِ ~ Қуръони карим номи билан қасамёд қилишни сўрамоқ

– حُلْوفَةٌ (*даҳшатли*) қасам

– تَحَالُفٌ иттифоқ, битим, бирлашма, уюшма; ~ـــ الْ سَبَبُ casus foederis (*халқаро ҳуқуқда*)

– تَحْلِيفٌ қасам ичдириш, қасамёд қилишга олиб келиш; ~ـــ الْ أَعْضَاءُ لَجْنَةِ *юр.* суд маслаҳатчилари

– حَلْفٌ қасам, онт, қасамёд; كَاذِبٌ ~ ёлғон қасам, қасамни бузиш, онтдан қайтиш, қасамига хилоф иш қилиш

– حِلْفٌ *кўп.* أَحْلَافٌ 1) иттифоқ; федерация; аҳдлашув, шартнома, пакт وَارْسُو ~ *тар.* Варшава шартномаси; عَسْكَرِيٌّ ~ ҳарбий иттифоқ; الْأَطْلَنْطِيُّ ~ Шимолий Атлантика пакти, НАТО; 2) иттифоқчи; дўст; иштирокчи; ◊ أَحْلَافُ بُؤْسٍ وَ مَتْرَبَةٍ камбағал-қашшоқлар; نِسْوَةٌ ~ хотинларнинг кўнглини олувчи, хотинбоз, шилқим

– حَلْفَاءُ *жам. бот.* (ҳ)алфа ўсимлиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

– حِلْفَانٌ қасам, онт

حِلْفَايَةٌ *кўп.* اتٌ — қамишнинг танаси

– حَلْفَاءُ = حَلْفَةٌ

– حَلُوفٌ *кўп.* حَلَالِيفُ ёввойи тўнғиз, қабон, чўчқа; ~ مَخْصِيٌّ ахта қилинган эркак чўчқа

– حَلِيفٌ *кўп.* حُلَفَاءُ 1. иттифоққа оид; 2. иттифоқдош, шерик, иттифоқчи; ~ى وَ كَانَ النَّجَاحُ *маж.* омад менинг ҳамроҳим эди

– مُتَحَالِفٌ шартнома иштирокчиси, аҳдлашувчи

– مُحَالِفٌ 1) иттифоққа оид; 2) иттифоқдош, шерик, иттифоқчи

– مُحَالَفَةٌ 1) иттифоқ тузиш, битим тузиш; 2) *кўп.* اتٌ — иттифоқ, битим, шартнома

– مُحَلَّفٌ 1. қасамёд қилишга олиб келинган, 2. суд маслаҳатчиси; هَيْأَةُ الْ~ِينَ суд маслаҳатчилари ҳайъати; маслаҳатчилар

I **حَلَقَ** (*u*) حَلْقٌ қирмоқ, тарашламоқ, олдирмоқ, қирдирмоқ, олдириб ташламоқ (*соч-соқолни*); ~ الْمَعْزَةَ эчкининг жунини олмоқ; ~ لَهُ عَلَى النَّاشِفِ *кўч.м.* тескари гапирмоқ, тескарисини қилмоқ (*сўзма-сўз:* қуруқ ҳолида, сув тегизмай соқолини олмоқ); II حَلَّقَ 1) парвоз қилмоқ, қанотларини кериб учмоқ, ўчмоқ, 2) ҳалқа қилиб ўрамоқ; 3) ўраб олмоқ, атрофни ўраб турмоқ (*бирор к. нинг*) йўлини тўсмоқ, йўлини беркитмоқ (عَلَى); V تَحَلَّقَ (*бирор н. атрофига*) қўнмоқ; ҳалқа ҳосил қилмоқ; ҳалқа қилиб атрофини ўраб олмоқ, VIII اِحْتَلَقَ соч-соқолини олдирмоқ

– تَحْلِيقٌ 1) парвоз, парвоз қилиш, учиш; 2) *кўп.* اتٌ — (*мас., самолётнинг*) учиши; التَّحْلِيقَاتُ الْكَوْنِيَّةُ космик фазога парвозлар

– حَالِقٌ[1] баланд тоғ, баланд жой, тепалик; ~ أَلْقَى شَيْئًا مِنْ бирор нимани юқоридан ташламоқ, ташлаб юбормоқ

– حَالِقٌ[2] *кўп.* حَلَقَةٌ соч-соқолини олиб юрувчи

– حَلَّاقٌ сартарош; ~ سَيِّدَاتٍ аёллар сартароши; ~ الصِّحَّةِ *ёки* صِحِّيٌّ ~ сартарош

– حِلَاقَةٌ олиш, тарашлаш (*соч-соқолни*); ~ آلَةُ الْ~ соқол олиш асбоби; ~ صَالُونُ الْ~ *кар.* فُرْشَةُ الْ~; ~ قَاعَةُ الْ~ *ёки* ~ сартарошхона, сартарошлик; ~ أَجْرُ الْ~ сартарош ҳақи

– حَلْقٌ[1] = حِلَاقَةٌ

– حَلْقٌ[2] *кўп.* حُلُوقٌ 1) ҳалқум, томоқ, бўғиз, жиғилдон; طَبِيبُ الْ~ ларинголог (*врач*); ~ـه قَالَ هَذَا وَ الْعُصَّةُ فِي томоғига бир нарса тиқилган ҳолда деди; ~ـه كَشَوْكَةٍ فِي *маж.* жонига тегиб, безор қилиб, жонидан тўйдириб (*сўзма-сўз:* томоққа санчилган қилтанокдек) (*шунингдек. кар.* شَوْكَةٌ), 2) *шунингдек:* ~ سَقْفُ الْ~ танглай; ◊ ~ الْبَابِ эшик тепадори

– حَلَقٌ *жам.* балдоқ, исирға; узук, ҳалқа

– حَلَقٌ, حَلْقَةٌ, *кўп.* اتٌ ~ ҳалқа; ҳалқа шаклидаги узук; ~ حَلَقُ *ёки* جِهَازُ الْحَلَقِ гимнастика ҳалқаси; ~ ضَرَبُوا حَوْلَهُ атрофини ҳалқа қилиб ўраб олдилар; 2) *спорт.* ринг; ~ لِلْمُلَاكَمَةِ бокс ринги (майдони); 3) звено, ҳалқа (*занжирдаги*); ~ الْاِتِّصَالِ ўтиш қисми; ~ مُوَصِّلَةٌ *ёки* ~ الْاِنْتِقَالِ (*икки нарса ўртасидаги*) ўзаро бириктирувчи, боғловчи ҳалқа (بَيْنَ); ~ الْ~ِ فِي سِلْسِلَةٍ الْمَفْقُودَةُ етишмайдиган, етишмаётган қисм; ~ حَلَقَاتُ دَوَرَانٍ занжир ҳалқаси; роликли подшипниклар; 4) тўгарак, давра, гуруҳ. Ал-азҳарда устоз атрофида давра қуриб ўтирган талабалар гуруҳи; ~ الذِّكْرِ *кар* ذِكْرٌ; ~ التَّعْبِيرِ ~ الذَّاتِيِّ ҳаваскорлик тўгараги; 5) бозор, раста; ~ السَّمَكِ балиқ бозори; ~ الْقُطْنِ пахта бозори; 6) ўн ёш; هُوَ فِي الْ~ الْخَامِسَةِ مِنَ الْعُمْرِ унинг ёши қирқдан ошди; 7) облигация (*давлат заёми серияси*); ◊ ~ مُفْرَغَةٌ *мушкул аҳвол, ноилажлик* (сўзма-сўз: ичи бўш ҳалқа)

– حَلَقِيٌّ *лингв.* бўғизга оид; الْأَصْوَاتُ الْ~ِيَّةُ бўғиз товушлари

– حَلَقِيٌّ ҳалқасимон, доирасимон, ҳалқасифат

– حَلَقِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — доира, давра, айлана

– حَلِيقٌ *кўп.* حَلَائِقُ, حَلَقِي (*соч-соқоли*) олинган, (*соч-соқоли*) қирдириб ташланган; ~ الشَّارِبِ وَ اللِّحْيَةِ соқол-мўйлови олинган

– مِحْلَاقٌ *кўп* مَحَالِيقُ, *бот* жингалак, гажак (*ўсимликларда*)

– مِحْلَقَةٌ, مِحْلَاقٌ *кўп* устара

– مُحَلَّقَةٌ *кўп* اتٌ — планёр, моторсиз учадиган аппарат

– مَحْلُوقٌ = حَلِيقٌ

– حُلْقُومٌ *кўп* حَلَاقِيمُ томоқ, бўғиз; ◊ ~ الْ~ رَاحَةُ роҳат-лукум

I **حَلِكَ** (*a*) حُلُوكَةٌ, حَلَكٌ 1) қоронғи бўлмоқ, қоронғилашмоқ, ғира-шира бўлмоқ, 2) сақичдек (*зулукдек*) қоп-қора бўлмоқ; XII اِحْلَوْلَكَ қоронғилашмоқ; ~ تِ الدُّنْيَا қоронғи тушди

– حَالِكٌ *шунингдек:* ~ السَّوَادِ сақичдек (зулукдек) қоп-қора

– حَلَكٌ 1) қоронғулик, ғира-ширалик; 2) қоралик

– حَلِكٌ 1) қоронғу, ғира-шира; 2) қора, қоп-қора

– حُلْكَةٌ 1) зимистон, тим қоронғулик; 2) қоп-қоралик

– حَلَكُوكٌ тим қора, тим қоронғу

– حَلُوكَةٌ қоронғулик, ғира-ширалик

I **حَلَمَ** (*y*) حُلْمٌ 1) туш кўрмоқ, тушида кўрмоқ; (*бирор н. ни*) орзу қилмоқ, хаёл қилмоқ, ният қилмоқ (بِ ,عَنْ); 2) балоғат ёшига етмоқ, балоғатга етмоқ, бўйи етмоқ; حَلُمَ (*y*) حِلْمٌ беозор бўлмоқ, юмшоқ бўлмоқ, ювош бўлмоқ, ҳалим бўлмоқ; V تَحَلَّمَ ювош

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортмоқ, беозор бўлиб қолмоқ, юмшамоқ. VI تَحَالَمَ ўзини туш кўраётганга солмоқ; VIII احْتَلَمَ балоғат ёшига етмоқ, бўйи етмоқ; *мед.* эҳтилом бўлмоқ, булғаниб қолмоқ. уйқуда эҳтиломланиб қолмоқ

– اِحْتِلاَمٌ етуклик, балоғат; *мед.* булғаниб қолиш, уйқуда эҳтиломланиб қолиш, эҳтилом

– حَالُومٌ ҳалум (*пишлоқ навларидан бири*)

– حُلْمٌ *кўп.* أَحْلاَمٌ 1) туш, туш кўриш; орзу, ният; عَالَمُ الْأَحْلاَمِ ширин хаёллар олами; أَضْغَاثُ أَحْلاَمٍ узуқ-юлуқ тушлар. 2) етуклик, балоғат, балоғат ёши; ~ بَلَغَ الْـــ балоғат ёшига етмоқ, балоғатга етмоқ, бўйи етмоқ

– حِلْمٌ 1) ювошлик, беозорлик; яхшилик, эзгулик, меҳрибонлик; 2) донолик, мулоҳазакорлик, оқиллик; ~ـــه خَرَجَ مِنْ аччиқланмоқ, ғазабланмоқ; ғазабни босолмай қолмоқ

– حَلَمَةٌ[1] *кўп.* ـاتٌ ـــ 1) эмчак учи, тугмачаси; елиннинг соғиладиган қисми. 2; *анат.* қулоқнинг гўшти, тугмачаси; 3) паразит; ғурра, шиш, ортиқ, дўмбоқ, бўртма, бадандаги бўртиб чиққан жой

– حَلَمَةٌ[2] *кўп.* حَلَمٌ кананинг каттаси

– حَلَمِيٌّ 1) эмчак учига оид; эмчаксимон; ~ وَرَمٌ эмчак учидаги шиш; 2) эмчаги бор, эмчакли; 3) паразитга тегишли; ~ نَبَاتٌ паразит ўсимлик

– حَلَمِيَّاتٌ *кўп.* паразитлар; дарахтдаги бутоқлар

– حالُومٌ = حَلُومٌ

– حَلِيمٌ *кўп.* حُلَمَاءُ ювош, беозор, юмшоқ, ҳалим, бардошли, сабр-тоқатли

– مُحْتَلِمٌ етук, балоғатга етган, бўйга етган, катта ёшли

I (حلو) حَلاَ (*у*) حُلُوٌّ 1) ширин бўлмоқ, ёқимли, ёқимтой бўлмоқ; (*шўр эмас*) ширин (чучук) бўлмоқ (*сув ҳақида*); 2) чиройли бўлмоқ, кўркам (хушрўй, зебо, дилбар) бўлмоқ; 3) ёқмоқ, маъқул келмоқ.; مَا أَحْلاَكَ ◊ حَلاَ=حَلاَوَةٌ (*а*) حَلِيَ فِي عَيْنَيَّ (بِعَيْنَيَّ) ~ у менга ёқди; كَمَا أَحْلاَكَ فِي هَذِهِ الْمَلاَبِسِ! бу кийим-бошда сен қанчалик гўзалсан!; يَحْلُو لَهُ أَنْ ... хоҳлаганича ..., кўнглига маъқул келганича ...; II حَلَّى 1) ширин қилмоқ, қанд қўшмоқ, шакар солмоқ; 2) (*бирор н.* билан) безамоқ, зийнат бермоқ, чиройли қилиб кўрсатмоқ (ب); 3) (*шўр сувни*) ичимлик (чучук) сувга айлантирмоқ; III حَالَى ширин муомала қилмоқ, ширин муомалада бўлмоқ; IV أَحْلَى ширин қилмоқ, ширинлигини оширмоқ; V تَحَلَّى 1) ширин таъмга кирмоқ, ширин бўлмоқ; 2) безанмоқ, ясанмоқ; VI تَحَالَى ўзига бино қўймоқ, ўзига-ўзи маҳлиё бўлмоқ; X اسْتَحْلَى 1) ширин деб билмоқ (ҳисобламоқ); ёқимли деб ҳисобламоқ, чиройли (хушрўй, зебо, дилбар) деб ҳисобламоқ; 3) (*бирор н. нинг*) ширинлигидан татимоқ, татиб кўрмоқ, маза қилмоқ; XII احْلَوْلَى ширин таъмга кирмоқ, ширин бўлмоқ; 2) чиройли бўлиб кетмоқ, ёқимтой бўлиб кетмоқ

– تَحْلِيَةٌ 1) ширинлатиш, қанд қўшиш, шакар солиш; 2) безаш, ясатиш; 3) шўрини йўқотиб, сувни ичадиган ҳолга (чучук ҳолга) келтириш

– حَلاَوَاتٌ *кўп. анат.* ошқозон ости бези, қорниости бези, панкреас

– حَلاَوَةٌ *кўп.* حَلاَوَى 1) ширинлик, лаззат, ёқимлилик, ёқимтойлик, кўркамлик, хушрўйлик, зеболик; нозиклик; ~ الْعِنَبِ حَبَّةٌ *мтл.* узумнинг лаззати донасидадир; 2) ширинлик, чучуклик, қанд-қурс, мева-чева; қанд, конфет; 3)инъом, эҳсон, чойчақа; тўлов, бадал; ◊ يُبَاعُ ~ كَالْـــ қўл-қўлга тегмай сотилмоқда (*сўзма-сўз:* қанд-курсга ўхшаб сотилмоқда)

– حُلْوٌ 1) ширин, лаззатли; ёқимли, ёқимтой; ~ الْحَدِيثِ суҳбати жонон; 2) шўри кетказилган, чучуклаштирилган (сув); ~ زَيْتٌ пахта ёғи; 3) чиройли, гўзал, дилбар, хушрўй, зебо; ◊ الْغُدَّةُ الْـــةُ *анат.* қорниости бези, панкреас

– حَلْوَاءُ 1) ширинлик, лаззат; 2) қанд-қурс, мева-чева; қандолатчилик маҳсулотлари; ҳолва

– حُلْوَانٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ совға, ҳадя; инъом, эҳсон; чойчақа

– حُلْوَانُ Ҳулвон (*Мисрдаги курортнинг номи*)

– حَلْوَائِيٌّ *кўп.* حَلْوَائِيَّةٌ *ёки* حَلْوَائِيَّةٌ *кўп* حَلْوَائِيٌّ қандолатчи, қандфуруш, ҳолвафуруш; ~ دُكَّانُ الْـــ қандолатчилик дўкони, қанд дўкони

– حَلْوَجِيٌّ *кўп.* حَلْوَجِيَّةٌ қандолатчи

– حَلْوَى *кўп.* حَلاَوَى қанд-қурс, ҳолва, мева-чева; ~ الْـــ ширинхўр, ширинтомоқ

– حَلْوِيَّاتٌ, حَلَوِيَّاتٌ *кўп.* ширинликлар, қанд-қурс, мева-чева; қиёмга ботириб қуритилган мевалар; устига шакар сепилган мевалар

I (حلى) **حَلَى** (у) حَلْيٌ (*бирор н. билан*) безамоқ, зийнат бермоқ (ب);

حَلِيَ (*а*) حَلْيٌ безанмоқ, зийнатланмоқ; II حَلَّى безамоқ, зийнат бермоқ, V

تَحَلَّى 1) қимматбаҳо тақинчоқларни тақмоқ; (*бирор н. билан*) безатилмоқ, зийнат берилмоқ (ب); 2) фарқ қилмоқ, ажралиб турмоқ (*н. си биландир*) азалдан ажралиб турмоқ (ب); X اسْتَحْلَى (*бирор н. билан*) безанмоқ, ясанмоқ, зийнатланмоқ

– تَحْلِيَةٌ безаш, зийнат бериш

– حِلْيٌ *кўп.* حُلِيٌّ зийнат асбоблари, қимматбаҳо ашё

– حِلْيَةٌ *кўп* حِلًى зийнат асбоблари, қимматбаҳо ашё; безак; ~ الرَّجُلِ одамнинг сифати

– حُلَيْوَةٌ *халқ.* ажойиб, қизиқарли, чиройли, гўзал; жуда соз, боп

– حَمَّ, حَمَّادٌ *қар.* ҳамо

I **حَمَّ**[1] (*u/a*) حَمٌّ 1) қайноқ бўлмоқ; 2; қораймоқ; حُمَّ 1)иситма тутмоқ, иситмаламоқ; 2) олдиндан ҳал бўлмоқ, (*муддат*) етиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келмоқ; حَمَّ[2] (*а/а*) حُمُوٌّ чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; حَمَّ[3] (*а/у*) حَمٌّ иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ, ўтин ёқиб илитмоқ (*печкага*); II حَمَّمَ 1) иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ; 2) чўмилтирмоқ, сувда чайқамоқ; 3) қора рангга бўямоқ; *тар.* кўчаларда сазойи қилишдан олдин, юзига қоракуя чапламоқ; IV أَحَمَّ 1) иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ; 2) ҳаммомда ювинтирмоқ; V تَحَمَّمَ 1) чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; 2) қораймоқ, қора тусга кирмоқ; X اسْتَحَمَّ чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ

– أَحَمُّ *мн.* حَمَّاءُ *кўп.* حُمٌّ қора

– اسْتِحْمَامٌ чўмилиш, ванна

– حَمٌّ *қар.* حمو

– حَمٌّ иссиқ, ҳарорат; қаттиқ ҳарорат, саратон, иссиқ ҳаво

– حَمَّامٌ *кўп.* حَمَائِمُ *жам.* каптар; ~ الرَّسَائِلِيِّ *ёки* الْمُرْسِلَة ~ *ёки* ~ الْبَرِيد *ёки* ~ الزَّاجِلِ *қар.* زَاجِلٌ; مُطَوَّقٌ ~ ўрмон ғурраги, тумшуғи узун ғуррак; ~ سَاقُ الْـ а) *бот.* сариқ гулли аччиқ ўт; б) *бот.* тизим гул; в) *бот.* ҳўкизтил (*ўсимлик*)

– حَمَّامٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ ҳаммом; ванна, ваннахона; чўмиладиган жой; ~ الْبَحْرِ денгиз сувида қабул қилинадиган ванна; ~ شَمْسِيُّ *ёки* ~ الشَّمْسِ қуёш ваннаси; ~ السِّبَاحَة чўмилиш бассейни; حَمَّامَاتٌ كِبْرِيتِيَّةٌ олтингугуртли ванна; ~ أَخَذَ ванна қабул қилмоқ

– حِمَامٌ ўлим, вафот топиш, вафот этиш, ажал, қазо

– حَمَّامْجِيٌّ *кўп.* حَمَّامْجِيَّةٌ *ёки* حَمَّامِيٌّ *кўп.* حَمَّامِيَّةٌ ҳаммомчи, ҳаммомнинг эгаси, хўжайини

– حَمَامَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ каптар (*шунингдек:* ذَكَرُ ~); урғочи каптар, мода каптар (*шунингдек:* أُنْثَى ~), السَّلَامِ ~ тинчлик кабутари

– حُمَمٌ *жам.* 1) кўмир; 2) кул; 3) вулқондан отилиб чиқадиган суюқ чўғ, ер остидаги суюқ чўғ, лава; مِنَ الْقَنَابِلِ ~ бомбалар уюми

– حُمَمَةٌ *д.с.* حُمَمٌ *дан*

– حُمَّةٌ *кўп.* حُمَمٌ қайноқ булоқ; فَوَّارَةٌ ~ баъзан фонтан бўлиб отилиб чиқадиган қайнар булоқ, гейзер

– حَمَّةٌ *қар.* حمى

– حُمَّةٌ 1) қоралик, қора ранг; 2) иситмадаги ҳарорат, иситма

– حِمَّةٌ *кўп.* حِمَمٌ ўлим, ўлиш, жон бериш, қазо қилиш

– حُمُومٌ чўмилиш, ванна олиш (қабул қилиш)

– حُمَّى *мн. кўп.* حُمَّيَاتٌ иситма; безгак; ҳарорат; ~ التِيفُوسِ *ёки* ~ الْمُحْرِقَةُ тепкили терлама, тошмали тиф; ~ التِّيفُودِيَّةُ *ёки* ~ الْمَعَوِيَّةُ ич терлама; ~ الرَّاجِعَةُ қайталама терлама; ~ الرُّبْعِ ҳар тўрт кунда қайтариладиган безгак; ~ الصَّفْرَاءُ сариқ безгак; ~ الْعِبِّ ҳар уч кунда қайтариладиган безгак; ~ الْفَحْمِيَّةُ *қар* قِرْمِزِيَّةُ; قِرْمِزِيَّةُ ~ *қар* فَحْمِيَّةُ; ~ الْقَشِّ қоқшол; безгак; ~ الْقُلَاعِيَّةُ *қар* ~ الْمُتَرَدِّدَةُ кун оралатиб тутадиган безгак; ~ الْمُخِيَّةُ الشَّوْكِيَّةُ кенг тарқаладиган менингит; ~ الْمُسْتَنْقَعَاتِ тўқай иситмаси (безгаги); ~ الْمَلْطِيَّةُ бруцеллёз, оқсил касаллиги; ~ النِّفَاسِيَّةُ *ёки* ~ النِّفَاسِ туғаётган хотинлардаги иситма; ~ الْوِرْدِ ҳар куни қайталайдиган безгак

– حُمِّيٌّ безгакка оид

– حَمِيمٌ[1] 1. қайноқ, иссиқ; 2. 1) иссиқ сув; 2) тер (*бадандан чиқадиган*)

– حَمِيمٌ[2] *кўп.* أَحِمَّاءُ жонажон дўст

– مِحَمٌّ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ қозон, сув иситғич

– مَحْمُومٌ 1) безгакка оид; 2) безгак касалига мубтало

– مُسْتَحَمَّاتٌ *кўп* чўмилиш жойлари (*денгиз қирғоғида*)

– يَحْمُومٌ 1) тутун; 2) *алиф.б.қ*

I **حَمَأَ** (*а*) حَمْءٌ тозаламоқ (*канал ёки қудуқни*); حَمِئَ (*а*) حَمَأٌ 1) ифлосланмоқ, ифлос бўлмоқ; 2) (*бирор к. дан*) жаҳлланмоқ, ғазабланмоқ, хафа бўлмоқ (عَلَى)

حَمْءٌ эрнинг акаси *ёки* дадаси

– حَمْأَةٌ лой, балчиқ; *кўч.м.* ботқоқ; ~ غَرِقَ فِي *кўч.м.* (*бирор н. нинг*) ботқоғига botmoq

حَمْحَمَ[1] жазирама иссиқ бўлмоқ; ~ت الدُّنْيَا ҳаво жазирама бўлиб кетди

حَمْحَمَ[2] кишнамоқ تَحَمْحَمَ = حَمْحَمَ

– حَمْحَمَةٌ кишнаш

I **حَمِدَ** (*а*) حَمْدٌ 1) мақтамоқ; (*бирор н. учун*) жуда мақтамоқ, мадҳ қилмоқ, мадҳия ўқимоқ (عَلَى); 2) (*бирор к. га*) ҳамд айтмоқ; II حَمَّدَ 1) қаттиқ мақтаб юбормоқ, мақтовини келтирмоқ, кўкка кўтармоқ; 2; أَلْحَمْدُ لِلَّهِ Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! иборасини талаффуз қилмоқ; IV أَحْمَدَ мақтовга сазовор деб билмоқ

– أَحْمَدُ 1. мақтовга энг сазовор, энг мақтовга арзийдиган; 2. *ат.от, мз.* Аҳмад

– أَحْمَدِيٌّ 1. мусулмонга оид, исломга алоқадор, الشَّرِيعَةُ الْـ~ـَـةُ дини ислом шариати, 2. мусулмон киши

– حَامِدٌ 1) мақтовчи, мадҳ айтувчи, мадҳ қилувчи; 2) ҳамд айтувчи

– حَمَّادٌ мақтовчи, кўкларга кўтарувчи, ҳамду сано ўқувчи

– حَمْدٌ 1) мақтов, мадҳ, мақташ, шарафлаш, улуғлаш, кўкларга кўтариш; 2) ҳамд, ҳамду сано, миннатдорлик; لِلَّهِ الْـ~ *ёки* ~ لِلَّهِ Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

– حَمْدَانِيُّونَ: الْـ~ *тар.* ҳамадонийлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

– حُمَدَةٌ: ~ رَجُلٌ мақтанчоқ одам

– حَمُودٌ 1) мақтовга сазовор, мақташга лойиқ; 2) миннатдор

– حَمِيدٌ 1) мақтовга сазовор, мақтаса арзийдиган; ~ السُّمْعَةِ обрў-эътиборли, яхши обрўга эга; 2) хатарсиз, хавфли эмас (*касаллик ҳақида*); зиёнсиз (*шиш*)

– مُحَمَّدٌ мақталган, мақтаб юборилган

– مَحْمَدَةٌ *кўп.* مَحَامِدُ яхши хусусият, фазилат, яхши сифат, мақталадиган фазилат, мақтовга сазовор томон; мақталадиган қилиқ, муомала

– مَحْمَدَةٌ мақтов, мадҳ, шараф

– مَحْمُودٌ мақталган, мадҳ этилган; мақтовга сазовор, мақташга арзигулик; ~ السِّيرَةِ ҳаёт тарзи мақтовга сазовор, мақташга арзийдиган ҳаёт тарзли (*инсон*); ~ السُّمْعَةِ яхши обрўли, обрўси яхши (*инсон*)

– مَحْمُودَةٌ *бот.* печак, ўт, печак гул, чирмовиқ

– مَحْمُودِيَّةٌ скаммоний (*ич бўшаштирадиган доривор*)

حَمْدَلَ "أَلْحَمْدُ لِلّٰهِ" Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!" иборасини талаффуз қилмоқ

– حَمْدَلَةٌ "أَلْحَمْدُ لِلّٰهِ" Оллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!"иборасини талаффуз қилиш

(حمر) II حَمَّرَ 1) қизил рангга бўялмоқ; 2) қовурмоқ, куйдирмоқ, қиздирмоқ; V تَحَمَّرَ 1) қизил рангга бўялмоқ; 2) (*лабни*) бўямоқ; 3) қовурилмоқ, куймоқ; IX اِحْمَرَّ қизил тусга киримоқ, қизармоқ; XI اِحْمَارَّ қизармоқ, қизил тус олмоқ

– أَحْمَرُ *мн.* حُمْرَاءُ *кўп.* حُمْرٌ қизил, الرَّايَةُ الْحَمْرَاءُ қизил байроқ; ~ الْـ (دُونَ) تَحْتَ инфрақизил; ~ الْـ وَ الْأَسْوَدُ а) араблар ва ҳабашлар; б) барча инсонлар; ~ الْـ *еки* الشَّفَادِ лабга суртиладиган ёғупа; ~ الْخُدُودِ яноқнинг қизиллиги; ~ مَوْتٌ *қар* مَوْتٌ; سَنَةٌ حَمْرَاءُ қаттиқ (вазмин, оғир) келган йил; ~ الْـ ان *ик.с. маж* а) гўшт ва нон; б) гўшт ва шароб; в)олтин ва заъфарон

– اِحْمِرَارٌ қизариш, қизиллик

– حَمَّارٌ *кўп* حَمَّارَةٌ эшак ҳайдовчи, эшакларни ҳайдаб борувчи

– حِمَارٌ *кўп.* حُمُرٌ, حُمُرٌ эшак; ~ الزَّرَدِ зебра; ~ الْوَحْشِ еввойи эшак; ~ يَا لَكَ مِنْ! сен қанақа эшаксан ўзи!; ◊ حَشَبِ ~ эшак, чорпоя, остлик, таглик, таг курси, поя

– حِمَارَةٌ *кўп* حَمَائِرُ ургочи эшак

– حَمَّارَةٌ жазирама иссиқ; ~ الْقَيْظِ езнинг энг иссиқ пайти

– حَمْرٌ қизил лойтупроқ

– حُمَرٌ битум, асфальт; тоғ смоласи (елими)

– حَمْرَاءُ занг касали, хина касали (*бошоқли ўсимликларда*); ◊ ~ الْـ а) Алҳамбра (*Гранададаги сарой номи*); б) Месопотамия

– حَمْرَاوِيٌّ *зоол.* ботқалдоқ, балиқчи ўрдак

– حُمْرَةٌ 1) қизиллик; юзнинг қизили; 2) қисил ранг, тус; 3) қизил ёғупа; ~ قَلَمُ лабга суртиладиган қизил ёғупа; 4) пишиқ ғишт кукуни; 5) *мед.* сарамас касаллиги; ~ الْخَنَازِيرِ *мед* тепки (*қулоқости безларининг яллиғланиши*)

– حُمَيْرَاءُ *мед.* қизамиқ, қизилча (*болалар касаллиги*)

– حُمَيْرَةٌ *мед* қизилча; қизамиқ

– مُحَمَّرٌ қовурилган, қовуриб қиздирилган

– يَحْمُورٌ 1) гемоглобин; 2) еввойи эшак

حَمْرَقَ 1) (*бирор к нинг*) умид-орзуларини йўққа чиқармоқ; 2) (*бирор н да*) иштирок этишдан бош тортмоқ; сўзидан (*фикридан*) қайтмоқ, айнимоқ; 3; ёпишиб олмоқ, осилиб олмоқ, чатоқ чиқармоқ, инжиқлик қилмоқ

– حَمْرَقَةٌ 1) орзу-умидларни йўққа чиқариш; (*бирор н да*) иштирок этишдан бош тортиш

I **حَمَزَ** (*и*) حَمْزٌ (*тилни*) ачиштирмоқ, ловуллатмоқ; (*у*) حَمَازَةٌ куч-қувватга тўлмоқ, кучли бўлиб кетмоқ

– حَامِزٌ 1) нордон, аччиқ таъмли, 2) = حَمِيزٌ

– حَمِيزٌ: ~ الْفُؤَادِ қувноқ, хушчақчақ, ёқимтой

I **حَمَسَ** (*у*) حَمْسٌ қовурмоқ, қовуриб қизартирмоқ; حَمَاسَةٌ (*у*) жасур бўлмоқ, жасоратли (*мард*) бўлмоқ, жасорат кўрсатмоқ; руҳланмоқ, ғайратланмоқ, жонланмоқ, илҳом олмоқ; حَمَسَ (*а*) حَمَسٌ = حَمْسٌ. II حَمَّسَ 1) руҳлантирмоқ, ғайратлантирмоқ, жонлантирмоқ, илҳом бермоқ; 2; жуда қовуриб юбормоқ. V تَحَمَّسَ 1) руҳланмоқ, ғайратланмоқ, жонланмоқ, илҳомланмоқ; 2) ҳаяжонланмоқ, изтиробга тушмоқ, ҳовлиқмоқ; X اِسْتَحْمَسَ (*бирор н га*) қизиқтирмоқ, ҳавасини келтирмоқ (عَلَى)

– أَحْمَسُ *мн.* حُمْسَاءُ *кўп* حُمْسٌ 1) ғайратли, тиришқоқ, серҳафсала, сабот-матонатли, сўзини ўтказадиган, ғайрат шижоатга тўла, ташаббускор

– تَحَمُّسٌ 1) руҳланиш, ғайратланиш, илҳомланиш ғайрат-шижоат; 2) тиришқоқлик, ғайрат, ҳафсала; сабот-матонат

– حَمَاسٌ ғайрат, ғайрат-шижоат, завқ-шавқ, сурур; وَ دَبَّ الْـ ~ بَيْنَهُمْ улар ғайратга тўлиб-тошиб кетдилар

– حَمَاسَةٌ 1) мардлик, жасурлик, жасорат; 2) ғайрат ғайрат-шижоат; ~ ـِـ ғайрат билан, ғайрат-шижоат билан; ~ الْـ Ҳамоса (*машҳур шеърлар тўпламининг номи*)

– حَمَاسِيٌّ оташин, астойдил, ғайрат-шижоатга тўла, завқ-шавқли, сурурли

– حَمِسٌ 1) ғайрат-шижоатга тўла; 2) ғайратли, тиришқоқ, серҳафсала

– مُتَحَمِّسٌ 1) ғайрати тўлиб-тошиб кетган, 2) ҳаяжонда қолган, изтробда қолган, ҳовлиққан

I **حَمَشَ** (*у*) حَمْشٌ хафа қилмоқ, жаҳлини чиқармоқ, қўзғатмоқ, безовта қилмоқ, таъсир қилмоқ, ҳаяжонлантирмоқ, асабийлаштирмоқ

– حَمِشٌ жаҳли чиққан, безовта; ҳаяжонланган, асабийлашган

www.ziyouz.com kutubxonasi

(حمص) II حَمَّصَ қовурмоқ, қовуриб қизартирмоқ; пиширмоқ, ёпмоқ; الْبُنَّ ~ қаҳвани қовурмоқ; V تَحَمَّصَ қовурилмоқ, қовурилиб қизармоқ

– تَحْمِيصٌ 1) қовуриш, қовуриб қизартириш; 2) қизитиш, илитиш; ~ الْـــ عَنْبَرُ *тех.* иситиш, қизитиш камераси

– حَمَّاصَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ қовуриш учун тайёрланган мослама; ~ الْخُبْزِ тостер (*қарсиллама нон тайёрланадиган мослама*)

– حِمِّصٌ, حُمُّصٌ *жам.* турк (*Миср*) нўхоти

– حِمِّصَانِيٌّ *кўп.* حِمِّصَانِيَّةٌ нўхотфуруш

– حُمُّصَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ бир дона нўхот; *анат.* лиқилдоқ

– مِحْمَصَةٌ това, сковородка (*қаҳва, нўхат ва ш. к. ларни қовуриш учун*)

I **حَمُضَ** (*у*) حُمُوضَةٌ нордон бўлмоқ, кислотали бўлмоқ; II حَمَّضَ (*бирор н. ни*) нордон қилмоқ; кислотали қилмоқ; 2) *хим.* оксидламоқ, кислота билан ишлов бермоқ, кислота билан заҳарламоқ; *фото.* плёнкани дорига солиб сувратини чиқармоқ, кўринадиган қилмоқ, 3) ачимоқ, ачиб қолмоқ (*сут ҳақида*)

– حَامِضٌ *кўп.* حَوَامِضُ 1. нордон, ачиган, кислотали; 2) 1) *хим.* кислота; ~ الْبَوْلِ *ёки* ~ بَوْلِيٌّ *ёки* ~ الْيُوليك сийдик кислотаси; ~ الْفِنِّيك карбол кислота; ~ كَاوٍ кумуш нитрати; ~ الْكِبْرِيت *ёки* ~ الْكِبْرِيتِيك сульфат кислотаси; ~ اللَّبَنِيك сут кислотаси; ~ النِّيتْرِيك азот кислотаси; 2) лимон

– حُمَّاضٌ *бот.* шавель

– حَمْضٌ *кўп.* أَحْمَاضٌ, حُمُوضٌ *хим.* кислота; ~ الْأَزُوت *ёки* ~ الْـــ نِتْرُوتِيك азот кислотаси; ~ السِّلْفُور *ёки* ~ الكِبْرِيتِيك сульфат кислотаси; ~ الْكَلْوَر *қар.* كَلُورٌ ~ النَّمْلِ чумоли кислотаси; الْأَحْمَاضُ الْأَمِينِيَّةُ аминокислоталар

– حَمْضِيَّاتٌ *кўп.* цитрус мевалар

– حُمُوضَةٌ 1) кислота, нордон таъм; 2) кислота миқдори

– حُمَّيْضٌ = حُمَّاضٌ

– مُحَمَّضٌ 1) нордон; 2) *хим.* оксидланган

حَمَاطٌ (*ўсимлик номи*) ҳамот

– حَمَاطَةٌ томоқ (бўғиз) даги оғриқ

– حَمْطَاطٌ ўсимликлар ичида юрадиган устида нақши бор қурт

I **حَمُقَ** (*у*) حَمَاقَةٌ 1) аҳмоқ бўлмоқ, тентак бўлмоқ; 2) жаҳли чиқмоқ; II حَمَّقَ 1) аҳмоқ (тентак) деб ҳисобламоқ; 2) аҳмоқ деб атамоқ; 3) аҳмоқ қилмоқ, лақиллатмоқ, майна қилмоқ; IV أَحْمَقَ = II; VI تَحَامَقَ ўзини гўлликка солмоқ; VII انْحَمَقَ жаҳли чиқмоқ; қаттиқ ғазабланмоқ; X اسْتَحْمَقَ аҳмоқ (тентак) деб ҳисобламоқ

– أَحْمَقُ *мн* حَمْقَاءُ *кўп.* حُمْقٌ. حَمْقَى 1. аҳмоқ, тентак; жаҳлдор, сержаҳл, баджаҳл; 2. аҳмоқ одам; ◊ الْبَقْلَةُ الْحَمْقَاءُ *ёки* الْبَقْلَةُ الْحَمْقَاءُ *бот.* қуёнқулоқ, семизўт, гулбеор

– حُمَاقٌ *мед.* сувчечак

– حَمَاقَةٌ 1) ҳамоқат, аҳмоқлик; ~ لَيْسَ بَعْدَهَا هَذِهِ бу ўтакетган аҳмоқликдир; ~ دُونَهَا كُلُّ هَذِهِ *қар.* دُونَ: ... أَنَّ ~ الْـــ шу нарса тентакликки, ; 2) ножўя қилиқ; ~ ارْتَكَبَ аҳмоқлик, тентаклик қилмоқ, 3) ғазаб, жаҳл

– حُمْقٌ 1) аҳмоқлик, тентаклик; 2) ғазаб, жаҳл

– حَمْقَانُ жаҳл чиққан; ғазабли; аччиқланган, асабийлашган, қони қайнаган, дарғазаб

– حَمَقِيٌّ серзарда, жиртаки, жиззаки

– مَحْمُوقٌ жаҳли чиққан; ғазабланган

I **حَمَلَ** (*у*) حَمْلٌ 1) олиб бормоқ, кўтариб олиб бормоқ, ташимоқ, элтмоқ, кўчирмоқ, ўтказмоқ; 2) олмоқ, кўтармоқ (*юкни*); (*бирор н. ни*) олиб ташламоқ, олиб қўймоқ, чиқариб олмоқ (عَنْ); ушлаб турмоқ, кўтариб турмоқ, тутиб турмоқ; 3) (*бирор ҳиссиётга*) эга бўлмоқ; ~ فِكْرَةً الْحِقْدَ لِـــ... ёмон кўрмоқ, (*бирор к. дан*) нафратланмоқ; ~ طَيِّبَةً (*бирор к. га нисбатан*) яхши фикрда бўлмоқ (عَنْ); 4) ...да бор бўлмоқ, эга бўлмоқ; ~ الْمَقَالُ تَوْقِيعَهُ унинг имзоси бор бўлган мақола (*сўзма-сўз:* мақола унинг имзосига эга); ~ أَمْرَاضًا مُعْدِيَةً юқумли касалликларни тарқатмоқ, юқтирмоқ; ~ اسْمًا لَامِعًا ажойиб обрў-эътиборга эга бўлмоқ; ~ مُؤَهِّلًا аттестат соҳиби бўлмоқ; 5) сафарбар қилмоқ, оёққа турғизмоқ; (*бирор н. га*) қайрамоқ, ундамоқ, рағбатлантирмоқ, истак туғдирмоқ, қизиқтирмоқ, қўзғатмоқ (عَلَى); 6) (*бирор н. га*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ, атака қилмоқ (عَلَى); (*бирор к. га қарши*) кампания олиб бормоқ (عَلَى); ~ عَلَيْهِ حَمْلَةً شَعْوَاءَ бирор кимга қарши шиддатли атака олиб бормоқ; 7) ҳосил бермоқ (*дарахт*), 8) (*бирор к. дан*) ҳомиладор бўлмоқ (مِنْ); 9) (*бирор н. ни бирор к. га*) тааллуқли, мансуб деб ҳисобламоқ (عَلَى); ◊ ~ هُ الْـــ مَحْمَلَ حُسْنِ النِّيَّةِ бирор нимага хайрихоҳлик билан қарамоқ; II حَمَّلَ 1) олиб бордирмоқ, кўтартирмоқ, оғир иш юклаб қийнамоқ, оғир юк юкламоқ, юк ортмоқ, юкламоқ (*кемага*); юкламоқ (*масъулият*); ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ бирор кимга масъулият юкламоқ; ◊ ~ هُ الْـــ الْخَسَائِرَ الْفَادِحَةَ унга жуда катта талофат етказмоқ; IV أَحْمَلَ кўтаришда ёрдам бермоқ, кўтаришмоқ; V تَحَمَّلَ 1) ўз устига юкламоқ; 2) ўз гарданига олмоқ (*масъулиятни, сарф-харажатни*); ~ الْمَسْؤُولِيَّةَ (*бирор масалада*) масъулиятни ўз елкасига олмоқ (عَنْ); 3) сабр қилмоқ, бардош қилмоқ, чидамоқ, тоқат қилмоқ, сабр қилмоқ, 4) узоқ вақт кийилмоқ (*кийим*); 5)жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; IV تَحَامَلَ 1) (*бирор н. ни*) ўз оғирлиги билан босмоқ (عَلَى) 2) (*бирор к. га*) ҳужум қилмоқ (عَلَى); (*бирор к. ни*) таъқиб қилмоқ (عَلَى); 3) (*бирор*

www.ziyouz.com kutubxonasi

к. га) нафрат, ғазаб кўзи билан қарамоқ (عَلَى) 4) хорламоқ, пастга урмоқ; 5) (*бирор н. да*) чўрткесар бўлмоқ (فِي); 6) (*бирор н. да*) қаттиқ турмоқ, сўзини ўтказмоқ (فِي) 7) (*бирор н. ни*) зўрға-зўрға бажармоқ, аранг амалга оширмоқ; оёқда зўрға турмоқ; صَارَ قَادِرًا أَنْ يَتَحَامَلَ عَلَى نَفْسِهِ بَعْدَ الْمَرَضِ касалликдан тузалгач, у ўзи оёқда тура оладиган бўлиб қолди; تَحَامَلَ عَلَى عُكَّازَيْنِ у қўлтиқтаёқда аранг ҳаракат қилади; VII اِنْحَمَلَ кўтара оладиган бўлмоқ, таший оладиган бўлмоқ; VIII اِحْتَمَلَ 1) ўз зиммасига олмоқ, гарданига олмоқ; 2) чидамоқ, тоқат қилмоқ, бардош бермоқ; لَا يُحْتَمَلُ бардош қилиб бўлмайдиган, чидаб бўлмайдиган; لَا يَحْتَمِلُ هَذَا تَأْوِيلَيْنِ буни икки хил тушунтириш мумкин эмас; لَا يَحْتَمِلُ هَذَا شَكًّا бу ҳеч қандай шак-шубҳа туғдирмайди; 3) *шунингдек:* мажҳул нисбатда ҳам; мумкин бўлмоқ, эҳтимол, бор бўлмоқ; 4) узоқ вақт кийилмоқ (*кийим*); X اِسْتَحْمَلَ 1) чидамоқ, бардош бермоқ, маҳкам турмоқ, тоқат қилмоқ; 2) узоқ вақт кийилмоқ (*кийим*)

– اِحْتِمَالٌ 1) чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш; 2) *шунингдек:* ~ قُوَّةُ الْـ сабр-тоқат, чидам; ~ شَدِيدُ الْـ жуда бардошли, ғоят сабр-тоқатли; 3) эҳтимоллик, имконият; ~ الْوُقُوعِ содир бўлиш эҳтимоли бор; ~ قَلِيلُ الْـ эҳтимолдан узоқ, унча ишониб бўлмайдиган, д аргумон; ~ نَظَرِيَّةُ الْـ *мат.* эҳтимоллик назарияси; 4) чидамлилик, пишиқлик, мустаҳкамлик (*кийим ҳақида*)

– تَحَامُلٌ чидаб бўлмаслик, тоқат қилиб бўлмаслик, нотўғри тушунча, хато фикр, адолатсизлик билан қараш, ғаразгўйлик

– تَحَمُّلٌ 1) ўз зиммасига олиш, гарданига олиш (*бирор масъулиятни*); 2) (*ғам*) чекиш, тортиш; 3) бардошлилик, сабр-тоқатлилик, 4) чидамлилик, пишиқлик, мустаҳкамлик (*кийим ҳақида*)

– تَحْمِيلٌ 1) оғир иш юклаб қийнаш, юк юклаш, машаққатга қўйиш (*бирор н. ни*), гардан ига юклаш, елка сига қўйиш; 2) юклаш, юкларни жойлаш; ~ وَ تَفْرِيغُ الْبَضَائِعِ товарларни юклаш ва тушириш; ◊ ~ـةُ الْمَهْمِلِ *мед.* бачадон йўли

– حَامِلٌ[1] *кўп.* حَمَلَةٌ 1. 1) кўтариб борувчи, элтувчи, ташувчи; 2) молик, ...и (*...си*) бор, ...нинг эгаси, ...нинг соҳиби; حَمَلَةُ الْأَقْلَامِ *маж.* қалам аҳли (соҳиби), ёзувчилар; 2. 1) ташувчи одам, қийматли қоғозга эга бўлган киши; ~ الْعُرُوضِ чивинлар безгак тарқатувчилардир; 2) тақдим қилувчи; ~ هَذِهِ الْوَرَقَةِ ушбу варақани тақдим этувчи; 3) учоёқ, сепоя (*рассомчиликда ишлатиладиган уч оёқли дастгоҳ*); таглик, поя, тиргак; 4) кронштейн; 5) *бот.* гулўрин

– حَامِلٌ[2] *кўп.* حَوَامِلُ, حَامِلَاتٌ ҳомиладор, иккиқат; ~ مَرْأَةٌ ҳомиладор аёл

– حَامِلَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) ташувчи, элтувчи, кўтарувчи; ~ الطَّائِرَاتِ самолётлар ташувчи катта кема, авианосец; 2) ҳомиладор, иккиқат

– حَامُولٌ ҳомил (*ёсмиқ ўсимлиги касаллиги*); ~ الْكَتَّانِ *бот.* печак

– حَمَالٌ *кўп.* حُمُلٌ тўлов, ҳақ, бадал; жарима, штраф

– حَمَّالٌ ҳаммол, юккаш, юк ташувчи

– حَمَالٌ = حَمَالَةٌ

– حَمَالَةٌ[1] 1 ҳаммоллик касби

– حَمَالَةٌ[2] *кўп.* 2 حَمَائِلُ 1) тасма, қайиш; портупея (*қилич еки дала сумкасининг қайиши*); 2) подтяжка (*икки елкадан тортиб қўйилган тасма*); 3) тумор; حَمَائِلُ وَ تَمَائِمُ туморлар

– حَمَّالَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) замбил, носилка; 2) подтяжка (*бундан олдинги мақола;* لِلصَّدْرِ ~ сийнабанд, бюстгальтер; 3) таглик, тиргак, поя; кўприк устуни *ёки* тиргаги

– حَمْلٌ 1) ташиш, элтиш кўтариш; الْأَثْقَالِ ~ *спорт.* оғир атлетика; тош кўтариш; 2) ҳомиладор бўлиш, буйида бўлиш; ҳомиладорлик; ~ الْـ فِي دَوْرِ ҳомиладорлик даврида; 4) ҳамл (*200 кг. га* أُقَّة *ёки 249,6 кг. га тенг оғирлик ўлчови*)

– حَمَلٌ *кўп.* حُمْلَانٌ қўзичоқ; ~ بُرْجُ الْـ *астр.* Ҳамал буржи

– حِمْلٌ *кўп.* أَحْمَالٌ юк, вазмин, оғир юк, оғирлик; الْبَعِيرِ ~ туя кўтара оладиган энг оғир юк

– حَمْلَةٌ *кўп.* حَمَلَاتٌ 1) ҳамла, ҳужум, атака; شَعْوَاءُ ~ шиддатли ҳамла; 2) юриш, сафар, поход, экспедиция; кампания; اِنْتِخَابِيَّةٌ ~ сайлов кампанияси; عَسْكَرِيَّةٌ ~ ҳарбий экспедиция, ҳарбий юриш; 3) ҳамла (*60* أُقَّة *ёки 74,88 кг га тенг бўлган оғирлик ўлчови*)

– حَمَلِيٌّ *кўп.* حَمَلِيَّةٌ сувфуруш, сув сотувчи (*бозорда*)

– حَمُولٌ[1] 1 бардошли, сабр-тоқатли, чидамли

– حَمُولٌ[2] сув билан оқиб келадиган оқинди; чўкинди ўтринди (*шамол, сув ёки муз олиб келиб ҳосил қилган чўкинди жинслар қатлами*)

– حُمُولٌ тепасига тахтиравон юкланган, ўрнатилган туя

– حُمُولَةٌ юк ташийдиган ҳайвон (*туя, эшак ва ҳ.к.*)

– حُمُولَةٌ 1) юк, вазмин нарса, туя кўтариши мумкин бўлган оғирлик; 2) сиғим, сиғдира олишлик, юк кўтариш имконияти, кеманинг ҳажми; 3) юк кўтара олиш қуввати

– حَمِيلٌ 1. олиб бориладиган, кўтариб бориладиган; 2. пушт, ҳомила, она қорнидаги бола; қориндаги ҳомила

– حَمِيلَةٌ[1] 1 *кўп.* حَمَائِلُ 1) портупея (*қар.* حَمَالَةٌ[2]); 2) (*бирор к. учун*) ортиқча юк (عَلَى); боқинди, нонхўр, бировнинг қарамоғида бўлган одам; (*бирор к. нинг*) қўлига қараган, измида бўлган шахс; ~ كَانَ ... عَلَى ...нинг қўлига қараб қолмоқ, ...нинг измида бўлмоқ

– حَمِيلَةٌ[2] *кўп.* حَمَائِلُ уруғ (қабила) жамоаси

– مُحْتَمَلٌ эҳтимоли бор; ... أَنَّ مِنَ الْـ ~ эҳтимолки, ...; ...ш (*...иш*)

эҳтимоли бор; ... أَنَّ مِنْ غَيْرِ الْـ ~ мумкин эмишки, ...; ...ши (*...иши*) мумкин эмас

– مَحْمَلٌ, مَحْمِلٌ[1] *кўп.* مَحَامِلُ замбил, носилка, тахтиравон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

الْـــ~ الشَّرِيفُ маҳмали шариф (*Каъбатуллога каъбапўш ва б. ҳадялар билан тайёрланган тахтиравон*)

– مَحْمَلٌ[2] сифат: لَمْ آخُذْ (أَحْمِلْ) شَكْوَاهُ عَلَى ~ الْجِدِّ мен унинг шикоятига жиддий сифат деб қарамадим; الدِّعَايَةَ ~ حَمَلَهُ уни ҳазилсифат деб билмоқ; 2) баҳона, важ, сабаб; 3) асос, база; ~ كُرِيَّات шарикли подшипник

-مُحَمَّلٌ оғир юк юкланган, (*бирор н. нинг*) машаққати остида қолган, қийноғида қолган (ب)

-- مِحْمَلٌ қилич илиб қўйиладиган илгак

-- مَحْمُولٌ *кўп.* اتٌ — 1. 1) олиб бориладиган, кўтариб бориладиган, ташиладиган; 2)моторлаштирилган; 2. 1) юк, оғир нарса; 2) сиғим, сиғдира олишлик; юк кўтариш имконияти; 4) *мант.* муҳокама предметини (*субъектини*) аниқловчи мантиқий тушунча; عَلَيْهِ ~ субъект

حَمَالِيقُ *кўп* حَمْلَاقٌ темирчилик босқони (*оловга дам бериб, уни кучайтирадиган мослама*); кавшарлашда қалайлашда ишлатиладиган асбоб (трубка); труба (қувур) оғзига ўрнатиладиган конуссимон найча

حَمْلَقَ 1) бақрайиб қарамоқ, кўзини чақчайтириб қарамоқ; (*бирор н. га*) ҳайрон бўлиб қарамоқ (في ,ب), кўзини катта очмоқ; 2) *кўч. м.* анқайиб, безрайиб қараб турмоқ

– حَمَالِيقُ *кўп* حَمْلَاقٌ кўз қовоғининг ички томони; *анат.* кўз жилди

– حَمْلَقَةٌ ҳайрон бўлиб ташланган назар (қараш)

– حَمْوٌ[1], حَمٌ *кўп.* أَحْمَاءٌ қайнота, амаки; божа, حَمْوَةٌ (*бирор к*) унинг қайнотаси; حَمِيَّة *қар.* к унинг қайнотасининг; حَمَاةٌ *туш.* к унинг қайнотасини

– حَمَاةٌ *кўп* حَمَوَاتٌ қайнона

– حَمَاءَةٌ 1) иссиқлик, ҳарорат; 2) ўткирлик (*тамаки ҳақида*)

– حَمْوٌ[2] иссиқ ҳарорат, жазирама иссиқ; ◊ الْبَيْضِ ~ *мед* темиратки

– حَمُوَّةٌ чўғ, лахча чўғ, аланга

I (حمى) **حَمَى** (*u*) حِمَايَةٌ 1) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ, кўриқламоқ, асрамоқ; اللهُ مِنْ شَرِّ الْأَعْيُنِ! ҳамоллоҳ ...ни ёмон кўзлардан Оллоҳ асрасин!; 2) ёқламоқ, ҳомий бўлмоқ, қаноти остида сақламоқ; 3)парҳез қилдирмоқ, парҳез буюрмоқ; حِمًى (*a*) حِمْيٌ 1) қизимоқ, исимоқ, иссиқ бўлмоқ, чўғ бўлмоқ, кескинлашмоқ, жиддий тус олмоқ; авжига чиқмоқ; تْ الْمَعْرَكَةُ ~ жанг авжига чиқди; ~ الْوَطِيسُ *қар.* وَطِيسٌ; 2) (*бирор н. га нисбатан*) ғазаби тошмоқ (على); II حَمَّى 1) қизитмоқ, иситмоқ, кескинлатмоқ, 2) юмоқ, чўмилтирмоқ; III حَامَى (*бирор к. ни*) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ, тарафини олмоқ (عَنْ); (*бирор к. ни*) қўллаб-қувватламоқ (عَنْ); IV أَحْمَى иситмоқ, илитмоқ, қизитмоқ, кескинлаштирмоқ; الْمَكَانَ ~ жойни дахлсиз қилмоқ; V تَحَمَّى парҳез қилмоқ, парҳезда бўлмоқ; VI تَحَامَى ўзини ҳимоя қилмоқ; ўзини эҳтиёт қилмоқ, ўзини четга тортмоқ, сақланмоқ; VIII احْتَمَى 1) ўзини ҳимоя қилмоқ; пана бўлмоқ, тўсилмоқ; яширинмоқ, ўзини панага олмоқ (في); 2) ҳимоя қилдирмоқ; (*бирор к. нинг*) паноҳига сиғинмоқ, ҳимоя талаб қилмоқ (مِنْ), 3) парҳез қилмоқ, парҳезда бўлмоқ

-- إِحْمَاءٌ иситиш, қизитиш, илитиш, кескинлаштириш

– تَحَامَى ўз-ўзини ҳимоя қилиш; ...لِـــ تَحَامِيًا ...га йўл қўймаслик учун, ...нинг олдини олиш учун

– حَامٍ[1] *мн.* حَامِيَةٌ 1. 1) ҳимоя (мудофаа) қилувчи, ҳимоя қиладиган, ёқлайдиган; ҳомийлик кўрсатувчи, енгиллик туғдирадиган; ضَرِيبَةٌ حَامِيَةٌ енгиллик қилишни кўзлаб белгиланган бож; 2) иссиқ, қайноқ; الْوَطِيسِ-ҳомий-кучли, шиддатли, қизғин, қайноқ (*тортишув ҳақида*); حَامِي الطَّبْعِ сержаҳл, аччиғи тез, жиззаки, тажанг; 3) аччиқ, нордон (*овқат*); аччиқ, ўткир (*тамаки*); ◊ بِالْحَامِي وَ بِالْبَارِدِ ҳам эркалаб, ҳам дўқ-пўписа билан (*сўзма-сўз*: ҳам иссиқ билан, ҳам совуқ билан); 2. *кўп.* حُمَاةٌ ҳомий, ҳимоячи; حَامِي الْمَعَارِفِ маърифат учун курашувчи; *спорт.* حَامِي الْمَرْمَى дорвозабон

– حَامٍ[2] туянинг эркаги

-- حَامِيَةٌ *кўп* اتٌ — гарнизон; пикет (*кичкина соқчилар отряди*)

- حِمَايَةٌ 1. ҳимоя қилинувчи, ҳимоя остидаги; 2. 1) ҳимоя, мудофаа, қўриқлаш, пойлаш, ҳомийлик қилиш; نَفْسِهِ ~ ўз-ўзини ҳимоя қилиш, ўз-ўзини мудофаа қилиш; الْأُمُومَةِ ~ оналикни муҳофаза қилиш; الْـــ~ الْجُمْرُكِيَّةُ енгиллик қилишни кўзлаб белгиланган божлар; حَقِّ الْمُؤَلِّفِ ~ муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси, 2) ҳомийлик

– حُمَّةٌ 1) найза, ниш (*чақадиган ҳашоратларда*), 2) заҳар

– حُمَّى *қар* حَمٌّ

– حِمًى дахлсиз нарса; заповедник

-- حِمِيٌّ таъқиқланган, ман этилган, дахлсиз; эришиб бўлмайдиган, етишиб бўлмайдиган, ёнига йўлатмайдиган

– حُمَيَّا 1) ғайрат, куч-қувват, интилиш; 2) шиддат

– حُمَيَّةٌ парҳез

– حُمَّيَّةٌ 1) ўт, олов, чўғ, ҳарорат, жиззакилик, жиртакилик, шиддат; 2) интилиш, тиришиш, энтузиазм; 3) димоғдорлик, такаббурлик, кеккайиш, гердайиш; нафрат, жирканиш

– مُحَامٍ *мн.* مُحَامِيَةٌ 1 ҳимоя қилувчи, мудофаа қилувчи; 2. ҳимоячи, адвокат, оқловчи

– مُحَامَاةٌ ҳимоя, ҳимоя қилиш, адвокатлик фаолияти, адвокатура

– مُحْتَمًى бошпана

– مَحْمِيٌّ 1. ҳимоя остига олинган, қўриқланадиган, пойланадиган; 2. ҳимояга олинган шахс, бировнинг қаноти остидаги одам

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَحْمِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ҳомийлик, ҳимоя

حِمْيَرُ *тар.* Ҳимяр

– حِمْيَرِيٌّ ҳимярий, ҳимярга оид; الْـــ ـَـةُ ҳимяр тили; الْفَهْمُ الْـــ *маж.* тушунмаслик

I. حَنَّ[1] (*а, и*) حَنِينٌ 1) (*бирор н. ни*) жуда қаттиқ тусамоқ, (*бирор н. га*) интилмоқ (إِلَى); (*бирор н. ни*) соғинмоқ, (*бирор н. га*) муштоқ бўлмоқ (إِلَى); 2) ғамгин, мунгли овоз бермоқ (*чиқармоқ*), حَنَّ[2] (*а/и*) حَنَانٌ аямоқ, раҳм қилмоқ, раҳми келмоқ, (*бирор н. га*) ғамхўрлик, меҳрибонлик қилмоқ (عَلَى); II حَنَّنَ 1) гулламоқ (*дарахт*); 2) (*бирор к га нисбатан*) раҳмини келтирмоқ (عَلَى); ◊ اللهُ يُحَنِّنْ عَلَيْكَ! сенга Оллоҳнинг раҳми келсин!; V تَحَنَّنَ раҳм қилмоқ, раҳми келмоқ, (*бирор к. га*) юраги ачишмоқ, ичи ачишмоқ (عَلَى)

– تَحْنَانٌ соғинч, муштоқлик

– تَحَنُّنٌ меҳрибонлик, раҳм-шафқат, ачиниш; ~ فِي раҳм-шафқат билан

– حِنٌّ *зоол.* тоғчумчуқ

– حَنَّا = حِنَّاءٌ *қар.* حنأ

– حَنَانٌ раҳм-шафқат, меҳр, меҳрибонлик; ачиниш

– حَنَّانٌ меҳрибон, раҳмдил, раҳм-шафқатли

– حَنَّةٌ раҳм-шафқат, шафқат қилиш, ачиниш; ~ الرِّجْلِ эркакнинг хотини

– حَنَّةُ *қар.* حَنَّا

– حَنُونٌ раҳм-шафқатли, меҳрибон; 2) ачинарли, кишининг раҳмини келтирадиган; 3) шафқатли, ёқимли; ◊ الْأُمُّ الْـــ ـَـةُ мия қобиғи

– حَنِينٌ 1) муштоқлик, жўшқин иштиёқ; 2) соғинч, меҳр-шафқат; 3) фиғон, нола, оҳ тортиш

– حُنَيْنٌ *ат. от, мз* Ҳунайн; ◊ ~ يَحْنِي (عَادَ) رَجَعَ у қуп-қуруқ қайтиб келди (*сўзма-сўз:* у Ҳунайннинг туфлиси билан қайтиб келди)

– حَنِيَّةٌ меҳрибонлик, раҳм-шафқатлилик

حَنَّا *ат. от, мн.* Ханно

(حنأ) II حَنَّأَ (*хина қўймоқ, хина билан бўямоқ*

– حِنَّاءٌ *жам* حُنَّآنٌ, حِنَّانٌ *бот.* хина; ~ ثَمْرُ *хинанинг очилган гуллари;* ~ ثَمْرُ *бот.* саёқгул; (الْحِنَّاء) لَيْلَةُ الْحِنَّاء бўлажак келиннинг тўй олдидан соч ва тирноқларини бўяш муносабати билан бериладиган базми; ◊ ~ أَبُو الْـــ *зоол.* тоғчумчуқ

– حِنَّاءَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ хина ўсимлиги

– حَنِيَّةٌ ёй, камон (*қурол*)

حَنْبَلِيٌّ *кўп.* حَنَابِلَةٌ 1. ислом шариати кўрсатмаларига қаттиқ амал қилувчи одам; 2. *дин* ҳанбалий (*имом ибн Ҳанбал мазҳабига мансуб*)

الْـــ: حَنْبَلِيَّةٌ ислом шариатига имом ибн Ҳанбал таълимотига биноан амал қилиш, ҳанбалийлик

– حَنَابِيطُ *кўп.* حَنْبُوطٌ шавел (*кўкат - Сурияда*)

حَانُوتٌ *алиф. б. қар.*

– حَانُوتِيٌّ *алиф. б. қар.*

حَنْتَمٌ кўза

I **حَنَثَ** (*а*) حِنْثٌ хиёнаткор бўлмоқ, аҳдни бузмоқ; (*бирор н. га*) хилоф иш қилмоқ (فِي ,ب); فِي يَمِينِهِ ~ қасамини бузмоқ; بِالْوَعْدِ ~ ваъдани бузмоқ; IV أَحْنَثَ: فِي الْيَمِينِ ~ қасамдан қайтишга ундамоқ; V تَحَنَّثَ тақводорлик қилмоқ, ҳудожўйлик қилмоқ

– حَانِثٌ қасамни бузувчи, онтидан қайтган, хоин

– حِنْثٌ *кўп.* أَحْنَاثٌ 1) қасамни бузиш, онтдан қайтиш; 2) гуноҳ; بَلَغَ الْـــ итоат этмай қуймоқ, бўйсунмай қўймоқ

حَنْجَرَةٌ *кўп.* حَنَاجِرُ бўғиз, томоқ; ~ الْـــ طَبِيبُ қулоқ, бурун, томоқ врачи, отоларинголог; ~ الْـــ الْتِهَابُ *мед* ларингит томоқ яллиғланиши; ~ الْـــ مِنْظَارُ *мед.* ларингоскоп (*томоқ ва ҳалқумни кўрадиган асбоб*)

– حَنْجَرِيٌّ томоққа, бўғизга оид

– حَنْجَرَةٌ *кўп.* حَنَاجِيرُ = حَنْجُورٌ

حَنْجَلَ тисарилиб орқа оёққа турмоқ (*от ҳақида*); гижингламоқ (*от ҳақида*); تَحَنْجَلَ сакрамоқ, сапчимоқ, ирғиб турмоқ, ўйноқламоқ, гижингламоқ (*от ҳақида*)

– حَنْجَلٌ *кўп* حَنَاجِلُ денгиз қисқичбақаси, краб

– حَنْجَلَةٌ тисарилиб орқа оёқда туриш (*от ҳақида*), ўйноқлаш, сапчиш, гижинглаш (*от ҳақида*)

حَنْدَسٌ *кўп* حَنَادِسُ қоронғулик, зулмат, зим-зиёлик, тим қоронғулик, тим қоронғу кеча

حَنْدَقُوقَى ,حَنْدَقُوقٌ *бот.* 1) беда, 2) муаттар ҳидли еввойи ўт

حَنْدَوِيلٌ *жам* зоғора (*маккажўхори*) унидан тайёрланган бўлка нон

– حَنْدَوِيلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ зоғора нон

I **حَنَذَ** (*и*) حَنْذٌ, تَحْنَاذٌ оловда куйдириб пиширмоқ (*гўштни*)

– حَنِيذٌ куйдириб пиширилган; ~ لَحْمٌ куйдириб пиширилган гўшт

(حنس) II حَنَّسَ ғашга тегмоқ, ғашини келтирмоқ, қитиқламоқ, қўзғатмоқ; гиж-гижламоқ, қутуртирмоқ

حَنَشٌ[1] *кўп.* أَحْنَاشٌ, حُنْشَانٌ илон, сув илон; ◊ ~ أَبُو лайлакка ўхшаш оёқлари узун-узун қуш

حَنَشٌ[2] ов қилинган қуш; тутиб олинган ҳашорот

(حنط) II حَنَّطَ 1) мўмиёламоқ; 2) препарат тайёрламоқ, тулум қилмоқ (*қушлардан*); V تَحَنَّطَ мўмиёланмоқ (*жасад ҳақида*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَحْنِيطٌ 1) мўмиёлаш, мўмиё тайёрлаш; 2) яхшилаб зираворланган овқат

– حَنَّاطٌ ҳаннот, буғдойфуруш, буғдой олиб сотувчи

– حَنَاطَةٌ 1) мўмиёлаш маҳорати; 2) ҳаннотлик, буғдойфурушлик

– حِنْطَةٌ буғдой; ~ الْجُرْذَانِ маккажўхори; ~ سَوْدَاءُ қора буғдой; ~ رُومِيَّةٌ полба (*буғдой навларидан бири*); ~ بَرِّيَّةٌ *бот.* қопчўп (*сўғалларни йўқотиш учун қўлланиладиган кўп йиллик ўсимлик*); ◊ ~ لِرَحَى الْحَرْبِ тўп еми (*қирғинга юбориладиган аскарлар*)

– حِنْطِيٌّ буғдойранг; буғдойга оид

– حَنْطُورٌ *кўп.* حَنَاطِيرُ (*шунингдек:* ~ عَرَبَةٌ) усти очиқ арава; киракаш арава

– حَنْطُورَةٌ = حَنْطُورٌ

– حَنُوطٌ 1) атир навларидан бири; 2) жасад бузилмаслиги учун ишлатиладиган модда, мўмиё

– حَنْظَلٌ *бот.* колоквинт, заққум (*ғоят аччиқ мевали ўсимлик*); أَمَرُّ مِنَ الْـ~ *мтл.* зиғирёғдан баттар (*сўзма-сўз:* заққумдан ҳам аччиқ)

I **حَنَفَ** (*u*) حَنَفٌ (*бирор н. га*) эгилмоқ, букилмоқ, энгашмоқ, оғмоқ (إِلَى); V تَحَنَّفَ 1) ислом дини ақидаларига мувофиқ иш тутмоқ; 2) хатна қилинмоқ; 3) бутлардан узоқлашмоқ

– أَحْنَفُ *мн* حَنْفَاءُ *кўп* حَنَفٌ оёғи қийшиқ, қийшиқоёқ; оёғи қайрилган; ~ الْقَدَمَيْنِ қийшиқоёқ

– حَنَفِيٌّ 1) ҳанафийликка оид; 2. *кўп* أَحْنَافٌ, حَنَفِيُّونَ *дин.* ҳанафий, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ мазҳабига мансуб, Имом Аъзам раҳматуллоҳ мазҳабидаги киши

– حَنَفِيَّةٌ[1] الْـ~ *дин.* ҳанафийлик таълимоти (*имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ мазҳаби*)

– حَنَفِيَّةٌ[2] *кўп.* ات ـــ жўмрак, сув жўмраги, бирор нарса чиқадиган туйнук; ~ حَرِيق ўт ўчиришда сув олинадиган жўмрак

– حَنِيفٌ *кўп.* حُنَفَاءُ *дин* ҳақиқий, чин, ҳаққоний, ягона Оллоҳга чин дилдан имон келтирувчи киши; ~ الدِّينِ الْـ ислом дини, дини ислом; ~ الْدِّينِ ҳақиқий мусулмон, чин мусулмон

– حَنِيفِيَّةٌ الْـ~ ягона Оллоҳ таолога чин дилдан имон келтириш (*ислом дини*)

I **حَنَقَ** (*a*) حَنَقٌ 1) (*ғазабдан*) ўзини унутмоқ, ғазабдан тутоқиб кетмоқ; (*бирор к. дан*) жаҳли чиқмоқ (عَلَى), 2) (*бирор к. ни*) ёмон кўрмоқ (مِنْ) IV أَحْنَقَ 1) *ғазабини қўзғатмоқ, жаҳлини чиқармоқ; 2) (бирор к. га нисбатан)* ўз нафрати (ғазаби) ни ифода этмоқ; ғазабланмоқ, нафратланмоқ

– حَانِقٌ 1) дарғазаб бўлган, ғазабдан ўзини унутган; 2) ёмон кўрувчи; عَلَى النِّسَاءِ ~ хотин-қизларни ёқтирмайдиган одам, ўзини аёллардан олиб қочадиган киши; عَلَى الْحَيَاةِ ~ ҳаётдан мамнун бўлмаган одам, яшаш жонига теккан одам

– حَنَقٌ қаттиқ ғазаб, қутурганлик; адоват, қаҳр

– حَنِقٌ дарғазаб; ғазабдан (жаҳлдан) тутуни чиққан

– مُحْنَقٌ сержаҳл, баджаҳл, ёвуз; жаҳли чиққан; ◊ ~ الصَّدْرِ ёвуз баджаҳл

I **حَنَكَ** (*u*) حَنْكٌ тажриба ҳосил қилмоқ, ўргатмоқ (*ҳаёт ҳақида*) 1 احْتَنَكَ VIII = I; IV أَحْنَكَ = I; II حَنَّكَ отни нўхталамоқ; 1) нўхталамоқ; 2) еб тугатмоқ, الْجَرَادُ الْأَرْضَ ~ чигирткалар ер устидаги нарсаларни еб тугатди

– حَنَكٌ[1] *кўп.* أَحْنَاكٌ қаттиқ танглай; оғиз; йиртқич ҳайвоннинг оғзи; тумшуқ; ~ أَسْوَدُ مِثْلُ الْغُرَابِ қарға тумшуғи каби қора

– حَنَكٌ[2] қора

– حُنْكَةٌ, حِنْكٌ, حُنْكٌ ҳаёт тажрибаси; тажрибалилик

– حَنَكِيٌّ *фон.* танглай товуши, палатал товуш

– مُحَنَّكٌ тажрибали, ҳаёт тажрибасига эга

– حَنَكَلِيسٌ *зоол.* илон балиқ

– حَنِمٌ *жам* бойқуш, бойўғли

– حَنَمَةٌ *кўп* ات ـــ бойқуш, бойўғли

I (حنو) **حَنَا**[1] (*y*) حَنْوٌ эгмоқ, букмоқ, букламоқ, энгаштирмоқ; حَنَا (*y*) حَنْوٌ (*бирор к. га*) юраги ачишмоқ, раҳми келмоқ (عَلَى); حَنَى (*y*) حَنْيٌ, حِنَايَةٌ 1) эгмоқ, букмоқ, қайирмоқ, энгаштирмоқ, мойи қилмоқ; لَهُ هَامَتَهُ ~ бирор ким олдида бош эгмоқ; 2) (*бирор к. устига*) энгашмоқ, букилмоқ (عَلَى); II حَنَّى 1) хина қўймоқ, хина била бўямоқ, 2) бўямоқ, ранг бермоқ; بِدَمٍ ~ қон билан бўямоқ; IV حَنَى 1) эгмоқ, букмоқ; энгаштирмоқ, мойил қилмоқ; رَأْسَهُ أَمَامَ . . . биро кимга бўйин эгмоқ; 2) раҳм-шафқат қилмоқ, юраги ачишмоқ; (*бирор к. га*) ачинмоқ, раҳми келмоқ (عَلَى); V تَحَنَّى 1) ўзига хина қўймоқ; 2) бўялмоқ; VII اِنْحَنَى 1) эгилмоқ, энгашмоқ, букилмоқ; (*бирор н. устига*) қуйи солинмоқ (عَلَى); 2) қайрилмоқ, буралиб-бурали кетмоқ, эгри-бугри бўлмоқ (*сўқмоқ йўл ҳақида*); (*бирор н. да*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ); тазим қилмоқ, қуллуқ қилмоқ

– أَحْنَى *мн* حُنْيَاءُ букилган, букчайган, эгилган; رَجُلٌ ~ الظَّهْرِ бели букчайган одам

– اِنْحِنَاءٌ 1) эгилиш, энгашиш, букилиш, қайрилиш, эгри-бугри бўлиш, оғишиш, тойиш, четга чиқиш; 2) эгри-бугрилик, қийшиқлик; 3) таъзим, қуллуқ

– حَانٍ *мн* حَانِيَةٌ эгувчи, букувчи, энгаштирувчи; ~ى الرَّأْسِ боши қуйи тушган, бошини қуйи қилган (*мас. дафн маросимида*)

– حَنْوٌ 1) эгиш, букиш, буклаш; 2) майл, мойиллик, иштиёқ

– حُنُوٌّ ачиниш, раҳми келиш

– حِنْوٌ *кўп.* أَحْنَاءٌ иланг-биланг жой, илонизи (*йўл*)

– حَنْيٌ = حَنْوٌ

– حَنِيَّةٌ *кўп.* ات ـــ бурилиш, қайрилиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– حَنِيَّةٌ *кўп.* حَنَايَا, حَنِيَّاتٌ 1) иланг-биланг жой, илонизи (*йўл*); бурилиш, қайрилиш; 2) *архит.* гумбаз, равоқ, қубба; ~ صَدْرِ الْكَنِيسَةِ антик *ёки* христиан ибодатхоналаридаги яримдоиравий бўртма; ~ الْقَنْطَرَةِ кўприқ арки; ◊ حَنَايَا الْقَلْبِ юракнинг тўр-тўри, ич-ичи, қаъри

– مَحْنِيٌّ эгик, букик, мойил

– مَحْنِيَةٌ *кўп.* مَحَانٍ иланг-биланг жой, илонизи (*йўл*); бурилиш, қайрилиш

– مُنْحَنٍ 1) *мн* مُنْحَنِيَةٌ 1) энгашувчи, букилувчи; нишаб, қия, ётиқ; 2) мойил, иштиёқи бор; майли, рағбати бор; 2. *кўп* مُنْحَنِيَاتٌ *мат.* эгри (*чизиқ*)

– مُنْحَنًى *кўп.* مُنْحَنَيَاتٌ иланг-биланг жой, илонизи йўл; қинғир-қийшиқлик, эгри-бугрилик, дарё қайирмаси; бурилиш, қайрилиш, муйилиш

حَوَّاءُ *ат. от. мн* Ҳавво, Момо Ҳавво; ◊ ~ ابْنَةُ *ёки* ~ بِنْتُ *аел,* хотин киши; ~ كُلُّ آدَمَ يَجِدُ ҳар бир одам ўз Ҳаввосини топади, ҳар бир одам ўз тенгини топади

I (حوب) **حَابَ** (*у*) حَوْبٌ гуноҳ қилмоқ, айб иш қилмоқ, нотўғри қилиқ қилмоқ; ножўя иш қилмоқ; V تَحَوَّبَ гуноҳдан қочмоқ

– حَوْبٌ, حُوبٌ гуноҳ, ножўя иш, нотўғри қилиқ

– حَوْبَاءُ *кўп.* حَوْبَاوَاتٌ қалб, дил, жон

– حَوْبَةٌ, حُوبَةٌ = حُوبٌ; ~ التَّوْبَةُ تَغْسِلُ الْـ~ *мтл.* тавба билан гуноҳ ювилар (*сўзма-сўз.* тавба гуноҳни ювади)

حُوتٌ *кўп.* حِيتَانٌ 1) катта балиқ; 2) кит; ~ سُلَيْمَانَ гўшти қизил балиқ; ~ الْـ بُرْجُ *астр.* Ҳут буржи

(حوت) IV أَحَاتَ кавламоқ (*ерни*); X = IV اسْتَحَاتَ

– إِحَاتَةٌ кавлаш, қазиш; ~ الْأَرْضِ палеонтология (*қадимда яшаган ҳайвон ва ўсимликларни уларнинг қолдиғи асосида ўрганувчи фан*)

حَيْثُ = حَوْثُ

I (حوج) **حَاجَ** (*у*) حَوْجٌ муҳтож бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ; II حَوَّجَ (*бирор н. га*) эҳтиёж туғдирмоқ, муҳтож қилмоқ (إِلَى), IV أَحْوَجَ 1) (*бирор н. га*) муҳтож бўлмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. га*) мажбур қилмоқ, муҳтож қилмоқ (إِلَى), 3) муҳтожликка олиб бормоқ, муҳтожликка олиб келмоқ; !... ~ مَا أَحْوَجَهُ إِلَى ...га қанчалик муҳтож!; VIII احْتَاجَ (*бирор н. га*) муҳтож бўлмоқ, эҳтиёжи бор бўлмоқ, эҳтиёж сезмоқ, муҳтожлик сезмоқ (إِلَى)

– احْتِيَاجٌ *кўп.* ـَاتٌ эҳтиёж, талаб

– حَاجَةٌ *кўп.* حَوَائِجُ, ـَاتٌ 1) ҳожат, эҳтиёж, талаб; حَسَبَ الْـ~ эҳтиёжга қараб, эҳтиёжга кўра; ~ عِنْدَ الْـ~ зарурат бўлганида; حَاجَاتُ الْحَيَاةِ тириклик учун керак бўладиган нарсалар; ~ إِلَى (ـِـ) كَانَ فِي бирор нимага муҳтож бўлмоқ; هُوَ فِي أَشَدِّ ~ مَاسَّةٍ فِي ... унинг ... га эҳтиёжи жуда катта; وَ لَا ~ إِلَى الْـ~ إِلَى الْقَوْلِ إِنَّ ... унинг учун энг кераги ...; ...ни гапиришга ҳожат ҳам йўқ; 2) хоҳиш, истак; ~ قَضَى لِـ~ а) бирор кимнинг истагини бажо келтирмоқ; б) ўз хоҳишини қондирмоқ; 3) кераклилик, зарурат, даркорлик; ~ فِي غَيْرِ ҳеч бир заруратсиз; ~ قَضَى الْـ~ бўшанмоқ, ични бўшатмоқ, ошқозонни енгиллатмоқ; 4) керакли нарса; ~ فَائِضٌ عَنِ الْـ~ кераксиз, ортиқча, эҳтиёждан ташқари; 5) бирор нарса, бирор нима, нимадир; وَ ظَهَرَ أَنَّهُ لَيْسَ عَالِمًا وَ لَا ~ маълум бўлдики, у олим тугул, ҳеч нарса эмас; ~ تُكَسِّفُ وَ تُقَرِّفُ нимадир уятга қўяди, нимадир нафрат қўзғатади

– حَاجِيَّاتٌ *кўп.* 1) зарур эҳтиёжлар; 2) *шунингдек:* ~ الْـ الضَّرُورِيَّةُ энг керакли ашёлар

– حَوَائِجُ *кўп.* қақир-қуқир, кўч-кўрон, ашқал-дашқаллар; мулк

– حَوْجَاءُ ҳожат, эҳтиёж

– مُحْتَاجٌ муҳтож, эҳтиёжманд, (*бирор н. га*) эҳтиёж сезувчи (إِلَى)

– مُحْوِجٌ керакли, зарурий; талаб катта нарса

حَوَاجِلُ, حَوْجَلَةٌ, حَوْجَلَةٌ *кўп* حَوَاجِيلُ бутилка

I (حود) **حَادَ** (*у*) حَوْدٌ (*бирор н. дан*) оғишмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ (عَنْ). II حَوَّدَ бурмоқ, қайирмоқ; ~ عَلَى يَمِينِكَ! ўнгга қайрил!

I (حوذ) **حَاذَ** (*у*) حَوْذٌ қувимоқ, қувмоқ, ҳайдамоқ, ҳадамини илдамлаштирмоқ; IV أَحْوَذَ = I, X اسْتَحْوَذَ 1) чулғамоқ, қамрамоқ, қўлга киритмоқ, ўраб олмоқ; 2) (*мас. бозорини*) эгаллаб олмоқ (عَلَى)

– حَاذٌ 1. ўсимлик номи; 2. бел; ◊ ~ خَفِيفُ الْـ~ мол-мулки оз, камбағал, камбизоат (*сўзма-сўз.* бели енгил)

– حَوْذٌ қувлаш, қувлашиш, кимўзди

– حُوذِيٌّ *кўп.* حُوذِيَّةٌ аравакаш, кучер; ~ الرُّكَّابِ одам ташийдиган аравакаш; ~ النَّقْلِ юк ташийдиган аравакаш

I (حور) **حَارَ** (*у*) حَوْرٌ (*бирор н. га*) қайтмоқ (إِلَى), حَوِرَ (*а*) حَوَرٌ қора бўлмоқ (*кўз ҳақида*), II حَوَّرَ 1) ўз шаклини ўзгартирмоқ; 2) ёймоқ (*хамирни*), 3) оқламоқ, ошламоқ, оқартирмоқ (*газламани*), III حَاوَرَ 1) баҳслашмоқ; суҳбатлашмоқ, гаплашиб ўтирмоқ; 2) алдашга уринмоқ, نَفْسَهُ ~ ўзи билан ўзи гаплашмоқ, IV أَحَارَ جَوَابًا ~ жавоб қилмоқ, жавоб қайтармоқ, эътироз билдирмоқ, сўз қайтармоқ; لَمْ يُحِرْ كَلَامًا у ҳеч нарса демади; V تَحَوَّرَ ўз шаклини ўзгартирмоқ, (*бирор н. га*) айланмоқ (إِلَى); VI تَحَاوَرَ ўзаро суҳбат қурмоқ

– أَحْوَرُ *мн.* حَوْرَاءُ *кўп.* حُورٌ қора кўз, кўзи қора

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَحْوِيرٌ ўз шаклини ўзгартириш; (*бирор н. га*) айлантириш, ўзгартириш (إِلَى); ~ الثِّيَاب кийимларни оқартириш

– حَارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, حَوَارَى маҳалла; тор кўча

– حَائِرٌ касодга учраган, ўтмай қолган

I (خوض) **خَاضَ** (*у*) خَوْضٌ, خِيَاضٌ 1) (*сув*) кечиб ўтмоқ; 2) (*н. гадир*) киришмоқ, (*н. гадир*) ғайрат билан киришмоқ (*туш. к. ёки* فِي); فِي الْبَحْثِ ~ баҳсга киришиб кетмоқ, кўп гапирмоқ, жаврайвермоқ, кўп муҳокама қилавермоқ; ~ بَاسِنًا (خَوَاضًا) كَفَاحًا жон-жаҳди билан кураш олиб бормоқ; (غِمَارَ الْحَرْبِ) ~ الْمَعْرَكَةَ жангга (хавфли урушга) киримоқ, жанг (хавфли уриш) олиб бормоқ; غِمَارَ السِّيَاسَةِ ~ сиёсатга боши билан шўнғиб кетмоқ; II خَوَّضَ кечиб ўтмоқ; IV أَخَاضَ кечиб ўтказмоқ, иккинчи томонга ўтказиб қўймоқ; فِي الْمَاءِ الدَّابَّةَ ~ ҳайвонни сувнинг нариги томонига ўтказмоқ; VI تَخَاوَضَ берилиб кетмоқ, шўнғиб кетмоқ, ичига кириб кетмоқ

– خَوْضٌ 1) кечиб ўтиш; 2) (*н. гадир*) киришиш (فِي); олиб бориш (*мас. суҳбат, жанг*)

– مَخَاضَةٌ *кўп* اتٌ — مَخَاوِضُ, кечув, кечик

– مَخْوَضٌ чилчўп, куракча

خُوطٌ *жам* бир йиллик қотмаган шох, новда

I (خوف) **خَافَ** (*а*) خَوْفٌ хавфсирамоқ, қўрқмоқ, ваҳимага тушмоқ, (*н. дандир*) чўчимоқ (مِنْ), (*к. учундир*) хавотирланмоқ, ташвишланмоқ (عَلَى); يُخَافُ اللهُ Оллоҳдан қўрқадиган; II خَوَّفَ ваҳима қилмоқ, қўрқитмоқ, чўчитмоқ; IV أَخَافَ чўчитмоқ, қўрқитмоқ; V تَخَوَّفَ қўрқмоқ, хавфсирамоқ

– إِخَافَةٌ қўрқитиш, чўчитиш, даҳшат солиш

– تَخْوِيفٌ чўчитиш, қўрқитиш

– خَائِفٌ қўрқувчи, хавфсировчи (*к. учундир* -عَلَى), ҳадикчи, қўрқоқ, ҳурковуч

– خَوَّافٌ қўрқоқ, юраксиз, юраги йўқ

– خَوْفٌ хавф, хатар, ҳадик, ~ الْـ مَعَ الْخُرُوجِ وَ қўрқинч ва ҳаяжон билан; ... مِنْ ~ ... дан қўрқиб

– خَوُوفٌ қўрқоқ, ҳуркак, ҳадикли, хавфсировчи

– خِيفَةٌ қўрқиш, қўрқоқлик; ~ хавотирланган ҳолда

– مَخَافَةٌ *кўп* مَخَاوِفُ қўрқиш, хавотирланиш; ... أَنْ ~ ... дан ташвишланиб (хавотирланиб, қўрқиб); أَظْهَرَ مَخَاوِفَهُ مِنْ ... ҳақдаги ўз ташвишларини изҳор қилди

– مَخُوفٌ қўрқинчли, ваҳимали; хавфли (*йўл ҳақида*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُخِيفٌ хавф солувчи, ваҳимали, қўрқинчли

(خول) I خَانَ (*у*) خَوْلٌ, خَيَالٌ (*пода*) боқмоқ, подаси бўлмоқ; II خَوَّلَ ҳуқуқ бермоқ; топширмоқ, тақдим қилмоқ; ҳавола қилмоқ; ижозат бермоқ

– خَالٌ *кўп.* أَخْوَالٌ, خُؤُولَةٌ, خُؤُولٌ тоға (*шунингдек: алиф. б. қар*)

– خَالَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ хола

– خَائِلٌ *кўп.* خَوَلٌ 1) мулозим, (*бирор к нинг*) ёнида юрувчи. 2) чўпон, подачи

– خُؤُولَةٌ қариндошлик (*тоға ва хола томондан*)

– خَوَلٌ[1] 1) қуллар; 2) мол, ҳайвон, чорва

– خَوَلٌ[2] *кўп* ـَاتٌ ـــ (*аёллар кийимини кийган*) раққос

– خَوْلِيٌّ *кўп.* خَوَلٌ 1) даладаги қоравул, боғбон; 2) (*ишчиларнинг*) каттаси, ўнбоши

خَامَةٌ юмшоқ, ҳўл гиёҳ

I (خون) **خَانَ** (*у*) خَوْنٌ, خِيَانَةٌ 1) (*к. нидир*) сотмоқ, (*к. гадир*) хиёнат қилмоқ; خَانَتْهُ الذَّاكِرَةُ хотираси унга хиёнат қилди; خَانَتْهُ رِجْلَاهُ унинг оёқларининг юргиси келмаяпти, унинг оёқлари хиёнат қилаётир; 2) алдамоқ, фириб бермоқ; 3) бажармаслик, لَا يَخُونُ عَهْدًا у аҳдини бажармайдиганлардан эмас, у аҳдига содиқ; II خَوَّنَ 1) мунофиқликда (ўз ваъдасида турмасликда, хоинликда) айбламоқ, 2) шубҳаланмоқ, ишонмаслик; V تَخَوَّنَ 1) сотқинларча иш тутмоқ, 2) путур етказмоқ, кучсизлантирмоқ, (*соғлиғига*) зарар етказмоқ لَا تَتَخَوَّنُهُ عِلَّةٌ у касал эмас; VIII اِخْتَانَ алдамоқ сотқинларча иш тутмоқ; X اِسْتَخْوَنَ (*к. гадир*) ишонмаслик, (*к. нингдир*) содиқлигига шубҳаланмоқ

– خَائِنٌ *кўп* خَوَنَةٌ 1. хоин, сотқин; حَائِفٌ ـــ الْـ *мкл* қўрққанга қўша кўринади (*сўзма-сўз*: сотқин ҳар доим хавфдадир)

– خَوُونٌ, خَوَّانٌ 1. хоинликка оид; 2. хоин, сотқин

– خَوَّانٌ, خُوَانٌ *кўп* أَخْوِنَةٌ пешхон, стол (*овқатланиш учун*)

– خَوْنٌ хиёнат, сотқинлик

– خِيَانَةٌ хиёнат, сотқинлик; ـــ الْـ الْوَطَنِيَّةُ ёки ـــ الْـ الْعُظْمَى ёки ـــ الْـ الدَّوْلَةِ ватан (давлат) хоинлари, ـــ الْأَمَانَةِ омонатга (ишончга) хиёнат қилиш

– خِيَانِيٌّ хиёнат, хоинликка оид, хиёнаткорликка оид

أخو خُوَّةٌ *қар*

I **خَوَى** (*и*) خَوَاءٌ ёки خَوِيَ (*а*) خَوًى 1) бўш (хилват, одам яшамайдиган, чўлга ўхшаган) бўлмоқ; 2) оч бўлмоқ II خَوَّى қоринни сондан узоқлаштирмоқ, қоринни сондан узоқда тутмоқ (*сажда*да)

– تَخْوِيَةٌ *геол.* дефляция (*тоғ жинсларини минерал зарраларидан кучли ҳаво оқими ёрдамида тозалаш ва жилвирлаш*)

– خَاوٍ *мн.* خَاوِيَةٌ 1) бўм-бўш, чўл (саҳро) га ўхшаш; 2) оч, оч қолган; ◊ خَاوِي الْحِيلَةِ бирор нарса ўйлаб топишга қодир эмас, иложсиз; خَاوِي الْوِفَاضِ чўнтакда бир пул йўқлик

– خُوِيٌّ, خَوًى, خَوَاءٌ 1) бўшлик; 2) очлик

– خَوِيَّةٌ кўзи ёриган аёллар ичадиган овқат

خَيَّةٌ *алиф. б. қар*

I (خيب) **خَابَ** (*и*) خَيْبَةٌ рўёбга чиқмаслик (*кутган н. лар ҳақида*), амалга ошмаслик (*орзу ҳақида*),(*н. дадир*) алданмоқ, муваффақиятсизликка учрамоқ (فِي), (*н. дадир*) хатоликка йўл қўймоқ (فِي); II خَيَّبَ 1) кўнгилни қолдирмоқ, ихлосни қайтармоқ, умидни пучга чиқармоқ; 2) (*илтимосни*) рад қилмоқ

– خَائِبٌ муваффақиятсиз; ихлосни қайтарадиган, кўнгилни совутадиган

– خَيْبَةٌ 1) *шунингдек*: ـــ الْأَمَلِ ихлосни қайтариш, кўнгилни совутиш; أَصَابَ أَثَارَ ـــ أَمَلَهُ кимнингдир умидини пучга чиқармоқ; ـــ الْأَمَلِ (*н. дадир*) умиди пучга чиқмоқ (فِي), 2) муваффақиятсизлик; хато; بَاءَ بِـــ муваффақиятсизликка учрамоқ

خَيْبَرُ Хайбар (*Ҳижоздаги жой номи*)

I (خير) **خَارَ** (*и*) خَيَارٌ танламоқ; афзал (яхши) деб билмоқ; II خَيَّرَ 1) танлатмоқ, танлаш имконини бермоқ; 2) (*н. нидир*) яхши (афзал) деб билмоқ, (*н. нидир*) танламоқ (عَلَى); III خَايَرَ танлатмоқ; V تَخَيَّرَ танламоқ, сайламоқ; (*н. нидир*) яхши (афзал) деб билмоқ (عَلَى). VIII اِخْتَارَ = V; ◊ اسْتَخَارَ اللهَ ـــ (لِحوَارِهِ) у ўлди; V 1) (*Оллоҳдан*) марҳамат сўрамоқ, 2) (*муқаддас китобга қараб*) фол очмоқ. ـــ بِالْمُصْحَفِ Қуръони каримга қараб фол очмоқ; ـــ بِالسُّبْحَةِ тасбеҳ бўйича фол очмоқ

– اِخْتِيَارٌ 1) ихтиёр, танлаш; *фалс* ирода, хоҳиш; حُرِّيَّةُ الْـــ танлаш эркинлиги; حَقُّ الْـــ фуқароликни танлаш ҳуқуқи, وَضْعُهُ فِي مَوْضِعِ الْـــ بَيْنَ وَ بَيْنَ ... кимнидир ... ва ..дан бирини танлашга мажбул қилмоқ; ضَبْعِيٌّ ـــ *биол.* табиий танланиш; 2) ихтиерийлик, яхши (эзгу) ният, ـــ ўз хоҳиши билан; ◊ رَجُلُ ـــ кекса одам

– اِخْتِيَارِيٌّ 1) ихтиёрий, ـــ ихтиёрий равишда; 2) факультатив (*тинглаш учун талабалар томонидан ихтиёрий танланган фан-предмет*)

– اِسْتِخَارَةٌ фол очиш, ром кўриш (*Қуръони каримга қараб ёки тасбеҳ воситасида*)

– تَخَيُّرٌ танлаш, сайлаш; دَقِيقُ الْـــ *радио* (*тўлқинларни*) яхши танлаб қабул қиладиган; دِقَّةُ الْـــ танлаш (*ажратиш*) хусусияти; 2) селекция

– خِيَارٌ[1] 1) сайлаш, танлаш; ـــ مَجَالٌ لِلـــ бизнинг танлаш имкониятимиз йўқ; ـــ لَمْ يَكُنْ أَمَامَنَا бизлар танлай

www.ziyouz.com kutubxonasi

олмадик. бизнинг бошқа имкониятимиз йўқ эди; ... وَ إِمَّا أَنْ إِمَّا أَنْ ... у иккисидан фақат бирини танлаши керак. ё ...ни, ёки ...ни; 2) танланган, энг зўри (яхшиси)

– خِيَارٌ[2] *жам.* бодринглар; قُشَّةٌ ~ тузлаш учун узилган сапча бодринглар; شَنْبَرٌ ~ *бот.* а) хитой долчини; б) қўзоқли кассия (*дори ва барглари сурги дори сифатида ишлатиладиган ўсимлик*)

– خِيَارَةٌ *кўп.* اتٌ — бодринг

– خَيِّرٌ *кўп.* أَخْيَارٌ, خِيَارٌ 1. 1) яхши, ажойиб, жуда яхши (соз), аъло даражадаги (*одам*). ~ بِـ كَانَ муваффақиятли, кўнгилдагидек, бахайр, хайрли бўлмоқ; ~ عَلَى انْتَهَى яхши (хайрли) тугамоқ; 2) яхшироқ, афзалроқ; энг яхши, энг зўр, энг соз, энг афзал; ~ هُوَ مِنْهَا у ундан афзалроқ; ~ وَجْهٍ عَلَى энг яхши шаклда; ~ الـ وَمِنَ ... إِنْ агар ... бўлганда, жуда яхши бўлади; ... خَيْرٌ لَنَا أَلَّا ... бўлмаса, биз учун яхши бўлади; ~ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлирогидир; ~ الـ كُلِّ وَ ... رَحَّبَ بِهِمْ ~ تَرْحِيبٍ ...; ~ الـ فِي أَنَّ ... энг яхшиси шундаки, ... у уларни жуда хурсанд бўлиб олқишлади (табриклади); 2. яхшилик, эзгулик, бахт-саодат; манфаат; ~ الـ الْعَامُّ умумий (оммавий) манфаат; ~ الـ أَهْلُ яхши, солиҳ кишилар; ~ الـ صَبَاحَ тонгингиз хайрли бўлсин!; ~ كَ كَثُرَ اللهُ (*халқ:* كَثَّرْ خَيْرَكْ!) раҳмат!, ташаккур!

– خَيِّرٌ яхши, хайрли; бошқаларга яхшилик истовчи, хайрихоҳ

– خَيْرَةٌ яхшилик, эзгулик, бахт-саодат, мурувват, ҳиммат, хайру саховат

– خَيْرَاتٌ *кўп* 1) бойлик, нозу неъмат, табиий бойликлар; ~ الْبِلَادِ الطَّبِيعِيَّةُ мамлакатнинг табиий бойликлари; 2) мулк, мол, бисот, дунё; 3) мурувват, ҳиммат, хайру саховат

– خِيَرَةٌ, خِيْرَةٌ 1) танлов, танлаш, 2) энг яхшиси, афзали, танлангани

– خَيِّرُونَ *кўп* яхши (солиҳ) кишилар, мурувват ва ҳиммат ли кишилар

– خِيرِيٌّ *бот* шаббўй (*ўсимлик*); ~ أَصْفَرُ сариқ шаббўй

– خَيْرِيٌّ хайрия (муҳтожларга ёрдам) берувчи; хайрия; جَمْعِيَّةٌ ~ـــةٌ хайрия жамияти

– خَيْرِيَّةٌ хайру саховат, эҳсон

– مُتَخَيِّرٌ латофатли, нозик, нафис; танланган

– مُخْتَارٌ[1] 1) танланган; мухтор; ~ الـ الْمَكَانُ севимли, ёқиб қолган жой, 2) танлаш эрки эгаси; ~ بِـ ўз хоҳиши (ихтиёри) билан

– مُخْتَارٌ[2] *кўп* مَخَاتِيرُ (*қишлоқдаги*) оқсоқол

– مُخْتَارَاتٌ *кўп ад* танланган асарлар, сайланма

– مَخْتَرَةٌ оқсоқолнинг турар жойи; ~ الـ دَارُ оқсоқол идораси

– مُخَيَّرٌ танлаш эркига эга; ~ بِـ ўз хоҳиши билан; *фалс* ҳур фикр эгаси

خَيْزُرَانٌ *жам* 1) (*савачўп қилинадиган*) қамиш; бамбук; 2) дарахт новдаларидан бири (*қадимда ундан дурадгорликда ёғоч сифатида фойдаланилган*)

– خَيْزُرَانَةٌ[1] *кўп.* اتٌ — 1) қамиш; 2) ҳасса, таёқ

– خَيْزُرَانَةٌ[2] руль, кеманинг рули

– خَيْزُرَانِيٌّ қамишга, бамбукка оид

I (خيس) **خَاسَ** (*и*) خَيْسٌ (*ўз сўзининг*) устидан чиқмаслик, ваъдасида турмаслик, ёлғончилик (алдамчилик) қилмоқ; ◊ مِيزَانٌ لَا يَخِيسُ аниқ (тўғри) тарози

– خَيْسٌ *кўп* أَخْيَاسٌ (*йиртқич, ёввойи*) ҳайвон уяси (ини)

II خَيَّشَ (خيش) тилло, кумуш билан безамоқ, гул тикмоқ

– خَيْشٌ дағал каноп мато

– خَيْشَةٌ *кўп* اتٌ — 1) дағал каноп матонинг бир бўлаги; 2) чодир (*бадавийники*); 3) қоп

– مُخَيَّشٌ кимхоб, зарбоф

خَيْشُومٌ *кўп* خَيَاشِيمُ 1) бурун, тумшуқ; бурун тешиги (каваги); 2) ойқулоқ (*балиқ жабралари*)

I (خيط) **خَاطَ** (*и*) خِيَاطَةٌ тикмоқ; чатмоқ, ямамоқ; ~ الْجَرَّاحُ الْجِرَاحَ жарроҳ жароҳатни (ярани) тикди; II خَيَّطَ = I; V تَخَيَّطَ тикилган бўлмоқ

– خَائِطٌ тикувчи, чевар

– خَائِطَةٌ *кўп* اتٌ — тикувчи (чевар) аёл

– خِيَاطٌ нина

– خَيَّاطٌ тикувчи, чевар

– خَيَّاطَةٌ *кўп* اتٌ — тикувчи (чевар) аёл; ~ آلَةٌ тикув машинаси, чок машинаси

– خِيَاطَةٌ тикиш, тикувчилик касби; ~ الـ مَاكِينَةُ (مَاكِنَةُ بِالرِّجْلِ, بِالْيَدِ, بِالْمُوتُورِ) тикув машинаси (*оёқ билан, қўл билан ишлайдиган, моторли*)

– خَيْطٌ *кўп* أَخْيَاطٌ, خُيُوطَةٌ, خُيُوطٌ 1) эшилган (йигирилган) ип; тола; ~ الْخُيُوطُ الصِّطْنَاعِيَّةُ التَّرْكِيبِيَّةُ) синтетик сунъий тола; 2) ип; боғич; ~ إِشْعَالِ الْبَارُودِ бикфорд пилтаси (шнури); ~ الصُّنَّارَةِ қармоқ ипи; ~ الْقَنَّبِ чизимча, каноп ип; ~ بَكَرَةِ الـ ип ғалтаги; ~ الشَّاغُولِ *ёки* ~ الْبَنَّاءِ шоқул; ~ بَاطِلٌ ўргимчак толаси, гирдоб; حَبْلُ ~ خُيُوطُ الْمُؤَامَرَةِ фитна ипини тўқимоқ, фитна уюштирмоқ; ◊ مَعَ أَوَّلِ خَيْطِ الْفَجْرِ الْأَوَّلُ *ёки* الْأَبْيَضُ тонгнинг биринчи шуълалари, эрта тонгда; ~ الـ الْأَسْوَدُ тун қоронғуси, ғира-ширалиги; ~ أَمَلٍ умид учқуни

– خَيْطَانٌ *кўп* гала, тўда (*мас чигирткалар*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– خَيْطِيٌّ 1) ипга оид; 2) ипдан ясалган (тўқилган), ипли

– خُيُوطٌ-*кўп.* اتٌ ـــ толачалар

– مُخَيَّطٌ, مَخِيطٌ тикилган

– مِخْيَطٌ = خِيَاطٌ

– مِخْيَطَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тикув машинаси

(خيف) II خَيَّفَ (*қаердандир*) узоқлашмоқ, кетмоқ (عن)

– أَخْيَافٌ 1) келиб чиқиши турли хил (*одамлар ҳақида*); 2) она бир, ота бошқа (*фарзандлар ҳақида*); ~ إِخْوَةٌ она бир, ота бошқа ака-укалар

– أَخْيَفُ *мн.* خَيْفَاءُ *кўп.* خِيفٌ бир кўзи қора, иккинчиси кўк (*тойчоқ*)

I (حيل) **خَالَ** (а) خَيْلٌ ўйламоқ, ўзича тасаввур қилмоқ; إِخَالُ мен ўйлайман (أَخَالُ *дегандан кўра чиройлироқ*); II خَيَّلَ 1) (*от*) чоптирмоқ; 2) ақлини олмоқ, ақлдан оздирмоқ; довдиратмоқ, ҳаяжонга солмоқ; خَيَّلَ إِلَيْهِ унга туйилди (бўлиб кўринди); у ўйлади; III خَايَلَ мафтун қилмоқ, сеҳрламоқ; IV أَخَالَ (*к. учундир*) шубҳали (ноаниқ) бўлмоқ (عَلَى); V تَخَيَّلَ ўйламоқ, тасаввур қилмоқ; хаёлпарастликка берилмоқ, ўйлаб чиқармоқ; VI تَخَايَلَ 1) ўзини катта тутмоқ, кеккаймоқ, гердаймоқ; 2) кўз олдига келтирмоқ, тасаввур қилмоқ; (*кўзга бўлиб*) кўринмоқ, намоён бўлмоқ (بِعَيْنِهِ), туғилмоқ, юзага келмоқ (*фикрлар ҳақида*); VIII اِخْتَالَ = VI

– اِخْتِيَالٌ фахрланиш, кеккайиш; кибру ҳаво

– أَخْيَلُ[1] 1) ўзини катта тутадиган, кеккайган, кибрли

– أَخْيَلُ[2] *кўп* أَخَايِيلُ 1) қўққарға; 2) қизилиштон

– أَخْيَلُ[3] серхол, холи кўп

– تَخَيُّلٌ ўйлаш, тасаввур қилиш, хаёл қилиш

– تَخَيُّلَاتٌ *кўп.* أَدَبِيَّةٌ ~ адабий (бадиий) образлар

– تَخَيُّلِيٌّ 1) фараз қилинган, тасаввурдаги; 2) *мат.* мавҳум

– خَالٌ[1] мағрурлик, ўзига ўта ишониб кетиш

– خَالٌ[2] хол, менг

– خَيَالٌ *кўп* أَخْيِلَةٌ 1) хаёл, тасаввур, ўй; хом хаёл; орзу, утопия (*амалга ошмайдиган орзу*); ~ الْـ مَشَى رَكِبَ *маж* хаёлпарастлик қилмоқ; 2) соя; шарпа; акс; тасаввурдаги қиёфа, тимсол; 3) *шунингдек:* الظِّلِّ ~ экранга соялар тушириб кўрсатиладиган томоша; 4) экинзордаги қўриқчи

– خَيَّالٌ *кўп.* خَيَّالَةٌ[1] отлиқ, чавандоз; кавалериячи. отлиқ аскар

– خَيَّالَةٌ[2] кавалерия, отлиқ аскарлар

– خَيَالَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) соя; шарпа; 2) кино; ◊ خَيَالَاتٌ فِي النَّظَرِ кулимсираш

– خَيَالَاتِيٌّ 1) сояга оид; ~ الْـ الْمَسْرَحُ соялар театри. 2) соялар театри артисти

– خَيَالِيٌّ 1. хаёлий, тасаввурдаги; фараз қилинган; الْاِشْتِرَاكِيَّةُ الْـ ~ـةُ хаёлий (утопик) социализм; 2) хаёлпараст

– خَيْلٌ *мн. кўп.* خُيُولٌ 1) отлар; مَصْنَعُ الْـ ~ от заводи. 2) отлиқ аскар; 3) отлиқлар, عَلَى الْـ ~ отда; وَ رِجْلٌ ~ отлиқлар ва пиёдалар; سِبَاقُ الْـ ~ от пойгаси

– خُيَلَاءُ = خَالٌ

– خَيْلُولَةٌ 1) хаёл қилиш, тасаввур; такаббурлик, кибр-ҳаво

– خَيْلِيٌّ отга оид

– مُخْتَالٌ кибрли, калондимоғ, такаббур

– مَخِيلٌ *кўп* مَخَايِلُ, مَخَائِلُ 1) сифат, фазилат, хислат. 2) белги, аломат; مَخَايِلُ الْاِهْتِيَاجِ ҳаяжон аломатлари (белгилари)

– مُخَيِّلَةٌ хаёл, ўй, тасаввур; هَذَا مِنَ ابْتِدَاعِ ~ـهِ бу-унинг тасаввурлари меваси

(حيم) II خَيَّمَ 1) чодир ўрнатмоқ (тикмоқ); чодирда яшамоқ; ўрнатилмоқ (*тинчлик ҳақида*), қоплаб (ўраб) олмоқ (*коронғулик ҳақида*); ўрамоқ (*н. нидир* عَلَى); ~ الْيَأْسُ فِي وُجُوهِ *маж.* у умидсизлик гирдобига ғарқ бўлди; V تَخَيَّمَ чодир тикмоқ, лагерга жойлашмоқ

– خَيَّامٌ чодир тикувчи уста, чодирчи, хайём, хаймадўз

– خِيَمٌ 1) мойиллик, қобилияти борлик, қизиқиш; 2) мижоз, табиат, феъл-атвор; характер; 3) пинҳоний ўй-хаёллар; أَحَدَ ~ـهُ кимнидир синамоқ

– خَيْمَةٌ *кўп* خِيَامٌ, خِيَمٌ чодир; павильон; бостирма

– خَيَمِيٌّ - *кўп.* خَيَّامٌ = خَيْمِيَّةٌ

– مُخَيَّمٌ *кўп* اتٌ ـــ лагерь

– خَيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ сиртмоқ, ҳалқа, тузоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

د

د (دالٌ) дол (*араб алифбосининг саккизинчи ҳарфи: абжадда - 4*)

د қисқ. الدُّكْتُورُ дан

ذَا *халқ.мз.* бу, шу, мана бу, мана шу; ذِي *мн.* бу, у, мазкур

ذَاءٌ қар. داءٌ

ذَاتُورَةٌ *бот.* бангидевона

دَارْوِينِيٌّ дарвинист, дарвинчи, дарвинизм тарафдори; اَلـ~ـةُ дарвинизм

دَاغٌ *кўп.* اتٌ — доғ, белги, тамға

دَالٌ дельта (*дарёнинг тармоқланган мансаби*); ~ اَلنَّهْرِ дарё дельтаси

دَالِيَا *бот.* картошкагул, георгин

دَامَا шашка (*ўйин*); ~ لَوْحَةُ الـ шашка тахтаси; ~ حَجَرُ الـ шашка тоши; ~ صَلَعَ шашка дамкага чиқди

دَانٌ катта (йирик) марварид донаси, йирик дур

دَانَةٌ *кўп.* اتٌ — ядро, снаряд

دَانِقٌ қар. دانق

دَانِمَرْكِيٌّ 1. Данияга ва данияликларга оид; اَلـ~ـةُ данияликлар (дат) тили; ~ حَرَكَاتٌ *спорт.* спорт гимнастикаси; 2. даниялик

دَانِيَالُ *ам.от. мз.* Дониёл, Даниил

دَاوُدُ *ёки* دَاوُودُ *ам.от. мз.* Довуд

دَايَةٌ доя; доя кампир; акушер аёл, акушерка, (*шифохонада*) беморга қаровчи, касал бокувчи аёл

I دَأَبَ (*а*) دَأْبٌ, دُؤُوبٌ ғайрат билан (қизғин) ишламоқ, жон-жаҳд билан ишламоқ, (*бирор н. да*) қатъият кўрсатмоқ, қунт-матонат кўрсатмоқ (فِي)

– دَائِبٌ жон-жаҳди билан ишловчи; 2) сабот-матонатли, қунтли, тиришқоқ, кетма-кет (бирин-кетин) содир бўладиган, пайдар-пай келадиган; اَنِ الـ~ *ик. с.* кун ва тун

– دَأْبٌ 1) тиришиш, ғайрат қилиш; қунт, тиришқоқлик, қатъият, сабот; بِـ~ қунт билан, кетма-кет, бирин-кетин; 2) одат, ўрганиш; ўзига хос хусусият, фазилат, хосса, хусусият; ~ السُّكَّرِ у тузалмайдиган (ашаддий) пиёниста

– دَأَبٌ тиришиш, ғайрат қилиш; қунт, тиришқоқлик, қатъият, сабот

– دَؤُوبٌ меҳнатсевар, серҳафсала, серҳаракат, тиришқоқ, қунт билан ишлайдиган, ғайратли, саботли, қунтли

– دَئِبٌ = دَائِبٌ

دَأْدَاءُ қоп-қоронғу, зимистон (*тун ҳақида*)

دَأْمَاءُ денгиз

I دَبَّ (*a/u*) دَبِيبٌ 1) эмакламоқ, тўрт оёқлаб эмакламоқ; ~ فِي إِحْشَائِهَا қимирламоқ (*она қорнидаги бола ҳақида*), 2) секинлик билан жилмоқ, силжимоқ; ~ وَ دَرَجَ أَكْذَبُ مَنْ ўлик-тириклар ичида ... энг ёлғончиси (*сўзма-сўз:* қимирлаган ва ўтиб кетганларнинг ... энг ёлғончиси); ~ وَ هَبَّ كُلُّ مَنْ *қар.* هَبَّ; 3) (*қаергадир*) кирмоқ, ичкарига кирмоқ, ичига ўтмоқ (فِي). ~ فِي نَفْسِهِ бирор кимни қоплаб (эгаллаб) олмоқ, бирор кимнинг юрагига яширинча кириб олмоқ (*ҳис-туйғу, шубҳа, гумон ва ш. к. лар ҳақида*); 4) тақиллатмоқ, ~ عَلَى صَدْرِهِ ўз кўкрагига (кўксига) урмоқ; II دَبَّبَ ўткирламоқ, чархламоқ, қайрамоқ, ўткир қилмоқ

– دَابٌّ судралувчи

– دَابَّةٌ *кўп.* دَوَابُّ махлуқ, ҳайвон, жонивор, миниладиган жонивор, ҳайвон, *кўп.* иш ҳайвонлари; ~ الأَرْضِ *зоол.* термит, қирчумоли, ваҳма чумоли (*ёғоч зараркунандаси*)

– دُبٌّ *кўп.* دِبَبَةٌ айиқ; ~ الـ الْقُطْبِيُّ *ёки* ~ الـ الْأَبْيَضُ оқ айиқ, қутб (шимол) айиғи; ~ الْبَحْرِ денгиз мушуги (*тюленнинг бир тури*); ~ الـ الْأَكْبَرُ *астр.* Катта айиқ, Катта Етти оғайни (Дубби акбар); ~ الـ الأَصْغَرُ *астр.* Кичик айиқ, Кичик Етти оғайни; ~ رِجْلُ الـ *бот.* айиқтовон (*ўсимлик*), ~ شَجَرَةُ الـ *бот.* дўлана (*дарахти*)

– دَبَّابٌ судралиб юрувчи

– دَبَّابَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) танк; зирҳли автомобиль; ~ ثَقِيلَةٌ оғир танк; 2) даббоба, «тошбақа» (*қадимги қамал машинаси*)

– دَبَّةٌ *кўп.* دِبَابٌ қумли тепалик, қумтепа

– دُبَّةٌ *кўп.* اتٌ — урғочи айиқ

– دُبِّيٌّ айиққа оид

– دُوَيْبَّةٌ, دُوَيْبَّةٌ *кўп.* اتٌ — кичкина (майда) ҳайвон

– دَبِيبٌ 1. судралувчи; 2. ўрмаловчи

– مِدَبٌّ *кўп.* مَدَابُّ сув оқиб келадиган ер; ўзан, дарё йўли

– مُدَبَّبٌ ўткирланган, чархланган, ўткир, кескир; учли; қиррали; ~ الذَّقْنِ чўзиқ (узунчоқ) ияк; ~ الأَنْفِ қирра бурун

دُبَابٌ тўнка-тўнка ўйини (*бир-бирининг устидан сакраб ўтиш ўйини*)

I دَبَجَ (*у*) دَبْجٌ 1) безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ; 2) чиройли (ифодали) тил билан ёзмоқ, II دَبَّجَ 1) безамоқ, безатмоқ, ясатмоқ; 2) тузмоқ, ёзмоқ, ижод этмоқ, яратмоқ; 3) чиройли (ифодали) тил билан ёзмоқ

– دِيبَاجٌ ипак; кимхоб, зарбоф; зарварақ, кундал

www.ziyouz.com kutubxonasi

– دِيبَاجَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) дебоча, кириш, чиройли (ифодали) тил билан ёзилган нарса; муқаддима; преамбула (*халқаро битимларнинг кириш қисми*), 2) *ад.* услуб, стил; 3) *кўч. м.* юз, бет; чеҳра; афт, башара, қиёфа; ~ان *ик. с.* икки яноқ, яноқлар

– مُدَبَّجٌ 1) ясатилган, безатилган, безанган; 2) ифодали, ёқимли тилда ёзилган

(دبح) II دَبَّحَ белни юқори кўтариб, бошни қуйи солмоқ; إِنَّهُ نَهَى أَنْ يُدَبَّحَ الرَّجُلُ فِي الرُّكُوعِ كَمَا يُدَبَّحُ الْحِمَارُ *ҳад.* эшак бошини қуйи солгани каби рукуда белни юқори кўтариб, бошни қуйи солишни у зот ман этганлар

دَبْدَبَ 1) вазмин қадам ташламоқ, топ-топ (*ёки* гурс-гурс) қадам ташлаб юрмоқ; депсиниб юрмоқ; депсинмоқ; тепмоқ; 2) учини чиқармоқ; ўткирламоқ, қайрамоқ, чархламоқ

– دَبْدَبَةٌ 1) депсиниш; тақиллаш; 2), ўткирлаш, чархлаш, қайраш

– دَبْدُوبَةٌ *кўп.* دَبَادِيبُ ўткир уч; уч, охир; чўққи; дам, тиғ, юз

I **دَبَرَ** (*у*) دُبُورٌ 1) (*бирор к. га, н. га*) орқасини ўгирмоқ; 2) кетмоқ, чекинмоқ; 3) ўтмоқ (*вақт ҳақида*); 4) ўлмоқ, ўтиб кетмоқ; الرَّجُلُ ~ одам вафот этди; ◊ تِ الرِّيحُ ~ шамол ғарб томонга ўзгарди, II دَبَّرَ 1) уюштирмоқ, ташкил қилмоқ; чора-тадбирлар кўрмоқ, олдиндан тайёрлаб қўймоқ; (*хўжаликни*) юритмоқ, бошқармоқ; ~ أَمْرَهُ بِحَيْثُ ... у ишни шундай ташкил қилдики ...; 2) пухта ўйламоқ, чуқур ўйлаб кўрмоқ, чуқур мулоҳаза қилмоқ; 3) ўйлаб қўймоқ, яширинча (ғараз билан) бирор иш қилмоқ, атайлаб бирор кўнгилсиз ҳодисани уюштирмоқ, макр қилмоқ, ҳийла-найранг ишлатмоқ; مُهِمَّةً ~ туҳмат тўқимоқ, туҳмат ўйлаб топмоқ; مُكَيْدَةً ~ панд (фириб) бермоқ, III دَابَرَ курашмоқ, кураш олиб бормоқ, қаршилик кўрсатмоқ, қарши турмоқ, IV أَدْبَرَ (*к гадир, н гадир*) орқасини ўгирмоқ; орқага чекинмоқ, (*қаердандир*) кетмоқ (عَنْ), V تَدَبَّرَ 1) ўйламоқ, фикр юритмоқ, мулоҳаза қилмоқ; муҳокама қилмоқ, текширмоқ, яхшилаб қараб (кўриб) билмоқ; 2) эҳтиёткорлик билан иш тутмоқ; (*н. нидир*) ўйлаб топмоқ, ўйлаб чиқармоқ, فِي الصَّفْقَةِ ~ иқтисод қилмоқ, тежамоқ, VI تَدَابَرَ бир-бирига душман бўлмоқ, бир-бири билан келиша олмаслик; X اسْتَدْبَرَ 1) (*к гадир, н гадир*) орқасини ўгирмоқ, тескари ўгирилмоқ, юзини тескари ўгирмоқ; 2) чекинмоқ, هَارِبًا ~ қочиб қолмоқ, тум-тарақай қочмоқ

– إِدْبَارٌ чекиниш, кетиш

– تَدْبِيرٌ[1] *кўп* تَدَابِيرُ 1) тузилиш, бошқариш; юритиш (*мас. хўжаликни*), الْمَنْزِلِيُّ ~ рўзғор; 2) тежамкорлик, тежаб-тергаш; 3) тадбир, чора; иш усули, тарзи; تَدَابِيرُ الْحِيطَةِ (*эҳтиёткорлик*) чоралари (тадбирлари); ... إِتَّخَذَ التَّدَابِيرَ ... нинг чора-тадбирларини кўрмоқ

– تَدْبِيرٌ[2] қулни сиртдан озод этиш

– دَابِرٌ 1. 1) охирги, сўнгги; 2) ўтган, тамом бўлган, тугаган; ذَهَبَ ~ كَأَمْسِ *маж* йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; 2 *кўп* دَوَابِرُ 1) қолдиқ; قَطَعَ ~ هُمْ ҳаммасини охиригача ўлдирмоқ (йўқ қилмоқ); 2) илдиз

– دَابِرَةٌ *кўп.* دَوَابِرُ (*қушлардаги*) пих

– دَبَارٌ ҳалокат

– دِبَارٌ: زَيْدٌ يَأْتِي الصَّلَاةَ ~ًا Зайд намозга вақти ўтганидан кейин киришади

– دُبَارَةٌ 1) ип, боғич, чизимча, каноп; каноп ип, арқон, 2) алдаш, фириб (панд) бериш; алдов; ҳийла найранг, макр, лўттибозлик

– دُبْرٌ, دُبُرٌ *кўп* أَدْبَارٌ 1) орқа томон, сирт, орқа тараф; ~ مِنْ орқадан; ~ فِي бирор кишининг изидан, орқасидан; 2) думба; وَلَّى ~َهُ тум-тарақай қочмоқ; وَلَّى الْأَدْبَارَ чекинмоқ, қочмоқ; أَلْقَى ~َهُ بِمَصَالِحِ أُذْنَيْهِ маслаҳатларга қулоқ солмаслик, маслаҳатларни қулоқнинг бу ёғидан кириб, у ёғидан чиқиб кетиши

– دَبَرَانُ: الـ~ *астр* Алдебаран (*Савр юлдуз туркумининг 1-катталикдаги юлдузи – алфаси, ранги қизил, кузда ва қишда кўринади*)

– دُبْرٌ *кўп* أَدْبُرٌ, دُبُورٌ уя, кўч, оила (*арининки*)

– دَبْرَةٌ[1] ари; қовоқ ари, қизил ари

– دَبْرَةٌ[2] *кўп* دِبَارٌ мағлубият; тақдирнинг бевафолиги (ўзгарувчанлиги, хиёнати)

– دَبَرِيٌّ сўнгги, охирги; кечиккан; вақти ўтган, кеч; орқадаги; رَأْيٌ ~ кечикиб келган фикр

– دُبُورٌ ғарбий шамол

– دَبُّورٌ *кўп* دَبَابِيرُ 1) ари, қовоқ ари, қизил ари, 2) юлдузча (*иқтибосларни ажратиш, фарқлаш белгиси*)

– دَبُّورَةٌ 1) (*ғишт терувчи уста шилатадиган*) болға; فِرْقَةُ الـ~ қояларда портлатиш ишларини олиб борадиган ишчилар бўлинмаси; юлдузча (*иқтибосларни ажратиш, фарқлаш белгиси*)

– دِبْرٌ орқадаги нарса, ◊ لَا يُفَرِّقُ بَيْنَ قُبُلِهِ وَ ~ِهِ у қип-қизил аҳмоқ (*сўзма-сўз*: у ўз олди ва орқасини фарқлай олмайди)

– دُبَارَةٌ = دُبَارَةٌ

– مُدَبَّرٌ олдиндан тайёрлаб қўйилган

– مُدَبِّرٌ 1 тежамкор, аяб (тежаб) ишлатадиган, режали; 2 ташкилотчи, уюштирувчи; хўжалик ишларини бошқарувчи, хўжалик мудири, хўжаликда омилкор (тежамкор) одам, эконом (хўжалик бошлиғи), бошлиқ, раҳбар; الْمَكَائِدِ ~ фитначи, қутқу солувчи, ғаламис

(دبس) II دَبَّسَ 1) қадамоқ (*мас., нишонни*); الْأَوْرَاقَ ~ қоғозларни бириктирмоқ, маҳкамламоқ (*қисқич билан*); 2) қуюқ шиннига (қиемга) айлантирмоқ

– دَبَّاسٌ асал, шинни, қиём сотувчи

– دَبَّاسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ қисқич (*скрепка*)

– دِبْسٌ қуюқ шинни, қиём

www.ziyouz.com kutubxonasi

– دُبُّوسٌ *кўп.* دَبَابِيسُ 1) тўғнағич, брошка; ~ إِنْكِلِيزِيٌّ инглиз тўғнағичи; ~ الرَّسْمِ канцелярия қисқичи (*скрепка*), ~ الشَّعْرِ сочтўғнағич, шпилка; ~ الْغَسِيلِ ювилган кирларни илиш қисқичи, 2) йўғон таёқ, сўйил, тўқмоқ, ғаврон

– مِدْبَسَةٌ *кўп.* مَدَابِسُ тўғнағич учун ёстиқча

دَبَشٌ эски-туски, лаш-луш, латта-путта; ахлат, чиқинди

– دَبْشٌ шағал (майдаланган тош ёки ғишт); харсанг; ~ قِطْعَةُ الـــ йирик тош, чағиртош, йўлга ётқизиладиган тош

دَبَشْكٌ қўндоқ; ~ الْبُنْدُقِيَّةِ милтиқ қўндоғи

I **دَبَغَ** (*а*) دَبْغٌ (*терини*) ошламоқ, (*терига*) ишлов бермоқ; VII انْدَبَغَ ошланмоқ

– دَبَّاغٌ ошловчи, ишлов берувчи

– دِبَاغَةٌ ошлаш

– دِبْغٌ *кўп* أَدْبَاغٌ *ёки* دِبْغَةٌ *кўп.* دِبَغٌ тери ошланадиган модда

– مَدْبَغَةٌ *кўп* مَدَابِغُ тери ошлайдиган жой; тери ошлаш заводи, кўнчилик корхонаси

I **دَبَقَ** (*а*) دَبْقٌ (*бирор н. га*) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ (ب); II دَبَّقَ 1) (*қушларни елим ёрдамида*) ушламоқ, тутмоқ; 2) (*н. нидир*) топмоқ, излаб (ахтариб ёки бирор йўл билан) қўлга киритмоқ (عَلَى *ёки туш. к.*); V تَدَبَّقَ (*елимга ёпишиб қолиб*) ушланмоқ, тутилмоқ (*қушлар ҳақида*); 2) (*н. нидир*) ўзи учун топмоқ, излаб қўлга киритмоқ, VII انْدَبَقَ ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ

– دَبُّوقٌ, دَبِّيقٌ *кўп* أَدْبَاقٌ елим (*қуш тутиш учун*)

– دَبِقٌ 1) ёпишқоқ, елимшак, ширадор; 2) ёпишадиган, ёпишиб қоладиган

– دَبْقٌ *бот.* (*оқ*) омела (*дарахтларга ёпишиб. чирмашиб яшайдиган доим яшил бута*)

– دُبْقَةٌ ишқибозлик, қизиқиш, иштиёқ, ҳавас, майл, (кучли) одат

I **دَبَكَ** (*и*) دَبْكٌ1) оёқ билан тақиллатмоқ; 2) дабка рақсига ўйинга тушмоқ

– دَبْكَةٌ 1) тақиллаш; шовқин; 2) *шунингдек:* ~ رَقْصُ الـــ дабка (*ливанча рақс*)

I **دَبَلَ** (*у, и*) دَبْلٌ ўғитламоқ, ўғит солмоқ; تُهِمُ الدُّبَيْلَةُ ~ уларнинг бошига фалокат тушди

– دُبَالٌ *кўп.* أَدْبِلَةٌ ўғит, гўнг, чиринди

– دَبْلٌ *кўп.* دُبُولٌ 1) сой, анҳор, ариқ, жилға; 2) *мед.* бубон (*лимфа безларининг шишуви – қўлтиққа, чов орасига без келиши*)

– دَبْلَانٌ оқ чит

– دِبْلَةٌ *кўп* دِبَلٌ ҳалқа, узук; *шунингдек:* ~ الزَّوَاجِ никоҳ узуги

– دُبَيْلَةٌ фалокат, бахтсизлик, офат

دَبْلَجَ *кино.* дубляж (*фильмни бир тилдан иккинчисига таржима*) қилмоқ

– دُبْلَاجٌ дубляж қилинган фильм

– دَبْلَجَةٌ дубляж қилиш, дубляж

– دِبْلُومَةٌ, دِبْلُومٌ *кўп* اتٌ ـــ диплом; аттестат

– دِبْلُومَاسِيٌّ, دِبْلُومَاسِيٌّ, دِبْلُومَاتِيٌّ *кўп.* دَبَالِسَةٌ 1. дипломатия ва дипломатларга оид, дипломатик; ~ مُحَرِّرٌ дипломатик шарҳчи; 2. дипломат

– دِبْلُومَاسِيَّةٌ дипломатия (*ҳукуматнинг халқаро муносабатларда тутган йўли ва фаолияти*); дипломатия ва дипломатларга оид, дипломатик

دُبَّاءٌ *жам* ошқовоқ

– دُبَّى *жам* ёш (кичик) чигирткалар

– دَبَاةٌ *кўп* دَبَيَاتٌ ёш (кичик) чигиртка

I **دَثَرَ** (*у*) دُثُورٌ ўчмоқ, ўчиб (йўқ бўлиб) кетмоқ, йўқолмоқ, эскирмоқ, истеъмолдан чиқмоқ; II دَثَّرَ 1) артмоқ, ўчирмоқ, артиб (ўчириб) ташламоқ; 2) ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ, 3) ёпмоқ, қопламоқ бекитмоқ, епиб (бекитиб) қўймоқ, ўрамоқ, ўраб (чулғаб) қўймоқ; V تَدَثَّرَ ёпинмоқ, ўранмоқ, бурканмоқ, (*н. биландир*) ўралмоқ (ب ,في); V تَدَاثَرَ = I; VII انْدَثَرَ 1) ўчирилмоқ, йўқолмоқ, мавжуд бўлишни бас қилмоқ; 2) бутунлай ўчмоқ, батамом сўнмоқ; 3) босиб ўтмоқ, орқада қолдирмоқ; халос бўлмоқ; тамом бўлмоқ; 4) эскирмоқ, кексаймоқ, қаримоқ

– انْدِثَارٌ 1) йўқолиш, йўқ бўлиш, мавжуд бўлишни бас қилиш; 2) бутунлай ўчиш, батамом сўниш; 3) эскириш; кексайиш, қариш

– دَاثِرٌ 1) йўқолган, йўқ бўлиб кетган; 2) эскирган, кексайган, қариган

– دِثَارٌ *кўп.* دُثُرٌ устки кўйлак, ёпқич, аёлларнинг енгил халати

– دَثَرٌ бойлик; тўкин-сочинлик

– دُثُورٌ йўқолиш, йўқ бўлиш, ҳалок бўлиш, аннигляция (*зарра ва антиларнинг тўқнашуви оқибатида уларнинг бошқа заррага айланиши*); *биол.* метаболизм (*тирик ҳужайраларда содир бўладиган кимёвий реакциялар мажмуи*)

تَدَجَّجَ (دج) II دَجَّجَ: ~ بِالسِّلَاحِ тиш-тирноғигача қуролланмоқ; V تَدَجَّجَ ~ بِالسِّلَاحِ тиш-тирноғигача қуролланмоқ

– دَاجٌّ *кўп.* ердамчилар, дастёрлар

– دُجٌّ қораялоқ

– دَجَاجٌ *жам* уй паррандалари; товуқлар; ~ الْهِنْدِ *ёки* ~ الْحَبَشِ куркалар; ~ الْوَادِي *ёки* ~ السُّودَانِ *ёки* ~ فِرْعَوْنَ цесаркалар (*товуқсимонлар туркумидаги паррандалар*); ~ الْأَرْضِ лойхўраклар, ~ الْغَابَةِ ўрмон лойхўраклари, якантовуқлар

– دَجَاجَةٌ *кўп* اتٌ ـــ товуқ, ◊ ~ الـــ *астр.* осмо́ннинг шимолий яримшарига жойлашган салибсимон юлдузлар туркуми

– دَجَاجِيٌّ 1. товуққа оид; 2. уй паррандаларини сотувчи киши

– دُجَّةٌ тим қоронғулик, зимистон, зим-зиёлик

– دَجُوجِيٌّ қоронғу; қоронғулик (зулмат) босган; ~ أَسْوَدُ тундай қоп-қора

– دَيْجُوجٌ қоронғу, зулумот

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُدَجَّجٌ 1: بِالسِّلَاحِ ~ тиш-тирноғигача қуролланган; بِاللَّحْمِ وَالشَّحْمِ ~ гўшт ли ва семиз; 2. *зоол.* қораялоқ (*қуш*)

I **دَجَرَ** (*а*) دَجْرٌ хижолат бўлмоқ; қийин аҳволда қолмоқ, саросима бўлмоқ, шошиб қолмоқ

– دَيْجُورٌ 1. қоронғулик, 2. қоронғу; ~ لَيْلَةٌ қоронғу тун

I **دَجَلَ** (*у*) دَجْلٌ алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; II دَجَّلَ 1) бўямоқ, ранг бермоқ, зарҳалламоқ; الْأَرْضَ ~ ерни ўғитламоқ; 2) (*к. нидир*) алдамоқ (عَلَى)

– دَجَّالٌ ўғит

– دَجَّالٌ[1] *кўп.* دَجَاجِلَةٌ дажжол; алдамчи, ёлғончи; товламачи, фирибгар, лўттибоз; ~ طَبِيبٌ товламачи (ёлғон) табиб, лўттибоз табиб; ◊ ~ الـ *ёки* ~ الْمَسِيحُ الـ дажжол; иблис

– دَجَّالٌ[2] 1) суюқ олтин; 2) юпқа зарварақ

– دُجَالَةٌ елим, қатрон, смола

– دَجْلٌ алдаш, фириб бериш; алдамчилик, фирибгарлик, лўттибозлик

I **دَجَنَ** (*у*) دُجُونٌ 1) қўлга ўргатилган бўлмоқ, хонакилаштирилган бўлмоқ; 2) қора бўлмоқ, қорамтир бўлмоқ; II دَجَّنَ ўргатмоқ, қўлга ўргатиб олмоқ, хонакилаштириб олмоқ; III دَاجَنَ хушомад (лаганбардорлик) қилмоқ, тилёғламалик қилмоқ; илтифот (меҳрибонлик) билан таъсир қилмоқ; IV أَدْجَنَ қопқоронғу бўлмоқ (*тун ҳақида*)

– أَدْجَنُ *мн.* دَجْنَاءُ *кўп.* دُجْنٌ қоронғу, зим-зиё, зимистон

– دَاجِنٌ *кўп.* دَوَاجِنُ 1. ўргатилган, қўлга ўргатилган, хонакилаштирилган; 2. уй ҳайвони; уй паррандаси; الْحَيَوَانَاتُ الـ~ةُ уй ҳайвонлари; الطُّيُورُ الـ~ةُ уй паррандалари; تَرْبِيَةُ الدَّوَاجِنِ паррандачилик

– دَجْنٌ *кўп.* أَدْجَانٌ, دُجُونٌ 1) кучли ёмғир, жала; 2) булутнинг осмонни қоплаб олиши; ~ يَوْمُ булутли кун

– دَجَنَةٌ *кўп.* ـــاتٌ йўғон таёқ, сўйил, тўқмоқ, гаврон

– دُجْنَةٌ қоронғулик, зим-зиёлик, зимистон

– دُجُنَّةٌ ёмғирсиз қора булут; ~ يَوْمُ булутли кун

– مُدَجَّنٌ ўргатилган, қўлга ўргатилган, хонакилаштирилган; ◊ الْمُدَجَّنُونَ *тар.* Испанияда қолиб кетиб, X-XII асрлардаги реконкиста -озодлик ҳаракатидан сўнг христианликни қабул қилган араблар

I (دَجَوَ) **دَجَا** (*у*) دَجْوٌ 1) қоронғу бўлмоқ, зим-зиё бўлмоқ, зимистон бўлмоқ; 2) тарқалмоқ; ёйилиб (кенгайиб) кетмоқ; الْإِسْلَامُ ~ ислом дини кучга тўлиб, ҳамма томонни қамраб олди; III دَاجَى 1) тилёғламалик (икки-юзламачилик, мунофиқлик) қилмоқ, риёкорларча иш тутмоқ, хушомадгўйлик қилмоқ; 2) бекитмоқ, яширмоқ, яширин сақламоқ (*қаҳр-ғазабни*); IV أَدْجَى = I; V تَدَجَّى = I

– دَاجٍ *мн.* دَاجِيَةٌ қоронғу, қоронғулик (зулмат) босган, зимистон, зим-зиё; ~ مُسْتَقْبَلٌ зимистон келажак

– دَجْوَةٌ тим қоронғулик, зимистонлик, зулмат

– دَجْوَةٌ = دُجَى

– دَجْوَةٌ = دَيَاجِي: دَجْوَةُ اللَّيْلِ ~ туни қоронғулик, тун қоронғулиги

– مُدَاجَاةٌ хушомадгўйлик қилиш, мулозамат қилиш, ялтоқланиш

I **دَحَّ** (*а/и*) دَحٌّ яширмоқ, бекитмоқ

تَدَحْدَحَ (دَحْدَحَ) оқсоқланмоқ, судралмоқ, каловланиб (оқсаб-оқсаб) зўрға юрмоқ, оёқларни судраб (аранг, битта-битта) қадам босмоқ

– دَحْدَحٌ *кўп.* دَحَادِحُ *ёки* دَحْدَاحٌ *кўп.* دَحَادِيحُ пакана, паст бўйли, бўйи паст, миқти, бақалоқ

دَحْدَرَ думалатиб (ғилдиратиб) туширмоқ, пастга қулатмоқ; تَدَحْدَرَ йиқилмоқ, ағдарилмоқ, пастга қуламоқ

– دَحْدَرَةٌ думалатиб (ғилдиратиб) тушириш

– دَحْدُورَةٌ *кўп.* دَحَادِيرُ қиялик, ёнбағир, нишаб

– دَحْدُورَةٌ = ـــ اتٌ دُحْدَيْرَةٌ *кўп.*

I **دَحَرَ** (*а*) دَحْرٌ, دُحُورٌ 1) мағлубиятга учратмоқ, яксон (тор-мор) қилмоқ, енгмоқ; 2) *мажз.* мағлубиятга учрамоқ; 3) қувмоқ, ҳайдамоқ, узоқлаштирмоқ; VII انْدَحَرَ яксон (тор-мор) қилинган бўлмоқ, енгилган бўлмоқ, мағлубиятга учрамоқ

– انْدِحَارٌ мағлубият, енгилиш

– انْدِحَارِيٌّ таслимчи, мағлубиятчи, таслим бўлиш (мағлуб бўлиш) тарафдори

– انْدِحَارِيَّةٌ таслимчиликка (мағлубиятчиликка) оид

– مَدْحُورٌ енгилган, тор-мор этилган

دَحْرَجَ думалатмоқ, пастга туширмоқ; تَدَحْرَجَ думалаб (ғилдираб) тушмоқ, пастга тушмоқ

– دَحْرَجَةٌ ўраш, юмалоқлаш; думалатиб (ғилдиратиб) тушириш; думалаб (сирпаниб) тушиш

– دُحْرُبَّجٌ *жам* хашаки нўхат (вика)

– مُدَحْرَجٌ юмалоқ, думалоқ

I **دَحَسَ** (*а*) دَحْسٌ маддаламоқ, йирингламоқ, фасод боғламоқ (*бармоқ, тирноқ ҳақида*)

– دَاحِسٌ, دَاحُوسٌ *мед.* милкак (*тирноқ остининг яллиғланиб йирингланиб боғлаши*)

I. **دَحَشَ** (*а*) دَحْشٌ итариб-итариб киргизмоқ, ниқтаб-ниқтаб тиқмоқ, ниқталамоқ; VII انْدَحَشَ куч билан киргизилган бўлмоқ; куч билан суқилиб кирмоқ, тиқилиб-суқилиб кириб олмоқ, сиқилишиб (тиғизланиб) кирмоқ

I **دَحَضَ** (*а*) دَحْضٌ 1) рад қилмоқ, нотўғрилигини исбот қилмоқ; لَا يُدْحَضُ *мажз.* рад (инкор) қилиб бўлмайдиган, шак-шубҳасиз; 2)

www.ziyouz.com kutubxonasi

сирғалмоқ, тойилмоқ; رِجْلُهُ ~تْ оёғи тойиб кетди; II دَحَّضَ = I; IV أَدْحَضَ 1) = I; 2) тойдирмоқ, сирғатмоқ

– دَحْضٌ рад этиш, раддия; ... أَنَّ ~ــهُ لاَ يُقْبَلُ шуни рад этиш мумкин эмаски, ... دَاحُولٌ кийикка қўйилган ёғоч тузоқ (*овда*)

I **دَحَمَ** (*а*) دَحْمٌ итармоқ, сурмоқ

I **دَحَى** (*а*) دَحْيٌ думалатмоқ (*мас., соққани*); 2) текис қилмоқ, (*ўлни босиб ёки шиббалаб*) текисламоқ

– أُدْحِيٌّ: النَّعَامَةِ ~ туяқушнинг бола очадиган уяси

– دِحْيَةٌ: الْكَلْبِيُّ ~ *ат.от. мз.* Диҳятул калбий (*Жаброил алайҳиссалом Муҳаммад алайҳиссалом ҳузурларига шу киши қиёфасида тушар эдилар*)

– مِدْحَاةٌ *кўп.* مَدَاحٍ соққача, шарик, шарча (*ўйин учун*); 2) *тех.* ғалтак машина (*ер текислайдиган ва тиғизлайдиган машина*); каток

– مِدْحًى: النَّعَامَةِ ~ туяқушнинг тухум қўйган уяси

دُخٌّ тутун

I **دَخَرَ** *қар.* ذَخَرَ

دِخْرِيصٌ *кўп.* دَخَارِيسُ ёқа; الْقَمِيصِ ~ кўйлак (сорочка) ёқаси

دُخَسٌ дельфин

I **دَخَلَ** (*у*) دُخُولٌ 1) кирмоқ; 2) (*қаергадир*) суқилиб кирмоқ (فِي); 3) (*қаергадир*) кирмоқ, қадам қўймоқ (*туш. к.* ёки فِي); (*н. нидир*) асосий қисми бўлмоқ, (*қайгадир*) киритилган, қўшилган бўлмоқ (فِي):

الْجَمْعِيَّةَ ~ жамоага аъзо бўлмоқ; الْـــ جَامِعَةَ ~ университетга ўқишга кирмоқ; عَلَى عَامِهِ الْعَاشِرِ ~ у ўн ёшга кирди; مَعَهُ فِي ~ مُفَاوَضَاتٍ бирор ким билан музокараларга киришмоқ; 4) (*к. никигадир*) кирмоқ (عَلَى), (*к. нингдир*) олдига келмоқ (عَلَى); 5) (*к. нидир*) киргизмоқ, киритмоқ, олиб кирмоқ, дохил қилмоқ, бошлаб кирмоқ (ب); ◊ ~ــهُ الشَّكُّ унда шубҳа пайдо бўлди; ~ت الْعِبَارَةُ عَلَيْهِ بِالتُّرْكِيِّ у ҳеч нима тушунмади (*сўзма-сўз.* ибора унга туркча айтилгандай бўлиб туюлди); دُخِلَ فِي عَقْلِهِ мажх. унинг ақли (*мияси*) айниб қолди; عَلَى زَوْجَتِهِ ~ эр-хотинлик вазифаларини бажаришга киришмоқ; (الْعَمَلِ) قَيْدَ الْخِدْمَةِ ~ ишга тушмоқ (*мас., завод ҳақида*); II دَخَّلَ 1) киритмоқ; қўшмоқ; 2) жойлаштирмоқ, жойламоқ (*билим юртига*); ~ــهُ أَبُوهُ فِي الْمَدْرَسَةِ ота уни мактабга жойлади (берди); III دَاخَلَ қўшилиб (аралашиб) кетмоқ, аралашмоқ; 2) аралаштирмоқ, қўшмоқ; 3) қамраб (эгаллаб) олмоқ (*хоҳиш, истак ҳақида*); пайдо бўлмоқ, туғилмоқ (*шубҳа ҳақида*); ~ــهُ بِالشَّكِّ бирор кимда шубҳа уйғотмоқ; IV أَدْخَلَ киритмоқ; олиб кирмоқ; ташиб келтирмоқ; қўшмоқ; ◊ ... فِي الْأَذْهَانِ أَنَّ ~ ни миясига қуймоқ; V تَدَخَّلَ 1) аралашмоқ; сўзламоқ (*мас. музокарада*); 2) (*асосий қисм, бўлак сифатида*) кирмоқ; VI تَدَاخَلَ 1) бошқалар билан бирга бирга кирмоқ; 2) орага тушмоқ, ўртага тушмоқ; 3) пайдо бўлмоқ, туғилмоқ (*шубҳа, гумон ва ҳ. к. лар ҳақида*); 4) биргаликда кирмоқ, бир-бирига кирмоқ; (*н. гадир*) аралаштирмоқ, (*н. нидир*) қўшмоқ, қўшиб қўймоқ (فِي); 5) чатишиб (чирмашиб) кетмоқ; ўрилмоқ; қисман тўғри (мос) келмоқ; VIII اِدَّخَلَ = I

– إِدْخَالٌ киритиш; ташиб келтириш; (*бирон-бир рўйхатга*) киритиш; (*бирон-бир рўйхатга*) қўшиб қўйиш

– أَدْخَلُ қулайроқ, муносиброқ, лойиқроқ

– تَدَاخُلٌ 1) (*бировнинг ишига*) аралашиш; интервенция (*ўзга давлат ерига қурол, куч билан бостириб кириш, унинг ички ишларига зўравонлик билан аралашиш*); 2) бир-бирига ўтиш; бир-бирига сингиш (кириши); қисман тўғри келиш; *физ.* ўтказувчанлик, ўтказиш қобилияти; интерференция (*товуш, ёруғлик ва ҳ. к. тўлқинларининг устма-уст келганда, қўшилганда бир-бирини кучайтириши ёки сусайтириши*)

– تَدَخُّلٌ дахл қилиш, аралашиш; интервенция, босқинчилик; عَدَمُ الـــ فِي الْأُمُورِ الدَّاخِلِيَّةِ ички ишларга аралашмаслик; الـــ الْمُسَلَّحُ қуролли интервенция

– دَاخِلٌ 1. 1) кирувчи; 2) ички; ичкаридаги, ичидаги; 2. ички томон, ~ هُ бирор ниманинг ичи; ~ ظَرْفٍ конвертда; مِنْ الـــ ичкаридан; ~ а) ичига; ичкарига, ичкари томонга; б) ичида, ичкарида; ўртасида, орасида

– دَاخِلَةٌ *кўп* دَوَاخِلُ 1) ички, ичкаридаги (қаъридаги); *кўп.* (*мамлакатдаги*) ички вилоятлар, 2) ички кечинма

– دَاخِلِيٌّ дохилий, ички, ичкаридаги; تِجَارَةٌ ~ــةٌ ички савдо; طَالِبٌ حَرْبٌ ~ــةٌ ички урушлар, фуқаролар (*граждалар*) уруши; ~ интернатда ўқийдиган талаба; مَلاَحَةٌ ~ــةٌ дарё кемачилиги; مَدْرَسَةٌ ~ــةٌ *қар.* وِزَارَةُ الـــ ــةِ ; *ёки* ички ишлар вазирлиги

– دَاخِلِيَّةٌ ички томон, ич, ичкари; дохилият; ~ الْبِلاَدِ мамлакатнинг ички вилоятлари

– دَخْلٌ[1] *кўп* دُخُولٌ 1) фойда, кирим, даромад; الـــ الْقَوْمِيُّ (الْوَطَنِيُّ) миллий даромад; دُخُولٌ ثَابِتَةٌ собит (ўзгармас, барқарор) даромадлар; ضَرِيبَةُ الـــ даромад солиғи; صَاحِبُ الـــ судхўр, рантье, أَصْحَابُ الدُّخُولِ الْكَبِيرَةِ катта (кўп) фойда олувчилар (кўрувчилар); 2) аралашиш, дахл қилиш; 3) дахлдорлик, алоқадорлик; كَانَ لَهُ ~ فِي هَذَا الْأَمْرِ у бу ишга дахлдор; ~ هُ وَ مَا ~? унинг бунга қандай дахли бор?; 4) шубҳа, гумон; ◊ دَخْلَكَ! марҳамат! бемалол!

– دَخْلٌ[2] 1) айб, нуқсон; 2) шубҳа

– دَخَلٌ 1) а қлнинг хираланиши, эснинг оғиши; 2) нуқсон, қусур, айб, камчилик, иллат

– دَخْلَةٌ, دِخْلَةٌ[1] яширин (махфий) ниятлар (фикрлар); ният, ўй, хаёл, фикр; طَاهِرُ الـــ тоза (*соф*) виждонли

– دَخْلَةٌ[2], دُخْلَةٌ кириш йўли; ◊ لَيْلَةُ الـــ никоҳнинг биринчи кечаси

– دُخَّلَةٌ *зоол.* қорамтир (кулранг) патли сайроқи қушча

www.ziyouz.com kutubxonasi

– دُخُولٌ 1) кириш йўли; ~ رَسْمُ الـــ четдан келтирилган мол солиғи; 2) кириш; 3) ичига кириш

– دُخُولِيَّةٌ шаҳар (га кириш) божи

– دَخِيلٌ *кўп.* دُخَلَاءُ 1. 1) чет киши, бегона, ёт, ўзга; 2) ҳомийликдан фойдаланувчи; 2. 1) келгинди (мусофир, бегона) одам; 2) *грам.* (*араб тилига*) четдан кирган сўз; ◊ دُخَيْلَكَ! марҳамат!, бемалол!; كَانَتْ ~ـــةً فِي كُلِّ بَيْتٍ у қиз ҳар бир уйга бемалол кириб-чиқаверарди, у қиз хар бир хонадонга азиз эди

– دَخِيلَةٌ *кўп.* دَخَائِلُ яширин маъно (мазмун), сир; نَفْسِي ~ менинг ички сирим; دَخَائِلُ الْمَسْأَلَةِ (الْأَمْرِ) масаланинг (ишнинг) ички жиҳати (моҳияти)

– مُتَدَاخِلٌ 1) қўшиб қорилувчи, қориштирилувчи; 2) чуқурлашувчи

– مُتَدَخِّلٌ 1. қўшиб қорилувчи, қориштирилувчи; 2. интервент

– مُدَاخَلَةٌ мудохала, аралашиш

– مَدْخَلٌ *кўп.* مَدَاخِلُ 1) кириш, ўтиш йўлаги; эшик; подъезд (*бинога кириладиган катта асосий эшик*); 2) кириш, му қаддима, сўз боши; 3) ҳаракат тарзи, юриш -туриш

– مَدْخُولٌ 1. одатдагидай бўлмаган, одатдан (нормадан) ташқари; فِيهِ ~ сохталаштирилган, қалбакилаштирилган; الضَّمِيرِ ~ нопок виждон; 2. *кўп.* مَدْخُولَاتٌ, مَدَاخِيلُ даромад, кирим

دَخْمَسَ алдамоқ

– دَخْمَسَةٌ алдов, алдамчилик

I دَخَنَ (a) دَخَنٌ 1) тутамоқ, буруқсимоқ, тутун ҳиди келмоқ; II دَخَّنَ 1) (*тамаки*) чекмоқ; الْحَشِيشَ ~ наша чекмоқ; السِّيجَارَةَ ~ сигарета (папирос) чекмоқ; 2) (*гўштни, балиқни*) дудламоқ; 3) тутатмоқ (*мас., ўсимликни туш. к. ёки* عَلَى); IV أَدْخَنَ тутун чиқармоқ, тутамоқ, буруқсимоқ; VIII اِدَّخَنَ = I

– أَدْخَنُ *мн.* دَخْنَاءُ *кўп.* دُخْنٌ кулранг, сурма ранг, кўкиш; қора рангли

– تَدْخِينٌ 1) чекиш; ~ـــةُ أُوضَةُ чекиш хонаси; 2) дудлаш; 3) тутун билан дудлаш, тутатиш

– دَاخِنٌ тутаётган; тутунли

– دَاخِنَةٌ *кўп.* دَوَاخِنُ мўри

– دَخَاخِنِيٌّ *кўп.* دَخَاخِنِيَّةٌ тамаки сотувчи, тамакифуруш

– دُخَانٌ, دُخَّانٌ *кўп.* أَدْخِنَةٌ 1) тутун, ис, буғ; لَا ~ بِلَا نَارٍ وَ لَا خَبَرَ мтл. олов бўлмаса, тутун бўлмайди; асоссиз миш-миш бўлмайди (*шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди*); 2) тамаки

– دَخَنٌ тутун

– دُخْنٌ тариқ

– دُخْنَةٌ кулранг, сурма рангли; қора ранг

– دَخِينَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ папирос

– مُدَخِّنٌ чекувчи

– مَدْخَنَةٌ *кўп.* مَدَاخِنُ (*уй, паровоз ва ш. к. лардаги*) мўри, дудбурон, мўркон

دَدٌّ ўйин, эрмак

دَدٌّ = دَدًا

دَدَنٌ шўхлик, ҳазилкашлик

III دَادَى (ددى) (*болани*) эркалamоқ; ёш болага қарамоқ, бола боқмоқ; (*болаларни*) тарбия қилмоқ

– دَادَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ энага, болага қаровчи аёл; тарбиячи; мураббия, тарбиячи хотин (*зодагонлар оилаларида ёш болалар тарбияси учун махсус ёлланган аёл*)

I دَرَّ (*a/u*) دُرُورٌ, دَرٌّ 1) мўл-кўл (сероб) бўлмоқ, тўлиб оқмоқ (*мас., сут, кўз ёши ҳақида*); 2) (*фойда*) келтирмоқ, (*к. гадир н. нидир*) кўп миқдорда бермоқ (عَلَى); السَّمَاءُ بِالْمَطَرِ ~ت кучли (шаррос) ёмғир бошлади; الْخَيْرُ الْوَافِرُ ~ мўл-кўл (кўп) яхшилик келтирмоқ (олиб келмоқ); عَلَيْهِ أَحْلَافُ النِّعَمِ ~ت *кўч. м.* у фаровон яшамоқда; IV أَدَرَّ 1) (*шаррос*) қуймоқ; кўпгина (мўл) сут бермоқ (*мас., сигир ҳақида*); 2) (*мўл-кўл фойда*) келтирмоқ; (*к. гадир н. нидир*) катта миқдорда бермоқ (عَلَى); ... دَخْلاً كَبِيرًا عَلَى ~ бирор кимга катта фойда келтирмоқ; X اسْتَدَرَّ 1) соғиб олмоқ; тўлиб оқишга мажбур этмоқ; ~ الدُّمُوعَ кўп (шашқатор) кўз ёши оқизмоқ; 2) (*бирор н. ни*) катта миқдорда олишга интилмоқ; عَطْفَهُ ~ бирор кимдан меҳр-шафқатли бўлишни илтимос қилмоқ

– إِدْرَارٌ 1) мўл-кўл ёғиш (оқиш, оқизиш); 2) тез айланиш (*мас., пир-пир айланувчи бизбизак*)

– إِدْرَارَةٌ *кўп* اتٌ ـــ маош, ойлик, иш ҳақи, мояна

– دَرٌّ сут; ◊ لِلّٰهِ ~ а) офарин сенга!; б) сен буни аъло даражада бажардинг!; الْعُلَمَاءِ الَّذِينَ ~ لِلّٰهِ ...ган олимлар қандай яхшики ...

– دُرٌّ *жам.* дурлар

– دُرَّةٌ1 *кўп.* دُرَرٌ марварид донаси, дур, инжу; يَتِيمَةٌ ~ нодир марварид донаси

– دُرَّةٌ2 *кўп.* دُرَرٌ тўтиқуш

– دِرَّةٌ *кўп.* دِرَرٌ 1) елин, эмчак; 2) сутнинг кўп эканлиги, кўплиги, сутнинг тўлиб оқиб тушиши; 3) ўрма қамчи

– دُرِّيٌّ ёруғ; ялтироқ; тиллоранг; кўзни қамаштирувчи; الْكَوَاكِبُ الـــ~ةُ ёруғ юлдузлар

– مُدِرٌّ 1) (*бирор н. нинг*) кучли ажралишини юзага келтирувчи; لِلْبَوْلِ ~ сийдирадиган, сийдик ҳайдайдиган, сийдик ажратадиган; ~ لِلْعَرَقِ терлатадиган, терлатувчи, тер ҳайдайдиган; 2) мўл-кўл, сероб

– مِدْرَارٌ кўп миқдорда қуювчи; кўп қуюлувчи; ~ مَطَرٌ жала, шаррос ёмғир; ~ سَمَاءٌ кучли ёмғирдан дарак берувчи ҳаво

دَرَابِزِينٌ, دَرَابِزِينٌ, دَرَبْزِينَاتٌ *кўп.* دَرَابِزُونٌ суянчиқ, тўсиқ, панжара; нақшинкор панжара

www.ziyouz.com kutubxonasi

دِرَامَا, دِرَامَةٌ *кўп.* دِرَامَاتٌ драма

– دِرَامِيٌّ драмага оид, драматик

I **دَرَأَ** (*а*) دَرْءٌ (*ўзидан нарига*) итармоқ; четлатмоқ, суриб ташламоқ; (*н. дандир*) қайтармоқ, ажратиб олмоқ (عَلَى); دَرَأَ (*а*) دُرُوءٌ тўсатдан пайдо бўлмоқ, тўсатдан ҳозир бўлмоқ; II دَرَّأَ 1) қайтармоқ, бартараф эттирмоқ; 2) узоқлаштирмоқ, йироқлаштирмоқ; III دَارَأَ туртмоқ, итармоқ; VI تَدَارَأَ *ёки* ادَّارَأَ бир-бирини итармоқ; жанжаллашмоқ; VII انْدَرَأَ (*бирор к. га қарши*) қуролланмоқ, (*бирор к. га*) ташланмоқ (عَلَى); ҳужум қилмоқ

– دَرْءٌ 1) итариш, суриш; бартараф этиш; даф қилиш; 2) куч (*мас., оқимдаги*), босим

– دَرِيئَةٌ *кўп.* دَرَايَا 1) тўсиқ; қалқон; 2) нишон, мўлжал

I **دَرِبَ** (*а*) دَرَبٌ (*н. гадир*) ўргатилган бўлмоқ, (*бирор н. ни*) яхши ўрганган бўлмоқ (ب); II دَرَّبَ (*бирор н. ни*) ўргатмоқ (عَلَى); машқ қилдирмоқ, (*бирор н. да*) кўрсатма бермоқ, (*н. биландир*) муомала қилишни ўргатмоқ (عَلَى); V تَدَرَّبَ ўрганмоқ; машқ қилмоқ; (*бирор н. га*) кўникма ҳосил қилмоқ (عَلَى)

– تَدَرُّبٌ ўрганганлик, таълим олганлик; машқ қилганлик; маҳорат

– تَدْرِيبٌ *кўп.* اتٌ ـَـ ўрганиш, тайёргарлик кўриш; машқ қилиш; ~ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий тайёргарлик

– تَدْرِيبِيٌّ ўргатишга (машққа) оид

– دَرْبٌ *кўп.* دُرُوبٌ 1) тоғ йўлаги, сўқмоқ, ёлғизоёқ йўл; 2) йўл; دُرُوبٌ مُلْتَوِيَةٌ эгри-бугри йўл; ~ خَطٌّ لِنَفْسِهِ إِلَى ... да ўзига шароит (имконият) яратмоқ; ~ التَّبَّانَةِ *қар.* تَبَّانَةٌ 3) кўча

– دُرْبَةٌ 1) тажриба, маҳорат; билим, таълим, малака, машқ; 2) интизомлилик, тартиблилик

– مُتَدَرِّبٌ ўргатилган; ўрганган, таълим олган, ўқиган; яхши ўргатилган, яхши машқ қилган

– مُدَرَّبٌ ўргатилган; ўрганган; маҳоратли, тажрибали; машқини (ҳавосини) олган

– مُدَرِّبٌ бошлиқ, раҳбар; устоз

دَرَابَزُونٌ *қар.* دَرَبْزِينٌ

دَرْبَسَ зулфинни суриб беркитмоқ

– دِرْبَاسٌ *кўп.* دَرَابِيسُ 1) шер, арслон; 2) сурма, лўкидон, зулфин; 3) қўриқчи (пойлоқчи) ит

– دَرْبَسَةٌ зулфинни суриб беркитиш

دَرْبَكَ шовқин солмоқ; тақиллатмоқ

– دَرْبَكَةٌ шовқин; тақиллаш

– دَرَبُكَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ унча катта бўлмаган ноғора, тамбурин (*баъзи Оврупа мамлакатларида: ноғорага ўхшаш мусиқа асбоби*)

I (درج) **دَرَجَ**[1] (*у*) دُرُوجٌ 1) аста-секинлик билан юрмоқ; доим ҳаракатда бўлмоқ; юра бошламоқ (*бола ҳақида*); 2) ўсмоқ, улғаймоқ, ривожланмоқ; ~ فِي بِيئَةٍ عَرَبِيَّةٍ صَافِيَةٍ у ҳақиқий араб муҳитида тарбияланди; 3) муомалада бўлмоқ; расмда (*модада*) бўлмоқ; 4) босиб ўтмоқ, ортда қолдирмоқ; йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ; دَرَجَ[2] (*у*) دَرْجٌ 1) ўрамоқ, эгмоқ, тахламоқ; 2) жойлаштирмоқ, киритмоқ, тиқмоқ; солмоқ, қўймоқ; دَرَجَ (*а*) دَرَجٌ аста-секин ҳаракатланмоқ; (*н. гадир*) поғонама-поғона кўтарилмоқ (إِلَى); II دَرَّجَ 1) аста-секин жилдирмоқ (қўзғатмоқ); муомалага киритмоқ; 2) ажратиш чизиқлари тортмоқ; 3) гуруҳларга, навларга ажратмоқ; сараламоқ, хилламоқ; 4) бўй-бўйига қараб термоқ; 5) одатлантирмоқ, кўниктирмоқ; 6) эгмоқ, ўрамоқ; 7) (*н. нидир*) одат тусига киритмоқ (عَلَى); 8) илмий даража (унвон) бермоқ; IV أَدْرَجَ 1) киритмоқ; қўшиб қўймоқ (*мас., рўйхатга*); ~ فِي جَدْوَلِ الأَعْمَالِ кун тартибига киритмоқ; 2) жойлаштирмоқ (*газетага*); V تَدَرَّجَ 1) аста-секин жилмоқ, қўзғалмоқ; (*н. гадир*) поғонама-поғона кўтарилмоқ (إِلَى); 2) (*н. дадир*) кетма-кетликка риоя қилмоқ (فِي); (*бирор н. дан*) аста-секин ўтмоқ (مِنْ); (*бирор н. га*) аста-секин ўтмоқ (إِلَى); 3) илмий даража (*унвон*) олмоқ; VII انْدَرَجَ 1) киритилган (жойлаштирилган) бўлмоқ; 2) қирилиб (йўқолиб) кетган бўлмоқ; X اسْتَدْرَجَ 1) (*бирор томонга*) аста-секин ҳаракатланмоқ (қўзғалмоқ); 2) (*бирор н. га*) келтирмоқ, 3) аста-секин қўзғатмоқ, (*бирор к. ни*) юқорилатмоқ, кўтармоқ; 4) қизиқтириб ўзига тортмоқ, жалб қилмоқ, (*қаергадир*) оғдармоқ, тортмоқ (إِلَى), 5) йўлдан урмоқ, аврамоқ; ~ الْمُجْرِمَ (*тергов давомида*) жиноятчидан аста-секин маълумотларни олмоқ

– إِدْرَاجٌ киритиш, қўшиб қўйиш; рўйхатга киритиб қўйиш

– تَدَارِجُ *жам. кўп.* تَدَارُجٌ қирғовуллар, тустовуқлар

– تَدْرُجَةٌ қирғовул, тустовуқ

– تَدَرُّجٌ 1) аста-секин ўсиш (кўтарилиш); градация (*бир босқич ёки ҳолатдан иккинчи босқич ёки ҳолатга ўтишдаги изчиллик*); ~ بِالـ ёки аста-секин; бора-бора, тобора; поғонама-поғона; 2) ўқувчилик шогирдлик

– تَدْرِيجٌ 1) аста-секин кўтарилиш; ошириш, кучайтириш; ~ بِالـ ёки аста-секин, бора-бора, тобора; 2) даражалаш, даражаларга бўлиш, чизиқ тортиш; 3) бўй-бўйига қараб териш, жойлаштириш; 4) ўрганиш, одатланиш

– تَدْرِيجَةٌ тараб поғона шаклига келтирилган соч

– تَدْرِيجِيٌّ тадрижий, секин-аста; кетма-кет содир бўладиган; ~ا аста-секин, тобора

– دَارِجٌ 1) юришни бошловчи; ~ طِفْلٌ юришни ўрганаётган бола; 2) муомаладаги, кенг тарқалган, кенг истеъмол қилинадиган; кўп учрайдиган; 3) замонавий; 4) оддий, содда; 5) оммавий; ~ اللُّغَةُ الـ омма тили, шева

– دَارِجَاتٌ *кўп.* омма тилидан (шевадан) олинган сўзлар

– دَرَّاجٌ ғилдирак; 2) ғалтак машина (*ер текислайдиган ва тиғизлайдиган, шиббалайдиган машина*), каток; 3) велосипедчи

– دُرَّاجٌ *жам. кўп.* دَرَارِيجُ *зоол.* булдуруқлар (*қушлар*)

– دُرَّاجَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ булдуруқ (*қуш*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– دَرَّاجَةٌ *кўп.* اتٌ — болаларни юришга ўргатадиган ғалтак арава; 2) велосипед, самокат (*болаларнинг бир оёқлаб ер тепиб юргизадиган аравачаси*); ~ بُخَارِيَّةٌ *ёки* نَارِيَّةٌ ~мотоцикл

– دَرْجٌ *кўп.* دُرُوجٌ 1) ўроғлик қоғоз; 2) рўйхат, 3) тах, қат, бурма; 4) таркиб (*сўздаги*); ◊ ~ فِي الْكِتَابِ китоб ичида, китобда, ~ فِي الْكَلَامِ нутқ (сўз) давомида

– دَرَجٌ *кўп* أَدْرَاجٌ 1) нарвон, зина, шоти, ~ حَلَزُونِيٌّ айланма (бурама) зина; 2) йўл; رَجَعُوا (عَادُوا) أَدْرَاجَهُمْ улар орқаларига қайтдилар, ارْتَقَى أَدْرَاجَ السَّمَاءِ осмон баравар юқориликка кўтарилмоқ; أَدْرَاجَ الرِّيَاحِ бекор (*га*), беҳуда (*га*), ўринсиз, зоеъ, бефойда

– دُرْجٌ *кўп* أَدْرَاجٌ сурма (*жиладиган*) ғаладон

– دَرَجَةٌ *кўп* اتٌ — دَرَجٌ, 1) даража (*шунингдек: илмий унвон*), ~ كَبِيرَةٌ кўп даражада; (الثَّانِيَةِ) الْأُولَى ~ مُعَادَلَةٌ مِنَ биринчи (иккинчи) даражали тенглама; الْانْتِخَابُ عَلَى الـ~يْنِ икки поғонали сайлов; ~ جَامِعِيَّةٌ илмий даража, ~ الدُّكْتُورَاهِ докторлик (илмий) даражаси; ~ الْمَاجِسْتِيرِ магистрлик (илмий) даражасини олмоқ; 2) мартаба, унвон; малака, маҳорат (*мас., ишчидаги*); يَعْمَلُ بِ ~ مُهَنْدِسٍ у муҳандис бўлиб ишлайди; 3) даража, градус; ~ الطُّولِ узунлик даражаси; ~ الْعَرْضِ кенглик даражаси; ~ الْحَرَارَةِ ҳарорат даражаси; ~ الْعُلَيَانِ қайнаш нуқтаси (даражаси); ~ التَّجَمُّدِ музлаш нуқтаси (даражаси); 4) класс (*поезд, кема ва б. пардаги*); ~ عَامَلَهُ مُعَامَلَةَ бирор ким билан аъло даражада муомалада бўлмоқ; 5) поғона, босқич, палла, навбат; ~ الْأُولَى биринчи навбатда; 6) (*мактабдаги ўзлаштириш*) баҳоси: ~ جَيِّدٌ جِدًّا "аъло" баҳо билан, "аъло" баҳода

– مُدَرِّجٌ ўқувчи, шогирд

– مَدْرَجٌ *кўп.* مَدَارِجُ 1) йўл; 2) бошланиш; 3) *ав* учиш-қуниш йўли

– مُدَرَّجٌ *кўп* اتٌ — 1) амфитеатр (*1. Юнонистон ва қадимги Римда очиқ тамошагоҳ ва унинг доиравий ва яримдоиравий баландлаб борувчи ўринлари. 2. Ҳозирги тамоша залларида партердан кейинги, баландлаб борувчи ўринлар*). трибуналар (*стадион ёки тамошагоҳларда тамошабинлар ўтирадиган жой*), 2) шкала (*1. ўлчов асбобларининг даража кўрсаткичи. 2 тадрижий равишда ўсиб ёки камайиб борувчи рақамлар сираси*) 3. *шунингдек:* ~ الْمُوسِيقِيُّ *муз.* мусиқа шкаласи, нота шкаласи, гамма (*бир пардадан кўтарилиб ёки тушиб борувчи товушлар мажмуи*), 4) *кўп* ўйиқ жойлар, камарлар, поғоналар

– مَدْرَجَةٌ маслак, оқим, мазҳаб

– مُدَرَّجَةٌ *кўп* مَدَارِجُ қоғоз ўрами

– مُدَرَّجَاتٌ *кўп.* мундарижалар. (*мас., китоб*) ичидаги нарсалар

دِرْخَمَةٌ дирахма (*танга*)

I دَرَدَ (*а*) دَرَدٌ тишсиз бўлмоқ, кемшик бўлмоқ

– أَدْرَدُ *мн.* دَرْدَاءُ *кўп.* دُرْدٌ тишсиз, кемшик

– دُرْدٌ чўкинди, қуйқа, лойқа, чўкма

– دُرْدِيٌّ қуйқа, қолдиқ, ювинди

دَرْدَارٌ қайрағоч, бужун; шумтол, шунг (*дарахт*)

دَرْدَبِيسٌ қари хотин, кампир; *сўк.* қари жодугар, шум кампир

دُرْدُورٌ *кўп.* دَرَادِيرُ милк

– دُرْدُورٌ уюрма, қуюн, гирдибод, гирдоб, довул, уюрмали қаттиқ шамол (бўрон)

– دُونَ 1) олдида, олдига, тарафи, ёни; ~ـــهُ حَالَ (*к. нингдир*) олдида турмоқ; (*к. гадир*) халақит бермоқ; ~ـــهُ قَامَ (*к. нингдир*) ёнини олмоқ, ҳимоя қилмоқ; فَأَعْلَقَ ~ـــهَا بَابَ الْعَفْوِ وَ الْغُفْرَانِ *маж.* у у қиз учун раҳм-шафқат эшигини беркитди; 2) қуйида, пастда, тубанда, остида, тагида; камроқ, озроқ, кам, оз; لَيْسَتِ الْمَرْأَةُ ~ الرَّجُلِ فِي الْكَفَاءَةِ аёллар ўз қобилиятига кўра эркаклардан кам эмас; لَمْ يَكُنْ ~هَا دَهْشًا لَدَى رُؤْيَةِ هَذَا буни кўриб у у қиздан кам ҳайратга тушгани йўқ; هُوَ ~ عِشْرِينَ سَنَةً у ҳали йигирма ёшга ҳам кирган эмас; هَذِهِ حَمَاقَةٌ ~هَا كُلُّ حَمَاقَةٍ бу жуда катта аҳмоқлик (*сўзма-сўз:* бу шундай аҳмоқликки, бунинг олдида барча аҳмоқликлар оз); الْبَنَفْسَجِيَّةُ ~ الْأَشِعَّةُ ультрабинафша нурлар; الْمَوْجَاتُ ~ الْقَصِيرَةُ ултрақисқа тўлқинлар, ўта қисқа тўлқинлар; 3) ёмонроқ, бадтарроқ, ярамас роқ; ёмон, бадтар, ярамас; إِنَّهُ ~نَا فِي أَكْثَرَ مِنْ نَاحِيَةٍ кўп жиҳатларда у биздан ёмонроқ; 4) мустасно, қилганда; ... дан ташқари ..., дан бошқа; йўқлик, камлик *каби маъноларни билдиради*; -сиз, но-; кам, йўқ; أَدْنَى ~ تَأْخِيرٍ ҳеч кечиктирмасдан; ... أَيِّ اعْتِبَارٍ لِـــ ~ ...га ҳеч эътибор бермасдан; أَيِّ مُبَرِّرٍ ~ ҳеч қандай баҳонани эътиборга олмай, ҳеч қандай баҳонасиз; ~ مِنْ *ёки* ~ ـــ йўғида, йўқлигида, йўқ бўлганда, йўқ эканида, -сиз, -дан ташқари, -дан бошқа; أَنْ ~ ـــ ...нинг бўлмаслиги ...; شَكٌّ ~ ـــ шак-шубҳасиз; مَا ~ (*бирор н.*) – сиз; ~ لَكَ а) мана сенга!; ма, ол!, б) эҳтиёт бўл!; إِنَّ لَهُ ~ غَيْرَهُ التَّصَرُّفَ فِي هَذَا бунга фақат унга эгалик қила олади, бошқа ҳеч ким эмас; ~ الْعَقْلِ يُتَكَشَّفُ هَذَا لِلْقَلْبِ буни ақл билан эмас, фақат юрак билангина билиш мумкин; مَاتَ ~ أَنْ يَكْتُبَ الْوَصِيَّةَ васият ёзиб қолдирмай ўлиб кетди

– دُونٌ паст, тубан; қуйи; ~ـــ النَّاسُ қуйи табақадан чиққан одамлар

– دُونِيَّةٌ ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумлик ҳолати

– دِيوَانٌ[1] *кўп* دَيَاوِينُ, دَوَاوِينُ 1) девон (*шеърлар тўплами*); ~ مُوسِيقِيٌّ *муз.* жуда паст йўғон товуш (овоз); 2) идора, канцелярия, давлат ташкилоти; маҳкама, бошқарма, муассаса; رَئِيسُ الـــ~ канцелярия бошлиғи; الـــ~ الْمَلَكِيُّ (*шимолий Африкада*) қирол канцелярияси; ~ التَّفْتِيشِ *тар.* инквизиция (*католик черкови асоратига қарши кишиларни таъқиб ва суд қилиш учун XIII-XIX асрларда таъсис этилган суд-полиция ташкилоти*)

– دِيوَانٌ[2] *кўп* دَوَاوِينُ, ـــ ـَاتٌ 1) диван; 2) купе (*вагон хоналари*); ~ الْحَرِيمِ аёллар ҳарами, аёллар купеси

– دِيوَانَةٌ божхона

– دِيوَانِيٌّ девоний (*хат турларидан бири*)

– دِيوَانِيَّةٌ бюрократизм

– مُدَوَّنَاتٌ *кўп.* хотира дафтаридаги ёзувлар, хотиралар, эсдаликлар

دُونَانْمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ флот (*маълум соҳа ёки жой ва ё мамлакатга тегишли кемалар мажмуи*)

دُونْكِيشُوتِيٌّ донкихотликка оид, донкихотларча (*испан ёзувчиси Сервантеснинг "Дон Кихот" романи қаҳрамони номидан*), хом хаёлликка оид

– دُونْكِيشُوتِيَّةٌ донкихотлик, хом хаёллик

. دُونُمٌ *кўп* ـَاتٌ ـــ дунум (*910 м² га тенг майдон ўлчови*)

دُونَانْمَةٌ = دُونَنْمَةٌ

I (دوى) دَوَى (*u*) دَوِيٌّ 1) гувулламоқ, ғувулламоқ; гулдирамоқ, гумбурламоқ; шовқин солмоқ; янграмоқ, эшитилмоқ; 2) (*н. биландир*) овоза бўлиб кетмоқ (ب); دَوِيَ (а) دَوًى оғримоқ, касал (бемор) бўлмоқ; II دَوَّى 1) увилламоқ, гувилламоқ; шовқин солмоқ; 2) жаранглатмоқ, янграмоқ; III دَاوَى даволамоқ; парвариш қилмоқ, касалга қарамоқ; IV أَدْوَى касал қилмоқ; VI تَدَاوَى даволанмоқ, дори ичмоқ

– دَاءٌ *қар.* دوأ

– دَاوٍ[1] *мн.* دَاوِيَةٌ шовқин-суронли; жуда қаттиқ, қулоқни битирадиган (*овоз ҳақида*)

– دَاوٍ[2] *кўп* دَاوِيَةٌ *тар.* тамплиер (*1119 йилда Қуддусда ташкил этилган ўрта аср католик руҳонийлари ташкилоти аъзолари*)

– دَوٍ *мн* دَوِيَةٌ хатарли, ёмон (*касаллик ҳақида*); ёмон шиш; рак

– دَوٌّ чўл, саҳро

– دَوَاءٌ *кўп* أَدْوِيَةٌ даво, дори, медикамент (дори-дармон); халқ тиббиётида қўлланадиган дори-дармон; مَوْضِعُ الْأَدْوِيَةِ дорихона

– دَوَائِيٌّ 1) даволашга оид; 2) дори-дармонга оид; صِنَاعَةٌ ـــ фармацевтика саноати

– دَوَاةٌ *кўп.* دَوًى давот, сиёҳдон; қалам-давот

– دَوَايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ сиёҳдон, давот

– دَوِيٌّ касаллик

– دَوِيٌّ 1) шовқин-сурон, гумбурлаган овоз; 2) акс садо

– دَوِيَّةٌ = دَوِيَةٌ

– دَوٌّ = دَوِيٌّ

– مُدَاوٍ *мн.* مُدَاوِيَةٌ 1. даволовчи; 2. врач, доктор, табиб

– مُدَاوَاةٌ даволаш; беморга қараш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَدْوِيٌّ қаттиқ, баланд (*овоз ҳақида*), янгроқ; ~ التَّصْفِيقُ الـــ гулдурос қарсаклар; ~ـــةٌ شُهْرَةٌ юксак шон-шуҳрат, донг

دُوَيْرِعٌ *қар.* درع

دِيَالَكْتِيكٌ диалектика

– دِيَالَكْتِيكِيٌّ диалектикага оид, диалектик; اَلطَّرِيقَةُ الْـــ~ـــةُ диалектик метод; اَلْمَادِّيَّةُ الـــ~ـــةُ диалектик материализм

دِيَالُوجٌ *кўп.* ـَاتٌ — суҳбат, сўзлашув, диалог

دِبْلُومَاسِيٌّ = دِيبْلُومَاسِيٌّ

– دِبْلُومَاسِيَّةٌ = دِيبْلُومَاسِيَّةٌ

دَيُّوثٌ даюс, қўшмачи, далли

دَيْجَاةٌ *кўп.* دَيَاجٍ тим қоронғулик, зимистон, зим-зиё (*сол. шунингдек:* دجو)

دَيْجُورٌ *кўп.* دَيَاجِيرُ зим-зиё қоронғулик, зимистон, зулмат

– دَيْجُورِيٌّ қоронғу, зулмат, зим-зиё

دَيْدَبَانٌ *кўп.* ـَاتٌ — соқчи; *спорт.* дарвозабон; ~ الْمَرْكَبِ лоцман (*кемаларга йўл кўрсатувчи мутахассис*)

– دَيْدَبَانِيَّةٌ соқчиликда туриш, вахта (*муҳим объектлардаги соқчилик, навбатчилик*)

دَيْدَانٌ, دَيْدَنٌ одат, ўрганиш, расм, урф

دَيْرٌ *кўп* دُيُورٌ, دُيُورَةٌ, أَدْيِرَةٌ, أَدْيَارٌ, دَيَارَاتٌ монастир; ~ الرُّهْبَانِ эркаклар монастири; ~ الرَّاهِبَاتِ аёллар монастири; رَئِيسُ الـــ~ игумен (*эркаклар монастирининг бошлиғи*); رَئِيسَةُ الـــ~ игуменья (*хотинлар монастирининг бошлиғи*)

– دَيَّارٌ 1) роҳиб, монах; монастирда яшовчи киши; 2) кимдир, аллаким

– دَيْرٌ *кўп.* أَدْيَارٌ роҳиблар яшайдиган макон (*насронийларда*)

– دَيْرَانِيٌّ[1] 1. монастирга оид; 2. 1) Дайрул-Камар фуқароси; 2) роҳиб, монах

– دَيْرَانِيٌّ[2] роҳиблар яшайдиган жойнинг эгаси

– دَيْرَةٌ *қар.* دور

– دَيْرِيٌّ монастирга оид

– دِيرْكْسْيُونٌ рул. рул бошқаруви (*автомобилда*)

دِيزَلٌ дизел; ~ مَرْكَبَةُ الـــ автомотриса (*мустақил моторли т. -й. вагони*); ~ مُحَرِّكُ الـــ дизелли двигатель, дизел

دَيْسٌ *бот.* қамиш

دَيْسَمٌ *бот.* гул ҳусни Юсуф, гултожихўроз

دِيسَمْبَرُ декабрь

دِيكٌ *кўп.* دُيُوكٌ, دِيكَةٌ хўроз; بَرِّيٌّ ~ қирғовул, тустовуқ; ~ حَبَشِيٌّ ~ ёки رُومِيٌّ ~ ёки هِنْدِيٌّ курка (*хўрози*); ~ وَزْنُ بَيْضَةِ الـــ *қар.* وزن

دِيكَارْتِيٌّ (файласуф) Декарт издошлари (тарафдорлари)

دِيكْتَاتُورِيَّةٌ диктатура; ~ الْبُرُولِيتَارِيَا пролетар диктатураси

دِيكْرِيتُو *кўп.* دِيكْرِيتَاتٌ декрет (*қонун кучига эга бўлган қарор, фармойиш*)

دَيْكُورٌ *кўп.* ـَاتٌ — безак, декорация (*умумий кўриниш*); ~ مُهَنْدِسُ безакчи муҳандис, декоратор

دَيْمَى, دَيْمَا йўл-йўл мато

دَيْمَاغُوغِيٌّ 1. сафсатабозликдан (*демагогиядан*) иборат; 2. сафсатабоз, демагог

– دَيْمَاغُوجِيَّةٌ демагогика, сафсатабозлик

دَيْمَاغُوجِيٌّ = دَيْمَاغُوغِيٌّ

دَيْمَاسٌ *қар.* دمس

دَيْمُوطِيقِيٌّ демотикага оид, демотик; اَلْكِتَابَةُ الـــ~ـــةُ демотик ёзув

دِيمُوقْرَاطِيٌّ 1. демократияга оид, демократияга асосланган, демократик; ~ لا антидемократик, демократияга қарши; 2. демократ

– دِيمُوقْرَاطِيَّةٌ 1) демократия, халқ ҳокимияти; 2) демократизм (*демократия принципининг амалга ошуви*)

دَيْمُومَةٌ *қар.* دوم

I (دَيْنٌ) دَانَ[1] (*и*) دَيْنٌ (*к. гадир*) бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ, итоат этмоқ (لـــ); 2) (*пул*) қарз олмоқ; 3) қарзга бермоқ; 4) (*к. дандир*) қарздор бўлмоқ (لـــ); دَانَ[2] (*и*) دَيْنٌ (*к. нисия*) айбламоқ; دَانَ[3] (*и*) دِيَانَةٌ (*қандайдир бирор динга*) эътиқод қилмоқ (ب); ~ بِدِينِ الْإِسْلَامِ ислом динига эътиқод қилмоқ; I دَانَ[4] (*и*) دَيْنٌ қилган ишига яраша мукофотламоқ; كَمَا تَدِينُ تُدَانُ қилмишингга яраша жазо оласан; III دَايَنَ қарз бермоқ, қарз бериб турмоқ; IV أَدَانَ 1) айбламоқ, судга бермоқ; (*н. дадир*) айбдор деб ҳисобламоқ (فِي); айбламоқ; (*н. гадир*) ҳукм қилмоқ, (*н. гадир*) ҳукм чиқармоқ, мустаҳиқ қилмоқ (ب), 2) қарзга (қарз) бермоқ; V تَدَيَّنَ 1) (*бирор динга*) эътиқод қилмоқ (ب); тақводор бўлмоқ, диндор бўлмоқ; 2) қарзга ботмоқ; VI تَدَايَنَ бир-биридан (*пул*) қарз олмоқ, қарзга ботмоқ; VIII اِدَّانَ қарз сўрамоқ, қарз кўтармоқ; X اِسْتَدَانَ 1) (*пул*) қарз олмоқ; қарздор бўлмоқ, 2) қарзга сотиб олмоқ

– إِدَانَةٌ 1) айблаш, қоралаш; ҳукм қилиш, жазо бериш; (*н. гадир қилинган*) ҳукм (ب); айбдорлик, гуноҳкорлик

– تَدَيُّنٌ диндорлик, художўйлик, тақводорлик; диёнат

– دَائِنٌ кредитор (*қарз берувчи*)

– دَائِنِيَّةٌ *бух.* кредит, қарз, насия

– دَيَّانٌ *дин.* дайён (*ҳисоб-китоб куни - қиёмат*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– دِيَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) диёнат; диний эътиқод; 2) диний таълимот, дин ақидалари; дин

– دَيْنٌ *кўп.* دُيُونٌ 1) қарз; ~ بِالـــ қарзга, кредитга; أَصْحَابُ الدُّيُون ёки أَرْبَابُ الدُّيُون қарз берувчилар, кредиторлар; ~ـــهُ قَضَى *маж.* қазоси етди, у ўлди; 2) заём; ~ الـــ الْمُوَحَّدُ давлат заёми; ~ا عَقَدَ заём чиқармоқ

– دِيْنٌ[1] *кўп.* أَدْيَانٌ дин, имон; ~ الـــ الْحَنِيفُ ислом; ~ الـــ أُصُولُ катехизис (*диний ақидаларнинг савол-жавоб тарзида қисқача баёни*); ~ الـــ رَجُلُ ибодат қилувчи, диндор, руҳоний; ◊ يَوْمُ الـــ *дин.* қиёмат куни

– دِيْنٌ[2] мукофот, қилинган ишга яраша берилган ҳақ (ажр)

– دَيِّنٌ диндор, руҳоний, тақводор

– دَيْنُونَةٌ *дин.* қиёмат, қиёмат куни

– دِينِيٌّ диний; динга оид; диндор, тақводор; ~ لاَ а) диний бўлмаган; б) худосиз, даҳрий, худога ишонмайдиган, атеист; لاَ ~ـــةٌ даҳрийлик, атеизм

– دَيِّنٌ=مُتَدَيِّنٌ; ~ غَيْرُ даҳрий, худосиз, динсиз

– مُدَانٌ ҳукм қилинган

– مُدَايِنٌ кредитор, қарз берувчи

مَدَنِيٌّ *қар.* مدن

– مَدِينٌ 1. (*к. дандир*) миннатдор (لـــ); هِيَ ~ـــةٌ لَهُ у қиз ундан миннатдор; 2. қарздор; 3. қул

– مَدِينَةٌ[1] *қар.* مدن

– مَدِينَةٌ[2] чори

– مَدِينٌ=مَدْيُونٌ

– مَدْيُونِيَّةٌ қарз; қарздорлик; *бухг.* дебит

دِينَارٌ *қар.* دنر

دِينَامُو динамо-машина, ўзгармас ток генератори

دِينَامِيتٌ динамит (*портловчи модда*)

دِينَامِيكَا динамика; ~ الـــ الْحَرَارِيَّةُ термодинамика (*физикада: иссиқликнинг бошқа хилдардаги энергияга айланишини ўрганувчи бўлим*); ~ الـــ الْمَائِيَّةُ гидродинамика (*гидромеханиканинг суюқликлар қонунлари ҳақидаги қисми*)

دِينَامِيكِيٌّ динамикага оид, динамик; ~ـــةُ الْكَهْرَبَائِيَّةُ *қар.* كَهْرَبَائِيَّةٌ

– دِينَامِيكِيَّةٌ динамиклик

– دِينَامِيَّةٌ динамика

دِيَةٌ *кўп* دِيَاتٌ (*ўлдирилган учун*) товон, хун, ҳақ; *қар.* ودى

دِيُورِيتٌ *мин.* диорит

ذ

ذَ (ذَالٌ) зол (*араб алифбосининг тўққизинчи ҳарфи, абжадда-700*)

ذَا *мн* تَا *ёки* ذِى *кўп* أُولاَءِ бу, шу; ~ مَا нима ахир? ~ لِمَا нимага, нима сабабдан, нима учун?; ~ مَنْ ким ахир?; ~ بِـــ *ёки* ~ لِـــ шунинг учун, шу сабабдан; ~ كَـــ шундай, шунақа, мана шунақа; ~ـــَ وَ كَـــ ва ҳоказо, ва ҳоказо, у эди- бу эди, фалон-писмадон; анча-мунча; ~ هَكَـــ шундай қилиб; ~ هَا أَنَا мана, мен!; ~ هَا هُوَ мана, у!; ~ هَا هِيَ ذِى мана у (*мн*)!; ~ كَ *мн.* تَاكَ *кўп.* أُولَئِكَ у, ўша, нариги; ~ إِذْ ...ган вақтда, ...ган пайтда; ذَلِكَ *мн.* تِلْكَ *кўп.* أُولَئِكَ у, ўша, нариги; بَعْدَ ذَلِكَ ундан кейин, ундан сўнг; مَعَ ذَلِكَ шу билан бирга, шунга қарамай; عَلَى ذَلِكَ وَ шунинг учун; كَذَلِكَ шундай, шу каби, шунга ўхшаш; وَ ذَلِكَ أَنَّ ва хусусан; وَ ذَلِكَ لأَنَّ ... ва бу шунинг учунки,...; ~ هَـــ *мн.* هَذِهِ *кўп.* هَؤُلاَءِ бу, шу

ذَاتٌ *кўп.* ذَوَاتٌ (*қар.* ذُو) 1) (*н. нингдир*) эгаси, соҳиби; 2) эгалик қилинган нарса, эгалик қилинадиган нарса; 3) зот, шахс, киши, субъект; ذَوَاتُ الْحَيْثِيَّةِ *шунингдек:* атоқли кишилар, номдор кишилар; ذَوَاتُ الذُّوَاتِ ابْنُ (بِنْتُ) атоқли кишиларнинг ўғли (қизи); أَوْلاَدُ الذَّوَاتِ машҳур кишиларнинг фарзандлари (авлодлари); эркатойлар, арзандалар; 4) моҳият, туб мазмун, туб маъно, мағиз; 5) (*нина*) ўзи, ўз; ◊ ~ حُسْنٍ гўзал қиз, гўзал аёл; ~ الشَّعْرِ الْفَتَاةُ қўнғир сочли қиз; ~ الْقِرْشِ تَذْكَرَةٌ бир қиршли (пиастрли) патта; ~ عَشَرَةِ قُرُوشٍ الْقِطْعَةُ ўн қиршли танга, чақа; ~ مَدْرَسَةٌ икки синфдан иборат мактаб; طَبَقَةٌ فِى ~ـــهَا *фалс.* синф ўзида; طَبَقَةٌ لِـــ ~ـــهَا *фалс.* синф ўзи учун; ~ـــهُ ўзи, шахсан ўзи; قَائِمٌ بِـــ ~ـــهِ а) ўзича, ўзини олганда; б) ўзи, шахсан ўзи; بِـــ ~ـــهِ а) ўзига мустақил; б) ўзига хос бўлган; بِالـــ ~ а) хусусан; б) аслида; в) шахсан; ~ا шахсан; ~ مَرَّةً *ёки* ~ يَوْمٍ *ёки* فِى ~ يَوْمٍ кунлардан бир кун, бир куни, кунларнинг бирида; ~ يَوْمٍ حَمِيلٍ فِى бирда эмас бирда, кунлардан бир куни; ~ صَبَاحٍ бир кун эрталаб; ~ فَجْرٍ бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

кун тонгда; صَيْف ~ ёз кунларининг бирида; عَام ~ қайсидир бир йили; الْيَمِين ~ ўнгда, ўнг томонда; الشِّمَال ~ чапга, чап томонга, сўлга, сўл томонга; نُفُوس ~ ёки صُدُور ~ фикрлар, ўйлар, хаёллар; الْحَنَب ~ зотилжам, ўпка пардасининг яллиғланиши, плеврит; الرِّئَة ~ ўпканинг яллиғланиши; الْبَيْن ~ низо, нифоқ, душманлик; ихтилоф; الْيَد ~ бойлик, мол-мулк; الْإِعْجَاب بِالـ~ ўзига бино қўйиш, ўзини яхши кўриш, худбинлик; إِنْكَار الـ~ ўзини унутиб қўйиш, ўзини аямаслик, (حُبُّ) مَحَبَّة الـ~ худбинлик, манманлик, эгоизм; الْحَيَوَانَاتُ ذَوَاتُ الْمَقْرَات умуртқали ҳайвонлар, ذَوَاتُ الْأَرْبَع тўрт оёқлилар; الْمَكَان بِـ~ ўша жойнинг ўзида; وَ فِي الْيَوْم ~ـه ўша куни, ўша куннинг ўзида; الْوَقْت ~ فِي ўша вақтнинг ўзида; ўша вақтда

– ذَاتِيٌّ 1) шахсий, хусусий; الْحُكْم الـ~ автономия, ўзини ўзи бошқариш; 2) субъектив; ا~ а) шахсан; б) бир ёқлама, субъектив; 3) автоматик; التَّفْرِيغ ~ ўзи ағдарадиган; الْحَرَكَة ~ ўзи юрар

– ذَاتِيَّة 1) шахс, шахсият; ўзига хослик; تَحْقِيق الـ~ шахсини аниқлаш; 2) ўзига хослилик, мустақил ҳолда иш кўришлик; 3) субъективлик; 4) асллик, тўғрилик; 5) субъективизм

ذَاكَ *қар.* ذَا

I **ذَأَبَ** (*а*) ذَأْب қорайтирмоқ, хавф солмоқ; I **ذَؤُبَ** бўрига ўхшамоқ, бўри каби феълга эга бўлмоқ; X اسْتَذْأَبَ бўри каби ваҳшийлашмоқ, бўри каби иш тутмоқ

– ذُؤَابَة *кўп.* ذَوَائِب кокил, зулф; пешонадан қўйилган соч, ёл; الـ~ *ёки* ~ الشَّرْبِيقِيَّة *астр.* Бегемот (сув оти) ёли (*осмондаги чўзиқ изнинг ёйли*); ◊ ذَوَائِبُ الْأَمْوَاجِ тўлқинлар ўркачи

– ذِئْب *кўп.* ذِئَاب бўри; ~ الـ *мед.* тери сили; ◊ ~ الْبَحْر денгиз олабуғаси

– ذِئْبَة *кўп.* ات ـَـ урғочи бўри

– مَذْأَبَة бўри кўп учрайдиган жой

I **ذَرَ** (*а*) ذَرّ ўжарлик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ, терслик қилмоқ

I **ذَأَلَ** (*а*) ذَأَلَان енгил қадам ташламоқ, юрмоқ

I ذَأَمَ (*а*) ذَأْم 1) гина қилмоқ, таъна қилмоқ, ўпкаламоқ; таҳқирламоқ; 2) ҳазар қилмоқ

– ذَأْم 1) камчилик, нуқсон; 2) шармандали (*уятли*) иш (*қилиқ*)

I **ذَبَّ** (*а/у*) ذَبّ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб чиқармоқ, қувламоқ; 2) (*к. нидир, н. нидир*) ҳимоя қилмоқ (عَنْ)

– ذُبَاب[1] *кўп.* أَذِبَّة тиғ; устара; ~ السَّيْف қилич тиғи

– ذُبَاب[2] *жам. кўп.* ذُبَّان пашшалар; ~ الْخَيْل сўналар; مَرَض الـ~ *мед.* трапаносомоз

– ذُبَابَة *кўп.* ات ـَـ 1) пашша; ~ الْخَيْل сўна, сўна пашша; ~ هِنْدِيَّة *зоол.* тилла қўнғизнинг бир тури, 2) тиғ (*қиличдаги*)

– مَذَبَّة пашша кўп бўлган жой

– مِذَبَّة *кўп.* مَذَابّ ات ـَـ катта елпиғич; пашша қўриғич

ذُبَّانَة, ذُبَّانَة *кўп.* ات ـَـ 1) пашша; 2) мушка (*милтиқ ва ш.к. лардаги нишонга олишда фойдаланиладиган қисм*)

I **ذَبَحَ** (*а*) ذَبْح, ذَبَاح 1) ўлдирмоқ; бўғизламоқ; сўймоқ; 2) (*ҳайвонни*) қурбонликка сўймоқ, қурбонлик қилмоқ; II ذَبَّحَ жуда кўплаб сўймоқ, хунрезлик қилмоқ, қирғин қилмоқ; VI تَذَابَحَ бир-бирини сўйишмоқ, бўғизлашмоқ

– تَذَابُح бир-бирини сўйиш, қирғинлик, хунрезлик

– ذَبْحَة = ذُبَاح

– ذَبَّاح қассоб, ҳайвон сўювчи

– ذَبْح қурбонлик қилишга мўлжалланган ҳайвон

– ذُبْحَة, ذَبْحَة ангина, томоқ шамоллаши; ~ صَدْرِيَّة стенокардия, юрак касаллиги

– ذَبِيح 1) сўйилган, бўғизланган; сўйишга (бўғизлашга) мўлжалланган; ~ الـ حَيَوَانَات сўйиладиган моллар (сўқимлар); 2) қурбон, қурбонлик, қурбон қилинган ҳайвон

– ذَبِيحَة *кўп.* ذَبَائِح қурбон, қурбонлик қилинган ҳайвон; қурбонликка тайёрланган ҳайвон

– مَذْبَح *кўп.* مَذَابِح 1) сўйиш, бўғизлаш; 2) қурбонлик қилинадиган жой; тахт; меҳроб

– مَذْبَحَة *кўп.* مَذَابِح катта жанг, қирғин уруш; қириб ташлаш, йўқ қилиб юбориш; сўйиш, пичоқбозлик

ذَبْذَبَ 1) тебратмоқ, дириллатмоқ, ҳилпиратмоқ; 2) тебранмоқ, дирилламоқ, ҳилпирамоқ; تَذَبْذَبَ 1) тебранмоқ, дирилламоқ, ҳилпирамоқ, титрамоқ; 2) қатъиятсизлик кўрсатмоқ, ботинолмай қолмоқ, иккиланмоқ

– ذَبْذَب эркакларнинг жинсий олати

– ذَبْذَبَة 1) тебраниш, титраш, дириллаш; ҳилпираш, 2) *кўп.* ذَبَاذِب попук, гажим; попукли жияк, шокила

– ذَبْذَبِيّ тебранма, тебранишга оид

– مُتَذَبْذِب тебранувчи, тебраниб турган, титраб турган; ~ تَيَّار *қар.* تَيَّار

– مُذَبْذِب иккиланувчи, иккиланиб турган (*бирор ишда*)

I **ذَبَرَ** (*у*) ذَبْر ёзмоқ; нуқталарини қўймоқ

I **ذَبَلَ** (*у*) ذَبْل, ذُبُول сўлмоқ, сўлиб қолмоқ, шалпаймоқ, қовжирамоқ, қуриб қолмоқ

– ذَابِل *кўп.* ذُبُل 1) сўлган, сўлиб қолган, қуриган, шалпайган; 2) беҳафсала, ўта кетган ланж, чарчаган, ҳориган

– ذَابُول зобул (*касаллик номи, қичимаза ўхшаш касаллик*)

– ذُبَالَة *кўп.* ذُبَال пилик

– ذَبْل қалқон, тошбақанинг косаси; ~ صِنَاعِيّ сунъий тошбақа косаси; пластмасса

www.ziyouz.com kutubxonasi

– ذُبُولٌ сўлиш, шалпайиш; ~ الْمُتَأَخِّر مَرَضُ *маккажўхори ва пахта таъсирида ҳосил бўладиган қичимага ўхшаш касаллик*

ذَخْلٌ *кўп.* أَذْخَالٌ, ذُخُولٌ *ёки* ذَخَلٌ *кўп.* أَذْخَالٌ 1) қасос, ўч, интиқом; 2) нафрат, ўч олиш иштиёқи

I **ذَخَرَ** (*а*) ذَخْرٌ жамғармоқ, йиғмоқ, тўпламоқ, йиғиб кўпайтирмоқ; жамлаб қўймоқ; II ذَخَّرَ жамғармоқ, йиғмоқ, тўпламоқ; ғамлаб қўймоқ; VIII اِدَّخَرَ *ёки* اِذَّخَرَ эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ; жамлаб қўймоқ; ... مَا ~ وُسْعًا فِي سَبِيلِ ... جُهْدًا فِي سَبِيلِ ... *ёки* ... مَا ~ ... учун қолини аямай тирмоқ

– اِدِّخَارٌ *ёки* اِذِّخَارٌ сақлаш, эҳтиёт қилиш; жамлаш

– إِذْخِرٌ *бот.* хушбўй қамиш

– ذُخْرٌ *кўп.* أَذْخَارٌ 1) жамғарма, эҳтиёт; 2) *кўч. м.* ҳисса; أَضَافَ بِهِ جَدِيدًا إِلَى الْعِلْمِ ~ бу билан у илм-фанга янги ҳисса қўшди

– ذَخِيرَةٌ *кўп.* ذَخَائِرُ 1) дурдона, бебаҳо нарса; ذَخَائِرُ الْأَدَبِ الْعَرَبِيِّ الْقَدِيمِ қадимги араб адабиёти дурдоналари; 2) табаррук саналган нарса; ~ الْمُقَدَّسَةُ *черк.* диний маросимлардан бирида истеъмол қилинадиган вино ва нон; 3) келажакда фойдаланиш учун жамланган нарса; озиқ-овқат; ~ اللُّغَوِيَّةُ луғат заҳираси, лексик запас; 4) *кўч.м.* ҳисса; 5) ўқ, патрон, снаряд; ўқ-дорилар; ~ حَيَّةٌ жанговар снарядлар

– مَذْخَرٌ *кўп* مَذَاخِرُ омбор, омборхона

– مُذَخِّرٌ жамғарувчи, тўпловчи

– مُذَخَّرٌ (*шунингдек* مُدَّخَرٌ) жамғарилган, тўпланган, ғамланган, эҳтиёт қилинган

– مُذَخَّرَاتٌ (*шунингдек* مُدَّخَرَاتٌ) *кўп* жамғарма нарсалар, жамғармалар

– مَذْخُورٌ захира, запас

I (ذرر) **ذَرَّ**[1] (*а/у*) ذَرٌّ сачратмоқ, пуркамоқ, сепмоқ, сочмоқ, сочиб ташламоқ; ... الْخِلَافَ بَيْنَ ~ ... орасига низо солмоқ; الرَّمَادَ ~ فِي الْعُيُونِ (التُّرَابَ) *маж.* мақтаб алдамоқ; ذَرَّ[2] (*а/у*) ذَرٌّ, ذُرُورٌ 1) чиқмоқ, кўтарилмоқ (*қуёш ҳақида*); 2) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, туғилмоқ, бунёд бўлмоқ; ~ قَرْنُ الْخِلَافِ ихтилоф пайдо бўлмоқ; ~ قَرْنُ الْأَزْمَةِ الْاِقْتِصَادِيَّةِ иқтисодий кризис (бўҳрон) бошланди; 3) ўсиб чиқмоқ, ердан ниш урмоқ

– ذَرٌّ[1] *жам.* қумурсқалар

– ذَرٌّ[2] *жам.* чанг зарралари, гардлар

– ذَرَّةٌ[1] қумурсқа

– ذَرَّةٌ[2] *кўп.* ~ اتٌ 1) зарра, заррача; ذَرَّاتُ الْعَرَقِ тер томчилари; 2) чанг зарраси, гард; 3) атом; ~ بِنْيَةُ الْـ атом тузилиши; حَرْبُ ~ الْـ атом уруши; ~ مُحَطِّمَةُ الْـ циклотрон; ◊ ~ مِثْقَالُ заррача, зарра миқдорича; жуда оз, озгина; қиттак; ◊ ~ مِنَ الْحَيَاءِ فَقَدَ كُلَّ у шарму ҳаёни буткул унутган

– ذَرُورٌ 1) кукунланган, майда зарраларга айлантирилган; 2) *кўп* أَذِرَّةٌ а) кукун, порошок; сепки, сепиладиган нарса; б) упа

– ذَرُورِيٌّ кукунсимон, кукунга ўхшаш

– ذَرِّيٌّ 1) атомга оид; радиоактив; ~ خَطَرٌ атом хавф-хатари; ~ الطَّاقَةُ الْـ атом энергияси; ~ الرُّؤُوسُ الْـ атом каллаклари, ~ الْعَدَدُ الْـ атом тартиб рақами; ~ الْغُبَارُ الْـ радиоактив чанг; ~ الْقُنْبُلَةُ الْـ атом бомбаси; ~ النَّظَرِيَّةُ الْـ атом назарияси; 2) атом билан шуғулланувчи олим, атомчи

– ذَرِّيَّةٌ элементнинг нечта атом билан қўшила олиши, атомлилик

– ذُرِّيَّةٌ *кўп* ذَرَارِيُّ зурриёт, авлодлар

I **ذَرَأَ** (*а*) ذَرْءٌ яратмоқ, йўқдан бор қилмоқ, халқ қилмоқ

– ذَرْآنِيٌّ *ёки* ذَرَآنِيٌّ оппоқ, оқ рангдаги; ~ مِلْحٌ оқ (оппоқ) туз

I **ذَرِبَ** (*а*) ذَرَبٌ ўткир бўлмоқ, لِسَانُهُ ~ тили ўткир бўлмоқ, уятсиз гаплар гапирмоқ

– ذَرَبٌ 1) бедаво дард; 2) ич кетиш касали, 3) уятсиз гаплар

– ذَرِبٌ 1) ўткир; 2) заҳарли, аччиқ; ~ اللِّسَانِ уятсиз гапларни гапирувчи

ذُرَّاحٌ *кўп* ذَرَارِيحُ *мед* испанча зурроқ (*даволаш учун баданга қўйиладиган малҳамли мато*)

I (درع) **ذَرَعَ** (*а*) ذَرْعٌ тирсак билан ўлчамоқ, тирсак билан газламоқ; ◊ بِعَيْنِهِ ~ *ёки* بِنَظَرِهِ ~ а) тикилиб қарамоқ, синчиклаб қарамоқ; б) кўз билан қидирмоқ; ~ الشَّوَارِعَ عَلَى قَدَمَيْهِ кўчаларда кезиб юрмоқ, кўчаларни кезмоқ; кўчаларда санғиб юрмоқ; ~ الْغُرْفَةَ ذَهَابًا وَ جِيئَةً хонада у ёқ-бу ёққа юрмоқ (бориб-келмоқ); ذَرِعَ (а) ذَرَعٌ (*к. гадир*) тавсия қилмоқ, (*к. нингдир олдида*) илтимос қилмоқ, сўрамоқ (إِلَى *ёки* عِنْدَ); V تَذَرَّعَ 1) (*н. нидир*) восита сифатида ишлатмоқ, (*н. нидир*) баҳона қилмоқ (ب); ... بِحُجَّةِ أَنَّ ~ ... ишдан далил сифатида фойдаланмоқ; 2) (*бирор н. билан*) қуролланмоқ (ب), ... لِـ بِالصَّبْرِ ~ ... учун сабр-тоқат (қунт) қилмоқ; 3) (*н. нидир*) ишга солмоқ (ب); (*н. дандир*) фойдаланмоқ (ب); 4) (*н. нидир*) баҳона қилиб ўзини бирор ишдан олиб қочмоқ, ўзини оқламоқ (ب); VII اِنْذَرَعَ олдинга интилмоқ, олға юрмоқ, олд томон юрмоқ

– أَذْرِعَاتُ Шомдаги жой номи (*бу жой ўз шароби билан машҳур*)

– ذِرَاعٌ *мн.мз. кўп.* أَذْرُعٌ, ذُرْعَانٌ 1) қўл (*бармоқдан елкагача бўлган қисм*); тирсак, билак; (*ҳайвондаги*) қўл-оёқлар; билак суяги; ~ وَاحِدَةٌ бир қўлли; ~ ضَيِّقُ الْـ заиф, лаёқатсиз; ~ وَاسِعُ الْـ кучли; ~ عَلَى طِفْلٌ صَغِيرٌ لَهَا ~ унинг (*мн.*) қўлида имирғаси (гўдаги) бор; ... ذِرَاعَيْهِ لِـ فَتَحَ (مَدَّ) ...га қучоғини очмоқ; 2) *тех.* даста, банд, тутқа; ричаг; стрела (*юк кўтарадиган кранларда*); ~ التَّوْصِيلِ шатун; ~ الْإِدَارَةِ кривошип; 3) чўзим, газ (*узунлик ўлчови*) ~

www.ziyouz.com kutubxonasi

إِسْتِنْبُولِيٌّ 0,66 *м.га тенг узунлик ўлчови*; بَلَدِيٌّ ~ 0,58 *м.га тенг узунлик ўлчови (савдода)*; مِعْمَارِيٌّ ~ 0,75 *м.га тенг узунлик ўлчови (архитектурада)*; مِعْمَارِيٌّ مُرَبَّعٌ ~ 0,5625 $м^2$ *.га тенг юза ўлчови (қурилишда)*; مِعْمَارِيٌّ مُكَعَّبٌ ~ 0,4218 $м^3$ *.га тенг ҳажм ўлчови*; هَاشِمِيٌّ ~ 0.64 *м.га тенг узунлик ўлчови*; هَنْدَسَةٌ ~ 0,65 *м.га тенг узунлик ўлчови*

– ذَرْعٌ 1) чўзилган қўлнинг узунлиги; 2) куч; ضَعِيفُ الـ~ камқувват, кучсиз; وَاسِعُ الـ~ кучли, бақувват; ضَاقَ ~ُهُ кучсизланмоқ, қувватдан қолмоқ; ضَاقَ بِالْأَمْرِ ~ُهُ а) у бунга чидаб туролмади; б) унинг бунга кучи етмади; لَقَدْ ذِقْتُ بِهِمْ ~اً улар менинг жонимга тегишди

– ذَرِيعٌ 1) тез, шошилинч; 2) муқаррар, бўлмасдан қолмайдиган, қутилиб бўлмайдиган, бўлмай иложи йўқ; ~ خَطَرٌ келиши муқаррар бўлган хавф; 3) воситачи, ўртада турувчи, битиштирувчи; 4) ҳимоячи, илтимос қилувчи

– ذَرِيعَةٌ *кўп.* ذَرَائِعُ баҳона, важ, рўкач; восита

– ذَرَائِعِيٌّ 1) бирор масала ёки назарияни ҳимоя қилувчи; 2) бирор масала ёки назарияни ҳимоя қилишга оид

I **ذَرَفَ** (*и*) ذُرُوفٌ 1) оқмоқ, оқиб тушмоқ (*кўз ёши ҳақида*); 2) тўкмоқ, оқизмоқ (*кўз ёши ҳақида*); кўз ёши қилмоқ. تْ~ عُيُونُهُ الدُّمُوعَ кўзларидан ёш қуйилиб кетди; II ذَرَّفَ 1) тўкмоқ, оқизмоқ (*кўз ёши ҳақида*), 2) (*н. нидир*) ошириб юбормоқ, ҳаддан оширмоқ (عَلَى); عَلَى الْخَمْسِينَ ~ у элликдан ошган; VII اِنْذَرَفَ оқмоқ, оқиб тушмоқ, қуйилмоқ (*кўз ёши ҳақида*)

I **ذَرَقَ** (*и*) ذَرْقٌ ахлат чиқармоқ, тезакламоқ (*қушлар ҳақида*); IV أَذْرَقَ = I

– ذَرْقٌ қушларнинг ахлати (тўнги); ~ الطَّيْرِ *фол.* еввойи беда

– ذُرَاقٌ = ذُرَاقُ الطَّيْرِ *кар.* ذَرْقٌ

ذُرَةٌ маккажўхори, жўхори; ~ عُوَيْجَةٌ *ёки* رَفِيعٌ ~ *ёки* بَلَدِيٌّ ~ тариқ; бир йиллик донли ўсимлик, сорго; ~ بَيْضَاءُ тариқ; ~ شَامِيٌّ *ёки* ~ شَامِيَّةٌ *ёки* ~ مِصْرِيَّةٌ *ёки* ~ صَفْرَاءُ жўхори, маккажўхори

I (ذرو) **ذَرَا** (*у*) ذَرْوٌ 1) учириб кетмоқ (*шамол ҳақида*); тўзитиб юбормоқ, тўзғитиб юбормоқ, 2) шопирмоқ, елпиб тозаламоқ, эламоқ (*дон ҳақида*); ذَرَى (*и*) ذَرْيٌ = ذَرَا; II ذَرَّى = I, IV أَذْرَى 1) тўзитмоқ, тўзитиб юбормоқ, тўзғитмоқ; 2) ечиб ташламоқ, олиб улоқтириб ташламоқ; 3) ёш тўкмоқ, кўз ёши тўкмоқ, V تَذَرَّى 1) шопирилмоқ, елпиб тозаланмоқ (*дон ҳақида*); 2) (*чўққига*) кўтарилмоқ; 3) (*н. нингдир воситасида, н. биландир*) яширинмоқ, беркинмоқ, ҳимояланмоқ (ب); X اِسْتَذْرَى ҳимоя изламоқ; ҳимоя қидирмоқ. بِظِلِّ الشَّجَرَةِ ~ дарахт соясига ўтмоқ

– تَذْرِيَةٌ *геол.* жинсларнинг емирилиши, абляция (*1. музлик массасининг эриш, буғланиш ва механик парчаланиш натижасида камайиши. 2. нураган тоғ жинсларининг оқар сув, муз ва шамол таъсирида кўчиши*)

– ذَارِيَاتٌ *кўп.* шамоллар ◆

– ذَرَّايَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ (*шунингдек:* ~ آلَةٌ) шамол машина, дон совурадиган машина

– ذُرْوَةٌ, ذِرْوَةٌ *кўп.* ذُرًى 1) чўққи, уч, бош; 2) *кўч.м.* тепалик, юқори (юксак) даража; ~ مُؤْتَمَرُ الْـ *бил.* олий (юксак) даражадаги музокара; ~ الْـ (أَوْقَاتُ) фурсат тиғиз пайт, пик; هِيَ فِي ~ جَمَالِهَا у (*мн.*) мисли кўрилмаган даражада гўзал; ... بَلَغَ الْـ~ да юқори чўққига кўтарилмоқ; بَلَغَ الْـ~ الْكُبْرَى فِي تَطَوُّرِهِ у ўз тараққиётида юқори чўққига эришди; ارْتَفَعَ إِلَى ~ سَامِقَةٍ بِبُطُولَتِهِ у ўзининг қаҳрамонлиги билан ажралиб турарди

– ذَرًى бошпана; ҳимоя

– مِذْرَاةٌ, مِذْرًى *кўп.* مَذَارٍ курак шаклидаги дон совургич

I **ذَعَرَ** (*а*) ذَعْرٌ 1) қўрқитмоқ, хавф солмоқ, даҳшат солмоқ, ваҳима солмоқ; 2) ذُعِرَ қўрқувга тушмоқ, ваҳимага тушмоқ; IV أَذْعَرَ қўрқитмоқ, ваҳимага солмоқ (қўймоқ); VII اِنْذَعَرَ ваҳимага тушмоқ, қўрқмоқ, даҳшатга тушмоқ

– ذُعْرٌ, ذَعَرٌ 1) хавф, хатар, даҳшат, ваҳима; 2) саросима

– ذُعَرَةٌ *зоол.* жиблажибон

– مَذْعُورٌ даҳшатда қолган, ваҳимага тушган

ذُعَافٌ *кўп.* ذُعُفٌ одамни ўлдирадиган заҳар; ◊ مَوْتُ ~ қутилмаган (тўсатдан келган) ўлим

I **ذَعَنَ** (*а*) ذَعَنٌ (*к. гадир*) итоат қилмоқ, бўйсунмоқ (لِـ); IV أَذْعَنَ = I

– إِذْعَانٌ итоат қилиш, қулоқ солиш, мутеълик, итоатгўйлик, итоаткорлик

– مِذْعَانٌ итоатгўй, итоаткор, мутеъ

– مُذْعِنٌ итоат қилувчи, итоатгўй, итоаткор, мутеъ

ذَفِرٌ 1) кучли қўланса ҳид, сассиқ ҳид; 2) кучли ёқимли (хушбўй) ҳид

– ذَفَرٌ сассиқ, қўланса

ذَافِقَةٌ *кўп.* ذَوَافِقُ скрипканинг иякка қўйиладиган қисми

– ذَفَنٌ, ذَقَنٌ *кўп.* ذُفُونٌ, ذُقُونٌ, أَذْقَانٌ ияк, энгак; ◊ غَرِقَ حَتَّى الْأَذْقَانِ فِي ... га қаттиқ берилиб кетмоқ

– ذَفِنٌ *мн. кўп.* ذُفُونٌ соқол. الْكَبْشِ ~ эчки соқол; ◊ لَهُ ~ وَلَحْيَةٌ у бўшанг (ғайратсиз, лапдавур, лағашанг); تَحْتَ ذُقُونِ فُلَانٍ фалончининг кўз ўлдида (тумшуғинин остқинасида); صَحَكَ عَلَى (ذُقُونِهِمْ) (ذُقُونِهِ) ـــهِ кимнингдир (*кимларнингдир*) устидан билдирмай кулмоқ

I **ذَكَرَ** (*у*) تَذْكَارٌ, ذِكْرٌ 1) эсламоқ, эслаб ўтмоқ; ҳикоя қилмоқ; гапириб бермоқ, сўзлаб бермоқ; хотирламоқ. هَذَا مَا ~ُوهُ مِنْ هَذَا الْأَمْرِ а) бу айтишга каттагина миқдор, талайгина сон (адад); لَا يُذْكَرُ

ҳам арзимайдиган ишдир; б) буни эслаб ўтиш жоиз эмас; الشَّيْءُ بِالشَّيْءِ يُذْكَرُ гапдан гап чиқади; بِالسُّوءِ ~ ёмонлаб эсга олмоқ, ғийбат қилмоқ; 2) зикр тушмоқ; 3) зикрда иштирок этмоқ (қатнашмоқ) (*қар.* ذِكْرٌ); II ذَكَّرَ 1) эслатмоқ, эсга солмоқ; 2) ўргатмоқ, насиҳатомуз гап қилмоқ; 3) бойитмоқ; 4) *грам.* музаккарга айлантирмоқ (*сўз ҳақида*); III ذَاكَرَ 1) муҳокама қилмоқ; 2) (*дарсни*) ёд олмоқ, ёдламоқ; IV أَذْكَرَ эслатмоқ, эсга солмоқ; V تَذَكَّرَ эсламоқ; VI تَذَاكَرَ 1) биргалашиб муҳокама қилмоқ; 2) биргалашиб хотирламоқ; 3) биргалашиб ёд олмоқ, ёдламоқ; VIII اِدَّكَرَ *ёки* اذَّكَرَ эсламоқ, хотирламоқ, эсга олмоқ, хотирга келтирмоқ; X اسْتَذْكَرَ 1) эсламоқ, хотирламоқ, эсга туширишга уринмоқ, эслашга ҳаракат қилмоқ; 2) ёдламоқ, ёд олмоқ; эсда тутмоқ, хотирда сақламоқ; ~ دَرْسَهُ дарсни ёдламоқ, ёд олмоқ

– تَذْكَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) хотира; لَهُ ~ا унинг хотираси сифатида; сувенир

– تَذْكَارِيٌّ хотирага бағишланган, эслашга бағишланган; эсдаликка оид; хотирага (ёдгорликка) оид; ~ اِحْتِفَالٌ юбилей; اللَّوْحَةُ الـــتَّـــذْكَارِيَّةُ эсдалик маркалари; ёдгорлик тахтаси, ёдгорлик лавҳаси

– تَذْكِرْجِيٌّ *кўп.* تَذْكِرْجِيَّةٌ паттачи, патта сотувчи, кондуктор (*автобус, трамвай ва б. ларда*)

– تَذْكِرَةٌ *кўп.* تَذَاكِرُ 1) билдиришнома, хабарнома; 2) ўгит, панд-насиҳат; 3) патта, чипта, билет, карточка; ~ الْبَرِيدِ *ёки* ~ الْبُوسْتَةِ очиқ хат, открытка; ~ الدَّعْوَةِ таклифнома; ~ ذِهَابٍ وَ إِيَّابٍ бориш ва келиш паттаси; ~ الرَّصِيفِ перронга, вокзалга кириш паттаси; ~ السَّفَرِ бирор транспортда юриш паттаси; ~ الْعِلَاجِ касалхона карточкаси; ~ الْمُرُورِ паспорт; кириш (ўтиш) учун рухсатнома; ~ النُّفُوسِ метрика; шахсни тасдиқловчи ҳужжат; ~ الْهُوِيَّةِ шахсни тасдиқловчи ҳужжат; شُبَّاكُ التَّذَاكِرِ паттахона, чиптахона, патта (чипта) сотиладиган жой (касса)

– تَذْكِرِيٌّ чипта (патта) фуруш, кондуктор (*автобус, трамвай ва б. ларда*)

– تَذْكِيرٌ 1) эслатиш; 2) бойитиш

– ذَاكِرَةٌ эс, хотира, ёд; سَيَبْقَى هَذَا فِي ~ـــهِ إِلَى الْأَبَدِ бу унинг хотирасида абадий қолади

– ذَكَرٌ[1] ўткир, кескир (*қилич ҳақида*)

– ذَكَرٌ[2] *кўп.* ذُكُورٌ, ذُكُورَةٌ а) эркак, нар; ~ النَّحْلِ эркак асалари; ~ وَ أُنْثَى *ёки халқ.* ذَكَرٌ وَ نِتَايَه а) эркак ва урғочи, нар ва мода; б) турум ва тирқиш; 2) эр киши, эркак; 3) *кўп.* ذُكُورٌ, مَذَاكِيرُ *анат.* эркакларнинг жинсий олати

– ذِكْرٌ *кўп.* أَذْكَارٌ 1) эслаш, хотирлаш; ~ الـــ(سَالِفُ) مُتَقَدِّمُ юқорида эслаб ўтилган (зикр қилинган); وَ عَلَى ~ هَذَا الْعَمَلِ نَقُولُ ... бу иш юзасидан гапириб деймизки, .., 2) хотира; 3) эслаш; ~ـــ الـــ سَعِيدُ *ёки* ~ـــ الـــ طَيِّبُ ёркин хотира қолдирган (*вафот этган киши ҳақида*); 4) шон-шуҳрат; 5) зикр (*Аллоҳи Таолоракнинг муборак исмини кўпчилик бўлиб такрорлашдан иборат бўлган ибодат*); ~ـــ الـــ حَلَقَةُ зикр қатнашчилари ҳалқаси (давраси); الْـــ~ الْحَكِيمُ Аз-Зикрул Ҳаким, яъни Қуръон

– ذُكْرَانِيٌّ эркакларга оид

– ذُكْرَةٌ ўткирлик, кескирлик; ذَهَبَتْ ~ السَّيْفِ қилич ўтмасланди; ذَهَبَتْ ~ الرَّجُلِ одам шаштидан қайтди (ҳовуридан тушди)

– ذِكْرَةٌ, ذُكْرَةٌ 1) эслаш, хотирлаш; 2) хотира; 3) шон-шуҳрат, машҳурлик

– ذُكْرَانِيٌّ = ذَكَرِيٌّ

– ذِكْرَى *мн. кўп.* ذِكْرَيَاتٌ хотира, ذِكْرَيَاتُ الْمَاضِي ўтмиш хотиралари; ~ـــ الـــ الثَّالِثَةُ уч йиллик маросим; ~ـــ الـــ السَّنَوِيَّةُ юз йиллик юбилей, (*к. нингдир*) хотираси; إِحْيَاءُ ذِكْرَاهُ кимнингдир хотирасига бағишланган кеча ўтказиш

– ذُكُورَةٌ эркак жинсига мансублик; баҳодирлик, йигитлик

– مُذَاكَرَةٌ 1) музокара, муҳокама; суҳбат; 2) анжуман, конференция; 3) ёд олиш, ёдлаш

– مُذَكَّرٌ *грам.* музаккар, музаккар жинсдаги

– مُذَكِّرٌ кўндирувчи, панд-насиҳат қилувчи

– مُذَكِّرَاتٌ *кўп.* эсдаликлар, хотиралар, мемуарлар; кундалик (*мас., дафтар*)

– مُذَكِّرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ёзма изоҳ, ахборот, меморандум нота; ~ شَفَهِيَّةٌ *дип.* оғзаки (имзосиз) нота; 2) ёзма доклад; 3) ён дафтар, блокнот; ◊ ~ التَّوْقِيفِ қамоққа олиш ҳақидаги буйруқ варақаси

– مَذْكُورٌ 1) эсланган, эслаб ўтилган, зикр этилган, мазкур бўлган; ~ أَدْنَاهُ қуйида кўрсатиб ўтиладиган (мазкур бўладиган), ~ أَعْلَاهُ юқорида эслатиб ўтилган (мазкур бўлган); 2) катта аҳамиятга эга бўлган

I (ذكو) **ذَكَا** (*у*) ذُكُوٌّ ловуллаб (алангаланиб) ёнмоқ; ذَكِيَ (*а*) ذَكَاءٌ **закий бўлмоқ, зийрак (зеҳнли) бўлмоқ;** II ذَكَّى 1) ловуллатмоқ, **алангалатмоқ;** кескинлаштирмоқ, жиддийлаштирмоқ; 2) (*қурбонликка мўлжалланган ҳайвонни*) сўймоқ; IV أَذْكَى 1) **алангалатмоқ,** ёқмоқ; ~ الْحَمَاسَ فِي النُّفُوسِ одамларда иштиёқ уйғотмоқ; ~ مُسَدَّسًا тўппончадан ўқ узмоқ; 2) ўткирлаштирмоқ; ривожлантирмоқ; X اسْتَذْكَى ловуллаб (алангаланиб) ёнмоқ

– ذَكَاءٌ 1) зеҳн, заковатлилик, зеҳни ўткирлик, зако; ~ـــ الـــ سُرْعَةُ жуда зеҳни ўткирлик, ўта зийраклик

– ذَكِيٌّ[1] *кўп.* أَذْكِيَاءُ 1) ҳушёр, зийрак; 2) ақлли; қобилиятли; 3) хуштаъм, ширин, мазали

– ذَكِيٌّ[2] хушбўй; ~ الرَّائِحَةِ хушбўй

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **ذَلَّ** (*a/u*) ذُلٌّ манфур бўлмоқ, жирканч бўлмоқ; II ذَلَّلَ 1) кимнингдир қадрини ерга урмоқ, пасайтирмоқ; اَلْفَقْرُ يُذَلِّلُ كُلَّ جَبَّارٍ *мтл.* қашшоқлик ҳар қандай димоғдорнинг ҳам попугини пасайтиради; 2) енгиб ўтмоқ, бартараф этмоқ; уддасидан чиқмоқ, устун чиқмоқ, йиқитмоқ; اَلصُّعُوبَاتِ ~ қийинчиликларни енгиб ўтмоқ; 3) бўйсундирмоқ, тобе қилмоқ; 4) (*отни*) қўлга ўргатмоқ; IV أَذَلَّ 1) таҳқирламоқ, ерга урмоқ; 2) ғолиб келмоқ; 3) (*отни*) қўлга ўргатмоқ; V تَذَلَّلَ 1) хор бўлмоқ, таҳқирланмоқ; лаганбардорлик қилмоқ, хушомад қилмоқ, тилёғламалик қилмоқ; 2) тобе бўлмоқ, бўйсунмоқ, итоат этмоқ; X اِسْتَذَلَّ 1) обрўсини тўкмоқ, беобрў қилмоқ; разил ҳисобламоқ, жирканч деб ҳисобламоқ

– إِذْلَالٌ таҳқирлаш, ерга уриш

– تَذَلُّلٌ ўзини хўрлаш, тиз чўкиб сажда қилиш, хушомадгўйлик қилиш, ўта кетган лаганбардорлик

– تَذْلِيلٌ 1) таҳқирлаш, ерга уриш; 2) бўйсундириш, тобе қилиш; 3) енгиш, бартараф этиш

– ذُلٌّ 1) хорлик, хўрлик, камситилганлик, таҳқирланиш; 2) итоаткорлик, мутеълик, шикастанафслик; лаганбардорлик, хушомадгўйлик, кўр-кўрона сажда қилиш

– ذَلَالَةٌ 1) таҳқирланиш, хорлик; 2) пастлик, тубанлик, пасткашлик

– ذُلَّةٌ шармандалик, иснод, номус

– ذُلُولٌ *кўп* ذُلُلٌ миниладиган туя

– ذَلِيلٌ *кўп* أَذِلَّاءُ, أَذِلَّةٌ 1) таҳқирланган, хўрланган, хор бўлган; 2) итоатгўй, шикастанафс; 3) пасткаш, қабиҳ, разил; ~ كَلْبٌ *сўк.* ярамас

– مَذَلَّةٌ 1) хорлик, хўрланиш, уят, шармандалик; 2) пасткашлик, разиллик

I **ذَلَقَ** (*y*) ذَلْقٌ чархламоқ, ўткир қилмоқ, ўткирламоқ; ذَلَقَ (*a*) = ذَلِقَ; ذَلِقَ (*y*) = ذَلَقَ

– ذَلَاقَةٌ 1) равонлик, силлиқлик (*нутқ ҳақида*); ~ حُرُوفُ الـ силлиқ, равон талаффуз қилинадиган ундошлар (ب, ر, ف, ل, م, ن); 2) эпчиллик, ҳаракатчанлик; اَللِّسَانِ ~ нуткнинг ўткирлиги

– ذَلِقٌ 1) ўткир, кескир; 2) равон, силлиқ (*нутқ ҳақида*); 3) ўктам, дадил, данғал (*нутқ*)

– ذُلْقٌ (*тилнинг*) учи; ~ حُرُوفُ الـ *грам.* = حُرُوفُ الذَّلَاقَةِ *қар.* ذَلَاقَةٌ

– ذُلَيْقٌ = ذُلْقٌ

– ذُلْلُقٌ = ذُلْقٌ

– ذَوْلَقِيٌّ тилга оид; *грам.* равон, силлиқ; اَلْحُرُوفُ الـ~ة = حُرُوفُ الذَّلَاقَةِ *қар.* ذَلَاقَةٌ

ذُلْذُلٌ *кўп* ذَلَاذِلُ (*кийимдаги*) этак, бар

ذَلِكَ *қар.* ذا

I **ذَمَّ** (*a/y*) ذَمٌّ айбламоқ, ёмонламоқ; қораламоқ, ёмонга чиқармоқ; II ذَمَّمَ 1) қаттиқ қораламоқ, роса ёмонга чиқармоқ; сўкмоқ; 2) насияга сотмоқ; V تَذَمَّمَ жирканмоқ, ҳазар қилмоқ, ор қилмоқ, номус қилмоқ; VI تَذَامَّ бир-бирини ёмонламоқ; X اِسْتَذَمَّ бадном бўлиб келмоқ

– ذِمَامٌ *кўп* ـاتٌ — 1) мажбурият; бурч; ~ حُسْنُ الـ виждонлилик; 2) хизмат, лавозим

– ذَمٌّ *кўп* ذُمُومٌ номаълум деб ҳисобланиш; таъна қилиш, таъна; гина

– ذِمَّةٌ *кўп* ذِمَمٌ 1) кафиллик, кафолат, гарантия; زَيْدٍ عَلَى ~ Зайднинг кафолатидадир; 2) ҳимоя; 3) шартнома; 4) қарз; فِي ~ـه бўйнидаги, зиммасидаги (*қарз ҳақида*); ... ~ عَلَى بَاعَهُ ниманидир ...нинг ҳисобидан сотмоқ; 5) виждон; ~ عَدِيمُ الـ виждонсиз; !~ي (عَلَى) сўзимга ишон! чин сўзим!; 6) ҳалоллик, виждонлилик; 7) масъулият; 8) бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа; ҳуқуқ ёки вазифа доираси; ◊ ~ أَهْلِ الـ *мар.* мусулмонлар ҳимояси остидаги яҳудий ва насронийлар; بِالـ~ صَّدْقِ виждонан ва чиндан; اِعْتَنَقَ عَلَى التَّحْقِيقِ ~ у тергов қилиш мақсадида ҳибсга олинган; أَصْبَحَ فِي ~ التَّارِيخِ тарихга айланмоқ, ўтмиш бўлиб қолмоқ; هُوَ عَلَى التَّحْقِيقِ ~ у тергов қилинмоқда; هُوَ فِي ~ الْمَوْتِ у вафот этган

– ذِمِّيٌّ *мар.* мусулмонлар ҳимояси остидаги

– ذَمِيمٌ шармандали; таъна остида қолган, таъна қилишга лойиқ; ярамас, бемаъни

– مَذْمُومَةٌ *кўп* مَذَامُّ 1) ярамас (салбий) хусусият; 2) бемаъни қилиқ

– مَذْمُومٌ таъна (маззамат) остида қолган

ذِمَاءٌ сўйилган ҳайвоннинг танасида қолган жон

I **ذَمَرَ** (*y*) ذَمْرٌ бўкирмоқ, ўкирмоқ, наъра тортмоқ; V تَذَمَّرَ ҳасрат қилмоқ, нолимоқ, зорланмоқ, шикоят қилмоқ

– تَذَمُّرٌ ҳасрат, шикоят, нола, норозилик

– ذِمَارٌ 1) (*ҳимоя қилинадиган*) энг азиз нарса; 2) шараф, шаън, виждон

– مُتَذَمِّرٌ норози, норизо

ذَمِيلٌ туянинг секин йўрғалаши, секин юриш йўсини

I **ذَمَى** (*u*) ذَمْيٌ сўнгги нафасни олмоқ, жон чиқар пайти келмоқ

– ذَمْيٌ сўнгги нафас, жон талвасаси, ўлим талвасаси

(ذنب) II ذَنَّبَ 1) жазоламоқ, жазо бермоқ; 2) дум уламоқ (*мас., варракка*); ~ تِ الْبُسْرَةُ хурмонинг меваларига сув кира бошлади; IV أَذْنَبَ 1) гуноҳ қилмоқ, бирор айб иш қилмоқ; 2) хато иш қилиб қўймоқ, жиноят қилмоқ; X اِسْتَذْنَبَ 1) гуноҳкор ёки айбдор деб ҳисобламоқ; 2) бирор жиноят устида тутиб олмоқ, бировнинг айбини очмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَذْنُوبٌ пишмаган хурмо

– ذَنْبٌ *кўп* ذُنُوبٌ 1) гунох; 2) айб, ёзиқ; ؟ي~ مَا أَنَا وَ менинг эса айбим нима?; 3) хато, ножўя иш, ноўрин қилиқ; жиноят

– ذَنَبٌ *кўп* أَذْنَابٌ 1) дум, қуйруқ; 2) ҳамтовоқ, тарафдор, шерик, малай, ◊ ~ الثَّعْلَب *бот.* тулкиқуйруқ (*бошоқлилар оиласига мансуб ўт*); ~ أَبُو *ёки* ~ ذُو نَجْمٍ думли (қуйруқли) юлдуз, комета

– ذَنَبِيٌّ думли, қуйруқли

– ذَنُوبٌ тўла суви бор челак

– ذُنَيْبٌ *бот.* баргнинг чўпи

– ذُنَيْبَةٌ зунайба (*тариқнинг бир тури*)

– مُذْنِبٌ 1) гуноҳкор; 2) айбдор

– مُذَنَّبٌ *кўп* ـَاتٌ ـُـ думли (қуйруқли) юлдуз, комета: رَأْسُ ~ـُـ комета ядроси (боши)

I **ذَهَبَ** (*а*) ذَهْبٌ ,ذُهُوبٌ ,ذَهَابٌ 1) юрмоқ; (*кавргадир*) жўнамоқ, йўл олмоқ, бормоқ, кетмоқ (إِلَى); كَأَمْسِ الذَّاهِبِ ~ изсиз йўқолмоқ, бедарак кетмоқ; مَعَ الرِّيحِ ~ *маж.* йўққа чиқмоқ, йўқ бўлмоқ, ҳабада бўлмоқ; أَبْعَدَ مِنْ ذَلِكَ ~ янада узоқ кетмоқ; إِلَى الْقَوْلِ ~ гапиришга (дейишга) журъат этмоқ; سُدًى ~ *ёки* عَبَثًا ~ бекор кетмоқ, беҳуда кетмоқ; أَدْرَاجَ الرِّيَاحِ ~ *ёки* مَعَ الرِّيَاحِ ~ бефойда (беҳуда) кетмоқ; مَذْهَبًا ~ а) бирор таълимотга амал қилмоқ; б) ўзини тутмоқ, одоб сақламоқ; الْعُلَمَاءُ فِي ذَلِكَ مَذَاهِبَ شَتَّى ~ олимлар бу масалада турли хил фикрларни билдирдилар. 2) йўқ (ғойиб) бўлмоқ, ҳалок бўлмоқ; ضَيَاعًا ~ йўқолиб (йўқ бўлиб, ғойиб бўлиб) кетмоқ; ضَحِيَّةَ ~ الْانْفِجَارِ портлашнинг қурбони бўлмоқ; 3) олиб кетмоқ (ـَـ); 4) қириб ташламоқ, қириб юбормоқ (ـَـ), 5) ишонч билан гапирмоқ, (*н. нидир*) таъкидламоқ, тасдиқламоқ (إِلَى); II ذَهَّبَ олтин қоплатмоқ, олтин суви юритмоқ; IV أَذْهَبَ 1) бартараф қилмоқ, барҳам бермоқ, четлатмоқ; 2) олиб кетмоқ

– مَذْهَبٌ *кар.* تَمَذْهَبَ

– ذَاهِبٌ кетувчи; йўқолувчи; الْعَصْرِ ~ сабр косаси тўлган, бардоши тугаган; اللَّوْنِ ~ ранги ўчган, оқариб кетган, бузарган

– ذَهَابٌ жўнаш, кетиш, бориш; إِيَابًا وَ ~ бориш-келиш, у ёққа ва бу ёққа

– ذَهَبٌ олтин, тилла; خَالِصٌ ~ соф олтин; ◊ الْـ~ الْأَسْوَدُ қора олтин (*кўмир ёки нефть*); الْـ~ الْأَبْيَضُ оқ олтин (*платина, пахта ёки каучук*); ~ مَاءُ الْـ зарҳал, ҳал. югуртирилган олтин қатлами; ~ الْـ~ الْمَيَّالُ нефть; ~ وَقْتُهُ مِنْ унинг вақти жуда қиммат (*сўзма-сўз: унинг вақти – олтиндандир*)

– ذَهَبِيٌّ 1) олтинга оид; 2) олтинсимон, олтинранг, тиллоранг, олтин тусли, олтиндан тайёрланган

– ذَهَبِيَّةٌ *кўп* ـَاتٌ ـَـ даҳабийя (*Нил дарёсида яшаш учун мўлжаллаб ясалган кема*)

– مَذْهَبٌ *кўп.* مَذَاهِبُ 1) йўл, феъл-атвор, ҳатти-ҳаракат, тутган йўл, юриш-туриш; 2) мазҳаб, диний таълимот; маслак; 3) илмий *ёки* фалсафий назария, мафкура; назария; мактаб, йўналиш; الْـ~ الْعَقْلِيُّ рационализм; ~ الْفَرْدِيَّةِ индивидуализм; الْـ~ الْمِثَالِيُّ идеализм; ~ النِّسْبِيَّةِ нисбийлик назарияси; الْـ~ النَّدِيُّ التَّحْرِيرِيُّ эмпириокритицизм; الْـ~ الْوَاقِعِيُّ реалистик йўналиш

– مُذْهَبٌ олтиндан ишланган; олтин суви юритилган; ◊ الْمُعَلَّقَاتُ الْـ~ـَاتُ Заррин муаллақот (*исломдан олдин-жоҳилия давридаги арабларда энг машҳур бўлган етти қасида*)

– مَذْهَبِيٌّ 1) мазҳабга оид, мазҳабий; диний маслакка оид; 2) назарияга, илмий ёки фалсафий мактабга оид; мафкуравий, ғоявий; الصِّرَاعُ الْـ~ ғоявий кураш

– مَذْهَبِيَّةٌ диний мазҳабларга бўлиниш, тарқалиш, келишмовчилик руҳи

– مَذْهُوبٌ به ~ эс-ҳушини йўқотган, ақлдан озган

I (ذهل) **ذَهِلَ** (*а*) ذُهُولٌ ,ذَهْلٌ (*н. нидир*) унутмоқ, эсдан чиқармоқ (عَنْ); ذَهِلَ (*а*) ذُهُولٌ ўзини йўқотмоқ, эсанкирамоқ, шошиб қолмоқ, саросимага тушмоқ; IV أَذْهَلَ 1) таажжубга солмоқ, ҳайратда қолдирмоқ, қойил қолдирмоқ; ҳаяжонга солмоқ, ғулғула солмоқ; 2) (*н. нидир*) унуттирмоқ; VI تَذَاهَلَ ўзини (*н. нидир*) унутганга солмоқ (عَنْ); VII انْذَهَلَ ҳайратга тушмоқ, қойил қолмоқ; ўзини йўқотмоқ

– ذَاهِلٌ ўзини йўқотиб қўйган, эсанкираган, саросимага тушган

– ذَهْلَةٌ (*н. дир*) ёддан чиқиб турган дақиқа

– ذُهُولٌ эсанкираш, саросима; хаёл қочганлик, фикри тарқоқлик, донг (тонг) қолиш

– مُذْهِلٌ ҳайрон қолдирган, қойил қолдирган, ғайритабиий, камдан-кам учрайдиган, фавқулодда

– مُذْهَلٌ ўзини йўқотиб қўйган, саросимада қолган, довдираган

ذِهْنٌ *кўп* أَذْهَانٌ 1) зеҳн, ақл, идрок; حُضُورُ الْـ~ зеҳни ўткирлик, зийраклик; 2) эс, хотира; أَعَادَ إِلَى الْأَذْهَانِ эсга солмоқ; فَلَوْ عُدْنَا بِأَذْهَانِنَا إِلَى ... агар биз ни хотиримизга келтирганимизда эди, ...

– ذِهْنِيٌّ зеҳний, ақлий, зеҳнга (ақлга) оид

– ذِهْنِيَّةٌ 1) зеҳн (ақл) нинг хусусияти, фикр юритиш тарзи; 2) ақл савияси, ақлий савия, ақлий ўсиш

ذُو (*кар. к.* ذِي, *туш. к.* ذَا) *мн* ذَاتٌ (*алиф. б. кар.*) *кўп.* ذَوُو (*кар. ва туш к.* ذَوِي) 1) эга, соҳиб, молик; أَجْنِحَةٍ ~ қанотли, қанот эгаси, қанотлари бор; ضَمِيرٍ حَيٍّ ~ виждонли, инсофли; عَقْلٍ ~ оқил, ақлли; ~ عَيْنَيْنِ кўзли, кўзи бор; قَدَمٍ خَشَبِيَّةٍ ~ رَجُلٌ ёғоч оёқли одам; لِحْيَةٍ ~ соқолли, соқоли бор; مَالٍ ~ бой, бадавлат; الْمُحَرِّكُ ~

www.ziyouz.com kutubxonasi

ичдан ёнар двигатель; مَعْرِفَة ~ билимдон; غَيْرُ ذِي مَعْرِفَة билимсиз, ذَوُو السُّمْعَة السَّيِّئَة феодаллар; ذَوُو الْإِقْطَاع ёмонлик билан ном чиқарган одамлар; ذَوُو الشَّأْن манфаатдор шахслар; ذَوُو الْكَلِمَة нуфузли (эътиборли) одамлар; الْقُرْبَى ~ қариндош; ذَوُوهَا унинг (*мн.*) қариндошлари; مِنْ ذِي نَفْسِه ўз хоҳиши билан, وَادٍ غَيْرُ ذِي زَرْعٍ экин битмайдиган водий; وَاضِحٌ لِكُلِّ ذِي عَيْنَيْنِ *мтл.* бу нарса ҳар бир кўзи бор одам учун аниқ; 2) хўжайин

– أَذْوَاءٌ: ذُو *дан кўп. тар.* номлари ذُو билан бошланган Яман подшолари

I (ذوب) ذَابَ (*у*) ذَوَبَانٌ эримоқ, эриб кетмоқ; суюқ ҳолатга келмоқ; ◊ يَذُوبُ قَلْبُهُ أَلَمًا لِرُؤْيَة ... ни кўрганда юраги тортиб кетади; يَذُوبُ لَهُ الْقَلْبُ مِنْ كَمَدٍ ғамдан унинг юраги эзилиб кетмоқда; ~ كَمَدًا ғам тортганидан озиб кетмоқ; II ذَوَّبَ 1) эритмоқ, суюқ ҳолатга келтирмоқ; 2) йўқ қилмоқ, йўққа чиқармоқ; IV أَذَابَ эритмоқ, суюқ ҳолатга келтирмоқ; X اسْتَذَابَ эритма ҳосил қилмоқ

– إِذَابَة эритиш, суюқ ҳолатга келтириш; эритма

– تَذْوِيب 1) эритиш, эритма: الْمَعَادِن ~ металларни эритиш; 2) йўқ қилиш, бартараф этиш

– ذَائِب 1) эритилган, эриган; 2) эриган масса

– ذَائِبِيَّة эрувчанлик

– ذَوْب суюқ асал

– ذَوَبَان суюқ ҳолатга ўтиш, эриш; قَابِلُ لِلْـ~ а) эрувчан; б) эрийдиган

– مُذَاب эритилган, эритиладиган

– مُذِيب эритувчи

I (ذود) ذَادَ (*у*) ذَوْدٌ 1) (*бирор н. дан*) ҳайдамоқ, суриб чиқармоқ (عَنْ); 2) ҳимоя қилмоқ, мудофаа қилмоқ; عَنْ حَوْضِه ~ кимнидир ҳимоя қилмоқ

– ذَائِد *кўп.* ذَادَة ҳимоячи, ҳимоя, ҳимояга олувчи

– ذَوْدٌ[1] (*к. нидир*) ҳимоя қилиш (عَنْ)

– ذَوْدٌ[2] *мн. кўп* أَذْوَادٌ учтадан ўнтагача туядан иборат бўлган пода; ◊ إِبِلُ الـ~ إِلَى الـ~ *мқл.* тома-тома кўл бўлур (*сўзма-сўз*: оз туяга оз туя қўшилса, пода бўлади)

– ذَوْدٌ[1] = ذِيَادٌ

– مَذُودٌ *кўп.* مَذَاوِدُ охур, емохур

I (ذوق) ذَاقَ (*у*) ذَوْقٌ 1) татимоқ, татиб кўрмоқ; طَعْمَهُ ~ ниманингдир таъмини татиб кўрмоқ; !ذُقْ تَشْتَه татиб кўр, иштаҳанг очилади; 2) бошдан кечирмоқ, (*ҳаёт аччиқ-чучугини*) тотмоқ, тортмоқ; الْأَمَرَّيْنِ ~ жуда кўп ташвиш тортмоқ, кўп ғам чекмоқ; ~ حُلْوَ الْحَيَاة وَ مُرَّهَا ҳаётнинг аччиқ-чучугини татимоқ; مُرَّهُ وَ حَنْظَلَهُ ~ оғир кулфатларни бошдан кечирмоқ; 3) хабар бермоқ

– ذَائِق татиб кўрувчи; мазасини тотувчи; كُلُّ نَفْسٍ ~ـةُ الْمَوْت ҳар бир жон ўлимни тотувчидир (*Қуръон*)

– ذَائِقَة маза, таъм

– ذَوَاق маза, таъм

– ذَوَّاق таъмни яхши билувчи; ~ الْخُمُور шаробни татиб кўрувчи (дегустатор)

– ذَوَّاقَة ширинтомоқ, мазахўрак (*н. нисбатан*) ишқибози

– ذَوْق *кўп.* أَذْوَاق 1) таъм (маза) ни сезиш, дид; الْـ~ الْحَسَن яхши таъм; الْـ~ السَّلِيم мазани тўғри сезиш; الْـ~ الرَّفِيع нозик дид; ~ حَاسَّةُ الـ таъм билиш сезгиси; !كُلٌّ وَ ~ُه ҳар кимнинг ўз диди бор!; 2) мойиллик, майли борлик; 3) назокат, хушмуомалалик, одамлар билан муомала қила билишлик ~ بِـ а) дид билан; б) назокат билан, хушмуомалалик билан; ~ قِلَّةُ الـ одобсизлик; قَلِيلُ الـ~ одобсиз

– ذَوْقِيٌّ таъмга оид

– مُتَذَوِّق маза қилувчи, роҳат қилувчи; مُتَذَوِّقُو الْآدَاب адабиётдан завқ олувчилар

– مَذَاق таъм, маза; حُلْوُ الـ~ мазаси ширин, ширин мазали, тотли; طَيِّبُ الـ~ таъми ёқимли

ذُولْقِيٌّ *қар.* دلق

I ذَوَى (*а*) ذَوِيٌّ, ذَيٌّ сўлмоқ, сўлиб (қовжираб) қолмоқ, заифлашмоқ; қуримоқ, қуриб қопмоқ; IV أَذْوَى сўлитмоқ, қовжиратмоқ; сувини қочирмоқ

– ذَاوٍ *мн* ذَاوِيَة сўлган, қовжираган, қуриган

ذَا ذَيَّا *сўзидан, кичр.* бу, шу

– ذَاكَ ذَيَّاكَ *сўзидан, кичр.* у, ўша

كَيْتَ وَ ذَيْتَ: ~ وَ كَيْتَ = ~

I (ذيع) ذَاعَ (*и*) ذُيُوعٌ ёйилмоқ, тарқалмоқ, таралмоқ; маълум бўлмоқ, машҳур бўлмоқ, фош бўлмоқ (*сир ҳақида*); IV أَذَاعَ 1) (*мас., янгиликларни*) тарқатмоқ, ёймоқ, 2) (*мас. фармонни*) жўнатмоқ, юбормоқ, тарқатмоқ; 3) нашр қилмоқ, эълон қилмоқ, халққа билдирмоқ, босиб чиқармоқ; 4) (*сирни*) фош қилмоқ, ошкор қилмоқ, 5) тарқатмоқ, узатмоқ, эшиттирмоқ (*радиостанция ҳақида*)

– إِذَاعَة 1) тарқатиш, ёйиш; لَا سِلْكِيَّة ~ радиоэшиттириш, 2) халққа билдириш, халққа эълон қилиш

– إِذَاعِيٌّ 1) радиоэшиттиришга оид; الشَّبَكَة الـ~ـة радиоэшиттириш тармоғи; ~ خَبِيرٌ радиоэшиттириш мутахассиси; ~ـة حَمْلَةٌ радио орқали олиб борилган компания; 2) радиожурналист; радиоэшиттириш ходими, ишчиси

– ذَائِع 1) ёйилаётган, тарқалаётган, тарқатилаётган; 2) маълум, машҳур; الصِّيت ~ жуда машҳур, донгдор, атоқли, донғи кетган

– مَذَايِيعُ *кўп* مِذْيَاعٌ 1) одамга эл бўладиган, дилкаш; сергап, вайсақи, эзма; 2) *шунингдек*: كَهْرَبَائِيٌّ ~ микрофон; 3) мегафон

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُذِيعٌ диктор, радио орқали матн ўқувчи

(ذيل) II ذَيَّلَ 1) тугатмоқ, ниҳоясига етказмоқ. 2) (*н. биландир*) тўлдирмоқ, тўлғазмоқ (ب), (*н. нидир*) охирига илова қилмоқ, қўшиб қўймоқ (ب); (*н. нидир*) хулоса қилиб гапирмоқ (ب); IV أَذَالَ ерга урмоқ, таҳқирламоқ

– ذَيْلٌ *кўп.* أَذْيَالٌ, ذُيُولٌ 1) дум, қуйруқ; ~ الْحِصَانِ а) отнинг думи; б) *кўч.м.* аёлларнинг узун сочи; 2) ниҳоя; 3) этак; бар; аёллар кўйлагининг судралиб юрадиган этаги; 4) илова; 5) оқибат; ~ـــهِ бевосита шундан кейин; ~ طَاهِرُ الـــ доғ тушмаган, пок, соф; ~ طَوِيلُ الـــ бадавлат; جَرَّ أَذْيَالَ النَّاسِ қаланғи-қасанғилар; أَذْيَالُ الْخَيْبَةِ қўнгли қолмоқ, ихлоси қайтмоқ; خَرَجَ مِنْهُ طَاهِرَ الـــ сувдан қуруқ чиқмоқ; سَحَبَ أَذْيَالَ الْخَيْلاَءِ а) тавакkалчилик билан юрмоқ; б) ўзини катта олмоқ, гердаймоқ; لاَذَ بِأَذْيَالِ الْفِرَارِ қочмоқ, қочиб қолмоқ; هَرَبَ يَجُرُّ أَذْيَالَ الْخِزْيِ وَ الْعَارِ шармандаларча қочиб қолмоқ; حَطَّ ~ـــهُ فِي أَسْنَانِهِ олди орқасига қарамай қочмоқ

– تَذْيِيلٌ илова қилиш, илова, тўлдириш, тўлғазиш

– ذَيْلِيٌّ думга оид, думдаги

– مُذَيَّلٌ илова қилинган (*мас., китоб* – ب)

I (ذمم) ذَامَ (*u*) ذَيْمٌ танбеҳ бермоқ, койимоқ

– ذَيْمٌ айб, нуқсон

– ذَامٌ = ذَيِّمٌ, ~ لاَ تَعْدَمُ الْحَسْنَاءُ ذَامًا *мақ.* гўзалларнинг айби бўлмайди

– مَذْيُومٌ, مَذِيمٌ танбеҳга муносиб, танбеҳ эшитган, койилган

ر

ر (رَاءٌ) ро (*араб алифбосининг ўнинчи ҳарфи; абжадда-200*)

رَاتِينَجٌ смола, дарахт елими

رَاجَا *кўп.* رَاجَوَاتٌ рожа (*Ҳиндистондаги зодагонлар унвони*)

رَادَارٌ *радио.* радар, радиолокацион қурилма

– رَادَارِيٌّ радиолокацияга оид

رَادِيَتْرٌ *кўп.* اتٌ — радиатор

رَادِيكَالِيٌّ 1) радикал. 2) радикал партия аъзоси

رَادْيُو 1) радио; ~ التِّلِفُونِيُّ الـــ радиотелефон; ~ تِلِفُونِيٌّ радиотелефонга оид, ~ الاَتُ الـــ радиожиҳозлар; 2) *кўп.* رَادْيُوهَاتٌ радиоприёмник

رَادْيُومٌ *кимё* радий; ~ الْمُعَالَجَةُ بِالـــ радиотерапия

– رَادْيُومِيٌّ радийга оид; ~ الْإِشْعَاعُ الـــ радиоактивлик

رَاشِيتَةٌ *кўп.* اتٌ — рецепт

رَافِيَا рофиё (*хурмо навларидан бири*)

رَامِي ромий, хитой нашаси

رَاهْنَامَجٌ = رَهْنَامَجٌ

رَاوَنْدٌ реванд, ровоч

رَايٌّ рой (*майда балиқ турларидан бири*)

I رَأَبَ (а) رَأْبٌ 1) тузатмоқ, таъмир қилмоқ, тўғриламоқ; 2) йўлга қўймоқ, келиштирмоқ

– مَرْأَبٌ *кўп.* مَرَائِبُ 1) таъмирлаш устахонаси, ремонтхона; 2) гараж

رَأْدٌ, رُؤْدٌ *кўп.* أَرْآدٌ бўйга етган қиз

رَأْرَأَ кўзларини ола-була қилмоқ, кўзларини пирпиратмоқ (بِعَيْنِهِ)

– رَأْرَأَةٌ 1) кўзларини ола-була қилиш, кўзларини пир иратиш (بِعَيْنِهِ); 2) *мед.* нистагм (*кўз соққасининг айланиб туриш касаллиги*)

I رَأَسَ (а) رِئَاسَةٌ, رِيَاسَةٌ бошчилик қилмоқ; раислик қилмоқ; رَؤُسَ (*u*) رِئَاسَةٌ бош бўлмоқ; II رَأَّسَ бошлиқ (*раис*) қилиб тайинламоқ; бошчи қилиб қўймоқ; V تَرَأَّسَ бош бўлмоқ, бошчилик қилмоқ; бошқармоқ, раислик қилмоқ; VIII ارْتَأَسَ бош бўлиб турмоқ

– تَرْوِيسَةٌ *кўп.* تَرَاوِيسُ сарлавҳа

– رِئَاسَةٌ, رِيَاسَةٌ 1) бошчилик, бошчилик қилиш; раислик қилиш, президентлик; ~ الْجُمْهُورِيَّةِ مَنْصَبُ республика президенти мансаби (лавозими); ~ الـــ شَغَلَ كُرْسِيَّ раис ўрнини эгалламоқ; 2) президиум

– رِئَاسِيٌّ раисликка оид; президентликка оид; ~ الْمَقَرُّ الـــ президент резиденцияси

– رَأْسٌ *мз. гоҳида мн. кўп.* أَرْؤُسٌ, رُؤُوسٌ 1) бош; ~ الـــ جِلْدَةُ бош териси, сочлари билан шилиб олинган бош териси; ~ الـــ مَرْفُوعُ боши кўтарилган; ~ الـــ مُطْرِقُ боши қуйи эгилган, боши қуйи солинган; ~ الـــ مُنَكِّسُ боши эгик; ~ـــهِ عَلَى кимгадир ҳурмат кўрсатмоқ, кимнидир бошга кўтармоқ; ~ عِشْرُونَ مِنَ الْغَنَمِ йигирма бош қўй; 2) бошлиқ, ... ~ عَلَى ...нинг бошчилигида; 3) бошланиш; ~ الْجِسْرِ *ҳарб.* а) кўприк олдидаги истеҳком; б) плацдарм; ~ السَّنَةِ янги йил; ~ السُّلَّمِ зина олдидаги очиқ жой; ~ الشَّهْرِ الْقَمَرِيِّ ой боши, янги ой, ҳилол, янги ой кўринган кун; ~ الْقَرْنِ аср боши; 4) баландлик, чўққи; бирор нарсанинг калласи

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (رحض) **رَحَضَ** (*а*) رَحْضٌ ювмоқ, чаймоқ, чайимоқ, чайқамоқ

– رَحِيضٌ ювилган, чайилган, чайқалган

– مَرْحَاضٌ *кўп.* مَرَاحِيضُ ҳожатхона

رَحِيقٌ, رُحَاقٌ 1) етилган, узоқ сақлаб чиниқтирилган шароб; 2) *шунингдек:* ~ الزَّهْرِ нектар, гулкосадаги ширин модда; ◊ امْتَصَّ ~ الْحَيَاةِ эзиб сувини ичмоқ

– رُحَاقِيٌّ шира йиғадиган (*гул*)

– رُحَاقٌ = رَحِيقٌ

– رُحَيْقِيٌّ = رُحَاقِيٌّ

– مَرْحَقَةٌ *бот.* гулнинг шира (*нектар*) йиғадиган бези

I **رَحَلَ** (*а*) رَحِيلٌ (*қаердандир*) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ, йўлга тушмоқ (عَنْ, مِنْ); ~ مِنْ (عَنِ) الْوَطَنِ чет мамлакатга кўчиб кетмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

◊ (الدُّنْيَا) عَنَّا رِحْلَةَ مَنْ لاَ يَعُودُ ~ *ёки* عَنْ هَذَا الْعَالَمِ ~ вафот этмоқ; رَحَلَ (а) رَحْلٌ эгарламоқ; II رَحَّلَ 1) сафарга отлантирмоқ, жўнатмоқ; 2) кўчириб юбормоқ; 3) (*банкдаги маблағни*) кўчирмоқ, ўткизмоқ; IV أَرْحَلَ туя бермоқ, миниладиган туя тақдим қилмоқ; V تَرَحَّلَ (*бир жойдан бошқа жойга*) кўчиб юрмоқ, кўчманчилик қилмоқ; VIII اِرْتَحَلَ 1) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; 2) чет мамлакатга кетмоқ; ◊ إِلَى رَحْمَةِ رَبِّهِ ~ вафот этмоқ

– اِرْتِحَالٌ 1) жўнаш, жўнаб кетиш; 2) чет элга кўчиб кетиш

– تَرَاحِيلُ *кўп.* бир жойдан бошқа жойга кўчириш; ~ أَعْمَالُ التَّرَاحِيلِ чет элга кетиб бажариладиган ишлар; ~ عُمَّالُ التَّرَاحِيلِ бир иш жойидан бошқасига кўчирилиши мумкин бўлган ишчилар

– تَرْحَالٌ жўнаш, жўнаб кетиш; ◊ هَذَا جَعَلَهُ بَيْنَ حَلٍّ وَ ~ бу нарса бир жойдан бошқасига кўчишга мажбур қилди

– تَرْحِيلٌ *кўп.* تَرَاحِيلُ жўнатиш; ~ الْحِسَابَاتِ *мол.* ҳисоб-китобларни ўтказиш

– رَاحِلٌ[1] 1) вафот этган, ўлган; 2) кетган, ўтиб кетган; 3) эмигрант

– رَاحِلٌ[2] *кўп.* رُحَّلٌ, رُحَلٌ кўчманчи; اَلْعَرَبُ الرُّحَّالُ кўчманчи араблар

– رَاحِلَةٌ *кўп.* رَوَاحِلُ минишга ажратилган уруғочи туя

– رَحَّالٌ *кўп.* رَحَّالَةٌ 1) кўчиб юрувчи; 2) кўчманчи; баҳорда ва кузда учиб келадиган *ёки* кетадиган (*қушлар*); 3) жуда кўп сафарда юрувчи; 4) сайёҳ

– رَحَّالَةٌ (*тадқиқотчи*) сайёҳ

– رَحْلٌ *кўп.* رِحَالٌ 1) эгар; (رِحَالَهُ) ~ شَدَّ (*бирор жойга*) жўнамоқ (إِلَى), ... (رِحَالَهُ) ~ حَطَّ қаергадир етиб келмоқ; حَطَّ ... عَنْ (رِحَالِهِ) ~ (أَلْقَى) (*қаердадир*) тўхтаб ўтмоқ, тўхтамоқ; 2) юк, багаж; 3) анжомли уй

– رَحْلَةٌ *кўп.* رَحَلاَتٌ парта (*Суриядa*)

– رُحْلَةٌ 1) сафардан кўзланган мақсад; 2) кўзланган мақсад

– رِحْلَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ~ رِحْلٌ саёҳат, сафар; бориш; *шунингдек:* ~ قَصَدَ экскурсия; ~ جَوِّيَّةٌ ҳавода (*мас. тайёра, дирижаблда*) саёҳат қилиш, учиш

– رَحِيلٌ 1) жўнаш; 2) *шунингдек:* عَنِ الْحَيَاةِ ~ ўлим ўлиш

– مُرَحِّلٌ *мол.* қолдиқ (*бухгалтерияда*)

– مُرَحِّلٌ *кўп.* ـَاتٌ ~ реле

– مَرْحَلَةٌ *кўп.* مَرَاحِلُ 1) марҳала, марсхил, босқич, давр; 2) (*қурилиш*) навбати, босқичи, фаза, даража; صَارُوخٌ مُؤَلَّفٌ مِنْ أَرْبَعِ مَرَاحِلَ тўрт босқичли ракета; ◊ بِمَرَاحِلَ анча, бирталай, кўпгина

– مَرْحَلِيٌّ босқичли, навбатчи

I رَحِمَ (*а*) رَحْمَةٌ раҳм қилмоқ; ачинмоқ, шафқат қилмоқ; кечирмоқ; لاَ يَرْحَمُ қаҳри қаттиқ, тошбағир, бераҳм, бағри тош, қаҳрли; اللهُ ~ худо раҳмат қилсин!, худо раҳматига олсин!; II رَحَّمَ 1) меҳр-шафқат кўрсатмоқ; 2) (*к. гадир*) раҳм қилишни сўраб ёлбормоқ (عَلَى); V تَرَحَّمَ (*к. нидир*) аямоқ, (*к. гадир*) раҳми келмоқ (عَلَى); رَحْمَةُ اللهِ عَلَيْهِ! иборасини такрорлаб (*к. гадир*) раҳмат тилаб ибодат қилмоқ; VI تَرَاحَمَ бир-бирига раҳм-шафоат қилмоқ; X اِسْتَرْحَمَ раҳм-шафқат сўрамоқ; ялиниб-ёлбормоқ

– أَرْحَامٌ 1) *анат.* бачадон; عُنُقُ الرَّحِمِ, رَحِمٌ, رِحْمٌ, رَحْمٌ *мз. мн. кўп.* бачадон бўғзи, ~ خَارِجُ الرَّحِمِ бачадондан ташқаридаги ҳомиладорлик;2) қариндошлик; ~ صِلَةُ الرَّحِمِ қон-қариндошлик; ذُو ~ (*она томондан*) қариндош; 3) (*н. нингдир*) ички қисми; *кўп* ич, ичи, ўзак

– رُحْمٌ *ёки* رَحْمٌ раҳм-шафқат

– رَحْمَانُ, رَحِيمٌ меҳрибон, раҳмдил (*Оллоҳ таоло исми сифатларидан бири*)

– رَحُومٌ шафқат, раҳм-шафқат

– رَحْمَةٌ меҳрибонлик, ачиниш, қайғуриш; меҳр-шафқат; بِلاَ ~ وَ لاَ شَفَقَةَ раҳмсизларча; ~ عَدِيمُ الرَّحْمَةِ бераҳм, бешафқат; ~ هُوَ تَحْتَ ... у ...нинг ҳукми остидадир, у ...га қарамдир; ~ اَلْفَلاَّحُ تَحْتَ السَّمَاءِ деҳқон об-ҳавога (*сўзма-сўз:* осмонга) қарамдир; تَرَكَهُمْ تَحْتَ ~ وَ الْفَاقَةِ у уларни озиқ овқатсиз ва бошпанасиз ташлаб кетди; ~ بِسَاطُ الرَّحْمَةِ тобут устига ёпилган мато

– رَحُومٌ меҳрибон, раҳмдил, шафқатли

– رَحِيمٌ 1) меҳрибон, раҳмдил, шафқатли; 2) марҳум, раҳматли

– مَرْحَمَةٌ *кўп.* مَرَاحِمُ меҳрибонлик, раҳмдиллик, раҳми келиш, ачиниш

– مَرْحُومٌ 1) раҳм-шафқат кўрсатилган киши; 2) марҳум, вафот этган

رَحَايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ~ қўл тегирмон (*сол.* رَحًى)

– رَحًى *кўп.* أَرْحِيَةٌ 1) қўл тегирмон; ~ حَجَرُ الرَّحَى тегирмон тоши; دَارَتْ ~ الْمَصْنَعِ *маж.* завод тула ишга тушди, دَارَتْ ~ الْحَرْبِ уруш бошланиб кетди, 2) озиқ тиш; ◊ ~ الْقَوْمِ одамларнинг энг эътиборлиси, пешқадами; ~ الْحَرْبِ урушнинг энг шиддатли палласи

– رَحَوِيٌّ айлантирадиган, айлантирувчи (*куч*), айланиш йўли билан ишлайдиган, ротацион

– رَحَوِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ~ *тех.* чигир ғалтак, чархпалак

I رَحَّ (*а/у*) رَحٌّ сув қўшмоқ, сув аралаштирмоқ; ~ السَّمَاءُ шаррос ёмғир қуйди

– رُحٌّ *кўп.* رَحَحَةٌ, رِحَاحٌ 1) *шунингдек:* ~ طَائِرُ الرُّحِّ рух (*афсонавий қуш номи*); ~ مِصْرِيٌّ *зоол.* калхат, қорақўш; 2) *шахм.* рух

www.ziyouz.com kutubxonasi

– رَخَاخٌ 1) қулай; эркин, озод, ҳур; 2) юмшоқ

– رَخَّةٌ *кўп.* اتٌ — жала, шаррос ёққан ёмғир

رَخَرٌ, رَاخِرٌ, رَخْرٌ *мн.* رُخْرَى *халқ.* бошқа, ўзга; هُوَ رَاخِرُ у ҳам; هِيَ رُخْرَى у (*мн.*) ҳам

رَخْرَخَ бўшаштирмоқ, бўш қўймоқ; تَرَخْرَخَ бўшашиб кетмоқ, бўшашмоқ

– رَخْرَخَةٌ бўшашиш

– مُرَخْرَخٌ бўш, таранг эмас, тортилмаган

I رَخُصَ (*у*) رَخَاصَةٌ, رُخْصٌ 1) арзон бўлмоқ, арзонламоқ, арзонлашмоқ; тушмоқ, тушиб кетмоқ (*нарх ҳақида*); 2) янги бўлмоқ, тоза бўлмоқ; 3) паст (сифатсиз) бўлмоқ; II رَخَّصَ 1) арзонлаштирмоқ, арзон қилмоқ; 2) рухсат бермоқ, ваколат бермоқ; (*к. гадир н. нидир қилишга*) рухсат (ижозат) бермоқ (لِـ, ب, فِي); IV أَرْخَصَ 1) арзонлаштирмоқ, нархни туширмоқ; 2) (*н. нидир*) аямоқ, қизғанмай қўймоқ; V تَرَخَّصَ 1) арзон бўлмоқ, арзонлашмоқ; 2) рухсат берилмоқ, имкон берилмоқ; 3) (*к. гадир н. дадир*) мурувват кўрсатмоқ, марҳамат қилмоқ; жоиз деб ҳисобламоқ, ўринли деб ҳисоблатмоқ, 4) (*н. нингдир*) баҳридан ўтмоқ, (*н. дандир*) воз кечмоқ (فِي). VIII اِرْتَخَصَ 1) арзонлашмоқ, арзон бўлмоқ; 2) арзон нархда сотиб олмоқ; X اِسْتَرْخَصَ 1) арзон деб ҳисобламоқ, اَلنَّفْسَ وَ الْمَالَ فِي سَبِيلِهِ ~ бирор нарса учун молининг ҳам, жонининг ҳам баҳридан ўтмоқ; 2) рухсат сўрамоқ, жавоб сўрамоқ

– تَرَخُّصٌ 1) арзонлик, арзонгарчилик; 2) такаллуфсизлик, муомалада эркинлик

– تَرْخِيصٌ 1) арзонлаштириш; 2) *кўп.* تَرَاخِيصُ рухсатнома, лицензия; اَلْبِنَاءِ ~ қурилиш қилиш учун рухсатнома

– رَخَاصَةٌ нозиклик, кўркамлик

– رَخِيصٌ 1) тоза, янги (*мас.: гўшт*); 2) нозик, назокатли

– رُخْصٌ 1) арзонлик, арзонгарчилик; 2) сифати пастлик, паст сифатлилик

– رُخْصَةٌ *кўп* رُخَصٌ 1) рухсат, рухсат бериш; اَلْقِيَادَةِ ~ ҳайдовчилик рухсатномаси (гувоҳномаси); 2) рухсатнома, лицензия

– رُخُوصَةٌ = رَخَاصَةٌ

– رَخِيصٌ *кўп.* رِخَاصٌ 1) янги, тоза; 2) нозик, назокатли; 3) арзон, арзонбаҳо; паст навли; 4) сифати паст паст сифатли, رَجُلٌ ~ пасткаш одам

– مُرْتَخَصٌ арзон, арзон нархдаги; بَذْلُ كُلِّ ~ وَ غَالٍ فِي سَبِيلِ شَيْءٍ *маж.* бирор нарсани деб бор-будини сарфламоқ

I (رخم) رَخُمَ (*у*) رَخَامَةٌ оҳангдор, ёқимли бўлмоқ, юмшоқ (майин) бўлмоқ (*овоз ҳақида*) رَخَمَ (*у*) رَخْمٌ (*тухум*) босиб жўжа очмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); II رَخَّمَ 1) (*овозни*) юмшоқ (майин) лаштирмоқ; бир пардадан бошқа пардага ўтмоқ (*муз.*); 2) *грам.* сўзнинг охирини қисқартирмоқ; 3) мармар қопламоқ, мармар қоплатмоқ

– تَرْخِيمٌ 1) овозни майин қилиш; 2) *грам.* (*сўзни*) қисқартириш; 3) мармар билан қоплаш, мармар қоплама

– رُخَامٌ мармар; سُمَّاقِيٌّ ~ *мин.* қурилишда ишлатиладиган тош жинси

– رُخَامَةٌ *кўп.* اتٌ — мармар тахта; мармар парчаси

– رَخَامَةٌ (*овознинг*) майинлиги, оҳангдорлиги

– رُخَامِيٌّ мармардан ишланган, мармарга оид

– رَخَمٌ *жам. зоол.* жўрчилар, йиртқич қушлар

– رَخَمَةٌ *кўп.* اتٌ — жўрчи, йиртқич қуш

– رَخِيمٌ майин, оҳангдор, юмшоқ (*овоз*)

I (رخو) رَخُوَ (*у*) رَخَاوَةٌ 1) сусаймоқ, ланж бўлмоқ, бўшашмоқ; 2) осилиб турмоқ, пастга қараб осилиб турмоқ; ◊ رَخُوَ (رَخَا) عَيْشُهُ бадавлат яшамоқ, фаровонликда яшамоқ; رَخِيَ (*а*) رَخًا, رَخَاءً = رَخُوَ, IV أَرْخَى 1) бўшаштирмоқ, панж қилмоқ, сусайтирмоқ; 2) осилтирмоқ, пастлатмоқ, туширмоқ اَللَّيْلُ سُدُولَهُ عَلَى الْقَافِلَةِ ~ *маж* карвон тун қўйнига сингиб кетди; 3) (*соқол*) қўйиб юбормоқ, қўймоқ; VI تَرَاخَى 1) заифлашмоқ, ҳоли қуримоқ, нозиклашмоқ, эрка табиат бўлмоқ; бепарволик қилмоқ, совуққонлик қилмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқлашмоқ, узоқда бўлмоқ (عَنْ); لَمْ يَتَرَاخَ أَمَدُهُ яқингинада, боягина; 3) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх*); 4) (*н. дадир*) суст ҳаракат қилмоқ, шошилмай иш кўрмоқ (عَنْ), VIII اِرْتَخَى ҳоли қуримоқ, заифлашмоқ, ланж бўлмоқ; X اِسْتَرْخَى 1) ҳоли қуримоқ, беҳол бўлмоқ, бўшашмоқ; ўзини эркин (бўш) қўймоқ; 2) чуқ бўлиб қолмоқ, уқаланадиган бўлиб қолмоқ

– اِرْتِخَاءٌ заифлик, ҳолсизлик; сустлик; беҳоллик; اَلْعِظَامِ ~ рахит; 2) кескинликнинг юмшаши

– اِسْتِرْخَاءٌ = اِرْتِخَاءٌ

– رَخَاءٌ 1) заифлик, ҳолсизлик, ўзини эркин қўйиш, парчоқлик, дармонсизланиш, мадори қуриш; қувватнинг кетиши; 2) пўклик, уқаланишлик; 3) бепарволик, эътиборсизлик; 4) вақти ўтганлик, эскирганлик, (اَلْأَحْقَابِ) عَلَى تَرَاخِي الزَّمَنِ узоқ муддатдан кейин; تَرَاخِي الْعُصُورِ асрлар оша, асрлар ўтгач

– رَخَاءٌ 1) мўл-кўллик, 2) фаровонлик, фароғат; омад

– رُخَاءٌ шабада

– رَخَاوَةٌ 1) заифлик, сустлик, бўшашганлик; اَلْعُودِ ~ бўшанглик, ландовурлик, 2) пўклик, уқаланиб кетишлик, юмшоқлик; اَلْأَرْضِ ~ тупроқнинг юмшоқлиги, бўшлиги (*қурилиш қилишда*)

– رَخْوٌ, رُخْوٌ, رَخْوٌ 1) бўшашган, заиф; кучсиз; رِيحٌ ~ секин эсган (*кучсиз*) шамол, шабада; 2) пўк, уқаланиб кетадиган; 3) осилиб тушган, сангиллаган;4) фон сирғалувчи

– حُرُوفُ اللِّينِ ~ رَخَاوَةٌ=رِخْوَةٌ, رُخْوَةٌ, رَخْوَةٌ *фон.* сирғалувчи ундошлар (ث, ح, ذ, ز, س, ش, ظ, ص, ض, غ, ف, ه)

– رَخَوِيَّاتٌ *кўп.* моллюскалар (*юмшоқ танли умуртқасиз*

www.ziyouz.com kutubxonasi

жонивор)

– رَخِيٌّ 1) заиф, ланж; 2) пўк, уқаланиб кетадиган, юмшоқ; 3) қулай, эркин, озод, ҳур; ~ عَيْشٌ фаровон (тўқ) ҳаёт, الْبَالِ ~ ғамсиз, қайғусиз

– مُتَرَاخٍ *мн.* مُتَرَاخِيَةٌ 1) заиф, беҳол, бедармон; суст; бўшашган; 2) бепарво, совуққон

I رَدَّ (*а/и*) رَدٌّ 1) қайтармоқ, орқага юргизмоқ; (*нур ёки овозни*) қайтармоқ; الدَّيْنَ ~ қарзни қайтармоқ; الْاِعْتِبَارَ ~ оқламоқ, пок номини қайтармоқ; الْعَدْلَ إِلَى نِصَابِهِ ~ адолатни қайта тикламоқ, ҳуқуқни тикламоқ; مَا يَرُدُّ هَذَا عَلَيْكَ شَيْئًا бу сенга ёрдам бермайди, бунинг сенга фойдаси йўқ; الثَّوْبَ ~ эшикни ёпмоқ; ~ النُّوْرَ нурни қайтармоқ; 2) итариб юбормоқ, итармоқ, рад қилмоқ, қайтармоқ; عَنِ الْحُكْمِ فِي قَضِيَّةٍ ~ кимнидир суддан қайтариб олмоқ; عَنِ الْعَزْمِ ~ кимнингдир қўлини қайтармоқ; (*бирор ишдан*) ~ қайтармоқ, чалғитмоқ; 3) уриб қайтармоқ; даф қилмоқ, қайтармоқ; (أَعْقَابِهِ) عَلَى عَقِبِهِ ~ кимнидир уриб қайтармоқ, қувмоқ; الْعَدُوَّ إِلَى أَعْقَابِهِ ~ душманни уриб қайтармоқ; 4) эътироз билдирмоқ; 5) (*кимгадир*) жавоб қайтармоқ (عَلَى); بِالْمِثْلِ ~ ўша нарсанинг ўзи билан қайтармоқ, жавоб бермоқ; السَّلَامَ ~ саломга алик олмоқ; 6) (*н. нидир бошқа бир н. га*) нисбат бермоқ, мансуб деб ҳисобламоқ (إِلَى); 7) (*н. нидир*) рад қилмоқ, инкор қилмоқ (عَلَى); لَا يُرَدُّ рад этиб бўлмайдиган, инкор қилинмайдиган; II رَدَّدَ қайтармоқ, такрорламоқ; жўр бўлиб ашула айтмоқ, ашулага қўшилмоқ; فِي سِرِّهِ ~ ўзича такрорламоқ, ичида қайтармоқ; V تَرَدَّدَ 1) иккиланмоқ, тараддудга тушмоқ; 2) (*н. вақтни*) шубҳа қилмоқ, шубҳа билан қарамоқ (فِي); 3) қайтмоқ (*ҳаракатга қайта*), 4) галма-галдан бўлмоқ, навбатлашмоқ; 5) (*н. жойдан олдинга*) қадамлаб бормоқ, зиёрат қилмоқ (إِلَى ، عَلَى); 6) ўзгарувчан бўлмоқ, бекарор бўлмоқ (*тақдир ҳақида*); VIII اِرْتَدَّ 1) қайтмоқ, қайтиб келмоқ; 2) *шунингдек* أَعْقَابِهِ (إِلَى) عَلَى ~ орқага қайтмоқ, чекинмоқ; 3) (*н. дандан*) қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); (*н. нидир*) воз кечмоқ, ташламоқ, ташлаб юбормоқ (عَنْ); 4) муртад бўлмоқ, қайтганлардан бўлмоқ, хоин бўлмоқ; 5) қайтарилмоқ, даф этилмоқ; 6) (*бирор жойдан*) келиб ирғиб қайтмоқ, сачраб қайтмоқ (*ўқ ҳақида*); X اِسْتَرَدَّ 1) қайтиб олмоқ, қайтариб олмоқ; 2) уриб қайтармоқ, даф этмоқ; 3) қайтиб беришни сўрамоқ (талаб қилмоқ); ◊ أَنْفَاسَهُ ~ нафасни ростлаб олмоқ

– اِرْتِدَادٌ 1) чекиниш; 2) бекорга чиқиш, пучга чиқиш, ҳабада бўлиш; 3) муртадлик, хоинлик, қайтганлик; عَنِ الدِّيْنِ ~ диндан қайтиш; 4) орқага қайтиш, регресс

– اِسْتِرْدَادٌ 1) қайтиб олиш, тортиб олиш, қайтариб олиш; ~ الْـ رُسُومُ қайтиб бериладиган божлар; 2) қайтаришни сўраш, қайтиб беришни талаб қилиш; ~ الْحِيَازَةِ دَعْوَى эгалик қилиш ҳуқуқини тиклаш ҳақидаги даъво

– تَرْدَادٌ 1) қайтариш, такрорлаш; 2) тез-тез зиёрат қилиш

– تَرَدُّدٌ 1) тараддуд, иккиланиш, қатъиятсизлик; бекарорлик, субутсизлик; ~ غَيْرِ فِي иккиланмасдан, қатъият билан; 2) такрорланиш; *тех.* частота; ~ الـ عَالِي *эл* юқори частотали (*ток ҳақида*)

– تَرْدِيدٌ 1) қайтариш, такрорлаш; 2) ашулага жўр бўлиш

– رَادٌّ даф этувчи, қайтарувчи, لَهُ ~ لَا олдини олиб бўлмайдиган, рад этиб бўлмайдиган, даф этиб бўлмайдиган

– رَادَّةٌ фойда, наф

– رَدٌّ[1] *кўп.* رُدُودٌ қайтиш, қайтиб келиш; الْاِعْتِبَارِ ~ олдинги обрўсини тиклаш, реабилитация; الْفِعْلِ ~ *кўп.* رُدُودُ الْفِعْلِ бир руҳий ҳолатдан қарама-қарши руҳий ҳолатга ўтиш, реакция; 2) акс этиш; الصَّوْتِ ~ акссадо; 3) жавоб, مَاحِقٌ ~ صَاعِقٌ яшин тезлигидаги ва ҳал қилувчи (қақшатқич) жавоб; ~ بَعْدَ أَخَذَ وَ узоқ тортишувлардан кейин; عَلَى كِتَابِهِ ~ـ унинг хатига жавобан; ~ الـ بِالْمِثْلِ *юр. дип.* реторция (*халқаро ҳуқуқда бир давлат қўллаган тадбирга қарши иккинчи давлатнинг жавоб тадбири*)

– رَدٌّ[2] ёмон

– رَدَّةٌ 1) қайтариш; الْفِعْلِ ~ бир руҳий ҳолатдан қарама-қарши руҳий ҳолатга ўтиш, реакция; 2) нақарот; 3) кепак; 4) организмда илгари мавжуд бўлган белгиларнинг кейинчалик яна пайдо бўлиши, атавизм

– رَدَّةٌ 1) бекорга чиқиш, пучга чиқиш, ҳабада бўлиш; 2) диндан қайтиш, куфр, муртадлик; ~ حُرُوبُ الـ *тар.* Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейинги диндан қайтганларга қарши олиб борилган урушлар; 3) акссадо; 4) орқага қайтиш, реакция; ~ الـ قُوَى қайтиш кучлари

– رَدِّيٌّ қайтариш, рад этиш

– مُتَرَدِّدٌ тебранувчи, титровчи; الْفِكْرِ ~ қатъиятсиз, ланж, дадил эмас

– مُرْتَدٌّ 1) диндан қайтган, кофир, муртад; 2) хоин

– مَرَدٌّ 1) қайтиш жойи; 2) даф этиш, қайтариш; لَهُ ~ لَا қочиб қутулиб бўлмайдиган, қайтариб бўлмайдиган; ◊ ... إِلَى ~ـ бу ... деб изоҳланади

– مُرَدِّدٌ қайтарувчи, такрорловчи, акссадо берувчи

– مَرْدُودٌ 1) қайтариладиган, даф этилган; 2) қайтиб келган, қайтувчи; 3) ёпиқ, берк; شَرٌّ ~ مَطْرُودٌ *мтл* ёпиқ эшик-ҳайдалган ёвузликдир; 4) фойда, ютуқ, даромад; 5) ҳосилдорлик; 6) фойдали иш коэффициенти, (*маҳсулотнинг*) чиқарилиши, ишлаб чиқарилиши; الْعَمَلِ ~ меҳнат самарадорлиги; الْمَاكِنَةِ ~ машинанинг унумдорлиги; رَفِيعُ الـ ~ـ унумдорлиги юксак

I رَدَأَ (*ردأ*) رَدْءًا (*а*) رَدْءٌ 1) тиргак қўймоқ, тираб қўймоқ (*мас., деворга*); 2) қўлламоқ, қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ; رَدْءٌ (*у*) رَدَاءَةٌ ёмонлашмоқ, ёмон бўлмоқ; IV أَرْدَأَ 1) ёмонлаштирмоқ, баттар

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмоқ; 2) ёрдам бермоқ, ёрдам кўрсатмоқ; V تَرَدَّأَ ёмонлашмоқ, баттар бўлмоқ

– رَدَاءَةٌ 1) ёмон ҳолат, ёмон вазият, ёмон сифат; ~ الطَّقْسِ ёмон ҳаво, ёмон об-ҳаво; 2) ёмонлик, нияти бузуқлик

– رِدْءٌ *кўп.* أَرْدَاءٌ 1) тиргак, тутқа, ёрдам; 2) ёрдамчи

– رَدِيءٌ *кўп.* أَرْدِيَاءُ 1) ёмон, ярамас, хунук, расво; бемаъни; ~ التَّرْبِيَةِ тарбиясиз, тарбияси бузуқ; ~ الطَّبْعِ феъли бузуқ, табиати ярамас; нияти бузуқ

رَدْبٌ *кўп.* رُدُوبٌ берк кўча, тупик

I رَدَحَ (*a*) رَدْحٌ сўкмоқ, койимоқ, ҳақорат қилмоқ; таъна қилмоқ, ўпка қилмоқ, айбситмоқ; III رَادَحَ гап қайтармоқ, гап билан тузламоқ; курашмоқ, қаршилик қилмоқ

– رَدَّاحٌ оғзи бесар, кўп сўкадиган (сўкинадиган)

– رَدْحٌ нохушлик, лоҳаслик, дармонсизлик

– رَدَحٌ маълум вақт давом этган муддат; ~ًا طَوِيلاً *ёки* ~ًا مِنَ الدَّهْرِ анча вақт, анча маҳал

– رُدَيْحَةٌ чодирда ухлаш хонасини ажратиб турувчи парда (тўсиқ)

I رَدَسَ (*y, u*) رَدْسٌ тепкилаб зичламоқ, шиббаламоқ

– مِرْدَسٌ *кўп.* مَرَادِيسُ *ёки* مِرْدَسٌ *кўп.* مَرَادِسُ шибба, шиббалайдиган асбоб

I رَدَعَ (*a*) رَدْعٌ 1) тўхтатиб (ушлаб) қолмоқ; (*н. дандир*) тутиб (сақлаб) қолмоқ, тиймоқ (عَنْ); жиловламоқ; 2) (*н. дандир*) итариб ташламоқ, итариб юбормоқ (عَنْ); VIII اِرْتَدَعَ 1) (*н. дандир*) ўзини иҳота қилмоқ, ўраб олмоқ (عَنْ); 2) ўзини тиймоқ; тўхтамоқ, босилмоқ; (*н. дандир*) тўхтатиб (ушлаб) қолинмоқ (عَنْ); 3) (*н. дандир*) қайтмоқ, (*н. нидир*) рад этмоқ, қайтармоқ (عَنْ)

– رَادِعٌ тўхтатиб турувчи бош сабаб; لَا ~ لَهُمْ وَلَا زَاجِرَ упарни тўхтата оладиган ҳеч нарса йўқ; ~ بِغَيْرِ ўзини ҳеч тўхтата олмай, ҳеч бир виждони қийналмай

– رَدْعٌ ушлаб (тўхтатиб) туриш, тийиш; ~ السِّيَاسَةِ тутиб туриш сиёсати

رَدْعَةٌ, رَدْعَةٌ *кўп.* رِدَاعٌ лой

I رَدَفَ (*y*) رَدْفٌ (*к. нингдир*) орқасидан (изидан) бормоқ, III رَادَفَ орқага мингашмоқ; синоним бўлиб келмоқ, маъноси бир хил бўлмоқ; IV أَرْدَفَ 1) (*к. нидир*) ўзининг орқасига мингаштирмоқ; 2) (*н. нидир*) илова қилмоқ, қўшимча қилмоқ (ب); (*н. нидир*) қўшимча қилмоқ, қўшмоқ (ب); VI تَرَادَفَ 1) бир-бирининг орқасидан бормоқ, бир-бирига эргашмоқ; 2) синоним бўлмоқ, маъноси бир бўлмоқ

– تَرَادُفٌ маънодошлик, синонимлик

– رَادِفٌ (*к. нингдир, н. нингдир*) орқасидан (изидан) борувчи; ◊ حَرْفُ الـ~ сурнинг иккинчи чалиниши (*қиёматда*)

– رِدَافٌ сағри, отнинг сағриси

– رِدْفٌ *кўп.* أَرْدَافٌ 1) орқага оид, орқа томондаги, 2) бирор ҳайвонга орқа томондан мингашган киши; 2) орқа томон, орқа, сағри, от сағриси; 3) бирор нимани кетидан келган нарса; ◊ الـ~َانِ кун ва тун

– رَدِيفٌ *кўп.* رُدَفَاءُ 1) (*н. нингдир*) орқасидан юрувчи (لِـ), ~ًا (*н. нингдир*) орқасидан (لِـ), 2) бирор ҳайвонга орқа томондан мингашган киши; 3) *ҳарб.* заҳира, эҳтиёт, запас, резерв; 4) *шеър.* радиф

– مُرَادِفٌ, مُتَرَادِفٌ *кўп.* ات ـ синоним, маънодош сўз

I (ردم) رَدَمَ (*u*) رَدْمٌ 1) кўммоқ, кўмиб тўлдирмоқ, (*мас.: чуқурни*) тупроқ билан тўлдирмоқ (тўлғазмоқ); 2) тузатмоқ, ясамоқ, ямоқ солмоқ; IV أَرْدَمَ чўзилиб кетмоқ, чўзилмоқ, узлуксиз бўлмоқ; V تَرَدَّمَ 1) эскирмоқ, эскимоқ, ямоқ солиш керак бўлмоқ; 2) ямамоқ, ямоқ солмоқ

– رَدْمٌ[1] тўлдириш, тўлғазиш, (*чуқурни*) тупроқ солиб текислаш

– رَدْمٌ[2] 1) қавланганда чиққан тупроқ; 2) синиқ, парча, бўлак; ахлат, супринди, хас-чўп; 3) хароба, вайрона, харобазор

– رَدِيمٌ 1) уйиб ташланган, кўмиб ташланган; الْقَدِيمُ عَلَيْهِ الـ~ ўтдинг-кетдинг, ўтиб кетган нарса унутилмай қолмайди; 2) эскирган, чириган, тўзиган (*кийим ҳақида*)

– مُتَرَدِّمٌ тузатишга (ямашга) муҳтож (*кийим ҳақида*); ◊ هَلْ غَادَرَ الشُّعَرَاءُ مِنْ ~؟ ҳамма нарса олдин қилиб (айтиб) бўлинган (*сўзма-сўз:* ямашга муҳтож нарсани шоирлар қолдиришганми?)

I رَدَنَ (*u*) رَدْنٌ 1) йигирмоқ; 2) миёвламоқ, минғирламоқ; 3) (*к. гадир*) ирилламоқ, бидирламоқ (عَلَى)

– رُدْنٌ *кўп.* أَرْدَانٌ енг (*кийимдаги*)

– رَدَّانٌ *кўп.* مَرَادِينُ ўр-уқ, чарх

رَدْهَةٌ *кўп.* رَدَهَاتٌ зал; вестибюл, фойе

I رَدِيَ (*a*) رَدًى халок бўлмоқ; II رَدَّى 1) қулатмоқ, ағдармоқ, йиқитмоқ; 2) курашиб йиқитмоқ; *зарб* билан йиқитмоқ; IV أَرْدَى 1) қулатмоқ, ағдармоқ, йиқитмоқ; 2) уриб йиқитмоқ, курашиб йиқитмоқ; ҳалок қилмоқ; أَرْدَاهُ قَتِيلاً уриб чўзилтириб қўймоқ, бир уришда ўлдирмоқ; V تَرَدَّى 1) қуламоқ, ағдарилмоқ, йиқилмоқ; ~ فِي الْهُوَّةِ مِنَ الْقِمَارِ وَ الْخَمْرِ *ёмон.* ичкиликка ва қиморга ружу қилмоқ; 2) (*кийим*) киймоқ; 3) ёмонлашмоқ, ёмон даражага етмоқ (*тор.* تَرَدَّأَ); VIII اِرْتَدَى кийинмоқ, кийим киймоқ; кийинган бўлмоқ; киймоқ; ◊ أَعْمِيَةٌ كُبْرَى ~ катта эҳтиётга молик бўлмоқ; ~ طَابِعًا مُخْتَلِفَ الْأَشْكَالِ ~ ҳар хил шаклга эга бўлмоқ (*мас.: фитна ҳақида*)

– رِدَاءٌ *кўп.* أَرْدِيَةٌ ёмғирпўш, плашч, кийим

– رَدًى халокат

– مُرْدٍ *қар.* مرد

I رَذَّ (*y*) رَذٌّ ـ~ تِ السَّمَاءُ ёмғир ёғяпти, ёмғир шивирлаяпти; IV ـ~ تِ السَّمَاءُ أَرَذَّتِ = I

www.ziyouz.com kutubxonasi

– رَذَاذٌ ёмғир

I (رذل) رَذُلَ (у) رَذَالَةٌ разил бўлмоқ, разиллашмоқ, паст кетмоқ, пастлашмоқ; رَذَلَ (у) رَذْلٌ 1) рад этмоқ, инкор этмоқ; маъқулламай қўймоқ; 2) ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ; 3) сўкмоқ, уришмоқ, қарғамоқ; II رَذَّلَ танбиҳ бермоқ, койимоқ, уришмоқ, сўкмоқ; أَرْذَلَ = II; VI تَرَاذَلَ паст кетмоқ, ўзини ерга урмоқ; сурбетлик қилмоқ, безбетлик қилмоқ; X اسْتَرْذَلَ разил (пасткаш) ҳисобламоқ; нафратланмоқ

– رَذَالَةٌ 1) пастлик, пасткашлик, сурбетлик; 2) бузилганлик, айниганлик

– رَذْلٌ 1) паст, пасткаш, сурбет; 2) бузилган, айниган,

– رَذِيلٌ *кўп.* رُذَلَاءُ = رَذْلٌ

– رَذِيلَةٌ *кўп.* رَذَائِلُ 1) камчилик, нуқсон; 2) бемаза қилиқ

– مَرْذُولٌ паст, пасткаш, сурбет; 2) бузилган, нуқсонли

I رَزَّ (*а/у*) رَزٌّ суқмоқ, тиқмоқ; киргизиб ўрнатмоқ; II رَزَّزَ 1) силлиқламоқ, сайқал (жило) бермоқ, ялтиратмоқ, оҳор бермоқ, пардоз бермоқ; 2) (*овкатга*) гуруч солмоқ; IV أَرَزَّ қўнғироқ қилмоқ, телефон қилмоқ

– إِرْزِيزٌ телефон

– رُزٌّ гуруч (*сол.* أُرُزٌّ); دَفِينٌ ~ *ёки* مُفَلْفَلٌ ~ палов; بِلَبَنٍ ~ ширгуруч; عُصْفُورُ الـ~ гуруч чумчуқ

– رَزَّازٌ гуручфуруш

– رَزَّةٌ *кўп.* رُزَزٌ ҳалқали бурама мих; (*эшикнинг*) ошиқ-маъшуғи; зулфин, эшикнинг қулф осадиган ҳалқаси; ~ مُعَلَّقٌ بِأَلْفٍ *кўч. м.* мингта қулф билан беркитилган

– رُزَّةٌ *кўп.* ات ـ бир дона гуруч, гуруч донаси

I رَزَأَ (*а*) رُزْءٌ дучор бўлмоқ, бошга тушмоқ (*фалокат ҳақида*), رُزِئَ (*к. дандир, н. дандир*) жудо бўлмоқ, айрилмоқ (ب)

– رُزْءٌ *кўп.* أَرْزَاءٌ қулфат, офат, бало, бахтсизлик; катта зарар

– رُزْءٌ, رَزِيئَةٌ *кўп.* رَزَايَا = رُزْءٌ

– مَرْزِئَةٌ *кўп.* مَرَازِئُ катта зарар; офат, бало; هَبْنِي مَا لَا ~ عَلَيْكَ فِيهِ! сенга зарари тегмайдиган нарсани менга бер!

I رَزَبَ (*у*) رَزْبٌ жойида қолмоқ, ўрнида қолмоқ

– إِرْزَبٌّ калта, қисқа

– مِرْزَابٌ *кўп.* مَرَازِيبُ ариқ, нов, тарнов; اِنْتَقَلَ مِنْ تَحْتِ الدَّلْفِ لِتَحْتِ الـ~ *сол.* қордан қутулиб, ёмғирга учрамоқ (*сўзма-сўз.* тешик пақир с.тидан тарнов тагига ўтмоқ)

– مَرْزُبَانٌ *кўп.* مَرَازِبَةٌ *тар.* вали, ҳоким (*Эронда*), сатрап

– مِرْزَبَّةٌ, مِرْزَبَةٌ *кўп.* مَرَازِبُ 1) сим қамчи, хивич; 2) кели (ўғир) дастаси; 3) болға, бозғон, ҳовалда

I رَزَحَ (*а*) رُزُوحٌ 1) ҳолдан кетмоқ, қаттиқ чарчамоқ, (*бирор юк остида*) азоб чекмоқ, қийналмоқ; ~ تَحْتَ نِيرِ الْاِسْتِعْمَارِ империализм зулми остида азоб чекмоқ; 2) зўрайтирмоқ, оғирлаштирмоқ, босмоқ

– رَازِحٌ 1) ҳолдан кетган, қаттиқ чарчаган; 2) оғир, қийин; كَابُوسٌ ~ қайғули туш, алаҳсираш

رُزْدَاقٌ қишлоқ ва унинг теварак-атрофи

I رَزَعَ (*а*) رَزْعٌ 1) йиқитмоқ, ағдармоқ, қулатмоқ; 2) тақиллатмоқ; الْبَابَ ~ эшикни тақиллатиб ёпмоқ

I رَزَقَ (*у*) رَزْقٌ бермоқ, ато этмоқ, ҳадя қилмоқ; ризқ бермоқ, қути лоямут бермоқ; رُزِقَ مِنْهَا وَلَدًا у ундан *м.з* фарзандли бўлди; هُوَ حَيٌّ يُرْزَقُ у ҳаёт, у эсон-омон; VIII اِرْتَزَقَ 1) тирикчилик учун ишлаб топмоқ; ризқни териб емоқ; 2) маълум миқдордаги овқатни (емишни) олмоқ; X اسْتَرْزَقَ 1) ризқ қидирмоқ, ризқни териб емоқ; 2) бахт изламоқ

– رَزَّاقٌ ризқ берувчи, الـ~ раззоқ (*Оллоҳ таолонинг исми сифатларидан бири*)

– رِزْقٌ *кўп.* أَرْزَاقٌ 1) ризқ, кунлик овқат, кунлик озиқ-овқат; нафақа, мояна; улуш; الـ~ يُحِبُّ الْخِفَّةَ *мтл.* сендан ҳаракат, мендан баракат-(*сўзма-сўз:* ризқ чаққонликни ёқтиради); 2) инъом, инъом-эҳсон; кўчмас мулк (*Сурияда*); *кўп.* паёк; أَرْزَاقٌ نَاشِفَةٌ қуруқ (*янги пиширилмаган*) паёк; ◊ الْيَوْمَ ~ ризқи рўз; فَقَلَ بَابَ الـ~ فِي وَجْهِهِ кимнидир ризқини териб ейишдан маҳрум қилмоқ; 3) ёмғир

– رِزْقَةٌ *кўп.* رِزَقٌ *шар.* даромади масжид-мадрасаларга ва уларнинг ходимларига сарф қилинадиган кўчмас мулк

– مُرْتَزَقٌ тирикчилик манбаи

– مُرْتَزِقٌ паёк олувчи, паёк билан кун кўрувчи; ~ جُنْدِيٌّ ёлланган аскар, ёлланма солдат

– مُرْتَزِقَةٌ *кўп.* 1) *шунингдек:* ~ جُنُودٌ ёлланган аскарлар, ёлланган солдатлар; ~ الْاِسْتِعْمَارِ империализм малайлари; 2) авантюристлар, авантюрачилар

– مَرْزَقٌ ризқ манбаи

– مَرْزُوقٌ 1) ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, ҳамма нарсаси етарли; 2) бахтли, саодатли

I رَزَمَ (*у*) رَزْمٌ (*кийимни*) тахламоқ; 2) той қилиб ўрамоқ, той қилиб бойламоқ; II رَزَّمَ тугун-тугун қилиб боғламоқ, тугмоқ; III رَازَمَ 1) ҳар куни ҳар хил таом емоқ; 2) овқат шукронасини айтиб туриб емоқ; IV أَرْزَمَ ғувилламоқ, шовилламоқ (*шамол ҳақида*); 2) гумбурламоқ (*момоқалдироқ ҳақида*); 3) ирилламоқ (*ит ҳақида*)

– رِزْمَةٌ *кўп.* رِزَمٌ халта, пакет, ўрам, бойлам, боғлам; боғ; тугун; той; бир даста

I (رزن) رَزُنَ (*у*) رَزَانَةٌ беозор бўлмоқ, оғир бўлмоқ, вазмин бўлмоқ, жиддий бўлмоқ; жиддийлашмоқ; أَرْزَنَ (*у*) رُزُونٌ (*қаергадир*) ўрнашмоқ, жойлашмоқ (ب); رَزَنَ[2] (*у*) رَزْنٌ қўлга кўтариб чамалаб кўрмоқ; V تَرَزَّنَ ювош бўлиб қолмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

босиқлашмоқ

– رَزَانٌ ~: امْرَأَةٌ бамаъни (сипо) аёл

– رَزَانَةٌ 1) вазминлик, оғирлик, босиқлик; жиддийлик; أَخْرَجَهُ مِنْ ~هِ кимнидир мувозанатдан чиқармоқ, руҳий осойишталикдан чиқармоқ; 2) сипогарчилик, улуғворлик

– رَزِينٌ[1] *кўп.* رُزَنَاءُ, رِزَانٌ 1) вазмин, босиқ; жиддий. 2) сипо, улуғвор

– رَزِينٌ[2] оғир, вазмин

رُوزْنَامَةٌ = رُزْنَامَةٌ

رَزِيَّةٌ *кўп.* رَزَايَا = رَزِيئَةٌ қар رَزَأَ

رَسٌّ[1] асос, бош, бошланиш; الـ~ُ الثُّنَائِيُّ *грам.* икки ундошдан иборат бўлган ўзак, икки ундошли ўзак (*феълларда*)

– رَسٌّ[2] 1) атрофига тош терилган қудуқ. 2) *тар.* Самуддан қолган кишиларга тегишли қудуқнинг номи

– رَسِيسٌ 1) қаттиқ, пишиқ; 2) негиз, асос, бошланиш

I رَسَبَ (*у*) رُسُوبٌ 1) чўкмоқ, чўкиб кетмоқ, ғарқ бўлмоқ; 2) пастга томон юрмоқ, пасаймоқ; тоб ташламоқ, ўтирмоқ; ◊ فِي الامْتِحَانِ ~ имтиҳондан йиқилмоқ; II رَسَّبَ тагига чўктирмоқ; V تَرَسَّبَ тагига чўкмоқ, тагига йиғилмоқ қуйқум бўлмоқ, чўкинди бўлмоқ

– تَرَسُّبَاتٌ *кўп.* қолдиқ, қуйқум, эскилик сарқитлари, ~ُ الْعَهْدِ الْمُبَادِ эски тузум қолдиқлари

– تَرْسِيبٌ чўктириш, тагига йиғиш; тиндириш; ~ُ إِنَاءِ الـ *ёки* ~ِ وِعَاءُ الـ тиндирадиган идиш ёки ҳовуз

– رَاسِبٌ *кўп.* رَوَاسِبُ қуйқум, қолдиқ, қуйқа, чўкма, чўкинди; *кўп. геол.* чўкинди, қатлам; уюм: رَوَاسِبُ فَحْمٍ حَجَرِيٍّ тошкўмир қатламлари; رَوَاسِبُ مَعْدَنِيَّةٌ руда қатламлари; رَوَاسِبُ مِنَ الْمِلْحِ *мед.* туз йиғилиши

– رَسُوبٌ чўкма, чўкинди, қуйқа, қуйқум

– رَسُوبِيٌّ чўкмага оид, қуйқумга оид

– رَوَاسِبُ *кўп.* қолдиқлар, сарқитлар; ~ُ الرَّأْسْمَالِيَّةِ (الْإِقْطَاعِيَّةِ) феодализм (капитализм) сарқитлари, асоратлари; ~ُ الْمَاضِي ўтмиш сарқитлари

رَسْتَقَ яхши ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ; керакли шаклга келтирмоқ; تَرَسْتَقَ ободон бўлмоқ, мукаммал бўлмоқ; тўкин-сочин бўлмоқ, ҳамма нарсаси етарли бўлмоқ

– رُسْتَاقٌ *кўп.* رَسَاتِيقُ қора ранг, қоралик

– رَسْتَقَةٌ мўл-кўллик, тўкин-сочинлик, тўқлик, фаровонлик

– مُرَسْتَقٌ мўл-кўл, тўкин-сочин, тўқ, фаровон; обод

مَرْسَحٌ *кўп.* مَرَاسِحُ 1) театр. 2) саҳна, эстрада, тўгарак жой

I رَسَخَ (*у*) رُسُوخٌ 1) маҳкамланмоқ, мустаҳкамлаб қўйилмоқ, мустаҳкам ўрнашиб олмоқ, маҳкам жойлашиб олмоқ, томир еимоқ, чуқур ўрнашиб олмоқ, суякка сингиб кетмоқ, 2) едда қолмоқ, эсда қолмоқ, таъсир қолдирмоқ; 3) (*бирор соҳанинг*) билимдони бўлмоқ (فِي); II رَسَّخَ мустаҳкамламоқ, чидамли қилмоқ, барқарор қилмоқ, пишитмоқ; пишиқ қилмоқ; ~َهُ فِي الذِّهْنِ *ёки* ~َهُ فِي الْأَذْهَانِ ниманидир мияга қуймоқ, IV أَرْسَخَ мустаҳкамламоқ, пишитмоқ; V تَرَسَّخَ мустаҳкамланмоқ, пишиқ бўлмоқ, маҳкам бўлмоқ

– تَرْسِيخٌ мустаҳкамлаш, пишитиш, чиниқтириш; пухталаш

– رَاسِخٌ 1) чиниққан, пухталашган. 2) пишиқ, пухта; мустаҳкам; 3) (*бирор ишни*) таг-тагигача билувчи (فِي); ~ فِي الْعِلْمِ ўта билимдон; فَنَّانٌ ~ الْقَدَمِ ажойиб санъаткор

– رُسُوخٌ мустаҳкамлик; пухталик, пишиқлик, барқарорлик

رُسْتَاقٌ = رُسْدَاقٌ

رَسْرَاسٌ 1) косиблар ишлатадиган елим; 2) *бот.* пиездошлар оиласига кирувчи ўсимлик

I رَسَغَ (*а*) رَسْغٌ (*лойга*) ботмоқ, ботиб қолмоқ

– رُسْغٌ *кўп.* أَرْسَاغٌ 1) *шунингдек:* ~ُ الْيَدِ *анат.* билак; 2) *шунингдек:* ~ُ الرِّجْلِ тўпиқ, тўпиқ суяги; ~ُ الْقَدَمِ товон орқаси, товон орқасининг суяги

I رَسَفَ (*у*) رَسْفٌ 1) кишанланган (занжирланган) ҳолда юрмоқ; 2) кишанлангандек (занжирлангандек) юрмоқ

I رَسَلَ (*а*) رَسْلٌ осилиб турмоқ (*соч ҳақида*); III رَاسَلَ 1) хат-хабар жўнатмоқ, (*к. гадир*) хат ёзмоқ; (*бирор к. билан*) хат ёзишмоқ; 2) мухбир бўлмоқ, мухбирлик қилмоқ; IV أَرْسَلَ 1) юбормоқ, жўнатмоқ, ~ُ الصَّوْتَ حُكْمًا ўз фикрини айтмоқ, ҳукм чиқармоқ; ~ овоз чиқармоқ, бақирмоқ; ~ُ الدُّخَانَ тутун чиқармоқ (*чекишда*); ~ فِي طَلَبِهِ кимнингдир орқасидан жўнатмоқ; ~ نَظْرَةً إِلَى ... га назар ташламоқ; 2) эфирга узатмоқ; 3) (*соч-соқол*) қўймоқ; 4) (*к. гадир*) эрк бермоқ, ўз ҳолига қўймоқ, ~ُ الْحَبْلَ ҳаёлга берилиб кетмоқ; V تَرَسَّلَ 1) эҳтиёт бўлиб, оҳиста ҳаракат қилмоқ. 2) (*к. дан*) тараллмоқ (مِنْ *нур ҳақида*). 3) (*к. нинг ёки н. нинг олдига*) олиб келмоқ; (*к. гадир, н. гадир*) етиб бормоқ (*мас., овоз ҳақида* إِلَى). 4) мактуб ёзмоқ; шеър. қофиясиз (оқ) шеър ёзмоқ; VI تَرَاسَلَ бир-бирига хат ёзишмоқ; X اسْتَرْسَلَ 1) ўзига эрк бермоқ, ўз меъёрини ошмай қолмоқ; ~َتْ فِي أَفْكَارِهَا у (*мн.*) чуқур ўйга толди; ~َتِ الدُّمُوعُ مِنْ عُيُونِهَا унинг (*мн.*) кўзларидан ёш қуйилиб кетди; 2) (*бирор н. ҳақида*) муфассал гапирмоқ, (*гап*) тарқалмоқ, ёйилмоқ (فِي). فِي الْكَلَامِ ~ гап сотишга тушмоқ, сафсатабозликни бошламоқ; 3) туширилиб юрмоқ, бемалол осилиб турмоқ, сочилиб силкиллаб турмоқ (*соч ҳақида*)

– إِرْسَالٌ жўнатиш, юбориш; 2) *радио.* эшиттириш, آلَةُ ~ِ لَاسِلْكِيَّةٌ радиоузатқич, радиоэшиттириш жиҳози

– إِرْسَالِيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) *дип.* миссия, делегация; 2) экспедиция; 3) посилка

– تَرَاسُلٌ ўзаро (бир-бири билан) хат ёзишиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَرَسُّلٌ 1) қофиясиз (оқ) шеър ёзиш; ~ الـــ بَرَعَ فِي الشِّعْرِ وَ қофияли ҳам, қофиясиз ҳам шеър ёзишга моҳир бўлмоқ; 2) мактуб ёзиш, мактуб тузиш; ~ الـــ أَدَبُ мактуб ёзиш одоби (қонун-қоидаси)

– رَاسِلٌ жўнатувчи, юборувчи

– رِسَالَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ , رَسَائِلُ 1) топшириқ, вазифа; ~ الـــ صَاحِبُ Муҳаммад алайҳиссалом; ~ـــهُ أَدَّى ўз вазифасини бажармоқ (адо этмоқ); 2) мактуб, хат; ~ غَرَامِيَّةٌ ишқий мактуб; 3) рисола, тадқиқот; маъруза; диссертация; ~ الدُّكْتُورَاه докторлик диссертацияси; 4) *дип.* нота, норозилик мактуби; 5) хабар, хат-хабар, мақола; 6) маълумот, хабар; ~ تِلِغْرَافِيَّةٌ *ёки* بَرْقِيَّةٌ ~ телеграмма; 7) посилка

– رَسْلٌ тинч, ювош, беозор; 2) ёйилган (*соч*), паришон (*соч*)

– رِسْلٌ[1] 1) секинлик, ювошлик; 2) беозорлик; عَلَى ~كَ أَيُّهَا الصَّدِيقُ! секинроқ, биродар!

– رِسْلٌ[2] сут

– رَسْلَةٌ секинлик, осойишталик; оғирлик, вазминлик

– رَسُولٌ *кўп.* رُسُلٌ 1) элчи, вакил; 2) *шунингдек:* ~ سِرِّيٌّ махфий топшириқ билан бошқа мамлакатга юборилган киши, эмиссар; 3) даракчи, олдиндан хабар берувчи; ~ اللهِ Оллоҳнинг элчиси (расули) (*Муҳаммад алайҳиссалом*)

– رَسُولِيٌّ элчига оид, расулга оид; ~ الـــ فَاصِدُ *қар.* فَاصِدٌ

– رَسِيلٌ *мз. мн. кўп.* 1) жўнатилган, юборилган; 2) элчи, вакил; югурдак, хабар элтувчи; 3) жўнатувчи, юборувчи; 4) (*ўйиндаги*) шерик; жўр бўлувчи; 5) *кўп.* رُسْلٌ хабар, малумот, билдириш

– رِسَالَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ , رِسْلَةٌ *сўзидан кич.* от; أَلْقَى الْكَلَامَ عَلَى ـــهِ ~ *маж.* асоссиз гапирмоқ

– مُرَاسِلٌ мухбир; репортаж олиб борувчи; ~ حَرْبِيٌّ (عَسْكَرِيٌّ) ҳарбий мухбир; ~ خَاصٌّ ўз мухбир

– مُرَاسَلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) хат-хабар, расмий ёзишма; الْمُرَاسَلَاتُ التِّجَارِيَّةُ савдо-сотиққа алоқадор ёзишмалар; الْمُرَاسَلَاتُ الصَّادِرَةُ жўнатилаётган ёзишмалар; الْمُرَاسَلَاتُ الْوَارِدَةُ келаётган ёзишмалар; ~ بِالـــ التَّعْلِيمُ сиртдан таълим олиш, сиртдан ўқиш; ~ بِالـــ تَعَلَّمَ сиртдан ўқимоқ; 2) хат ташувчи, хабарчи, чопар; югурдак, офицернинг шахсий хизматини қиладиган аскар, адъютант

– مُرْسَالٌ *кўп.* مَرَاسِيلُ элчи, вакил, хат ташувчи, хабарчи; 2) *тех.* датчик

– مُرْسَلٌ 1) жўнатилган, юборилган; إِلَيْهِ ~ жўнатилган нарсани қабул қилиб олувчи, адресат; مِنْهُ ~ экспедитор, жўнатувчи; 2) *ад.* қофиясиз ёзилган; ~ شِعْرٌ қофиясиз (оқ) шеър; ~ نَثْرٌ наср; 2) махфий топшириқ билан бошқа мамлакатга жўнатилган киши, миссионер

– مُرْسِلٌ 1) жўнатувчи, узатувчи (*станция, аппарат*); ~ جِهَازٌ узатувчи аппарат, передатчик;

– مُرْسَلَاتٌ *кўп.* 1) шамоллар; 2) фаришталар

– مُرْسِلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ *радио.* передатчик, узатувчи

I (رسم) رَسَمَ[1] (*у*) رَسْمٌ чизмоқ, шакл чизмоқ; расм солмоқ; тасвирламоқ; ~ بِالْأَلْوَانِ ранглар билан бўямоқ; 3) белги қўймоқ, белги солмоқ; 4) тасвирламоқ, тавсифламоқ; 5) (*н. нидир к. гадир*) тайинламоқ, айтмоқ (ب ,لِـــ). رَسَمَ[2] (*у*) رَسَامَةٌ бирор юқори лавозим (мартаба) бермоқ (*черковда*); II رَسَّمَ 1) безамоқ, зийнат бермоқ, гул солиб безамоқ, нақшламоқ; 2) (*мас., китобнинг*) режасини тузмоқ (لِـــ); 3) расмий эълон бермоқ, расмий деб эълон қилмоқ; V تَرَسَّمَ 1) (*н. нидир*) ўзи учун чизмоқ; ~ خُطَّةً ўзи учун бирор нарсанинг режасини тузмоқ; 2) издан бормоқ, кузатиб юрмоқ; ~ الْآثَارَ издан бормоқ, изма-из бориб топмоқ; ~ خُطُوَاتِهِ кимнингдир изидан бориб топмоқ; 3) (*н. нидир*) ўзи учун мажбурий ҳисобламоқ (لِـــ),(*к. гадир*) бўйсунмоқ (لِـــ); ~ لِلْقَوَاعِدِ қонун-қоидага риоя қилмоқ; ~ خُطَاهُ кимгадир эргашмоқ; VIII اِرْتَسَمَ 1) чизилмоқ, расм чизилмоқ, тасвирланмоқ, тавсифланмоқ, акс этилмоқ, гавдаланмоқ; 2) тамға қўйилмоқ, белги солинмоқ; пайдо бўлмоқ, кўринмоқ (*табассум ҳақида*); 3) бирор юқори лавозимга эришмоқ (*черковда*); 4) крест ишорасини қилмоқ; 5) бўйсунмоқ, итоат қилмоқ, бўйин эгмоқ; 6) Оллоҳни улуғламоқ ва дуо қилмоқ

– اِرْتِسَامٌ тасвирланиш, тавсифланиш, гавдаланиш

– رَاسِمٌ чизмачи, чизмакаш

– رَسَّامٌ 1) чизмачи, чизмакаш, рассом; 2) тасвирчи; ~ النُّقُوشِ нақкош-рассом

– رَسَامَةٌ юқори лавозим бериш (*черковда*)

– رِسَامَةٌ чизмачилик касби, чизмачилик ҳунари

– رَسْمٌ[1] чизмачилик, рассомлик, расм; ~ الْخَرَائِطِ عِلْمُ картография, хариташунослик

– رَسْمٌ[2] *кўп.* رُسُومَاتٌ, رُسُومٌ 1) чизма, режа, план; ~ أَوَّلِيٌّ этюд, ~ بَيَانِيٌّ диаграмма; ~ مُخَطَّطٌ хомаки план, хомаки суврат; 2) чизилган суврат, картина, портрет, тасвир; *шунингдек:* ~ شَمْسِيٌّ фотография ~ هَزْلِيٌّ карикатура, الرُّسُومُ الْمُتَحَرِّكَةُ мультипликация; 3) из, белги, رُسُومٌ عَافِيَةٌ зўрға билинадиган, билинар-билинмас излар; رُسُومٌ وَ أَطْلَالٌ харобазор, вайроналиклар, ◊ بِـــهِ ~ـــ унга, унинг номига, унинг адресига; ~ التَّصْدِيرِ بَضَائِعُ экспортга мўлжалланган товарлар; تِلِغْرَافَاتٌ ... ~ بِـــ ...га жўнатишга мўлжалланган телеграммалар; 4) бож; солиқ; пул билан тўланадиган бадал; ~ الْاِشْتِرَاكِ (الْعُضْوِيَّةِ) азъолик бадали; ~ الْاِسْتِهْلَاكِ истеъмол молларига солинадиган солиқ; الرُّسُومُ الْجُمْرُكِيَّةُ божхона солиғи; ~ الدُّخُولِ четдан олиб кириш учун тўланадиган бож; ~ الدَّعْوَى суд жараёни учун тўланадиган тўлов;

www.ziyouz.com kutubxonasi

الْمُرُورِ ~ бирор жойдан ўтиш учун тўланадиган бож; قِيَمِيٌّ ~ қиймат пошлинаси; 5) расм-русум, урф-одат; رُسُومٌ دِينِيَّةٌ диний расм-русумлар

– رَسْمِيٌّ 1) расмий, қонуний; ~ شِبْهُ الْـ ёки شِبْهُ بِالْـ ~ ёки نِصْفُ الْـ ~ ярим расмий; ~ غَيْرُ ғайрирасмий; 2) формали; بَلْدَةٌ ~ ёки ~ـَـةٌ لِبَاسٌ формад аги кийим; ~ًا а) расмий равишда; б) формал, шаклан

– رَسْمِيَّاتٌ *кўп.* 1) расмий нарсалар; 2) ҳужжатлар; 3) расмиятчиликлар

– رَسِيمٌ туянинг катта-катта қадам ташлаб юриши

– رَوْسَمٌ *алиф. б.* қар.

– مَرَاسِمُ *кўп.* маросим, урф-одатлар, расм-русумлар; ~ الْاِسْتِقْبَالِ (*мас. эътиборли меҳмонни*) кутиб олиш маросими; مُدِيرُ بِوَزَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ الْـ ~ (إِدَارَةِ) ташқи ишлар вазирлиги протокол бўлими мудири

– مَرَاسِيمُ *кўп.* тартиб, маросим, тартиб-қоида

– مَرْسَمٌ рассомлик устахонаси; ~ السِّينِمَا киностудия

– مِرْسَمَةٌ қайд қиладиган, ёзадиган аппарат; ~ الضَّغْطِ الْجَوِّيِّ ҳавонинг босимини ўлчайдиган асбоб, барограф; ~ الطَّيْفِ спектрограф

– مَرْسُومٌ 1) чизилган, устига чизилган; 2) эътиборга олинган, кўзда тутилган; 3) белгилаб қўйилган, белги қилиб қўйилган; ... الْكِتَابُ الْـ ~ ... номли китоб; 3) *кўп.* مَرَاسِيمُ декрет; фармон, манифест

رَسْمَلَ 1) маблағ билан таъминламоқ, маблағ ажратмоқ сармоя қўймоқ; 2) капитализация қилмоқ, қўшимча қийматни капиталга айлантирмоқ

– رَسْمَالٌ, رِسْمَالٌ *кўп.* رَسَامِيلُ сармоя, капитал; (*сол.* رَأْسُ الْمَالِ *қар.* رَأْسٌ)

I رَسَنَ (*у*) رَسْنٌ бойламоқ, арқонламоқ; الْفَرَسَ ~ отни арқонламоқ; IV أَرْسَنَ = I

– رَسَنٌ *кўп.* أَرْسَانٌ арқон, арғамчи; жилов, тизгин; чўхта

I (رسو) رَسَا (*у*) رَسْوٌ 1) лангар ташлаб тўхтаб турмоқ; 2) (*к. гадир ўтган*) ҳисобланмоқ (*кимошдида сотилган н. ҳақида* عَلَى~); عَلَيْهِ الثَّوْرِيُّ ~ таъминлаш унинг чекига тушди; عَلَيْهِ الْمَزَادُ ~ нарса унда қолди; IV أَرْسَى 1) лангар ташламоқ; лангар ташлаб тўхтаб турмоқ; سَفِينَةُ الْفَضَاءِ عَلَى الْقَمَرِ ~ космик кемани Ойга қўндирмоқ; الْحَجَرَ الْأَسَاسِيَّ ~ ёки حَجَرَ الْأَسَاسِ ~ ниманингдир негизини қурмоқ (қўймоқ); 2) мустаҳкамламоқ, пишитмоқ; قَوَاعِدَ ~ тартиб қоида жорий қилмоқ; قَوَاعِدَهُ ~ ниманингдир мустаҳкам асосини қурмоқ (қўймоқ)

– رَاسٍ[1] *мн.* رَاسِيَةٌ қўзғолмайдиган; барқарор; лангарда турган

– رَاسٍ[2] *кўп.* رَوَاسٍ тоғ

– رَسْوٌ *ёки* رُسُوٌّ келиб тўхташ (*кема ҳақида*), кетиб қолмайдиган қилиб боғлаб қўйиш (*кемани*)

– مَرْسَاةٌ кема тўхтайдиган ва уни боғлаб қўйиладиган жой

– مِرْسَاةٌ лангар

– مَرْسًى *кўп.* مَرَاسٍ лангар ташлаб тўхтайдиган жой, пристань; ~ الْفَحْمِ кўмир ташиладиган пристань

I رَشَّ (*а/у*) رَشٌّ 1) сачратмоқ; сепмоқ, пуркамоқ; (*кўчага*) сув сепмоқ, 2) (*ун, шакар*) сепмоқ; сочиб юбормоқ, ◊ رَشَّتِ السَّمَاءُ ёмғир эзиб ёғаяпти; IV أَرَشَّ: رَشَّتِ السَّمَاءُ ~ ёмғир эзиб ёғаяпти; V تَرَشَّشَ устига қуйилмоқ, сочилмоқ (عَلَى)

– رَشٌّ[1] сепиш, сочиш, суғориш; عَرَبَةُ الْـ ~ сув сепадиган машина

– رَشٌّ[2] *жам.* сочма ўқ; الصَّيْدِ ~ овда ишлатиладиган сочма ўқ

– رَشَاشٌ томчи (қатра) сачраган нарса

– رَشَّاشٌ пуркагич; ~ مِدْفَعٌ пулемёт

– رَشَّاشَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) тешик-тешик жўмракли челакча, лейка (*гулларга сув қуйиш учун*); 2) пулемет; 3) пуркагич, пульверизатор

– رَشَّةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) эзиб ёққан ёмғир; 2) *ҳарб.* пулемёт *ёки* автоматдан тепкини бир босишда қаторасига узилган ўқ, очеред; كَامِلَةٌ مِنَ الرَّصَاصِ ~ тепкини бир босганда ҳамма ўқни отиб ташлаш

– رَشَّةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ ـَـ сочма милтиқ ўқига солинадиган майда питра донача

– رَشُوشٌ 1) упа; 2) порошок, сепки, сепиладиган нарса

– رَشِيشٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ пулемёт

– مِرَشَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ тешик-тешик жўмракли челакча, лейка (*гулларга сув сепиш учун*)

رَشَّا *кўп.* أَرْشَاءٌ кийик боласи, оҳунинг боласи

– رِشْتَةٌ[1] сувда қайнатиб сиширилган макарон

– رِشْتَةٌ[2] *мед.* ришта (*дракункулёз-нематодаларга мансуб чувалчанг (ришталар қўзғатадиган касаллик*)

I رَشَحَ (*а*) رَشْحٌ 1) томиб турмоқ, сизиб турмоқ, тўлиб турмоқ (*суюқлик ҳақида*); 2) терламоқ, 3) томмоқ, оқмоқ, оқиб турмоқ (*идишдан*). ◊ لَمْ يَرْشَحْ لِزَيْدٍ بِشَيْءٍ у Зайдга ҳеч нарса бермади; II رَشَّحَ 1) сизмоқ, сузғичдан ўтказмоқ фильтрламоқ; 2) (*бирор н. га*) тайёрламоқ, ҳозирламоқ (لِـ), 3) (*к. нимадир*) номзодини қўймоқ; (*к. нидир*) олдинга сурмоқ; ... نَفْسَهُ فِي ~ ўз номзодини қўймоқ;4) шамоллаб қолмоқ, совуқ тегизмоқ; V تَرَشَّحَ 1) фильтрланмоқ,. 2) (*бирор. н. га*) тайёрланмоқ (); 3) ўз номзодини қўймоқ, VIII اِرْتَشَحَ томиб турмоқ, сизиб турмоқ

– اِرْتِشَاحٌ *мед.* яллиғланиш туфайли организмда ёт моддаларнинг тўпланиши, инфильтрация

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَرْشِيحٌ 1) фильтрлаш; 2) номзод таклиф қилиш; 3) номзодлик; نَفْسَه ~ سَحَبَ ўз номзодини қайтиб олмоқ; نَفْسِه ~ قَبِلَ ўз номзодини қўйишга рози бўлмоқ

– رَاشِحٌ *кўп.* رَوَاشِحُ филтьр, сузғич

– رُشَاحَةٌ *мед.* транссудат (*қон плазмаларининг майда қон томирларидан сизиб чиқиб, тўқималарда тўпланиб қолиши натижасида пайдо бўладиган касаллик*)

– رُشْحٌ 1) томиб туриш, сизиб туриш; 2) буғланиш, парланиш, тер; 3) шамоллаш, 4) тупроқнинг шўрлашиши

– رُشَّحَاتٌ *кўп.* ҳар қандай фильтрдан ҳам ўтиб кетувчи вирусlar

– رُشُوحَاتٌ *кўп.* шамоллашга қарши воситалар

– مُرَشَّحٌ 1) шамоллаган; 2) номзод, кандидат

– مُرَشِّحٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ фильтр, сузғич

I رَشَدَ (*у*) رُشْدٌ 1) тўғри йўлдан бормоқ (юрмоқ); 2) балоғат ёшига етмоқ II رَشَّدَ 1) тўғри йўлга бошламоқ (солмоқ); 2) балоғат ёшида деб эълон қилмоқ. IV أَرْشَدَ 1) тўғри йўл кўрсатмоқ, тўғри йўлга йўналтирмоқ; 2) кўрсатма бермоқ, бошламоқ, раҳбарлик қилмоқ, насиҳат қилмоқ, 3) (*камон*) сувликни чуқур жойдан олиб юрмоқ (*поймон ҳақида*). X اِسْتَرْشَدَ 1) кўрсатма сўрамоқ; 2) (*бирор н. га*) амал қилмоқ, таянмоқ (ب); (*бирор н. га қараб*) иш қилмоқ (ب)

– إِرْشَادٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) раҳбарлик; кўрсатма, йўлланма, йўл-йўриқ, инструкция; 2) (*камон*) етаклаб бориш

– أُرْشُدِيَّةٌ балоғатга етганлик, балоғат ёшига етиш

– رَاشِدٌ 1) онгли; 2) ақлли, фаросатли; 3) балоғат ёшига етган, бўйга етган, 4) тўғри йўлдан борувчи; اَلْخُلَفَاءُ الرَّاشِدُونَ *ёки* الرَّاشِدُونَ *пар.* чаҳор ерлар (أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ، عُمَرُ الْعَادِلُ، عُثْمَانُ ذُو النُّورَيْنِ، عَلِيٌّ كَرَّمَ اللهُ وَجْهَهُ)

– رَاشِدَةٌ لا سِلْكِيَّةٌ ~ радиопеленгатор

– رُشْدٌ 1) онг; онглилик; 2) совлик; ақиллилик; 3) тўғрилик; 4) *бот.* салат тайёрланадиган гулли крес. بَرِّيٌّ ~ салат тайёрланадиган сув кресси

– رَشَدٌ 1) онг; онглилик; 2) ақллилик, донолик; 3) *бот.* салат тайёрланадиган гулли крес

– رُشْدٌ 1) онг; سِيَاسِيٌّ ~ сиёсий етуклик. ~ الـــ балоғат ёши етуклик, ~ بَلَغَ балоғат ёшига етмоқ; 2) ақллилик, донолик; فَقَدَ ~َهُ а) ҳушидан кетмоқ, ўзини ташлаб юбормоқ; б) ақлини йўқотмоқ; ~َهُ ثَابَ إِلَيْهِ *ёки* إِلَى ~ه а) у ўзига келди; б) унинг ақли кирди

– رِشْدَةٌ, رَشْدَةٌ қонуний никоҳ; وَلَدُ ~ никоҳдан туғилган бола

– رَشِيدٌ 1) тўғри, бехато, хатоси йўқ; 2) соғ, соғ-саломат, ақлли, фаросатли; балоғатга етган, балоғат ёшида

– مُرْشِدٌ 1) раҳбар, йўл бошловчи; устоз, мураббий, муршид; 2) йўлчи, йўл кўрсатиб борувчи; *шунингдек:* السُّفُنِ ~ кемаларга йўл кўрсатувчи мутахассис, лоцман, اللَّا سِلْكِيُّ الـــ~ радиопеленгатор

رَشْرَشَ сачратмоқ, сочмоқ, пуркамоқ, суғормоқ, сув қўймоқ

– رَشْرَاشٌ юмшоқ, мулойим (*нон*)

– رَشْرَشَةٌ сачратиш, сочиш, пуркаш; суғориш, сув қуйиш

I رَشَفَ (*у/а*) رَشْفٌ, رَشِيفٌ 1) сўрмоқ, шиммоқ, шимилмоқ; 2) қултумлаб ичмоқ, майда-майда ҳўплаб ичмоқ; V تَرَشَّفَ аста-секин ичмоқ, сўрмоқ; VIII اِرْتَشَفَ 1) сўрмоқ, шиммоқ; ичига тортмоқ; 2) қултумлаб ичмоқ, майда-майда ҳўплаб ичмоқ; ◊ سَلْسَبِيلَ الْعِرْفَانِ ~ илм булоғидан ичмоқ

– رَشْفٌ қултум-қултумлаб ичиш; أَنْقَعُ الـــ~ *мқл.* қултумлаб ичиш чанқоқни тезроқ босади

– رَشْفَةٌ *кўп.* رَشَفَاتٌ қултум, ютум, ҳўплам; رَشَفَ ~ مِنَ الشَّايِ у бир қултум чой ичди

I (رشق) رَشَقَ (*у*) رَشْقٌ ирғитмоқ, отмоқ, улоқтирмоқ, (*н. биландир*) кўмиб юбормоқ (ب); رَشْقٌ (*у*) رَشَاقَةٌ гўзал бўлмоқ, кўркам бўлмоқ, хушбичим бўлмоқ. VI تَرَاشَقَ (*н. нидир*) бир-бирига қараб отишмоқ

– رَشَاقَةٌ 1) гўзаллик, кўркамлик, хушбичимлик, латифлик, нозиклик; 2) ҳушёрлик, зийраклик

– رَشِيقٌ 1) гўзал, кўркам, хушбичим, сарвқомат, нозик, латиф; 2) чаққон, илдам

رَشَلٌ халқ тентаклик, аҳмоқлик; يَجْلِبُ الْفَشَلَ الـــ~ *мтл.* аҳмоқнинг оёғи тинмас (*сўзма-сўз:* аҳмоқлик омадсизликка олиб келади)

– رَشَالَةٌ *жам.* رَشَالٌ *зоол.* Нил дарёсида учрайдиган балиқнинг бир тури

I رَشَمَ (*у*) رَشْمٌ 1) белги қўймоқ, белгилаб қўймоқ; 2) муҳрлатмоқ, тамғаламоқ

– رَشْمَةٌ кўп. رَشَمٌ жилов, юхта

رَاشِنٌ[1] *кўп.* رَوَاشِنُ совға, ҳадя, тортиқ

– رَاشِنٌ[2] келгинди, чақирилмаган меҳмон

I (رشو) رَشَا (*у*) رَشْوٌ пора бермоқ, пора бериб сотиб олмоқ; IV أَرْشَى 1) пора бериб сотиб олмоқ; 2) эркак бойламоқ; الدَّلْوَ ~ челакка арқон боғламоқ. VIII اِرْتَشَى пора олмоқ, порага сотилмоқ, порахўр бўлмоқ; X اِسْتَرْشَى пора талаб қилмоқ, пора сўрамоқ

– إِرْشَاءٌ пора билан сотиб олиш

– رِشَاءٌ *кўп.* أَرْشِيَةٌ қудуқдан сув тортадиган арқон

– رَشَاوَةٌ порахўрлик

– رَشْوٌ пора билан сотиб олиш

– رَشْوَةٌ *кўп.* رَشَوَاتٌ رَشَاوَى *ёки* رُشْوَةٌ *кўп.* رُشًا, رَشَاوَى *ёки* رِشْوَةٌ *кўп.* رَشَاوَى, رِشًى пора; пора билан сотиб олиш, مُقَدَّمُ الـــ~ пора берувчи, قَابِلُ الـــ~ пора олувчи, порахўр

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُرْتَشٍ *мн.* مُرْتَشِيَةٌ 1) сотқин, хоин; 2) порахўр

I **رَصَّ** (*а/у*) رَصٌّ 1) бириктирмоқ, бир қилиб маҳкамламоқ; 2) бир-бирининг устига тахламоқ, териб қўймоқ; қатор қилиб термоқ, тартиб билан териб қўймоқ; 3) маҳкам қилмоқ, қаттиқ сиқмоқ; шиббаламоқ; қатор қилиб қоқмоқ (*мас., қозиқни*); صُفُوفَهُمْ ~ ўз сафларини жипслаштирмоқ; II رَصَّصَ 1) қўрғошин билан қопламоқ; 2) тахламоқ; 3) маҳкамламоқ, жипс қилмоқ; الْأَسْنَانَ ~ тишга пломба қўймоқ; V تَرَصَّصَ жипс бўлмоқ, (*бирор н. га*) маҳкам тиркалмоқ; бир-бирига жипс ёпишмоқ; VI تَرَاصَّ 1) маҳкам жипслашмоқ, туташ бўлиб кетмоқ, зич бўлмоқ; 2) зич қилиб тахланмоқ (*мас., китоблар*); VIII اِرْتَصَّ зич қилиб тахланмоқ, жипслашмоқ, маҳкам бўлмоқ; فِي صُفُوفِهِ ~ кимнингдир сафига қўшилмоқ, ким биландир жипслашмоқ

– أُرْصُوصَةٌ *кўп.* أَرَاصِيصُ 1) қуёш нурини тўсадиган қалпоқ; 2) *радио.* қулоққа тутиб эшитиладиган асбоб, наушник

تَرَاصٌّ - жипслик, мустаҳкам бирлашганлик

– رَصَاصٌ 1) қўрғошин; *эск.* қалай; بِالـــ~ خَتَمَ пломбаламоқ, пломба билан тамғаламоқ; 2) *шунингдек:* قَلَمُ ~ қалам, الـــ~ الْأَسْوَدُ графит; أَحْمَرُ ~ қўрғошинли бўёқ; 3) ўқ; أَطْلَقَ الـــ~ ўқ узмоқ, ◊ الـــ~ (خَيْطُ)ميزَانْ учига тош боғланган ип, шоқул

– رَصَاصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўқ

– رَصَاصِيٌّ 1) қўрғошинга оид; 2) қўрғошин рангдаги

– رَصَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ саф, қават, қатлам; тўп, тахлам (*мас., қоғоз*), уюм (*мас., тахта*)

– رَصِيصٌ маҳкамланган, жипсланган; зич, ғуж, сиқиқ

– مَرْصُوصٌ маҳкамланган, жипслашган, зич, ғуж, сиқиқ

I **رَصَدَ** (*у*) رَصْدٌ 1) кузатмоқ, текширмоқ; الْجَوِّ السِّيَاسِيَّ ~ сиёсатнинг боришини кузатиб турмоқ; النُّجُومَ ~ юлдузларни кузатмоқ; 2) диққат билан қарамоқ, синчиклаб қарамоқ, (*к. нидир*) пойлмоқ, кутиб турмоқ (لِـــ); 3) (*даромадни к. гадир*) банд қилмоқ (عَلَى); الْمَبْلَغَ ~ пул жанғармаси ташкил этмоқ; 4) ёзиб олмоқ, қайд қилмоқ; 5) (*к. гадир*) белгиламоқ, тайин қилмоқ (لِـــ); 6) жодугарлик қилмоқ, сеҳргарлик қилмоқ; ◊ وَا لَهُ الْعَيْنَ ~ унинг орқасидан жосус қўйилган; II رَصَّدَ 1) қайд қилиш дафтарига тиркамоқ; 2) балансламоқ, баланс чиқармоқ; 3) (*мас., полиция отрядларини*) жой-жойига қўймоқ; IV أَرْصَدَ 1) (*пул*) ажратмоқ, маълум миқдорда маблағ ажратмоқ; 2) (*пул*) жамғармоқ; ... جُهُودَهُ عَلَى ~ бор куч-қувватини ...га сарф қилмоқ; 3) (*бирор н. га*) тайёрламоқ (لِـــ); 4) (*к. гадир*) пистирма ташкил қилмоқ (لِـــ); V تَرَصَّدَ 1) пойлаб туриб тутиб олмоқ, қўлга туширмоқ, (*к. нидир*) пойламоқ, пойлоқчилик қилмоқ (*туш. к. ёки* لِـــ); пистирмада пойлаб ўтирмоқ (فِي); 2) кузатмоқ, назорат қилмоқ, текширмоқ; VIII اِرْتَصَدَ кузатмоқ, назорат қилмоқ, текширмоқ

– رَاصِدٌ *кўп.* رُصَّادٌ, رُصُدٌ кузатувчи; الطَّقْسِ ~ синоптик; 2) жосус, айғоқчи

– رَاصِدَةٌ *кўп.* رَوَاصِدُ узоқни кўрсатадиган труба, дурбин

– رَصَّادٌ кузатувчи; *шунингдек:* جَوِّيٌّ ~ метеоролог

– رَصْدٌ *кўп.* أَرْصَادٌ кузатиш, назорат қилиш; الْأَرْصَادُ الْعِلْمِيَّةُ илмий кузатишлар; الْأَرْصَادُ الْجَوِّيَّةُ метеорология; آلَاتُ الـــ~ астрономик асбоб-ускуналар; مَكْتَبُ الْأَرْصَادِ الْجَوِّيَّةِ об-ҳавони ўрганиш маркази

– رَصَدٌ[1] пистирма

– رَصَدٌ[2] *кўп.* أَرْصَادٌ 1) тумор; 2) жосус, айғоқчи; 3) *фолк.* хазинани қўриқлайдиган дев

– رَصَدْخَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ обсерватория, расадхона

– رَصِيدٌ *кўп.* رَصَائِدُ, أَرْصِدَةٌ 1) нақд пул *ёки* нақд товар; жамғарма, фонд, банкда сақланаётган сармоя; الذَّهَبِ ~ олтин заҳираси; سَحَبَ الْأَرْصِدَةَ الْمَالِيَّةَ مِنَ الْبُنُوكِ пулларни (пул жамғармаларини) банклардан йиғиб олмоқ; 2) *бухг.* баланс, салдо қолдиқ

– مِرْصَادٌ[1] *кўп.* مَرَاصِيدُ 1) пистирма; بِالـــ~ كَانَ (وَقَفَ) لَهُ ким учундир пистирма ташкил қилмоқ; 2) обсерватория, расадхона

– مِرْصَادٌ[2] йўл

– مَرْصَدٌ *кўп.* مَرَاصِدُ 1) кузатиш жойи, назорат пункти; 2) فَلَكِيٌّ ~ обсерватория, расадхона

– مِرْصَدَةٌ *кўп.* مَرَاصِدُ узоқни кузатадиган труба, дурбин

– مَرْصُودٌ сеҳргар, мўъжизакор; сеҳрланган, афсунланган

رَصْرَصَ пломба қўймоқ, пломбаламоқ

– رَصْرَصَةٌ пломба қўйиш, пломбалаш

رَصَّعَ II (رصع) (*қимматбаҳо тошларни*) қадамоқ, ўрнатмоқ, қимматбаҳо тошлар қадаб нақш солмоқ; (*бирор н. билан*) қопламоқ (ب)

– رَصِيعَةٌ *кўп.* رَصَائِعُ медальон

– مِرْصَاعٌ *кўп.* مَرَاصِيعُ пилдироқ, бизбизак

– مُرَصَّعٌ (*бирор н. билан*) қопланган, (*бирор н.*) териб ташланган (ب)

– مُرَصَّعٌ[2] *кўп.* مَرَاصِعُ медальон

I (رصف) **رَصَفَ** (*у*) رَصْفٌ 1) тош термоқ, тош ётқизмоқ; بِالْأَسْفَلْتِ ~ асфальт қилмоқ, асфальт ётқизмоқ, асфальтламоқ; ◊ قَدَمَيْنِ ~ оёқни бир бирига ёпиштириб (жуфтлаб) турмоқ; رَصُفَ (*у*) رَصَافَةً тўғри қўйилган бўлмоқ, тўғри терилмоқ, жипс қўйилган бўлмоқ; II رَصَّفَ тош термоқ, тош ётқизмоқ; VI تَرَاصَفَ саф тортмоқ, сафланмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– رَصَافَةٌ пишиқлик, мустаҳкамлик, маҳкамлик

– رَصْفٌ тош териш, тош ётқизиш

– رَصِيفٌ[1] қар. رَصَفَ

– رَصِيفٌ[1] кўп. أَرْصِفَةٌ, رُصُفٌ 1) кемалар тўхтайдиган махсус жой; соҳил; ~ بَحْرِيٌّ денгизда кемалар тўхтайдиган жой; ~ نَهْرِيٌّ дарёда кемалар тўхтайдиган жой; عُمَّالُ الْأَرْصِفَةِ портда ишлайдиган ишчилар; ~ عَوَائِدُ الـ портда олинадиган бож; 2) сув ҳавзалари атрофига қурилган кўтарма, дамба; ~ الْأَمْوَاجِ тўлқинқайтарғич; 3) йўловчилар учун махсус йўлак (*темир йўл станцияларида*); станцияларда одамлар турадиган махсус жой; 4) тош кўча, тош терилган йўл; тротуар, йўлак

– رَصِيفٌ[2] кўп. رُصَفَاءُ ҳамкасаба, касбдош, шерик, коллега

– رَصِيفٌ[3] пишиқ, мустаҳкам, маҳкам

– مِرْصَافَةٌ кўп. مَرَاصِيفُ ёғоч тўқмоқча; болға

– مَرْصُوفٌ тўғри терилган, тўғри тартибланган; жипс қилиб терилган

I رَصُنَ (*у*) رَصَانَةٌ қаттиқ бўлмоқ, пишиқ бўлмоқ, тинчланмоқ, чидамли бўлмоқ; жиддий бўлмоқ, вазмин бўлмоқ; II رَصَّنَ 1) *шунингдек*: ~ مَعْرِفَةً (*н. нидир*) аниқ билмоқ, яхши билмоқ, 2) мустаҳкамламоқ, чиниқтирмоқ; IV أَرْصَنَ = II 2)

– رَصَانَةٌ жиддийлик, чидамлилик, вазминлик, босиқлик; сиполик, улуғворлик

رَصِينٌ - вазмин, босиқ, жиддий, сипо, улуғвор

I رَضَّ (*а/у*) رَضٌّ 1) майдаламоқ, парчаламоқ, қисмларга бўлмоқ; 2) уриб олиб лат едирмоқ, уриб олиб майиб қилмоқ; контузия қилмоқ, шикаст етказмоқ; V تَرَضَّضَ 1) майдаланмоқ, парчаланмоқ, қисмларга бўлинмоқ; 2) шикастланмоқ

– رَضٌّ[1] майдалаш, талқон қилиш

– رَضٌّ[2] кўп. رُضُوضٌ шикаст; шилинган жой; контузия

– رُضَاضٌ майда; ~ الشَّيْءِ бирор нарсанинг майдаланган қисми

– رِيَاضَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) (*гимнастик*) машқ; 2) машқ қилиш, тренировка; 3) сайр, томошо; 4) *спорт.* бадантарбия; гимнастика; الـــ اَلْبَدَنِيَّةُ бадантарбия, физкультура; الـــ اَلرُّوحِيَّةُ *дин.* руҳий чиниқиш; 5) математика; الـــ اَلْبَحْتَةُ соф математика, الـــ اَلتَّطْبِيقِيَّةُ *ёки* الـــ اَلْعَمَلِيَّةُ амалий (татбиқий) математика; الـــ اَلْعَالِيَةُ олий математика

– رِيَاضِيٌّ 1) математикага оид; اَلْمُعَادَلَاتُ الـــ ـَةُ математик тенгламалар; 2) спортга оид; اَلْأَلْعَابُ الـــ ـَةُ спорт ўйинлари; спорт; 3) математик; 4) спортсмен

– رِيَاضِيَّاتٌ *кўп.* математик фанлар; математика

– رَيْضٌ мз, *мн.* яхши машқ қилмаган, машқи қиёмига етмаган

– مَرُوضٌ машқ кўрган, чиниққан; ўргатилган; نَاقَةٌ ـَـةٌ ўргатилган туя

– مُرَوِّضٌ 1) отни айланиб ўтувчи; 2) от ўйнатувчи, дрессировкачи; اَلْوُحُوشِ ~ йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи; 2) устоз, тренер

I (روع) رَاعَ (*у*) رَوْعٌ 1) қўрқитмоқ, қўрқувдан титрок бостирмоқ; 2) ларзага келтирмоқ, қалтиратмоқ; 3) завқ-шавқини қўзғатмоқ, қойил қилмоқ; ёқмоқ, маъқул тушмоқ; رِيعَ қўрқиб кетмоқ, ваҳимага тушмоқ; رِيعَ اَلْعَالَمُ بِوَفَاتِهِ унинг вафотидан бутун дунё ларзага тушди; لَا تُرَاعِي يَا بِنْتُ! қўрқма, қизалоқ!; II رَوَّعَ қўрқитмоқ, ваҳима солмоқ; ларзага келтирмоқ; даҳшат солмоқ; VI أَرَاعَ қўрқитмоқ; VIII اِرْتَاعَ қўрқмоқ, даҳшатга тушмоқ, ваҳимага тушмоқ

– اِرْتِيَاعٌ хавф, қўрқинч

– أَرْوَعُ *мн.* رُوعٌ *кўп.* رُوعٌ хурсандликка сабаб бўлувчи, завқ-шавқ олиб келувчи; ажойиб, аъло даражадаги

– رَائِعٌ 1) даҳшатли, қўрқинчли, ваҳимали; 2) ажойиб, олий даражада; بِصُورَةٍ ـَـةٍ аъло даражада

– رَائِعَةٌ *кўп* رَوَائِعُ намунали асар; رَوَائِعُ الْأَدَبِ الْعَرَبِيِّ араб адабиётининг энг яхши намуналари; رَوَائِعُ الْفَنِّ санъат асари дурдоналари; ◊ اَلنَّهَارِ ~ ي кунпа-кундуз

– رَوْعٌ хавф, хатар, даҳшат

– رَوْعٌ ғўлларлик, саводсизлик

– رَوْعٌ қалб, юрак; ... أَدْخَلَ فِي ـــِهِ أَنَّ кимгадир ишдирмоқ, кимнингдир қўнглига солмоқ, талқин қилмоқ; أَفْرَخَ فِي ـــِهِ *ёки* وَقَعَ (خَطَرٌ) فِي ـــِهِ أَنَّ ... (IV) فرخ *қар.* أَلْقَى فِي ـــِهِ أَنَّ ... унинг миясига шундай фикр келдики, ...; مَلَكَ سَكَنَ ـــَهُ *ёки* اسْتَرَدَّ ـــَهُ тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ; ـــَهُ ўзини қўлга олмоқ, ўзини ўнглаб олмоқ

– رَوْعَةٌ 1) хавф, хатар, даҳшат; 2) иззат-икром қилиш, ҳурмат

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиш

– رَوْعَةٌ ғайриоддий гўзаллик, жозибадорлик, латофат

– مُرْتَاعٌ қаттиқ қўрққан, зада бўлган, чўчиган

– مُرَوَّعٌ қўрқиб кетган, қўрқиб қолган

– مُرَوِّعٌ 1) қўрқитувчи, даҳшат, солувчи, ваҳимачи; 2) қўрқинчли, даҳшатли

– مُرِيعٌ қўрқинчли, даҳшатли, ваҳимали

I (روغ) رَاغَ (*у*) رَوَغَانٌ чап бериб қутулмоқ, айёрлик қилмоқ, чап бериб ҳаракат қилмоқ; عَنِ الطَّرِيقِ ~ йўлдан четга бурилмоқ; III رَاوَغَ айёрлик қилмоқ, фириб бермоқ, ғирромлик қилмоқ; кўз бўямачилик қилмоқ; فِي الْكَلَامِ ~ пичинг қилмоқ, киноя билан гапирмоқ; فِي الْإِجَابَةِ ~ мужмал (муҳмал) жавоб бермоқ; IV أَرَاغَ хоҳламоқ, истамоқ; қидирмоқ, етишмоқ; VIII ارْتَاغَ хоҳламоқ, истамоқ

– رَوَغٌ хийла, найранг; айёрлик

– رَوَّاغٌ айёр, қув, мугомбир, олғир

– رَوَغَانٌ найранг, лўттибозлик; عَنِ الطَّرِيقِ ~ йўлдан четга чиқиш

– رُوَيْغَةٌ = رَوَاغٌ

– مُرَاوِغٌ устамон, қув, тулпак, олғир, суллоҳ; كَزَنْبَقٍ ~ *мтл.* думини тутқазмайдиган, ҳар йўл билан қўлдан чиқиб кетадиган

– مُرَاوَغَةٌ чап бериш, гапни чалғитиш, гапни айлантириш

I (روق) رَاقَ (*у*) رَوْقٌ 1) тиниқлашмоқ, соф бўлмоқ, тозаланмоқ; 2) топ-тоза бўлмоқ, ялтирамоқ, яптираб кўринмоқ; 3) (*к. нидир*) қойил қилмоқ, мафтун қилмоқ, шайдо қилмоқ; (*к. ғадир*) маъқул (мақбул) тушмоқ, ёқмоқ (لِـ); II رَوَّقَ тозаламоқ, покламоқ; ялтирамоқ, ярақламоқ; фильтрламоқ, филтрдан ўтказмоқ; ◊ الْبِضَاعَةَ ~ товарни сотиб тугатмоқ; بَالَهُ ~ хотиржам бўлмоқ, таскин топмоқ; IV أَرَاقَ оқизмоқ, тўкмоқ; ... دِمَاءَهُ فِي سَبِيلِ ~ ... учун қон тўкмоқ; V تَرَوَّقَ нонушта қилмоқ

– إِرَاقَةٌ тўкиш, оқизиш; الدِّمَاءِ ~ қон тўкиш

– تَرْوِيقٌ фильтрлаш, фильтрдан ўтказиш; ёритиш, ялтиратиш

– تَرْوِيقَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ енгилгина нонушта

– رَائِقٌ *кўп.* رُوقٌ, رُوقَةٌ 1) тоза, соф, шаффоф, ярқираган; 2) ажойиб, аъло, зўр; 3) кайфи чоғ

– رَاقٌ *кўп.* اتٌ ـَـ қатлам, қават

– رَاوُوقٌ *кўп.* رَوَاوِيقُ 1) фильтр; 2) коса, чинни, идиш

– رِوَاقٌ, رُوَاقٌ *кўп.* أَرْوِقَةٌ 1) пешайвон, айвон; 2) чодир, тахтиравон; 3) коридор, йўлак; 4) ложа; 5) *кўп.* ен томондаги хоналар

– رِوَاقِيٌّ *фалс.* материализм билан идеализм ўртасида иккиланиб турган оқимга (стоицизмга) оид; الـ~ـَةُ стоицизм; 2) стоицизмга мансуб киши, стоик

– رَوْقٌ *кўп.* أَرْوَاقٌ 1) пешайвон, айвон; 2) шох

– رُوقَةٌ жуда ажойиб, жуда зўр, аъло даражада (*жинс ва сонда ўзгармайди*)

– مُرَوَّقٌ шаффоф, ялтироқ, ярқироқ; тоза, пок, соф

– مُرَوِّقٌ *кўп.* اتٌ ـَـ тозалағич

رَوْكٌ жамоатчилик мулки; عَلَى الـ~ биргаликда, биргалашиб

رُوكَامَةٌ кашта тикиш, кашта

II رَوَّلَ (رول) оғзидан кўпик чиқармоқ, оғзи кўпикламоқ (*от ҳақида*)

– رُوَالٌ *кўп.* رَوَاوِيلُ тупук

– رُولٌ *юр.* суд ҳал қилиши керак бўлган ишлар рўйхати

رُولْمَانٌ подшипник; بِلْيِ ~ шарикли подшипник

رُولِيتٌ рулетка

I (روم) رَامَ (*у*) رَوْمٌ хоҳламоқ, истамоқ; عَلَى مَا يُرَامُ кўнгилдагидек, яхши; عَلَى غَيْرِ مَا يُرَامُ номақбул (номаъқул) вазиятда

– رَوْمٌ хоҳиш, истак

– رُومٌ[1] *жам. кўп.* أَرْوَامٌ румликлар, византияликлар, юнонлар, греклар

– رُومٌ[2] ром, спиртли ичимликларнииг бир нави

– رُومَانٌ *жам.* 1) римликлар; 2) руминлар

– رُومَانِيٌّ 1) Римга оид; лотинга оид, лотинча; романга оид; الْأَرْقَامُ (الْأَعْدَادُ) الـ~ـَةُ рим рақамлари; اللُّغَاتُ الـ~ـَةُ роман тиллари; 2) Руминияга оид; الـ~ـَةُ а) лотин тили; б) румин тили; 3) а) римлик; б) румин

– رُومِيٌّ 1) византиялик, грециялик; ~ دِيكٌ курка хўроз; ~ دُجَاجٌ курка товуқ

– مَرَامٌ *кўп.* اتٌ ـَـ хоҳиш, истак, рағбат, интилиш

رُومَاتِزْمٌ бод, ревматизм

– رُومَاتِزْمِيٌّ бод (ревматизм) га оид

رُومَانْسِيٌّ романтик

– رُومَانْسِيَّةٌ: الـ~ـُ романтизм

رُومَانْطِيقِيٌّ романтик, романтикага оид

– رُومَانْطِيقِيَّةٌ романтизм

رُومِيسٌ *кўп.* رَوَامِسُ сол; тахта супача

رَوْنٌ вилоят, область; ҳудуд, майдон, территория

رَاوَنْدٌ = رَوَنْدٌ

رَوْنَقٌ кўркамлик, савлат, сулувлик

رُونِيُو آلَةُ الـ~ нусха кўпайтирадиган асбоб

I (وری) رَوَى (*и*) رِوَايَةٌ 1) ривоят (ҳикоя) қилмоқ, дарак бермоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

хабар бермоқ; (*к. нингдир. тилидан*) нақл қилмоқ (عَنْ); 2) сувга қондирмоқ, сувга тўйдирмоқ; суғормоқ, сув қўймоқ; (*н. нидир*) ичирмоқ (ب); رَوَى (*а*) رَيٌّ, رِيٌّ 1) сувга қонмоқ, суғорилмоқ; 2) чанқоқни босмоқ, чанқоқни қолдирмоқ; II رَوَّى 1) тўйғизиб (тўйдириб) ичирмоқ; 2) сув чиқармоқ, сув қўймоқ; 3) қараб туриб тафаккур қилмоқ (فِي); IV أَرْوَى суғормоқ, сув қўймоқ; V تَرَوَّى 1) сувга қонмоқ (тўймоқ), суғорилмоқ; 2) тафаккур қилмоқ; яхшилаб ўйлаб кўрмоқ; VIII اِرْتَوَى 1) сувга қонмоқ (тўймоқ); шимиб олмоқ, жиққа ҳўл бўлмоқ; суғорилмоқ; 2) чанқоқни босмоқ

– اِرْوَاءٌ суғориш, сув қўйиш; بِالرَّاحَةِ ~ қўл билан суғориш

– اِرْوَائِيٌّ суғоришга оид

– أُرْوِيَّةٌ ёввойи эчкининг урғочиси

– تَرَوٍّ 1) тафаккур қилиш, фикр қилиш, яхшилаб ўйлаб кўриш; 2) мулоҳазакорлик, донолик

– تَرْوِيَةٌ сув таъминоти; сув билан таъминлаш; يَوْمُ الـ~ зулҳижжа ойининг 8-куни

– رَاوٍ *мн.* رَاوِيَةٌ *кўп.* رُوَاةٌ *мн.* رَاوِيَاتٌ ҳикоя қилувчи, ривоят қилувчи, ровий; (*афсона ёки шеър*) нақл қилувчи

– رَاوِيَةٌ *кўп.* رَوَايَا 1) ҳикоя қилувчи, ривоят қилувчи, ровий, нақл қилувчи; 2) *шунингдек:* الْمَاءِ ~ ичимлик, ичиладиган нарса, сувли идиш; 3) сув ортилган туя, от *ёки* эшак

– رَايَةٌ *қар.* رأى

– رَوَاءٌ чучук сув, шўр бўлмаган сув

– رُوَاءٌ ҳашаматли ташқи кўриниш, чиройли кўриниш; бичими чиройли

– رِوَائِيٌّ 1) ривоятга оид; طَرِيقَةٌ ~ ривоят усули (йўли); 2) роман ёзувчи. романчи; 2) драматург

– رِوَايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) ҳикоя, қисса, повесть; роман; афсона; ~ بُولِيسِيَّةٌ жосуслар, жиноятчилар ҳақидаги роман, детектив роман; خَيَالِيَّةٌ (قِصَصِيَّةٌ) ~ роман; 2) пьеса; تَمْثِيلِيَّةٌ غِنَائِيَّةٌ ~ опера; هَزْلِيَّةٌ ~ غِنَائِيَّةٌ оперетта; مُضْحِكَةٌ ~ *ёки* هَزْلِيَّةٌ ~ комедия; مَسْرَحِيَّةٌ ~ спектакль, пьеса; مُحْزِنَةٌ ~ фожиа, трагедия; драма; سِينِمَائِيَّةٌ ~ кинокартина; نَاطِقَةٌ ~ овозли фильм; 3) нақл, ривоят, янги таъбир, янги нақл

– رَوِيٌّ 1) лим-лим, лим тўла; 2) чанқоқни босадиган, қолдирадиган (*сув ҳақида*); 2) шъер, қофиядаги ундош товуш, равий; 5) ваҳшат билан келадиган ёмғирли булут

– رَوِيَّةٌ 1) фикр, тафаккур, ўй; ихтиёр, мулоҳаза; 2) англаш, фаҳмлаш; ~ فِي *ёки* ~ عَنْ яхшилаб ўйлаб кўриб, онгли равишда; ~ عَنْ غَيْرِ ўйламай, ўйлаб кўрмасдан

– رَيٌّ суғориш, ирригация; بِالرَّاحَةِ ~ الـ *қар.* بِالْآلَاتِ ~ الـ; رَاحَةٌ механизмлар ёрдамида суғориш; الْحِيَاضِ ~ ҳовуз *ёки* кўлдан суғориш

– رِيٌّ 1) чанқоқни босиш; 2) = رَيٌّ

– رَيَّا яхши (ёқимли) ҳид (бўй)

– رِيَاءٌ *қар.* رأى

– رَيَّانٌ *мн.* رَيَّا *кўп.* رِوَاءٌ 1) бостириб суғорилган; сувга тўйдирилган; 2) сувли, ҳил-ҳил, лим-лим

– رَيَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ сув қўйиш, сув бериш; ~ الزِّرَاعَةِ экилгандан кейинги суғориш; ~ الْمَحَايَاةِ қуруқшаб қолган тупроқни (ерни) суғориш (*экилгандан 20-25 кун ўтгач*)

– رِيَّةٌ = رِئَةٌ *қар.* رأى

– مَرْوًى *кўп.* مَرَاوٍ суғориш йўли, ариқ

– مَرْوِيٌّ 1) суғориладиган; أَرَاضٍ ~ـَةٌ суғориладиган ерлар; أَرَاضٍ ~ـَةٌ بَعْلِيَّةٌ лалмикор ерлар; 2) оғзаки, оғиздан-оғизга ўтиб келувчи3) *кўп.* ـَاتٌ ـــ оғиздан оғизга ўтиб келган эртаклар, қиссалар, хабарлар

I (ريب) رَابَ (*u*) رَيْبٌ, رِيبَةٌ 1) шубҳа туғдирмоқ, шубҳалантирмоқ; 2) бетинч қилмоқ, ғулғула солмоқ; IV أَرَابَ = I; V تَرَيَّبَ (*бирор н. га*) шубҳа қилмоқ, ишончсизлик билдирмоқ (فِي, ب); VIII اِرْتَابَ 1) (*бирор н. га*) шубҳа қилмоқ (فِي); (*бирор н. га*) ишончсизлик билан қарамоқ (فِي); 2) тинчсизланмоқ, нотинчланмоқ, ғулғулага тушмоқ; X اِسْتَرَابَ (*бирор н. га*) шубҳаланмоқ (ب)

– اِرْتِيَابٌ 1) шубҳа; ишончсизлик; 2) нотинчлик, ғулғула

– اِرْتِيَابِيٌّ 1) ҳар нарсага шубҳа билан қарашга оид, скептицизмга оид; 2) ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи, скептик

– اِرْتِيَابِيَّةٌ ҳар нарсага шубҳа билан қараш, скептицизм

– رَيْبٌ шубҳа, ишончсизлик; ~ بِلَا шубҳасиз; ~ فِيهِ لَا шубҳасиз ҳолда; ... لَا ~ فِي أَنَّ шубҳасизки, ...; ~ الـ مَسْلَكُ الشَّكِّ ҳар нарсага шубҳа билан қараш, скептицизм; ~ـُهُ أَثَارَ кимдадир шубҳа уйғотмоқ, ◊ ~ الزَّمَانِ (الْمَنُونِ) тақдир бевафоликлари

– رَيْبَةٌ = رِيبَةٌ

– رِيبَةٌ *кўп.* رِيَبٌ шубҳа, ҳадик, гумон, хавф-хатар

– مُرْتَابٌ 1) шубҳаланувчи. шубҳага тушувчи, шубҳалантирувчи; 2) шубҳали; 3) ёмон, ёвуз, ножўя

رِيبُورْتَاجٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ репортаж

رَيْتْ *халқ.* = لَا ~ يَا кошки эди, кошки!

I (ريث) رَاثَ (*u*) رَيْثٌ секинламоқ, секинлашмоқ; V تَرَيَّثَ пайт пойламоқ, қулай фурсатни кутмоқ

– رَيْثَمَا ... магунча

ريجي монополия

ريح *қар.* روح

رَيْدٌ *кўп.* رُيُودٌ (*тоғнинг*) чўққиси. том, томнинг энг юқори қисми

رَيِّسٌ *кўп.* رُؤَسَاءُ 1) бошлиқ; 2) (*кема*) капитани

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (ريش) رَاشَ (*u*) رَيْشٌ 1) пат чиқармоқ (*қуш ҳақида*); 2) пат ёпиштирмоқ, пат қўшмоқ; 3) бойимоқ, бойиб кетмоқ; ◊ هُوَ لاَ يَرِيشُ وَ لاَ يَبْرِى *мкл.* на раҳмонга чироғу, на шайтонга косов; на буғдой, на сомон (*сўзма-сўз:* у на пат чиқаради, на унинг учини тарашлайди); II رَيَّشَ 1) пат чиқармоқ (*қуш ҳақида*); 2) пат қўшмоқ, пат ёпиштирмоқ; IV أَرَاشَ (*мас., камон ўқига*) пат ёпиштирмоқ; V تَرَيَّشَ бойиб кетмоқ; ҳашаматли (дабдабали) ҳаёт кечирмоқ

– رِيَاشٌ[1] *кўп.* бой уй анжомлари, мебель

– رِيَاشٌ[2] = رِيشٌ[2]

– رِيشٌ[1] *жам.* патлар; пат чиқариш; النَّعَامِ ~ туяқуш пати

– رِيشٌ[2] 1) ҳашаматли кийим; 2) бойлик, тўқ яшаш, мўл-кўллик, серобчилик

– رِيشَةٌ *кўп.* ـَات (*қуш*) пати, ёзиш учун ишлатиладиган пат; расм чўтка, мўйқалам; الْمِحْرَاث ~ омоч қабзаси; 2) *муз.* нохун, медиатор; 3) *шунингдек:* فَصَادَة ~ ништар, жарроҳликда қон олиш (оқизиш) учун ишлатиладиган пичоқча, ланцет; 4) (*мас. турбинанинг, пропеллернинг*) парраги

– رِيشِيٌّ 1) 1) патланишга оид; 2) патли, пати бор; 3) *бот.* тукли

– رِيُوشٌ *бот.* чалов

رَيْطَةٌ *кўп.* رِيَطٌ, رِيَاطٌ чойшаб

روض ريض *қар.*

I (ريع) رَاعَ (*u*) رَيْعٌ, رُيُوعٌ, رِيَاعٌ ўсмоқ, катталашмоқ, катта бўлмоқ; II رَيَّعَ ўстирмоқ, даромад учун (*пул*) бермоқ

– تَارِيعٌ *алиф. б.* қар.

– رَيْعٌ 1) энг яшнаган пайт; 2) ўсиш, кўтарилиш; 3) ўсиш, даромад, рента; الْمُطْلَقُ ~ـُ абсолют рента

– رِيعٌ 1) тепалик жой, дўнглик; 2) тоғ

– رَيْعَانٌ, رَيْعَانٌ 1) (*тананинг*) соғлом ҳолда тўлалиги; энг яшнаган пайт; الشَّبَاب ~ في ёшлик пайтида

– مَرِيعٌ серҳосил; أَرْضٌ ~ـَةٌ серҳосил ер

– مُرِيعٌ 1) ҳосил келтирадиган, ҳосил берадиган; 2) даромад келтирадиган, даромад берадиган, рентабел

رِيفٌ *кўп.* أَرْيَافٌ 1) қирғоқ, соҳил; қирғоқдаги унумдор ер; 2) қишлоқ, провинция

– رِيفِيٌّ 1) қишлоққа оид; ~ بَيْتٌ дача, дала ҳовли; 2) қишлоқи, қишлоқ одами

I (ريق) رَاقَ (*u*) رَيْقٌ 1) оқмоқ, қуйилмоқ; 2) ялтирамоқ, ярақламоқ, ялтилламоқ; IV أَرَاقَ оқизмоқ, қуймоқ, тўкмоқ

– إِرَاقَةٌ тўкиш, оқизиш, қуйиш; الدِّمَاءِ ~ إِلَى أَدَّى қон тўкишга олиб келмоқ

– رَائِقٌ *қар.* روق

– رَيْقٌ, رِيقٌ 1) гуллаш, барқ уриш, гуллаб-яшнаш; الْعُمْرِ ~ فِي гуркираган йилларда; 2) ялтираш, ярақлаш; 3) гўзаллик, жамол

– رِيقٌ тупук. сўлак; ◊ عَلَى الـ~ـِ наҳорга, оч қоринга; أَجْرَى الـ~ـَهُ ازْدَرَدَ ~ـَهُ فَرَقًا *маж.* иштаҳани қўзғамоқ, сўлакни оқизмоқ; الـ~ـَ қаттиқ қўрқиб кетмоқ; بَلَعَ ~ـَهُ *қар.* بَلَعَ؛ جَرَى ~ـُهُ عَلَيْهِ уни кўриб сўлаги оқиб кетди; جَفَّ ~ـُهُ لَهُ оғзи қуруқшаб қолди; غَيَّرَ ~ـَهُ كَسَرَ الـ~ـَ ... عَلَى (*бирор н. билан*) тамадди қилиб олмоқ тишламоқ, тишлаб олмоқ; тамадди қилмоқ, бир оз овқатланиб олмоқ

– رِيقَةٌ тупук, сўлак

I (ريل) رَالَ (*u*) رَيْلٌ тупурмоқ, сўлак чиқармоқ; II رَيَّلَ = I

– رِيَالَةٌ[1], رِيَالٌ тупук, сўлак

– رِيَالٌ[2] *кўп.* ـَات ـِ риёл (*Мисрда 20 қиршга тенг пул бирлиги*), مَارِيَا تِرِيزَا ~ Мария Тереза тангаси

I (ريم) رَامَ (*u*) رَيْمٌ (*н. нидир*) қолдирмоқ, тарк этмоқ (*туш. к, ёки* مِنْ ~ مَا); فِرَاشَهُ مَا ~ тўшакка ёпишиб қолмоқ (*бемор ҳақида*); مَكَانَهُ ўрнида қимирламай турмоқ; II رَيَّمَ (*қаердадир*) қолмоқ, қолиб кетмоқ (ب); 2) (*к. нингдир*) бошини қотирмоқ, миясини ачитмоқ (айнитмоқ على); (*к. нидир*) алдамоқ, лақиллатмоқ (عَلَى)

– رَيْمٌ 1) қабр, гўр; 2) дўнглик, тепалик

– رِيمٌ[1] оқ кийик, оҳу

– رِيمٌ[2], رِيمَةٌ 1) кўпик, 2) қизитилган металлнинг юзида пайдо бўладиган қасмоқ, шлак

– رِيمَةٌ *ат. от. мн.* Рима; رَجَعَتْ (عَادَتْ) إِلَى عَادَتِهَا الْقَدِيمَةِ ~ *мкл.* Рима ўзининг эски бемаъни одатини бошлади

I (رين) رَانَ (*u*) رَيْنٌ (*н. нингдир устини*) қопламоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); 2) (*н. нидир*) ўраб олмоқ, эгаллаб олмоқ (عَلَى), الصَّمْتُ ~ сукунат бошланди; عَلَى جَفْنِهِ الْكَرَى ~ унинг қовоқларини мудроқлик эгаллади ва ухлаб қолди

(ري) IV أَرْبَى байроқ ўрнатмоқ

– رَايَةٌ *кўп.* ـَات ـِ байроқ; *сол. шунингдек:*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ز

ز (زَاءٌ ёки زَايٌ) *зо* (араб алифбосининг ўн биринчи ҳарфи, абжадда - 7)

زَاجٌ купорос (*сулфат кислота тузларининг техникадаги номи*); ~ الْبَيْضِ рух купороси (*оқ купорос*); ~ أَزْرَقُ мис купороси (*кўк купорос*), тутиё; ~ أَخْضَرُ темир купороси (*яшил купорос*); زَيْتُ ~ الـــ олтингугурт кислотаси, купорос ёғи

زَاجُورَةٌ зожура, зогура (*пахта нави*)

زَارٌ 1) шайтоний куч; 2) аёллар томонидан қилинадиган жинлар ҳайдаш, қувиш маросими (*Мисрда*)

زَاقُولٌ *кўп* زَوَاقِيلُ ўғри

زَانٌ қора қайин, қора қайин дарахти; ~ أَحْشَابُ الـــ қора қайин дарахти тахта-ёғочлари; ~ ثَمَرُ الـــ қорақайин ёғочлари; الْقَفْزُ الْعَالِي بِـــ بَعْضَا *спорт.* лангарчўп билан сакраш

زَانَةٌ *кўп.* اتٌ — қора қайиндан ясалган ходачалар, ходалар, الْقَفْزُ بِالـــ (الْوَثْبُ) *спорт.* лангарчўп билан сакраш

زَاوُوقٌ, زَاوُوقٌ симоб

زَايِرْجَا, زَايِرْجَةٌ фол (ром) очиш тахтачаси (*юзта катакдан иборат бўлиб, ҳар бири ҳарф билан белгилаб қўйилади*)

زَأَرَ тарашламоқ, пахмоқ қилмоқ, тукли қилмоқ (*мас., матони*)

– زَئْرٌ тук, пахмоқ

– زَأْرَةٌ тараш, пахмоқлаш

زَأْبَقَ симоб аралашмаси қотишмасини суртмоқ, симоб суртмоқ

زِئْبَقٌ симоб

– زِئْبَقِيٌّ 1) симобга оид; ~ تِرْمُومِتْرٌ симоб термометри; 2) симобга ўхшаш, симобсимон, симобий

– مُزَأْبَقٌ симобли, симобий; ~ دِرْهَمٌ симобли дирҳам (*танга*)

I زَأَرَ (*а*) زَئِيرٌ бўкирмоқ, наъра тортмоқ, ўкирмоқ; V تَزَأَّرَ ўкирмоқ الْأَسَدُ ~ йўлбарс ўкирди

– زَئِيرٌ бўкириш, ўкириш, наъра тортиш; ~ الْمَدَافِعِ *жанг.* тўплар наъраси

I زَأَطَ (*а*) زَئَاطٌ шовқинламоқ, бақирмоқ

زُؤَامٌ: ~ مَوْتُ кутилмаганда, тўсатдан келган ўлим, қатл, ўлдириш, ғайритабиий (мажбурий) ўлим

زُؤَانٌ *жам.* бегона ўтлар, мастаклар; ёввойи сули

– زِئْبِيٌّ *қисқ.* ~ كَلْبٌ кичкина (паст бўйли) ит

II زَبَّبَ (زب) қуритмоқ (*узумни*), майиз қилмоқ; ◊ تَكَلَّمَ زَيْدٌ حَتَّى شَدْقَاهُ ~ Зайд оғзидан кўпик чиққунча вайсади; V تَزَبَّبَ қуритилмоқ, майизга айланмоқ (*узум ҳақида*)

– أَزَبُّ *мн.* زُبَّاءُ *кўп.* زُبٌّ жунли, пахмоқ

– زُبٌّ *кўп.* أَزْبَابٌ *анат.* олат, эркакларнинг жинсий аъзоси

– زَبِيبٌ 1) *жам.* майиз; ~ رُومِيٌّ қора кишмиш, румий кишмиш; 2) *шунингдек:* ~ عَرَقِيٌّ маҳаллий ароқ, кишмишдан тайёрланган маҳаллий (қўлбола) ароқ

– زَبِيبَةٌ *кўп.* اتٌ — кичкина майиз, бир дона майиз; عَمِلَ مِنَ الـــ حَمَّارَةً пашшадан фил ясамоқ (*сўзма-сўз:* бир дона майиздан май дўкони очмоқ)

I زَبَدَ (*у*) زَبْدٌ 1) сутни кувлаб мой олмоқ; 2) (*бирор к.* ни) сариёғ бериб боқмоқ (*туш. к.*); I زَبَدَ (*и*) زَبْدٌ (*бирор г.* га) ўз ёнидан маблағ ажратмоқ, ёрдам бермоқ; II زَبَّدَ қаймоқламоқ, устида қаймоқ ҳосил бўлмоқ (*сут ҳақида*); IV أَزْبَدَ кўпикланмоқ, кўпик чиқармоқ; мавжланмоқ, кўпирмоқ, қайнамоқ; ~ أَرْغَى وَ ғазабдан кўпирмоқ, қайнамоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ; ~ حِقْدًا нафратдан тошиб кўпирмоқ

– زَبَادٌ мушк, анбар; ~ قِطُّ الـــ *зоол.* Африка ва Жанубий Осиёда тарқалган кичик ёввойи ҳайвон бўлиб мушк, анбар ҳиди таратади

– زَبَادِيٌّ *шунингдек:* ~ لَبَنُ الـــ қатиқ

– زَبْدٌ ёрдам, иона

– زِبْدٌ *кўп.* أَزْبَادٌ 1) кўпик; 2) шлак, тошқол; металл заки, гўнон; ~ الْجِبَالِ (*тоғдан келган оқим томонидан*) қўпориб келинган жинслар; ~ الْبَحْرِ *мин* денгизнинг ғалвирак тоши: жилвиртош, кўпиктош, пемза

– زَبْدٌ *жам.* сариёғ

– زُبْدَةٌ 1) сариёғ; ~ طَازَةٌ янгигина олинган сариёғ, бикр сариёғ; ~ مُسَيَّحَةٌ эритилган ёғ (мой); ~ مُمَلَّحَةٌ тузланган ёғ (мой); ~ صِنَاعِيَّةٌ суньий ёғ (мой, маргарин); 2) қаймоқ; 3) моҳият, мағиз, энг қуюқ мазмун, мағиз

– زُبْدِيَّةٌ, زِبْدِيَّةٌ *кўп.* زَبَادِيُّ, اتٌ — чапия (*қаймоқ, қатиқ, сут ва б. лар идиши*)

– زُبَيْدَةُ 1) *бот.* гулхамишабаҳор; 2) *ат от.мн.* Зубайда

– مُزْبِدٌ кўпикли; ~ بَحْرٌ тўлқинлари кўпик сочиб турган денгиз

I زَبَرَ (*у,и*) زَبْرٌ 1) ёзмоқ, кўчириб ёзмоқ; 2) сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; бақириб (сўкиб) ҳайдамоқ (*мас., гадони*); II زَبَّرَ = I - زَبْرٌ = زُبٌّ

– زَبُورٌ *кўп.* زُبُورٌ китоб

– زَبَرَةٌ *кўп.* زُبَرٌ *шунингдек:* ~ الْحَدِيدِ темир хода; إِرَادَةٌ مِنْ زُبَرٍ

www.ziyouz.com kutubxonasi

الْحَدِيد темир ирода

– زَبُورٌ псаломлар (*диний қўшиқлар ёки оятлар*); забур, псаломлар китоби (*инжилнинг тўрт китобидан бири*)

– مِزْبَرٌ қалам

– مَزْبُورٌ эсланган, эслатилган, хотирланган

زِبْرِجٌ *кўп.* زَبَارِجُ безак, нақш, гул (*расм, кашта ёки олтин буюмлар сифатида ишланган*)

زَبَرْجَدٌ *кўп.* زَبَارِجُ *мин.* забаржад, хризолит; زَيْتُونِيٌّ ~ зайтуний, забаржад, оливин (*сарғиш яшил ёки сариқ рангли минерал*)

I زَبَطَ (*u*) زَبْطٌ, زَبِيطٌ ғағилламоқ, ғағ-ғағ қилмоқ (*ўрдак ҳақида*)

– زُبَاطَةٌ *кўп.* ـَاتٌ бош, шокила (*хурмоники*)

– زَبَطٌ лой, балчиқ (*кўчада*)

I زَبَقَ (*u, y*) زَبْقٌ (*к. нингдир сочини, соқолини*) юлиб олмоқ; VII اِنْزَبَقَ сездирмай (билинтирмай, хуфёна) кирмоқ (кириб бормоқ)

I زَبَلَ (*u*) гунгламоқ, гўнг солмоқ (*ерга*)

– زَبَّالٌ феррош, ахлатчи, супуриб-сидирувчи; кўча супурувчи

زُبَالَةٌ ахлат; ~ صُنْدُوقُ الـ (*кўчадаги*) ахлат ташланадиган қути (яшик); ~ عَرَبَةُ الـ ахлат ташийдиган арава; مِجْرَفَةُ الـ~ ахлат кураги

– زِبْلٌ, زِبْلَةٌ, زِبِيلٌ гўнг, ахлат, таппи

– مَزْبَلَةٌ *кўп.* مَزَابِلُ ахлат тўпи, тўппаги, ахлат чуқури

زَبَانَى ёки زُبَانَى *кўп.* زُبَانِيَاتٌ ниш (*ҳашаротники*); زُبَانَيَا الْعَقْرَبِ *ик.с* чаён ниши

– زَبَائِنُ мижозлар, клиентлар

– زَبَانِيَةُ النَّارِ: ~ ـُ ёки جَهَنَّمَ ~ 1) *Қур.* жаҳаннам пашкарлари, шайтонлар; 2) *кўч.м* жосуслар, югурдаклар, малайлар, хизматкорлар; ~ الْاِسْتِعْمَارِ империализм малайлари

– زَبْنٌ қайтариш, даф қилиш (этиш)

– زَبُونٌ[1] 1.1) даҳшатли, қирғин (*уруш ҳақида*), 2) забун, ақли қисқа, калтабин, нодон; 2. аҳмоқ, жинни

– زَبُونٌ[2] *кўп.* زُبُنٌ, زَبَائِنُ (*капа ва б. жойларга*) доимий келиб турувчи, қатновчи; харидор; мижоз, клиент; меҳмон (*меҳмонхонадаги*)

– مُزَابَنَةٌ ҳали дарахтдан узиб олинмаган ҳўл мевани сотиш

زُبْيَةٌ *кўп.* زُبًى 1) сув босмаган жой; 2) бури ини (уяси), йўлбарсни тутиш учун кавланган чуқур; ◊ بَلَغَ السَّيْلُ الزُّبَى иш хатарли йўлга тушиб қолди

I زَجَّ (*a/y*) زَجٌّ (*к. нидир, н. нидир*) отиб юбормоқ, ташлаб юбормоқ (*туш.к.ёки* ب); زَجَّ بِهِ فِي السِّجْنِ кимнидир қамоққа ташламоқ; نَفْسَهُ ~ а) (*қаёққадир*) ташланмоқ (فِي); б) (*бирор н. га*) аралашмоқ, суқилмоқ (فِي); II زَجَّجَ 1) қошга (*бирор н.*) суртмоқ; 2) ойнага (шишага) айлантирмоқ; VII اِنْزَجَّ (*қаергадир*) ташланган (отилган) бўлмоқ (فِي)

– زُجٌّ *мн.* أَزَجَّاءُ *кўп.* زُجٌّ қоши узун ва ингичка, узун ва ингичка қошли

– زُجٌّ *кўп* أَزْجَاجٌ, زِجَاجٌ металл чамбарак, гардиш; (*калтакнинг*) металл учи, ниши, найзаси

– زَجَّاجٌ ойнасоз, ойна солувчи

– زُجَاجٌ *жам.* ойна, шиша; الْمُلَوَّنُ الـ~ ёки الْمُعَشَّقُ الـ~ ёки الْمُعَشَّقُ بِالرَّصَاصِ витраж (*сурат солинадиган рангли ойна*)

– زُجَاجَةٌ шиша (ойна) ишлаб чиқариш

– زُجَاجَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) шиша (*ойна*) парчаси; 2) шиша идиш (*кўзача; бутилка; фляга*); الرَّوَائِحِ ~ бир флакон атир; 3) (*керосин чироғи*) шишаси; 4) *фото.* пластинка (*тасвир тушириладиган шиша, мослама*)

– زُجَاجِيٌّ *1 шиша* (ойна) га оид; أَوَانٍ ~ шиша идиш; بَيْتٌ ~ ёки غُرْفَةٌ ~ оранжерея (*ойналар билан ёпилган иситиладиган гулхона*); 2. шишафуруш; *ойнасоз, ойна солувчи*

– زَجَجٌ узун ва ингичка (*қош ҳақида*)

I زَجَرَ (*y*) زَجْرٌ 1) (*к. гадир*) бақирмоқ, бақириб бермоқ, бақириб ҳайдамоқ; 2) (*н. дандир*) қайтармоқ, тўхтатмоқ (عَنْ); тўсқинлик, монелик қилмоқ; VI تَزَاجَرَ ўзаро бақиришиб (*н. нидир*) ман қилмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) бир-бирини тўхтатмоқ (عَنْ); VII اِنْزَجَرَ (*к. томонидандир*) тўхтатилмоқ, тўхтатиб қолинмоқ, VIII اِزْدَجَرَ ўзини тўхтатмоқ, тўхтатилмоқ

– زَاجِرٌ[1] (*қушнинг учишига қараб*) фол (ром) очувчи

– زَاجِرٌ[2] 1) тутиб қолувчи, тўхтатиб қолувчи; الْأَحْكَامُ الـ~ (*қонуннинг*) огоҳлантирувчи моддалари; اتَّخَذَ التَّدَابِيرَ الـ~ (*бирор н. нинг*) олдини олувчи тадбирлар (чоралар) қўллаш; 2) *кўп.* زَوَاجِرُ хабар

– زَاجِرَةٌ *кўп.* زَوَاجِرُ тўхтатувчи (тўхтатиб турувчи) асос, манбаъ

– زَجَرٌ *кўп.* زُجُورٌ осётрларга мансуб балиқ

– زَجْرٌ дўқ-пўписа; бақириқ; бақир-бақир; ◊ سِيَاسَةُ الـ~ дўқ-пўписа сиёсати

– زَجْرَةٌ *кўп.* زَجَرٌ 1) дўқ, пўписа; бақириқ; 2) (*қуш учишига қараб*) фол (ром) (*очган фолбин томонидан кўрсатилган*) нишона, белги

– زَجْرِيٌّ тўхтатувчи, тутиб (ушлаб) турувчи; тақиқловчи, ман қилувчи; تَدَابِيرُ ~ـَةٌ огоҳлантирувчи чоралар (тадбирлар)

I زَجَلَ (*y*) زَجْلٌ отмоқ, отиб (ирғитиб) юбормоқ, чиқармоқ, чиқариб юбормоқ (*каптарларни*)

– زَاجِلٌ: حَمَامُ الـ~ почта каптарлари (*хат ташувчи, хабарчи каптарлар*)

– زَجَّالٌ *кўп.* زَجَّالَةٌ шеърий халқ қўшиқлари яратувчиси, бахши, халқ шоири

– زَجَلٌ[1] *кўп.* أَزْجَالٌ шеърий халқ қўшиғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

– زَجَلٌ[2] *халқ.* ёлғон, алдов

– زَجَلٌ[3] овоз, товуш

– زَجِلٌ овозли, товушли; ~ سَحَابٌ момақалдироқли булут

– زَجَلِيَّةٌ шеърий халқ қўшиғи

I (زجو) **زَجَا** (*у*) زَجْوٌ 1) юрмоқ, ҳаракатланмоқ, ҳаракат қилмоқ; 2) ҳаракатлантирмоқ, юрдирмоқ, итармоқ, сурмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; II زَجَّى 1) ҳаракатлантирмоқ, юрдирмоқ, итармоқ, сурмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; 2) (*вақт*) ўтказмоқ; أَزْجَى 1) юрдирмоқ, ҳаракатга келтирмоқ; 2) келтирмоқ (*фойда* فَائِدَةٌ); 3) етакламоқ, ҳайдамоқ; الْإِبِلَ ~ туяни етакламоқ;4) (*мақтов, ташаккур ва б. парни к. гадир*) айтмоқ, юбормоқ, билдирмоқ; ~ الثَّنَاءَ мақтамоқ, мақтов айтмоқ; ... تَهَانِيَهُ الْقَلْبِيَّةَ إِلَى ~ кимнидир чин қалбдан табрикламоқ; ... الشُّكْرَ إِلَى ...га ташаккур билдирмоқ; V تَزَجَّى (*бирор н. билан*) кифояланмоқ (ب)

– تَزْجِيَةٌ (*вақт*) ўтказиш; ~ الْفِرَاغِ дам олиб (фароғат қилиб) вақт ўтказиш

– مُزْجًى *мн.* مُزْجَاةٌ кичик, майда, унча катта бўлмаган, аҳамиятсиз

I **زَخَرَ** (*а*) زَخِيرٌ ,زُخَارٌ инграмоқ; I زَخِرَ (*а ёки и*) زَخِيرٌ ,زُخَارٌ 1) туғмоқ, кўзи ёримоқ; ~ تِ الْمَرْأَةُ عِنْدَ الْوِلَادَةِ кўз ёриш чоғида инграмоқ, энтикиб нафас олмоқ (*аёл ҳақида*); 2) ичкетар; ичбуруғ бўлиб қолмоқ, дизентерия билан касалланмоқ

– زُخَارٌ 1) инграш; 2) ичкетар, ичбуруғ; дизентерия

– زَخِيرٌ 1) *мед.* ич кетиш; 2) ҳансираб нафас олиш

زَحْزَحَ 1) жилдирмоқ; сурмоқ, силжитмоқ; 2) узоқлаштирмоқ; жилдирилмоқ, сурилмоқ; сурилган бўлмоқ; нариоқ жилмоқ

– زَحْزَحَةٌ 1) жилиш; сурилиш; 2) узоқлашиш

I **زَحَفَ** (*а*) زُحُوفٌ ,زَحْفٌ 1) судралмоқ, судралиб юрмоқ; ~ عَلَى بَطْنِهِ қорин билан судралмоқ; ер бағирлаб ёйилмоқ (*тарвуз, ошқовоқ каби нарсанинг палаги ҳақида*); 2) бостириб келмоқ (*қўшин ҳақида*); (*н. нингдир, к. нингдир*) устига бостириб бормоқ (إِلَى); II زَحَّفَ (*ерни, тупроқни*) текисламоқ, шихмола қилмоқ; V تَزَحَّفَ (*к. нингдир олдида*) хушомадгўйлик (лаганбардорлик) қилмоқ, жилпанглламоқ (لَدَى)

– زَاحِفٌ 1) судралувчи; 2) ер бағирлаб ўсувчи; 2. *кўп* زَوَاحِفُ *зоол.* судралиб юрувчилар

– زَحَّافٌ судралувчи

– زَحَّافَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) *зоол.* судралиб юрувчилар; 2) белкурак, курак, мола (*ер текислаш ёки қор кураш учун ишлатиладиган*); 3) чана

– زَحْفٌ 1) судралиш; 2) бостириб кириш, бостириб бориш, кириб келиш; 3) *кўп.* زُحُوفٌ бостириб келаётган қўшинлар

I **زَحَلَ** (*а*) زُحُولٌ ,زَحْلٌ бошқа жойга ўтмоқ (*кўчмоқ*); (*қандайдир жойни*) ташлаб кетмоқ (عَنْ); II زَحَّلَ 1) бошқа жойга ўтказмоқ (кўчирмоқ); 2) узоқлаштирмоқ;أَزْحَلَ II; V تَزَحَّلَ бошқа жойга кўчмоқ, узоқлашмоқ

– زُحَلُ *астр.* Зуҳал (*Сатурн*)

– زَحْلَةُ الْأَرْضِ ~ тупроқ (ер) сурилиши

زَحْلَقَ 1) думалатмоқ, сирпантирмоқ; 2) сурилишга мажбур қилмоқ; تَزَحْلَقَ 1) думаламоқ; сирпанмоқ; 2) сурилмоқ; сурилиб кетмоқ

– تَزَحْلُقٌ (*муз ёки қор устида*) конькида учиш, чанғида юриш; ~ الْفَنِّيُّ (*конькида*) фигурали учиш

– زَحْلَقَةٌ 1) (*коньки ёки чанғида*) учиш; 2) сирғаниш, сирпаниш, тойиш, тойиб кетиш; ~ قَبْقَابُ الـ ғилдиракли коньки; مَرْكُوبُ ~ الـ чанғи; مَيْدَانُ ~ الـ музда учиш майдони (жойи)

– زُحْلُوقَةٌ *кўп.* زَحَالِيقُ тойғончоқ жой

I **زَحَمَ** (*а*) زَحْمٌ 1) қисмоқ, сиқмоқ; بِمَنْكِبَيْهِ ~ ўз елкалари билан қисмоқ (сиқмоқ); 2) босмоқ, босиб турмоқ; III زَاحَمَ 1) қисмоқ, сиқмоқ, сиқиб чиқармоқ; 2) рақиб бўлмоқ, рақобат қилмоқ; IV أَزْحَمَ = VIII; VI تَزَاحَمَ 1) қисишмоқ, босишмоқ, сиқишмоқ; 2) (*н. учундир курашда*) рақобатлашмоқ (عَلَى); VIII ازْدَحَمَ 1) сиқилишмоқ; ур-йиқит қилишмоқ; 2) тўпланишмоқ, тўпланмоқ; (*н. биландир*) тўлиб-тошиб кетмоқ (ب)

– ازْدِحَامٌ 1) босди-босди, тиқилинч; тангу торлик; 2) ишончсизлик, ботинолмаслик; қийинчилик, қийинчиликда қолиш; 3) одамлар; 4) кўп, кўпгина, кўпчилик, тўп; كُتُبٍ ~ бир тўп китоб, кўпгина китоб

– مُزَاحِمٌ рақиб, рақобатчи, рақобат қилувчи

– مُزَاحَمَةٌ 1) суриб (сиқиб) чиқариш; рақиблик, рақобат; 2) босди-босди, тиқилинч, тангу торлик

– مُزْدَحِمٌ (*бирор н. билан*) тўлган, тўлиб-тошган (ب)

– مُزْدَحَمٌ босди-босди, тиқилинч; тангу торлик

I (زخ) **زَخَّ**[1] (*а/и*) زَخِيخٌ 1) қизиган, тобланган, чўғланган бўлмоқ; 2) куйиб-ёнмоқ, каттиқ ҳаяжонга келмоқ, дарғазаб бўлмоқ; زَخٌّ[2] (*а/у*) زَخٌّ 1) ёғмоқ, қуймоқ (*ёмғир ҳақида*), 2) ирғитмоқ, отиб юбормоқ, ташламоқ

– زَخَّةٌ 1) қаттиқ (*лақирдан қуяётгандай*) ёмғир; қаҳр, ғазаб

– زَخِيخٌ қаттиқ (ўта) иссиқлик; чўғланиш

I **زَخَرَ** (*а*) زُخُورٌ 1) кўтарилмоқ, тошмоқ (*мас. дарё*); 2) (*бирор н. нинг*) сероб (мўл) бўлмоғи; (*н. нингдир*) тўла бўлмоғи (ب); 3) (*н. биландир*) фахрланмоқ, мақтанмоқ (ب); V تَزَخَّرَ I; VIII ازْدَخَرَ тўлиб тошган бўлмоқ

– تَزْخَارٌ тўлиб-тошиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– زَاخِرٌ тўлиб-тошган, суви мўл, суви тўла (*дарё ҳақида*)

– زَخَّارٌ тўлиб-тошувчи, бой (*мас., булоқ ҳақида*)

زَخْرَفَ тартибга келтирмоқ, супуриб-сидирмоқ, безамоқ, ясантирмоқ; الْقَوْلَ ~ бежамадор қилиб гапирмоқ

– زُخْرُفٌ, زَخْرَفَةٌ *кўп.* زَخَارِفُ 1) безак, безанганлик, тартибга келтирилганлик, ясантирилганлик; 2) орнамент, нақш, زُخْرُفُ الزَّخَارِفِ الْعَرَبِيَّةُ *ёки* عَرَبِيٌّ арабий нақшлар (гуллар); زَخَارِفُ الدُّنْيَا а) декорация (*театрда*); б) дунё ҳою ҳаваслари; дунё сароятарчиликлари; 3) олтин, тилло

– زُخْرُفِيٌّ безак учун хизмат қиладиган, манзарали, декоратив

– مُزَخْرَفٌ безатилган, ясатилган, безакли

I (زخم) **زَخَمَ** (*a*) زَخْمٌ итариб юбормоқ, туртиб юбормоқ, отиб юбормоқ, итқитмоқ; сурмоқ, силжитмоқ; زَخِمَ (*a*) زَخَمٌ ачимоқ; ёқимсиз ҳид бўлмоқ, сасимоқ (*зўшт ҳақида*)

– أَزْخَمُ *мн.* زَخْمَاءُ *кўп.* زُخْمٌ бузилган, ҳидланган (*зўшт ҳақида*)

– زَاخِمٌ кучли, қудратли

– زَخْمٌ 1) қизғишлик; тезкорлик; 2) *физ.* энергия; куч моменти

– زَخِمٌ = أَزْخَمُ

– زَخَمَةٌ бузилганлик, айниганлик; ёқимсиз ҳид; сассиқ ҳид

– زُخْمَةٌ *кўп.* زُخَمٌ 1) камар; қамчи; 2) ноғора чўплари; 3) *муз.* ноҳин (медиатор)

زَخْوَارٌ *бот.* дармана илдизи

I زَرَّ (*a/u*) زَرٌّ 1) (*тугмаларни*) қадаб олмоқ; 2) (*кўзларни*) юммоқ; 3) босмоқ, бўғмоқ; زَرَّنِي الضَّحْكُ мен кулгидан бўғилиб қолдим, II زَرَّرَ (*тугмаларни*) қадаб олмоқ; V تَزَرَّرَ тугма ўрнатмоқ, тугма қадамоқ

– زِرٌّ *кўп.* أَزْرَارٌ 1) тугма, илгак; 2) (*қўнғироқ*) тугмаси (*кнопкаси*); كَهْرَبَائِيٌّ ~ электрни ўчириб-ёқадиган тугма (кнопка); 3) ғунча; ◊ ~ الطَّرْبُوشِ ҳожидўппи (оқ дўппи) попуги; ~ الْعَيْنِ *мед.* стафилома

– زَرَارٌ *кўп.* زَرَائِرُ тугма

I زَرَبَ (*a*) زَرْبٌ 1) оқмоқ, тўкилмоқ (*сув ҳақида*); 2) енгиллаб олмоқ бўшашиб олмоқ; II زَرَّبَ 1) қўрага ҳайдаб киритмоқ (*ҳайвонларни*); 2) тўсиқ қўймоқ, ёпмоқ (*қамиш, похол, сомон, маккажўхори пояси ва б. лар билан сабзавот экинларини совуқдан сақлаш учун ёпиқ қилмоқ*)

– زَارُوبٌ *кўп.* زَوَارِيبُ узун кўча; хиёбон

– زَرَابِيٌّ 1) ёстиқча, болишча; 2) гилам

– زَرْبٌ *кўп.* زُرُوبٌ тўсиқ, четан (*сабзавот экинларини совуқдан сақлаш учун қилинади*)

– زُرْبَةٌ 1) пода; 2) кўпгина (бир тўп) (*болалар*)

– زَرْبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — тўсиқ, четан

– زُرْبِيَّةٌ *кўп.* زَرَابِيُّ остга қўйиладиган ёстиқ; гилам

– زِرْيَابٌ суюлтирилган олтин (*олтин югуртириш учун*)

– زَرِيبَةٌ *кўп.* زَرَائِبُ қўра, тўсиқ (*ҳайвонот учун*); لِلْخَنَازِيرِ ~ чўчқахона, чўчқа қўраси

– مِزْرَابٌ *кўп.* مَزَارِيبُ тарнов

زَرْبُولٌ *кўп.* زَرَابِيلُ баланд пошнали этик

(زربن) تَزَرْبَنَ 1) ғазабга келмоқ; 2) қўполлик қилмоқ, қўрслик қилмоқ

– زَرْبُونٌ *кўп.* زَرَابِينُ қўпол, қўрс (*одам*)

زَرَجُونٌ 1) май, шароб, бода; 2) ток новдаси; 3) тилла рангдаги бўёқ, қизил бўёқ

زِرْجٌ зирх; ~ سَفِينَةٌ зирҳли кема

I (زرد) **زَرَدَ** (*y*) زَرْدٌ бўғмоқ, босмоқ; тазйиқ ўтказмоқ; زَرِدَ (*a*) زَرْدٌ, زَرَدٌ ютмоқ, ютиб юбормоқ, VIII اِزْدَرَدَ = زَرِدَ

– زَرَّادٌ совут ясовчи уста

– زَرْدٌ совут ҳалқаларини бир-бирига киритиш

– زَرَدٌ *кўп.* زُرُودٌ совут, зирҳ; ◊ ~ حِمَارُ الـــ *қар.* حِمَارٌ

– زَرَدَةٌ *кўп.* اتٌ — совут ҳалқаси

– زُرْدَةٌ зарда (*гуруч ва асалдан тайёрланган ширин овқат*)

– زَرَدِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — қисқич; оғзи текис омбур

– مِزْرَدٌ *кўп.* مَزَارِدُ бўғиз; томоқ

زَرْدَمَةٌ лақлақ, кичик тил

زَرْزَرَ чириқламоқ, чақилламоқ (*чўғурчиқ ҳақида*)

– زَرْزُورٌ, زُرْزُورٌ *кўп.* زَرَازِيرُ чўғурчиқ

– زَرْزَرَةٌ чириқлаш, чақиллаш (*чўғурчиқ ҳақида*)

I زَرَعَ (*a*) زَرْعٌ, زِرَاعَةٌ 1) экмоқ, тикмоқ; ўтказмоқ; парвариш қилмоқ; السِّفَاقَ بَيْنَ ... وَ بَيْنَ ~ *кўч.м.* ...билан ...нинг орасига душманлик уруғини экмоқ; الرُّعْبَ وَ الْخَرَابَ ~ *кўч.м.* ...да қўрқув ва харобалик уруғини экмоқ; الشُّكُوكَ وَ الظُّنُونَ بَيْنَ ~ *кўч.м.* ...лар ўртасида шубҳа ва ишончсизлик уруғини экмоқ; الْأَلْغَامَ ~ *ҳарб.* миналар жойлаштирмоқ, миналаштирмоқ; 2) ишламоқ, ишлов бермоқ (*ерга*); 3) кўчириб ўрнатмоқ (*инсон аъзоларини*); الْقَلْبَ ~ юракни кўчириб ўрнатмоқ; II زَرَّعَ қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилмоқ; деҳқончилик билан шуғулланишга мажбур қилмоқ; III زَارَعَ ерни биргалашиб ишламоқ; ерни бошқа бировга чоракорликка (корандаликка) бермоқ; VII اِنْزَرَعَ экиб тўлдирилган бўлмоқ (*ернинг маълум бир қисми ҳақида*) ишланган бўлмоқ; VIII اِزْدَرَعَ 1) (*микробларни сунъий равишда*) етиштирмоқ, парваришламоқ; 2) (*ерга*) ишлов бермоқ; X اِسْتَزْرَعَ 1) экмоқ; 2) экишга яроқли қилмоқ; 3) ишлов бериш ва экишни талаб қилмоқ (*ноқулай ер ҳақида*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَنَاطِقُ اسْتِصْلَاحِ اسْتِزْرَاعٍ ишлов бериш ва экиш зарурияти; الْأَرَاضِي الْبُورِ وَ اسْتِزْرَاعِهَا ерлари ноқулай ва мелиорация, ишлов бериш ва экишга муҳтож бўлган ноҳиялар

– زَارِعٌ 1. экувчи; қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлувчи; 2. *кўп* زُرَّاعٌ экувчи; деҳқон; фермер

– زَرَّاعٌ 1. қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлувчи (шуғулланувчи); ~ الْأَرُزِّ шоли етиштирувчи, шоликор; 2. *кўп* زَرَّاعَةٌ *деҳқон, фермер*

– زِرَاعَةٌ *1)* деҳқончилик; ~ وِزَارَةُ الـــ қишлоқ хўжалиги вазирлиги; 2) ишлов бериш; экиш; етиштириш, парвариш қилиш; ~ الْمَائِيَّةُ أَرْضِيَّةُ гидропоника (*минераллар билан бойитилган сувда ўсимлик ўстириш*); ~ الْبَسَاتِينِ богдорчилик; ~ التُّفَّاحِ олма ўстириш (етиштириш); ~ صِنْفٍ وَاحِدٍ бирор экиннинг якка ҳокимлиги; ~ قَابِلٌ لِلـــ ишлов беришга яроқли; ~ عِلْمُ الـــ агрономия; 3) қишлоқ хўжалиги, ~ الْخَفِيفَةُ الـــ экстенсив қишлоқ хўжалиги (*сифатга эмас миқдорга эътибор берибгина деҳқончилик юритиш*); ~ الْكَثِيفَةُ الـــ интенсив қишлоқ хўжалиги (*серунум тезкор деҳқончилик юритиш*); 4) қўчириб ўрнатиш (*тана аъзолари ҳақида*), ~ الْقَلْبِ юракни кўчириб (*бошқа кишига*) ўрнатиш

– زِرَاعِيٌّ 1.2) деҳқончиликка оид; ~ أَرْضٌ ҳайдаладиган (экиладиган) ер; 2) қишлоқ хўжалигига оид; عُمَّالٌ زِرَاعِيُّونَ қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиганлар; 3) аграр, қишлоқ хўжалигига оид; ~ الْمَسْأَلَةُ الـــ аграр масала, қишлоқ хўжалиги масаласи; 2. *шунингдек*: ~ مُهَنْدِسٌ агроном

– زَرْعٌ[1] 1) ўтқазиш, экиш; ~ وَ ضَرْعٌ ер ва ҳайвонлар, хўжалик, ... وَ بَيْنَ ... لِرَيِّبَةٍ بَيْنَ ... билан ...нинг орасига ишончсизлик уруғини экиш; 2) етиштириш, ишлов бериш; ~ قَابِلٌ لِلـــ ишлов беришга яроқли; 3) кўчириб ўрнатиш (*тана аъзолари ҳақида*); ~ الْقَلْبِ юракни (*бошқа кишига*) кўчириб ўрнатиш

– زَرْعٌ[2] *кўп* زُرُوعٌ ўсимлик

– زَرْعَةٌ *кўп* زَرَعَاتٌ = زَرْعٌ[2]

– زَرِيعَةٌ 1) ниш, куртак; кўчат; 2) майда балиқчалар

– مُزَارِعٌ бошқа кишига қарашли ерда деҳқончилик қилувчи, чоракор, коранда; фермер

– مُزَارَعَةٌ чоракорлик, корандалик

– مَزْرَعَةٌ *кўп* مَزَارِعُ 1) экиладиган ер, дала, 2) ферма; ~ الـــ التَّعَاوُنِيَّةُ қишлоқ хўжалиги кооперацияси; ~ تَرْبِيَةِ الدِّيُوكِ الرُّومِيَّةِ ғулғултовуқ (*курка*) фермаси

– مَزْرُوعٌ экилган, экиб қўйилган; ◊ ~ وَقَفَ فِي مَكَانِهِ у қоққан қозиқдай туриб қолди, у серрайиб туриб қолди

– مَزْرُوعَاتٌ *кўп* экилган, (экин қилинган) далалар; плантациялар

زَغْرُودَةٌ *кўп* زَرَاغِيدُ = زَرْغُودَةٌ

زَرَّافٌ тез, тезкор, илдам, чаққон

– زَرَافَةٌ[1] *кўп* زُرَافَةٌ, زُرَافِيٌّ, زَرَافِيٌّ, زَرَائِفُ, ـــ اتٌ жираф (*жанубий мамлакатларда, мас., Африкада, яшайдиган ҳайвон*)

– زَرَافَةٌ[2] *кўп* ـــ اتٌ сламон; гуруҳ, тўп; جَاؤُوا زَرَافَاتٍ وَ وَحْدَانًا улар гуруҳ-гуруҳ (тўп-тўп) ва якка-якка бўлиб келишди

I (زرق) زَرَقَ (*u/y*) زَرْقٌ 1) тезак (қумалоқ) қолдирмоқ (*қушлар ҳақида*); 2) тез ўтиб кетмоқ, чопиб кетмоқ; 3) суқмоқ, тиқмоқ; ~ ... مِسْمَارًا فِي (*н. гадир*) мих қоқмоқ; زَرِقَ (*a*) زَرَقٌ кўк (мовий) бўлмоқ; ~ عَيْنُهُ نَحْوِي унинг назари мен томонга тушди; II زَرَّقَ = I 3); IX ازْرَقَّ кўк (мовий) бўлиб қолмоқ; кўкармоқ, кўкариб кетмоқ

– أَزْرَقُ *мн* زُرْقٌ, زُرْقَاءُ *кўп* زُرْقٌ кўк; мовий; الزَّرْقَاءُ кўк (*осмон*); ~ سَمَاوِيٌّ ҳаворанг; ◊ ~ حَوْفٌ ўлим хавфи; ~ عَدُوٌّ ашаддий душман; ~ عَرَقٌ совуқ тер (*қўрқув вақтидаги*); ~ الْمَاءُ الـــ *ёки* الْمَائِيَّةُ الزَّرْقَاءُ глаукома, кўксув (*кўз ички босимининг зўрайиши, кўксув касаллиги*); ~ نَصْلٌ ярақлаб турган тиғ

– ازْرِقَاقٌ 1) кўк ранг, кўкимтир, ҳаворанг; 2) *мед.* ~ مَرَضُ الـــ кўкариқ, бадандаги кўкариб қолган жой, сианоз

– زَرَاقٌ, زَرَقٌ кўкимтир, кўк ранг, ҳаворанг

– زُرْقٌ қумалоқтезак (*қушники*)

– زُرْقَةٌ 1) кўкимтир, мовий ранг, ҳаворанг; 2) *мед.* кўкариқ

– زُرَيْقٌ *шунингдек*: ~ أَبُو *зоол.* хўжасавдогар, сойка (*қуш*)

– مِزْرَاقٌ *кўп* مَزَارِيقُ найза

زِرْقُونٌ *мин.* сиркон (*сариқ, қизил ва кулранг тусдаги ялтироқ минерал*); гиацинт (*қимматбаҳо тош*)

زِرْقُونِيُومٌ *кимё.* сирконий

زَرْكَشَ 1) кашта тикмоқ; зар уқа (жияк) ёпиштириб тикмоқ; 2) зарҳал суртмоқ, зарҳал билан қопламоқ

– زَرْكَشَةٌ 1) кашта, кашта тикиш, каштачилик, зар уқа (жияк) ёпиштириб тикиш; 2) зарҳал суртиш, зарҳал билан қоплаш

– زَرْكَشِيٌّ *кўп* زَرَاكِشَةٌ каштачи; зар уқа (жияк) тайёрловчи, қопловчи

– مُزَرْكَشٌ кашта қилинган, кашталанган; зар уқа (*жияк*) ёпиштириб тикилган

زِرْكُونِيُومٌ *кимё.* цирконий

I (زرم) زَرَمَ (*a*) زَرْمٌ узилмоқ, тўхтаб қолмоқ; VIII ازْدَرَمَ ютмоқ, бўғиздан ўтказмоқ, томоқдан ўтказмоқ (*овқатни*)

– ازْدِرَامٌ ютиш, томоқдан ўтказиш

زُرْمَانِقَةٌ жундан тикилган устки кийим

زِرْنِيخٌ маргимуш; ~ أَحْمَرُ *мин.* реалгар (*қизил рангли минерал*); ~ أَصْفَرُ аурингмент

www.ziyouz.com kutubxonasi

– زِرْنِيخِيٌّ маргимушга оид, маргимушли

I زَرَى (*и*) زَرْيٌ койимоқ, танбеҳ бермоқ, қораламоқ, айбламоқ, маъқулламаслик; (*к. нидир*) сўкмоқ, (*к. гадир*) таъна қилмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); IV أَزْرَى 1) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ, майна (*масҳара*) қилмоқ (ب ,عَلَى);(*к. нингдир*) шаънига тил тегизмоқ (ب ,عَلَى); 2) (*к. дандир*) нафратланмоқ, (*к. нидир*) обрўсизлантирмоқ, таҳқирламоқ (*туш.к. ёки* ب); V تَزَرَّى (*к. нидир*) қораламоқ, сўкмоқ (عَلَى); VIII ازْدَرَى 1) (*к. дандир*) нафратланмоқ, (*к. нидир*) эътиборга олмаслик, писанд қилмаслик (*туш.к. ёки* ب) 2) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ; (*к. нидир*) майна, мазах, масхара қилмоқ (*туш.к. ёки* ب); X اسْتَزْرَى 1) (*к. дандир*) нафратланмоқ (ب); 2) (*к. нингдир*) устидан кулмоқ (ب)

– ازْدِرَاءٌ 1) нафрат; эътиборсизлик, эътибор бермаслик, ҳисобга олмаслик, писанд қилмаслик: الْخَطَرِ ~ хавф-хатарга эътибор бермаслик, хавф-хатарни писанд қилмаслик; 2) таҳқир, таҳқирлаш; устидан кулиш, мазах қилиш, мазах

– إِزْرَاءٌ ҳурматсизлик; нафрат; эътиборсизлик, эътибор бермаслик, ҳисобга олмаслик, писанд қилмаслик

– زَرَايَةٌ 1) нафрат; эътиборсизлик, эътибор бермаслик, ҳисобга олмаслик, писанд қилмаслик; 2) таҳқир, таҳқирлаш

– زَرِيٌّ манфур, жирканч, разил; ёқимсиз, хунук, совуқ; тубан, арзимас, бир пулга қиммат

– مُزْدَرٍ *мн.* مُزْدَرِيَةٌ 1. нафратланувчи, эътибор (писанд) қилмовчи; 2. нафратли, нописанд

– مُزْرٍ *мн.* مُزْرِيَةٌ 1) жирканч, қабиҳ, разил, манфур, жиркантирадиган, нафратни қўзғайдиган; 2) хўрлайдиган, камситадиган, обрў-эътиборни ерга урадиган, обрў-эътиборни туширадиган

زَرِبٌ *қар.* زِرْيَابٌ

زُطٌّ *жам.* лўлилар

– زُطِّيٌّ лўли

زَعْبُوبَةٌ, زُعْبُوبَةٌ қуюн, гирдибод, уюрма, довул, уюрмали қаттиқ шамол, бўрон

زَعْبَرَ (*к. нидир*) алдамоқ, гел қилмоқ (عَلَى)

– زَعْبَرَةٌ 1) ёлғон, алдов, ёлғончилик, алдамчилик, фирибгарлик: гел қилиш; 2) кўз бойлаш (фокус), кўзбўямачилик (*циркда*)

– مُزَعْبِرَاتِيٌّ *кўп.* مُزَعْبِرَاتِيَّةٌ кўз бойловчи (фокусчи), жонглёр (*циркда*)

زَعْبُوطٌ *кўп.* زَعَابِيطُ деҳқонлар киядиган чопон, деҳқон чопони

زَعْتَرٌ *бот.* тошчўп

I زَعَجَ (*а*) زَعْجٌ безовта қилмоқ, тинчни бузмоқ; IV أَزْعَجَ = I; ~ـــهُ مِنْ مَكَانِهِ кимнидир ўз жойидан (ўрнидан) сиқиб чиқармоқ, VII انْزَعَجَ безовта қилинмоқ, хавотирланмоқ, тинчи бузилмоқ; тинчлиги йўқолмоқ, хотиржамликни йўқотмоқ

– انْزِعَاجٌ безовталик, хавотирлик, хотиржам эмаслик, ташвиш, ваҳим; аяжон, ҳаяжонланиш

– زَعَجٌ ташвиш, ваҳима, ҳаяжон, ҳаяжонланиш

– مُزْعَجٌ безовта бўлган, хавотирланган, ташвишланган, хотиржам бўлмай қолган

– مُزْعِجٌ нотинч, безовта (*мас., уйқу ҳақида*)

أَزْعَرُ *мн.* زُعْرٌ زَعْرَاءُ 1. *кўп.* زُعْرَانٌ 1) яккам-дуккам сочи бор, туклари жуда кам; 2) думсиз, думи йўқ; 2. безори, хулиган, қўлидан кўп ёмонликлар келадиган одам, олчоқ; разил, қабиҳ одам, ярамас, аблаҳ, нобакор

– زَعَارَةٌ безорилик, қилинган ёмон ишлар; шўхлик, шумлик, бебошлик

– زَعَرٌ камсочлик, сочи юпқалик

– زَعِرٌ яккам-дуккам сочи бор, туклари жуда кам

– زُعْرُورَةٌ *зоол.* жиблажибон

– زَعَارِيرُ *кўп.* زُعْرُورٌ 1. баджаҳл, жаҳлдор, жаҳли тез, жоҳил; қаҳрли, ёвуз; ёмон хулқли, хулқи ёмон; 2. *бот.* 1) дўлана; الْأُوْدِيَةِ ~ дўлана; جَبَلِيٌّ ~ меҳригиё; 2) ирғай, мушмула (*жанубда ўсадиган бир турли бута ёки дарахт*); بُسْتَانِيٌّ ~ ирга (*мушмуланинг бир тури*); 3) ёввойи олҳўри

زَعْزَعَ тебратмоқ; титратмоқ; ҳаракатга келтирмоқ, ҳаракатлантирмоқ; تَزَعْزَعَ тебранмоқ; ҳаракатланмоқ; титрамоқ; لاَ يَتَزَعْزَعُ оғишмайдиган, қайтмайдиган, собит, барқарор, иккиланмайдиган, титраб-тебранмайдиган

– تَزَعْزُعٌ тебраниш; титраш, чайқалиш

– زَعْزَاعٌ, زَعْزَعٌ кучли шамол, бўрон, довул; пўртана, шторм

– زُعْزُعٌ, زَعْزَعٌ кучли, қудратли (*шамол ҳақида*)

– زَعْزَاعٌ = زَعْزَعَانٌ

– زَعْزَعَةٌ *кўп.* زَعَازِعُ 1) титраш, титроқ; ҳаракат; 2) бўрон; 3) шакарқамишнинг учи, қоқ учи

– زَعْزُوعٌ 1) ингичка оёқли, оёқлари ингичка; 2) узун бўйли, новча ориқ (*одам*), чўпдай узун (*одам*)

– زَعْزُوعَةٌ *кўп.* زَعَازِيعُ шакарқамишнинг учи, қоқ учи; إِنَّهَا كَـــ ~ *маж.* у (*мн.*) ориқ (ингичка), у (*мн.*) чўпдай ориқ

– مُتَزَعْزِعٌ, مُزَعْزِعٌ лиқиллаб турган, омонат, омонат турган, турғун эмас, ноустувор; ўзгарувчан; иккиланиб турган, иккиланувчи; тебранувчи, тебраниб турган

I زَعَطَ (*а*) زَعْطٌ 1) бўғмоқ, бўғиб ўлдирмоқ; 2) қисиб (сиқиб) чиқармоқ

– زَعِيطٌ وَ مَعِيطٌ وَ نَطَّاطُ الْحِيطِ ~ рўбарў келадиган аллакимлар, ҳар бир дуч келган одам

I زَعَفَ (*а*) زَعْفٌ ўрнида тамом (адо) қилмоқ; ўлдирадиган таъсир қилмоқ, ўлдирмоқ (*заҳар ҳақида*); II زَعَّفَ (*хурмо шохлари билан*) супурмоқ, супуриб-сидирмоқ, тозаламоқ

– زُعَافٌ ўлдирувчи; سَمٌّ ~ ўлдирувчи заҳар

– زَعَافَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ хурмо шохи

www.ziyouz.com kutubxonasi

– زَعَفٌ *жам.* хурмо шохлари

– زَعَفَةٌ *кўп.* اتٌ — хурмо шохи, хурмо барги

– مُزْعِفٌ ўлдирувчи, ўлим келтирувчи, ҳалок қилувчи

زَعْفَرَ заъфарон рангга бўямоқ

– زَعْفَرَانٌ *бот.* заъфарон (*зиравор ўсимлик*)

I (زعق) زَعَقَ (*а*) زَعْقٌ 1) бақирмоқ, қичқирмоқ, оҳ-воҳ қилмоқ; ~ بِمِلْءِ صَوْتِهِ бор овоз билан бақирмоқ; 2) қақағламоқ (*товуқ ҳақида*); 3) шўр қилиб қўймоқ (*овқатни*); زَعَقَ (*у*) زُعْقَةٌ, زَعَاقَةٌ шўртангроқ бўлмоқ (*овқат, сув ҳақида*); II زَعَّقَ узоқ, кўп, қаттиқ бақирмоқ, қичқирмоқ

– زُعَاقٌ шўртанг, шўрроқ (*овқат, сув ҳақида*)

– زَعْقٌ бақир-чақир, бақириқ, оҳ-воҳлар

– زَعْقَةٌ *кўп* زَعَقَاتٌ бақириқ, бақирилган, чақирилган овоз, чинқириқ

– زَعِيقٌ = زَعْقٌ; اَ ~ مَلَأَ الدُّنْيَا *маж.* (*н. ҳақдадир*) ҳаммага (*бутун дунёга, бутун оламга*) жар солмоқ (ب)

I زَعِلَ (*а*) زَعَلٌ аччиқланган (ғазабланган, ғаши келган) бўлмоқ; афсусланиш (кўнгил тўлмаслик, норозилик) ҳис қилмоқ; II زَعَّلَ аччиқлантирмоқ, ғазаблантирмоқ; ғашни келтирмоқ; 2) зериктирмоқ, жонга тегмоқ; безор қилмоқ; IV أَزْعَلَ аччиқлантирмоқ, ғазаблантирмоқ; ўзни унуттирмоқ; ғашни келтирмоқ

– زَعَلٌ аччиқланиш, ғазабланиш; ғазаб, афсус; норозилик

– زَعِلٌ аччиқланган, ғазабланган, ғазабнок

– زَعْلَانٌ аччиқланган, ғазабланган; ғаши келган, кайфияти бузилган (бузуқ), кайфияти ёмон

زَعْلَفَةٌ *кўп.* زَعَالِفُ тошбақа

I زَعَمَ (*у*) زَعْمٌ ишонтирмоқ, ... деб ҳисобламоқ, тасдиқ этмоқ; ...деб ўйламоқ, ... деб фикр бермоқ; 2) (*к. гадир*) кафолат бермоқ (ب), V تَزَعَّمَ 1) (*к. гарнингдир орасида*) миш-миш тарқатмоқ (بَيْنَ); 2) раҳбарликка (бошлиқликка) давогар бўлмоқ; ўзини раҳбар деб эълон қилмоқ; 3) бошлиқ (етакчи) бўлмоқ; бош бўлмоқ, етакчилик қилмоқ

– زَعَامَةٌ етакчилик, бошчилик, бошлиқлик; етакчи рол, гегемония (ҳокимлик, бошчилик)

– زَعْمٌ ишонтириш, ишонч, ... деб ҳисоблаш, тасдиқ этиш; ... деб ўйлаш, ... деб фикр юритиш; ـــهِ ~ بِـــ унинг тасдиқлашича, унинг фикрига кўра; унинг ўйлашича

– زَعِيمٌ 1. кафолат берувчи; ... ~ بِـــ أَنَا ...га мен кафолат бераман; 2. *кўп.* زُعَمَاءُ 1) етакчи, бошчи, доҳий; *ҳарб.* полковник (*Ливияда*); бригадир, бригада генерали; 2) бошлиқ, етакчи

– مَزَاعِمُ *кўп.* 1) даъволар, даъвогарликлар; 2) қуп-қуруқ, асоссиз, заминсиз даъволар, асоссиз қоидалар

– مَزْعُومٌ 1) ишонтирилаётган, ... деб ҳисобланаётган; 2) асоссиз, шубҳали, заминсиз; 3) ёлғон, сохта

– زَعْنَفَةٌ, زَعْنَفَةٌ *кўп.* زَعَانِفُ 1) сузғич, юзғич; сузиш пардаси (*мас., ўрдак, гоз панжалари орасидаги*); куракоёқ (*сувда сузиш учун оёқлар учига кийиладиган мослама*), الطَّائِرَةِ ~ *ав.* самолётнинг дум қаноти; 5) қаланғи-қасанғи, тайинсиз (*одамлар*)

أَزْغَبُ *мн.* زُغْبَاءُ *кўп.* زُغْبٌ майин мўй билан қопланган, майин мўйли

– زُغَابَةٌ майин мўй, майин тук, пар

– زَغَبٌ мўй, тук

– أَزْغَبُ = زَغَبٌ

– زُغْبَةٌ *зоол.* ўрмон ёнғоқзори ухлоқиси (*олмахонга ўхшаш ёввойи жонивор*)

– زُغْبُرٌ, زِغْبِرٌ, زَغْبَرٌ пахмоқ бўлиб ўсган тук, пахмоқ

I زَغَدَ (*а*) زَغْدٌ 1) бссмоқ, эзмоқ, эзғиламоқ; 2) туртмоқ, нўқимоқ; VII اِنْزَغَدَ туртилмоқ, нўқилмоқ, енгил зарба олмоқ

– زَغْدَةٌ *кўп.* زَغَدَاتٌ туртки, нўқиш, енгил зарба

I زَغَرَ (*а*) زَغْرٌ (*к. гадир*) диққат (эътибор) билан тикилиб қарамоқ (إِلَى) (*к. гадир*) қарамоқ, назар ташламоқ (لِـــ)

– زَغْرَةٌ қараш, назар ташлаш, боқиш, назар

زَغْرَدَ хурсандликдан қичқирмоқ, қичқириб юбормоқ, хурсандликдан қулоқни батанг қилиб қичқирмоқ (*аёллар ҳақида*)

– زَغْرَدَةٌ *кўп.* زَغَارِيدُ 1) қулоқни батанг қилувчи шодона гитроқ қичқириқ; 2) *муз.* овознинг титраб чиқиши

– زَغْرُودَةٌ *кўп* زَغَارِيدُ = زَغْرَدَةٌ; زَغَارِيدُ الْفَرَحِ (*айтарлиси*) қулоқни батанг қилувчи шодона қичқириғи; زَغَارِيدُ النِّسَاءِ шодона қичқириқлар тарқалади (эшитилади)

زَغْرَطَ = زَغْرَدَ

– زَغْرُوطَةٌ *кўп.* زَغَارِيطُ = زَغْرُودَةٌ

زَغْزَغَ 1) яширмоқ, беркитмоқ. 2) қитиқламоқ; ◊ بِهِ ~ бирор киши устидан кулмоқ

– زَغْزَغَةٌ 1) яшириш, беркитиш, 2) қитиқлаш, қитиқ

I زَغَطَ (*у*) زَغْطٌ ютмоқ, ютиб юбормоқ; II زَغَّطَ едирмоқ, овқатлантирмоқ, боқмоқ, тўйдирмоқ, ютгизмоқ

– زُغْطَةٌ ҳиққоқ

I زَغَلَ (*а*) زَغْلٌ 1) оз-оздан қуймоқ; 2) сохталаштирмоқ, қалбакилаштирмоқ, қалбаки қилмоқ; ёмонлаштирмоқ (*бирор н. сифатини*); 3) *ғоҳ у, ғоҳ бу нарсага қарамоқ*; عَيْنَايَ ~ تْ кўзларим ўйнаб кетди; II أَزْغَلَ оз-оздан қуймоқ

– زَغَلٌ 1. сохта, қалбаки, ёлғондакам; 2. ёлғон, алдамчилик, фириб; сохта

– مَزْغَلٌ *кўп.* مَزَاغِلُ шинак, тўйнук, амбразура (*истеҳкомларда*)

زَغْلُوطَةٌ *кўп* زَغَالِيطُ шодон қичқириқ

زَغْمَلَ (*кўзни*) қамаштирмоқ; عَيْنَيْهِ ~ кимнингдир кўзларини қамаштирмоқ (*кучли, ёркин нур ҳақида*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– زَغْلَلَة қамашиш (*кўз ҳақида*)

– زُغْلُول, زُغْلُولٌ *кўп.* زَغَالِيلُ 1) бола, гўдак; 2) қуш боласи (*жўжаси*), ёш каптар, каптар боласи; 3) *шунингдек:* ~ الْبَلَحُ الـــ зуғл (*Мисрда ўсадиган хурмо дарахтининг бир хили*)

– زَغْلَتُ *жам. бот.* дала айиқтовони (*заҳарли ўт*)

I (زفف) زَفَّ (*а/и*) زَفٌّ, زِفَافٌ 1) (*келинчакни куёвникига*) гантанали равишда олиб бормоқ (عَلَى), келин туширмоқ; 2) (*к. қадир*) ҳозир қилмоқ, рўбарў қилмоқ, келтирмоқ, тақдим қилмоқ, топширмоқ (إِلَى); الْبُشْرَى ~ ҳаммага шодиёна хабар етказмоқ (тарқатмоқ, эълон қилмоқ); ... الْخَبَرَ إِلَى ~ кимгадир хабар келтирмоқ, хабар олиб келмоқ; 3) шошмоқ, югурмоқ, чопмоқ; زَفَّ[2] (*а/и*) زَفِيفٌ юрмоқ, шошмоқ, шошилмоқ; 2) эсмоқ (*шамол ҳақида*); IV أَزَفَّ = I زَفَّ (*а/у*); VIII ازْدَفَّ = I زَفَّ (*а/у*)

– زِفَافٌ ҳиз (*никоҳ*) тўйи қиз тушириш, зифоф, никоҳ; مَلَابِسُ ~ـــ тўй либослари (*келинники*)

– زَفَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ тўй (никоҳ) тантанаси, أَقَامَتْ لِزَوْجِهَا الـــ~ *маж. у (мн.)* эри билан жанжаллашди; *у (мн.)* эрига катта "тўй" кўрсатди

– زَفَّةً бир марта, бир бор زَفَّتَيْنِ икки марта, икки бор

– زُفَّةٌ 1) оломон, тўп-тўп одамлар; 2) тўп, тўппа-тўп, уюм; بَاعَ حَبَّ الْعَزِيزِ بِالـــ~ ербодомни тўп-тўп ҳолича ёрмоқ (сотмоқ)

– زَفُوفٌ тез, тезкор, шошилинч

– زَفِيفٌ 1) тез, тезкор, шошилинч, шошаётган, шошилаётган; 2) эсиш (*шамол ҳақида*)

– زَفَّافَةٌ *кўп.* ـــاتٌ келин олиб бориладиган соябонли арава (*ҳозир: махсус енгил машина*)

II (زفت) زَفَّتَ 1) елим суртмоқ (суртамоқ), елим билан қоплаб бўямоқ; смола суртмоқ (*суртамоқ*); 2) асфальтламоқ, асфальт ётқизмоқ, асфальт қуймоқ; 3) дог қолдирмоқ, ифлос қилмоқ, бўяб қўймоқ (*мас. кийимни, қўлни*)

– زِفْتٌ 1) елим, смола; ~ الـــ халқ. ёмон!, бемаъни!; 2) асфальт *шунингдек:* ~ مَعْدَنِيٌّ

I زَفَرَ (*и*) زَفِيرٌ чуқур (оғир) нафас олмоқ ва чиқармоқ; нафас чиқармоқ; инграмоқ, оҳ урмоқ; II زفّر 1) (*нонга*) ёғ суртмоқ; (*тайёрланаётган овқат учун*) ёғ солмоқ; 2) (*беморга бирор*) ёғли нарса бермоқ

– زَفَارَةٌ 1) ёлғизлик; 2) ахлоқсизлик, одобсизлик, беҳаёлик

– زَفْرٌ 1) ёғ, мой; 2) гўштли овқат ейиш, истеъмол қилиш

– زَفِرٌ 1) ёғли, мойли; 2) ифлос; 3) ахлоқсиз, одобсиз, беҳаё; 4) тахир, какра, ачиган; 5) ҳиди келадиган, сасиб турган, сассиқ; ◊ شَبَّةٌ ~ аччиқтош

– زَفْرَةٌ *кўп.* زَفَرَاتٌ чуқур нафас олиш ва чиқариш; оҳ уриш, инграш

– زَفِيرٌ 1) нафас олиш; нафас чиқариш; 2) эшак ҳанграшининг бошланиши

زَفْزَفَ қаттиқ эсмоқ, чийилламоқ (*шамол ҳақида*)

– زَفْزَفَةٌ қаттиқ эсиш, чийиллаш, шиддат, кучайиш (*шамол ҳақида*)

I زَفَنَ (*и*) زَفْنٌ рақс тушмоқ, ўйнамоқ

I زَقَّ (*а/у*) زَقٌّ 1) боқмоқ (*қуш ўз боласини*); 2) туртмоқ, нўқимоқ, суқмоқ; сурмоқ, жилдирмоқ (*ўрнидан*); نَهَرَتْهُ أُمُّهُ وَ زَقَّهُ أَبُوهُ فِي كُتْبِهِ *мқл.* ҳалвони ҳаким, калтакни етим ейди; VII انْزَقَّ (*жойидан*) сурилган (*жилдирилган*) бўлмоқ

– زِقٌّ *кўп.* أَزْقَاقٌ, زِقَاقٌ меш; саноч

– زُقَاقٌ *мн., мн. кўп* أَزِقَّةٌ кўча, тор (кичик) кўча

– زَقَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ туртки, туртиш, итариш, силкиниш

– زُقَّةٌ *зоол.* зуққа (*анҳинга-сувда яшайдиган қуш*)

– زُقَيْقِيَّةٌ *зоол.* тоғ чумчуғи, нашахўр (*уруғхўр сайроқи қуш*)

زَقْزَقَ 1) чириқламоқ, 2) жаврамоқ (*аёл киши ҳақида*), 3) боқмоқ (*қуш ўз боласини*); 4) бола боқмоқ (*парвариш қилмоқ*), тарбиялаб ўстирмоқ, вояга етказмоқ, қўлда аллалаб тебратмоқ

– زَقْزَاقٌ *зоол.* зақзоқ (*иссиқ мамлакатларда тарқалган, лойхўраклар туркумига мансуб қуш*); қизқуш (*балиқчилар туркумига мансуб қуш*)

– زَقْزَقَةٌ 1) чириқлаш; 2) сафсата, гапдонлик; 3) болани ўйнатиш, болага қараш, болани парваришлаш

– زَقَارِيقُ *кўп.* زَقَارِيقَةٌ кичик қушча *ёки* балиқ

– سُخْرِيَّةٌ 1) мазах қилинадиган нарса, мазах объекти; 2) мазах қилиш, масхаралаш, таҳқирлаш; ~ الْقَدَرِ مِنْ фалакнинг гардиши билан, тақдирнинг ғавғоси билан

– مَسْخَرَةٌ *кўп.* مَسَاخِرُ 1) мазах қилинадиган нарса, мазах объекти; 2) ниқоб, маска; 3) маскарад, карнавал

سَخْسَخَ ҳушидан кетмоқ, ҳушини йўқотмоқ, беҳуш бўлмоқ, ўзини ташлаб юбормоқ; ◊ مِنَ الضَّحْكِ ~ ичаги узилиб кулмоқ, кула-кула ўлмоқ

– سَخْسَخَةٌ беҳушлик, ўзидан кетиш, беҳуш бўлиш

I (سخط) سَخِطَ (*а*) سَخْطٌ (*бирор н. га*) айлантирмоқ, (*бирор н. га*) айлантириб юбормоқ; سَخِطَ (*а*) سَخَطٌ ғазабланмоқ, аччиқланмоқ, ғазаби келмоқ; (*бирор к. га нисбатан*) кек сақламоқ (عَلَى); IV أَسْخَطَ аччиғини келтирмоқ, жаҳлини чиқармоқ, хафа қилмоқ; V تَسَخَّطَ (*бирор к. дан*) аччиқланмоқ, ғазабланмоқ, хафа бўлмоқ (عَلَى)

– سَاخِطٌ ғазабланган, аччиқланган, ғазабли, қаҳрли; норози, рози эмас, мамнун эмас, домангир

– سَخَطٌ, سُخْطٌ ғазаб, ғазабланиш, аччиқланиш; норозилик, мамнун эмаслик; ... صَبَّ ~ـَهُ عَلَى ғазабини ...га ўкиб солмоқ

– سُخْطَةٌ тўлиб-тошган ғазаб, ғазабнинг ошиб-тошиб кетиши; норозиликнинг зоҳир бўлиши

– مِسْخَطَةٌ *кўп.* مَسَاخِطُ ғазабини қўзғатадиган иш, ҳаракат

– مَسْخُوطٌ 1) айланган, ўзгарган, бошқа қиёфага кирган; 2) жирканч, ярамас, қабиҳ; 3) *кўп.* مَسَاخِيطُ а) майиб; б) бут, санам

I سَخُفَ (*у*) سَخَافَةٌ 1) тентак бўлмоқ, ахмоқ бўлмоқ, ақли калта бўлмоқ; 2) йўқ даражада оз бўлмоқ, жиндаккина бор бўлмоқ, жуда кам бўлмоқ; 3) пасткашлик қилмоқ, разил бўлмоқ, ярамас бўлмоқ; II سَخَّفَ тентак ҳисобламоқ, ахмоқ деб ўйламоқ, бесўнақай деб ҳисобламоқ, бемаъни ҳисобламоқ; X اِسْتَسْخَفَ 1) тентак деб билмоқ, ахмоқ деб билмоқ; бемаъни деб билмоқ, бесўнақай деб билмоқ; 2) йўқ даражада оз ҳисобламоқ, жуда оз деб билмоқ, арзимас деб ҳисобламоқ

– سَخَافَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) тентаклик, ахмоқлик, ақли калталик, бемаънилик, бемазагарчилик, ақлга тўғри келмайдиган нарса; 2) пасткашлик, тубанлик

– سُخْفٌ, سَخْفٌ 1) тентаклик, ахмоқлик, ақли калталик; бемаънилик, бемазагарчилик, ножўялик, мантиқсизлик; 2) жуда озлик, камлик

– سَخِيفٌ *кўп.* سُخَفَاءُ тентак, ахмоқ, ақли заиф; 2) жуда оз, йўқ даражада оз, жуда кам; 3) пасткаш, разил; 4) паст навли, нави паст, ёмон

سَخْلَةٌ *кўп* سَخْلٌ, سِخَالٌ қўзичоқ

(سخم) II سَخَّمَ 1) қора қилмоқ, қорага бўямоқ, 2) ифлос қилмоқ, қоракуя суртамоқ, қорақурум чапламоқ; V تَسَخَّمَ 1) қорага беланмоқ, қорага бўялмоқ; 2) ифлос бўлмоқ, қуя суртилмоқ, қорақурумга беланмоқ; 3) (*бирор к. га нисбатан*) кек сақламоқ (عَلَى)

– أَسْخَمُ *мн.* سُخْمٌ *кўп.* سُخْمَاءُ қора

– سُخَامٌ 1) қора ранг, қоралик; 2) куя, қурум, қорақурум; дуд, ис;

www.ziyouz.com kutubxonasi

3) қулоқ ичидаги кир

– سَخَمٌ 1) қора ранг, қоралик; 2) кек, адоват; нафрат

– سُخْمَةٌ қора ранг, қоралик

– سَخِيمَةٌ *кўп.* سَخَائِمُ ғазаб; кек, адоват; нафрат; яширин душманлик, сир тутилган адоват, дилдаги кек

سَخْمَطَ 1) қора қилмоқ, қорага бўямоқ; 2) ифлос қилмоқ

– سَخْمَطَةٌ 1) қора қилиш, қорага бўяш; 2) ифлос қилиш

I **سَخُنَ** (*у*) سُخُونَةٌ *ёки* سَخَنَ (*а*) سَخَانَةٌ *ёки* سَخَنَ (*у*) سُخْنٌ 1) исимоқ, иссиқ бўлмоқ, илимоқ, илиқ бўлмоқ; 2) қизишмоқ, қизишиб кетмоқ, тутақиб кетмоқ, қони қайнаб кетмоқ; 3) иситмаси чиқмоқ, безгак тутмоқ; II سَخَّنَ 1) иситмоқ, илитмоқ; 2) سُخِّنَ бемор бўлмоқ, тоби қочмоқ, касалланмоқ, IV أَسْخَنَ = II; IV أَسْخَنَ الْعَيْنَ ~ йиғлатмоқ, хафа қилмоқ; V تَسَخَّنَ илимоқ, исимоқ, қизимоқ, қайноқ бўлмоқ

– تَسْخِينٌ илитиш, қизитиш, иситиш; ~ تَسَارِينُ لِلـــ *спорт.* қизиб олиш учун, баданни қизитиш учун қилинадиган машқлар

– سَاخِنٌ 1) қайноқ, иссиқ, ҳароратли; илиқ; ~ـــةٌ حَرْبٌ уруш (*сол.* حَرْبٌ بَارِدَةٌ); 2) қизиққон, қизиқиб кетган, тутақиб кетган; 3) иситма касалига мубтало бўлган

– سَخَانَةٌ 1) илиқлик; 2) иссиқлик, қайноқлик, ҳарорат

– سَخَّانٌ, سَخَّانَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ иситгич, иситиш асбоби; (*ваннахонадаги*) газ колонкаси; ~ الْمِيَاهِ сув иситгич

– سُخْنٌ қайноқ, иссиқ; илиқ

– سَخْنَانُ 1) қизишиб (тутақиб) кетган, ҳаяжонланган, ҳовлиққан; 2) иситма тутган, иситмадаги, иситмада ётган

– سُخْنَةُ الْعَيْنِ ~ хафалик, хафагарчилик

– سُخُونَةٌ 1) (*мас., овқатнинг*) иссиқ ҳолати, иссиқ пайти; илиқлик; 2) иссиқлик, ҳарорат; иситма

– سَخِينٌ қизишиб (тутақиб) кетган, ҳаяжонланган, ҳовлиққан; ~ الْعَيْنِ хафа, ғамгин

– مُسَخِّنٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ иситгич, иситиш асбоби; электроплитка

– مِسْخَنَةٌ *кўп.* مَسَاخِنُ қозон

I (سخو) **سَخَا** (*у*) سَخَاءٌ сахий бўлмоқ, қўли очиқ бўлмоқ; бағри кенг бўлмоқ, ҳимматли (мурувватли) бўлмоқ; سَخِيَ (*а*) = سَخَا; V تَسَخَّى 1) саховат кўрсатмоқ, сахийлигини изҳор қилмоқ; 2) саховатли бўлишга интилмоқ; VI تَسَاخَى = V 2)

– سَخَاءٌ, سَخَاوَةٌ сахийлик, саховат, қули очиқлик; мурувват, олижаноблик, тантилик; ~ بِـــ сахийлик билан; ~ الْيَدِ сахийлик, қўли очиқлик

– سَخِيٌّ *кўп.* أَسْخِيَاءُ (*шунингдек:* ~ الْكَفِّ) сахий, саховатли, қўли очиқ, ҳимматли, мурувватли; ~ هُوَ بِالْكَلَامِ شَحِيحٌ بِالْعَمَلِ *мкл* гап деса қоп-қоп, иш деса Учқўрғондан топ (*сўзма-сўз:* сўзга сахий, ишга хасис)

I (سدّ) **سَدَّ** (*а/у*) سَدٌّ 1) беркитмоқ, тўсмоқ, ёпмоқ, жипслаб бекитмоқ, тиқиб бекитмоқ; ~ أُذُنَيْهِ عَنْ أَنْ يَسْمَعَ ... ...ни эшитмаслик учун қулоқларини беркитмоқ; эшитишни ёмон кўрмоқ; ~ ثُغْرَةَ (ثُلْمَةَ) فِي ... ...даги тешикни бурнини беркитмоқ; ~ أَنْفَهُ тўлғазмоқ, ...даги ёриқни тўлғазмоқ; ~ الْمَرَاغَ бўшлиқни тўлғазмоқ, нуқсонни бартараф қилмоқ; ~ خَانَاتِ الدَّفْتَرِ журнал катак (*хона*) ларини тўлғазмоқ; 2) қулфламоқ, қулфлаб бекитмоқ; ~ الْبَابَ бирор кимга эшикни ёпмоқ; 3) тўсмоқ, тўсиб қўймоқ, тўсиб бекитмоқ; ~ الطَّرِيقَ عَلَيْهِ бирор кимнинг йўлини тўсмоқ (йўлини бекитмоқ); 4) (*эҳтиёжни*) қопламоқ, таъмин этмоқ, қаноатлантирмоқ; ~ حَاجَاتِ الشَّعْبِ الْمُتَزَايِدَةَ халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондирмоқ; ~ النَّفَقَاتِ харажатларни қопламоқ; 5) тўламоқ, қайтармоқ, қайтиб бермоқ; ~ دَيْنَهُ қарзини тўламоқ (қайтармоқ, қайтиб бермоқ); ◊ ~ الرَّمَقَ (*бирор н. воситасида*) зўрға-зўрға кун кўрмоқ, зўрға яшамоқ (ب); ~ رَمَقَهُ бирор кимнинг ўрнини алмаштирмоқ, бирор кимнинг ўрнини босмоқ; سَدَّ (*а/u*) سَدَادٌ тўғри йўл тутмоқ, тўғри иш қилмоқ; бирор нимани аниқ бажармоқ, бирор нимани усталик билан боплаб амалга оширмоқ; II سَدَّدَ (*бирор ч. ни*) нишонга олмоқ (إِلَى), (*бирор н. га*) йўналтирмоқ, йўлламоқ (إِلَى); тўғри йўлга бошламоқ, тўғри йўлга йўналтирмоқ; 2) тўламоқ, узмоқ; ~ حِسَابًا ҳисобга (счётга) мувофиқ пул тўламоқ; IV أَسَدَّ нишонга тегмоқ; VII انْسَدَّ берк бўлмоқ, беркитилган бўлмоқ, жипс маҳкамланган бўлмоқ; 2) ёпик бўлмоқ, маҳкам ёпиқ бўлмоқ; 3) тўсилган бўлмоқ, тўсиб қўйилган бўлмоқ; VIII اسْتَدَّ 1) тўғри бўлмоқ, рост бўлмоқ; ўрганиб қўли келиб қолмоқ; 2) (*бирор н. нинг*) кўзи тўлиб қолмоқ

– انْسِدَادٌ жипслик, маҳкам беркилик; бекилиш; ~ وِعَاءٍ دَمَوِيٌّ *ёки* ~ الْعِرْقِ *мед.* томирларда қоннинг тиқилиб (ивиб, бекилиб) қолиши, эмболия; ~ـــ التَّاجِيُّ *мед.* тож томирларнинг бекилиб қолиши

– تَسْدِيدٌ 1) нишонга олиш, мўлжалга олиш; 2) тўлаш, тўлаб қўйиш; ~ تَحْتَ الـــ тўланмаган, тўланиши керак бўлган

– سَدٌّ *кўп.* سُدُودٌ 1) тўсиқ; ғов; барьер; 2) тўғон; ~ أَسْوَانَ الْعَالِي Асвон бош тўғони (*Асвонда қурилган тўғоннинг номи*); ~ وَقَفَ مَنِيعًا فِي وَجْهِهِ бирор ким олдида девордек турмоқ; ◊ ~ حَارَّةٌ *ёки* ~ طَرِيقٌ берк кўча, тупик

– سُدٌّ 1) тоғ; 2) тўсиқ

– سَدَادٌ 1) тўғрилик, соғломлик; соғлом фикр, ~ الرَّأْيِ мулоҳазакорлик, донолик, ақллилик; 2) тўлаш, тўлов, (*облигацияларнинг*) пулини тўлаш; ~ لِـــ ...га (учун) тўлов сифатида

– سُدَادٌ 1) бекилиш (*бурун ҳақида*); 2) *мед.* бурун-томоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

атрофидаги лимфатик безлар, адеоидлар

– سِدَادٌ *кўп.* أَسِدَّةٌ, اتٌ — тиқин, пўкак, пробка; тўсиқ, иҳота; *мед.* эмболус (*қон томирларининг беркилиб қолиши*)

– سِدَادَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) тиқин, пўкак, пробка; 2) қопқоқ; 2) қопқоқча; 4) *мед.* инфаркт

– سَدَدٌ тўғрилик, ростлик, чинлик

– سَدَّةٌ *кўп.* اتٌ — 1) тўғон, тўсиқ, ғов; 2) *мед.* эмболия (*қон томирларининг беркилиб қолиши*)

– سُدَّةٌ *кўп.* سُدَدٌ 1) эшик; 2) остона; 3) тахт; 4) ўриндиқ; ~ رِئَاسَة الْجُمْهُورِيَّة республика президенти мансаби; (رَسُولِيَّةٌ) بَابَوِيَّةٌ ~ папа ложаси (тахти); تَسَلَّمَ ~ الْحُكْمِ ҳокимият тепасига келмоқ; وَضَعَهُ فِي ~ الْحُكْمِ бирор кимни ҳокимият тепасига қўймоқ

– سَدِيدٌ 1) тўғри, рост, чин, мулоҳазакор, доно, ақлли; 2) хато кетмайдиган, тўппа-тўғри бориб тегадиган; 3) арзирли, арзигулик

– مَسَدٌّ тўсиқлар ўрнатилган жой

– مَسْدُودٌ 1) беркитилган, ёпилган, тиқиб беркитилган; 2) тўсилган, тўсиб қўйилган, тўсиқли; ~ طَرِيقٌ берк кўча, тупик

سِدَادَةٌ *кўп.* اتٌ — тиқин, пўкак, пробка

– سَدَابٌ *бот.* жанубда ўсадиган сариқ гулли бута ўсимлик (*сол.* سَذَابٌ)

I **سَدَرَ** (*а*) سَدْرٌ 1) туриб турмоқ, бўлмоқ, бўлиб турмоқ; (*бирор нарса*) ботиб қолмоқ, ботиб кетмоқ, тиқилиб қолмоқ (فِي): ~ فِي غَيِّهِ ёки فِي غُلْوَائِهِ ~ адашиб қолмоқ, адашмоқ, довдираб қолмоқ; 2) ўзини йўқотмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ, ҳаяжонда қолмоқ, ғулғулада қолмоқ; بَصَرُهُ ~ (*кучли нурдан*) кўзи тинмоқ, кўзи тиниб кетмоқ; 3) бефарқ бўлмоқ, лоқайд бўлмоқ

– سَادِرٌ бефарқ, лоқайд; тарқоқ (*мас.*, *фикр*)

– سِدَارَةٌ *кўп.* سَدَارِيُّ форма фуражкаси (*мас.*, *ҳарбийларда*); кепка

– سَدَرٌ 1) *шунингдек:* ~ النَّظَرِ кўзнинг тиниши, 2) саросима, саросималик, парокандалик, ғулғула

– سَدِرٌ ўзини йўқотиб қўйган, ҳаяжонда қолган, саросимада қолган; юрагига ғулғула тушган

– سِدْرٌ *жам. кўп.* سُدُورٌ 1) сувда ўсадиган гул, лотос; 2) *бот.* лотус; меваси овқат учун ишлатиладиган тиконли бута ўсимлик (*сол.* نَبْقٌ)

– سِدْرَةٌ *кўп.* اتٌ —, سِدَرٌ 1) сувда ўсадиган гул, лотос; 2) лотус ◊ أَصَابَ ~ الصَّوَابَ мўлжалланган жойга бориб тушмоқ; ~ الْمُنْتَهَى *Қур.* арши аълонинг ўнг томонидаги хушбўй гул

– سِدْرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — (*идиш-товоқни чайишга мўлжалланган*) катта идиш

– سَدِيرٌ 1) дарё, 2) қаср

– سِيدَارَةٌ = سِدَارَةٌ

I (سدس) **سَدَسَ** (*и*) سَدْسٌ олтинчи бўлмоқ; سَدَسَ (*у*) سَدْسٌ олтидан бирини олмоқ; ~ الْقَوْمَ одамлар мол-мулкининг олтидан бирини олди; II سَدَّسَ 1) (*бирор н. ни*) олти марта бажармоқ; 2) *мат.* олтига кўпайтирмоқ; 3) (*бирор н. ни*) олти бурчакли қилмоқ; IV أَسْدَسَ: الْقَوْمُ ~ одамлар олтита бўлишди

– سَادِسٌ олтинчи; ~ عَشَرَ الـ ўн олтинчи

– سُدَاسَ олтитадан, олтита-олтитадан

– سُدَاسِيٌّ 1) олтиталик, олтитадан иборат; ~ الْأَرْكَانِ олти бурчакли;. 2) *муз.* олти кишилик (мусиқий) даста; олти овоз ёки олти соз учун ёзилган музика асари, секстет

– سُدْسٌ *кўп.* أَسْدَاسٌ олтидан бир қисм; ~ الـ ёки ~ آلَةُ الـ *тех.* бурчак ўлчаш асбобларидан бири

– سُدْسٌ = سَدِيسٌ

– مُسَدَّسٌ олтитадан, олтита-олтитадан

– مُسَدَّسٌ[1] 1) олти қисмдан, олтитадан иборат; 2) олти ...ли; ~ الْأَرْكَانِ а) олти бурчакли; б) олти бурчак

– مُسَدَّسٌ[2] *кўп.* اتٌ — тўппонча, револьвер

سَادِفٌ содиф (*қуполчилик асбобларидан бири*)

– سُدْفَةٌ, سَدَفٌ 1) кечқурунги ғира-шира пайт; 2) тонгдаги ғира-шира пайт

I **سَدَلَ** (*у*) سَدْلٌ 1) (*соч ни*) осилтириб (ташлаб) юбормоқ, (*сочни*) ёзмоқ; 2) (*дарпардани*) туширмоқ, тушириб қўймоқ; II سَدَّلَ (*сочни*) осилтириб (ташлаб) юрмоқ; IV أَسْدَلَ туширмоқ, осилтирмоқ; ~ سِتَارًا مِنَ النِّسْيَانِ عَلَيْهِ бирор нимани унутиб юбормоқ; أَسْدَلَ السِّتَارُ عَلَيْهِمْ улар унутилиб кетдилар, улар унут бўлиб кетдилар; V تَسَدَّلَ осилиб турмоқ, осилиб тушмоқ; VII اِنْسَدَلَ туширилмоқ, тушириб (*осилтириб*) қўйилмоқ

– سَدْلٌ[1] маржон ёки марварид шодаси

– سَدْلٌ[2] *кўп.* أَسْدَالٌ, سُدُولٌ 1) чойшаб; 2) дарпарда, парда

– مُسْدَلٌ осилиб тушган; ~ شَعْرٌ орқага ташлаб юборилган соч

I **سَدِمَ** (*а*) سَدَمٌ 1) ғамда қолмоқ, хафа бўлмоқ, қайғуда қолмоқ, изтироб чекмоқ; 2) афсусланмоқ, надомат қилмоқ

– سَادِمٌ афсусланувчи, надоматда қолган

– سَدَمٌ ғам, ташвиш, қайғу, алам

– سَادِمٌ = سَدْمَانُ

– سَدِيمٌ *кўп.* سُدُمٌ, أَسْدَامٌ 1) туман; норавшанлик, хиралик; 2) *астр.* астрономик объектларнинг тўпланиб туриши: ~ حَلَزُونِيٌّ ёки ~ لَوْلَبِيٌّ астрономик объектларнинг спиралсиман (бурама) бўлиб тўпланиб туриши; السُّدُمُ الَّا مَجَرِيَّةُ Somon йўли туркумидан ташқаридаги объектларнинг тўпланиб туриши

– سَدِيمِيٌّ *астр.* туманликлардан иборат бўлган

I **سَدَنَ** (*у*) سِدَانَةٌ 1) (*ибодатхонада*) хизмат қилмоқ, ходим бўлмоқ; 2) (*мас.*, *табаррук н. ларни*) асрамоқ, сақламоқ, авайламоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سَادِنٌ *кўп.* سَدَنَةٌ 1) (*ибодатхона*) ходими, хизматкори; (*муқаддас қадамжолардаги*) назоратчи; (*табаррук н. ларнинг*) қўриқловчиси, сақловчиси: الْكَعْبَةِ ~ Каъбатуллоҳ нозири; سَدَنَةُ التَّمَدُّنِ *маж.* цивилизация ва маданият ҳимоячилари; 2) *кўп.* (*самолёт ёки танкнинг*) экипажи; тўпни бошқарувчи аскарлар гуруҳи

– سِدَانَةٌ (*ибодатхонадаги*) хизмат

(سدو) II سَدَّى 1) бермоқ, ато этмоқ; ҳадя қилмоқ, тортиқ қилмоқ, совға қилмоқ; 2) (*газламанинг*) ўришини (ипини) тайёрламоқ; IV أَسْدَى (*қўл*) чўзмоқ, узатмоқ; الْأَيَادِيَ الْبَيْضَاءَ ~ хайр-эҳсон қилмоқ, лона қилмоқ, садақа қилмоқ; خِدْمَةً ~ (*бирор к. га*) хизмат қилмоқ, хизмат кўрсатмоқ (إِلَى). شُكْرًا ~ ташаккур билдирмоқ, раҳмат айтмоқ; ... الْعَوْنَ إِلَى ~ (*бирор к. га*) ёрдам қўлини чўзмоқ, ёрдам қилмоқ; مَعْرُوفًا ~ (*бирор к. ёки н. учун*) яхшилик қилмоқ, хайрли иш қилмоқ (إِلَى); النَّصِيحَةَ ~ маслаҳат бермоқ

– سَدَادٌ *кўп* أَسْدِيَةٌ 1) (*газламанинг*) ўриши 2) *бот.* оталиқ (*ўсимлик гулида*)

سَدَادٌ *кўп.* أَسْدِيَةٌ = سَدًى

– سُدًى[1] бекорга, бекордан-бекорга

– سُدًى[2] ташландиқ, эътибордан ташқаридаги; ~ إِبْلٌ эътиборга кирмаган туя

سَدَابٌ = سَدَبٌ, الْبَرِّ ~ *бот.* ёввойи рута (*кўп йиллик ўт ва чала бута*)

سَدَاجٌ, سَادِجٌ *кўп* سُدُجٌ 1) гўл, содда, соддадил; соддароқ, гўлроқ, анойи; 2) соддадил одам, гўл киши

– سَدَاجَةٌ соддалик, гўллик, соддадиллик

سِرٌّ 1) бош; عَسْكَرٍ ~ *ёки* دَارٍ ~ сардор, сараскар бош қўмондон; مُهَنْدِسٍ ~ бош муҳандис 2) бошлиқ, رُؤَسَاءِ التِّجَارِ ~ савдогарлар бошлиғи

I سَرَّ (*а/у*) سُرُورٌ 1) хурсанд қилмоқ, шод қилмоқ; вақтини чоғ қилмоқ, севинтирмоқ, овунтирмоқ, овунмоқ; ... يَسُرُّنِي أَنْ ...дан хурсандман; 2) سُرَّ (*бирор н. дан*) хурсанд бўлмоқ, шод бўлмоқ (ب); 3) киндигини кесмоқ; الصَّبِيَّ ~ боланинг киндигини кесмоқ. II سَرَّرَ хурсанд (шод) қилмоқ; мамнун қилмоқ; III سَارَّ сирга ошно бўлмоқ сирдан воқиф бўлмоқ; ҳеч кимга билдирмаслик шарти билан хабардор қилмоқ. IV أَسَرَّ 1) хурсанд (шод) қилмоқ; 2) сир сақламоқ, яширин ҳолда сақламоқ; 3) ҳеч кимга билдирмаслик шарти билан хабардор қилмоқ, (*бирор к. га*) шивирламоқ (إِلَى); 4) ичида ўкимоқ, шивирлаб ўкимоқ; V تَسَرَّرَ ўйнаш тутмоқ, ўйнаши бор бўлмоқ; VI تَسَارَّ ўзаро шивирлашмоқ, хуфя гаплашмоқ, бир-бирларининг сиридан воқиф қилишмоқ; X اسْتَسَرَّ 1) яшириномоқ, беркинмоқ; писиб юрмоқ, яшириниб ҳолда мавжуд бўлмоқ; 2) ўйнаш тутмоқ, ўйнаши бор бўлмоқ

– أَسَارِيرُ *кўп. қар.* سِرَارٌ

اسْتِسْرَارٌ эркак билан аёлнинг ғайриқонуний бирга яшаши, никоҳсиз бирга яшаш

– تَسَرُّرٌ = اسْتِسْرَارٌ

– سَارٌّ хурсанд қилувчи, шодлантирувчи; хурсанд, шод

– سُرٌّ *кўп.* أَسِرَّةٌ киндик

– سِرٌّ[1] *кўп.* أَسْرَارٌ 1) асрор, сир, сир-асрор; الْمَصُونُ ~ *ёки* ўта махфий тутилган сир; كَلِمَةُ السِّرِّ الْبَاتِعُ ~ *ёки* ўз одамларини таниб олиш учун олдиндан белгилаб қўйилган махфий сўз, пароль; فِي ~ *ёки* яширин ҳолатда. хуфёна, махфиёна; مَكْتُومًا ~ номаълумлигича қолмоқ; لَمْ يَبْقَ عَلَى ~ ... ҳеч кимга сир эмаски, ...; فِي ~ ичида тиловат қилмоқ, шивирлаб тиловат қилмоқ; فِي ~ لَعَنَهُ ичида бирор кимни лаънатламоқ; 2) (*авлиё*) қабри, мақбараси. قَدَّسَ اللهُ ~ Оллоҳ Таоло унинг қабрини табаррук қилсин!. Оллоҳ Таоло унинг сирларини табаррук қилсин!; 3) кўнгил, қалб, юрак, أَفْشَى ~ бирор кимни ташвишга қўймоқ, хавотирга солмоқ, хавотирлантирмоқ; وَ قَالَتْ فِي ~ هَا (~ هِمَا) у (*мн.*) ўзича деди ..., у (*мн.*) ўзича хаёл қилди; هَذَا مَا خَالَ فِي ~ هَا кўнглида (*мн.*) рўй берган нарса мана шу; 4) *шунингдек*: الْمُقَدَّسُ ~ *дин.* диний маросимларнинг бирида истеъмол қилинадиган вино ва нон (*христианларда*); 5) сир тутилган нарсани билиш; ◊ كَاتِبُ الْأَسْرَارِ котиб, секретарь; ~ كُمْ! соғлиғингиз учун! شَرِبَ ~ هُ бирор кимнинг соғлиғи учун ичмоқ; أَبِيهِ ~ الْوَلَدُ бола отасининг худди ўзи

– سِرَارٌ[2] *кўп.* أَسَارِيرُ, أَسْرَارٌ = سِرٌّ

– سَرَّاءُ хурсандлик, хушчақчақлик, хушхабар; عَيْشِهِ وَ ~ هَا سَاطِرَهَا у хурсандлик кунларини ҳам, аламли кунларини ҳам у (*мн.*) билан бирга ўтказди

– سِرَارٌ[1] *кўп.* أَسِرَّةٌ, أَسَارِيرُ 1) (*мас. қўлдаги, пешонадаги*) чизиқлар; أَسَارِيرُ الْوَجْهِ юз тузилиши, юз бичими; 2) (*мия*) бурмалари

– سَرَارٌ[2] = سِرَارٌ

– سِرَارُ الشَّهْرِ ~ ойнинг охирги туни

– سُرَارٌ (*мас. қўлдаги, пешонадаги*) чизиқ

– سُرَّةٌ *кўп* سُرَرٌ 1) киндик; 2) марказий пункт, маркази; الْبَلَدِ ~ шаҳар маркази; 3) (*ғилдиракнинг*) гупчаги, ступицаси

– سُرُورٌ хурсандлик, шодлик, мамнунлик; ~ بِـ хурсандлик билан, мамнуният билан; ~ لَا يُعَادِلُهُ وَجَدَ فِيهِ бирор нимага жуда хурсанд бўлмоқ

– سُرَّتِيٌّ киндикка оид; الْحَبْلُ السُّرَّتِيُّ киндик ичакчаси, кесилмаган киндик الْفَتْقُ السُّرَّتِيُّ *мед.* киндик даббаси

– سِرِّيٌّ 1) яширин, махфий; الْأَمْرَاضُ السِّرِّيَّةُ таносил касалликлари; 2) сирли, тилсимли; ~ لُولِيسُ изқувар, изтопар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

махфий агент; ~ حِبْرٌ қиздирганда *ёки* махсус модда билан ҳўллагандагина кўринадиган рангсиз сиёҳ; ~ـــةٌ جَلْسَةٌ яширин йиғилиш, ёпиқ мажлис; ~ـــةٌ مُحَاكَمَةٌ ёпиқ эшиклар ортидаги муҳокама (музокара)

– سَرِيرٌ *кўп.* أَسِرَّةٌ, سُرُرٌ каравот; (*касалхонадаги*) койка; ◊ ~ الْمَلِك тахт

– سَرِيرِيٌّ 1) каравотга оид; 2) клиникага оид, клиник

– سَرِيرَةٌ *кўп* سَرَائِرُ 1) ақл; қалб, жон; ~ طَيِّبُ الـــ очиққўнгил, соддадил, софдил; ~ فِي نَفْسِه қалбининг тўр-тўрида; 2) махфий тутилган фикр, сир; 3) ернинг силлиқ устки қатлами

– سِرِّيَّةٌ 1) махфийлик, (*бирор н. нинг*) яширин характери; ~ فِي تَامَّة мутлақо махфий ҳолда, ўта махфиёна; 2) сирлилик, махфийлик

– سُرِّيَّةٌ ўйнаш, никоҳсиз хотин

– مُسِرٌّ хурсанд қилувчи, хурсандлик олиб келувчи; хурсанд, хушчақчақ

– مَسَرَّةٌ *кўп.* ـــاتٌ шодлик, хуррамлик, хурсандлик; мамнуният, мамнунлик; ~ لِخَاطِرِه كَانَ هَذَا бу унинг учун катта хурсандлик эди

– مَسَرَّةٌ *кўп* مَسَارُّ 1) овозни кучэйтириб берувчи карнай; 2) телефон

– مَسْرُورٌ хурсанд бўлган, шод бўлган; шод, хуррам, хушчақчақ

سِرْطَاطٌ ич, сув ва асал қориб тайёрланган ширинлик

سِرَامِيكٌ сопол, керамика

سَرَايَةٌ, سَرَايٌ *кўп.* ـــاتٌ сарой, қаср; ~ الثَّقَافَةِ فِي نَمَنْغَانَ Намангандаги маданият саройи (уйи)

I سَرَأَ (*а*) سَرْءٌ уруғ сочмоқ, уруғ ташламоқ (*балиқ ҳақида*); тухум қўймоқ (*чигиртка ҳақида*); II سَرَّأَ = I

– سِرْءٌ *жам.* 1) икра (*балиқники*); 2) тухум (*чигиртканики*)

– سِرْأَةٌ 1) икранинг бир донаси (*балиқники*); 2) бир дона тухум (*чигиртканики*)

سُرْبٌ *жам.* серблар

– سُرْبِيٌّ серб миллатига мансуб киши; الـــةُ ~ серб тили

I (سرب) سَرَبَ (*у*) سُرُوبٌ 1) очиқликда (кенгликда) ўтлаб юрмоқ; 2) оқмоқ, оқиб ўтмоқ; سَرَبٌ (*а*) سَرَبٌ 1) оқмоқ, оқиб кетмоқ, сув ўтказиб юбормоқ; 2) ҳеч кимга билдирмай кетиб қолмоқ; II سَرَّبَ 1) ўтлатиш учун очиқликка олиб чиқмоқ; 2) ҳеч кимга билдирмай ичкарига ўтказиб юбормоқ; 3) ҳеч кимга билдирмай жўнатиб юбормоқ; V تَسَرَّبَ 1) сизиб кирмоқ, сизиб ўтмоқ, сизмоқ; 2) ҳеч кимга билдирмай кирмоқ; 3) адашмоқ, у ёқ-бу ёққа юрмоқ, адашиб тентирамоқ; VII اِنْسَرَبَ ҳеч кимга билдирмай кирмоқ, суқулиб кирмоқ, ўрмалаб кирмоқ, ўтиб олмоқ

– أُسْرُبٌ *алиф. б. қар.*

– تَسَرُّبٌ сизиш, сизиб оқиш, оқиб кетиш

– سَارِبٌ аниқ, равшан

– سَرَابٌ 1) сароб, хаёлий кўриниш; 2) *шунингдек кўп.* ـــاتٌ ахлат, нажас, оқава сув, оқизиб юбориладиган сув

– سَرَابَاتِيٌّ *кўп.* سَرَابَاتِيَّةٌ 1) ахлат тозаловчи, ахлатларни тозалаб юрувчи; 2) ассенизатор

– سَرَبٌ[1] *кўп.* أَسْرَابٌ ер ости йўли, лаҳм, туннель

– سَرَبٌ[2] ер остидаги уй, хона

– سِرْبٌ *кўп.* أَسْرَابٌ 1) пода; гала, ғуж; 2) оломон, тўда; гуруҳ, группа; 3) флотилия; (الطَّيَّارَات) ~ الطَّائِرَات эскадрилья; 4) қалб, юрак, жон; ~ آمِنَ الـــ хотиржам, кўнгил таскин топган ҳолда; فِي ~ـــه ичида, ўзича

– سَرَابَاتِيٌّ = سَرَبَاتِيٌّ *кўп.* سَرَبَاتِيَّةٌ

– سُرْبَةٌ *кўп* سُرُبٌ 1) пода; гала; ғуж; 2) диапазон, доира, минтақа

– مَسْرَبٌ *кўп* مَسَارِبُ 1) йўл, йўлак, йўлка; مَسَارِبُ الْحَدِيقَة боғдаги ариқ, ўқариқ; 2) сув оқизиб (тўкиб) юборишга мўлжалланган қувур (труба)

سَرْبَعَ шошилмоқ, ҳовлиқмоқ

– سَرْبَعَةٌ шошилиш, шошилганлик

سَرْبَلَ киймоқ, кийим киймоқ; تَسَرْبَلَ (*бирор н.*) киймоқ (ب), (*бирор н.*) кийиб ясанмоқ (ب)

– سِرْبَالٌ *кўп* سَرَابِيلُ кийим, кийим-бош; кўйлак

سَرْبَنْدٌ сарбанд, пешонабоғ, бош боғлайдиган матоҳ

I سَرَجَ (*у*) سَرْجٌ (*сочни*) ўрмоқ, ўриб қўймоқ; II سَرَّجَ 1) эгарламоқ, эгар урмоқ; 2) ўрмоқ, ўриб қўймоқ; 3) қавимоқ, сирмоқ, кўклаб қўймоқ, кўклаб чиқмоқ; IV أَسْرَجَ 1) эгарламоқ, эгар урмоқ; 2) ёқмоқ, олов ёқмоқ; ~ شَمْعَةً шам ёқмоқ

– سِرَاجٌ *кўп.* سُرُجٌ чироқ, лампа; ~ اللَّيْلِ *зоол.* ялтироқ қурт

– سَرَّاجٌ эгарчи, тўқимчи

– سِرَاجَةٌ 1) эгарчилик; 2) *вет.* манқа (*отларда бўладиган юқумли касаллик*)

– سُرُوجٌ *кўп.* سَرْجٌ эгар

– سَرَّاجٌ *кўп* سُرُوجِيٌّ = سُرُوجِيَّةٌ

– سُرُوجِيَّةٌ эгарчилик

– سِرَجٌ *алиф. б. қар.*

– مَسْرَجَةٌ *кўп.* مَسَارِجُ чироқни ўрнатишга мўлжалланган таглик, чироқпоя

– سِرَاجٌ = مِسْرَجَةٌ *кўп.* مَسَارِجُ

سَرْجَنَ ҳайдаб чиқармоқ, қувиб чиқармоқ; сургун қилмоқ, бадарға қилмоқ

– سِرْجِينٌ гўнг, ўғит

I (سرح) سَرَحَ (*а*) سَرْحٌ, سُرُوحٌ ўтламоқ, ўтлаб юрмоқ; 2) ўтлаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун қўйиб юбормоқ; 3) (*армияни*) тарқатиб юбормоқ; ◊ بِالْبَصَرِ ~ *ёки* الْبَصَرَ ~ қарамоқ, назар ташламоқ; وَ فَرَحَ ~ очиқ ҳавода бемалол сайр қилиб юрмоқ; وَ مَرِحَ عَلَى هَوَاهُ ~ ўз билганича (*ўзбилармонлик билан*) иш тутмоқ, хўжайинлик қилмоқ; عَقْلُهُ ~ ўйланиб қолмоқ, чуқур ўйга толмоқ; سَرَحَ (а) سَرْحٌ ўз иши билан машғул бўлмоқ, ўзининг ишини қилмоқ; II سَرَّحَ 1) ўтлаш учун қўйиб юбормоқ; 2) озодликка чиқармоқ, қутқазмоқ; тарқатиб юбормоқ; демобилизация қилмоқ; 3) эркинлик бермоқ, озодлик бермоқ; 4) талоқ қилмоқ; 5) (*бирор к. нинг ташвишини*) кетказмоқ, тарқатмоқ (عَنْ); 6) тарамоқ; شَعْرَهُ ~ сочини тарамоқ, таранмоқ; ◊ الْبَصَرَ فِي ... ~ *ёки* ... الطَّرْفَ فِي ~ (*бирор н. га*) бошдан-оёқ тикилиб қарамоқ; V تَسَرَّحَ таранмоқ, сочини тарамоқ, VII اِنْسَرَحَ 1) озодликка (эркинликка) чиқарилмоқ; 2) ўз оқими билан оқмоқ, қуйилмоқ; 3) бемалол ҳаракат қилмоқ; 4) (*бирор н. га*) чулғанмоқ, кўмилмоқ, берилиб кетмоқ (فِي); 5) бошламоқ; يُفَكِّرُ ~ у ўйлай бошлади, у ўйга толди; ... بِهِ الْفِكْرُ فِي ~ хаёлан у ...га бориб қолди, унинг хаёли ...ларда кезиб бошлади

– تَسْرِحَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) соч тараш, тараш, причёска; 2) пардоз буюмлари турадиган стол

– تَسْرِيحٌ *кўп.* اتٌ — 1) оммавий бўшатиш, оммавий озодликка чиқариш; *ҳарб.* тарқатиб юбориш; демобилизация; تَعْوِيضَاتُ الـ~ ишдан бўшаганда бериладиган ёрдам пули; 2) соч тараш; ~ عَادِمُ тараганда тараганда чиқадиган соч

– سَارِحٌ 1) ўтлатиб ... 2) ўтлаб юрган; ◊ الْفِكْرِ ~ ўйга толган, хаёли паришон ...ган

– سَرَاحٌ 1) озод қ... озодликка чиқариш; أَطْلَقَ ~ـهُ (*маҳбусни*) озод қилмоқ, очиқликка чиқармоқ; ~ـهُ مُطْلَقُ الـ... озод, эркин, ҳур; 2) талоқ қилинган хотинни оиласидикига жўнатиб юбориш

– سَرُوحٌ *кўп* سُرُحٌ ўтлаб юрган пода

– سَرْحَانُ *шунингдек:* فِكْرٍ ~ хаёлга ботган, хаёлга чўмган, орзуманд, ҳавасманд, орзу-ҳавас қилган

– سِرْحَانٌ *мн* سَرَاحِينُ, سَرَاحِينَةٌ, سَرَاحِينُ سَرَاحٍ бўри

– سَرَحَانٌ хаёлга чўмиш, хаёлга толиш, орзу-ҳавас қилиш, орзумандлик, ҳавасмандлик

– سَرْحَةٌ[1] *кўп* اتٌ — бўш жой, бўшлик, кенглик, бепоёнлик; ~ جَبِينٍ кенг пешона; пешона тарафдаги каллик (*соч тўкилган жой*)

– سَرْحَةٌ[2] *д. с.* катта дарахт, улкан дарахт

– سَرَحِيَّاتٌ *кўп* хаёллар парвози

– سَرِيحَةٌ *кўп.* سَرَّيِّحَةٌ 1) тарқатувчи, ташувчи; 2) *шунингдек:* ~ بَائِعٌ *кўп* ~ـةٌ بَاعَةٌ кўтариб юриб сотувчи

– سَرِيحٌ 1) енгил; 2) тез, шошилинч

– مُسَرَّحٌ демобилизация қилинган (қўшинлар сафидан бўшатилган)

– مَسْرَحٌ *кўп* مَسَارِحُ 1) *шунингдек:* التَّمْثِيلِ ~ театр; ~ الْـ الْخَيَالاَتِيُّ соялар театри; 2) *шунингдек:* ~ الْـ خَشَبَةُ الْـ саҳна; ~ الْـ الدُّوَلِيُّ халқаро соҳа, халқаро ҳаракатлар майдони; 3) *шунингдек:* ~ الْأَحْدَاثِ воқеалар содир бўлган жой

– مَسْرَحِيٌّ 1) театрга оид; саҳнага оид, саҳнавий; 2) драматик, التَّأْلِيفُ الْـ~ драматургия; ~ مُؤَلِّفٌ (كَاتِبٌ) драматург

– مَسْرَحِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — драма, драматик асар, пьеса

– مُنْسَرِحٌ 1) эркин, озод, ҳур, ихтиёри чекланмаган; ~ خَيَالٌ эркин хаёл, эркин фантазия; ~ الْفِكْرِ хаёлга ботган, хаёлга чўмган; 2) тез, тезкор, шошилинч; 3) мунсариҳ (*шеърий вазн номи*); ◊ الْقَامَةِ ~ сарвиқомат, қадди-қомати келишган, хушбичим

سَارُوخٌ *алиф.* б. *қар.*

سَرَخْسٌ *бот.* папоротник

I سَرَدَ (*у*) سَرْدٌ 1) санчиб тешмоқ, тешиб ўтказмоқ; 2) (*терини*) тикмоқ; 3) санаб чиқмоқ, ҳисоблаб чиқмоқ, (*бирор к. нинг сўзини*) келтирмоқ, иқтибос (цитата) келтирмоқ; الْحَدِيثَ ~ ҳикоя қилишда давом этмоқ; الصَّوْمَ ~ рўза тутишда давом этмоқ; II سَرَّدَ 1) санчиб тешмоқ, тешиб ўтказмоқ; 2) (*терини*) тикмоқ; VII اِنْسَرَدَ иқтибос (цитата) олинмоқ, иқтибос (цитата) келтирилмоқ

– سَرْدٌ[1] иқтибос (цитата) олиш, иқтибос (цитата) келтириш, (*ҳикоя ва ҳ. к. ларни*) нақл қилиш

– سَرْدٌ[2] 1) тешик, ҳалқанинг тешиги; ◊ ~ ثَلاَثَةُ урушиш ман қилинган уч ой (*зулқаъда, зулҳижжа ва муҳаррам ойлари*)

– مَسْرَدٌ *кўп* مَسَارِدُ рўйхат, жадвал, сарлавҳа

– مَسْرُودَةٌ тешилган, тешик очилган

– سُرَادِقٌ *кўп.* اتٌ — 1) чодир, ҳовли саҳни устига ёпиладиган пахтадан ишланган матоҳ; капа, палатка, 2) павильон, шийпон, айвон; 3) тахтиравон

– مُسَرْدَقٌ устига чодир тортилган

سِرْدَابٌ *кўп* سَرَادِيبُ 1) ер ости йўли, туннель; 2) ертўла; *гор.* ер остидаги уй, подвал

سِرْدَارٌ, سَرْدَارٌ сардор, бош қўмондан

– سَرْدَارِيَّةٌ 1) сардорлик унвони; 2) сардорлик (бош қўмондон) бошқармаси

سَرْدِينٌ *жам.* сардина (*сельдлар оиласига мансуб балиқ*)

سَرِيسٌ *бот.* сачратқи, талха

سَرْسَبَ сачратмоқ, сепмоқ, пуркамоқ

– سِرْسَابٌ руҳий эзилганлик, руҳий тушкунлик, касаллик васвасаси; тушкунлик, умидсизлик

– سَرْسَبَةٌ сачратиш, сепиш, пуркаш

سَرْسَعَ чирилламоқ (*қора чигиртка ҳақида*)

– سَرْسَعَةٌ чириллаш, чиғирлаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

سِرْسَامٌ *мед.* менингит, бош ва орқа мия қобиқларининг яллиғланиши

I **سَرَطَ** (*а*) سَرَطٌ ютмоқ, томоқдан ўтказмоқ, ютиб юбормоқ; VIII اسْتَرْطَ = I

– صِرَاطٌ = سِرَاطٌ

سَرَطَانٌ *кўп.* اتٌ ـــ қисқичбақа; *мед.* рак (*ўсимта касаллиги*); краб (*денгиз қисқичбақаси*); ~ بُرْجُ الـــ *астр.* Саратон буржи; ~ بَحْرِيٌّ денгизда яшовчи катта қисқичбақа; ~ الدَّمِ қон раки, оққон касаллиги; ~ الْعِظَامِ суяк раки; ~ اخْصَائِيُّ الـــ рак касаллиги бўйича мутахассис доктор (*онколог*); ~ مَعْهَدُ الـــ онкология институти; ~ مَاتَ بِالـــ ракдан вафот этмоқ

– سَرَطَانِيٌّ қисқичбақага оид; ракка оид; ~ النُّمُوُّ الـــ ракнинг катталашуви; ~ خَلَايَا ـــةٌ рак хужайралари; ~ وَرَمٌ ракка оид ўсма (*ўсимта*)

I سَرَعَ (*у*) سُرْعَةٌ 1) тезлашмоқ, тез бўлмоқ, тезламоқ; 2) шошилмоқ II سَرَّعَ тезлатмоқ, шошилтирмоқ, тез амалга оширмоқ; III سَارَعَ 1) шошилмоқ; 2) чопиш бўйича мусобақалашмоқ; ким ўзди ўйнамоқ; IV أَسْرَعَ 1) шошилмоқ; 2) шошилтирмоқ, тезлатмоқ; أَسْرَعَ فَمَا ~ أَنْ أَتَى طَبِيبٌ ва тезда табиб (врач) етиб келди; V تَسَرَّعَ шошилмоқ; VI تَسَارَعَ 1) бошқалар билан биргаликда шошилмоқ; 2) тезлашмоқ, тезлашиб кетмоқ

– أُسْرُوعٌ *кўп* أَسَارِيعُ *зоол.* капалак қурти

– تَسَارُعٌ *физ.* тезланиш

– تَسَرُّعٌ шошилганлик, ҳовлиқканлик, ҳовлиқмалик; шошилиш, шошма, шошма-шошарлик

– تَسْرِيعٌ тезлатиш; шошилтириш; илдамлаштириш

– سُرْعٌ *кўп* أَسْرَاعٌ тизгин, жилов

– سُرْعَانَ *ёки* سِرْعَانَ مَا ~ тездә, бир зумда, ҳозирок; ~ مَا تَغَيَّرَتِ الْحَالَةُ лекин бир зумда вазият ўзгарди

– سُرْعَةٌ 1) тезлик, суръат, илдамлик; ~ الْحَرَكَةُ الـــ катарли тезлик, хавфли тезлик; ~ الزَّاوِيَةِ бурчак тезлиги; ~ الصَّوْتُ товуш тезлиги; ~ فَوْقَ الصَّوْتِيَّةِ الـــ товуш тезлигидан юқори тезлик; ~ ـــ тезда, илдамлик билан, ~ الْبَرْقِ ـــ *ёки* خَاطِفَةِ ـــ яшин тезлигида; ~ عَلَى وَجْهِ الـــ жуда тез, жуда илдам; шошилишлик, шошма-шошарлик

– سَرِيعٌ *кўп* سِرَاعٌ 1) тез, илдам; шошилган, шошма-шошар; ~ тезда, яқин кунларда; ~ الْأَثَرِ тез таъсир қилувчи, тез кор қилувчи (*мас., заҳар*); ~ التَّأَثُّرِ тез таъсирланувчи, таъсирга (таассуротга) тез берилувчи, ~ الْانْتِهَابِ тез ёниб кетадиган, тез аланғаланадиган; ~ التَّصْدِيقِ тез ишонувчан, лақма; (الْعَطَبِ) ~ тез бузиладиган, тез айнийдиган, ~ الْخَاطِرِ топқир, зийрак, зукко, ~ الْغَضَبِ қизиққон, сержаҳл, баджаҳл; 2) сариъ (*шеър вазнларидан бирининг номи*)

– مُتَسَرِّعٌ шошилган, шошма-шошарлик қилган, ҳовлиққан

– مُسَارَعَةٌ шошилганлик, шошма-шошарлик, ҳовлиқмалик

– مُسْرِعٌ тез, тезкор, жадал, шошилган, шошма-шошарлик қилган, ҳовлиққан

– مِسْرَعٌ метроном (*ҳар тебранишида овоз чиқариб турадиган, музикачилар кўп ишлатадиган, тезлигини ўзгартириш мумкин бўлган механик асбоб*)

– مُسَرِّعٌ 1) тезлатувчи, илдамлатувчи, 2) *кўп* اتٌ ـــ *физ.* тезлатгич, тезлатувчи, ускоритель; ~ الـــ الذَّرِّيُّ атом тезлатгичи, атом ядросини таркибий қисмларга ажратадиган қурилма, циклотрон,

(صرف) IV أَسْرَفَ 1) исроф қилмоқ, меъёридан ошиқ сарф қилмоқ; 2) (*бирор н. га*) ҳаддан ошмоқ (في), (*бирор н. ни*) ҳаддан оширмоқ (في), (*бирор н. ни*) жуда ошириб юбормоқ (في)

– إِسْرَافٌ 1) исрофгарчилик, исрофгарчилик қилиш; 2) (*бирор н. да*) меъёрдан ошиб кетиш (في), ҳаддан ошиш, ҳаддан ошиб кетиш, чегарадан чиқиб кетиш

– سَرَفٌ 1) ҳаддан ташқарилик, ортиқчалик; ~ فِي غَيْرِ меъёрида, меъёри билан, исроф қилмасдан, 2) қонхўрлик, ёвузлик

– سُرْفَةٌ *кўп* سُرَفٌ *зоол.* 1) капалак, чивин ва ҳ. к. парнинг тухумидан янги чиққан курт; 2) қир чумоли, термит (*иссиқ мамлакатларда яшовчи зарарли ҳашарот*)

– سَرِيفٌ *кўп* سَرَائِفُ лойдан қурилган кулба (*Ироқда*)

– مِسْرَافٌ беҳудә сарф қилувчи, исрофгар, нобудгар

– مُسْرِفٌ 1) исрофгар, нобудгар, исроф қилувчи, 2) меъёрдан чиқиб кетувчи, чегарадан ўтиб кетувчи, ~ فِي الدِّقَّةِ ўта нозик, ўта ингичка

I **سَرَقَ** (*и*) سَرْقَةٌ, سِرْقَةٌ ўғирламоқ, ўғирлик қилмоқ; ўғирлаб кетмоқ, ўғри уриб кетмоқ; олиб қочмоқ; يَسْرِقُ الْكُحْلَ مِنَ الْعَيْنِ *мақл.* кўзингдаги сақични ҳам ўғирлаб олади (*олғир ўғрилар ҳақида*) (*сўзма-сўз:* кўздаги сурмагача ўғирлайди). II سَرَّقَ ўғирликда айбламоқ; III سَارَقَ (*бирор н. ни*) яширинча бажармоқ; ~ النَّظَرَ ـــهُ *ёки* النَّظَرَ إِلَيْهِ бирор кимга яширинча қарамоқ; ~ السَّمْعَ сездирмай (ўғринча) қулоқ солмоқ, VII انْسَرَقَ 1) заифлашмоқ, кучсизланмоқ, кучи кетмоқ, 2) ўғирланмоқ, йўқолмоқ, ... فِي ~ *ёки* ... إِلَى (*бирор жойга*) ҳеч кимга билдирмай кирмоқ; VIII اسْتَرَقَ = III

– سَارِقٌ *кўп* سُرَّقٌ, سَرَقَةٌ ўғри; ~ الْمُؤَلَّفَاتِ кўчирмачи, адабий ўғри, плагиатор

– سَارِقَةٌ ўғри аёл (хотин)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سَرَّاقٌ 1) қаллоб, фирибгар, қув, тирриқ, ғирром; 2) ўғри; 3) дастарра, қўларра

– سِرْقَةٌ = سَرِقَةٌ

– سِرْقَةٌ *кўп.* اتٌ — ўғрилик, ўғирлик; بِإِكْرَاهٍ ~ талончилик, босқинчилик, талаш; أَدَبِيَّةٌ ~ адабий ўғирлик, кўчирмачилик, плагиаторлик; جُنُونُ الـ~ ўғирликка мойилликдан иборат руҳий касаллик

– سَرِيقَةٌ ўғирланган нарса

– مُسَارَقَةً: فِي ~ وَ تَلَصُّصٍ ҳеч кимга билдирмасдан, яширинча, ўғринча, ўғриларча, пинҳона

– مَسْرُوقَاتٌ *кўп.* ўғирланган нарсалар

– مُنْسَرِقٌ кучсизланган, ҳолдан тойган, الْقُوَى ~ кучдан қолган

سِرْقِينٌ гўнг, ўғит

سِرْكٌ *кўп.* أَسْرَاكٌ цирк

سَرْكَالٌ *кўп.* سَرَاكِيلُ ўнбоши, ишбоши, оқсоқол, бошлиқ, саркор (*Ироқда*)

سَرْكِيٌّ *кўп.* سَرَاكِيُّ 1) тўлов ҳақидаги фармон; 2) даллол хат ёзиб берган қоғозча; 3) ҳисоб-китоб дафтарчаси; الْعَمَلِ ~ бажарилган ишлар ҳисоб-китоби ёзилган дафтарча

سُرْمٌ *кўп.* أَسْرَامٌ *анат.* тўғри ичак; орқа чиқариш тешиги

سَرْمَدٌ, سَرْمَدِيٌّ абадий, абадулабад, умрбод, мангу

– سَرْمَدِيَّةٌ абадийлик, умрбодлик, мангулик

سِرِنْجَةٌ *кўп.* اتٌ — шприц

سَرْهَدَ боқмоқ, боқиб ўстирмоқ, боқиб катта қилмоқ, боқиб тарбияламоқ

– سَرْهَدَةٌ боқиш, ем бериб боқиш, овқат бериб боқиш

I سَرَا (سرو) (*u*) سَرْوٌ, سَرَاوَةٌ зоти улуғ бўлмоқ, мартабаси улуғ бўлмоқ, ҳурматли бўлмоқ, аслзодалардан бўлмоқ; I سَرُوَ (*u*) = سَرَا (*u*). II سَرَّى 1) (*ғам-ташвишни*) нарига кетказмоқ, (*ғамни*) узоқлаштирмоқ; ... (*бирор к. га*) тасалли бермоқ; (*бирор к. ни*) кўнглини очмоқ, вақтини чоғ қилмоқ; عَنْهُ سُرِّيَ у ўзига келди, у ҳушига келди; унинг кўнгли таскин топди, унинг кўнгли тинчиди; ~ عَنْ نَفْسِهِ — бирор нима билан овунмоқ, бирор нима билан вақтини чоғ қилмоқ; V تَسَرَّى ўйнаш тутмоқ, маъшуқаси бор бўлмоқ; VII انْسَرَى узоқлаштирилмоқ, четлаштирилмоқ; عَنْهُ ~ = سَرَّى عَنْهُ *қар.*

– تَسْرِيَةٌ тасалли бериш, кўнгилни очиш, вақтни чоғ қилиш, لِلتَّسْلِيَةِ وَ الـ~ роса вақтичоғлик қилиш учун; масза қилиб, кўнгил очиш учун

– سَرَاةٌ *кўп.* سَرَوَاتٌ 1) орқа, елка; (*бирор н. нинг*) юқори қисми, тепаси; 2) ўрта қисм; 3) доҳий; ◊ يَوْمِهِ ~ кун бўйи

– سَرَاوَةٌ аслзодалик, мартабаси улуғлик, машҳурлик

– سَرْوٌ[1] *бот. жин.* сарв дарахтлари

– سَرْوٌ[2] саховат, сахийлик

سَرْوَةٌ *кўп.* سَرَوَاتٌ сарв дарахти

– سَرِيٌّ[1] *кўп* سُرَاةٌ, أَسْرِيَاءُ 1) аслзода, мартабаси улуғ, машҳур, эътиборли; 2) оқсуяклар вакили, дворян

– سَرِيٌّ[2] жилға, ариқ, анҳорча

– سُرِّيَّةٌ *қар.* سَرٌّ

سَرْوَلَ лозим (иштон, шалвор) кийгизмоқ; تَسَرْوَلَ лозим (иштон, шалвор) киймоқ

– سِرْوَالٌ *мз. мн. кўп* سَرَاوِيلُ, سَرَاوِيلَاتٌ лозим, иштон, шалвор, кальсон, панталон

– مُسَرْوَلٌ: حَمَامَةٌ ~ـةٌ оёғида пати бор каптар, пайпоқли каптар

I سَرَى (*u*) سُرًى, سَرَيَانٌ 1) тунда юрмоқ, кечаси йўл юрмоқ; 2) оқмоқ, айланмоқ (*мас., қон ҳақида*); 3) ҳаракатда бўлмоқ, мажбурий кучга эга бўлмоқ, (*бирор к. га*) тааллуқли бўлмоқ (عَلَى), (*бирор к. га*) татбиқ (жорий) қилинмоқ (عَلَى); يَسْرِي الْقَانُونُ عَلَى الْمَاضِي *юр.* қонун эълон қилинмасдан илгариги ишларга ҳам татбиқ (жорий) этилади; IV أَسْرَى 1) кечаси йўл юрмоқ, кечаси саёҳатга чиқмоқ, кечаси саёҳат қилмоқ; 2) (*бирор н. ни бирор томонга*) кечаси кўчирмоқ, олиб ўтмоқ (إِلَى ... ب)

– إِسْرَاءٌ тунги саёҳат; الـ~ исро (*Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккаи мукаррамадан Қуддуси шарифга қилган тунги сафарлари*)

– سَارٍ *мн* سَارِيَةٌ *кўп* سُرَاةٌ 1) сафар қилуачи, саёҳат қилувчи, юрувчи; 2) амалдаги, амалда қўлланадиган; سَارِي الْمَفْعُولِ *қар.* مَفْعُولٌ

– سَارِيَةٌ *кўп* سَوَارٍ 1) тундаги булут, тун булути; 2) кемада елканларни осиб қўйиш учун қилинган устун, дор, мачта; ~ الْبَرْقِ радиомачта; 3) ёғоч устун, столб

– سُرَى *мн. мз.* тунги саёҳат, тунги сафар; عِنْدَ الصَّبَاحِ يَحْمَدُ الْقَوْمُ الـ~ *мкл.* кечаси ётиб ўйла-эргаси туриб сўйла (*сўзма-сўз:* тонг отгач, одамлар тунги саёҳатни мақтайдилар)

– سَرِيٌّ *кўп.* سُرْيَانٌ, أَسْرِيَةٌ сой, анҳор, жилға, ариқ

– سَرِيَّةٌ *кўп* سَرَايَا 1) отряд; рота; 2) *шунингдек:* الْخَيْلِ ~ *ёки* ~ خَيَّالَةٌ отлиқ отряд, отлиқ эскадрон

– مَسْرًى 1) (*мас., қоннинг*) оқиши, юриши, айланиши; 2) тунги саёҳат, тунги сафар; مُحَمَّدٍ ~ *дин.* Муҳаммад алайҳиссаломнинг Маккаи мукаррамадан Қуддуси шарифга қилган тунги сафарлари (*соп* إِسْرَاءٌ)

سُرْيَانٌ ассурийлар

سُرْيَانِيٌّ 1) ассурийларга (*сурёнийларга*) оид; الـ~ـةُ ўрта ассурий (сурёний) тили; 2) ассурий (сурёний) киши

www.ziyouz.com kutubxonasi

أُسْطُبَّةٌ *алиф. б. қар.*

مَسْطَبَةٌ *кўп.* مَسَاطِبُ 1) сабзавот экиш учун ажратилган ер майдони, томорқа; 2) мастаба, тошдан қилинган супа; уй деворига туташтириб тупроқдан қилинган супа

I سَطَحَ (*а*) سَطْحٌ 1) ёймоқ, ёзмоқ, ёзиб юбормоқ; 2) (*хамирни*) ёймоқ; 3) текисламоқ, бараварламоқ, тўғриламоқ; 4) тўшамоқ, қопламоқ, ётқизмоқ; 5) ерга қулатмоқ, ерга ағдармоқ, ерга йиқитмоқ; II سَطَّحَ тенглаштирмоқ, тенг қилмоқ; 2) текисламоқ, силлиқламоқ; 3) баравар қилиб қўймоқ, тўшамоқ, ётқизмоқ; *техн.* сатҳни текисламоқ; ◊ هُمْ عَلَى مُسْتَوًى وَاحِدٍ ~ ҳаммани тенглаштириб қўймоқ, ҳаммани бир хил даражага келтирмоқ; V تَسَطَّحَ 1) тўшалмоқ, ёйилмоқ, ёзилмоқ; 2) ёйилиб кетмоқ; 3) текисланмоқ, бараварлашмоқ, тўғриланмоқ; 4) тепага қараб ётмоқ; VII اِنْسَطَحَ 1) текисланмоқ, тўғриланмоқ; 2) кенг ёзилмоқ, кенг ёйилмоқ; тепага қараб ётмоқ

– تَسْطِيحٌ 1) текислаш, тенглаштириш; 2) сатҳни текислаш; проекция

– سُطَّاحٌ ер бағирлаб ўсадиган ўсимлик

– سَطْحٌ *кўп.* سُطُوحٌ, أَسْطُحٌ 1) юза, уст, устки қисм; текислик, яссилик, ялпоқлик; ~ الْأَرْضِ ер юзаси, ернинг устки қисми, ~ الْبَحْرِ денгиз сатҳи, денгизнинг устки кисми; ~ الْبَاخِرَةِ палуба, пароход *ёки* кеманинг устки қисми (сатҳи); 2) *шунингдек:* ~ الْبَيْتِ текис том, уйнинг текис томи;3) терраса, текис жой; 4) *мат* текислик; مَائِلُ ~ қия текислик

– سَطْحِيٌّ 1) текис, текисликка (сатҳга) оид, сатҳий; 2) юзаки, саёз, чуқур бўлмаган; ~ًا юзаки равишда

– سَطْحِيَّةٌ юзакилик, саёзлик, енгил-елпилик

– سَطِيحٌ 1) текис, ўнқир-чўнқир бўлмаган, силлиқ, кафтдек (текис); ясси, ялпоқ; 2) ястаниб ётган; 3) (*касалликдан сўнг*) нимжон заиф бўлиб қолган

– سَطِيحَةٌ (*касалликдан сўнг*) жуда нимжон бўлиб қолган

– مِسْطَاحٌ 1) хурмо мевалари ёйиб қўйилган очиқ текислик; 2) хурмо меваси сотиладиган бозор

– مَسْطَحٌ *кўп* مَسَاطِحُ 1) юза, уст, устки қисм, сатҳ; 2) қуритиш учун хурмо ёйиладиган текис жой

– مُسَطَّحٌ 1) текисланган, силлиқланган; текис; عَرَبَةٌ ~ـةٌ очиқ вагон, вагон-платформа; 2) *кўп.* ~اتٌ ـــ майдон, очиқлик, очиқ майдон; ◊ الْمِتْرُ الْـ~ квадрат метр

I سَطَرَ (*у*) سَطْرٌ 1) чизмоқ, чизиқ тортмоқ, чизиқ ўтказмоқ; 2) ёзмоқ, хат ёзмоқ; II سَطَّرَ 1) чизмоқ, чизиқ чизмоқ, чизиқ ўтказмоқ; 2) жуда кўп ёзмоқ, ёзавермоқ; тез ёзмоқ, апил-тапил ёзмоқ; V تَسَطَّرَ 1) чизилмоқ, чизиб ташланмоқ; 2) ёзилавериб ишдан чиқмоқ; VIII اِسْتَطَرَ = I

– أَسَاطِيرِيٌّ афсонавий, афсонага асосланган, эртаксимон, асотирий

– أُسْطُورَةٌ = إِسْطَارَةٌ

– أُسْطُورَةٌ *кўп.* أَسَاطِيرُ 1) нақл, ривоят, чўпчак; афсона, асотир, миф; 2) эртак; масал; ҳикоя; тарих

– أُسْطُورِيٌّ афсонавий, ақлга сиғмайдиган, мифга оид, мифологик, эртаксимон; ~ـةٌ ثَرْوَاتٌ афсонавий бойлик

– سَاطُورٌ *кўп.* سَوَاطِيرُ катта пичоқ, ошпичоқ

– سَطْرٌ *кўп.* سُطُورٌ, أَسْطُرٌ 1) чизиқ, линия; 2) сатр, حَيَاةُ الْفَقِيدِ فِي سُطُورٍ марҳумнинг ҳаёти ҳақида икки оғиз сўз (*сўзма-сўз:* марҳумнинг ҳаёти сатрларда); ◊ فَهِمَ مِنْ بَيْنِ سُطُورٍ ёзилган нарсанинг асл маъносини тушуниб етмоқ

– مِسْطَارٌ[1] 1) куракча, белча, белкуракча, мастерок; 2) чизмачиликда туш *ёки* сиёҳ билан чизадиган асбоб

– مِسْطَارٌ[2] шаробнинг бир тури

– مُسَطَّرٌ чизиқ тортилган, тўғри чизиқли (*дафтар*)

– مَسْطَرَةٌ, مِسْطَرَةٌ *кўп.* مَسَاطِرُ 1) чизғич, линейка; ~ حَاسِبَةٌ логарифмик ҳисоб линейкаси; 2) намуна, нусха; 3) (*мас., қўлёзмадаги*) сатрлар сони

– مِسْطَارٌ = مَسْطَرِينٌ

– شَطْرَنْجٌ = سَطْرَنْجٌ

I سَطَعَ (*а*) سُطُوعٌ 1) кучли ёритмоқ, қамашадиган тарзда ялтирамоқ; 2) кўтарилмоқ (*мас., чанг*); 3) тарқалмоқ, босмоқ (*мас., ҳид*); 4) аниқ бўлмоқ, равшан бўлмоқ

– سَاطِعٌ 1) ёруғ, кўзни қамаштирадиган; 2) жуда қаттиқ, жуда кучли, тешиб юборадиган; 3) аниқ, равшан

– سَطْعٌ 1) чапак чалиш, қарсак чалиш; 2) (*тушиб кетган н. дан чиққан*) товуш

– سُطُوعٌ ярқираш, ялтираш, равшанлик; بِـ~ равшан ҳолатда

I سَطَلَ (*у*) سَطْلٌ гангитмоқ, бошни айлантирмоқ, маст қилмоқ; VII اِنْسَطَلَ 1) гангимоқ, бош айланмоқ, маст бўлмоқ; 2) наша чекиб олмоқ, наша чекмоқ

– أَسْطُولٌ *алиф. б. қар.*

– سَطْلٌ *кўп.* سُطُولٌ, أَسْطَالٌ пақир, челак, қовға, ёғоч пақир; (*экскаватор ва ҳ. к. ишч*) чўмичи, ковш

– سَطْلَةٌ *кўп* سُطَلٌ нашанинг ясси қилиб тайёрланган ҳабдориси

– مَسْطُولٌ *кўп.* مَسَاطِيلُ 1) ширакайф, сархуш; маст; наша *ёки* қорадори ичиб кайфи ошган

I سَطَمَ (*у*) سَطْمٌ 1) ёлмоқ, беркитмоқ; тиқмоқ, тиқиб бекитмоқ; 2) тўсмоқ, тўсиқ ҳосил қилмоқ; 3) سُطِمَ битиб қолган бўлмоқ (*бурун ҳақида*)

– سِطَامٌ[1] тиқин, тиқилинч; пўк (*шишадаги*)

– سِطَامٌ[2] қиличнинг тиғи (дами)

II (سطر) (*у*) سَطْرٌ, سَطْوَةٌ бостирмоқ, бостириб кирмоқ, ҳужум қилмоқ, (*бирор к. га*) ташланмоқ (عَلَى ,ب); (*бирор жойга*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

зўрлик билан бостириб кирмоқ (عَلَى)

– سَطْوٌ 1) ҳужум, ҳужум қилиш, тажовуз, босқин; 2) куч, қувват; қудрат

– سَطْوَةٌ *кўп.* سَطَوَاتٌ 1) ҳужум, ҳужум қилиш, тажовуз, босқин; 2) куч, қувват; қудрат; 3) ҳукмронлик; таъсирлилик, эътиборлилик, мўътабарлик

زَعْتَرٌ = سَعْتَرٌ

I سَعِدَ (*а*) سَعَادَةٌ бахтли бўлмоқ, бахт-иқболли (саодатли) бўлмоқ; омади чопмоқ, муваффақият қозонмоқ, муваффақиятга эришмоқ; وَ لَقَدْ ~ تُ بِالْاِسْتِمَاعِ إِلَيْهِ мен шахсан уни эшитиш бахтига муяссар бўлганман; III سَاعَدَ ёрдам бермоқ, ёрдами тегмоқ, нафи тегмоқ; имкон бермоқ, имконият туғдирмоқ; қўллаб-қувватламоқ, қўлламоқ; IV أَسْعَدَ 1) бахтли (саодатли) қилмоқ, бахтиёр қилмоқ; وَ كَمْ يُسْعِدُنِي أَنْ أُصَرِّحَ ... ...ни маълум қилишдан қанчалар бахтлиман; 2) бойитмоқ; X اِسْتَسْعَدَ бахтли деб ҳисобламоқ

– إِسْعَادٌ ёрдам, кўмак, ҳамкорлик, ёрдамлашиш, кўмак бериш

– سَاعِدٌ *кўп.* سَوَاعِدُ қўл; билак; *анат.* билак суяги; ◊ ~ُهُ اشْتَدَّ ўсиб катта бўлмоқ, кучга кирмоқ, кучли бўлиб етишмоқ; ~ُهُ فَتَّ فِي *қар.* فَتَّ; ~ُ الطَّيْرِ қушнинг қанотлари

– سَاعِدَةٌ *кўп.* سَوَاعِدُ ирмоқ (*дарёдаги*)

– سَعَادَةٌ 1) бахт, саодат, иқбол; омад, ютуқ, муваффақият; دَارُ الـ~ Дорус-саодат (*Бахт уйи –Истамбул шаҳрининг фахрий номларидан бири*); 2) *тар.* жаноби олийлари (*Туркия ва Мисрдаги олий унвонли амалдорларга-пошоларга мурожаатда, уларга нисбатан ишлатилган*); صَاحِبُ الـ~ ҳазрати олийлари

– سُعَادَى, سُعْدٌ *бот.* 1) қиёқ, барди; саломалайкум (*ўт-алаф*)

– سَعْدٌ *кўп.* سُعُودٌ бахт, саодат, иқбол; омад, ютуқ, зафар, муваффақият

– سَعْدَانٌ[1] *кўп.* سَعَادِينُ маймун

– سَعْدَانٌ[2] туялар яхши кўриб ейдиган ўсимлик

– سَعْدَانَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) (*кўкракнинг*) тугмаси. 2) (*эшикнинг*) думалоқ тутқичи (дастаси, қабзаси)

– سَعْدَنَةٌ 1) кўр-кўрона тақлид қилиш, маймундек тақлид қилиш, 2) *кўп.* اتٌ — найранг, ҳийла, ҳийла-найранг; ҳазил

– سُعْدَى *ат. от. мн.* Суъдо

– سَعُودِيٌّ - 1) Саудияга оид, саудий; 2) Саудия Арабистонида яшовчи

– سَعِيدٌ *кўп.* سُعَدَاءُ 1) бахтли, саодатли, иқболли, омадли; وَ إِنِّي لَسَعِيدٌ بِأَنْ أُقَدِّمَ لَكُمْ ... мен сизга ...ни тақдим этиш билан бахтиёрман; 2) соғ-саломат, бардам, бехатар; ◊ ~ حَادِثٌ кутилаётган чақалоқнинг туғилиши

– مُسَاعِدٌ 1) ёрдам берувчи, ёрдам кўрсатувчи, ёрдамчи; қулай, ўнғай; 2) бирга борадиган, ҳамроҳ; 3) иккинчи даражали; 3) ёрдамчи, ўринбосар; ~ أُسْتَاذٌ доцент, кичик илмий ходим. адъюнкт

– مُسَاعَدَةٌ 1) ёрдам, ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш; مَالِيَّةٌ ~ ёрдам учун бериладиган пул, молиявий ёрдам, субсидия; عِلْمِيَّةٌ ~ илм-фанни ривожлантириш учун бериладиган ёрдам, субсидия; ~ مَدَّ يَدَ الـ~ ёрдам қўлини чўзмоқ; 2) ўзаро ёрдам, ҳамкорлик

– مُسْعَدٌ бахтли, саодатли, иқболли

– مَسْعُودٌ бахтиёр қилинган, бахтли қилинган; бахтли, бахтиёр, масъуд

I سَعَرَ (*а*) سَعْرٌ 1) ёндирмоқ, гуруллатиб ёқмоқ, алангасини осмонга чиқармоқ, ўт ёқмоқ; 2) سُعْرَ қутурмоқ (*ит ҳақида*); II سَعَّرَ 1) ўт ёқмоқ, олов ёқмоқ, гуруллатиб ёқмоқ, алангасини осмонга чиқармоқ; الْحَرْبَ الْبَارِدَةَ ~ совуқ урушни бошламоқ, совуқ урушни авж олдирмоқ; 2) баҳо қўймоқ, нарх белгиламоқ, нарх қўймоқ; *мол.* курсни белгиламоқ, чет эл пуллари ва ҳ. к. ларнинг биржадаги қийматини аниқламоқ; III سَاعَرَ савдолашмоқ, савдо-сотиқ қилмоқ; IV أَسْعَرَ (*олов*) ёқмоқ, ёндирмоқ; V تَسَعَّرَ 1) алангаланмоқ, ёнмоқ, ловилламоқ; 2) баҳоланмоқ, нархи қўйилмоқ, нархи белгиланмоқ; VII اِنْسَعَرَ қутурмоқ (*ит ҳақида*); VIII اِسْتَعَرَ ёнмоқ, ўт олмоқ, гуруллаб ёна бошламоқ; алангаланиб ёнмоқ

– تَسْعِيرٌ - 1) ўт (олов)' ёқиш; 2) нарх белгилаш (қўйиш); *мол.* чет эл пулларининг биржадаги қийматини белгилаш

– تَسْعِيرَةٌ *кўп.* اتٌ — белгиланган нарх миқдори, тариф; нарх белгилаш. нарх, қиймат, такса

– سَعَّارٌ нарх белгиловчи

– سُعَارٌ 1) илиқлик. иссиқлик, 2) ўта очлик, ўта қорин очлик; 3) қутуриш, қутурганлик

– سِعْرٌ *кўп.* أَسْعَارٌ нарх, баҳо, қиймат, курс; ... ~ بِـ ... баҳосида, ... нархида; الْيَوْمَ ~ُ бугунги нарх билан (нархда); ~ أَصْلِيٌّ ўз баҳоси, номинал баҳо; ~ الْبَيْعِ сотув нархи. сотувдаги нарх; ~ التَّعَادُلِ қимматбаҳо қоғозлар таннархининг биржадаги нарх-навога учма-уч тенг келиши; ~ التَّكْلِفَةِ таннарх, аппари курси; ~ ثَابِتٌ қатъий баҳо (нарх); ~ جَارٍ бозор нархи (баҳоси), прейскурант; ~ الْخَصْمِ *ёки* ~ الْقَطْعِ векселларнинг биржадаги қиймати; ҳисоб ставкаси; ~ الشِّرَاءِ сотиб олиш нархи (баҳоси); ~ الصَّرْفِ айирбош қилиш курси, алмаштириш курси; أَسْعَارُ الْعُمْلَةِ валюта қиймати; ~ الْفَائِدَةِ фойда қиймати; ~ الْمُبَادَلَةِ қундалик нарх (баҳо), أَسْعَارُ الْجُمْلَةِ улгуржи нархлар; أَسْعَارُ الْمُفْرَقِ *ёки* ~ الْقِطَاعِيِّ чакана нархлар; ~ بَيَانُ الـ~ нарх-наво жадвали,. الْبِضَاعَةِ *савдо.* сиф (*товарнинг сугурта пули қўшиб ҳисобланган кейинги нархи*), ~ الْكُمْبْيُو *қар.* كُمْبْيُو

– سَعْرَى *кўп.* سَعَارَى ақлдан озган, тентак, телба, савдойи

– سُعْرٌ 1) қутурганлик; ақлдан озганлик, телбалик, савдойилик;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) иссиқлик; 3) ўта қорин очлик; 4) *шунингдек:* حَرَارِيٌّ ~ *физ.* калория

– سَعْرَانٌ қутурган, қутуриб қолган

– سَعْرَةٌ қутуриш, қутурганлик

– سُعْرَةٌ *кўп.* سُعَرٌ *физ.* калория (*Ироқда*)

– سُعْرِيَّةٌ калориялилик

– سَعِيرٌ *кўп.* سُعُرٌ олов, ўт, аланга; дўзах

– مُسْتَعِرٌ гуриллаб ёнаётган, алангаланаётган; ~ حِقْدٌ кучли нафрат

– مِسْعَارٌ *кўп.* مَسَاعِيرُ 1) темир косов; 2) ўт қўювчи, олов ёқувчи; васваса солувчи, иғвогар, фитначи; مَسَاعِيرُ الْحَرْبِ уруш оловини ёқувчилар

– مِسْعَرٌ *кўп* = مَسَاعِرُ

– مُسَعِّرٌ 1) ўт қўювчи, олов ёқувчи; مُسَعِّرُو الْحَرْبِ уруш оловини ёқувчилар

سَعْرَانٌ = مَسْعُورٌ

(سعط) IV أَسْعَطَ бурунга (*дори*) томизмоқ, бурунга (*дори*) қуймоқ; VIII اسْتَعَطَ бурнаки тамаки чекмоқ, тамаки ҳидламоқ

– سَعُوطٌ бурнаки тамаки; ~ عُلْبَةُ الـــ тамакидон

– مِسْعَطٌ тамакидон

I **سَعَفَ** (*а*) سَعْفٌ ёрдам қилмоқ, ёрдам кўрсатмоқ, ёрдам қўлини чўзмоқ; қўлламоқ; III سَاعَفَ ёрдам қилмоқ, кўмаклашмоқ; IV أَسْعَفَ 1) ёрдам кўрсатмоқ, биринчи ёрдамни кўрсатмоқ

– إِسْعَافٌ ёрдам қилиш, ёрдам кўрсатиш; ~ الْأَوَّلُ биринчи ёрдам кўрсатиш; ~ جَمْعِيَّةُ الـــ тез ёрдам жамоаси; ~ عَرَبَةُ الـــ *ёки* ~ مَرْكَبَةُ الـــ *ёки* ~ سَيَّارَةُ الـــ тез ёрдам машинаси; ~ رِجَالُ الـــ (*тез ёрдам машинасидаги*) санитарлар

– إِسْعَافَاتٌ *кўп.* дори-дармонлар

– إِسْعَافِيٌّ санитар

– سَعْفٌ ёрдам

– سَعَفٌ *кўп.* سُعُوفٌ хурмо дарахтининг узун барглари; أَحَدُ ~ الـــ (*христианларда*) пасха ҳафтасидан олдинги якшанба куни бўладиган сайил, маросим

– سَعَفِيٌّ хурмо дарахтининг узун баргларидан ишланган

– سَعْفَةٌ (*чақалоқ бошидаги*) чақа, яра, қасмоқ, қора қўтир

– مُسْعِفٌ ишга ёрдам берадиган, фойдали, манфаатли

I **سَعَلَ** (*у*) سُعَالٌ йўталмоқ

– سُعَالٌ йўтал; ~ الـــ الدِّيكِيُّ *мед.* кўкйўтал; ◊ ~ الْخَيْلِ жўткирув (*отларда бўладиган нафас қисилиши*); حَشِيشَةُ ~ الـــ *бот.* кўка, туятовон (*катта барглы ва сариқ гулли кўп йиллик ўсимлик*)

– سُعْلَاءُ, سَعْلَاةٌ *кўп.* سَعَالٍ шаллақи хотин, манжалақи

– سُعْلَةٌ йўтал; ~ حُبُوبُ الـــ йўталга қарши ҳабдори, йўталдори

– سِعْلَاءُ = سِعْلَى

سُعْنٌ *кўп.* سَعَنَةٌ, أَسْعَانٌ теридан ишланган идиш, саноч, меш; ◊ أَبُو ~ *зоол.* марабу (*лайлаксимонлар оиласига мансуб катта қуш*): ҳинд марабуси; жиғилдони катта ҳинд лайлаги

وسع *қар.* سَعَةٌ

I (سعى) **سَعَى**[1] (*а*) سَعْيٌ 1) интилмоқ, шитоб билан ёпирилмоқ, югурмоқ, чопмоқ; ~ حَوْلَ الْكَعْبَةِ *дин* Каъба атрофида югурмоқ, саъй (тавоф) қилмоқ; ~ بَيْنَ الصَّفَا وَ الْمَرْوَةِ *дин.* (*ҳаж вақтида*) Сафо ва Марва тепаликлари ўртасида югурмоқ; 2) жўнамоқ, кетмоқ; ~ عَلَى قَدَمَيْهِ пиёда юрмоқ; ~ بِخُطًى وَاسِعَةٍ катта-катта қадам ташлаб юрмоқ; 3) (*бирор н. га*) интилмоқ (إِلَى); 4) ҳаракат қилмоқ, уринмоқ; (*бирор н. устида*) ишламоқ; (*бирор н. га*) эришмоқ, етишмоқ (فِي); ~ جُهْدَهُ فِي ... (*бирор н. га*) қаттиқ ҳаракат қилмоқ; 5) (*к. нингдир олдида к. учундир*) илтимос қилмоқ (لَدَى); 6) (*бирор к га. қарши*) фитна (найранг) ишлари олиб бормоқ (عَلَى); سَعَى[2] (*а*) سِعَايَةٌ 1) (*бирор к. ҳақида*) чақимчилик қилмоқ (ب); 2) (*бирор к. га*) туҳмат қилмоқ, бўҳтон қилмоқ, ғийбат қилмоқ (ب)

– سَاعٍ *мн.* سُعَاةٌ *кўп.* سَاعِيَةٌ 1) чопар, хат олиб борувчи вакил, курьер; ~ الْبَرِيد почтачи, почтальон; ~ التِّلِغْرَاف телеграммаларни тарқатувчи; 2) чақимчи, гап ташувчи; ғийбатчи

– سِعَايَةٌ 1) чақув, махфий маълумот; 2) ғийбат, туҳмат, бўҳтон

– سَعْيٌ 1) чопиш, югуриш; ~ الـــ *дин* Сафо ва Марва тепаликлари орасида югуриш; 2) интилиш, уриниш, ҳаракат қилиш; 3) тиришиш, меҳнат; 4) кирдикор, фитна, макр, ҳийла-найранг

– مَسْعًى *кўп* مَسَاعٍ тиришиш, ҳаракат қилиш, интилиш; ғайрат; *кўп.* кирдикорлар, ҳийла-найранглар

– مَسْعَاةٌ *кўп.* مَسَاعٍ мақтовга арзийдиган амал, мақтаса бўладиган иш

I **سَغِبَ** (*а*) سَغَبٌ оч қолмоқ, қорни очмоқ

– سَغَابَةٌ очлик, қорни очлик

– سَغَبٌ қорни очлик

– سَغْبَانُ *мн.* سَغْبَى *кўп.* سِغَابٌ оч, қорни оч

– مَسْغَبَةٌ = سَغَابَةٌ; ~ دَفَعَ بِهِ الـــ бирор нима билан очликни кеткизмоқ

سَعْسَعَ 1) ёғ суртмоқ, ёғламоқ, ёғ чапламоқ; 2) ҳўлламоқ, сингдирмоқ, шимдирмоқ

– سَعْسَعَةٌ ёғ суртиш, ёғ чаплаш

I **سَفَّ** (*и/а*) سَفٌّ 1) (*дорини, талқондорини*) оғизга солмоқ (ютмоқ, қабул қилмоқ); 2) тўқимоқ, тўқиб ясамоқ; ~ الْحَصِيرَ бўйра тўқимоқ; IV أَسَفَّ 1) тикилмоқ, бақраймоқ; ~ النَّظَرَ إِلَى ...га

www.ziyouz.com kutubxonasi

тикилиб қарамоқ, кўз тикмоқ; 2) пастлаб учмоқ, парилдаб учмоқ (учиб ўтмоқ -*қуш ҳақида*); ер бағирлаб учмоқ (*самолёт ҳақида*); 3) ахлоқан тубанлашмоқ (пастлашмоқ); إِلَى أَسْفَلِ دَرَكٍ مِنَ الرَّذِيلَةِ ~ бузуқлик ботқоғига ботиб кетмоқ; 4) (*бирор н. ни*) юзаки, бачканалик билан бажармоқ; 5) (*мас., дорини*) ичиш учун тавсия қилмоқ; буюрмоқ; السَّفُّوفَ ~ـهُ бирор кимга талқондори бермоқ; 6) тўқимоқ, тўқиб ясамоқ; الْحَصِيرَ ~ бўйра тўқимоқ; IV أَسْفَّ ранги ўзгармоқ; VIII اِسْتَفَّ = I 1)

– إِسْفَافٌ 1) юзакилик, бачканалик; 2) пастлаб учиш, ер бағирлаб учиш; 3) ахлоқий тубанлик, وَ ~ الشَّرَفُ لاَ يُصَانُ بِالْـ~ الاِسْتِهَانَةِ пастлик ва тубанлик билан ор-номусни сақлаб бўлмайди

– سَفَّافٌ *халқ.* порахўр, пора олувчи

– سُفَّةٌ чангал, ҳовуч; مِنَ الْقَمْحِ ~ бир чангал буғдой

– سَفُوفٌ *жам.* кукун ҳолатидаги дори, талқондори, порошок

– سَفِيفٌ ориқ, қотма; ҳолсиз, нимжон, заиф, бедармон, ожиз

– سَفِيفَةٌ *кўп.* سَفَائِفُ хурмо дарахти баргидан тўқилган бўйра

سُفْتَجَةٌ *кўп.* سَفَاتِجُ қарз ҳужжати, вексел; чек

I سَفَحَ (*а*) سَفْحٌ (*кўз ёши. қон*) тўкмоқ, оқизмоқ; سُمْعَتَهُ ~ бирор кимнинг обрўсига доғ туширмоқ, бирор кимнинг обрўсини кетказмоқ; III سَافَحَ (*эр хотинига ёки хотин эрига*) хиёнат қилмоқ, бузуқлик қилмоқ, бузуқилик қилмоқ; VI تَسَافَحَ = III

– سَفَّاحٌ қонхўр, қон тўкувчи; الـ~ Ас-Саффоҳ (*Қонхўр*) (*халифалардан бирининг лақаби*)

– سِفَاحٌ зино (*эр хотинига ёки хотин эрига*) хиёнат қилиш, бузуқлик

وُلِدَ مِنَ الـ~ *ёки* وُلِدَ مِنَ ~ никоҳсиз туғилмоқ

– سَفْحٌ *кўп.* سُفُوحٌ қиялик, ёнбағир, нишаб; (*тоғнинг*) таги, этаги, пастки қисми

I سَفَدَ (*и*) سِفَادٌ 1) (*молни*) қочирмоқ; 2) сихга термоқ, сихга ўтказмоқ, сихга киритмоқ; II سَفَّدَ сихга термоқ, сихга ўтказмоқ, сихга киритмоқ; III سَافَدَ = I

– سِفَادٌ (*молни*) қочириш, чоптириш, буқага қўйиш

– سَفُّودٌ *кўп.* سَفَافِيدُ сих, кабоб сихи

I (سفر) سَفَرَ[1] (*и*) سَفْرٌ 1) йўлга тушмоқ, йўлга отланмоқ; 2) жўнатмоқ, юбормоқ; 3) ёзмоқ, хат битмоқ, 4) супурмоқ; الْبَيْتَ ~ уйни супурмоқ (*супуриб-сидирмоқ*); ◊ بَيْنَهُ وَ بَيْنَهُ ~ бирор кимни бошқа бирор ким билан яраштирмоқ; سَفَرَ[2] (*и*) سُفُورٌ 1) ниқобни олмоқ, юзини очмоқ (*аёллар ҳақида*), очиққа чиқмоқ (*аёллар ҳақида*); 2) порламоқ, ялт этмоқ, ялтираб чиқмоқ (*тонг ҳақида*); II سَفَّرَ (*бирор жойга*) жўнатмоқ, юбормоқ (إِلَى); III سَافَرَ (*бирор жойга*) жўнамоқ, бормоқ, сафар қилмоқ; саёҳат қилмоқ, кезмоқ; بَحْرًا ~ денгиз бўйлаб саёҳат қилмоқ; بَرًّا ~ қуруқлик жойларга сафар қилмоқ; جَوًّا ~ самолётда сафар қилмоқ; IV أَسْفَرَ 1) ярқирамоқ, ялтилламоқ, жимирламоқ; الْفَجْرُ ~ тонг отди; 2) юзини очмоқ, ниқобини олмоқ, ёпинчиғини олмоқ (*аёллар ҳақида*); 3) (*бирор н. ни*) очмоқ, кашф қилмоқ, кўрсатмоқ (عَنْ); 4) натижада (*бирор н.*) бермоқ, (*бирор хил*) натижа бермоқ, (*бирор н. билан*) тугамоқ (عَنْ); VII اِنْسَفَرَ очиқ бўлмоқ, очилиб қолмоқ, яланғоч бўлмоқ, яланг бўлмоқ

– تَسْفِيرَةٌ *кўп.* ـاتٌ, تَسَافِيرُ — медальон

– سَافِرٌ[1] 1) йўлга тушган, саёҳатга чиққан, саёҳат қилувчи; 2) ёзувчи, хат битувчи; 3) *кўп.* سَفَرٌ, سُفَّارٌ йўловчи, сафарчи, сайёҳ; 4) *кўп.* سَفَرَةٌ котиб, мирза, мунший

– سَافِرٌ[2] 1) очиқ, усти ёпилмаган; مَرْأَةٌ ~َةٌ (*кўп.* نِسَاءٌ سَوَافِرُ) очиққа чиққан аёл, чачвон тутмай, юзини очиб юрадиган аёл; 2) очиқ-ойдин, аниқ-равшан, кўриниб турган; بِالْقُوَّةِ الـ~َةِ очиқ-ойдин зўравонлик билан; ~َةً بِصِفَةٍ очиқ-ойдин тарзда, ошкора равишда

– سَفَارَةٌ, سِفَارَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) воситачилик, ўртачилик; 2) элчихона

– سَفَرٌ *кўп.* йўловчилар, сайёҳлар

– سَفَرٌ *кўп.* أَسْفَارٌ 1) сафар, саёҳат; бирор жойга бориш, бориб-келиш; ~ نَفَقَاتُ الـ йўл харажатлари; 2) йўл юриш, рейс; 3) *ҳарб.* юриш; 4) тонг

– سِفْرٌ *кўп.* أَسْفَارٌ الْمُنَزَّلَةُ китоб; أَسْفَارُ مُوسَى الْخَمْسَةُ нозил бўлган муқаддас китоблар; беш муқаддас китоб (*сўзма-сўз:* Мусо алайҳиссаломнинг беш китоби)

سُفْرَجِيٌّ - *кўп.* سُفْرَجِيَّةٌ официант; ресторан хизматчиси

– سَفَرَةٌ *кўп.* котиблар, мирзалар, муншийлар

– سَفْرَةٌ *кўп.* سَفَرَاتٌ 1) саёҳат, сайр; бориб-келиш; 2) рейс

– سُفْرَةٌ *кўп.* سُفَرٌ 1) йўлда ейиш учун олинган озиқ-овқат; 2) овқатланиш столи (пешхони), дастурхон; رَئِيسُ الـ~ меҳмонхона ва ресторанларда бош официант; فَضَّيَاتُ الـ~ кумуш идиш-товоқлар

– سَفَرِيٌّ 1) саёҳатга оид, йўлга чиқишга оид; йўлга оид: شَطْرَنْجُ ~ йўлда ўйнаб кетишга мўлжалланган шахмат; سَرِيرٌ ~ йўлда ётиб кетишга мўлжалланган каравот

– سَفَرِيَّةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) бориб-келиш, саёҳат, сафар; экскурсия; 2) (*самолётнинг*) учиши; 3) маршрутдаги поезд

– سُفُورٌ очиқ юзлар, ниқоби олинган юзлар; ~ مَسْأَلَةُ чачвонни ташлаш масаласи

– سَفِيرٌ *кўп.* سُفَرَاءُ 1) элчи, вакил; الـ~ الْبَابَوِيُّ Рим папасининг бирор давлатдаги элчиси; الـ~ فَوْقَ الْعَادَةِ وَ الـ~ الْمُفَوَّضُ *ёки* الـ~ الْمُتَنَقِّلُ фавқулодда ва мухтор элчи; الْمُتَجَوِّلُ сайёр элчи, юртма-юрт юрадиган элчи; 2) воситачи, ўртачи

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سَفِيرٌ *мин.* кўк ёқут (*кўк тусли қимматбаҳо тош*)

– مَسَافِرُ *кўп.* ~ الْوَجْه (*аёлларда*) юзнинг очиқ турадиган қисми

– مُسَافِرٌ 1) сайёҳ, саёҳатчи, сафарда юрувчи, мусофир; 2) пассажир; 3) меҳмон

– مِسْفَرَةٌ супурги

– سَفَرْجَلٌ *кўп.* سَفَارِجُ *бот. жам.* беҳи

– سَفَرْجَلَةٌ *кўп* اتٌ — беҳи (*меваси*)

سَفْسَطَانِيٌّ сафсатабоз, софизм тарафдори, софист

– سَفْسَطَةٌ 1) сохта хулосаларга асосланиш, софистика; сафсата; 2) қуруқ гап, бекорчи гап

سَفْسَطِيٌّ 1) сохта хулосаларга асосланган; 2) софизм тарафдори, софист, сафсатабоз

– مُتَسَفْسِطٌ софизм тарафдори, софист, сафсатабоз

سَفْسَافٌ ҳар бир нарсанинг энг ёмони

– سَفَاسِفُ *кўп.*: الْأُمُورِ ~ тентаклик, бемаънилик, бемазагарчилик; اشْتَغَلَ بِـ~ الْأُمُورِ бемаъни (бемаза) ишлар билан шуғулланмоқ

I **سَفَطَ** (*у*) سَفْطٌ (*балиқни*) тозаламоқ

– سَفَطٌ 1) (*балиқ*) тангачаси, 2) (*қаҳва донасининг*) чиқиндиси

– سَفَطٌ *кўп.* أَسْفَاطٌ 1) сават, саватча, корзинка; 2) кутича; нафис қилиб ишланган чиройли сандиқча

I **سَفَعَ** (*а*) سَفْعٌ 1) урмоқ, саваламоқ, савамоқ; 2) куйдирмоқ, баданни офтобда қорайтирмоқ; بِالنَّاصِيَةِ ~ пешонадаги сочдан ушламоқ

– أَسْفَعُ *мн.* سُفْعَاءُ *кўп.* سُفْعٌ қора, қора рангли; тўқ, тўқ рангли; офтобда қорайган

– سُفْعَةٌ *кўп.* سُفَعٌ доғ, хол, қашқа, тўқ рангли доғ

I **سَفَقَ** (*у*) سَفْقٌ 1) урмоқ, саваламоқ, савамоқ; 2) (*мас., эшикни*) қаттиқ уриб ёпмоқ; қарсиллатиб ёпмоқ; II سَفَّقَ эсмоқ (*шамол ҳақида*). IV أَسْفَقَ туртмоқ, итармоқ, الْبَابَ ~ эшикни итармоқ; VII انْسَفَقَ итармоқ; الْبَابُ ~ эшик туртилди

– سَفِيقٌ 1) қалин; ~ ثَوْبٌ қалин қилиб тикилган кийим; 2) ~ الْوَجْه сурбет, бети қатгиқ, бети қалин

I **سَفَكَ** (*и*) سَفْكٌ тўкмоқ, оқизмоқ, тўкиб юбормоқ; VII انْسَفَكَ оқизилмоқ, тўкилмоқ; оқмоқ, тўкилиб кетмоқ

– سَفَّاكٌ қонхўр, золим, ёвуз, қотил

– سَفْكٌ оқизиш, тўкиш; الدِّمَاءِ ~ қон тўкиш, қон оқизиш

I **سَفَلَ** (*а*) سَفَلٌ пасткаш бўлмоқ, паст бўлмоқ; разиллашмоқ; V تَسَفَّلَ 1) пасткашлик қилмоқ, разиллик қилмоқ; 2) туширилмоқ, паст қилинмоқ; разилона иш тутмоқ, ярамас иш қилмоқ

– أَسْفَلُ *мн.* سُفْلَى *кўп.* أَسَافِلُ 1) энг паст, жуда паст, ниҳоятда паст, тубан, энг тубан; 2) *шунингдек*: السَّافِلِينَ ~ энг разил, энг тубан; 3) ост, туб, остки қисм, (*бирор н. нинг*) таги

– تَسَفُّلٌ пастлик, пасткашлик, разиллик, тубанлик

– سَافِلٌ *кўп.* سُفَّالٌ, سَفَلَةٌ 1) паст, пастдаги; пасткаш, разил

– تَسَفُّلٌ = سَفَلَةٌ

– سُفَالَةٌ 1) ост, туб, таг, остки қисм; асос, пойдевор; 2) база, негиз

– سُفْلٌ, سِفْلٌ 1) таг, ост, туб; асос, пойдевор; 2) пол билан девор орасига қоқиладиган ингичка узун тахта, плинтус; 3) тублик, чуқурлик

– سُفْلِيٌّ 1) пастки, остки; 2) пасткаш, разил; 3) дунёвий

– سَفِيلٌ 1) пасткаш, разил; 2) *бот.* чирмовиқгул

(سفلق) تَسَفْلَقَ паразит (текинхўр) бўлиб яшамоқ, (*бирор к. нинг*) ҳисобига кун кўрмоқ (عَلَى)

– سَفْلَنَةٌ = تَسَفْلُقٌ

– سَفْلَاقٌ паразит, текинхўр, ҳаромтомоқ

– سَفْلَقَةٌ текинхўрлик, ҳаромтомоқлик, паразитлик

I **سَفَنَ** (*и*) سَفْنٌ арчмоқ, пўстини ажратмоқ, пўстини олмоқ; II سَفَّنَ пона тиқмоқ (қоқмоқ)

– إِسْفِينٌ *кўп.* أَسَافِينُ пона; دَقَّ ~ا فِي (بَيْنَ ... وَ ...) *мах.* (*бирор н. га ёки бирор н. билан бошқа н. ўртасига*) пона қоқмоқ, (*к. нарнидир бир-биридан*) ажратмоқ

– سَفَّانٌ 1) кемасоз, кема қурувчи; 2) кема эгаси (хўжайини, соҳиби)

– سَفَانَةٌ кемасозлик

– سَفَنٌ 1) жилвир, қайроқ қумли, наждак, жилвир қоғоз; 2) *зоол.* думи ингичка япалоқ денгиз балиғи, скат

– سَفْنَةٌ пўст, пўстлоқ, чулуқ, шелуха

– إِسْفِينٌ = سَفِينٌ

– سَفِينَةٌ *кўп.* سَفِينٌ, سَفَائِنُ, سُفُنٌ кема; تِجَارِيَّةٌ ~ савдо кемаси; ~ حَامِلَةٌ لِلطَّائِرَاتِ авианосец, самолётлар учиб қўнадиган кема; ~ حَرْبِيَّةٌ ҳарбий кема; الشَّحْنِ ~ юк ташийдиган кема, юк кемаси; ~ فَضَاءٍ *ёки* كَوْنِيَّةٌ ~ космик кема; مُحَطَّمَةُ الْجَلِيدِ ~ музёрар кема; ~ نُوحٍ Нуҳ алайҳиссалом кемалари; وَاضِعَةُ الْأَلْغَامِ ~ денгизда миналардан тўсиқ қўювчи ҳарбий кема. ~ عَبْرَ حَوْفُ الـ *ёки* кеманинг юк ортиладиган таг хонаси, трюм; ~ مُقَدَّمُ الـ кеманинг олд қисми (бурни); ~ مُؤَخَّرُ الـ кеманинг қуйруқ қисми (қуйруғи); ~ الـ *астр.* Аргонавтлар кемаси; سَفَائِنُ الْبَرِّ *маж.* саҳро кемалари (туялар); ◊ ~ الدَّجَاجَةِ туртиб чиққан кўкрак қафаси

– مَسْفَنٌ *кўп.* مَسَافِنُ кемасозлик корхонаси

سَفَنَّجٌ *зоол.* булут (*сув жонивори*)

إِسْفَنْطٌ шароб турларидан бири

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **سَفِهَ** (*а*) سَفَهٌ *ёки* سَفُهَ (*у*) سَفَاهَةٌ 1) аҳмоқ бўлмоқ, тентак бўлмоқ, бемаъни бўлмоқ; 2) қўпол (сурбет, безбет) бўлмоқ; 3) исрофгар бўлмоқ, исрофгарчилик қилмоқ; II سَفَّهَ аҳмоқ ҳисобламоқ, тентак ҳисобламоқ, бемаъни ҳисобламоқ; (*бирор н. ни*) тентаклик деб атамоқ, نَفْسَهُ ~ ўзини ўзи койимоқ, ўзига ўзи танбеҳ бермоқ; III سافه сўкишмоқ, сўкишишмоқ; V تَسَفَّهَ ўзини қўполликка солмоқ, ўзини қўпол кўрсатмоқ; VI تَسافَهَ ўзини гўл-

ликка солмоқ, ўзини жинниликка олмоқ

– سَفَاهَةٌ 1) ақли пастлик, ақли заифлик, тентаклик, аҳмоқлик; 2) безбетлик, сурбетлик, қўполлик, уятсизлик, бетамизлик; 3) исрофгарчилик, исрофкунандалик

– سَفَهٌ = سَفَاهَةٌ

– سَفِيهٌ *кўп* سُفَهَاءُ, سُفَّاهٌ, سَفَائِهُ *мн* سَفِيهَةٌ *кўп* سَفَائِهُ, سُفَّهٌ 1) тентак, аҳмоқ, ақли паст, ақли заиф; 2) безбет, сурбет, бетамиз; 3) исрофгар; 4) паст навли, сифати паст; *эмон*

سفا *жам* (*ғалланинг*) қилтириқлари, сомон, тўпон, қипиқ

– سَفَاةٌ (*ғалланинг*) қилтириғи

I **سَفَى** (*и*) سَفْيٌ (*чанг тўзон*) кўтармоқ (*шамол ҳақида*); IV أَسْفَى эсмоқ (*шамол ҳақида*)

– سَافِيَاءُ чанг-тўзон

– سَافِيَاتٌ *кўп* الرِّمَالِ ~ шамолда кўчиб юрган қум

– سَفِيٌّ тўзиган, тўзғиган (*мас., қум*)

– سَفَنَّةٌ *кўп* سَفَانِينُ, سَفَانٍ бўталоқ, кичкина туя, туяча

– سَفَنٌ яқинлик, жипслик; سَفَنُ الْحَجَرِ أَحَدُّ ~ *ҳад* қўшни ўзининг яқинлиги билан ҳақдордир

– سَقَرُ *мн* дўзах, жаҳаннам, сақар

سَفْسَفَ 1) ивитмоқ, шимдирмоқ (*бирор суюқликка*) ботирмоқ; 2) чирилламоқ, чирқилламоқ (*қушлар ҳақида*)

– سَفْسَافَةٌ *зоол.* патлари сариқ, қорни қора қушча, сулихўр

– سَفْسَقَةٌ 1) ивитиш, шимдириш, ҳўллаш; 2) чириллаш, чирқиллаш

I **سَقَطَ** (*у*) سُقُوطٌ 1) тушмоқ, тушиб кетмоқ, тўкилмоқ, ағанаб (ағдарилиб) тушмоқ; 2) сусаймоқ, пасаймоқ (*мас., ҳарорат*); 3) узилмоқ, узилиб тушмоқ; тамом бўлмоқ, кетмоқ (*ҳуқуқ ҳақида*), кучини йўқотмоқ, бекор бўлмоқ, бекор қилинмоқ; 4) хато қилмоқ, адашмоқ, хатога йўл қўймоқ; 5) қолоқ бўлмоқ, орқада қолмоқ (*ўқувчи ҳақида*); 6) тўкиб юбормоқ, тўкмоқ (*мевани*). ◊ !لِيَسْقُطْ йўқолсин!; ... رَأْسُهُ ~ да туғилди; فِي الْامْتِحَانِ ~ имтиҳонда йиқилмоқ; فِي قَبْضَتِهِ ~ бирор кимнинг қўлига тушиб қолмоқ; مِنْ ~ عَيْنِي мен уни ҳурмат қилмай қўйдим, у менинг назаримдан тушиб қолди; لِي كِتَابٌ نَادِرٌ ~ қўлимга ноёб китоб тушиб қолди; ~ عَنْ бирор нимани тушириб юбормоқ; سَقَطَ فِي يَدِهِ а) у нима қилишини билмай қолди; б) *кўч. м.* у оғиз очолмай қолди, у чурқ этолмай қолди; II سَقَّطَ 1) ташламоқ, ағдармоқ, тўкмоқ; 2) (*имтиҳонда*) йиқитмоқ; 3) бола туширмоқ, аборт қилмоқ; III ساقط устма-уст ташламоқ (*мас., дарахтдан хурмони*); الْحَدِيثَ ~ ـُهُ галма-гал бир-бирига гапирмоқ; IV أَسْقَطَ 1) туширмоқ, тушириб юбормоқ, уриб туширмоқ, ағдармоқ, ташлаб юбормоқ, йиқитмоқ, ағнатмоқ, қулатмоқ الْأَسْنَانَ ~ тишларни уриб синдирмоқ; طَائِرَةً ~ самолётни уриб туширмоқ; 2) *ҳуқуқдан*) маҳрум бўлмоқ; 3) ҳисобдан (қатордан) чиқармоқ, ҳисобга олмай қўймоқ, чегирмоқ, чегириб чиқармоқ, айирмоқ; 4) (*мас., матндаги парчани*) тушириб қолдирмоқ; 5) бола туширмоқ, аборт қилдирмоқ; 6) (*меваларни*) тўкиб (тушириб) юбормоқ. ◊ حَقَّهُ ~ қалъани қўлга киритмоқ, қўлга олмоқ; الدَّعْوَى ~ даъвони бас қилмоқ, даъво қилишни тўхтатмоқ (*мас., суд орқали*); عَنْهُ الْجِنْسِيَّةَ ~ фуқароликдан (гражданликдан) маҳрум қилмоқ; فِي قَوْلِهِ ~ хато гапирмоқ, галда хатога йўл қўймоқ; أَسْقَطَ فِي يَدِهِ а) нима қилишни билмай қолмоқ, б) *кўч. м.* у оғиз очолмай қолди, у чурқ этолмай қолди; كَلَامُهُ ~ فَسِيٌّ نَفْسِي унинг гапларидан қўрққанимдан жоним чиқаёзди; V تَسَقَّطَ 1) бузилмоқ, айби бор бўлмоқ, нуқсонли бўлмоқ; 2) секин-аста (маълумот) йиғмоқ; VI تَسَاقَطَ 1) кўп миқдорда тушмоқ, бошқалар билан бирга тушмоқ, тушмоқ, тўкилмоқ (*соч ҳақида*), сочилмоқ, сочилиб кетмоқ; 2) бўлиниб кетмоқ, парчаланмоқ; ~ عَلَى نَفْسِهِ вайрон бўлмоқ, парчаланмоқ; таркибий қисмларга ажралмоқ; 3) ёмғир ёғиб ўтмоқ, ёмғир ёғмоқ; 4) оқиб турмоқ, томиб турмоқ (*қон ҳақида*); X اسْتَسْقَطَ (*бирор к. нинг бошига*) бало (офат, касаллик) келтирмоқ (عَلَى رَأْسِهِ)

– إِسْقَاطٌ 1) чегириш, берилаётган пулдан ушлаб қолиш; нархдан *ёки* вазндан чегириш (камайтириш); ~ مَعَ (*бирор к. нинг*) чегирмаси билан; 2) ағдариш, қулатиш, ағанатиш; 3) аборт; 4) проекциялаш. ◊ الْجِنْسِيَّةِ عَنْهُ ~ бирор кимни фуқаролик (гражданлик) дан маҳрум қилиш

– تَسْقِيطٌ (*отлардаги*) қутуриш касаллиги

– سَاقِطٌ нуқсонли, нуқсони бор, камчилиги бор; الْخُلُقِ ~ хулқи бузуқ, ёмон хулқли, бадхулқ; مِنَ الْحُقُوقِ الْمَدَنِيَّةِ ~ фуқаролик (гражданлик) ҳуқуқларидан маҳрум бўлган; مَرْأَةٌ ~ـَةٌ бузуқ аёл, фоҳиша

– سَقَاطٌ тўкилма (*тоғ ёнбағирларидаги тоғ жинсларининг емирилмасидан ҳосил бўлган тош парчалари уюми*)

– سَقَّاطٌ қорин, ичак-чавоқларни сотувчи одам

– سُقَّاطَةٌ, سُقَّاطَةٌ *кўп* ـَاتٌ — лўкидон, эшик тамбаси, сурма зулфин; *тех.* валли тескари тэмонга айланишига йўл қўймайдиган механизм, храповик

– سَقِيطٌ 1) нуқсонли, айбли, айби бор; яроқсиз, етарли эмас; 2) *кўп* أَسْقَاطٌ а) нуқсон, айб; нуқсони бор (нуқсонли) маҳсулот, брак маҳсулот; أَسْقَاطُ الْمَحْصُولِ қўлёзманинг тушиб қолган саҳифалари; б) ташландиқ, чиқит, чиқинди; الْأَثْمَارِ ~ бузилган (айниган) мевалар; الْكَلَامِ ~ ҳақорат, ҳақоратли сўзлар; 3) ичак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чавоқ, калла-поча; ~ خَسِرَ الْجِلْدَ وَ الْـ *мтл.* эски ҳаммом, эски тос (*сўзма-сўз:* теридан ҳам, калла-почадан ҳам айрилмоқ); 4) ёзиш ёки ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато

– سَقْطٌ 1) ёғин-сочин; 2) учқун (*чақмоқтошдан чиқадиган*); 3) чала туғилган бола

– سُقْطٌ, سِقْطٌ *кўп.* أَسْقَاطٌ чала туғилган бола

– سَقْطَةٌ *кўп.* سَقَطَاتٌ 1) тушиш, тушиб кетиш; 2) хато

– سَقَطِيٌّ эскифуруш, эски-туски билан савдо қилувчи

– سُقُوطٌ 1) тушиш, тушиб кетиш; 2) ажралиб тушиш, узилиш; (بِمُضِيِّ الْمُدَّةِ) ~ الْحَقِّ (*муддати ўтганлиги сабабли*) ҳуқуқдан маҳрум бўлиш; ~ الدَّعْوَى (*даъвонинг тўхтатилиши*) (судда)

– سَقِيطٌ 1) дўл; 2) қиров; қор

– مَسْقَطٌ, مَسْقِطٌ *кўп.* مَسَاقِطُ 1) тушиш жойи; ~ الْمِيَاهِ шалола, шаршара; 2) проекция, план; ~ أُفُقِيٌّ горизантал проекция; ~ جَانِبِيٌّ ён томон, ён томон сатҳи; ~ رَأْسِيٌّ олд томоннинг чизмаси; ~ السَّمْتِيُّ الْـ азимутал проекция; ◊ ~ الرَّأْسِ туғилган жой, ватан

– مُسْقِطٌ 1) тушириб юборувчи; 2) абортга оид

– مُسْقِطَاتٌ *кўп.* аборт қилишга керак бўладиган нарсалар

– مَسْقَطَةٌ: لِزِيدٍ مِنْ أَعْيُنِ النَّاسِ ~ هَذَا الْفِعْلُ бу ҳатти-ҳаракат Зайдни одамларнинг назаридан қолдиради

I **سَقَعَ** (*а*) سَقْعٌ урмоқ, шапалоқ солмоқ, шапати урмоқ, шапатиламоқ

– سُقْعٌ *кўп.* أَسْقَاعٌ жой, ўрин, макон

– مِسْقَعٌ гапга чечан (уста), чиройли гапирадиган

– مُسَقَّعَةٌ бақлажон ва гўштдан тайёрланган овқат

I (سقف) **سَقَفَ** (*у*) سَقْفٌ устини ёпмоқ, том ёпмоқ, том қилиб ёпмоқ; I سَقِفَ (*а*) سَقَفٌ узоқ энгашиб турмоқ; ~ تِ الرِّجْلُ оёқ ўнг томонга энгашиб турди; II سَقَّفَ 1) томни ёпмоқ; 2) шифт қилмоқ; 3) чапак чалмоқ, чапак урмоқ

– أَسْقَفُ *мн.* سَقْفَاءُ *кўп.* سُقْفٌ энгашиб турган, эгилиб турган

– أُسْقُفٌ *алиф. б. қар.*

– تَسْقِيفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ айвон, шийпон; сарой, ёғоч уй

– سَقَّافٌ том ёпувчи уста, томга тунука қоқувчи

– سَقْفٌ *кўп.* أَسْقُفٌ, سُقُوفٌ 1) том; 2) шифт; ~ ثُرَيَّا الْـ шифтга осиладиган қандил; ◊ ~ الْحَلْقِ танглай

– سَقَفَ энгашиб узоқ туриб қолиш, эгилиб узоқ вақт туриш

– سَقِيفَةٌ *кўп.* سَقَائِفُ, سَقِيفَاتٌ 1) айвон, шийпон; 2) қўра, молхона; ёпиқлик; 3) самолёт, дирижабль ва ҳ. к. лар турадиган махсус бино, ангар; 4) павильон

– مُسَقَّفٌ усти ёпилган, усти ёпиқ; ~ سُوقٌ усти ёпиқ бозор, тим

سَقَالَةٌ, سِقَالَةٌ *кўп.* سَقَائِلُ 1) осма кўприк; кичкина кўприк; тахта зина; тахта супа; сўри; 2) (*қурилишда ишлатиладиган*) ёғоч; 3) зина, пиллапоя (*сол.* صَقَالَةٌ)

سَقْلَبَ ағдармоқ, тўнтармоқ, тўнтариб юбормоқ

– سَقْلَبَةٌ ағдариш, тўнтариш

– سَقْلَبِيٌّ 1) славянга оид; 2) *кўп.* سَقَالِبَةٌ славян киши

I **سَقِمَ** (*а*) سَقَمٌ касал бўлмоқ, касалланмоқ, заифланмоқ, бемор бўлмоқ; озмоқ, озиб кетмоқ; II سَقَّمَ касал қилмоқ IV أَسْقَمَ дармонсизликни келтириб чиқармоқ, лоҳас қилмоқ; ҳолдан тойдирмоқ, тинкани қуритмоқ, қаттиқ чарчатмоқ

– سَقَامٌ *кўп.* أَسْقَامٌ касаллик; беморлик, беҳоллик; оғриқ

– سَقَمٌ *кўп.* أَسْقَامٌ = سَقَامٌ

– سُقْمٌ *кўп.* أَسْقَامٌ 1) касаллик, беморлик; ҳолдан тойиш, қаттиқ чарчаш; заифлик, беҳоллик; ориқлик; 2) етишмовчилик, камлик; ~ الذَّوْقِ (*мас., бирор н. ни танлашдаги*) диднинг пастлиги

– سَقِيمٌ *кўп.* سُقَمَاءُ *мн* سَقِيمَةٌ *кўп.* سَقَائِمُ 1) бемор, касал, бетоб; заиф, беҳол; ориқ, озғин; 2) *кўп.* سُقْمٌ нотўғри (*ибора*)

– مِسْقَامٌ дардчил, касалманд, хаста, бемор

سُقْمُرِيٌّ денгиз балиғи, макрель, скумбрия

I **سَقَى** (*и*) سَقْيٌ 1) сув бермоқ, сув ичирмоқ; 2) суғормоқ, сув қўймоқ; ~ اللهُ ضَرِيحَهُ وَ نَوَّرَهُ Оллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин! (*сўзма-сўз: Оллоҳ унинг қабрини сув билан суғорсин ва уни мунаввар қилсин*) 3) (*пўлатни*) тобламоқ, пишитмоқ, (*пўлатга*) сув бермоқ; 4) қоринда сув тўпланмоқ; II سَقَّى ҳўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ; III سَاقَى (*бирор к. билан*) биргаликда ичишмоқ; IV أَسْقَى 1) сув бермоқ, сув ичирмоқ; 2) суғормоқ, сув қўймоқ; VI تَسَاقَى бир-бирига сув бермоқ, бир-бири билан биргаликда ичишмоқ; VIII اسْتَقَى 1) ботириб олмоқ, сузиб олмоқ; 2) олмоқ; X اسْتَسْقَى 1) ёмғир сўраб ибодат қилмоқ, ёмғир тилаб намоз ўқимоқ; 2) бирор организмда сув тўпланмоқ

– اسْتِسْقَاءٌ *мед.* бадандаги бўшлиқларга сариқ сув тўпланиш касаллиги, ассит

– اسْتِسْقَائِيٌّ бадандаги бўшлиқларга сариқ сув тўпланиш касаллигига оид

– سَاقٍ *кўп.* سُقَاةٌ соқий, косагул, май қуйиб берувчи

– سَاقِيَةٌ 1) соқий (косагул) аёл; 2) *кўп.* سَوَاقٍ сув чиқарадиган чархпалак; 3) (*револьвердаги*) барабан; 3) ариқ, жилға; зовур

– سِقَاءٌ *кўп.* أَسْقِيَةٌ меш, мешкоп, саноч

– سَقَّاءٌ мешкопчи, сув ташиб тарқатувчи

– سَقَاوَةٌ: الرَّنْوِيَّةُ الْـ ~ *вет.* манқа (*отларда бўладиган юқумли касаллик*); الْجِلْدِيَّةُ الْـ ~ тери касаллиги

– سِقَايَةٌ 1) сув бериш, сув ичириш; 2) суғориш, сув қўйиш; ~ الْحَاجِّ *ёки* الْـ ~ *тар.* Маккада ҳожиларни сув билан таъминлашга

www.ziyouz.com kutubxonasi

алоқадор бўлган фахрий мансаб

– سَقْيٌ 1) суғориш; сув қўйиш; 2) сунъий йўл билан суғориладиган ер; 3) (*пўлатни*) пишитиш, тоблаш, (*пўлатга*) сув бериш, сув югуртириш

– سُقْيٌ суғориш учун олинадиган сувнинг улуши (ҳиссаси)

– سُقْيَا ичиш; ~ آنِيَةُ الـــ ичимлик сув тўлдирилган идиш

– مَسْقَاةٌ ичиладиган жой

– مِسْقَاوِيٌّ, مِسْقَوِيٌّ сунъий йўл билан суғориладиган

– مَسْقِيٌّ 1) суғорилган, сув қўйилган, 2) тобланган, пишиган, сув югуртирилган (*пўлат ҳақида*)

– مِسْقًى *кўп.* مَسَاقٍ ариқ, зовур

I (سكّ) **سَكَّ** (*а/у*) سَكٌّ 1) беркитмоқ, ёпмоқ, қулфламоқ; 2) (*танга*) зарб қилмоқ; ◊ ~ الْمَسَامِعَ босиб кетмоқ (*шовқин ҳақида*), سَكَكَ (*а*) سَكَكٌ кар бўлмоқ, каркулоқ бўлмоқ; VII اِنْسَكَّ берк бўлмоқ, қулфланган бўлмоқ (*эшик ҳақида*); VIII اِسْتَكَّ кар бўлиб қолмоқ, қулоғи битмоқ

– أَسَكُّ *мн.* سُكَّاءُ *кўп.* سُكٌّ кар, қулоғи битган

– سَكٌّ[1] зарб қилиш; ~ دَارُ الـــ зарбхона (*танга чиқариладиган жой*)

– سَكٌّ[2] *кўп.* سُكُوكٌ 1) мих, қозиқ; қалпоқчасиз мих, металл ўзакча; 2) илмоқ, илгак

– سُكٌّ атирнинг бир тури

– سُكَاكٌ атмосферанинг юқори қатлами, стратосфера

– سِكَّةٌ *кўп.* سِكَكٌ 1) танга; 2) йўл; ~ زِرَاعِيَّةٌ дала йўли; ~ سُلْطَانِيَّةٌ катта йўл, бош йўл; 3) кўча; ◊ ~ الْفَلَّاحِ *ёки* ~ الْمِحْرَاثِ омоч тиши; ~ الْحَدِيدِ *ёки* ~ الْحَدِيدِيَّةُ الـــ темир йўл; عَامِلُ ~ الْحَدِيدِ темирйўлчи; 4) тангага чекилган нақш; 5) омоч

– مَسْكُوكَاتٌ *кўп.* тангалар; ~ ضَرْبُ الـــ танга зарб қилиш; عِلْمُ الـــ тангаларни ўрганадиган фан, нумизматика

I **سَكَبَ** (*у*) سَكْبٌ қуймоқ, оқизмоқ, тўкмоқ, тўкиб юбормоқ; ~ الْحَدِيدَ الصَّبَّ чўян қуймоқ; ◊ ~ قَلْبَهُ кўнглини ёзмоқ, дардини айтмоқ; VII اِنْسَكَبَ 1) қуйилмоқ, оқмоқ, тўкилмоқ; 2) ёмғир ёғмоқ

– أُسْكُوبٌ қуйилувчи, қуйилган; ~ مَاءٌ қуйилиб турган сув

– تَسْكَابٌ тўкиш, оқизиш

– سَاكِبٌ тўкувчи, қуювчи, оқизувчи; ~ الْمَاءِ *астр.* Қовға (Далв) юлдузлар туркуми

– سَكْبٌ = أُسْكُوبٌ

– سَكَبَةٌ *бот.* пуфанак (*оёқтовон гуллилар оиласига мансуб ўсимлик*)

– سَكِيبٌ тўкилган, оқизилган, қуйилган

– مَسْكَبَةٌ *кўп.* مَسَاكِبُ кўчатзор, ниҳолхона, парваришхона, питомник; жўяк; مَسَاكِبُ بَقْدُونِسٍ петрушка экилган жўяклар

سِكْبَاجٌ (*гўшт, сирка, пиёз, асал ва ҳ. к. лардан тайёрланган*) овқат, рагу

I **سَكَتَ** (*у*) سُكُوتٌ 1) жим турмоқ, гапирмай турмоқ, сукут сақламоқ, индамай турмоқ, сукут қилмоқ; 2) (*бирор н. тўғрисида*) индамай кетмоқ, айтмай ўтмоқ, оғиз очмай ўтирмоқ (عَنْ); 3) тинчланмоқ, тинмоқ, тинчимоқ; ~ عَنْهُ الْغَضَبُ у тинчиб қолди, у ҳовуридан тушди, у жаҳлидан тушди; 4) سُكِتَ жазаваси тутмоқ, талвасага тушмоқ, тўлиб-тошмоқ мияга қон қуйилмоқ; II سَكَّتَ гапирмасликка мажбур қилмоқ, гапиртирмай қўймоқ; ~ الطِّفْلَ болани тинчлантирмоқ (тинчитмоқ); IV أَسْكَتَ 1) гапирмасликка мажбур қилмоқ, гапиртирмай қўймоқ; ~ جَوْعَتَهُ بِقُضْمَةٍ бир тишлам билан нафсини ўлдирмоқ; ~ مَدْفَعِيَّةَ الْعَدُوِّ душман артиллериясини даф қилмоқ; 2) жим бўлиб қолмоқ, гўхтамоқ, ўчмоқ

– إِسْكَاتٌ гапирмасликка мажбур қилиш, гапиртирмай қўйиш; (*артиллерия ўтини*) даф қилиш

– سَاكِتٌ 1) жим турувчи, сукут сақловчи; 2) камгап, оз гапирадиган; 3) тинч, ювош, индамас

– سِكِّيتٌ = سَاكُوتٌ

– سُكَاتٌ 1) жим туриш, гапирмай туриш, сукут сақлаш; 2) ювошлик, камгаплик

– سُكَاتَةٌ ишонарли жавоб

– سَكْتٌ жим туриш, гапирмай туриш, сукут сақлаш; عَلَى ~ الـــ индамай, жим туриб, жимлик билан

– سَكْتَةٌ 1) жим туриш, гапирмай туриш; пауза; 2) *мед.* касалликнинг қаттиқ тутиб қолиши. фалаж; ~ قَلْبِيَّةٌ юракнинг қаттиқ тутиб қолиши, юрак хуружи; ~ دَارُ الـــ мияга қон қуйилиши, апоплексия; ~ الدِّمَاغِيَّةُ الـــ *ёки* ~ الْمُخِّيَّةُ الـــ инсульт

– سُكَّتَةٌ йиғлаётган чақалоқни тинчлантириш учун ишлатиладиган восита

– سُكُوتٌ 1) сукут қилиш, жим туриш, гапирмай туриш; الْتَزَمَ ~ الـــ ... масаласида индамай турмоқ; لَا تَتَحَمَّلُ الْحَالَةُ ... ~ الـــ бу вазият индамай туришни тақозо қилмайди, бу вазиятда индамай туриб бўлмайди; 2) ювошлик, камгаплик; بِـــ индамай, жимлик билан, жим туриб

– سِكِّيتٌ, سَكُوتٌ камгап, оз гапирадиган

– سِكِّيتٌ доим сукут сақловчи

– مُسْكِتٌ ишонарли (*жавоб*)

مُسَكَّجٌ *халқ.* қониқарли; ўрта, ўртача, чидаса бўладиган

I (سكر) **سَكَرَ** (*а*) سَكْرٌ ширакайф бўлмоқ, маст бўлмоқ; سَكَرَ (*у*) سَكْرٌ (*эшикни*) ёпмоқ, беркитмоқ; II سَكَّرَ (*мас., эшикни*) ёпмоқ, беркитмоқ; 2) ... ~ الْمِيَاهَ فِي (*бирор жойда*) водопровод сувини беркитмоқ; 2) маст қилмоқ; 3) шакар сепмоқ, шакар қўшмоқ; 4)

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*мевани*) қиемда қайнатмоқ. 5) қумоқлашиб қолмоқ, шакар бойлаб қолмоқ. سُكَّرُ نَصَارَى рангларни бир-биридан фарқлолмай қолмоқ, қизил рангни фарқ қилолмай қолмоқ; кўриш қобилияти сусаймоқ. IV أَسْكَرَ маст қилмоқ. VI تَسَاكَرَ ўзини мастликка солмоқ

تَسَكُّرٌ - *мед.* қизил рангни фарқ қила олмаслик, қизил ва яшил рангларни ажратиш қобилиятини йўқотиш, дальтонизм

– سَكَاكِرُ *кўп* ширинликлар, қандолатчилик маҳсулотлари, шаффоф конфет, қиемда қайнатилган мевалар, устига шакар сепилган мевалар

– سَكَّارٌ 1) маст қилувчи ичимлик; 2) хурмодан тайёрланадиган шароб

– سَكِرٌ маст, кайфи бор, кайфи ошган

– سُكْرٌ 1) маст бўлиш, мастлик, мастлик ҳолати; 2) ичкилик қилиш

– سُكَّرٌ шакар, оқ қанд. اَلسُّكَّرُ الـ~ أَحْمَرُ сариқ шакар ~ اَلسُّكَّرُ مِنَ الْبَرَدِ лавлагидан олинган шакар. ~ اَلشَّعِيرِ ундирилган буғдой ва арпадан олинган шакар. ~ اَلْعِنَبِ глюкоза. ~ اَلْفَاكِهَةِ мевадан олинган шакар, мева қанди. ~ اَلْقَصَبِ шакарқамишдан олинган шакар. ~ اَللَّبَنِ сутдаги шакар моддаси, лактоза. اَلـ~ اَلْمُكَرَّرُ *ёки* اَلـ~ اَلْأَبْيَضُ рафинад қанд. ~ نَاعِمٌ шакар. ~ نَبَاتٍ шаффоф конфет. ~ قَالَبُ اَلـ бир калла қанд. ~ قَصَبُ اَلـ шакарқамиш. ~ مَرَضُ اَلـ *шунингдек* ~ اَلـ қанд касали, диабет

– سُكْرٌ тўғон, дамба

– سُكْرَانُ *мн* سُكْرَى *кўп* سُكَارَى, سُكَارَى маст, кайфи ошган ◊ ~ صِينِيَّةٌ *қар* صِينِيَّةٌ

– سُكْرَانُ = سُكْرَانُ

– سُكْرَةٌ *кўп* سُكَرَاتٌ 1) ичкиликка берилиб кетиш, ичкиликка мубтало бўлиш касали, ичкиликбозлик; 2) завқ, лаззат, роҳат, маст бўлиш, мастлик. ◊ ~ اَلْمَوْتِ жон талвасаси. ~ اَلشَّبَابِ ёшлик бевошликлари

– سُكَّرَةٌ *кўп* اتٌ — бир чақмоқ қанд

– سُكَّرِيٌّ ичкиликбоз, пиёниста

– سُكَّرِيٌّ қандга оид. اَلْمَوَادُّ الـ~ةُ қанд моддалари. اَلْبَحْرُ اَلـ~ (اَلشَّوْنْدَرُ) қанд лавлаги. ~ مَرَضُ اَلْبَوْلِ اَلـ~ қанд касали, диабет

– سُكَّرِيَّاتٌ *кўп* ширинликлар, қандолатчилик маҳсулотлари

– سُكَّرِيَّةٌ *кўп* اتٌ — қанддон, қанд солинадиган идиш

– سُكُورٌ ғирт маст

– سِكِّيرٌ маст, ичкиликбоз, пиёниста

– سِيكَرَانُ *алиф. б. қар.*

– مَسْكَرٌ ичкилик, ичкиликбозлик

– مُسْكِرٌ маст қиладиган, кайф қиладиган, 2) *кўп* اتٌ — спиртли ичимлик

– مُسَكَّرٌ қиемда қайнатиб олинган, қиемга ботириб олинган; ~ فَوَاكِهُ қиемда қайнатилган мевалар

– مُسْكِرَاتٌ *кўп* спиртли ичимликлар

– مِسْكِيرٌ кўп ичувчи, ичкиликбоз

سُكُرْتَاهْ суғурта, страхование

سُكْرَتَارِيَّةٌ 1) котибият, секретариат; 2) секретарлик, котиблик

– سُكْرَتِيرٌ секретарь, котиб. ~ عَامٌّ бош секретарь, бош котиб

سُكُرْجَةٌ, سُكُرُّجَةٌ *кўп* سَكَارِجُ лаган, ликопча, тарелка

سُكْرِينٌ сахарин (*қанд суррогати, ширин оқ порошок*)

سُكْسُفُونٌ *кўп* اتٌ — *муз.* саксофон

تَسَكْسَكَ (سكسك) итоаткор бўлмоқ, бўйсунмоқ, бўйин эгмоқ. ◊ ~ عَلَى أَقْدَامِهِمْ оёқлари тагида ўрмаламоқ, лаганбардорлик қилмоқ

– تَسَكْسُكٌ итоаткорлик, бўйсуниш, бўйин эгиш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик

– سُكْسُكَةٌ *зоол.* амиркон товуқ, амиркон хўроз; қизилтўш ўт капалаги

– سَكْسُوكَةٌ чўққи соқол

سَكْسُونِيٌّ 1) Саксонияга оид; 2) саксониялик

I **سَكَعَ** (*а*) سَكْعٌ 1) тентирамоқ, дайдимоқ; бирор мақсадсиз тавакkалига (тавакkал қилиб) юрмоқ, шапалоқ солмоқ, тарс-турс туширмоқ, тепмоқ. V تَسَكَّعَ 1) пайпаслаб юрмоқ, пайпасламоқ, пайпаслаб етиб олмоқ; 2) тентирамоқ, сандироқлаб юрмоқ

سَكْعَكِيٌّ *зоол.* жиблажибон

إِسْكَافٌ أَسَاكِفَةٌ *кўп* этикдўз

– أُسْكُفَّةٌ 1) *шунингдек* ~ اَلْبَابِ остона; 2) *шунингдек* ~ اَلشُّبَّاكِ дераза токчаси

– سَاكِفٌ *кўп* سَوَاكِفُ тепадор, эшик тепадори, эшик *ёки* дераза роминиг тепа егочи

– سَكَافٌ этикдўз

– سَكَافَةٌ этикдўзлик, этикдўзлик касби

سَكَلَارِيدِسُ сакелларидис (*пахта навининг номи*)

I (سكن) **سَكَنَ**[1] (*у*) سُكُونٌ 1) тинч бўлмоқ, тинчимоқ, беозор бўлмоқ, оғир-вазмин бўлмоқ; 2) тинчиб қолмоқ; اَلْأَلَمُ ~ оғриқ тўхтади; غَضَبُهُ ~ жаҳлидан тушди; ~ تْ رِيحُهُ уни унутиб юбордилар, у эсдан чиқиб кетди; إِلَيْهِ ~ бирор кимга ишонмоқ, бирор кимга ишонч билдирмоқ. إِلَى الصَّمْتِ ~ жим бўлмоқ, жим турмоқ, гапирмай турмоқ; 3) *грам.* ҳаракатсиз (*зер-забарсиз*) бўлмоқ (*ҳарф ҳақида*). سَكَنَ[2] (*у*) سُكْنَى яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ, истиқомат қилмоқ, обод қилмоқ, аҳоли яшайдиган жойга айлантирмоқ. II سَكَّنَ 1) тинчитмоқ, тинчлантирмоқ; юмшатмоқ; ~ جَأْشَهُ *ёки* رَوْعَهُ ~ *ёки* خَاطِرَهُ ~ бирор кимнинг кўнглига таскин

www.ziyouz.com kutubxonasi

бермоқ, хотиржам қилмоқ; 2) *грам.* ҳаракатсиз (*зер-забарсиз*) қолдирмоқ, (*ҳарфдаги*) ҳаракатларни (*зер-забарларни*) олиб ташламоқ; сукун қўймоқ; 3) кўчириб жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ; III سَاكَنَ (*бирор к. билан*) бирга яшамоқ, ҳамхона бўлмоқ; IV أَسْكَنَ кўчириб жойлаштирмоқ (ўрнаштирмоқ), *ҳарб.* жойлаштирмоқ; ~ـهُ اللهُ فَسِيحَ جِنَانِه! Оллоҳ унга жаннатидан насиб этсин! (*вафот этган киши ҳақида*) V تَسَكَّنَ қашшоқлашмоқ, камбағаллашмоқ, мискинга айланмоқ; VI تَسَاكَنَ бирга яшамоқ, биргаликда яшамоқ; VIII اسْتَكَنَ 1) (*бирор к. га*) тобе бўлмоқ, бўйсунмоқ, итоат этмоқ (ـلـ); 2) тинчимоқ, тинчиб қолмоқ

– إِسْكَانٌ ўрнаштириш, кўчириб жойлаштириш, тураржой бериш; *ҳарб.* жойлаштириш; ~ الْـ مُشْكِلَةُ тураржой муаммоси

– تَسْكِينٌ 1) тинчитиш; юмшатиш; 2) *грам.* сукун ҳаракатини қўйиш

– سَاكِنٌ[1] 1) тинч. сокин; 2) ҳаракатсиз, беҳаракат, ҳаракат қилмайдиган; мувозанатдаги, тинч ҳолатдаги; 3) *грам* ундош; ◊ لَا يُحَرِّكُ سَاكِنًا لِـ ... у ... учун ҳеч нарса қилмайди, у ... учун ҳеч бир ҳаракат қилмайди; 4) *кўп.* سُكَّانٌ *эл.* статор

– سَاكِنٌ[2] *кўп.* سُكَّانٌ, سَكَنَةٌ 1) яшовчи, истиқомат қилувчи; 2) аҳоли; كَثِيرُ السُّكَّانِ кўп аҳолили, аҳолиси кўп; سُكَّانُ الْمَدِينَةِ шаҳар аҳолиси; السُّكَّانُ الْمَدَنِيُّونَ ҳарбий бўлмаган аҳоли; السُّكَّانُ الْأَصْلِيُّونَ шу ерли аҳоли, губжой кишилар; ◊ ~ الْجِنَانِ марҳум, раҳматли, худо раҳмати, вафот этган

– سَاكِنَةٌ *кўп.* سَوَاكِنُ истиқомат қилувчи аёл

– سَكَاكِيٌّ пичоқ ясайдиган уста, пичоқчи

– سَكَّانٌ = سَكَاكِيٌّ

– سُكَّانٌ *кўп.* ـاتٌ — руль

– سُكَّانِيٌّ аҳолига оид; الْـ ـةُ الْمُشْكِلَةُ аҳолига оид муаммо

– سُكَّنٌ ҳовли аҳли, ҳовлида яшовчилар

– سَكَنٌ[1] 1) яшаш, истиқомат қилиш, 2) тураржой яшаш жойи; ~ بُيُوتُ الْـ кишилар яшайдиган уй ~ أَزْمَةُ الْـ тураржой кризиси; ~ قَابِلُ الْـ яшашга яроқли яшаса бўладиган

– سَكَنٌ[2] орқа, ўт. аланга

– سَكْتَةٌ *кўп.* ـاتٌ — ҳаракатсиз туриш, тўхтаб туриш, тўхташ

– سَكَنَةٌ *кўп.* ـاتٌ — тураржой, яшаш жойи

– سُكْنَى яшаш, истиқомат қилиш; ~ مَحَلُّ الْـ яшаш жойи

– سَكَنِيٌّ яшашга (истиқомат қилишга) мўлжалланган; مَنَاطِقُ ~ـةٌ тураржой районлари (мавзелари); أَحْيَاءٌ ~ـةٌ маҳаллалар

– سُكُونٌ 1) жимжитлик, осойишталик. ором; тинчлик, сукунат; 2) *грам.* сукун, сокин

– سُكُونِيٌّ мувозанатдаги, статик

– سِكِّينٌ *мз. мн. кўп.* سَكَاكِينُ пичоқ; ~ الْمَطْبَخِ овқат тайёрлашда ишлатиладиган пичоқ, ошпичоқ

– سِكِّينَةٌ *кўп* سَكَاكِينُ = سِكِّينٌ

– سَكِينَةٌ 1) хотиржамлик. осудалик; жимжитлик, сокинлик; ~ فِي مَلَكَ ~ نَفْسِه астагина ва хотиржамлик билан; هُدُوءٌ وَ хотиржамликни сақламоқ; 2) тинч ҳаво, шамолсиз вақт (*денгиз, дарё ва кўлларда*); 3) улуғлик, виқор, ҳайбат

– مَسْكَنٌ, مَسْكِنٌ *кўп.* مَسَاكِنُ тураржой, яшаш жойи; квартира

– مُسَكِّنٌ *кўп.* ـاتٌ — *мед.* тинчлантирувчи, оғриқни қолдирувчи дори-дармонлар (препаратлар)

– مَسْكَنَةٌ камбағаллик, бечоралик, фақирлик

– مَسْكُونٌ 1) одам яшайдиган, одамзод турадиган; 2) жинни, тентак, эси паст; 3) жинлар кириб олган, ажиналар макон қилиб олган (*уй*)

– مَسْكُونَةٌ: ~ الْـ ер, ер шари

– مَسْكُونِيٌّ *дин.* дунёдаги черковларнинг ҳаммасини бирлаштирадиган (*мас., қурултой, йиғин*); غِبْطَةُ (قَدَاسَةُ) الْبَطْرِيَرْكِ ~ الْـ дунедаги черковларнинг ҳаммаси учун бўлган патриарх ҳазрати олийлари

– مِسْكِينٌ *кўп* مَسَاكِينُ бечора, фақир, камбағал, мискин; бадбахт, бебахт

– مِسْكَنْجِينٌ сирка ёрдамида аччиқтам қилинган асал (*ичимлик*)

– سِكَنْدَرِيٌّ Искандария шаҳрида яшовчи, искандариялик

I سَلَّ (*а/у*) سَلٌّ 1) тортиб *ёки* суғириб олмоқ, суғуриб олмоқ, тортиб олмоқ, чиқариб олмоқ; ташиб кетмоқ, ўғирламоқ; ўғирлаб кетмоқ; 2) суғуриб олмоқ (*тилни*); 3) سُلَّ сил бўлмоқ, сил касали билан оғримоқ; IV أَسَلَّ = I; V تَسَلَّلَ (*бирор ерга*) суқулиб кирмоқ (кириб олмоқ), билдирмай кириб олмоқ (إِلَى); сизиб кирмоқ, сизиб ўтмоқ; ~ مِنْ بَابٍ خَلْفِيٍّ (*бирор ерга*) орқа эшикдан кириб олмоқ (إِلَى); VII انْسَلَّ 1) (*бирор ерга*) кириб олмоқ, билдирмай кирмоқ (إِلَى); (*бирор ердан*) ҳеч кимга билдирмай кетиб қолмоқ (مِنْ); ~ مِنَ الْجَوَابِ жавоб беришдан ўзини олиб қочмоқ; 2) сил касали билан оғримоқ; VIII اسْتَلَّ 1) чиқармоқ, суғуриб чиқармоқ, суғуриб тортмоқ; ~ سَيْفَهُ қиличини суғурмоқ (яланғочламоқ); 2) тортиб олмоқ, олиб қўймоқ; ~ الْمَرَضُ صِحَّتَهُ касаллик унинг соғлиғини олиб қўяди

– تَسَلُّلٌ 1) ҳеч кимга билдирмай кириб олиш; 2) *муз.* бир темани бир неча ихрочи томонидан ҳар хил овоз билан кетма-кет такрорлаш, фуга; 3) *спорт.* уйиндан ташқарида, офсайд; 4) *мед.* яллиғланиш туфайли ҳужайралар а моддаларнинг тўпланиши, инфильтрация

– سُلٌّ, سِلٌّ *шунингдек:* ~ تَدَرُّنِيٌّ сил; ~ رِئَوِيٌّ ўпка сили; ~ الْعِظَامِ суяк сили

– سَلٌّ *кўп.* سِلَالٌ унча катта бўлмаган сават

– سَلَّالٌ сават тўқийдиган уста, саватчи уста

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سُلَالَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) авлод, насл, уруғ; 2) авлод, авлодлар; 3) оила, аймоқ, зурриёт, сулола; 4) зот, жинс; келиб чиқиш; عِلْمُ السُّلَالَاتِ الْبَشَرِيَّة этнология; 5) *биол.* штамм (*вакцина тайёрлаш учун бирор касал организмидан ажратиб олинган соф микроорганизм*)

– سُلَالِيٌّ 1) оилага (сулолага) оид; 2) этнологияга оид, этнологик

– سَلَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ, سِلَالٌ саватча. корзинка; كُرَةُ الـ~ баскетбол; ~ الْمُهْمَلَات саватча (*қоғоз бурдаларини ташлайдиган*)

– سَلِيلٌ[1] 1) чиқариб олинган, тортиб чиқарилган, ажратиб олинган; 2') (*бирор к. дан*) ўз насл-насабини давом эттирувчи; 3) *кўп.* سُلَالٌ ўғил фарзанд

– سَلِيلٌ[2] сил, сил касалига мубтало бўлган

– سَلِيلَةٌ 1) чиқариб олинган, тортиб чиқарилган, ажратиб олинган; 3) (*бирор к. дан*) ўз насл-насабини давом эттирувчи; 3) *кўп.* سَلَائِلُ қиз фарзанд

– مِسَلَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ, مَسَالُّ 1) жуволдиз; *архит.* гумбаз, минора устига ўрнатилган найза; 2) ёдгорлик, обелиск

– مَسْلُولٌ 1) чиқариб олинган, тортиб чиқарилган, ажратиб олинган; 2) силга (*сил касаллигига*) оид

I سَلَأَ (*а*) سَلْءٌ 1) (*мойни, ёғни*) эритмоқ, эритиб олмоқ; 2) тозаламоқ, оқламоқ; VIII اسْتَلَأَ = I

– سِلَاءٌ эритилган мой (ёғ)

– سُلَاءٌ *жам.* (*хурмо дарахтининг*) тиканаклари

– سُلَاءَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ, (سُلَاآتٌ) (*хурмо дарахтининг тиканаги;* ◊ ـَـ~ بِـ وَ لَوْ خَيْرٌ لِي أَنْ أُخَيِّطَ ثَوْبِي яхшиси буни ўзим бажара қоламан (сўзма-сўз: кийимимни хурмо дарахтининг тикони билан бўлса ҳам ўзим тикканим яхши)

– سِلَائِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ *халқ.* = سُلَاءَةٌ

– سِلَاءٌ = مَسْلِيٌّ, مُسَلًّى

سِلَافٌ *жам.* славянлар

– سِلَافِيٌّ 1) славянларга оид; 2) славян киши

سَلَقُونٌ = سَلَاقُونٌ

سِلَاقِيٌّ този итга (овчи итга) оид

I (سلب) سَلَبَ (*у*) سَلْبٌ 1) талон-торож қилмоқ; тортиб олмоқ; маҳрум қилмоқ, ҳақсиз қилмоқ; ~ عَنْهُ الْجِنْسِيَّةَ бирор кимни фуқароликдан маҳрум қилмоқ; 2) (*ўлжани*) қўлга киритмоқ. босиб олмоқ; 3) инкор қилмоқ; ◊ ~ الْعَقْلَ ақлидан бегона қилмоқ, асир қилмоқ, мафтун қилмоқ; سَلَبَ (*а*) سَلَبٌ (*бирор к. га*) мотам тутмоқ (عَلَى); VII انْسَلَبَ талон-торож қилинмоқ, хонавайрон бўлмоқ; VIII اسْتَلَبَ талон-торож қилмоқ, хонавайрон қилмоқ; тортиб олмоқ, уриб олмоқ

– سَالِبٌ талон-торож қилиш, хонавайрон қилиш

– أُسْلُوبٌ *кўп.* أَسَالِيبُ услуб, метод; ҳаракат *ёки* иш услуби, одат; форма, шакл; стил; اسْتَعْمَلَ أَسَالِيبَ الْإِبَادَة оммавий қирғин қилиш воситаларини ишга солмоқ

– سَالِبٌ манфий, салбий; 2) *фото.* негатив

– سَلَابٌ *кўп.* سُلُبٌ мотам либоси, мотамий либос; мотам

– سَلَّابٌ[1] арқон эшувчи, арқон тўқувчи

– سَلَّابٌ[2] босқинчи, ўғри, таловчи

– سَلَّابَةٌ босқинчи, ўғри, таловчи; босқинчи аёл, ўғри хотин, таловчи аёл

– سَلْبٌ 1) талон-торож, хонавайронлик, босқинчилик; 2) манфийлик, салбийлик; 3) инкор этиш; ~ً салбий равишда; عَلَامَةُ الـ~ *мат.* минус

– أَسْلَبُ[1] *кўп.* أَسَالِبُ талон-торож қилинган, таланган, ўлжа

– سَلَبٌ[2] *жам.* 1) йўғон арқонлар, сим арқонлар; (*хурмо толасидан эшилган*) арқонлар; 2) калла-поча (*сўйилган ҳайвонники*)

– سَلَبَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ йўғон арқон, сим арқон; (*хурмо толасидан эшилган*) арқон

– سَلْبِيٌّ 1) салбий, манфий; 2) негатив; 3) пассив, заиф; الْمُقَاوَمَةُ الـ~ـةُ пассив қаршилик, заиф қаршилик; 4) *кўп.* اتٌ ـَـ негатив томон; *фото.* негатив

– سَلْبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) салбийлик, манфийлик; 2) негативлик; 3) баъзи бир руҳий касалликлар аломатларидан бири, негативизм; 4) *фото.* негатив

– سَلِيبٌ 1) талон-торож қилинган, хонавайрон қилинган, таланган; 2) тортиб олинган, тортиб олиб қўйилган

– مَسْلُوبٌ 1) талон-торож қилинган, хонавайрон қилинган, таланган; 2) ақлдан озган; ◊ ~ الْقُوَّة заифлашган; заиф, нимжон

سَلْبَنْدٌ, سَلْبَنْدٌ отнинг бошини тўғри ушлаб туриш учун югандан айилгача тортиб қўйилган қайиш

I سَلَتَ (*и*) سَلْتٌ чиқариб олмоқ, тортиб чиқармоқ, суғуриб чиқармоқ; ечиб олмоқ, тортиб олмоқ; ~ مَلَابِسَهُ кийимларини ечиб ташламоқ; II سَلَّتَ (*бирор н. ни*) кўп марта чиқариб олмоқ, тортиб олмоқ; VII انْسَلَتَ 1) чиқариб олинмоқ, тортиб чиқарилмоқ, суғурилиб чиқмоқ; 2) яширинмоқ, яширинча кетмоқ, яширинча кетиб қолмоқ

– سُلْتٌ арпа навларидан бири (*бу навнинг устки пўстлоғи бўлмайди*)

– مَسْلُوتٌ қиртишланган; ~ رَأْسٌ сочи олинган бош

I سَلَجَ (*а*) سَلْجٌ, سَلَجَانٌ ютмоқ, томоқдан ўтказмоқ, ютиб юбормоқ

– سُلْجٌ ич суриш хоссасига эга бўлган ўсимлик

سَلْجَمٌ *жам.* 1) шолғом; 2) ёввойи шолғом; рапс, уруғидан ёғ олинадиган ўсимлик; زَيْتُ الـ~ рапс ўсимлигидан олинган ёғ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سَلْحَمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ бир дона шолғом

سَلْجُوقِيٌّ *кўп.* سَلَاجِقَةٌ *тар.* салжуқий

I سَلَحَ (*а*) سَلْحٌ тезакламоқ (*қуш ҳақида*); II سَلَّحَ қуроллантирмоқ, қурол билан таъминламоқ; V تَسَلَّحَ (*бирор н. билан*) қуролланмоқ (ب)

– تَسَلُّحٌ қуролланиш; ~ السِّبَاقُ لِلـــ қуролланиш пойгаси

– تَسْلِيحٌ *1)* қуроллантириш, қурол билан таъминлаш; 2) ҳарбийлаштириш

– سَالِحٌ қуролли; ~ رَجُلٌ қуролли одам

– سُلَاحٌ гўнг, ахлат

– سِلَاحٌ *мз. мн. кўп* أَسْلِحَةٌ 1) қурол, аслаҳа; ~ـــ الْأَبْيَضُ совуқ қурол; بالـــ~ الْأَبْيَضِ қўл яроғи билан, найзабозлик билан; ~ـــ الْجَرْثُومِيُّ бактериологик қурол; ~ـــ الدِّفَاعِ мудофаа қуроли; ~ـــ الذَّرِّيُّ атом қуроли; ~ـــ النَّارِيُّ ўт очиш қуроли; ~ـــ النَّوَوِيُّ ядро қуроли; ~ـــ الرُّوحِيُّ руҳий (маънавий) қурол; ~ـــ رَفِيقُ қуролдош дўст, қуролдош ўртоқ; 2) қўшин тури; қуролли кучлар; ~ـــ الْبَحْرِيُّ ҳарбий денгиз кучлари, ~ الْجَوُّ *ёки* ~ـــ الْجَوِّيُّ ҳарбий ҳаво кучлари; ~ الطَّيَرَان авиация; ~ الْفُرْسَان кавалерия; ~ الْمُشَاة пиёдалар, пехота; ~ الصِّيَانَة *ҳарб.* таъмирлаш хизмати; 3) қуролланиш; ~ـــ تَخْفِيضُ қуролларни қисқартириш; نَزْعُ ~ـــ سَلَّمَ ـــهُ أَلْقَى ـــهُ أَمَامَهُ ... *ёки* қуролсизланиш; таслим бўлмоқ; 4) *шунингдек:* ~ الْمِحْرَاثِ плуг *ёки* омочнинг тиши; тиғ; ~ السِّكِّينِ пичоқнинг тиғи; ◊ ~ـــ تَحْتَ الـــ ҳарбий хизматда, армия сафида

– سِلَاحْدَارٌ *кўп.* سِلَاحْدَارِيَّةٌ қурол-яроғни кўтариб юрувчи йигит, қуролбардор

– سِلَاحْلِيكٌ милтиқларни қўйиш учун ясалган эшак *ёки* чорпоя

– سِلَاحِيٌّ қурол ясовчи уста, қуролсоз

– سَلْحٌ гўнг, тезак (*қушники*)

– مُسَلَّحٌ қуролли, қуролланган; ~ـــة بِالْقُوَّةِ қуролли куч ёрдамида; ◊ ~ـــ الْأَسْمَنْتُ арматурали бетон, темирбетон

– مُسَلِّحٌ = سِلَاحِيٌّ

– مَسْلَحَةٌ *кўп.* مَسَالِحُ 1) аслаҳахона, қурол-яроғ омбори; 2) гарнизон, чегара қўшинлари; 3) қоравулхона, қоравулхона будкаси

سُلَحْفَاةٌ *кўп.* سَلَاحِفُ тошбақа; ~ الْبَحْرِ денгиз тошбақаси; سَارَ ~ـــ سَيْرَ тошбақа юриш қилмоқ, имилламоқ; بِبُطْءِ ~ـــ жуда секин, жуда секинлик билан

– سُلَحْفَائِيٌّ тошбақага оид; ◊ ~ـــةٌ سُرْعَةٌ тошбақа тезлиги каби суръат

– سُلَحْفَائِيَّةٌ 1) тошбақа қадами билан юриш; 2) секин амалга ошадиган иш

I سَلَخَ (سلخ) (*а*) سَلْخٌ 1) терини шилмоқ, терини бадандан ажратмоқ; (*мас., оёқни*) шилиб юбормоқ, сидириб юбормоқ, чақа қилмоқ; الثُّعْبَانُ ~ илон пўст ташлади; 2) (*бирор ҳудудни*) ажратмоқ, тортиб олмоқ, зўрлик билан тортиб олмоқ, босиб олмоқ, зўрлик билан ажратиб олмоқ; (*бирор н. -дан*) ажратиб ташламоқ (مِنْ, عَنْ); 3) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*вақт ҳақида*); 4) (*вақт*) ўтказмоқ; سَلَخَ (*у*) سَلَاخَةٌ мазасиз бўлмоқ, бемаза бўлмоқ; ◊ فِي الْحُكْمِ ~ ҳокимият тепасига биринчи марта чиқмоқ; V تَسَلَّخَ шилинмоқ, шилиниб тушмоқ, шўрлашмоқ, пўсти тушмоқ (*тери ҳақида*); 2) беихтиёр оғзидан чиқиб кетмоқ, ўйламасдан айтиб юбормоқ (*ҳайқириқ, қичқириқ ва ҳ. к.* مِنْ); VII انْسَلَخَ 1) пўст ташламоқ (*илон ҳақида*); 2) (*бирор н. дан*) ажралиб чиқмоқ, ажрамоқ (مِنْ, عَنْ); الْجِلْدُ ~ *мед.* шилинмоқ, шилиниб тушмоқ, пўсти тушмоқ (*тери ҳақида*);3) (*бирор н. дан*) келиб чиқмоқ, пайдо бўлмоқ (مِنْ); 4) тортиб олинмоқ, ажратиб олинмоқ (*ер ҳақида*); 5) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ, тугамоқ (*вақт ҳақида*)

– تَسَلُّخٌ *кўп.* اتٌ ـــ шилинган жой, тимдаланган жой

– سَلَّاخٌ тери шилувчи

– سَلَّاخَةٌ тери шилувчилик касби

– سَلَاخَةٌ бемазалик, мазанинг йўқлиги

– سَلْخٌ 1) терини шилиш; 2) *кўп.* سُلُوخٌ, أَسْلَاخٌ шилиб олинган тери; илоннинг ташлаган пўсти (териси)

– سِلْخٌ *кўп.* سُلُوخٌ, أَسْلَاخٌ шилиб олинган тери; илоннинг ташлаган пўсти (териси)

– سَلَخَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кушхона

– سَلْخَانَةٌ = سَلَخَانَةٌ

– سَلْخَةٌ бир парча, бир бўлак (*ер*)

– سَلِيخٌ 1) шилинган, шилиниб тушган, шилиб олинган; 2) бемаза, мазасиз; 3) ишланмаган ер

– سَلِيخَةٌ 1) долчин; 2) мускат ёғи

– مِسْلَاخٌ *кўп.* مَسَالِيخُ 1) тери, бадан; 2) *кўч. м.* ниқоб, сохта қиёфа; مَلَكُ ~ إِنْسَانٍ *маж.* инсон қиёфасидаги фаришта

– مَسْلَخٌ *кўп.* مَسَالِخُ = سَلَخَانَةٌ

I سَلِسَ (*а*) سَلَسٌ 1) ювош бўлмоқ, итоатгўй бўлмоқ; 2) мулойим бўлмоқ, муомалага юрадиган бўлмоқ; II سَلَّسَ итоатгўй қилмоқ, ювош қилмоқ, муте қилмоқ; اللُّغَةَ ~ тилни яхши эгалламоқ; IV أَسْلَسَ 1) ювош қилмоқ, итоатгўй қилмоқ; قِيَادَتَهُ ~ бирор кимни мутлақ бўйсундирмоқ; لَهُ قِيَادَهُ ~ бирор кимга бўйсунмоқ) الْعِنَانَ ~ (*бирор к. га*) тобе бўлмоқ, бўйсунмоқ (لـــ);2) юмшоқ қилмоқ, юмшатмоқ, енгиллатмоқ

– أَسْلَسُ *мн.* سَلْسَاءُ *кўп.* سُلْسٌ 1) ювош, итоаткор; 2) муомалага юрадиган, гапга кўнадиган; 3) силлиқ, текис, оҳиста

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سَلَاسَةٌ 1) ювошлик, мутелик, итоаткорлик; 2) муомалага юрадиганлик; ~ الْكَلَامِ нутқнинг равонлиги

– سَلَسٌ[1] *мед.* пешобни (сийдикни) ушлаб туролмаслик

– سَلَسٌ[2] ювошлик, қобиллик, мумкинлик

– سَلِسٌ 1) ювош; 2) юмшоқ; 3) равон (*нутқ ҳақида*)

سَلْسَبِيلٌ 1) *дин.* Салсабил (*жаннатдаги булоқнинг номи*); 2) *кўч. м.* жаннат ичимлиги, нектар

سَلْسَلَ 1) занжир қилиб боғламоқ; бириктирмоқ, уламоқ; 2) занжир билан боғламоқ, занжирбанд қилмоқ; ◊ النَّسَبَ ~ зотини аниқламоқ, зотини суриштирмоқ, келиб чиқишини аниқламоқ; ~ الْمَاءَ сув қуймоқ; تَسَلْسَلَ 1) тиркалмоқ, уланмоқ, маташмоқ; 2) тўхтовсиз орқама-орқа келмоқ; 3) (*бирор к. дан*) келиб чиқмоқ, тарқалмоқ (*дан*); 4) оқмоқ, жилдираб оқмоқ, жилдирамоқ (*сув ҳақида*)

– تَسَلْسُلٌ 1) орқама-орқалик, кетма-кетлик, муттасиллик, изчиллик, пайдар-пайлик, тадрижийлик; ~ بِالـ... *ёки* عَلَى سَبِيلِ ~ الـ... орқама-орқа, кетма-кет, التَّارِيخِيُّ ~ الـ... а) хронологик тартиб; مِنْ حَيْثُ الـ... التَّارِيخِيُّ хронологик тартиб билан, хронологик тартибда; б) тарихий воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлиги; сериялилик, сериялларга бўлиш; حَسَبَ الـ... الْهِجَائِيِّ алифбо тартиби бўйича; نُجُومُ الـ... الْأَكْثَرُ бош изчил юлдузлар; 2) келиб чиқиш, зот

– تَسَلْسُلِيٌّ кетма-кет, орқама-орқа; серияли; ~ بِشَكْلٍ кетма-кет равишда, орқама-орқа, тартиб билан; الرَّقْمُ الـ... ~ серия номери

– سَلْسَلِيٌّ ширинлигидан томоқдан жуда осон ўтадиган

سَلْسَلٌ, سَلْسَالٌ муздек, салқин (*сув*)

– سِلْسِلَةٌ *кўп* سَلَاسِلُ 1) занжир, цепочка; الدَّبَّابَةِ ~ танк занжири (гусеницаси); 2) тизма, қатор, сира; серия; الْمَقَالَاتِ ~ мақолалар серияси; الْجِبَالِ ~ тоғ тизмаси, тизма тоғлар; فَقَرِيَّةٌ ~ *ёки* الظَّهْرِ ~ умуртқа поғонаси; الْمِسَّاحِ ~ чегараларни белгилаш учун ишлатиладиган занжир; النَّسَبِ ~ насабнома, шажара, насл-насаб тарихи; الْأَكَاذِيبِ ~ найранглар занжири (силсиласи)

– مُتَسَلْسِلٌ 1) кетма-кет, орқама-орқа; بِصُورَةٍ ~ـَةٍ кетма-кет равишда; التَّفَاعُلُ الـ... ~ـَةُ الْجَرَائِمِ *физ.* занжирли реакция; кетма-кет қилинган қатор жиноятлар; 2) тартибга оид; ~ رَقْمٌ *ёки* نُمْرَةٌ ~ـَةٌ тартиб номери

– مُسَلْسَلٌ 1) занжирбанд қилинган, занжир билан боғланган; 2) орқама-орқа, кетма-кет; тартибга оид; الْأَرْقَامُ الـ... ~ـَةُ тартиб номерлари; بِتَرْتِيبِ الْأَرْقَامِ الـ... ~ـَةِ тартиб номери билан; رِوَايَةٌ ~ـَةٌ матбуотнинг келгуси сонларида давоми мавжуд бўлган роман; ◊ الْمَرْأَةُ الـ... ~ـَةُ *астр.* Андромеда

– مُسَلْسَلَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ ـَ серия

I سَلُطَ *ёки* سَلِطَ (*у, а*) سَلَاطَةٌ гапга чечан бўлмоқ, гапга уста бўлмоқ, нотиқ бўлмоқ; тили заҳар бўлмоқ; II سَلَّطَ 1) эрк бермоқ, эркинлик бермоқ, (*бирор н. устидан*) ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини бермоқ (عَلَى); حِرْبَتَهُ عَلَيْهِ ~ *маж.* бирор кимга ҳужум қилмоқ; ~ الْأَضْوَاءَ ойдинлаштирмоқ, ёритмоқ, очиқ-ойдин қилиб қўймоқ (عَلَى); 2) (*бирор к. га қарши*) гиж-гижламоқ (عَلَى); عَلَيْهِ الْكِلَابَ ~ (*бирор к. га*) итларни қўйиб юбормоқ; V تَسَلَّطَ 1) (*бирор н. устидан*) ҳукмронликни қўлга киритмоқ; (*бирор н. ни*) эгаллаб олмоқ, эгалламоқ (عَلَى); 2) (*бирор н. устидан*) ҳукмронлик қилмоқ (عَلَى); буюрмоқ, буйруқ бермоқ, кўрсатма бермоқ

– تَسَلُّطٌ ҳокимият, ҳукмронлик, чекланмаган ҳокимият

– تَسَلُّطِيَّةٌ империализм

– تَسَلُّطِيٌّ империалистик

– سَلَاطَةٌ[1] ҳозиржавоблик, жавоб беришга тайёрлик; тилнинг заҳарлиги, тилнинг аччиқлиги; 2) андишасизлик, ҳаёсизлик, уятсизлик

– سَلَاطَةٌ[2] *кўп* اتٌ ـَ ـَ салат, аччиқ-чучук

– سَلَاطَةٌ[3] бўйсундириш, тобе қилиш

– سَلَطَةٌ *кўп* اتٌ ـَ ـَ = سَلَاطَةٌ[2]

– سَلْطَةٌ *кўп* سُلَطٌ куртка

– سُلْطَةٌ *кўп* سُلُطَاتٌ, سُلْطَاتٌ, سُلَطٌ ҳукмронлик, ҳокимият; الـ... ~ الْأُبَوِيَّةُ ота ихтиёри; الـ... ~ التَّشْرِيعِيَّةُ қонун чиқарувчи ҳокимият; الـ... ~ التَّنْفِيذِيَّةُ ижро этувчи ҳокимият, ижроия ҳокимияти; الـ... ~ الْحَاكِمَةُ ҳукмронлик қилувчи ҳокимият; الـ... ~ الرُّوحِيَّةُ диний ҳокимият; الـ... ~ الْعُلْيَا олий ҳокимият; الـ... ~ الْقَضَائِيَّةُ суд органлари (ҳокимияти); الـ... ~ الْمُطْلَقَةُ мутлақ ҳокимият, мутлақ ҳукмронлик; السُّلُطَاتُ الْمَدَنِيَّةُ *ёки* السُّلُطَاتُ الْأَهْلِيَّةُ гражданлик (ҳарбий бўлмаган) ҳокимият; السُّلُطَاتُ الدِّينِيَّةُ диний ҳокимият органлари, السُّلُطَاتُ الزَّمَنِيَّةُ дунёвий ҳокимият органлари; السُّلُطَاتُ الْعَسْكَرِيَّةُ ҳарбийлар ҳукмронлиги; السُّلُطَاتُ الْمَحَلِّيَّةُ маҳаллий ҳокимият; السُّلُطَاتُ الْمَرْكَزِيَّةُ марказий ҳокимият органлари, ~ عُلْيَا الـ... асои салтанат (*подшолик салтанати аломати бўлган ҳасса*)

– سَلِيطٌ[1] 1) шиддатли, кучли, зўр; 2) топқир, ҳушёр, зийрак; заҳарли, аччиқ; اللِّسَانِ ~ тили заҳар, тили ўткир; 3) уятсиз, андишасиз, сурбет, безбет; مَرْأَةٌ ~ـَةٌ бақироқ аёл, вайсақи хотин

– سَلِيطٌ[2] зайтун ёғи, зайтун мойи; кунжут ёғи (*Яманда*)

– مُتَسَلِّطٌ ҳукмрон, ҳокимият тепасидаги; буйруқ берувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

фармон берувчи

سَلْطُوحَةٌ, سَلْطِيحَةٌ ҳеч нарса битмайдиган қаттиқ ер; سِيخُكَ وَ ~ الـــ *мтп.* сих бор, ер бор, лекин кабоб қиладиган нарса йўқ

سَلْطَنَ султон (подшоҳ) деб эълон қилмоқ; تَسَلْطَنَ султон (подшоҳ) бўлмоқ, мутлақ ҳокимликни қўлга киритмоқ

– سُلْطَانٌ[1] ҳокимият, ҳукмронлик, салтанат

– سُلْطَانٌ[2] *кўп.* سَلَاطِينُ султон; подшоҳ, шоҳ; олий ҳукмрон; ◊ ~ إِبْرَاهِيمَ барабулка балиғи

– سُلْطَانٌ[3] ҳужжат, исбот, далил

– سُلْطَانِيٌّ 1) султонга (подшоҳга, шоҳга) оид; 2) ҳокимиятга (давлатга) оид; ◊ سَكَّةٌ ~ـــةٌ *ёки* ~ طَرِيقٌ тўппа-тўғри йўл, шоҳкўча

– سُلْطَانِيَّةٌ *кўп* ـــ اتٌ, سَلَاطِينُ коса, идиш; жом, жомча

– سَلْطَنَةٌ *кўп* ـــ اتٌ салтанат (давлат)

سُلْطُعُودٌ *кўп* ـــ اتٌ денгиз қисқичбақаси, краб

I سَلَعَ (а) سَلْعٌ 1) ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ (*қўл-оёқнинг териси ҳақида*); бўлиниб кетмоқ, бўлинмоқ; 2) моховб бўлмоқ, моховб касалига мубтало бўлмоқ, II سَلَّعَ бўлмоқ, бўлиб юбормоқ, кесиб бўлакламоқ, уриб ёрмоқ; VII اِنْسَلَعَ ёрилмоқ, бўлинмоқ, бўлиниб кетмоқ

– أَسْلَعُ *мн.* سُلْعَاءُ *кўп* سُلْعٌ 1) (*оёғи, қўли*) ёрилиб кетган; 2) моховб

– سَلْعٌ *кўп* سُلُوعٌ ёриқ, дарз; узун кавак

– سِلْعَةٌ *кўп* سِلَعٌ 1) савдо-сотиқ предмети, товар; سِلَعُ الْاِسْتِهْلَاكِ *ёки* السِّلَعُ الْاِسْتِهْلَاكِيَّةُ кундалик эҳтиёж моллари; السِّلَعُ الْإِنْتَاجِيَّةُ ишлаб чиқарилган товарлар; ~ تُبَاعُ وَ تُشْرَى сотиш ва харид қилиш мумкин бўлган товар, السِّلَعُ الصِّنَاعِيَّةُ саноат моллари; السِّلَعُ الْكَمَالِيَّةُ зийнат буюмлари; تَحَوَّلَ إِلَى ~ تُبَاعُ وَ تُشْرَى бузилиб кетмоқ, бузуқ йўлга кирмоқ, номусини сотувчи одамга айланмоқ 2) *мед.* без, ёғли ўсма, ёғ тўқимасидан иборат ўсма

– سِلَعِيٌّ товарга оид ~ـــةٌ صَادِرَاتٌ экспорт қилинадиган товарлар

I سَلَفَ (سلف) سَلْفٌ, سُلُوفٌ (*бирор н. дан*) олдин бўлмоқ, олдинда бўлмоқ, ўтмишда бўлиб ўтмоқ; ~ فِيمَا ўтмишда, ўтган замонда; илгари; қачонлардир: سَلَفٌ[2] (*у*) سَلْفٌ молаламоқ, мола босмоқ, мола бостирмоқ; ерни экишга тайёрламоқ; II سَلَّفَ бирор иш юзасидан олдиндан пул бериб қўймоқ, аванс тариқасида бирор нарса бермоқ; (*бирор н. га ишлатиш учун*) қарз бермоқ (عَلَى); IV أَسْلَفَ 1) (*бирор н. дан*) олдин қилмоқ, олдиндан айтиб ўтмоқ, кириш сўзи билан бошламоқ, юқорида келтириб ўтмоқ; 2) аванс, заколат, қарз сифатида бермоқ; 3) молаламоқ, мола босмоқ, мола бостирмоқ, ерни экишга тайёрламоқ; V تَسَلَّفَ қарз олмоқ; ссуда олмоқ, аванс олмоқ; VIII اِسْتَلْفَ қарз олмоқ, аванс сифатида олмоқ, (*гаров асосида*) ссуда олмоқ (عَلَى); X اِسْتَسْلَفَ (*бирор н. дан*) қарз сўрамоқ (مِنْ)

– سَلِيفٌ олдиндан пул бериб қўйиш; ссуда бериш; қарз бериш. مَحَلُّ الـــ ~ عَلَى بَنْكُ الـــ ~ الزِّرَاعِيُّ ерни қарзга бериш банки; الرُّهُونَاتُ ҳар хил нарсаларни гаровга олиб пул қарз берувчи жой (муассаса), ломбард

– سَالِفٌ олдинги, олдиндаги, муқаддам, ўтган замондаги; ~ فِي الذِّكْرِ юқорида эслаб ўтилган; فِي ~ الزَّمَانِ эски вақтларда, қадимда; ~ اً илгари, муқаддам; ◊ ~ الْعَرُوسِ *бот.* мачин, қизилқуйруқ, зулфи хубон, амарант; ~ اَنِ *ик. с.* икки чаккада ўсган соч

– سُلَافٌ, سُلَافَةٌ сулоф (*олий навли шароб*); узумнинг эзмасдан олдинги чиққан шарбати (*сувн*)

– سَلَافٌ *жам* славянлар

– سَلَفٌ *кўп* أَسْلَافٌ 1) ота-боболар, аждодлар; илгари яшаган одамлар; ~ اً илгари, олдин, олдиндан; 2) ссуда, қарз, аванс; ~ عَلَى الْأُجْرَةِ ойлик устидан олинган аванс

– سُلْفٌ = سَلَفٌ

– سِلْفٌ *кўп* أَسْلَافٌ қайноға, қайни; божа

– سَلْفَةٌ *кўп* سَلَائِفُ келин; қайинсингил; куёвнинг қайинсинглиси

– سُلْفَةٌ *кўп* سُلَفٌ, سُلُفَاتٌ 1) аванс; ссуда, қарз; 2) патак

– سَلَفِيٌّ аждодлар анъанасига содиқ, аждодлар анъанасини давом эттирувчи

– سَلَفِيَّةٌ *кўп* ـــ اتٌ аванс, заколат; ссуда, қарз

– سَلِيفٌ *кўп* سُلَفَاءُ ўтмишдош, илгари ўтган

– سَلِيفَةٌ *кўп* ـــ اتٌ борона; мотка, ~ أَسْنَانُ الـــ борона тишлари

سُلْفَاتٌ *хим.* сульфат; ~ الْحَدِيدِ темир купороси; ~ الرَّصَاصِ қўрғошин купороси, сульфат кислотали қўрғошин, англезит; ~ الزِّنْكِ рух купороси, оқ купорос; ~ الصُّودِ натрий сульфат, глаубер тузи; ~ الْمَاغْنِيزِيَا *ёки* (الْمَغْنِيسِيَا) сульфат кислотали магний, ачиқ туз

~ النُّحَاسِ мис купороси, кўк купорос; ~ الشَّادِرِ сульфат кислотали аммоний

سَلْفَتَ асфальт қилмоқ (етқизмоқ), асфальтламоқ

– سَلْفَتَةٌ асфальт қилиш (ётқизиш), асфальтлаш

– مُسَلْفَتٌ асфальт қилинган (ётқизилган), асфальтланган; طَرِيقٌ ~ асфальт йўл

– سُلْفِيدٌ *хим.* сульфид

I سَلَقَ (у) سَلْقٌ 1) қайнатмоқ, қайнатиб пиширмоқ; қайноқ сув билан ювмоқ; 2) ранжитмоқ, дилини оғритмоқ, ёмонлик қилмоқ, ҳақорат қилмоқ; 2) *кўч. м.* қизимоқ, қизиб кетмоқ (*жанжал ҳақида*); ◊ اَلْحَرُّ الشَّدِيدُ ~ иссиқ ўсимликларни қуйдириб юборди;

www.ziyouz.com kutubxonasi

انْتِحَابات сайлов ўтказмоқ, сайлов ўйлаб топмоқ; V تَسَلَّقَ чиқмоқ, кўтарилмоқ, ўрмалаб (эмаклаб, тирмашиб) чиқмоқ; юқориламоқ, юқорига интилмоқ; чирмашмоқ (*ўсимлик ҳақида*); VII انْسَلَقَ қайнамоқ, қайнаб пишмоқ

– تَسَلُّقٌ кўтарилиш, юқорига чиқиш; ~ الْجِبَالِ альпинизм

– سُلَاقٌ *мед.* қовоқларнинг яллиғланиши

– سَلَّاقٌ қайнатувчи, ошпаз

– سُلَّاقٌ: ~ الـــ *дин.* Исо алайҳиссаломнинг кўкка кўтарилиши билан боғлиқ бўлган байрам (*христианларда*)

– سَلَاقَةٌ 1) нутқнинг кескирлиги; 2) ҳаёсизлик, бетамизлик, сурбетлик

– سَلَاقِيٌّ този ит, овчи ит, ов ити

– سَلْقٌ[1] қайнатиш, қайнаш

– سِلْقٌ[2] سلْقٌ1) қанд лавлаги; 2) хашаки шолғом, эркак шолғом (*ҳайвонларга овқат учун экилади*)

– سَلَقٌ *кўп.* سُلْقَانٌ, أَسْلَاقٌ текислик, текис ер

– سَلَاقِيٌّ = سِلُوقِيٌّ, سُلُوقِيٌّ

– سَلُّوقِيَّةٌ капитан кўприкчаси (*кема палубасида капитан кемани бошқариб бориши учун ажратилган баланд жой*)

– سَلِيقٌ қайнатилган, қайнатиб пиширилган

– سَلِيقَةٌ[1] қайнатма шўрва, қайнатиб пиширилган овқат

– سَلِيقَةٌ[2] *кўп.* سَلَائِقُ 1) табиат; мойиллик; туғма ақл; خَطِيبٌ ~ بالـــ туғма нотиқ; 2) фаҳм, фаросат; зийраклик, сезги, туйғу

– سَلِيقِيٌّ туғма, табиатан; ~ خَطِيبٌ туғма нотиқ

– مُتَسَلِّقٌ 1) юқорига кўтарилувчи, тепага чиқувчи; 2) юқорида ишловчи (*ишчи, учувчи ва ҳ. к.*)

– مَسْلُوقٌ қайнатилган, қайнатиб олинган; الْفَوَاكِهُ الـــةُ компот

– مَسْلُوقَةٌ қайнатиб пиширилган гўшт

سَلْقُونٌ қўрғошинли сурик, қўрғошинли симоб, сульфиддан тайёрланган бўёқ

I **سَلَكَ** (*у*) سُلُوكٌ, سَلْكٌ 1) йўлдан бормоқ, издан бормоқ; ~ ... سِيَاسَةَ сиёсатини олиб бормоқ; 2) кирмоқ; киришмоқ, бошламоқ, қадам қўймоқ, қадам босмоқ; 3) ўзини тутмоқ, амал қилмоқ, иш кўрмоқ; 4) ўтказмоқ, тизмоқ, ипга ўтказмоқ; ўрамоқ, калава қилмоқ; II سَلَّكَ 1) тозаламоқ, тоза қилмоқ (*йўлакни, йўлни*); الْأَسْنَانَ ~ тишларни тозаламоқ; صَوْتَهُ ~ томоқни қирмоқ; 2) (*ипнинг, масаланинг*) чигалини ёзмоқ, ечмоқ; 3) (*бирор н. ни*) ўтказмоқ, тақмоқ, киргизмоқ (*туш. к. ёки* ب); IV أَسْلَكَ киргизмоқ, ўтказмоқ, тақмоқ, ўтказиб чиқармоқ; VII انْسَلَكَ (*бирор н. га*) кирмоқ (في); (*бирор н. нинг тешигидан*) ўтмоқ (*мас., игнанинг*)

– تَسْلِيكٌ 1) тозалаш, тозалов; 2) киргизиш, ўтказиш

– سَالِكٌ 1) борувчи, юрувчи; 2) очиқ, эркин ҳаракат қиладиган (*йўл*); қатналадиган (из тушган) (*йўл*); 3) солик (*суфийликда-учинчи мақомга етган киши*)

– سَلَّاكَةٌ *кўп.* ـــاتٌ: ~ الْأَسْنَانِ тиш тозалагич, мисвок

– سَلْكٌ қатнов, қатнаш, ҳаракат; ~ الْبَحْرِ денгиз қатнови; ~ الْهَوَاءِ 1ҳаво орқали қатнов

– سِلْكٌ *кўп.* أَسْلَاكٌ, سُلُوكٌ 1) ип; 2) сим; كَهْرَبَائِيٌّ ~ электр сими; أَسْلَاكٌ شَائِكَةٌ тиконли сим; مَفْتُولَةٌ أَسْلَاكٌ кабель; بَحْرِيٌّ ~ сув остидан ўтган кабель; بَرْقِيٌّ ~ телеграф линияси; الـــ الْأَرْضِيُّ *радио* ерга уланган сим; هَوَائِيٌّ ~ антенна; 3) шахсий состав, персонал; الـــ التَّعْلِيمِيُّ ўқитувчилар состави; 4) вазифа; الـــ الدِّبْلُومَاسِيُّ السِّيَاسِيُّ *ёки* الـــ الدِّبْلُومَاسِيُّ дипломатик вазифа; رِجَالُ الـــ السِّيَاسِيِّ (الدِّبْلُومَاسِيِّ) дипломатлар, дипломатик корпус; ~ الدَّرْكِ (الشُّرْطَةِ) миршаблар корпуси, жандармерия корпуси; انْتَظَمَ فِي ~ الْوِزَارَةِ вазирликка ишга киримоқ, вазирликда ишламоқ; 5) қўшинлар тури; ~ كَانُوا يَجِبُ عَلَيْهِمْ أَنْ... الضُّبَّاطُ مِنْ أَيِّ қайси қўшин турига мансуб бўлишларидан қатъий назар, зобит (офицер)лар ... қилишлари керак; الْأُدَبَاءُ وَ الشُّعَرَاءُ وَ مَنْ يَنْخَرِطُ فِي ~هِمْ адиблар, шоирлар ва шу кабилар; 6) *бот. зоол* чирмовиқларнинг томири (*шохларга ўраладиган томири*); мўйловча (*бўғим-оёқлилар турига кирувчи жониворларнинг мўйлови*); ўқиш пайти

– سِلْكَةٌ *кўп.* سُلُوكٌ, سَلَكٌ ип; шунур

– سِلْكِيٌّ 1) симли, симдан ишланган, ~ لَا симсиз; رِسَالَةٌ لَا ~ـــةٌ радиограмма; 2) радио; 3) *шунингдек:* ~ عَامِلٌ لَا радист

– سُلُوكٌ 1) *шунингдек:* السَّيْرُ وَ السُّلُوكُ ҳаёт тарзи, турмуш тарзи, ахлоқ, одоб, иш-ҳаракат услуби; ~ الـــ قَوَاعِدُ ахлоқ қонун-қоидалари; ~ الـــ حُسْنُ яхши хулқ; ~ الـــ ذُو *ёки* ~ الـــ الْحَسَنِ яхши хулқли, яхши хулқ эгаси; хушмуомала, андишали; ~ الـــ سَيِّئُ *ёки* ذُو ~ الـــ السَّيِّئِ سُوءُ ёмон хулқ; ёмон хулқли, ёмон хулқ эгаси; 2) ўзни тута билиш; 3) ахлоқ, одоб; ~ الـــ آدَابُ мулозамат-муомала

– سُلُوكِيٌّ 1) ҳаёт тарзига оид; ахлоққа оид; الـــ ~ـــةُ النَّظَرِيَّةُ *ёки* الـــ ~ الْمَذْهَبُ бихевиоризм (*ахлоқ ҳақидаги назариялардан бири*); 2) бихевиорист, бихевиоризм тарафдори

– سُلُوكِيَّةٌ: ~ الـــ бихевиоризм

– مَسْلَكٌ *кўп.* مَسَالِكُ 1) йўл; бориш йўли, борадиган йўл, маршрут; الْمَسَالِكُ الْبَوْلِيَّةُ сийдик йўли; 2) иш-ҳаракат услуби, ахлоқ; سَلَكَ ~ـــهُ бирор кимнинг изидан бормоқ, бирор кимга тақлид қилмоқ

– مُسَلَّكَاتِيٌّ *кўп.* مُسَلَّكَاتِيَّةٌ труба (мўри) тозаловчи, най ёки чилим найининг ичини тозаловчи

– مِسْلَكَةٌ йигирилган ипни ўрайдиган асбоб, ғалтак

سَلِكَا *кимё* кремнекислота (*кремний билан кислороднинг кўпгина минерал ва тоғ жинслари билан таркибига кирадиган бирикмаси*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سَلِيكَا кремний

– سَلِيكُونٌ = سَلِيكَا

I سَلِمَ (*а*) سَلَامَةٌ 1) соғ-саломат бўлмоқ, бехатар бўлмоқ; безарар (бешикаст) қолмоқ; сақланмоқ, асранмоқ;2) қутулмоқ, қутулиб қолмоқ, жон сақламоқ; (*бирор н дан*) халос бўлмоқ, нажот топмоқ (مِنْ); 3) (*бирор н. дан*) озод бўлмоқ, эркин бўлмоқ (عَنْ); II سَلَّمَ 1) (*бирор к. ни*) олқишламоқ (عَلَى), (*бирор к. га.*) салом бермоқ (عَلَى; қар صلو); 2) (*бирор к. га*) узатмоқ, топширмоқ, тақдим қилмоқ (إِلَى); سَلِّمْ لِي عَلَيْهِ! ~ Оллоҳ ихтиёрига ўзини топширмоқ; أَمْرَهُ إِلَى اللهِ мендан унга салом айтинг!; نَفْسَهُ الْأَخِيرَ ~ жон таслим қилмоқ, вафот этмоқ; نَفْسَهُ إِلَيْهِ ~ бирор кимнинг қўлига тушмоқ, бирор кимга таслим бўлмоқ; سِلَاحَهُ ~ қурол-яроғни топширмоқ, таслим бўлмоқ; 3) етказиб бермоқ; 4) (*жиноятчини*) тутиб бермоқ; 5) (*бирор н. ни*) тан олмоқ, фараз этмоқ, эҳтимол тутмоқ, гумон қилмоқ (ب қар جَدَلَ); (*бирор н га*) кўнмоқ, унамоқ, рози бўлмоқ (ب); لَهُ ~ бирор кимга (*бирор н. га*) ён бермоқ (فِي); بِالْقَضَاءِ وَ الْقَدَرِ ~ қазойи-қадарга тан бермоқ, қазойи-қадарга рози бўлмоқ; 6) (*бирор н. дан*) халос (озод) қилмоқ, қутқазмоқ (مِنْ). ◊ فَطَارَ يُسَلِّمُ لِلرِّيحِ سَاقَيْهِ орқа-олдига қарамай қочмоқ, жони борича югурмоқ; III سَالَمَ ярашмоқ, сулҳ тузмоқ; 2) бир-бири билан ўзаро тинч яшамоқ; IV أَسْلَمَ 1) бўйсунмоқ, тобе бўлмоқ, қарам бўлмоқ; رَأْسَهُ إِلَى رَكَبَتَيْهِ ~ бошини тиззалари орасига қўймоқ; نَفْسَهُ إِلَى مَقْعَدِ ~ у беҳолгина ўриндиққа чўкди; أَسْلَمُوا عُيُونَهُمْ لِلنَّوْمِ улар уйқуга чўмишди; 2) (*асирларни, жиноят ор.*) топширмоқ, элтиб бермоқ, қўлга бермоқ, тутиб бермоқ, тутиб топширмоқ; ўз ҳолига ташлаб қўймоқ, қаровсиз ташлаб қўймоқ; 3) ислом динини қабул қилмоқ, исломга кирмоқ, мусулмон бўлмоқ; 4) (*бирор к. ни бирор н. олдига*) олиб бормоқ, олиб келмоқ (إِلَى). ◊ النَّفْسَ ~ ёки الرُّوحَ ~ жон таслим қилмоқ; فِي الطِّعَامِ ~ овқатланишга бошқалардан олдин киришмоқ; V تَسَلَّمَ олмоқ, қабул қилмоқ, қабул қилиб олмоқ; ~ مَقَالِيدَ الْحُكْمِ ҳокимиятни идора қилиш ишини ўз қўлига олмоқ; VI تَسَالَمَ бир-бири билан ўзаро ярашмоқ, VIII اسْتَلَمَ 1) олмоқ; қабул қилмоқ, қабул қилиб олмоқ (*шунингдек: радио орқали ҳам*); 2) ўпмоқ, бўса олмоқ; (*бирор табаррук н. ни*) ҳурмат юзасидан ўпиб қўймоқ; X اسْتَسْلَمَ таслим бўлмоқ, тан бермоқ, енгилганликни бўйинга олмоқ, (*бирор к. га ёки бирор н. га*) тобе бўлмоқ (бўйсунмоқ) (لِـ); أَمَامَ الْمَصَانِعِ ~ қийинчиликлар олдида чий деди (таслим бўлди); لِلْغَضَبِ ~ газаби қайнамоқ, газабланмоқ, жаҳли чиқмоқ

– اسْتِسْلَامٌ 1) таслим бўлиш, енгилганликни бўйинга олиш, капитуляция; 2) тобелик, бўйсуниш; ~ بِـ итоаткорона, ожизона, итоаткорлик билан

– اسْتِسْلَامِيٌّ 1) капитуляцияга оид; капитуляция қилувчи

– اسْتِسْلَامِيَّةٌ капитуляция қилиш

– اسْتِلَامٌ 1) олиш, қабул қилиш, қабул; 2) ўпиш, (*бирор табаррук н. ни*) ўпиш

– إِسْلَامٌ 1) ўзини тангри ихтиёрига топшириш; итоаткорлик, мутелик; ислом динини қабул қилиш, мусулмон бўлиш; 2) الْـ~ ислом дини; 3) мусулмонлар; دِينُ الْـ~ ислом дини, мусулмонлик

– إِسْلَامِيٌّ 1) исломий, исломга оид; 2) мусулмонликка оид; الْأُمَّةُ الْـ~ـةُ мусулмон уммати, аҳли ислом; التَّشْعِيرُ الْـ~ мусулмон қонуншунослиги, ислом шариати; الدِّينُ الْـ~ ислом дини, дини ислом; 3) исломий даврга (мусулмонлик даврига) оид

– إِسْلَامِيَّةٌ 1) мусулмонлик; ислом; 2) мусулмонликка хос хусусият (*мас., архитектурада*); 3) ислом даври

– تَسَلُّمٌ олиш, қабул қилиш

– تَسْلِيمٌ 1) олқишлаш, салом бериш; 2) ён бериш; 3) тақдим этиш, топшириш; бериб юбориш, жўнатиб юбориш; 4) (*жиноятчиларни*) тутиб бериш; 5) таслим бўлиш, капитуляция; 6) (*бирор н. ни*) тан олиш (ب); 7) етказиб бериш, таъминлаш; وَ ~ اسْتِلَامٌ *савдо.* бериш ва олиш; مِينَاءِ الْوُصُولِ ~ *савдо.* сиф (*портгача келтириб бериш шарти билан товар сотиш*); ظَهْرِ ~ (السَّفِينَةِ) الْبَاخِرَةِ *савдо.* фоб (*кемага келтириб бериш шарти билан қилинган савдо*); تَسْلِيمُ رَصِيفِ مِينَاءِ التَّصْدِيرِ ~ *савдо.* фас; مَوَانِئِ بَيْرُوتَ ~ *савдо.* франко-Байрут (*Француз портидан Байрутга келтириб бериш шарти билан қилинган савдо*); ◊ الْـ~ *дин* таслим (*азондан кейинги чорлов, такбир*)

– سَالِمٌ 1) бутун, бус-бутун; جَمْعٌ ~ *грам.* тўғри кўплик; 2) соғлом, нормадаги; فِعْلٌ ~ *грам.* солим феъл; 3) хавфсиз, бехатар, соғ-саломат, тинч, эсон-омон; ~ا эсон-омонлик билан, тўлалигича, бус-бутун ҳолда; غَانِمًا ~ا соғ-саломат ва тирик вазиятда

– سَلَامٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) тинчлик хавфсизлик; эсон-омонлик; بِـ~ эсон-омонликда, эсон-омонлик билан; الْـ~ُ الْعَامُّ умумий хавфсизлик; رُسُلُ الْـ~ тинчлик элчилари; مَدِينَةُ الْـ~ тинчлик шаҳри (*Бағдод шаҳрининг фахрий номларидан бири*); عَلَيْهِ الْـ~! унга тинчлик-омонлик бўлсин!, у тинч-омон бўлсин!, унга саломлар бўлсин, алайҳиссалом; عَلَيْكُمْ الْـ~ сизга тинчлик бўлсин!; وَ بَلَغَ عَلَيْكُمُ الْـ~ُ сизга ҳам тинчлик бўлсин!; 2) салом, саломлашув; ~ الْـ (*бирор к. га*) салом айтмоқ, салом демоқ (إِلَى); عَسْكَرِيٌّ ~ честь ҳарбийларча саломлашув; عَسْكَرِيًّا ~ا أَدَّى честь бермоқ; 3) нашида, гимн; الْـ~ُ الْمِصْرِيُّ Мисрнинг миллий нашидаси; 4) поклик, айб ва нуқсонлардан холилик; ◊ يَا ~! қандай мўъжиза!; ёпирай, воажаб; ажабо!; عَلَيْهِ يَا ~ қандай ажойиб одам-а!; وَ الْـ~ вассалом, иш тамом; хайр, кўришгунча; دُورْ ~ *ҳарб.* (*милтиқни маълум вазиятда тутиб табриклаш учун берилади-ган команда*); دَارُ الْـ~ жаннат; осмон; نَهْرُ الْـ~ Дажла дарёси

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سَلاَمْلِكٌ меҳмонхона, меҳмон қабул қилинадиган хона, ~ التَّشْرِيفَات қабулхона

– سَلاَمَةٌ[1] 1) хавфсизлик; бутунлик; омадлилик, соғ-саломатлик; ~ عَلَى السـ соғ-саломатликда, соғ-саломатлик билан; 2) нажот, қутулиш, халос бўлиш; 3) ақллилик, зеҳнлилик; ~ الْعَقْلِ ақли расолик; ~ الْقَلْبِ самимийлик, қалби поклик; ~ الذَّوْقِ яхши дид; ~ النِّيَّة а) пок ният, оқ ният; б) макрсизлик, софдиллик; ◊ مَعَ السـ оқ йўл!, хайр!, кўришгунча!

– سَلاَمَةٌ[2] салома (*колбасанинг бир тури*)

– سُلاَمِيٌّ, سَلاَمِيَّةٌ *кўп.* سُلاَمِيَّاتٌ *анат.* бармоқдаги бўғим, бармоқ суяги

– سَلاَمِيٌّ тинчликка оид

– سَلَبٌ اَنْ

– سَلَمٌ[2] олхўрига ўхшаш мевали дарахт

– سِلْمٌ[1], سَلْمٌ тинчлик, омонлик, ~ الْبَحَارِ тинчлик тарафдорлари; ~ لاَ سِلْمٌ وَ لاَ حَرْبٌ на уруш, на тинчлик бўлмаган вазият

– سِلْمٌ[2] бошқалар билан аҳилликда яшовчи

– سُلَّمٌ *кўп.* سَلاَلِمُ, سَلاَلِيمُ 1) зина, пиллапоя, поғона; даража, палла; ~ الْعَرَبَة вагон *ёки* араванинг зинапояси, ~ لَوْلَبِيٌّ бурама зина, айланма зина; ~ نَفَّالٌ нарвон, шоти, кўчма зина; икки оёқли нарвон; ~ مِيكَانِيكِيٌّ *ёки* مُتَحَرِّكٌ эскалатор; ~ سَلَطَةِ السـ зинапоя супачаси, пилпай; ~ الْمُوسِيقِيُّ السـ *муз.* бир-бирига нисбатан ажратилган бўлган товушлар мажмуи, гамма; ~ الرَّحْوِ السـ энгармоник гамма; ~ الْقَوِيُّ السـ *муз.* бутун ва ярим тонлардан иборат тадрижий овозлар сираси, диатоник гамма; ~ الْمُلَوَّنُ السـ хроматик гамма (тизма); 2) *кўч. м.* (*бирор н. га етишдаги*) восита, қурол; ... ~ لِلْوُصُولِ إِلَى ... дан фойдаланиш ... га етишиш воситаси сифатида фойдаланиш

– سَلَمَةٌ *кўп.* سَلَمٌ зина, зинапоя, поғона

– سِلْمِيٌّ 1) тинчликка оид, ~ الْحَلُّ тинч йўл билан; 2) ҳар қандай урушга қарши чиқувчи, пасифист

– سِلْمِيَّةٌ ҳар қандай урушга қарши чиқувчи ҳаракат

– سَلِيمٌ *кўп.* سُلَمَاءُ 1) соғ, соғлом, саломат; меъёрдаги, нормал, ақлбутун, камчиликдан холи; ~ الْعَقْلِ السـ فِي الْجِسْمِ السـ соғ танда соғ ақл, 2) ҳақиқий, чин, сохта эмас; соғ, соғлом; (*бирор н. дан*) холи, озод (مِنْ); бенуқсон, қусурсиз қораланмаган; ~ الْقَلْبِ самимий, қалби пок; ~ النِّيَّة пок ниятли, софдил, макрсиз; 3) илон чақиб олган, илон чаққан (*киши*); оғир ярадор, яраси оғир

– سُلَيْمَانُ *ат. от., муз.* Сулаймон, Соломон; ◊ ~ أُمُّ *зоол.* сувсарлар оиласига кирувчи кичик йиртқич ҳайвон; ~ حُوتُ қар. حُوتٌ

– سُلَيْمَانِيٌّ *кимё.* симоб хлориди, ниҳоятда заҳарли оқ порошок, сулема

– مُتَسَلِّمٌ 1) олувчи, қабул қилувчи, қабул қилиб олувчи; 2) *тар.* ~ الْبَصْرَةِ *тар.* Басра ҳокими

– مُسَالِمٌ 1) тинч, тинчликка оид; ~ الْمُدُنُ وَ الْقُرَى السـ тинч шаҳар ва қишлоқлар; ~ غَيْرُ муросасиз, муросага келмайдиган, яраштириб бўлмайдиган; 2) илтифотли, мурувватли, ўзганинг раъйига юрадиган; 3) муросачи, келишувчи

– مُسَالَمَةٌ тинчлик, ярашиш, келишиш; ~ عَدَمُ муросасизлик, келишиб бўлмаслик

– مُسْتَلِمٌ 1) олувчи, қабул қилувчи, адресат

– مُسْلِمٌ 1) ислом динини қабул қилган (*киши*), муслим бўлган; 2) мусулмон киши, муслим

– مُسْلِمٌ[1] *тар.* сепоқдан озод бўлгани учун қўшинда хизмат қилишга мажбур бўлган деҳқон аскар

– مُسْلِمٌ[2] 1) ~ بِهِ имкони бор бўлган, мумкин бўлган, иложи бор бўлган; ... مِنَ السـ بِهِ أَنَّ ... нинг жуда иложи бор, وَ مِنْ غَيْرِ السـ بِهِ أَنَّ ... нинг бўлиши мумкин эмас

– مُسَلَّمَةٌ *кўп.* ات — дастлабки шарт-шароит, замин; *маж. фалс.* исботсиз асос қилиб олинадиган қоида, постулат

– سَلْمُونٌ гўшти қизил балиқнинг бир тури, лосось

– سَلْمُونٌ 1) гўшти қизил балиқнинг бир тури, лосось; ~ أَحْدَبُ лосось оиласига мансуб балиқ, ~ سِيبِرِيٌّ лосослар оиласига мансуб балиқ, кета; ~ مُرَقَّطٌ хонбалиқ, форель; 2) лосось балиғининг гўшти

– سَلَنْدَرٌ *кўп.* ات — цилиндр

– سَلْهَبٌ *кўп.* سَلاَهِبُ, سَلاَهِبَةٌ баланд, баланд бўйли, қомати келишган

I (سلو) سَلاَ (*у*) سُلُوٌّ юпанмоқ, овунмоқ; тасалли топмоқ, таскин топмоқ; тинчиб қолмоқ; (*бирор н. ни*) ундан воз кечмоқ, ундан чиқармоқ (عَنْ); سَلِيَ (*а*) سَلْيٌ = سلو. II سلى юпатмоқ, овутмоқ, тасалли бермоқ, таскин бермоқ; кўнглини ёзмоқ, ёзишмоқ, завқлантирмоқ, ёзилмоқ, завқланмоқ. IV أَسْلَى = II. V تَسَلَّى тинчланмоқ, хотиржам бўлмоқ; тасалли топмоқ; юрагининг чигили ёзилмоқ, завқланмоқ; VI تَسَالَى кўпчилиб суриштирмоқ, кўнгилларни ёзишмоқ

– تَسْلِيَاتٌ *кўп.* тасалли, эрмак, кўнгил очадиган нарса; сайр-томоша

– تَسْلِيَةٌ *кўп.* تَسَالٍ вақтичоғлик қилиш, томоша қилдириш, ўйнатиш, овутиш

– سَالٍ *мн.* سَالِيَةٌ юпанувчи, овинувчи, тасалли топувчи

– سُلْوَانٌ[1] тасалли, эрмак, таскин; تَسَلَّ لِعَائِلَةِ الْفَقِيدِ الصَّبْرَ ~ وَ السـ марҳумнинг оиласига сабр-тоқат тилаймиз (*христианларда таъзия ифодаси*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سُلْوَانٌ[2] 1) маржон ёки мунчоқ донасига ёққан ёмғир суви (*бу сувни ошиқ ичса, кўнгли таскин топар эмиш*); 2) ғамгин одам ичса, ғами тарқайдиган дори

– سُلْوَانَةٌ маржон ёки мунчоқ донаси (*бу дона устига ёққан ёмғир сувини ошиқ ичса, кўнгли таскин топар эмиш*)

– سَلْوَاةٌ бедана

– سَلْوَةٌ, سُلْوَةٌ тасалли, эрмак, овунчоқ; вақтичоғлик; طَلَبَ الـ~ فِي قِرَاءَةِ الْكُتُبِ китоблар ўқишдан ўзига тасалли қидирмоқ

– سَلْوَى[1] тасалли, овунчоқ; بَحَثَ عَنِ الـ~ (*бирор н. дан*) ўзига тасалли қидирмоқ (فِي)

– سَلْوَى[2] *жам. кўп* سَلَاوَى бедана

– سَلْوَى[3] асал

– سَلًى *кўп.* أَسْلَاء *анат.* қоғоноқ (*она қорнидаги болани ўраб олган парда*); ◊ ذَهَبَ فِي الْمَطِّ وَالْتَقْطَعِ الـ~! ҳамма нарса барбод бўлди!

– مَسْلَاةٌ *кўп.* مَسَالٍ хурсандчилик қиладиган жой

– مِسْلَاةٌ ўйинчоқ

– مَسْلِيٌّ эритилган ёғ

سم қисқ. с. سَنْتِيمِتْر *дан* сантиметр

I سَمَّ (*a/y*) سُمٌّ заҳарламоқ, заҳар солмоқ; II سَمَّمَ заҳарламоқ, заҳар солмоқ, (*бирор жойга*) заҳар қўймоқ; V تَسَمَّمَ (*бирор н. дан*) заҳарланмоқ (ب); VII اِنْسَمَّ 1) заҳарланмоқ; 2) аччиқланмоқ, ғазаби қайнамоқ, асабийлашмоқ, қони қайнамоқ

– تَسَمُّمٌ юқиш; заҳарланиш; الـ~ الدَّمَوِيُّ қоннинг заҳарланиши; الـ~ الْبَوْلِيُّ *мед.* сийракнинг касалланиши орқасида организмда тўпланиб қолган моддалар таъсири билан организмнинг заҳарланиши, уремия

– سَامٌّ заҳарли; заҳарловчи, ◊ أَبْرَصُ ~ *зоол.* чекко (*калтакесак*)

– سَامَّةٌ хослик, хусусийлик, махсуслик

– سُمٌّ, سَمٌّ *кўп.* سُمُومٌ 1) заҳар; الْغُبَارُ ~ маргимуш; 2) (*игнанинг*) тешиги

– سَمُومٌ *кўп.* سَمَائِمُ самум (*иссиқ шамолнинг номи*); ◊ تَحْتَرِقُ سَمَائِمُ سُخْطِهِ у газабдан ёнаяпти

– سَمِّيٌّ заҳарли; مَوَادُّ ~ـَّةٌ заҳарли моддалар

– سَمِّيَّاتٌ *кўп.* заҳарли моддалар, заҳарлар

– سَمِّيَّةٌ заҳарлилик

– مَسَامُّ *жам.* 1) *анат.* тешикчалар (*теридаги тер безларининг майда тешикчалари*); 2) *физ.* модда заррачалари орасидаги кавакчалар

– مَسَامِّيٌّ кавак-кавак, кавакчалари кўп, ғовак, илма-тешик; الْأَحْجَارُ الـ~ـَّةُ ғовак серговак, серкавак тошлар

– مَسَامِّيَّةٌ ғоваклик, илма-тешиклик, кавaклик

– مُسِمٌّ заҳарловчи, заҳардек таъсир қилувчи

– مَسْمُومٌ заҳарланган

– سَمَافُورٌ *кўп* اتٌ ـــ семафор

– سَمَاوَرٌ *кўп.* اتٌ ـــ самовар; شَحِيرُ الـ~ самоварнинг вишиллаб қайнаши

– سِمْبَطَاوِيٌّ, سِمْبَتَاوِيٌّ, سِمْبَاتَوِيٌّ симпатик, симпатияга оид; الْأَعْصَابُ الـ~ـَّةُ нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ва қон айланиш жараёнини бошқарадиган асаблар

(سمت) II سَمَّتَ 1) (*бирор н. устида*) Оллоҳ Таоло номини зикр этмоқ (عَلَى); ◊ لِلْعَاطِسِ ~ аксирган одамга يَرْحَمُكَ اللهُ иборасини демоқ; III سَامَتَ 1) осмоннинг энг юқори нуқтасида бўлмоқ, бош устида бўлмоқ (*қуёш ҳақида*); 2) параллель бўлмоқ, параллель юрмоқ

– تَسَامُتٌ азимут

– تَسَامُتِيٌّ азимутга оид; خَرِيطَةٌ ~ـِّيَّةٌ азимутли карта

– سَمْتٌ *кўп.* سُمُوتٌ 1) йўналиш; йўл; мақсад, ният; أَخَذَ (اتَّخَذَ)الـ~ـَهُ إِلَى ... (*бирор томонга*) йўл олмоқ, жўнамоқ; ~ السُّمُوتِ *ёки* الـ~ *астр.* азимут; الْقَدَمِ ~ *ёки* ~ نَظِيرُ الـ~ *астр.* надир (*зенитга диаметрал қарама-қарши вертикал чизиқнинг горизонтдан пастда осмон сфераси билан кесишган нуқтаси*); ~ الرَّأْسِ зенит; الْاِعْتِدَالِ ~ тенгкунлилик доираси; ~ الْاِنْقِلَابِ қуёш туриши колюри (доираси); 2) қиёфа; хушбичимлилик, истараси иссиқлик, салобат; رَزِينُ الـ~ хотиржам, табиати яхши, хулқи яхши; هُوَ مِنْ ذَوِي الـ~ وَ السِّنِّ وَ الْوَقَارِ у истараси иссиқ, салобатли, куркам мўйсафиддир

– مُسَامَتَةٌ қуёшнинг зенитда туриши ҳолати

I سَمُحَ (*y*) سَمَاحَةٌ, سُمُوحَةٌ 1) қўпол бўлмоқ; бадбашара бўлмоқ, ярамас (жирканч) бўлмоқ, қабиҳ бўлмоқ; X اِسْتَسْمَحَ 1) қўпол деб ҳисобламоқ; 2) бадбашара (ярамас, жирканч) ҳисобламоқ

– سَمَاحَةٌ 1) қўполлик; бемаънилик, ярамаслик, жирканчлик; 3) ёқимсизлик, бемазалик, ёмонлик

– سَمِيحٌ, سَمِجٌ 1) қўпол; 2) бадбашара, ярамас, жирканч; 3) ёқимсиз, бемаза, ёмон

I (سمح) سَمُحَ (*y*) سَمَاحَةً сахий (қўли очиқ, саховатли, бағри кенг) бўлмоқ; سَمَحَ (*a*) سَمَاحٌ (*бирор н. га*) рухсат бермоқ, имкон бермоқ (ب); йўл қўймоқ, бепарво қарамоқ; ... لِنَفْسِهِ أَنْ ~ ...ни ўзига эп кўрмоқ, ... ни ўзига раво кўрмоқ; ◊ لَا سَمَحَ اللهُ! ~ худо кўрсатмасин!; III سَامَحَ кечирмоқ, афв этмоқ, гуноҳидан ўтмоқ; илтифот кўрсатмоқ, мурувват қилмоқ; ~ـَهُ اللهُ! уни Оллоҳ ўзи кечирсин!; IV أَسْمَحَ = سَمُحَ; VI تَسَامَحَ 1) (*бирор к. га нисбатан бирор н. да*) мурувватли бўлмоқ, илтифот кўрсатмоқ (فِي, مَعَ); йўл қўймоқ, бепарво бўлмоқ, бепарво қарамоқ; 2) эҳтиёткор бўлмоқ; X اِسْتَسْمَحَ 1) узр сўрамоқ, кечирим сўрамоқ; 2) рухсат (изн) сўрамоқ

– إِسْمَاحٌ бағри кенглик, яхшилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

– أَسْمَحُ *мн.* سَمْحَاءُ *кўп.* سُمْحٌ сахий, саховатли, бағри кенг, яхши, кўнгли очиқ; الْمِلَّةُ السَّمْحَاءُ; الشَّرِيعَةُ السَّمْحَاءُ = الشَّرِيعَةُ الْغَرَّاءُ мусулмонлар

– تَسَامُحٌ 1) мурувват, шафқат; илтифот, риоя, риоясизлик; йўл қўйиб бериш, бепарволик; ~ الدِّينِيُّ дин эркинлиги, дин эркинлигини эътироф этиш; 2) *тех.* машина қисмларини тайёрлашда йўл қўйиладиган ўлчамлар айирмаси, қўйим

– تَسَامُحِيَّةٌ мурасасозлик, келишувчилик

– سَمَاحٌ сахийлик, саховат, яхшилик, бағри кенглик; 2) кечиришлик; 3) рухсат бериш, изн бериш, илтифот кўрсатиш, мурувват; ~ عَدَمُ ман этиш; ~ أَيَّامُ الـ қарздор кишига қарзини қайтариш учун берилган муддат кунлари

– سَمَاحَةٌ 1) сахийлик, саховат, қўли очиқлик, бағри кенглик; 2) олийлик, улуғлик; 3) ҳазрати олийлари (*унвон, мас.*, ~ الْمُفْتِي *ёки* ~ صَاحِبُ الْمُفْتِي *муфтий ҳазрати олийлари*), 4) чидамлилик, бардошлилик

– سَمْحٌ *кўп.* سُمَحَاءُ 1) қўли очиқ, сахий, саховатли, бағри кенг, яхши; 2) юқори, кучли, пок (*эътиқод*);2. 1) сахийлик, саховат, бағри кенглик; 2) чидамлилик, бардошлилик

– سَمْحَةٌ *кўп* سِمَاحٌ *мн.* سَمْحٌ *нинг* 1. 2) *дан*; ~ الشَّرِيعَةُ الـ = شرع الشَّرِيعَةُ الْغَرَّاءُ *қар.*

– سَمُوحَاتٌ *кўп.* соликдан озод қилинган товарлар (моллар)

– سَمِيحٌ *кўп.* سُمَحَاءُ сахий, саховатли, қўли очиқ, бағри кенг

– مُسَامَحَةٌ 1) кечириш, афв этиш; 2) илтифот

– مُسَامَحَاتٌ *кўп.*: ~ أَيَّامُ الـ байрам кунлари; таътил; таътил кунлари

– مِسْمَاحٌ сахий, саховатли, қўли очиқ, бағри кенг

– مَسْمُوحٌ рухсат берилган, имкон берилган. рухсати бор, рухсатли

– مَسْمُوحَاتٌ *кўп.* = سُمُوحَاتٌ

سِمْسَاقٌ *кўп* سَمَاحِيقُ *биол.* тўқима; ~ الْعِظَامِ суяк пардаси, суяк устидаги парда

– سَمَاحِيقُ *кўп.* патсимон булутлар, барра булутлар

I **سَمَدَ** (*у*) سُمُودٌ бошни мағрур кўтармоқ; II سَمَّدَ (*ерни*) ўғитламоқ, (*ерга*) ўғит солмоқ; V تَسَمَّدَ ўғитланмоқ, ўғит тушмоқ

– تَسْمِيدٌ ўғит солиш, ўғитлаш

– سَامِدٌ *шунингдек.* ~ الرَّأْسِ бошини мағрур кўтарган

– سَمَادٌ *кўп.* أَسْمِدَةٌ ўғит. ~ صِنَاعِيٌّ сунъий йўл билан ҳосил қилинган ўғит; ~ عُضْوِيٌّ органик ўғит; الْأَسْمِدَةُ الْآزُوتِيَّةُ азотли ўғитлар; الْأَسْمِدَةُ الْمَعْدَنِيَّةُ фосфатли ўғитлар; الْأَسْمِدَةُ الْفُوسْفَاتِيَّةُ минерал ўғитлар

– سَمِيدٌ *ёки* سَمِيذٌ *жам.* 1) оқ ун; 2) тешик кулча. ўрама нон, калава нон (*сол.* سَمِيطٌ)

سَمِيدَعٌ *кўп.* سَمَادِعُ жаноб, обрў-эътиборли; баҳодир

I (*у*) **سَمُرَ** (*у*) سُمْرَةٌ тўқ бўлмоқ. жигарранг бўлмоқ, қорача рангда бўлмоқ, буғдойранг бўлмоқ سمر (*у*) سُمُورٌ, 1) кечқурун гурунглашиб ўтирмоқ. кечқурунги пайтни гурунглашиб ўтказмоқ; кечаси бедор бўлмоқ. уни билан ухламай чиқмоқ; 2) мих қоқмоқ, михламоқ; II سَمَّرَ 1) михлаб бекитмоқ, михлаб ташламоқ; مِسْمَارًا ~ мих қоқмоқ. 2) қоқиб ёпиштирмоқ, қоқиб уламоқ, михлаб ташламоқ; به عَيْنَهُ ~ бирор нимага тикилиб қарамоқ; لَمْ يَتَحَرَّكْ كَأَنَّ قَدَمَيْهِ سُمِّرَتَا إِلَى الْأَرْضِ *маж.* у ўрнидан жилмади; у михлаб қўйилгандек қимирламай турди; 3) жўнатмоқ, юбормоқ; السَّهْمَ ~ ёйдан ўқ узмоқ; III سَامَرَ ўзаро суҳбатлашмоқ, ўзаро гаплашмоқ (гурунглашмоқ); V تَسَمَّرَ 1) михлаб ташланмоқ; қоқиб ташланмоқ; 2) михлаб қўйилмоқ; VI تَسَامَرَ ўзаро суҳбатлашмоқ (суҳбатлашиб ўтирмоқ); IX اسْمَرَّ тўқ бўлмоқ, буғдойранг бўлмоқ, тўқлашмоқ; офтобда қораймоқ; XI اسْمَارَّ = IX

– أَسْمَرُ *мн.* سُمْرَاءُ *кўп.* سُمْرٌ тўқ; буғдойранг; жигарранг; ~ الْجِلْدِ қора танли, буғдойранг; ~ان *ик. с.* сув ва буғдой *ёки* сув ва шамол

– سَامِرٌ[1] гап, гап-гаштак; ўйин-кулги кечаси; ~ أَحْيَا الـ гап бермоқ, гурунг ташкил этмоқ, гап-гаштак қилиб ўтказмоқ

– سَامِرٌ[2] *кўп.* سُمَّارٌ 1) гап-гаштак қатнашчиси, ҳамсуҳбат; 2) қаҳвахонага кечаси келувчи, қаҳвахонанинг тунги мижози; 3) қўшиқчи, хонанда; ~ الشَّعْبِيُّ халқ ҳофизи

– سَامِرِيَّةٌ *алиф. б. қар.*

– سَمَارٌ[1] тўқ ранг, қорамтир ранг; қорачалик, қорача рангда

– سَمَارٌ[2] қамиш; ~ الْحُصُرِ кўлда ўсадиган қамиш

– سَمَرٌ *кўп* أَسْمَارٌ 1) гап, гап-гаштак, йиғин; ~ أَقَامَ حَفْلَةَ гап-гаштак бермоқ, йиғин ўтказмоқ; 2) (*кечқурунги*) суҳбат, гаплашиб ўтириш; 3) тунги зулмат

– سَمُرٌ акас дарахтлари турларидан бири

– سَمْرَاءُ буғдой

– سُمْرَةٌ тўқ ранг. қорамтир ранг, қорачалик, қорача рангда бўлиш

– سَمَامِيرُ *кўп* سَمُّورٌ *зоол* сувсар; ~ فَرْوُ сувсар мўйнаси

– سُمَيْرٌ *кўп.* سُمَرَاءُ ҳамсуҳбат; ҳикоя айтувчи

– سُمَيْرِيَّةٌ кема турларидан бири

– مُسَامِرٌ ҳамсуҳбат, суҳбатдош

– مُسَامَرَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) суҳбат; суҳбатлашиш; кечки (оқшомги) йиғин (йиғилиш); 2) оммабоп маъруза

– مِسْمَارٌ *кўп.* مَسَامِيرُ мих, қозиқ; بِطَاسَةٌ ~ катта қалпоқли мих; ~ الْبَرْشَمَةِ михпарчин, чега; ~ مُصَامُولَةٌ гайкали болт; ~ الْفَلَنْكَاتِ *т. й.* рельсни шпалга маҳкамлайдиган Т шаклли мих; ~ قَبَاقِيبِيٌّ кнопка; ~ لَوْلَبِيٌّ винт; ~ مَقْلُوظٌ винт, шуруп; ◊ ~ الْقَدَمِ қадоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

оёқдаги қадоқ; ~ اللَّبَن оғизсут; ~ جُحَا Жуҳо латифаларининг энг муҳим жойи (мағзи, ўзаги) (*Жуҳо-араб латифаларининг қаҳрамони; сол туркий халқлардаги Насриддин афанди каби*); (*тез-тез кириб келиш учун ишлатиладиган*) баҳона; لَيْسَ لَهُ شَيْءٌ حَتَّى وَ لَا ~ جُحَا (*маъ. бирор кимникига бориш учун*) унда ҳеч қандай баҳона йўқ

– مِسْمَارِيٌّ 1) мих шаклидаги, михсимон, 2) пона шаклидаги; الْكِتَابَةُ الـ~ـةُ миххат

– مُسَمَّرٌ 1) михлаб ташланган, михлар қоқиб ташланган; 2) михи чиқиб кетган (*оёқ кийими*)

سَمْرَمَرٌ *зоол.* тўққизил чуғурчиқ

سَمْسَرَ даллоллик қилмоқ, ўртачилик қилмоқ, ўртада турмоқ

– سِمْسَارٌ *кўп.* سَمَاسِرَةُ даллол; айғоқчи, агент; комиссионер; ◊ سَمَاسِرَةُ السُّوءِ ёвузлик тарқатувчилар

– سَمْسَرَةٌ 1) даллоллик, ўртачилик; 2) даллолпик учун тўланган ҳақ, даллолга тўланган ҳақ ширинкома

سَمْسَمٌ *жам.* кунжут; симсим (*ярлакларда: тилсимли хазина*); ~ زَيْتُ الـ~ кунжут ёғи; ◊ اِفْتَحْ يَا ~ *фольк.* симсим, очил!

I (سمط) **سَمَطَ**[1] (*у*) سَمْطٌ 1) қайноқ сувга ботириб олмоқ, қайноқ сув билан ювмоқ, қайноқ сув билан чаймоқ; қайнатмоқ; 2) ~ الْجَدْيَ эчки боласи устидан иссиқ сув қуйиб жунини олмоқ; سَمَطَ[2] (*у*) سُمُوطٌ жим турмоқ, сукут сақламоқ II سَمَّطَ эгар устидаги қайишга осиб қўймоқ (илиб қўймоқ)

– سِمَاطٌ *кўп.* سُمُطٌ, أَسْمِطَةٌ 1) дастурхон, 2) стол, 3) дастурхон ёзилган хон

– سِمْطٌ *кўп.* سُمُوطٌ маржон *ёки* марварид шодаси; 2) мунчоқ *ёки* маржон ўтказилган ип; 3) *кўп.* سُمُوطٌ эгардан осилиб тушган чарм камар

– سَمْطِيٌّ = مُسَمَّطٌ

– سَمِيطٌ[1] *жам.* тешик қулча, ўрама нон, калава нон

– سَمِيطٌ[2] устидан иссиқ сув қуйиб жуни олинган (*ҳайвон*)

– سُمَيْطٌ *кўп.* ~ـاتٌ дастурхонча, кичкина дастурхон

– سَمِيطَةٌ тешик қулча, ўрама нон, калава нон

– مَسْمَطٌ *кўп.* مَسَامِطُ қўйнинг калла-почаси сотиладиган жой (бозор)

– مُسَمَّطٌ: ~ شِعْرٌ аруз вазнидаги қофияланиши ўзига хос шеър жанри

– مَسْمُوطٌ = سَمِيطٌ

I **سَمِعَ** (*а*) سَمْعٌ, سَمَاعٌ эшитмоқ, қулоғига кирмоқ; қулоқ солмоқ; بِأُذُنِهِ ~ ўз қулоғи билан эшитмоқ (*кўп.* سَمِعُوا بِآذَانِهِمْ); كَانَ يُسْمَعُ وَ لَا يُرَى у ҳақда эшитиларди, лекин кўрилган эмас; بِهِ لَمْ يُسْمَعْ қулоқ эшитмаган; لَيْسَ مَنْ ~ كَمَنْ رَأَى *мтл.* юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал (*ғарбона-сўз:* эшитган кўргандек бўлмас); 2) қулоқ солмоқ, итоат қилмоқ, бўйин эгмоқ, сўзига кирмоқ; II سَمَّعَ 1) эшиттирмоқ; ҳикоя қилмоқ, гапириб бермоқ; (*маъруза*) ўқимоқ, декламация қилмоқ; 2) (*бирор к. нинг*) обрўсини туширмоқ, (*бирор к. га*) доғ туширмоқ, (*бирор к. ни*) бадном қилмоқ, беобрў қилмоқ, (*бирор к. га*) иснод келтирмоқ (ب); IV أَسْمَعَ 1) эшиттирмоқ. 2) гапирмоқ, гапириб бермоқ; хабар бермоқ, (*радиодан*) эшиттирмоқ; ~ـهُ أُغْنِيَةً ашула ижро этмоқ; ~ـهُ مُرَّ الْكَلَامِ бемаъни гапларни гапириб жаврамоқ; ~ دَرْسَهُ а) дарсда жавоб бермоқ; б) дарсни ёд олмоқ, ёдла-моқ; V تَسَمَّعَ *ёки* اسَّمَّعَ қулоқ солмоқ; охиригача қулоқ солмоқ, (*бирор н. га диққат билан қулоқ солмоқ*) (إِلَى, عَلَى ـ); VI تَسَامَعَ бир-биридан эшитмоқ, орқаворотдан эшитмоқ; (*бирор н. ҳақида*) гап-сўздан билиб қолмоқ (ب); (*бирор н. ни*) бир-бирига билдирмоқ (ب); VIII اسْتَمَعَ қулоқ солмоқ; эшитмоқ; (*бирор н. ни*) билдирмай эшитиб олмоқ

– اسْتِمَاعٌ қулоқ солиш; тинглаш, эшитиш; قَاعَةُ الـ~ аудитория

– تَسْمِيعٌ 1) айтиб бериш, ҳикоя қилиш; (*маъруза*) ўқиш, шеър ўқиш; ~ оғзаки; 2) обрўни тўкиш, таҳқирлаш

– تَسَمُّعٌ 1) қулоқ солиш; тинглаш, эшитиш; 2) *мед.* аускультация (*тиббий текшириш усули, бунда ўпка, юрак товушларини бевосита ёки бавосита эшитиш*)

– سَامِعٌ эшитувчи, тингловчи, қулоқ солувчи, ◊ الـ~ـونَ қулоқлар

– سَمَاعٌ 1) қулоқ солиш, тинглаш; سَمَاعٌ! қулоқ солинг, эшит!; 2) ҳамоҳанглик, оҳангдошлик, хушовозлик, хушнаволик; عِلْمُ الـ~ акустика; 3) жонли нутқ (*лексикани ўрганишнинг манбаи сифатида*)

– سَمَّاعَةٌ *кўп.* ~ـاتٌ 1) телефон трубкаси (гўшаги); эшитиш трубкаси; *радио.* қулоққа тутиб эшитиладиган асбоб, наушник, 2) *мед.* стетоскоп (*юрак ва ўпкани эшитиш учун ишлатиладиган асбоб*), ◊ الْبَابِ ~ эшикка ўрнатилган болғача (*эшикни тақиллатиш учун*)

– سَمَاعِيٌّ 1) *грам.* амалиётда, нутқ жараёнида қонунийлашган (*сўз, ибора, шакл*), ёзма нутқда учрамайдиган, оғзаки; 2) *юр.* тўла кучга эга бўлмаган (*гувоҳ ёки гувоҳлик*); ~ شَاهِدٌ гувоҳлиги тўлиқ исбот сифатида ўтмайдиган, билвосита исбот ҳисобланадиган гувоҳ

– سَمَاعِيَّاتٌ *кўп.* акустика

– سَمْعٌ *кўп.* أَسْمَاعٌ 1) эшитиш, қулоқ солиш, тинглаш; ~ـي بِالـ~ овоз чиқариб, эшитиладиган қилиб; ~ـي حَاسَّةُ الـ~ эшитиш сезгиси; ثَقِيلُ الـ~ қулоғи вазмин, қулоғи оғир; ~ـي جِهَازُ الـ~ эшитиш асбоби; بَلَغَ ~ـهُ وَ بَصَرُهُ الْخَبَرُ أَسْمَاعَهُ бу хабар унгача етиб борди; ~ تَحْتَ ~ـهِ وَ بَصَرِهِ *ёки* تَحْتَ أَسْمَاعِهِ وَ أَبْصَارِهِ бирор кимнинг қулоғи ва кўзи ўнгида; 2) қулоқ; 3) ашула айтиш, сайраш; ◊ ~ـاً وَ طَاعَةً хўп бўлади, жоним билан, бош устига; كَانَ الْحَدِيثُ فِي ~ـهِ суҳбат у бор вақтда (унинг иштирокида) бўлган эди

– سَمْعٌ бўри билан сиртлоннинг чатишмаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سُمْعَةٌ шуҳрат, обрў, эътибор, донг, ном; حَمِيدَةٌ ~ яхши ном, яхши обрў; رَدِيئَةٌ ~ ёмон ном; ~ الـــ حَسَنُ эътиборли, ном қозонган, яхши деб ном чиқарган; ~ فَعَلَ الشَّيْءَ бирор нимани одамлар эшитсин учун қилмоқ

– سَمْعِيٌّ 1) қулоқ билан эшитиладиган; ~ـــةٌ صَدْمَةٌ эшитиш аъзоларининг шикастланиши, қулоқнинг шикастланиши; 2) акустикага оид, акустик

– سَمْعِيَّاتٌ *кўп.* ~ سَمَاعِيَّاتٌ; ~ عِلْمُ الـــ акустика (*физиканинг бир бўлими*)

– سَمِيعٌ *кўп.* سُمَعَاءُ эшитувчи, тингловчи; ~ الـ ҳамма нарсани эшитувчи (*Оллоҳ Таолонинг сифатларидан бири*)

– مُسْتَمِعٌ тингловчи, эшитувчи

– مِسْمَاعٌ *кўп.* مَسَامِيعُ *мед.* юракнинг уришини, ўпкани эшитиб кўриш учун ишлатиладиган асбоб, стетоскоп

– مَسْمَعٌ овоз етадиган жой, эшитиш мумкин бўлган жой; ~ـــ مِنِّي *ёки* سَأَلَهُ عَلَى ~ مِنِّي менга овози етадиган жойдан туриб уни сўради

– مُسْمِعٌ хонанда, ашулачи

– مَسْمَعٌ *кўп.* مَسَامِعُ эшитиш аъзоси, қулоқ

– مَسْمُوعٌ эшитилган; эшитиш мумкин бўлган, равшан, очиқ-ойдин; ~ غَيْرُ эшитиб бўлмайдиган; ~ الْكَلِمَةَ эътиборли, обрўли

– مَسْمُوعَاتٌ *кўп.* қулоққа чалинган гаплар

– مَسْمُوعِيَّةٌ эшитиш мумкинлик, эшитишлик

سِمْفُونِيَا симфония

I سَمَقَ (*у*) سُمُوقٌ, سَمْقٌ баланд бўлмоқ, баландда бўлмоқ, новча бўлмоқ, бўйи узун (баланд) бўлмоқ; VI تَسَامَقَ кўтарилмоқ, юқориламоқ, чўққига кўтарилмоқ

– سَامِقٌ новча, найнов, баланд, бўйи узун

– سُمَّاقٌ *бот* суммоқ (*тери ошлашда ишлатиладиган модда берувчи ўсимлик*)

– سُمَّاقِيٌّ ~ حَجَرٌ *ёки* ~ رُخَامٌ порфир (*минерал*)

– سَمْقٌ новча, найнов, баланд, бўйи узун

I (سمك) سَمَكَ (*у*) سُمُوكٌ 1) баланд бўлмоқ, новча бўлмоқ; 2) семиз (йўғон) бўлмоқ; سَمَكَ (*у*) سَمْكٌ кўтармоқ, юқорига кўтармоқ; II سَمَّكَ семиртирмоқ, йўғонлаштирмоқ

– سَمَاكٌ: ~ الـــ الرَّامِحُ *ёки* ~ الـــ *астр.* Арктур (*Ҳўкизбоқар юлдузлар туркумида*); ~ الـــ الْأَعْزَلُ *астр.* Спика (*Дева юлдузлар туркумида*); ~ الـــانِ *ик. с.* Арктур ва Спика; رَفَعَهُ إِلَى الـــيْنِ *маж.* бирор кимни етишиш мумкин бўлмаган чўққига кўтармоқ; رَفَعَ ~ اسْمَهُ الـــ *маж.* бирор кимнинг номини осмонга кўтармоқ

– سَمَّاكٌ 1) балиқчи, балиқфуруш, балиқ сотувчи; 2) балиқ тутувчи

– سَمَاكَةٌ 1) баландлик, тепалик; (*қатламнинг*) қалинлиги; 2) қалинлик, зичлик

– سَمَاكَةٌ балиқчилик, балиқ овлашлик

– سُمْكٌ, سَمْكٌ 1) баландлик, тепалик, қалинлик, чуқурлик; 2) шифт

– سَمَكٌ *жам. кўп.* أَسْمَاكٌ балиқ; ~ بَحْرِيٌّ ~ денгиз балиғи; ~ نَهْرِيٌّ дарё балиғи; ~ الْأَمِيرِ хонбалиқ, форель; ~ الثُّعْبَانِ *зоол.* илон балиқ; ~ قَدِيدٌ қизил балиқнинг тузланган ва қоқиланган орқа гўшти; ~ مُوسَى камбала (*балиқ тури*); الْأَسْمَاكُ الطَّازِجَةُ янги тутилган балиқ; الْأَسْمَاكُ الْمُجَفَّفَةُ қуритилган балиқ; الْأَسْمَاكُ الْمَحْفُوظَةُ (الْمُعَلَّبَةُ) балиқ консерваси; الْأَسْمَاكُ الْمَمْلَحَةُ шўр балиқ; ~ تَرْبِيَةُ الـــ балиқчилик; ~ صَيَّادُ الـــ балиқчи; ~ صَيْدُ الـــ балиқ тутиш; ~ـــ غَاصَ بَحْرُهُ *мтл.* сувсиз балиқ каби; (الْمَاءِ) فِي الْبَحْرِ اشْتَرَى ~ـــاً *маж* тишини кўрмай от олмоқ (*сўзма-сўз:* денгиздаги (сувдаги) балиқни сотиб олмоқ)

– سَمَكَةٌ *кўп* ـــ اتٌ балиқ, бир дона балиқ; ~ إِبْرِيلَ биринчи апрель хазили, الـــ الذَّهَبِيَّةُ *фольк.* олтин балиқ; ~ الـــ *астр.* Ҳут юлдузлар туркуми

– سَمَكِيٌّ балиққа оид, балиқдан қилинган; ~ـــةٌ تَرْوَةٌ балиқ заҳираси, балиқ бойлиги

– سَمِيكٌ 1) баланд, юқори; 2) семиз, бақалоқ, қалин

– مَسْمَكَةٌ *кўп* ـــ اتٌ сувнинг балиқ овлаш учун қулай, кенг ва тинч жойи; 2) аквариум

– سَمْكَرِيٌّ *кўп.* سَمْكَرِيَّةٌ тунукачи, тунукасоз, металлардан ясалган буюмлар сиртига қалай югуртириб оқартирувчи мисгар уста; مِكْوَاةُ ~ الـــ кавшарлагич, қалайлаш (кавшарлаш) асбоби

– سَمْكَرَةٌ, سَمْكَرِيَّةٌ тунукасозлик, тунукачилик

I (سمل) سَمَلَ (*у*) سَمْلٌ (*кўзни*) ўйиб олмоқ; سَمُلَ (*у*) سُمُولٌ эскирмоқ, тўзимоқ, увадага айланмоқ; IV أَسْمَلَ эскирмоқ, йиртилмоқ; VIII اسْتَمَلَ = I

– سَمْلٌ ўйиш, ўйиб олиш; ~ الْعَيْنِ кўзни н. биландир ўйиб олиш

– سَمَلٌ *кўп.* أَسْمَالٌ 1) йиртиқ кийим-бош, увада; 2) қолдиқ

I سَمَنَ (*у*) سَمْنٌ ёғ билан аралаштирмоқ, ёғ (мой) қўшиб қоримоқ (аралаштирмоқ, қориштирмоқ)

– سَمَنٌ семизлик, тўлалик, барвасталик, норғиллик

– سُمَّانَى = سُمَانَى

– سَمْنَانٌ семиз, тўла, барваста, норғил, ёғли

– سُمْنَةٌ[1] *кўп.* سُمَّانٌ сайроқи майна

– سُمْنَةٌ[2] семиртирадиган дори

www.ziyouz.com kutubxonasi

– سُمْنَةٌ *кўп.* سَمَامِنُ, سُمُّنٌ = سُمْنَةٌ

– سِمْنَةٌ = سِمَنٌ

– سُمَنِيَّةٌ бутга чўқинувчиларнинг бир тоифаси

– سَمِينٌ *кўп.* سِمَانٌ = سَمْنَانٌ

– مُسَمَّنٌ ёғли, серёғ; боқиб семиртирилган, бўрдоқига боқилган

– مَسْمُونٌ ёғ (мой) қўшилган, ёғ (мой) қўшиб қорилган; ~ طَعَامٌ ёғ (мой) қўшиб тайёрланган овқат

سَمَنْتُو, سَمَنْتٌ цемент

سَمَنْجُونِيٌّ мовий, ҳаворанг, ложувард, осмоний ранг

سَمَنْدَرٌ *зоол.* самандар (*ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшайдиган калтакесакка ўхшаш жонивор*), саламандра; ~ الْمَاءِ *зоол.* сувда яшайдиган калтакесак

سَمَنْدَرٌ = سَمَنْدَلٌ

سَمْهَرِيٌّ қаттиқ, пишиқ, мустаҳкам

– سَمْهَرِيَّةٌ пишиқ, қаттиқ ишланган найза

سِمَةٌ *қар.* وسم

I (سمو) سَمَا (*у*) سُمُوٌّ 1) баланд бўлмоқ, юқорига кўтарилмоқ; (*бирор н. дан*) юқори бўлмоқ (عَنْ); (*бирор н. гача*) кўтарилмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. ни*) зўр бериб олишга интилмоқ, зўр бериб талаб қилмоқ (إِلَى); 3) (*бирор н. ни*) кўтармоқ (ب); بِنَظَرِهِ ~ (*бирор к. га*) қарамоқ, кўз ташламоқ (إِلَى); 4) بِسْمِ اللهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ иборасини айтмоқ; II سَمَّى 1) (*бирор н. ни деб*) атамоқ (*туш. к. ёки* ب); سَمَّاهُ مُحَمَّدًا (بِمُحَمَّدٍ) уни у Муҳаммад деб атади; كَمَا يُسَمُّونَهُ *ёки* مَا يُسَمَّى بِـ... деб аталадиган; III سَامَى шон-шуҳратда, қўлда тутиб турган мавқеда ким ўзарлик қилмоқ; ўзиб кетишга интилмоқ; (*бирор к. билан.*) тенглашишга интилмоқ; IV أَسْمَى 1) (*бирор н. деб*) атамоқ, ном бермоқ, исм қўймоқ (*туш. к. ёки* ب); 2) юқорига кўтармоқ; V تَسَمَّى (*деб*) аталмоқ, (*қандайдир*) номга эга бўлмоқ (ب); VI تَسَامَى 1) юқорига кўтарилмоқ, баланд парвоз қилмоқ; 2) шон-шуҳратда ким ўзди ўйнамоқ, мақтанмоқ; ўзини юқори ҳисобламоқ, ўзини баланд олмоқ; 3) (*бирор н. ни*) кўтармоқ

– اسْمٌ *кўп.* أَسَامٍ, أَسْمَاءٌ 1) ном, исм, атама; فُلَانٍ بِـ~ фалон киши номидан; ~ الشَّخْصِ исм, ном, от; ~ الْعَائِلَةِ фамилия; ~ مُسْتَعَارٌ *ёки* ~ مُنْتَحَلٌ ўйлаб топилган исм, тахаллус, лақаб; ~ سِرِّيٌّ лақаб; ~ كَانَ ном билан, номда; б) номигагина, фақат қоғозда; عُرِفَ بِالـ~ فَقَطْ номи бору ўзи йўқ бўлмоқ; الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى *ёки* أَسْمَاءُ اللهِ الْحُسْنَى *дин.* Оллоҳ Таолонинг 99 та исми сифати (*сўзма-сўз*: Оллоҳнинг гўзал исмлари); بِـ~ اللهِ Оллоҳ номи билан; عَلَيْهِ! اللهِ ~ уни Оллоҳ ўзи асрасин!; عَلَيْكَ! اللهِ ~ уялсанг-чи!; 2) обрў, донг, ном; 3) (*мас., китобнинг*) номи, сарлавҳаси; 4) *грам.* от; عَلَمٌ ~ атоқли от; الْعَيْنِ ~ конкрет от; الْمَعْنَى ~ мавҳум от, абстракт от; الْفَاعِلِ ~ аниқ нисбат сифатдоши; الْمَفْعُولِ ~ мажҳул нисбат сифатдоши

– أَسْمَى энг юқори, энг олий, энг баланд

– اسْمِيٌّ 1) отга оид; جُمْلَةٌ ~ـةٌ *грам.* от кесимли гап; ~ عِيدٌ исм байрами (*христианларда*); 2) исми бору, ўзи йўқ; номи бору, ўзи йўқ; турдош

– اسْمِيَّةٌ 1) *грам.* отнинг отлик хусусияти, отлик; 2) *фалс.* номинализм (*ўрта аср ғарб фалсафаси. Унга кўра оламда фақат якка нарсалар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар эса фақат нарсаларнинг номларидангина иборат*)

– تَسْمِيَاتٌ *кўп.* ـاتٌ — аташ. номлаш; ном, исм; تَسْمِيَةٌ اصْطِلَاحِيَّةٌ номенклатура

– سَامٍ *мн.* سَامِيَةٌ *кўп.* سُمَاةٌ 1) баланд, юқори; улуғ, улуғ даражали; 2) олий; энг олий; الْمَنْدُوبُ السَّامِي олий комиссар; الْأَمْرُ السَّامِي фармон, олий фармон

– سُمَا шон-шуҳрат, донг, яхши ном

– سَمَاءٌ *мн. кўп.* سَمَاوَاتٌ, سَمَوَاتٌ 1) осмон, самовот; أُمُّ الـ~ *астр.* Сомон Йўли; ~ الْمَاءَ بِالدِّلَاءِ الـ صَبَّتِ (هَمَّتِ) пақирлаб қуйгандек ёмғир ёғмоқ; ~ الـ بَرَدًا تُمْطِرُ ёмғир ёғаяпти; ~ الـ تُمْطِرُ дўл ёғаяпти; 2) уйнинг шифти; 3) ёмғир

– سَمَائِيٌّ 1) осмонга (самога) оид; самовий; 2) ҳаворанг, мовий

– سَمَاوَةٌ саҳронинг шаҳарга туташган, яқин қисми

– سَمَاوِيٌّ 1) осмонга (самога) оид, самовий; الْأَجْرَامُ الـ~ـةُ осмон жисмлари; 2) ҳаворанг, мовий; 3) очиқликда турган, осмон тагида турган; 4) осмондан нозил бўлган, илоҳий; ~ كِتَابٌ илоҳий китоб; الشَّرَائِعُ الـ~ـةُ *қар.* شَرِيعَةٌ

– سُمُوٌّ 1) баландлик; 2) олийлик; 3) аълоҳазрат; صَاحِبُ الـ~ жаноби олийлари

– سَمِيٌّ[1] баланд, юқори

– سَمِيٌّ[2] адаш, отдош, исми бир-бирига ўхшаган

– مُسَامَاةٌ эгаллаб турган амал билан *ёки* шон-шуҳрат билан ким ўзиш ўйнаш; ўзиб кетишга интилиш

– مُسَمًّى 1) аталган. ном берилган, ном қўйилган; كَثْرَةُ الْأَسْمَاءِ تَدُلُّ عَلَى شَرَفِ الْـ~ отнинг кўплиги унинг аслзодалигидан далолат беради; 2) маълум; ~ أَجَلٌ غَيْرُ номаълум муддат; 3) *кўп.* مُسَمَّيَاتٌ а) ном қўйилган предмет; الْـ~ وَ اسْمُهُ предмет ва унинг номи; б) ном, исм; سَمَّى أَشْيَاءً بِمُسَمَّيَاتِهَا нарсаларни ўз номи билан атамоқ; ~ بِلَا اسْمًا (أَصْبَحَ) ظَلَّ қоғозда (оғизда) қолиб кетмоқ; 4) тушунча; مُسَمَّيَاتٌ عِلْمِيَّةٌ илмий тушунчалар

سِمُوكِنٌ қайтарма ипак ёқали узун қора мовут пиджак, смокинг

سَمَيْدَعٌ 1) сахий, саховатли, қўли очиқ; 2) *кўп.* سَمَادِعَةٌ жасур, баҳодир, ботир, мард

www.ziyouz.com kutubxonasi

I سَنَّ (*а/ў*) سَنٌّ 1) ўткирламоқ, ўткир қилмоқ; عَيْنَيْهِ ~ диққат билан қарамоқ, тикилиб қарамоқ; 2) (*қонун*) чиқармоқ, жорий қилмоқ; (*қоида*) чиқармоқ; II سَنَّنَ 1) ўткирламоқ, ўткир қилмоқ, чархламоқ; 2) қараб туриб ёшни айтиб бермоқ; ◊ الْوَلَدُ ~ чақалоқнинг тиши чиқди; IV أَسَنَّ кекса ёшли бўлмоқ, кексаймоқ; الْوَلَدُ ~ = سَنَّنَ الْوَلَدُ; أَنْيَابَهُ لِأَنْ ... ~ ... учун тиш қайрамоқ; VIII اسْتَنَّ 1) қонунлаштирмоқ, қонун тусига киритмоқ; (*қонун*) чиқармоқ, (*қоида*) жорий қилмоқ; (*одат*) тусига киритмоқ; بِالسُّنَّةِ ~ суннага мувофиқ иш тутмоқ; 2) тишни тозаламоқ, мисвок қилмоқ

– أَسْنَانِيٌّ *фон.* тиш (*товуши*); شَفَوِيٌّ ~ лаб-тиш (*товуши*) (ذ, ظ, ث)

– تَسْنِينٌ 1) тиш чиқиши, тиш пайдо бўлиши; 2) қараб туриб ёшни айтиб бериш

– سَنٌّ (*қонунлар*) чиқариш; الشَّرَائِعِ ~ *ёки* الْقَوَانِينِ ~ қонунлар чиқариш

– سِنٌّ[1] *мн. кўп.* أَسْنَانٌ 1) ёш (*яшалган умрнинг йилдаги ҳисоби*); الرُّشْدِ ~ балоғат ёши; حَدِيثُ الـ~ ёш (*кексанинг акси*); طَاعِنٌ فِي الـ~ ёши ўтган, кексайган; صَغِيرُ الـ~ кичик ёшли; كَبِيرُ الـ~ кекса; مُتَقَدِّمُ الـ~ ёши ўтган, мўйсафид

– سِنٌّ[2] *мн. кўп.* أَسِنَّةٌ, أَسْنَانٌ 1) тиш; طَاحِنَةٌ ~ озиқ тиш; قَاطِعَةٌ ~ олдинги тиш, курак тиш; طَاقِمُ الْفِيلِ ~ а) фил тиши; б) фил суяги; أَسْنَانٍ صِنَاعِيَّةٍ сунъий тиш, протез; طَبِيبُ الْأَسْنَانِ тиш табиби, дантист, стоматолог; فُرْشَةُ الْأَسْنَانِ тиш чўткаси; الْكَلْبِ ~ а) қозиқ тиш, ит тиш; б) *архит.* ганжбанд безак; 2) *архит.* дентикула (*тишлатиб бириктириш*); 3) тиш; الْمِسْلَفَةِ ~ омоч (*борона*) тиши; الْمِنْشَارِ ~ арра тиши; الْوَشْمِ ~ саримсоқпиёзнинг бир парраги (тиши); 4) ўткир қирра, ўткир уч; الْقَلَمِ ~ қаламнинг (ўткир) учи; 5) қўзоқ, пўчоқ; الْفُولِ ~ фўл (ловия) қўзоқлари; الْعَدَسِ ~ ёсмиқ қўзоқлари; ◊ هُمْ كَأَسْنَانِ الْمُشْطِ улар ўзаро инокдирлар, аҳилдирлар (*сўзма-сўз:* улар тароқнинг тишлари кабидирлар); السِّنُّ بِالسِّنِّ وَ الْعَيْنُ بِالْعَيْنِ қонга қон, жонга жон (*сўзма-сўз:* тишга тиш, кўзга кўз); الْأَسَدِ ~ момақаймоқ, қоқи ўт; الْمِنْجَلِ ~ читтак; ~ عَيْشٌ иккинчи нав нон; ذَاتُ الـ~ *муз* (*нотада*) саккиздан бир; ثُنَائِيَّةُ الْأَسْنَانِ *муз.* (*нотада*) ўн олтидан бир; رُبَاعِيَّةُ الْأَسْنَانِ *муз.* (*нотада*) ўттиз иккидан бир

– سِنَانٌ[1] *кўп.* أَسِنَّةٌ тиғ, (*бирор н. нинг*) тиғи, дами; (*бирор н. нинг*) учи

– سِنَانٌ[2] тиғни ўткирлайдиган тош, қайроқ тош

– سَنَّانٌ қайровчи, чархчи

– سَنَنٌ услуб, йўл, метод

– سُنَّةٌ *кўп.* سُنَنٌ 1) одат, урф-одат; амалиёт, практика; 2) ривоят; الرَّسُولِ ~ *ёки* النَّبَوِيَّةُ الـ~ сунна (*ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган сўзлари ва бажарган ишлари ҳақидаги ҳадислар мажмуаси*); أَهْلُ الـ~ суннийлар; 3) қонун; الطَّبِيعَةِ ~ табиат қонуни

– سِنَّةٌ 1) туғ; 2) *архит.* дентикула (*тишлатиб бириктириш*)

– سُنُونٌ тиш порошоги

– سُنِّيٌّ 1) сунний; الْمُسْلِمُونَ السُّنِّيُّونَ сунний мусулмонлар; сунний ислом

– سُنِّيَّةٌ сунний ислом, суннийлик, суннизм

– مِسَنٌّ *кўп.* اتٌ — чарх, катта қайроқтош, қайроқ, қумқайроқ; ~ الْمُوسَى қайроқ, қайроқтош

– مُسِنٌّ ёши ўтган, кексайиб қолган, кексайган; *кўп.* مَسَانٌّ: الْمَسَانُّ مِنَ الْإِبِلِ қари туялар

– مُسَنَّنٌ қунгирали (*девор*)

– مُسَنَّنَةٌ *кўп.* اتٌ — тишли ғилдирак, шестерня

– مَسْنُونٌ[1] 1) чархланган, ўткирланган; ўткир; 2) силлиқ, текис

– مَسْنُونٌ[2] сассиқ, қўланса ҳидли; ~ حَمَأٌ сассиқ ҳидли балчиқ

– سِنَّارَةٌ *кўп.* سِنَّارَاتٌ, سُنَّارَاتٌ, سَنَانِيرُ, سُنَّارَةٌ илмоқ, илгак; қармоқ; شُغْلُ الـ~ وَ الْإِبْرَةِ тўқиш, тўқилган нарса; трикотаж

– سَنَامَكِّيٌّ *бот.* санойи макка, сурги дори

– سَنَامُورَةٌ 1) *жам.* Ўрта ва Қора денгизларда яшайдиган майда балиқлар; 2) шўр сув, намакоб

– سُنْبَادَجٌ *мин.* жилвиртош, жилвир, қайроқ қуми

– سُنْبَاذَجٌ = سُنْبَادَجٌ

– سَنَابِكُ *кўп.* سُنْبُكٌ қайиқча, кичкина қайиқ

– سُنْبُكٌ *кўп.* سَنَابِكُ 1) туёқнинг олдинги қисми, туёқнинг учи; 2) металл, девор ва шу кабиларни тешадиган асбоб, парма; 3) қайиқча

– سَنْبَلَ бошоқламоқ, бошоқ чиқармоқ, бошоқ олмоқ

– سُنْبُلٌ *жам. кўп.* سَنَابِلُ 1) бошоқлар; 2) лолалар: بَرِّيٌّ ~ *бот.* сунбул; هِنْدِيٌّ ~ нард, нардин (*хушбўй ўсимлик*)

– سُنْبُلَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) бошоқ; 2) лола; بَرِّيَّةٌ ~ *бот.* сунбул; بُرْجُ الـ~ *астр.* Сунбула буржи

– سُنْبُلِيٌّ бошоқ шаклидаги, бошоқсимон

– سَنْبُوسَكٌ *жам.* сомсалар

– سَنْبُوسَكَةٌ *кўп.* اتٌ — сомса

– سُنْبُوقٌ, سَنَابِيقُ *кўп.* سُنْبُكٌ қайиқча, кичкина қайиқ

– سَنْبُوكٌ = سُنْبُكٌ = سَنَابِيكُ *кўп.*

(*сунт*) IV أَسْنَتَ қурғоқчиликни (хазонрезгиликни) бошдан кечирмоқ

– سَنْتٌ цент (*долларнинг юздан бири*)

– سِنْتْرَالٌ марказ. централ; التِّلِفُونِ الْأُوتُومَاتِيكِيِّ ~ марказий

www.ziyouz.com kutubxonasi

автоматик телефон станцияси

الْحِلْفُ الْأَطْلَسِيُّ = حِلْفُ الـــ~: сентю

سَنْتِي *қисқ.* сантиметр

سَنْتِيجْرَادٌ юз градусли (*термометр*); ~ مِقْيَاسُ Цельсий термометри

سَنْتِيغْرَامٌ *кўп.* اتٌ — сантиграм

سَنْتِيمِتْرٌ *кўп.* اتٌ — сантиметр

سَنَاجٌ қурум, қоракуя

– سَنْجَةٌ *кўп.* سَنَجٌ, سُنَجٌ 1) кўтарадиган тош; 2) найза

– سِنْجَةٌ *кўп.* سَنَجٌ 1) найза; 2) трамвайнинг юқоридаги симдан ток оладиган қисми, ток қабул қилғич, токоприёмник

سِنْجَابٌ *кўп.* سَنَاجِيبُ, سَنَاجِبُ олмахон

– سِنْجَابِيٌّ 1) олмахонга оид; 2) кулранг

سَنْجَقٌ *кўп.* سَنَاجِقُ 1) байроқ; 2) санжақ (*Туркиядаги маъмурий бирлик*)

I سَنَحَ (*а*) سُنُوحٌ 1) (*к. нингдир*) эсига тушмоқ (لِـــ), (*к. нингдир*) хаёлига келмоқ (لِـــ), миясига келмоқ (لِـــ); 2) пайти келмоқ; ◊ ~ عَنْ رَأْيِهِ бирор кишини бир ишдан қайтармоқ, айнитмоқ; عِنْدَ سُنُوحِ الْفُرْصَةِ пайти келганида, қулай фурсат келганида; II سَنَّحَ (*бирор нарсада*) ўзини катта олмоқ (لِـــ); (*н. дадир*) эътиборсиз бўлмоқ (عَنْ)

– سَانِحَةٌ *кўп.* سَوَانِحُ, اتٌ — қулай фурсат; الْفُرْصَةُ الـــ~ ўзи келган қулай фурсат; سَوَانِحُ الظُّرُوفِ қулай шарт-шароит; 2) тасодифан мияга келган фикр

I سَنِخَ (*а*) سَنَخٌ, سَنَاخَةٌ аччиқтам бўлмоқ, тахир бўлмоқ (*ёғ ҳақида*)

– سَنَخٌ, سَنَاخَةٌ (*ёғнинг*) тахирлиги, аччиқлиги

– سَنِخٌ тахир (ёғ)

– سِنْخٌ *кўп* سُنُوخٌ 1) илдиз; асос, пойдевор; 2) *анат.* кавак, катак, тиш жойлашган кавакча

– سِنْخِيٌّ *мед.* линг. алвеоляр (*тиш жойлашган катакчага оид*)

I سَنَدَ (*у*) سُنُودٌ 1) (*к. гадир. н. гадир*) суянмоқ, тиралмоқ (إِلَى); 2) (*н. нидир*) қўллаб-қувватламоқ (ب), тираб қўймоқ, тиргак қўйиб мустаҳкамламоқ (ب); 3) ёрдам бермоқ; إِلَى الْخَمْسِينَ ~ яқинда у элликка киради; II سَنَّدَ қўллаб-қувватламоқ; тирамоқ, тираб қўймоқ; III سَانَدَ қўллаб-қувватламоқ, ёрдам бермоқ; IV أَسْنَدَ 1) қўллаб-қувватламоқ, тираб қўймоқ; ظَهْرَهُ ~ (*н. гадир*) суянмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир*) мансуб деб билмоқ, тўнкамоқ, нисбат бермоқ; 3) (*мас., к. гадир иш*) тақдим қилмоқ (إِلَى); 4) (*к. нингдир*) гарданига юкламоқ (إِلَى); 5) *шар.* ҳадиси шарифларда нақл қилувчиларнинг биринчисигача олиб бормоқ; VI تَسَانَدَ 1) бир-бирини қўллаб-қувватламоқ; (*н. гадир*) биргалашиб суянмоқ (عَلَى); 2) бир-бирига ёрдам бермоқ; VIII اسْتَنَدَ 1) (*н. гадир*) суянмоқ, таянмоқ (عَلَى);(*н. гадир*) суяниб турмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир. н. гадир*) ишонмоқ (عَلَى), (*к. нидир, н. нидир*) орқа қилмоқ (عَلَى)

– إِسْنَادٌ *кўп.* أَسَانِيدُ 1) тиргак, суянчиқ; 2) тиргович, тамба; 3) исбот; 4) (*мас., адабий*) манба; 5) *шар.* ҳадиси шарифни ривоят қилувчиларнинг силсиласи; 6) *грам.* эга-кесим муносабати, эга-кесимлик, предикатив боғланиш

– اسْتِنَادٌ қўллаб-қувватлаш, тиргак, таянч, суянч; بِالـــ~ إِلَى ...га асосланган ҳолда

– إِسْنَادِيٌّ *грам.* эга-кесим муносабатига оид, предикатив; الْمُرَكَّبُ الـــ~ предикатив бирикма, гап

– تَسَانُدٌ бир-бирини қўллаб-қувватлаш

– سَانِدَةٌ *кўп.* سَوَانِدُ тиргак, тамба

– سَنَادٌ (*скамейка*) суянчиғи

– سَنَادَةٌ *кўп.* اتٌ — таянч, суянч, тирговуч

– سَنَدٌ[1] *кўп.* أَسْنَادٌ таянч, суянч, 2) тиргак, тамба; 3) тоғ ёнбағри

– سَنَدٌ[2] *кўп.* اتٌ — 1) тилхат; ҳужжат; вексель; пул тилхати; إِذْنِيٌّ ~ оддий вексель; لِحَامِلِهِ ~ тақдим қилувчига берилган вексель; 2) облигация; *кўп.* қимматбаҳо қоғозлар

– سَنِيدٌ таянч, суянч, тирговуч

– مُسْتَنِدٌ 1) (*н. гадир*) суяниб, тиралиб турувчи; 2) (*к. гадир, н. гадир*) ишонувчи

– مُسْتَنَدٌ *кўп.* اتٌ — 1) таянч, суянч, тирговуч; 2) тилхат; ҳужжат; 3) манба

– مُسْتَنَدِيٌّ ҳужжатли, ҳужжат асосида; ~ اعْتِمَادٌ *ёки* ~ تَسْلِيفٌ *савдо.* ҳужжат асосидаги қарз, ҳужжат асосидаги кредит

– مَسْنَدٌ *кўп.* مَسَانِدُ ўриндиқ, кресло; الْخَدِيوِيَّةِ ~ хедив (*турк султонининг Мисрдаги ҳокими*) тахти; مَسَانِدُ الدِّيوَانِ диваннинг тирсак қўядиган ёндори

– مُسْنَدٌ 1) суяниладиган нарса; тиргак, суянч, тирговуч; 2) *грам.* от кесим; إِلَيْهِ ~ от кесимли гапнинг эгаси; الـــ~ الْحِمْيَرِيُّ *тар.* муснад (*ҳимярий ёзув*)

– مِسْنَدٌ *кўп.* مَسَانِدُ 1) ёстиқ; 2) (*ўриндиқнинг*) тирсак қўядиган жойи; (*стулнинг*) суянадиган қисми

سَنْدَالٌ *кўп.* سَنَادِيلُ сандон

سِنْدَانٌ *кўп.* سَنَادِينُ 1) сандон; 2) *анат.* қулоқнинг ўрга қисмидаги суяклардан бири

سَنْدَرُوسٌ 1) *бот.* сандарак (*игнабарглилар оиласига кирувчи ўсимлик бутаси*); 2) лок ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хушбўй модда

سَنْدِرِيلَّا *фольк.* исқирт қиз, золушка (*мас., русларда*)

سُنْدُسٌ шойи, нафис ипак газлама

– سُنْدُسِيٌّ нафис ипак газламадан тикилган; بِسَاطُ الْأَرْضِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ـُ الـ *маж.* ўт-ўлан, майса

سِنْدِيَانٌ *жам., бот.* синдиён (*тикон барғли, заҳарли данаги бор доимий кўкариб турувчи бута*)

سِنْدِيكَالِيزْمٌ синдикализм; ~ـُ الـ الْفَوْضَوِيُّ анархосиндикализм

سَنْسْكْرِيتِيَّةٌ *шунингдек:* ~ـُ الـ اللُّغَةُ санскрит (*Ҳиндистондаги қадимий ўлик тил*)

سُنَاطٌ *ёки* سَنَاطٌ соқоли йўқ *ёки* юзида туки кам бўлган одам

– سَنْطٌ *бот.* Нил акас дарахти

– سَنْطَاوِيٌّ *жам.* сантовий (*қовун навларидан бири*)

– سَنْطَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ сўгал, ортиқ

– سِنَاطٌ *ёки* سُنُوطِيٌّ = سُنُوطٌ

سِنْطِيرٌ, سِنْطُورٌ, سُنْطُورٌ, سَنْطُورٌ сантур (*қонунга ўхшаш чалғу асбоби*)

I سَنُعَ (*у*) سُنُوعٌ, سَنَاعَةٌ чиройли бўлмоқ, гўзал бўлмоқ, чирой очмоқ

– سَانِعٌ чиройли, гўзал

– سَنِيعٌ = سَانِعٌ

سَنَفٌ *жам.* пўст, қипиқ, кепак

– سَنَفَةٌ *кўп.* سُنُوفٌ пўст, доннинг устидаги қипиғи, кепак

سَنْفَرَ жилвирламоқ, жилвир билан тозаламоқ, сайқал (жило) бермоқ

– سَنْفَرَةٌ жилвирлаш; ~ وَرَقُ жилвир, жилвир қоғоз

سِنْكْرُوفَازُوتْرُونٌ синхрофазотрон

سَنْكَرِيٌّ *кўп.* سَنْكَرِيَّةٌ тунукасоз, тунукачи; мисгар уста

سِنَكْسَارٌ *черк.* азиз-авлиёларнинг черковда ўқиладиган таржимаи ҳоли мажмуаси

سِنَكَةٌ *кўп.* سِنَكٌ 1) найза; 2) ток қабул қилувчи, трамвайдаги ток қабул қилғич, токоприёмник

– سِنْكِيٌّ, سُنْكِيٌّ найза

I سَنَمَ (*а*) سَنَمٌ букри бўлмоқ, букчаймоқ; II سَنَّمَ: الْقَبْرَ ~ қабрни дўмса қилмоқ; V تَسَنَّمَ 1) чиқмоқ, кўтарилмоқ; الْعَرْشَ ~ тахтга чиқмоқ, тахтни эгалламоқ; 2) (*мансабни*) эгалламоқ

تَسْنِيمٌ 1) жаннатда оқадиган сувнинг номи; الْقَبْرِ ~ қабрни дўмса қилиш

– تَسْنِيمَةٌ икки томонга нишаб томнинг тепадаги қиррасига қўйилган сарроф (хари)

– سَنَامٌ *кўп.* أَسْنِمَةٌ ўркач

سِنِمَا кино

سِنَمَّارُ *ат. от. мз.* Синиммар; ◊ ~ـَ جَزَاءُ яхшиликка ёмонлик

سَنَامَكِيٌّ = سَنَمَكِيٌّ

سَنَامُورَةٌ = سَنَمُورَةٌ

I سَنَهَ (*а*) سَنَهٌ айнимоқ, ўзгармоқ, бузилмоқ (*мас., овқат*); V تَسَنَّهَ пўпанак босмоқ, пўпанакламоқ

وسن *қар.* سَنَةٌ

سَنَةٌ *кўп.* سَنَوَاتٌ, سُنُونَ йил; ~ دِرَاسِيَّةٌ ўқув йили; ~ شَمْسِيَّةٌ қуёш йили; ~ قَمَرِيَّةٌ ой йили; ~ كَبِيسَةٌ кабиса йили; ~ مَالِيَّةٌ молия йили; ~ مِيلَادِيَّةٌ мелодий йил; ~ هِجْرِيَّةٌ ҳижрий йил; ~ـَ الـ رَأْسُ а) йилнинг бошланиши; б) янги йил; ~ بَعْدَ ~ بَعْدَ أُخْرَى *ёки* ~ *ёки* ~ مِنْ إِلَى أُخْرَى ҳар йили, йилдан йилга

– سَنَوِيٌّ йиллик, йилга оид; ~ـِ ا а) ҳар йил; б) йилига

شَالٌ *кўп.* شِيلَانٌ шол, катта рўмол, шол рўмол; شَالُ كَشْمِيرٍ кашмирий шол (рўмол)

شَالِيَةٌ[1] *кўп.* شَالِيهَاتٌ шолия (*унча катта бўлмаган қишлоқдаги ёки дала ҳовлисидаги уй*)

– شَالِيَةٌ[2] *кўп.* شَوَالِي, شَالِيَاتٌ гул туваги, сопол коса; اَلشَّالِيَةُ النَّارِ минқал, кабоб қўраси

شَامِيٌّ 1. Шом (*Сурия*) га оид; دَرَّةٌ ـــَـةٌ маккажўхори; 2. *кўп.* شَوَامٌ шом (*сурия*) лик

شَامَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ хол; туғма хол

شَانْطَةٌ[2] *қар.* شَنْطَةٌ

شَاهٌ *қар.* шоҳ

شَاهٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1. шоҳ; 2) *шахм.* шоҳ; مَاتٌ ~ шоҳ ва мот

– شَاهَانِيٌّ шоҳга, султонга оид, шоҳона; اَلْحَضْرَةُ الـــَـةُ шоҳ (султон) ҳазратлари; اَلْإِرَادَةُ الـــَـةُ шоҳ (султон) фармони (фармойиши)

– شَاهِنْشَاهٌ шаҳаншоҳ

– شَاهِنْشَاهِيٌّ шаҳаншоҳга оид

شَاهْبَلُّوطٌ *бот.* каштан (*қорақайинлар оиласига мансуб дарахт*)

شَاهْبَنْدَرٌ ўнбоши, старшина

شَاهِيٌّ[1] шойи, йўл-йўл ипак мато; بُلُوزَةٌ مِنَ الـــ йўл-йўл ипак матодан тикилган блуза (кўйлак); ـــَـةٌ ~ йўл-йўл ипак мато ўрами

– شَاهِيٌّ[2] чой; حَفْلَةُ الـــ бир пиёла чой, чойхўрлик

شَاوِيشٌ унтер-офицер; сержант

شَايٌ чой; اَلشَّايُ الـــ اَلْأَخْضَرُ кўк чой; اَلشَّايُ الـــ اَلْأَسْوَدُ қора чой; إِبْرِيقُ الـــ чойнак

شُؤْبُوبٌ *кўп.* شَآبِيبُ кучли ёмғир, жала; ◊ اسْتَمْطَرَ شَآبِيبَ الرَّحْمَةِ (*к. гадир*) шафқат тиламоқ

شَأْفَةٌ 1) илдиз; اسْتَأْصَلَ ـــَـهُ бирор нарсани илдизи (таг-томири) билан суғуриб ташламоқ; 2) оёқнинг тагида пайдо бўладиган яра; اسْتَأْصَلَ اللهُ ـــَـهُ! *мтл.* Оллоҳ уни кўздан йироқ қилсин!

I **شَأَمَ** (*а*) شَأْمٌ (*к. нинғдир бошига*) бахтсизлик (фалокат, шумлик) келтирмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); (*к. гадир*) фалокат бўлмоқ (*туш. к. ёки* عَلَى); IV أَشْأَمَ Шом (Сурия) га жўнамоқ; V تَشَأَّمَ Шом юртига мансуб бўлмоқ; VI تَشَاءَمَ 1) (*н. нидир*) ёмон фол деб ҳисобламоқ, ёмонлик келтирувчи деб ҳисобламоқ (بِ, مِنْ); 2) бадбин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

пессимист (келажакдан умидсиз) бўлмоқ; X اِسْتَشْأَمَ (*н. нидир*) ёмон фол деб ҳисобламоқ (ب)

– أَشْأَمُ *мн.* شُؤْمَى *кўп.* أَشَائِمُ 1) энг фалокатли, энг шум; 2) сўлдаги, сўлга оид

– تَشَاؤُمٌ бадбинлик, пессимизм

– تَشَاؤُمِيٌّ. пессимистик; пессимизмга оид; 2. бадбин, пессимист

– شَأْمَةٌ 1) сўл (чап) томон; 2) ёмон аломат

– شَأْمِيٌّ. Шом (Сурия) га оид; 2. *кўп.* شَوَامٌ шомлик (суриялик)

– شَائِمٌ машъум, фалокатли, ёмонлик келтирувчи

– شُؤْمٌ машъумлик, фалокат, бахтсизлик; إِنَّ الـ~ التَّشَاؤُمَ *мкл.* ёмон аломатларга ишонишнинг ўзи фалокатдир

– شُؤْمِيٌّ машъум, фалокатли, фалокатга оид

– شِئْمَةٌ *кўп.* شِئَمٌ 1) табиат, феъл-атвор; 2) хусусият, сифат

– مُتَشَائِمٌ 1. бадбинликка (пессимистликка) оид; 2. бадбин, пессимист

– مَشْأَمَةٌ 1) сўл (чап) томон; 2) фалокат, бахтсизлик, бадбахтлик

– مَشْؤُومٌ машъум, бахтсизлик келтирувчи, фалокатли

شَأْمَلٌ шимолдан эсадиган шамол

شَأْنٌ *кўп.* شُؤُونٌ, شُئُونٌ 1. 1) иш; وِزَارَةُ الشُّؤُونِ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазирлиги; وِزَارَةُ الشُّؤُونِ الْاِجْتِمَاعِيَّةِ ижтимоий ишлар вазирлиги; كَاتِبُ شُؤُونِ الْأَفْرَادِ шахсий состав бўйича котиб; وَ تَرَكَ شَأْنَهُ *ёки* تَرَكَ لِـ~ـهِ ўз ҳолига ташлаб қўймоқ, кимнидир бутунлай ташлаб қўймоқ; (*к. нидир*) тинч қўймоқ; أَنْتَ وَ شَأْنُكَ хоҳлаган ишингни қил!; 2) муносабат, алоқа; لَا ~ لَهُ بِالْجَرِيمَةِ унинг жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқ; فِي ~ـِهِ *ёки* بِـ~ـِهِ бирор нарсага келганда, бирор масалага келганда; يُجْرَى التَّحْقِيقُ بِشَأْنِهِ бу иш бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда; فِي هٰذَا الـ~ бу жиҳатдан, шу муносабат билан; عَلَى ~ *шунингдек:* عَلَى شَأْنٍ *халқ.* عَشَانْ *ёки* عَشَانْ ... бўлсин учун, ...син деб, учун; 3) қадр-қиммат; муҳимлик, аҳамият; ذُو ~ муҳим, аҳамиятли; عَظِيمُ الـ~ жуда муҳим, катта аҳамиятли; أَظْهَرَ ~ تَجَارِبِ الْحَيَاةِ ҳаёт тажрибаси аҳамиятини кўрсатмоқ; 4) хусусият, хослик; 5) манфаатдорлик; صَاحِبُ الـ~ манфаат эгаси, манфаатдор; أُولُو الـ~ лозим (керак бўлган) шахслар; манфаатдор шахслар; 6) калла суяги ичидаги кўзга ёш келтирадиган аъзо; 2. ...лар каби, ...ларга ўхшаб, ...лар сингари; كَمَا هُوَ الـ~ فِي ...никига ўхшаб; مِنْ ~ учун, ...ни деб, ...син учун; ... شَأْنَ ... одатда ... бўлиб юрганидай, ◊ ... أَنَّ مِنْ ~ـِهِ бунинг хусусияти шундайки, ...; у шундайки, ...; бу шунга олиб келадики, ...; ... هٰذِهِ الْمُعَاهَدَةَ أَنْ تُسَاعِدَ مِنْ ~ هٰذِهِ *ёки* ... الْمُعَاهَدَةُ مُسَاعَدَةَ бу шартноманинг мақсади ...га ёрдам кўрсатишдан иборатдир

I شَأَى (*у*) شَأْوٌ олдинга ўтмоқ, олдин бўлмоқ, илгари бўлиб ўтмоқ

– شَأْوٌ чек, чегара; охир; мақсад; ... فِي ~ بَعِيدًا بَلَغَ ...да юксак даражага кўтарилмоқ

I (شب) شَبَّ[1] (*а/и*) شَبَابٌ ўсмоқ, ўспирин (йигит) бўлмоқ; عَنِ ~ الطَّوْقِ болалик ёшидан ўтмоқ; ... عَلَى شَابَ وَ ~ (*бирор н. билан*) узоқ вақт шуғулланмоқ; عَلَى شَيْءٍ شَابَ عَلَيْهِ *мтл.* букрини гўр тузатади; شَبَّ[2] (*а/и*) شُبُوبٌ ёнмоқ, алангаланмоқ; ўт олмоқ; شَبَّ الْحَرْبُ ~ уруш олови ёқилди, уруш бошланди; شَبَّ[3] (*а/у*) شَبٌّ (*ўт*) ёқмоқ, ўт олдирмоқ; شَبَّ[4] (*а/и*) شَبِيبٌ 1) *шунингдек:* عَلَى ~ أَطْرَافِ (أَمْشَاطِ) قَدَمِهِ бир оз кўтарилмоқ, бўй чўзмоқ, оёқ учида турмоқ; 2) орқа оёқларда (кўтарилиб) турмоқ (*от ҳақида*); II شَبَّبَ 1) шеърда (*аёл кишини*) васф қилмоқ (ب); 2) ёшартирмоқ; IV أَشَبَّ ёшармоқ, куч-қувват ва саломатликни қайта тикламоқ; V تَشَبَّبَ 1) шеърда (*аёл кишини*) васф қилмоқ (ب); 2) ёшармоқ

– شَابٌّ *кўп.* شَبَابٌ, شُبَّانٌ йигит, ўспирин

– شَابَّةٌ *кўп.* شَابَّاتٌ, شَوَابُّ қиз, ўспирин қиз

– شَبٌّ[1] *шунингдек:* حَجَرُ الـ~ аччиқтош

– شَبٌّ[2] *кўп.* شُبَّانٌ = شَابٌّ ; اللَّيْلِ ~ *бот.* намозшомгул

– شَبَابٌ[1] 1) ўспиринлик, йигитлик; تَحْدِيدُ الـ~ ёшартириш; 2) ёшлар

– شَبَابٌ[2] *кўп.* ўспиринлар, ёшлар, йигитлар

– شَبَّابَةٌ най

– شَبَابِيٌّ йигитликка (ўспиринликка) оид

– شَبَبٌ буқача

– شَبَّةٌ *кўп.* شَبَائِبُ 1) ўспирин қиз; حَامُوسٍ ~ уруғочи буйвол; 2) аччиқтош

– شُبُوبٌ тутатқи, ўтқич

– شُبُوبٌ тўсатдан пайдо бўлиш (*юзага чиқиш, тарқалиш*); ~ الْحَرِيقِ тўсатдан ўт кетиш

– شَبِيبَةٌ ёшлик, ўспиринлик; ёшлар; اتِّحَادُ الـ~ ёшлар иттифоқи

– مَشْبُوبٌ 1) ёқилган, алангалатилган; 2) иссиқ, чўғ бўлиб турган

شَبَثٌ = شَبَثٌ[2]

I شَبَثَ (*а*) شَبْثٌ (*н. гадир*) ёпишиб олмоқ, (*н. нидир*) ушлаб (тутиб) олмоқ (ب); V تَشَبَّثَ 1) (*н. гадир*) ёпишиб олмоқ, боғланиб олмоқ; (*н. нидир*) қаттиқ тутмоқ (ب); 2) (*н. дадир*) сабот кўрсатмоқ; (*н. гадир*) қаттиқ ёпишиб олмоқ; (*н. нидир*) қатъий талаб қилмоқ (ب); 3) ташаббус кўрсатмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَشَبُّثٌ 1) ёпишиб олишлик; 2) собитлик, саботлилик; 3) ташаббус, ташаббускорлик

– شَبْثٌ[1] 1) ёпишиб олиш, маҳкам ушлаш; 2) *шунингдек:* ~ أَبُو бий (*ўргимчак бийи*)

– شَبْثٌ[2] шивит, укроп

– شَبِثٌ ёпишиб оладиган, ушлаб (тутиб) оладиган; ~ رَجُلٌ ёпишиб оладиган (елим) одам

– شَبَثٌ, شِبِثٌ, شِبْثٌ = شَبْثٌ[1]

I **شَبَحَ** (*а*) شَبْحٌ (*н. нидир к. гадир*) узатмоқ, чўзмоқ; қўл чўзмоқ (узатмоқ); II شَبَّحَ қўл узатмоқ (чўзмоқ); (*қўлни*) қилич-қилич қилмоқ

– شَبَحٌ *кўп.* أَشْبَاحٌ 1) арвоҳ, (*хаёлда*) кўриниш; 2) жусса, ноаниқ кўринаётган нарса; 3) шарпа, арвоҳ; ◊ بَلَا رُوحٍ ~ кўриниши қолмоқ (*мас., кўриниши қолибди холос*)

– تَشْبِيحٌ қўлни қилич-қилич қилиш, қўл силташ (*гапирганда*)

– شَبْحَةٌ кишан

– شَبَحِيَّةٌ объектив (*фотоаппарат ва унга ўхшаш асбобларнинг олд томонидаги шишали қисми*)

– مِشْبَاحٌ стереоскоп (*оптик асбоб*)

I **شَبَرَ** (*у*) شَبْرٌ қарич билан ўлчамоқ, қаричламоқ; II شَبَّرَ 1) қарич билан ўлчамоқ, қаричламоқ; 2) қўл силтамоқ; қўлни қилич-қилич қилмоқ

– شَابُورَةٌ *алиф. б. қар.*

– شِبْرٌ *кўп.* أَشْبَارٌ 1) қарич; 2) шибр, қарич (*22. 5 см. га тенг узунлик ўлчови*)

– شُبُّورٌ *кўп.* شَبَابِيرُ бурғу

– شَبُّورَةٌ = شَابُورَةٌ

شَبْرَقَ 1) узмоқ, узиб ташламоқ; 2) *халқ.* меҳмон қилмоқ; ◊ عَيْنَيْهِ ~ (*қараб*) лаззатланмоқ, яйраб тамоша қилмоқ; تَشَبْرَقَ *халқ.* меҳмон қилинмоқ; зиёфатда бўлмоқ, маишат қилмоқ

– شَبْرَقَةٌ[1] 1) узилиш; 2) енгилгина овқат (*писта, сапат. нўхат ва ш. к. лар билан*)

– شَبْرَقَةٌ[2] *кўп.* شَبَارِقُ чойчақа, майда сарфлар пули

شَبْشَبَ (*к. нидир*) шиппак (туфли) билан урмоқ

– شِبْشِبٌ *кўп.* شَبَاشِبُ шиппак, туфли

– شَبْشَبَةٌ шиппак (туфли) зарбаси

I **شَبَطَ** (*у*) شَبَطٌ 1) (*к. гадир*) боғланиб қолмоқ, боғланмоқ; 2) (*н биландир*) қизиқиб қолмоқ, қизиққан (берилган) бўлмоқ; 3) (*н. гадир*) эргашмоқ, (*н. нингдир*) йўлидан юрмоқ (فِي)

– شُبَاطُ февраль

– شَبُّوطٌ *кўп.* شَبَابِيطُ зоғора балиқ

I **شَبِعَ** (*а*) شَبَعٌ 1) тўқ бўлмоқ, (*бирор н. га*) тўйган бўлмоқ (مِنْ) тўйиб-тўйиб кулмоқ; 2) тўйинган бўлмоқ; II شَبَّعَ 1) тўйинтирмоқ; 2) шимдирмоқ; IV أَشْبَعَ 1) тўйинтирмоқ; қониқтирмоқ; қаттиқ тўйдирмоқ, тўйгунча едирмоқ; مِنْ جُوعٍ ~ очликдан қутқармоқ; ~ رَغْبَتَهُ кимнингдир (*н. гадир бўлган*) орзусини (эҳтиёжини) қондирмоқ (فِي); ~ـــهُ ذَمًّا وَ قَدْحًا кимнидир боплаб сўкмоқ; ~ـــهُ ضَرْبًا кимнидир қаттиқ урмоқ, калтакламоқ; ~ الْمَوْضُوعَ دَرْسًا предметни ипидан-игнасигача чуқур ўрганмоқ; ~ (بَحْثًا) وَ تَمْحِيصًا предметни ипидан-игнасигача чуқур ўрганмоқ; ~ فُضُولَهُ ўз қизиқишини қондирмоқ; ~ الْكَلَامَ فِيهِ бирор нарса ҳақида жуда батафсил сўзламоқ; ~ بِالْكَهْرَبَاءِ электр токи билан тўйинтирмоқ (*мас., аккумляторни*); ~ الْمَطَالِبَ الْمُتَزَايِدَةَ لِلشَّعْبِ халқнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмоқ; 2) шимдирмоқ, сингдирмоқ; V تَشَبَّعَ (*н. биландир*) тўйинмоқ, тўймоқ (ب); 2) (*н. нидир*) шиммоқ, (*н. биландир*) тирикчилик қилмоқ

– إِشْبَاعٌ 1) тўйинтириш; қониқтириш; 2) шимдириш

– تَشَبُّعٌ тўйинганлик

– شَبَعٌ 1) тўқлик; 2) тўйинганлик; 3) қониққанлик

– سَبَعٌ 1) тўқлик; тўйиниш

– شِبْعٌ тўйишга кифоя қиладиган овқат миқдори

– شَبْعَانُ *мн.* شِبَاعٌ *кўп.* 1) тўқ; 2) тўйинган; 3) қониққан, қондирилган; ~ رَجُلٌ бой (*ўзига тўқ*) одам

– شِبْعَةٌ *кўп* شِبَعٌ тўйишга кифоя қиладиган овқат миқдори

– مُتَشَبِّعٌ эрати нарсалар билан безанган

– مُشَبَّعٌ (*бирор н. га*) тўйинган

– مُشْبِعٌ 1) тўйинтирадиган; 2) қониқарли, қониқтирадиган, қаноатлантирадиган; 3) муҳим

I **شَبِقَ** (*а*) شَبَقٌ шаҳвоний, шаҳватпараст бўлмоқ

– شَبَقٌ 1) шаҳвонийлик, шаҳватпарастлик; 2) жинсий интилиш (*ҳайвонларда*)

– شَبِقٌ шаҳвоний, шаҳватпараст

– شُبُقٌ, شِبُقٌ чилим найи, узун трубка

– شَبَقَةٌ *кўп.* اتٌ — тўсин; тахта (*мас., темир, тунука тахтаси*)

– شَبَقِيٌّ шаҳвоний, шаҳватпараст

I **شَبَكَ** (*и*) شَبْكٌ чигаллаштирмоқ, аралаштирмоқ, аралаштириб (чигаллаштириб, адаштириб) юбормоқ; 2) ўрмоқ; уламоқ, бириктирмоқ, бирлаштирмоқ; 3) (*н. гадир*) матамоқ, уламоқ, маҳкамламоқ (ب); ... بِدَبَابِيسِ عَلَى ~ـــهُ бирор нарсани ...га игна-тугма билан матаб (бириктириб) қўймоқ; 4) мураккаблаштирмоқ; 5) никоҳламоқ; II شَبَّكَ 1) чигаллаштирмоқ, аралаштирмоқ, чалкаштирмоқ; 2) чатиштирмоқ, бирлаштирмоқ; ўрмоқ; يَدَيْهِ (ذِرَاعَيْهِ) عَلَى صَدْرِهِ ~ қўлни кўкракда чалмаштириб турмоқ; V تَشَبَّكَ 1) аралашиб (чалкашиб) кетмоқ; 2) ўрилмоқ, бирлашмоқ, маталмоқ; 3) мураккаблашмоқ, VI تَشَابَكَ 1) чалкашиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **شَبَهَ** (*а*) شَبَهٌ ўхшаш бўлмоқ, ўхшамоқ; II شَبَّهَ 1) (*бирор н. га*) ўхшатмоқ, 2) (*н. биландир*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (ب); 3) *мажз.* (*к. гадир*) ноаниқ (қоронғу) кўринмоқ, тасаввур қилинмоқ (عَلَى); III شَابَهَ (*к. гадир*) ўхшатилмоқ, ўхшаган бўлмоқ; IV أَشْبَهَ = I; ~ وَ مَا ва ҳоказо, ва шунга ўхшаш, ва шу каби; مَا أَشْبَهَ اللَّيْلَةَ بِالْبَارِحَةِ *мпл.* дунёдаги ҳамма нарса бир-бирига ўхшаш; V تَشَبَّهَ (*к. гадир*) ўхшаш бўлмоқ, тақлид қилмоқ (ب); VI تَشَابَهَ 1) бир-бирига ўхшаш бўлмоқ; 2) шубҳали, ноаниқ, туманли бўлмоқ; VIII اشْتَبَهَ 1) (*н. гадир*) шубҳа билан қарамоқ (ب, في); (*н. гадир*) шубҳаланмоқ (في); اشْتُبِهَ فِي أَمْرِهِ *мажз.* у шубҳа остига олинган эди; 2) (*к. гадир*) ўхшамоқ; 3) (*к. учундир*) шубҳали (ноаниқ) бўлмоқ (عَلَى); ~ عَلَى حَسَنٍ بِرَجُلٍ آخَرَ у Ҳасанни бошқа одам деб ўйлади

– أَشْبَهُ кўпроқ (анча) ўхшаш; ~ مِنَ الْمَاءِ بِالْمَاءِ икки томчи сувдай ўхшаш

– اشْتِبَاهٌ иштибоҳ, ҳайрат, тушунмаслик; шубҳаланиш

– تَشَابُهٌ 1) ўхшашлик; 2) ноаниқлик, туманлилик

– تَشْبِيهٌ *кўп.* ـَاتٌ, تَشَابِيهُ — 1) ташбеҳ, ўхшатиш, қиёслаш; 3) ўхшашлик; қиёфа, образ; 4) *воен.* антропометрик кузатиш *одам қиёфасида тасаввур қилиш*); 5) *воен.* белги, мажоз; 6) *кўп* аломатлар

– شِبْهٌ 1) ўхшашлик, ~ بَيْنَ الشَّيْئَيْنِ жуда ўхшаш; مَا أَبْعَدَ الشَّبَهَ بَيْنَ اللَّيْلَةِ وَ الْبَارِحَةِ! *маж* улар орасидаги фарқ қандай катта!, улар бир-бирларига сира ўхшамайдилар; 2) образ, қиёфа, кўриниш; عَرَفَهُ ~ـًا кимнидир ташқи кўринишидан таниш; 3) сариқ мис, латунь

– شِبْهٌ *кўп* أَشْبَاهٌ, مُشَابِهٌ 1. ўхшаш, ~ لِ... инсонга ўхшашлик, одамсимонлик, 2. 1) ўхшашлик; ~ رَسْمِيٌّ ярим расмий; ~ مُسْتَعْمَرَةٌ ярим мустамлака; ~ مُعَيَّنٌ *мат* ром боид; ~ مُنْحَرِفٌ *мат.* трапецоид; ~ ... ярим ташландиқ; ~ عَارٍ ярим яланғоч; 2) образ, қиёфа, кўриниш

– شِبْهَانٌ, شِبْهَانٌ сариқ мис, латунь

– شُبْهَةٌ *кўп* شُبُهَاتٌ, شُبَهٌ 1) ўхшашлик; 2) шубҳа, ~ تَحْتَ الـ... шубҳа остидаги, шубҳа остига олинган

– شَبَهِيٌّ сариқ мисдан ясалган, латундан ясалган, латунга оид

– شَبِيهٌ ўхшаш, ўхшайдиган; 2. мутақо ўхшаш (*аккита бир-бирига ўхшаш одам ёхуд нарсаларнинг ҳар бири*)

– مُتَشَابِهٌ 1) ўхшаш, ўхшайдиган; 2) бир хил, бир-бирига ўхшайдиган, 3) шубҳали, қоронғу, туманли

– مُتَشَابِهَاتٌ *кўп. дин.* Қуръони Каримнинг қоронғу, тушунарли бўлмаган оятлари

– مُشَابَهَةٌ *кўп* ўхшашлик аломатлари

– مُشَابِهٌ ўхшаш, ўхшайдиган

кетмоқ, янглишиб кетмоқ; 2) чалмашмоқ (*мас., қўллар*); VIII اشْتَبَكَ 1) чалкашиб (аралашиб) кетмоқ; 2) ўрилмоқ; бирлашмоқ, маташмоқ; 3) (*н. гадир*) ботиб (аралашиб, домига тушиб) қолмоқ (في); (*уруш ёки жанжални*) келтириб чиқармоқ; (*рақиб, душман билан*) дуч келишмоқ, аралашиб кетмоқ; (*к. биландир*) урушган бўлмоқ, урушмоқ, жанг қилмоқ; ~ فِي حَدِيثٍ гап бошламоқ; 4) мураккаблашмоқ

– اشْتِبَاكٌ *кўп* ـَاتٌ — жанг, тўқнашув; (*душман билан*) учрашиш, тўқнашиш; жанг бошланиши

– تَشَابُكٌ 1) ўрилиш, ўрилганлик (*мас., ип*); тўқилиш; чалмашиб кетиш; 2) чалкашлик, чалкашилганлик

– تَشْبِيكٌ: الْأَصَابِعِ ~ бармоқларни бир-бирига киритиш

– شُبَّاكٌ дераза; (*касса, чиптахона ва б. ларнинг*) тўйнуги, ойначаси

– شُبْكٌ = شُبُكٌ

– شَبْكَجِيٌّ *кўп.* شَبْكَجِيَّةٌ *ёки* شَبْكَشِيٌّ *кўп* شَبْكَشِيَّةٌ най (найча) ясайдиган уста ёки най (найча) сотувчи

– شَبْكَةٌ (*куёв томонидан қилинган*) тўй совғаси, тўёна; تَقْدِيمُ الـ~ тўй совғасини топшириш тантанали маросими

– شَبَكَةٌ *кўп.* شِبَاكٌ, شُبَكٌ 1) тўр; балиқ овланадиган тўр; ~ خَطَّافَةٌ *ёки* ~ هَزَّازَةٌ *спорт.* батуд (батут) (*устида сакраладиган тўр*); 2) ов тўри (*қушларни тутиш учун*); 3) *радио* тўр; сетка (*радиолампада*); ◊ ~ الْعَنْكَبُوتِ ўргимчак тўри, ~ الْإِحْدَاثِيَّاتِ координаталар тўри (сеткаси), ~ التَّمْوِيهِ маскировка тўри, ~ الْجَاسُوسِيَّةِ *ёки* ~ التَّجَسُّسِ жосуслар тармоғи, ~ السِّكَكِ الْحَدِيدِيَّةِ (الْخُطُوطِ) темир йўл тармоғи; ~ الْقَوَاعِدِ الْعَسْكَرِيَّةِ ҳарбий базалар тармоғи, ~ الْكَهْرُبَاءِ электр тармоғи; ~ لَاسِلْكِيَّةٌ радио тармоғи

– شَبَكِيٌّ тўрли, тўрсимон, тўрга ўхшаш

– شَبَكِيَّةٌ *анат.* тўрпарда (*кўзда*), ◊ الصِّمَامِ ~ радиолампа тўри (сеткаси)

– شَبِيكَةٌ панжара, тўр

– مُشَبَّكٌ 1. ўрилган, тўқилган; панжарасимон; 2. 1) (*ўрама қилиб пиширилган*) ширин овқат; 2) *архит.* (*гумбаз ва деразалардаги*) панжарали безак, безак панжара

– مِشْبَكٌ *кўп.* مَشَابِكُ 1) илгак, илмоқ, тўғнағич; 2) қистирғич; 3) қисқич; клемма; 4) сочтўғнағич

أَشْبَالٌ *кўп* شِبْلٌ шер боласи

I **شَبِمَ** (*а*) شَبَمٌ совумоқ, совуқ бўлмоқ

– شَبَمٌ совуқ, совуқ ҳаво

– شَبِمٌ совуқ еган, совқотган, совуқ ҳолатдаги

– شَبِينٌ *кўп* شَبَائِنُ = إِشْبِينٌ

– شَبِينَةٌ *кўп* ـَاتٌ — 1) келинчакнинг дугонаси; 2) чўқинтирган она (*чўқинтирилган болага нисбатан*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُشَابَهَةٌ ўхшашлик

– مُشَبَّهٌ ноаниқ, оғир (*бирор масала ҳақида*)

– مَشْبُوهٌ *қар.* فِيهِ مُشْتَبَهٌ ~

– مُشْبُوهٌ *шунингдек:* ~ шубҳали, шубҳа остидаги

– شَبَاةٌ *кўп.* شِبَاءٌ 1) (*қилич, қалам ва б. ларнинг*) учи; 2) тикон; 3) найза, ниш (*мас., чаёнда*)

I **شَتَّ** (*а/у*) شَتَاتٌ 1) тарқалган (ёйилиб кетган) бўлмоқ; 2) умумлашмаган (узилишиб кетган) бўлмоқ; II شَتَّتَ 1) тарқатмоқ, (*ҳар томонга*) сочиб юбормоқ; شَمْلَهُمْ ~ (*турли томонга*) сочиб (тарқатиб) юбормоқ; айирмоқ; 2) бир-биридан айириб ташламоқ; 3) ҳар хиллаштирмоқ; IV أَشَتَّ сочиб юбормоқ, тарқатиб (тўзғитиб) юбормоқ; 2) (*турли томонларга*) ташлаб (отиб) юбормоқ; V تَشَتَّتَ 1) сочилмоқ, тарқатилмоқ, тарқалиб кетмоқ; 2) (*турли томонларга*) ташлаб (отиб) юборилмоқ; ◊ أَيْدِيَ السَّبَا ~ турли томонларга тарқалмоқ; X اِسْتَشَتَّ = V

– تَشْتِيتٌ тарқатилганлик, сочилганлик; الْأَفْكَارِ ~ паришонлик, паришонхотирлик

– تَشْتِيتٌ тарқатиш, сочилиш

– شَتِيتٌ, أَشَتُّ 1) паришон, паришонхотир; умумлашмаган, бирлашмаган; II أَشْتَاتٌ айрим-айрим олинган; қисм-қисм (бўлак-бўлак) қилиб олинганда; 2) хилма-хил, турли-туман; قَصَّ عَلَيْهِ أَشْتَاتًا مِنَ الْأَضَاحِيكِ кимгадир турли-туман қисса (ҳикоя) лар айтиб бермоқ

– شَتَاتٌ 1) тарқалганлик, сочилганлик; الْيَهُودِ ~ диаспора (*бошқа мамлакатларда тўп бўлиб яшаётган ўзга юртдан келганлар*); ~ شَمْلَهُمْ جَمَعَ ~ ёки لَمَّ бир жойга тўпламоқ, бирлаштирмоқ, жипслаштирмоқ

– شَتَّانَ қандай ажралмайди-я!; қандай фарқли-я!; ما بَيْنَ ~ ...лар ўртасида қандай катта фарқ бор-а!

– شَتَّى 1) айрим, тарқалган; ҳар хил, турли-туман; 2) *бирликдаги ва кўпликдаги отларни билдириш учун, шунингдек, равиш сифатида қўлланади:* الْبُلْدَانِ ~ فِي турли мамлакатларда, قَامُوا ~ جَمَاعَاتٍ وَ улар бу ишни жамоат бўлиб ҳам, якка-якка бўлиб ҳам қилишган

– شَتِيتٌ *кўп.* شَتَّى 1. *қ.* 1) сочилган, тарқалган; алоҳида; 2) ҳар хил, турли-туман, 2. алоҳида жамоат (гуруҳ)

– مُشَتَّتٌ 1. паришон, паришонхотир; 2) ҳар хил, турли-туман

I (شتر) **شَتَرَ** (*и*) شَتْرٌ кесмоқ; узмоқ; شَتَرَ (*у*) شَتْرٌ кесмоқ, бўлмоқ; йиртмоқ; الْعَيْنَ ~ кўзнинг қовоғини ташқарига ағдармоқ; شَتَرَ (*а*) شَتَرٌ пастки лаби ёрилмоқ; شُتُرٌ пастки қовоғи салқи бўлмоқ

I **شَتَلَ** (*у*) شَتْلٌ бошқа жойга кўчириб ўтқазмоқ; кўчириб ўтқазмоқ

– شَتْلٌ *кўп.* أَشْتَالٌ кўчат, ниҳол

– شَتْلَةٌ *кўп.* ـاتٌ — кўчат; резавор экинлари кўчати

– مَشْتَلٌ *кўп* مَشَاتِلُ кўчатхона, ниҳолхона, питомник

I **شَتَمَ** (*у, и*) شَتْمٌ сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; II شَتَّمَ қаттиқ сўкмоқ, қаттиқ ҳақорат қилмоқ; III شَاتَمَ = I; VI تَشَاتَمَ ўзаро сўкишмоқ; (*бирор к. билан*) сўкишишмоқ (مَعَ)

– شَتَّامٌ 1. доим сўкинаверадиган; 2. сўкувчи

– شَتِيمٌ 1) жирканч, бадбашара; 2) сўкиш (ҳақорат) остида қолган, сўкилган

– شَتِيمَةٌ *кўп.* شَتَائِمُ сўкиниш; сўкиш, ҳақорат қилиш; قَذَفَ بِالشَّتَائِمِ сўкиш, ҳақорат ёғдирмоқ; هَطَلَتِ الشَّتَائِمُ عَلَيْهِ كَالْمَطَرِ *маж.* ҳақорат унинг бошига дўлдай ёғилди

– مُشَاتَمَةٌ сўкиш, ҳақорат

I (شتو) **شَتَا** (*у*) شَتْوٌ қишламоқ, қишни ўтказмоқ; II شَتَّى 1) қишламоқ; 2) ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); شَتَّتِ الدُّنْيَا ёмғир ёғди; 3) қиш фасли учун кифоя қилмоқ; هَذَا الشَّيْءُ يُشَتِّي бу нарса менга қиш фаслига етади; IV أَشْتَى қиш фаслига етиб келмоқ, қишга кирмоқ; V تَشَتَّى = I

– إِشْتَاءٌ қишки курортда бўлиш; қишки курорт мавсуми

– شَاتِيَةٌ *мн.* شَاتَاتٌ қишки, қишга оид

– شِتَاءٌ *кўп.* أَشْتِيَةٌ 1) қиш; 2) ёмғир

– شَتَائِيٌّ, شَتَوِيٌّ 1) қишки; 2) кузги (*мас., кузги буғдой*)

– مَشْتًى *кўп.* مَشَاتٍ 1) қишлаш, қишлаб қолиш; қишланадиган жой, қишлов; 2) қишки курорт

شَتٌّ терини ошлашда ишлатиладиган хушбўй, аччиқ таъмли ўсимлик

I **شَجَّ** (*а/у*) شَجٌّ ёрмоқ, уриб ёрмоқ; қон чиқадиган қилиб яраламоқ; II شَجَّجَ бошидан жуда кўп ярадор бўлмоқ

– أَشَاجُّ *мн.* شَجَّاءُ *кўп.* شُجٌّ пешонасида яра изи бор бўлган

– شَجَّةٌ *кўп.* شِجَاجٌ бошдаги яра

– شَجِيجٌ = مَشْجُوجٌ

– مَشْجُوجٌ бошидан яраланган

I (شجب) **شَجَبَ**[1] (*у*) شُجُوبٌ ғамга солмоқ, ғамгин қилмоқ, хафа қилмоқ, кўнглини оғритмоқ; شَجَبَ[2] (*у*) شَجْبٌ ҳайфсан эълон қилмоқ, танбеҳ бермоқ, айбламоқ; II شَجَّبَ = شَجَبَ[2]; IV أَشْجَبَ ғамга солмоқ (қўймоқ), ғамгин қилмоқ

– تَشْجِيبٌ ҳайфсан, танбеҳ, айблаш

– شِجَابٌ *кўп.* شُجُبٌ илгак (*кийим илиб қўйиладиган*), вешалка

– شَجَبٌ ғам, ғамгинлик, алам

– مِشْجَبٌ *кўп.* مَشَاجِبُ = شِجَابٌ, الْجَمِيعِ ~ йиғувчи дастгоҳ, йиғувчи қурилма

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **شَجَرَ** (*у*) شَجْرٌ 1) таянтириб қўймоқ; 2) чиқмоқ, бўлиб ўтмоқ (*к. парнингдир ўртасидаги тортишув ҳақида*-بَيْنَ); II شَجَّرَ кўчат ўтқазмоқ; III شَاجَرَ 1) тортишмоқ, айтишмоқ; ўзаро уришиб (жанжаллашиб) қолмоқ; 2) уришмоқ, муштлашмоқ; VI تَشَاجَرَ тортишмоқ, ўзаро уришмоқ; VIII اشْتَجَرَ тортишмоқ, мунозара қилмоқ; уришмоқ, жанжаллашмоқ

– أَشْجَرُ *мн.* شَجْرَاءُ *кўп.* شُجْرٌ дарахтлар ўсиб ётган (*жой*)

– تَشْجِيرٌ дарахтзор, ўрмонзор пайдо (барпо) қилиш (яратиш)

– شِجَارٌ[1] тортишув; жанжал, уришиш, ёвлик

– شِجَارٌ[2] *кўп.* شُجُرٌ 1) 1) лўкидон, эшик беркитадиган сурма жиҳоз; 2) замбар

– شَجْرٌ танглай билан тил орасидаги бўшлик

– أَشْجَرُ = شَجَرٌ

– شَجَرٌ *жам.* дарахтлар

– شَجَرَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ, أَشْجَارٌ дарахт; رَأْسِ السَّنَةِ (عِيد) ~ янги йил арчаси; عِيد الْمِيلَادِ ~ рождество (янги йил) арчаси; ◊ ~ النَّسَب шажара, насл-насаб шажараси; اللهِ ~ кедр дарахти

– شَجْرِيٌّ *грам.* тилга оид, танглайга оид (*товушлар*); الْحُرُوفُ الـــَـةُ (ج, ش, ض, ى) танглай ундошлари

– شَجَرِيَّةٌ дарахтзор

– شَجِيرٌ сердарахт, дарахтлари кўп; أَرْضٌ ~ةٌ сердарахт жой, дарахтзор

– شُجَيْرَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ дарахт бутача, кичик бута

– مُشَاجَرَةٌ 1) жанжал, фитна-фасод; 2) муштлашув

– مَشْجَرٌ *кўп.* مَشَاجِرُ ўрмонли (сердарахт) жой

– مُشْجِرٌ = أَشْجَرُ

– مُشَجَّرٌ дарахт сувратлари билан безатилган (қопланган); қисмлари икки томонга ажраладиган

– شَجَرَانٌ шаврон

I **شَجُعَ** (*у*) شَجَاعَةٌ шижоатли, ботир, қўрқмас, дадил бўлмоқ; II شَجَّعَ 1) шижоатли қилмоқ, шижоатлантирмоқ, далда бермоқ, руҳлантирмоқ; 2) рағбатлантирмоқ; (*н. нидир*) қўллаб-қувватламоқ (عَلَى); манфаатдор қилмоқ; V تَشَجَّعَ шижоатли (дадил) бўлмоқ; далда олмоқ, руҳланмоқ

– تَشْجِيعٌ 1) дадиллашиш, руҳланиш; 2) рағбатланиш, қўллаб-қувватлаш, яхши шароит яратиш

– تَشْجِيعِيٌّ рағбатлантирувчи; جَائِزَةٌ ~ـــةٌ рағбатлантирувчи мукофот

– شُجَاعٌ *кўп.* شُجْعَانٌ шижоатли, жасоратли, дадил, қўрқмас, ботир

– شَجَاعَةٌ шижоатлилик, жасорат, қўрқмаслик, мардлик, дадиллик

– شُجَاعٌ = مُشْجَعَاءُ *кўп.* شَجِيعٌ

– مُشَجِّعٌ 1. рағбатлантирувчи, далда берувчи; 2. *спорт.* ишқибоз

I (шжн) **شَجَنَ** (*а*) شَجَنٌ хафаланмоқ, қайғу чекмоқ; شَجَنَ (*у*) хафа қилмоқ, ғамга қўймоқ; II شَجَّنَ хафа қилмоқ, қайғу солмоқ; IV أَشْجَنَ = I شَجَنَ

– شَجْنٌ *кўп.* شُجُونٌ йўл, сўқмоқ; شُجُونُ الْأَوْدِيَةِ водийдаги сўқмоқ йўллар

– شَجَنٌ *кўп.* شُجُونٌ, أَشْجَانٌ 1) ғам; қайғу, хафагарчилик, хафалик; مُثِيرُ الشُّجُونِ таъсирли, ҳис-туйғуга таъсир қиладиган, тўлқинлантирадиган; 2) йўл; وَ الْحَدِيثُ ذُو شُجُونٍ! а) суҳбат вақтида нималар тўғрисида гапирилмайди (дейсиз); б) ҳодиса-воқеалар турлича изоҳланади; هُمْ فِي شُجُونٍ مِنَ الْأَحَادِيثِ улар бўлар-бўлмас гап билан овора

– شَجِنٌ ғамгин, ҳазин, хафа

– شَجْنَةٌ дарахтнинг бир-бирига киришиб кетган илдизлари; بَيْنِي وَ بَيْنَهُمْ ~ رَحِمٌ *маж.* улар билан мен жуда қалин чатишиб кетганмиз

I (шжв) **شَجَا** (*у*) شَجْوٌ хафа қилмоқ, ғамга солмоқ; شَجِيَ (*а*) شَجًا ғам чекмоқ, хафа бўлмоқ; II شَجَّى таъсирлантирмоқ, кўнгилни бузмоқ; IV أَشْجَى = I شَجَا

– شَجٍ *мн.* شَجِيَّةٌ ғамгин; алам чекаётган; аянчли (*товуш ҳақида*)

– شَجًى = شَجْوٌ

– شَجْوٌ ғам; хафалик; алам

– شَجَوِيٌّ ғамгин, хафа бўлган; аламли

– شَجًى 1) ташвиш; 2) (*бўғизда тўхтаб қолган*) суяк, парча; ◊ كَانَ ~ فِي حَلْقِهِ у унинг жонига тегиб кетди

– شَجِيٌّ ғамгин, хафа; аянчли

I **شَحَّ** (*а/у, и*) شُحٌّ қизғанчиқ (хасис) бўлмоқ; (*н. дадир*) хасислик қилмоқ (عَلَى, بِ); ◊ تِ ~ الْأَمْطَارُ емғир ёғмади; III شَاحَّ (*к. ғадир нисбатан н. дадир*) хасислик кўрсатмоқ (عَلَى, بِ); 2) тортишмоқ, довлашмоқ; VI تَشَاحَّ = III

– شُحٌّ 1) хасислик, қизғанчиқлик; етишмовчилик, қашшоқлик; فِي الْوُقُودِ حَالَةِ ~ ёқилғи етмай қолган ҳолда

– شَحَائِحُ: أَيَّامُ الـــ (*Нилда*) сув оз бўладиган вақт (мавсум)

– شَحِيحٌ *кўп.* شُحَاحٌ 1) хасис, қизғончиқ; 2) қурғоқ, (*сув*) етишмайдиган; ... سَنَوَاتٌ ~ـــةٌ қурғоқчилик йиллари

– مُشَاحَّةٌ ... لَا ~ فِي أَنَّ шубҳасизки, ...; шу нарсага шубҳа йўққи, ...

I **شَحُبَ** (*у*) شُحُوبَةٌ, شُحُوبٌ юзи оқарган (ҳолдан кетган) бўлмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– شَاحِبٌ юзи оқарган ва мадорсиз, ҳолдан кетган

I **شَحَتَ** (*а*) شَحْتٌ хайр-садақа сўрамоқ; гадолик қилмоқ, тиланчилик қилмоқ

– شَحَّاتٌ гадо; тиланчи; ◊ الْعَيْنِ ~ говмичча

– شَحَّاتَةٌ гадолик, тиланчилик

– شَحْتَةٌ хайр-садақа

شَحِيجٌ бўкириш, бўкирик

I **شَحَذَ** (*а*) شَحْذٌ 1) қайрамоқ, ўткирламоқ; (*устарани қайишга*) ишқаламоқ; 2) гадолик (тиланчилик) қилмоқ

– شَحَّاذٌ гадо, тиланчи (*сол.* شَحَّاتٌ); ◊ الْعَيْنِ ~ говмичча

– شَحَاذَةٌ = شَحَاتَةٌ

– مِشْحَذٌ, مِشْحَذَةٌ *кўп.* مَشَاحِذُ қайроқ тош, чархтош

(шхр) II شَخَّرَ қурум суртмоқ, қурум билан қорайтирмоқ

– شُخَارٌ *мед.* токсемия (*қонга тушган заҳарли моддалардан заҳарланиш*)

– شُخَّارٌ қурум

– شُخْرُورٌ *ўп.* شَحَارِيرُ қораялоқ (*қуш*)

– مُشَخَّرٌ қурум суркалган, қурум билан бўялиб (чапланиб) кетган, қурум босган

I (شحط) **شَحَطَ**[1] (*а*) شُحُوطٌ узоқда (узоқлашган) бўлмоқ, شَحَطَ[2] (*а*) شَحْطٌ 1) саёзликка ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*), 2) ёқмоқ (*гугурт ҳақида*); II شَحَّطَ саёзликка ўтириб қолмоқ (*кема ҳақида*); IV أَشْحَطَ (*қаердандир*) четлатмоқ, узоқлаштирмоқ (عَنْ)

– شَاحِطٌ 1) узоқ; узоқлаштирилган; 2) саёзликка ўтириб қолган

– شَحَّاطَةٌ *кўп* ـَاتٌ 1) тугург донаси; 2) шиппак

– شُحُوطٌ *кўп* 1) новча (дароз) одам, даванғир; 2) узоқлик, йироқлик

– شَحَّيْفَةٌ, شُحَيْفَةٌ *кўп* ـَاتٌ тугург донаси

I (شحم) **شَحُمَ** (*у*) شَحَامَةٌ семиз бўлмоқ, семирган бўлмоқ, семириб кетмоқ; شَحَمَ (*а*) شَحْمٌ ёғ едирмоқ: زَيْدٌ أَصْحَابَهُ ~ Зайд шерикларига ёғ едирди; II شَحَّمَ ёғ (мой) суртмоқ

– تَشْحِيمٌ ёғлаш; ёғ (мой) суртиш; ёғлаб қўйиш; زُيُوتُ الـــ суртиладиган ёғ (мой) лар

– شَحَّامٌ ёғфуруш, мойфуруш; ёғ (мой) сотувчи

– شَحْمٌ *кўп* شُحُومٌ ёғ, мой; *тех.* ёғлашда ишлатиладиган мой; ~ الْبَقَرَةِ мол ёғи; ◊ الثَّمَرِ ~ мева эти (гўшти)

– شُحُومَاتٌ *кўп* ёғлар, мойлар

– شَحِمٌ 1) ёғли; 2) этли, гўштли (*мева*)

– شَحْمَجِيٌّ *кўп* شَحْمَجِيَّةٌ ёғловчи, мойловчи

– شَحْمَةٌ *кўп.* شَحَمَاتٌ 1) ёғ (мой) бўлаги (парчаси); 2) мева эти (гўшти); ◊ الْأُذُنِ ~ солинчак (*қулоқнинг остки юмшоқ қисми*); ~ الْأَرْضِ тупроқ остида ўсадиган қўзиқориннинг бир тури; ~ الْعَيْنِ кўз соққаси; ~ حَجَرُ الـــ мармар

– شَحْمِيٌّ 1) серёғ; 2) мойли

– شَحِيمٌ = شَحِمٌ

– شَحِيمَةٌ *черк.* дуо китоби, ибодат китоби

– مُشْحِمٌ[1] = شَحِمٌ

– مُشْحِمٌ[2] уйида ёғи кўп, ~ رَجُلٌ уйида ёғи кўп одам

– مُشَحَّمٌ ёғли, мойли

– مِشْحَمَةٌ *кўп* مَشَاحِمُ ёғ идиш (*мойлаш учун ишлатиладигани*)

I (شحن) **شَحَنَ** (*а*) شَحْنٌ 1) тўлдирмоқ; юкламоқ, (*товарни*) ортмоқ; 2) *эл.* зарядламоқ; 3) йўқ қилмоқ, ҳайдамоқ; ◊ مَاغَهُ ~ кимнингдир калласини нималар билан дир банд қилмоқ; شَحِنَ (*а*) شَحَنٌ ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ; (*к. гадир*) ёмонлик тўймоқ (عَلَى); III شَاحَنَ урушмоқ, жанжаллашмоқ, душманлик қилмоқ; IV أَشْحَنَ 1) тўлдирмоқ; юкламоқ, ортмоқ; 2) йўқотмоқ, йўқ қилмоқ, ҳайдамоқ; VI تَشَاحَنَ ўзаро жанжаллашмоқ, ёвлашмоқ; VII انْشَحَنَ тўлдирилган (юкланган) бўлмоқ

– شَاحِنٌ 1) тўлдирилувчи, юкланувчи; 2) юкланган, ортилган

– شَاحِنَةٌ *кўп* ـَاتٌ ـــ (*юк*) вагони; юк автомобили; ~ قَلَّابَةٌ самосвал (*юкни ўзи ағдарадиган автомобиль*)

– شَحْنٌ 1) юклаш, ортиш; 2) юк, кемада ташиладиган юк (фрахт); ~ سَيَّارَةُ الـــ юк автомобили; ~ بُولِيصَةُ الـــ юкка қилиб юбориладиган ҳужжат; 3) *эл.* зарядлаш

– شَحْنَاءُ кек, ёмонлик, газаб, нафрат

– شَحْنَةٌ *кўп* شَحَنَاتٌ 1) юк, кемада ташиладиган юк (*фрахт*); 2) *эл.* заряд; ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ سَالِبَةٌ (إِيجَابِيَّةٌ) манфий (мусбат) электр заряди

– شَحْنَةٌ *кўп.* شَحَنٌ 1) стряд; полиция, ~ رِجَالُ الـــ полиция агентлари; 2) ёвлик, душманлик; 3) кек, ёмонлик

– شَحَنِيٌّ полиция агенти

– مُشَاحَنَةٌ 1) кек, ёмонлик, нафрат; 2) жанжаллар, уриш-талашлар

– مَشْحُونٌ 1) тўлдирилган, юкланган; مَطْبَعِيَّةٌ بِأَغْلَاطٍ ~ الْكِتَابُ китобда хато босилган (ўрин) лар жуда кўп; 2) *эл.* зарядланган

– مَشْحُونَاتٌ *кўп* юклар, кемада ташиладиган юклар (фрахтлар)

شَحْوَرَ қурум билан қорайтирмоқ (қопламоқ), бўямоқ, чапламоқ

– شَحْوَارٌ, شُحْوَارٌ қурум; ~ الْمِصْبَاحِ чироқ қуруми

– شَحْوَرَةٌ қорайиш; чапланган (ажи-бужи қилиб бўялган) нарса

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **شَخَّ** (*a/y*) شَخٌّ, شَخِيخٌ 1) сиймоқ, бавл қилмоқ, сийдик чиқармоқ; 2) хуррак отмоқ; II شَخَّخَ (*болани*) тувакка ўтқазмоқ

– شَخَّاخٌ, شُخَاخٌ сийдик, бавл

– شَخَّاخٌ жойига (кўрпасига) сийиб қўядиган одам, сийгак одам

– شَخَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) табиий заруратларни бажариш; 2) *мед.* стул

– مَشَخَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ жамоат ҳожатхонаси (халохонаси)

I **شَخَبَ** (*a*) شَخْبٌ оқмоқ, оқиб кетмоқ; VII اِنْشَخَبَ соғилмоқ; تْ~ عُرُوقُهُ دَمًا томирлари ёрилиб, қон тирқираб чиқди

– شَخْبٌ соғилган сутнинг идишга тизиллаб тушиши

شَخْبَطَ 1) чапламоқ, чаплаб ташламоқ, кир (ифлос) қилмоқ; 2) ажи-бужи қилиб ёзмоқ; تَشَخْبَطَ 1) чапланган (ифлосланган) бўлмоқ; 2) ажи-бужи қилиб ёзилган бўлмоқ

– شَخْبَطَةٌ *кўп.* شَخَابِيطُ 1) чапланганлик, ифлосланганлик; 2) ажи-бужи қилиб ёзилиш; 3) ифлос, кир доғ

شَخْتُورَةٌ *кўп.* شَخَاتِيرُ юк ташийдиган ясси дарё кемаси; катта юк кемаси

I **شَخَرَ** (*u*) شَخِيرٌ 1) кишнамоқ (*от ҳақида*); ҳанграмоқ (*эшак ҳақида*); 2) томоғи аралаш бурнидан овоз чиқармоқ, ирилламоқ; ~ الْفَرَسُ от кишнади; ~ الْحِمَارُ эшак ҳангради; II شَخَّرَ қаттиқ кишнамоқ; қаттиқ хуррак отмоқ

– شَخَّارٌ қаттиқ хуррак отадиган одам; хурракчи

– شَخْرَةٌ *кўп.* شَخَرَاتٌ хуррак, хуррак отиш

– شَخِيرٌ томоқдан *ёки* бурундан чиққан овоз; хирилдоқ, хириллаш

شَخْشَخَ гулдирамоқ; жаранглатмоқ, жангилламоқ, шовуплатмоқ, шовқин қилмоқ

– شُخْشُخَةٌ[1] *кўп.* شَخَاشِيخُ шақилдоқ

– شُخْشُيخَةٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ шипдаги дераза; люк

I **شَخَصَ** (*a*) شُخُوصٌ 1) кўтарилмоқ, баландламоқ, юксалмоқ; 2) пайдо бўлмоқ, зоҳир бўлмоқ; 3) қаратилмоқ (*назар ҳақида*); (*к. гадир, н. гадир*) тикилиб (диққат билан) қарамоқ (إِلَى); 4) (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); кетмоқ, (*н. нидир*) ташламоқ, ташлаб кетмоқ (مِنْ); II شَخَّصَ 1) шахснинг кимлигини аниқламоқ; 2) мужассамламоқ, мужассамлаштирмоқ; 3) *театр.* ижро этмоқ, ўйнамоқ; 4) касални аниқламоқ, диагноз қўймоқ; 5) ишорат қозиғи ўрнатмоқ (қоқмоқ); IV أَشْخَصَ юбормоқ, жўнатиб юбормоқ; V تَشَخَّصَ 1) аниқламоқ; 2) танитмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ

– تَشْخِيصٌ 1) *театр.* ижро, ижро этиш, тамоша кўрсатиш; 2) ташхис, диагноз

– تَشْخِيصِيٌّ) актёрга (ижрочига) оид; 2) диагностикага оид, диагностик, ташхисий; ~ طَبِيبٌ ташхис (диагноз) қўйган табиб (врач), диагноз (ташхис) қўюувчи

– شَاخِصٌ[1] тикилиб (диққат билан) қараётган; бир жойда тўхтаб турган (*назар ҳақида*)

– شَاخِصٌ[2] *кўп.* شَوَاخِصُ узун таёқ, хода, қозиқ; ишорат қозиғи

– شَخْصٌ *кўп.* أَشْخَاصٌ, شُخُوصٌ 1) шахс, киши; ~ مَعْنَوِيٌّ юридик шахс; ~ طَبِيعِيٌّ физик шахс; 2) *кўп. театр.* қатнашувчилар (*пъесада иштирок этувчи образлар*); 3) одамнинг узоқдан кўринган қораси; ◊ ~ـــه فِي унинг қиёфасида; مَرْغُوبٌ فِيهِ ~ *дипл.* персона грата, расмий вакил (*бир мамлакатнинг бошқа мамлакатга юборган ва у мамлакат қабул қилган вакили*)

– شَخْصِيٌّ 1) шахсий, шахсга оид; قَانُونُ الْأَحْوَالِ الـ~ـة гражданлик ҳолати ҳақида қонун; مَحْكَمَةُ الْأَحْوَالِ الـ~ـة гражданлик ҳолатлари ҳақидаги ишни кўриб чиқувчи суд; الْبِطَاقَةُ الـ~ـة шахсий гувоҳнома (*ҳужжат*); ~اً шахсан; 2) субъектив; 3) хусусий

– شَخْصِيَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) шахсият, шахс, одам, киши; индивидуал (*шахсий*) хусусият; ~ تَحْقِيقُ الـ~ шахсни аниқлаш; ~ بَارِزَةٌ буюк (улкан) шахс; شَخْصِيَّاتٌ اجْتِمَاعِيَّةٌ жамоатчилик вакиллари; 2) персонаж, 3) *кўп* хусусий ҳолатдаги фикр-мулоҳазалар

– مُشَخِّصٌ актёр, ижрочи

– مُشَخِّصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ артистка, ижрочи аёл

– مُشَخِّصَاتٌ характерли хусусиятлар (белгилар)

I **شَخَطَ** (*a*) شَخْطٌ қичқирмоқ, (*к. гадир*) бақирмоқ (فِي)

– شَخَّاطٌ *кўп.* شَخَّاطُونَ гугурт донаси (*Ироқда*); أَمْرٌ شَخَّاطٌ хавфсиз гугурт

– شَخْطَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўдағайлаш, бақириқ, дағдаға

شَخْطُورَةٌ = شَخْتُورَةٌ

شَخْلَعَ тебранмоқ (*миллий рақс ижро этаётганда*)

– شَخْلَعَةٌ танани (баданни) тебратиш (*рақс пайтида*)

شَخْلَلَ жаранглатмоқ, жиринглатмоқ

– شُخْلُلَةٌ жаранг, жиринг овози

I (شدّ) **شَدَّ**[1] (*a/u*) شَدٌّ кучли (мустаҳкам, қаттиқ) бўлмоқ; ~ مَا لَشَدَّ مَا أَخْطَأْتُ فِي ... да қандай қаттиқ янглишган эканман; شُدَّ حَيْلُكَ! ўзингни тут!, маҳкам бўл!; شَدَّ يَحْزُنُنِي هَذَا бу мени қаттиқ хафа қилади-я!; شَدَّ[2] (*a/y*) شَدٌّ 1) судрамоқ, эргаштирмоқ, ўзига тортмоқ; ~ الْعَالَمِ انْتِبَاهَ жаҳон жамоатчилиги эътиборини (диққатини) тортмоқ; 2) чўзмоқ, узайтирмоқ; شَدَّ بِهِ إِلَى الْوَرَاءِ кимнидир орқага тортмоқ; ~ أُذُنَهُ кимнингдир қулоғини чўзмоқ; 3) таранг қилмоқ (*торни, арғамчини*); شُدَّتْ أَعْصَابُهُ *мажз.* унинг асаблари таранглашиб турибди; 4) (*н. биландир*) боғламоқ (ب); мустаҳкамламоқ, жипслаштирмоқ (*мас., сафларни*), (*н. гадир*) маҳкамламоқ, боғламоқ (إِلَى); ~ الْعُقْدَةَ тугунни қаттиқ боғламоқ; ◊

www.ziyouz.com kutubxonasi

الْحِمَارَ ~ эшакни ағарламоқ; أَزْرَهُ ~ кимгадир ёрдам (кўмак) бермоқ; عَضُدَهُ ~ кимнидир қўллаб-қувватламоқ; الرِّحَالَ ~ (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); كَلِمَةَ عَلَى ~ сўзга урғу бермоқ; شَدَّ عَلَيْهِ а) кимгадир тазйиқ ўтказмоқ; б) бирор нарсани таранг қилиб тортмоқ; в) кимгадир ҳамла қилмоқ; عَلَى الْأَيْدِي ~ (*бировнинг*) қўлларини қисмоқ; عَيْنَيْهِ إِلَى ~ ўз назарини ...га ташламоқ; II شَدَّدَ 1) кучайтирмоқ, шиддатли қилмоқ; 2) *грам.* ҳарф устига ташдид қўймоқ; ундош товушни иккилантириб талаффуз қилмоқ; اللَّامَ ~ ل ни иккилантириб талаффуз қилмоқ; 3) куч (қатъият) кўрсатмоқ, қаттиққўл (талабчан) бўлмоқ; 4) (*к. нидир*) қаттиқ жазоламоқ (عَلَى); 5) (*н. гадир*) тазйиқ ўтказмоқ (عَلَى); III شَادَّ айтишмоқ; урушмоқ; V تَشَدَّدَ 1) кучаймоқ; 2) қаттиққўл (талабчан) бўлмоқ; (*н. дадир*) куч, қатъият, талабчанлик кўрсатмоқ (فِي); VI تَشَادَّ тортишмоқ, ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ; VIII اشْتَدَّ 1) кучли бўлмоқ, кучаймоқ, мустаҳкамланмоқ; سَاعِدُهُ ~ *қар.* سَاعِدٌ 2) ёмонлашмоқ, (*к. учундир*) оғир (ёқимсиз) бўлмоқ (عَلَى)

– اشْتِدَادٌ 1) кучайиш, мустаҳкамланиш; 2) ёмонлашиш

– أَشَدُّ энг кучли, энг шиддатли; энг қаттиққўл (талабчан); энг шафқатсиз, раҳмсиз; الِاعْتِدَالِ ~ энг муътадил, حُمْرَةً ~ энг қизил, қип-қизил; ... مِنْ ... حُمْرَةً ~ дан қизилроқ; مَا يَكُونُ ~ бор куч билан; ўта, жуда, энг юксак даражада, энг; مَا يَكُونُ حِذْرًا هُوَ ~ у ўта (жуда) эҳтиёткор

– أَشُدُّ 1) етуклик, балоғатга (вояга) етганлик; بَلَغَ (أَدْرَكَ) ~ тўла балоғатга) вояга етмоқ; ◊ وَ كَانَ الشِّتَاءُ فِي ~ шиддатли қиш чилласи эди; ... وَ كَانَ الْخِلَافُ عَلَى ~ ... بَيْنَ ... билан ...нинг ўртасидаги келишмовчилик энг юқори даражага кўтарилди; 2) 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган давр

– تَشْدِيدٌ 1) кучайиш, мустаҳкамланиш; 2) тазйиқ; саботлилик, матонатлилик; 3) *грам.* ташдид

– شَدٌّ[1] тортиш (*мас., арғамчини*); شَدَّ الْحَبْلِ لُعْبَةُ ким кимни торта олади (*ўйин*); الـ~ *маж.* кураш, тортишув

– شَدٌّ[2] белбоғ

– شَدَّةٌ 1) тугун; (*ғалтак, қирқта, ...*) ~ (*ўйналадиган*) карта дастаси; ... протези (*сунъий тишлар*); 2) *грам.* ташдид

– شِدَّةٌ 1) куч, қудрат; шиддат; ~ـِـ кучли равишда, ғайрат (шиддат) билан ~ اِزْدَادَ кучаймоқ, шиддатли бўлмоқ; 2) қаттиққўллик, шафқатсизлик, берақомлик; 3) камбағаллик; 4) бахтсизлик, ғам, алам, фалокат; وَ مَا (مِنْ) ~ إِلَّا و. عِنْدَ الْفَرَجُ *мтл.* ўзидан кейин енгиллик келмайдиган ғам йўқ

– شِدِّيدٌ *кўп.* أَشِدَّاءُ, شِدَادٌ 1) кучли, мустаҳкам, қудратли; ~ الْاِهْتِمَامِ анчалик жиддийдир; ~ ... жасур, жасоратли; ~ الْخُطُورَةِ жуда жиддий; ~ الشَّكِيمَةِ чидамли, саботли; ~ الْمِرَاسِ қайсар, қайтмас, саботли; 2) оғир, чидаб бўлмайдиган, машаққатли; الْوَطْأَةِ ~ а) оғир, қийин; б) золим, шафқатсиз; 3) қаттиққўл; бераҳм, раҳмсиз; 4) *фон.* портловчи (*ундош*)

– شَدِيدَةٌ *кўп.* شَدَائِدُ бало, офат, бахтсизлик; عِنْدَ الشَّدَائِدِ يُعْرَفُ الْإِخْوَانُ *мқл.* ака-укалар қийинчиликда билинади

– مُتَشَدِّدٌ (*кучли*) иродали, собит; қаттиққўл, талабчан

– مُشَادَّةٌ жанжал; ўзаро урушиш; беҳуда тортишув; кураш

– مِشَدٌّ *кўп.* ـاتٌ ـــ 1) боғлайдиган нарса; 2) корсет, белдамча

– مُشَدَّدٌ 1) кучайтирилган; махсус диққат қилинган; أَلْفَاظٌ ~َةٌ (*талаффуз пайтида махсус оҳанг билан*) диққат қилиб айтилган сўзлар; 2) *грам.* ташдидли; (ذ) الْقَافُ الـ~ ташдидли қоф (ق)

– مُشَدِّدٌ 1) кучайтирувчи; оғирлаштирувчи; ظُرُوفٌ ~َةٌ оғирлаштирувчи ҳолатлар; 2) қаттиққўл, талабчан; اتَّخَذَ تَدَابِيرَ ~َةً қатъий чоралар кўрмоқ

– مَشْدُودٌ таранг, тортилган

(شدح) VII انْشَدَحَ чалқанчасига йиқилмоқ, орқа билан йиқилмоқ

I **شَدَخَ** (*а*) شَدْخٌ синдирмоқ; майдаламоқ; бўлак-бўлак қилиб синдирмоқ (ёрмоқ), II شَدَّخَ =I; VII انْشَدَخَ синдирилган бўлмоқ, синдирилмоқ

– شَادِخٌ янги, юмшоқ, мулойим

– شَوَادِرُ *кўп.* شَادِرٌ 1) чодир; 2) омбор

I **شَدَفَ** (*u*) شَدْفٌ шодуф ёрдамида сув чиқармоқ, олмоқ (*қар.* شَادُوفٌ), II شَدَّفَ = I

– شَوَادِيفُ *кўп.* شَادُوفٌ шодуф (*қудуқдан суғориш мақсадида сув олишга мўлжалланган махсус қурилма*); лайлак

– شَدَّافٌ шодуф ёрдамида сув чиқарувчи (*қар.* شَادُوفٌ)

(شدق) V تَشَدَّقَ 1) тез (шиддат билан) гапирмоқ; бекордан бекорга гапирмоқ, жаврамоқ; 2) нутқ сўзламоқ, нотиқлик қилмоқ, тантанавор қилиб гапирмоқ; 3) (*бирор н. билан*) мақтанмоқ (ب)

– أَشْدَقُ *мн.* شَدْقَاءُ *кўп.* شُدْقٌ оғзи катта, катта оғизли, катта оғзи бор

– شِدْقٌ *кўп.* أَشْدَاقٌ 1) оғиз чети; 2) жағ; ◊ ضَحِكَ بِمِلْءِ ~َيْهِ оғизни катта очиб кулмоқ; ~َيْهِ نَفَخَ (*такаббурлик билан*) ўзини тутмоқ, қовоқни осилтириб турмоқ

– شَدَّايَةٌ *кўп* شَدَايَةٌ иподякон (*православ черковида архийерейга хизмат қилувчи ходим*)

I **شَدَنَ** (*u*) شُدُونٌ кучга тўлиб онасидан ажралмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*)

– شَادِنٌ кучга тўлиб онасидан ажраган (*ҳайвон*)

I **شَدَهَ** (*а*) شَدْهٌ 1) ҳайрон (қойил) қолдирмоқ; 2) *мажх. кўч. м.* лол қолмоқ, тилдан қолмоқ, қотиб қолмоқ

– شَدْهٌ донг қолиш, довдираш, серрайиб туриб қолиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَشْدُوهٌ лол қолган, ҳайратга тушган; бир нуқтага тикилиб қолган; маъносиз (*қараш, боқиш ҳақида*)

I (شدو) **شَدَا** (*у*) شَدْوٌ 1) қўшиқ (ашула) айтмоқ; куйламоқ; 2) унча катта бўлмаган билим олмоқ

– شَادٍ *кўп.* شُدَاةٌ, شَادُونَ қўшиқчи, ашулачи, декламация қилувчи

– شَادِيَةٌ қўшиқчи (ашулачи) аёл

– شَدْوٌ ашула (қўшиқ) айтиш

I **شَذَّ** (*а/у, и*) شُذُوذٌ 1) кам учрайдиган, фавқулодда, (*ўз тури орасида*) ягона бўлмоқ, мустасно бўлмоқ; (*н. дадир*) четга чиқмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) фарқланмоқ, ажралиб турмоқ (عَنْ); 2) (*н. нингдир*) устидан тушмоқ (عَنْ); II شَذَّذَ ажратиб кўрсатмоқ, айирмоқ, истисно (мустасно) қилмоқ; IV أَشَذَّ = II

– شَاذٌّ[1] 1. *кўп* شُذَّاذٌ 1) кам учрайдиган, фавқулодда, ғайритабиий; камёб; 2) одатдан ташқари, ғайриоддий; аномал, табиий бўлмаган; شُذَّاذُ النَّاسِ ёт (четдаги, ўзга) одамлар; ёт кишилар; شُذَّاذُ الْآفَاقِ авантюрачилар (*реал куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмай, тавакқалига иш тутувчи одамлар*) 3) ғалати, ажойиб; العَلْمِ ~ жуда қизиқ, ғалати; 2. *кўп* شَوَاذُّ 1) *шунингдек:* شَاذَّةٌ истисно; شَوَاذُّ لِكُلِّ قَاعِدَةٍ *мт.л* ҳар бир қоидада истисно бор; 2) истисно (мустасно) қилиш

– شُذُوذٌ, شُذُوذِيَّةٌ истисно; нотўғрилик, аномалия; شُذُوذٌ مَغْنَاطِيسِيٌّ магнит аномалияси

I **شَذَبَ** (*и, у*) شَذْبٌ қирқмоқ, қирқиб ташламоқ (*дарахтнинг ортиқча новдалари ҳақида*); II شَذَّبَ 1) қирқмоқ, қирқиб ташламоқ (*дарахтнинг ортиқча новдалари ҳақида*). 2) жилвирламоқ. V تَشَذَّبَ жилвирланмоқ

(شذر) V تَشَذَّرَ сочилиб (тарқалиб) кетмоқ; турли томонларга тарқалмоқ

– مُتَشَذِّرٌ ~ бетартиб, қандай тўғри келса, ҳамма ерда; тарқоқ ҳолда

– شَذْرٌ марвариднинг майдаси (кичкинаси)

– شَذْرَةٌ 1. *кўп* شَذَرَاتٌ 1) (*олтин*) зарраси; 2) майда пул, танга-чақа; 2) бир оз, бир қисм, парча; مِنْ تَارِيخِ حَيَاتِهِ ~ бирор киши биографиясидан парча

I (شذو) **شَذَا** (*у*) شَذْوٌ бўй тарқатмоқ, ҳид чиқармоқ

– شَذًا, شَذًى хушбўй (муаттар) ҳид

– شَذِيٌّ хушбўй, муаттар

I (شرّ) **شَرَّ**[1] (*и/а*) شَرٌّ ёвуз (бадхулқ баджаҳл) бўлмоқ; شَرَّ[2] (*и/а*) شَرِيرٌ сачрамоқ, томмоқ, оқиб турмоқ; III شَارَّ (*к. гадир*) ёмон муомала қилмоқ, ёмонлик қилмоқ

– شَرٌّ[1] *кўп* شُرُورٌ 1) бадхулқлик, баджаҳллик; 2) зарар, ёмонлик, ёвузлик

– شَرٌّ[2] *кўп* أَشْرَارٌ 1) ёмон; ёвуз, 2) энг (жуда) ёмон, ўта ёвуз; النَّاسِ одамларнинг энг ёмони; ... مِنْ ~ ...дан ёмонроқ

– شُرٌّ, شُرٌّ *зоол.* кичкина балиқчи қуш

– شَرَّارٌ учқун (шарора) чиқарувчи, учқунли (шарорали)

– شَرَارَةٌ *кўп* شَرَارٌ, ـَات учқун, шарора; تُحْرِقُ الْحَارَّةَ ~ *мқл. сўзма-сўз:* учқундан маҳалла ёнади

– شَرَّانِيٌّ тез жаҳли чиқадиган, жаҳлдор; ёвуз

– شَرَارَةٌ *кўп* شَرَارٌ учқун, шарора

– شَرَّةٌ ғазаб; жаҳл, жаҳлдорлик, сержаҳллилик; الشَّبَابِ ~ ёшликдаги тиниб-тинчимаслик

– شَرِيرٌ ёвуз

– شِرِّيرٌ *кўп* أَشْرَارٌ 1. 1) ўта ёвуз; ёвузлик, ёмонлик қилувчи; 4) ашаддий; 2. ёвуз, қароқчи; ~ ـات дев, шайтон

(شرأب) اشْرَأَبَّ 1) бўйин чўзмоқ; бошни кўтармоқ; 2) бошни бурмоқ

– اشْرِئْبَاب 1) бўйин чўзиш; бошни кўтариш; 2) бошни буриш

I **شَرِبَ** (*а*) شَرْبٌ 1) ичмоқ; 2) сўрмоқ, тортмоқ; دُخَانًا ~ (*папирос, сигарет*) чекмоқ (тортмоқ), II شَرَّبَ 1) ичирмоқ; 2) (*бирор н. билан*) тўйинтирмоқ); نَشَا ~ крахмалламоқ; III شَارَبَ (*к. биландир*) бирга ичишмоқ; IV أَشْرَبَ 1) ичирмоқ, ичириб тўйдирмоқ; أَشْرَبَنِي مَا لَمْ أَشْرَبْ *маж.* менда йўқ айбни у менга ёпиштирди; 2) шимдирмоқ, тўйинтирмоқ; أَشْرَبَ فِي قَلْبِهِ حُبَّ الْوَطَنِ *мажз* унинг қалби ватан муҳаббати билан тўлиб-тошган эди; V تَشَرَّبَ 1) (*бирор н. билан*) тўйинтирилган, шимдирилган бўлмоқ; وَجْهُهَا بِحُمْرَةِ الْخَجَلِ ~ унинг юзи хижолатдан қизариб кетди; 2) (*бирор н. ни*) чуқур ҳис қилмоқ (ич); X اسْتَشْرَبَ сўриб олмоқ, шимиб олинган бўлмоқ

– شَارِبٌ *кўп* شَرَّابٌ ичувчи

– شَارِبٌ[2] *кўп* شَوَارِبُ мўйлов, мўйлаб; السَّمَكِ ~ кит мўйлови, أَبُو شَوَارِبَ мўйловли, мўйловдор

– شَرَابٌ *кўп* أَشْرِبَةٌ 1) ичим. и. ичиладиган нарса; 2) сироп; 3) шароб, май, вино; التُّفَّاحِ ~ сидр (*олма виноси*)

– شَرَّابٌ кўп ичувчи, кўп ичадиган

– شُرَّابٌ *кўп* ـَات пайпоқ; (*и. ҳ.* خُرَّابٌ)

– شَرَابَانِيٌّ *кўп* شَرَابَانِيَّةٌ шарбат фуруш

– شَرَّابَةٌ, شُرَّابَةٌ *кўп* شَرَارِيبُ кокилча, попук (*гиламники*); ~ الرَّاعِي *бот.* падуб (*найзабарглар: барахтнинг бир тури*)

– شُرْبٌ 1) ичимлик; 2) ютиш; сўриш

– شِرْبٌ сувдан текkан ўлуш

– شَرَابَاتٌ шарбат

– شَرْبَةٌ 1) бир ютум (*ичимлик*), ютум; 2) ични бўшаштирадиган (*дори*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– شُرْبَةٌ *кўп* شُرْبَاتٌ 1) бир ютум (*ичимлик*); 2) шўрва, 3) микстура; ~ دَوَاء суюқ дори дозаси, микстура дозаси; ~ زَيْت خِرْوَع канакунжут мойи, касторка дозаси; 4) сув танқислиги (етишмаслиги) (*Макка ш. да*)

شَرِّيبٌ = شُرْبَةٌ

– شَرُوبٌ ичишга ишқибоз (ружу қўйган) киши

– شَرِيبٌ ичишга яроқли, ичса бўладиган

– شَرِّيبٌ кўп ичувчи, ичкиликбоз

– شُورْبَةٌ, شُورْبَا шўрва

– مَشْرَبٌ *кўп.* مَشَارِبُ 1) шаробхона, ичиладиган жой; ~ الْقَهْوَة қаҳвахона, кафе; ~ الْبِيرَة пивохона; 2) мойиллик, феъл-атвор; дид, 3) йўналиш, мўлжал, ориентация; сиёсий руҳ

– مَشْرَبَةٌ *кўп.* مَشَارِبُ шаробхона, ичиладиган жой; сув ичиладиган кичкина фонтанча

– مِشْرَبَةٌ *кўп.* مَشَارِبُ коса, жом

– مَشْرَبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — 1) уйнинг ташқарига чиқиб турадиган панжарали ойнаси; 2) ойна панжараси

– مَشْرُوبٌ *кўп.* اتٌ — ичимлик, ичиладаган нарса, مَشْرُوبَاتٌ كُحُولِيَّةٌ (*алкоголсиз*) сапқин ичимликлар; مَشْرُوبَاتٌ رُوحِيَّةٌ *ёки* مَشْرُوبَاتٌ رُوحَانِيَّةٌ спиртли ичимликлар; مَشْرُوبَاتٌ *мах.* маънавий озуқа

شَرْبَكَ чалкаштирмоқ

– شَرْبَكَةٌ чалкашув, саросима, саросималик

– مُشَرْبَكٌ чалкаш, чалкашган, саросимага тушган

شَرْبِينٌ *бот.* Ливан кедри (*Cedrus libani*)

شَرْتُونِيَّةٌ *черк.* юксак ғавозимдаги руҳонийнинг динни қабул қилувчининг бошига қўлини қўйиб, уни динга киритиш маросими

I شَرْثٌ (*а*) شَرَثٌ ерилмоқ, ёрилиб кетмоқ (*қул. оёқ териси ҳақида*)

I شَرَجَ (*у*) شَرْجٌ кўкламоқ, кўкламоқ олмоқ; ошонат, амал-тақал қилиб, наридан бери ҳатлаб олмоқ II شَرَّجَ = I

– شَرْجٌ *кўп.* أَشْرَاجٌ, شُرُوجٌ 1) илмоқ, сиртмоқ; 2) *анат.* орқа чиқариш тешиги

– شَرْجِيٌّ *анат.* орқа чиқариш тешигига оид; الْغَمَادُ الـ— орқа чиқариш йўли; حُقْنَةٌ — клизма, орқа чиқариш тешигига қилинган ҳуқна

I شَرَحَ (*а*) شَرْحٌ 1) очмоқ, ёрмоқ; شَرَحَهُ اللهُ صَدْرَهُ ~ *кўр.* Оллоҳ унинг (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг*) кўкрагини (*ҳақиқатларни қабул қилиш учун*) очди; 2) шарҳламоқ, ёритмоқ, тушунтирмоқ; 3) бўлак-бўлак қилиб кесмоқ ◊ صَدْرَهُ ~ *ёки* خَاطِرَهُ кимнидир шод (хуррам, хурсанд) қилмоқ II شَرَّحَ 1) бўлакларга ажратиб кесмоқ; 2) ермоқ, ёриб кўрмоқ (*ўлган одам танаси ҳақида*) VII اِنْشَرَحَ 1) очилмоқ; кенгаймоқ, 2) шарҳланмоқ, тушунтирилмоқ, изоҳланмоқ маъноси очилмоқ, 3) хурсанд (хуррам, шод) бўлмоқ, роҳат (фароғат) қилмоқ ◊ خَاطِرًا ~ *ёки* ~ مَنْزِرًا хурсанд бўлмоқ, қониқмоқ

– اِنْشِرَاحٌ шодлик, хурсандлик; қониқиш; ~ بِـ— хурсандлик билан

– تَشْرِيحٌ (*ўлган киши танасини*) очиш (ёриш); عِلْمُ الـ— анатомия

– تَشْرِيحَةٌ (*ўлган киши танасини*) қисман очиш (ёриш)

– تَشْرِيحِيٌّ анатомик, анатомияга оид

– شَارِحٌ *кўп.* شُرَّحٌ 1. изоҳловчи, тушунтирувчи; 2. шарҳловчи; шарҳчи, комментатор

– شَرْحٌ шодон, очиқ (*мас., қараш, юз ҳақида*)

– شَرْحٌ *кўп.* شُرُوحٌ 1) тушунтириш, изоҳлаш; шарҳ, комментарий; тавсиф, 2) изоҳ, эслатма; ~ـُـهُ مَا قَبْلَهُ юқорида айтилгандек (кўрсатилгандек)

– شَرْحَةٌ *кўп.* شَرْحَاتٌ бўлакча, бурда

– شَرْحِيٌّ шарҳий, шарҳга (тушунтиришга) оид

– شَرِيحَةٌ *кўп.* شَرَائِحُ 1) бўлакча, бурда; 2) (*металл*) пластинка, (*оптик асбоб устига қопланган*) йўл-йўл металл; 3) (*жамият*) қатлами

– مُشَرِّحٌ анатом (*анатомия билан шуғулланувчи киши*), ўлган кишини ёрувчи одам

– مَشْرَحَةٌ *кўп.* مَشَارِحُ жарроҳлик хонаси

– مُنْشَرِحُ الصَّدْرِ ~ хурсанд, шод, шодон; қониққан, мазза қилган

I (شرخ) شَرَخَ (*а*) شُرُوخٌ ўсмоқ, катта бўлмоқ, улғаймоқ; شَرَخَ? (*а*) شَرْخٌ чақмоқ ёрмоқ, майдаламоқ; ◊ قَلْبَهُ ~ кимнингдир юрагини (ўтакасини) ёрилоқ (*чинқириқ, бақириқ, товуш ҳақида*); صَوْتُهُ ~ қаттиқ овоз чиқармоқ (*бўғилиб ҳақида*), V تَشَرَّخَ ёрилмоқ, ушалмоқ, чиқилмоқ, майдаланмоқ, дарз кетмоқ

– شَارِخٌ *кўп.* شُرَّخٌ ёш йигит; اُقْتُلُوا شُيُوخَ الْمُشْرِكِينَ وَ اسْتَحْيُوا شَرْخَهُمْ ҳад. мушрикларнинг кексаларини ўлдиринглар, лекин ёшларини тирик қолдиринглар

– شَرْخٌ *кўп.* شُرُوخٌ дарз, ёриқ; ◊ الشَّبَابِ ~ дуркун ёшлик, ёшликнинг гуллаган чоғи, الْأَمْرِ ~ ишнинг бошланиши

– مَشْرُوخٌ синган, ёрилган, дарз кетган

I شَرَدَ (*у*) شُرُودٌ 1) қочмоқ, кетмоқ; ~ مِنَ الْمَوْتِ وَ وَقَعَ فِي — *мах.* ёмғирдан қочиб, қорга дуч келмоқ, 2) дарбадар кезмоқ, сарсон-саргардонликда юрмоқ II شَرَّدَ 1) қочирмоқ, кочишга мажбур қилмоқ, қувмоқ, ҳайдамоқ; 2) бошпанасиз қолдирмоқ, уйдан ҳайдаб чиқармоқ V تَشَرَّدَ 1) бошпанасиз қолмоқ, бошпанасидан ажралмоқ, уйсиз бўлиб қолмоқ, қаровсиз қолмоқ; 2) сарсон-саргардон бўлмоқ, дарбадар кезмоқ, дайдилик қилмоқ

– تَشْرِيدٌ дайдилик, сарсон-саргардонлик

– تَشْرِيدٌ қайдалиш, қувин қилиниш, бошпанасиз қолиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– شَارِدٌ *кўп.* شَرَدٌ 1. 1) кезиб юрувчи, сайёҳ; ~ الْبَال ~ *ёки* الْفِكْرِ тарқоқ фикрли, фикри тарқоқ, паришон; 2) юзаки қараш, ялт этиб қараш; 2. қувғинди

– شَارِدَةٌ *кўп.* شَوَارِدُ 1) эътибор қилинмаган (*бирор н*); ~ وَ وَارِدَةٌ а) маълум бўлган ва эътибордан четда қолган; б) эски ва янги; в) икир-чикиригача; г) фавқулодда (*бирор н.*), камёб (*н.*); شَوَارِدُ اللُّغَة тилда (нутқда) кам учраидиган ифода; أَقَامَ عِنْدَنَا أُسْبُوعًا فَعَدَّدْنَا مِنْ شَوَارِدِ الزَّمَانِ у бизникида ўтказган бир ҳафтани замонанинг бизга берган хурсандлиги деб ҳисоблардик, 3) мияга ялт этиб келган фикр; 4) бир лаҳзалик, ўткинчилик, бебақолик

– شَرْدٌ гармсел

– شَرُودٌ дайди, уй-жойсиз, бошпанасиз, беватан

– شُرُودٌ 1) қочиш, қочиб кетиш; 2) тентираш, тентираб юриш, адашиш, адашиб юриш; ~ فِي сочилган (тарқалган) ҳолда; ~ (الذِّهْنِ) الْفِكْرِ паришонлик, эътиборсизлик

– شَرِيدٌ 1. 1) қочиб юрган; 2) адашиб (кезиб, дарбадар) юрган; 2. қочқин; сургун қилинган, чиқариб юборилган; дайди; طَرِيدٌ ~ уйсиз, бошпанасиз, беватан

– مُتَشَرِّدٌ 1. қаровсиз, уйсиз, бошпанасиз; 2. сарсон-саргардон юрган одам, дайди

– مُشَرَّدٌ қочқин, қочиб чиққан, қочиб келган

تَشَرْدَقَ, شَرْدَقَ томоғига тиқилмоқ, тиқилиб қолмоқ

تَشَرْذَمَ гуруҳларга ажралмоқ, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ажралиб кетмоқ

– تَشَرْذُمٌ ажралиш, бўлиниш, гуруҳларга бўлиниш

– شَرْذَمَةٌ *кўп* شَرَاذِمُ гуруҳ; отряд; тўп; оломон

شَرَزَ (*яранг*) очмоқ, тимдалаб очмоқ, ёрмоқ; تَشَرَّزَ очилган (тимдаланган, ёрилган) бўлмоқ (*яра ҳақида*)

I شَرِسَ (*а*) شَرَاسَةٌ 1) баджаҳл (қаҳрли, ёвуз) бўлмоқ. 2) ўзига хос феъл-атвор эгаси бўлмоқ. VI تَشَارَسَ бир-бирига (ўзаро) ёвузлик қилмоқ, жаҳл қилмоқ, жанжаллашмоқ, ўзаро ёвлик қилмоқ

– شَرَسٌ оёқ кийими сирачи (клейи)

– شَرَاسَةٌ 1) жаҳл; жаҳллилик; 2) кўполлик

– شَرِيسٌ жаҳлдор, баджаҳл

– شُرْشُوفٌ *кўп.* شَرَاسِيفُ қовурға кемирчаги (тоғайи)

– شَرَاسِيفِيٌّ *анат.* ошқозон устига оид; ~ الْقِسْمُ الـ ошқозон усти жойлари

(ش ر ش) II شَرَّشَ 1) илдиз отмоқ. 2) ўрнашиб олмоқ

– شَرْشٌ *кўп* شُرُوشٌ илдиз. реша; ~ الْتَحْلِيلِ *бот.* буғдойиқ (*галласимон алаф*); ◊ الذَّهَبِ ~ зардоб

شَرْشَحَ обрўсини тўкмоқ, обрўсизлантирмоқ, беэътибор қилмоқ

تَشَرْشَحَ обрўни йўқотмоқ, обрўсизланмоқ, ўз обрўсини туширмоқ; шарманда (шармсор) бўлмоқ

– شَرْشَحَةٌ обрўсизлантириш, обрўни тушириш

شَرْشَرَ 1) қайрамоқ; 2) тишли қилмоқ, 3) томмоқ, томиб кетмоқ, оқиб турмоқ

– شَرْشَرَةٌ[1] 1) (*пичоқларни*) қайраш; 2) томиш, оқиб кетиш

– شَرْشَرَةٌ[2] ўроқ

– شُرْشُورٌ *кўп.* شَرَاشِيرُ сайроқи қушларнинг бир тури, зяблик

– شَرْشِيرٌ ёввойи ўрдак

– مُشَرْشَرٌ тишли, тиши бор; ~ سِكِّينٌ (*нон кесадиган*) пичоқ

شَرْشَفٌ *кўп* شَرَاشِفُ чойшаб

– شَفَةٌ *кўп* شِفَاهٌ شِفَاوَاتٌ شِفَاتٌ *халқ.* شَفَايِفُ 1) лаб; 2) чет, чегара, охир, мил. қирғоқ, ◊ بُنْتُ الـــ *бот.* наврўзгул; ~ سُوءُ الـــ сўз ~ الـــ ماءُ ا чимлик суви, ~ كُلٌّ عَلَى هٰذَا бу ҳамманинг оғзида (гап сўз бўлиб юрган)

– شَفَوِيٌّ, شَفَهِيٌّ 1) оғзаки, сўзга оид; ~ ا оғзаки, сўз билан, сўзда; 2) оғзаки (*мас. нота*) 3) лабланган, الـــ الْحُرُوفُ *фон.* лабланиш ундошлар

– مُشَافَهَةٌ оғзаки нутқ, суҳбат, гаплашиш; ~ ا оғзаки, сўз билан

(شفو) IV أَشْفَى 1) (*бирор н. нинг*) четида (*охирида*) бўлмоқ, (*н. гадир*) яқин бўлмоқ (عَلَى); عَلَى الْغَرَقِ ~ у чўкиб кетай деди, унинг чўкиб кетишига (ғарқ бўлишига) озгина қолди; عَلَى الْيَأْسِ ~ умидсизликка (чорасизликка) етиб келмоқ, чорасиз аҳволга тушиб қолмоқ 2) (*к. нидир н. нингдир*) охирига келтирмоқ (олиб келмоқ, етказмоқ) (عَلَى, ب); ~ ـُـهُ عَلَى الْمَجَاعَةِ кимнидир очлик эълон қилишгача олиб келмоқ

– شَفًا *кўп* أَشْفَاءٌ чегара, охир, (الْكَارِثَةِ) كَانَ عَلَى ~ الْمَوْتِ ўлим ёқасида бўлмоқ, фалокат чегарасида бўлмоқ

I **شَفَى** (*и*) شِفَاءٌ 1) (*бирор н. билан*) шифоламоқ, даволамоқ, тузатмоқ; شَفَاهُ بِالْإِيحَاءِ кимнидир таъсир қилиб (таъсир, дуо билан) тузатмоқ; شَفَاهُ اللهُ! Оллоҳ шифо берсин!; 2) *мажз.* шифоланмоқ, даволанмоқ, тузалмоқ, ◊ (غَلِيلَهُ) غُلَّتَهُ ~ а) ўз истакларини қондирмоқ; б) ўч олиш истагини қондирмоқ; IV أَشْفَى бирор нимага яқинлашмоқ, бирор нимага яқин қолмоқ (عَلَى); ~ الْمَرِيضُ عَلَى الْمَوْتِ беморнинг ўлими яқинлашди; V تَشَفَّى 1) даволанмоқ; 2) қасд (ўч) олмоқ; (*н. дир қилгани учун*) энди ундан устун келмоқ, қасос олмоқ (مِنْ); (*к. гадир*) ғазабини тўкмоқ (مِنْ); VIII اشْتَفَى 1) (*бирор н. билан*) даволанмоқ, шифоланмоқ (ب); 2) бировнинг бошига тушган ёмон кундан хурсанд бўлмоқ (шодланмоқ); 3) (*бирор н. дан*) қониқиш олмоқ, қониқмоқ (مِنْ) X اسْتَشْفَى даво (шифо) изламоқ; (*бирор н. билан*) даволанмоқ (ب)

– اسْتِشْفَاءٌ саломатликни тиклаш, даволаниш, шифо топиш; ~ آلاَتُ الـــ даволаш асбоблари (аппаратураси); ~ دَارُ الـــ санаторий; ~ مَدِينَةُ الـــ курорт шаҳари; ~ مِيَاهُ الـــ шифобахш сувлар

– إِشْفَى *кўп* أَشَافٍ *алиф. б. қар.*

– تَشَفٍّ бахтсизлигидан хурсандлик; ~ فِي бировнинг бахтсизликдан хурсанд бўлиб

– شَافٍ *мн* شَافِيَةٌ 1. 1) шифоли, шифобахш хусусиятга эга бўлган, шифобахш; 2) ишончли, ишонтирадиган; 3) узил-кесил; 2. шифо берувчи, даволовчи, هُوَ الشَّافِي *дин.* Оллоҳ унга шифо берувчидир

– شِفَاءٌ[1] даволаниб кетиш, тузалиш; ~ قَابِلُ الـــ даволанадиган, даволаса бўладиган; ~ هٰذِهِ الْإِصَابَةُ لاَ تَقْبَلُ الـــ бу дард бедаводир, бу дардни даволаб бўлмайди

– شِفَاءٌ[2] *кўп* أَشْفِيَةٌ дори, дори-дармон

– شِفَائِيٌّ шифобахш

– شِفَائِيَّةٌ *кўп* ـاتٌ ـــ ветеринария шифохонаси

– مُسْتَشْفَى *кўп.* مُسْتَشْفَيَاتٌ шифохона, касалхона; госпитал; ~ الرَّمَدِ кўз шифохонаси; ~ الـــ الْعَسْكَرِيُّ ҳарбий госпитал; ~ الْمَجَاذِيبِ الْعَقْلِيَّةِ *ёки* الْأَمْرَاضِ ақлдан озганлар уйи, жиннихона; ~ الْمَيْدَانِ дала госпитали

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَشْفًى *кўп.* مَشَافٍ шифохона, госпитал, касалхона

I **شَقَّ** (*a/y*) شَقٌّ синдирмоқ, кесмоқ; (*тешик*) очмоқ, бузмоқ; узмоқ, узиб ташламоқ; الْأَرْضَ ~ ер ҳайдамоқ, الزَّرْعَةَ ~ канал қазимоқ; ~ الْحَجَرَ (*бирор н. билан*) томоқ қирмоқ, бақирмоқ (ب); ~ السُّكُونَ сукунатни (жимликни) бузмоқ; ~ الشَّوَارِعَ кўчалар ўтказмоқ (чиқармоқ); ~ طَرِيقًا йўл ўтказмоқ (чиқармоқ); ~ الْمُنْجَمَ конни қазимоқ; ~ به بِصِنْفَيْنِ бирор нарсани иккига бўлмоқ; ~ تَوْبَهُ حَسْرَةً ... нинг ғамида ўз кийимларини йиртмоқ; ~ صُفُوفَ الْعُمَّالِ ишчилар сафини бузмоқ; ~ عَنَانَ السَّمَاءِ ҳавони титратмоқ (*бақирик ҳақида*); 2) чиқмоқ (*тиш ҳақида*); ердан униб чиқмоқ (*ўсимлик ҳақида*); ~ النَّهَارُ тонг отди, кун ёйилди; 3) (*н. учундир*) оғир (қийин, машаққатли) бўлмоқ (عَلَى). 4) (*к. нисбатан*) олдига кирмоқ, (*к. нидир*) зиёрат қилмоқ, кўриб келмоқ (عَلَى); ◊ لَا يُشَقُّ لَهُ ... غُبَارٌ فِي *мажз.* (*н. дадир*) унинг тенги йўқ, унга етиб бўлмайди. ~ عَصَا الطَّاعَةِ (*к. гадир қарши*) исён қилмоқ (عَلَى). (*к. гадир*) итоат қилишдан (бўйсунишдан) тўхтамоқ (عَلَى); ~ عَصَا الْقَبِيلَةِ қабила орасида душманлик уруғини сепмоқ; II شَقَّقَ 1) парчаламоқ, бўлак-бўлак қилмоқ; 2) аниқ талаффуз қилмоқ; III شَاقَّ қаршилик қилмоқ, қарши бўлмоқ, қарши чиқмоқ; V تَشَقَّقَ синмоқ, дарз кетмоқ, дарзли (дарз кетган, ёрилган, ёриқ) бўлмоқ (*ёғоч, дарахт, ҳода ҳақида*); синмоқ (*мас, стакан ҳақида*) VII اِنْشَقَّ 1) синмоқ, синиб кетмоқ, ёрилмоқ, узилмоқ, узилиб кетмоқ; اِنْشَقَّتِ الْأَرْضُ ~ ер ёрилди; 2) (*н. дандир*) ажралмоқ, бўлинмоқ (عَنْ); ◊ اِنْشَقَّ النَّهَارُ ~ тонг отди, кун бошланди, VIII اِشْتَقَّ 1) (*н. дандир*) ишламоқ, ясамоқ, пайдо қилмоқ (مِنْ); 2) (*н. дандир*) келиб чиқмоқ (مِنْ); 3) ўзига (*сўз*) очмоқ. ~ طَرِيقًا جَدِيدًا فِي الْبَحْثِ тадқиқот соҳасида янги йўллардан бормоқ

– اِشْتِقَاقٌ 1) (*сўз*) ясаш, яратиш; 2) келиб чиқиш. *грам.* этимология; сўз ясаш, сўз яратиш

– اِشْتِقَاقَاتٌ *кўп. грам.* ясама сўзлар

– اِنْشِقَاقٌ бўлиниш, рози бўлмаслик, оранинг бузилиши, узилиш

– اِنْشِقَاقِيٌّ бузғунчиликка оид, عَمَلِيَّاتٌ ~ бузғунчилик ҳаракатлари, 2. бузғунчи

– تَشَقُّقَاتٌ ариқлар, дарзлар

– شَاقٌّ қийин, машаққатли, чарчатадиган, оғир, الْأَعْمَالُ ~ оғир (каторгадагидек) ишлар, қийин (машаққатли) меҳнат

– شَقٌّ[1] синиш, кесилиш, узилиш, الْبَصَرِيُّ ~ *мед.* кесар жарроҳлиги (*ҳомиладор аёллар жарроҳлиги*). الْبَابِ ~ атоқ бўлиниши; (النَّفْسِ) الْأَنْفُسِ ~ қаттиқ машаққат билан, қийинчилик билан

– شَقٌّ[2] *кўп* شُقُوقٌ 1) дарз, ёриқ, тешик, ковак; 3) (*бирор н. нинг*) ярми, қисм

– شَقٌّ 1) ярим, бир томон; 2) ўхшаш; ◊ بَيْنَ ~َيِ الرَّحَى қор билан ёмғир ўртасида, болғи билан сандон ўртасида (орасида); 3) тоғнинг бир томони; 4) = مَشَقَّةٌ

– شُقَاقٌ уй ҳайвонларида учрайдиган касаллик

– شِقَاقٌ бузғун, ўзаро ёвлик; ... بَيْنَ ~ (أَحْدَثَ) ... нинг ўртасига ёвлик (бузғунчилик) уруғини сепмоқ

– شَقَّةٌ *кўп* شُقَقٌ квартира, хона; مَفْرُوشَةٌ ~ мебеллар билан жиҳозланган (мебеллаштирилган) квартира (хона)

– شُقَّةٌ *кўп.* شُقَقٌ узоқ ва машаққатли йўл, بَعِيدَةٌ ~ жуда узоқ масофа; بُعْدُ الـ~ а) узоқлик, жуда узоқ масофа; б) катта фарқ

– شُقَّةٌ *кўп* شُقَقٌ 1) узилиш; дарз, ёриқ; مَا أَشَدَّ ~ الْخُلْفِ بَيْنَنَا وَ وَسِّعْ بَيْنَكُمْ! оримиздаги қарама-қаршилик қанчалик катта-я!; ~ الْخِلَافِ بَيْنَ ... (ضَيَّقَ) ...лар ўртасидаги ихтилофни чуқурлаштирмоқ (*пасайтирмоқ*); 2) қисм, бўлак; 3) участка, бўлим; مِنَ الْأَرْضِ ~ ер участкаси, الْحَرَامِ ~ таъқиқланган зона, участка; ~ سَاعِيَّةٌ *астр.* соат пояси; 4) квартира, хона; 5) машаққат, қийинчилик

– شَقِيقٌ *кўп.* أَشِقَّاءُ 1) (*бирор н. нинг*) ярми. 2) туғишган ини; 3) *бот.* анемон (*айиқтовонлилар оиласига мансуб ўт, алаф*); الـ~ الْأَصْفَرُ айиқтовон (*заҳарли ўт, алаф*)

– شَقِيقَةٌ[1] *кўп.* شَقَائِقُ туғишган сингил; الـ~ الْأَحْزَابُ қардош партиялар; ~ الْبِلَادُ (الْأَقْطَارُ) қардош мамлакатлар; ◊ شَقَائِقُ النُّعْمَانِ *бот.* а) айиқтовонлар (*ўт*); б) саллагўл, пионгул

– شَقِيقَةٌ[2] *кўп.* شَقَائِقُ қаттиқ бош оғриғи, мигрен

– مُتَشَقِّقٌ ериладиган, бўлинадиган; дарзли, дарз кетган; ~ الْحَلْقِ овози бўғилган

– مُشْتَقٌّ ясалган, ҳосил бўлган

– مَشَقَّةٌ *кўп.* مَشَاقُّ машаққат, қийинчилик, меҳнат, оғирлик; تَحَمَّلَ (كَلَّفَ نَفْسَهُ) ~ ... қаергадир бориш машаққатини ўз устига олмоқ

– مُشَقَّقٌ дарзи бор, ёриғи бор, дарзли

شقح II شَقْحَ гулламоқ, гуркирамоқ; IV أَشْقَحَ 1) =II; الْنَّحْلُ ~ хурмо гуллади; 2) узоқлаштирмоқ, четлаштирмоқ, олиб ташламоқ

شَقْدَفَ бирин-кетин улоқтириб ташламоқ, улоқтирмоқ

– شُقْدُفٌ *кўп* شَقَادِفُ замбил; شَقَادِفُ الْجِمَالِ туя устига ўрнатилган тахтиравон

– شَقْدَفَةٌ бирин-кетин улоқтириш

شَقْرَ (*y*) شَقْرَةٌ *ёки* شَقَرٌ (*a*) شَقَرٌ оқ-малла (малла) бўлмоқ; оқ-малла сочли (сариқ сочли) бўлмоқ. II شَقَّرَ (*к. никгадир*) келмоқ, зиёрат қилмоқ, кирмоқ (عَلَى); IX اِشْقَرَّ оқ-малла (сариқ сочли) бўлмоқ

– أَشْقَرُ *мн.* شُقْرٌ *кўп* شَقْرَاءُ 1. оқ-малла; малла; сариқ. 2. оқ-малла соч

www.ziyouz.com kutubxonasi

– شُقَارٌ *бот.* пўфанак, қарғатуёқ (*ёввойи гул*), айиқтовон; ~ الْبَحْرِ *зоол.* актиния (*денгиз жонивори*)

– شَقَرٌ, شُقْرَةٌ сочнинг очиқ, оқиш ранги (туси)

شَقْرَقَ хушчақчақ бўлмоқ, хурсандчилик қилмоқ

– شَقْرَاقٌ, شِقِرَّاقٌ *зоол.* яшил қизилиштон

– شَقْرَقَةٌ хурсандлик (шодлик, шодонлик, хушчақчақлик) билан вақт ўтказиш

شَقْشَقَ 1) чириқламоқ, чийилламоқ, сайрамоқ (*қушлар ҳақида*); 2) бўкирмоқ (*туя ҳақида*); 3) чирилламоқ (*қўнғиз ҳақида*) 4) жаврамоқ, бақир-бақир қилиб гапирмоқ; 5) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, кириб келмоқ (*ёруғлик ҳақида*)

– شَقْشَقَةٌ 1) сергаплик, мағзавалик, эзмалик; 2) сафсата, бекорчи гап, сафсата сотиш; ◊ ~ النَّهَارِ тонг

– شِقْشِقَةٌ *кўп.* شَقَاشِقُ танглай тўсиғи (*туяларда*) ◊ هَدَرَتْ ~ُـهُ у чиройли (*ифодалар билан*) гапиради; هَدَرَتْ ثُمَّ قَرَّتْ ~ *мтл.* гап кўпу, умр оз; арзимаган нарсага шунча гавго

شَقْصٌ ернинг бир қисми, бир парча ер

I **شَقَعَ** (*а*) شَقْعٌ устма-уст қилмоқ (*мас., ғиштни*), бир-бирининг устига қалаштириб ташламоқ

– شَقَفَةٌ, شَقَفٌ *кўп.* شُقُفٌ сопол буюмлар синиғи

– شَاقُوفٌ *кўп.* شَوَاقِيفُ болға, тукмоқ, ёғоч тўқмоқ

– شَقَافَةٌ сопол синиқлари

I **شَقَلَ** (*у*) شَقْلٌ 1) тортмоқ (*тарозида тангани*); 2) шодуф билан қудуқдан сув олмоқ (*қар* شَادُوفٌ)

– شَاقُولٌ *тар.* сиқл, сиқил, шиқил (*оғирлик ўлчови, шунингдек қадимги Исроил давлатидаги кумуш танга*)

– شَاقُولٌ *кўп.* شَوَاقِيلُ шокул; лот (*чуқурликни ўлчайдиган асбоб*)

– شَاقُولِيٌّ тикқаликка оид, тик, вертикал

– شَقْلٌ 1) тортиш (*тарозида*); 2) суғориш; ~ُـهُ عَلَى قَلَّةٍ халқ *мтл.* у энг зарур ишни қилади холос (*сўзма-сўз:* у эгинга яраша сув беради холос)

شَقْلَبَ тўнтармоқ, ағдармоқ, д ўмбалоқ ошмоқ; ағдариб ташламоқ; تَشَقْلَبَ тўнтарилмоқ, ағдарилмоқ, дўмбалоқ ошмоқ

– شَقْلَبَةٌ, شَقْلَبَةٌ тўнтариш, ағдариш; дўмбалоқ ошиш

– مُشَقْلَبٌ тўнтарилган, ағдарилган; ◊ بِالـ~ـِ сетини осмондан келтириб, остин-устун, тескарисига

I **شَقِيَ** (*а*) شَقَاءٌ оғир, машаққатли аҳволда бўлмоқ, бахтсиз бўлмоқ; азоб чекмоқ, машаққат чекмоқ; IV أَشْقَى машаққатларга гирифтор қилмоқ; бахтсиз қилмоқ; VI تَشَاقَى ўзини эркин (ҳеч нарсага бўйсунмайдиган қилиб) тутмоқ

– شَاقٍ *мн.* شَاقِيَةٌ *кўп.* شُقَاةٌ бахтсиз, бадбахт, бахти қора, бечора

– شَقَاءٌ оғир (машаққатли) аҳвол, бахтсизлик, азоб (машаққат) чекиш; الْعَيْشِ ~ машаққатли (оғир) ҳаёт

– شَقَاوَةٌ 1) оғир (машаққатли) аҳвол; бечоралик, қашшоқлик бало, офат; 2) ўзбилармонлик, бебошлик, шумтакалик; 3) босқинчилик, бандитизм

– شَقْوَةٌ бечоралик, машаққатли аҳвол; бахтсизлик

– أَشْقِيَاءُ *ўл.* 1 1) бечора, бахтсиз, бахти қора; 2) уятсиз, номуссиз; 3) ўзбилармон, бебош, шумтака; 4) золим, разил, қабиҳ, жиноятчи, қароқчи, бандит

I **شَكَّ** (*а/у*) شَكٌّ 1) шак келтирмоқ, ишонмаслик, (*бирор н. га нисбатан*) шубҳада бўлмоқ (فِي), 2) (*игна билан*) санчмоқ (ب), тешмоқ; тиқмоқ, ◊ فِي الـ~ـِ кучли қуролланган бўлмоқ; II شَكْكَ 1) шубҳалантирмоқ, шубҳали қилмоқ; 2) насияга сотиб олмоқ (сотмоқ); 3) кўл марта санчмоқ, санчиб-санчиб олмоқ; V تَشَكَّكَ (*н. дандир*) шубҳаланмоқ (فِي), VII اِنْشَكَّ санчилган бўлмоқ

– شَاكٌّ шак келтирувчи, шубҳаланувчи; ◊ فِي الـ~ـِ السِّلَاحِ *ёки* ~ السِّلَاحِ яхши қуролланган, тиш-тирноғигача қуролланган

– شَكٌّ *кўп.* شُكُوكٌ 1) шак, шубҳа; ~ لَا шубҳасиз, шаксиз, шак-шубҳасиз; ~ مِنْ دُونَ *ёки* ~ دُونَمَا *ёки* ~ بِلَا шаксиз, шубҳасиз; مَا ... مِنْ ~ فِي أَنْ (لَيْسَ) шунга ҳеч шубҳа йўққи, ..., шу ҳеч шубҳасизки, ...; أَلْقَى ~ـَهُ فِي (ب) ...га (...да) шубҳа билдирмоқ; زَرَعَ الشُّكُوكَ حَوْلَ ...га нисбатан шубҳа уругини сепмоқ; سَاوَرَ الـ~ ...да у шубҳага тушиб қолди, 2) ишонмаслик, ишончсизлик; шубҳаланиш; шубҳага тушиш, ишончсизлик

– شَكَّةٌ катта (қайриқма) тих (*мас. темир йўл ниш. мустаҳкамлаш учун қоқиладиган*)

– شَكَّاكٌ 1) шубҳа остидаги, ишончсиз, 2) ҳар нарсани ишончсизлик билан қаровчи, скептик

– شَكُّ насияга (*бериш*), қарзга (*бериш*); الـ~ـِ يُفْلِسُ التَّاجِرَ الْأَلْفِيَّ *мтл.* насияга савдо минг-минги бор савдогарни ҳам хароб қилади

– شَكَّةٌ *кўп.* ~ـَاتٌ укол

– شَكُوكِيٌّ = شَكَّاكٌ

– شَكِّيَّةٌ ҳар нарсага ишончсизлик билан қараш, скептицизм

– مُتَشَكِّكٌ шак келтирувчи, шубҳаланувчи; ~ نَظْرَةٌ إِلَى ...га шубҳа билан қарамоқ

– مَشْكُوكٌ: فِيهِ ~ шубҳали, ишончсиз; ... مِنَ الـ~ فِيهِ أَنْ ... бўлиши шубҳали, فِي أَمْرِهِ ~ шубҳали, ишончсиз

I **شَكَرَ** (*у*) شُكْرٌ 1) шукр қилмоқ, раҳмат айтмоқ, миннатдорлик билдирмоқ يُشْكَرُ عَلَيْهِ миннатдорлик билдиришга арзийдиган, 2) мақтамоқ; 3) (*к. дандир*) миннатдор бўлмоқ (لِـ); V تَشَكَّرَ (*н. учундир*) раҳмат айтмоқ, ташаккур билдирмоқ (عَلَى)

– شَاكِرٌ шукр қилувчи, раҳмат айтувчи, миннатдорлик билдирувчи

– شَاكِرِيَّةٌ *кўп.* شَاكِرِيٌّ мардикор

www.ziyouz.com kutubxonasi

– شَاكِرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ханжар

– شِكَارَةٌ *кўп.* شَكَائِرُ 1) раншер; 2) қоп, халта

– شُكَارَةٌ *кўп.* شَكَائِرُ шукрона совға (*миннатдорчилик белгиси сифатида қилинган*)

– شُكْرٌ *кўп.* شُكُورٌ 1) мақтов; 2) миннатдорчилик билдириш; ~ لَكَ! сиз (сен)га раҳмат!; сиз (сен) дан миннатдорман!; сиз (сен) га ташаккур!; أَشْكُرُكَ ~ جَزِيلاً сиз (сен)дан жуда миннатдорман!; لاَ يَسْتَحِقُّ الـــ ~ عَلَى الْوَاجِبِ! *ёки* لاَ ~ دَاعِيَ لِلـــ! арзимайди! (*раҳмат, ташаккур эшитганда айтилади*)

– شُكْرَانٌ *шунингдек:* ~ الْجَمِيلِ миннатдорлик, миннатдорчилик

– شَكْرَى тўлган, тўлиб-тошган (*кўз ёшлари, молнинг елини ҳақида*)

– شَكُورٌ шукр айтган, ташаккур билдирган

– شُكُورٌ шукр айтиш, миннатдорлик

– مُشَكِّرٌ ташаккур билдирувчи; ташаккур!, раҳмат!

– مَشْكُورٌ ташаккурга сазовор, мақталадиган

I **شكس** (*а*) شَكَسٌ *ёки* شَكُسَ (*у*) شَكَاسَةً саркаш (қилиқдор) бўлмоқ, бадфеъл бўлмоқ; жирттаки бўлмоқ; III شَاكَسَ ғашига тегмоқ; аччиғини чиқармоқ, пичинг қилмоқ, нозик жойига тегмоқ, тирноқ остидан кир қидирмоқ, майдакашлик қилмоқ; VI تَشَاكَسَ (*к. биландир*) келишолмайдиган бўлмоқ; ўзаро емон муносабатда бўлмоқ, жанжаллашмоқ, сўкишмоқ

– شَكَاسَةٌ 1) саркашлик, терслик, аччиқсўзлик, бадфеъллилик, қайсарлик, қилиқдорлик; 2) жирттакилик, 3) (*бошқалар билан*) келишиб яшай олмаслик; ўзбилармонлик, гап уқмаслик

– شَكَسٌ, شَكَاسَةٌ =

– شَكِسٌ 1) қайсар, саркаш, терс, қилиқдор; 2) жирттаки; 3) гапуқмас

– مُشَاكِسٌ тирноқ орасидан кир қидирувчи, майдакаш, пичингчи, қайсар, саркаш, қилиқдор, қийиқ, бўйсунмас

– مُشَاكَسَةٌ пичинг, тирноқ остидан кир қидириш, майдакашлик; бир-бирини ғажиш

شَاكُوشٌ=شَكُوشٌ

I **شكل** (*у*) شَكْلٌ 1) шубҳали (ноаниқ, чигал) бўлмоқ; 2) *грам.* (*матн ёки сўзга*) ҳаракат белгиларини қўймоқ; 3) (*ҳайвонларни*) тушовламоқ, боғламоқ; боғлаб қўймоқ; قَمِيصَهُ بِالدَّبَابِيسِ ~ кўйлакни игна-тугма (илгак) билан боғлаб қўймоқ; الأَمْرَ ~ ишни чигаллаштирмоқ (мураккаблаштирмоқ); II شَكَّلَ 1) чигаллашган (қоронғи, ноаниқ) бўлмоқ; 2) ташкил қилмоқ, шакллантирмоқ; тузмоқ; ўзини намоён килмоқ; ... خَطَرًا عَلَى ~ кимгадир хавф-хатар бўлиб намоён бўлмоқ, хавф-хатар бўлмоқ; 3) ҳархиллаштирмоқ; 4) навларга (сортларга) ажратмоқ; хилламоқ; 5) *грам.* ҳаракатлар қўймоқ; 6) (*ҳайвонларни*) тушовламоқ; III شَاكَلَ 1) ўхшамоқ, ўхшаш (ўхшаган) бўлмоқ; ذَلِكَ ~ مَا وَ ва шунга ўхшаш; 2) (*к. биландир*) жанжал чиқармоқ, курашмоқ; IV أَشْكَلَ (*к. учундир*) мушкул бўлмоқ, қийин (оғир) бўлмоқ; الْكِتَابَ ~ китобга ҳаракатлар қўймоқ; V تَشَكَّلَ 1) бирор нарсанинг шаклини (формасини) олмоқ (*б*); بِأَشْكَالِ الدِّيكَةِ ~ хурозларга айланиб қолмоқ (*эртакларда*); 2) шаклланмоқ, ташкил булмоқ; 3) ноз қилмоқ (*аёл ҳақида*); VI تَشَاكَلَ 1) ўхшамоқ, ухшашмоқ, шаклан ўхшаш бўлмоқ; 2) (*бирор н да*) бир хил фикрда бўлмоқ; 3) ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ; VII اِنْشَكَلَ қизармоқ (*кўзнинг оқ жойлари ҳақида*); X اِسْتَشْكَلَ 1) шубҳали деб билмоқ; 2) мушкул, қийин деб ҳисобламоқ; فِي شَيْءٍ ~ бирор нарсадан муаммо ясамоқ (келтириб чиқармоқ); 3) (*к. учундир*) шубҳали бўлмоқ (عَلَى); 4) (*к. учундир*) мушкул бўлмоқ (عَلَى)

– إِشْكَالٌ *кўп* اتٌ ـــ мушкуллик, қийинчилик, қийинлик; *филос.* мушкул мантиқий муаммолар (апория)

– أَشْكَلُ *мн.* شُكْلاَءُ *кўп* شُكْلٌ қизғиш оқ ёки оқиш қизил

– تَشَاكُلٌ ўхшашлик, мослик, *ким. мат.* изоморфизм (*икки ёки ундан ортиқ модданинг бир хил шаклда кристаллашуви; ўхшаш шакллилик*)

– تَشْكِيلٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) қурилиш, шаклланиш, 2) таркибий қисм, 2) *ҳарб.* бўлим, саф, 4) ташкилот; таркиб; ~ الْمَحْكَمَةِ суд таркиби, ~ سِرِّيٌّ яширин ташкилот

– تَشْكِيلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) (*дўкондаги*) ҳар хил моллар, ассортимент; (*сотиш учун тайёрлаб қўйилган ҳар хил товарлар*) йиғиндиси; 2) таркиб (*масалан, ташкил этилаётган ҳокимиятда*), 3) гулдаста; 4) *ҳарб* бўлим, саф, *ав* олий учиш шакли, олий пилотаж

– تَشْكِيلِيٌّ пластик (*рақс ҳақида*), الْفُنُونُ الـــ пластик санъатлар

– شَاكِلَةٌ *кўп* شَوَاكِلُ 1) ён, ён томон, бикин; 2) тур, жинс, нав, هُوَ عَلَى ~ـــه у у билан бир хил, иккови бир тўр; 3) услуб, ўзига хослик

– شِكَالٌ *кўп* شُكُلٌ занжирлар, кишанлар, боғловлар

– شَكْلٌ, شِكْلٌ *кўп* أَشْكَالٌ, شُكُولٌ 1) шакл, тур, مَا ~ ـــ қандайдир шаклда; أَوْ بِذَاكَ الـــ ~ بِهَذَا الـــ у ёки бу шаклда; ~ تَصَلَ بِـــ أَوْ بِآخَرَ بِـــ... бирор киши билан у ёки бу шаклда боғлиқ бўлмоқ, ~ سَافِرٍ ـــ очиқ шаклда, ~ الْمَرْوَحَةِ ـــ على елпиғичга ўхшаш, елпиғичсимон; ~ а) шаклан; б) шаклдаги, أَشْكَالُ الْعُمْرِ *астр.* Ой фазалари; الـــ ~ وَ الْمَوْضُوعُ الْمَحْكِيُّ الـــ ~ وَ *ёки* الْمَضْمُونُ шакл ва мазмун, ~ كَرَوِيٍّ الـــ ~ ـــ шаклдаги; ~ مُسْتَدِيرُ الـــ айлана шаклдаги, 2) *ирон.* لاَ ~ مِنَ الْأَشْكَالِ أَنْ ... ҳар қандай ـــ ـــ ـــ бу дегани эмас; ~ بِهَذَا الـــ шундай қилиб, 3) шакл, чизма, диаграмма, расм, суврат; 4) ўхшашлик; أَشْكَالُهُمْ وَ هُمْ улар ва уларга ўхшашлар, الطُّيُورُ عَلَى أَشْكَالِهَا تَقَعُ *мкл.* кўр кўрга ўзоқдан таниди 5) жинс, тур, нав; 6) одат, ўзни тутиш; 7) *грам.* ҳаракатлар қўйиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– شَكْلٌ 1) ноз-карашма; 2) бежиримлик

– شَكَلٌ ур-йиқит; сўкишиш, жанжал, тортишув

– شَكَلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ ноз- карашмали аел

– شُكْلَةٌ кўзлардаги қизиллик

– شَكْلِيٌّ 1. 1) шаклий; шаклга оид, 2) расмиятга оид; إِجْرَاءَاتٌ ـــَّـــةٌ расмиятлар; 3) пластик, пластикага оид. 2. шаклбоз, формалист

– شُكَلِيٌّ *кўп.* شُكَلِيَّةٌ 1. 1) хушчақчақ. 2) жанжалкаш, асаббузар; 2 кеккайиб юрувчи, такаббур

– شَكْلِيَّاتٌ *кўп* расмиятлар; قَانُونِيَّةٌ ~ юридик расмиятлар

– شَكْلِيَّةٌ расмият, шаклбозлик, формализм

– مُتَشَاكِلٌ ўхшаш, ўхшайдиган, аналогик

– مُشَاكَلَةٌ ўхшашлик

– مُشَكَّلٌ 1) турли хил, хилма-хил; 2) безатилган; 3) *грам* ҳаракатлар қўйилган

– مُشْكِلٌ 1. мушкул, ноаниқ, чигал; 2) мушкуллик, қийинлик; муаммо, проблема

– مُشْكِلَةٌ *кўп.* مَشَاكِلُ, اتٌ ـــ мушкуллик, қийинлик, муаммо, проблема, вазифа

– مَشْكُولٌ тушовланган, жиловланган, оёғи боғлиқ (*ҳайвон*)

I **شَكَمَ** (*у*) شَكْمٌ 1) сотиб олмоқ, сирни айтмагани учун мукофот (ҳақ) бермоқ; 2) нўхталамоқ, нўхта солмоқ; тутиб турмоқ

– شَكَمِيَّةٌ қути, қутича

– شَكِيمَةٌ *кўп* شَكَائِمُ 1) сувлиқ (*нўхтанинг от оғзидаги темир қисми*); 2) куч, ғайрат. ذَلَّلَ الـــ кучли, ғайратли, тинмас; қайтмас. бир сувли, ~ قَوِيُّ الـــ кучли, ғайратли. 3) қеккайганлик, мутакаббирлик, такаббурлик

(شكه) III شاكَهَ ҳ шамоқ, ўхшаш бўлмоқ

I (شكو) **سَكَا** (*у*) شَكْوٌ, شَكْوَى 1) (*к дандир*) шикоят қилмоқ (مِنْ); шикоят олиб келмоқ. 2) касал бўлмоқ. مَرَضًا ~ касалликдан шикоят қилмоқ; IV أَشْكَى шикоят қилишга мажбур этмоқ, шикоят қилишга ундамоқ. V تَشَكَّى VI تَشَاكَى бир-бири устидан шикоят қилмоқ, бирлашиб (бир еқадан бош чиқариб) шикоят қилмоқ; VIII اشْتَكَى = I

– شَاكٍ мн شَاكِيَةٌ 1. шикоят қилувчи, 2 шикоятчи. ◊ شَاكِي السِّلَاحِ яхши қуролланган, тиш-тирноғигача қуролланган (*ҳар* شَلَّكَ)

– شَكَّاءٌ 1 доимий шикоят қиладиган. 2 йиғлоқи одам. инжиқ, мижғов минғи; минғир

– شَكَّارٌ, شَكَّارَةٌ ـــ ـــ айбловчи, айблаш

– شَكْوَةٌ 1) = شَكَّارَةٌ, 2) ـــ ـــ ик меш, меш

– شَكْوَى *кўп* شَكَاوَى шикоят, шикоя

شَكِيَّةٌ *кўп* شَكَايَا шикоят, шикоя

– مُشْتَكٍ *мн* مُشْتَكِيَةٌ = شَاكٍ

– مُشْتَكَاةٌ тоқча, меҳроб

– مَشْكُوٌّ مِنْهُ: ~ عَلَيْهِ *ёки* ~ устидан шикоят қилинган одам; жавобгар

شَكُورِيَّةٌ цикорий

شَكُوشٌ *қар* شَاكُوشٌ

شُكُولَاتَةٌ шоколад

شَكُونِيَّةٌ мато (*читнинг бир нави*)

I **شَلَّ** (شَلَلٌ) [1] (*и/а*) شَلٌّ 1) шол (фалаж) қилмоқ; 2) шол бўлиб қолмоқ. لَا ~تْ يَمِينُكَ! жуда яхши!, аъло! (*сўзма-сўз*: илоҳим қўлларинг шол бўлмасин!); [2] (*а/у*) شَلٌّ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб юбормоқ; 2) кўкаламоқ, катта катта чок билан тикмоқ; II شَلَّلَ кўкаламоқ, кўкалаб қўймоқ; IV أَشَلَّ шол қилмоқ, фалаж қилмоқ; VII اِنْشَلَّ шол бўлиб қолмоқ, ҳаракатсиз бўлиб қолмоқ

– أَشَلُّ *мн* شَلَّاءُ *кўп.* شَلٌّ шол бўлиб қолган, фалаж бўлиб колган, ҳаракатдан қолган

– شَلَّالٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) шалола, шаршара. 2) остонатош (*дарё тагида кўндаланг кўтарилиб турган тош дўнглик*)

– شَلَالَةٌ кўкалаш

– شَلَلٌ шол, фалаж; фалажлик. ~ الرَّغَاصُ *ёки* ~ الطِّفْلِيُّ الْأَطْفَالِ الْهَنْزَارِيُّ титроқ фалаж; ~ الْعَصَبِيُّ бир томонлама фалаж

– شُلَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ, شُلَلٌ 1) тўп, тўпча (*ипнинг*) 2) туда, гуруҳ; команда (*мас., болалар ўйинида*)

– [2] شَلَّةٌ, شُلَّةٌ (*узоқ йўлнинг*) нияти, мақсади, мўлжали

– مَشْلُولٌ шол, фалаж бўлган. фалажликка (шолликка) оид

شَلَاصِيمُ *кўп* лаблар

شَلْبٌ шопи, оқланмаган гуруч (*Ироқда*)

– شَلْبَةٌ лешч (*балиқ*)

– شَلَبِيٌّ 1. бежирим кийинган. 2 олифта

(شلن) تَشَلَّنَ бежирим кийинган бўлмоқ

(شلت) II شَلَّتَ оёқ билан тепмоқ, тепанғич бўлмоқ

– شَلْتَةٌ, شُلْتَةٌ *кўп* شُلَتٌ юпқа кўрпа; кичик кўрпача

– شَلْوَتٌ *кўп* شَلَاتِيتُ нўқиш, оёқда тепиш, тепки. أَعْطَاهُ ~ вимнидир тепмоқ

– شُلَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ қоп

شَلَّتَ юпқа ясси қилмоқ (*мас., нонни*)

– شَلْتُوتَةٌ *кўп* شَلَاتِتُ (*артадиган*) латта

– مُشَلَّتٌ юпқа, ясси (*мас., нон*), ـــَّـــةٌ فَطِيرَةٌ ~ юпқа патир

شَلْجَمٌ 1) шоғлом, 2) хашаки шолғом, рапс, сурениса (*уруғидан мой олинадиган ўсимлик*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **شَلَحَ** (*а*) شَلْحٌ олмоқ, олиб ташламоқ; ثِيَابَهُ ~ ечинмоқ. الكَافِرَ ~ диний унвондан маҳрум қилмоқ. II شَلَّحَ 1) қип-яланғоч қилиб ечинтирмоқ, фош қилмоқ; 2) таламоқ, талаб кетмоқ. X اسْتَشْلَحَ устидаги кийимларини ечмоқ, ечинмоқ

– مِشْلَحٌ *кўп.* مَشَالِحُ чопон, пальто

– مُشْلَحٌ кийим осиб қўйиладиган жой, гардероб (*хона*)

شُلُوسٌ *кўп* شُلُوسٌ илдиз

شَلْشَلَ томиб тушмоқ, томмоқ

شَلْغَمٌ = شَلْجَمٌ

شَلْفَطَ 1) чаплamоқ, кир қилиб суртамоқ; ажи-бужи қилиб ёзмоқ; 2) шимдирмоқ (*шимувчи қоғоз ёрдамида*)

– شَلْفَطَةٌ чаплаш, чапланиш; ажи-бужи ёзув

I **شَلَقَ** (*у*) شَلْقٌ синдирмоқ, ёрмоқ

– شُلُوقٌ шалуқ (*хурмо навъи*)

– شُلُوقٌ иссиқ шамол; гармсел

شَيْلَمٌ қар شَالَمٌ

شَالَمٌ 1) арпа; 2) фигурали қавс; ~ات *ик.с.* фигурали қавслар

شِلِنٌ *кўп* ~ات шиллинг (*пул бирлиги ва пул*)

(شلى) IV أَشْلَى чақирмоқ; الكَلْبَ ~ итни чақирмоқ

– شَلْوٌ *кўп* أَشْلَاءٌ 1) аъзо, тана аъзоси (*қисми*) (*танадан ажратиб олинган*); 2) қолдиқ

شُلَيْلٌ *жам.* ертут (земляника) қулупнай

I (شمّ) شَمَّ[1] (*а/у*) شَمٌّ ҳидни сезмоқ, ҳидламоқ; الهَوَاءَ ~ тоза ҳаво олмоқ. شَمَّ[2] (*и/а*) شَمَمٌ кеккайган, такаббур бўлмоқ. II شمّم ҳидлатмоқ. IV أَشَمَّ = II, V تَشَمَّمَ ҳид билмоқ, ҳидламоқ; сезмоқ. ~ الأَخْبَارَ янгиликнинг ҳидини сезмоқ. VII انْشَمَّ ҳидланадиган (сезиладиган) бўлмоқ. VIII اشْتَمَّ 1) ҳидни сезмоқ; ҳидламоқ; 2) сезилмоқ, билинмоқ (*ҳид ҳақида*). X اسْتَشَمَّ ҳис қилмоқ, сезмоқ

– أَشَمُّ *н.* شَمَّاءُ *кўп.* شُمٌّ 1) баланд, юксак; 2) такаббур, кеккайган. الأَنْفِ ~ (جَبَلٌ) қирғийбурун одам, дўнгбурун одам

– إِشْمَامٌ *фон.* "у", "и" товушларини кучли лаблаштириб талаффуз қилиш

– شَمَّانٌ ҳид билиш

– سَمٌّ 1) ҳид билиш; ~ حَاسَّةُ الشَّمِّ ҳид билиш сезгиси. ~ السِّيَاسِيِّ сиёсий сезгирлик; 2) ҳидлаш; ◊ عِيدُ الشَّمِّ ~ баҳорни кутиб олиш байрами (*Мисрда*)

– شَمَّامٌ[1] 1. (*тамаки*) ҳидлаб юрувчи. 2. ҳидловчи

– شَمَّامٌ[2] *жам.* (ҳидли) қовунлар

– شَمَّامَةٌ *кўп.* ~ات қовун; ◊ مِصْبَاحِ ~ чироқ пиликдони (горелкаси)

– شَمَمٌ 1) баландлик, тепалик; 2) бурун қанотлари; 3) кеккайиш, такаббурлик, мутакаббирлик

– شَمَّةٌ (*бир чимдим*) тамаки, (*бир чимдим*) ҳидланадиган тамаки

– شَمِّيٌّ ҳид билишга (сезишга) оид

– شَمِيمٌ ёқимли ҳид (бўй)

– مِشْمَامٌ *кўп.* مَشَامِيمُ ҳид билиш аъзоси, бурун

– مَشْمُومٌ 1. ҳидланадиган. 2. 1) ҳид, бўй; 2) мушк

– مَشْمُومَاتٌ *кўп* хушбўй гуллар

(شمأز) اشْمَأَزَّ (*к. дандир, н. дандир*) жирканмоқ, нафратланмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) гитроққа (ҳаяжонга) тушмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) хафа бўлмоқ, аччиқланмоқ (مِنْ)

– اشْمِئْزَاز жирканиш, нафратланиш, нафрат

– مُشْمَئِزّ 1) (*бирор н. га*) нафрат сабабли гитрайдиган (مِنْ); 2) жирканч

شَمَائِل шамолдан эсадиган шамол (*сел* شَأْمَل)

اشْمَأَطَّ норози бўлмоқ, аччиқланмоқ

– اشْمِئْطَاطٌ норозилик, қониқмаслик

شَمَاشِمُ ич кийим, чойшаб, ёстиқ жилди *ва б. лар*

– شَمَاشِمِيٌّ *кўп* شَمَاشِمِيَّةٌ 1. ич кийим, чойшаб, ёстиқ жилди *ва б.* ларни ювувчи. 2. хизматкор, малай

شَمْبَانِيَا, شَمْبَانِيَةٌ шампан виноси

I **شَمَتَ** (*а*) شَمْتٌ бошқанинг бошига тушган кулфатдан хурсанд бўлмоқ, жирамоқ (*ич.*), маъноралик қилмоқ. II شَمَّتَ 1) ичқоралик қилдирмоқ; 2) (*акса урган кишига*) "Саломат бўлинг" деб айтмоқ, соғлик тиламоқ. IV أَشْمَتَ = II

– شَامِتٌ *кўп* شَمَاتٌ ичқоралик қиладиган

– شَامِتَةٌ *кўп.* شَوَامِتُ ичқоралик қиладиган аёл

– شَمَاتَةٌ, شَمَاتٌ ичқоралик, кўролмаслик

– شَمَّاتٌ ичқоралик қиладиган; зараркунанда

I **شَمَخَ** (*а*) شُمُوخٌ, شَمْخٌ 1) баланд бўлмоқ; кўтарилмоқ, баландламоқ; 2) такаббур бўлмоқ; بِأَنْفِهِ ~ кеккайиб қарамоқ, бурунни кўтармоқ; 3) юксакликка (*бирор н. томон*) интилмоқ (إِلَى). II شَمَّخَ кўсалтирмоқ, баландлатмоқ, юксакка кўтармоқ. VI تَشَامَخَ (*к. сандир*) баландроқ (ортиқроқ) бўлмоқ (عَلَى); (*к. дандир*) юксакроқда бўлмоқ (عَلَى); 2) кеккаймоқ, фахрланмоқ, такаббурлик кўрсатмоқ (қилмоқ)

– شَمَامِخُ кеккайиш, такаббурлик, мағрурлик

– شَامِخٌ 1) баланд, юксакка (юқорига) кўтариб туриш; кўтарилаётган. 2) такаббур, мағрур

www.ziyouz.com kutubxonasi

– ~ وَ نَفْخَةٌ ғурур, жиззакилик, ўзбилармонлик; نَصْلَةٌ فِي الْحَبِّ *мтл.* савлатидан туя ҳуркади, уйида сичқон ҳасса тутади

– شُمُوخٌ 1) баландлик; 2) такаббурлик, мағрурлик

– مُتَشامِخٌ такаббур, мағрур

(شمخر) اِشْمَخَرَّ 1) баланд катта бўлмоқ; юксалиб (кўтарилиб) турмоқ; 2) мағрур (кеккайган, такаббур) бўлмоқ, жиззаки бўлмоқ; мағрурланмоқ, жиззакилик қилмоқ

– شَمَاخَرَةٌ мағрурлик, кеккайиш, жиззакилик

– مُشْمَخِرٌّ 1) баланд кўтарилган, баланд, юксак; катта, улкан; الْجَهْلُ الْـ~ ўта жоҳиллик, саводсизлик; 2) мағрур; اَلْأَنْفِ ~ бурнини кўтарадиган, кеккайган

I شَمَرَ (*у*) شَمْرٌ 1) шошмоқ, шошиб турмоқ; 2) (*ени*) шимармоқ; 3) кеккайиб ўтмоқ, гердайган ҳолда ўтиб кетмоқ; II شَمَّرَ 1) (*енгни*) шимармоқ: ... شَمَّرُوا عَنْ زُنُودِهِمْ وَ أَحَلُّوا улар енгни шимардилар ва ...ни бошладилар; عَنْ سَاقَيْهِ ~ иштоннинг (*почасини*) кўтармоқ (*мас., сувдан ўтиб олиш учун*); 2) *бирор н.* га) қўл урмоқ, киришмоқ; عَنْ سَاعِدِ الْجِدِّ وَ الْكَدِّ ~ ғайрат билан ишлай бошламоқ; عَنْ سَاعِدِهِ ~ енг шимармоқ, ишга киришмоқ; 3) жўнатмоқ; اَلشَّيْءَ ~ камондан ўқ отмоқ; اَلْإِزَارَ ~ иштонни кўтармоқ; V تَشَمَّرَ (*н. ғам*) киришмоқ (*ишга*); иш бошламоқ; VIII اِشْتَمَرَ тайёрланмоқ, ҳозирлик кўрмоқ

– شَمْرٌ, شَمَرٌ, شَمْرَةٌ *бот.* шивит, укроп

– شِمَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ подтяжка (*шимни кўтариб тутиб туриш учун икки елка оша тортиб қўйиладиган тасма*)

شَمَارِيخُ, شَمَارِيخُ *кўп.* شَمَارِيخُ 1) узумли ток новдаси; 2) мевали хурмо новдаси; 3) (*барглар*) хурмо новдаси, хивчин

– شَمْرُوحَةٌ калтак

I شَمَزَ (*у*) شَمْزٌ (*н. ғазаб*) кирканмоқ (*ғ-н*); (*н. дандир*) сесканмоқ, титрамоқ (*ғ-н*); (*н. далдир*) хафа бўлмоқ, ғазабга келмоқ (*ғ-н*), ғазабланмоқ, аччиқланмоқ; V تَشَمَّزَ қовоқ солмоқ, аччиқланиб қарамоқ

I شَمَسَ (*у*) شُمُوسٌ 1) ёруғ (қуёшли) бўлмоқ; 2) қаршилик қилмоқ, терслик қилмоқ; II شَمَّسَ қуёшга (офтобга) қўймоқ, қуёш (офтоб) да товламоқ; IV أَشْمَسَ ёруғ бўлмоқ, қуёшли бўлмоқ; V تَشَمَّسَ қуёш (офтоб) да ётмоқ, қуёш (офтоб) да исинмоқ, офтобда сайр қилмоқ

– شَامِسٌ 1) қуёшли, ёруғ; 2) биркесар, айтганидан қайтмайдиган, терс

– شَمَّاسٌ *кўп.* شَمَامِسَةُ *дин.* дьякон (*православ черковида руҳонийларнинг қуйи унвони*)

– شَمْسٌ *мн. кўп.* شُمُوسٌ қуёш, офтоб; شُرُوقُ الـ~ қуёш чиқиши; غُرُوبُ الـ~ қуёш ботиши; ضَوْءُ الـ~ қуёш нури (ёруғи); عَابِدُ الـ~ қуёшга чўқинувчи; ◊ عَبَّادُ الـ~ а) кунгабоқар, б) ҳаворанггул; هَذَا وَاضِحٌ وُضُوحَ الـ~ *ёки* هَذَا وَاضِحٌ وُضُوحَ الـ~ رَابِعَةَ النَّهَارِ бу кундай равшан, бу мутлақо аниқ (равшан)

– شَمْسِيٌّ қуёшли, қуёшга оид; طَارِيَّةٌ ~ـــةٌ қуёш батареяси; سَنَةٌ ~ـــةٌ қуёш йили; ~ شَهْرٌ қуёш йили ойи; حُرُوفٌ ~ـــةٌ қуёш ҳарфлари, шамсий ҳарфлар; اَلتَّصْوِيرُ الـ~ фотография; صُورَةٌ ~ـــةٌ фотосурат

– ~ اَلنَّشَّاكُ *кўп.* ـــ اتٌ شَمَاسِيُّ, شَمْسِيَّةٌ шамсия, зонтик; дарпарда

– شَمُوسٌ қийиқ, терс

– شَمُوسَةٌ қуёшкон

– مُشَمْسٌ = شَمْسٌ

– مَشْمَسَةٌ солярий (*қуёш ваннаси қабул қилинадиган жой*)

– مَشْمُوسٌ офтоб урган, офтоб уриб кетган

شَمْشَمَ 1) ҳидламоқ; 2) (*бирор н. ни*) андиб билмоқ, билиб олмоқ; искаб топмоқ (*ков-ков қилиб юрувчи одам ҳақида*)

(شمص) VII اِنْشَمَصَ қўрқмоқ

I (شمط) شَمَطَ (*а*) شَمْطٌ соч оқармоқ, оқ соч билан қопланмоқ; شَمَطَ (*и*) شَمْطٌ 1) олиб кетмоқ, ўғирламоқ; 2) олиб қўймоқ; уриб кетмоқ (*мас., гул ҳақида*); қолғичлик билан олмоқ

– أَشْمَطُ *мн.* شُمْطٌ *кўп.* شُمْطٌ сочи оқариб кетган; оқсоч

– شَمَطَةٌ шовқин, шовқин-сурон

شَمَعَ *халқ.* эшимоқ, қулоқ солмоқ

I شَمَعَ (*а*) شَمْعٌ ҳазил қилмоқ, кўнгил очмоқ, ўйнамоқ; II شَمَّعَ мум билан қопламоқ, мумламоқ; ◊ اَلْحَلْبَةَ ~ қочмоқ, шармандалик қилмоқ; V تَشَمَّعَ мум билан қопланган (мумланган) бўлмоқ

– شَمَّاعٌ 1) шам ясовчи (тайёрловчи); 2) шам сотувчи

– شَمَّاعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ вешалка (*кийим осиб қўйиладиган жой*)

– شَمْعٌ 1) мум; أَحْمَرُ ~ *ёки* اَلْأَحْمَرُ ~ сургуч (*мас., конвертлар устидаги*) мумли муҳр; اَلْأَحْمَرُ ~ *ёки* اَلْعَسَلِيُّ ~ мум; 2) шам, ~ اَلشَّحْمِ мой шам, мум шам

– شَمْعَدَانٌ *кўп.* اتٌ ـــ шамдон, устига шам қўйиладиган буюм, жихоз (*подсвечник*)

– شَمْعَةٌ *кўп.* شُمُوعٌ, شَمْعَاتٌ шам; شَرَارَةُ ~ *тех.* свеча (*мас., автомобилдаги*)

– شَمْعِيٌّ мумга оид; اَلتَّمَاثِيلُ الـ~ـــةُ мумдан ясалган хайкаллар, мум фигуралар (*мас., музейларда*)

– مُشَمَّعٌ мумланган

– مُشَمَّعٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ёмғир ўтказмайдиган плаш, ёмғирпўш; 2) *шунингдек.* ~ قُمَاشُ клеенка, اَلْأَرْضِ ~ линолеум

– مَشْمَعَةٌ ҳазиллашиш, ҳазил-ҳузил, мазах

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **شَمَلَ** (*у*) شُمُولٌ, شَمْلٌ *ёки* شَمَلٌ (*а*) 1) ўрамоқ, қучоқламоқ, бағрига олмоқ; ~ـْنِي فَرْحَةٌ мени шодлик туйғуси ўраб олди; ~ بِالْعِنَايَةِ иноят (ғамхўрлик) қилмоқ; 2) ўз ичига олмоқ, қамраб олмоқ; 3) **умумий** (ҳар нарсага мос, универсал) бўлмоқ; ~ـَتِ الرِّيحُ шамол шимол томондан эсди; II شَمَّلَ тарқатмоқ (*мас., қонун кучини*) (عَلَى); IV أَشْمَلَ шимол томондан эсадиган шамол ўртасида қолмоқ; V تَشَمَّلَ ўралмоқ, ўралиб олмоқ; VIII اشْتَمَلَ 1) (*н. гадир*) ўралмоқ, ўралиб олмоқ (*туш. к. ёки* بِ); 2) ўзига (*н. нидир*) қамраб олмоқ, сақламоқ (عَلَى)

– اشْتِمَالٌ الصَّمَّاءِ: ~ гавданинг барча қисмини кийим билан тўсиб ўраб олиш

– شَامِلٌ кенг қамровли; тўла; умумий, ҳамма нарсага мос келувчи, универсал

– شَمَالٌ[1], شِمَالٌ 1) шимол, ا~ шимолда, шимолдан, شَرْقِيُّ ~ шимоли-шарқ; غَرْبِيُّ ~ шимоли-ғарб; كَوْكَبُ الـ~ Қутб юлдузи; 2) *мн.* шимол шамоли, 3) хулқ, хулқ-атвор, табиат

– شِمَالٌ[2] 1. чап, сўл; 2. 1) *мн* чап қўл; 2) чап (сўл) томон; ا~ *ёки* ذَاتُ الـ~ чапга, чапдан; 3) *сиёс* сўллар

– شَمَالِيٌّ, شِمَالِيٌّ 1) шимолий, шимолга оид

– شِمَالِيُّونَ[2] чап томонда ўтирувчи (турувчи), чапга оид; الشِّمَالِيُّونَ *сиёс* сўллар

– شَمْلٌ[1] 1. бирлашганлик, тўпланганлик, қўшилганлик; бутунлик; ~ُ تَشَتُّتُ الـ бўлинганлик, бўлиниб кетганлик, тарқоқлик; ажралиш; ~ُـهُمْ فِي الْبِلَادِ تَفَرَّقَ улар мамлакат бўйлаб тарқалиб кетишди; 2) иттифоқ, бирлашиш; ~َـهُمْ (لَمَّ) جَمَعَ иттифоқ қилмоқ, бирлаштирмоқ, кимларнидир бирлаштириб тўпламоқ; ~َـهُمْ بَدَّدَ кимларнидир ажратмоқ (тарқатиб юбормоқ); ~َ الـ~ـهُمْ اجْتَمَعَ الْعَرَبِيُّ فِي هَذَا الْمُؤْتَمَرِ бу конгрессга бутун араб дунёси йиғилди

– شَمْلٌ[2] шимолдан эсадиган шамол

– شَمَلٌ = شَمْلٌ[2]

– شَمْلَةٌ *кўп* شَمْلَاتٌ чопон, плашч; مِنَ الْقُمَاشِ ~ латта

– شَمُولٌ 1) шимолий шамол; 2) совутилган вино

– شُمُولٌ қамров, умумийлик

– شُمُولِيٌّ қамрови кенг, ҳар томонлама, ҳар нарсага мос, универсал

– شُمُولِيَّةٌ ҳар нарсага мослик, универсаллик

– شَمِيلَةٌ *кўп* شَمَائِلُ шамойил, хусусият, кўриниш; фазилат, яхши хислат, қадр-қиммат

– مُشْتَمَلَاتٌ *кўп* ўзида бор нарса

– مُشْتَمَلَةٌ мушмула

– مَشْمُولٌ 1) қамраб олинган; ҳимоя қилинган, بِالْحِمَايَةِ ~ ҳимоя остида турган, ҳимояда бўлган; عِنَايَتِهِ ~ кимнингдир ҳимояси (васийлиги) остида турган (бўлган); 2) кучсиз, енгил; خَمْرٌ ~ـَةٌ таъми енгил шароб (май)

شَمْلَلَ чаққон (тезкор) бўлмоқ

– شُمْلُولٌ[1] чаққон, тезкор

– شُمْلُولٌ[2] *кўп* شَمَالِيلُ унча катта бўлмаган миқдор

– شَمَنْدَرٌ, شَمَنْدُورٌ лавлаги; السُّكَّرِيُّ الـ~ қанд лавлаги

– شَمَنْدُورَةٌ *кўп* اتٌ ـــ буй, бакен (*дарё ва бошқа сув йўлларида саёзлик, йўл ва ҳ. ларни кўрсатиб турувчи белги*)

I شَنَّ (*а/у*) қуймоқ, қуйиб қўймоқ, (*вино устига сув*) қуймоқ; ◊ ~ الْغَارَةَ (*к. гадир*) босқин (ҳужум) қилмоқ (عَلَى); (*к. гадир қарши*) юриш уюштирмоқ (عَلَى); حَرْبًا ~ уруш олиб бормоқ (*бошламоқ*); ~ عُدْوَانًا (هُجُومًا) حَمْلَةً ҳамла (ҳужум) қилмоқ; (*к. гадир қарши*) агрессия ташкил қилмоқ (*уюштирмоқ* عَلَى, ضِدَّ), IV أَشَنَّ: ~ الْغَارَةَ = شَنَّ الْغَارَةَ; X اسْتَشَنَّ 1) эскирмоқ, ишдан чиқмоқ; 2) озиб кетмоқ, озғин бўлиб кетмоқ, озмоқ

– شَنٌّ *кўп* شُنَانٌ эски меш

– شَنَانٌ ёмон кўриш, нафрат

– شَنٌّ = شَنَّةٌ

– مَشَنَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ сават

I **شَنِئَ** (*а*) شَنْءٌ, شَنَأَةٌ *ёки* شَنَأَ (*а*) شَنَآءٌ қаттиқ ёмон кўрмоқ, нафратланмоқ, ичқоралик қилмоқ; VI تَشَانَأَ бир-бирини (қаттиқ) ёмон кўрмоқ

– شَانِئٌ *кўп* شُنَّاءُ ёмон кўрувчи, нафратланувчи

– شَانِئَةٌ *кўп* شَوَانِئُ ёмон кўрувчи аёл, нафратланувчи аёл

– شَنْآنُ 1. нафратланадиган, ёмон кўрадиган 2. ёмон кўрувчи, нафратланувчи

– شَنَآنٌ кучли (*қаттиқ*) нафрат

– مَشْنَأَةٌ, شَنَأَةٌ, شَنَاءَةٌ нафрат

I **شَنِبَ** (*а*) شَنَبٌ салқин, совуқ бўлмоқ

– أَشْنَبُ *мн.* شُنْبٌ *кўп.* оппоқ тишли, тиши оппоқ

– شَنَبٌ салқин, совуқ

– شَنَبٌ[1] тишларнинг оқ ранги; 2) тишнинг ўткирлиги

– شَنَبٌ[2] *кўп* أَشْنَابٌ мўйлов, ~ُ فَرْدَةُ مِنَ الـ~ мўйлов тукининг бир донаси (қили), ~ُو мўйловли, мўйловдор

شَنْبَلَةٌ алоқа

شَنْبَرٌ *кўп* شَنَابِرُ 1) ҳалқа, чамбар, гардиш; шайба; 2) яшиқларга қоқиладиган металл тасма

شِنْتِيَانٌ *кўп* شَنَاتِينُ кенг иштон

www.ziyouz.com kutubxonasi

I شَنَجَ (*а*) شَنَجٌ тиришмоқ, бужмаймоқ, буришмоқ, қисқармоқ; V تَشَنَّجَ қисқармоқ; титраб бужмаймоқ; титрамоқ, қақшамоқ; тиришиб-буришмоқ

– تَشَنُّجٌ пайларнинг тиришиши; тиришиб-буришиш; спазма; конвульсия

– تَشَنُّجِيٌّ тиришишга оид, спазмага оид

– شَنَجَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ лўли аёл

شَنْحَفٌ узун, узун бўйли

(شنر) II شَنَّرَ обрўсизлантирмоқ, шарманда қилмоқ

– شَنَارٌ обрўсизлантириш, обрўсизлик, шармандалик

– شَنَارَى *зоол.* илвирс (*тоғ йўлбарси*)

شَنْشَنَ тасур-тусир, шовқин, шилдираш овозини чиқармоқ

– شَنْشَنَةٌ тасир-тусир, шовқин, шилдир-шилдир

– شَنْشَنَةٌ *кўп.* شَنَاشِنُ одат, феъл-атвор, табиат, характер; таъб, кўникма, أَعْرِفُهَا مِنْ أَخْرَمَ ~ *мтл:* бу Дақъюсдан қолган (*сўзма-сўз:* бу феъл-атворнинг Ахзамдан қолганлигини биламан)

I شَنَطَ (*у*) شَنْطٌ тугун қилмоқ, тугун қилиб боғламоқ; тугмоқ; ~ نُدْفَتَهُ فِي كَتِفِهِ елкага милтиқ осмоқ; II شَنَّطَ (*ғўштни*) бир оз қовурмоқ

– شَنْطَةٌ[1] тугун

– شَنْطَةٌ[2] *кўп.* شُنَطٌ, شَنَطَاتٌ 1) қоп, қопчиқ, сумка; ~ الْيَدِ аёллар сумкаси; ~ الْكِتَابِ ўқувчиларнинг елкага осиб юрадиган сумкаси, 2) жомадон

– شَنِيطَةٌ сиқиб боғланадиган тугун

I شَنُعَ (*у*) شَنَاعَةٌ нафратлантирувчи (хунук, иркит, аблаҳ) бўлмоқ, II شَنَّعَ 1) нафрат қўзғатмоқ, 2) обрўсизлантирмоқ, сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ; X اسْتَشْنَعَ нафратлантирувчи (хунук, иркит, аблаҳ) деб ҳисобламоқ

– أَشْنَعُ мн شُنْعَاءُ *кўп* شُنْعٌ иркит, уятли, шармандали; аблаҳона, тубан, нафратлантирувчи

– شَنَاعَةٌ аблаҳлик, тубанлик, қабиҳлик, ифлослик

– شَنِيعٌ шармандали, тубан, нафратлантирувчи; аблаҳ, тубан, даҳшатли

– شُنْعَةٌ *кўп* شُنَعٌ тубанлик, аблаҳлик, пасткашлик, қабиҳлик

– شَنِيعٌ = شَنِيعٌ

I شَنَفَ (*и*) شَنْفٌ (*к. гадир*) кеккайиб қарамоқ (إِلَى); II شَنَّفَ исирға тақинчоқлар билан безатмоқ; ◊ الْأُذُنَ ~ қулоққа паззат бермоқ (*музика, мақтов сўзи ва ҳ.к. ҳақида*); V تَشَنَّفَ исирға шокилалар билан безанмоқ (зийнатланмоқ)

– شَنْفٌ *кўп* شُنُوفٌ исирға, балдоқ, зеб-зийнат, тақинчоқ

I شَنَقَ (*у*) شَنْقٌ осмоқ, осиб ўлдирмоқ; VII انْشَنَقَ осилган бўлмоқ

– شَنَقٌ ўлдирганлик учун олинадиган тўлов (бадал)

– مَشَانِقُ *кўп.* مَشْنَقَةٌ дор

– مَشْنُوقٌ осилган

شَنْقَبٌ лойхўрак (*қуш*)

شَنَّكٌ *кўп* شَنَانِكُ мушакбозлик билан ўтказиладиган халқ байрами (сайли)

شَنْكَارٌ рейсмас, рейсмус (*маҳсулотга чизиқ тортадиган дурадгорлик асбоби*)

شَنْكَلَ 1) илинтирмоқ; чалмоқ, чалиб йиқитмоқ; تَشَنْكَلَ 1) илинтирилган бўлмоқ; 2) қоқилиб йиқилмоқ, қоқилмоқ

– شَنْكَلٌ *кўп.* شَنَاكِلُ илмоқ, илгак; وَ رَزَّةٌ ~ илмоқ ва сиртмоқ

– شَنْكَلَةٌ 1) илиш; 2) оёқдан чалиш (*мас., ўйин вақтида*)

شَنْهَفَ ҳиқилламоқ, ҳиқиллаб йиғламоқ

– شَنْهَفَةٌ ҳиқиллаш, ҳиқиллаб йиғлаш

شَنْهَقَ ҳанграмоқ (*эшак ҳақида*)

– شَنْهَقَةٌ ҳанграш

I شَهُبَ (*у*) شُهْبَةٌ кулранг бўлмоқ

– أَشْهَبُ *мн* شُهْبٌ *кўп.* شُهْبَاءُ кулранг; الشُّهْبَاءُ кулранг (*Ҳалаб ш. нинг сифати:* حَلَبُ الشَّهْبَاءُ)

– شِهَابٌ *кўп* شُهُبٌ 1) учар юлдуз, метеор, 2) оловнинг ярқираган шуъласи (алангаси)

– شُهْبَةٌ кулранг

– شُهْبَةٌ оқ ранг кўп бўлган оқ-қоралик

I (شهد) شَهِدَ[1] (*а*) شُهُودٌ (*н. дадир*) бўлмоқ, қатнашмоқ, (*воқеа нинг*) шоҳиди (гувоҳи) бўлмоқ; شَهِدَ[2] (*а*) [illegible] 1) (*н. тўғрисидадир*) гувоҳлик бермоқ (ب); 2) (*к. гадир қарши*) (*к. н нидир тарафини олиб*) гувоҳлик бермоқ (عَلَى ,لِـ), 3) (*н. нидир*) ёзма тасдиқламоқ (عَلَى); ◊ بِاللهِ ~ Оллоҳ номи билан онт (қасам) ичмоқ, II شَهَّدَ гувоҳлик (шоҳидлик)ка чақирмоқ; III شَاهَدَ 1) кўрмоқ, кузатмоқ, қарамоқ; بِأُمِّ عَيْنِهِ ~ ўз кўзи билан кўрмоқ; شَاهَدُوا هذا بِأَعْيُنِهِمْ улар буни ўз кўзи билан кўрдилар, 2) қатнашмоқ, иштирок этмоқ; IV أَشْهَدَ 1) гувоҳликка олмоқ, гувоҳ қилмоқ; 2) *мажз.* шоҳид бўлмоқ, V تَشَهَّدَ исломда эканлигини ёки уни қабул қилганлигини билдирувчи қуйидаги гапни айтмоқ: لَا إِلٰهَ إِلَّا اللهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللهِ Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг расулидир; X اسْتَشْهَدَ 1) (*к. нидир*) гувоҳликка жалб қилмоқ, гувоҳликка олмоқ (ب); гувоҳ (исбот) сифатида (*н. нидир – ب к. гадир н гадир қарши* عَلَى) гувоҳликка олиб келмоқ; 2) (*н. нидир*) исботловчи мисол тариқасида келтирмоқ; (*н. гадир*) мурожаат этмоқ, (*н. нидир исбот сифатида*) иқтибос қилиб келтирмоқ (ب); 2) *мажз.* (*дин йўлида*) шаҳид бўлинмоқ; (*ҳаққоният учун*) урушда ҳалок бўлмоқ, шаҳид бўлмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– اسْتِشْهَادٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) (*бирор н. ни*) исбот сифатида келтириш, (*бирор н. га*) мурожаат қилиш; иқтибос келтириш; 2) (*гоя, дин, ҳақиқат йўлида*) ҳалок (шаҳид) бўлиш

– شَاهِدٌ *кўп* شُهُودٌ, شُهَّادٌ, أَشْهَادُ 1) шоҳид, гувоҳ; عَلَى رُؤُوسِ الْأَشْهَادِ *қар.* رَأْسٌ؛ ~ الْإِثْبَاتِ айблов гувоҳи; ~ عَدْلٍ тўла ҳуқуқли гувоҳ; ~ عَيْنٍ *ёки* عِيَانٍ ~ ўз кўзи билан кўрган, бирор нарсанинг бевосита шоҳиди бўлган киши; ~ الْمُبَارِزِ секундант (*1 дуэлда томонлар вакили; 2) боксда, шахматда томонлар вакили ва ёрдамчиси*); ~ الْمِلْكِ тождор гувоҳ, бош (асосий) гувоҳ; ~ النَّفْيِ ҳимоя гувоҳи; 2) кузатувчи; 3) қабр устига қўйилган тош; 4) нотариус (*Тунисда*)

– شَهَادَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) гувоҳлик, курсатма бериш (*судда*); 2) ёзма гувоҳнома, аттестат; диплом; ~ الِاخْتِرَاعِ ихтиро гувоҳномаси (патент); (الْإِعْدَادِيَّةِ) ~ الدِّرَاسَةِ الثَّانَوِيَّةِ икки (бир) босқичли мактабни тамомлаганлиги ҳақида аттестат; ~ تَحْقِيقِ شَخْصِيَّةٍ шахсий гувоҳнома; ~ تَلْقِيحِ (تَطْعِيمِ) ضِدَّ الْجَدَرِيِّ чечакка қарши эмланганлик ҳақида гувоҳнома; ~ حُسْنِ السِّيَرِ وَ السُّلُوكِ ишончлилиги ҳақида гувоҳнома; ~ الدُّكْتُورَاةِ фан доктори аттестати; ~ عَالِيَةٌ олий мактаб дипломи; ~ عَدَمِ الْمَحْكُومِيَّةِ судланмаганлиги ҳақида гувоҳнома; ~ الْمِيلَادِ туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (метрика); ~ الْوَفَاةِ вафот (ўлганлик) ҳақида гувоҳнома; 3) шаҳидлик; 4) динда эканлигини кўрсатувчи сўзлар (*қар.* تَشَهَّدٌ); ~ بِالـــ ـِ نَطَقَ динда эканлигини кўрсатувчи сўзларни айтмоқ (*мас., ўлим хавфи келиб қолган пайтда*)

– شَهْدٌ, شَهْدٌ *кўп* شِهَادٌ асал, бол, шаҳд

– شَهْدَةٌ *мед.* карбункул, хўппоз, кўк яра, чипқоннинг бири

– شَهِيدٌ *кўп.* شُهَدَاءُ 1. жангда ўлган (шаҳид бўлган, ўлдирилган); 2. 1) шаҳид;2) қурбон; ~ الْوَاجِبِ масъулият (вожибият) қурбони

– مُشَاهِدٌ кузатувчи, томошабин

– مُشَاهَدٌ кузатилаётган, кўриниб турган

– مُشَاهَدَةٌ 1) кузатиш; кўриб чиқиш, мушоҳада қилиш; 2) кўрик; 3) кўришиш, учрашиш; ~ الْمُكَاتَبَةِ *мат.* ўзаро хат ёзишиш ярим кўришиш (дийдор)

– مَشْهَدٌ *кўп.* مَشَاهِدُ 1) мажлис, тўпланиш; 2) дафн маросимидаги юриш; 3) тамошо, кўриниш; 4) *театр.* кўриниш, парда, номер (*концерт дастурида*); 5) едгорлик; диққатга сазовор жой (нарса), مَشَاهِدُ الْمَدِينَةِ шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари; 6) авлиёнинг қабри (*зиёратгоҳ сифатида*); ~ عَلَى رُؤُوسِ النَّاسِ ҳаммага кўриниб турган

– مَشْهُودٌ ёдгорликка оид, диққатга сазоворликка оид, диққатга сазовор; ~ لَهُ بِالْكَفَاءَةِ иқтидорли, қўлидан иш келадиган, эпли; ~ لَهَا بِالْوَطَنِيَّةِ وَ الْأَخْلَاقِ الْعَالِيَةِ عَائِلَةٌ ўз ватанпарварлиги ва юксак ахлоқлилиги билан машҳур оила

– مَشْهُودَاتٌ *кўп.* (*саёҳат вақтида*) кузатилган нарсалар

I **شَهَرَ** (*а*) شَهْرٌ 1) маълум (машҳур) қилмоқ; 2) тарқатмоқ, халққа билдирмоқ, эълон килмоқ; ~ فِي الْمَرَادِ кимощди савдосига қўймоқ; ~ الْحَرْبَ (*к. гадир*) уруш эълон килмоқ (عَلَى); 3) яланғочламоқ (*мас., қилични*); ~ لِبُنْدُقِيَّةٍ (*к. нидир*) мўлжалга олмоқ (عَلَى); 4) *мажх.* (*н. биландир*) шуҳратланмоқ, шуҳрат топмоқ; II شَهَّرَ 1) тарқатмоқ; 2) (*к. нидир*) обрўсизлантирмоқ, қораламоқ (ب); (*к. ҳақдадир*) бемаъни (ёмон) миш-мишлар тарқатмоқ (ب); (*к. нидир*) эътиборсизлантирмоқ (ب); III شَاهَرَ эйбай ишга олмоқ; IV أَشْهَرَ шуҳратли қилмоқ; 2) эълон килмоқ, халққа маълум қилмоқ; ~ الْحَرْبَ уруш эълон қилмоқ; 3) яланғочламоқ (*мас., қилични*); 4) бир ой истиқомат қилмоқ; VIII اشْتَهَرَ 1) тарқалмоқ; 2) машҳур (таниқли) бўлмоқ, (*н. биландир*) шуҳрат топмоқ (ب); ... عَنْهُ أَنَّ ~ у ҳақда шу нарса маълумки, ...

– اشْتِهَارٌ 1) шуҳратлилик, шон-шуҳрат, таниқлилик; 2) обрў-эътибор

– إِشْهَارٌ эълон қилиш, халққа маълум қилиш; ~ الْإِفْلَاسِ синганликни эълон қилиш

– أَشْهَرُ (анчагина) шуҳратлироқ عَلَى ~ مِنْ نَارٍ عَلَى عَلَمٍ *маж.* у жуда шуҳратли (*тўзма сўз: у тоғдаги ўтдан кўра шуҳратлироқ*)

– شَهْرٌ *кўп* أَشْهُرٌ, شُهُورٌ ой (*30 кун маъносида*); الـــ ـِ الْحَالِي жорий (ҳозирги) ой; الـــ ـِ الْقَادِمُ кириб келаётган ой; الـــ ـِ الْمُنْصَرِمُ (الْمَاضِي) ўтган (ўтиб кетган) ой; ◊ عَسَلُ ~ *кон.* ـِ الْعَسَلِ

– شُهْرَةٌ 1) шуҳрат (*ҳаммага*) таниқлилик, маълумлик; ~ عَالَمِيَّةٌ жаҳонга таниқлилик; ~ عِنْدَ الْعَامَّةِ оммага (халққа) таниш бўлиш, халқ орасида шуҳратлилик; ؟ مَا ~ هَذِهِ الْمَدِينَةِ бу шаҳар нимаси билан шуҳрат тутган?; طَبَّقَتْ ~ـُـهُ آفَاقَ الْمَعَارِبِ وَ الْمَشَارِقِ унинг шуҳрати бутун оламга тарқалди; 2) обрў-эътибор

– شَهْرِيٌّ ойлик, ойга оид, ойма-ойликка оид; ؟ ~ ойма-ой; نِصْفُ ~ икки ҳафталик (ярим ойлик) (*матбуот ҳақида*)

– شَهْرِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ойлик маош

– شَهِيرٌ машҳур, таниқли, шуҳратли

– مُشَاهَرَةٌ 1) ойлик маош; стипендия; ~ بِيرِ ~ ойда, ҳар ойда, ойма-ой; 2) сутнинг қочиши, йўқолиб қолиши (*янги туққан аёл ҳақида*); аёлнинг туғмаслик касалига дучор бўлиши (*халқ эътиқодида*)

– مَشْهُورٌ *кўп* مَشَاهِيرُ 1. машҳур, шуҳратли, донг таратган, таниқли; ... عَلَى الـــ ـِ أَنَّ яхши маълумки, ... одатдагидай; 2. машҳур одам; مَشَاهِيرُ الشَّرْقِ Шарқнинг машҳур одамлари

I **شَهِقَ** (*а*) شَهِيقٌ, شَهْقٌ 1) сиқтамоқ, йиғламоқ; 2) (*чуқур*) хўрсинмоқ, 3) инграмоқ, хирилламоқ (*ўлаётган одам ҳақида*); 4)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳиқ тутмоқ; 5) ҳанграмоқ (*эшак ҳақида*); IV أَشْهَقَ йиғламоқ; ~ بِالْبُكَاءِ йиғлаб юбормоқ

– شَاهِقٌ баланд, юксак, улкан; ~ عُلُوٌّ бош ғайланадиган баландлик

– شَاهِقَةٌ *кўп.* شَوَاهِقُ 1. юксак, баланд, улкан, юксак тоғлар, 2. осмонўпар (*бино*)

– شَهْقَةٌ *кўп.* شَهَقَاتٌ 1) инграш, оҳ-воҳ, бақирик; 2) ҳиқноқ; ~ الدِّيكِ *мед.* кўкйўтал; 3) оҳ уриш

– شَهِيقٌ 1) инграш, йиғлаш, йиғи; 2) хириллаш; 3) ҳанграш; 4) эшак ҳанграшининг охирги қисми

(شهل) II شَهَّلَ 1) шошилинч юбормоқ (жўнатмоқ); 2) шошилтирмоқ; тезлатмоқ, шошмоқ; IV أَشْهَلَ тезлатмоқ

– أَشْهَلُ *мн.* شَهْلاَءُ *кўп.* شُهْلٌ кўккўз, шаҳло кўз

– تَشْهِيلٌ шошилинч жўнатиш (жўнатма)

– تَشْهِيلاَتٌ *кўп* ~ مَأْمُورُ транспорт (нақлиёт) бошқарувчиси

– شَهْلٌ, شَهْلٌ тез, чаққон

– شُهْلَةٌ кўзларнинг кўк ранги

I شَهُمَ (*у*) شَهَامَةٌ қўрқмас (жасоратли, жасур, матонатли) бўлмоқ; синчков бўлмоқ

– شَهَامَةٌ 1) қўрқмаслик, жасурлик; ғайрат, мардлик, қаҳрамонлик; 2) олижаноблик, яхши хулқлилик; 3) синчковлик

– شَهْمٌ *кўп.* شِهَامٌ 1) матонатли, ғайратли; қўрқмас, жасур; 2) синчков

I (شهو) شَهَا (*и*) شَهْوَةٌ 1) хоҳламоқ, истамоқ; 2) иштаҳаси бор бўлмоқ; شَهِيَ (*а*) شَهْوَةٌ = شَهَا II شَهَّى хоҳиш пайдо қилмоқ, иштаҳа очирмоқ; V تَشَهَّى эҳтиросни қўзғатмоқ, эҳтирос билан хоҳламоқ; 2) роҳат қилиб емоқ, (*овқатдан*) роҳатланмоқ, лаззатланмоқ, ҳузур олмоқ; VIII اشْتَهَى хоҳламоқ, истамоқ

– اشْتِهَاءٌ 1) истак, майл; 2) иштаҳа

– شَهْوَانُ *мн.* شَهْوَى *кўп.* شَهَاوَى 1) қаттиқ (астойдил) хоҳловчи, (*бирор н. га*) кўзи очиқ; 2) ҳиссиётли, шаҳватпараст

– شَهْوَانِيٌّ эҳтиросли, ҳиссиётли, шаҳватпараст

– شَهْوَةٌ *кўп.* شَهَوَاتٌ 1) кучли истак (*хоҳиш*); 2) эҳтирос, шаҳват, шаҳвоний нафс

– شَهْوِيٌّ ҳиссиётлиликка (*шаҳватпарастликка*) оид

– شَهِيٌّ 1) орзу қилинган, хоҳланган; 2) иштаҳа очувчи, мазали, ёқимли

– شَهِيَّةٌ = اشْتِهَاءٌ ~ مَفْتُوحَةٌ ى менинг иштаҳам бор

– مُشْتَهًى *кўп.* مُشْتَهَيَاتٌ исталган, хоҳланган, хоҳиш (истак) предмети; тилак, орзу

– مُشَهٍّ *мн.* مُشَهِّيَةٌ иштаҳа очувчи

– مُشَهِّيَاتٌ *кўп.* иштаҳа очувчи овқат, газак (закуска)лар; иштаҳа очувчи нарсалар

؟ شُو халқ. нима? (*Сурияда*)

I (شوب) شَابَ (*у*) شَوْبٌ 1) аралашмоқ, аралашиб кетмоқ; 2) аралаштирмоқ, омухта қилмоқ; 3) доғ қилмоқ, чапламоқ; لاَ تَشُوبُهُ شَائِبَةٌ унинг камчилиги йўқ; الْخَجَلُ خَدَّيْهَا ~ у (*мн*) хижолатдан қизариб кетди

– شَائِبَةٌ *кўп.* شَوَائِبُ 1) камчилик, айб, доғ; 2) аралашма; 3) ифлослик; нопоклик

– شَوْبٌ 1) аралашма; 2) гармсел; 3) иссиқлик

– شَوْبَةٌ 1) иссиқ, иссиқлик; 2) ёлғон, алдаш, алдамчилик

– مَشُوبٌ доғ тушган; бузилган; бирор нарса аралашиб колган, аралашмали; ~ غَيْرُ соф, аралашмасиз, омухта бўлмаган

شَوْبَقٌ *кўп* شَوَابِقُ ўқлоқ, тўва

شَوْبَكٌ *кўп* شَوَابِكُ = شَوْبَقٌ

I (شوت) شَاتَ (*у*) شَوْتٌ *спорт.* урмоқ, тепмоқ (*тўпни*)

(شوح) II شَوَّحَ 1) қўлни қилич-қилич қилмоқ, имо-ишора қилмоқ; 2) қовурмоқ; السَّمَكَ فِي السَّمْنِ ~ балиқни ёғда қовурмоқ; 3) рад қилмоқ

– تَشْوِيحٌ имо-ишора; الْأَيْدِي ~ қўлни қилич-қилич қилиш

– شُوحٌ арча

– شُوحَةٌ калхат, сор

– شَوَاحِيٌّ, ـــَ اتٌ *кўп.* شُوحِيَّةٌ тўсин

شَوْحَطٌ *жам. бот.* шавқат (*иссиқ мамлакатларда ўсадиган танаси қаттиқ арчасимон ўсимлик*)

مِشْوَذٌ салла

I (شور) شَارَ (*у*) شَوْرٌ 1) асал тўпламоқ (йиғмоқ), 2) кўрсатмоқ; 3) маслаҳат бермоқ; II شَوَّرَ (*бирор н. га*) ишора қилмоқ (إِلَى); 2) (*к. гадир*) имо-ишора қилмоқ (إِلَى); 3) миниб кўрсатмоқ (*эшак ёки отни-даллол ҳақида*); III شَاوَرَ 1) маслаҳат, кўрсатма сўрамоқ; маслаҳатлашмоқ, консультация олмоқ; 2) (*к. гадир ва бландир*) имо-ишора қилмоқ (ب, لِـــ); IV أَشَارَ 1) (*н. нидир*) кўрсатмоқ (إِلَى); يُشَارُ إِلَيْهِ بِالْبَنَانِ *кар.* بَنَانٌ; 2) (*к. гадир*) имо-ишора қилмоқ (إِلَى); 3) (*н. нидир*) белгиламоқ (إِلَى); 4) (*н. гадир*) ишора, қочирим қилмоқ (إِلَى); (*к. гадир*) маслаҳат бермоқ (عَلَى); V تَشَوَّرَ сайр қилмоқ, сайр қилиб келмоқ, VI تَشَاوَرَ маслаҳатлашишмоқ; VIII اشْتَارَ асал йиғмоқ, асал тўпламоқ; X اسْتَشَارَ (*н. дадир*) маслаҳат (кўрсатма, консультация) сўрамоқ (فِي); (*н. нидир*) маслаҳатлашмоқ (فِي)

– اسْتِشَارَةٌ *кўп* ـــَ اتٌ маслаҳат (консултация) учун мурожаат этиш

– اسْتِشَارِيٌّ 1) маслаҳатлашишга оид; 2) консультацияга оид; ~ رَأْيٌ маслаҳат овози ~ الْمَجْلِسُ الـــ 1) маслаҳат мажлиси; палата; 2) консультатив совет

www.ziyouz.com kutubxonasi

– إِشَارْجِيٌّ *кўп.* إِشَارْجِيَّةٌ сигналчи; алоқачи

– إِشَارَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ ـِـ 1) ишорат, кўрсатма; ~ اسْمُ الْـ– *грам.* кўрсатиш олмоши; ... بِالْـ~ إِلَى ...га мурожаат қилган ҳолда, ...; هُوَ رَهْنُ ~ـِـهَا у ҳамма вақт у (*аёл*) нинг кўрсатмаларини бажаришга тайёр; 2) маслаҳат, кўрсатма; 3) кўрсаткич, белги, сигнал; имо-ишора, қочирим, بَرْقِيَّةٌ ~ телеграмма; الْـ~ الْحَمْرَاءُ (الْخَضْرَاءُ) қизил (яшил) чироқ (*сигнал – светофордаги*) الْخَطَرِ ~ хатар сигнали, тревога; الصَّلِيبِ ~ *дин.* (*бутга*) чўқиниш ишораси; الصَّلِيبِ الْأَحْمَرِ ~ Қизил хоч белгиси; لاَ سِلْكِيَّةٌ ~ радиосигнал; الْمُرُورِ الضَّوْئِيَّةُ ~ светофор сигнали; الْمَسَافَةِ ~ масофа белгиси; الْوَقْتِ ~ (*радиодан бериладиган*) вақтни текшириш сигнали; الْيَدِ ~ қўл ишорати; قُوَّاتُ الْـ~ алоқа қўшинлари; كُشْكُ الْإِشَارَاتِ сигнал будкаси, كُشْكُ إِشَارَاتِ الْمُرُورِ йўл ҳаракати назоратчисининг будкаси; ... كَانَ بِمَثَابَةِ ~ لِـ... учун ишорадай бўлмоқ

– إِشَارَةٌ[2] *кўп.* أَشَائِرُ байроқ

– إِشَارِيٌّ кўрсатишга оид; نُقْطَةٌ ~ـِـةٌ ориентир (*бирор н. нинг шу атрофда эканини кўрсатувчи аломат, белги*)

– إِشَارْجِيٌّ = أَشَرْجِيٌّ

– تَشَاوُرٌ жам бўлиб маслаҳатлашиш, консультация

– شَارَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـِـ 1) белги, аломат, символ; الصَّلِيبِ الْأَحْمَرِ ~ Қизил хоч белгиси (аломати, символи); 2) *ҳарб.* ҳарбий унвонларни фарқлаб турувчи белги; 3) значок; герб, тамға; 4) кийим-кечак; 5) гавда, қомат

– شَوَارٌ 1) уй анжомлари; 2) юк-тақ

– شُوَارٌ сеп

– شَوَّارٌ жокей (*пойгачи-чавандоз*)

– شُورَى шўро, мажлис, маслаҳат мажлиси, палата; مَجْلِسُ ~ الْقَوَانِينِ қонун чиқарувчи мажлис; مَجْلِسُ ~ الدَّوْلَةِ давлат мажлиси (совети)

– شُورِيٌّ 1) маслаҳат беришга оид; 2) шўрога оид, маслаҳат мажлисига оид

– مُسْتَشَارٌ 1) маслаҳатчи, консультант; السَّفَارَةِ ~ элчихона маслаҳатчиси; قَضَائِيٌّ ~ *ёки* قَانُونِيٌّ ~ адлия масалалари бўйича маслаҳатчи, юрисконсультант; عَسْكَرِيٌّ ~ ҳарбий маслаҳатчи, ~ مَالِيٌّ молия маслаҳатчиси; 2) канцлер (*баъзи мамлакатларда мартабали амалдор унвони*)

– مُسْتَشَارِيٌّ канцлерга оид

– مُسْتَشَارِيَّةٌ канцлерлик

– مُسْتَشِيرٌ маслаҳат сўраб мурожаат қилувчи, маслаҳат сўровчи

– مُشَارٌ : إِلَيْهِ ~ юқорида айтилган, юқорида зикр қилинган, юқорида кўрсатиб ўтилган

– مُشَاوَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـِـ машварат мажлиси, мажлис

– مُشْوَارٌ[1] *кўп.* مَشَاوِيرُ *қар.* مشوار

– مُشْوَارٌ[2] ҳайвонни сотиш мақсадида кўрикка қўйиладиган жой

– مُشَوِّرٌ ҳайвонни сотиш топширилган киши (*қар.* II شَوَّرَ)

– مَشْوَرَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـِـ машварат, маслаҳат, кўрсатма; ~ـِـ الْأَطِبَّاءِ табиб (врач) лар маслаҳати билан, غُرْفَةُ الْـ~ маслаҳат хонаси (*судда*)

– مُشِيرٌ 1. кўрсатувчи, кўрсатиб берувчи; 2. 1) индикатор, кўрсаткич; 2) маслаҳатчи; 3) (*фельд*) маршал; بَحْرِيٌّ ~ адмирал

– مُشِيرَةٌ кўрсаткич бармоғи

– شُورْبَةٌ шўрва

– شَوْرَمَةٌ қовурдоқ, қовурма, қўй гўштидан тайёрланган қовурма

(шوش) II شَوَّشَ 1) бузмоқ, ишдан чиқармоқ; чигаллаштирмоқ, издан чиқармоқ, (*н. нидир*) тушуниб бўлмайдиган ҳолга келтирмоқ (في); бузмоқ (*мас., матнни*); радиошовқин яратмоқ; 2) юқтирмоқ (*касаллик ҳаҳида*); V تَشَوَّشَ 1) ишдан чиқмоқ, бузилмоқ; чигаллашмоқ; тартибсиз бўлмоқ, 2) бемаъни, янглиш бўлиб қолмоқ (*фикр ҳақида*); 3) захм юқтириб олмоқ

– شُوشٌ, أَشْوَاشٌ *мн* شَوْشَاءُ *кўп.* أَشَاوِشُ 1 қўрқмас, баҳодир, мард الْفُرْسَانُ الْأَشَاوِشُ мард баҳодир чавандозлар; 2. қаҳрамон

– تَشَوُّشٌ издан чиқиш, бузилиш

– تَشْوِيشٌ *кўп.* ـَاتٌ ـِـ ишдан чиққанлик, тартибсизлик, издан чиққанлик; *радио* шовқинлар; 2) касаллик; захм

– شَاشٌ *алиф. б. қар*

– شَاشَةٌ *алиф. б. қар*

– شُوشَرَكٌ, شُشَبَرَكٌ чучвара

– شُوشَةٌ *кўп.* شَوَاشِيُ, ـَاتٌ ـِـ 1) кокил, қўйилган соч, бош тепасидаги соч; тож (*мас., хўроздаги*); 2) боғлам, ип боғлами; боғламга ўхшашроқ; ~ كُرَّاثٍ *бот* кўк пиез (*пиёзнинг япалоқ барглн бир тури*), شَوَاشِيُ الدُّرَّةِ сўта, маккажўхорининг энг учидаги кокили, ◊ مَدْيُونٌ لِلْـ~ қулоғигача қарзга ботган

– مُشَوَّشٌ 1) ташвишланган, издан чиққан, бузилган, чигаллашган, пахмайган (*соч ҳақида*); издан чиқарилган; бузиб қўйилган; الْفِكْرِ ~ фикрдан чалғитилган; 2) бемор; захм билан касалланган бемор

– شَوْشَرَةٌ шовқин, шовқин-сурон; тартибсизлик, ҳаяжонга келиш

I (شوص) **شَاصَ** (*у*) شَوْصٌ ювмоқ, тозаламоқ

I (شوط) **شَاطَ** (*у*) شَوِيطٌ куйиб кетмоқ; куйиб қолган бўлмоқ; II شَوَّطَ 1) куйиб кетишга йўл қўймоқ (*мас., овқатни*); 2) узоққа саёҳат қилмоқ, الْكُرَةَ ~ тўпни узоққа ташламоқ (отмоқ)

– شَائِطٌ куйиб кетган

www.ziyouz.com kutubxonasi

– شَوْطٌ *кўп.* أَشْوَاطٌ 1) масофа, дистанция; قَطَعَ (سَارَ) ~اً (كَبِيرًا, وَاسِعًا, طَوِيلاً) ...да катта муваффақиятларни қўлга киритмоқ; قَطَعَ أَشْوَاطًا جِسَامًا فِي طَرِيقِ الْاسْتِقْلاَلِ истиқлол (мустақиллик) учун узоқ йўлни босиб ўтмоқ; 2) *спорт.* пойга; бир паккага бориб келиш; тайм (*мусобақанинг бир қисми*); الْـ~ُ الْأَوَّلُ ўйиннинг биринчи қисми (ярми), биринчи тайм; 3) *тех.* такт (*бирор механизм иш циклининг бир қисми*)

– شَوْطَةٌ эпидемия, юқумли касалликларнинг тарқаб кетиши

شُوَاظٌ, شُوَاظٌ аланга, ўт, олов; ◊ الْحَفِيظَةِ ~ ғазаб ўти (алангаси)

I (شوف) **شَافَ** (*у*) شَوْفٌ 1) кўрмоқ; қарамоқ, қараб чиқмоқ; 2) (*н. биландир*) чапламоқ, сувамоқ (ب); ◊ الْبَحْثَ ~ фол очмоқ; II شَوَّفَ 1) кўрсатмоқ; 2) безатмоқ; V تَشَوَّفَ 1) баландликдан қарамоқ; 2) (*н. гадир*) интилмоқ; (*н. нидир*) талаб қилмоқ, қўлга киритишга интилмоқ (إِلَى); (*н. нидир*) сабрсизлик билан кутмоқ (إِلَى); (*н. нингдир имконият*) ақл кўзи билан кўрмоқ; 3) безанмоқ, ясанмоқ, ўзига ҳаво бермоқ

– تَشَوُّفٌ 1) (*бирор н. нинг ичига*) кириб кетиш; 2) кучли истак; فِي ~ لَهْفَةٍ кучли эҳтирос билан

– شَائِفٌ кўрувчи; (رُوحِه) ~ نَفْسِه мағрур, кеккайган, худбин

– شَوْفٌ[1] сихмола

– شَوْفٌ[2], شَوَفَانٌ кўриш, кўриб чиқиш

– شُوفَانٌ сули; بَرِّيٌّ ~ ёввойи сули; طَحِينُ الـ~ сули уни

– شَوْفَةٌ *кўп.* ـَاتٌ манзара, кўриниш

شُوفِيرٌ *кўп.* شُوفِيرِيَّةٌ шофёр

شُوفِينِيٌّ 1. шовинистликка оид; 2. шовинист

– شُوفِينِيَّةٌ шовинизм (*бирор миллатни мутлақ деб ҳисоблаб, бошқа миллатни камситишга асосланган миллатчилик*)

I (شوق) **شَاقَ** (*у*) شَوْقٌ истак (эҳтирос) қўзғатмоқ; жуда ёқмоқ, II شَوَّقَ қизиқиш (истак, шавқ) қўзғатмоқ, (*н. гадир*) интилтирмоқ, (*н биландир*) қизиқтирмоқ, хурсанд қилмоқ (لِـ, إِلَى); V تَشَوَّقَ 1) қаттиқ хоҳламоқ, ташналик билан хоҳламоқ; 2) қизиқарли (қизиқтирарли) бўлмоқ; VIII اشْتَاقَ 1) (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى); 2) қаттиқ хоҳламоқ; 3) (*к. нидир*) соғинмоқ (إِلَى)

– اشْتِيَاقٌ иштиёқ, интилиш

– تَشْوِيقٌ қизиқиш, интилиш уйғотиш (қўзғатиш); қизиқарлилик (*мас., фильм*)

– شَائِقٌ қизиқ, чиройли; аъло, юксак, ажойиб, ёркин, қизиқарли

– شَوْقٌ *кўп.* أَشْوَاقٌ 1) шавқ, эҳтирос, кучли хоҳиш; 2) соғинч

– شَيِّقٌ 1) хоҳланган, соғинилган; 2) гўзал, нозик; 3) қизиқарли, қизиқ, юксак (*даражадаги*)

– مُشْتَاقٌ 1) муштоқ, қаттиқ хоҳловчи; 2) соғинган, соғиниб юрган

– مُشَوَّقٌ (*н. гадир*) истак (эҳтиросдан) эзилаётган (إِلَى)

– مُشَوِّقٌ қизиқтирувчи, қизиқ, ўзига тортувчи, ажойиб

– مُشَوِّقَاتٌ *кўп.* (*ҳикоядаги*) қизиқарли нарса

I (شوك) **شَاكَ** (*у*) شَوْكٌ санчадиган бўлмоқ, санчмоқ; II شَوَّكَ 1) санчадиган бўлмоқ, тиконли бўлмоқ, санчмоқ; 2) санчадиган қилмоқ; IV أَشَاكَ тикон билан (игна билан) санчмоқ

– شَائِكٌ 1) санчадиган, учли, ўткир; الْأَسْلاَكُ الـ~َةُ тиконсимли тўсиқ; тиконсим; 2) оғир, қийин, нозик; الْمَسَائِلُ الـ~َةُ оғир (қийин) нарсалар (муаммолар)

– شَوَّاكٌ санчоқ (вилка) тайёрловчи уста

– شَوْكٌ *жам. кўп.* أَشْوَاكٌ 1) тиконлар, игналар; ~ الْجِمَالِ *бот.* янтоқ; ~ الْجَمَلِ *бот.* қушқўнмас (*тиконли ўсимлик*); ~ الْوَرْدِ *мед.* гул (*айрим касалликлар пайтида терида пайдо бўладиган тўқ қизил тошма*), ~ الْيَهُودِ *бот.* айиқтовон; تَاجُ الـ~ِ тиконли тож (*азоб-уқубат чекиш ёки ўз-ўзини қийнаш рамзи*); كَانَ طَرِيقُهُ مَزْرُوعًا بِالْأَشْوَاكِ *маж.* у босиб ўтган йўл ғоят машаққатли, қийинчиликларга тўла эди, 2) санчоқ (вилка); 3) балиқ суяклари; ◊ عَلَى الـ~ِ игна устида тургандай

– شَوْكِيٌّ санчадиган, тиконли

– شَوْكَةٌ *кўп.* ـَاتٌ 1) тикон, игна, уч, ўткир уч, найза; ~ الْحَرْبِ уч айрили (*бешликка ўхшаш*) найза; ~ الدِّيكِ хўроз пихи; ~ الْعَقْرَبِ чаён ниши; ~ الْقُنْفُذِ типротикон игнаси; 2) санчоқ (*вилка – шунингдек шахм.*) 3) балиқ суяги; كَانَ ~ُ حَلْقِهِ فِي *маж.* томоққа тиқилиб қолган суяк бўлмоқ, дардисар бўлмоқ; 4) куч, қувват, қудрат, ~َ كَسَرَ кимнингдир куч-қудратини синдирмоқ; ◊ جَدِيدٌ الـ~ِ янги, янги тикилган

– شَوْكِيٌّ тикон билан қопланган; тиконли; ◊ ~ أَرْضِيٌّ артишок (*ўтсимон полиз ўсимлиги*); ~ تِينٌ кактус, ғуманжир; ~ الْجَبَلِ ёки ~ الْبَحْرِ орқа мия; ~ الْعَمُودُ الـ~ِ умуртқа суяги; الْحُمَّى حُمَّى الْمُخَّيَّةِ الـ~ِ *қар.* حُمَّى

شَوْكَرَانٌ *бот.* бодиёна румий, зангпоя

شُوكُولاَتَةٌ, شُوكُولاَتَا шоколад

I (شول) **شَالَ** (*у*) شَوْلاَنٌ, شَوْلٌ 1) кўтарилмоқ; бир оз кўтарилмоқ; юксалмоқ, юқориламоқ; الْمِيزَانُ ~ тарозининг бир палласи кўтарилмоқ; 2) (*н. нидир*) кўтармоқ (*туш. к. еки* ب), 3) олиб бормоқ, олиб қўймоқ (*қар.* شيل); ~ تْ نَعَامَتُهُ у ўлди, II شَوَّلَ оз миқдорда бўлмоқ (*мас., сут, сув ҳақида*); IV أَشَالَ кўтармоқ, кўтариб бормоқ; VII انْشَالَ кўтарилмоқ, ташилмоқ

– شُوَلٌ *мн.* أَشْوَالٌ *кўп.* شُوَلاَءُ чапақай

– شَالٌ алиф. б. қар

www.ziyouz.com kutubxonasi

– شُوَالٌ *кўп.* أَشْوِلَةٌ қоп

– شَوَّالٌ шаввол (*қамарий тақвимнинг 10-ойи-29 кун*)

– شَوَّالَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) ғийбатчи аёл; 2) сайроқи қуш; 3) чаён

– شَوِلٌ тезкор, чаққон

– شَوْلَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ вергул; ~ مَنْقُوطَةٌ нуқтали вергул

– مِشْوَلٌ *кўп.* مَشَاوِلُ кичик ўроқ, ўроқча

– شَوْلَقِيٌّ ширинтомоқ, ширинхўр

شَوْلَمٌ = شَلْغَمٌ

شَوَامُ *алиф. б. қар.*

– شُومٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــَ 1) қайроғоч, бужун (*шунингдек: матто*); عَصَا الضَّرْبُ بِالـــ~ асо, ҳасса, калтак; тўқмоқ. 2) хурмо новдаси; ~ حَبُّ الـــ *бот.* қизил (*бута*)

– شُومٌ[2] шумлик, ёмонлик (شُؤْمٌ *дан*); يَا ~ مَا عَمِلَ! У нима қилиб қўйди, у қандай ёмон иш қилиб қўйди-я!; ~ يَا عَيْبَ الـــ а) *халқ.* кечирасиз, узр!; б) ташаккурга арзимайди!, арзимайди!, يَكْسِبُ الـــ~ فِي الْيَوْمِ унинг маоши (иш ҳаққи) ёмон

– شُومَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ 1) калтак; 2) калтаклаш, калтак билан уриш

II (شون) شَوَّنَ омборхонага (омборга) жойламоқ (жойлаштирмоқ); тўпламоқ, омборхонада сақламоқ. V تَشَوَّنَ омборхонага (омборга) жойланмоқ, тўпланмоқ, омборхонада (омборда) сақланмоқ

– شُونَةٌ, شُونَةٌ *кўп* شُوَنٌ омборхона, омбор

– شَوَنْدَرٌ, شَمَنْدَرٌ = شَوَانْدَرٌ, شَوَنْدَرٌ ~ السُّكَّرِيُّ қанд лавлаги

– شُونِيزٌ, شُونِيزٌ *бот.* седана

I **شَوَدَ** (*а*) شَوَدٌ *ёки* شَادَ (*у*) شَوْدٌ хунук (ёқимсиз) бўлмоқ, бузилган (дабдаласи чиққан) бўлмоқ. II شَوَّدَ 1) дабдаласини чиқармоқ, майиб қилмоқ; 2) (*к. нингдир номини*) булғамоқ, обрўсизлантирмоқ; سُمْعَتَهُ ~ кимнингдир эътиборини туширмоқ. 3) бузмоқ, бузиб кўрсатмоқ. 4) *тех.* шаклини ўзгартирмоқ, деформация қилмоқ. V تَشَوَّدَ 1) хунук (дабдаласи чиққан) бўлмоқ, майиб қилинган бўлмоқ; 2) бузилмоқ, бузиб кўрсатилган бўлмоқ; 3) шарманда бўлмоқ; обрўсизланмоқ; 4) шаклини ўзгартирган бўлмоқ, деформацияланган бўлмоқ

– أَشْوَدُ мн شُوْهَاءُ *кўп.* شُوْدٌ дабдаласи чиқарилган, майиб қилинган; хунук, ёқимсиз; فَرَسٌ شَوْهَاءُ оғзи катта от (*бу белги отлар учун яхши сифат ҳисобланмайди*)

– تَشْوِيدٌ хунуклик, майиблик

– شَائِدٌ хунук, ёқимсиз

– شَادٌ *кўп.* شُيَّادٌ, شُعَّاءٌ 1) қўй; қўчқор, 2) эчки; така

– شَوَدٌ хунуклик. бузилиш, бузиш. бузиб кўрсатиш

– شُوهَةٌ 1) хунуклаштирилганлик, хунук (бузилган) кўриниш (манзара); 2) бузилганлик

– مُشَوَّدٌ 1) хунуклаштирилган, майиб қилинган; ~ الْحَرْبِ уруш майиби (инвалиди), 2) бузилган, бузиб кўрсатилган; 3) *тех.* шакли ўзгарган (деформация қилинган)

I **شَوَى** (*и*) شَيٌّ 1) (*сихда*) пиширмоқ, ёпмоқ (*тандирда, печкада*); 2) куйдирмоқ, ёндирмоқ (*куёш ҳақида*). IV أَشْوَى қовурма бериб боқмоқ, қовурма едирмоқ. VII اِنْشَوَى пишмоқ; ёпилмоқ. VIII اِشْتَوَى қовурма тайёрламоқ

– شَوَاءٌ, شِوَاءٌ қовурилган гўшт, қовурма

– شَوَّاءٌ қовурмафуруш, қовурма сотувчи

– شَوَاةٌ *кўп* شَوًى бош териси

– شَوَايَةٌ *кўп* اتٌ ـــَ (*гўшт пиширилладиган*) бешликсимон сих, панжара; това

– شَوْيٌ қовуриш; пиширии, ёпиш (*мас. тандирга, пекачага*)

– شِوًى қовурма, қовурдоқ

– شَوِيَّةٌ *қар* شَأْ

– شَوَايَةٌ=مِشْوَاةٌ *кўп* مَشَاوٍ

– مَشْوِيٌّ қовурилган; 2. қовурма, қовурдоқ

I (شيأ) **شَاءَ** (*а*) مَشِيئَةٌ хоҳламоқ, истамоқ; ~ اللهُ إِنْ иншоолло, худо хоҳласа; ~ الْقَدَرُ أَنْ ... *ёки* ~ ... تَ الْمُصَادَفَاتُ أَنْ ... бўлиши тақдирда бор экан, ... бўлиши тасодиф экан; ◊ ~ اللهُ إِلَى مَا абадий, доимо; ~ اللهُ! қандай яхши-я; ~ أَمْ أَبَى хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам ~ اللهُ أَجَلَ الْعَمَلَ إِلَى مَا ишни орқага чўзмоқ, чексиз орқага суравермоқ. ~ اللهُ لَهُ أَنْ يَعِيشَ وَ قَدْ عَاشَ مَا у Оллоҳ хоҳлаган муддат умргузаронлик қилди

– شَوَيَّ *халқ* озгина, бир озгина, салгина

– شَيْءٌ *кўп* أَشْيَاءُ 1. нарса, предмет; ~ كُلُّ ҳамма нарса, ҳар қандай нарса; ~ نَفْسُ الـــ ўша нарсанинг ўзи, худди ўша; مَا تُرِيدُهُ ~ آخَرُ ~ وَ مَا أُرِيدُهُ сенинг хоҳлаганинг у бўлса, мен хоҳлаганим бошқа. ~ وَ لَكِنْ أَنَا ~ وَ هُوَ آخَرُ! лекин мен бошқаман, у ҳам бошқа! 2 кимдир, нимадир, бирор нарса (*инкор маънодаги феълдан кейин*); бир оз; ~ بَعْضُ الـــ маълум даражада; ~ لَا ҳеч нарса; ~ فِي حَدِّ ذَاتِهِ оз-оздан; ~ فِي حَدِّ ذَاتِهِ оз-оздан, аста-секин; ~ بَيْنَ بَيْنَ бу қандайдир ўртача нарса; ~ مِنْ бир оз, оз-моз; ~ عَلَى هُوَ у бир оз ташвишда (ҳаяжонда); ~ مِنَ الْاِقْتِصَادِ فِي маълум даражада иқтисод қилиб; ~ لَا يَفْهَمُ у ҳеч нарсани фаҳмламайди (тушунмайди). ~ لَا أَفْضَلُ مِنْ ҳеч нарса йўқлигидан кўра бирор нарсанинг бўлгани яхши

– شَيْئِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ объектив

– شَيْءٌ бир оз, оз-моз, озгина; 2. кичик буюм (нарса)

– مَشِيئَةٌ истак, хоҳиш; ~ اللهِ Оллоҳ хоҳиши билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (شيب) **شَابَ** (*u*) شَيْبٌ 1) сочи оқарган бўлмоқ, мўйсафид бўлмоқ; شَابَتْ لِحَانَا وَ الْعَقْلُ مَا جَانَا *халқ. мтл.* соқолинг оқарибди-ю, ақлинг кирмабди, II شَيَّبَ сочни оқартирмоқ; IV أَشَابَ = II

– أَشْيَبُ *мн.* شُيْبَانٌ *кўп.* شِيْبٌ сочи оқарган оқсоч, мўйсафид; بَيْنَ الشِّيْبِ وَ الْوِلْدَانِ ёшлар ва кексалар орасида

– أَشْيَبُ = شَائِبٌ

– شَايِبٌ *карт.* корол, қирол, подшо, шоҳ

– شَيْبٌ 1) оқ сочлар; 2) қарилик, мўйсафидлик

– شَيْبَةٌ *бот.* шувоқ, ёвшан; ~ الْعَجُوْز йўсин. мох

– مَشِيبٌ 1) соч оқи; 2) кексалик даврига ўтиш

شِيتٌ чит, гул босилган мато

I (شيح) **شَاحَ** (*u*) شَيْحٌ 1) (*н. дадир*) ғайрат (куч) сарф қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. дандир, н. дандир*) юз ўгирмоқ (عَنْ); IV أَشَاحَ (*к дандир*) юз ўгирмоқ (عَنْ); бошқа ёққа бурмоқ (*мас., кўзни* – ب)

– شِيحٌ *бот.* шувоқ, ёвшан

– مَشْيُوحَاءُ шувоқ (ёвшан) ўсадиган жой

I (شيخ) **شَاخَ** (*u*) شَيْخُوخَةٌ, شَيْخٌ 1) кексаймоқ, кекса бўлмоқ, қаримоқ, эскириб колмоқ; 2) пишиб (етилиб) ўтиб кетмоқ (*сабзавот ҳақида*); II شَيَّخَ 1) қариган (кексайган) бўлмоқ; 2) шайх этиб тайинланмоқ; 3) يَا شَيْخُ деб (*к. гадир*) мурожаат этмоқ; 4) пишиб (етилиб) ўтиб кетмоқ

– شَائِخٌ 1) қариб қолган; кексайиб қолган; эскириб колган; 2) қари, кекса; қадимги; 3) пишиб (етилиб) ўтиб кетган

– مَشْيَخَةٌ 1) шайхлик унвони; 2) *кўп* ـَاتٌ ـــ шайхлик (*раҳбарлиги шайх бўлган административ бирлик*); ~ الْحَفَرِ соқчиларнинг бошқаруви; قَلَمُ الشَّيَاخَاتِ жойлар ва қабилалар, оқсоқоллар, шайхлар таъйинлаш билан шуғулланадиган идора ёки бўлим, لَجْنَةُ الشَّيَاخَاتِ шайхликлар билан шуғулланувчи комиссия

– شَيْخٌ *кўп.* شُيُوخٌ, أَشْيَاخٌ, مَشَايِخُ, مَشْيَخَةٌ 1) чол, мўйсафид; 2) шайхлар палатаси аъзоси, сенатор, مَجْلِسُ الشُّيُوخِ шайхлар палатаси, сенат; 3) шайх, бошлиқ, қабила оқсоқоли; 4) бошлиқ (*мас., коллективда, цехда*); ~ الْبَلَدِ қишлоқ оқсоқоли; 5) маънавий етакчи, муршид, шайх; ~ الْإِسْلَامِ шайхул-ислом (*ислом ақидаларининг энг эътиборли тафсирчиси*), ~ الْأَكْبَرُ ал-Азҳар университетининг ректори; ~ السَّجَّادَةِ дарвешлар сулукининг бошлиғи; 6) олим; 7) ўқитувчи, устоз, ~ الشُّيُوخِ Шайху-шшуюх (*Нажда ҳоким унвони*); ◊ ~ الْبَحْرِ *зоол.* тюлень, нерпа (*тюленлар оиласига кирувчи сут эмизувчи жонивор*)

– شَيْخَةٌ *1)* кампир; 2) маълумотли аёл

– شَيْخُوخَةٌ қарилик, кексалик; ~ اللَّيْلِ *маж.* ярим кечада

– شَيْخُوخِيٌّ қариликка, кексаликка оид

– مَشْيَخَةٌ 1) шайхлик (*шайхнинг руҳоний сифатидаги унвони, лавозими*), 2) *кўп* ـَاتٌ ـــ шайхга қарашли ҳудудлар (*қабила оқсоқоли сифатида*)

I (شيد) **شَادَ** (*u*) شَيْدٌ 1) қурмоқ, тиклamоқ, кўтармоқ; 2) сувамоқ, сувоқ қилмоқ; II شَيَّدَ қурдирмоқ, тиклатмоқ, кўтартирмоқ; ~ الْقُصُوْرَ хом хаёл, пуч хаёл қилмоқ; ~ قَصْرًا عَلَى الرِّمَالِ қум устига қаср қурмоқ, омонат иш қилмоқ; IV أَشَادَ 1) (*бино*) тиклamоқ; 2) овозни кўтармоқ (баландлатмоқ); 3) (*к. нидир*) мақтамоқ, (*к. ҳақдадир*) мақтаб фикр айтмоқ (ب); ~ بِذِكْرِهِ кимнидир кўкларга кўтармоқ (мақтамоқ), ~ بِاسْمِهِ кимнингдир номини улуғламоқ (мақтамоқ)

– تَشْيِيدٌ қурилиш, бино

– شِيدٌ гипс, оҳак; сувоқ

– مُشَيَّدٌ, مَشِيدٌ 1) қурилган, тикланган; 2) сувалган, сувоқ қилинган

– شِيرَةٌ ширин ичимлик, сироп

– شِيزٌ кунжут ёғи (мойи)

– شِيزٌ товоқ ясаладиган қора тусли ёғоч

– شِيزَى = شِيزٌ

شِيشٌ *кўп.* شُيُوشٌ 1) рапира (*қиличнинг бир тури*); لَعْبُ الـ~ қиличбозлик; 2) кабоб сихи; ~ الشِّبَّاكِ дарпарда

– شَيْشٌ олти хол, очко (*нард ўйинида*); ~ نَيْشٌ нард

– شِيشَةٌ *кўп* شِيَشٌ чилим; شَرِبَ الـ~ чилим чекмоқ

(شيص) I تَشَيَّصَ данаги юмшоқ бўлмоқ (*хурмо*)

– شِيصٌ данаги қотмаган хурмо (*меваси*)

– شِيصَاءُ = شِيصٌ

I (شيط) **شَاطَ** (*u*) شَيْطٌ 1) куймоқ, куйиб қолмоқ, куйиб кетмоқ; 2) ҳалок бўлмоқ. II شَيَّطَ ўтда куйдирмоқ, куйдириб юбормоқ; (*овқатни*) куйдириб юбормоқ; IV أَشَاطَ 1)= II; 2) ҳалок қилмоқ, ҳалок этмоқ; V تَشَيَّطَ куйиб кетмоқ, куйиб қолмоқ, куйдирилмоқ, куйдириб юборилмоқ; X اسْتَشَاطَ ёниб кетмоқ; ~ غَضَبًا кизишмоқ, ғазаби (жаҳли) қайнамоқ

– شَايِطٌ куйган, тагига олган; أَشْبَحُ مِنَ الطَّبِيخِ الـ~ куйиб кетган, тагига олган овқатдан ҳам бемаза

– شَيَاطٌ куйган нарсанинг ҳиди

(شيطن) تَشَيْطَنَ 1) ёмон (шайтон каби) иш қилмоқ; 2) шўхлик (шумлик) қилмоқ

– شَيْطَانٌ *кўп.* شَيَاطِينُ 1) шайтон; ~ وَلَدُ шайтонвачча; ~ بِهِ а) васвас бўлиб қолган (*одам ҳақида*), б) шайтон оралаган (*хонадон*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳақида); كَأَنَّمَا مَسَّهُ الـ~ لَيَذْهَبْ إِلَى الـ~! шайтон олсин уни!; унинг юрагига шайтон ўрнашиб олгандай

– شَيْطَانِيٌّ шайтоний; шайтонга оид; дўзахий, дўзахга оид

– شَيْطَانِيَّةٌ: الـ~ шайтонлик, шайтонлар кучи билан боғлиқ бўлганлик

– شَيْطَنَةٌ шайтоний ишлар

I (شيع) **شَاعَ** (*u*) شُيُوعٌ 1) тарқалмоқ; маълум бўлиб қолмоқ; (*н. нидир*) тарқатмоқ (ب); 2) умумники (ҳамманики) бўлмоқ, ҳаммага қарашли бўлмоқ; II شَيَّعَ жўнатмоқ, кузатмоқ, хайрлашмоқ, ~ـهُ بِصَيْحَاتِ السُّخْرِيَّةِ кимнидир масхаралаб кулиб кузатмоқ (жўнатмоқ); ~ جَنَازَةَ الْمَيِّتِ ўлганнинг тобутини кузатмоқ, (жўнатмоқ); ~ النَّارَ ўтни (ўчирмай) сақлаб турмоқ; III شَايَعَ (*к. гадир*) қўшилмоқ, эргашмоқ; (*к. нингдир*) тарафига ўтмоқ; (*к. нингдир*) изидан бормоқ; (*к. нингдир фикрига*) қўшилмоқ; IV أَشَاعَ (*миш-мишлар*) тарқатмоқ, ўйлаб чиқармоқ; V تَشَيَّعَ 1) (*к. нингдир*) тарафини олмоқ; 2) шиа бўлмоқ; VI تَشَايَعَ (*бирор н. ҳақида*) тип бириктирмоқ

– إِشَاعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ миш-миш

– تَشَيُّعٌ кимнингдир тарафини олиш; الـ~ *дин.* шиалик

– شَائِعٌ 1) тарқалаётган; ... أَنَّ الـ~ (مِنْ) миш-миш юрибдики, ...; 2) *шунингдек:* ~ الْاِسْتِعْمَالِ умум истеъмолдаги, ҳамма томонидан қабул қилинган, (*кенг*) тарқалган; 3) умумий, ижтимоий; ~ مُلْكٌ ижтимоий мулк

– شَائِعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, شَوَائِعُ миш-миш

– شَيَعَانٌ куйикиш (*ҳайвонларда*)

– شِيعَةٌ *кўп.* شِيَعٌ, أَشْيَاعٌ партия, тарафдорлар; сулуқ; мазҳаб шиалар; الـ~ الْمُسْلِمُونَ *ёки* الـ~ الْإِسْلَامُ шиа мусулмонлар

– شِيعِيٌّ шиавий, шиаликка оид; 2. шиа, шиалик тарафдори

– شُيُوعٌ 1) кенг тарқалганлик, машҳурлик; таниқлилик; 2) умумийлик; عَلَى الـ~ биргалашиб, бирлашиб

– شُيُوعِيٌّ коммунистликка оид; الـ~ الْحِزْبُ коммунистик партия; الـ~ الدُّوَلِيَّةُ *тар.* Коммунистик интернационал; 2. коммунист

– شُيُوعِيَّةٌ: الـ~ коммунизм

– مُشَاعٌ 1. умумий, ижтимоий, ҳаммага тегишли; عَلَى الْـ~ биргалашиб, бирпашиб; 2. жамоа

– مُشَاعِيَّةٌ 1) жамоа; الْـ~ الْبَدَائِيَّةُ (الْإِبْتِدَائِيَّةُ) ибтидоий жамоа; 2) коммуна

– مُشَايِعٌ тарафдор, издош

– مُشَايَعَةٌ (*к. гадир*) тарафдорлик; кимнингдир манфаати тарафини олиш

– مُشْتَاعٌ мулкдош, шерик

– مُشَيَّعٌ мард, қўрқмас, довюрак

شَيْكٌ *кўп.* اتٌ ـــ чек; ~ لِحَامِلِهِ кўрсатувчи олишга ҳуқуқдор чек; دَفْتَرُ الشِّيكَاتِ чек дафтарчаси

أَشْيَكُ жуда келишган, ғоят назокатли

– شَيَاكَةٌ келишганлик, ярашимлилик

– شَيِّكٌ, شِيكٌ келишган, назокатли

شِيكَارَةٌ = شِكَارَةٌ

شَيْكَرَانٌ *бот.* бодиёна румий, зангпоя

I (شيل) **شَالَ** (*y*) شَيْلٌ 1) кўтарилмоқ; 2) (*н. нидир*) кўтармоқ (ب) 3) (*н. нидир*) ташимоқ, ташиб қўймоқ (ب); 4) (*н. нидир*) йўқотмоқ, йўқ қилмоқ (ب) II شَيَّلَ кўтарилмоқ, кўтаришга мажбур қилмоқ; юкламоқ; IV أَشَالَ кўтармоқ (*қар* حيس); VII انْشَالَ 1) кўтарилган бўлмоқ; 2) ташиб қўйилмоқ, бошқа жойга ўтказилмоқ

– شَالِيَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тувак, гултувак

– شَيَّالٌ ҳаммол

– شَيَالَةٌ 1) шимни кўтариб турадиган елка оша тасма; 2) бирор нарсанинг остига қўйиладиган таглик

– شَيْلَةٌ *кўп.* شَيْلَاتٌ юк, кўтариб борилаётган юк

– مَشَالٌ 1) олиб ўтиш; 2) олиб ўтилгани учун тўлов, ҳақ

– مُشَايَلَةٌ: بِالـ~ 1) улгуржисига; 2) ишбай

شَيْلُو виолончел (*музика асбоби*)

شَيْلَمٌ *бот.* рандак (*сариқ гулли ўт*)

I (شيم) **شَامَ** (*u*) شَيْمٌ кўрмоқ, деб ҳисобламоқ; сезмоқ, олдиндан кўрмоқ, (*бирор н. да н. нидир*) кўрмоқ (فِي)

– أَشْيَمُ *мн.* شَيْمَاءُ *кўп.* شِيمٌ холли, холи бор

– شَائِمٌ (*бирор хусусият*) эгаси

– شَامَةٌ *алиф. б. қар*

– شِيمَةٌ *кўп.* شِيَمٌ сифат, хусусият, характер; اَلنِّسْيَانُ مِنْ شِيَمِ الْإِنْسَانِ инсонга унутиш хусусияти хосдир

– شِيمِيَّةٌ *кўп.* شَيَامِي ўпқон

– مُشِيمٌ холли, холи бор

– مَشِيمَةٌ *кўп.* مَشَايِمُ 1) *анат.* йўлдош, ҳамроҳ; 2) экилган кўчат, ўтказилган кўчат

– مُشِيمٌ = مَشْيُومٌ

شِيمَنْتُو цемент

I (شين) **شَانَ** (*u*) شَيْنٌ (*кимнингдир номини*) булғамоқ, қораламоқ

– شَائِنٌ уятли, шармандали, иснодли

– شَيْنٌ шармандалик, орсизлик, беорлик, виждонсизлик, шармисорлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَشَايِنُ *кўп.* айблар, камчиликлар

– شَائِنٌ = مَشِينٌ

شَبَادُ *кўп* شَادٌ *дан, қар.* شود

وشى *қар*

ص

ص[1] (صَادٌ) сод (*араб алифбосининг ўн тўртинчи ҳарфи: абжадда – 90*)

ص[2] 1) *қисқ.* صَفَرٌ *дан.* сафар (*ой номи*). 2) *қисқ.* صَحِيفَةٌ *дан.* саҳифа, бет; 3) *қисқ.* صَادٌ *дан. мат.* у (*игрек*) 4) *қисқ.* صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَ سَلَّمَ (*қар.* صلو) *дан.* 5) ب. ص. *қисқ.* صُنْدُوقُ الْبُرِيدِ почта қутиси

صَابُورَةٌ *қар.* صبر

صَابُونٌ *қар.* صبن

مُصَلَّعٌ (مُمَوَّجٌ) ~ қат-қат, нова-нова қилинган тунука

صَاجٌ тунука; ~ يَا *қисқ.* يَا صَاحِبِي *дан.* о, дўстим!

صَادَاتٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) *қар.* ص[1]; 2) *мат.* У (*игрек*); مَحْوَرُ الصَّادَاتِ игреклар ўқи

– صَادِيٌّ: الْمِحْوَرُ الصَّادِيُّ *мат.* игреклар ўқи; *мат.* ордината

صَارُوخٌ *қар.* صرخ

صَائِغٌ[1] 1) соғ, соғлом; 2) ҳақиқий, соф, ясама бўлмаган, қалбаки эмас, чинакам; 3) тўпа, тапабга тўла жавоб берадиган, сифатли, мукаммал, бекаму-кўст, тугал, эътиборга лойиқ, инобатли, асосли, ~ قَرْشٌ *қар.* قرش 4) ўз баҳосидаги, номинал

– صَائِغٌ[2] *кўп* اتٌ ـــ майор

صَالَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) *шунингдек:* الصَّالَةُ الشِّتَائِيَّةُ ~ *пуда ли,* меҳмонхона, 2) (*томошахонадаги*) зал: الصَّالَةُ ~ ўқув (мутолаа) зали, ~ الْجِمْبَازِ гимнастика зали, الرَّقْصِ ~ рақс зали

صَالُونٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) зал, меҳмонхона (*мўдаги*) салон: ~ أَدَبِيٌّ адабиёт салони, الْحِلَاقَةِ ~ сартарошхона, сартарошлик салони; 2) вагон-салон

صَامُولَةٌ *қар.* صمل

صَانَةٌ соя (*аёллар кийимининг, шунингдек, эркаклар кўйлагининг бир тури*)

I صَبَبَ (*а*) صَبُّ: الرَّأْسُ ~ бош сирқаламоқ, бошга сирка ораламоқ; IV الرَّأْسُ: أَصْبَبَ ~ бошнинг сирқаси кўпаймоқ

– صُبَّانٌ *кўп* صُبَّانٌ сирка (*бит тухуми*)

صَأْصَأَ чийиллаган (чиқиллаган) овоз чиқармоқ

– صَأْصَأَةٌ чийиллаш, чирқиллаш

I صَوَلَ (*у*) صَآلَةٌ: الْبَعِيرُ ~ туя одамларга ташланди (одамларни ҳалок қилди)

– صَوُولٌ: جَمَلٌ ~ одамларга ташланадиган туя

I صَبَأَ (*и, а*) صَبْءٌ чийилламоқ, чирқилламоқ

I (صبب) صَبَّ[1] (*а/у*) صَبٌّ 1) тўкмоқ, оқизмоқ, тўкиб ташламоқ; ~ عَلَيْهِ سَوْطَ النِّقْمَةِ *маж.* кимгадир ўз ғазабини тўкиб солмоқ; ~ جَامَ اللَّعَنَاتِ)عَلَيْهِ اللَّعْنَةَ ~ кимнидир паънатламоқ, кимгадир паъчат ўқимоқ; 2) қуймоқ, қолипга қуймоқ, қолипламоқ; صَبَّ[2] (*а/и*) صَبِيبٌ оқмоқ, оқиб кетмоқ; оқиб тушмоқ (*дарё ҳақида*), صَبَّ[3] (*ига*) صَبَابَةٌ севмоқ, яхши кўрмоқ; ◊ الرَّيْتَ ~ عَلَى النَّارِ ~ الْمَاءَ فِي طَاحُونَتِهِ ~ кимнингдир тегирмонига сув қуймоқ, кимнингдир манфаати учун хизмат қилмоқ, унинг манфаатини кўзламоқ, ҳимоя қилмоқ; ~ عَلَى الْجِسْمِ الْعَلَالَةَ ўз устига кўйлак киймоқ, кўйлак кийиб олмоқ; ~ الْعَلَالَةَ сирор кишига кўйлак кийдирмоқ; V تَصَبَّبَ 1) (*н. даврда*) оқиб тушмоқ, оқиб кетмоқ (مِنْ); عَرَقًا ~ терга пишмоқ, тер босиб кетмоқ; 2) (*к. нисбатда*) мафтун бўлмоқ; (*к. нисбатда*) севиб (яхши кўриб) қолмоқ; VII اِنْصَبَّ 1) оқиб тушмоқ, қуйилмоқ (*дарё ҳақида*) 2) бапандан оқиб тушмоқ, юқоридан оқмоқ (*сув ҳақида*); 3) оқмоқ, оқиб кетмоқ; 4) (*к. нисбатда*) ташланмоқ (عَلَى); عَلَى الدِّرَاسَةِ ~ ... кетмоқ, ... اهْتِمَامُ النَّاسِ عَلَى ~ *маж.* одамларнинг ... га қаратилган эди; 5) қандайдир маънога эга бўлмоқ, 6) (*н. нисбатда*) қаратилган (йўналтирилган) бўлмоқ (عَلَى)

– صَبٌّ[1] қуйиш; 2) қулиш; ~ الْأَسْنَانِ тўғон, الْمَوْلَاةِ ~ пўлат қуйиш заводи

– صَبٌّ[2] севгувчи, муҳаббат қўйган, ошиқ, ошиқ бўлган

– صُبَّابٌ *кўп* اتٌ ـــ сув (ҳаво ёки бур) йўлини очиб-беркитиб турадиган жиҳоз, клапан

– صَبَابَةٌ севги, муҳаббат, кучли эҳтирос, иштиёқ

– صُبَّايَةٌ *кўп* اتٌ ـــ *(сув ёки шунга ўхшаганларнинг тепасидаги)* қолдиғи, ◊ لَا تُرْوِي وَ لَا تُسْمِنُ لَا ~ бу мутлақо етарли эмас

– صَبِيبٌ *кўп* أَصْبَاتٌ ёнлама, қиялик

– صَبِيبٌ 1. тўкилган; тўкиб юборилган; 2. тер

– مَصَبٌّ *кўп* اتٌ, مَصَابُّ ـــ қуйилиш жойи, манзаб (*дарё ҳақида*), оҳирги марра (*мас., нефть ҳайдаладиган қувурнинг*)

– مَصْبُوبٌ 1) тўкилган, тўкиб юборилган; 2) қуйилган, қолипланган; ~ سَوْطٌ ичига қўрғошин қуйилган қамчи, дарра; ◊ صَبَّتْ ~ мажбуран жим туриш, гапирмаслик, мажбурий сукут

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَصْبُوبَاتٌ *кўп.* қуйма, қуйма металл буюмлар (товарлар, моллар)

I صَبَأَ (а) صُبُوءٌ 1) кўриниб колмоқ, чиқмоқ (*мас. тиш, ўсимлик ҳақида*); 2) (*бирор н дан*) кечмоқ, воз кечмоқ, тонмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الدِّينِ диндан воз кечоқ, диндан тонмоқ (чиқмоқ), 3) (*қаердандир*) مِنْ қаергадир) إِلَى жўнамоқ; مِنْ ~ Самаркандан Тошкентга жўнамоқ; 4) собиийлар қавмига (ёки динига) кирмоқ

– صَابِئٌ 1. юлдузларга топинувчи (чўқинувчи); 2 *кўп* صَابِئُونَ собиий динидаги (*исломгача Кўйи Месопотамияда яшаган осмон ёритувчиларига топинган одамлар ҳақида*)

– صَابِئَةٌ *жам.* собиийлар; ~ الـــ *ёки* مَذْهَبُ الـــ собиийлик

I (صبح) صَبَحَ (а) صُبْحٌ эрталаб (субҳ пайтида) келмоқ, эрталаб (субҳ пайтида) турмоқ; تَصْبَحُ عَلَى خَيْرٍ! эрталаб соғ-омон кўраман деб умид қиламан!; эрталабгача соғ-омон бўлинг!; тунингиз хайрли бўлсин! صُبْحٌ (у) صَبَاحَةٌ тароватли (гўзал, ёқимли) бўлмоқ, ёниб турмоқ; II صَبَّحَ 1) тонгда (субҳидамда) келмоқ (*к. садир*) хайрли тонг тиламоқ (*к. билан-дир*) саломлашмоқ (عَلَى); III صَابَحَ 1) тонгда (субҳидамда-к. *нимадир олдига*) келмоқ, кўргани келмоқ, хизмат юзасидан келмоқ; صَابَحَ الْقَوْمَ وَ لَا تُسَاءِلْهُمْ *мас.* қавмингни кечқурун эмас, тонгда (субҳидамда) кўргани бор. 2) тонгда (субҳидамда) кутиб олмоқ, IV أَصْبَحَ 1) бўлиб қолмоқ, қилинмоқ, ~ مَرِيضًا касал бўлиб қолмоқ; ~ مُعَلِّمًا ўқитувчи (муаллим) бўлмоқ; ~ يَقْرَأُ ўқий бошламоқ; ~ الصَّبَاحُ тонг отди; 2) тонгда (субҳидамда) турмоқ, тонгда (субҳидамда) бўлиб ўтмоқ, 3) аниқ (ойдин) бўлмоқ, ёришмоқ, ёритилмоқ, ~ الْحَقُّ ҳақиқат ойдин бўлди; V تَصَبَّحَ 1) эрталаб (субҳидамда) (*к. нидир*) кутиб олмоқ (ич). 2) нонушта қилмоқ VIII اِصْطَبَحَ эрталаб емоқ-ичмоқ, нонушта қилмоқ; 2) тонгни (*н. билан-дир*) эошламоқ (ич); X اِسْتَصْبَحَ ёқмоқ (*чироқни, лампа, электрни*), ёритмоқ, ёруғ қилмоқ

– اِسْتِصْبَاحٌ ёритиш, ёруғ қилиш; ~ غَازُ الـــ газ чироқ

– إِصْبَاحٌ эрта тонг, субҳидам

– أُصْبُوحَةٌ *кўп.* أَصَابِيحُ тонг, субҳидам

– صَبُوحٌ тароватли, янги

– صَبَاحٌ *кўп.* أَصْبَاحٌ тонг, субҳидам, тонг отаётган пайт; مَسَاءَ ~ эртаю кеч, доимо, ҳамма вақт; ~ эрталаб; صَبَاحَ الْيَوْمِ бугун эрталаб; ◊ ! الْخَيْرِ ~ *ёки* ! النُّورِ ~ *ёки* ! ~ хайрли тонг!, субҳингиз хайрли бўлсин! (*эрталаб қўлланадиган салом*)

– صُبَيْحٌ = صَبَاحٌ

– صَبَاحَةٌ тароватлилик, гўзаллик, ёқимлилик

– صَبَاحِيٌّ эрталабки, саҳарги, тонгги, الْجَرَائِدُ الصَّبَاحِيَّةُ эрталабки газеталар

– صَبَاحِيَّةٌ *кўп.* ات — тўйнинг эртасига тонгда эр томонидан хотинга қилинадиган совға (ҳадя)

– أَصْبَاحٌ *кўп.* صُبْحٌ тонг; ~ الـــ *ёки* فَرِيضَةُ الـــ ~ *ёки* صَلَاةُ الـــ бомдод намози

– صُبْحَانَ *мн.* صُبْحَانِي *кўп* صُبَاحَى гўзал, чиройли, ёқимли

– صُبْحَةٌ 1) эрталабки пайт, субҳидам; 2) нонушта; 3) (*от пешонасидаги*) қашқа (юлдузча)

– صَبُوحٌ 1) тароватли; 2) гўзал, ғоят чиройли; ~ الْوَجْهِ юзлари чиройли, гўзал, 3) эрталабки ичимлик

– صَبِيحٌ *кўп* صِبَاحٌ гўзал, ёқимли

– صَبِيحَةٌ тонг; صَبِيحَتَئِذٍ ўша тонгда

– مِصْبَاحٌ *кўп.* مَصَابِيحُ чироқ, лампа, фонус; фара, ёритқич; ~ كَهْرَبَائِيٌّ (بَابُورِيٌّ) ~ электр чироғи; ~ بَتْرُولِيٌّ ~ керосин лампаси (чироғи); ~ كَشَّافٌ ~ прожектор

– مَصْبَحٌ, مُصَبَّحٌ субҳ, тонг пайти, тонг; ~ مُمْسَاهُ *қар* مُمْسَى

I صَبَرَ (*u*) صَبْرٌ 1) сабрли (тоқатли, чидамли) бўлмоқ; сабр қилмоқ, тоқат қилмоқ, чидамоқ, (*бирор н. ни*) сабр билан ўтказмоқ (عَلَى), 2) (*н. нидир*) кутмоқ (لِـ); 3) (*н. дандир*) воз кечмоқ, ўзини тиймоқ (عَنْ); 4) ҳибсга олмоқ, қамамоқ, қамоққа ташламоқ. II صَبَّرَ 1) сабр (тоқат) ҳиссини уйғотмоқ, тинчлантирмоқ, кўнгил олмоқ; 2) тулум ясамоқ (тайёрламоқ), бальзамламоқ, 3) консерва қилмоқ; вақтинча тўхтатиб қўймоқ; 4) (*кемага*) лосонги юк юкламоқ; بَطْنَهُ ~ енгилгина овқатланиб олмоқ, нафсни тинчитмоқ; III صَابَرَ 1) (*бирор н. ни*) сабру тоқат билан қилмоқ; сабр (сабот, қунт) кўрсатмоқ; сабру тоқат қилмоқ, чидамоқ; 2) (*к. нидир*) тинкасини қуритиб қўлга олмоқ, ҳорғинга қўймаслик, V تَصَبَّرَ 1) сабр (тоқат, қунт) кўрсатмоқ; 2) келишмоқ, бўйсунмоқ; (*н. билан-дир*) овунмоқ; VIII اِصْطَبَرَ *ёки* اِسْتَبَرَ чидамоқ, сабр-тоқат қилмоқ; (*н. нидир*) сабру тоқат (сабот) билан бошдан кечирмоқ (ўтказмоқ)

– اِصْطِبَارٌ сабр, чидам, сабот, чидамлилик;

– صَبِيرَةٌ енгил овқат

– صَبُورٌ сабрли, бардошли, чидамли, саботли

– صَبَانِيرُ посанги юк; ~ خَرَجَتْ السُّفُنُ عَلَى الـــ кемалар пасанги юк билан йўлга чиқдилар

– صَبَّارٌ[1] кучли (катта) сабр эгаси, узоқ чидай оладиган, бардошли

– صَبَّارٌ, صُبَّارٌ[2] *бот.* кактус, қунанжир, опунсия (*қайчоне тили*)

– صِبِرٌّ[1] *бот.* олой, сабур

– صِبْرٌ[2] сабр, тоқат, бардош, чидамлилик; ~ ... сабр билан; فِي ~ катта (кучли) сабр билан; ~ وَ جَلَدٌ (الـــ) بِفَرَاغٍ *ёки* بِفَارِغٍ ~ *ёки* بِلَا ~ *ёки* بِذَاهِبِ الـــ бесабрлик (сабрсизлик) билан, бетоқатлик билан; ~ قِلَّةُ الـــ сабрсизлик, бетоқатлик, чидамсизлик; ~ قَلِيلُ الـــ бесабр, сабрсиз, тоқатсиз; ~ أَيُّوبَ узоқ вақт сабру тоқат қилиш (*сўзма- сўз:* Айюбий (Айюбга ўхшаш) сабр;

www.ziyouz.com kutubxonasi

هُمْ فِي ~ هِمْ كَالْجِمَالِ улар ғоят сабрлидирлар (*сўзма-сўз: улар туялар каби сабрлидирлар*); سَاعَةَ ~ إِنَّ الْمَسْأَلَةَ لَا تُطِيقُ масалани кечиктириб бўлмайди (кейинга қолдириб бўлмайди); ضَاقَ ~ сабрсизлик қилмоқ, сабрни йўқотмоқ; نَفَدَ ~ *ёки* فَرَغَ ~ *ёки* قَلَّ ~ *ёки* عِيلَ унинг сабру тоқати тугади; 2) кутиш, кутиб туриш, сабр қилиб туриш; ◊ جَمِيلُ ~ йўқотилган нарсага қаттиқ бардош қилиш (*сўзма-сўз: гўзал чидамлилик*); قَتَلَهُمْ ~ у ўзини ҳимоя қилолмайдиганларни ўлдирди; у уларни шафқатсизларча қириб ташлади

– صَبِرٌ аччиқ дори

– صَبْرٌ, صُبْرٌ *кўп.* أَصْبَارٌ охир, тугаш; чек; ◊ أَخَذَهُ بِأَصْبَارِهِ бирор нарсани ҳеч қолдирмай, бутунлай, охиригача олмоқ

– صَبْرَةٌ қаттиқ совуқ, изғирин, буюқ; الشِّتَاءِ ~ қиш ўртаси, чилла, қиш чилласи

– صُبْرَةٌ[1] = صَابُورَةٌ

– صُبْرَةٌ[2] *кўп.* صِبَارٌ тўп (тўпланган нарса), уюм, қучоқ (*мас., бир қучоқ*), тўплам; الطَّعَامِ ~ ҳисобсиз кўп овқатлар

– صَبُورٌ катта (кучли) сабру тоқат эгаси; катта (кучли) сабрли, чидамли, бардошли

– صَبِيرٌ *кўп.* صُبُرٌ оқ булутлар; سَحَابُ ~ булутлар тизмаси, тизма булутлар

– صُبَّيْرٌ *жам. бот.* кактуслар, қуманжирлар, опунция (қайнона тили)

– صُبَّيْرَةٌ *кўп.* اتٌ — *бот.* кактус, қуманжир, опунция (қайнона тили)

– مُصَبَّرَاتٌ *кўп.* консервалар; الْأَسْمَاكِ ~ балиқ консерваси; الْخُضْرِ ~ сабзавот консерваси; الْفَوَاكِهِ ~ консерва қилинган мевалар, мева консерваси

I صَبَغَ (*а*) صَبْغٌ 1) (*н. вадир*) бармоқ билан кўрсатмоқ (عَلَى), 2) (*бирор н. сотиб олаётганда*) бармоқлар билан пайпаслаб синаб кўрмоқ

– إِصْبَعٌ, أُصْبُعٌ, أُصْبَعٌ *кўп.* أَصَابِعُ 1) бармоқ; الْإِشَارَةِ ~ (*йўналишни кўрсатиб турадиган*) йўл бўйига қўйилган белги (устун); الْأَحْمَرِ ~ лаб бўёғи (*помада*); طَاسِيرِ ~ бўр парчаси, бир парча бўр; الْمَوْزِ ~ банан меваси; أَصَابِعُ الْعُذْرَاءِ бармоқлар изи; أَصَابِعُ الثَّعْلَبِ *бот.* дигиталис (*доривор ўсимлик*); أَصَابَعَهُ عَلَى أَطْرَافِ الْمَكَانِ خَادَرَ оёқ учида кетмоқ (узоқлашмоқ); 2) исба (*3,125 см га тенг узунлик ўлчови*), ◊ فِي حَنَا لَهُ ~ у бунга аралашиб қолган (унинг ҳам бунда қўли бор); وَضَعَ يَدَهُ عَلَى مَوْضِعِ (مَكْمَنِ) الْأَلَمِ (الدَّاءِ) кимгадир ёрдам бермоқ; кимнидир қўлламоқ; لَمْ يُحَرِّكْ إِصْبَعَهُ عَلَى رَفْعِ ~ унга бармоғини теккизгани ҳам ҳад қилолмади, لَا يَزِيدُ عَلَى أَصَابِعِ الْيَدَيْنِ عَدَدُهُمْ لَا يَتَجَاوَزُ عَدَدًا саноғи (ҳисоби) ўндан ортиқ эмас, أَصَابِعِ الْيَدِ уларнинг адади бешдан ортиқ эмас, улар бешдан ортиқ эмас, أَصَابِعُهُ تَلْعَبُ وَرَاءَ السِّتَارِ ... فِي ...да у яширин (линҳоний) ҳаракат қилади; لَمْ يَتَقَدَّمِ الْأَمْرُ ~ иш бир қарич ҳам олға силжимади

– صَابِعَةٌ кўзи ожизларнинг бармоқ билан ўқиладиган алифбоси, Брайл ёзуви

– صُبَاغٌ *кўп.* صَوَابِغُ бармоқ, الْعُرُوسَةِ ~ *бот.* хашаки нўхот

– مُصَبِّغٌ *кўп.* اتٌ — рашпер

– مُصَبَّغَاتٌ *кўп.* (*шунингдек:* النَّارِ ~) ўтхона панжараси

I صَبَغَ (*а*) صَبْغٌ 1) бўямоқ, ранг бермоқ; 2) (*н. гадир*) чўктирмоқ (فِي): بِالْمَاءِ ~ *дин* (*христианларда*) сувга чўмилтирилиб, чўқинтирмоқ; IV أَصْبَغَ ранг бермоқ, рангламоқ; عَلَى ~ صِبْغَةً شَرْعِيَّةً ... бирор нарсага қонун тусини (йўсинини) бермоқ; VII اِنْصَبَغَ (*бирор н. билан*) бўялмоқ (ب); VIII اِصْطَبَغَ 1) бўялмоқ, ранг олмоқ; 2) бўямоқ, ранг бермоқ

– صَابِغٌ 1. бўёвчи, ранг берувчи; 2. бўёқчи

– صَبَّاغٌ *кўп.* أَصْبِغَةٌ 1) бўёқ; 2) косметик моддалар

– صَبَّاغٌ бўёқчи; الـ~ يُوحَنَّا Иоанн чўқинтирувчи (*христиан авлиёларидан бири*)

– صَبَاغَةٌ бўяш, бўёқчилик касби

– أَصْبَاغٌ *кўп.* أَصْبَاغٌ 1) бўёқ; كِيمِيَائِيَّةٌ ~ кимёвий бўёқлар; 2) рангнинг нозик фарқи, тусдаги нозик фарқ, ранг

– صِبَاغٌ[2] *кўп.* қайла

– صِبْغَةٌ *кўп.* صِبَغٌ 1) бўёқ; 2) ранг, тус, рангдаги, тусдаги нозик фарқ; 3) хусусият, характер; سِيَاسِيَّةٌ ~ حَرِيرِيَّةٌ ذَاتُ сиёсий характердаги (тусдаги) жиноят; التَّقْرِيرِ ~ доклад хусусияти (характери); الـ~ سِرِّيٌّ яширин (сирли, махфий) тусдаги (характердаги); 4) фикр, йўналиш, мазҳаб, эътиқод, дин, маслак; 5) димлама, бирор суюқликка бошқа бирор нарсани аралаштириб дамланган, тиндирма; الْأَفْيُونِ ~ афюн тиндирмаси, димламаси (настойкаси), الْيُودِ ~ иод тиндирмаси (настойкаси), 6) *дин* اللهِ ~ Оллоҳнинг дини

– صِبْغِيٌّ *кўп.* اتٌ — *биол.* хромосомлар

– صِبُوغَةٌ тузланган балиқ, шўр балиқ

– صَبِيغٌ бўялган, ранг берилган

– مَصْبَغَةٌ *кўп.* مَصَابِغُ 1) бўёқ қилинадиган жой; 2) тери ошланадиган жой, кўнчилик корхонаси (цехи)

I صَبَنَ (*а*) صَبْنٌ 1)(*бирор н. ни олишга*) йўл қўймаслик; عَنْهُ الْيَدَيْنِ ~ кимнингдир қадр олишига тўсқинлик (монелик) қилмоқ; 2) шошқолдан гирромлик билан фойдаланмоқ (*мас., ўйинда*). II صَبَّنَ совун билан юмоқ, совунламоқ; *кимга* совунламоқ (*органик бирикмаларни суюқ ёки ишқорда парчаламоқ*); V تَصَبَّنَ совунлаб ювинмоқ, совунламоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– صَابُونٌ совун; عَادِيٌّ ~ оддий совун; عِطْرِيٌّ ~ атир совун; ~ الْغَسِيل кир совун

– صَابُونَةٌ *кўп.* اتٌ — совун парчаси, ◊ ~ الرَّجُلِ тиззанинг кўзи

– صَابُونِيٌّ 1. совунли, совунга оид; 2. совунгар

– صَابُونِيَّةٌ *бот.* совунак (*илдизи совун ўрнида ишлатиладиган ўтсимон ўсимлик, ишқор ўсимлиги*)

– صَبَّانٌ совунгар, совунчи

– مَصْبَنَةٌ *кўп.* مَصَابِنُ совун заводи

I (صبو) صَبَا (*у*) صَبْوٌ, صُبُوٌّ 1) (*к. гадир*) интилмоқ севги (муҳаббат) билан талпинмоқ (إِلَى). (*н. гадир*) мойиллик ҳис этмоқ (إِلَى); 2) соғинмоқ, орзу қилмоқ; صَبِيَ (*а*) صَبًا, صَبَاءٌ болаларча (гўдакларча) иш қилмоқ; II صَبَّى ёш қилмоқ, ёшартирмоқ; V تَصَبَّى 1) ёшармоқ, ёш бўлмоқ; 2) мулозамат қилмоқ, хушторлик қилмоқ, кўнгил олмоқ; севгига (муҳаббатга) сазовор бўлмоқ; VI تَصَابَى 1) ўзини ножиддий (болаларча) тутмоқ; 2) (*биор н. ни*) ножиддий (болаларча) деб билмоқ; 3) севги (муҳаббат)га эришмоқ, ўзини севишга мажбур қилмоқ

– صَبَا, صَبًى *мн.* сабо, шарқ шамоли, шарқий шамол

– صَبًا[1] мойиллик, севги, муҳаббат

– صِبًا[2], صِبَى ёшлик, навраслик; ~ فِي شَرْخِ الـ ёшлик даврида, ёшликнинг гуллаган чоғида, навраслиқда

– صَبْوَةٌ 1) ёшлик, навраслик; 2) соғинч, орзу; 3) *кўп.* صَبَوَاتٌ ёшлик завқи, иштиёқи, қизиқишлари, ишқибозлиги; ёшлик шижоати, жўшқинлиги

– صُبُوَّةٌ ёшлик, навраслик

– صِبْيَانِيٌّ болаларга (ўғил болаларга) оид

– صِبْيَنَةٌ *кўп* болалик (гўдаклик) қилиш; болаларча (гўдакларча) қилиқ

– صَبِيٌّ *кўп* صِبْيَةٌ, صِبْيَانٌ 1) ўғил бола, йигитча, йигит; 2) шогирд; бола, дастёр, шогирд, ўқувчи; ◊ أُمُّ الصِّبْيَانِ ялмоғиз, жодугар кампир

– صَبِيَّةٌ *кўп* صَبَايَا қизча, ёш қиз

II (صحح) صَحَّحَ (*а/и*) صَحَاحٌ, صِحَّةٌ 1) соғ (соғлом) бўлмоқ, касалдан тузалмоқ; битмоқ (*яра ҳақида*); !صُحَّ وَسَلِمَ *халқ мол.* рўза тутинг-соғ бўласиз!, 2) яхшилик билан тугамоқ, муваффақиятли бўлмоқ, ўнгидан келмоқ; 3) рост, тўғри, соғлом бўлмоқ; ҳақиқий (тўғри, чинакам) бўлмоқ; ~ النِّيَّةُ ... *ёки* ~ الْعَزِيمَةُ عَلَى ... га ният яхши эди; ... يَصِحُّ الْقَوْلُ إِنَّ шуни айтиш тўғри бўладики, ...; إِذَا ~ (إِنْ) агар таъбир жоиз бўлса, шундай дейиш жоиз бўлса; 4) йўл қўйилмоқ, рухсат берилмоқ; II صَحَّحَ 1) тўғрилаймоқ, хатоларни йўқотмоқ, корректура қилмоқ; 2) соғломлаштирмоқ, даволамоқ, касални тузатмоқ; 3) тасдиқламоқ, имзоламоқ (*ҳужжатни*); IV أَصَحَّ соғаймоқ (*касалликдан кейин*); V تَصَحَّحَ 1) тўғриланмоқ, яхшиланмоқ, 2) соғломлашмоқ, даволанмоқ, касалдан тузалмоқ; X اسْتَصَحَّ касалдан тузатмоқ, даволамоқ, даволанмоқ; 2) (*биров н. ни*) тўғри деб билмоқ (ҳисобламоқ)

– أَصَحُّ энг (жуда) тўғри, ҳаққоний, энг яхши; ~ عَلَى الـ тўғрироқ (*қилиб айтганда*), рости (*ни айтганда*)

– إِصْحَاحٌ, أَصْحَاحٌ *кўп.* اتٌ — боб (*муқаддас китобга оид*)

– تَصْحِيحٌ *кўп.* اتٌ — тўғрилаш, тасҳиҳ қилиш, корректура қилиш; ~ جَمْعُ الـ *грам* тўғри кўплик

– صَحٌّ 1 тўғри, ҳаққоний; хат охирига ёзиладиган қўшимчадан олдин қўйиладиган белги (*P.S.*), қўшимча

– صِحَّةٌ 1) сиҳат, саломатлик, гигиена; (اجْتِمَاعِيَّةٌ) ~ عُمُومِيَّةٌ умумий (ижтимоий) гигиена, жамоат гигиенаси; ~ عِلْمُ الـ гигиена (*илм, фан*); ~ مَصْلَحَةُ الـ соғликни сақлаш бўлими; ~ وِزَارَةُ الـ соғлиқни сақлаш вазирлиги; 2) чинлик, ҳақиқийлик, ростлик, тўғрилик, асллик, ҳаққонийлик; ~ الرَّأْيِ фикр (қараш)нинг тўғрилиги (ҳақиқийлиги)

– صِحِّيٌّ 1) сиҳатга (саломатликка) оид; حَالَتُهُ الـ кимнингдир саломатлиги (сиҳати, аҳволи); 2) санитарга (санитарияга) оид; ~ غَيْرُ соғлом бўлмаган, санитария ҳолати ёмон; ~ مَحْجَرٌ *қар* مَحْجَرٌ; 3) гигиенага оид

– صَحِيحٌ *кўп.* أَصِحَّاءُ, صِحَاحٌ 1) соғлом, соғломликка оид; ~ مُعَافًى мутлақо соғлом, бутунлай соғлом, соппа-соғ; ~ الْجِسْمِ соғлом, тандуруст ҳолатда бўлган (*киши*), 2) чин, ҳақиқий, асл; тўғри, аниқ, воқеликка мос келувчи (мувофиқ); қонуний; ... أَنَّ ~ ҳақиқатдирки, ...; ~ غَيْرُ нотўғри, ғайриҳаққоний; ~ فِعْلٌ *грам.* солим феъл; 3) бутун, майдаланмаган; ~ عَدَدٌ *мат.* бутун сон

– مَصَحٌّ *кўп* اتٌ — санаторий

– مُصَحِّحٌ 1. мусаҳҳиҳ, хатоларни тўғриловчи; 2) имзо чеккан (*киши*), 3) корректор, мусаҳҳиҳ

– مُصَحَّةٌ *кўп* اتٌ — шифохона, касалхона, клиника, санаторий

– مُصَحَّةٌ[2] саломатлик учун фойда бўлган ҳамма нарса

I صَحِبَ (*а*) صُحْبَةٌ 1) дўст бўлмоқ, 2) бирга юрмоқ, йўлдош (ҳамроҳ) бўлмоқ; III صَاحَبَ 1) дўстлашмоқ, 2) бирга юрмоқ, ҳамроҳ (йўлдош) бўлмоқ; 3) ошиқ (ўйнаш) бўлмоқ, 4) қўшиқчига куй чалиб бермоқ; IV أَصْحَبَ 1) (*к. нидир*) йўлдош (ҳамроҳ) қилиб бермоқ; 2) қўшиб қўймоқ, илова қилмоқ; V تَصَحَّبَ (*к. нинадир*) тарафида бўлмоқ (турмоқ) (*к. нинадир*) тарафини олмоқ (—لِ); тарафида бўлмоқ (—لِ). VI تَصَاحَبَ ўзаро дўстлашмоқ; VIII اصْطَحَبَ 1) йўлдош (ҳамроҳ) бўлмоқ, 2) (*н. нидир*) ўзи билан бирга олиб кетмоқ; X اسْتَصْحَبَ 1) йўлдош (ҳамроҳ) қилиб олмоқ; 2)(*н. нидир*) ўзи билан олиб кетмоқ

– اصْطِحَابٌ йўлдош (ҳамроҳ) бўлиш

– صَاحِبٌ 1 *кўп* أَصْحَابٌ, صَحَابٌ, صُحْبَانٌ 1) йўлдош, ҳамроҳ; 2) ўртоқ дўст, сафдош, шерик; !يَا صَاحِبِي *ёки* !يَا صَاحِ! эй, дўстим!; 3) дўстим!; 3) эга, хўжайин; соҳиб (*биров н. нинг эгаси*); الْاسْمِ ~ исм

www.ziyouz.com kutubxonasi

соҳиби; ~ الْاِقْتِرَاح таклиф эгаси, бирор таклиф билан чиққан киши; ~ الْاِمْتِيَاز корхона, концессия соҳиби, концессионер; ~ الْاَمْر тўла ҳуқуқли хўжайин, шароит эгаси (бошқарувчиси); ~ التَّرْجَمَة таржимаи ҳоли ёзилган (езилаетган) киши, таржимаи ҳол соҳиби; ~ التَّوْقِيع қуйида имзо чеккан; ~ الْحَدِيث *ёки* ~ا ҳикоя қаҳрамони *ёки* бизнинг қаҳрамон; ~ الدَّعْوَة мезбон; ~ الدَّيْن қарз берувчи киши; ~ الشَّكْوَى шикоятчи, шикоят эгаси; ~ الصُّورَة а) суврат (портрет) эгаси; б) суврати чизилган киши; ~ الطَّلَب талабгор, талаб эгаси (соҳиби), талаб қилувчи; ~ الْفِكْر фикр берган киши, ташаббускор; ~ الْكِتَاب китоб муаллифи; ~ الْكَرَامَات каромат кўрсатувчи; ~ الْمَدْرَسَة الْعِلْمِيَّة илмий мактаб яратган киши, илмий мактаб асосчиси; ~ الْمَشْرُوع тарх, йўналиш (проект) муаллифи; ~ الْمَلَايِين миллионер; أَصْحَابُ الْأَمْلَاك мулк эгалари, помешчиклар; أَصْحَابُ الْحَقّ *юр* қонуний ҳуқуқ субъектлари; أَصْحَابُ الْحَلّ وَ الْعَقْد ҳокимлар, ҳукумат эгалари; أَصْحَابُ الْعِلْم وَ الْفَضْل илм ва фазилат соҳиблари (эгалари); أَصْحَابُ الْعَمَل *ёки* أَصْحَابُ الْأَعْمَال ишбилармонлар, омилкорлар, иш берувчилар иш билан таъминловчилар; أَصْحَابُ الْمُخْتَرَعَات ихтирочилар, ихтиро эгалари; أَصْحَابُ الْمَذَاهِب الْفَلْسَفِيَّة фалсафий йўналиш (мактаб) яратувчилар; أَصْحَابُ النُّفُوذ нуфузли (обрў-эътиборли) кишилар; 4) издошлар, бирор мазҳабдагилар; أَصْحَابُ أَبِي حَنِيفَة *дин.* имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳ алайҳ мазҳабидагилар, 2; жаноб (*бирор кишининг унвонини айтилган вақтда келтирилади*); ~ الْجَلَالَة буюк (улуғ) жаноб, ~ السَّعَادَة саодатли (саодатманд) жаноб; ~ الْعِزَّة ҳурматли жаноб

– صَاحِبَة *кўп.* ات صَوَاحِب дугона, қиз ёки аёл ўртоқ

– ~ات الـ *дин* саҳобалар. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадинага ҳижрат қилган кишилар

– ~ات الـ *дин.* Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаси

– صُحْبَة 1) бирлашганлик, тўда, уюшма, уюшганлик; ذَهَبَ ~ـهُمْ у улар билан бирга жўнади; 2) бирга (ҳамнафас) бўлиш, дўстлик; ~ الرُّوحِيَّة الـ маънавий дўстлик; 3) улфатлар; ◊ رُكُوب ~ гулдаста, букет

– صُوَيْحِب дўстим, ўртоқжон (*эркалатиб айтилганда*)

– صُوَيْحِبَة *кўп* ات — дугонажон (*эркалатиб айтилганда*)

– مُصَاحِب дўст, сирдош; ўйнаш

– مُصَاحَبَة 1) йўлдош, (ҳамроҳ) бўлиш; 2) чолғу асбобида қўшиқчига жўр бўлиш; 3) дўстлик

– مَصْحُوب йўлдош, (ҳамроҳ) бўлиб борилувчи; илова қилинувчи; ~اً (*н. нисбат*) биргалигида (ب); (*н. нисбат*) илова этилиши (ب);

(صحر) IV أَصْحَرَ саҳрога жўнамоқ

– صَحْرَاء *кўп* صَحَارَى, صَحْرَاوَات саҳро, қақроқ чўл

– صَحْرَاوِيّ саҳрога оид, саҳровий

(صحف) II صَحَّفَ 1) нотўғри талаффуз қилмоқ, нотўғри ёзмоқ; хато қилиб ёзмоқ; 3) бузмоқ, бузиб кўрсатмоқ; 4) *полигр.* стереотип қилмоқ; V تَصَحَّفَ 1) нотўғри талаффуз қилинмоқ, 2) нотўғри ёзилган бўлмоқ; X اسْتَصْحَفَ *полигр.* стереотип қилмоқ

– تَصْحِيف 1) хато (нотўғри) ёзилиш, 2) нотўғри талаффуз; 3) бузилиш, бузиб кўрсатилиш, 4) *полигр.* стереотип (*кўп нусхада нашр этиш учун терилган ҳарфлар ёки расмлардан қуйилган форма ва босиш усули*)

– صَحَّاف газетачи, газетафуруш, газета сотувчи

– صَحَافَة журналистика; матбуот; ~ رِجَالُ الـ журналистлар, матбуот вакиллари, мухбирлар

– صَحَافِيّ 1. матбуотга оид; 2) журналист, матбуот ходими; репортёр, репортаж ёзувчи (берувчи)

– صَحْفَة *кўп* صِحَاف товоқ, коса; صِحَافُ الطَّعَام турли-туман таомлар

– صُحُف *кўп* газеталар, матбуот

– صُحُفِيّ 1. журналистикага оид, газетага оид; ~ الْمُؤْتَمَرُ الـ *қар.* مُؤْتَمَر; 2. журналист; матбуот ходими; репортёр

– صَحِيفَة *кўп* ات, صُحُف, صَحَائِف 1) саҳифа, варақ; ~ الدَّعْوَى (*судга берилган*) даъво; ~ الْوَجْه юз териси; ~ رُخَام мармар тахта (плита); صَحَائِفُ مِنَ الْفُخَّار ёзувли сопол тахтачалар; ~ ظَهْرُ الـ варақнинг юз (олд) томони; ~ وَجْهُ الـ варақнинг орқа томони 2) газета, бюллетень; ~ الصَّبَاح эрталабки газета 3) киёфа, турқ

– صُحَيْفَة *кўп* ات — товоқча, ликопча; тақсимча

– مُصْحَف *кўп* مَصَاحِف 1) ўроғлиқ хат (нома, мактуб); 2) китоб; ~ الـ الشَّرِيف *ёки* ~ الـ Қуръони каримнинг қўлёзма нусхаси; Қуръони карим; أَحْلِفُ لَكَ عَلَى الـ ~! Қуръони карим билан онт ичаман!

أَصْحَل *мн* صُحْلَاء صَحْلَاء *кўп* صُحْل овози бўғиқ, овози хириллаган, хириллаган овозли

– صَحَل овознинг бўғилиши (хириллаши)

أَصْحَم *мн* صُحْمَاء صَحْمَاء *кўп* صُحْم 1) тўқ-сариқ рангли, 2) бўғдойранг

I صَحَنَ (а) صَحْن янчмоқ, майдаламоқ; (*н. билан*) кукунга (порошокка) айлантирмоқ (ب)

– صَحْنٌ *кўп.* صُحُونٌ 1) товоқ, ликоп, ликопча; الْفِنْجَالِ ~ ликопча, тақсимча; 2) овқат; 3) *кўп.* идиш; ◊ الدَّارِ ~ уй саҳни, الْمَسْجِدِ ~ масжид саҳни; الْكَنِيسَةِ ~ черковнинг эн қисми

– صَحْنَاةُ сардина (*балиқ тури*)

– صَحْنَاءُ балиқдан тайёрланган газак, хўрак

I (صحو) **صَحَا** (*у*) صَحْوٌ 1) тиниқ, мусаффо, соф бўлмоқ, булутсиз бўлмоқ; 2) кўз очмоқ; ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ; مِنْ ~ ҳушдан кетаётганликдан ўз ҳолига қайтмоқ; 3) уйғонмоқ, ~ مِنْ نَوْمِهِ уйқудан уйғонмоқ; 4) ҳушёрликка қайтмоқ (*мастликдан*); 5) ҳушёр бўлмоқ; صحي (*а*) صَحَا = صَحَا; II صَحَّى 1) уйғотмоқ, 2) мастликдан ҳушёрликка қайтармоқ; IV أَصْحَى 1) очилиб (яхшиланиб) кетмоқ (*об-ҳаво ҳақида*). أَصْحَيْنَا бизга ҳаво очиқ бўлиб берди; 2) уйғотмоқ; 3) мастликдан ҳушёрликка қайтмоқ

– صَاحٍ *мн* صَاحِيَةٌ 1) очилган, яхшиланган, тиниқ, мусаффо, булутсиз; 2) ўзига келган, ҳушига қайтган, уйғоқ; 3) ҳушёр; 4) ҳушёр (маст эмас)

– صَحْوٌ 1. очиқ, мусаффо, тиниқ; 2. 1) очиқлик, мусаффолик; тиниқлик; 2) очиқ ҳаво; ~ أَيَّامُ الـ очиқ ҳаволи кунлар, 3) эс, ҳуш, ақл

– صُحْوٌ 1) ҳушига келиш, уйғониш; 2) эс, ҳуш, онг, ақл; 3) ақллилик, тушунганлик, онглилик

I **صَخَّ** (*а/у*) қаттиқ бақирмоқ, гумбурламоқ, қарсилламоқ; ~ الصَّوْتُ الْأُذُنَ овоз (*кучлилигидан*) қулоқни кар қилди

– صَاخَّةٌ гумбирлаш, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин, шовқин-сурон, ◊ الـ ~ *дин.* қиёмат

I **صَخِبَ** (*а*) صَخَبٌ шовқинламоқ, бақирмоқ, бўкирмоқ; VI تَصَاخَبَ шовқин кўтармоқ, шовқин-сурон қилмоқ; бақир-бақир қилмоқ, VIII اصْطَخَبَ

– اصْطِخَابٌ бақириқ, шовқин

– صَاخِبٌ шовқинловчи; шовқинли

– صَخَّابٌ шовқинли; шовқинловчи, шовқин чиқарувчи

– صَخَبٌ шовқин, ғовур-ғувур, (*машиналар*) тарақ-туруғи. 2) кичқириқ

– صُخُرٌ *жам.* қоялар; ~ حَيَّةُ الـ *зоол.* питон (*бўғма илон*)

– صَخِرٌ қояли, тошли

– صَخْرَةٌ *кўп.* صُخُورٌ қоя ~ قُبَّةُ الـ Қуббат ус-сахра (*Қуддуси шариф масжиди яқинидаги қадимий бино*); 2) катта қаттиқ тош; 3) *геол.* тоғ жинси; صُخُورٌ رُسُوبِيَّةٌ чўкма (чўкинди) жинслар; صُخُورٌ طِينِيَّةٌ тупроқли жинслар; صُخُورٌ مُتَضَدِّدَةٌ қат-қат тоғ жинслари; صُخُورٌ نَارِيَّةٌ *ёки* بُرْكَانِيَّةٌ вулканли тоғ жинслари, عِلْمُ صُخُورِ петрография (*геологиянинг тоғ жинсларини ўрганадиган бўлими*)

– صَخْرِيٌّ қояли, қояга оид; ~ حَرِيرٌ кар. حَرِيرٌ

– صَخْرِيَّاتٌ *кўп.* الـ ~ петрография

I (صدّ) **صَدَّ**[1] (*а/у*) صَدٌّ 1) тўхтатмоқ, тўсқинлик қилмоқ; 2) қайтармоқ, даф қилмоқ; қисмоқ, қисиб бормоқ; (*н. дандир*) ортига қайтармоқ, четлантирмоқ (عَنْ); олдини олмоқ, (*н. гадир*) яқин келтирмаслик; (*н. дандир*) узоқлаштирмоқ (عَنْ); 3) (*н. дандир*) маҳрум қилмоқ (عَنْ); صَدَّ[2] (*а/и*) صُدُودٌ (*к. дандир*) юз ўгирмоқ, воз кечмоқ (عَنْ); صَدَّ[3] (*а/у, а/и*) صَدِيدٌ шовқин солмоқ, бақирмоқ; II صَدَّدَ йиринглamoқ (*жароҳат ҳақида*); IV أَصَدَّ =II; VII انْصَدَّ қайтарилган, даф қилинган бўлмоқ

– صَدٌّ 1) тўхтатиш, тўхтатиб туриш; 2) қайтариш, даф қилиш, 3) тўсқинлик қилиш; 4) (*н. дандир*) воз кечиш (عَنْ, مِنْ)

– صَدَّاءُ қудуқнинг номи

– صَدَدٌ 1) муносабат, алоқа; ~ هَذَا الـ *ёки* بِهَذَا الـ шу муносабат билан, шунга боғлиқ ҳолда, бунга алоқали равишда. бу масалада; ~ فِي هَذِهِ الْمَادَّةِ бу моддага келганда; бу модда муносабати билан, هُوَ بِـ ~ـهِ у худди мана шу масала билан шуғулланмоқда; 2) яқинлик, қўшнилик; 3) рўпарасида, қаршисида. олдида; صَدَدَهُ унинг қаршисида, рўпарасида. унинг олдида

– صَدُودٌ сув чархпалаги ўстуни

– صَدِيدٌ йиринг

– صَدِيدِيٌّ йиринглi, йиринглаган, йирингга оид

– مِصَدٌّ *кўп.* ات ـ 1) тўсиқ; 2) амортизатор; буфер, бампер (*икки нарсанинг мас., вагоннинг бир-бири ўртасида қўйилган, яқинлашганда ўзаро зарбани камайтиришга хизмат қилувчи мослама*)

I **صَدَأَ** (*а*) صَدَأٌ *ёки* صُدُوءٌ (*у*) صَدَاءَةٌ занг қопламоқ, зангламоқ; II صَدَّأَ 1) занг бостирмоқ; 2) занг пайдо қилмоқ, занглантирмоқ

– صَدَأٌ 1) занг, ~ غَيْرُ قَابِلٍ لِلـ зангламайдиган; يَأْكُلُ الـ ~ الْحَدِيدَ занг темирни ейди (*лиддан чиқаради*) 2) *бот.* коракуя (*бошоқли ўсимлик касаллиги*)

– صَدَأَةٌ занг

– صَدِئٌ занглаган, занглаб кетган, зангли, занг босган

– مُصَدَّأٌ занг билан қопланган, зангли

– مُصَدِّئٌ кислород

I **صَدَحَ** (*а*) صَدْحٌ 1) сайрамоқ (*қуш ҳақида*), 2) чалинмоқ, гумбурламоқ (*музика ҳақида*)

– صَادِحٌ *кўп.* صَوَادِحُ 1. 1) қўйловчи, қўшиқ (ашула) айтувчи; 2) сайроқи қушлар; 2. тенор (*овози энг баланд эркак ашулачи*)

– صَدَّاحٌ 1) бақир-бақир қилувчи, сершовқин, хушовоз, ёқимли овозли, 2) жарангдор

– صَدَّاحَةٌ *кўп.* صَدَّاحَاتٌ сайраш (*қушники*)

I صَدَرَ (*у*) صُدُورٌ 1) чиқмоқ, келиб чиқмоқ; пайдо бўлмоқ, эълон қилинган бўлмоқ, чиқарилган бўлмоқ (*мас. буйруқ*); 2) (*қаергадир*) жўнамоқ, кетмоқ (إِلَى); 3) *мажз.* кўкракда оғриқ бор бўлмоқ; **II** صَدَّرَ 1) олиб чиқиб кетмоқ; экспорт қилмоқ, жўнатмоқ; 2) (*н. биландир*) бошламоқ (ب); الْكِتَابَ ~ китобга бош сўз ёзмоқ; 3) (*к. нидир*) бошлиқ (раҳбар, бошчи) қилиб қўймоқ; марказга ўтқазмоқ, **III** صَادَرَ 1) мусодара қилмоқ; الْحُقُوقَ ~ ўзгалар ҳуқуқларини ўзлаштирмоқ; ўзиниқи қилиб олмоқ; اجْتِمَاعًا ~ мажлисни ёпмоқ, мажлисга йўл қўймаслик; 2) ўз фикрини қатъий ўтказишга уринмоқ, қаршилик кўрсатмоқ, ўзгалар фикрига қарши чиқмоқ; 3) тўсқинлик (монелик) қилмоқ, халақит бермоқ; **IV** أَصْدَرَ 1) босиб чиқармоқ, нашр этмоқ, الْحُكْمَ ~ ҳукм чиқармоқ; أَمْرًا ~ буйруқ чиқармоқ; أَرِيزًا ~ вишилпаган овоз (шовқин) чиқармоқ; 2) олиб чиқиб кетмоқ, экспорт қилмоқ; 3) эмиссия (*қимматбаҳо қоғозлар, қоғоз пуллар*) чиқармоқ; **V** تَصَدَّرَ 1) марказда, ўртада турмоқ (бўлмоқ); 2) шарафли (ҳурматли) ўрин эгалламоқ, марказда жойлашмоқ, бошда турмоқ, раҳбарлик (раҳнамолик) қилмоқ; раислик қилмоқ; 3) (*н. гадир*) қўл урмоқ (ب); 4) (*қаердандир*) чиқарилмоқ, экспорт қилинмоқ (مِنْ) 5) (*н. гадир*) қаршилик қилмоқ (لـ), **X** اسْتَصْدَرَ нашр этишга (чиқаришга) эришмоқ (*мас., китобни*)

– صَادِرٌ 1) чиқариш, нашр қилиш, нашр; 2) эмиссия; بَنْكُ (مَصْرِفُ) الـ~ эмиссион банк

– تَصْدِيرٌ 1) олиб чиқиб кетиш, экспорт; رُؤُوسِ الْأَمْوَالِ ~ капиталлар экспорти; إِعَادَةُ الـ~ қайтарилган экспорт; 2) ташаббус, бошланиш; 3) (*китобдаги*) кириш, муқаддима

– صَادِرٌ чиқувчи, чиқарилган ... فِي ١٢ قَرَارُ ~ 12- ...да чиқарилган қарор; الْوَارِدَةُ وَ الـ~ экспорт ва импорт; ◊ مَا لَهُ ~ وَ لَا وَارِدٌ унинг ҳеч нарсаси (вақоси) йўқ

– صَادِرَاتٌ *кўп.* олиб чиқиб кетилаётган, экспорт қилинган товарлар; экспорт; الْوَارِدَاتُ وَ الـ~ экспорт ва импорт

– صَدَّارٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) хотин-қизлар кўйлагининг белдан юқори қисми; камзул; 2) боғич; сийнабанд (лифчик)

[illegible] 1) узлуксиз, доимий, изчил; النَّسَقِ ~ бир хил кўринишдаги; النَّغَمِ ~ бир хил овозли; ҳамиша бир хил; зерикарли; 2) ҳеч қандай гап йўқ...; 3) умумий; قَاعِدَةٌ ~ умумий қоида

[illegible] кашта тикмоқ, безатмоқ

– [illegible] кашта, безак

– [illegible][1] ... намуна, марка, тип, система (*машина* ... [illegible]

[illegible]

[illegible] ... кийим этикеткаси

– طِرَازٌ[2] = طَرَّازٌ

– طِرَازَةٌ каштачилик (*касби*)

– طَرْزٌ *кўп.* طُرُوزٌ 1) тарз, усул; 2) намуна, нусха, марка, тип, система (*машиналар ҳақида*); 2) модель

– طَرْزٌ ташқи қиёфа, тарз

– مُطَرِّزٌ каштачи, кашта тикувчи (*эркак*)

I طَرَسَ (*и*) طَرْسٌ ювмоқ; кетказмоқ

– طِرْسٌ *кўп.* طُرُوسٌ варақ; саҳифа; ўчириб яна битилган ёзув

طَرِشَ (طرش) (*а*) طَرَشٌ кар бўлмоқ, эшитолмайдиган бўлмоқ; طَرَشَ (*у*) طَرْشٌ (*овқатни*) қайт қилмоқ; ◊ ~ بِالْجِيرِ (*деворни*) оқламоқ; II طَرَّشَ 1) кар қилмоқ; 2) қусқи келтириб чиқармоқ; VI تَطَارَشَ ўзини кар қилиб кўрсатмоқ, карман деб алдамоқ

– أَطْرَشُ *мн.* طُرْشٌ *кўп.* طُرْشَانٌ، طَرْشَاءُ кар; أَسَكُّ ~ мутлақо кар

– طَرَشٌ، طُرَاشٌ карлик, эшитмаслик

– طُرْشَجِيٌّ *кўп* طُرْشَجِيَّةٌ тузланган бодринг ва тузланган нарсалар билан савдо қилувчи киши

– طُرَاشٌ = طُرْشَةٌ

– [illegible] *кўп.* طُرُوشٌ уй ҳайвони, уйда боқиладиган ҳайвон

– [illegible] тузланган бодринглар, тузланган нарсалар; маринад

– مُطَرِّشٌ қусқи келтирадиган, кўнгил айнитадиган

طَرْشَقَ синмоқ, ёрилмоқ, дарз кетмоқ

[illegible] эчкини соғиш учун чақирмоқ

– [illegible] елинининг соғиладиган узунчоқ қисми

[illegible] 1) мақтанмоқ, кеккаймоқ; ўзини катта (такаббурона) тутмоқ; 2) (... *ҳақида*) тепасида (устида) турмоқ

– [illegible] қурт

[illegible] 1) мақтанчоқлик; 2) юксак мавқе, [illegible] ... баланд мавқени эгаллашни [illegible]

– [illegible] табиий вино ачитқиси (кислотаси)

[illegible] 1) узун қалпоқ, қалпоқ, капюшон (*устки кийим* ...); 2) ... ; 3) ... япалоққуш; 4) статист (*саҳнада* ... *актёр*) ... *қўйилади* ... дала (полиз) қўриқчиси

– [illegible] а) узум виноси сақланадиган бочка деворларига [illegible] ўрнашиб қолган қуйқум; б) тишларда пайдо бўладиган тош

[illegible] тишлардаги тош ... вино қуйқаси [illegible]

[illegible]

[illegible] 1) сувни сеснок, ... ; [illegible] ... сурмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– طَرْطَشَةٌ 1) сочилиш, сачраш; тўкилиш, чайқалиш (*сув ҳақида*); 2) сочилган томчилар

طَرْطُوفَةٌ *кўп.* طَرَاطِيفُ 1) (*бирор н. нинг*) учи; مَشَى عَلَى طَرَاطِيفِ أَصَابِعِه оёқ учида юрмоқ; 2) *бот.* артишок (*ўтсимон полиз ўсимлиги*)

طَرْطَقَ 1) андак кўтармоқ, кўтариб қўймоқ, (*қулоқни*) динг қилмоқ; 2) ғижирламоқ, тақилламоқ; қоқмоқ (*мас., эшикни*)

I (طرف) **طَرَفَ** (*и*) طَرْفٌ 1) зарар (зиён) келтирмоқ, шикастламоқ, (*кўзни*) яраламоқ; 2) (*кўзни*) пирпиратмоқ, қисмоқ; قَبْلَ أَنْ تُطْرَفَ الْعَيْنُ жуда тез, зудлик билан, кўз юмиб-очгунча; جُنُودٌ يَقِفُونَ لَا تُطْرَفُ لَهُمْ عَيْنٌ *маж.* солдатлар қотиб (*"смирно" ҳолатида*) турибдилар; طَرُفَ (*и*) طَرَافَةٌ 1) янги бўлмоқ; 2) қизиқ (қизиқарли) бўлмоқ; II طَرَّفَ 1) (*бирор н. нинг*) охирига (четига) қўймоқ 2) бармоқ учларини бўямоқ; الْأَظَافِرَ ~ маникюр қилмоқ; IV أَطْرَفَ 1) бирор янги нарсани айтиб бермоқ; (*ҳикоя билан*) вақтни банд қилмоқ; 2) (*бирор н. ни*) совға қилмоқ (ب); V تَطَرَّفَ 1) имконият чегарасига етмоқ, (*бирор н. да*) чегарани билмаслик, чегарадан чиқиб кетмоқ (في); 2) қатъий эътиқодли бўлмоқ; X اسْتَطْرَفَ янги (*қизиқарли*) деб ҳисобламоқ

– أُطْرُوفَةٌ *кўп.* أَطَارِيفُ ажойиб (қизиқ) воқеа (ҳодиса); ўткир фикр, закий сўз

– تَطَرُّفٌ меъёрни билмаслик; кескинлик; экстремизм; сўллик

– طَارِفٌ 1. янги, оригинал; 2. яқинда олинган (*н.*); الطَّارِفُ وَ التِّلَادُ *қар.* تِلَادٌ

– طَرَافَةٌ янгилик, оригиналлик; қизиқарлилик

– طُرْفٌ янгилик, янги пайдо бўлган нарса

– طَرْفٌ *кўп.* أَطْرَافٌ 1) қараш, назар; كَارْتِدَادِ الطَّرْفِ кўз юмиб очгунча; عَلَانِيَةً ~ خَفِيٌّ яширин, хуфёна, ҳеч кимга билдирмай; رَمَى بِطَرْفِهِ فِيمَا حَوْلَهُ атрофига назар ташламоқ; 2) кўз; 3) интиҳо, чет; (*бирор н. нинг*) учи; لِسَانُهُ عَلَى ~ *кўч.м.* тил учида

– طَرَفٌ *кўп.* أَطْرَافٌ 1) интиҳо, чет; (*бирор н. нинг*) учи; خَرَجَ عَلَى أَطْرَافِ أَصَابِعِهِ (*қаергадир*) оёқ учида чиқмоқ (مِنْ); مَيْدَانُ الطَّرَفِ الْأَغَرِّ (*Лондондаги*) Трафалгар майдони; 2) энг четдаги жой (пункт); 3) чет; أَطْرَافُ الْمَدِينَةِ шаҳар четлари (атрофлари); أَطْرَافُ الْبِلَادِ периферия (*мамлакатнинг марказдан йироқ бўлган жойлари*); 4) ён тараф, томон; الطَّرَفُ الْآخَرُ ~ الطَّرَفُ الثَّانِي *ёки* ~ *юр.*(*судланувчи*) қарши томон; طَرَفٌ وَاحِدٌ ~ бир томонли; مُتَعَدِّدُ الْأَطْرَافِ кўп томонли; مِنْ ~ мен томондан, мендан; فُلَانٌ لِي ~ фалончи мендан қарздор, الْمُتَعَاقِدَانِ الْأَطْرَافُ шартнома тузувчи томонлар; طَرَفَا الْمُعَاهَدَةِ шартнома битими тузувчи томонлар, طَرَفَا نَقِيضٍ икки қарама-қарши томон; طَرَفَا النَّهَارِ эрта ва оқшом, مَرَامِي الْأَطْرَافِ кенг, катта, бепоён, улкан; أَحْلَى ~ـهُ а) кимнидир қўйиб юбормоқ, озод қилмоқ, оқлаб юбормоқ; б) кимнидир ишдан бўшатмоқ; أَخَذَ بِأَطْرَافِ الْحَدِيثِ (جَاذَبَ) أَطْرَافَ الْحَدِيثِ *ёки* تَجَاذَبَ суҳбат олиб бормоқ, (*вақтни*) чўзмоқ, суҳбатлашмоқ; مِنْ قَبْلِ ... مِنْ ~ *грам. мажҳул нисбатдаги феълларда иш ҳаракатини бажарувчи шахсни кўрсатиш учун ишлатилади;* 5) *анат.* оёқ; أَطْرَافٌ صِنَاعِيَّةٌ сунъий оёқлар, протез; حَدَّثَنِي أَطْرَافُ الْبَدَنِ عَمَّا وَقَعَ لَهُ ~ бошидан ўтган айрим нарсаларни менга гапириб берди

– طَرْفٌ асл наслли от

– طَرْفَاءُ *бот.* юлғун

– طَرْفَةٌ 1) лаҳза, зум, он; ~ عَيْنٍ кўз очиб юмгунча; 2) зарба таъсирида кўзда пайдо бўладиган қизиллик; ◊ شَجَرَةُ الـ~ *бот.* юлғун

– طُرْفَةٌ *кўп.* طُرَفٌ янгилик; камёб нарса, 2) совға, туҳфа; 3) зарофат билан айтилган сўз, ўткир сўз

– طَرِيفٌ 1) янги, оригинал; 2) қизиқ, ғалати, ажойиб; турфа; مِنْ ... أَنَّ الـ~ шуниси қизиккки, ...; 3) *ин* (*яҳудийларда*) ҳаром деб ҳисобланган нарсалар

– طَرِيفَةٌ *кўп.* طَرَائِفُ камёб нарса, нодир нарса, раритет

– مُتَطَرِّفٌ 1) ўтиш чегараси; 2) ғоят, энг, жуда; энг сўл эътиқод эгаси, экстремист

– مِطْرَفٌ, مُطْرَفٌ *кўп.* مَطَارِفُ елпиғич, тиззани беркитиб турадиган калин жун рўмол

– مُطَرَّفٌ тирноқларини парвариш қилиб юрувчи

I **طَرَقَ** (*у*) طَرْقٌ 1) тақиллатмоқ; зарба бермоқ, урмоқ, уриб туширмоқ; болға билан синдирмоқ; 2) (*темирни*) болғаламоқ; 3) йўл чиқармоқ; 4) юрмоқ, (*қаергадир*) кирмоқ; 5) тунда келмоқ; ◊ مَا ~ هَذَا أَذَانَكُمْ؟ сиз бу ҳақда эшитганмидингиз?; سَمْعَهُ ~ эшитмоқ; الطَّرِيقَ ~ (*бирор н.*) йўлига кирмоқ; مَوْضُوعًا ~ мавзуни гилга олмоқ, II طَرَّقَ (*темирни*) болғаламоқ, IV أَطْرَقَ 1) ерга қарамоқ, кўзни ерга қаратмоқ; ~ بِرَأْسِهِ *ёки* ~ رَأْسَهُ бошни эгмоқ, бошни ерга энгаштирмоқ, 2) жим бўлмоқ, V تَطَرَّقَ 1) йўлни топмоқ; йўл топиб кирмоқ, (*қаергадир*) яшириниб кирмоқ (إِلَى); لَا يَتَطَرَّقُ إِلَيْهِ الشَّكُّ бу шубҳасиздир, бу ерда шубҳага ўрин йўқ; 2) айрилмоқ (*йўл ҳақида*) (عَنْ); 3) йўл-йўлакай (*н. тўғрисидадир*) гапирмоқ, (*бирор н. га*) оид тегизиб ўтмоқ (إِلَى); ~ فِي الْحَدِيثِ إِلَى الْكَلَامِ гаплашишга тушиб кетмоқ; ~ إِلَى ... (*фалон н.*) ҳақида гаплашишга ўтмоқ; ~ إِلَيْهِ الْمَطَلُ у ҳалок бўлди, VII اِنْطَرَقَ болғаланган бўлмоқ, болғаланмоқ; X اسْتَطْرَقَ 1) яшириниб кирмоқ, ичкарига кирмоқ, (*қаергадир*) келмоқ (إِلَى); 2) (*қаергадир*) олиб боспоқ, (إِلَى *йўл ҳақида*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– اِنْطِرَاقٌ болғаланганлик

– طَارِقٌ *кўп.* طُرَّاقٌ 1. тақиллатувчи; 2. 1) кеч келувчи, кеч ташриф буюрувчи; тунги меҳмон; 2) милтиқ затворининг ўққа уриладиган қисми; 3) тонг юлдузи

– طَارِقَةٌ *кўп.* طَوَارِقُ бахтсизлик, бало-офат

– طِرَاقٌ *кўп.* طُرُقٌ патак

– طَرْقٌ[1] 1) тақиллатиш; 2) болғалаш; 3) тош ёрдамида фол очиш

– طَرْقٌ[2] туя ахлати билан ифлосланган ёмғир суви

– طَرْقَةٌ *кўп.* طَرَقَاتٌ 1) зарба; тақиллаш; 2) марта; ~ أَوْ طَرْقَتَيْنِ бир ёки икки марта

– طُرْقَةٌ *кўп.* طُرُقَاتٌ, طُرَقٌ 1) йўлак, ўтиш жойи; 2) кўча

– طُرُقِيٌّ диний тариқат аъзоси, бирор тариқатга мансуб киши

– طَرُوقٌ болғаланган

– طَرِيقٌ *мз., мн.кўп.* طُرُقٌ, طُرُقَاتٌ 1) йўл, кўча; عُمُومِيَّةٌ ~ катта йўл; مَسْدُودٌ ~ боши берк кўча; طُرُقُ الْمُوَاصَلَاتِ алоқа йўллари; коммуникация; ~ الْبَرِّ қуруқликдаги йўл орқали; ~ الْجَوِّ ҳаво йўли орқали; ~ (مِنْ) عَنْ орқали, йўли билан, воситасида; ~ (مِنْ) الْإِسْكَنْدَرِيَّةِ Искандария (Александрия) ш. орқали; ~ عَنْ الصِّحَافَةِ матбуот воситасида; ~ عَنْ التَّأْمِيمِ миллийлаштириш йўли билан (*орқали*); ~ عَنْ الْعُنْفِ وَ التَّعَسُّفِ зулм ва истибдод билан; ~ عَنْ الْقُوَّةِ куч йўли билан; ~ اللُّبْنِيَّةُ Сомон йўли; قَاطِعُ الطُّرُقِ йўлтусар, қароқчи; ~ ابْنُ ~ ўғри; ~ عَابِرُ мусофир; ўткинчи; إِنَّهُ أَحَدُ ~ الْوَحِيدُ لَا ~ غَيْرُهُ! бу ягона йўл, бошқа йўл йўқ!; ~ (إِلَى) (*қаергадир*) жўнамоқ; 2) усул, метод; بِالطُّرُقِ السِّلْمِيَّةِ тинч йўл билан

– طَرِيقَةٌ *кўп.* طَرَائِقُ 1) йўл; 2) усул, метод, восита; ~ الْإِسْتِعْمَالِ истеъмол қилиш усули (йўли); ~ الْمُسْتَقِيمَةُ (*ўқитишнинг*) тўғри йўли (усули); ~ الْعَشَرِيَّةُ *мат.* ўнлик система; (الْهِجَائِيَّةُ) ~ *шахм.* алгебраик (алифболи) ёзув (*нотация*); ~ الْوَصْفِيَّةُ الْجَبْرِيَّةُ *шахм.* баёний ёзув (нотация); "اخْدِمْ نَفْسَكَ بِنَفْسِكَ" ~ ўз-ўзига хизмат қилиш усули; اعْلَمْهُ بِـ~ أَوْ بِأُخْرَى! буни қандай йўл билан бўлса ҳам билиб ол!; 3) диний таълимот, тариқат; الطَّرَائِقُ الصُّوفِيَّةُ суфийлик тариқати; طَرَائِقُ الْقَوْمِ элнинг обрўли одамлари

– مُطْرِقٌ сукут қилувчи; сукут сақловчи

– مِطْرَقَةٌ, مِطْرَقٌ *кўп.* مَطَارِقُ болғача, болға; ёғоч тўқмоқ; шақилдоқ; *анат.* ~ وَ الْمِنْجَلُ ўроқ ва болға; كَانَ بَيْنَ ~ وَ السِّنْدَانِ ўт билан сув ўртасида қолмоқ (*сўзма-сўз:* болға билан сандон ўртасида бўлмоқ)

– مَطْرُوقٌ 1) болғаланган; 2) юрилган, юриб очиб қўйилган, юриб текисланган (*йўл ҳақида*); 3) энди эскириб қолган; қўлланиб бўлинган (*усул, метод ҳақида*); 4) тентакнамо, ўз ақли бўлмаган, ақлдан бегона

– مَطْرُوقَاتٌ *кўп.* прокат (*метал ҳақида*); ~ مَصْنَعُ الْـ прокат заводи

– مَطْرُوقِيَّةٌ болғаланганлик

– طَرْقَعَ 1) қарсиллатмоқ (*қамчинни*); уриб қўймоқ, тапиллатмоқ, шапиллатмоқ; (*юрганда*) пошнани тақиллатмоқ; 2) гумбурламоқ, тарақламоқ; 3) (*тишларни*) ғижирлатмоқ

– طَرْقَعَةٌ қарсиллатиш, уриб қўйиш; пошна тақиллатиш; 2) визиллаш (*ўқлар ҳақида*); 3) ғижирлаш

(طرم) طَرَّمَ тишни олиб ташламоқ; V تَطَرَّمَ олиб ташланмоқ, суғуриб олиб ташланмоқ

– طَارِمَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ, طَوَارِمُ 1) шийпонча; 2) будка; 3) каюта (*кемада*)

طَرْمَذَ кекkаймоқ, мақтанмоқ

– طَرْمَذَةٌ кеккайиш, мақтаниш

– طَرْمَاذٌ мақтанчоқ

– طُرُمْبَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ 1) насос, помпа; 2) шприц

طُرْمُوسٌ чўғга кўмиб пиширилган нон

I (طرو) **طَرُوَ** (*у*) طَرَاوَةٌ 1) янги бўлмоқ, ширадор бўлмоқ, серсув бўлмоқ; 2) юмшоқ (мулойим) бўлмоқ; طَرِيَ (*а*) طَرُوَ; طَرَّى 1) янгиламоқ, (*мева ва б.н.ларга*) ширадорлик (бикрлик) бермоқ; 2) хўлламоқ, сувламоқ; 3) юмшоқ (мулойим) қилмоқ, юмшатмоқ; IV أَطْرَى мақтамоқ, кўкка кўтармоқ; юксакка кўтармоқ; V تَطَرَّى мулойимлашган бўлмоқ

– إِطْرَاءٌ кўкка кўтариб мақташ; мақтов

– إِطْرِيَةٌ вермишель

– طَرَاوَةٌ *ёки* طَرَاءَةٌ 1) мулойимлик; юмшоқлик; тароват; ~ الْإِهَابِ ёшлик; 2) тароватли, салқин (*ҳаво, жой*); 3) намлик

– طَرِيٌّ 1) мулойим; юмшоқ; 2) тароватли, салқин; нам

طُزّ *ёки* طُطّ *халқ.* туф!; бемаъни гап!; ифлос!; ёлғон!; шайтон олсин! (*назар-писанд қилмаслик, масхаралаш, таҳқирлаш ва б. ларни ифодалаш учун ишлатиладиган ундов сўз*); ~ مِنْ مَا يَعْرِفُشْ

سُبْحَانَ اللهِ унинг ҳеч нарсага ақли етмайди; ~ مِنْ فُلَانٍ фалончи қандай ёмон одам-а; !... فِي ~ ...га тупурдим!

طَازَجٌ, طَازِجٌ *алиф.б.қар.*

– طَزَاجَةٌ янгилик, ҳозиргина тайёрланган (узилган) бўлиш, янгиналик, таровати кетмаганлик

طُزْلُقٌ *кўп.* طَزَالِقُ гамаш (*болдирдан товонгача қоплаб турадиган, оёқ кийим устидан тушириб қўйиладиган иссиқ пайпоқ*), гетр

طَسْتٌ, طَسْتٌ *мз.мн кўп.* طُسُوتٌ тоғора; ~ وَ إِبْرِيقٌ (*ювиниш учун*) кўза ва тоғора

طَسُّوجٌ *кўп.* طَسَاسِيجُ *тар.* тассуж (دَانِقٌ *нинг 1/4 қисмига тенг бўлган оғирлик ва пул бирлиги*)

طَسْمٌ *тар.* тасм (*Арабистондаги қадимий халқ номи*)

طَشٌّ майда ёмғир

www.ziyouz.com kutubxonasi

– طَشَاشٌ кўришнинг кучсизлиги (хиралиги)

طَشْتٌ, طَشْتٌ кўп. طُشُوتٌ = طِسْتٌ; ~ الْأَيْدِي ювиниш тогораси

طَشْطَشَ (*товада*) жазилламоқ, вашилламоқ

– طَشْطَشَةٌ жазиллаш, вашиллаш

طَصْلَقَ юзаки (шунчаки) қилмоқ, шошма-шошарлик билан қилмоқ (бажармоқ)

– طَصْلَقَةٌ шошма-шошарлик билан қилинган иш

طَطْلِي ширинликлар

طُظْ қар. طُزّ

I **طَعِمَ** (*а*) طَعْمٌ 1) емоқ; 2) оз-оз емоқ; татиб кўрмоқ (*мазасини, таъмини билиш учун*); II طَعَّمَ 1) пайванд қилмоқ, пайвандламоқ; уламоқ; эмламоқ; ~ بِلِقَاحِ الْجَدَرِيِّ чечакка қарши эмламоқ; 2) (*орасига, ичига*) ўрнатмоқ, жойламоқ; мозаика ишларини бажармоқ; ~ صِنَّارَةً қармоққа хўрак жойлаштирмоқ; IV أَطْعَمَ 1) овқатлантирмоқ, едирмоқ; 2) пишмоқ, етилмоқ; ~ النَّخْلَةُ хурмо етилиб қолди; V تَطَعَّمَ 1) пайвандланмоқ, (*бирор н. билан*) пайвандланиб (уланиб) қолмоқ (ب); 2) татиб кўрмоқ; X اسْتَطْعَمَ 1) татимли (таъмли, ёқимли) деб ҳисобламоқ; татиб кўрмоқ; 2) овқатлантиришни сўрамоқ (илтимос қилмоқ)

– تَطْعِيمٌ 1) пайванд; 2) қадама нақш, мозаика

– طَعَامٌ кўп أَطْعِمَةٌ таом; овқат, емаклик; ~ الْمَرِيضِ парҳез таоми; ~ أَضْرَبَ عَنِ الـ– очлик эълон қилмоқ, ~ تَنَاوُلُ الـ– овқатланмоқ, овқат емоқ, ◊ ~ الْمَدَافِعِ тўп еми (*уруш вақтларида бехуда ҳалок бўладиган бегуноҳ одамлар*)

– طَعَامِيٌّ таомга (озиқ-овқатга) оид

– طَعْمٌ 1) таъм, маза; لَهُ ~ لَا таъмсиз, мазасиз, бемаза, 2) ёқимли ҳис-туйғу, ёқимлиликни ҳис қилиш, ذَاقَ مِنَ الْعَيْشِ ~َيْهِ الْحُلْوَ وَ الْمُرَّ ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошдан кечирмоқ

– طَعِمٌ таъмли, мазали, татимли

– طُعْمٌ кўп طُعُومٌ 1) қармоқ учига илинтириб қўйилган хўрак; 2) пора, ришва, совға; 3) вакцина; эмлаш; ~ الْمُضَادُّ لِلْحَصْبَةِ қизамиққа қарши вакцина; ~ السَّامُّ заҳар; 4) пайвандланаётган калтак; زَيْدٌ قَلَّ ~ُـهُ Зайднинг овқат ейиши камайди

– طُعْمَةٌ кўп طُعَمٌ таом, овқат, емак; ◊ ~ لِلْمَدَافِعِ тўп еми; جَعَلْتُ هٰذَا الضَّيْعَةَ ~ لِزَيْدٍ мен бу йўқотишни Зайдга емиш қилиб бердим; ~ رَجُلٌ عَفِيفُ الـ– ҳалол топиб ейдиган одам; ~ رَجُلٌ خَبِيثُ الـ– ҳаром топиб ейдиган одам

– طَعْمِيَّةٌ таъмия (*майдаланган ловиядан ёғда пиширилиб, устига пиёз, саримсоқ ва б турли қўкатлар қўйиб торт шаклида овқат*)

– طَعَامٌ меҳмондўст, меҳмоннавоз

– مَطْعَمٌ кўп. مَطَاعِمُ ошхона, ресторан; кают-компания (*кемалардаги ошхона*)

– مِطْعَمٌ тез ёки кўп овқат ейдиган

– مُطَعَّمٌ 1) қадама нақш (мозаика) билан безатилган; 2) пайвандланган

I **طَعَنَ** (*а/у*) طَعْنٌ 1) санчмоқ, тешмоқ, (*пичоқ*) урмоқ (ب) ~ـهُ مِنَ الظَّهْرِ ёки الْخَلْفِ кимнингдир орқасидан зарба бермоқ; 2) айбни очмоқ, ёмонламоқ, таҳқирламоқ, мазах қилмоқ, сўкмоқ, (*к. нидир н. нидир*) обрўсизлантирмоқ (عَلَى, فِي) ~ـهُ فِي الْحُكْمِ ҳукмдан норози бўлиб шикоят ёзмоқ; 3) рад этмоқ, (*кўргазмаларни, далилларни*) қабул этмаслик, рад қилмоқ, тан олмаслик (عَلَى); 4) *мажз.* ўлат билан касалланмоқ; ◊ ~ فِي السِّنِّ кекса ёшда бўлмоқ; III طَاعَنَ (*найза тутиб*) урушмоқ; VI تَطَاعَنَ курашмоқ, урушмоқ

– طَاعِنٌ 1) (*найза билан*) зарба берувчи, санчувчи; 2) таҳқирловчи, ҳақорат қилувчи, танбеҳ берувчи; ◊ ~ فِي السِّنِّ кекса, ёши улуғ

– طَاعُونٌ кўп. طَوَاعِينُ *мед.* тоун, ўлат; ~ الـ– الدُّمَّلِيُّ ёки الـ– الْأَسْوَدُ ёки الـ– الْمَوَاشِي ёки الـ– الْبَقَرِيُّ кора моллар ўлати

– طَعْنٌ кўп. طُعُونٌ 1) норозилик; ҳукм устидан шикоят; 2) рад этиш; لِجْنَةُ الطُّعُونِ текширувчи комиссия; мандат комиссияси

– طَعْنَةٌ кўп. طَعَنَاتٌ санчиш, (*найза ёки пичоқ билан*) уриш зарба бериш

– طَعِينٌ 1) (*найзадан*) зарба еган; 2) оахтсиз, эдбиат

– مَطَاعِنُ кўп. сўкишишлар

– مَطْعَنٌ нозик жой, заиф жой, қалтис жой

– مَطْعُونٌ 1) (*найзадан*) зарба еган; ўлат билан касалланган; !~ ўлат!, вабо! (*сўкиш*)

طُغْرَاءُ кўп. طُغْرَاءَاتٌ, طُغْرَيَاتٌ туғро, тамға, герб

– طُغْرَى = طُغْرَاءُ

طَغَامٌ оддий одамлар, авом, омма

– طُغْمَةٌ кўп. طُغَمٌ, اتٌ — тўда, гуруҳ, шайка, нияти бузуқлар тўдаси; ~ الْمَالِيَّةُ молиявий тўда (гуруҳ)

I (طغو) **طَغَا** (*у/а*) طُغْيَانٌ 1) қирғоқлардан тошмоқ (*дарё ҳақида*); қутурмоқ, туғёнга келмоқ (*денгиз ҳақида*); 2) чегарадан чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ; тўлиб-тошмоқ, туғёнга келмоқ (*туйғу ҳақида*); 3) адолатсизлик қилмоқ, зулм қилмоқ; 4) ахлоқий жиҳатдан бузилмоқ; طَغَى (*а*) طَغْيٌ; طَغًا ~ الْمَاءُ عَلَيْهَا у (аёлни) сув босиб кетди

– طَاغٍ *мн.* طَاغِيَةٌ 1. 1) қирғоқлардан тошиб кетувчи (*дарё ҳақида*); қутурувчи, кучли; ~ رَغْبَةٌ енгиб бўлмас истак; 2) қонунсизлик (адолатсизлик) қилувчи; 2 кўп. طُغَاةٌ мустабид, золим, эзувчи; طُغَاةُ النِّفْطِ нефть магнатлари (*йирик нефть саноатчилари*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– طَوَاغِيتُ الْمَالِ *кўп* طَوَاغِيتُ 1) шайтон; 2) санам, бут; ◊ капитал магнатлари; طَوَاغِيتُ الْاِحْتِكَارَاتِ монополия бошлиқлари

– طَاغِيَةٌ[1] *кўп.* طَوَاغٍ эзувчи, мустабид

– طَاغِيَةٌ[2] момақалдироқ

– طُغْيَانٌ = طَغْوَى

– طَغْيٌ (*дарё*) тошқини

– طُغْيَانٌ 1) тошқин, туғён; 2) адолатсизлик, қонунсизлик; истибдод; 3) зулм билан келган ҳокимият

طَفَّ II (طفف) (*сиртликни*) камайтирмоқ; الْكَيْلَ ~ ўлчамоқ; ~ الْمِيزَانَ (*тарозида*) тортмоқ; ◊ بِهِ الْفَرَسُ ~ устидаги сдамни ирғитмоқ (*от ҳақида*)

– طَفٌّ *кўп.* طُفُوفٌ 1) чет, ён, томон; чегара; 2) қирғоқ

– طَفَّافٌ кичик (майда) дўкончи; нон сотувчи, нонфуруш

– طَفَّةٌ *кўп.* اتٌ — оломон

– طَفِيفٌ тўлиқ бўлмаган, тўлиқсиз; оз, унча кўп бўлмаган

I (طفأ) **طَفِئَ** (*а*) طُفُوءٌ ўчмоқ, ёнишдан тўхтамоқ; طَفَأَ (*и*) ўтни ўчирмоқ, ёнишдан тўхтатмоқ; II طَفَّأَ = طَفَأَ; IV أَطْفَأَ ўчирмоқ, ёнишдан тўхтатмоқ, *эл.* ўчирмоқ, узмоқ; الْجِيرَ ~ оҳакни сўндирмоқ; الْعَطْشَ (الْغَلِيلَ) ~ чанқоқни босмоқ; عَجْزَ الْمِيزَانِيَّةِ ~ бюджет дефицитини (етишмовчилигини) қопламоқ; VII اِنْطَفَأَ ёнишдан тўхтамоқ, ўчмоқ

– إِطْفَاءٌ ўчириш; ~ رِجَالُ الْـ ўт ўчирувчилар, ~ الْأَنْوَارِ *ҳарб.* ниқоблаш, маскировка қилиш

– إِطْفَائِيٌّ ўт ўчирувчиликка оид

– إِطْفَائِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси)

– طَافِئٌ 1. ўчирувчи, ёнишдан тўхтатувчи; 2. ўт ўчирувчи, ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси) нинг аъзоси

– طَفَّايَةٌ *кўп.* اتٌ — ўт ўчирғич (*баллонга жойлаб қўйилган кимёвий моддалар ёрдамида ўт ўчириш учун ишлатиладиган асбоб*)

– مُطْفَأٌ 1) ўчирилган; сўндирилган; 2) жилосиз, нурсиз, хира, ялтирамайдиган

– مِطْفَأَةٌ *халқ.* مَطَافِئُ *кўп* ўт ўчириш машинаси, ўт ўчирувчилар ишлатадиган насос; فِرْقَةُ الْمَطَافِئِ ўт ўчирувчилар гуруҳи (командаси); رِجَالُ الْمَطَافِئِ ўт ўчирувчилар

– مُطْفِئٌ: الْحَشْرِ ~ баҳорда қайталанадиган совуқ кунларнинг бири

I طَفَحَ (*а*) طُفُوحٌ, طَفْحٌ 1) тўлиб-тошмоқ; қирғоқлардан тошиб кетмоқ; 2) (*шаробни*) херагидан ...моқ; ...مِنْهُ ~ бу менинг бўғзимга келди, жонимга тегиб кетди; II طَفَّحَ тўлдириб-тоширмоқ; IV أَطْفَحَ 1) тўлдириб-тоширмоқ; қирғоқлардан тошириб тўлдирмоқ; 2) кўпикни олиб ташламоқ

– طَافِحٌ 1) тўлган, тўлиқ; тўлиб тошган; 2) маст

– طُفَاحَةٌ кўпик; қасмоқ (*кўп қайнатилган идиш ости ва деворларига ўтирган сополсимон қатлам*)

– طَفْحٌ 1) тўлалик, тўлиб-тошиш; 2) *шунингдек:* جِلْدِيٌّ ~ тошма, ҳуснбузар, бўжама; الْـ ~ الْوَرْدِيُّ *мед.* қизилча (*болалар касаллиги*)

– طَفْحَانٌ *мн.* طَفْحَى тўла; қирғоққача тўла

– طَفْحِيٌّ тепкили; ~ تَيْفُوسٌ тепкили терлама

– مِطْفَحَةٌ *кўп.* مَطَافِحُ капгир

I طَفَرَ (*и*) طَفْرٌ 1) ирғимоқ, ирғишламоқ; сакрамоқ, ҳаккаламоқ; 2) сачрамоқ (*қон ва кўз ёшлари ҳақида*); булоқ бўлиб отилиб чиқмоқ

– طَفَرٌ[1] қуюшқон (*сол.* ثَفَرٌ)

– طَفَرٌ[2] пупсизлик

– طَفْرَانٌ қашшоқ, камбағал; ~ هُوَ унинг чўнтагида бир тийин (бир чақа) ҳам йўқ

– طَفْرَةٌ *кўп.* اتٌ — ирғиш, сакраш, ҳаккалаш; ~ бир сакраб; бирданига; ~ عَلَى سَبِيلِ الْـ кескин ўзгариш билан, бирданига силжиш билан

I طَفَشَ (*и*) طَفْشٌ кочмоқ, жўнаб қолмоқ, кўздан ғойиб бўлмоқ

– طَافِشٌ: هُوَ ~ مِنَ الْجُوعِ очликдан оёкда зўрға турибди

– طَفْشَانٌ 1. қочқин; 2. *кўп.* طَفْشَانُونَ, طَفَاشِي қочоқ, қочиб юрган киши

– طَفْشَانَةٌ *кўп* اتٌ — очқич (*қулфни очадиган мослама*)

I طَفَقَ (*а*) طَفْقٌ (*н нидир*) бошламоқ; (*н. гадир*) киришмоқ (فِي)

I طَفَلَ (*у*) طُفُولٌ чиқмоқ (*қуёш ҳақида*); II طَفَّلَ чақирилмаса ҳам келмоқ; сукилиб кириб олмоқ; IV أَطْفَلَ 1) туғилмоқ, биринчи марта пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ (*мас., журнал*); 2) болали бўлмоқ; фарзандли бўлмоқ; V تَطَفَّلَ (*к. нигадир*) олдига келмоқ, таклиф қилинмаса ҳам (чақирилмаса ҳам) келмоқ (عَلَى); 2) қўлдан келмайдиган ишга киришмоқ; сукилиб кирмоқ, қўшилиб кетмоқ; (*н дадир*) ўзини бошқа киши қилиб кўрсатмоқ (عَلَى, فِي); ~ عَلَى الطِّبِّ ўзини тиббиётни билувчи киши қилиб кўрсатмоқ; 3) текинхўр бўлмоқ

– تَطَفُّلٌ (*таклифсиз*) тусатдан келиш; 2) сохтакорлик, ўзини бошқа киши қилиб кўрсатиш; текинхўрлик

– طَفَالٌ оқ гил, кўза гили, каолин; فَارِيٌّ ~ елим гилли сланец (*тог хинси*)

– طُفَالٌ[1] = طَفَالٌ

– طُفَلٌ[2] нозик, мулойим, юмшоқ, ёш

– طُفُلٌ[1] болалик, гўдаклик

– طُفَلٌ[2] ёмғир

– طِفْلٌ *кўп.* أَطْفَالٌ 1) эмизикли гўдак, бола; الْـ ~ الْمُدَلَّلُ (*к. гадир қаранг*) эркатой бола (—); رَوْضَةُ الْأَطْفَالِ болалар боғчаси; 2) ёш ҳайвоннинг боласи

www.ziyouz.com kutubxonasi

– طَفْلَةٌ гил, лой; алюминий оксиди (*алюминий олинадиган асосий модда*)

– طِفْلَةٌ *кўп.* اتٌ — қиз бола

– طِفْلِيٌّ болаларга оид; ~ الطِّبُّ болалар тиббиёти (педиатрия)

– طُفُولَةٌ гўдаклик, болалик

– طُفُولِيٌّ болаларга (болаликка) оид

– طُفُولِيَّةٌ = طُفُولَةٌ

– طُفَيْلِيٌّ 1. 1) текинхўрликка оид; ~ نَبَاتٌ паразит (текинхўр) ўсимлик (*бошқа ўсимлик танасига ёпишиб олиб, унинг ҳисобига яшовчи текинхўр ўсимлик*); ~ أَمْرَاضٌ юқумли касалликлар; 2) ўзини бошқа одам қилиб кўрсатувчи, қаллоб; 2. 1) чақирилмаган меҳмон; текинтомоқ, текинхўр; 3) текинхўр

– طُفَيْلِيَّاتٌ *кўп.* текинхўрлар, паразитлар

– طُفَيْلِيَّةٌ текинхўрлик, паразитизм

– مُتَطَفِّلٌ 1) чақирилмаган (таклиф қилинмаган) меҳмон; 2) текинхўр, паразит

I (طفو) **طَفَا** (*у*) طُفُوٌّ сузмоқ, сувда тура билмоқ, сувда ўзини тута билмоқ; чўкмаслик

– طَافِيَةٌ *кўп.* طَوَافٍ 1) муз; муз тоғи, айсберг (*катта қисми сув остида яширин тураоиган муз тоғи*); буй (*сув йўлларидаги саёзлик ва б.н. лар ҳақида огоҳлантирувчи, сув йўлларига ўрнатилган белги*); бакен (*сув йўлларида хавфли жойларни ва кемалар йўлини кўрсатувчи белги*)

– طُفَاوَةٌ *кўп.* اتٌ — тож, гултож; *черк.* нур чамбар (*худо ва авлиёлар суратлари боши атрофига чизилган зарҳал доира*)

– طَوْفٌ сузиш, сувда чўкмаслик хусусияти, суза билишлик, чўкмаслик

II طَفَّى ўтирмоқ, сўндирмоқ (*сой.* طَفَأَ); ~ الشَّرَائِحَ сув етмаган жойларни қуритиш мақсадида супормоқ

– طَفْيٌ хурмо дарахтининг барги

I طَفَى (*а/у*) طَفْيٌ 1) ёрилиб кетмоқ, дарз кетмоқ, чалиб чалмоқ, ичига қолмоқ; 2) қисилмоқ (*сиққан сўнг ҳақида*); 3) бефойда гапларни гапириб (жавраб) ўтирмоқ, тинимсиз вайсамоқ, вайсақилик қилмоқ; ~ يَطْفُو مِنْ ... унинг кўзларидан ут ёғилаётир; II طَفَّى тақиллатмоқ, тақиллатиб сўнг чиқармоқ

– طَفْيٌ *кўп.* шапот (*мас. тош сувга шалоп этиб тушади*); ◊ لَا يُسَاوِي طَفْيَةً бу ҳеч нарсага арзимайди!

– طَفْيَانٌ 1) ғалаёнлаш; 2) ғалаёнлаш, тошиш, тўлқинланиш, тошиб-ёпирилиш (*сув ҳақида*)

طَفْيٌ[1] обзасс, қисқа ~ الْبَحْرِ денгиз обзацси

– طَفْسٌ[2] *кўп.* طُفُوسٌ *черк.* расм-русум, удум, одат, анъана (*черковнинг ички ҳаётида ибодат*); ~ الشَّرْقِيَّةُ шарқий расм-русумлар (удумлар, одатлар)

طَفِيلِيٌّ сабзи (*ўсимлик*); ~ عَرَبِيٌّ арпа чалпоғи, арпа ғалласи; ~ مَحْلِيٌّ қасқоқ, қашнич, кашнич, кашнич (*ўсимлик*)

– طَقْطَقَةٌ *халқ.* эшикни тақиллатиш (қоқиш); ~ حَكَى حِكَايَتَهُ مِنْ ... قَصَّ الْقِصَّةَ مِنْ ~ لِلسَّلَامِ عَلَيْكُمْ *ёки* لِلسَّلَامِ عَلَيْكُمْ *маж.* у ўз саргузаштларини (тарихини, қиссасини) бошдан-оёқ сўзлаб берди

– طَقْطَقَةٌ тақиллаш; қисирлаш, ғижирлаш

– طَقْطُوقَةٌ *кўп.* طَقَاطِيقُ 1) поқилдоқ; пашшаурғич; 2) қўшиқ, ашула, халқ қўшиғи; 3) танноз (ишвали, ғамзали, ноз-карашмали) қиз; ◊ السَّحَائِرِ ~ қулдон

(طقم) طَقَّمَ 1) эгар-жабдуқламоқ, эгарламоқ (*отни*); 2) кийинтирмоқ

– طَاقِمٌ *кўп.* طَوَاقِمُ 1) тўплам, йиғинди, сидра, комплект; ~ السَّفِينَةِ кема экипажи (командаси); ~ الطَّائِرَةِ самолёт экипажи; ~ مِدْفَعٍ مُضَادٌّ لِلطَّائِرَاتِ зенит тўпини бошқарувчи жангчилар гуруҳи; 2) кийим, кийим-кечак, кийим-бош, уст-бош; кийимлар сидраси

– طَقْمٌ *кўп.* أَطْقُمٌ, طُقُومٌ 1) йиғинди, тўла (кам-кўстсиз) таркиб, комплект; гарнитур (*н. ларнгдир тўла сидраси*); ~ الْحِلَاقَةِ соқол олиш асбобларининг тўла комплекти (сидраси); ~ أَسْنَانٍ протез, ясама аъзо, сунъий тишлар; ~ جِلْدٍ (*мебелнинг*) чарм жилди; ~ حِصَانٍ эгар-жабдуқ; ~ شَايٍ чой идишлари, чой сервизи; ~ سُفْرَةٍ ошхона сервизи; ~ قَهْوَةٍ қаҳва сервизи; ~ صِينِيٌّ لِلْقَهْوَةِ чиннидан ясалган қаҳва сервизи; 2) *ҳарб.* (*тўп*) бошқарувчи жангчилар гуруҳи; 3) кийим-бош, кийим-кечак, кийимлар сидраси

I **طَلَّ** (*а/у*) طَلٌّ 1) майдалаб (эзиб) ёғмоқ (*ёмғир ҳақида*); (*бирор н. ни*) сачратмоқ (ب); 2) (*к. нингдир*) олдига келмоқ, зиёрат қилмоқ (عَلَى); 3) қарамоқ, боқмоқ, назар солмоқ; ◊ طُلَّ دَمُهُ *маж.* у қассосиз ўлдирилди; 4) шудринг тушмоқ; ~ النَّدَى الْأَرْضَ ерга шудринг тушди; IV أَطَلَّ 1) чиқмоқ (*бирор н. га мас. ойнага*) қарамоқ, боқмоқ (عَلَى); ~ عَلَى الدُّنْيَا дунёга келмоқ, туғилмоқ, таваллуд топмоқ; 2) турмоқ (*дўпписи*); чиқиб турмоқ, олдинга (дўпписи); чиқиб қолмоқ; 3) (*к. нингдир*) устидан ҳоким бўлмоқ, бошлиқ бўлиб, бўйруқ бермоқ (عَلَى); 4) (*бирор н. нинг мас. бошида*) мўралаб, бошини чиқириб қарамоқ (عَلَى); 5) пайдо бўлмоқ, кўринмоқ, кириб келмоқ (*мас. бола*); ~ عَلَى الْعَالَمِ у мана шу ўринда сабоп туғилади (пайдо бўлади)

– طُلُوعٌ (*н. нингдир*) пайдо бўлиши, бош аниши

– طَلٌّ *кўп.* أَطْلَالٌ 1) шудринг, шабнам; 2) майдалаб (эзиб) ёғаётган ёмғир

– أَطْلَالٌ 1) харобалар, вайрона жойлар, уй-жойнинг (*ҳозирда яшаган турар жойларнинг*) қолдиқлари (излари); ~ الْمَنْزِلِ (*турар жойларнинг, манзилгоҳнинг*) излари, қолдиқлари; (*уй-жойнинг*) харобалари; ~ الْأَثَرِيَّةُ археологик қазишмалар (ҳафриёт ишлари) натижасида (излари); 2) муҳрисчуна

– طَالِعٌ 1) чиқиб турган нарса; 2) *астр.* 3) *ирим-*

– طَالِعُ الْحَظِّ (*ёки* السَّعْدِ) 1) чиқиб, ҳосил қилиб турган; 2)

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*бирор н. устидан*) ҳукмронлик қилиб (ҳоким бўлиб) турувчи (عَلَى), буйруқ берувчи

– مطلّة қисқа муддатли ташриф

طَلْوٌ = طَلاً

I طَلَبَ (*у*) طَلَبٌ 1) изламоқ, қидирмоқ; الْعِلْمَ ~ (*қаердадир*) ўқимоқ, таълим олмоқ, илм олмоқ (فِي); اللُّغَةَ الْعَرَبِيَّةَ فِي الْقَاهِرَةِ ~ у араб тилини Қоҳира шаҳрида ўрганган; 2) (*к. дандир*) сўрамоқ; илтимос қилмоқ (مِنْ ,إِلَى); талаб қилмоқ; (*товар, савдо ашёларига*) талаб кўрсатмоқ; الْمَحَالَ ~ имконсиз нарсани талаб қилмоқ; الزَّوَاجَ ~ *ёки* يَدَهَا ~ қўлини турмушга чиқишга сўрамоқ; 3) хоҳламоқ, истамоқ, орзу қилмоқ; III طَالَبَ 1) изламоқ; ундириб олмоқ, чегириб қолмоқ; 2) (*н. нидир*) талаб қилмоқ, (*н. гадир*) талабгор бўлмоқ (ب); IV أَطْلَبَ қидиришга (излашга) ёрдам бермоқ; 2) қидиришга (излашга) мажбур қилмоқ; V تَطَلَّبَ талаб қилмоқ, (*савдо ашёларига*) талаб кўрсатмоқ (қўймоқ); يَتَطَلَّبُ هَذَا كَثِيرًا مِنَ الْجُهُودِ бу нарса катта меҳнатни талаб қилади; VII انْطَلَبَ талаб қилинмоқ; харидоргир бўлмоқ

– تَطَلُّبٌ талаб, талаб қилиш; كَثِيرُ الـ~ талабчан

– طَالِبٌ 1. 1) истовчи, изловчи; ذَهَبَ لِحَاجَتِهِ ~ا кимнингдир ишини (*топшириғини, талабини*) бажариш учун жўнамоқ; 2) илтимос қилувчи; талабгор; 2. *кўп.* طَلَبَةٌ, طُلَّابٌ 1) илтимосчи, сўровчи; 2) толиб, ўқувчи, тингловчи (*мас., курс тингловчиси*); *шунингдек:* جَامِعِيٌّ ~ студент, талаба, ўқув юрти талабаси; ~ الدِّرَاسَاتِ الْعُلْيَا аспирант

– طَلَبٌ талаб қилиш, хирали. билан (қўнғироқ-қўймай) бирор нарса сўраш (талаб қилиш)

– طَلَّابٌ тез-тез талаб қилиб турувчи киши

– طَلَبٌ 1) излаш, кидириш, ахтариш; ... لِـ~ا (*н. нидир*) излаб, (*қандайдир*) мақсадда; سَتَجْرِي هَذِهِ الْمُبَاحَثَاتُ ~ا لِحَلِّ ... қабул қилиш мақсадида бўлиб ўтади; 2) талаб; илтимос; талаб-эҳтиёж; ... عِنْدَ الـ~ талаб қилинган тақдирда, талабга кўра; عَرْضٌ وَ ~ талаб ва таклиф; أَرْسَلَ فِي الـ~ـهِ кимнингдир ортидан жўнатмоқ; الْمُزْدَوِجُ الـ~ *шахм.* икки томонлама зарба бериш; 3) *шунингдек:* ~ الْعِلْمِ ўқиш, илм (таълим) олиш; ~ الـ(عَهْدِ) сўнгги йилларида; 4) *кўп.* اتٌ ـ ёзма илтимос, илтимоснома, ариза; талабнома, буюртма, صَاحِبُ الـ~ талабнома соҳиби, илтимосчи, аризачи; ~ الْإِلْحَاقِ بِالْمَدْرَسَةِ мактабга қабул этиш ҳақида ариза; ~ اسْتِخْدَامٍ ишга (хизматга) қабул қилиш тўғрисида) ариза; طَلَبَاتٌ حَرْبِيَّةٌ ҳарбий буюртмалар (заказлар)

– طَلِبَةٌ, طَلْبَةٌ 1) изланган (зарур, керак бўлган) нарса, орзу қилинган нарса, 2) ибодат, намоз, дуо, ситиниш

– طَلِبَةٌ *кўп.* اتٌ ـ 1) талаб этилаётган (нарса); 2) талаб, талабнома

– طَلَبِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـ буюртма; талаб

– مُتَطَلِّبٌ 1. талаб этувчи; 2. талабчан

– مُتَطَلَّبَاتٌ *кўп.* талаблар

– مُطَالَبٌ бирор нарса талаб этилиши лозим бўлган киши; масъул киши

– مُطَالِبٌ 1. ундириб олувчи; 2. даъвогар, муддаий

– مُطَالَبَةٌ *кўп.* اتٌ ـ 1) ундириб олиш; 2) талаб қилиш; 3) даъво қилиш

– مَطْلَبٌ *кўп.* مَطَالِبُ 1) талаб, матлаб; 2) эҳтиёж, зарурат; 3) мақсад, ният; 4) мавзу, (*ўрганилиши лозим бўлган*) масала

– مَطْلَبِيٌّ талаблар мавжуд бўлган, талаблар бор бўлган

– مَطْلُوبٌ 1. 1) изланаётган; 2) талаб қилинаётган; харидоргир; مِنْهُ ~ у тўлаши лозим, у қарздор; 2. *кўп.* مَطَالِيبُ 1) талаблар; 2) истак; сўров

– مَطْلُوبَاتٌ *кўп.* 1) мажбурият, ваъда; қарз; 2) *ҳис.* пассив (*бирор корхонанинг қарз ёки мажбуриятлари мажмуи*)

أَطَالَ اللهُ بَقَاءَكُمْ! Оллоҳ сизларнинг умирингизни узоқ қилсин! қуйидаги сўзларни айтиш: طَلْبَقَةٌ

I طَلَحَ (*а*) طَلْحٌ 1) ҳолдан тойиқ, тинка-мадор қуримоқ, беҳол бўлмоқ; 2) ёмон (ярамас, хунук) бўлмоқ

– طَالِحٌ 1) ёмон, ярамас, хунук; 2) ёвуз, баджаҳл, қаҳрли, дарғазаб

– طَلَاحٌ 1) яроқсизлик; ёмон аҳвол (ҳолат); 2) баджаҳллик, қаҳрлилик

– طَلْحٌ *жам. кўп.* أَطْلَاحٌ *бот.* 1) елим берувчи акас, 2) сохта банан, аччиқ банан

– طَلْحَةٌ *кўп.* اتٌ ـ *бот.* елим берувчи акация дарахти

– طَلْحَةٌ *кўп.* طَلَاحَى қоғоз варағи

– طَلِيحَةٌ *кўп.* طَلَائِحُ қоғоз дастаси (боғлами)

اطْلَخَمَّ жуда коронғи (қора) бўлмоқ (*тун, булут ва ҳ.к. лар ҳақида*)

I طَلَسَ (*и*) طَلْسٌ (*езилган н. ни*) ўчирмоқ

– أَطْلَسُ атлас (*мато*); қорамтир рангли, кулранг; ◊ ذِئْبٌ ~ қорамтир (*кулранг*) бури

– أَطْلَسٌ *кўп.* أَطَالِسُ (*жўғрофий*) атлас

– أَطْلَسِيٌّ 1) (*жўғрофий*) атласга оид; 2) Атлантика (океани) га оид

– طَلْسٌ ўчирилган; ўқиб бўлмайдиган (*хат ҳақида*)

– طَيْلَسَانٌ *ёки* طَيْلَسَانٌ *ёки* طَيْلَسَانٌ *кўп.* طَيَالِسَةُ *ёки* طَيَالِسُ аёнлар ва олимлар киядиган яшил рангли махсус кийим

– طَلْسَمٌ, طِلَسْمٌ, طِلَسْمَاتٌ, طَلَاسِمُ *кўп.* тумор; 2; *кўч.м.* яширин ёзув, яширин хат, сирру-асрор, فَكَّ طَلَاسِمَ الرُّمُوزِ сирли (яширин) белгиларни ўқимоқ (англамоқ)

– طَلَسَانَةٌ *кўп.* اتٌ ـ *архит.* тарнов (*деворнинг устига*

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрнатилган) қуйма

I طَلَعَ, طَلِعَ (а) طُلُوعٌ 1) чиқмоқ (*қуёш ҳақида*), кўтарилмоқ; 2) кўринадиган бўлмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ; 3) (*қаердандир*) кетмоқ; (*бирор н. ичидан*) чиқмоқ (مِنْ); 4) (*қаергадир*) интилмоқ (إِلَى); (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); 5) (*н. нидир к. гадир*) айтмоқ, кўрсатмоқ, маълум қилмоқ (عَلَى); 6) (*н. нидир*) танимоқ, билмоқ (عَلَى); 7) (*бирор н. билан*) тенг (*баробар*) бўлмоқ; 8) (*к. нигадир олдига*) кутилмаганда келмоқ (عَلَى); اَلنَّهَارُ ~ кун ёйилди (бошланди); مَا يَطْلُعُ بِيَدِي мен эплолмайман, менинг қўлимдан келмайди; عَلَى يَدَيْهِ ~ унинг ақлига (миясига) келди; خُلُقُهُ ~ унинг аччиғи келди; طَلَعَتْ رُوحُهُ у вафот этди; طُلْعٌ 1) кутармоқ, кўтаришга ёрдамлашмоқ; 2) чиқариб (суғуриб) олмоқ; 3) чиқармоқ (*мас., газетани*); III طَالَعَ 1) ўқимоқ; 2) ўрганмоқ, ёдламоқ; 2) кўрмоқ, кўриб чиқмоқ; 4) (*к. нигадир олдида*) кўринмоқ, пайдо бўлмоқ, ҳозир бўлмоқ; (*к. нидир*) кутиб олмоқ; 5) (*н. нидир*) кўрсатмоқ (ب); 6) (*бирор н. дан*) хабар бермоқ, хабардор қилмоқ, (*н. нидир*) ҳикоя қилмоқ, сўзламоқ (ب), IV أَطْلَعَ 1) (*бирор н. тўғрисида*) хабар бермоқ, хабардор қилмоқ, сўзламоқ, ҳикоя қилмоқ (ب); (*н. нидир*) кашф этмоқ, сўзламоқ (عَلَى); (*н. нидир*) кўрсатмоқ; (*н. биландир*) танишитирмоқ (عَلَى), 2) униб чиқмоқ, ўсмоқ (*ўсимликлар ҳақида*); اَلنَّحْلُ ~ хурмодан тугунча (уруғдон) униб чиқди (кўринди); V تَطَلَّعَ 1) (*к. гадир*) қарамоқ, назар солмоқ (إِلَى), (*к. гадир*) хавас билан сўқ таниб қарамоқ (إِلَى ... بِأَنْظَارِهِ ~ ...га боқмоқ; 2) бетоқатлик (интизорлик) билан кутиб турмоқ; 3) кўтарилмоқ, (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى), 4) (*бирор н. чи*) қўярда-қўймай уқдиришга уринмоқ (إِلَى), VIII اِطَّلَعَ 1) (*к. нидир, н. гадир*) қараб турмоқ, кўриқчилик қилиб турмоқ (عَلَى), 2) (*ч. ҳақдадир*) хабардор бўлмоқ, маълумот олмоқ (عَلَى), (*к. биландир*) танишмоқ (عَلَى); (*н. нидир*) билиб олмоқ (عَلَى); 3) (*н. нидир*) ўқиб чиқмоқ (عَلَى); X اِسْتَطْلَعَ кўриб чиқишга ҳаракат қилмоқ; суриштириб билмоқ, аниқлаб кўрмоқ синчковлик қилмоқ, ўзгаларнинг фикрини ўрамоқ; اَلْغَيْبَ لَهُ ~ кимгадир фол очмоқ

– اِسْتِطْلَاعٌ *кўп* ـَاتٌ суриштириб билиш, изланиш, қидирув; андиш (разведка); олдиндан текшириш (суриштириш); اِسْتِطْلَاعَاتٌ طُبُوغْرَافِيَّةٌ топографик қидирув ишлари; حُبُّ الـ~ қизиқувчанлик; الـ~ عَنْ بَغْدَادَ Бағдод ҳақида очерк

– اِسْتِطْلَاعِيٌّ андиш (разведка) га оид, изланиш (қидирув) га оид

– اِطِّلَاعٌ 1) танишиш; хабардорлик; билим; حُبُّ الـ~ қизиқувчанлик; سَعَةُ الـ~ ақл-заковат, билимдонлик, эрудиция (*бир ёки бир неча соҳада кенг ва чуқур маълумотга эгалик*); عِنْدَ الـ~ танишиш (танишув)дан сўнг; ... كَانَ عَلَى كَافٍ مِنَ الـ~ ... ҳақда етарли маълумотга эга бўлмоқ; 2) назорат, назорат қилиш

– اِطِّلَاعِيٌّ танишиш (танишув) га оид, танишиш (танишув) мақсадида киритилган (қабул қилинган)

– تَطَلُّعٌ бетоқатлик (интизорлик) билан кутиш, қизиқувчанлик; فِي ~ бетоқатлик (интизорлик) билан

– تَطَلُّعَاتٌ интилишлар, ҳаракатлар

– طَالِعٌ 1. чиқаётган, кўтарилаётган; وَجَّهَ الْإِهَانَاتِ إِلَيْهِمْ عَلَى الـ~ وَ النَّازِلِ уларнинг ҳаммасини сўраб-суриштирмай (*бир варакайига*) ҳақорат қилмоқ, 2. *кўп* طَوَالِعُ 1) юлдуз, 2) тақдир (қисмат); سُوءُ الـ~ ёмон (бехосият, паст) тақдир (қисмат); حُسْنُ الـ~ яхши (юксак, хосиятли) тақдир (қисмат), юлдуз; سَيِّئُ الـ~ бадбахт; 3) гороскоп (*мунажжимлар пюмонидан фол очиш мақсадида тузилган жадвал*); كَشَفَ عَنِ الـ~ фол очмоқ (кўрмоқ); 4) *кўп.* (*бирор н. нинг*) белгилари, кўринишлари, турлари

– طَالِعَةٌ *кўп* طَوَالِعُ бошланиш, (*бирор н. нинг*) аввали; ибтидо

– طَلَائِعِيٌّ илғор, олдиндаги, олдинда юрувчи; авангард

– طَلَّاعٌ катта (кучли) интилиши; интилиши катта (кучли); ~ اَلثَّنَايَا وَ الْأَنْجُدِ *маж.* ҳаётий тажриба кўп (киши); бошидан аччиқ-чучук кунларни кўп ўтказган, ўту сувни кўп кечган

– طَلْعٌ *бот.* гул чанги, гулчанг; тугунча, уруғдон

– طُلْعٌ *кўп.* طُلُوعٌ кўтарилиш, чиқиш; юксалиш, баландлаш

– طَلْعَةٌ *кўп* ـَاتٌ 1) талъат, ташқи кўриниш; юз, бет, афт, башара; 2) (*бирор жойдан, ичкаридан*) чиқиш, ташқарига чиқиш, 3) марҳумни олиб чиқиш, дафн, 4) (*ўсимлик*) ... чиқиш, баландлаш, ўсиш, ўсиб кетиш

– طُلَعَةٌ синчковлик, билишга интилишлик, қи...

– طُلُوعٌ 1) қуёш чиқиши, اَلشَّمْسِ إِلَى غُرُوبِهَا ~ مِنْ кун чиққандан ботгунча эртадан кечгача; 2) кўтарилиш, юқорига чиқиш; 3) пайдо бўлиш; 4) ўсиш, ўсма, ўсимта

– طَلِيعَةٌ *кўп* طَلَائِعُ илғор гуруҳ (отряд), авангард, طَلَائِعُ а) аломатлар, белгилар, нишоналар; б) разведкачилар; в) олдинда борувчилар пионерлар

– طَلِيعِيٌّ илғор, авангард, مَارَسَ دَوْرَهُ الـ~ илғорлик ролини ўйнамоқ

– طَلِيعِيَّةٌ авангардлик (илғорлик) роли

– مُطَالَبٌ (*ёзилган н. нарни*) ўқиётган; 2. китобхон

– مُطَالَعَةٌ 1) ўқиш, قَاعَةُ الـ~ ўқув зали; 2) ўрганиш, ўрганиб билиш

– مَطْلَعٌ *кўп.* مَطَالِعُ 1) шоти, наовон, пиллапоя, зина; 2) муқаддима, кириш; бошланиш, ибтидо, *муз.* муқаддима, прелюдия, интродукция; فِي ~ أَمْرِهِ ёпик ёпишқа; اَلنَّهْضَةِ ~ уйғонишнинг бошланиши; اَلْقَصِيدَةِ ~ қасиданинг матлаи (биринчи байти); 3) чиқиш жойи, (*қаергадир*) чиқиш (إِلَى); اَلْفَجْرِ ~ тонг ёришуви; مُنْذُ الصُّبْحِ حَتَّى مَهْبِطِ اللَّيْلِ ~ эртадан кечгача, 4) *эл.* анод

– مُطَّلِعٌ 1. хабардор; билувчи; 2. билимдон, билағон, билорлон, ўз ишини яхши биладиган одам

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (طلق) طَلَقَ (у) طَلَاقٌ 1) эркин (*озод*) бўлмоқ; (*аёлни*) талоқ қилмоқ; 2) *мажх.* туғиш азобларини чекмоқ; طَلَقَ (у) طَلَاقَةٌ хушчақчақ (шўх) бўлмоқ; طَلَّقَ талоқ қилмоқ; ~ بِهَا ثَلَاثًا а) уч талоқ (*шариатга кўра*) эр-хотинликдан узил-касил ажралмоқ; б) *кўч.м.* (*к. биландир, н. биландир*) видолашмоқ, хайрлашмоқ; ~ الْمَدْرَسَةَ мактабни ташлаб кетмоқ; ~ الْآرَاءَ السَّابِقَةَ ўзининг олдинги қарашларидан мутлақо воз кечмоқ; IV أَطْلَقَ 1) эрк (озодлик) бермоқ; озод қилмоқ, бўшатиб (қўйиб) юбормоқ; битиртириб чиқармоқ; чиқармоқ; قَمَرًا صِنَاعِيًّا ~ сунъий йўлдош учирмоқ; ~ الرَّصَاصَ عَلَى ... (*к. гадир*) ўқ отмоқ; السِّهَامَ ~ ўқ-ёй отмоқ; ~ الْغَازَاتِ السَّامَّةَ заҳарли газлар чиқармоқ; صَرْخَةً ~ қичқириб овоз чиқармоқ; الْحَمَامَ الْأَبْيَضَ تَحِيَّةً ~ (*к. нидир*) қутлаш аломати сифатида оқ кабутарларни қўйиб (қафасдан чиқариб) юбормоқ; سَبِيلَهُ ~ кимнидир қўйиб юбормоқ, кимгадир жавоб бермоқ; الْحَبْلَ عَلَى الْغَارِبِ ~ жилов (тизгин) ни қўйиб юбормоқ; тўла (мутлақ) эрк бермоқ; الْعِنَانَ لِفَيْضِ الدُّمُوعِ ~ кўз ёшларига эрк бермоқ; لِحْيَتَهُ ~ соқол қўймоқ; الْبَطْنَ ~ ошқозон бўшатишни келтириб чиқармоқ (*дори ҳақида*); سَاقَيْهِ (رِجْلَيْهِ) لِلرِّيحِ ~ оёқни қўлга олиб чопиб кетмоқ; ~ تِ الشَّجَرَةُ الْأَزْهَارَ дарахт гул очди (гуллади); صَفَّارَاتِ الْإِنْذَارِ ~ ҳаво тревогаси эълон қилмоқ; ~ يَدَهُ فِي ... (*н. дадир*) тўла (мутлақ) эрк бермоқ, қўл-оёғини бўшатиб қўймоқ; 2) (*н. гадир*) татбиқ қилмоқ (عَلَى); (*к. гадир бирор н. ни, мас., унвонни*) бермоқ (عَلَى); عَلَيْهِ لَقَبًا أَوْ اسْمًا ~ кимгадир лақаб ёки исм бермоқ; 3) умумлаштирмоқ; V تَطَلَّقَ 1) хушчақчақ бўлмоқ; ёришмоқ, жонланмоқ (*юз ҳақида*); 2) (*эр-хотинликдан*) ажралмоқ; VII اِنْطَلَقَ 1) кетмоқ, узоқлашмоқ; жўнамоқ, йўлга тушмоқ; (*н. дандир*) келиб чиқмоқ, келиб чиқиб фикр юритмоқ (مِنْ); ўтиб бормоқ, ўтмоқ (*вақт ҳақида*); 2) эркин (озод) бўлмоқ; (*н. дандир*) қутулмоқ, озод бўлмоқ (مِنْ); 3) учиб (отилиб) чиқмоқ (*ўқ ҳақида*); эшитилмоқ, тарқалмоқ (*ўқ овози ёки қичқириқ ҳақида*); يَعْدُو ~ у чопиб (қочиб) кетди; ~ تِ الْبُنْدُوقِيَّةُ صُدْفَةً ўқ отиш (узиш) тасодифан юз берди; 4) эрк бермоқ (*мас., тилга*); يَتَسَاءَلُ ~ у сўроққа тута бошлади, у сўрай бошлади; ~ تْ كَفَاءَتُهُ унинг иқтидори ривожланиш эркига эга бўлди (ривожланиш эркини олди); ~ تِ الزَّوْبَعَةُ бўрон бошланди; 5) жонланмоқ, ёришмоқ (*юз ҳақида*); X اِسْتَطْلَقَ бўшашган бўлмоқ (*ошқозон ҳақида*)

– إِطْلَاقٌ 1) озод этиш; (*бирор н. ни, мас., моторни*) юргизиб юбориш, ишга тушириш; (*бирор н. ни, мас., космик кемани*) учириб юбориш; الْبَارُودِ ~ ўққа тутиш, ўқ ёғдириш, отишма; النَّارِ ~ ўқ узиш, ўқ отиш, отишма; ... النَّارِ بَيْنَ تَبَادُلُ ~ ўзаро ўқ отиш, ўзаро отишиш; النَّارِ ~ وَقْفُ отишманинг тўхташи; الصَّوَارِيخِ ~ ракеталар отиш (учириш); السَّرَاحِ ~ (*қамоққа олинган одамни*) бўшатиш, озод қилиш; ◊ الْيَدِ ~ мутлақо эрк (озодлик) бериш (*сўзма-сўз: қўлини бўшатиб қўйиш*); 2) умумлаштириш; ~ الْـ عَلَى бутунлай, мутлақо, إِطْلَاقًا ... (لَمْ) مَا ...мутлақо ...-мас (*эмас*)

– اِنْطِلَاقٌ 1) кетиш, жўнаш; жўнатиш; учиб кетиш; старт (бошланиш); مِنْ هَذَا الْمَبْدَإِ ~ мана шу асос (принцип) дан келиб чиққан ҳолда ...; الْمَدْفَعِ ~ тўпдан ўқ отиш (узиш); 2) ажратиб олиш, (*бирор н. ни бошқа бир н. дан*) ажратиб чиқариш; ~ مِقْدَارٍ هَائِلٍ مِنَ الطَّاقَةِ катта миқдордаги энергиянинг ажралиб чиқиши (чиқарилиши); 3) эркинлик; бетакаллуфлик, тартибсизлик, бебошлик, одобсизлик, бузуқлик; ~ تَكَلَّمَ بِالْعَرَبِيَّةِ بِـ араб тилида эркин гапирмоқ

– اِنْطِلَاقَةٌ 1) чиқиш (*мас., журнал*); 2) зарб билан чопа бошлаш, югура бошлаш; 3) шиддат, жўшқинлик, шижоат

– تَطْلِيقٌ ажралиш, никоҳни бекор қилиш

– طَالَقٌ талоқ қилинган (*аёл*); !~ أَنْتِ сени талоқ қилдим! (*талоқ қилганда айтилади*)

– طَلَاقٌ талоқ (*никоҳнинг бекор қилиниши*); بِالثَّلَاثَةِ ~ учталоқ (*никоҳнинг шариат бўйича мутлақо бекор қилиниши*); كِتَابُ ~ الـ (وَرَقَةُ) الرَّجْعِيُّ хотиннинг яна эрига никоҳига қайтиб келишига имкон берувчи талоқ

– طَلَّاقٌ = مِطْلَاقٌ

– طَلَاقَةٌ 1) эркинлик, озодлик; 2) *шунингдек:* الْوَجْهِ ~ хушчақчақлик, шўхлик; السَّانِ ~ нутқнинг равонлиги (эркинлиги); ~ تَكَلَّمَ بِـ ...чада эркин (равон) гапирмоқ

– طَلْقٌ[1] *жам.* туғиш азоблари; тўлғоқ тутиши

– طَلْقٌ[2] طُلْقٌ, طَلْقٌ 1) эркин, кўнгли очиқ; الْيَدَيْنِ ~ қўли очиқ, саховатли; 2) хушчақчақ; الْوَجْهِ ~ истараси иссиқ; اللِّسَانِ ~ сергап, вайсақи; ◊ الْهَوَاءِ الـ~ فِي очиқ ҳавода

– طَلْقٌ[2] طَلْقٌ тепқ, тал (*техника ва тиббиётда ишлатиладиган оқ ёки кўкиш рангли минерал*)

– طَلَقٌ *кўп.* أَطْلَاقٌ 1) ўқ отиш, ўқ узиш; 2) югуриш, чопиш; пойга; шох-шабба тўшалган йўл

– طَلْقٌ ҳалол; ~ هُوَ لَكَ у сенга ҳалолдир

– طَلَقَةٌ *кўп.* ات ـــ ўқ отиш, ўқ узиш; سَرِيعُ الطَّلَقَاتِ тезстар, тез отадиган; ~ جَرَى كَأَنَّهُ у ўқдай учиб кетди; طَلَقَاتُ السَّلَامِ салют, табриклаш, қутлаш; أَطْلَقَتِ الْمِدْفَعِيَّةُ إِحْدَى وَ عِشْرِينَ ~ تَحِيَّةً тўплардан 21 марта ўқ узиб салют берилди; 2) патрон; ~ تَحِيَّةٌ жанговар патрон; أَغْلِفَةُ الطَّلَقَاتِ патрон гильзалари

– طَلْقَةٌ талоқ, ажралиш; никоҳнинг бекор қилиниши

www.ziyouz.com kutubxonasi

– طُلُوقَةٌ *кўп.* طَلَائِقُ; ~ حِصَانٌ айғир, айғир от; خَيْلُ الطَّلَائِقِ айғир отлар

– طَلِيقٌ *кўп.* طُلَقَاءُ 1. 1) эркин, озод, бирор нарсага боғланиб қолмаган; ~ السَّرَاحِ озодликда юрган; ~ مِنْ كُلِّ قَيْدٍ ҳар қандай кишанлар (чекланишлар) дан озод; 2) хушчақчақ, шодмон, 2. хотинини талоқ қилган эркак: озод қилиб (қўйиб) юборилган асир

– مِطْلَاقٌ тез-тез хотинидан ажралиб турадиган

– مُطْلَقٌ 1. 1) озод, эркин; ~ السَّرَاحِ эркинликка чиқарилган; 2) мутлақ, қатъий, сўзсиз, шак-шубҳасиз; ~ اً мутлақо, сўзсиз, тўла: ~ الْحُكْمُ الْـ абсолютизм, ҳокими мутлақлик; الْقِيمَةُ الزَّائِدَةُ الْـ абсолют қўшимча қиймат; الْحَقِيقَةُ الْـ мутлақ ҳақиқат; الْفِكْرَةُ الْـ мутлақ ғоя; 2. 1) бошланғич нуқта, дастлабки (бошланғич) вазият (ҳолат); 2) трамплин

– مُطْلِقٌ *спорт.* старт берувчи

– مُطَلَّقَةٌ эри талоқ қилган аёл

– مِطْلِيقٌ = مِطْلَاقٌ

– مُنْطَلَقٌ *кўп.* اتٌ — бошланғич нуқта; *спорт.* трамплин

– طُلْمُسْجِيٌّ *кўп.* طُلْمُسْجِيَّةٌ ўт ўчирувчи

– طُلُمْبَةٌ *кўп.* اتٌ — насос, помпа

I طَلَمَ (*у*) طَلْمٌ (*хамирни*) ёймоқ

– طُلْمَةٌ *кўп.* طُلَمٌ кулча, кулча нон

– مِطْلَمَةٌ *кўп.* مَطَالِمُ ўқлов, жўва

طَلْمَسَ 1) (*юзни*) тунд қилмоқ, жиддий тус олмоқ; 2) бузиб кўрсатмоқ, нотўғри талқин қилмоқ, бузмоқ

– طَلْمَسٌ *кўп.* أَطْلَاسٌ оҳу (хийик) боласи

I طَلَى (*и*) طَلْيٌ бўямоқ, (*н. биландир*) қопламоқ, беркитмоқ (ب); ~ بِالذَّهَبِ заррин қилмоқ, тилло ранг бермоқ; ~ بِالْفِضَّةِ кумуш ранг бермоқ, кумуш билан қопламоқ; ~ بِالْمِينَاءِ метал буюмлар сиртига қалай югуртириб оқартирмоқ; ~ بِالْكَهْرَبَاءِ гальваник усулда метал қопламоқ (югуртирмоқ); ~ بِالْمِينَاءِ сирламоқ, сир югуртирмоқ; V تَطَلَّى бўялмоқ, сирланмоқ (ب); VII انْطَلَى зўр чиқмоқ, яхши чиқмоқ, муваффақиятли бўлмоқ (*ҳазил, ҳийла-найранг ва б. нар ҳақида* عَلَى), انْطَلَتْ عَلَيْهِ الْحِيلَةُ *кўч.м.* тузоққа илинмоқ, ҳийлага лаққа тушмоқ (илинмоқ); VIII اِطَّلَى = V

– طَلًا туёғининг ўртаси оёқ (йирик) ҳайвоннинг боласи

– طِلَاءٌ 1) устидан бўяш, бўяш; 2) пардоз-андоз буюмлари; ~ الْوَجْهِ грим; 3) лок, зарқоғоз; 4) баъзи дарахтларнинг танасидаги суюқликдан тайёрланган бўёқ; 5) узум шарбатининг учдан икки қисми буғлангунича қайнатиб тайёрланган ичимлик; шароб, май

– طَلَّاءٌ зарқоғоз берувчи, зарқоғоз югуртирувчи

– طَلَّايَةٌ = طَلَّايَةٌ

– طَلَاوَةٌ, طُلَاوَةٌ, طَلَاوَةٌ 1) равонлик, силлиқлик; 2) нафислик, нафосат, нозиклик, назокат, латифлик; латофат; гўзаллик; қизиқтирувчанлик

– طَلِيٌّ[1] гўзал, қизиқ, латиф

– طَلِيٌّ[2] *кўп.* طُلْيَانٌ қўзи, қўзичоқ

– طُلْيَةٌ *кўп.* бўйин, гардан; бўйин ости

طَلْيَنَ итальяклаштирмоқ

– طَلْيَانٌ *жам.* итальянлар

– طَلْيَنَةٌ итальянлаштириш

I طَمَّ (*а/у*) طَمٌّ сув билан қопламоқ, сув бостирмоқ; тўлиб-тошмоқ (*сув ҳақида*)

– طَامَّةٌ 1) оғир фалокат, бахтсизлик; 2) қиёмат

– طَمٌّ кўп миқдордаги (*сув*); жуда кўп; الـ~ الرَّمِّ катта бойлик, сероблик, мўл-кўллик, тўкин-сочинлик, фаровонлик; денгиз; ◊ جَاءَ بِالـ~ وَ الرَّمِّ жуда кўп бойлик олиб келмоқ

طَمْأَنَ тинчлантирмоқ, хотиржам қилмоқ, ишонч ҳосил қилдирмоқ; ~ ظَهْرَهُ белини эгмоқ, белини букмоқ, қаддини эгмоқ; اطْمَأَنَّ (*н. дандир*) хотиржам бўлмоқ, (*н. гадир*) ўзида ишонч ҳис қилмоқ (إِلَى); ~ إِلَيْهَا (*иш*) тинчланди; 2) (*к. гадир*) ишонмоқ, ишонч билдирмоқ (إِلَى); 3) суриштириб ишонмоқ, суриштирмоқ, (*к.н. ҳақдадир*) хабардор бўлмоқ (عَلَى); ~ عَلَى وُجُودِهِ бирор нарсанинг мавжудлигига ишонч ҳосил қилмоқ; ~ عَلَى صِحَّتِهِ кимнингдир сиҳат-саломатлигини суриштирмоқ; (*қаердадир*) бўлмоқ (ب)

– اطْمِئْنَانٌ 1) хотиржамлик; ишонч; хавфсизлик туйғуси (ҳисси); 2) ишонч, ишонч

– طُمَأْنِينَةٌ 1) хотиржамлик, тинчлик; 2) ишонч

– مُطْمَئِنٌّ 1) хотиржам; тинч, ишончли; 2) ишончсизлик, паст кайфиятдаги, пастгашлиқдан иборат (*жой ҳақида*)

I (طمث) طَمْثٌ (*а*) طَمْثٌ ҳайз кўрмоқ; طَمَثَ (*у, и*) طَمْثٌ (*кимнинг*) бокиралигини бузмоқ

– طَمْثٌ ҳайз, менструация

I طَمَحَ (*а*) طُمُوحٌ 1) бошни кўтариб карамоқ; ... بَصَرُهُ إِلَى ~ (*н. нафир қўярда-қўймай хиралик билан*) талаб қилмоқ; 2) бошни кўтариб қарамоқ, (*н. гадир*) назар ташламоқ; بِأَنْفِهِ ~ кеккаймоқ, такаббур бўлмоқ, бурунни кўтармоқ (ب); 3) хоҳламоқ, (*н. нидир хиралик билан*) талаб қилмоқ, (*н. гадир*) интилмоқ (إِلَى); 4) (*н. нидир*) олиб кетмоқ (ب)

– طَامِحٌ 1) хоҳловчи, истовчи, ~ لَـ لَيْسَ وَرَاءَهُ مَطْمَحٌ шундан кейин ҳам бирор нарсани хоҳлаб бўладими?!, 2) иззатталаб, шуҳратпараст

– طَمَّاحٌ 1) (*н. нидир хиралик билан*) талаб қилувчи; (*н. гадир*) интилувчи (إِلَى), 2) иззатталаб киши, шуҳратпараст киши, 3) очкўз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

баднафс, ебтўймас, юҳо

– طَمَّاحٌ = طَمُوحٌ

– طُمُوحٌ 1) интилиш, кучли хоҳиш, истак; 2) иззатталаблик, шуҳратпарастлик

– مَطْمَحٌ *кўп.* مَطَامِحُ исталаётган, хоҳланаётган нарса, қўйилган мақсад

I طَمَرَ (*у, и*) طَمْرٌ 1) кўммоқ, дафн қилмоқ; (*н. билан дир*) кўмиб қўймоқ (*чуқурни*); بِئْرًا ~ қудуқни кўмиб қўймоқ; النَّارَ ~ оловни (*тупроқ, кул билан*) кўмиб ўчирмоқ; طَمَّرَ 1) дафн қилмоқ; 2) (*эгни*) ювмоқ, тозаламоқ; VII انْطَمَرَ 1) дафн қилинмоқ; 2) кўмилган бўлмоқ, ўралган бўлмоқ (*мас., кўрпага*)

– طُمَارٌ отқашлағич

– طِمْرٌ *кўп* أَطْمَارٌ эски-туски, увада, жулдур, йиртиқ-ямоқ кийим

– طُومَارٌ *кўп.* طَوَامِيرُ 1) ўроғлик қоғоз; 2) (*қоғоз*) ўлчами, формати; 3) тумор (*ёзув хат турларидан бири*)

– مِطْمَارٌ *кўп.* مَطَامِيرُ *ёки* مِطْمَرٌ *кўп.* مَطَامِرُ 1) шоқил; 2) тик ёнбағир, тик қоя, қоянинг тик тушган ёнбағри

– مَطْمُورٌ 1) дафн қилинган, кўмилган, 2) кўмиб қўйилган

– مَطْمُورَةٌ *кўп.* مَطَامِيرُ ишончли, ҳеч ким тополмайдиган яширин жой, ертўла; омбор, (ертўласимон) дон сақланадиган омбор

I (طمس) طَمَسَ[1] (*и*) طُمُوسٌ ўчирилмоқ, йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ, الْبَصَرُ ~ *ёки* الْعُيُونُ ~ кўриш қобилиятини йўқотмоқ; طَمَسَ[2] (*и*) طَمْسٌ ўчирмоқ, текисламоқ, йўқ қилмоқ, (*изларни*) яширмоқ; ~ ... الْخَبَرَ إِلَى أَنْ ...гача (...га қадар) хабарни яширин тутмоқ; V تَطَمَّسَ ўчирилмоқ ўчирилиб кетмоқ, ўчиб кетмоқ (*из ҳақида*); VII انْطَمَسَ ўчирилмоқ, текисланмоқ; яширин (ноаниқ) бўлмоқ (қолмоқ)

– طَامِسٌ ўчирилган; ноаниқ, қоронғи

– طَمْسٌ ўчириш; (*жиноят изларини*) яшириш

طَمْطَمَ 1) ғудурламоқ, пойма-пой гапирмоқ; 2) (*араб тилида бошқачароқ талаффузда*) гапирмоқ

– طَمَاطِمُ *бот жам* томат, помидор, патинжон

– طَمْطَامٌ очиқ денгиз

– طَمْطَمِيٌّ, طُمْطُمَانِيٌّ *кўп.* طَمَاطِمُ (*араб тилида бошқачароқ талаффузда*) гапирувчи

– طَمْطَمَانِيَّةٌ (*чет элликларнинг арабча гапиргандаги*) талаффуз, акцент; الـ деб айтиш ўрнига أم деб талаффуз қилиш (айтиш)

I (طمع) طَمِعَ (*а*) طَمَعٌ қаттиқ истамоқ (хоҳламоқ); طَمُعَ (*у*) طَمَاعَةٌ қизғончиқ (очкўз) бўлмоқ; II طَمَّعَ 1) истак пайдо қилмоқ, бошни айлантирмоқ, ўз йўлига киритмоқ; 2) жасоратли қилмоқ, ижижитмоқ; IV أَطْمَعَ истак пайдо қилмоқ, бошни айлантирмоқ, ўз йўлига киритмоқ

– طَمَّاعٌ 1) кучли (қаттиқ) истак (ўрсатувчи); 2) қизғончиқ, очкўз; манфаатпараст

– طَمَّاعَةٌ 1) кучли (қаттиқ) истак (хоҳиш); 2) қизғончиқлик; очкўзлик; манфаатпарастлик

– طَمَّاعِيَّةٌ кучли (қаттиқ) истак (хоҳиш), интилиш

– طَمَعٌ *кўп.* أَطْمَاعٌ 1) кучли (қаттиқ) истак (хоҳиш); 2) қизғончиқлик, очкўзлик; ◊ ذَوُو أَطْمَاعٍ манфаатдор шахслар, манфаат эгалари

– طَمِعٌ *ёки* طَمُعٌ жуда (қаттиқ) хоҳловчи

– طَمْعَانُ қизғончиқ, очкўз

– مِطْمَاعٌ ўта қизғончиқ, ўта очкўз

– مَطْمَعٌ *кўп.* مَطَامِعُ 1) истак, хоҳиш; орзу, тамаъ; мўлжалланган бирор нарса, манфаатлар; 2) хоҳланган (орзу қилинган) нарса

– مَطْمَئَةٌ орзу (истак) пайдо қиладиган нарса; орзу, истак, ҳавас, аасваса, йўлдан озиш

طُمَاقٌ, طُمَاقٌ *кўп.* ـَاتٌ — гетр (*тўпиқдан болдиргача беркитиб турадиган чарм кўнж*); гамаш (*тўпиқдан болдиргача беркитиб турадиган пайпоқ*)

(طمن) طَمَّنَ тинчлантирмоқ, хотиржам қилмоқ; ишонтирмоқ; ишонч қозонмоқ; طَمِّنُوا بَالَكُمْ! тинчланинг!, хотиржам бўлинг!, III طَامَنَ тинчлантирмоқ, хотиржам қилмоқ, VI تَطَامَنَ 1) эгилмоқ, энгашмоқ, эгиттекис бўлмоқ (*ер, жой ҳақида*); 2) хотиржам бўлмоқ, (*қўрқувдан*) қутулмоқ, чиқмоқ

– طُمَأْنِينَةٌ хотиржамлик, хавфдан сақланиш (эҳтиёт бўлиш) ҳисси (туйғуси, сезгиси); ишонч

I (طمو) طَمَا (*у*) طُمُوٌّ қирғоқлардан чиқмоқ (тошмоқ); طَمَى (*и*) طَمْيٌ лойқа бўлмоқ, лойқаланмоқ (*сув ҳақида*)

– طَامٍ *мн.* طَامِيَةٌ 1) қирғоқлардан тошувчи; сершув, суви кўп, 2) лойқали, балчиқли; الْمَاءُ الطَّامِي лойқа сув

– طَمْيٌ *кўп.* أَطْمَاءٌ чўкинди, лойқа, балчиқ

– طَمِيٌّ лойқали, балчиқли, чўкиндили, أَرْضٌ ~َةٌ лойқали, балчиқли ер (*тупроқ*)

I طَنَّ (*а/и*) طَنِينٌ 1) овоз (товуш) чиқармоқ, садо бермоқ; жаранглamoқ, жиринглamoқ; сайратилмоқ, янграмоқ; نَطَنُ الْأُذُنُ қулоқда жанғилламоқ; 2) ғувилламоқ, визилламоқ, ғинғилламоқ (*ҳашаротлар ҳақида*); II طَنَّنَ 1) овоз (товуш, садо) чиқармоқ; жаранглamoқ, жиринглamoқ; 2) ғувилламоқ, ғинғилламоқ, визилламоқ

– طُنٌّ[1] *кўп.* أَطْنَانٌ 1) тан, тана, бадан; 2) боғ, боғлам

– طُنٌّ[2] *кўп.* أَطْنَانٌ тонна

– طَنَّانٌ 1) жарангдор, жарангли, янгроқ; الطَّائِرُ الـ~ *зоол* колибри (*Америка ва Африкада яшайдиган кичкина рангдор сайроқи қуш*); 2) машҳур, шуҳратли, атоқли, таниқли; مَتَالَةٌ ~َةٌ шовқин-суронли (баландпарвоз) мақола, шов-шувга сабаб бўлган (шов-шув кўтарган) мақола

– غَضَاضَةٌ[1] янгилик; ёқимлилик; сершувлик, ширадорлик; ~ الْإِهَابِ *маж.* ёшлик, ўсмирлик

– غَضَاضَةٌ[2] 1) қадр-қимматини пасайтириш; шармандалик; 2) бало, офат; зарар, айб, камчилик; 3) (*айрилиқдаги*) азоб, қийинчилик; ◊ ... لَيْسَ مِنْ ~ عَلَيْهِ أَنْ унинг учун шу нарсада айб йўққи, ...; ... فِي أَنْ لَا يَجِدُونَ ~ улар шу нарсани айб деб ҳисобламайдиларки, ...

– غُضَّةٌ пасайтириш, камайтириш; қадрини пасайтириш, ерга уриш, шармандалик

– غُضُوضَةٌ янгилик; ёқимлилик; сершувлик, ширадорлик

غَضِيضٌ янги; ёқимли, сершув, ширадор

I **غَضِبَ** (а) غَضَبٌ (*к. гадир*) аччиқ қилмоқ, ғазаб қилмоқ (عَلَى); II غَضَّبَ аччиқлантирмоқ, ғазаблантирмоқ; III غَاضَبَ ўзаро аччиқлашишмоқ, ғазаблашишмоқ; IV أَغْضَبَ ғазаблантирмоқ ғазабини қўзғамоқ; V تَغَضَّبَ қаттиқ ғазабланмоқ, ғазаб отиға минмоқ; (*к. дандир*) ғазабланмоқ, аччиқланмоқ (عَلَى); VI تَغَاضَبَ ғазабга келмоқ; X اسْتَغْضَبَ қаттиқ ғазабга келмоқ, қутуриб кетмоқ

– غَاضِبٌ аччиқланган, ғазабланган

– غُضَابِيٌّ қовоғи осилган, аччиғи чиққан

– غَضْبٌ: الْـ~ الْأَحْمَرُ тўқ қизил; ~ أَحْمَرُ = الْـ~ الْأَحْمَرُ

– غَضْبٌ = غَاضِبٌ

– غَضَبٌ ғазаб, қаттиқ аччиқланиш; кек, адоват, хусумат, норозилик; ~ سَرِيعَةُ الْـ тез аччиқланиш; ~ أَخَذَ مِنْهُ الْـ у аччиқланди; ~ الْـ آثَارَ кимнидир аччиқлантирмоқ, صَبَّ ~ الْـ عَلَيْهِ ... кимгадир аччиғини (заҳрини) тўкмоқ, يَأْكُلُهُ الْـ ~ ғазаб унинг ич-этини еб ташлаётир; ~ أَحْمَقَ شَدِيدٌ аҳмоқнинг ғазаби даҳшатли бўлади

– غَضْبَانُ *мн.* غَضْبَى *кўп* غِضَابٌ ғазабли, ғазабкор, аччиқланган; норози

– غَضَبِيَّةٌ ғазабнинг ортиши (чиқиши, хуружи)

– غُضْبَةٌ жаҳли тез, сержаҳл; رَجُلٌ ~ жаҳли тез одам

– غَضُوبٌ ғазабли, аччиғи чиққан; сезарда, ўзини тутолмайдиган

– مُغْضَبٌ ғазабланган, аччиқланган, дарғазаб; بِـ~ ғазаб билан, ғазабнок

– مَغْضَبَةٌ ғазаб, жаҳл

– مَغْضُوبٌ عَلَيْهِ: ~ ғазаб қилинадиган одам; ғазаблантирадиган нарса

I (غضر) **غَضَرَ** (а) غَضَارَةٌ 1) мўл-кўл, гуркираган (яшнаб ётган) бўлмоқ (*ўсимликлар ҳақида*); 2) фаровон яшамоқ; (*н. гадир*) меҳрли (хайрихоҳ) бўлмоқ (عَلَى); غَضَرَ (и) غَضْرٌ (*к. дандир*) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ; (*к. нидир*) ташлаб кетмоқ (عَنْ)

– غَضَارٌ гил, чинни гил, оқ гил

– غَضَارَةٌ 1) гуркираганлик, мўл-кўллик, яшнаб ётганлик (*ўсимлик ҳақида*). 2) фаровонлик; бахтли ҳаёт; كَانَ فِي ~ مِنَ الْعَيْشِ фаровон ҳаёт кечирмоқ; الصِّبَا ~ فِي ёшликнинг яшнаган вақтида

– غَضِرٌ мўл-кўл, гуркираган, яшнаб ётган, сероб (*ўсимликлар ҳақида*)

– غَضِيرٌ = غَضِرٌ

– غُضْرُوفٌ *кўп* غَضَارِيفُ кемирчак, тоғай

– غُضْرُوفِيٌّ кемирчакли, тоғайли; الْأَسْمَاكُ الْـ~ ـةُ осётр балиғи, қизил балиқ

(غضّ) II غَضَّنَ тириштирмоқ, тириш (ажин) ҳосил қилмоқ; ~ مِنْ جَبِينِهِ пешонани тириштирмоқ; III غَاضَنَ кўз қисмоқ; V تَغَضَّنَ тириштирилмоқ, ажин ҳосил бўлмоқ

– غَضْنٌ, غَضَنٌ *кўп* غُضُونٌ 1) тириш, ажин; 2) бурама, эгик-букик, эгри-бугри жойлар; غُضُونُ الْأُذُنِ қулоқнинг эгри-бугри жойлари; 3) қийинчилик, азобли меҳнат, машаққат; ◊ فِي غُضُونِ الْحَرْبِ уруш вақтида, فِي غُضُونِ ذَلِكَ шу орада; ~ الْمَقَالَةِ мақола давомида

– مُتَغَضِّنٌ ажинли, тиришли

– مُغَاضَنَةٌ кўз қисиш

– مُغَضَّنٌ ажин босган, тиришли; эгри-бугри қилинган; ~ صَاجٌ гофра (эгри-бугри, тарновсимон) қилинган тунука (темир)

غَضَنْفَرٌ шер

www.ziyouz.com kutubxonasi

(غضى) IV أَغْضَى 1) (*кўзни*) юммоқ, 2) (*н. дандир*) кўз юммоқ, эътиборсиз қолдирмоқ (عَنْ). VI تَغَاضَى (*к. нидир*) эркалатиб, юбормоқ, ўз ихтиёрига қўймоқ, эрк бериб қўймоқ (*н. гадир*) эътиборсиз қарамоқ, четлаб ўтмоқ (عَنْ)

– إِغْضَاءٌ 1) (*кўз*) юмиш; 2) эркалатиб юбориш, ўз ихтиёрига қўйиш, эрк бериб қўйиш

– إِغْمَاض = تَغَاض

– غَضًّا, غَضِيّ *жам бот* ғадо (*тиконли ўсимлик тури*), ◊ غَضِيُّ أَحَرُّ مِنْ جَمْرِ الْـــ~ чўғ устида ўтиргандаи (тикон устида ўтиргандай)ман

– غَضَاةٌ ғадо тупи

I (غطّ) **غَطَّ**[1] (*a/y*) غَطِيطٌ хуррак отмоқ, хирилламоқ (*ўлаётган одам ҳақида*); жазилламоқ (*қозурдоқ, ҳақида*). **غَطَّ**[2] (*a/y*) (*сувга*) чўмдирмоқ ботирмоқ, IV أَغَطَّ (*сувга*) ботирмоқ VII اِنْغَطَّ ботган (ботирилган) бўлмоқ

– غَطِيطٌ хуррак, хириллаш

– غُطَيْطَةٌ туман

غُطْرَةٌ мотамда тутиладиган даструмол

غَطْرَسَ кеккайган (такаббур) бўлмоқ, кибрли бўлмоқ, تَغَطْرَسَ = تَغَرْبَسَ

– غَطْرَسَةٌ кеккайиш, такаббурлик, кибрлилик, мағрурлик, ножоиз хулқ-атвор

– غَطْرَسِيٌّ *кўп* غَطَارِسَةٌ жирттаки, такаббур, кибрли

– غَطْرَسٌ = مُتَغَطْرِسٌ

غَطْرَشَ беэътибор бўлмоқ, панжа орасидан қарамоқ

– غَطْرَشَةٌ (*бирор н. дан*) кўз юмиш йўл қўйиш, ердамлашиш

غَطْرِيفٌ *кўп* غَطَارِيفُ 1. олийжаноб 2. 1) олийжаноб одам, таниқли киши, шуҳратли одам; 3) доҳий

I **غَطَسَ** (и) غَطْسٌ 1) (*сувга*) тушмоқ, чўмилмоқ, кўмилмоқ; 2) шўнғимоқ; 3) ботирмоқ; II غَطَّسَ 1) ботирмоқ, чўктирмоқ, шўнғитмоқ; 2) *дин* (*чўмилтириб*) чўқинтирилмоқ (*христианларда*), V تَغَطَّسَ 1) чўмилмоқ, сувга кўмилмоқ (ботмоқ); 2) *дин* (*чўмилтириб*) чўқинтирмоқ (*христианларда*)

– تَغْطِيسٌ 1) (*сувга*) ботиш, тушиш; 2) *дин* чўқиниш, чўқинтириш

– غَاطِسٌ (*кумга*) ўтириб қолиш (*кема ҳақида*). ◊ ~ لَوْنٌ қора ранг

– عِمَادٌ *дин* чўқиниш, чўқинтириш. ~ عِيدُ الْـــ *дин* чўқинтириш байрами (*христианларда*)

– غَطَّاسٌ 1. шўнғувчи, 2. 1) ғаввос, 2) *зоол* сув чумчуғи, оқчорлоқ (*қуш*)

– مُغَطَّسٌ 1) сувга киргач чўмилган, ювинган; 2) *ўзб* 1) ғарқ, 2) кўздан яшириниб юрган

– غَطِيسٌ қора (*ранг ҳақида*)

– مَغْطَسٌ, مِغْطَسٌ *кўп* مَغَاطِسُ 1) ванна; *дин* (*чўмилтириладиган*) тоғора, жом (*христианларда*)

I (غطش) **غَطَشَ** (и) غَطْشٌ қоронғи бўлмоқ (*тун ҳақида*); غَطِشَ (а) غَطَشٌ ожиз, кучсиз бўлмоқ (*кўриш ҳақида*); IV أَغْطَشَ 1) қоронғи қилмоқ, қоронғилатмоқ; اللهُ اللَّيْلَ ~ Оллоҳ тунни қоронғи қилиб яратди, 2) қоронғи бўлмоқ, қоронғилашмоқ; тун қоронғилашди; V تَغَطَّشَ = غَطِشَ

– أَغْطَشُ *мн.* غُطْشَاءُ *кўп* غُطْشٌ кучсиз (ёмон) кўрадиган, узоқни унча яхши кўролмайдиган, кўзи ожизроқ

– غَطَشٌ қоронғилик

– غُطْشٌ кўришнинг кучсизлиги (ожизлиги), кўзнинг хиралиги

غَطَمْطَمٌ кенг, бепоён; ~ الْمُحِيطُ الْـــ бепоён океан

I (غطو) **غَطَا** (у) غَطْوٌ қопламоқ; ёпмоқ, II غَطَّى 1) қопламоқ; тўлаб қўймоқ تَغْطِيَةُ الْعَجْزِ ~ камчиликни тўлдирмоқ (қопламоқ) الدُّيُونَ ~ қарзларни қопламоқ (тўламоқ); النَّفَقَاتِ ~ сарфларни қопламоқ, 2) яширмоқ, беркитмоқ; пинҳон тутмоқ (*мас*, *ёлғонни*), الْعُيُوبَ ~ овозни ўчирмоқ, босиб кетмоқ, ◊ الْأَحْدَاثَ ~ воқеа-ҳодисаларни ёритмоқ (*матбуот ҳақида*), V تَغَطَّى (*бирор н. билан*) қопланмоқ, (*ўрни*) тўлдирилмоқ; VIII اِغْتَطَى = V

– تَغْطِيَةٌ 1) епиш, ўраш, узиш (*мас*, *қарзларни*), 2) яшириш, пинҳон тутиш, ёпиш (*мас*, *ёлғонни*), ◊ الْأَحَادِيثِ ~ воқеа-ҳодисаларни ёритиш (*матбуот ҳақида*)

– غِطَاءٌ *кўп* أَغْطِيَةٌ 1) ёпинчиқ; дастурхон; ~ ... ~ ...ни суфра, дастурхон, الرَّأْسِ ~ бош ёпинчиғи, [illegible]имий, 2) (*бирор н. ни қоплаб турган*) қатлам; عُشْبِيٌّ ~ ўт-алаф қатлами, ~ نَبَاتِيٌّ ўсимлик қатлами, 3) қопқоқ, покришка; қоплама (*мас*, *мебелдаги*)

– غِطَائِيَّةٌ пўст, пўчоқ, парда

I **غَفَّ** (*a/y*) тутмоқ, қутилмаганда устидан чиқиб қолмоқ

I **غَفَرَ** (и) غَفْرٌ, غُفْرَانٌ 1) (*к. нидир*) кечирмоқ, афв қилмоқ (لِـــ); يُغْفَرُ кечириладиган; لَا يُغْفَرُ кечирилмайдиган; اللهُ ~ لِـــ Оллоҳ ...ни кечирсин!, 2) *дин* (*гуноҳларни*) мағфират қилмоқ. II غَفَّرَ 1) ёпмоқ; 2) (*н. нидир*) пойламоқ, қўриқламоқ (عَلَى *сол* حَفَرَ). VII اِنْغَفَرَ кечирилган (афв қилинган) бўлмоқ, VIII اِغْتَفَرَ 1) кечирмоқ, афв қилмоқ, 2) *мажз* кечирилган (афв қилинган) бўлмоқ, يُغْتَفَرُ кечириладиган, لَا يُغْتَفَرُ кечирилмайдиган, X اِسْتَغْفَرَ афв этишни ...дан кечиришини сўрамоқ; اَسْتَغْفِرُ اللهَ Оллоҳ, мағфират қил кечир! (*сўзма-сўз* Оллоҳдан кечирим сўрайман)

– غَافِرٌ кечирувчи, афв қилувчи, гофир

– غَفُورٌ ҳамма нарсани кечира олувчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

– غَفَّارَة *кўп.* غَفَافِير *черк.* (*руҳонийларнинг*) кийими

– غَفَارَة *кўп.* غَفَائِر 1) покришка; қалпоқ; аёллар рўмоли; 2) ёмғирпўш, плаш

– غَفْر[1] кечириш, афв этиш; !~ кечирасиз!

– غَفْر[2] устини ёпиш (қоплаш, ўраш, буркаш)

– غَفَر қоравул; конвой (*сол.* حَفَر)

– غُفْرَان кечириш, афв этиш; гуноҳларни мағфират қилиш; صَكّ الـ~ индульгенция (*католикларда: гуноҳи кечирилганлиги ҳақида ҳужжат*) عِيدُ الـ~ *дин.* ғуфрон ҳайити (*яҳудийларда*)

– غُفْرَة қопқоқ, покришка, коплама

– غَفُور = غَفَّار

– غَفِير[1] *кўп.* غُفَرَاء қоравулликда турувчи; қоравул (*сол.* حَفِير)

– غَفِير[2] 1) ҳамма нарсани кечирувчи; 2) кўп сонли; ~ جَمّ кўп сонли оламон; الـ~ مِنَ الْعُمَّال وَ الْفَلَّاحِينَ ишчи ва деҳқонлар оммаси

– مِغْفَر, مِغْفَرَة *кўп.* مَغَافِر ҳимоя қилувчи кийим, шлем

– مَغْفَرَة кечириш; *дин.* мағфират

– مَغْفُور кечирилган, афв этилган, мағфират қилинган; ◊ لَهُ ~ вафот этган, ўлган

غَفْلَة уйқу; мудроқ, мудраш

III (غفص) غَافَصَ қўққисдан (тўсатдан) олиб қўймоқ

I **غَفَلَ** (у) غُفُول, غَفْل 1) ғафлатда (беэътибор, эҳтиётсиз) бўлмоқ; (*н. нидир*) сезмай қолмоқ (*н. ғадир*) беэътибор бўлмоқ (عَنْ); 2) мудрамоқ; ما ~تْ عَيْنِي طُولَ اللَّيْل бутун тун бўйи кўз юммадим; II غَفَّل 1) ғафлатда (эътиборсиз) деб ҳисобламоқ; 2) унуттирмоқ; 3) нодон деб ҳисобламоқ; III غافل 1) ғофиллигидан фойдаланиб қолмоқ, пайт пойламоқ; ~تُهُ мен унинг ғафлатдалигидан фойдаланиб қолдим; 2) ғафлатдаликда қўлга олмоқ (тутмоқ); IV أَغْفَل 1) эътибордан соқит қилмоқ, эътибордан туширib қолдирмоқ, туширib қолдирмоқ; اسْمُهُ ~ مَنْ اسْمُهُ аноним равишда (имзосиз) эълон қилмоқ; 2) (*ҳеч қандай*) кўрсатмасиз қолдирмоқ; исмсиз (имзосиз) қилмоқ; V تَغَفَّل 1) беэътиборлик (диққатсизлик) қилмоқ; 2) кимнингдир ғафлатдалигидан фойдаланмоқ; ғафлатдаликда қўлга олмоқ (тутмоқ); VI تَغَافَل 1) ўзини ғафлатга солмоқ; 2) (*бирор н. га*) беэътибор бўлмоқ (عَنْ); 3) (*бирор н. ни*) сезмасликка ҳаракат қилмоқ (عَنْ); X اسْتَغْفَل 1) нодон (аҳмоқ) деб ҳисобламоқ; 2) ғафлатдалигида босмоқ; 3) (*к. нингдир*) ғафлатдалигидан (эътиборсизлигидан) фойдаланмоқ; 4) ғафлатда қолдирмоқ, алдамоқ, фириб бермоқ

– إِغْفَال 1) эътиборга олмаслик, эътиборсизлик; 2) ташлаб кетиш, қолдириб кетиш; ~ الْأَوَامِر буйруқларга амал қилмаслик

– تَغَفُّل 1) диққатсизлик, эътиборсизлик, эҳтиетсизлик; 2) нодонлик, аҳмоқлик

– غَافِل *кўп.* غُفُول ғофил, эҳтиётсиз, диққатсиз; эътиборсиз

– غَفَل диққатсизлик, эътиборсизлик, бепарволик

– غُفْل 1. 1) *шунингдек:* مِنَ الْإِمْضَاء ~ *ёки* مِنَ التَّوْقِيع ~ аноним, имзосиз, имзоси йўқ; مِنَ التَّأْرِيخ ~ (ёзилган) куни кўрсатилмаган, числосиз; 2) ҳеч нарса ёзилмаган, бўм-бош; 3) номаълум, нотаниш; 4) хом, қайга ишланмаган; ~ حَدِيدٌ *қар.* حَدِيدٌ[2]; 2. *шунингдек:* الْمَادَّة الـ~ хомашё

– غَفَلَان *мн* غَفَلَى *кўп* غُفَّل 1) мудраётган, ғафлат уйқусидаги; 2) эътиборсиз, диққатсиз, эҳтиетсиз; бепарво

– غَفْلَة 1) ғафлат, диққатсизлик, эътиборсизлик, эҳтиётсизлик; хафагарчилик; ~ عَنْ эҳтиетсизлик сабабли; ... فِي ~ ...га эътибор бермайди; 2) беташвишлик; бефарқлик, фарқсизлик; ғайратсизлик, танбаллик, дангасалик; 3) нодонлик, аҳмоқлик; ◊ عَلَى ~ ёки ~ عَلَى حِين тўсатдан, кутилмаганда, дафъатан; ~ فِي عَيْن кўз юмиб-очгунча; مَوْتُ الـ~ тўсатдан келган ўлим

– مُغْفَل аноним, имзосиз; ~ـة رِسَالَة аноним (имзосиз) хат; ~ـة شَرِكَة *савдо.* аноним ширкат, номаълум компания, яширин ширкат (компания)

– مُغَفَّل 1. аҳмоқ, нодон; 2. анқов, соддадил, сўтак; саводсиз, билимсиз

– مُغَفَّلَة чўққи соқолнинг икки томони

I (غفى) **غَفَا** (у) غَفْو 1) мудрамоқ, пинакка кетмоқ; 2) (*н. нидир*) унутмоқ, эсдан чиқармоқ (عَنْ); IV أَغْفَى 1) мудрамоқ; 2) (*н. ғадир*) кўз юммоқ

– إِغْفَاءَة пинак, қисқа уйқу, қуш уйқуси

– غَفْوَة мудроқ, қисқа уйқу, қуш уйқуси

I (غفى) **غَفِيَ** (а) غَفَاة мудрамоқ

I (غل) **غَلَّ** (а/у) غَلّ 1) боғламоқ; кишан солмоқ; تَغُلُّ التَّعْلِيمَاتُ أَيْدِيَهُمْ кўрсатма (*инструкция*) лар уларнинг қўл-оёғини боғлаб қўйган; 2) (*фойда*) келтирмоқ; (*ҳосил*) бермоқ; 3) кирмоқ, киришмоқ, киритмоқ, (*ҳисобга, рўйхатга*) қўшмоқ; ~ يَدَهُ إِلَى عُنُقِه хасислик (бахиллик) қилмоқ; 4) *мажҳ.* а) боғланган бўлмоқ; غُلَّتْ يَدُهُ إِلَى عُنُقِه *маж.* у ғоят қизғончиқ, у томса ялар (*сўзма-сўз:* унинг қўллари бўйнига боғланган), б) чанқоқликдан азоб тортаётган бўлмоқ; غَلّ (а/и) غُلّ, غَلِيل нафратга (ғазабга) тўлган бўлмоқ; ~ صَدْرُهُ у ғазабга тўлган; غَلّ (у) غُلُوّ хиёнат қилмоқ; II غَلَّل 1) боғлаб қўймоқ; кишан солмоқ, кишанламоқ; 2) кирмоқ, киритмоқ, (*рўйхатга*) қўшмоқ; IV أَغَلّ 1) (*фойда*) келтирмоқ; (*ҳосил*) бермоқ; ~ رِبْحًا كَبِيرًا (*к. ғадир*) катта фойда келтирмоқ (لِـ); 2) хиёнат қилмоқ; V تَغَلَّل (*қаергадир*) кирмоқ (فِي); VII اِنْغَلَّ = V; X اسْتَغَلَّ 1) фойда чиқармоқ; фойдаланмоқ; 2) эксплуатация қилмоқ, ишлатмоқ

– اسْتِغْلَال 1) фойдаланиш; эксплуатация, ишлатиш; ~ الْإِنْسَان

www.ziyouz.com kutubxonasi

للْإِنْسَان кишини киши томонидан эксплуатация қилиш

– إِغْلَالٌ хиёнат

– تَغَلُّلٌ (*қаергадир*) кириб бориш, кириш (فِي)

– غُلٌّ[1] қаттиқ ташналик (чанқоқлик)

– غُلٌّ[2] *кўп.* أَغْلَالٌ темир бўйинбоғ; кишан, занжир

– غِلٌّ нафрат, ғазаб, кин

– غُلَالٌ дон, ғалла, донли ғалла (*сор.* غَلَّةٌ)

– غِلَالَةٌ *кўп* غَلَائِلُ 1) қатлам; пўст; парда: غِلَالَةٌ ~ шаффоф парда (вуал); ~ الْجَنِين ҳарс: ўт очиб ҳосил қилинган тусиқ (парда), 2) ички кийим, ички кўйлак

– غَلَّةٌ *кўп.* غَلَّاتٌ, ـَاتٌ 1) маҳсулот, 2) йиғим, кирим, фойда, 3) ўрим, ҳосил, 4) ғалла, донли ғалла; ~ تَاجِرُ الـ ғаллафуруш, аллоп

– غُلَّةٌ 1) қаттиқ чанқоқлик, ташналик, هٰذَا لَا يُبَرِّدُ ~ وَ لَا يُشْفِي ~ عُلَّةٌ وَلَا يَقْنَعُ بِلَّةٌ! *мит.* бу мени мутлақо қониқтирмайди! 2) эҳтиросли истак

– غُلِيٌّ 1) қаттиқ чанқоқлик, ташналик; 2) ~ـهُ أَرْوَى чанқоқни босмоқ, 2) эҳтиросли истак, ташналик, 3) ғазаб, нафрат; ◊ هٰذَا لَا ~ ... يُشْفِي ...га бу етарли эмас, ...ни бу қониқтирмайди

– غَلِيلَةٌ *кўп.* غَلَائِلُ 1) совут, зирҳ, 2) ички кўйлак

– مُتَغَلْغَلٌ (*ичкарига*) кирувчи

– مُسْتَغَلٌّ *кўп.* اتٌ ـــ фойда, кирим

– مُسْتَغِلٌّ 1. 1) фойдаланувчи; 2) эксплуатация қилувчи; ишлатувчи; 2. эксплуататор

– مُغِلٌّ 1) унумли, унумдор; серҳосил; фойдали, 2) ғазабли, ғазабнок, дарғазаб

– مُغَلَّلٌ боғланган, кишанланган

– مَغْلُولٌ 1) боғланган, кишанланган الْأَيْدِي ~ қўллари боғлиқ, 2) ташналик азобини тортаётган; 2) кекчи, гина сақловчи, ўчини олмай қўймайдиган; қаҳр-ғазабга тўла

I **غَلَبَ** (и) غَلَبَةٌ 1) ғалаба қилмоқ, ғолиб келмоқ; (*душманни*) мағлуб қилмоқ (*тушк. еки* عَلَى) устун келмоқ, ортиқ бўлмоқ, эҳтимол бўлмоқ, ... أَنْ يَغْلِبُ кўп ҳолларда шундай бўладики, ... ~ عَلَيْهِ الْكَرَمُ ҳар эҳтимолга кўра ...; ~ عَلَى الظَّنِّ أَنَّ ... у ғоят карамли (олийжаноб) дир! 3) *мажз* (*н. гадир*) бекорга куч сарф қилмоқ (فِي), غَلَبْتُ أَكْتُمُهُ у билан гаплашавериб жондан тўйиб кетдим; II غَلَّبَ 1) ғолиб деб тан олмоқ, 2) ғолиб бўлиш имкониятини бермоқ, ғалаба қилдирмоқ, устун келтирмоқ; куч-қудрат (устунлик) бермоқ; (*н. нидир бошқасига қарағанда*) устун (афзал, ортиқ) кўрмоқ (عَلَى); (*н нидир н. дандир*) юқори деб билмоқ (عَلَى) 3) безовта қилмоқ; зериктирмоқ, жонга тегмоқ; III غَالَبَ ғолибликка (устун келишга) интилмоқ; курашмоқ, енгмоқ; V تَغَلَّبَ 1) (*к. дандир*) ғолиб келмоқ, устун келмоқ, (*к. нидир*) енгмоқ (عَلَى); 2) (*тўсиқларни*) енгиб ўтмоқ (عَلَى); 3) (*бирор н. ни*) эгалламоқ (عَلَى); VI تَغَالَبَ ўзаро курашишмоқ, VII اِنْغَلَبَ мағлуб бўлмоқ, енгилмоқ

– أَغْلَبُ[1] 1 афзал (устун) турувчи; эҳтимоли (имконияти) баландроқ; ~ الـ وَ эҳтимоли кучлироқ; 2. *шунингдек*: ~ الْجُزْءُ الـــ (*бирор н. нинг*) каттароқ қисми (бўлаги); ~ الـــ (عَلَى) في кўп ҳолларда, кўпинча, аксаран; ~ الظَّنِّ ҳар эҳтимолга кўра

– أَغْلَبُ[2] *мн.* غُلْبَاءُ *кўп* غُلْبٌ 1) йўғон бўйинли; 2) кучли: حَدِيقَةٌ غُلْبُ الْغُلْبَاءِ дарахтлари зич боғ (*кўп.* حَدَائِقُ غُلْبٌ)

– أَغْلَبِيَّةٌ кўпчилик; афзаллик; سَاحِقَةٌ ~ катта кўпчилик; مُطْلَقَةٌ ~ мутлақ кўпчилик; مُطْلَقَةٌ بِـــ мутлақ кўпчилик томонидан; ~ الثُّلُثَيْنِ ـــ учдан икки қисм кўпчилик томонидан

– تَغْلِبُ *амлок. мар.* Тағлиб (*қабила бошлиғининг исми*)

– تَغَلُّبٌ 1) енгиш; 2) ҳокимлик; 3) (*бирор н. ни*) эгаллаш (عَلَى)

– تَغْلِبِيٌّ *нисбий сифат* تَغْلِبُ *сўзидан*

– غَالِبٌ 1. 1) ғолиб, ғалаба қилган, енган; ~ وَ مَغْلُوبٌ ғолиб ва мағлуб. 2). устун турувчи; тез-тез бўлиб турадиган; ~ الظَّنِّ أَنَّ ... ҳар ҳолда шундай деб ўйлаш мумкинки ...; ~ فِي الْأَحْيَانِ еки ~ الْأَوْقَاتِ кўпинча, кўп ҳолларда; ~ مَا кўпинча; 2. 1) (*бирор н. нинг*) катта (кўп) қисми; ~ فِي الـــ еки ~ وَ الـــ еки ~ кўп ҳолларда, кўпинча; ҳар эҳтимолга кўра; 2) ғолиб

– غَالِبِيَّةٌ кўпчилик

– غَلَّابٌ кураш, яккама-якка кураш; енгиш, устун келиш

– غَلَّابٌ ғалаба келтирувчи, музаффар; жуда кучли, кудратли, ғоят қудратли

– غُلْبٌ *кўп* أَغْلَبُ *дан.* катта қисм, кўпчилик; ~ النَّاسِ одамларнинг кўпчилиги

– غُلْبَانُ 1) камбағал, бахтсиз; 2) бемадор, куч-қувватсиз

– غَلَبَاوِيَّةٌ *кўп.* غَلَبَاوِيَّةٌ сергап, вайсақи

– غَلَبِيَّةٌ 1) ғалаба, зафар; 2) сергаплик, вайсақилик; 3) шов-қин, шовқин-сурон

– غُلْبَةٌ, غَلْبَةٌ мажбурлаш, зўрлик

– مُتَغَلِّبٌ 1 ғалаба келтирувчи, музаффар; 2 зўрловчи

– مُغَالَبَةٌ 1) кураш, яккама-якка кураш; 2) тортишув

– مُغَلَّبٌ бир неча бор мағлубиятга учраган

– مَغْلُوبٌ мағлуб, енгилган; عَلَى أَمْرِهِ ~ мустақиллигидан ажралган, бўйсунувчи, беқувват, камқувват, кучсиз

I **غَلِتَ** (а) غَلَتٌ (*ҳисобда*) хато (ғалат) қилмоқ (янглишмоқ)

(غَلَسَ) II غَلَّسَ (*н. нидир*) тонг қоронғисида бажармоқ; ~ الصَّلَاةَ тонг қоронғисида намоз ўқимоқ; ~ الْمَاءَ тонг қоронғисида сувга етиб келмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَغْلِيسٌ тонг қоронғисидаги юриш

– غَلَسٌ тонготар олдидаги ғира-ширалик, ~ а) қоронғиликда; б) билинтирмай, сездирмай

– غَلْصَمَةٌ *кўп.* غَلَاصِمُ *анат.* кичик тил, тилча, лакпак

I **غَلَطَ** (а) غَلَطٌ хато (ғалат) қилмоқ, янглишмоқ, адашмоқ, нотўғри йўл тутмоқ; II غَلَّطَ 1) хато (ғалат) қилдирмоқ, хато сабабчиси бўлмоқ; хато деб тан олмоқ; хато қилишда айбламоқ; III غَالَطَ янглиштирмоқ, хатога бошламоқ; алдамоқ, фиғиб бермоқ; ~ بِالْكَلَامِ тагдор қилиб ғапирмоқ; IV أَغْلَطَ янглиштирмоқ, хато қилдирмоқ; X اسْتَغْلَطَ хато деб ҳисобламоқ

– أَغَالِيطُ *кўп.* 1) чалкаш (илмоқли) савол; 2) хатолик янглишиш, адашиш; 3) софизм (*қадимги юнон фалсафаси*)

– غَالِطٌ 1) хато қилувчи; 2) хато, ғалат

– غَلَطٌ *кўп.* أَغْلَاطٌ 1) хато ғалат, камчилик, хатолик, янглишиш, адашиш; 2) янглиш

– غَلْطَانُ *мн* غَلْطَى *кўп.* غُلُطٌ 1) хато қиладиган; 2) хато, нотўғри, янглиш, ғалат

– غَلْطَةٌ *кўп.* غَلَطَاتٌ хато, ғалат; مَطْبَعِيَّةٌ ~ босмада ўтиб кетган хато; كِتَابِيَّةٌ ~ қўлёзмадаги хато; فَاحِشَةٌ ~ қўпол хато қилмоқ (қилиб қўймоқ); أَصْلَحَ ~َهُ ўз хатосини тузатмоқ, тўғриламоқ

– مُغَالَطَةٌ 1) хатога бошлаш, ёлғон, алдов; 2) нотўғри хулоса, софистика

– مُغَالِطٌ *кўп* مُغَالِطُونَ 1) тагдор (чалкаш, илмоқли) савол; 2) софизм (*қадимги юнон фалсафаси*)

– مَغْلُوطٌ хато ғалат, нотўғри, янглиш

I **غَلِظَ** ёки غَلُظَ (у) غَلَظٌ, غِلَظَةٌ, غَلَاظَةٌ 1) қалин бўлмоқ, қўпол бўлмоқ, катта (улкан) бўлмоқ; لَهُ فِي الْقَوْلِ ~ кимгадир қўпол ғап қилмоқ; 2) қотмоқ, қуюқлашмоқ, совумоқ (*суюқлик ва ш.к. лар ҳақида*); II غَلَّظَ 1) (*бирор н. ни*) қалин (қўпол) қилиб ясамоқ; (*к. ғадир*) қўпол муносабатда бўлмоқ (لـ); 2) қуюлтирмоқ, қуюқроқ қилмоқ, катталаштирмоқ, ўстирмоқ, кучайтирмоқ ◊ عُقُوبَةً ~ жазони кучайтирмоқ; ◊ الْيَمِينَ ~ қаттиқ (даҳшатли) онт ичмоқ; III غَالَظَ ўзаро дағал (қўпол) ғапириш моқ; IV أَغْلَظَ (*к. баландир н ҳақдадир*) қўпол (адабсиз) ғаплашмоқ (فِي ... لـ); ~ لَهُ فِي الْقَوْلِ у мен билан қўпол ғаплашди; X اسْتَغْلَظَ 1) қалин (дағал) бўлиб қолмоқ; 2) қотмоқ, қуюлмоқ, совумоқ (*суюқлик ва ш.к. лар ҳақида*); 3) қалин (катта, улкан) деб ҳисобламоқ, қуюқ деб ҳисобламоқ; ◊ ~ الشَّيْءَ киймни қўпол ёки катта деб ҳисоблаб сотиб олишдан қочмоқ

– غِلَاظَةٌ 1) қалинлик, катталик, улканлик; 2) зичлик, қуюқлик; 3) қўполлик, қаттиққўллилик; 4) адабсизлик, яхши муносабатда бўлмаслик

– غِلْظَةٌ 1) қалинлик; 2) қўполлик, қаттиққўллилик; ~ـــ ёки ~ فِي қўпол равишда

– غَلِيظٌ *кўп.* غِلَاظٌ 1) қалин, семиз; катта, улкан; الرَّقَبَةِ ~ қайсар; الْمَعِيِّ ~ *анат.* йўғон ичак; 2) қўпол, қаттиққўл; 3) қуюқ, зич; ◊ يَمِينٌ ~ даҳшатли қасам

– مُغَلَّظٌ даҳшатли, қаттиқ (*қасам ҳақида*)

II **غَلْغَلَ** кирмоқ, тарқалмоқ, аралашиб (бирлашиб) кетмоқ; تَغَلْغَلَ 1) кирмоқ; 2) (*қаердадир*) йўқ бўлиб (йўқолиб) кетмоқ (в)

I **غَلَفَ** (и) غَلْفٌ 1) жойламоқ, ичига қўймоқ; 2) суртамоқ, суркамоқ; II غَلَّفَ 1) жойламоқ, конвертга солмоқ; 2) ғилофламоқ, ўрамоқ, ўраб боғламоқ (*устки қават ҳақида*); ~ عُلْبَةً ~ қутини жойламоқ (*мас., коробкага*); IV أَغْلَفَ 1) бирор нарсага ғилоф ясамоқ; 2) бирор нарсани ғилофга солмоқ; V تَغَلَّفَ ичга жойламоқ; ичга жойланмоқ, солинган бўлмоқ; الْغَالِيَةِ, ~ соқолига хушбўй моддалар суркамоқ

– أَغْلَفُ *мн* غُلْفَاءُ *кўп* غُلْفٌ 1) кесилмаган; 2) ғилофга (қинга) солинган; ~ سَيْفٌ қиндаги қилич; قَوْسٌ غُلْفَاءُ қиндаги камон; ◊ ~ الْعَقْلِ ақли калта, бефаросат; ~ قَلْبٌ тошюрак; ~ رَجُلٌ жинсий олати катта бўлган одам

– تَغْلِيفٌ 1) конвертга солиш (жойлаш); 2) ўраш, боғлаш

– غِلَافٌ *кўп* غُلُفٌ, ـــَـــ *ат.*, أَغْلِفَةٌ, ـــَـــ 1) конверт; 2) покришка, ўрам; 3) ғилоф, пўст; (هَوَائِيٌّ) ~ ҳаво қатлами (*ер шари атрофидаги*), الْكِتَابِ ~ муқова, китоб муқоваси; ~ الشَّفَةِ ўқ гильзаси; 4) ғилоф, футляр

– غُلْفَةٌ *кўп* غُلَفٌ *анат.* эркаклар жинсий аъзосининг учи

– مُغَلَّفٌ 1. конвертга солинган (жойланган); 2. *кўп* ـــَـــ конверт

I (غلق) **غَلَقَ** (и) غَلْقٌ беркитмоқ; ёпмоқ, охири бўлмоқ, охирида бормоқ; غَلِقَ (а) غَلَقٌ: الرَّهْنُ ~ гаровга олинган нарса шартлашилган муддатда хуни тўланмасдан гаровга олган томоннинг мулкига айланмоқ; II غلّق 1) тез-тез (кўп марта) епиб қўймоқ; 2) ноаниқ (тушунарсиз) ғапирмоқ; IV أغلق 1) ёпмоқ, беркитмоқ; الرَّهْنَ ~ гаровни ўзида тутиб турмоқ (*қарзни тўлишнинг муддати ўтиб кетгани сабабли*), الْأَزْرَارَ ~ тугмани қадаб олмоқ; الصَّرْفَ ~ бўйинбоғни қадамоқ; 2) *мажз.* қоронғи (ноаниқ, тушунарсиз) бўлмоқ; VII انْغَلَقَ 1) ёпиқ (берк) бўлмоқ, епилган бўлмоқ, епилмоқ, беркитилмоқ, охирида бўлмоқ; 2) одамови (ичимдан топ) бўлмоқ; عَلَى نَفْسِهِ ~ ичимдан топ бўлиб қолмоқ; 3) яшириниган (ноаниқ, тушунарсиз) бўлмоқ (*мас., маъно-мазмун ҳақида*); X اسْتَغْلَقَ 1) коронғи (тушунарсиз) деб ҳисобламоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) тушунарсиз (ноаниқ, мураккаб, чалкаш, қийин) бўлмоқ. عَلَيْهِ ~ الْكَلَامُ у бир оғиз ҳам гапиролмай қолди, унинг тили тутилиб қолди

– اَلْغَلَاقُ 1) ичимдан топлик, дамдузлик; عَلَى نَفْسِهِ ~ ичимдан топ (дамдуз) бўлиб қолишлик, 2) ноаниқлик, тушунарсизлик

– إِغْلَاقٌ 1) ёпилиш, беркилиш; 2) *шунингдек*: اَلْمَصْنَعِ ~ локаут (*корхонани ёпиб қўйиш*); اَلْوَقْتِ ~ вақти ўтиб кетганлиги сабабли гаровга олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш

– غَلَاقٌ, غَلَاقَةٌ *бухг.* баланс сальдо

– غَلَقٌ[1] *кўп.* أَغْلَاقٌ 1) затвор, пўкидон, қулф; 2) *архит.* гумбаз қулф-калити

– غَلَقٌ[2] *кўп.* غُلَقَانٌ корзинка, сават

– غَلِقٌ 1) ёпиқ, ёпиб қўйилган, беркитиб қўйилган; 2) тушунарсиз, ноаниқ

– غَلْقٌ ёпилиш, беркилиш, беркитиш; اَلْحُدُودِ ~ чегараларни беркитиш

– مُسْتَغْلَقٌ тушунарсиз, мужмал, қоронғи

– مِغْلَاقٌ *кўп.* مَغَالِيقُ қулф; اَلْبُنْدُقِيَّةِ ~ милтиқ затвори; فَتَحَ مَغَالِيقَ قَلْبِهِ *маж.* ўз юрагини очмоқ, ичидаги гапларни айтмоқ, қалбини дилини очмоқ

– مَغْلَقٌ *кўп.* مَغَالِقُ фойда келтирадиган корхона

– مُغْلَقٌ 1. 1) ёпиқ, ёпилган; бекик, беркитилган; اَلْاِجْتِمَاعُ الـ~ ёпиқ мажлис; 2) ноаниқ, тушунарсиз; 2. *кўп.* ـَاتٌ, مَغَالِقُ — сир; مُغْلَقَاتُ النَّفْسِ қалб (юрак) нинг тўри, ич-ичкариси

– مَغْلُوقٌ епиқ, ёпилган, бекик, беркитилган

I **غَلِمَ** (а) غَلَمٌ шаҳватпараст (суқ, очкўз) бўлмоқ; VIII اِغْتَلَمَ шаҳвонияти қўзғамоқ, шаҳватпараст (суқ) бўлиб қолмоқ

– غُلَامٌ *кўп.* غِلْمَانٌ 1) бола; ўспирин, йигит; 2) хизматкор, ғулом, дастёр, югурдак бола; 3) *шахм.* пиеда

– غُلَامِيَّةٌ ўспиринлик, йигитлик ёши

– غَلَمٌ шаҳватпараст, суқ, очкўз

– غُلْمَةٌ шаҳватпарастлик, суқлик

– غُلُومَةٌ 1) ўспиринлик; йигитлик; 2) шаҳватпарастлик

– غَلِيمٌ = غَلَمٌ

I (غلو) **غَلَا**[1] (у) غَلَاءٌ қимматбаҳо бўлмоқ, қимматлашмоқ, нархи (баҳоси) ошмоқ; ◊ بِالسَّهْمِ ~ камоннинг ўқини жуда узоққа етказиб отмоқ; **غَلَا**[2] (у) غُلُوٌّ оширмоқ, баландлатмоқ; (*н. дадир*) ҳаддан ошмоқ, чегарадан чиқмоқ (فِي ,ب); II غَلَّى нархни (баҳони) кўтармоқ, юқорилатмоқ, оширмоқ; III غَالَى 1) ошириб юбормоқ; (*н. дадир*) чегарадан чиқмоқ (فِي). 2) (*н. гадир*) баланд баҳо (нарх) белгиламоқ (*қўймоқ*); اَللَّحْمَ ~ гўштни қимматнархда сотиб олмоқ. IV أَغْلَى 1) нарх (баҳо)ни кўтармоқ; 2) қиммат (нархи баҳоси) баланд деб ҳисобламоқ; VI تَغَالَى (*н. дадир*) ортиқ даражада жон куйдирмоқ (فِي); X اِسْتَغْلَى нархи (баҳоси) қиммат деб ҳисобламоқ

– غَالٍ[1] *мн.* غَالِيَةٌ 1) қиммат, нархи баланд; 2) қадрли, қимматбаҳо, суюкли; اَلْأُمْنِيَّةُ الْغَالِيَةُ энг катта орзу; بَذَلَ الْغَالِيَ وَ الرَّخِيصَ لِـ... *қар* بَذَلَ

– غَالٍ *мн* غَالِيَةٌ *кўп.* غُلَاةٌ 1. ашаддий, ультра, غُلَاةُ الْاِسْتِعْمَارِ ашаддий колониалистлар, غُلَاةُ الرَّجْعِيِّينَ ашаддий (ўта) реакционерлар; غُلَاةُ الْمُتَصَوِّفَةِ ашаддий (сўл) суфийлар. 2. ўта берилган, фанатик, *тар.* ашаддий шиа (шиачилик тарафдори)

– غَلَاءٌ қимматчилик; баланд нарх-наво; اَلْمَعِيشَةِ ~ ҳаёт кечиришнинг қимматлиги

– غُلُوٌّ 1) муболаға, ҳаддан ортиқлик, ғулув, 2) интилиш, ғайрат; 3) қимматчилик

– غَلْوَاءُ, غُلْوَاءُ 1) ҳаддан ортиқлик; 2) ўзини тутолмаслик, эҳтирос; 3) бебошлик

– غَلْوَةٌ *кўп.* غَلَوَاتٌ камон ўқи масофаси; ~ بَعِيدُ قَيْدِ камон ўқи масофасида (*туриш ҳақида*)

– مُغَالَاةٌ ошириб юбориш, ҳаддан оширилганлик; بَلَا ~ وَ إِغْرَاقٍ орттириб юборилди демай, ошириб юборилди демай

I **غَلَى** (и) غَلْيٌ, غَلَيَانٌ 1) қайнамоқ; 2) қайнатмоқ, пиширмоқ; ◊ ~ مِنَ الْغَضَبِ ғазабдан ўзини унутмоқ; II غَلَّى қайнаттирмоқ, пишир тирмоқ; IV أَغْلَى = II; VII اِنْغَلَى қайнатилган бўлмоқ; қайнамоқ

– غَالٍ *мн.* غَالِيَةٌ (*шунингдек*: *қар* غلو) қайнаётган

– غَالِيَةٌ *кўп* غَوَالٍ муаттар бўй (ҳид); муаттар бўйли суртма

– غَلَّايَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — қозон; декча; сув қайнатадиган идиш, титан; марказлашган иситиш системасидаги сув иситувчи қурилма

– غَلَيَانٌ қайнаш, ~ نُقْطَةُ الـ қайнаш нуқтаси; ~ يَغْلِي الْعَالَمُ *маж.* бутун дунё алғов-далғов бўлиб турибди (*сўзма-сўз.* бутун дунё қозондек қайнаб турибди); ~ الْعَالَمُ فِي *маж.* бутун дунё қайнаб турибди

– مَغْلِيٌّ қайнатилган, ~ الْمَاءُ الـ қайнатилган сув

– مَغْلِيَّاتٌ *кўп.* шифобахш ўтлардан тайёрланган қайнатмалар

غليسرين глицерин

غَلَيْنَة денгиздаги сокинлик, штиль

– غَلْيُونٌ *кўп.* غَلَايِينُ 1) най, чилим най; трубка; 2) *тар. денг.* галиот (*елканли кема*)

I **غَمَّ** (а/у) غَمٌّ 1) яширмоқ, беркитмоқ; 2) хафа хилмоқ, ғамга солмоқ; 3) қизимоқ, жазирама бўлмоқ; يَوْمُنَا ~ бизда бугун жуда исиб кетди; 4) *мажх.* а) яширинган (беркитилган) бўлмоқ; б) қоронғи (ноаниқ) бўлмоқ; غُمَّ عَلَيْهِ الْأَمْرُ иш унинг учун ноаниқ эди, тушуниб бўлмайдиган бўлмоқ, номаълум бўлмоқ; غُمَّ عَلَيْهِ الْخَبَرُ у бехабар қолди; в) кўринмай қолмоқ; غُمَّ الْهِلَالُ عَلَى النَّاسِ ой

www.ziyouz.com kutubxonasi

одамларга кўринмай қолди (*булут, тутун ва ҳ.к. лар сабабли*); II غَمَّمَ яширмоқ, беркитмоқ; عَيْنَيْهِ ~ кимнингдир кўзини боғламоқ; IV أَغَمَّ 1) ғамга солмоқ, хафа қилмоқ; 2) булут билан қопланмоқ (*осмон ҳақида*); ~ت الدُّنْيَا осмонни булутлар қоплаб олди; 3) қизимоқ, жазирама бўлмоқ; VII انْغَمَّ 1) қайғуда (хафагарчиликда) бўлмоқ; 2) ўранмоқ, бурканмоқ; VIII اغْتَمَّ ғамга тушмоқ, хафа бўлмоқ; куймоқ, аза тутмоқ

– اغْتِمَامٌ ғам, хафагарчилик

– أَغَمٌّ *мн.* غَمَّاءُ *кўп.* غُمٌّ қоронғи, зим-зиё

– غَامٌّ 1) ғамли, хафа қилувчи; 2) иссиқ, ҳароратли, нафсни бўғувчи, дим

– غَمٌّ *кўп.* غُمُومٌ 1) ғам, алам, аза; 2) иссиқлик, ҳарорат, димлик

– غَمَامٌ *жам.* булут; ~ حَبُّ الْـــ дўл

– غَمَامَةٌ *кўп.* غَمَائِمُ кўз устига боғланган нарса; ~ الْحَيْلِ кўз усти боғламаси

– غُمَّةٌ[1] *кўп.* غُمَمٌ 1) ғам, алам; аза; 2) ташвишли вақт (замон), 3) ғамли воқеа (ҳодиса)

– غُمَّةٌ[2] ноаниқ, ғумонли, шубҳали; ~ أَمْرٌ шубҳали иш

– مُغِمٌّ 1) ғамли, аламли, 2) булутли, қовоғи солиқ (*об-ҳаво ҳақида*)

مَغْمُومٌ 1) ғамдаги, аламдаги; 2) булут босган (*осмон ҳақида*), 3) қоронғи, ноаниқ

I غَمَدَ (и) غَمْدٌ 1) қинга солмоқ (жойламоқ); 2) тиқмоқ, санчмоқ (*ханжарни*); 3) (*н. биландир*) ёпмоқ, (*н. гадир*) ўрамоқ (ب); II غَمَّدَ яширмоқ, беркитмоқ; IV أَغْمَدَ 1) қинга солиб қўймоқ, 2) тиқмоқ, санчмоқ (*ханжарни*); V تَغَمَّدَ (*н. биландир*) ёпмоқ, (*н. гадир*) ўрамоқ (); اللهُ الْفَقِيدَ بِرَحْمَتِهِ! ~ Оллоҳ уни раҳмат қилсин! (*вафот этган одам ҳақида айтилади*)

– غَمْدٌ *кўп.* أَغْمَادٌ, غُمُودٌ қин

– مَغْمُودٌ қинга солинган, қинига тушган

I (غمر) غَمَرَ (у) غَمْرٌ 1) кўмиб юбормоқ (*мас., совғалар билан-*ب); 2) (*н. биландир*) кўмиб (бостириб) юбормоқ (ب); الْمَاءُ ~ сув қишлоқни босиб кетди; 3) кўммоқ, босмоқ (*кум ҳақида*); 4) эгаллаб олмоқ (*ҳис, туйғу ҳақида*); غَمَرَ (у) غَمَارَةٌ мўл (сероб) бўлмоқ (*сув ҳақида*); II غَمَّرَ юзни бўямоқ, бетга ранг суртамоқ; III غَامَرَ 1) сув бостирмоқ, сув остида қолдирмоқ; 3) ўзини хавф-хатар остида қолдирмоқ; (*бирор к. ни*) хавф-хатар остида қолдирмоқ (ب); ~ بِحَيَاتِهِ ўз ҳаётини хавф-хатар остида қолдирмоқ, V تَغَمَّرَ = II; VII انْغَمَرَ 1) (*сув*) остида қолган бўлмоқ; *кўч.м.* (*бирор н. билан*) тўпа банд бўлмоқ (فِي); ~ فِي تَحْقِيقِ أَهْدَافِهِ ўз мақсадларини амалга ошириш учун тўла банд бўлмоқ; 2) (*кум*) остида қолмоқ, (*кумга*) кўмилиб кетмоқ; 3) унутилиб (бутунлай эсдан чиқиб) кетмоқ

– غَامِرٌ 1) қирғоқлардан тошиб турган; мўл-кўл; 2)' чўллаб (қақраб) ётган, ишланмаган (*ер ҳақида*); 3) сув босиб кетган; қум остида қолган

– غُمَّارٌ, غَمَّارٌ оламон

– غَمَارَةٌ тажрибасизлик, уқувсизлик

– غَمْرٌ[1] *кўп.* غِمَارٌ денгиз гирдоби (камари), сел, босқин, тўфон

– غَمْرٌ[2] 1) сахий, саховатли, қўли очиқ, олийжаноб; 2) кўп, сероб

– غُمْرٌ *кўп.* أَغْمَارٌ бир қучоқ (*мас., ўтин*), боғ, боғлам

– غُمْرٌ, غِمْرٌ *кўп.* أَغْمَارٌ тажрибасиз, ғўр, уқувсиз; хом

– غِمَارٌ, غَمَرَاتٌ *кўп.* غَمْرَةٌ 1) мўл-кўл сув, денгиз гирдоби (камари), *кўчм.м.* қизиган пайт (*мас., жанг, курашда*); ~ الْكِفَاحِ (النِّضَالِ) курашнинг қизиган (қайнаб турган) пайти; ~ الْحَرْبِ урушнинг даҳшатли воқеалари; غَمَرَاتُ الْحَيَاةِ ҳаёт (умр) сўқмоқлари, ~ نُورِ الْقَمَرِ ой нури дастаси, ~ النَّوْمِ чуқур (қаттиқ) уйқу; ~ الصَّمْتِ чуқур сукут (сукунат); فِي ~ مِنَ الْحَيْرَةِ وَ الذُّهُولِ қаттиқ хижолатлик ва саросималикда; غَمَرَاتُ الْمَوْتِ ўлим олди (жон) талвасаси; خَاضَ غَمَرَاتِ الْعِلْمِ илмнинг тубига етмоқ; 2) туйғулар тошқини; وَ فِي ~ يَأْسِي كَتَبْتُ إِلَيْكَ чорасизлик авжига чиққанда сенга ёздим; 3) ғам, бало, офат; فَقَدِ انْجَلَتْ عَنْهُ الْـــ~ унинг бошидаги бало ўтиб кетди; الْغَمَرَاتُ ثُمَّ يَنْجَلِينَ *мқл.* балолар келади-ю кетади (бу кунлар ўтиб кетади)

– غُمْرَةٌ «memecylon tenctorium» дарахтидан олинадиган бўёқ

– مُغَامِرٌ 1. 1) хавф-хатар остида қолдирувчи, хавф-хатарга ўзини урувчи; тавакkалчи; 2) тавакkалга (авантюрага) оид; 2 тавакkалчи, авантюрист

– مُغَامَرَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) хавф-хатарли иш, авантюра; 2) саргузашт; رَكِبَ الْمُغَامَرَاتِ *маж.* турли саргузаштларни кечирмоқ

– مَغْمُورٌ 1) босган, босиб кетган; بِالْمَاءِ ~ сув босган; الدَّيْنِ ~ *маж* қулоғигача қарзга ботган; 2) унутилган, унутиб юборилган, дом дараксиз, номаълум

I غَمَزَ (и) غَمْزٌ 1) пайпасламоқ, қўлда ушлаб кўрмоқ; قَنَاتَهُ ~ кимнидир синаб кўрмоқ, ичига қўл солиб кўрмоқ; 2) қўлда қисмоқ; босмоқ, (*мас., милтиқ тепкисини*); ~ زِرَّ الْجَرَسِ қўнғироқ тугмасини босмоқ; 3) кўз қисмоқ, кўз билан имо-ишора қилмоқ (بِالْعَيْنِ); 4) (*к. нидир*) ғийбат қилмоқ (ب); (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ (عَلَى); ◊ فِي مَشْيِهِ ~ оқсаб (чўлоқланиб) юрмоқ, оқсамоқ; III غَامَزَ кўз қисишмоқ; кўз билан имо-ишора қилмоқ; 2) (*к. гадир қарши*) яширин тил бириктирмоқ (عَلَى); VI تَغَامَزَ ўзаро бир-бирига имо қилишмоқ; VIII اغْتَمَزَ ёмонламоқ, бемаъни миш-мишлар тарқатмоқ

– غَمَّازٌ 1. кўз қисувчи; 2. тепки (*милтиқдаги*); 3. пўкак, қалқи (*қармоқдаги*)

– غَمْزَةٌ *кўп.* غَمَزَاتٌ (*кўз билан қилинган*) имо-ишора; кўз қисиш; الْعَاقِلُ مِنْ ~ وَ الْجَاهِلُ مِنْ رَفْصَةٍ *мқл.* оқилга ишора, жоҳилга тепки

– غَمَزَاتٌ *кўп* (*к. нидир*) булғаниган, обрўсизлантирадиган

www.ziyouz.com kutubxonasi

маълумотлар

– غَمِيزَةٌ 1) туҳмат учун баҳона, сабаб; 2) камчилик, айб

مَغْمَزٌ камчилик, айб

I **غَمَسَ** (и) غَمْسٌ чўмдирмоқ, туширмоқ, ботирмоқ; ~ يَدَيْهِ فِي دِمَاءِ الْأَبْرِيَاءِ ўз қўлини гуноҳсизларнинг қони билан бўямоқ; II غَمَّسَ туширмоқ, ботирмоқ; VII اِنْغَمَسَ 1) тушмоқ, ботирилмоқ, 2) ботиб қолмоқ; VIII اِغْتَمَسَ = VII

– غَمَّاسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — *зоол.* ботқалдоқ, балиқчи ўрдак

– غَمُوسٌ ўгир; машаққатли; ҳалокатли; ◊ ~ يَمِينٌ ёлғон қасам

غَمُوسٌ *халқ.* нонга қўшиб ейиладиган нарса, нонхўрак (*мас. гўшт, туз ва ҳ.к.*)

I (غمص) **غَمَصَ** (и) غَمْصٌ нафратланмоқ, емон кўрмоқ; اَلنِّعْمَةَ ~ нонкўрлик қилмоқ, ношукурлик қилмоқ; غَمِصَ (а) غَمَصٌ : ـَتْ عَيْنُهُ ~ унинг кўзи йирингланди

– أَغْمَصُ *мн.* غُمْصَاءُ *кўп* غُمْصٌ шилпиқ кўзли, кўзи шилпиқ

– غَمَصٌ кўздаги йиринг

– غُمَيْصَاءُ *аспр.* Кичик ит юлдузлар туркуми

I **غَمُضَ**, غَمَضَ (у) غُمُوضٌ қоронғи (ноаниқ, чигал) бўлмоқ; II غَمَّضَ 1) (*кўзни*) юммоқ; 2) (*бирор н. ни*) туманли (ноаниқ) қилмоқ; ~ اَلْكَلَامَ ноаниқ гапирмоқ, 3) (*к. нингдир*) олди-сотдисини енгиллаштирмоқ (عَنْ); IV أَغْمَضَ 1) (*кўзни*) юммоқ, 2) (*бирор н. ни*) сезмасликка ҳаракат қилмоқ; (*бирор н. га*) панжа орасидан қарамоқ (عَنْ); ... يُغْمِضُونَ الْعُيُونَ عَنْ ... улар ...га панжа орасидан қарайдилар; 3) (*к. нингдир*) олди-сотдисини енгиллаштирмоқ (عَنْ) VI تَغَامَضَ бекилмоқ, юмилмоқ (*қовоқлар ҳақида*) юмилмоқ (*кўзлар ҳақида*); VII اِنْغَمَضَ 1) юмилган бўлмоқ (*кўзлар ҳақида*); 2) ухламоқ; VIII اِغْتَمَضَ = VII

– غَامِضٌ 1) қоронғи, туманли, ноаниқ; чалкаш; 2) яширин, сирли ~ سِرٌّ чуқур сир

– غَامِضَةٌ кўп غَوَامِضُ сир, асрор, топишмоқ, муаммо, бошқотирма

– غَمَاضٌ 1) кўзнинг юмилиши, 2) уйқу

– غُمْضٌ = غَمَاضٌ

– غَمْغَمَةٌ кўз қисиш, пирпиратиш; ◊ عَيْنٌ ~ فِي кўз юмиб-очгунча

– غُمُوضٌ қоронғилик; тушунарсизлик, ноаниқлик

– غُمُوضَةٌ ноаниқлик, чигаллик

– غُمَيْضَاءُ кўз қисиш ўйнаш, беркинмачоқ

– غُمَيْضَى 1. юмуқ кўз билан, 2. кўзни юмган ҳолда

– مُغَمَّضٌ 1) ёпиқ, юмуқ, 2) қоронғи, тумanли, ноаниқ

I **غَمَطَ** (и) غَمْطٌ 1) эътиборсизлик қилмоқ, ҳурматини жойига қўймаслик; 2) номини (ҳурмат билан) тилга олмаслик; ◊ اَلْحُقُوقَ ~ ҳуқуқини кесмоқ, озайтирмоқ; اَلنِّعْمَةَ ~ нонтепкилик (ношукурлик) қилмоқ

غَمْغَمَ тушунарсиз (минғиллаб) гапирмоқ

– غَمْغَمَةٌ ноаниқ (тушунарсиз) нутқ, гап; минғиллаш; шивирлаш

I **غَمِقَ** (а) غُمْقٌ 1) чуқур бўлмоқ, 2) ҳўл (нам) бўлмоқ; II غَمَّقَ чуқурлаштирмоқ, 2) қора қилмоқ, қорайтирмоқ; IX اِغْمَقَّ қораймоқ, қора бўлмоқ

– غَامِقٌ тўқ (*ранг ҳақида*), ғоят; ~ أَحْمَرُ тўқ қизил, ~ صَوْتٌ ғоят тинчлик, сокинлик; чуқур сукунат

– غَمِقٌ ҳўл, намли

– غُمْقٌ чуқурлик

– غُمُوقِيَّةٌ тўқ ранг

– غَمِيقٌ чуқур; тўқ (*ранг ҳақида*)

غَمْلَجٌ, غَمْلَاجٌ субутсиз, ўзгариб турувчи

I **غَمِيَ** (а) غَمْيٌ ёпмоқ, том ёпмоқ, ◊ عَلَيْهِ غُمِيَ *мажҳ.* у ҳушдан кетиб йиқилди; II غَمَّى кўзни боғламоқ, кўзни боғлаб қўймоқ; IV أَغْمَى *мажҳ.* أُغْمِيَ عَلَيْهِ اَلْخَبَرُ у бехабар қолди; V تَغَمَّى кўзи боғлиқ бўлмоқ

– إِسْتِغْمَائِيَّةٌ бекинмачоқ, ... مَعَ لَعِبَ لُعْبَةَ اَلْـ~ *еки* لَعِبَ اَلْـ~ ... билан бекинмачоқ ўйнамоқ

– إِغْمَاءٌ *кўп* ـَاتٌ — ҳушдан кетиш, ҳушдан кетган даги ҳолат

– غُمَّى, غُمَّى *шунингдек* لَيْلَةُ اَلْـ~ ой кўринмайдиган тун

– غَمْيٌ ҳушдан кетиш, ҳушни йўқотиш

– غَمْيَانُ ҳушдан кетган ҳолда турган, ҳушини йўқотган

– مَغْمِيٌّ епилган; ◊ عَلَيْهِ ~ ҳеч нарса сезмайдиган бўлиб қолган, ҳушини йўқотган

I **غَنَّ** (и, а) غُنَّةٌ димоғда гапирмоқ, пинғилламоқ; *фон.* ғунналаштирмоқ, назализациялаштирмоқ

– أَغَنُّ *мн.* غُنٌّ *кўп* غُنَّانٌ 1) димоғда гапирувчи, минғилловчи; 2) қалин (*ўсимликлар ҳақида*); قَرْيَةٌ غَنَّاءُ а) аҳолиси қалин қишлоқ; б) сердарахт қишлоқ

– غَنَّ димоғда гапириш

– غَنَّةٌ димоғда гапиришлик *фон.* ғунналаш, назализация حَرْفًا ~ اَلْـ иккита ғуннали ундош (*ъ, м*)

– غُنَّةٌ пашшаси кўп, серпашша, пашша босган; ~ دَارٌ пашшаси кўп (серпашша) водий

– غُنَّازٌ *кўп* غَنَانِيزُ ғунбоз (*чакмон-кийим*)

I **غَنِجَ** (а) غَنَجٌ ноз-карашма (ғамза, ишва, қичиқ, таннозлик) қилмоқ; V تَغَنَّجَ = I; VI تَغَانَجَ ёлғон ноз-карашма (ғамза, ишва, қичиқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

таннозлик) қилмоқ

– تَغَنُّجٌ таннозлик

– غَنَّاجَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ишвагар (танноз) аёл

– غُنْجٌ таннозлик, қичиқлилик

– غَنْجَةٌ *кўп.* غَنَجَاتٌ қичиқ қилиқ

– غَنَّاجَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَـ = غَنَّاجَةٌ

– مِغْنَاجٌ танноз, қилиқли (*эркак*)

غَنْجُو илмоқ; *т.-й.* (*паровоз ва вагонларни бир-бирига улайдиган*) илмоқ

(غندر) تَغَنْدَرَ безанмоқ; ясанмоқ, ўзига оро бермоқ; олифта бўлмоқ, олифталарча кийинмоқ

– غَنْدَرَةٌ олифталик

– غَنْدُورٌ *кўп* غَنَادِرَةٌ олифта

غُنْدَاقٌ қўндоқ (*милтиқдаги*); лафет (*замбаракда*). ~ أَرْجُلُ الـــ жилдириладиган (суриладиган) қўндоқ, лафет

– غُنْدَقْجِيٌّ *кўп* غُنْدَقْجِيَّةٌ қуролсоз, қурол ясовчи уста

غُنْدُولٌ гондола (1. қайиқ, 2. ҳаво шари кажаваси)

غَنْغَرِينَةٌ *мед.* гангрена

I **غَنِمَ** (а) غُنْمٌ ўлжа қилиб қўлга киритмоқ; ўлжа қилмоқ; ~ الْفُرْصَةَ *маж.* фурсатни ғанимат билмоқ; фурсатдан фойдаланиб олмоқ; II غَنَّمَ 1) бермоқ; совға қилмоқ; 2) улушни кўпайтириб бермоқ, улушига қўшиб бермоқ; IV أَغْنَمَ = II; V تَغَنَّمَ ўлжа ҳисобламоқ, ўлжа деб ўйламоқ; VIII اغْتَنَمَ (*н. дандир*) фойдаланмоқ, ишлатмоқ (*туш к. еки* ب). ~ الْفُرْصَةَ қулай фурсатдан фойдаланмоқ; X اسْتَغْنَمَ 1) фойдаланмоқ, ишлатмоқ; 2) ўлжа ҳисобламоқ, ўлжа деб ўйламоқ

– غَانِمٌ муваффақият келтирган, муваффақиятли, ~ عَادَ سَالِمًا у соғ-омон ва тўла муваффақият билан қайтиб келди

– غَنَّامٌ қўйчивон, қўйбоқар, чўпон

– غَنَمٌ *жам. кўп* أَغْنَامٌ қўйлар

– غُنْمٌ *кўп* غُنُومٌ қўлга киритилган нарса; ўлжа, ғанимат

– غَنَمَةٌ *кўп* اتٌ ـــ қўй

– غُنَيْمَةٌ *кўп* غَنَائِمُ ўлжа, ғанимат; بَارِدَةٌ ~ осон қўлга кирган ўлжа. نَرْضَى لَكَ مِنَ الـــ بِالْإِيَابِ *мқл* семирмасанг ҳам тирик бўлсанг бўлгани (*сўзма-сўз.* ўлжасиз бўлсанг ҳам, тирик қайтишингни тилаймиз)

– غُنَيْمَةٌ қўзичоқ

– مَغْنَمٌ *кўп* مَغَانِمُ (қўлга киритилган) бойлик, ўлжа, кирим. *кўп* ўлжалар; ضُلَّابُ الْمَغَانِمِ бойлик қидирувчилар

I **غَنِيَ** (а) غَنًى 1) бой бўлмоқ, ғаний бўлмоқ; (*н. гадир*) эҳтиежсиз бўлмоқ (عَنْ); 2) (*қаердадир*) бўлмоқ, турмоқ, яшамоқ (ب ,في); 3) уйланмоқ, хотин олмоқ; II غَنَّى 1) қўшиқ айтмоқ; 2) (*к. нидир*) мақтаб куйламоқ (ب), 3) бой қилмоқ, бойитмоқ; IV أَغْنَى 1) (*бирор к. ни н биландир*) бойитмоқ (ب); ғаний қилмоқ; شَيْءٌ مِنَ الْمَالِ لَا يُغْنِي *мтл.* танга-чақа бой қилмайди; إِنَّهَا أَقْوَالٌ فَارِغَةٌ لَا تُغْنِي وَلَا تُسْمِنُ مِنْ جُوعٍ бу қуруқ гап, ундан фойда йўқ. 2) (*н. дандир*) қутқармоқ, бўшатмоқ, озод қилмоқ (عَنْ); 3) (*к. гадир*) фойдали бўлмоқ (عَنْ); V تَغَنَّى 1) бой бўлмоқ; 2) қўшиқ айтмоқ; 3) (*к. нидир*) мақтаб куйламоқ (ب); 4) турмушга чиқмоқ, эрга тегмоқ; VIII اغْتَنَى бой бўлмоқ, бойимоқ; مِنْ مَصَائِبِ الْغَيْرِ ~ бошқалар ҳисобига бойимоқ; X اسْتَغْنَى 1) бойимоқ; 2) (*бирор н.-сиз ҳам*) кун ўтказавермоқ, (*бирор н. га*) ҳожатсиз бўлмоқ (عَنْ). لَا يُسْتَغْنَى عَنْهُ *мажх.* шубҳасиз, мажбурий; 3) (*к. нидир*) қисқартирмоқ, бўшатмоқ (عَنْ)

– إِغْنَاءٌ бойиш. ~ مَصْنَعُ الـــ бойитиш фабрикаси

– أَغْنَى 1) энг бой, 2) жуда яхши куйловчи (*овоз ҳақида*)

– أُغْنِيَّةٌ *кўп* أَغَانٍ اتٌ ـــ қўшиқ, ашула. ~ اللهِ алла

– تَغَنٍّ қўшиқ (ашула) айтиш, куйлаш

– غَانِيَةٌ *мн* غَوَانٍ бой, бадавлат

– غَانِيَةٌ *кўп* غَوَانٍ اتٌ ـــ 1) гўзал (чиройли) аёл; ثَلْجِيَّةٌ ~ қорқиз; 2) жувон, турмушга чиққан аёл

– غِنًى 1) бойлик, бадавлатлилик, 2) етарлилик, мўл-кўллик; إِنَّهَا وَلَا ~ لَهُ عَنْ لَا ~ لَهَا وَحْدَهَا бу нарсаларнинг ўзи етарли эмас; ... فِيهِ الـــ ~ وَ шунинг ўзи етарли; 3) иқтидор, малака; яроқлилик

– غِنَاءٌ куйлаш, қўшиқ (ашула) айтиш

– غِنَائِيٌّ 1) вокал (яккахон). الْمُوسِيقَى الـــ ـــَـ вокал музика. التَّأْلِيفُ الـــ ـــَـ вокал музика асари; الْحَفْلَةُ الـــ ـــَـ вокал кечаси, вокал концерт, 2) лирик. الشِّعْرُ الـــ ~ лирик шеърият

– غُنْوَةٌ *кўп* غَنَوَاتٌ қўшиқ, ашула

– غِنًى бойлик, бадавлатлилик. حَسْبُكَ مِنْ ~ شَبَعٍ وَرِيٌّ сенинг еб-ичиб юрганинг ўзи ғанимат; ◊ نَحْنُ فِي ~ عَنْ وَضْعِهِ буни таърифлаб ўтиришимизга ҳожат йўқ; ... أَنَا فِي ~ أَنْ أَصِفَ .. ни таърифлаб ўтиришим ортиқча. ~ لَهُ عَنْهُ ким учундир зарур (керакли)

– أَغْنِيَاءُ *кўп* غَنِيٌّ 1. бой, бадавлат. الْحَرْبِ ~ урушда (ўлжа олиб) бой бўлган, 2. бой (одам). ◊ ... عَنِ الْبَيَانِ أَنْ ~ шуни тушунтириб ўтириш ортиқчаки

– غَنِيَّةٌ етарлилик. ~ فِيهِ وَ шуниси ҳам етарли; ... عَنْ فِي ~ унинг ... га ҳожати (эҳтиежи) йўқ

– غُنَيَّةٌ *кўп* غَنَائِيُّ кичик қўшиқ

– مُسْتَغْنًى : عَنْهُ ~ ортиқча, кераксиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُغَنٍّ қўшиқчи, муғанний

– مُغَنَّاوِي *халқ.* қўшиқчи, ашулачи

– مَغَانٍ *кўп.* مَغَانٍ 1) уй-жой, яшаш жойи, бошпана; 2) дала ҳовли, вилла

– مُغَنِّيَة *кўп.* ـاتٌ ـــ қўшиқчи (ашулачи) аёл

I غَهِبَ (а) غَهْبٌ (*н. нидир*) қолдирмоқ, қолдириб кетмоқ; (*н. гадир*) эътиборсизлик қилмоқ, беэътибор бўлмоқ (عَنْ)

– غَهَبٌ бепарволик, ғофиллик, бехослик; ~ا бехосдан, билмасдан, жўрттага эмас

– غَيْهَبٌ[1] *кўп* غَيَاهِبُ қоронғилик, зим-зиё қоронғилик; زَجَّ بِهِ فِي غَيَاهِبِ السُّجُونِ уни зим-зиё қоронғи зиндонга ташлашди; ~ فَرَسٌ тим қора от

– غَهْبَهٌ[2] бепарво, тепса тебранмас

I (غوث) غَاثَ (у) غَوْثٌ ёрдам бермоқ, қутилтирмоқ, сақлаб қолмоқ; II غَوَّثَ ёрдам сўраб чақирмоқ; وَاغَوْثَاهُ деб бақирмоқ; IV أَغَاثَ = I; X اسْتَغَاثَ (*к. нидир к. дандир ҳимоя қилиш ичун*) ёрдамга чақирмоқ (بِ ,مِنْ); ёрдам сўрамоқ

– اسْتِغَاثَةٌ *кўп* ـاتٌ ـــ ёрдам сўраб чақириш (бақириш)

– إِغَاثَةٌ ёрдам; кўмак; қутқариш, сақлаб қолиш

– غَوْثٌ ёрдам; الْـــ~! SOS!; وَاغَوْثَاهُ! ердам беринглар!

– غِيَاثٌ ёрдам; қутилиш; қутқариш; сақлаб қолиш; сақланиш

– مُغِيثٌ 1. ёрдам берувчи; қутқарувчи; 2. қутқарган одам, сақлаб қолган одам; ◊ الْـــ~ худо

– يَغُوثُ Нуҳ алайҳиссалом қавмларидан бири сиғинган бут номи

I (غور) غَارَ (у) غَوْرٌ чўкмоқ, тушиб кетмоқ; عَنْ وَجْهِهِ ~ кимнинг дир кўз олдидан йўқолмоқ; غُرْمِنْ وَجْهِي! йўқол!, йўқол кўзимдан! 2) сингиб кетмоқ (*сув ҳақида*); 3) киртаймоқ (*кўз ҳақида*); 4) ботмоқ (*ой, юлдуз ва ҳ. к. лар ҳақида*); II غَوَّرَ 1) чўкмоқ, тушиб кетмоқ, ичига кирмоқ; 2) ичкарига сингдирмоқ (*сув ҳақида*), IV أَغَارَ босмоқ, босқин қилмоқ, бостириб бормоқ

– إِغَارَةٌ бостириб бориш, босқинчилик, ҳужум, ҳужум қилиш, босқин қилиш

– تَغْوِيرٌ *фон.* палатализация (*ундошларнинг юмшоқ талаффуз этилиши*)

– غَائِرٌ 1) киртайиб кетган, ичига ботиб кетган (*кўз ҳақида*); 2) чуқур; الْحَفْرَةُ الْـــ~ة чуқур ҳайдов чуқур шудгорлаш; الْـــ~ чуқур ўйма (нақш)

– غَارٌ[1] *кўп* أَغْوَارٌ ,غِيرَانٌ 1) ғор, 2) *мед.* каверна (*кавак. мас., ўпкадаги*)

– غَارٌ *алиф б.қар.*

– غَارَةٌ *кўп* ـاتٌ ـــ ғорат, босқин, ҳужум, босқинчилик; الْـــ~ чигиртка ҳужуми (босқини); حَوِيَّةٌ ~ ҳаво ҳужуми; شَنَّ الْـــ~ عَلَى ... ...га босқин (ҳужум) қилмоқ

– غَوْرٌ *кўп.* أَغْوَارٌ тублик, чуқурлик; (*бирор н. нинг*) пастки қисми; туб, ост; الْأَرَاضِي ~ ер қаъри; أَغْوَارُ الظَّلَامِ зим-зиё қоронғилик; قَرِيبُ الْـــ~ саёз (*дарё ҳақида*); بَعِيدُ الْـــ~ ёки عَمِيقُ الْـــ~ чуқур; سَبَرَ~ا а) чуқурликни текшириб кўрмоқ, б) (*к. нидир*) синамоқ; الْـــ~ Тиҳомадан Ямангача бўлган ҳудуд

– مَغَائِرُ *кўп.* مَغَارٌ ғор

– مَغَارَةٌ *кўп* مَغَائِرُ ғор; ер ости

– مَغَاوِيرُ *кўп.* партизан отрядлари

– مِغْوَارٌ *кўп* مَغَاوِيرُ 1) босқин қилувчи; 2) қўрқмас, мард; 3) саркаш (*от ҳақида*)

– مُغِيرٌ 1. ҳужум (босқин) қилувчи; 2. ҳужумкор томон

غُورِيلَّا, غُورِلَّى горилла (*маймун тури*)

I (غوز) غَازَ (у) غَوْزٌ жўнамоқ, йўл олмоқ; II غَوَّزَ (غَارَ[1] *дан, алиф.б.қар.*) газга айлантирмоқ; V تَغَوَّزَ газга айланмоқ

غُوَيْشَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ, غَوَايِشُ шишадан ясалган безаклар (*тақинчоқлар*) (*мунчоқ ва ҳ.к. лар*)

I (غوص) غَاصَ (у) غَوْصٌ 1) сув остига тушмоқ; (*н. учундир*) сувга шўнғимоқ (عَلَى); 2) (*шахта ичига*) тушмоқ; 3) сингиб кетмоқ (*мас., сув ёки қумга*); فِي الْأَرْتَبَاكِ ~ хижолатга тушмоқ; قَلْبُهُ ~ унинг юраги (*қўрқувдан*) орқасига тортиб кетди; II غَوَّصَ тез-тез сув остига тушиб турмоқ; тез-тез шўнғимоқ

– غَوَّاصٌ 1. тез-тез сув остига тушиб турувчи; тез-тез шўнғиб турувчи; 2. 1) ғаввос; шўнғувчи; 2) *зоол.* ғагара (*сув қуши*)

– غَوَّاصَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ сувости кемаси; الْأَعْمَاقِ ~ жуда чуқурда юрадиган сувости кемаси

– غَوْصٌ 1) сув остига тушиш; шўнғиш; 2) (*самолётнинг*) тушиб кетиши

– غَوِيصٌ 1) чуқур; 2) чигал, чалкаш, мураккаб

– غِيَاصَةٌ 1) шўнғиш; 2) ғаввослик касби; ғаввослик

– مَغَاصٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ сув остига тушиладиган (шўнғиладиган жой); مَغَاصَاتُ اللُّؤْلُؤِ марварид қидириладиган жойлар

(غوط) II غَوَّطَ чуқурлатмоқ, чуқурроқ кавламоқ (*мас., кудуқни*); V تَغَوَّطَ йўғон ичакни бўшатмоқ, бўшанмоқ

– غَائِطٌ[1] *кўп.* غِيطَانٌ 1) пастлик, 2) дала, чакалакзор; боғ

– غَائِطٌ[2] нажосат, бўшанганда чиққан нарса, кал

– غَوْطٌ *кўп.* أَغْوَاطٌ ,غِيَاطٌ 1) чуқурлик, чуқурлашиш; жарлик, жар

– الْـــ~ غُوطَةُ: Ал-Ғута (*Дамашқ шаҳри атрофидаги водий*)

– غُوطِيٌّ 1) готларга оид; 2) الْـــ~ة гот тили, 3) готик; الْخَطُّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ الْـــ готик шрифт (ҳарф); ~ عَقْدٌ *архит.* найзасимон гумбаз (қубба)

– غَوِيطٌ чуқур (*сиф.*)

– غَوْغَاءٌ 1) оламон; оми халқ; 2) ғовға, шов-шув, бақириқ-чақириқ (*сол.* غَاغَةٌ)

– غَوْغَائِيٌّ ғовға кўтарувчи, шовқин-суронли

– غَوْغَائِيَّةٌ шов-шув

! (غول) **غَالَ** (у) غَوْلٌ 1) кутилмаганда (тусатдан) ҳужум қилмоқ; 2) ҳалок қилмоқ, ўлдирмоқ. II غَوَّلَ дев сингари ҳаракат қилмоқ. V تَغَوَّلَ ўз ташқи қиёфасини ўзгартирмоқ; VIII اغْتَالَ 1) хоинлик билан ваҳшийларча ўлдирмоқ; 2) олиб кетмоқ, ўғирламоқ; ~هُ الْمَنُونُ у ўлди

– اغْتِيَالٌ *кўп* اتٌ — ваҳшийларча, хоинона ўлдириш

– غَائِلٌ даҳшатли махлуқ, ~ هُوَ у жуда-жуда худбин

– غَائِلَةٌ *кўп* غَوَائِلُ ёмонлик; бахтсизлик, фалокат, бало, офат; (*бирор н. нинг*) даҳшати, ваҳимаси

– غُولٌ *кўп* أَغْوَالٌ, أَغْيَالٌ, غِيلَانٌ 1) иблис, шайтон, чўл биёбон иблиси; даҳшатли махлуқ; ~ الطَّائِفِيَّة диний тоифалар орасига душманлик ёювчи иблис; ~ يَأْكُلُ مِثْلَ الْـــ жуда-жуда овқатхўр, у балодай мечкай; 2) ажина; ◊ ~ الْـــ *астр.* Алғул (Персей юлдузлар туркумидаги)

– غُولٌ[2] алкоголь; ~ الْمُخَلَّصُ الْـــ тозаланган алкоголь

– غُولَةٌ 1) ажина; 2) эридан жудо бўлган (айрилган) аёл

– غِيلَةٌ *кўп* اتٌ — хиёнаткорона қотиллик; ~ مات биров томонидан ўлдирилмоқ, ~ قُتِلَ *мажх.* у хиёнаткорона ўлдирилди

– مُغْتَالٌ қотил, ўлдирувчи

– مِغْوَلٌ *кўп* مَغَاوِلُ рапира (*қиличсимон қурол*)

! (غوى) **غَوَى** (и) غَيٌّ 1) адашмоқ, йўлдан адашмоқ; 2) янглишмоқ, адашмоқ; 3) қизиқмоқ, қизиқиши бўлмоқ; бирор нарсага қизиқиши (машғулоти) бўлмоқ; 4) (*бирор н. билан*) қизиқтирмоқ, йўлдан урмоқ (); 5) адаштирмоқ, янглиштирмоқ; غَوَى (а) غَوًى қаттиқ (жуда-жуда) хоҳламоқ; II غَوَّى қизиқтирмоқ, йўлдан урмоқ; IV أَغْوَى 1) янглиш (хато) йўлга солмоқ; 2) қизиқтирмоқ, эритмоқ, йўлдан урмоқ; X اسْتَغْوَى 1) қизиқтирмоқ; эгиб олмоқ; ўз тарафига оғдирмоқ; 2) адаштирмоқ, янглиштирмоқ

– إِغْوَاءٌ 1) иғво, 2) қизиқиш; эриб кетиш

– أُغْوِيَّةٌ *кўп* أَغَاوِيُّ бўри тутиш учун кавланган чуқурлик; тузоқ

– غَاوٍ *мн* غَاوِيَةٌ *кўп* غَاوُونَ, غُوَاةٌ 1) қизиқтирувчи, эритиб юборувчи; 2) мухлис, тарафдор, ишқибоз; غُوَاةُ الْعَادِيَّاتِ осори атиқалар ишқибозлари; غُوَاةُ الرَّادْيُو радио ҳаваскорлари

– غَوَايَةٌ 1) адашиб юриш; 2) адашиш, хато; гуноҳ; 3) йўлдан урадиган нарса; 4) қизиқиш, ишқибозлик

– غَوِيٌّ адашиб юрган

– غَوِيَّةٌ (*бирор н. билан*) қизиқиш, севимли машғулот; ҳобби (*асосий ишдан ташқариги қизиқилган машғулот*)

– غَيٌّ 1) адашиш, хато; гуноҳ; 2) йўлдан урадиган нарса, қизиқтирадиган нарса; 3) (*бирор к. ёки н. билан*) қизиқиш; 4) ғалати қилиқ, тантиқлик, ўй-хаёл; ~ عَنْ ارْعَوَى эси жойига тушмоқ, тўғри йўлга тушиб қолмоқ

– غَيَّةٌ адашиш, хато; гуноҳ; ~ وَلَدٌ никоҳсиз туғилган бола

– غَيَّةٌ *кўп* اتٌ — 1) (*бирор н. билан*) қизиқиш; суюкли машғулот, ҳобби; 2) инжиқлик, ғалати қилиқ, 3) васваса, савдойилик

– أُغْوِيَّةٌ = مِغْوَاةٌ *кўп*

– أُغْوِيَّةٌ = مُغْوِيَاتٌ *кўп* مُغْوَاةٌ

(غيى) II غَيَّا кўтармоқ, ўрнатмоқ (*байроқни*); IV أَغْيَا: الْغَايَةَ ~ мақсадни белгилаб олмоқ

– غَائِيٌّ охирги мақсад деб билинган, мақсаддаги; *фалс.* телеологик (*кар.* غَائِيَّةٌ); الْعِلَّةُ الْـــةُ охирги сабаб

– غَائِيَّةٌ охирги мақсад; *фалс.* финализм, телеология (*табиатда ҳамма нарса олдиндан белгиланган мақсадга мувофиқ қилиб яратилган деб ҳисобловчи фалсафа*)

– غَايَةٌ *кўп* اتٌ — 1) чек, чегара; охир; فِي ~ ғоят аҳамиятли, аҳамияти катта; فِي ~ الْاخْتِصَارِ ғоят қисқа; 2) мақсад, интилиш, ~ الْغَايَاتِ олий мақсад, 3) ният; 4) байроқ; ◊ فِي ~ الصِّحَّةِ мутлақо соғлом; فِي ~ الْيَأْسِ ғоят умидсиз ҳолда; ~ إِلَى آخِرِ يَوْمٍ مِنَ الدَّوْرَةِ مَعَ دُخُولِ الْـــ сессиянинг охирги кунигача; ~ الْبَيْتِ لِـــ уйгача; ~ الْآنَ لِـــ ҳозиргача, шу кунгача; ~ الدِّقَّةِ بِـــ махсус диққат (эътибор) билан; ~ لِلْـــ фавқулодда; ~ مُهِمٌّ لِلْـــ ғоят муҳим; ~ تَعَجَّبَ ғоят таажжубга тушди

! (غيب) **غَابَ** (и) غُيُوبٌ, غِيَابٌ, غَيْبَةٌ, غَيْبٌ 1) (*қаердадир*) йўқ бўлмоқ (عَنْ). عَنِ الْوُجُودِ ~ номавжуд бўлмоқ; 2) яшириниб бўлмоқ, ғойиб бўлмоқ, яширинмоқ, йўқолмоқ; ~ عَنْهُ مَعْرِفَتُهُ у буни билмас эди; ~ عَنِ النَّظَرِ *ёки* ~ عَنِ الْعَيْنِ кўздан ғойиб бўлмоқ; ~ عَنْ وَعْيِهِ *ёки* ~ عَنِ الصَّوَابِ *ёки* ~ عَنِ الْوَعْيِ ёки ~ عَنْ رُشْدِهِ а) ҳушни йўқотмоқ; б) ақлни йўқотмоқ, ақлдан айрилмоқ; يَجِبُ أَنْ لَا ~ كَيْفَ ~ عَنِّي ذَلِكَ؟ кўздан қочирмаслик керак; يَغِيبُ عَنِ الْبَالِ қандай қилиб бунга эътибор бермабман?; 3) ботмоқ (*қуёш ҳақида*); 4) айбламоқ. II غَيَّبَ 1) кўринмайдиган қилмоқ; узоқлаштирмоқ, яширмоқ; غَيَّبُوهُ فِي بَاطِنِ الْأَرْضِ уни ерга кўмдилар; ~ هُ الْمَوْتُ ўлим олиб кетди; 2) (*н. дандир*) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ; (*н. дандир*) ажралмоқ, айрилмоқ (عَنْ); 3) ед олмоқ; V تَغَيَّبَ 1) (*қаердадир*) кўринмай қолмоқ, йўқ бўлмоқ (عَنْ). 2) (*қаердандир*) кетмоқ (عَنْ). VIII اغْتَابَ иғво қилмоқ, туҳмат қилмоқ; (к. нидир)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёмонламоқ

– تَغَيُّبٌ 1) бўлмаслик, йўқ бўлиш, 2) (*қаердандир*) кетиш (عَنْ)

– غَائِبٌ 1. 1) қатнашмаётган, (*ҳозир*) йўқ бўлган; 2) яширин, кўринмас, кўринмайдиган; ғойиб бўлган; 2. *грам.* учинчи шахс, رَوِي ~ بِلِسَانِ الْـ~ учинчи шахс тилидан (номидан) ҳикоя қилмоқ; عَنِ ~ الْوُجُود беҳуш ётган, عَنِ الْوَعْيِ ~ беҳуш ҳолдаги (ҳолатдаги); صَلَاةُ الْـ~ *дин.* ўлган одам ҳаққига қилинган дуо

– غَابٌ[1] *жам.* қамиш; هِنْدِيٌّ ~ бамбук (*Хиндистонда ўсадиган қамиш ўсимлиги*)

– غَابٌ[2] *жам.* дарахтзор, ўрмон, ◊ إِنْسَانُ الْـ~ орангутанг (*маймун тури*), شَرِيعَةُ الْـ~ *еки* نِظَامُ الْـ~ *еки* قَانُونُ الْـ~ ёввойилар (ваҳшийлар) қонуни

– غَابَةٌ[1] *кўп.* ـَاتٌ — бир дона қамиш

– غَابَةٌ[2] *кўп.* ـَاتٌ — ўрмон, чакалакзор

– غَابِيٌّ 1) ўрмонли, дарахтлари кўп; 2) ўрмонга оид

– غَيَابٌ 1) йўқ бўлиш (бор бўлмаслик); қатнашмаган бўлиш; 2) ботиш (*қуёш ҳақида*)

– غَيَابَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — чуқурлик, ост

غَيَابِيٌّ сиртқи; ~ حُكْمٌ сиртқи (сиртдан қилинган) ҳукм; ~ сиртдан

– غَيْبٌ 1) йўқ бўлиш (бор бўлмаслик); 2) *кўп.* غُيُوبٌ кўзга кўринмайдиган ҳамма нарса, 3) бўлажак, келажак; ◊ ~ ـًا еддан (*мас., ўқимоқ ҳақида*); ~ ـًا وَ مُشَاهَدَةً қатнашиб ва сиртдан; اسْتِطْلَاعُ الْـ~ فِي الْأَفْلَاكِ وَ النُّجُومِ еритғич ва юлдузларга қараб фол очиш (*фирибгарлар ҳақида*); عَالِمُ الْـ~ а) сирли олам, б) *дин.* у дунё; в) номаълумлик, عَالِمُ الْـ~ (عَلَّامُ) ҳамма нарсани билувчи (*Оллоҳ сифатларидан*)

– غَيْبَةٌ йўқ бўлиш (бор бўлмаслик) кетиб қолган бўлиш; ~ فِي الْبَرْلَمَانِ парламент таътили вақтида

– غِيبَةٌ ғийбат

– غَيْبُوبَةٌ беҳуш, ҳушсиз, ўзидан кетган ҳолат; ~ الْمَوْتِ оғир беҳушлик ҳолати; ~ شِبْهُ الْـ~ ярим ҳушсизлик; أَحْدَثَهُ الْـ~ у беҳуш бўлиб қолди

– غَيْبِيٌّ 1. 1) яширинган, қалб тўридаги, 2) у дунёдаги, у дунёдан; *кўп.* ـَاتٌ — у дунёдаги ҳодисалар; قَارِئُ الْغَيْبِيَّاتِ келажакни айтиб берувчи; ғойибдан хабар берувчи; 2 метафизик

– مُغْتَابٌ ғийбатчи, туҳматчи; ёмонотлиқ қилувчи

– مَغِيبٌ 1) йўқ бўлиш (бор бўлмаслик); 2) қуёшнинг ботиш пайти

– مُغِيبٌ = مُغِيبَةٌ

– مُغَيَّبٌ 1) кўринмайдиган, яширин, ғойиб; 2) номаълум

– مُغَيَّبَاتٌ *кўп.* номаълумликлар олами (дунёси)

– مُغَيِّبَاتٌ *кўп.* наркотик моддалар

– مُغِيبَةٌ эридан вақтинча айриликда бўлган аёл

غِيتُو гетто (*ирқий, миллий ёки диний жиҳатдан камситилганлар учун ажратилган яшаш жойи*)

I (غيث) غَاثَ (и) غَيْثٌ ёмғир ёғдирмоқ (*Оллоҳ ҳақида*)

– غَيْثٌ *кўп.* غُيُوثٌ ёмғир; أَوَّلُ الْـ~ قَطْرٌ ثُمَّ يَنْهَمِلُ 1. ёмғирнинг боши-томчи, кейин пақирдан қуйгандай бўлиб кетади, бармоғини киритиб олса бўлди, кейин билагини ҳам тиқади; ◊ جَادَ الْـ~ ثَرَاهُ! жойи жаннатда бўлсин!

– مَغِيثٌ ёмғир ёққан, ёмғир тушган; أَرْضٌ ~ـَةٌ ёмғир ёғиб ўтган ҳудуд

– مَغْيُوثٌ = مَغِيثٌ

غَيْثَرَةٌ *кўп.* тубан одамлар, пасткашлар

I غَيِدَ (а) غَيَدٌ ингичка (қайишқоқ, эгилиб-букилувчан) бўлмоқ; нозик бўлмоқ; VI تَغَايَدَ назокат билан тебранмоқ (*юриш пайтида* فِي الْمِشْيَةِ)

– أَغْيَدُ[1] *мн.* غِيدٌ غَيْدَاءُ *кўп* غَيْدٌ ёш; ўспирин, назокатли

– أَغْيَدُ[2] *мн.* غِيدٌ غَيْدَاءُ *кўп.* غَيْدٌ бошини осилтириб (бўйнини эгиб) ухлаётган

– غَادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — غَيْدٌ, 1) ёш қиз; 2) гўзал, нозанин هَيْفَاءُ ~ нозанин, қадди-басти келишган қиз

– غَيَدٌ назокатлилик; бокиралик, янгилик

I (غير) غَارَ (а) غَيْرٌ рашк қилмоқ (*к. ниёбат к. фанатизм*); жонсарак (ҳаракатчан) бўлмоқ (عَلَى); 2) (*к. гадир*) ҳавас (ҳасад) қилмоқ (مِنْ); II غَيَّرَ алмаштирмоқ, ўзгартирмоқ, бошқасини қўймоқ; ~ عَلَى الْجُرْحِ жароҳатни қайтадан боғламоқ, боғлаб қўймоқ, ~ فِكْرَهُ ўз фикридан қайтмоқ; ~ مَلَابِسَهُ кийимни ўзгартирмоқ, бошқача кийинмоқ; III غَايَرَ 1) ажралиб (фарқланиб) турмоқ, бошқаларга ўхшамаган бўлмоқ; 2) (*к. билан дир*) алмашинмоқ; IV أَغَارَ рашклантирмоқ, рашкини чиқармоқ, ғаюрлантирмоқ, V تَغَيَّرَ ўзгармоқ, ўзгариб қолмоқ; бошқача кўринишли бўлиб қолмоқ, бошқача бўлиб қолмоқ; لَا يَتَغَيَّرُ ўзгармайдиган; доимий, ~ مِنَ الْأَسَاسِ асос эътибори билан ўзгармоқ; VI تَغَايَرَ фарқланмоқ, бир-биридан фарқли бўлмоқ; турли-туман бўлмоқ; X اسْتَغَارَ ўзгартирмоқ, алмаштирмоқ

– تَغَايُرٌ фарқ, бир хил бўлмаслик; *фон.* диссимиляция

– تَغَيُّرٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) ўзгариш, бошқача бўлиш, 2) ўзгарувчанлик ~ عَدَمُ الْـ~ ўзгарувчансизлик

– تَغْيِيرٌ ўзгариш, ўзгартириш, алмаштириш; ~ قَصْعَةُ الْـ~ эҳтиёт қисм

– تَغْيِيرَةٌ ўзгартириш, алмаштириш (*кийим-кечак ва ш.к. ларни*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– غِيَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) алмаштириш, ~ أَدَاةُ الْـــ *ёки* ~ قِطْعَةُ الْـــ *ёки* ~ جُزْءُ الْـــ эҳтиёт қисм; 2) (*жароҳат учун*) боғлама; ~ وَضَعَ (*бирор н. га*) боғлама қўймоқ (عَلَى)

– غَيْرٌ 1) бошқа, бўлак, ўзга; керак бўлмаган дарса; ~هُمْ бошқалар; ~ وَ *ёки* ~ ذٰلِكَ ва ҳоказо; ва шу кабилар; ~ فِي هٰذَا бошқа жойда, الْمَكَانِ ~ بِالْأَمْسِ إِنَّ الظُّرُوفَ الْيَوْمَ ~هَا бугунги шароит кечаги сингари эмас (яъни бошқача); ~ حُزْنُ النِّسَاءِ حُزْنُ الرِّجَالِ эркак кишининг ғами хотин кишининг ғамидан бошқача, أَنْتَ قَرَأْتَ ~ هٰذَا عَلَى ما يَقْرَؤُهُ الْآخَرُونَ сен буни бошқаларга қараганда бўлакча ўқидинг. 2) бўлак, ташқари; ~ وَ مَنْ ~ى يُفَاتِحُهُ мендан бўлак ким у билан гаплашади?, ... غَيْرُ ... (لَا) مَا фақат, фақатгина; ~كَ مَا رَأَيْتُ هُنَاكَ у ерда мен фақатгина сени кўрдим; 3) ғайри ..., но..., бе ..., ~ رَسْمِيٌّ ~ ғайрирасмий, ~ مَشْرُوعٌ ғайриқонуний, ноқонуний; ~ مُفِيدٌ бефойда, ~ ذُو مَعْرِفَةٍ бехабар, ~ وَاحِدٌ бир эмас; ~ مَرَّةً кўп марта; ~ نِهَايَةَ إِلَى бениҳоя; مَضَى ~ إِلَى رَجْعَةَ ёки ~ـــ عَوْدَةَ қайтмайдиган бўлиб ўтмоқ; ~ مِنْ ... أَنْ ...масдан, ...май туриб, (مَا) ~ مِنْ ёки (مَا) ~ ـــ ...сиз; وَ ~ فِي (بِ) (مَا) قَلِيلٍ مِنَ ~ مَا مُنَاسَبَةٍ ҳеч қандай сабабсиз, الْمَرَارَةِ афсус қилмасдан, афсусланмай, алам чекмасдан. ~ فِي الْكُلْفَةِ бемалоллик билан, бемалол, ~ الْعَادَةِ عَلَى ғайриодатий, ғайритабиий равишда; ~ عَلَى رَغْبَةٍ مِنْهُ рағбатсиз, ғайриихтиёрий. ~ عَلَى أَسَاسٍ асоссиз равишда; ~ لَا бошқача эмас, худди шундай; ~ وَاحِدٌ бир эмас, кўп; 4) ~ الْـــ бошқалар, ўзгалар; ~ أَفْكَارُ الْـــ ўзгалар фикрлари. ~ أَرْضِ الْـــ وَ يَعْمَلُ فِي أَرْضِ ~ бошқаларнинг ерида ишлайди; ◊ ... أَنْ ~ аммоки, ... ки, ...

– غُيُرٌ *кўп* ўзгаришлар, ~ الدَّهْرِ дунёнинг буқаламунлиги (бевафолиги, беқарорлиги, ўзгариб туриши)

– غَيْرَانُ *мн.* غَيْرَى *кўп* غَيَارَى серғайрат, ҳаракатчан

– غَيْرَةٌ 1) ғайрат; 2) ҳаракатчанлик, қизғинлик

– غِيَرٌ *кўп* غَيْرٌ ўзгариш; غِيَرُ الدَّهْرِ дунёнинг буқаламунлиги (бевафолиги, беқарорлиги)

– غَيْرِيٌّ альтруист (*ўз манфаатларидан воз кечиб, бошқаларга ғамхўрлик қилувчи киши*)

– غَيْرِيَّةٌ альтруизм (*қар.* غَيْرِيٌّ)

– غَيُورٌ 1. 1) рашкчи, ғаюр; 2) серғайрат, серҳаракат; 3) мутаассиб (*киши*); 2. жонкуяр, ўта ғамхўр

– مُتَغَايِرٌ бир-биридан фарқ қилувчи, бир хил бўлмаган, ҳар хил, турли жинсли

– مُتَغَيِّرٌ ўзгариб турувчи, ўзгарувчан; ~ الْـــ التَّيَّارُ ўзгарувчан ток

– مُغَايِرٌ фарқланувчи, фарқ қилиб (ажралиб) турувчи; ҳар хил, бошқага ўхшамайдиган, бошқача; бир хил бўлмаган, турли жинсдаги

– مُغَايَرَةٌ фарқ, ажратиб турувчи белги, ҳар хиллилик

– مِغْيَارٌ *физ* вариометр (*индуктивликни ўзгартирувчи асбоб*)

– غَيْسَرٌ *кўп* غَيَاسِرُ гейзер (*ўқтин-ўқтин отилиб турадиган иссиқ булоқ*)

I (غيض) **غَاضَ** (и) غَيْضٌ, مَغَاضٌ 1) қочмоқ, йўқолмоқ (*суюқ нарсалар ҳақида*); ~ تِ الدِّمَاءُ مِنْ وَجْهِهَا унинг юзидан нам қочди. 2) камаймоқ, озаймоқ (*сув ҳақида*); кичраймоқ (*ўлчов ҳақида*), пасаймоқ (*нарх-наво ҳақида*); ◊ لَوْنُهُ ~ унинг юзи ўзгариб кетди; II غَيَّضَ иўқотмоқ, оқизиб юбормоқ (*сув ҳақида*), IV أَغَاضَ = II, VII انْغَاضَ = I

– غَيْضٌ 1) ташланган (муддатидан илгари) бола, чала туғилган бола; 2) унча катта бўлмаган миқдор; ~ مِنْ فَيْضٍ *маж.* денгиздан томчи, أَعْطَاهُ ~ مِنْ فَيْضٍ у унга жуда оз берди. هٰا كُمُ الْوَقَائِعَ وَ هِيَ ~ مِنْ فَيْضٍ мана сизга далиллар, аммо булар денгиздан томчи холос

– غَيْضَةٌ *кўп* غِيَاضٌ ўрмон чакалакзори

– مَغَايِضُ *кўп* чакалакзор

– غَيْطٌ *кўп* غُيُوطَانٌ дала. 2) боғ

– غَيْطَانِيٌّ фермер

I (غيظ) **غَاظَ** (и) غَيْظٌ аччиқлантирмоқ, жаҳлини чиқармоқ; II غَيَّظَ аччиғини чиқартирмоқ, жаҳлини қўзғатмоқ; IV أَغَاظَ = II; V تَغَيَّظَ аччиқланмоқ, жаҳлланмоқ; VIII اغْتَاظَ = V

– غَيْظٌ ғазаб, аччиқланиш; нафрат

– مَغِيظٌ аччиқланган, ғазабланган

– غَاقٌ *зоол.* бақлан, қорабузов (*қуш*)

I (غيل) **غَالَ** (и) غَيْلٌ ҳомиладор вақтида болани эмизмоқ; IV أَغَالَ *ва* أَغْيَلَ = I, أَغْيَلَتِ الْغَنَمُ қўй бир йилда икки марта туғди

– غَالٌ *кўп* اتٌ ـــ *алиф.б.қар.*

– غَائِلَةٌ ёмонлик, евузлик

– غَيْلٌ1 ҳомиладор аёлнинг сути

– غَيْلٌ2 ер устида (ариқда) оқаётган сув

– غِيلٌ1 *кўп* أَغْيَالٌ ўрмон чакалакзори

– غِيلٌ2 *кўп* غُيُولٌ 1) йўлбарс яшайдиган ўрмон; 2) барглари қалин ва зич дарахт

– غَيْلَانُ ~: أُمُّ меваси олхўрига ўхшаш бута ўсимлик

– مَغَالَةٌ = مَغَائِلَةٌ

I (غيم) **غَامَ** (и) غَيْمٌ 1) булут босган бўлмоқ; булутли бўлмоқ; ~ تِ

www.ziyouz.com kutubxonasi

الشَّمْسُ بِضْعَ سَاعَاتٍ қуёш бир неча соат булут ортига яширинди; 2) тунд бўлмоқ (*юз ҳақида*): ~َت الدُّنْيَا أَمَامَ عَيْنَيْهِ унинг кўзлари қорайиб кетди; II غَيَّمَ булутга тўлган (булут босган) бўлмоқ (*осмон ҳақида*); IV أَغْيَمَ = II; V تَغَيَّمَ булутлар билан қопланмоқ

– غَائِمٌ булутлар билан қопланган (*осмон ҳақида*), булутли

– غَيْمٌ *жам. кўп.* غُيُومٌ булут

– غَيْمَاءُ *мн* غَيْمَى *кўп.* غِيمٌ ташна, чанқоқ

– غَيْمَةٌ булут

– غَيُومٌ булутли, булут билан қопланган

– مُتَغَيِّمٌ булутли, булут билан қопланган

I **غِينَ** *мажх.* ўраб олинмоқ, қамраб олинмоқ; ~َ عَلَى الْقَلْبِ юракни истак ўртаб юборди

– أَغْيَنُ *мн.* غَيْنَاءُ *кўп.* غِينٌ яшил, зангор; شَجَرَةٌ غَيْنَاءُ тарвақайлаган ям-яшил дарахт

غَيَايَةٌ 1) туб, чуқурлик; ~ُ الْبِئْرِ қудуқнинг таги (туби); 2) бошга соя ташлаши мумкин бўлган барча нарсалар

– غَيْنَةٌ тарвақайлаб кетган ям-яшил дарахт

غِينِيٌّ 1. Гвинеяга оид; ~ خِنْزِيرٌ денгиз чўчқаси; 2. гвинеялик

غَيْهَبٌ *кўп.* غَيَاهِبُ *қар.* عَهْب

ف

ف (فَاءٌ) фо (*араб алифбосининг йигирманчи ҳарфи, абжадда-80*)

ف *қисқартма сўз* فَذَّانٌ *дан*

ف: ... فَـــ 1) кейин, сўнг, ва; كَتَبَ مَكْتُوبًا فَأَرْسَلَهُ у хат ёзди ва жўнатиб юборди; 2) ...га келсак; أَمَّا ... فَـــ ...га келсак, у ...; ... бўлса, у ...; 3) ...иш (...ш) учун; اقْتَرِبْ مِنِّي فَأُكَافِئَكَ! сени мукофотлашим учун яқинроқ кел!, 4): ... فَلْـــ (فَـــ + لِـــ) майли, ...син; فَلْيَكْتُبْ майли, у ёзсин; ◊ فَإِنَّ чунки, шунинг учунки; يَوْمًا فَيَوْمًا кундан кунга; شَيْئًا فَشَيْئًا оз-оздан; فَوَا حَوْفَاهُ! қандай даҳшат, о, даҳшат-ку!

فُوهٌ[2] *қар.* فَا

فَائِظٌ *кўп* فَوَائِظُ ортиқ даражадаги фоизлар (процентлар)

فَابْرِيقَةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ, فَبَارِيقُ фабрика

فَابْرِيكَةٌ = فَابْرِيقَةٌ

فَاتُورَةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ, فَوَاتِيرُ 1) юкка (товарга) қўшиб юбориладиган ҳужжат (накладной, фактура); *шунингдек*: ~ُ الْحِسَابِ ҳисоб (*варақаси*), ~ُ الْكَهْرَبَاءِ электр учун тўлов варақаси (счёти); 2) намуна (*учун қилинган бирор н*.)

فَاتِيكَانُ: الْـــ~ Ватикан

– فَاتِيكَانِيٌّ Ватиканга оид

فَاخُورَةٌ *қар.* فَخَّار

فَارُوزٌ фируза

فَازِلِينٌ вазелин

فَازَةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ ваза (*идиш*)

فَاسٌ *савдо.* фас, қадоқланган нарса

فَاشٌ (*қушлардаги*) паразит

فَاشِزْمٌ фашизм

فَاشِيٌّ 1. фашистликка оид; 2. фашист, фашизм тарафдори

فَاشِزْمٌ = فَاشِيسْتِيَّةٌ

فَاصُولِيَا ловия, фасол

فَالُودَةٌ, فَلُوذَجٌ қиём (*мевадан шакар қўшиб тайёрланган*), желе (*сол.* بَالُوظَةٌ)

فَانِلَّا фланель (*ипдан ёки жундан тўқилган енгил мато*)

– فَانِلَّةٌ *кўп.* ـــَ اتٌ 1) фланел; 2) фуфайка; футбол ўйинида кийиладиган майка; 3) *кўп.* фланелдан тайёрланган нарсалар (*мас., ички кийимлар*)

فَانُوسٌ *кўп.* فَوَانِيسُ фонус, фонар, чироқ; ~ُ السِّحْرِيُّ проекцион фонар

فَانِيلْيَا ваниль (*хушбўй мевали тропик ўсимлик*)

فَابْرِيقَةٌ = فَاوْرِيقَةٌ

فَايِظٌ *кўп* فَوَايِظُ фоизлар, процентлар (*маблағдан олинадиган*)

– فَايِظْجِيٌّ *кўп* فَايِظْجِيَّةٌ судхўр, фоизчи

(فأت) VIII اِفْتَأَتَ 1) (*ёмон бир*) ният қилмоқ; 2) (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ, айб қадамоқ (عَلَى); ~ عَلَى الْحُقُوقِ ҳуқуқларни бузмоқ (топтамоқ); ~ بِرَأْيِهِ ўз билганича иш тутмоқ

– اِفْتِئَاتٌ туҳмат, ёлғон; бўҳтон; ёлғон айб ёпиштириш

I **فَأَدَ** (*а*) فَأْدٌ 1) юракни ишдан чиқармоқ, ишдан чиқармоқ (*касаллик ҳақида*); ўраб олмоқ, босмоқ; ~ُ الْخَوْفُ уни қўрқув ўраб олди, уни қўрқув босди; ~ُ الدَّاءُ уни касаллик ишдан чиқарди; 2) қовурмоқ, пиширмоқ; ~ اللَّحْمَ гўшт пиширмоқ (*сихда*); VIII اِفْتَأَدَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*ўт, олов*) ёқмоқ

– فُؤَادٌ *кўп.* أَفْئِدَةٌ 1) юрак, қалб; 2) ақл, дониш, ◊ مِنْ صَمِيمِ الـــ~ чин юракдан, самимий

– مِفْآدٌ *кўп.* مَفَائِدُ *ёки* مِفْأَدٌ *кўп.* مَفَائِدُ (*кабоб пиширилаётган*) сих

– مَفْؤُودٌ юраги ишдан чиққан; 2) юрак касаллиги билан оғриган

فَأْرٌ *жам. кўп.* فِئْرَانٌ 1) сичқонлар; الْبَيْتِ ~ уй сичқонлари; فِئْرَانُ التَّجَارِبِ тажриба сичқонлари; الْحَقْلِ ~ *зоол.* суғур, الْغَيْطِ ~ дала сичқонлари; الْخَيْلِ ~ сассиққўзан, الـــ~ أُذُنِ آذَانُ الـــ~ *қар.* بَصَلُ الـــ~ *бот.* денгиз пиёзи; 2) каламушлар, سَمُّ الـــ~ маргимуш; الـــ~ بَدَأَ يَلْعَبُ فِي عُبِّهِ унинг ичини ит таталаяпти

– فَأْرَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) сичқон; عَمْيَاءُ ~ *зоол.* кўрсичқон, 2) каламуш; الْمِسْكِ ~ а) ондатра; б) кабарга (*кийиклар оиласига мансуб жонивор*), ◊ النَّجَّارِ ~ ранда; الْكَشْفِ ~ тахтаранда, سِلَاحُ الـــ~ (كَسْتِيرُ) ранданинг тиғи

فَأْسٌ *мн. кўп.* فُؤُوسٌ 1) болта; 2) омоч; кетмон; اللِّجَامِ ~ юган сувлиғи

فَأْفَأَ дудуқланмоқ

– فَأْفَاءٌ дудуқ

– فَأْفَأَةٌ дудуқланиш

(فأل) V تَفَأَّلَ (*н. дадир*) яхши фолни кўрмоқ (ب); VI تَفَاءَلَ 1) яхши фол, яхши аломат деб ҳисобламоқ; яхшиликка йўймоқ; مِنْهُ خَيْرًا ~ у бунда яхши аломатни кўрди, у буни яхшиликка йўйди; 2) некбин, оптимист бўлмоқ; VIII اِفْتَأَلَ = VI

– تَفَاؤُلٌ 1) некбинлик, оптимизм; وَ الـــ~ يَمْلَأُ الْقُلُوبَ ҳамма келажакка ишонч (оптимизм) билан тўлиб-тошган эди; تَسُودُ رُوحُ الـــ~ الْجَمِيعَ улар орасида некбинлик руҳи ҳоким эди; 2) яхши фол, 3) (*бирор н. да*) яхшилик аломатини кўриш

– تَفَاؤُلِيٌّ некбиний, оптимистик, некбинликка (*оптимизмга*) оид

– فَأْلٌ *кўп* فُؤُولٌ яхши фол, яхши аломат; وَ مِنَ الـــ~ الْجَمِيلِ ... لِـــ... أَنْ ... учун яхши аломат (фол) шу нарса бўлиб ҳисобланадики, ...; وَ لَكِنْ خَابَ ~هُمْ! лекин уларнинг яхшиликка бўлган умидлари пучга чиқди; خَيْرٌ ~ *ёки* حَسَنٌ ~ хайрли фол, яхши аломат; شَرٌّ ~ ёмон фол, ёмон аломат

– مُتَفَائِلٌ 1) некбинликка (оптимизмга) оид; 2. некбин, оптимист

– مُتَفَائِلِيٌّ некбинликка оид, оптимистик

فِئَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ 1) қисм. бўлим; 2) тур, класс; السُّفُنِ ~ кемалар тури; 3) (*аҳоли*) табақаси; الْمُوَظَّفِينَ ~ амалдорлар; 4) тўда, гуруҳ; 5) серия (*облигация, лотереяларда*); пул *ёки* облигацияларнинг айрим ... д онаси! (*купюра*); 6) нарх, баҳо, қиммат; ◊ الدَّمِ ~ қон гуруҳи (группаси)

– فِئَوِيٌّ бирор гуруҳга мансуб бўлган; (*бирор*) сериядаги

– فِئَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ баҳо, нарх

فِبْرَايِرُ февраль (*ой*)

فَبْرَكَ тўқиб чиқармоқ, ўйлаб чиқармоқ (*мас., миш-миш ва ҳ.к.*)

– فَبْرَكَةٌ тўқиб чиқарилган нарсалар (*мас., миш-миш*)

I فَتَّ (*a/u*) فَتٌّ майдаламоқ, парча-парча қилиб ташламоқ; فِي ~ أَعْضَادِهِمْ *ёки* فِي عَضُدِهِ *ёки* فِي سَاعِدِهِ ~ кучсизлантирмоқ; кимнидир кучдан қолдирмоқ, кимларнингдир кучини заифлаштирмоқ; ◊ وَرَقَ اللَّعْبِ ~ (*ўйнайдиган*) карта бермоқ, тарқатмоқ, II فَتَّتَ 1) майдаламоқ, парчаламоқ; الصَّخْرَ ~ музни синдирмоқ (парчаламоқ (*сўзма-сўз:* қояни парчаламоқ, بُدَدًا ~ майда-майда қилмоқ; الذُّرَّةَ ~ атомни парчаламоқ; 2) эзмоқ, парчаламоқ (*юракни*), يُفَتِّتُ هَذَا كَبِدِي бу менинг юрагимни эзиб юборди, V تَفَتَّتَ 1) майдаламоқ, парчаламоқ; майда-майда қилиб бўлмоқ; парчаланмоқ (*атом ҳақида*), 2 эзилмоқ, парчаланмоқ, пора-пора бўлмоқ (*юрак ҳақида*); يَتَفَتَّتُ مِنْهُ الْكَبِدُ бундан жигар эзилиб кетади; VII اِنْفَتَّ майдаланган (парчаланган, майда-майда қилинган) бўлмоқ

– تَفْتِيتٌ майдаланиш, парчаланиш; الذُّرَّةِ ~ атом парчаланиши

– فَتٌّ фатт (*сув, квас кабиларга тўғралган пиёз ва нонли овқат номи*); هَذَا كَالـــ~ لِلْأَهْتَمِ *мтл.* бу тишсизнинг об-ёвғони бўлибди

– فُتَاتٌ майда бўлаклар; бўлакчалар; зарралар, заррачалар

– فَتَّةٌ шўрвага, сутга тўғралган нон бурдалари

– فَتِيتٌ = فُتُوتٌ

– فَتِيتٌ 1) майдаланган, тўғралган; 2. 1) фатт (*қар.* فَتٌّ); 2) нон тўғрами (тўғрамчиси); 3) парча-бурон, узуқ-юлуқ (*мас., пахта, чим*)

– فَتِيتَةٌ *кўп* فَتَائِتُ 1) майда-чуйда; 2) бурда, бўлак

I فَتِئَ (*a*) فَتْءٌ тўхтамоқ, тўхтатмоқ; يَكْتُبُ ~ مَا у ёзишни тўхтатмади, у тўхтамай ёзаверди; تَفْتَأُ هَذِهِ الْأَوْهَامُ رَبِّي فِي أَعْشَاشِهَا ё худо, бу ҳали ҳам айланиб юрибди (*сўзма-сўз:* ўз уяларида ўтирибди) (*ҳозирги-келаси-замон феълидан ва қасамни ифодоловчи сўзлардан олдин У инкор юкламаси ишлатилмайди, лекин бор деб тасаввур қилинади*); IV أَفْتَأَ = I

I فَتَحَ (*a*) فَتْحٌ 1) очмоқ, очиб ташламоқ; тантанали равишда очмоқ (*мас., мактаб, клуб ва б. ларни*); ... بَابًا جَدِيدًا فِي عِلْمٍ ~ ... фанида янги боб очмоқ; اعْتِمَادًا ~ кредит очмоқ; ... عُيُونَهُ عَلَى ~ *кўч.м.* бирор киши кўзини ...га очмоқ; 2) ишонтирмоқ (*бирор фикрга*); 3) бошламоқ, الْمَوْضُوعَ ~ (*бирор н. ҳақида*) гап бошламоқ; 4) бурамоқ, уламоқ (*кранни, электр улағични*); النُّورَ ~ чироқни ёқмоқ (уламоқ); 5) босиб олмоқ (*мас., мамлакатни*); 6) (*бирор н. га*) асос солмоқ; ташкил қилмоқ; 7) *грам.* фатҳа белгисини қўймоқ; ундошни фатҳа билан ўқимоқ; 8) ҳукм қилмоқ, ҳукм чиқармоқ; اِفْتَحْ بَيْنَنَا бизларга нисбатан ҳукмингни чиқаргин; ◊ الْأَزْرَارَ ~

www.ziyouz.com kutubxonasi

тугмаларни ечмоқ; اَلْبَحْث ~ *еки* اَلْقَفْل ~ *еки* اَلْمِسْمَار ~ фол очмоқ, иссиқ-совуқ қилмоқ; اَلرَّمْل ~ қумда фол очмоқ; اَلشَّهِيَّة ~ иштаҳа уйғотмоқ (қўзғотмоқ); اَلْبِيْت ~ қизлик (бокиралик)дан маҳрум қилмоқ; صَابُوْدَة ~ хижолат тортмаслик اللهُ فَتَحَ عَلَيْك Оллоҳ берсин! (*тиланчига ҳеч нарса берилмаган вақтда айтилади*). II فَتَّحَ 1) тез-тез (кўп марта) очмоқ, ҳамма эшик-деразаларни очиб ташламоқ. 2) (*сочларни*) очиқ рангга бўямоқ. 3) чилмоқ, гулламоқ. ~ت الشَّمْس яна қуёш кўринди. 4) маърифатли қилмоқ. (*ақлан*) камолга етказмоқ. اَلْعَقْل ~ ақлни камолга етказмоқ (ўстирмоқ). III فَاتَحَ (*шахс к. билан*) гаплаша бошламоқ. V تَفَتَّحَ 1) очилмоқ, гулламоқ. ... ~تْ عُيُوْنُهُ عَلَى النُّوْر у ... да дунега келди. 2) (*ақлан*) ўсмоқ. VII اِنْفَتَحَ 1) очилган бўлмоқ очилмоқ гулламоқ. 2) (*ақлан*) ўсмоқ. VIII اِفْتَتَحَ ~ 1) очмоқ. دَوْرَة اِلْمَجْلِس ~ совет сессияси (*мажлиси*) ни очмоқ. 2) (*н. биландир*) очилмоқ бошланмоқ (ҳ.). 3) босиб олмоқ (*мас.: мамлакатни*). X اِسْتَفْتَحَ 1) (*н. биландир*) бошламоқ (ҳ.). 2) очмоқ (*биринчи савдони*). 3) очмоқни сўрамоқ. 4) (*к. дандир*) ёрдам сўрамоқ (ҳ.).

– اِسْتِفْتَاح 1) бошланиш, кириш, бошланма. 2) ташаббус, бошлаб бериш.

– اِفْتِتَاح *кўп* ~ات — 1) очилиш (*бирор н.нинг*) очилишига бағишланган тантана. اَلْعَرْض ~ ـُحَفْلَة кургазма (выставка) нинг тантанали очилиши. ~ اَلْكَلِمَة اَلْفَتَى кириш нутқи сўзламоқ. 2) *шахм.* бошланиш, дебют.

– اِفْتِتَاحِيّ 1) киришга оид. ~ـَة مَقَالَة бош мақола. 2) *муз.* увертюра.

– اَلْفَتْح 1) очилиш. 2) (*ақлан*) ўсиш. 3) *ҳарб* (*жанговар тартибларни*) кенгайтириш. ◊ اَلْ~ اَلْاِقْتِصَادِيّ иқтисод соҳасини либераллаштириш, эркин қўйиб юбориш.

– تَفْتِيح очиш, очиб юбориш. اَلْمَوَاهِب ~ иқтидорни тараққий эттириш, очиб юбориш.

– فَاتِح[1] 1) очувчи. 2) бошловчи. 2. 1) фотиҳ, босиб олувчи. 2) ойнинг биринчи куни (*числоси*) (*Шимолий Африкада*). مَايُو ~ Биринчи май.

– فَاتِح[2] очиқ сочли.

– فَاتِحَة *кўп* فَوَاتِح 1) очилиш. 2) бошланиш, кириш; фотиҳа. اَلْ~ سُوْرَة Қуръони каримнинг биринчи сураси. قَرَأَ اَلْ~ عَلَى رُوْحِه *ким* ўлган киши руҳига бағишлаб фотиҳа сурасини ўқимоқ. قَرَأَ اَلْ~ فِي سِرّ Қуръони карим сурасини ичда ўқимоқ.

– فَتَّاح 1 очувчи. اَلْفَأْل ~ фол очувчи, фолбин. 2. 1) фотиҳ, босиб олувчи. 2) фаровонлик эшигини очувчи (*Оллоҳ сифатларидан бири*). 3) ҳукм чиқарувчи, ҳукм қилувчи. 4) *кўп* فَتَاتِيح *зоол.* жиблажибон.

– فَتَّاحَة 1 очувчи аёл. اَلْفَأْل ~ фол очувчи аёл. *кўп* ~ات —

консерва очидаган пичоқ (шунингдек: اَلْعُلَب ~); штопор (*шунингдек:* اَلسَّدَادَات ~) (*пўкак очадиган пармасимон асбоб*).

– فَتْح *кўп* فُتُوْح 1) очилиш, очиш. اَلْبَحْث ~ *еки* اَلْمِسْمَار ~ фол очиш. 2) фатҳ, ғалаба, зафар; босиб олиш.

– فَتْحَة *кўп* ~ات — 1) очиш. 2) тешик, (*бирор н.*) ўтадиган жой; оралиқ. 3) (*кўприк тиргавичлари*) оралиғи. 4) кесик, қирқиб олинган жой. اَلْفُسْتَان ~ *еки* اَلصَّدْر ~ декольте (*аёллар кўйлагининг кўкраги очиқ жойи*). 5) *грам.* фатҳа.

– فُتْحَة *кўп* فُتَح 1) ўтадиган жой, оралиқ. 2) (*кўприк тиргавичлари*) оралиғи. 3) кесик, қирқиб олинган жой. 4) шлюз (*гидротехник иншоот*).

– فُتُوحَات *кўп* 1) босиб олиш, босиб олинган ерлар. 2) ютуқлар. اَلْعِلْمِيَّة ~ илмий ютуқлар.

– مِفْتَاح *кўп* مَفَاتِيح 1) очқич, калит. اَلصَّامُوْلَة ~ *еки* اَلْ~ اَلْإِنْكِلِيْزِيّ гайка калити. اَلْقُفْل وَ اَلْ~ қулф ва калит (*очқич*). ثَقْب اَلْ~ (*эшикдаги*) қулф тешиги. اَلْعَقْد ~ *архит.* қулф (*аркнинг, гумбазнинг марказий қулфловчи ғиштн. тоши*). اَلْمَدِيْنَة ~ шаҳар калити. أَقْفَلَ اَلْبَاب بِالْ~ эшикни калит билан қулфламоқ. 2) *шунингдек:* كَهْرَبَائِيّ ~ *еки* كَهْرَبَائِيّ ~ *эл.* уланғич калит (*включатель*). اَلْمُشْعَل ~ (*автомобилдаги моторни*) ендириш қулфи. 3) *темир.* стрелка (*темир йўл даги ҳаракатни бир издан иккинчисига ўтказадиган жиҳоз*). 4) *муз.* клавиша, клапан.

– مِفْتَاحِيّ *кўп* مَفَاتِحِيّ *темир.* стрелкачи.

– مِفْتَاحِيَّة (*квартирага кўчиб кирилганда бериладиган*) биринчи ҳақ.

– مُفَتَّح бошланиш, очилиш.

– مُفَتَّح ақлли, донишли; *халқ* кўзи бор, кўрадиган.

– مُفَتِّح 1) иштаҳа очувчи, иштаҳани келтирадиган; қўзғатадиган. 2. *кўп.* ~ات — аперитив (*тешикка оид*).

– مَفْتُوح 1) очиқ, очиқ турган, очилган; بِالْ~ очиғи, очиқчасига, тўғридан-тўғри, букиб ўтирмай. 2) босиб олинган, фатҳ қилинган. 3) *грам.* фатҳа қўйилган. ◊ يَدُهُ ~ـَة у қўли очиқ, сахий, саховатли. سِيَاسَة اَلْبَاب اَلْ~ـَة очиқ эшиклар сиесати. شَهِيَّتِي ~ـَة менинг иштаҳам катта (*карнай*).

– مُفَتَّح 1) очиқ. 2) *фон.* веляризацияланмаган. حُرُوْف ~ـَة веляризацияланмаган ундошлар.

I **فَتَرَ** (*u*) فُتُوْر 1) кучсиз (мадорсиз, бўшашган) бўлмоқ (бўлиб қолмоқ), кучсизланмоқ; тинчимоқ; пасаймоқ (*совуқ, иссиқ ҳақида*). عَنْ عَمَلِه ~ бўшашиб (эриниб) ишламоқ. 2) совумоқ, совиб қолмоқ. 3) (*н. дандир*) воз кечмоқ (عَنْ); II فَتَّرَ 1) бўшаштирмоқ, кучсизлантирмоқ, мадорсизлантирмоқ. 2) илиқ-милиқ қилмоқ. ~ هِمَّتَه ноқулай ҳолга солиб қўймоқ. IV أَفْتَرَ ~ бўшашган қилмоқ, кучсизлантирмоқ. V تَفَتَّرَ 1) бўшашган (кучсизланган) бўлмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мадордан кетмоқ; тинчимоқ, пасаймоқ (*совуқ, иссиқ ҳақида*) 2) илиқ-милиқ бўлмоқ, совимоқ

– فَاتِرٌ 1) бўшашган, кучсиз, мадордан кетган; 2) илиқ-милиқ, совиган, илиқ бўлиб қолган

– فَاتُورَةٌ *алиф.б қар.*

– فِتْرٌ *кўп* أَفْتَارٌ 1) қарич; 2) фитр (*тахминан 18 см.га тенг узунлик ўлчови*)

– فَتْرَةٌ[1] бўшашганлик, мадорсизлик

– فَتْرَةٌ[2] *кўп* فَتَرَاتٌ *ёки* فَتْرَةٌ *кўп* ـاتٌ — 1) вақт оралиғи ~ زَمَنِيَّةٌ қисқа вақт оралиғи; اَلْانْتِقَال ~ ўтиш даври; ~ بَيْنَ *ёки* ~ و أُخْرَى *ёки* فَتَرَاتٌ مُتَقَطِّعَةٌ فِي بَيْنَ вақти вақти билан; ~ مِنْ غَيْرِ тўхтовсиз; 2) танаффус; таътил; ~ اَلْاسْتِرَاحَة дам олиш вақти, танаффус

– فُتُورٌ 1) бўшашганлик, ҳолдан кетганлик, мадорсизлик; 2) совиш, илиқ-милиқлик; اَلْعَلَاقَات ~ алоқа (муносабатлар)нинг совиши

– مُفْتُرٌ 1) кучсиз, бўшашган; камҳаракатли, фаолияти оз; 2) илиқ-милиқ, совиб қолган

I فَتَشَ (*u*) فَتْشٌ (*н. нидир*) истамоқ, қидирмоқ, изламоқ (عَنْ); ◊ ~ السِّرَّ сирни ошкор этмоқ. II فَتَّشَ 1) (*н. нидир*) тинтув қилмоқ, қидирмоқ, изламоқ, истамоқ, излаб юрмоқ (عَنْ); 2) назорат қилмоқ, кўрикдан ўтказмоқ, текширмоқ; тафтиш қилмоқ. V تَفَتَّشَ 1) тинтув қилмоқ; 2) кўрик қилинмоқ

– تَفْتِيشٌ *кўп* تَفَاتِيشُ 1) тинтув, қидирув; (*н. нидир*) излаш, қидириш (عَنْ) 2) кўрик, текширув тафтиш; назорат ~ اَلْجُمْرُكِيّ божхона текшируви (тафтиши); ~ اَلطِّبِّيّ тиббий кўрик; ~ دِيوَانُ اَلـ а) тафтишчи (*инспектор идораси*) б) *тар.* инквизиция (*католик черковининг асоратига қарши бўлган кишиларни таъқиб ва суд қилиш учун XIII-XIX асрларда фаолият кўрсатган суд-полиция ташкилоти*); ~ مَحَاكِمُ اَلـ инквизия судлари; 3) назорат (*инспекция*); ~ رَيّ اَلْوَجْه اَلْبَحْرِيّ Қуйи Мисрни суғориш бўйича назорат; 4) кўра, мулк

– تَفْتِيشَةٌ назорат, инспекция

– تَفْتِيشِيٌّ назоратга оид, инспекцион

– فَتَّاشٌ 1) текширувчи, тафтиш қилувчи, тэфтишчи; 2) инспектор

– فَتَّاشَةٌ: اَلسِّلَاحِ اَلنَّارِيِّ ~ шомпол (*милтиқ, тўп ва ҳ.к. лар ичини тозалаш учун ишлатиладиган асбоб*); اَلْأَقْفَال ~ очқич, калит

– مُفَتِّشٌ 1) назоратчи, инспектор; عَامٌّ ~ бош инспектор; 2) текширувчи, контролёр; اَلتَّذَاكِر ~ билет текширувчи

– مُفَتَّشِيَّةٌ назорат, инспекция

فُوتُوغْرَافِيَا = فُتُغْرَافِيَا

فَتَّتَ майдаламоқ, парча-парча қилмоқ; ◊ بِسِرٍّ إِلَيْهِ ~ кимгадир сирни очмоқ

– فَتْفَتَةٌ майда бўлакларга бўлиб ташлаш, майдалаш, парча-парча қилиш

– فَتَافِيتُ *кўп* فَتْفُوتَةٌ майда бўлак, парча

I فَتَقَ (*u*) فَتْقٌ 1) йиртмоқ, сўкмоқ, чокларидан йиртмоқ (*мас., кўйлакни*); 2) очмоқ, топмоқ, кўрсатмоқ; اَلْحَاجَةُ (اَلضَّرُورَةُ) تَفْتَقُ اَلْحِيلَةَ *мат.* ҳожатмандлик ҳийлага ўргатади. II فَتَّقَ = I, V تَفَتَّقَ 1) йиртилмоқ, сўкилмоқ; 3) очилмоқ; ◊ ذِهْنُهُ ~ унинг ақли очилмоқда; ... ~ ذِهْنُهُ عَنْ فِكْرَةِ ... деган фикрга бормоқ. VII اِنْفَتَقَ 1) (*бирор н. дан*) ажратиб (йиртиб) олинган бўлмоқ (مِنْ); 2) сўкилган (йиртилган) бўлмоқ

– فَتْقٌ дабба, чурра тушиш; ~ حِزَامُ бандаж, қуллоб (*баданнинг касал жойини танғиб қўйиладиган махсус камар*)

– فُتُوقٌ *кўп* فُتُوقٌ йиртилиш, 2) йиртиқ, тешилган жой, 3) дабба, чурра тушиш; ~ـاتٌ مُصَابَاتٌ بِالـ дабба билан касалланган; ~ حِزَامُ бандаж, қуллоб; ◊ رَتَقَ فُتُوقَهُ бирор нарсани адо этмоқ, бажармоқ, ўтказмоқ, жойига қўймоқ

– فَتِيقٌ 1) йиртилган, сўкилган; 2) (*тили*) ўткир

– فَتِينٌ дурадгор

– فَتِينَةٌ муфаттақа (*мураббо, киёмнинг бир тури*)

– مَفْتُوقٌ 1) йиртилган, сўкилган; 2) дабба касаллиги бор бўлган

I فَتَكَ (*a, y*) فَتْكٌ 1) ҳалок қилмоқ; (*к. нидир*) йўқ қилмоқ, ўлдирмоқ (ـَـ); 2) (*н. нидир*) бузмоқ (ـَـ); 3) (*к. гадир*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ (ـَـ); 4) (*к. нидир*) чақмоқ (ـَـ -чивинлар ҳақида); 5) хушчақчақ (шоду хуррам, роҳат-фароғатда) яшамоқ

– فَاتِكٌ 1) ҳалок қилувчи, йўқ қилувчи; 2. *кўп* فُتَّاكٌ қотил

– فَتَّاكٌ ҳалокатли

– فَتْكٌ, فُتْكٌ, فُتُكٌ 1) қотиллик, ўлдириш; 2) ҳалокатлилик

– فَتَكَةٌ *кўп* ـاتٌ — йўқ бўлиш, вайрон бўлиш

I فَتَلَ (*u*) فَتْلٌ 1) жингалак қилмоқ, қўнғироқ-қўнғироқ қилмоқ, эшмоқ, бурамоқ, чийрамоқ; شَارِبَهُ ~ мўйловни бурамоқ; 2) ўрмоқ; حَبْلَ اَلرَّأْيِ ~ мияни қотирмоқ; لَهُ ~ кимгадир қарши қутқу (фисқу-фасод) қилмоқ. II فَتَّلَ (*бирор н. ни*) кўп марта эшмоқ (бурамоқ). V تَفَتَّلَ эшилмоқ, буралмоқ; жингалак бўлмоқ, қўнғироқ-қўнғироқ бўлмоқ. VII اِنْفَتَلَ 1) эшилган (буралган) бўлмоқ, راجِعًا ~ бурилмоқ; 2) (*н. нидир*) тўхтатмоқ, ташламоқ, тамомламоқ (مِنْ); 3) (*қаердандир*) ими-жимида (билинтирмай) кетмоқ, жуфтакни ростламоқ (مِنْ)

– فَتَّالٌ эшувчи, йигирувчи

– فَتَالَةٌ эшиш, йигириш; ~ عُمَّالُ اَلنَّسِيجِ وَ اَلـ текстилчилар, текстилчи ишчилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

– فَتْلٌ 1) эшиш, йигириш, пишитиш; 2) ип йигириш

– فَتْلَةٌ *кўп.* فَتَلٌ 1) бир бурам, бир ўрам; жингалак, гажак; 2) ип. ~ سَمِّ الْخِيَاطِ игнага ўтказиладиган ип; ~ ابْنُ товламачи; ~ الْـ шَعْرَ қочиб кетмоқ, жуфтакни ростлаб қолмоқ

– فَتِيلٌ[1] буралган, жингалак қилинган

– فَتِيلٌ[2] *кўп.* فَتَائِلُ 1) пилик: ёндирувчи, ўт олдирувчи шнур, запал; هُوَ الَّذِي أَشْعَلَ الْـ ~ *маж.* у ишни чалкаштирди, юборди, у ишнинг чатоғини чиқарди, у ишнинг бўтқасини чиқарди, ما يُغْنِي هٰذَا عَنْهُ ~ *маж.* бу унга ҳеч қандай ёрдам беролмайди.- 2) тампон (*ярага босиладиган пахта ёки дока*), 3) уруғнинг бир палласи; 4) икки бармоқ ўртасида ҳимариб ҳосил қилинадиган қора ифлослик; ◊ حَجَرُ الْـ ~ асбест

– فَتِيلَةٌ *кўп.* فَتَائِلُ 1) пилик; (*электр лампа ичидаги*) ип, 2) флакон (*кичик шиша идиш*), кичкина бутилка

– مُفَتَّلٌ эшилган; ~ ذَهَبٌ зар ип, зар

– مَفْتُولٌ[1] эшилган, чийирилган, пишитилган, ~ سِلْكٌ кабель, ◊ ~ الْعَضَلِ чайир, кучли

– مَفْتُولٌ[2] *кўп.* مَفَاتِيلُ *тар. ҳарб.* қоравул турадиган манора

I فَتَنَ (*и*) فَتْنٌ 1) мафтун қилмоқ, сеҳрлаб қўймоқ, қизиқтирмоқ, йўлдан урмоқ; لُبَّهُ ~ кимнингдир ақлини ўғирламоқ; 2) фитна солмоқ, 3) ёлғонламоқ, (*к. ҳақдадир*) фитна-фасод гап қилмоқ (عَلَى), 4) (*н. дандир*) нафратлантирмоқ, кўнгил қолдирмоқ (عَنْ), ~ عَنِ الدِّينِ диндан чиқармоқ; 5) *мажҳ.* (*к. нидир деб*) ақлдан озмоқ (ب); 6) эритмоқ; II فَتَّنَ 1) мафтун қилмоқ, сеҳрлаб юбормоқ, 2) жуда ҳам сеҳрламоқ, жуда ҳам мафтун қилмоқ; IV أَفْتَنَ = II; VIII اِفْتَتَنَ (*бирор н. га*) мафтун бўлган (сеҳрланган, йўлдан урилган) бўлмоқ (ب); (*н. дандир*) ғоят завқланган бўлмоқ (ب), 2) йўлдан оздирмоқ, аврамоқ

– فَاتِنٌ 1. мафтун этадиган, йўлдан урадиган, 2. авровчи, йўлдан урувчи; 3. тўғри йўлдан оздирувчи (адаштирувчи)

– فَتَّانٌ 1. 1) йўлдан урадиган, аврайдиган 2) мафтун қиладиган завқлантирадиган, الْآدَابُ الْـ ~ـةُ бадиий адабиет, 2. 1) васваса қилувчи, йўлдан оздирувчи; 2) фитначи, иғвогар, чақимчи, ғийбатчи; 3) заргар; 4) шайтон

– فَتَّانَةٌ *кўп.* فَتَّانَاتٌ фитначи; иғвогар; чақимчи, ғийбатчи

– فِتْنَةٌ[1] *кўп.* فِتَنٌ 1) мафтунлик, йўлдан озиш, 2) қўзғолон, исён; фитна, ~ أَشْعَلَ نَارَ الْـ исён алангасини ёқмоқ, ~ نَارُ фитна қўзғаловчи; 3)ақлсизлик, жиннилик, 4) йўлдан озиш, адашиш, динсизлик

– فِتْنَةٌ[2] эритиш, суюлтириш (*метални*)

– فُتْنَةٌ *бот.* 1) кумушранг акация; 2) Нил акацияси гуллари

– فَتِينٌ мафтун бўлиб қолган, ақлдан озиш даражасида севиб қолган

– مَفَاتِنُ *кўп.* 1) мафтун қиладиган нарсалар, гўзалликлар; 2) йўлдан урадиган нарсалар

– مَفْتُونٌ[1] 1) мафтун бўлган; 2) ақлдан озган; 3) синовдан ўтган, текширилган; ~ دِينَارٌ текширишдан ўтказилган танга

– مَفْتُونٌ[2] = فُتْنَةٌ[2]

I فَتِيَ (*фатв*) (*а*) فَتَاءٌ, فُتُوَّةٌ ёш (йигит) бўлмоқ; IV أَفْتَى 1) (*дин шариат масалалари бўйича*) фатво чиқармоқ (فِي); 2) маслаҳат (консультация) бермоқ; 3) (*н. ҳақдадир*) фикр (мулоҳаза) билдирмоқ (ب); V تَفَتَّى ёш бўлмоқ; ёшармоқ, йигит бўлмоқ, VI تَفَاتَى = I; IV; 2) (*к. нингдир олдига*) фатво сўраб келмоқ; X اِسْتَفْتَى 1) (*дин. шариат масалалари бўйича*) фатво сўрамоқ (فِي), 2) (*н. ҳақдадир*) фикр (маслаҳат) сўрамоқ (فِي)

– اِسْتِفْتَاءٌ 1) фикр-мулоҳаза сўраш, الْـ ~ الْعَامُّ *ёки* الشَّعْبِ ~ референдум, оммавий сўров, 2) анкета

– إِفْتَاءٌ 1) фатво чиқариш (*қар.* فَتْوَى); 2) муфтийнинг вазифаси, مَنْصِبُ الْـ ~ муфтийлик мансаби, دَارُ الْـ ~ муфтий идораси (бошқармаси)

– أَفْتَى *шунингдек:* عُمْرًا ~ ёшроқ, анча ёш

– فَتَاءٌ 1) ёшлик, йигит ёшидаги

– فَتَاةٌ 2) *кўп* فَتَيَاتٌ, فَتَوَاتٌ, 1) қиз, қизча, 2) оқсоч (аёл), хизматкор (аёл)

– فُتُوَّةٌ[1] ёшлик, йигитлик; مُعَسْكَرُ الْـ ~ ёшлар лагери; 2) азаматлик; мардлик, қаҳрамонлик

– فُتُوَّةٌ[2] *кўп* ات ـــ 1. кучли, қувватли; 2. бўзбола, бошлаб берувчи, сабабчи, саркор, жўрабоши

– فَتْوَى *кўп* فَتَاوٍ, فَتَاوَى фатво (*муфтий қарори, хулосаси*); ~ دَارُ الْإِفْتَاءِ = دَارُ الْإِفْتَاءِ *қар.* إِفْتَاءٌ

– فَتِيٌّ[1] *кўп* فِتْيَانٌ, فِتْيَةٌ, *ик с.* فَتَيَانٌ, فَتَوَانٌ 1) ёш, ёш йигит, азамат йигит, ўғил бола; 2) хизматкор, югурдак, дастер

– فَتِيٌّ[2] сахий, қўли очиқ, бағри кенг

– فَتِيُّ ёш الْجِيلِ الْـ ~ مِنَ الْكُتَّابِ езувчиларнинг ёш авлоди

– فَتْيَا = فَتْوَى

– مُفْتٍ *кўп* مُفْتُونَ муфтий (*дин шариат масалалари бўйича ҳарорлар чиқарадиган мансаб эгаси*) مُفْتِي الدِّيَارِ الْمِصْرِيَّةِ Миср муфтийси; سَمَاحَةُ الْمُفْتِي *қар.* سَمَاحَةٌ

I فَثَأَ (*а*) فَثْءٌ (*газабни*) босмоқ, тинчитмоқ; VII اِنْفَثَأَ тинчимоқ, босилмоқ (*газаб ҳақида*)

I فَجَّ (*а*) فَجٌّ 1) оёқларни ёзмоқ (кермоқ) 2) катта-катта қадамлаб юрмоқ; II فَجَّجَ 1) катта-катта қадамлаб юрмоқ, шошилмоқ, 2) ер ҳайдамоқ; ~ الْخُطُوَاتِ بِالْـ оёқларни омоч билан ҳайдамоқ

– فَجٌّ *кўп* فِجَاجٌ, فُجُوجٌ дара, водий; ◊ عَمِيقُ الْـ ~ كُلِّ ер юзининг ҳамма ёқдан, ҳамма тарафдан; مِنْ جَمِيعِ فِجَاجِ الْأَرْضِ ер юзининг ҳамма тарафидан, ҳамма ёқдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

– فَجٌّ[1] хом, кўк, пишмаган, етилмаган

– فَجٌّ[2] тарвуз

– فَجٌّ = فُجَاجٌ

– فَجَاجَةٌ пишмаганлик, етилмаганлик

! **فَجَأَ** (а) فُجَاءٌ тўсатдан (устидан) чиқиб қолмоқ, кутилмаганда келмоқ; III فَاجَأَ тўсатдан (устидан) чиқиб қолмоқ, кутилмаганда (тўсатдан) ҳужум қилмоқ, тўсатдан зарба бермоқ, гангитиб қўймоқ; 2) дучор қилмоқ, остида қолдирмоқ (*емгир ҳақида*). 3) дучор бўлиб қолмоқ (*касаллик ҳақида*)

– فَاجِئٌ тўсатдан, кутилмаганда

– فُجَاءَةٌ тўсатданлик, кутилмаганлик; ~ الْـ في *еки* ~ тўсатдан, кутилмаганда, бирданига

– الْمَوْتُ الْـ~ فَاجِئٌ = فُجَائِيٌّ тўсатдан бўлган ўлим

– فُجَاءَةً = فَجْأَةً

– مُفَاجَأَةٌ *кўп* مُفَاجَآتٌ 1) кутилмаган ҳужум. 2) кутилмаганлик, тўсатданлик; сюрприз, سَارَّةٌ ~ ёқимли (яхши) тасодиф

– مُفَاجِئٌ кутилмаган, бирданига бўлган

I (فجر) **فَجَرَ**[1] (у) فَجْرٌ ёрмоқ, бўлмоқ (*қояни*). (*сув чиқариш учун ерни*) кавламоқ; الْقَنَاةَ ~ канал кавламоқ (ўтказмоқ). 2) тўкмоқ, оқизмоқ, томизмоқ (*сувни*); فَجَرَ[2] (у) فُجُورٌ 1) ғайриқонуний иш қилмоқ; гуноҳ (айб) қилмоқ; II فَجَّرَ 1) булоқ қилиб отилтириб чиқармоқ (*сувни*); 2) портлатмоқ; IV أَفْجَرَ 1) бузуқлик қилмоқ; 2) тонг пайтида амалга ошмоқ, тонг оттирмоқ; V تَفَجَّرَ 1) оқиб турмоқ, чиқиб турмоқ (*булоқ ҳақида*); фонтан бўлиб отилмоқ (*нефть ҳақида*). 2) портламоқ; отилиб чиқмоқ (*вулқон ҳақида*). 3) ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ; ◊ تَتَفَجَّرُ الْعُيُونُ لِلْمُصِيبَةِ мусибатдан кўзларга ёш тўлади. VII اِنْفَجَرَ 1) оқиб турмоқ (*булоқ ҳақида*). 2) портлаб (отилиб) турмоқ (*вулқон ҳақида*); 3) ёрилмоқ, ёрилиб кетмоқ; 4) бошланмоқ (*тонг ҳақида*). 5) (*к гадир н гадир*) ташланмоқ, ҳужум қилмоқ (على). ◊ في ضَحْكَةٍ ~ қотиб кулмоқ. ~ت الْأَزْمَةُ кризис бошланиб кетди

– اِنْفِجَارٌ *кўп* اتٌ — 1) портлаш, портлаш (*снаряд ҳақида*). ~ الْبُرْكَانِ вулқоннинг отилиши. 2) тошма, иссиқнинг гул сачратқи. ҳуснбузар

– اِنْفِجَارِيٌّ портловчи; *фон* портловчи (*товуш*)

– تَفْجِيرٌ портлатиш; 2) *кўп* اتٌ — портлаш. ~ الذَّرِّيُّ атом портлаши

– فَاجِرٌ *кўп* فُجَّارٌ, فَجَرَةٌ 1. 1) бузуқ, йўлдан озган; гуноҳкор, 2) айбли, номуссиз, фоҳиш бузуқи; 2. 1) фоҳиш. 2) адамчи, елғончи

– فَاجِرَةٌ *кўп* فَوَاجِرُ фоҳиша, бузуқ аёл

– فُجُورٌ қонунсизлик, зулм, ~ الْـ حَرْبُ *тар* қурайшийлар билан хавозин қабиласи орасида бўлган уруш (*исломдан бир оз олдинроқ*)

– فَجْرٌ 1) тонг; азон пайти, ~ صَلَاةُ الْـ~ *кар* صَلَاةُ كُرُكِ الْـ~: *астр* Зуҳро (*Венера*), 2) бошланиш, ибтидо; ~ الْإِسْلَامِ исломнинг бошланиши

– فُجْرٌ бузилиш, бузуқлик

– فَجْرِيٌّ тонгги, азондаги, эрталабги

– فُجُورٌ = فُجْرٌ ~ الْـ انْغَمَسَ бузуқликка ботиб қолмоқ

– مُفَجِّرٌ портлайдиган, портлатадиган; الْـ~ الْمَوَادُ портлатадиган моддалар

– شَحْنَةُ الْمُتَفَجِّرَاتِ *кўп* اتٌ — портлатадиган моддалар; портлатиш заряди

– مُفَجِّرٌ 1. портлайдиган; 2. портлатадиган, портлатувчи

– مُفَجِّرَاتٌ *кўп* портлатадиган моддалар

– مُتَفَجِّرَاتٌ *кўп* портловчи моддалар

! **فجع** (а) فَجْعٌ келмоқ, бошга тушмоқ (*бало-офат, бахтсизлик ҳақида*). азобга (қийноққа) қўймоқ; 2) *мажз* катта алам (оғир мусибат, зарбани) бошдан кечирмоқ (ب ,في). فَجَعَ أَهْلَهُ بِوَفَاةِ أَبِيهِ отасининг алами муносабати билан унинг оиласи оғир аламларни бошидан кечирди; II فَجَّعَ азобга (аламга) қўймоқ; V تَفَجَّعَ қийналмоқ, азоб чекмоқ; (*бирор н ни*) қийналиб бошдан кечирмоқ (على)

– فَاجِعٌ азобли, қийнатадиган, оғир, машаққатли

– فَاجِعَةٌ *кўп* فَوَاجِعُ 1) фожиа, бахтсиз ҳодиса, фожиавий воқеа; бахтсизлик, 2) ҳалокат; ~ الطَّيَّارَةِ авиацион ҳалокат

– فَجَّاعٌ ҳалокатли, фожиавий

– فَجَاعَةٌ ебтўймаслик, юҳолик; серовқатлик

– فَجْعَةٌ = فَجَاعَةٌ

– فَجِيعٌ = فَجْعَةٌ

– فَجُوعٌ ғам (алам)га солувчи; оғир, машаққатли

– فَجِيعَةٌ *кўп* فَجَائِعُ = فَاجِعَةٌ

– مُفَجِّعٌ ғам (алам)га солувчи, фожиали, фожиона

تَفَجَّعَ (فجعن) юҳо (ебтўймас) бўлмоқ

– فَجْعَانُ юҳо, ебтўймас

– فَجْعَنَةٌ = فَجْعَةٌ

فَجَّحَ (*йўқ н. билан*) мақтанмоқ; ёлғонни кўп гапирмоқ, кўп ёлғон гапириб қўлга тушмоқ

– فَجَّاحٌ, فَجْفَاجٌ 1. мақтанчоқ, 2. ёлғончи, ўзини мақтовчи

– فُجْلٌ, فُجْلٌ *жам* редиска; الْـ~ الْبَرِّيُّ *еки* الْـ~ الْحَارُّ турп, хрен

– فُجْلَةٌ *кўп* فُجُلَاتٌ *еки* فُجْلَةٌ *кўп* اتٌ — (*бир тўғрам*) редиска

I (فجو) **فجا** (у) فَجْوٌ очиб қўймоқ

– فَجْوَةٌ *кўп* فَجَوَاتٌ, فِجَاءٌ 1) икки ораликдаги бўшлиқ; оралиқ; тешик; дарз; бўш қолган жой; هَوَائِيَّةٌ ~ ҳаво бўшлиғи; فِي مَلْأِ الْـ~ ...даги бўшлиқни тўлдирмоқ (тўлғазмоқ); 2) ҳеч ким

www.ziyouz.com kutubxonasi

– فَجَّاعٌ ҳалокатли, фожиавий

– فَجَاعَةٌ ебтўймаслик, юҳолик; серовқатлик

– فَجَاعَةٌ = فَجَعٌ

– فَجَاعَةٌ = فَجْعَةٌ

– فَجُوعٌ ғам (алам)га солувчи; оғир, машаққатли

– فَجِيعَةٌ *кўп* فَجَائِعُ = فَاجِعَةٌ

– مُفَجَّعٌ ғам (алам)га солувчи; фожиали, фожиона

(فجعن) تَفَجْعَنَ юҳо (ебтўймас) бўлмоқ

– فَجْعَانٌ юҳо, ебтўймас

– فَجْعَنَةٌ = فَجْعَةٌ

فَجْفَجَ (*йўқ н. билан*) мақтанмоқ; ёлғонни кўп гапирмоқ, кўп ёлғон гапириб қўлга тушмоқ

– فَجْفَاجٌ, فَجْفَجٌ 1. мақтанчоқ; 2. ёлғончи, ўзини мақтовчи

فُجْلٌ, فُجْلٌ *жам.* редиска; الْـــ~ الْحَارُّ *ёки* الْبَرِّيُّ турп, хрен

– فُجْلَةٌ *кўп.* فُجْلَاتٌ *ёки кўп.* اتٌ — (*бир тўғрам*) редиска

I (فجو) **فَجَا** (*у*) فَجْوٌ очиб қўймоқ

فَجْوَةٌ *кўп* فَجَوَاتٌ, فِجَاءٌ 1) икки оралиқдаги бўшлиқ, оралиқ, тешик; дарз; бўш қолган жой, هَوَائِيَّةٌ ~ ҳаво бўшлиғи; فِي مِلْءِ الْـــ~ ... ...даги бўшлиқни тўлдирмоқ (тўлғазмоқ); 2) ҳеч ким билмайдиган (*махфий*) жой

I **فَحَّ** (*а/и*) فَحٌّ, فَحِيحٌ 1) вишилламоқ (*илон ҳақида*); 2) ҳуштак чалиб нафас олмоқ (*ухлаётган одам ҳақида*)

– فَحٌّ, فَحِيحٌ вишиллаш

I **فَحَتَ** (*а*) فَحْتٌ кавламоқ; الْبِئْرَ بِأَبْزَرَ ~ *маж* чаққон (устамон) бўлмоқ (*ўз мақсадига эришишда*)

أَفْحَجُ *мн* فَحْجَاءُ *кўп* فُحْجٌ оёғи қинғир, қинғир оёқ (*тўғри маънода*)

I **فَحَرَ** (*а*) فَحْرٌ 1) кавламоқ; 2) ўймакорлик билан нақш солмоқ

– فَحَّارٌ чувалчанг

– فُحَرَةٌ *кўп* فُحَرٌ чуқурча кулдиргич

– مُفَحَّرٌ тешик-тешик бўлиб кетган, тешилиб кетган

I **فَحُشَ** (*и*) فُحْشٌ 1) ҳаддан ташқари (ортиқ даражада) бўлмоқ; 2) адабсиз (тарбиясиз, ахлоқсиз) бўлмоқ, 3) бадхулқ (бузуқ) бўлмоқ. IV أَفْحَشَ 1) (*н. дадир*) бемаъниликка (ўта нодонликка) бориб етмоқ (فِي); 2) ахлоқсиз гапларни гапирмоқ. V تَفَحَّشَ فِي الْكَلَامِ ~ уятсиз гаплар гапирмоқ. VI تَفَاحَشَ 1) ҳаддан ошиб кетмоқ. 2) адабсиз (ахлоқсиз, уятсиз) гапларни гапирмоқ

– فَاحِشٌ 1) ортиқ даражада, ҳаддан ташқари; 2) бемаъни ва қўпол, ахлоқсиз, адабсиз

– فَاحِشَةٌ *кўп* اتٌ — номуссиз аел; фоҳиша

– فَاحِشَةٌ *кўп* فَوَاحِشُ 1) адабсиз, ахлоқсиз қилиқ иш; адабсизлик, ахлоқсизлик; 2) бузуқлик

– فَحَّاشٌ 1. адабсиз, ахлоқсиз; бузуқ; 2. бузуқ (*одам*), фоҳишабоз

– فَحَّاشَةٌ ахлоқсизлик, номуссизлик

– فُحْشٌ 1) ахлоқсизлик, адабсизлик; 2) бузуқлик

– فَحْشَاءُ 1) ортиқчалик; 2) бузуқлик; фоҳишабозлик

– مُتَفَاحِشٌ ортиқ даражада, ҳаддан ташқари, ўта катта

I **فَحَصَ** (*а*) فَحْصٌ текширмоқ, ўрганмоқ; 2) текшириб чиқмоқ, кўриб чиқмоқ, хулоса бермоқ (*врач ҳақида*); 3) текширмоқ; ~ الْحِسَابَاتِ ҳиссобларни (счётларни) текширмоқ. V تَفَحَّصَ 1) ўрганмоқ, кўриб чиқмоқ; 2) текширмоқ; ўрганиб чиқмоқ; 3) диққат билан назар солмоқ. VIII اِفْتَحَصَ = I

– أَفَاحِيصُ *кўп* أُفْحُوصَةٌ каклик тухум туғадиган жой

– فَاحِصٌ 1) текширувчи, ўрганувчи; نَظْرَةٌ ~ـــةٌ синовчан боқиш (қараш); 2) кўраётган (*врач ҳақида*)

– فَحْصٌ 1) текшириш, ўрганиш; 2) (*врач*) кўриги, хулосаси; الْـــ~ الطِّبِّيُّ тиббий хулоса, медицина хулосаси, وَضَعَهُ لِلْـــ~ الدَّقِيقِ бирор нарсани тафсилий равишда текширмоқ; 3) текшириш, текширув, таҳлил, анализ; ~ الْبَوْلِ сийдик анализи; ~ الدَّمِ қон анализи

– أُفْحُوصَةٌ *кўп* مَفَاحِصُ = مَفْحَصٌ

فَحْفَحَ 1) (*уйқуда*) хуррак отмоқ, 2) *фон.* а) ҳамзани билинар-билинмас талаффуз этмоқ; б) ح товушини ع сифатида талаффуз қилмоқ

– فَحْفَحَةٌ 1) (*уйқудаги*) хуррак; 2) *фон.* а) ҳамзани билинар-билинмас талаффуз қилиш; б) ح товушини ع сифатида талаффуз қилиш

(فحل) II فَحَّلَ ёғлиқ (семиз) бўлмоқ; катта (улкан, баҳайбат) бўлмоқ. X اسْتَفْحَلَ (*ўз аҳамиятига, ўлчовига кўра*) катта (улкан, аҳамиятли) бўлмоқ; 2) жиддий (қийин, хавфли) бўлмоқ; мураккаблашмоқ

– فُحُولٌ *кўп* فُحُولٌ 1. 1) кучли, қудратли; 2) буюк, улуғ, юксак даражадаги (*одам ҳақида*); ~ الْأُدَبَاءِ буюк адиб (адабиётчи, ёзувчи); فُحُولُ الشُّعَرَاءِ улуғ шоирлар; فُحُولُ الْأَطِبَّاءِ машҳур табиблар (врачлар); فُحُولُ الْعُلَمَاءِ улуғ олимлар; 2. эркак, нар (*ўсимлик ҳайвонларда*); ~ الْخَيْلِ айғир; ~ النَّحْلِ *бот.* эркак хурмо; ~ الْبَصَلِ катта пиёз боши

– فَحْلَةٌ *кўп* اتٌ — бақир-бақир қиладиган, бақироқ аёл

– فُحُولَةٌ 1) ортиқлик; юксаклик, 2) жасорат, куч

– مُسْتَفْحِلٌ мураккаблашган, жиддийлашган

I (فحم) **فَحَمَ** (*а*) فَحْمٌ сукут сақламоқ, жим турмоқ, жавоб қилишга мадорсиз бўлмоқ; فُحُومَةٌ (*у*) қораймоқ, қора бўлиб қолмоқ; II فَحَّمَ 1) кўмирга айлантирмоқ, кўмир қилмоқ; 2) қораламоқ, қора

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмоқ; IV أَفْحَمَ (*исботлар билан*) гапиртирмай, қўймоқ, оғзини епмоқ; V تَفَحَّمَ кўмирга айланмоқ, кўмир қилмоқ; VII اِنْفَحَمَ ~ بِالْغَضَبِ қаттиқ ғазабланмоқ

– تَفْحِيمٌ 1) кўмирга айланиш, кўмир бўлиш; 2) кўмирлашиш, карбонизация

– فَاحِمٌ *шунингдек*: ~ أَسْوَدُ қора, кўмирдай қора

– فَحَّامٌ 1) кўмирчи, кўмирфуруш; 2) шахтёр

– فَحَّامَةٌ *кўп.* ـَاتٌ кўмир ташийдиган (*кема*)

– فَحَّامَةٌ кўмирчилик (шахтёрлик) касби

– فَحْمٌ 1) кўмир; حَجَرِيٌّ ~ тошкўмир; ~ الْخَشَبِ *ёки* نَبَاتِيٌّ ~ писта кўмир; ~ رَجِيعٌ *ёки* رُجُوعٌ ~ кул; шлак; ~ كُوكٌ кокс; مَنَاجِمُ الـ~ кўмир конлари, шахталар; غَازُ مَنَاجِمِ الـ~ кўмир конлари гази; 2) *хим.* углерод; أُكْسِيدُ الـ~ углерод оксиди; حَامِضُ الـ~ кўмир кислотаси; الـ~ الْهِيدْرُجِينِيُّ углеводород

– فَحْمَائِيٌّ *кўп.* ـَاتٌ углевод

– فَحْمَةٌ *кўп.* فَحَمَاتٌ кўмир парчаси; ◊ ~ اللَّيْلِ кўмирдай қора тун

– فُحْمَةٌ қоралик

– فَحْمِيٌّ 1) кўмирга оид; 2) кўмирдай қора; ◊ الْحُمَّى الـ~ـَةُ куйдирги

– فُحُومَاتٌ *кўп.* турли жинсдаги кўмир

– فَحِيمٌ қора

– مُفْحَمٌ жим қолишга мажбур қиладиган, ишонтирадиган; ~ رَدٌّ ишончли жавоб

– مَفْحَمَةٌ *кўп.* مَفَاحِمُ кўмир кони

فَحًا *кўп.* أَفْحَاءٌ (*овқатга солинадиган*) кўкатлар; ~ الْأَرْضِ пиез

فَحْوَاءُ маъно, мазмун

– فَحْوَى *кўп.* فَحَاوَى 1) = فَحْوَاءُ, 2) оҳанг, عَرَفْتُ ذَالِكَ فِي فَحْوَى كَلَامِهِ ~ мен буни гапининг оҳангидан билдим

فَخٌّ *кўп.* فُخُوخٌ, أَفْخَاخٌ, فِخَاخٌ тузоқ, қопқон; ~ صَادَ بِـ тузоқда тутмоқ; سَقَطَ (وَقَعَ) فِي الـ~ тузоққа (қопқонга) тушмоқ

I **فَخَتَ** (*а*) فَخْتٌ 1) қағилламоқ; 2) тешик қилмоқ, тешик ўтказмоқ

– فَخْتَةٌ *кўп.* فَوَاخِتُ ғуррак, қумри (*қуш*)

I **فَخَذَ** (*а*) فَخْذٌ сонни лат едириб олмоқ, сонни синдирмоқ, فَخِذَ сони лат емоқ, сони синмоқ; II فَخَّذَ уруғ-аймоқларини чақирмоқ; V تَفَخَّذَ оёқларни чалиштириб ўтирмоқ, бир сон устига иккинчи сонни қўйиб ўтирмоқ

– فَخْذٌ, فَخِذٌ, فِخْذٌ *мн. кўп.* أَفْخَاذٌ сон, ёнбош, тос; عَظْمُ الـ~ тос суяги

– فَخْذٌ уруғ-аймоқлик муносабатидаги энг сўнгги бўғин (*аввал* شَعْبٌ, *сўнг* قَبِيلَةٌ, *кейин* قَصِيلَةٌ, *ундан сўнг* عِمَارَةٌ, *ундан кейин* بَطْنٌ *ва ниҳоят* ~)

– فَخْذَةٌ *кўп.* فَخَذَاتٌ *шунингдек* ~ لَحْمٍ сон гўшти; орқа оёқ; ~ لَحْمِ الْبَقَرِ қушнинг оёғи (*пиширилгандаги*), ~ لَحْمِ طَيْرٍ молнинг сон гўшти

– فَخْذِيٌّ сон (тос) га оид

I **فَخَرَ** (*а*) فَخْرٌ фахрланмоқ, (*бирор н. билан*) мақтанмоқ (ب); III فَاخَرَ фахрланмоқ, бир-бирининг олдида ўзини баландлатмоқ, шон-шуҳратда бир-бири билан рақобатлашмоқ; V تَفَخَّرَ фахрланмоқ, кеккаймоқ, мағрурланмоқ; VI تَفَاخَرَ (*бирор н. билан*) кеккаймоқ (ب); VIII اِفْتَخَرَ ифтихор қилмоқ, кеккаймоқ, мақтанмоқ, мағрурланмоқ; X اِسْتَفْخَرَ шон-шуҳратли (ғоят улуғ) деб ҳисобламоқ

– اِفْتِخَارٌ ифтихор

– تَفَاخُرٌ ўз-ўзини мақташ, мақтанчоқлик

– فَاخِرٌ 1) кеккайган, мағрур, мақтанчоқ; 2) ғоят улуғ, ажойиб; ~ وَلِيمَةٌ ажойиб (мўл-кўл зиёфат)

– فَاخُورَةٌ *кўп.* فَوَاخِيرُ кулолчилик устахонаси; لَوْلَا الْكَاسُورَةُ مَا كَانَتِ الـ~ *мтл.* агар идиш синдирилмаса, кулолчилик устахонаси бўлмасди

– فَاخُورِيٌّ кулол

– فَخَارٌ фахр, ифтихор, шон-шуҳрат, ғурур

– فَخَّارٌ кулолчилик маҳсулотлари, сопол идишлар, керамика; форфор; صِنَاعَةُ الـ~ идиш-товоқ ишлаб чиқариш; عُمَّالُ الْقُلَلِ وَ الـ~ кулоллар

– فَخَّارَةٌ кулоллик касби

– فَخَّارِيٌّ *1*) сополга (керамикага) оид; форфордан қилинган, форфорга оид; أَوَانٍ ~ـَةٌ сопол идиш; 2. кулол

– فَخْرٌ 1) ўз-ўзини мақташ; ~ وَ لَا мақтанмасдан, мақтанмай; 2) ифтихор фахр, шараф, 3) устунлик, ажойиблик

– فَاخُورِيٌّ = فَخَرَانِيٌّ *кўп.* فَخَرَانِيَّةٌ

– فُخْرَةٌ шон-шавкат, улуғворлик, дабдаба

– فَخْرِيٌّ фахрий; ~ رَئِيسٌ фахрий раис

– فَخُورٌ (*н. биландир*) мақтанадиган, фахрланадиган; кеккаядиган, кеккайган; мақтанчоқ

– فَخِيرٌ кеккайган; мақтанадиган

– فَخِيرٌ ўта мағрур, ўта такаббур

– مُفَاخَرَةٌ кеккайиб мақтаниш; шон-шуҳратдаги рақобат

– فَاخِرٌ = مُفْتَخِرٌ

– مُفْتَخِرٌ фахрланадиган, кеккаядиган, мағрурланадиган

– مَفْخَرَةٌ, مَفْخُرَةٌ, مَفْخَرٌ *кўп.* مَفَاخِرُ 1) фахрлантирадиган нарса; أَصْبَحَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ фахрлантирадиган нарса бўлмоқ; ... ~ غَدَّ (*к. еки н. учундир*) фахрлантирадиган нарса бўлмоқ; 2) мақтайдиган хусусият (қадр-қиймат) бўлиш; 3) мақтаса бўладиган ютуқ (муваффақият)

فَخْفَخَ мақтанмоқ, кўз-кўз қилмоқ; تَفَخْفَخَ 1) шишмоқ, дўмбира бўлмоқ; 2) ҳажман катталашмоқ; عَلَى ظُهُورِهِمْ ~ у уларнинг ҳисобига бойиди

– فَخْفَخَة мақтанчоқлик, катта оғизлик; юзаки ҳашам, тантанабозлик; юзаки ҳашамдорлик

I **فَخُمَ** (*у*) فَخَامَة 1) улуғ (буюк, шуҳратли) бўлмоқ; 2) ҳашамдор (дабдабали) бўлмоқ; II فَخَّمَ 1) улуғ (буюк) қилмоқ 2) кўркам (ҳашаматли) қилмоқ, 3) ҳурмат (эҳтиром) кўрсатмоқ; 4) машҳур қилмоқ, улуғламоқ; 5) *фон.* тўлиқ (алоҳида оҳанг билан, эмфатик равишда) талаффуз қилмоқ, V تَفَخَّمَ 1) кўркам (ҳашаматли) бўлмоқ; 2) шуҳрат тутмоқ, машҳур бўлмоқ

– فَخَامَة 1) улуғворлик; ~ صَاحِبُ الـ... жаноб олийлари (*унвон*); ~ رَئِيسُ الجُمْهُورِيَّة ... республиканинг президенти жаноб олийлари; صَاحِبُ الـ~ السَّامِي *ист.* бош комиссар жаноб олийлари; 2) ҳашам, кўркамлик

– فَخْم кўркам, ҳашамдор, безатилган

– فَخِيم = فَخْم

– مُفَخَّم 1) шуҳрат тутган, ҳаммага маълум; 2) юксак ҳурматли, 3) *фон.* эмфатик; الحُرُوفُ الـ~ة эмфатик ундошлар; ◊ حِسٌّ ~ة баландпарвоз гаплар

I **فَدَّ** (*а/и*) فَدِيد овозни кўтармоқ, бақирмоқ

– فَدَّاد овози баланд, бақироқ

– فَدِيد овоз

I **فَدَحَ** (*а*) فَدْح қийинчиликка қўймоқ, оғирлик солмоқ, эзмоқ, IV أَفْدَحَ қийин ҳиссламоқ, оғир (вазмин) деб билмоқ

– فَادِح оғир, машаққатли, қийин, ~ة حَسَارَات оғир йўқотишлар, талафотлар

– فَادِحَة *кўп.* فَوَادِح бахтсизлик, бало, офат

– فَدَاحَة катта (ҳисобсиз) оғирлик, катталик, беҳисоблик

I **فَدَخَ** (*а*) فَدْخ синдирмоқ, ермоқ, чақмоқ

فَادِر *кўп.* فَوَادِر *еки* فَدَر *кўп.* فُدُور тоғ кийиги, қора эчки

فُدْس *кўп.* فَدَسَة ўргимчак ипи

– فَدَشَ (*у*) فَدْش синдирмоқ, синдириб ташламоқ; бузмоқ, бузиб ташламоқ

فَدَغ *мед.* артрит

I **فَدَغَ** (*а*) فَدَغ чақмоқ (*мас., ёнғоқни*); V تَفَدَّغَ чақилмоқ (*ёнғоқ ҳақида*)

فَدْفَد *кўп.* فَدَافِد чўл, биёбон

I (فدم) **فَدَمَ** (*и*) فَدْم (*оғизни*) беркитмоқ, (*тешикни*) беркитмоқ, ёпмоқ, فَدَم (*у*) فَدَامَة, فُدُومَة 1) қўпол бўлмоқ; 2) жонга тегадиган (зериктирадиган) бўлмоқ; 3) оғир (тушунарсиз) бўлмоқ (*услуб, стил ҳақида*); 4) дудуқланмоқ

– فَادِم *кўп.* فَوَادِم шо қул; лот (*денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб*)

– فَدَّام чойнакнинг жўмрагига чойнинг шамаси тушмаслиги учун қўйиладиган сеткали тўсиқча

– فَدَّام *кўп.* فُدُم 1) ёпинчиқ; латтадан қилинган тиқин; 2) *бирор н. ни*) сузиш учун ишлатиладиган мато

– فَدَام, فَدِم, *кўп.* أَفْدَم, فُدْم 1) оғир тилда гапирадиган, нодонсифат; фаросатсиз; 3) жонга тегадиган, зериктириб юборадиган

(فدن) II فَدَّنَ боқмоқ, озиқлантирмоқ (*хайвонни*)

– فَادِن *кўп.* فَوَادِن = فَادِم

– فَدَّان *еки* ~ *ёки* (*омочга қўшилган*) қўш ҳўкиз

– فَدَّان[1] 1) *кўп.* فَدَادِين, أَفْدِنَة фаддан (*24 карат еки 4200, 833 м 2 га тенг ер майдони ўлчови Мисрда - 0.42 га, Сурияда - 1 га тенг*)

– فَدَّان[2] 2) *кўп.* فَدَادِين 1) қўшга қўшиладиган омоч; 2) қўшга қўшиладиган ҳўкиз

I **فَدَى** (*и*) فَدَاء, فِدًى 1) товон тўлаб сотиб олмоқ, товон тўлаб озод қилмоқ (*н. биландир*) сотиб олмоқ (ب); 2) (*н. нидан*) қурбон қилмоқ (ب); فَدَاهُ بِحَيَاتِهِ кимгадир ҳаётини фидо қилмоқ, жонини қурбон қилмоқ; II فَدَّى جَعَلْتُ فِدَاكَ! "сенинг фидойинг бўлай!" деган сўзларни айтмоқ; III فَادَى сотиб олмоқ, (*бирор н. ни*) товон сифатида бермоқ (ب); بِنَفْسِهِ ~ ўзини фидо (*қурбон қилмоқ*); تَفَادَى (*н. дандир*) эҳтиёт бўлмоқ, ўзини олиб қочмоқ (مِنْ); VIII افْتَدَى 1) (*бирор н. ни қурбон қилиб*) сотиб олмоқ, қутултирмоқ (ب); 2) товон тўламоқ, 3) (*бирор н. ёрдамида*) қутулиб қолмоқ; (*бирор н. билан*) товон тўламоқ (ب), (بِنَفْسِهِ) بِرُوحِهِ أَفْتَدَاهَا у ўз ҳаётини у (аёл) га фидо қилди

– تَفَادٍ қутулиш, ... تَفَادِيًا مِنْ (*бирор н. га*) тўқнаш келмаслик учун (дуч келмаслик ниятида)

– فَادٍ *кўп.* فُدَاة қутқарувчи; *дин.* гуноҳдан қутқарадиган (*ҳимоя қиладиган*)

– فِدَاء 1) қутулиш, 2) товон; халос бўлиш; ~ كَبْشُ الـ... ҳамма гуноҳлар учун жавобгар одам; 3) қурбонлик; ~ أَدَّى فَرِيضَةَ الـ... (*ҳаж вақтида*) қурбонлик қилмоқ

– فِدَائِيّ 1. 1) (*ўз мақсади йўлида*) ҳаётини фидо қиладиган киши; 2) партизанлар (фидоийлар) га оид; ~ة عَمَلِيَّات партизанлар ҳаракати (операцияси); 2. партизан

– فِدَائِيَّة фидоийлик; ўзини фидо (қурбон) қилиш

– فِدًى 1) фидя, товон; ~ كَبْشُ الـ... бошқаларнинг гуноҳи учун ҳам жазоланадиган одам, 2) қурбонлик

– فِدَاءِيَّة *кўп.* فِدَائِيَّات = فِدَائِيّ

مُفَادَاة 1) товон; 2) ўз-ўзини фидо (қурбон) қилиш; أَبْطَالُ

www.ziyouz.com kutubxonasi

(فرث) IV أَفْرَثَ ичак-қоринни ёриб, ичидагини ирғитиб ташламоқ

– فُرُوثٌ кўп فَرْثٌ огшқозон ва ичакдаги нарсалар

فَرْجٌ (и) 1) очмоқ; بَيْنَ صَلْعَتَيْنِ ~ эшик тавақаларини қия очмоқ; 2) (*н. дандир*) озод қилмоқ, қутултирмоқ (عَنْ); 3) таскин бермоқ, الْهَمَّ ~ ташвишларни тарқатмоқ, II فَرَّجَ 1) енгиллатмоқ; (*н. дандир*) қутултирмоқ; الْأَزْمَةَ ~ кризисни тугатмоқ; 2) (*к. нигадир*) кўнглини очмоқ, 3) кўрсатмоқ; عَلَى الْبِلَادِ ~ـهُ кимнидир шаҳар бўйлаб айлантирмоқ, кимгадир шаҳарни кўрсатмоқ; IV أَفْرَجَ 1) (*қаердандир ёки н. дандир*) озод қилмоқ (مِنْ); (*к. нидир*) озодликка чиқармоқ (عَنْ); 2) (*н. нидир*) ташлаб кетмоқ (عَنْ), V تَفَرَّجَ 1) (*н. нидир*) кўриб чиқмоқ тамошо қилмоқ; (*н. биландир*) завқланмоқ (عَلَى), 2) дилхушлик қилмоқ; сайр қилмоқ; 3) очилмоқ, (*к. гадир йўл бериш учун*) тисарилмоқ, чекинмоқ; VII اِنْفَرَجَ 1) ёрилмоқ, чақилмоқ; 2) очилмоқ, (*бурчак томонларига ўхшаб*) ейилмоқ; ~ الْبَابُ эшикда наидо бўлди, кўринди; 3) кенгаймоқ, бўлинмоқ; 4) таранглигини йўқотмоқ, тамом бўлмоқ, тугатилмоқ; ~ت الْأَزْمَةُ кризис ўтиб кетди (тугади)

– فَاسِدٌ 1) бузилган; яроқсизланган, ачиган, чириган; ~ بِضَاعَةٌ ачиган (чириган) товар; 2) ахлоқсиз; бузуқ; аҳмоқ; зараркунанда; 3) *юр.* қонуний кучдан қолган, бекор қилинган

– فَسَادٌ 1) фасод боғлаш, чириш; ачиганлик, бузилганлик, чириганлик; ахлоқсизлик, ахлоқ тушкунлиги; камчилик; 3) порахўрлик; ~ الْإِدَارِيُّ الـــ маъмурий порахўрлик; 4) яроқсизлик; 5) *юр.* бекор қилинганлик, қонуний кучни йўқотганлик

– فَسْدَانٌ 1) бузилган, фасод боғлаган; 2) аҳмоқ, бузуқ

– فَسِيدٌ = فَاسِدٌ

– مَفْسَدَةٌ *кўп* مَفَاسِدُ 1) аҳмоқона иш, бемаъни қилиқ; ҳалокат, офат; зарар, зиён; 2) фитна, кутқу

I **فَسَرَ** (*у*) فَسْرٌ аниқламоқ, тушунтириб бермоқ, тушунтирмоқ; ◊ ~ الْبَوْلَ сийдикни текширмоқ; II فَسَّرَ тушунтирмоқ, изоҳламоқ, шарҳламоқ; V تَفَسَّرَ изоҳланмоқ, тушунтирилмоқ; X اِسْتَفْسَرَ 1) тушунтириб (изоҳлаб) беришни сўрамоқ; 2) сўров қилмоқ (*парламентдан*); аниқлаб олмоқ; ~ عَنْ صِحَّتِهِ бирор кишининг саломатлигини сўрамоқ

– اِسْتِفْسَارٌ сўров (*парламентдан*)

– تَفْسِرَةٌ 1) шарҳлаш, изоҳлаш, тушунтириш; 2) (*анализ учун олинадиган*) сийдик

تَفْسِيرٌ *кўп* تَفَاسِيرُ, ـــ اتٌ 1) изоҳлаш, изоҳ, тушунтириш; тафтиш; шарҳ комментарий; ~ لَا يُمْكِنُ ـــهُ тушунтириб бўлмайдиган, изоҳлаб бўлмайдиган; ~ الْقُرْآنِ Қуръони карим тафсири, 2) маъно, мазмун

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَفْسِيرَاتٌ *кўп.* (*харитага берилган*) изоҳ, тушунтириш, шарҳ

– تَفْسِيرِيٌّ изоҳга (тушунтиришга) оид, тафсирий; مُذَكِّرَةٌ ~ــةٌ тушунтириш хати

– مُفَسِّرٌ муфассир, шарҳловчи, комментатор

فُسْطَاطٌ *ёки* فُسْتَاطٌ *ёки* فُسَّاطٌ *кўп.* فَسَاطِيطُ 1) ҳарбий лагерь; 2) чодир; чодирли дўкон; павильон; ◊ الْـــ~ Фустот. Эски Қоҳира الْفَسَاتِينُ الْمِيرِيُّ وَ الْمِيدِيُّ وَ الْمَاكْسِيُّ; فُسْتَانٌ = فَسَاطِينُ فُسْطَانٌ мини, миди ва макси кўйлаклар

فُسْفَاتٌ фосфат

فُسْفَسٌ *жам. кўп.* فَسَافِسُ қандалалар

– فُسْفَسَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қандала

– فَسْفُوسَةٌ *кўп.* فَسَافِيسُ ҳуснбузар, бужама

فُسَيْفِسَاءُ мозаика, мозаикавий иш

فُسْفُورٌ фосфор

– فُسْفُورِيٌّ фосфорга оид, фосфорли; سَاعَةٌ ~ــةٌ (*рақамлари*) йилтиллаб (*нурланиб*) турадиган (фосфорли) соат

I **فَسَقَ** (*у*) *ёки* فَسُقَ (*у*) فَسْقٌ, فُسُوقٌ 1) (*н. дандир*) чекинмоқ, четга чиқмоқ, юз ўгирмоқ (عَنْ); عَنْ أَمْرِ رَبِّهِ ~ *қур.* ўз рабби (худоси) нинг амридан юз ўгирмоқ; 2) тўғри йўлдан адашмоқ (عَنْ); гуноҳли (ахлоқсиз) иш қилмоқ; бузуқлик қилмоқ, фосиқона ҳаёт кечирмоқ; بِأَمْرِ الْـ~ фаҳш иш қилмоқ; 3) ёриб чиқмоқ; تِ الرُّطَبَةُ~ хурмо устки пардасини ёриб чиқди; II فَسَّقَ 1) ёлғон деб ҳисобламоқ, рад қилмоқ; 2) (*кўргазмаларни*) рад қилмоқ, қабул қилмаслик; 3) ахлоқсиз (*бузуқ, ҳаром*) деб ҳисобламоқ; *дин.* гуноҳ деб ҳисобламоқ, фосиқ деб ҳисобламоқ

– فَاسِقٌ *кўп.* فَسَقَةٌ, فُسَّاقٌ 1. 1) фосиқ, ахлоқсиз, гуноҳкор; 2) *дин.* гуноҳкор, мункир, динсиз; 2. фоҳишабоз, ахлоқсиз, бузуқ одам

– فِسْقٌ кў-п. فُسُوقٌ 1) фисқ, бузуқлик, ахлоқсизлик; بِإِكْرَادِ ~ зўрлаб жинсий алоқада бўлиш, зўрлаш; دَارُ الْـــ фоҳишахона; 2) фоҳишабозлик; ахлоқсизлик, бузуқлик, ахлоқсиз иш

– فَسْقِيَّةٌ, فَسَاقِيُّ *кўп.* اتٌ ـــ фаввора, фонтан

– فَسِّيقٌ доим бузуқлик қилувчи

– فُوَيْسِقَةٌ 1) فَاسِقَةٌ дан кичрайтма от; 2) сичқон

فَسْكَلٌ, فُسْكُلٌ 1. паст, тубан; 2.(*от чолиш*) мусобақасида энг кейин келган от (*мусобақада биринчи етиб келган от* الْمُحَلِّي, *ундан кейинкелгани* الْمُصَلِّي, *ундан кейингиси* الْمُسَلِّي, *кейингиси* التَّالِي, *кейингиси* الْعَاطِفُ, *кейингиси* الْمُرْتَاحُ, *кейингиси* الْمُؤَمِّلُ, *кейингиси* السَّكِيتُ, الْقَاشُورُ *ва охиргиси* اللَّطِيمُ *ёки* الْفُسْكُلُ *дейилади*)

I **فَسُلَ** (*у*) فُسُولَةٌ 1) паст (тубан, ёмон) бўлмоқ; 2) кучсиз бўлмоқ; 3) паст сифатли бўлмоқ

– فَسْلٌ 1) ёмон, паст; 2) паст навли

– فُسُولَةٌ 1) пастлик, тубанлик; 2) кучсизлик; 3) паст навлилик

– فَسِيلٌ *жам. кўп.* فُسْلَانٌ (*хурмодаги*) бачки шохлар, ёндан ўсиб чиққан шохлар (новдалар)

– فَسِيلَةٌ *кўп.* فَسَائِلُ (*хурмодаги*) бачки шох (новда)

– فَسْلٌ = مَفْسُولٌ

I (فسو) **فَسَا** (*у*) فَسْوٌ (*орқадан*) секин дам (ел) чиқармоқ, писиллатмоқ; II فَسَّى тез-тез дам (ел) чиқариб турмоқ

– فُسَاءٌ орқадан чиқадиган дам (ел, газ)

– فَسُوٌّ тез-тез дам (ел) чиқариб турувчи

فِسْيُولُوجِيَا физиология

– فِسْيُولُوجِيٌّ 1. физиологик, физиологияга оид; 2. физиолог

I **فَشَّ** (*а/у*) فَشٌّ 1) (*қулфни*) калитсиз очмоқ; 2) пар чиқармоқ (*паровоз ҳақида*); ◊ الْوَرَمُ ~ шиш қайтди (қайтиб сўрилиб кетди); خُلْقَهُ (غِلَّهُ, صَدْرَهُ) ~ ўз ғазабини (ичидагини, аламини) кимгадир сочмоқ; II فَشَّشَ (*шишни*) қайтартирмоқ; VII اِنْفَشَّ 1) қайтмоқ, сўрилиб кетмоқ (*шиш ҳақида*); 2) дами чиқмоқ, дами бўшамоқ; تِ الرِّيحُ مِنَ الزِّقِّ~ темирчининг босқонидан дам чиқиб кетди

– فَشَّاشٌ томтешар; ўғри

– فَشَّاشَةٌ *кўп* اتٌ ـــ очқич (калит) ни осадиган мослама

– فَشَّةٌ *кўп* فَشَشٌ ўпка (*ҳайвонники*)

– فَشُوشٌ муваффақиятсиз чиққан, муваффақиятсизликка учраган, чипакка (пучга) чиққан (*иш ҳақида*)

– مِفَشٌّ мақтанчоқ

I **فَشَخَ** (*а*) فَشْخٌ 1) иккига бўлмоқ, тенг бўлмоқ; 2) катта-катта қадам ташламоқ; 3) тарсаки урмоқ; II فَشَّخَ қувватдан (кучдан, дармондан) кетмоқ

– فَشْخَةٌ *кўп.* فَشَخَاتٌ катта қадам

I **فَشَرَ** (*у*) فَشْرٌ мақтамоқ, ёлғонламоқ, алдамоқ

– فُشَارٌ *ёки* فُشَارٌ маккажўхори бодроғи

فَشَّارٌ мақтанчоқ, катта оғиз; алдоқчи

– فَشْرٌ мақтанчоқлик, катта оғизлик; алдоқчилик, ёлғон-яшиқ

فَشَاشٌ *жам.* (*милтиқ*) ўқлари; ~ الْـــ بَيْتُ ўқдон, патронташ; الْإِشَارَةِ сигнал бериш учун отиладиган ўқлар

– فَشَكَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўқ, патрон

فَشْكَلَ аралаш-қуралаш қилмоқ, тартибсиз ҳолга келтирмоқ

– فَشْكَلَةٌ тартибсизлик, бошбошдоқлик, чалкашлик

I **فَشِلَ** (*а*) فَشَلٌ 1) руҳан тушиб кетмоқ; 2) муваффақиятсизликка учрамоқ; иши ўнгидан келмайдиган бўлмоқ; 3) муваффақиятсиз бўлмоқ, натижасиз бўлмоқ, чиппакка чиқмоқ; 4) қўрқоқ бўлмоқ, қўрқмоқ; II فَشَّلَ = IV; IV أَفْشَلَ муваффақиятсизликка олиб келмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бузмоқ, чиппакка чиқармоқ; V تَفَشَّلَ муваффақиятсизликка учрамоқ, муваффақиятсиз бўлмоқ

– فَاشِلٌ 1) чиппакка чиққан, муваффақиятсизликка учраган, 2) муваффақиятсиз, амалга ошмаган; 3) яроқсиз

– فَشْلٌ чиппакка чиқиш, муваффақиятсизлик

– أَفْشَالٌ *кўп.* қўрқоқ

I (фшв) **فَشَا** (*у*) فُشُوٌّ тарқамоқ, тарқалмоқ (*миш-миш ҳақида*); IV أَفْشَى тарқатмоқ, ҳаммага эшиттирмоқ, овоза қилмоқ; (*миш-миш*) тарқатмоқ; ... الْأَسْرَارَ إِلَى ~ (*к. гадир*) сирни очмоқ, фош қилмоқ; V تَفَشَّى тарқалмоқ; VII اِنْفَشَى фош этилган (тарқалган) бўлмоқ

– فَاشِيَةٌ *кўп.* فَوَاشٍ адашиб (тарқалиб) юрган ҳайвонлар, пода

– مَفْشِيٌّ фош қилинган, тарқатилган, овоза қилинган

(فصّ) II فَصَّصَ 1) қимматбаҳо тош қўймоқ; қимматбаҳо тошлар билан зийнатламоқ (безатмоқ); 2) пўстини арчмоқ; оқламоқ; 3) (*мевани*) бўлакларга бўлмоқ

– أَفُصٌّ, فُصُوصٌ, فِصٌّ, فُصٌّ, فَصٌّ *кўп.* فُصُوصٌ 1) (*узукка ўрнатиладиган*) қимматбаҳо тош; 2) шашқол тоши (*мас., нард ўйинидаги*), 3) бўлак, бурда; مِلْحٌ ~ бир парча туз; مِلْحٌ وَ ذَابٌ ~ *маж* бирданига йўқ бўлди-қолди, 4) асосий мазмун (маъно); ◊ نَصٌّ وَ ~ـه *қар.* نَصٌّ

I **فَصُحَ** (*у*) فَصَاحَةٌ фасоҳатли (чиройли, аниқ гапирадиган) бўлмоқ, чиройли (фасоҳат билан, аниқ) гапирмоқ; IV أَفْصَحَ 1) фасоҳат билан гапирмоқ (тушунтирмоқ, аниқ қилмоқ); (*н. нидир*) аниқ ифодаламоқ, баён қилмоқ (عَنْ); 2) (*н. нидир*) овоза қилмоқ (ب); 3) пасхани байрам қилмоқ (*яҳудийлар ва христианларда*); V تَفَصَّحَ фасоҳатли бўлмоқ; VI تَفَاصَحَ 1) фасоҳатли бўлишга уринмоқ; 2) фасоҳатда мусобақалашмоқ

– أَفْصَحُ *мн* فُصْحَى 1) фасоҳатли; 2) энг тўғри; اللُّغَةُ الْعَرَبِيَّةُ الْفُصْحَى классик *ёки* адабий араб тили

– تَفَاصُحٌ фасоҳатдаги чиранишу (зўриқиш)

– فَصَاحَةٌ фасоҳат, чиройли гапириш; нутқнинг тўғрилиги

– فِصْحٌ[1] очиқ, булутсиз (*кун ҳақида*)

– فِصْحٌ[2] пасха (*яҳудийлар ва христианларда диний байрам*)

– فَصِيحٌ 1. 1) фасоҳатли, фасих, чиройли; 2) адабий; 2. *кўп.* فُصَحَاءُ фусаҳо, чиройли гапирадиган одам

– مُفْصِحٌ 1) фасоҳатли, чиройли (*тил ҳақида*); 2) очиқ, булутсиз (*кун ҳақида*)

I **فَصَدَ** (*и*) فَصْدٌ вена қон томирини кесмоқ, қон олмоқ; V تَفَصَّدَ оқмоқ; (بِالْعَرَقِ) جَبِينُهُ ~ унинг пешонасидан тер оқиб кетди; VII اِنْفَصَدَ 1) қон оқмоқ (оқиб турмоқ), 2) ўзидан қон олдиртирмоқ, VIII اِفْتَصَدَ ўз вена қон томирини кесмоқ, қон олмоқ

– فِصَادٌ қон олиш

– فِصَادَةٌ вена қон томирини кесиш, қон олиш, қон олдириш; ◊ ~ أَبُو *зоол.* жиблажибон (*қуш*)

– فَصْدٌ 1) қон олиш, қон олдириш; 2) томирни кесиш (қирқиш)

– مِفْصَدٌ *кўп.* مَفَاصِدُ ланцет (*дудама, жарроҳлар ништари*)

I **فَصَعَ** (*а*) فَصْعٌ 1) сиқмоқ, сиқиб чиқармоқ; 2) пўстидан ажратиш учун сиқмоқ; الرُّطَبَةَ ~ хурмони пўстидан ажратиш учун эзмоқ; VII اِنْفَصَعَ сиқтирмоқ

فُصْفَاتٌ фосфат

فَصْفَرَ фосфоресценциялланмоқ (*қоронғида нурланиб, нур сочиб турмоқ*)

– فُصْفُورٌ фосфор

– فُصْفُورِيٌّ фосфорли, фосфорга оид; ~ ضِيَاءٌ фосфоресценция (*қоронғида нурланиш, нур сочиб туриш*)

فُصْفُصَةٌ йўнғичқа, беда

I (فصل) **فَصَلَ**[1] (*и*) فَصْلٌ 1) бўлмоқ; (*н. дандир*) ажратмоқ, бўлакламоқ (عَنْ), (*к. нидир, н. нидир*) бир-биридан ажратиб (бўлиб) юбормоқ (بَيْنَ), 2) (*хизматдан*) бўшатмоқ, (*бирор н. дан*) чиқармоқ (مِنْ); *дин.* (*н. дандир, мас., диндан*) четлатмоқ (مِنْ *христианларда*); مِنَ الْوَظِيفَةِ ~ вазифасидан бўшатмоқ (четлатмоқ); مِنَ الْخِدْمَةِ ~ хизматдан бўшатмоқ (четлатмоқ); ~ الْوَلَدَ عَنِ الرَّضَاعِ болани кўкракдан ажратмоқ; 3) (*н. нидир*) ҳал қилмоқ, (*н. ҳақдадир*) қарор чиқармоқ (فِي), 4) баҳосини айтмоқ, нарх белгиламоқ; فَصَلَ[2] (*у*) فُصُولٌ (*к. нингдир олдидан*) кетмоқ, чиқмоқ (عَنْ), (*қаердандир*) жўнаб кетмоқ (عَنْ); жўнамоқ, йўлга тушмоқ (*мас., карвон ҳақида*); II فَصَّلَ 1) қисмларга ажратмоқ, бўлмоқ, 2) батафсил баён қилмоқ; 3) бичмоқ (*кўйлакни*); قَبْلَ أَنْ تُفَصِّلَ قِسْ! *мкл.* етти ўлчаб бир кес! (*сўзма-сўз*: бичишдан аввал ўлчаб ол!), III فَاصَلَ 1) (*к. дандир*) бўлинмоқ, ажралмоқ, 2) савдолашмоқ, баҳо ҳақида тортишишмоқ; V تَفَصَّلَ бичилмоқ, VII اِنْفَصَلَ 1) (*н. дандир*) ажратилган (бўлинган) бўлмоқ (مِنْ); (*ердан*) узилмоқ, кўтарилмоқ (مِنْ *самолёт ҳақида*), 2) (*қаердандир*) чиқмоқ, кетмоқ (عَنْ), 3) тамомланмоқ, тамом бўлмоқ

– اِنْفِصَالٌ 1) бўлиниш, ажралиш, *ав.* (*ердан*) узилиш, кўтарилиш; لَهُ ~ لَا ارْتِبَاطٌ لَا бузилмас, бузилмайдиган, ~ الشَّبَكِيَّةِ *мед.* Ablatio retinae (*шабкўрлик касали*); 2) (*хизматдан, партиядан*) четлатилиш, кетиш

– اِنْفِصَالِيٌّ 1. 1) бўлаклайдиган, ажратадиган; 2) сепаратив, ажралишга оид; 2. сепаратист, сепаратчи

– اِنْفِصَالِيَّةٌ сепаратизм (*ажралиб чиқишга қаратилган ҳаракат*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَفْصِيلٌ *кўп.* اتٌ, تَفَاصِيلُ 1) бичиш; бичим; الْـ~ وَ الْخِيَاطَةُ бичиш ва тикиш; 2) бичиқ, андоза; ~ ثَوْبُ الْـ андоза бўйича тикилган кўйлак; 3) тафсилий баён; тафсилот; ~ بِالْـ *ёки* ~ батафсил, кенг

– تَفْصِيلَةٌ *кўп.* اتٌ — бичиқ, андоза

– تَفْصِيلِيٌّ тафсилий; ~ـةٌ دِرَاسَةٌ ~ـةٌ тафсилий (батафсил) ўрганиш

– فَاصِلٌ 1. 1) ҳал қилувчи (*сўз ҳақида*); 2) бўлувчи; ~ خَطٌّ сувайирғич; ◊ ~ـةٌ دَوْلَةٌ икки душман давлат ўртасида қалқон бўлиб турган давлат, оралиқ давлат; ~ الْـ اللُّغَاتُ ўзак тиллар; 2 *кўп.* فَوَاصِلُ 1) тўсиқ; баръер; أَرْضِيٌّ ~ ер устидаги тўсиқ; 2) оралиқ

– فَاصِلَةٌ *кўп.* فَوَاصِلُ 1) тире, чизиқча (*тиниш белгиси*). айириш белгиси; вергул (*ўнлик каср сонлардаги – мас. 1, 5 каби*); оралиқ, интервал; такт (*мусиқий нотапардаги*); ◊ السَّجْعِ ~ қофиядош сўзлар, сажли сўзлар

– فَصَالٌ (*болани*) кўкракдан ажратиш

– فَصْلٌ[1] 1) бўлим; фасл; боб; 2) четлатиш, бўшатиш, (*вазифадан*) озод қилиш; 3) қарор; الْخِطَابِ ~ узил-кесил қарор, ◊ ~ الْـ يَوْمَ *дин* қиёмат куни

– فَصْلٌ[2] *кўп* فُصُولٌ 1) фасл, бўлим, боб (*китобда*); ~ وَ أَصْلٌ *қар.* أَصْلٌ, 2) (*бирор н. билан бошқа бирор н. ўртасидаги*) оралиқ (بَيْنَ ... ...), 3) (*йилдаги*) фасл, йил фасли, сезон, 4) синф, синф хонаси, 5) *театр.* парда, акт; саҳна

– فَصْلٌ[3] ҳал қилувчи, ҳал қиладиган; الْـ~ الْقَوْلُ ҳал қилувчи сўз (гап); узил-кесил қарор, ~ الْـ صَاحِبُ الْقَوْلِ ҳал қилувчи, қарор чиқарадиган; қарор қила оладиган, ҳал қила оладиган одам; الْـ~ الْكَلِمَةُ ҳал қилувчи гапни у айтиши мумкин

– فَصْلَةٌ *кўп* اتٌ — вергул; الْـ~ الْمَنْقُوطَةُ нуқтали вергул

– فَصْلَةٌ *кўп* فَصَلٌ (*босилган мақоладан олинган*) махсус (алоҳида) нусха (оттиск)

– فَصِيلٌ 1) кўкракдан ажратилган (*ғўдак ҳақида*); 2) *кўп* فُصْلَانٌ, فِصَالٌ онасидан ажратилган бўталоқ

– فَصِيلَةٌ *кўп* فَصَائِلُ 1) отряд, тўп, бўлинма, партия; *спорт.* команда, жамоа; *ҳарб.* взвод; فَصَائِلُ الثَّائِرِينَ исёнчилар отряди (тўпи); فَصَائِلُ مِنَ الْجَرَادِ чигиртка галаси (тўпи); 2) зот, насл, тур, жинс; *бот.* оила; ◊ الدَّمِ ~ қон группаси

– فَيْصَلٌ *кўп* فَيَاصِلُ 1) судя, арбитр; 2) ўлчов, критерий, 3) *ат.от.мз.* Файсал

– مَفْصِلٌ *кўп* مَفَاصِلُ бўғин, сустав, бўғим, دَاءُ الْمَفَاصِلِ бод, ревматизм; الْتِهَابُ الْمَفَاصِلِ артрит, бўғимларнинг яллиғланиши; подагра (*модда алмашинувининг бузилиши туфайли юз берадиган касаллик*)

– مَفَاصِلُ *кўп.* тил

– مُفَصَّلٌ 1) муфассал, кенг, атрофлича; ~ـةً بِصُورَةٍ ~ـةً *ёки* муфассал, кенг сувратда; ... أَنَّ ~ـهُ وَ асл моҳият шундаки, ...; 2) бичилган; бичиқ асосида тикилган; ~ عِقْدٌ ҳар бир марварид донасидан кейин қимматбаҳо тош ўтказилган марварид шодаси

– مُفَصَّلَةٌ *кўп* اتٌ — ошиқ-маъшуқ (*эшикдаги*); шарнир

– مَفْصِلِيٌّ бўғинга (бўғимга) оид; ~ـةُ الْأَرْجُلِ бўғимоёқлилар

– مَفْصُولٌ 1) узоқлаштирилган; 2) (*хизматдан*) бўшатилган, (*бирор н. дан*) чиқарилган, ўчирилган (مِنْ); 3) *эск.* (*черковдан*) четлатилган

– مُنْفَصِلٌ алоҳида, бўлинган, айрим

I **فَصَمَ** (*u*) فَصْمٌ 1) синдирмоқ, ермоқ, дарз кетказмоқ; 2) ечмоқ (*мас., тугунни*); 3) узмоқ, барҳам бермоқ, йўқ қилмоқ, кесмоқ; ~ عُرَى الصَّدَاقَةِ дўстлик ришталарини узмоқ; V تَفَصَّمَ 1) узилмоқ, парчаланмоқ, ечилмоқ, бўлинмоқ; VII اِنْفَصَمَ 1) узилган бўлмоқ, синдирилган бўлмоқ, ерилган бўлмоқ; 2) ечилмоқ; 3) ерилмоқ, дарз кетмоқ; синдирилмоқ; узилмоқ; حَبْلٌ لَا يَنْفَصِمُ узилмас алоқа, бузилмас алоқа

– اِنْفِصَامٌ узилиш, узиш; бўлиниш, ажралиш; لَهُ ~ لَا ажралмас, бўлинмас; الشَّخْصِيَّةِ ~ шахснинг иккиланиши

فَاصُولِيَا, فَصُولِيَا ловия; фасол

I **فَصَى** (*u*) فَصْيٌ (*н. дандир*) ажратмоқ, бўлмоқ (تَفَصَّى ١ ... مِنْ, مِنْ 1) ажралмоқ, бўлинмоқ; 2) (*н. дандир*) қутулмоқ, қутулиб чиқмоқ (олмоқ) (عَنْ, مِنْ)

– فَصْيَةٌ қутулиш, халос бўлиш

I **فَضَّ** (*a/y*) فَضٌّ 1) очмоқ, муҳрини бузмоқ (*мас. хатнинг*); ~ الْخَاتَمَ сургучли тамғани бузмоқ; 2) тарқатмоқ (*мас., одамлар тўдасини*); тарқатмоқ; тугатмоқ, тамомламоқ; ~ اِجْتِمَاعَ йиғинни тарқатмоқ; 3) бир ёқли (ҳал) қилмоқ (*тортишувни*); ~ مُشَاجَرَةً жанжални тинчитмоқ (бир ёқли қилмоқ); 4) тешмоқ, тешиб қўймоқ; ◊ ~ الْبَكَارَةَ қизлигини (бокиралигини) бузмоқ; ~ الدُّمُوعَ кўз ешлари тўкмоқ; لَا فَضَّ فُوكَ! доим сени эшитаверсам!, қандай чиройли гапирасан-а!; فُضَّ فُودُ! тили кесилсин II فَضَّضَ кумуш қопламоқ; (*ойнага*) амальгама суртмоқ; V تَفَضَّضَ кумуш билан қопланмоқ; VII اِنْفَضَّ 1) очилган, муҳри бузилган бўлмоқ, бузилган бўлмоқ (*сургучли муҳр ҳақида*); 2) тарқалмоқ, тарқатилмоқ; тамом бўлмоқ (*мажлис ҳақида*); 3) (*к. билан дир*) ало қани узмоқ (عَنْ); 4) (*қаердандир*) чиқмоқ (عَنْ); VIII اِفْتَضَّ узмоқ; ◊ ~ الْبَكَارَةَ қизлигини (бокиралигини) бузмоқ

– فَضَضٌ тарқалиб кетган нарсалар *ёки* кишилар

– فِضَّةٌ 1) кумуш; ~ مَاءُ الْـ азот кислотаси; ~ الْـ نِتْرَاتُ кумуш нитрати, ляпис; 2) пора (*Туркияда: кумуш танга. пиастрнинг 1/40*

www.ziyouz.com kutubxonasi

қисмига тенг); 3) *шунингдек*: يَهُوذَا ~ майда кумуш танга; ◊ بَاعَهُ بِثَلاثِينَ (لِقَاءَ ثَلاثِينَ) ~ кимнидир сариқ чақага сотиб юбормоқ

– فَضِّيٌّ 1) кумушли, кумушга оид; 2) кумуш рангли, сиймин; кумушдек товланадиган; الشِّتَارُ الـ~ экран (*кинодаги*); ◊ الْعِيدُ الـ~ *ёки* الْعُرْسُ الـ~ кумуш тўй; الثَّعْلَبُ الـ~ тўқ қўнғир тусли тулки

– فَضِّيَّاتٌ *кўп.* кумуш идиш, кумушдан ясалган идиш-ўеқ; ~ السُّفْرَةِ дастурхонга қўйиладиган кумуш идиш-оёқлар

– مِفَضٌّ, مِفَضَّضٌ пичоқ, қаламтарош (*мас., хат очиш учун ишлатиладигани*)

– مُفَضَّضٌ кумуш қопланган, кумуш югиртирилган; ~ وَرَقُ станиоль, тахта-тахта қўрғошин; фольга

I **فَضَحَ** (*а*) فَضْحٌ 1) очмоқ, топмоқ; фош қилмоқ, кўрсатиб (тутиб) бермоқ; 2) шармандаи-шармисор қилмоқ, уятга қолдирмоқ; 3) номусга тегмоқ (*аёл ҳақида*); ◊ الْقَمَرُ النُّجُومَ ~ юлдузларни тўсиб қўйди; VII اِنْفَضَحَ 1) фош қилинган бўлмоқ, шарманда бўлган бўлмоқ; VIII اِفْتَضَحَ 1) фош этилмоқ; очилмоқ; 2) шарманда бўлмоқ, уятга қолмоқ

– اِنْفِضَاحٌ 1) (*бирор н. нинг*) очилиб қолиши, юзага чиқиши; 2) шармандалик, уят, беномуслик

– فَاضِحٌ шармандали, уятли

– فَضَّاحٌ 1. фош қиладиган, очувчи; الْجَهْلُ الـ~ шармандали нодонлик; 2. фош қилувчи

– فَضَاحَةٌ уят, шармандалик

– فَضْحَةٌ уят, шармандалик, уят иш

– فَضِيحٌ шарманда бўлган, уятга қолган; уятли

– فَضِيحَةٌ *кўп.* فَضَائِحُ 1) уят, шармандалик; шарманда қиладиган (қилган) воқеа, нарса; уятли товламачилик; 2) пасткашлик, номуссизлик

فَضِيحٌ пишиб етилмаган хурмодан оловга тутмасдан тайёрланган шароб

فَضْفَضَ кенгайтирилмоқ, узайтирилмоқ, кенгу мўл қилмоқ (*кийим ва ҳ.к. ларни*)

– فَضْفَاضٌ кенг (*кўйлак ҳақида*)

– فَضْفَضَةٌ кенгайтириш

I **فَضَلَ** (*и*) فَضْلٌ (*н. дандир*) қолмоқ, ортиб қолмоқ, ортиб қолган бўлмоқ (مِنْ, عَنْ); 2) (*к. дандир*) ортиқ (устун) бўлмоқ (*тушк ёки* عَلَى II فَضَّلَ *1*) (*н. ни н. дандир*) афзал (ортиқ) кўрмоқ (عَلَى); ~ الْمَوْتَ عَلَى الاِسْتِسْلامِ таслим бўлишдан ўлимни афзал кўрмоқ. *2*) ҳомийлик қилмоқ; III فَاضَلَ 1)' фазилатлиликда (афзалликда) мусобақалашмоқ (тортишмоқ, баҳслашмоқ); 2) афзал кўрмоқ, афзал деб билмоқ; (*н. нидир*) қиёслаб афзалини танламоқ (بَيْنَ); IV أَفْضَلَ 1) ортиқчасини (ортиб қолганини) қолдирмоқ; 2) (*к. гадир*) яхшилик (мурувват) қилмоқ (عَلَى); V تَفَضَّلَ 1) яхшилик (мурувват) қилмоқ, рухсат бермоқ; تَفَضَّلُوا بِالْمَعْلُومَاتِ мурувват (марҳамат) қилиб маълумот беринг!, تَفَضَّلُوا بِقَبُولِ (فَائِقِ) احْتِرَامِي менинг (юксак) эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман (*хат охирида*), اِقْعُدْ! ~ марҳамат, ўтир!; تَفَضَّلُوا! марҳамат!, илтимос қиламан!, сўрайман!; 2) кундалик кийимларни кийиб юрмоқ; VI تَفَاضَلَ 1) фазилатда бир-биридан устун бўлмоқ; фазилатда мусобақалашмоқ; 2) *мажз.* (*бирор н. га, ишга*) аралашмоқ; X اِسْتَفْضَلَ (*н. дандир*) орттириб қолдирмоқ (مِنْ)

– أَفْضَلُ *кўп* أَفَاضِلُ *мн.* فُضْلَى *кўп.* فُضْلَيَاتٌ энг фозил, энг юксак, олий даражадаги, энг яхши; ... مِنَ الـ~ نَ энг яхшиси шуки, ...; سَعَى نَحْوَ مُسْتَقْبَلٍ ~ яхши истиқболга (келажакка) интилмоқ; ~ إِلَى حَيَاةٍ яхши ҳаётга интилмоқ; ~ بِصُورَةٍ яхши сувратда, яхшилаб

– أَفْضَلِيَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ афзаллилик; афзаллик; سِيَاسَةُ الـ~ яхши шароитлар яратиш сиёсати, أَعْطَى الـ~ (*к. нидир, н. нидир*) афзал билмоқ афзал кўрмоқ

– تَفَاضُلٌ афзаллик, ◊ حِسَابُ التَّفَاضُلِ (التَّكَامُلِ) وَ الـ~ *мат.* интеграл ва дифференциал ҳисоблаш

– تَفَاضُلِيٌّ дифференциал; الْمُعَادَلَةُ الـ~ дифференциал тенглама

– تَفَضُّلٌ 1) марҳаматлилик, кўнгилчанлик; яхшилик қилиш; 2) юксаклилик афзаллик

– تَفْضِيلٌ 1) афзал билиш (кўриш); 2) ҳомийлик, ◊ اسْمُ الـ~ *грам.* қиёсий *ёки* орттирма даражадаги сифат

– تَفْضِيلِيٌّ афзал деб биладиган; رُسُومٌ ~ةٌ *икт.* имтиёзли божлар, تَعْرِفَةٌ ~ةٌ имтиёзли тариф (*баҳо, ҳарх*), مُعَامَلَةٌ ~ةٌ *кар.* مُعَامَلَةٌ

– فَاضِلٌ[1] 1). *кўп* فُضَلاءُ 1) фозил, фазилатли (*олимнинг сифати*); 2) орзу қилинган, идеал; الْمَدِينَةُ الـ~ةُ идеал шаҳар; الْمُجْتَمَعُ الـ~ идеал жамият; 2 *кўп.* فَضَلَةٌ фозил (фазилатли) одам

– فَاضِلٌ[2] *кўп.* فَوَاضِلُ 1) қолдиқ; 2) *бухг.* қолдиқ, салдо

– فَاضِلَةٌ *кўп.* فَوَاضِلُ 1) ўсиш, кўпайиш, фойда, кирим; 2) марҳамат қилиш, яхшилик, олийжаноблик

– فُضَالَةٌ *кўп* اتٌ ـــ қолган (ортиб қолган) нарса

– فَضْلٌ *кўп* فُضُولٌ, أَفْضَالٌ 1) фазл, фазилат; ҳурмат, эҳтиром, эътибор, кўрсатилган хизмат; رَجُلُ الـ~ وَ الْعِلْمِ олимлар; أَصْحَابُ الـ~ (*бирор н. учун*) миннатдор бўлиш лозим кишилар; (тантаналар) "айбдорлари"; ... فِي هُوَ صَاحِبُ الـ~ даги хизмат соҳиби удир, ... (ـــ) إِلَى ... يَعُودُ (يَرْجِعُ) فِي الـ~ ...даги хизмат ... га тааллуқлидир (...никидир); 2) марҳамат, мурувват; 3) фойда; афзаллик; 4) ортиқча қолдиқ; қолдиқ; ортиб қолган нарса; فُضُولُ الْجِسْمِ *физиол.* танадан ажралиб чиққан чиқинди нарсалар

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*тер ва ҳ.к. лар*); فُضُولُ الْقَوْلِ ортиқча (кераксиз) сўзлар; ◊ ~ـــ بِـ اللهِ Оллоҳ марҳамати билан (*марҳаматидан*); بِـــ~ـــهِ унинг ёрдами билан, унинг шарофатидан; !لَكَ مِنْ ~ марҳамат қилинг!, марҳаматингизни аяманг!; ... عَنْ ~ا ... ҳақда гапирмаганда ҳам; لاَ يَمْلِكُ فَلْسًا ~ا عَنْ دِينَارٍ (*сўзма-сўз:* унда динормас, ҳатто бир фалса (*пул бирликлари*) ҳам йўқ); عَنْ ذَلِكَ ~ا шу билан бирга (бир қаторда); ... عَنْ أَنْ ~ا ...гандан ташқари, ... билан бир қаторда

– فَضْلَةٌ *кўп.* فَضَلاَتٌ, فَضَالٌ 1) қолдиқ, ортиқча нарса; 2) қўшиб қўйилган, қўшимча; فَضَلاَتُ الْجُمْلَةِ *грам.* гапнинг иккинчи даражали бўлаклари, 3) чиқиндилар, утил; فَضَلاَتُ أَقْمِشَةٍ қийқимлар; 4) кундалик *ёки* ишда кийиладиган кийим, ~ الْـــ لِبَاسُ уй кийими (кўйлаги)

– فَضَلاَتٌ *кўп.* бавл, чиқинди (*нажас, сийдик*)

– فَضُولٌ миқёс (ўлчов) дан ошиб кетган нарса

– فُضُولٌ 1) қизиқиш, қизиқувчанлик; أَهْلُ الْـــ~ қизиқувчилар; 2) аралашиш; хиралик, шилқимлик, елимлик

– فَضُولِيٌّ ортиқча; кераксиз

– فُضُولِيٌّ 1. 1) қизиқувчи, қизиқувчан; 2) хира, шилқим, елим; 2. чақирилмаган меҳмон

– فُضُولِيَّةٌ 1) қизиқиш, қизиқувчанлик; 2) хиралик, шилқимлик, елимлик

– فَضِيلٌ *кўп.* فُضَلاَءُ фазилатли, эътиборли; олийжаноб

– فَضِيلَةٌ *кўп.* فَضَائِلُ мурувватли одам; фазилат, юксак сифат, яхши иш (қилмиш); أُمَّهَاتُ الْفَضَائِلِ هِيَ الْحِكْمَةُ وَ الْعِفَّةُ وَ الشَّجَاعَةُ وَ الْعَقْلُ одамнинг энг муҳим фазилати-донишмандлик, иффат, шижоат ва ақлдир; ◊ صَاحِبُ الْـــ~ соҳиби фазл (*шайхлар, руҳонийлар ҳақида*)

– مُفَاضَلَةٌ 1) фазилатлиликдаги мусобақа; 2) (*бирор н. билан қиёслаб бўлгач*) танлаш; афзал кўриш

– مَفْضَلٌ севикли, севимли (*машғулот, ўйин ва ҳ.к. лар ҳақида*)

– مِفْضَلَةٌ *кўп.* ـــ اتٌ, مَفَاضِلُ 1) уйда кийиладиган кийим, кундалик кийим; 2) тунги кийим; ـــ اتٌ *кўп.* ички кийим

– مَفْضُولٌ ўтиб кетган, ортиб кетган; الْفَاضِلُ وَ الْـــ~ энг яхши ва энг ёмон

I (فضو) **فَضَا** (*у*) فُضُوٌّ, فَضَاءٌ кенг (бепоён) бўлмоқ; فَضِيَ (*а*) فَضَاوَةٌ бўш (эгалланмаган) бўлмоқ; II فَضَّى бўшатмоқ, бўш қилмоқ; IV أَفْضَى (*н. гадир*) етакламоқ, олиб келмоқ, олиб бормоқ (إِلَى). 2) (*к нингдир*) тарафига ўтмоқ (إِلَى), (*к. гадир*) тегмоқ, қўлига ўтмоқ (إِلَى); 3) (*к. гадир н. нидир*) айтмоқ, маълум қилмоқ (إِلَى ,ب); ~ بِحَدِيثٍ интервью бермоқ; V تَفَضَّى бўшаган бўлмоқ, эгалланмаган бўлмоқ; (*н. учундир*) бўш вақт (дам олиш вақти, танаффус) олмоқ (ـــ)

– فَاضٍ *мн.* فَاضِيَةٌ 1) бўш, эгалланмаган; عَلَى الْفَاضِي бекордан-бекорга, овора бўлиб; عَلَى الْـــ~ى وَ الْمَلْيَانِ ўйламай-нетмай, текшириб ўтирмай, тўғри келганича; 2) дам олиш вақти бор бўлган

– فَضَاءٌ 1) фазо, очиқ бўшлиқ; أَطْلَقَ الْعِيَارَاتِ النَّارِيَّةَ فِي الْـــ~ осмонга ўқ отмоқ; عَالَمُ الْـــ~ الْكَوْنِيُّ *ёки* عَالَمُ الْـــ~ космик бўшлиқ, космос; سَفِينَةُ الْـــ~ космик кема; رَحَلُ الْـــ~ الْأَوَّلُ *ёки* رَائِدُ الْـــ~ биринчи космонавт (*фазогир*); 2) дам олиш; ◊ بَيْتُ الْـــ~ ҳожатхона

– فَضَائِيٌّ фазовий, фазога оид; космик, космосга оид; سَفِينَةٌ ~ـــةٌ الْأَبْحَاثُ الْـــ~ـــةُ космик кема; фазони (космосни) текшириш, тадқиқ қилиш

I فَطَّ (*а/у*) فَطُّ 1) ирғимоқ, ирғишламоқ; 2) оқиб (отилиб чиқиб) турмоқ (*мас., сув, газ кабилар ҳақида*)

– فَطَّةٌ *кўп.* ـــ اتٌ ирғишлаш, ирғиш

I **فَطَحَ** (*а*) فَطْحٌ ясси қилмоқ, ёймоқ; II فَطَّحَ = I

– أَفْطَحُ *мн.* فُطْحَاءُ *кўп.* فُطْحٌ 1) сербар, кенг, ейилган; 2) катта каллали, кенг пешонали

فَطَحْلٌ *шунингдек:* ~ الْـــ زَمَنُ қадимги замон (*одам пайдо бўлмасдан олдинги*)

– فَطَاحِلُ *кўп.* машҳур, улуғ, буюк (*олимлар ҳақида*); السَّادَةُ ~ـــ الْعُلَمَاءِ *ёки* буюк олимлар

I (فطر) **فَطَرَ**[1] (*у*) فَطْرٌ 1) ёрмоқ, ушатмоқ, майдаламоқ, парчаламоқ; 2) яратмоқ, ижод қилмоқ; 3) *мажз.* (*бирор н. га*) табиатан мойил бўлмоқ, туғма хусусиятга эга бўлмоқ (عَلَى), табиатан (*бирор н. га*) иқтидорли бўлмоқ (ب), فُطِرْتُ عَلَى كُرْهِ السَّفَرِ *мажз.* Мен табиатан саёҳатларни (*сафарни*) яхши кўрмайман; 3) бошламоқ, бошлаб бермоқ; فَطَرَ (*у*) فَطْرٌ, فُطُورٌ 1) нонушта қилмоқ; 2) рўзани бузмоқ; рўзани очмоқ; II فَطَّرَ 1) нонушта қилдирмоқ; 2) рўзани буздирмоқ; 3) майдалаб (бўлаклаб) ташламоқ; IV أَفْطَرَ 1) нонушта қилмоқ; 2) *дин.* овқат еявермоқ, оғзи очиқ юрмоқ (*рамазон ойидан кейин*); أَيَّامَ رَمَضَانَ ~ рамазон ойида рўза тутмай юрмоқ; V تَفَطَّرَ ёрилмоқ, майдаланмоқ, парчаланмоқ, ушатилмоқ; VII اِنْفَطَرَ ёрилган (майдаланган, парчаланган, ушатилган) бўлмоқ; ◊ بِالْبُكَاءِ ~ ҳўнграб йиғламоқ; قَلْبُهُ ~ унинг юраги эзилиб кетди

– إِفْطَارٌ 1) рўзани тўхтатиш (тугатиш); مِدْفَعُ الْـــ~ ифтор вақти тамом бўлгани ҳақида тўп (замбарак) отиб хабар бериш

– فَاطِرٌ[1] ижодкор, яратувчи

– فَاطِرٌ[2] рўза тутмайдиган

– فَطَائِرِيٌّ *кўп.* فَطَائِرِيَّةٌ *ёки* فَطَاطِرِيٌّ *кўп.* فَطَاطِرِيَّةٌ пирожка ясовчи; қандолатчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

– فِطَارٌ нонушта

– فَطْرٌ *кўп.* فُطُورٌ дарз, ёриқ

– فِطْرٌ *ёки* فُطْرٌ *жам. кўп* فُطُورٌ 1) замбуруғ, (*еб бўлмайдиган*) қўзиқорин; 2) ўсимта

– فِطْرٌ рўзанинг туғаши; ~ عِيْدُ الْـــ *дин.* рўза ҳайити, ийдул-фитр

– فِطْرَةٌ *кўп.* فِطَرٌ 1) табиат; туғма хусусият; характер, феъл-атвор; 2) ибтидоийлик; ~ عَاشَ عَلَى الْـــ ибтидоий одам каби яшамоқ; 3) фитр рўза

– فُطْرِيٌّ 1) қўзиқоринли, қўзиқоринга оид; 2) замбуруққа оид; 2) замбуруғли; الْأَمْرَاضُ الْـــةُ замбуруғли касалликлар; микозлар

– فِطْرِيٌّ 1) табиий, туғма; الْمَوَاهِبُ الْـــةُ табиий (туғма) иқтидор; 2) ибтидоий; الْإِنْسَانُ الْـــ ибтидоий одам

– فِطْرِيَّاتٌ *кўп* туғма хусусиятлар

– فَطُورٌ, فُطُورٌ = فِطَارٌ; تَنَاوَلَ ~هُ нонушта қилмоқ

– فُطُورَاتٌ *кўп.* пирожкалар

– فَطِيرٌ тузсиз (*нон ҳақида*); 2) хом; пишмаган, етилмаган; ~ رَأْيٌ хом фикр; 3) янги; ҳозиргина ёпилган (*нон ҳақида*); 4) кўпмаган хамир

– فَطِيرَةٌ *кўп.* فَطَائِرُ пўрсилдоқ, лўмбилдоқ; пирожний; пиражка; ~ لَحْمٍ гўштли пиражка; ◊ ~ عَلَى زُبْدَةٌ (شَحْمَةٌ) кутилмаган муваффақият (ютуқ)

I (فطس) **فَطَسَ** (*а*) فَطَسٌ бўғилмоқ, нафас қисмоқ; فَطَسَ (*и*) فَطْسٌ, فُطُوسٌ ўлмоқ, ҳаром қотмоқ; II فَطَّسَ 1) бўғмоқ, нафас қистирмоқ; 2) ўлдирмоқ

– أَفْطَسُ *мн.* فُطْسَاءُ *кўп.* فُطْسٌ ясси (пажақ) бурунли; пучуқ; бурни қанқайган, қаншари паст

– فَاطِسٌ пажоқ (*бурун ҳақида*)

– فَطْسَانُ *мн.* فَطْسَى бўғилган, бўғиб қўйилган; ўлган, ҳаром ўлган, ҳаром қотган; بَهِيمَةٌ فَطْسَى ҳаром ўлган ҳайвонлар

– فَطْسَةٌ бўғилиб ўлиш

– فَطِيسٌ 1). бўғилган, бўғиб ўлдирилган, 2). ўлимтик, ўлакса

– فَطِيسَةٌ *кўп.* فَطَائِسُ ўлимтик, ўлакса

– فِطِّيسَةٌ = فَطِيسَةٌ

فَطْفَطَ қанот қоқмоқ; ◊ ... بِسِرِّهِ إِلَى ~ (*к. гадир*) сирни айтиб қўймоқ

– فَطْفَطَةٌ қанот қоқиш

I **فَطَمَ** (*и*) فَطْمٌ 1) (*болани*) кўкракдан ажратмоқ; 2) қайтармоқ, қайтаришга уринмоқ; ~تُ زَيْدًا عَنْ عَادَتِهِ Зайдни одатидан қайтардим; VII اِنْفَطَمَ 1) кўкракдан ажратилган бўлмоқ; 2) (*н. нидир*) рад қилмоқ, (*н. дандир*) ўзини тутмоқ, тиймоқ (عَنْ)

– فَاطِمَةُ *ат.от, мн.* Фотима

– فَاطِمِيٌّ *пар.* фотимийларга оид; الْـــونَ фотимийлар; الدَّوْلَةُ الْـــةُ фотимийлар давлати

– فِطَامٌ кўкрак бериб (эмизиб) боқишни тўхтатиш, (*болани*) кўкракдан чиқазиш

فَطِيمٌ *кўп.* فُطُمٌ кўкракдан чиқарилган (гўдак)

– فَطِيمٌ = مَفْطُومٌ

I (فطن) **فَطَنَ** (*у*) فَطُنَ, فَطْنٌ, فُطُونَةٌ, فَطَانَةٌ *ёки* فَطِنَ (*а*) فُطُونَةٌ ақли етмоқ; тушунмоқ, фаҳмламоқ; (*н. нингдир*) тагига етмоқ (لِـــ *ёки* إِلَى); II فَطَّنَ тушунтирмоқ, фаҳмлатмоқ; V تَفَطَّنَ (*н. нидир*) тушунмоқ, тагига етмоқ (لِـــ)

– فَطَانَةٌ фатонат, фаросатлилик, фатонатлилик; ақл, дониш; тушуниш

– فَطِنٌ тушунадиган, биладиган; фаросатли

– فِطْنَةٌ фаросатлилик, тез англаб олиш; зеҳнлилик

– فَطَانَةٌ = فُطُونَةٌ

– فَطِينٌ ақлли, фаросатли, фаҳми ўткир

I **فَظَّ** (*и/а*) فَظَاظٌ қўпол (адабсиз, тўнка) бўлмоқ

– فَظَاظَةٌ қўполлик, адабсизлик, тўнкалик

– فَظٌّ[1] *кўп.* أَفْظَاظٌ қўпол, тўнка; الْخَرْقُ الْـــ لِلْحُدُودِ чегараларни қўпол равишда бузиш

– فَظٌّ[2] *кўп.* فُظُوظٌ морж (*денгиз ҳайвони*)

I **فَظُعَ** (*у*) فَظَاعَةٌ даҳшатли (қўрқинчли, ярамас) бўлмоқ; II فَظَّعَ ваҳшийлик қилмоқ; IV أَفْظَعَ = II; X اسْتَفْظَعَ даҳшатли (қўрқинчли, ярамас) деб ҳисобламоқ

– فَظَاعَةٌ даҳшат, ярамаслилик

– فَظَائِعُ *кўп.* даҳшатли қилмишлар; золимлик, ваҳшийлик

– فَظٌّ даҳшатли; ваҳшиёна

– فَظِيعٌ даҳшатли, ярамас; ваҳшийларча, ваҳшиёна

– فَظِيعٌ = مُفْظِعٌ

I **فَعَصَ** (*а*) فَعْصٌ эзмоқ, босмоқ, қисмоқ, сиқмоқ

– مَفْعُوصٌ 1) эзилган, сиқилган; 2. кичкинтой

I فَعَلَ (*а*) فَعْلٌ қилмоқ, бажармоқ, юзага чиқармоқ; ҳаракат қилмоқ, ишни (ҳаракатни) юзага чиқармоқ; فَعْلَتُهُ ~ ўз ишини қилмоқ; ~ فِي امْرَأَةٍ аёл билан жинсий алоқа қилмоқ; II فَعَّلَ (*шеърни вазнга солиб*) ўқимоқ; VI تَفَاعَلَ 1) ўзаро таъсир қилмоқ, бир-бири учун ҳаракат қилмоқ; 2) (*бирор н. билан*) бирлашмоқ, қўшилмоқ; VII اِنْفَعَلَ 1) (*бирор н.*) таъсири остига тушиб қолмоқ; 2) ҳаяжонланмоқ, безовталанмоқ; 3) аччиқланмоқ, феъли бузилмоқ; 4) қилинган (бажарилган, юзага чиқарилган) бўлмоқ; VIII اِفْتَعَلَ 1) (*бирор н. ни*) ўйлаб топмоқ, ата йлаб пайдо қилмоқ *ёки* қилмоқ; 2) сохтакорлик қилмоқ, ёлғондан (ўйлаб топиб) қилмоқ, туҳмат уюштирмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– أَفَاعِيلُ *кўп.* ишлар, ҳаракатлар; ~ فِي اسْتِطَاعَتِه أَنْ يَفْعَلَ بِه الْـــ унинг унга нисбатан ҳар иш қўлидан келади

– اِفْتِعَالٌ 1) уйдирма, тўқима; 2) сохтакорлик, сохталик

– اِنْفِعَالٌ *кўп.* اتٌ ـــَـ 1) ҳаяжон, безовталик; ~ فِي *ёки* ~ بِـــ ҳаяжон билан, безовталаниб, безовталанган ҳолда; 2) асабийлашиш, ҳаяжонлашиш, безовталаниш; ғазаб; 3) *физиол.* рефлекс, таъсирланиш

– اِنْفِعَالِيَّةٌ ҳаяжонланишлик, таъсирчанлик

– تَفَاعُلٌ *кўп.* اتٌ ـــَـ 1) ўзаро таъсир; 2) бирлашиш, қўшилиш, 3) *кимё. физ* реакция; ~ فِيدَلَ Видаль реакцияси; ~ الْـــ الْكِيمِيَائِيُّ кимёвий реакция; ~ الْـــ الْحَرَارِيُّ النَّوَوِيَّةُ التَّفَاعُلَاتُ ядро реакцияси; ~ الْـــ الْمُتَسَلْسِلُ *қар.* مُتَسَلْسِلٌ термоядро реакцияси;

– تَفْعِيلٌ, تَفْعِيلَةٌ *кўп.* تَفَاعِيلُ *адаб.* тафоил, туроқ (*шеърий вазнда, арузда*); تَفَاعِيلُ الْبُحُورِ (*шеърий вазндаги*) баҳрлар тафоиллари (туроқлари)

– فَاعِلٌ[1] 1) қилувчи, бажарувчи, 2) ҳаракат қилувчи; 3) *юр.* актив (*сайлов ҳуқуқи ҳақида*); 2. 1) *кўп.* فَعَلَةٌ ишловчи, ишчи; бажарувчи, ижрочи; 2.) айбдор (*бирор воқеада*); 3) *грам.* (*феълий гапларда*) эга; ~ اسْمُ الْـــ *грам.* аниқлик нисбатидаги сифатдош

– فَاعِلٌ[2] *кўп.* فَوَاعِلُ омил, фактор

– فَاعِلَةٌ бузуқ аёл; ~ ابْنَ الْـــ! *ҳақ.* эй, ҳаромзода! (*сўзма-сўз* эй, бузуқ аёлнинг ўғли!)

– فَاعِلِيَّةٌ 1) таъсир, таъсир кучи; кучли таассурот қолдирадиган, таъсирчан; 2) *грам.* гапда сўзнинг бошқарувчи сифатида келиши

– فَعَالٌ саховат, сахийлик

– فَعَّالٌ таъсир этувчи, таъсир қилувчи, қаттиқ таъсир қилувчи, таъсирчан

– فَعَّالِيَّةٌ таъсирчанлик, омиллилик, фаол, актив

– فِعْلٌ *кўп.* أَفْعَالٌ 1) ҳаракат, ~ *ёки* ~ بِالْـــ *ёки* ~ وَ الْوَاقِعِ بِالْـــ аслида, аслини олганда; 2) таъсир этиш; ~ بِـــ الْحَرَارَةِ ҳарорат таъсири остида; 3) иш; фаолият; ҳаракат; يُرِيدُ أَفْعَالًا لَا أَقْوَالًا унга гап эмас, иш керак; 4) *грам.* (أَمْرٌ) ~ буйруқни билдирувчи феъл, буйруқ феъли (*мас.*, !حَذَارِ эҳтиет бўл!); ~ لَازِمٌ ўтимсиз феъл; ~ مُتَعَدٍّ ўтимли феъл; ~ مُسَاعِدٌ кўмакчи феъл; ~ مَعْلُومٌ аниқ нисбатдаги феъл; ~ مَجْهُولٌ мажҳул нисбатдаги феъл

– فَعْلَةٌ *кўп.* فَعَلَاتٌ ҳаракат; қилмиш, қилмиш-қидирмиш; ~ السَّنْعَاءِ энг расво қилмиш

– فِعْلِيٌّ 1) аслдаги, ҳақиқатдаги, 2) амалий; ~ аслан, ҳақиқат сифатида, фактик, дефакто; 3) *грам.* феълий

– فِعْلِيَّةٌ *грам.* феъллилик

– مُفَاعِلٌ *кўп.* اتٌ ـــَـ реактор; ~ الْـــ الذَّرِّيُّ *ёки* لِلذَّرَّةِ ~ атом реактори

– مُفَاعَلَةٌ: ~ الْـــ ишбай

– مُفْتَعَلٌ тўқилган, сохта, ёлғон; атайлаб қилинган

– مُنْفَعِلٌ 1) ҳаяжонланаётган, тўлқинланаётган; 2) ғазабли, ғазабланган; ҳаяжондаги; 3) *юр.* пассив

– مَفْعُولٌ 1. 1) қилинган, бажарилган; 2) ғазабланган, аччиқланган; 2. 1) таъсир (*қонунники, дориники*); ~ سَارِي الْـــ *юр.* (*қонуний*) кучга эга бўлган; ~ بَاطِلُ (فَاقِدُ) الْـــ *юр.*(*қонуний*) кучини йўқотган; ... يَسْرِي ~ الْقَانُونُ عَلَى қонун кучи ...га тааллуқли бўлади; ~ الرَّجْعِيُّ الْـــ *юр.* (*қонуннинг*) акс таъсири (кучи); ~ مَعَهُ, ~ بِهِ, ~ فِيهِ 2) *грам.* тўлдирувчи; ~ اسْمُ الْـــ мажҳул нисбатдаги сифатдош

– مَفْعُولِيَّةٌ 1) ҳаракат, таъсир, таъсир қилиш; 2) безовталик, ҳаяжон; ғазаб; 3) *грам.* сўзнинг гапда тўлдирувчи сифатида келиши

I **فَعَمَ** (*а*) فَعْمٌ тўлғазмоқ; (*н. биландир*) тўлдириб-тоширмоқ (ب); IV أَفْعَمَ = I

– مُفْعَمٌ тўла; тўлиб-тошган

– أَفْعًى *мн. кўп.* ~ ع 1) *зоол* ехидна (*кирписимон жонивор*); 2) илон

– أُفْعَوَانٌ = أَفْعًى; خَيَالِيٌّ ~ аждар, аждаҳо

– أُفْعُوَانِيَّةٌ бадфеъллик, тили заҳарлилик

– مَفْعَاةٌ ~ أَرْضٌ илонлар кўп учрайдиган ҳудуд

I **فَغَرَ** (*а*) فَغْرٌ (*оғизни*) очмоқ, очиб қолмоқ; VII اِنْفَغَرَ очилиб қолмоқ, очилган бўлмоқ

– فَاغِرٌ: ~ وَظِيفَةٌ бўш (вакант) жой (иш жойи)

– فَغْرَةٌ (дарё) мансаби; (водийнинг) бошланиши

– فَغْفُورِيٌّ юпқа чинни (*фарфор*)

I **فَغَمَ** (*а*) فُغُومٌ, فَغْمٌ урилмоқ, бурунга урилмоқ (*ҳид, бўй ҳақида*); ~ تُثِيرُ رَائِحَةُ الطَّعَامِ الشَّهِيَّةُ бурнимга овқатнинг ёқимли бўйи (ҳиди) урилди

– فَاغِمٌ ҳид (бўй) тарқатувчи

– فَغْوٌ, فَاغِيَةٌ *бот.* 1) хина; 2) хина гуллари

– فَغْوَةٌ ёқимли бўй, аромат

I **فَقَأَ** (*а*) فَقْءٌ ўйиб олмоқ, чиқармоқ (*кўзни*); ёрмоқ, тешмоқ (*ярани*); II فَقَّأَ кўзни ўйиб олмоқ, ўйиб чиқармоқ; V تَفَقَّأَ ёрилиб кетмоқ; VII اِنْفَقَأَ ўйилган бўлмоқ (*кўз ҳақида*); ёрилиб (тешилиб) кетган бўлмоқ (*яра ҳақида*)

I **فَقَدَ** (*и*) فَقْدٌ 1) йўқотмоқ, йўқотиб қўймоқ, ажралмоқ; эга бўлмаслик, йўқ бўлмоқ, тополмаслик; ~ رُشْدَهُ *ёки* ~ وَعْيَهُ *ёки* ~ حَوَاسَّهُ ҳушни йўқотмоқ, ҳушдан ажралмоқ; ... ~ الْأَمَلَ فِي (*бирор н. га бўлган*) умидни йўқотмоқ; ~ الْبَصَرَ кўриш қобилиятини йўқотмоқ; ~ شُعُورَهُ беҳуш бўлиб қолмоқ, ҳушини йўқотмоқ; 2) *мажҳ.* йўқолмоқ, дом-дараксиз йўқ бўлиб кетмоқ; فُقِدَ النِّصَابُ кворум бўлмади (*йиғилиши лозим бўлганларнинг айримлари*

www.ziyouz.com kutubxonasi

келмади); IV أَفْقَدَ 1) (*бирор н. нинг*) йўқолишига сабаб бўлмоқ; 2) ажратмоқ, маҳрум қилмоқ; اَلْحَيَاةُ ~ُهُ кимнидир ҳаётдан маҳрум қилмоқ; اَلشُّعُورَ ~ُهُ кимнидир ҳушидан кетказмоқ; عَقْلَهُ ~ُهُ кимнидир ақлдан оздирмоқ; V تَفَقَّدَ 1) кўриб чиқмоқ, кўрик ўтказмоқ, текширмоқ, назорат қилмоқ; 2) келиб (бориб) кўрмоқ, 3) (*бирор н. ни*) изламоқ, қидирмоқ; бирдан (*бирор н. нинг*) йўқлигини билиб қолмоқ; 5) йўқ бўлмоқ, етишмаганлик, етмай қолмоқ (*бирор н. ҳақида* – لـ), (*н. гадир*) эҳтиёж сезмоқ (لـ); 6) йўқотишга, жудоликка учрамоқ (*ўлим сабабли*); X اِسْتَفْقَدَ 1) етишмасликни сезиб қолмоқ; йўқлигини фаҳмламоқ; 2) излаб (ковлаштириб) топмоқ

– اِفْتِقَادٌ 1) бориш (келиш), зиёрат; 2) кўрик, назорат; 3) излаб топиш, қидириб топиш; 4) ҳожат, талаб (*н. гадир* - عَلَى)

– تَفَقُّدٌ 1) кўрик, назорат, инспекция, текшириш, текширув 2) бориб (келиб) кўриш, зиёрат

– تَفَقُّدِيٌّ кўрикка (инспекцияга) оид

– فَاقِدٌ 1) йўқотувчи, йўқотган; اَلشُّعُورِ ~ а) ҳушидан ажралган, б) ҳушсиз; 2) (*бирор*) нарсаси йўқ, (*бирор н. дан*) ажраб қолган; وَطَنِهِ ~ ватанидан кўчирилган ёки зўрлаб кўчирилган шахс; اَلشَّيْءِ لَا يُعْطِيهِ *мтл.* йўқда товон (жазо) ҳам йўқ

– فَقَدْ (فَ + قَدْ) *қар* قَدْ

– فَقْدٌ = فَقْدَانٌ

– فَقْدَانٌ, فُقْدَانٌ 1) йўқлик, бўлмаганлик, етишмаслик, етишмовчилик; اَلنِّصَابِ ~ кворумнинг йўқлиги; 2) йўқотиш, жудо бўлиш, اَلْقُدْرَةِ عَلَى الْعَمَلِ ~ меҳнат қобилиятини йўқотиш; اَلشَّهِيَّةِ ~ иштаҳанинг йўқлиги, иштаҳасизлик; اَلذَّاكِرَةِ ~ хотирани йўқотиш

– فَقِيدٌ 1) йўқотилган; 2) ўлган, марҳум; (اَلْعِلْمِ) اَلْبَارِدِ ~ ўлими мамлакат (илм) учун катта йўқотиш бўлган одам

– مُتَفَقِّدٌ 1) кўрик, назорат, текшириш ўтказувчи; 2. инспектор

– مُفْتَقَدَاتٌ *кўп* йўқотилган нарсалар, اَلْـ~ مُسْتَوْدَعُ топилмалар идораси (бюроси)

– مِفْقَادٌ болалари ўлаверадиган, боласи турмайдиган аёл

– مَفْقُودٌ 1) йўқотилган; дом-дараксиз йўқолган; 2) мавжуд бўлмаган, йўқ

I (فقر) **فَقَرَ** (*у*) فَقْرٌ 1) тешмоқ, тешик очмоқ; 2) фақирликка (қашшоқликка) олиб келмоқ, فَقْرٌ (*у*) فَقَارَةٌ фақир (қашшоқ, камбағал) бўлмоқ; фақирлашмоқ; II فَقَّرَ 1) тешмоқ, тешиб қўймоқ, 2) мудроқ босмоқ, мудрамоқ; IV أَفْقَرَ 1) фақирликка (қашшоқликка) гирифтор қилмоқ, 2) камбағаллаштирмоқ; VIII اِفْتَقَرَ 1) фақир (камбағал) бўлмоқ; 2) (*бирор н. га*) эҳтиежманд бўлмоқ, талабгор бўлмоқ (إِلَى)

– فَاقِرَةٌ *кўп* فَوَاقِرُ бахтсизлик, бадбахтлик

– فَقَارٌ *жам* умуртқалар; ذُو الْـ~ *тар* Зулфиқор (*Бадр жангида Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан душмандан тортиб олинган, кейинчалик Али разияллоҳу анҳуга берилган қиличнинг номи*)

– فَقَارَةٌ *кўп* اتٌ ـــ умуртқа

– فَقَارِيٌّ умуртқага оид

– فَقْرٌ, فُقْرٌ фақрлик, қашшоқлик, камбағаллик; اَلدَّمِ ~ камқонлик, анемия; بِلَا دَيْنٍ عَلَيَّ كَامِلُ ~ *мтл.* қарздор бўлмаган фақирлик – катта бойлик

– فَقَرَةٌ = فَقَارَةٌ

– فِقْرَةٌ *кўп* اتٌ ـــ, فِقَرٌ 1) (*занжир*) ҳалқаси, бўлаги; 2) параграф; абзац; модда; 3) умуртқа

– فَقَرِيٌّ умуртқага оид, ~ غَيْرُ *ёки* ~ لَا умуртқасиз; اَلْعَمُودُ الْـ~ умуртқа суяги; اَلْحَيَوَانَاتُ الْـ~ـةُ умуртқали ҳайвонлар

– فَقَرِيَّاتٌ *кўп* умуртқалилар, ~ لَا умуртқасизлар

– فَقِيرٌ *кўп* فُقَرَاءُ 1 фақир, қашшоқ, камбағал, 2 1) камбағал; 2) фақир (*фокус кўрсатадиган сеҳргар*), 3) умуртқаси синган киши

– مَفَاقِرُ *кўп. бирлиги йўқ.* фақирлик шаклари; !اللهُ ~ـكَ سَدَّ Оллоҳ уни бой-бадавлат қилсин!

– مُفْتَقِرٌ (*бирор н. га*) ҳожатманд бўлган, талаб-эҳтиежи бор (إِلَى)

– مَفْقُورٌ: اَلظَّهْرِ ~ умуртқаси касал бўлган

I **فَقَسَ** (*а*) فَقْسٌ 1) жўжа очмоқ; 2) тухумдан чиқмоқ, чўқиб ёриб чиқмоқ (*жўжа ҳақида*); 3) уруғ қўймоқ (*чигиртка ҳақида*), 4) босиб етган тухумни айнатиб қўймоқ (*қуш ҳақида*); ◊ (اَلْمَلْعُوبَ) اَلْحِيلَةَ ~ ҳийлани (кўзбўямачиликни) фош этмоқ

– فَقْسٌ 1) жўжа очиш; 2) тухумдан чиқиш (*жўжа ҳақида*), 3) онасидан ажрамаган парранда; اَلْجَرَادِ ~ чигиртка уруғлари

– فَقَارِسُ *жам.* 1) бодринглар (тарралар) (*Миср*); 2) қовун (*Сурия*)

– فَقُوسَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) узун бодринг (тарра); 2) қовун

– مَفْقَسٌ *кўп* مَفَاقِسُ инкубатор

I **فَقَشَ** (*и*) فَقْشٌ 1) синдирмоқ (*тухум ва ҳ. к. ларни*), 2) бўртмоқ, шишмоқ, қаппаймоқ (*йиқилиш олдида турган девор ҳақида*), II فَقَّشَ синдирмоқ, синдириб ташламоқ; 2) пўст ташламоқ, шўрлатмоқ

– فَقُوصٌ узун бодринглар (тарралар) (*Миср*)

– فَقُوصَةٌ *кўп* اتٌ ـــ узун бодринг (тарра)

(فقط) II فَقَّطَ (*рақамларни*) сўз билан ёзмоқ; 2) рақамлардан кейин فَقَطْ сўзини ёзиб қўймоқ (*қўшимча рақамлар ёзиб қўймасликлари учун*), V تَفَقَّطَ сўз билан ёзилган бўлмоқ (*рақамлар ҳақида*)

– فَقَطْ (فَ + قَطْ), фақат, фақатгина

I **فَقَعَ** (*а*) فَقْعٌ, فُقُوعٌ 1) пақ этмоқ, чирсилламоқ; 2) тўсатдан (*мас., қаттиқ таъсир остида*) ўлиб қолмоқ; 3) оч-сариқ рангда бўлмоқ, II فَقَّعَ чарсиллатмоқ, узуқ-юлуқ овоз чиқармоқ; أَصَابِعَهُ ~

www.ziyouz.com kutubxonasi

бармоқларни шақиллатмоқ; 2) чирсиллатиб ёрмоқ; VII اِنْفَقَعَ поқ этмоқ, чирсилламоқ; портламоқ

– فَاقِعٌ оч--сариқ; ~ أَصْفَرُ оч-сариқ рангли

– فُقَّاعٌ пиво (*ичимлик*)

– فُقَّاعَةٌ *кўп* اتٌ — فَقَاقِيعُ пуфак, пуфакча (*сувдаги*); فُقَّاعَاتُ الصَّابُونِ совун пуфаклари; تَبَدَّدَ كَفُقَّاعَاتِ الْهَوَاءِ عَلَى سَطْحِ الْمَاءِ сув юзидаги пуфаклардай тез йўқолмоқ

– فَقْعٌ *кўп* فُقُوعٌ қўзиқорин

– مَفْقُوعٌ 1) ёрилган; 2. тентак

فَقْفَقَ камайтирмоқ, камбағаллаштирмоқ; ◊ الْجِلْدُ ~ пўрсилдоқлар босиб кетмоқ (*тери ҳақида*)

– فَقْفَقَةٌ *кўп.* اتٌ — пўрсилдоқ, тошма

(فقم) I فَقَمَ (а) فَقْمٌ жиддий (хавфли) бўлмоқ (*ҳолат ҳақида*), فَقَمَ (*у*) فَقْمٌ (*одамни ёки ҳайвонни*) жағ суягидан ушламоқ; VI تَفَاقَمَ жиддийлашмоқ, мураккаблашмоқ, жиддий тусга кирмоқ (*бирор иш ёки воқеа ҳақида*)

– تَفَاقُمٌ мураккаблашиш, жиддийлашиш, ўткирлашиш, таранглашиш; ~ التَّنَاقُضَاتِ қарама-қаршиликларнинг ўткирлашиши (жиддийлашиши)

– فُقْمٌ жағ суяги

– فُقْمَةٌ *кўп.* فُقُمٌ тюлень; нерпа (*тюленга ўхшаш сут эмизувчи ҳайвон*)

– فُقَمَةٌ *кўп.* فُقْمٌ = فُقْمَةٌ

(فقه) I فَقِهَ (а) فَقَهٌ 1) тушунмоқ, билмоқ; 2) мусулмон ҳуқуқлари (шариат) масалаларидан хабардор киши бўлмоқ; فَقُهَ (*у*) فَقَاهَةٌ шариат илмининг олими бўлмоқ; II فَقَّهَ ўргатмоқ, йўлланма бермоқ, йўл кўрсатмоқ; йўлга солмоқ; III فَاقَهَ шариат бобида баҳслашмоқ; IV أَفْقَهَ = II; V تَفَقَّهَ 1) тушунмоқ; 2) мусулмон ҳуқуқи (фиқҳ) ни ўрганмоқ; 3) фақиҳ бўлмоқ, мусулмон ҳуқуқи (фиқҳ) бўйича мутахассис бўлмоқ; تَفَقَّهَ عَلَى مَذْهَبِ الْإِمَامِ الشَّافِعِيِّ имом Шофиий мазҳаби бўйича фақиҳ бўлмоқ

– فِقْهٌ 1) тушуниш, билиш; ~ اللُّغَةِ араб филологиясига мансуб фанлар мажмуаси; 2) мусулмон ҳуқуқи, фиқҳ

– فِقْهِيٌّ фиқҳий, фиққа оид

– فَقِيهٌ *кўп* فُقَهَاءُ 1) фақиҳ, юрист, мусулмон ҳуқуқи (фиқҳи) бўйича мутахассис; 2) Қуръони каримни тиловат қилувчи; 3) *шунингдек:* ~ الْكُتَّابِ мактаб ўқитувчиси

– فَقِي *шунингдек:* ~ الْكُتَّابِ мактаб ўқитувчиси

I فَلَّ (*а/у*) فَلٌّ ечиб қўймоқ; бўшатмоқ, бўшаштирмоқ; озод қилмоқ; حِزَامَهُ ~ белбоғни ечмоқ; ~ الْأَزْرَارَ тугмаларни ечмоқ, (*чиқармоқ, бўшатмоқ*); ~ الْأَسِيرَ асирни озод қилмоқ (бўшатмоқ); 2) (*гайкани*) бўшатмоқ; ажратмоқ; бўлакламоқ, бўлак-бўлак қилиб ажратмоқ, қисмларга ажратмоқ; (*бирор қурилмани*) бузмоқ; ◊ ~ الْحِصَارَ қамални бекор қилмоқ; ~ الْحُزْنَ азадан чиқмоқ, оқ киймоқ; ~ الْخَتْمَ муҳрни бузмоқ (синдирмоқ); ~ الْخَطَّ бўғинламоқ, қийналиб ўқимоқ; ~ رُمُوزَهُ бирор нарсани рамуздан (шифровкадан) чиқармоқ; ~ طَلَاسِمَ الرُّمُوزِ белгиларнинг маъносини очмоқ; ~ الرَّهْنَ гаровга берилган нарсани қайта сотиб олмоқ; ~ الْعَظْمَ суякни чиқариб қўймоқ; ~ عُقْدَ لِسَانِهِ кимнингдир жағгини очиб қўймоқ, гапиравериишига эрк бермоқ; ~ الْمَسْأَلَةَ масалани ҳал қилмоқ; ~ النُّقُودَ пул алмаштирмоқ; ~ الْيَدَ қўлни бўшатмоқ; ~ الرَّقَبَةَ кимнидир озод қилмоқ; II فَكَّكَ 1) (*тугунларни*) ечмоқ, бўшаштирмоқ; 2) (*ерни*) чопмоқ, ҳайдамоқ; 3) ажратиб ташламоқ; ~ كُتْلَتَهُمْ ажратиб юбормоқ, кимларнингдир орасига евлик солмоқ; 4) бузмоқ, бузиб ташламоқ; 5) *кимё. физ.* парчаламоқ;(الزَّيْتَ) النَّفْطَ ~ нефтни крекингламоқ (*турли моддаларга ажратмоқ*); V تَفَكَّكَ 1) ечилмоқ, бўшашмоқ, бўшатилмоқ; 2) ажралмоқ; бўлинмоқ; парчаланмоқ; тўғралмоқ; 3) бузилмоқ; VII اِنْفَكَّ 1) ечилган бўлмоқ; бўшатилган бўлмоқ; 2) ажратилган бўлмоқ; 3) бузиб ташланган бўлмоқ; бураб чиқарилган бўлмоқ (*винт ҳақида*); 4) (*н. дандир*) қутилган, озод қилинган бўлмоқ (مِنْ), 5) чиқмоқ, чиқиб қолмоқ (*суяк ҳақида*); سَقَطَ زَيْدٌ فَـــتْ قَدَمُهُ Зайд тушиб кетиб, ёғининг суяги чиқиб қолди; ~ مَا يَكْتُبُ у ёзишдан ҳеч бўшамади; ~ تْ رَقَبَتُهُ مِنَ الرِّقِّ у қулликдан озод бўлди; VIII اِفْتَكَّ (*гаровга қўйилган нарсани*) қайта сотиб олмоқ; X اِسْتَفَكَّ 1) (*к. нидир*) озод қилишга эришмоқ; 2) бўшатишга (ечишга) уринмоқ (*мас., тугунни*). ҳал қилишга (ечишга) уринмоқ (*мас., масалани*)

– تَفَكُّكٌ 1) бўшаштириш; 2) парчаланиш; бўлакланиш, ажралиш

– تَفْكِيكٌ 1) ечиш, 3) бузиб ташлаш; бўшатиш; (*винтни*) бураб чиқариш; 3) ажратиш; ~ الْعُرَى айрилиш, ажралиш, келишмовчилик, ихтилоф; 4) *кимё. физ.* парчаланиш; ~ الزَّيْتِ (النَّفْطِ) нефтни крекинглаш

– فَكٌّ[1] 1) ечиш; бўшатиш; озод қилиш; 2) бузиш, демонтаж; 3) суяк чиқиш; ◊ ~ الزِّمَامِ геодезия съёмкаси; ~ الرَّهْنِ гаровга қўйилган нарсани қайта сотиб олиш

– فَكٌّ[2] *кўп* أَفْكَاكٌ, فُكُوكٌ 1) жағ, ияк; ~ السُّفْلِيُّ (الْأَسْفَلُ) пастки жағ; ~ الْعُلْوِيُّ (الْأَعْلَى) юқори (тепа) жағ 2) озиқ тишлар ўрнашган суяк; ~ مَقْتَلُ الرَّجُلِ بَيْنَ كَتِفَيْهِ *мкл.* кишининг ўлими унинг икки тиш суяги ўртасидадир (*яъни тилидадир*)

– فَكَاكٌ, فِكَاكٌ 1) қутилиш, озод бўлиш, бўшаш; لَا يَسْتَطِيعُ مِنْهُ ~ у бундан қутула олмайди; 2) (*гаровга берилган н. ни*) қайта сотиб олиш. ◊ مِنْهُ ~ لَا бўлинмас, ажратиб бўлмайдиган, узвий

– فَكَّةٌ 1) майда пуллар, чақа-тангалар; қайтим; 2) роҳат, фароғат, хушчақчақлик, хурсандлик; ~ صَاحِبُ хушчақчақ одам

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مِفَكٌّ *кўп.* ـَـ اتٌ, ـُـ 1) отвёртка (*бурама мих чиқарадиган очқич*); гайка ключи (очқичи); 2) штопор (*пўкак чиқарадиган бурама очқич, мас., шишадаги*)

– مَفْكُوكٌ 1) ечилган, бўшатилган (*мас., гайка*); 2) бузиб ташланган, демонтаж қилинган; бураб бўшатиб қўйилган

أَفْكَحُ *мн.* فُكْحَاءُ *кўп.* فَكَحٌ маймоқ

I **فَكَرَ** (*и, у*) فِكْرٌ фикрламоқ, фикр юритмоқ; II فَكَّرَ фикрлатмоқ, ўйлаб кўрмоқ, ўйланмоқ; 2) эсга солмоқ; V تَفَكَّرَ 1) тафаккур қилмоқ, фикр юритмоқ, 2) эсламоқ; VIII اِفْتَكَرَ = V

– تَفَكُّرٌ тафаккур, фикр юритиш

– تَفْكِرَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) эсга (ёдга) солиш; 2) ёзув дафтарчаси

– تَفْكِيرٌ 1) ўйлаб кўриш; тафаккур, фикр юритиш; ~ اَلْفَلْسَفِيُّ фалсафий тафаккур; ~ سَلِيمٌ كُلُّ ذِي ҳур фикрлилик, эркин фикрлилик, ҳар бир тўғри фикр юритувчи; 2) эсга (ёдга) солиш

– فِكْرٌ *кўп.* أَفْكَارٌ 1) фикр; ўйлаш; ўй; ~ أَهْلُ اَلْـ мутафаккирлар; ~ شَارِدُ اَلْـ паришонхаёл, паришонхотир; ~ صَاحِبُ اَلْـ ташаббускор; أَبْعَدَهُ عَنْ أَفْكَارِهِ السَّوْدَاءِ кимнидир қора ниятлардан қайтармоқ; 2) тушунча; 3) фикр; 4) ғамхўрлик

– فِكْرَةٌ, فِكْرَى фикр, ғоя; ният; идея; (*бирор к. ёки н. ҳақдадир*) тасаввур; اَلْفِكْرَةُ اَلْمُطْلَقَةُ *фалс.* мутлақ (абсолют) руҳ (идея); ~ اَلْـ فِكْرَةٌ مُوسِيقِيَّةٌ اَلْفِكْرَةُ اَلْمُتَسَلِّطَةُ *ёки* اللَّازِمَةُ мусиқий тема (мавзу); عَنْهُ كَوَّنَ ~ (أَوَّلِيَّةً) бирор киши ҳақида ўзида (дастлабки) тасаввурни ҳосил қилиш; أَعْطَى ~ (صَحِيحَةً) عَنْ ... ҳақда аниқ (тўғри) тасаввур бермоқ, أَخَذَ ~ عَنْ ... وَاضِحَةً ҳақда тасаввур олмоқ; ~ خَطَرَتْ لَهُ унинг миясига бир фикр келди; ◊ ~ عَلَى дарвоқе

– فِكْرُونٌ *кўп.* فَكَارِينُ тошбақа (*Шим. Африкада*)

– فِكْرِيٌّ ғоявий; ~ اَلْـ اَلنِّتَاجُ тафаккур натижалари (мевалари); ~ اَلْـ اَلْأَسَاسُ ғоявий асос; ~ اَلْـ фикран; ғоявий жиҳатдан

– فِكْرِيَّةٌ ғоявийлик

– فِكِّيرٌ кўп фикр қиладиган (ўйлайдиган); ўйланиб ўтирадиган, ўйга чўмган

– مُفَكِّرٌ 1. 1) фикр қилувчи; 2) ақлий меҳнат билан шуғулланувчи 2. 1) мутафаккир; 2) зиёли; مُفَكِّرُو اَلْبِلَادِ мамлакатнинг илғор кишилари

– مُفَكِّرَةٌ *кўп* اتٌ ـَـ 1) меморандум, баёнот, баённома; 2) ёзув дафтарчаси; ~ يَوْمِيَّةٌ кундалик дафтар; ~ جِيبٍ блокнот

I **فَكَشَ** (*у*) فَكْشٌ чиқиб қолмоқ; чўзилмоқ (*мас., пайлар*), VII اِنْفَكَشَ чиқиб қолган бўлмоқ; чўзилиб қолган бўлмоқ

تَفَكْفَكَ (فَكْفَكَ) бўшашмоқ, тарангликдан тушмоқ

I **فَكَهَ** (*а*) فَكَاهَةٌ, فَكَهٌ 1) хушчақчақ бўлмоқ; 2) қизиқ (қизиқарли) бўлмоқ; II فَكَّهَ 1) кўнгил олиб турмоқ, бир нарса билан машғул қилиб (*кўнглини овлаб*) турмоқ; 2) мева емоқ; III فَاكَهَ ҳазиллашмоқ, ҳазил қилмоқ; (*н. биландир*) кўнгил олиб турмоқ, хурсанд қилмоқ, дилхуш қилиб турмоқ; V تَفَكَّهَ 1) дилхушлик қилмоқ, кўнгил очмоқ; 2) ҳазиллашмоқ, аския қилмоқ; (*бирор к. устидан*) ҳазил қилмоқ; 3) пушаймон бўлмоқ, афсусланмоқ; 4) таажжубланмоқ, ҳайрон қолмоқ; 5) (*н. дандир*) завқланмоқ, (*н. нидир қилиб*) роҳатланмоқ (ب); VI تَفَاكَهَ 1) биргалашиб дилхушлик қилмоқ, (*н. биландир*) кўнгил очмоқ (ب); 2) ўзаро ҳазиллашишмоқ

– أُفْكُوهَةٌ *кўп.* أَفَاكِيهُ ҳазил, мазоқ; ўткир фикр

– تَفَكُّهٌ хурсандчилик; дил хуши; ~ عَلَى سَبِيلِ اَلْـ кўнгил учун, дилхушлик учун

– فَاكِهٌ 1) хушчақчақ; ўткир ақлли, 2) қизиқ, қизиқарли, кўнгилочар

– فَاكِهَانِيٌّ *кўп.* فَاكِهَانِيَّةٌ мевафуруш, мева сотувчи

– فَاكِهَةٌ *кўп.* فَوَاكِهُ мева; فَوَاكِهُ طَازَةٌ янги узилган мевалар; فَوَاكِهُ مُجَفَّفَةٌ қуруқ (қуритилган) мевалар; فَوَاكِهُ مُسَكَّرَةٌ шакар аралаштирилган мевалар; ◊ ~ مُحَرَّمَةٌ мамнуъ неъмат (*васваса қиладиган, лаззатли, лекин манъ этилган нарса ҳақида*)

– فُكَاهَةٌ 1) аския, қизиқтиришлик; 2) юмор, юмористика; 3) ҳазил, латифа, анекдот

– فُكَاهِيٌّ 1). юмористик; 2. юморист

– فَكِهٌ 1) хушчақчақ; қизиқ, қизиқарли; 2) ўткир, ақлли, нозик, назокатли; латиф; 3) маззали, лаззатли

– فَكِيهٌ маззали, лаззатли; ёқимли

– مُفَاكَهَةٌ 1) (*к. нингдир*) кўнглини очиш; ҳазиллашиш, хурсанд қилиш; 2) қизиқарлилик

I **فَلَّ**[1] (ف) (*а/у*) فَلٌّ 1) ўтмас қилиб қўймоқ, дамини қайтариб қўймоқ, кертма белги қўймоқ; ◊ لَا يَفُلُّ اَلْحَدِيدَ إِلَّا اَلْحَدِيدُ *мкл.* аччиқни аччиқ кесади; 2) тор-мор қилмоқ (*душманни*); ◊ غَرْبَهُ ~ кимнингдир кучини кесмоқ (пасайтирмоқ); ~ مِنْ عَزِيمَتِهِ кимнингдир азму қарорини кучсизлантирмоқ (пасайтирмоқ); فَلٌّ[2] (*а/и*) қочмоқ, қочиб қолмоқ; II فَلَّلَ кертма белги (кертиклар) қўймоқ; V تَفَلَّلَ ўтмасланмоқ, дами қайтмоқ

– فَلٌّ[1] *кўп.* فُلُولٌ 1) кертма белги; 2) парча (*мас., темир*); 3) қолдиқ; فُلُولُ اَلْجَيْشِ тор-мор этилган қўшиннинг қолдиқлари

– فَلٌّ[2], فَلَّةٌ фалл (*дағал мато*)

– فَلٌّ[3] пўкак, тиқин; пўкак ясаладиган пўстлоқ (*сол.* فَلِّينٌ); قُبَّعَةٌ مِنْ ~ пўкакли шлем (*мас., қаллоқ, дубулға*)

– فُلٌّ, فُلٌّ *бот.* араб ёсмини (жасмини)

– فِلَّةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ вилла (*шаҳар четидаги хусусий боғ*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

I فَلَتَ (*u*) فَلْتٌ қутулмоқ, кетмоқ, оёқ учида чиқиб кетмоқ; II فَلَّتَ чиқариб юбормоқ; қутқармоқ; IV أَفْلَتَ оёқ учида (билинтирмай) чиқиб кетмоқ; (*оғиздан бехостан*) чиқиб кетмоқ (*сўз ҳақида*); учиб кетмоқ (*газ ҳақида*); مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِمْ ~ уларнинг қўлидан чиқиб кетди, V تَفَلَّتَ қочмоқ, қочиб кетмоқ; (*н. дандир*) қутулмоқ (مِنْ); VII اِنْفَلَتَ (*н. дандир*) қутулиб қолмоқ (مِنْ); (*н. дандир*) чиқиб кетмоқ (مِنْ); عِقَالٌ مِنْ ~ *қар.* عِقَالٌ

– اِنْفِلَاتٌ озодликка (эркинликка) чиқиш, озод бўлиш; озодлик, эркинлик; билинтирмай чиқиб кетиш; اَلْغَازِ ~ газнинг чиқиб кетиши

– إِفْلَاتٌ қочиш, билинтирмай кетиш

– فَالِتٌ 1) қутулган; 2) озод, тилига эрк берадиган

– فَلَاتِيٌّ *кўп* فَلَاتِيَّةٌ 1. ахлоқсиз, бебош; 2. бузуқ; ҳавойи одам. енгилтак киши

– فَلَتٌ қочиш, қутилиш

– فَلَتَانٌ 1) қутилган; 2) озод, эркин

– فَلْتَةٌ *кўп* فَلَتَاتٌ 1) хато қилиш, хато; قَلَمٍ ~ езувдаги хато; 2) ҳамла, ташланиш, ножўя иш (ҳаракат); 3) кутилмаганлик, тасодиф, ~ кутилмаганда, тасодифан, олдиндан тайёрланмасдан

– مَفْلَتٌ қутулиш, مِنْهُ ~ لَا бундан қутилиб бўлмайди

– مُفْلَتٌ озод бўлган, қутулиб қолган; مِنْ عِقَالِهِ ~ эркинликка чиқиб олган, учишга чиққан, ашаддий

فِلْتِرٌ фильтр

I فَلَحَ (*u, y*) فَلْحٌ 1) ёрмоқ, бўлиб ташламоқ; 1) тор-мор қилмоқ, ғолиб бўлмоқ; 3) ишламоқ (*ерни*), ҳайдамоқ; 4) *мажз* фалаж бўлмоқ, фалажланмоқ; II فَلَّحَ қормоқ, бўлиб ташламоқ, VII اِنْفَلَحَ фалаж бўлмоқ, фалажга дучор бўлмоқ

– أَفْلَحُ *мн.* فَلْحَاءُ *кўп* فُلْحٌ: اَلْأَسْنَانِ ~ رَجُلٌ яккам-дуккам тишли одам

– فَالِجٌ[1] фалаж; نِصْفِيٌّ ~ гемиплегия, тана бир томонининг фалажланиши

– فَالِجٌ[2] шамол, шабада. ел

– فَلْجٌ[1] ғалаба, тор-мор этиш

– فَلْجٌ[2] *кўп* فُلُوجٌ кичик дарё, дарёча

– فَلَجٌ *кўп* أَفْلَاجٌ ариқ, ариқча

– فَيَالِجُ *кўп* فَيْلَجَةٌ пилла

– مُفَلَّجٌ: اَلْأَسْنَانِ ~ тишлари жуда оз (*мас. одам*)

– مَفْلُوجٌ 1. фалажга учраган одам, фалаж бўлган; 2. фалаж одам

I فَلَحَ (*a*) فَلْحٌ 1) ҳайдамоқ, чопмоқ (*ерни*); اَلْأَرْضَ لِمَنْ يَفْلَحُهَا! ер уни ҳайдаганники! (ишлаганники!); 2) муваффақият қозонмоқ; ютуққа эришмоқ; II فَلَّحَ ҳайдамоқ, ишламоқ (*ерни*), IV أَفْلَحَ 1) муваффақият қозонмоқ, ютуққа эришмоқ, мақсадга етмоқ; 2) роҳат-фароғат қилмоқ, бой-бадавлат яшамоқ, X اِسْتَفْلَحَ ютмоқ, зафар қучмоқ, ғолиб бўлмоқ, اِسْتَفْلِحِي بِأَمْرِكِ! жоҳилия вақтида хотинни талоқ қилишда ишлатилган ибора (*"сен талоқсан!" каби*)

– فَالِحٌ муваффақият эгаси, қўлга зафар киритган

– فَلَاحٌ[1] 1) ютуқ, муваффақият; 2) фаровонлик; роҳат-фароғат, қутилиш, !~ حَيَّ عَلَى اَلْـ нажотга шошилинг (*азоннинг бир қисми*)

– فَلَاحٌ[2] боқийлик, абадийлик; !~ وَ لَكِنْ لَيْسَ لِلدُّنْيَا лекин бу дунё ўткинчидир (абадий эмасдир)

– فَلَاحٌ[3] саҳарлик, саҳар пайтида овқат ейиш (*рўза тутилганда*)

– فَلَّاحٌ деҳқон, фаллоҳ

– فِلَاحَةٌ ерга ишлов бериш, ҳайдаш; деҳқончилик اَلْبَسَاتِيْنِ ~ боғдорчилик

– فَلَّاحِيٌّ қишлоққа оид, деҳқонга (деҳқончиликка) оид, اَلْجَمَاهِيرُ اَلْـ деҳқонлар оммаси; اَلْمَسْأَلَةُ اَلْـ деҳқонлар масаласи

– فَلْحٌ қишлоқ ҳаёти

– فَلْحِيٌّ қишлоққа оид; деҳқонга оид

– مُفْلِحٌ 1) муваффақият эгаси; 2) муваффақиятли

فُلْدُسْبَاتٌ *мин* дала шпати

فُلْدْسْبَارٌ

فَالُوذَةٌ *алиф. б. қар*

– فُلْذَةٌ *кўп* ـَـ اتٌ, أَفْلَاذٌ 1) бўлак, парча, қисм; 2) юракка яқин бўлган нарса; أَفْلَاذُ اَلْأَرْضِ *маж* ер остидаги хазиналар. كَبِدِ ~ *маж* энг қимматбаҳо (қадрли) нарса (сўзма-сўз: жигарнинг бир бўлаги); أَفْلَاذُ أَكْبَادِ اَلْوَالِدَيْنِ *маж.* жигаргўшалар

– فُولَاذٌ *алиф. б. қар.*

– فُولَاذِيٌّ *алиф. б. қар.*

فِلِزٌّ *кўп* ـَـ اتٌ металл; минерал, ~ شِبْهُ металлоид; (فِلِزَّات) ~ اَلْحَدِيدِ темир рудаси (*маъдани*); اَلْفِلِزَّاتُ اَلْإِشْعَاعِيَّةُ радиоактив металлар; اَلْفِلِزَّاتُ اَلْكَرِيمَةُ қимматбаҳо металлар

– فِلِزِّيٌّ металга оид, металдан ясалган

– (فلس) II فَلَّسَ 1) хонавайронликка (банкротликка, синишга) олиб келмоқ, 2) банкрот деб эълон қилмоқ, банкрот деб тан олмоқ, 3) банкрот бўлмоқ, сариқ чақасиз қолмоқ; IV أَفْلَسَ банкрот бўлмоқ, сариқ чақасиз қолмоқ; камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ; VI تَفَالَسَ қасддан банкротлаштирмоқ

– إِفْلَاسٌ *кўп* ـَـ اتٌ банкротлик, синиш, қашшоқлашув, хонавайрон бўлиш; مُدَلَّسٌ ~ қасддан қилинган банкротлик; أَعْلَنَ ~ اَلدُّكَّانِ дўконнинг банкрот бўлганлигини эълон қилмоқ

– تَفَالُسٌ қасддан қилинган банкротлик

– تَفْلِيسَةٌ *кўп* ـَـ اتٌ, تَفَالِيسُ банкротлик, синиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– فَلْسٌ *кўп.* فُلُوسٌ майда танга; чақа-танга; фалс (*Кувайт ва Ироқда 1/100 динорга тенг бўлган пул бирлиги*); *кўп.* пул, пуллар; فُلُوسُ السَّمَكِ балиқ тангачалари

– فَلْسٌ *анат.* орқа чиқариш тешиги

– فَلَسٌ қашшоқлик, камбағаллик

– مُفْلِسٌ, مُفْلَسٌ *кўп.* مَفَالِيسُ пулга муҳтож, пулсиз қолган, сариқ чақасиз (*қолган*); банкрот, синган; қарз узишга қодир бўлмаган қарздор

فَلْسَبَارٌ = فِلْسِبَارٌ

فَلَسْطِينِيٌّ 1. 1) Фаластинга оид; 2) филистёр (фикри тор), филистёрликка оид. 2. 1) фаластинлик; 2) филистёр (фикри тор одам)

– فَلَسْطِينِيَّةٌ: اَلْـ~ филистёрлик (*фикри торлик*)

فَلْسَفَ фалсафа қилмоқ; (*бирор н. ни*) фалсафий асосламоқ (ب);

تَفَلْسَفَ 1) фалсафа билан шуғулланмоқ; фалсафа сотмоқ; 2) (*бирор н. ни*) тарғиб қилмоқ (ب)

– فَلْسَفَةٌ фалсафа; اَلْـ~ الطَّبِيعِيَّةُ а) физика; б) натурфилософия, табиат фалсафаси (*мавҳум мулоҳазалар асосида яхлит бир тасаввур беришга интиладиган фалсафий таълимот*) اَلْـ~ اَلْمَدْرَسِيَّةُ схоластик фалсафа; وَضْعِيَّةٌ ~ позитивизм (*фалсафа фойдасиз деб ҳисоблавчи оқим*); ◊ حَجَرُ اَلْـ~ фалсафа тоши (*афсонага кўра, ҳар қандай н. га шу тош тегса, у олтинга айланар эмиш*)

– فَلْسَفِيٌّ фалсафий; اَلْـ~ اَلْمَذْهَبُ фалсафий таълимот, قِصَّةٌ ~ـةٌ фалсафий роман

– فَيْلَسُوفٌ *кўп.* فَلَاسِفَةٌ файласуф, донишманд فَلَاسِفَةُ مَا وَرَاءَ الطَّبِيعَةِ метафизиклар; ◊ حَجَرُ اَلْفَلَاسِفَةِ фалсафа тоши

فَلْطَحَ 1) ёймоқ, кенгайтирмоқ, 2) ясси қилмоқ

– فَلْطَحٌ 1) ёйилган, кенг; 2) ясси

– فَلْطَحَةٌ ёйилиш, кенгайиш

– مُفَلْطَحٌ ёйилган, кенгайтирилган; кенг; 2) ясси: ~ سَمَكٌ камбала (*ясси балиқ*)

فُلْطٌ *кўп.* أَفْلَاطٌ *эл.* вольт

– فُلْطِيَّةٌ волтаж

I **فَلَعَ** (*а*) فَلْعٌ ёрмоқ чақмоқ, бўлмоқ, кесмоқ. II فَلَّعَ = I; V تَفَلَّعَ ёрилмоқ; قَدَمُهُ ~ت унинг товони ёрилди

– فَلْعٌ *кўп* فُلُوعٌ ёриқ, дарз

فَلْفَصَ курашмоқ, ўзини ҳимоя қилмоқ

– فَلْفَصَةٌ кураш, ўзини ҳимоя қилиш; ~ حَرَكَاتُ ўзини ҳимоя қилиш усуллари

فَلْفَلَ қалампир қўшмоқ, қалампирламоқ

– فُلْفُلٌ, فِلْفِلٌ *кўп.* فَلَافِلُ *жам.* қалампир; أَحْمَرُ ~ қизил қалампир; أَخْضَرُ ~ бутун (кўк) қалампир; أَسْوَدُ ~ мурч (сўзма-сўз: қора қалампир); رُومِيٌّ (حُلْوٌ) ~ чучук қалампир; رُومِيٌّ (مُرٌّ) ~ румий (кўк) қалампир; ~ دَارُ узун қалампир; فَلَافِلُ السُّودَانِ Судан калампири (*доналик қалампир*)

– فُلْفُلَةٌ, فِلْفِلَةٌ *кўп.* اتٌ — қалампир донаси, бутун (кўк) қалампир

– فُلْفُلِيٌّ 1) қалампир қўшилган, қалампирланган; 2) қалампирсимон, қалампирга ўхшаш

– فُلْفُلِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — қалампирдон, қалампир идиши

– فُلَيْفِلَةٌ *кўп* اتٌ — 1) қалампир уруғи; 2) Судан қалампири (*доналик қалампир*)

– مُفَلْفَلٌ қалампир солинган, қалампирланган; ~ رُزٌّ палов; ◊ ~ شَعْرٌ жингалак соч

I **فَلَقَ** (*и*) فَلْقٌ бўлмоқ, ёрмоқ, парчаламоқ. نَوَاةَ الذَّرَّةِ ~ атом ядросини парчаламоқ. ◊ اَلصُّدَاعُ رَأْسَهَا ~ у (*аёл*) нинг боши оғриқдан ёрилиб кетай деяпти; اَللهُ الصُّبْحَ ~ Оллоҳ қоронғуликни кўтариб тонг бошланди; II فَلَّقَ бўлакларга (*қисмларга*) ажратмоқ, парчаламоқ; V تَفَلَّقَ ёрилмоқ, тилинмоқ; VII اِنْفَلَقَ 1) бўлинган (парчаланган) бўлмоқ; 2) бўлиниб чиқмоқ; парчаланиб чиқмоқ, узилиб чиқмоқ; 3) дарзли (ёриқли) бўлмоқ (*дарахт ҳақида*); ◊ ~ اَلصُّبْحُ тонг отди. ~ بِكَّى حَتَّى қолдан тойгунча йиғламоқ. اِنْفَلِقْ! йўқол! кет!

اِنْفِلَاقٌ бўлиниш, парчаланиш, ажралиш. اَلذَّرَّةِ ~ عَصْرُ атомнинг парчаланиш даври (асри)

– فَالِقٌ 1. бўлинувчи, парчаланувчи, 2. яратувчи (*Оллоҳ ҳақида*)

– فَالِقَةٌ *кўп* فَوَالِقُ дарз, ёриқ

– فَلَقٌ *кўп* أَفْلَاقٌ тонг

– فَلْقٌ *кўп* فُلُوقٌ 1) дарз, ёриқ; 2) тўсин, балка

– فِلْقٌ 1) офат, фалокат; 2) таажжубланадиган иш

– فِلْقَةٌ *кўп* فِلَقَاتٌ *ёки* فِلَقٌ *кўп* فِلَقٌ ярим, қисм, бўлак; 2) парча

– فَلَقَةٌ 1) фалақ, фалақа (*жазолаш қуроли-ўртасига ҳалқасимон тасма ўтказилган ёғоч бўлиб, оёқни ҳалқага солиб бураб, икки томондан кўтариб турилади, сўнг оёқ кафтларига урилади*); 2) фалақ билан жазолаш

– فُلَيْقٌ данаги осон кўчадиган шафтоли

– فَيْلَقٌ *кўп.* فَيَالِقُ қўшин, армия; армия корпуси; ~ اَلدَّرْكِ жандармлар корпуси

– مُفَلَّقٌ улуғ, буюк (*шоирларга бериладиган сифат*)

I **فَلَكَ** (*у*) فَلْكٌ юмалоқ маммали бўлмоқ (*қиз ҳақида*); II فَلَّكَ 1) фол кўрмоқ, олдиндан айтмоқ (*мунажжим, фолбин ҳақида*); 2) = I

– فَلَاكِيٌّ *кўп.* فَلَاكِيَّةٌ қайиқчи

– فَلَكٌ кўп. أَفْلَاكٌ 1) фалак, осмон, осмон гумбази; ~ عِلْمُ اَلْـ астрономия, фалакиёт; ~ عُلَمَاءُ اَلْـ *ёки* رِجَالُ اَلْـ~ астрономлар;

www.ziyouz.com kutubxonasi

2) *астр.* орбита; مِرِّيخ ~ Марс (*Миррих*) орбитаси; لاَ يَخْرُجُ ذٰلِكَ عَنْ ~ الْبَرْنَامَجِ бу дастур чегарасидан сира ташқарига чиқмайди. ◊ سَبَحَ فِي ~ـــهِ دَارَ (سَارَ) فِي ~ـــهِ кимнингдир таъсири остида бўлмоқ; ~ـــهِ دَائِمًا доимо кимнингдир таъсирини ҳис қилиб турмоқ

– فُلْكٌ *мз. мн. шунингдек: кўп.* кема, корабль; ◊ نُوحٍ ~ бир-бирга мос келмаган хилма-хил одамлар тўдаси (сўзма-сўз: Нуҳ кемаси)

– فَلَكَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ орқа, думба, кет

– فِلْكَةٌ *кўп.* فِلَكٌ *ёки* فَلْكَةٌ *кўп.* فَلَكٌ ғалтакча, ғилдиракча; ~ الْغَزْلِ ип эшадиган ғалтак, урчуқ

– فَلَكِيٌّ 1. астрономияга (*фалакиётга*) оид; 2) астроном

– فُلُوكَةٌ *кўп.* فَلَائِكُ қайиқ, шлюпка; фелюга (*кичик елканли ов кемаси*)

– مَفْلُوكٌ 1. бахтсиз; 2. иши ўнгидан келмайдиган одам

فِلْمٌ *кўп.* أَفْلَامٌ фильм; ~ نَاطِقٌ овозли фильм; ~ الْفَنِّيُّ бадиий фильм; ~ الْوَثَائِقِيُّ *ёки* ~ التَّسْجِيلِيُّ ҳужжатли фильм. ~ الْمُلَوَّنُ рангли филм

– فُلَيْمٌ микрофильм

~ الزِّئْبَقِ: فَلْمَنَاتٌ *кимё.* (*симобли*) портловчи модда

فَلَمَنْكُ *жам.* голландияликлар, голландлар

– فَلَمَنْكِيٌّ 1. голландларга оид; 2. голланд

فُلَانٌ, فُلَانِيٌّ фалончи, фалоний; ~ وَ ~ وَ عَلَانٌ фалон-фалонлар

– فُلَّيْنٌ тиқин, тиқин қиладиган пўкак; ~ الْـــ شَجَرُ пўкак дарахти

– فَلِّينَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ тиқин, пўкак

– فَلْكَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ шпала (*т.-й. изларни остига қўйиладиган тўсинсимон ёғочлар*)

فَلَا очиқ бўшлиқ, фазо; ◊ فِي الْـــ~ очиқ ҳавода, очиқ (*ёпилмаган*) жойда

– فَلَاةٌ *кўп.* فَلًا саҳро, чўл, биёбон

– فَلْوٌ *мн.* فَلْوَةٌ = فَلْوٌ

– فَلْوٌ *кўп.* أَفْلَاءٌ тойчоқ; ҳўтик

– فِلْوٌ = فَلْوٌ

فِلُورٌ *киме.* фтор

تَفْلُورَ флюороскоп (*рентген аппарати*) орқали суврат олмоқ (*мас.*, ўпканинг сувратини)

– تَفْلُورٌ флюороскоп орқали суврат олиш

فِلُورِينٌ флорин (*қадимги Италия ва ҳозирги Нидерландияда пул бирлиги*)

I فَلَى (*и*) فَلْيٌ 1) майда ҳашарот (паразит)ларни қидирмоқ (изламоқ); 2) ков-ков қилмоқ; диққат-эътибор билан қараб чиқмоқ; ~ الشِّعْرَ шеърнинг маъносини ечмоқ, шеърнинг қийин жойларига изоҳ бермоқ; II فَلَّى майда ҳашарот (паразит)ларни изламоқ (қидирмоқ); V تَفَلَّى майда ҳашарот (паразит)лардан қутулмоқ, ўзидан майда ҳашарот (паразит)ларни изламоқ; VIII اِفْتَلَى яхшилаб қараб чиқмоқ (изламоқ, ков-ков қилмоқ)

– فَالِيَةٌ 1) пистон (*милтиқдаги*); 2) гўнгқумалатар қўнғизи

– فُلَيًّا *бот.* ялпиз

– فُلَيَّةٌ = فُلَيًّا

– فُلْيُونٌ кичкина бут, бутча

– فِلْيَارٌ *кўп.* اتٌ ـَـ тўп (*мас.*, пахта тўпи)

فَمٌّ, فُمٌّ *кўп.* أَفْمَامٌ 1) оғиз; ~ـــكَ ضَحِكَ مِلْءَ الْـــ оғиз тўлдириб кулмоқ; تَكَلَّمْتُ مَعَهُ ~ًا لِأُذْنٍ *маж.* мен у билан яккама-якка (шахсан) суҳбатлашдим; ~ـــكَ مِنْ لِبَابِ السَّمَاءِ! *мтл.* қани, сен (сиз) айтгандек бўлса, сен (сиз) айтгандек бўлса, яхши бўларди, оғзингга шакар; 2) мансаб; ~ النَّهْرِ дарё мансаби, ~ التُّرْعَةِ каналнинг бошланиши; 3) тешик, оғиз; кириш, бошланиш; ~ الْبُنْدُقِيَّةِ милтиқнинг оғзи; ~ السِّجَارَةِ мундштук; ~ الْمِعْدَةِ биқин, биқин чуқурлиги; ◊ ~ الْحُوتِ *астр.* Фомальгаут

– فَمِّيٌّ, فَمَوِيٌّ 1) оғзаки; 2) оғизга оид; *фон.* сирғадувчи (الرَّاءُ, اللَّامُ *ундошлари ҳақида*)

فَنَّ II (فِنٌّ) 1) ҳархилламоқ, турли-туман қилмоқ; 2) таснифламоқ; 3) аралаштирмоқ; V تَفَنَّنَ 1) усталик (маҳорат)ни ишга солмоқ, топқирлик қилмоқ; 2) (*бирор н. да*) мутахассис бўлмоқ (فِي); VIII اِفْتَنَّ (*н. дадир*) санъат (маҳорат) кўрсатмоқ (فِي)

– أَفَانِينُ *кўп.* أُفْنُونٌ *дан*

– اِفْتِنَانٌ касб маҳорати; касбдаги санъаткорлик

– أُفْنُونٌ *кўп.* أَفَانِينُ новда, новда чиқариш

– تَفَنُّنٌ усталик, маҳорат; устамонлик; топқирлик; касб маҳорати

– فَنٌّ *кўп.* أَفْنَانٌ 1) соҳа, бўлим, тармоқ, шўъба; 2) турли-туманлик; أَفَانِينُ الْحَلْوَى турли-туман ширинликлар; أَفَانِينُ الْكَلَامِ турли-туман гап сўзлар (фикр-мулоҳазалар)

– فُنُونٌ *кўп.* 1) санъат, маҳорат; (الرَّفِيعَةُ) الْفُنُونُ الْجَمِيلَةُ нафис санъатлар; ~ لِلْـــ~ الْـــ санъат, санъат учун; ~ الْـــ التَّجْرِيدِيُّ абстракт санъат; ~ الْـــ الزُّخْرُفِيُّ декоратив санъат; ~ رُكُوبِ الْخَيْلِ чавандозлик санъати; ~ الْـــ الْكَلَامِيُّ *ёки* ~ الْكَلَامِ чиройли (гўзал) гапириш санъати, сўзлаш санъати; ~ سَوْقِ الْجُيُوشِ стратегия санъати; 2) эркин касб; 3) фан, илм; دَارُ الْفُنُونِ дорилфунун, университет; 4) техника; 5) бўлим, шўъба, тармоқ; فُنُونُ الْعِلْمِ фан (илм) тармоқлари

– فَنَّانٌ артист; рассом, санъаткор, санъат устаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

– فَنَّانَةٌ артистка; рассом аёл; санъаткор аёл

– فَنٌّ *кўп.* أَفْنَانٌ соҳа, тармоқ, шўъба

– فَنِّيٌّ 1. 1) бадиий; 2) артистликка оид; 3) уста, моҳир, маҳоратли; ~ عَامِلٌ моҳир ишчи; 4) техникага оид, техник; 2. 1) артист; 2) мутахассис

– فَنِّيَّةٌ 1) техника, техник томон; 2) бадиийлик, бадиий томон (*мас., асарда*)

الْـ~ فَنَارٌ *кўп.* ـَاتٌ, فَنَانِيرُ фонар, фонус, чироқ, маёқ, маяк; ~ اللاَّسِلْكِيُّ радиомаяк

فِنْجَالٌ *кўп.* فَنَاجِيلُ пиёла, стакан

فِنْجَانٌ *кўп* ـَاتٌ, فَنَاجِينُ пиёла, стакан; ~ وَ الصَّحْنُ ликопчали пиёла (стакан); ◊ فِي ~ (زَوْبَعَةٌ) عَاصِفَةٌ арзимаган сабаб билан бўладиган ғавғо (можаро, жанжал)

فَنْجَرَ 1) ҳайратланиб ёки аччиқланиб қарамоқ; 2) саховат кўрсатмоқ; يُصَرِّفُ وَ يُفَنْجِرُ исрофгар; تَفَنْجَرَ 1) фахрланмоқ; 2) сахий (саховатли) бўлмоқ

– فَنْجَرَةٌ 1) ҳайрат, ҳайрон бўлиш, 2) сахийлик, саховат

– فَنْجَرِيٌّ[1] сахий, саховатли

– فَنْجَرِيٌّ[2] *кўп.* فَنَاجِرَةٌ чавандоз, жокей

فَنْجَلَ каловланиб (оқсоқланиб, судралиб, зўрға) юрмоқ

I **فَنَخَ** (*а*) فَنْخٌ (*ваъдани*) бузмоқ, сўзи устидан чиқмаслик;(*шартнома, битимни*) бекор қилмоқ

I **فَنَدَ** (*а*) فَنْدٌ 1) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; II فَنَّدَ 1) рад қилмоқ, нотўғри деб топмоқ; 2) қаттиқ танқид қилмоқ; IV أَفْنَدَ = II; V تَفَنَّدَ рад қилинмоқ

– فَنَدٌ 1) ёлғончилик; 2) қариликда хотиранинг ёмонлашиши

فَنْدَقَ катта очмоқ (*мас., эшикларнинг*)

– فُنْدُقٌ *кўп.* فَنَادِقُ меҳмонхона, отель

– فُنْدُقِيٌّ меҳмонхонага оид

فَانُوسٌ *алиф. б. қар.*

(فنش) II فَنَّشَ диккаймоқ, ҳурпаймоқ; чиқиб турмоқ, диккайиб турмоқ

(فنط) II فَنَّطَ аралаштирмоқ (*картани*)

فِنْطَاسٌ *кўп.* فَنَاطِيسُ қопқоқли кўвача; кўза; бак; хум

– فِنْطِيسٌ бурни пачоқ (*мас., одам*)

– فِنْطِيسَةٌ *кўп.* فَنَاطِيسُ даҳан, тумшуқ, оғиз

– فَنْطَاسِيَّةٌ тамоша, тантана

فُنُغْرَافٌ фонограф; граммофон; ~ أُسْطُوَانَةُ الْـ граммофон пластинкаси

I **فَنَقَ** (*и*) فَنْقٌ бой-бадавлат бўлмоқ, бой-бадавлат ҳаёт кечирмоқ; V تَفَنَّقَ = I

فَنَلَّةٌ фланель (*ипдан ёки жундан тўқилган енгил мато*)

فَنَكٌ фанак (*тулкилар оиласига кирувчи ҳайвон*)

– فَنِيكٌ жағнинг қулоқ томонидаги чети; إِذَا تَوَضَّأْتَ فَلاَ تَنْسَ الْفَنِيكَيْنِ таҳорат қилганингда, жағнинг икки томонини унутма

فَنِيَ (*а*) فَنَاءٌ 1) ҳалок бўлмоқ, ҳалокатга учрамоқ; фано бўлмоқ; чиримоқ. لاَ يَفْنَى а) абадий, ўлимни билмайдиган; б) тубсиз, тугамайдиган, тамом бўлмайдиган; 2) йўқолмоқ, йўқ бўлиб кетмоқ; IV أَفْنَى йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, ҳалок қилмоқ, фано қилмоқ; VI تَفَانَى 1) садоқат кўрсатмоқ; (*н. дадир*) ғоят катта ғайрат (фидойилик) кўрсатмоқ (فِي); 2) бир-бирини йўқотишмоқ

– تَفَانٍ садоқат; фидойилик; ғоят катта ғайрат; بِـ~ фидойилик билан

– فَانٍ *мн* فَانِيَةٌ 1) эски, қадимги, эскириб кетган; 2) қари; شَيْخٌ ~ қари чол; 3) ўткинчи; доимий (абадий) бўлмаган; фоний; الْفَانِيَةُ фоний (ўтар) дунё; تَجَاوَزَ هَذِهِ الْفَانِيَةَ фоний дунёни тарк этмоқ, ўлмоқ

– فَنَاءٌ 1) ўлиш, сўниш; ҳалокат, фано бўлиш; 2) йўқлик, адамлик; фано (*суфийликда*), 3) ўткинчилик, фанолик; ◊ دَارُ الْـ~ дорулфано, ўткинчи (фоний) дунё

– فِنَاءٌ *кўп* أَفْنِيَةٌ 1) кенглик, фазо; 2) *шунингдек*: ~ الدَّارِ ҳовли

فُنْيَارٌ *кўп.* ـَاتٌ қандил, катта шамдон, чилчироқ

– فِينِيقِيٌّ1. Финикияга оид; 2. финикиялик

فِينِيكٌ *кими.* фенол; حَامِضُ الْـ~ карбол кислотаси

I **فَهَّ** *ёки* فَهِهَ (*а*) فَهَهٌ, فَهَاهَةٌ 1) кучсиз (мадорсиз) бўлмоқ; 2) тили келишмайдиган бўлмоқ; тутилиб-тутилиб сўзлашмоқ; ёмон гапирмоқ (*нотиқ ҳақида*)

– فَهَاهَةٌ 1) кучсизлик, мадорсизлик; 2) тили келишмаслик, тутилиб-тутилиб сўзлашиш; ёмон гапириш, чиройли гапира олмаслик

– فَهَّةٌ нутқдаги хато

I **فَهِدَ** (*а*) فَهَدٌ арслонга ўхшаб кўп емоқ ва ухламоқ

– فَهْدٌ *кўп.* فُهُودٌ, أَفْهَادٌ 1) гепард, чита (*йиртқич ҳайвон*); ов қоплони. 2) ёввойи мушук

فِهْرِسٌ 1) (*китобга*) кўрсаткич (мундарижа) қўймоқ; 2) рўйхат тузмоқ

– فِهْرِسٌ *кўп.* فَهَارِسُ 1) кўрсаткич, рўйхат; алифболи кўрсаткич, мундарижа; 2) каталог

– فِهْرَسَةٌ 1) кўрсаткич (мундарижа) қўйиш; 2) рўйхат тузиш

– فِهْرِسْتٌ кўрсаткич

– فِهْرِسِيَّةٌ библиография

I **فَهِقَ** (*а*) فَهَقٌ тўлиб-тошмоқ (*идиш ҳақида*)

– فَاهِقٌ оғир (*ғам ҳақида*)

– فَهَقَةٌ *кўп* فَهَاقٌ *анат.* бош суягига қапишиб турадиган бўйин умуртқасининг биринчи бўғини (*атлант*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

فَهْلَوَةٌ 1) чаққонлик, усталик; 2) хушчақчақлик, тийраклик

– فَهْلَوِيٌّ[1] *тар.* паҳлавийларга оид; اللُّــــغَــةُ ~ паҳлавий тили; паҳлавий

– فَهْلَوِيٌّ[2] 1) чаққон, уста; 2) хушчақчақ, тийрак

I فَهِمَ (а) فَهْمٌ 1) фаҳмламоқ, тушунмоқ; 2) билмоқ, эпламоқ қила олмоқ; II فَهَّمَ фаҳмлатмоқ, тушунтирмоқ; изоҳлаб бермоқ; IV أَفْهَمَ фаҳмлатмоқ, тушунтириб бермоқ; V تَفَهَّمَ яхши фаҳмламоқ, тушунтирмоқ; аъло даражада билмоқ, тушуниб (фаҳмлаб) олмоқ; VI تَفَاهَمَ 1) ўзаро тушунишмоқ, бир-бирини тушунишмоқ; 2) (к. *биландир*) ўзаро шартлашилмоқ, тил бириктирмоқ (*мас.*); VII اِنْفَهَمَ тушунилган бўлмоқ; X اِسْتَفْهَمَ (к. *ёки н. нидир*) сурамоқ, сўраб олмоқ, хабардор бўлмоқ (عَنْ)

– اِسْتِفْهَامٌ *кўп* ـَاتٌ — 1) сўров, маълумотнома; 2) сўроқ. عَلَامَةُ ~ сўроқ аломати; اِسْمُ ~ сўроқ олмоши; حَرْفُ ~ сўроқ юкламаси

– اِسْتِفْهَامِيٌّ сўроққа (саволга) оид

– أَفْهَمُ ҳаммадан яхши фаҳмловчи (тушунувчи); тезфаҳм, фаросатли

– تَفَاهُمٌ 1) бир-бирини тушуниш, ўзаро тушуниш; حُسْنُ ~ бир бирини яхши тушуниш; келишиш; سُوءُ ~ тушунмаслик, бир бирини тушунмаслик; 2) келишув

– فَهَامَةٌ серфаросат, фаросати кучли одам

– فَهْمٌ *кўп.* أَفْهَامٌ 1) фаҳм, фаросат; тушуниш; سُوءُ ~ нотўғри тушуниш; 2) фаросатлилик, фаҳмлилик; 3) ақл фаросат; 4) билиш, эплаш

– فَهِيمٌ = فَهْمٌ

– فَهِيمٌ *кўп* فَهَمَاءُ ақлли, фаросатли; зеҳнли

– مَفْهُومٌ 1. 1) тушуниладиган, фаҳмланадиган; тушунилган, фаҳмланган; غَيْرُ ~ тушунилмаган, фаҳмланилмаган; 2) англанадиган, ... أَنَّ ~ وَ الشَّيْءُ шуни фаҳмлаш (тушуниш) мумкинки ... тушунарлики, ...; 2) *кўп.* مَفَاهِيمُ тушунча, концепция. ~ عَنِ الْعَالَمِ дунёқараш, дунёни тушуниш

– مَفْهُومِيَّةٌ 1) тушуниш; 2) тушунганлик, фаҳмланганлик; مَعَ ~ ... ...ганлиги тушунарли; тушунарлидирки, ...

فُو (*кар. кел.* فِي; *туш. кел.* فَا) оғиз (*сол.* فُوْهُ)

فُوبْ *савдо.* фоб (*денгиз орқали юк ташиш бўйича битим шартларидан бўлиб, унга кўра сотувчи юкни кемага олиб келиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади*)

فُوبِيَا *мед.* фобия, сабабсиз қўрқув касаллиги

I فَاتَ (فوت) (*у*) فَوْتٌ, فَوَاتٌ 1) ўтиб кетмоқ, йўқ бўлмоқ; ~ عَنْهُ эскириб қолмоқ; وَ لَكِنَّ الْوَقْتَ كَانَ قَدْ ~ аммо энди вақт қўлдан берилган эди; ◊ مَا ~ مَا *мтл.* қор ёғиб, излар босилди. 2) ўтиб кетмоқ, унутилмоқ; ~ عَنْهُ الْكَلِمَةُ у сўзни тушунолмай қолди لَا تَتْرُكْ ~ الْفُرْصَةَ تَفُوتُكَ! қулай фурсатни қўлдан берма, 3) орқада қолдирмоқ, ... وَ لَا يَفُوتُنَا أَنْ نُشِيرَ إِلَى ... биз албатта ...га ишора қиламиз; ~ نِي الْقِطَارُ мен поездга кеч қолдим; ~ نِي أَنْ أَذْكُرَ мен унутибман, менинг эсимдан чиқиб қолибди. II فَوَّتَ 1) кетишга (ўтишга) мажбур қилмоқ ёки рухсат бермоқ; ... ~ هذا عَلَيْهِ مَعْرِفَةَ ... бу уни ...ни билиш имкониятидан маҳрум қилди; 2) йўқотмоқ; вақт йўқотмоқ; ~ الْوَقْتَ қулай фурсатни йўқотмоқ; 3) кеч қолиш сабабчиси бўлмоқ; IV أَفَاتَ қўлдан бермоқ, йўқотмоқ. VI تَفَاوَتَ тафовутланмоқ, фарқланмоқ; дифференциялашмоқ. VIII اِفْتَاتَ 1) ўйлаб чиқармоқ, тўқиб чиқармоқ, 2) бузмоқ (*мас. қонунни-* عَلَى), 3) = I, 4) (*к. нингдир устидан*) ҳукм чиқармоқ (عَلَى); ~ عَلَى زَيْدٍ فِي الْأَمْرِ у Зайд устидан ҳукм чиқарди; ◊ زَيْدٌ لَا يُفْتَاتُ عَلَيْهِ Зайднинг буйруғисиз ҳеч нарса амалга ошмайди

– اِفْتِيَاتٌ 1) ўйлаб (тўқиб) чиқариш; 2) бузиш (*мас., қонунни-* عَلَى)

– تَفَاوُتٌ тафовут, фарқ; дифференциация

– فَائِتٌ 1) ўтиб бораётган; ўтмишдаги, олдинги; فِي الْخَمِيسِ الْ~ олдинги пайшанбада; فِي اللَّيْلَةِ الْ~ кеча кечқурун; 2) ғайритабиий; ~ الْحُسْنِ ғайритабиий ҳусн (чирой); ◊ عَلَى الْ~ йўл-йўлакай

– فَائِتَةٌ (*бирор*) ўткинчи нарса, ~ لَا تَفُوتُهُ унинг олдидан (енидан) ҳеч ким билинтирмай ўтиб кетолмайди

– فَوَاتٌ ўтиб кетиш, ўтиш; ~ الْ مَوْتُ тўсатдан кетиш; هَرَعْتُ إِلَيْهِ وَ لَكِنْ بَعْدَ ~ الْفُرْصَةِ мен унинг олдига югуриб келдим, лекин энди кеч бўлган эди

– فَوْتٌ 1) ўтиш, кетиш, ўтиб кетиш; 2) *кўп* أَفْوَاتٌ оралиқ, масофа, дистанция

– فَوْتِيٌّ ғалати феълли, ўзбошимча; тентакнамо

– مُتَفَاوِتٌ ажралиб турадиган; ҳар хил, турли-туман

فُوتْبُولٌ футбол

فُوتُوغْرَافِيَا фотография

– فُوتُوغْرَافِيٌّ фотографияга оид; صُورَةٌ ~ фотографик суврат, фотосуврат

فُوتُونٌ *кўп* ـَاتٌ — *физ.* фотон

– فُوتُونِيٌّ *физ.* фотонга оид; مُحَرِّكٌ ~ фотон двигатели

فُوتَيْلٌ кресло

فَوْجٌ *кўп.* أَفْوَاجٌ, فُوُوجٌ гуруҳ; оламон; أَفْرَادًا وَ أَفْوَاجًا битта-битта ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб; 2) смена; 3) *ҳарб.* полк, батальон (*Ироқда*)

I (فوح) فَاحَ (*у*) فَوْحٌ, فَوَحَانٌ тарқалмоқ, келмоқ (*ҳид ҳақида*)

– فَوَّاحٌ муаттар ҳид тарқатадиган; муаттар ҳид тарқатувчи

– فَوْحٌ ҳид тарқалиши. ~ طَيِّبُ الْ яхши (ёқимли) ҳидли

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (فوخ) فَاخَ (*y*) فَوَخَانٌ 1) овоз чиқариб эсмоқ (*шамол ҳақида*); 2) орқадан ел чиқармоқ; IV أَفَاخَ = I 2)

فُوْدٌ *кўп.* أَفْوَادٌ 1) чаккадаги соч, гажак; 2) чакка

فُودْكَا водка

I (فور) فَارَ (*y*) فَوَرَانٌ, فَوْرٌ қайнамоқ, қайнаб турмоқ, қайнаб чиқиб турмоқ (*сув ҳақида*); دَمُهُ ~ *маж.* у қайнаб кетди; II فَوَّرَ 1) қайнатмоқ, қайнатиб турмоқ, қайнатиб чиқариб турмоқ (*сув ҳақида*); 2) ғашга тегмоқ; ◊ اَلْخَادِمَ ~ ходимни (хизматкорни) ишдан бўшатмоқ; IV أَفَارَ қайнатмоқ

– فَائِرٌ қайнаётган, қайнаб тошаётган; отилиб чиқиб турган (*сув ҳақида*); دٌ~ فَارَ аччиқланмоқ

– فَأْرٌ, فَارَةٌ = فَارَةٌ, فَارٌ

– فَوَّارٌ 1) қайнаб чиқиб турган, қайнаётган кўпикли, биқиллаётган (*вино ҳақида*); 2) аччиғи тез чиқадиган

– فَوَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ фаввора, фонтан; ~ مَاءٍ حَارٌ гейзер (*отилиб чиқиб турадиган иссиқ сув*)

– فُوَارَةٌ қозонда қайнаб турган нарса

– فَوْرٌ қайнаш; ◊ ~ مِنَ الْـ ـَـ عَلَى الْـ ـَـ *ёки* ~ ـَـ *ёки* ~ مِنْ ўша ондаёқ; فَوْرَ ...дан кейинроқ; ~ шу ондаёқ, тезда, тўхтовсиз

– فَوَرَانٌ қайнаш, қайнаб туриш, ~ الدَّمِ *маж.* ғазаб

– فَوْرَةٌ ениш, кучайиб кетиш (*ғазаб ҳақида*), ениқлик, ~ مِنَ الضَّحِكِ тинмай кулавериш, кулги тутқаноғи

– فَوْرِيٌّ тўхтовсиз, тезда бўлишликка оид, кечиктириб бўлмайдиган

فُورْشِيتَةٌ = فُورْشِيتَةٌ

فُورْمَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ 1) форма; ~ هُوَ خَارِجَ الْـ ـَـ *спорт.* у формада эмас; 2) қолип, шон (*этикдўзликда*)

فُورْمَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ фабрика

I (فوز) فَازَ (*y*) فَوْزٌ 1) муваффақият қозонмоқ; (*к. нидир*) енгмоқ, (*к. дандир*) устун келмоқ (عَلَى), (*н. нидир*) қўлга киритмоқ (ب); ~ بِالْمَرْتَبَةِ الْأُولَى فِي الْمُبَارَاةِ *спорт.* мусобақада биринчи ўринни олмоқ (эгалламоқ); عَلَيْهِ بِالنُّقَطِ ~ *спорт.* очколар бўйича ғалаба қозонмоқ; بِتَثْنِيتِ الْكَتْفَيْنِ ~ *спорт.* икки елкасини ерга теккизмоқ; 2) (*н. ғадир*) эришмоқ (ب); (*н. нидир*) олмоқ (ب); ~ ... فِي الْيَانَصِيبِ лотереяда (*н. нидир*) ютмоқ; 3) (*н. дандир*) қутулмоқ, қутулиб қолмоқ (مِنْ); ~ مِنَ الْمَكْرُوهِ ёқимсиз (макруҳ) нарсалардан эҳтиёт бўлмоқ; 4) ҳалок бўлмоқ, ўлмоқ; II فَوَّزَ чўл (саҳро)да саёҳат қилмоқ; IV أَفَازَ ғалаба билан таъминламоқ, ютуқ келтирмоқ

– فَائِزٌ 1. 1) ғолиб, ғалаба қилувчи, 2) муваффақиятли, 2. ғолиб, музаффар

– فَوْزٌ 1) ғалаба, зафар, триумф; муваффақият; 2) қутулиш

– مَفَازَةٌ *кўп.* مَفَاوِزُ 1) чўл, саҳро; 2) қўрқ ер

فُوسْفَاتٌ *хим.* фосфат, фосфор кислотаси тузи; ~ سُوبَرْ суперфосфат

– فُوسْفَاتِيٌّ фосфатга оид; ~ـــةٌ مُخَصَّبَاتٌ фосфатли ўғитлар

فُصْفُورٌ = فُوصْفُورٌ

II فَوَّضَ (*н. ғадир*) вакил қилмоқ, ваколат (ҳуқуқ) бермоқ (فِي); III فَاوَضَ (*к. билан дир н. ҳақдадир*) музокара юритмоқ (ـــ, إِلَى); VI تَفَاوَضَ ўзаро музокара олиб бормоқ (юритмоқ) (فِي, مَعَ)

– تَفْوِيضٌ 1) ваколат (ҳуқуқ) бериш; 2) вакиллик, ишонч билдириш; ~ غَيْرُ الْـ ـَـ чекланмаган ваколат эгаси

– فَوْضَوِيٌّ 1 анархияга оид; 2 анархия тарафдори, анархист

– فَوْضَوِيَّةٌ 1) анархия (*ҳар қандай тартибни инкор этиш*); 2) анархизм

– فَوْضَى анархия; ~ فِي الْإِنْتَاجِ ишлаб чиқариш анархияси

– مُفَاوِضٌ музокара олиб бораётган томон

– مُفَاوَضَةٌ *кўп.* اتٌ ـَـ музокара

– مُفَوَّضٌ 1 ваколат олган; ваколатли, ~ الْوَزِيرُ الْـ ـَـ ваколатли вазир; 2 ~ السَّامِي ـَـ комиссар, олий комиссар

– مُفَوَّضِيَّةٌ 1) мухтор вакиллик; 2) комиссариат

فُوطَةٌ *кўп.* فُوَطٌ 1) *шунингдек:* ~ الْمَائِدَةِ фартук; 2) фута, белбоғ

~ الْأَيْدِي ёки ~ تَشْرِيفٍ дастрўмол, салфетка, кичик сочиқ, сочиқча; ~ الْوَجْهِ сочиқ, ~ الْحَمَّامِ ҳаммом сочиғи

فُوعَةٌ 1) муаттар бўй (хид); 2) куч, қувват, авж, яшнаганлик, гуллаб турган пайт, ~ الشَّمْسِ кучли заҳар; ~ الشَّبَابِ ёшликнинг гуллаб турган пайти, ~ النَّهَارِ кунниг ўртаси, авжи

فُوقٌ *кўп.* أَفْواقٌ 1) (*тирноқдаги*) оқ доғ, 2) (*дондаги*) пўст, 3) ғунча

– مَفْوُوقٌ оқ ёғи бор; ола-була; ~ رُمْحٌ оқ йўлли матодан тикилган чопон

I (فوق) فَاقَ (*y*) فَوْقٌ, فَوَقَانٌ 1) (*бирор н. дан*) устун бўлмоқ, (*бирор н. нинг*) устида (тепасида, юқорисида) бўлмоқ; 2) ортиқ (устун) келмоқ; ~ عَدَدًا وَ عُدَّةً ـــ *харб.* ҳам миқдор, ҳам қуролланиш жиҳатидан (*к. дандир*) устун бўлмоқ; 3) (*касалликдан сўнг*) ўзига келмоқ, ранги-рўйи яхшиланиб қолмоқ; 4) хиқичоқ тутмоқ; ◊ ~ بِنَفْسِهِ олмоқ; II فَوَّقَ 1) ҳушига келмоқ, 2) уйғотмоқ; 3) (*бирор н. ни*) эсига солмоқ (إِلَى); 4) (*н. нидир н. дандир*) устун (афзал) кўрмоқ (عَلَى); IV أَفَاقَ 1) ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ; 2) уйғонмоқ; 3) тузалиб қолмоқ; 4) уйғотмоқ; 5) (*н. дандир*) ўзига келтирмоқ (مِنْ); V تَفَوَّقَ (*к. дандир*) устун келмоқ (عَلَى);(ўз қобилияти билан) ажралиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турмоқ; VIII اِفْتَاقَ камбағаллашмоқ, қашшоқлашмоқ; X اِسْتَفَاقَ 1) ўзига келмоқ, ҳушига келмоқ, 2) уйқудан уйғонмоқ

– أَفَاوِيقُ *кўп.* أُفْوَاقٌ *дан.* 1) *(осмонда бўлиб, булутга айланиб, сўнг ёмғир сифатида ёғадиган намлик;* 2) *кўч. м.* ҳасрат, سَكَبَ هٰذَا فِي قَلْبِهِ ~ الْوَجْدَ бу унинг қалбини севгига лиммо-лим қилди

– إِفَاقَة 1) ортиқлик, устунлик, кўплик; *шунингдек: шахм* қўли баландлик; ~ بِـــ تَحْقِيقُ الْبَرْنَامَجِ режа топшириғини ортиғи билан бажармоқ; ~ كَسَبَ *шахм* қўли баланд бўлиш имкониятини олмоқ; 2) ажралиб туриш; юксак сифат, ажойиб маҳорат, иқтидорлилик, талантлилик

– فَائِقٌ 1) юксак; катта; баланд, буюк; ортиқ даражада; ~ الْحَدِّ ҳаддан ташқари; ~ الطَّبِيعَةِ ғайритабиий; ~ الْوَصْفِ таърифдан ташқари; ~ الْاِحْتِرَامِ تَفَضَّلُوا بِقَبُولِ марҳамат қилиб, менинг алоҳида эҳтиромимни қабул қилгайсиз *(одатда мактуб охирига шундай деб ёзиб қўйилади)*, 2) ғоят яхши, аъло даражадаги; ажойиб; 3) ақли-ҳуши жойида; ҳушёр

– فَاقَة қашшоқлик, камбағаллик, фақирлик; ~ أَهْلُ الـــ қашшоқ (камбағал) одамлар, фақирлар

– فُوَاقٌ[1] ҳиқичоқ; ~ الْمَوْتِ ўлим олдидаги хириллаш

– فُوَاقٌ[2] 1) сигирни икки соғиш ўртасидаги вақт; 2) сигир соғишда кафтни очиш билан елини ушлаб қисиш ўртасидаги вақт; أَمْهِلْنِي فُوَاقَ نَاقَةٍ ~ الْحَالِبِ! менга озгина фурсат бергил!

– فَوْق 1) устида; ~ ـــهُ унинг устида; 2) ...да; إِعْلَانٌ ~ الْجُدْرَانِ эълон деворларда; ~ صَفَحَاتِ الْجَرَائِدِ газеталар саҳифаларида; 3) ...дан ортиқ, ...дан ташқари; ~ الْحَدِّ ҳаддан ортиқ, ҳаддан ташқари; ~ الصِّفْرِ нолдан баланд; ~ الرِّيحِ шамол келаётган тарафдан; ~ الْعَادَةِ фавқулодда, ғайритабиий; ~ مُتَنَاوَلِ الظُّنُونِ وَ الشُّبُهَاتِ ҳеч қандай шак-шубҳасиз; ~ صَوْتِيٌّ товушдан тез; ~ الْوَطَنِيَّةِ миллатчиликдан юқори бўлган; تَأَمَّلْهُ مِنْ ~ لِتَحْتَ кимнидир бошдан-оёқ текширмоқ; ~ مَصَالِحِ الشَّعْبِ وَضْعُ مَصَالِحِهِ ўз шахсий манфаатларини халқ манфаатларидан устун қўймоқ; 4) катта, ...дан катта, ...дан ортиқ; кўпроқ; ~ الْعَشَرَةِ ўн тўққиздан катта; لَهُ الْقِيَادَةُ ~ لَهَا у унга эмас, кўпроқ унга (*мн*) бўйсунади

– فَوْقُ уст, тепа, (*бирор н. нинг*) усти, тепаси; ~ مِنْ устидан, ...дан ~ إِلَى тепага, юқорига

– فَوْقَانِيٌّ юқоридаги, тепадаги, устидаги

– فَوْقِيٌّ 1) юқоридаги, тепадаги, устидаги; 2) юқоридан туриб олинган (*мас., расм, суврат ҳақида*) ◊ ~ الْقَلَمُ сарой тўнтарилиши

– فَيْقَة *кўп.* أَفْوَاقٌ (*соғиш олдида елинда тўпланган*) сут

– مُتَفَوِّقٌ юксак; буюк

– مُسْتَفِيقٌ 1) кўзини очган, ўзига келган; 2) уйғонган, уйғоқ – مُفِيقٌ = مُسْتَفِيقٌ

– فُولْكْلُورٌ фольклор, халқ оғзаки ижоди

– فُولْكْلُورِيٌّ фольклорга оид

– فَوَّالٌ ловия сотувчи, ловияфуруш

– فُولٌ *жам.* ловиялар; ~ مَحْرُوشٌ майдаланган ловия; ~ الْحَبَشِ *ёки* مِصْرِيٌّ Миср ловияси; ~ سُودَانِيٌّ ерёнғоқ; ~ صِينِيٌّ *ёки* الصُّوَيَا соя (*ловияга ўхшаш ўсимлик*); ~ مِصْرِيٌّ Миср нилуфари

– فُولَة *кўп* ـــاتٌ ловия донаси, ловия; ◊ أَنَا فَهِمْتُ الْـــ~! менку гапнинг мағзини тушундим; ~ وَ انْقَسَمَتْ كَأَنَّهَا улар икки томчи сув каби ўхшашдирлар

– فُولِيَّة ловиядан тайёрланган овқат

– فَوْلَذَ пўлатдай мустаҳкам, қаттиқ бўлиб қолмоқ

– فُولَاذ пўлат

– فُولَاذِيٌّ пўлатдай; пўлатдай мустаҳкам; ~ ـــةٌ *маж.* أَعْصَابٌ пўлатдай асаблар; ~ بِعَزْمٍ қатъият билан қилинган азму-қарорлар

– فُولْكْلُورٌ фольклор, халқ оғзаки ижоди

– فُولْكْلُورِيٌّ фольклорга оид

(فوم) II فَوَّمَ нон ёпмоқ; فَوِّمُوا لَنَا бизга нон ёриб беринг

– فُومٌ 1) саримсоқпиёз; 2) буғдой, 3) нўхат

– فُونٌ *кўп* ـــاتٌ фўн (*фамилия олдига қўйиладиган қўшимча, мас., фон-Крамер*)

– فُونِيتِيكَا фонетика (*грамматиканинг товушларни ўрганувчи қисми*)

– فُونِيتِيكِيٌّ 1. фонетик, фонетикага оид; 2. фонетист (*фонетика билан шуғулланувчи олим*)

– فُونُوغْرَافٌ фонограф; граммафон; ~ أُسْطُوَانَةُ الـــ а) фонограф ғалтаги; б) граммофон пластинкаси (лаппаги, товоғи)

– فُونِيمٌ *кўп.* ـــاتٌ — *грам.* фонема, товуш

– فُونِيَّة 1) пистон; 2) (*карбюратордаги*) жиклёр

(فوه) فَاهَ (*у*) فَوْهٌ 1) (*нутқ*) сўзламоқ (ب); 2) (*ўз фикр-мулоҳазасини*) айтмоқ, билдирмоқ (ب); II فَوَّهَ (овқатга) зиравор солмоқ; V تَفَوَّهَ (*н. нидир*) гапирмоқ, демоқ, сўзламоқ (ب)

– أَفَاوِيهُ *кўп.* أَفْوَاهٌ *дан* (*қар.* فُوهٌ[1]); 1) овқатни хушхўр қилиш учун ишлатиладиган зираворлар; 2) (*атир тайёрлашда ишлатиладиган*) муаттар моддалар

– فُوهٌ[1] *кўп.* أَفْوَاهٌ муаттар модда

– فُوهٌ[2] *кўп* أَفْوَاهٌ оғиз, даҳан; فُوهُ унинг оғзи (*қар. к* فِيهِ; *тури. к* فَاهُ); فِي ~ِهِ صَاحَ بِمِلْءِ فِيهِ оғзим бор овоз билан қичқирмоқ (бақирмоқ); ◊ مَاتَ حَتْفَ أَنْفِهِ (сол. مَاتَ حَتْفَ فِيهِ) ўз ажали билан ўлмоқ

– فُوهٌ *бот.* рўян (*илдизидан қизил бўёқ олинадиган ўтсимон ўсимлик*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– فُوهَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) тешик; (*тўп. милтиқ, вулкан ва б. ларнинг*) оғзи; نَفَّاثَةٌ ~ реактив (*қурилмалардаги*) оғиз; 2) мансаб (*дарёдаги*)

– فُوَّهَةٌ 1) ғийбат, висир-висир гаплар; زَيْدٌ يَخَافُ ~ النَّاسِ Зайд одамларнинг ғийбатидан қўрқади; 2) бошланиш қисм, бош; اقْعُدْ عَلَى ~ الطَّرِيقِ! йўлнинг бошида ўлтириб тур!

– مُفَوَّهٌ чиройли (гўзал) сўзловчи; ~ خَطِيبٌ ажойиб нотиқ

– فُوَّدٌ = فُوَّهٌ

– مُفَوَّى дарахт илдизидан олинган бўёққа (*қар* فُوَّهٌ) солинган; ~ ثَوْبٌ шу бўёққа бўялган кийим

فُوَيَّةٌ фольга, станиоль

فِي 1) ...да; الْمَدْرَسَةِ ~ мактабда, мадрасада; الشَّارِعِ ~ رَأَيْتُهُ мен уни кўчада кўрдим; الْأَثْمَانِ ~ الْارْتِفَاعِ нарх-наволар юқорилаб бормоқда (баландламоқда); الْوَثْبِ وَ الْعَدْوِ ~ مُسَابَقَاتُ сакраш ва югуриш бўйича мусобақа; ... ~ حُقُوقُهُ бирор кишининг ...га бўлган ҳуқуқи; الْمِائَةِ ~ фоиз, процент; ـــهِ ~ كَانَ *халқ.* бор эди; مَا فِيشْ ~ مَاكَانْشْ فِيهِ *халқ.* йўқ, мавжуд эмас; مَاكَانْشْ فِيهِ йўқ эди, бўлмаган эди, мавжуд эмас эди; صَرَاحَةٍ ~ очиқдан-очиқ, очиқчасига, очиқ-ойдин; مُوَاظَبَةٍ ~ ғайрат билан, тиришиб тиришқоқлик билан; هُدُوءٍ ~ хотиржамлик билан, шошмай; عَلَمٍ ~ اكْتِرَاثٍ бепарволик билан, эътиборсизлик (лоқайдлик) билан; ~ غَيْرِ مَلَلٍ зерикмай, бемалол; 2) вақтда, пайтда, давомида; ...ганда, ... فِيمَا ... бўлаётган вақтда; шу ҳақдаки, ...; فِيمَا مَضَى ўтмишда, ўтган замонда; فِيمَا يَلِي қуйида келтирилгандек; ~ غُرُوبِ الشَّمْسِ қуёш ботаётган пайтда; فِيمَا بَعْدُ а) кейин, ундан кейин; б) келажакда; فِيمَا قَبْلُ аввалари, олдинлари, бундан олдин (илгари); 1991 سَنَةِ ~ 1991 йилда; السَّاعَةِ السَّادِسَةِ ~ соат олтида; نَحْنُ الْعَاشِرِ مِنْ هَذَا الشَّهْرِ ~ шу ойнинг ўнинчи кунида (числосида); الْيَوْمِ السَّادِسِ مِنْ شَهْرِ يُولْيُو ~ бугун (бизда) олтинчи июль; ~ الثَّلَاثِينَ مِنْ عُمْرِهِ туғилганига ўттиз йил бўлган (*одам*), ўттиз ёшдаги; حَيَاةِ أَبِيهِ ~ وَلَدٌ *мажх.* у туғилган вақтда отаси тирик (ҳаёт) эди; حَيَاتِي ~ умрим бўйи, бутун умрим (ҳаётим) давомида; 3) бунинг учун, шунинг учун, сабабли; ذَلِكَ ~ عَاقَبَنِي у шунинг учун мени жазолади; 4) ҳақда, бўйича, ... ~ تَحَدَّثَ ... ҳақида суҳбатлашмоқ; تِجَارَةِ ~ سَافَرَ у тижорат (савдо) ишлари бўйича сафарга кетди; التَّارِيخِ ~ الْمُعَلِّمُ тарих ўқитувчиси; 5) ...га қараганда, ... нинг олдида; ـــهِ ~ لَسْتُ شَيْئًا унга қарағанда (унинг олдида) мен ҳеч нарса эмасман; 6) ичида, орасида; فِيهِمْ улар ичида (орасида); بَيْنَهُمْ فِيمَا ўзаро, ўз ораларида; 7) *мат* карра, ...га кўпайтирилган; إِنَّ الْقَلِيلَ فِي الْكَثِيرِ كَثِيرٌ кўпга кўпайтирилган оз кўп натижа беради; ~ أَرْبَعَةٍ ثَلَاثَةٌ уч карра тўрт; خَمْسَةٍ ~ خَمْسَةٌ беш карра беш; ◊ أَبْيَضُ ~ أَبْيَضُ жуда-жуда оқ, оппоқ; فِيمَ (م+~) нима учун? ... فِيمَ = فِيمَا ... шундаки, ...; أَظُنُّ فِيمَا менинг ўйлашимча, мен ўйлайманки, ...; ... وَ قَالَ فِيمَا قَالَ إِنَّ у гап орасида дедики, ...; فِيمَا إِذَا ...ган тақдирда, ...ган вақтда, ...ган бўлса; يَبْدُو فِيمَا кўринишича, кўриниб турганидай, кўриниб турибдики, ...; ؟... ~ هَلْ لَكَ *қар* هَلْ

فِي[2] *қар* فُو

فِيانْكِيتُو *шахм.* фианкетто

I (فيأ) فَاءَ (*u*) فَيْءٌ (*қаергадир*) қайтмоқ, қайтиб келмоқ (إِلَى); ~ إِلَى سَكِينَةٍ яна тинчимоқ, яна тинчиб қолмоқ; II فَيَّأَ совға бермоқ; ◊ امْتَدَّ سَاقَهَا وَ ~ غُصْنَهَا ўсмоқ ва кучга тўлмоқ; IV أَفَاءَ 1) (*к. гадир*) қайтмоқ, қайтариб бермоқ (عَلَى); 2) ҳадя қилмоқ (*н. нидир, туш. к. ёки* ب *к. гадир* عَلَى); V تَفَيَّأَ сояга беркинмоқ (ўтмоқ); сояда ўтирмоқ; X اسْتَفَاءَ (*бирор н. дан*) ўлжа сифатида фойдаланмоқ

– فِيئَةٌ = فَيْئَةٌ[1]

– فِئَةٌ[2] *кўп* فِئُونَ, فِئَاتٌ тўда, гуруҳ, жамоа

– فَيْءٌ *кўп.* أَفْيَاءٌ, فُيُوءٌ 1) соя; 2) ўлжа

– فَيْئَةٌ қайтиш

– فِيئَةٌ 1) қайтиш; 2) баҳо, нарх

فِيتَامِينٌ *кўп* اتٌ — витамин

فِيتُو вето ~ حَقُّ الْـ вето ҳуқуқи; ... عَلَى ~ وَضَعَ ...га вето қўймоқ

فِيتُونٌ файтун

I (فيح) فَاحَ (*u*) فَيَحَانٌ 1) ҳамма ёққа тарқалмоқ, тарқалиб кетмоқ (*ҳид, бўй ҳақида*); 2) кенгаймоқ, кенг бўлмоқ; II فَيَّحَ тарқалмоқ, таратмоқ (*ҳид, бўй ҳақида*)

– أَفْيَحُ *мн* فِيحَاءُ *кўп* فِيحٌ 1) муаттар, ёқимли ҳидли, хушбўй; 2) кенг, бепоён (*баъзи шаҳарларга бериладиган сифат, мас*, الْبَصْرَةُ الْفَيْحَاءُ, دِمَشْقُ الْفَيْحَاءُ)

– فَيَّاحٌ муаттар, ёқимли ҳидли (*бўйли*), хушбўй

I (فيد) فَادَ (*u*) فَيْدٌ 1) фойдага қолмоқ, фойдали бўлмоқ; 2) мустаҳкам ўрнаб қолмоқ; لَهُ مَالٌ ~ бойлик унда мустаҳкам туриб қолди, II فَيَّدَ фойдага бермоқ (*мас., пулни*); IV أَفَادَ 1) фойда келтирмоқ; 2) (*н. дандир*) фойда олмоқ (مِنْ); 3) билдирмоқ, маълум

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилмоқ, хабар қилмоқ; 4) тушунтирмоқ, ақл ўргатмоқ; 5) кўргазма бермоқ (*гувоҳ ҳақида*); 6) маъносини етказмоқ, билдирмоқ; овоза қилмоқ; ... أَنَّ الْأَنْبَاءُ وَ تُفِيدُ янгиликларда (ахборотларда) шу ҳақда айтиладики, ...; шу ҳақда ахборотлар берилдики, ...; 7) бермоқ, узатмоқ; ~ الْعِلْمَ илм бермоқ, илм ўргатмоқ; X اسْتَفَادَ 1) (*н. дандир*) фойда олмоқ, истифода қилмоқ; (*н. дандир*) фойдаланмоқ (مِنْ); 2) ўрганмоқ; (*қаердандир*) билиб олмоқ, маълумот олмоқ (مِنْ)

– إِفَادَةٌ *кўп.* ـَات ـــ 1) ахборот, хабар, маълумот; хабарнома; тугалланган маънони етказиш; 2) кўргазма (гувоҳлик); 3) фойда; 4) *савдо.* кафолатнома

– اسْتِفَادَةٌ истифода, фойдаланиш, фойда олиш

– أَفْيَدُ кўпроқ фойдали, фойдалироқ, мақсадга мувофиқроқ, мақсадга энг мувофиқ; كَانَ مِنَ الْـ~ لَوْ أُذِيعَتْ جَمِيعُ الْحَقَائِقِ агар барча ҳақиқат айтилганда эди, кўпроқ фойда бўларди

– فَائِدَةٌ *кўп.* فَوَائِدُ 1) фойда; ~ عَدِيمُ الْـ бефойда, фойдасиз, ~ لِـ ... фалончининг фойдасига; ~ بِلَا а) фойдасиз, бефойда, зарарли; б) ҳеч нарса талаб қилмай, текинга, шундайича; в) мақсадсиз, бекордан-бекор; ~ عَلَى غَيْرِ фойдасиз, бефойда; مِنْ ~ غَيْرِ ҳеч қандай фойдаси бўлмаган, нафсиз; لَيْسَ لَهُ مِنْ هَذَا ~ وَ унга бундан ҳеч қандай фойда йўқ; عَادَ بِلَا ~ وَ لَا عَائِدَةَ لَا عَائِدَةٌ ҳеч нарсасиз (туз татимай) қайтиб келмоқ; 2) афзаллик, устунлик, ориқлик; 3) олинган нақд фойда; *шунингдек:* ~ مَئَوِيَّةٌ (*капиталдан, қўйилган пулдан олинадиган*) процент, фоиз; ~ بَسِيطَةٌ оддий процент (*фоиз*) лар; 4) *грам.* тугал фикр, мазмун

– مُفَادٌ маъно, мазмун

– مُفِيدٌ 1) ўрнак бўладиган, тарбиявий аҳамияти бор бўлган, 2) фойдали, нафли; ... وَ مِنَ الْـ~ أَنَّ ...га фойдали, وَ مِنْ غَيْرِ ~ الْـ... أَنَّ ...га фойдаси бўлмаган; 3) тугал фикрни англатувчи, тугал фикрни ўзида мужассамлаштирган

فِيدِيرَالِيٌّ федерал; федератив; (بَيْنَ مِصْرَ وَ سُورِيَا) الِاتِّحَادُ الْـ~ *тар.* (*Миср ва Сурия ўртасидаги*) федерал иттифоқ; دَوْلَةٌ ~ـَة федератив давлат

فِيرَنْدَةٌ веранда, айвон

فَيْرُوزٌ, فِيرُوزٌ фируза

– فَيْرُوزِيٌّ, فِيرُوزِيٌّ фирузага оид, фируза рангли

فِيرُوزٌ = فَيْرُوزٌ, فِيرُوزَجٌ

فَيْرُوسٌ, فِيرُوسٌ *кўп.* ـَات ـــ вирус; عِلْمُ الْفَيْرُوسَاتِ вирусология, вируслар ҳақидаги фан

– فَيْرُوسِيٌّ, فِيرُوسِيٌّ вирусга оид, вирусли; الْأَمْرَاضُ الْـ~ـَةُ вирусли касалликлар

فِيزَا виза (*бирор мамлакатга бориш учун рухсатнома*)

فِيزِيَاءُ физика; ~ الْأَرْضِ геофизика; ~ الذَّرِّيَّةُ الْـ атом физикаси; مَعْهَدُ الْـ~ النَّوَوِيَّةِ ядро физикаси институти

– فِيزِيَائِيٌّ 1. физик, физикага оид; دُكْتُورٌ فِي الْعُلُومِ الْـ~ـَةِ физика ва математика фанлари доктори; 2. физик (*олим*)

أَمِيرَالٌ: ~ вице-адмирал

فِيسْيُولُوجِيَا физиология

I (فيش) فَاشَ (*u*) فَيْشٌ мақтанмоқ, мақтанчоқлик қилмоқ

– فَايِشٌ *халқ.* мақтанчоқ; !~ لَا كَلَامَ мақтанмай (мақтамай) гапир

– فَيَّاشٌ 1. мақтанчоқликка оид; ~ـَةٌ تَصْرِيحَاتٌ мақтанчоқлик билан қилинган баёнот; 2. мақтанчоқ

– فِيشٌ бармоқ излари

– فِيشَةٌ *кўп.* ـَات ـــ 1) фишка (*ўйиндаги*); 2) *шунингдек:* ~ كَهْرَبَائِيَّةٌ *эл.* штепсель вилкаси

فِيشَارٌ 1) тарвуз ёки ошқовоқнинг қовурилган уруғи; 2) маккажўхори бодроғи

I (فيص) فَاضَ (*y*) فَيْضٌ 1) (*н. дандир*) қочмоқ, қутулмоқ (مِنْ); ◊ مَا ~ يَكْتُبُ у ёзишда давом этмоқда (مَا زَالَ يَكْتُبُ *каби*)

– مَفِيضٌ қочиш, қутулиш; ~ لَا مِنْهُ ундан қутулиб бўлмайди

فَيْصَلٌ *қар.* فصل

I (فيض) فَاضَ (*u*) فَيْضٌ, فَيَضَانٌ 1) тошмоқ, қирғоқлардан чиқиб кетмоқ; 2) тўлиб-тошиб кетмоқ, оқиб кетмоқ; *шунингдек:* ~ عَنْ جَوَانِبِهِ қирғоқлардан тошиб кетмоқ; 3) (*н. билан дир*) тўлиб кетмоқ (ب); ~ـَتِ الْبِلَادُ بِالسِّلَعِ мамлакат мол (товар) билан тўлиб кетган эди; 4) қолмоқ, сақланиб қолмоқ; 5) тарқалмоқ, ёйилмоқ; 6) вафот этмоқ, ўлмоқ; ◊ عَنِ الْحَاجَةِ ~ талабдан ортиқ даражада бўлмоқ; ~ـَتْ رُوحُهُ إِلَى خَالِقِهِ вафот этмоқ, ўлмоқ; ўз жонини худога топширмоқ; IV أَفَاضَ 1) тўкмоқ, оқизмоқ; тўлдириб-тошириб юбормоқ, тоширмоқ; 2) тошмоқ, (*бирор н. билан*) тўлиб-тошмоқ; تُفِيضُ الْأَنْهَارُ بِالتَّمَاسِيحِ ҳозирги дарёларда тимсоҳлар тўлиб-тошиб ётибди; 3) (*бирор н. ҳақида*) кўп, батафсил гапирмоқ (فِي); X اسْتَفَاضَ 1) тарқалмоқ, 2) кенгаймоқ; 3) керагича, мўл-кўл олмоқ

– اسْتِفَاضَةٌ 1) тарқалиш; 2) кенгайиш; 3) батафсиллик (*нутқдаги*); ~ بِـ батафсил, батафсил равишда

– إِفَاضَةٌ 1) тўкиш (*мас., кўз ёшини*); (*сув билан*) тўлдириб-тошириш; 2) батафсил суҳбат қуриш (فِي الْحَدِيثِ ~); узундан-узоқ гап, сергаплик; 3) (*Минодаги Арафот тоғига ҳожилар оқимига ўхшаб*) оқиб бориш, йўналиш; ~ طَوَافُ الْـ қурбонлик қилинган кундаги Каъба тавофи

– فَائِضٌ 1. 1) қирғоқлардан тошиб кетган; мўл-кўл; сероб, ортиқ даражада; 2) (*н. билан дир*) тўла (ب); 2 *кўп.* فَوَائِضُ 1) ортиқча, ортиқ даражада; 2) (*капиталдан олинадиган*) фоиз, процент

– فَيَّاضٌ (*бирор н. билан*) тўлиб-тошган (ب); қирғоқлардан тошиб турган; мўл-кўл сувли (*дарё ҳақида*); ~ رَجُلٌ қўли очиқ одам

– فُيُوضٌ *кўп.* 1) оқиб тушиш; ~ مَاءٌ оқиб тушаётган сув; 2) мўл-кўллик, сероблик; бойлик; ~ الْإِنْتَاجِ أَزْمَةُ ортиқча товар ишлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқариш; ~ــــ мўл-кўл; сероб қилиб; 3) саховат; ~ الْـــ а) Нил дарёсининг иккинчи номи; б) Басрадан оқиб ўтадиган дарёнинг номи

– فَيَضَانٌ *кўп.* اتٌ ـــ сел, тошқин (*дарёдаги*)

– فَيْضُوضَةٌ тўлиб-тошиш (*сув ҳақида*), сел

– مُسْتَفِيضٌ 1) муфассал, кенг, тула; 2) тарқалган, ёйилган

– مَفِيضٌ чиқиш жойи, ... إِلاَّ ... مِنْ ~ا مَا وَجَدَ дан қутулиш (чиқиш) нинг ...дан бошқа йўлини тополмади

I (فيظ) فَاظَ (*u*) فَيْظٌ ўлмоқ

– فَائِظٌ (*капиталдан олинадиган*) фоиз, процент

– فَائِظِيٌّ *кўп.* فَائِظِيَّةٌ судхўр, фоизчи

– فَيْظٌ ўлим

فَيْفَاءُ *кўп.* فَيَافٍ биёбон, чўл

(فيق) II فَيَّقَ 1) уйғотмоқ; 2) эсга солмоқ

(فيل) II فَيَّلَ 1) хато деб ҳисобламоқ; رَأْيَهُ ~ кимнингдир фикрини хато деб ҳисобламоқ; 2) айбламоқ, ёмонламоқ. V تَفَيَّلَ кучсизлантирмоқ

– فَالٌ фил ҳайдовчи

– فِيَالٌ *мед.* фил касали, элефантиоз (*ис*)

– فِيلٌ *кўп.* فِيَلَةٌ, أَفْيَالٌ зоол, *шахм.* фил; ~ عَامُ الْـــ фил йили (*Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васалламнинг туғилган йиллари*) ~ الْـــ الْمُنْقَرِضُ *ёки* الْـــ الْبَائِدُ мамонт; ~ أُذُنُ الْـــ *бот.* аронник (*ўсимлик*); ~ سِنُّ الْـــ; فِيَالٌ = دَاءُ الْـــ фил суяги; ◊ ~ الْبَحْرِ морж (*денгиз ҳайвони*)

فَيْلَمٌ 1) баҳайбат, улкан; ~ رَجُلٌ баҳайбат одам; 2) сочи ҳурпайган; ~ رَجُلٌ сочи ҳурпайган одам

– فَيْلَمٌ = فَيْلَسَانِيٌّ

– فِيلَةٌ урғочи фил

– فِيلِيٌّ филга оид, филга ўхшаш

فِيلاَّتٌ *кўп* فِيلاَّ вилла (*дала боғ*)

فَيْلَجَةٌ *қар.* فلج

فَيْلَسُوفٌ *қар.* فلسف

فَيْلَقٌ *қар.* فلق

فِيلْمٌ = فِيلَّمٌ

فِيلَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ вилла

فِيلْهَارْمُونِيكٌ филармония

فِيمَ (فى + مَ) *қар.* فِي

فِيمَا (فى + مَا) *қар.* فِي

فَيْنَ *халқ* қаерда? ~ مِنْ қаердан? ~ لِـــ қаерга?

فَيْنَانٌ 1) қалин, сероб (*ўсимликлар ҳақида*); 2) сочи чиройли, чиройли сочли; 3) сочи узун, узун сочли

فَيْنَةٌ он, вақт, пайт; ◊ ~ بَعْدَ الْـــ فِي الْـــ *ёки* بَيْنَ الْـــ وَ الْـــ ~ *ёки* بَيْنَ الْـــ وَ الْأُخْرَى вақти-вақти билан

فِينُوسُ *мид.* Венера (*қадимги римликлар маъбудаси*)

فِينِيٌّ карболга оид; ~ حَامِضٌ карбол кислотаси, фенол

فِينِيقِيٌّ 1. финикийликларга оид; الْـــ لُغَةُ финикия тили; 2. финикийлик

فِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ *қар.* فِئَةٌ

(فيهق) تَفَيْهَقَ *кўп* гапирмоқ, жаврайвермоқ

– فَيْهَقَةٌ сергаплик, вайсақилик

فِيُولِينَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ скрипка, ғижжак

فِيُونْكَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ бант, капалакнусха тугун, шундай қилиб боғланган тугун (*сочдаги*)

ق

ق (قَافٌ) қоф (*араб алифбосининг йигирма биринчи ҳарфи, абжадда - 100*)

ق.م. قَبْلَ الْمِيلاَدِ *минутлар сўзининг қисқартмаси*, ق. دَقَائِقُ милоддан (янги эрадан) олдин *сўзларининг қисқартмаси*, ق.س.

قَرْنٌ سُورِيٌّ Сурия қирқи сўзларининг қисқартмаси

قَابُوقٌ қобуқ (*пахтасимон тивит, товуш изоляциясида ишлатилади*)

قَابِيلُ *англ. мз.* Қобил

قَادُوسٌ *кўп.* قَوَادِيسُ 1) чархпалакдаги сув челаги; 2) *зоол* тез учар ва сувда тез сузи оладиган катта денгиз қуши, альбатрос

قَادُومٌ *кўп.* قَوَادِيمُ = قَدُومٌ *қар.* قدم

قَارٌ *қар.* قور

قَارُورَةٌ *қар.* قرر

قَارُونُ 1) *миф.* Қорун; 2) *кўч. м.* бой, бойвачча, ошиб-тошиб кетган бой, қорун; ~ لاَ يَرْضَى وَ لَوْ أَعْطَوْهُ مَالَ *маж* ҳар қанча пул берсанг ҳам, бунга рози бўлмайди (*сўзма-сўз*: Қорунниг давлатини берсанг ҳам, кўнмайди) ~ لاَ يَحْوَلُ عَنْهُ وَ لَوْ أَعْطَوْهُ مَالَ ҳар қанча пул

www.ziyouz.com kutubxonasi

берсанг ҳам, ундан қайтмайди (*сўзма-сўз:* Қоруннинг давлатини берсалар ҳам, ундан юз ўгирмайди)

– قَوَارِينُ *кўп:* الْمَالِ ~ бойлар, зодагонлар; йирик капиталистлар

قَارِينَةٌ *денг.* кеманинг остки қисмини тутиб турувчи тағёғоч

قَارِمَةٌ *қар.* قرم

قَارُورَةٌ газли сув

قَاشَانِيٌّ = فَاشَانِيٌّ

قَاصُونٌ *кўп* قَوَاصِينُ ғаввос қўнғироғи

قَاطُوعٌ *қар.* قطع

قَاطُونٌ *кўп* قَوَاطِينُ суғориш каналидаги причал (*кема тўхтайдиган жой*)

قَاقٌ *қар.* قوق

قَاقُلَّةٌ Ява кардамони (*кўпйиллик тропик ўсимлик*); ذَكَرِ ~ Гвинея кардамони *ёки* Гвинея қалампири

قَاقُلَى *бот.* олабўта, шўра

قَاقُلَّى *бот.* тунда очиладиган бинафша; денгиз горчицаси (*cacile maritima*)

قَاقُمٌ, قَاقُومٌ *зоол.* оқсичқон, оқсувсар

قَاقُوزَةٌ *кўп.* قَوَاقِيزُ қадаҳ, пиёла, рюмка

قَالُوشٌ *кўп* اتٌ ـــ қалош, калош, калиш

قَامُوسٌ *кўп* قَوَامِيسُ 1) океан, уммон, 2) луғат, лексикон

قَانُونٌ *қар.* قنّ

قَاوُوقٌ *зоол.* кўктарғоқ, балиқчи

قَاوُورَمَةٌ қовурма

قَاوُوشٌ *қар.* قوش

قَاوُوقٌ *кўп* قَوَاوِيقُ бош кийими, қалпоқ, шапка, шляпа

قَاوُونٌ *жам.* قовунлар, أَصْفَرُ ~ сариқ қовунлар; شَمَّامٌ ~ қовунлар

– قَاوُونَةٌ *кўп* اتٌ ـــ қовун

قَايِشٌ *кўп* قَوَايِشُ *қар.* قوش

قَايِلٌ *библ.* Қойин (*сол.* Қобил)

I (قبّ) قَبَّ (*а/и*) قُبُّ 1) кесмоқ, ампутация қилмоқ; 2) турмоқ, кўтармоқ, кўзғалмоқ; شَعْرُ رَأْسِي ~ сочларим тикка бўлиб кетди, 3) олдинга тортиб чиқиб турмоқ; 4) тепага қалқиб чиқмоқ; قَبَّ (*а/у*) قُبُوبٌ қубба қурмоқ, нами қочмоқ, қоки бўлмоқ (*мас., хурмо*). II قَبَّبَ қубба қурмоқ, кубба шаклида қурмоқ; 2) (*н. нидир*) дўмбоқ (*қаварик*) қилмоқ; VIII اِقْتَبَّ кесмоқ, кесиб ташламоқ, ампутация қилмоқ

– أَقْبَاءُ *мн.* قَبَّاءُ *кўп* قُبٌّ 1) қорни кичик, 2) бели ингичка (*от ҳақида*)

– قَبَّةٌ момақалдироқ, момақалдироқ овози

– قَبٌّ 1) минора боши, гумбаз; 2) асосий қисм, асосий бўлак; ◊ ~ الدُّولَابِ гупчак; втулка; ~ الْمِيزَانِ тарози шайини

– قَبٌّ *анат.* дум суяги

– قَبَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ ёқа

– قُبَّةٌ *кўп.* قِبَابٌ, قُبَبٌ гумбаз, қубба, равоқ; чодир; ~ الْإِسْلَامِ ислом гумбази (*айрим шаҳарлар. мас., Басрага қўйилган ном*); ~ الصَّخْرَةِ мақбара гумбази; ~ الصَّخْرَةِ Қуббатус-Сахра (*Қуддуси шарифда*); ~ الْفَلَكِ *ёки* ~ الزَّرْقَاءُ السَّمَاوِيَّةُ *ёки* ~ الْجَرَسِ осмон гумбази; ~ حَبَّةٌ *қар.* حَبَّةٌ; ~ الشَّهَادَةِ *ёки* ~ الزَّمَانِ *библ.* скиния (*Қуддусдаги яҳудийлар ибодатхонаси қурилгунга қадар бўлган кўчиб юрувчи ибодатхона*), ~ الْخَاتَمِ узукнинг кўзи солинадиган ўрни; ~ تَحْتَ الْمَجْلِسِ النِّيَابِيِّ парламент биносида (*сўзма-сўз:* парламент гумбази остида); ~ الْـ قَصْرُ Қубба саройи (*Миср ҳукумати биноси*)

– مُقَبَّبٌ 1) гумбаз шаклидаги, гумбазсимон, қуббасимон; 2) дўмбоқ, дўнгайган

قَبَبٌ *жам* чиллар, какликлар

I (قبح) قَبَحَ (*у*) قَبَاحَةٌ бадбашара бўлмоқ, тасқара (хунук) бўлмоқ قَبَحَ (*а*) قَبْحٌ (*н. дандир*) қайтармоқ, рад этмоқ (عَنْ); ~ ـــهُ اللهُ عَنِ الْخَيْرِ! Аллоҳ уни эзгуликдан йироқ қилсин!; II قَبَّحَ 1) бадбашара (жирканч) қилмоқ; 2) бадбашара (жирканч) деб ҳисобламоқ; (*н. нидир*) разил (ярамас) демоқ; 3) (*к. нидир*) сўкмоқ, таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ (عَلَى); X اِسْتَقْبَحَ разил (жирканч) деб ҳисобламоқ; 2) таҳқирламоқ, ҳақоратламоқ, қора чапламоқ

– قَبَاحَةٌ 1) бадбашаралик, хунуклик, тасқаралик; 2) ҳунарсизлик, одобсизлик, андишасизлик; 3) бемаънилик; разиллик, жирканчлик

– قُبْحٌ бадбашаралик, хунуклик, тасқаралик; ◊ اِلَى ~ يَوْمِ الدِّينِ йўқ бўлиб кет! йўқол! туф!

– قَبِيحٌ 1) бадбашара, хунук, тасқара, разил, жирканч, ярамас, ғаламис; 2) қўпол; одобсиз, ахлоқсиз; 3) сурбет, уятсиз, бадқае

– قَبِيحَةٌ *кўп* قَبَائِحُ ярамас қилиқ, номаъқул иш, қабиҳ ҳаракат, разилона қилинган иш

– مَقْبَحَةٌ *кўп* مَقَابِحُ 1) (*н. нингдир*) ёмон томони, ёмон сифат; 2) ёмон иш, ярамас қилиқ

I قبر (*у*) قَبْرٌ дафн қилмоқ, кўммоқ; IV أَقْبَرَ 1) дафн қилишни буюрмоқ, дафн этишни насиб қилмоқ; فَأَقْبَرَهُ ثُمَّ أَمَاتَهُ *қур.* (*Аллоҳ таоло*) ўлимга дучор этди ва дафн қилишни насиб айлади; VII اِنْقَبَرَ дафн қилинмоқ, кўмилмоқ

– قُبَّارٌ 1) *бот.* кавар (қовул) нинг тупи, 2) кавар (қовул) нинг овқатга қўшиб ейиладиган куртаклари

– قَبْرٌ *кўп* قُبُورٌ қабр, гор; ~ الْمَجْهُولِ الْمُجْتَدِي номаълум жангчи қабри

– قُبُرٌ *жам.* сўпитўрғайлар

– قُبَرَةٌ (*сол.* قُنْبَرَةٌ) *кўп* قَنَابِرُ сўпитўрғай

– قَبْرِيَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ қабр тошига ёзилган хат

– مَقْبَرَةٌ *кўп* مَقَابِرُ қабристон, мозор, гўристон

www.ziyouz.com kutubxonasi

قُبْرُصِيٌّ 1) Қибрис (Кипр) га оид; 2) *кўп.* قَبَارِصَةٌ Қибрис (Кипр) оролида яшовчи киши, қибрис (кипр)лик; 3) *кўп. халқ* майда пул

I قَبَسَ (*а*) قَبْسٌ 1) (*к. дадир*) ўқимоқ, таълим олмоқ, ўрганмоқ (مِنْ); اَلْعِلْمَ مِنْهُ ~ кимдадир ўқимоқ; 2) (*оловни, ўтни*) бирор кишидан олмоқ; (*мас., электр энергиясидан*) фойдаланмоқ; IV أَقْبَسَ олов (чўғ) бермоқ; VIII اقْتَبَسَ 1) олмоқ, ўзлаштирмоқ, иқтибос қилмоқ; 2) эгалик қилмоқ; اَلْحُمَّى ~ безгакни юқтириб олмоқ; 3) парча келтирмоқ, цитата келтирмоқ

– اقْتِبَاسٌ 1) иқтибос, иқтибос қилиш; 2) (*мас., билим*) олиш; 3) цитата келтириш; 4) рўкач қилиш, дастак қилиш; ◊ عَلَامَةُ الـ~ қўштирноқ

– اقْتِبَاسَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ цитата

– قَابِسٌ *эл.* 1) сақлағич, пробка, предохранитель; 2) штепсель вилкаси, штепсель

– ~ اَلْ~ самба, келиб чиқиш

– قَبَسٌ чала ёнган ўтин; чўғ

– قَبْسَةٌ чўғ

– قَبْسَةٌ 1) (*оловни*) илаштириш; 2) чўғ

– قُبَيْسٌ: أَبُو ~ Маккаи мукаррамадаги тоғнинг номи

– مِقْبَسٌ *кўп* مَقَابِسُ *эл.* штепсель розеткаси

– مِقْبَسٌ = مِقْيَاسٌ

– مُقْتَبَسَاتٌ *кўп.* ўзлаштирилган нарсалар

I قَبَضَ (*и*) قَبْضٌ (*н. нидир*) чимдиб олмоқ, бир чимдим олмоқ

– قَبْضَةٌ, قُبْصَةٌ *кўп* قَبَضَاتٌ бир чимдим, бир дамлам, бир отим

I قَبَضَ (*и*) قَبْضٌ 1) қўлга олмоқ, қўл билан ушламоқ (тутмоқ); эгалик қилмоқ, эга бўлмоқ, عَلَى زِمَامِ الْحُكْمِ ~ ҳокимият тепасида бўлмоқ, عَلَى نَاصِيَةِ الطَّائِرَةِ ~ тайёрани (самолётни) эркин бошқармоқ; عَلَى طَلَاسِمِ الْعُلُومِ ~ фанлар сирини билмоқ, илм сирларини ўрганмоқ; 2) қисмоқ, сиқмоқ, ... ~ 3) қўлни муштум (мушт) қилмоқ; 3) (*н. нидир*) қўл билан қисмоқ (عَلَى); 4) (*н. нидир*) озод қилмоқ (عَنْ); қўлдан чиқармоқ (عَنْ), *кўч. ш.* (*н. бандир*) воз кечмоқ, юз ўгирмоқ (عَنْ); 5) қабул қилмоқ (*мас. маош*) олмоқ; 6) (*н. нидир*) қўлга туширмоқ, ҳибсга олмоқ, қамамоқ (عَلَى); 5) *шунингдек:* اَلصَّدْرَ ~ юракни сиқмоқ, ташвишга солмоқ, гангитмоқ; 6) (*н. нидир қилишга*) киришмоқ, шошилмоқ; ◊ اَلْأُنُفُ عَنِ الدَّفْعِ ~ гўловдан (тўлашдан) бош тортмоқ; اَلْبَطْنُ ~ ични қотирмоқ, ичқотишга олиб келмоқ; اللهُ رُوحَهُ ~ *ёки* ـُـهُ اللهُ إِلَى جِوَارِهِ у вафот этди; قُبِضَ вафот этмоқ; II قَبَّضَ 1) пул топширмоқ (тўламоқ); 2) тўпламоқ, йиғмоқ; қисмоқ, қисқартирмоқ; وَجْهَهُ ~ юзини буриштирмоқ (тиришгирмоқ); 3) бермоқ; ـُـهُ الْمَالَ ~ унга бойлик бермоқ; V تَقَبَّضَ 1) қисилмоқ, сиқилмоқ, тиришмоқ, буришмоқ; 2) афт-ангори ўзгармоқ, важоҳати бузилмоқ; VI تَقَابَضَ ўзаро товар алмаштирмоқ, ўзаро ҳисоб-китоб қилмоқ, ўзаро орани очиқ қилмоқ (*олди-сотдида*); VII اِنْقَبَضَ сиқилмоқ, қисилмоқ; قَلْبُهَا ~ унинг (*мн.*) юраги сиқилди; 2) бузилмоқ (*меъда ҳақида*); 3) *шунингдек:* صَدْرُهُ ~ ғамгин бўлмоқ, дили қоронғи бўлмоқ, маъюс бўлмоқ; 4) қабул қилинмоқ, олинмоқ

– اَلْـ~ اَلنَّقْدِيُّ 1) қисилиш, сиқилиш; *икт.* пулнинг қадрини ошириш мақсадида миқдорини камайтириш; 2) *шунингдек:* اَلْبَطْنِ ~ ичқотиш, қабзият, ошқозоннинг бузилиши; 3) *шунингдек:* اَلصَّدْرِ ~ ғамгинлик, дили қоронғилик, маъюслик; 4) *физиол* систола (*юрак иши фазасидан бири-қисилиш*)

– قَابِضٌ 1) ушлаб турувчи, тутиб турувчи; 2) қисувчи, сиқувчи; 3) қабул қилувчи; اَلْأَرْوَاحِ ~ *дин.* жон олувчи фаришта (Азроил); 4) буриштирувчи, тириштирувчи, туриш; ични қотирадиган, қабзият қиладиган; 5) дилни қоронғи қиладиган, ғамга қўювчи; 6) *тех.* тутқич, қисқич (*асбоб*); *авто.* ҳаракат узатувчи механизм

– قَبْضٌ 1) ушлаш, ушлаб олиш, тутиб олиш; 2) (*қўлни*) сиқиш; 3) олиш, қабул қилиш, қўлга олиш; يَوْمُ الـ~ маош олинадиган кун; 4) أَلْقَى الـ~ عَلَى ... (*к. нидир*) қамамоқ, ҳибсга олмоқ, турмага ташламоқ; ◊ هُوَ فِي حَالَةِ لَا يَمْلِكُ مَعَهَا ~ وَ لَا بَسْطًا у қўлини ҳам қимирлата олмайдиган ҳолатда турибди; اَلْبَطْنِ ~ ичқотиш, қабзият, ошқозоннинг бузилиши

– قَضَايَا *кўп* قَضَايَاتٌ *халқ* азамат йигит, барваста йигит, шаввоз; сўзл. муттаҳам, алдамчи

– قَبْضَةٌ *кўп* قَبَضَاتٌ 1) ҳовуч, кафт, مِنَ الْعُمْلَةِ ~ бир ҳовуч танга; اَلْيَدِ ~ муштум, يَدِهِ ـــ هَدَّدَهُ муштуми билан ўдағайламоқ (таҳдид қилмоқ); 2) тутқич, дастак, ушлағич; 3) (*бирор н. ва*) эгалик қилиш; ҳокимият; اَلْقَضَاءِ ~ هُوَ فِي у эдлия қўлидадир; هُوَ فِي ـــهِمْ у уларнинг қўлига тушиб қолган; اَلْجُنُودُ ~ وَقَعَ أَسِيرًا فِي асир қилиб олинмоқ; 4) қабза (*1/6 ذِرَاعٍ مِعْمَارِيٍّ ёки 12,5 см. га тенг узунлик ўлчови*)

– قُبْضَةٌ *кўп* قُبَضٌ ҳовуч, кафт

– قَبْضِيَّةٌ маош, ойлик, иш ҳақи

– قُبُوصِيَّةٌ руҳи тушганлик, эзилганлик, маъюслик (*Ироқда*)

– مِقْبَضٌ, مَقْبِضٌ *кўп* مَقَابِضُ тутқич, дастак, ушлағич; اَلْبُنْدُقِيَّةِ ~ милтиқ қўндоғи

– مَقْبُوضٌ 1) олинган, қабул қилинган; 2) қўлга туширилган; ~ عَلَيْهِ ҳибсга олинган, ҳибс қилинган

– مَقْبُوضَاتٌ *кўп.* тилхат, квитанция

– مُنْقَبِضٌ *шунингдек:* اَلصَّدْرِ ~ дили қоронғи, маъюс, ғамгин, хафа

(قبط) II قَبَّطَ қовоғини солмоқ, хўмраймоқ, ўшшаймоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– قُبَّاطٌ 1) шакарқиём; 2) ширинлик тури

– قِبْطٌ *кўп.* أَقْبَاطٌ қибтийлар, коптлар

– قِبْطِيٌّ[1] 1) қибтий, қибтийча; الـــ~ـــةُ қибт тили

– قِبْطِيٌّ[2] *кўп.* قَبَاطِيُّ Миср полотноси, Миср бўзи

– قُبُّوطٌ *кўп.* قَبَابِيطُ 1) ёмғирпўш, плаш; *тех.* капот; 2) презерватив

– قُبُّوطٌ *кўп.* قَبَابِيطُ *зоол.* ниначи, сўзанак

– قُبَّاطٌ = قُبَّيْطٌ, قُبَّيْطَى, قُبَيْطَاءُ

قُبْطَانٌ *кўп.* قَبَاطَنَةٌ кема бошлиғи, кема капитани

I **قَبَعَ** (*а*) قَبْعٌ 1) ютоқиб ичмоқ, очкўзлик билан ичмоқ; 2) хурилламоқ, хур-хурламоқ (*чўчқа ҳақида*); бўкирмоқ, ўкирмоқ (*фил ҳақида*); 3) юлиб олмоқ, суғуриб олмоқ, тортиб олмоқ; قَبْعُ (*а*) قُبُوعٌ ўралиб (бошини беркитиб) олмоқ (*типратикон ҳақида*); ◊ فِي ~ عُقْرٍ دَارِهِ а) уйда ўтирмоқ, уйда қолиб кетмоқ; б) яширинмоқ, беркинмоқ, биқиниб олмоқ; فِي السِّجْنِ ~ қамоққа қамалмоқ, турмага ташланмоқ. فَوْقَ الْغُصْنِ ~ шохда қимирламай қўниб турмоқ (*қуш ҳақида*); V تَقَبَّعَ шляпа киймоқ

– قُبَاعٌ типратикон, хорпуштак

– قُبَاعٌ = قُبَّعٌ

– قُبَّعَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ шляпа; عَالِيَةٌ ~ цилиндр; الإِخْفَاءِ ~ *фольк.* кишини ҳеч кимга кўринмайдиган қиладиган сеҳрли қалпоқ

– قَبِيعَةُ السَّيْفِ ~ қиличнинг дастаси ёнидаги кумуш ёки темирдан қилинган тўсиқ

قَبْقَبَ 1) шишмоқ, дамланиб шишмоқ, шишиб чиқмоқ; 2) ёғоч шиппак киймоқ, ёғоч кавуш киймоқ, ҳаккилакаш киймоқ

– قَبْقَابٌ *кўп.* قَبَاقِيبُ ёғоч шиппак, ёғоч ковуш, قَبَاقِيبُ الزَّحْلَقَةِ *ёки* قَبَاقِيبُ التَّزَلُّجِ *ёки* قَبَاقِيبُ الزَّلَّاجِ конки, ролик (ғилдирак) ли конки чанги

– قَبْقَبَ қорин

– قَبْقَبَةٌ[1] дамланиш, шишиш, шиш, қаварик, гурра

– قَبْقَبَةٌ[2] отнинг қорнидан чиққан овоз

I (قبل) **قَبِلَ** (*а*) قُبُولٌ 1) қабул қилмоқ, кутиб олмоқ. هَذَا لَا يَقْبَلُ الشَّكَّ бу шубҳасиздир, бу шубҳа туғдирмайди; هذا لا يقبل الجدل бу жанжалга олиб келмайди; 2) суриштирмасдан ишонмоқ, рост деб билмоқ; ишонмоқ; унамоқ, рози бўлмоқ, кўнмоқ; 3) (*бирор н. га*) тоқат қилмоқ, бардош бермоқ, (*бирор н. га*) кўнмоқ (ب). ~ بِالْأَمْرِ الْوَاقِعِ амалдаги ишни эътиборга олмоқ; 4) (*бирор н. га*) бардош беролмай қолмоқ (ـــ). لِلصَّقِيلِ ~ силлиқ бўла олмоқ. يَقْبَلُ التَّحْزِينَةَ бўлина оладиган; يَقْبَلُ الشِّفَاءَ тузалиши мумкин бўлган; قَبِلَ (*у*) قَبَالَةً 1) (*к. гадир*) кафиллик бермоқ, кафил бўлмоқ (ب); 2) (*н. нигадир*) вақти етиб келмоқ; قَبِلَ (*у*) قُبُولٌ: هَبَّتِ الرِّيحُ ~ шамол шарқ томондан эса бошлади; قَبِلَ (*а*) قَبَالَةً чақалоқни қабул қилиб олмоқ (*туғилаётганида*); II قَبَّلَ 1) ўпмоқ, бўса олмоқ. الْأَرْضَ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ ~ *маж.* кимнингдир олдида ўзини ерга урмоқ; 2) қибла томон юрмоқ (ҳаракат қилмоқ) (*қар.* قِبْلَةٌ), 3) Юқори Миср томонга жўнамоқ, III قَابَلَ 1) қабул қилмоқ, кутиб олмоқ; 2) учратмоқ, учрашмоқ, расмий қабулда бўлмоқ; 3) ниманингдир қаршисида турмоқ; кимнингдир рўпарасида турмоқ; 4) мос келмоқ, тенглашмоқ; 5) (*н. биландир*) қиёсламоқ, солиштирмоқ (ب); 6) мукофотламоқ, мукофот бермоқ, ажрини бермоқ; (*н. нидир*) тўламоқ (ب); الْمِثْلَ بِالْمِثْلِ ~ *ёки* الْمَعْرُوفَ بِالْمَعْرُوفِ وَ الشَّرَّ بِالشَّرِّ яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтармоқ; IV أَقْبَلَ 1) интилмоқ, олдинга интилмоқ; 2) яқинлашмоқ; (*к. нингдир олдига*) келмоқ, ҳозир бўлмоқ (عَلَى), 3) ниманингдир вақти бошланмоқ (яқинлашмоқ); 4) (*к. нингдир олдига*) бормоқ, (*к. гадир*) яқинлашмоқ (عَلَى), 5) (*н. нидир қилишга*) киришмоқ (على), 6) (*н. гадир*) талаб қўймоқ (عَلَى). الْمَحْصُولُ ~ عَلَيْهِ الدُّنْيَا ҳосил мўл-кўл бўлди; ~ـــتْ унинг омади келди, унга дунё кулиб боқди; V تَقَبَّلَ 1) (*маълумот, таклиф, ташаккурнома*) олмоқ; 2) (*мас., таклифни*) қабул қилмоқ. عَمَلاً ~ шартнома асосида ишламоқ; ~ـــهُ كَأَسَاسٍ لِـــ... ниманидир ... учун асос сифатида қабул қилмоқ; اللهُ دُعَاءَهُ ~ Аллоҳ унинг дуосини мустажоб қилди (қабул қилди); 4) ўпилмоқ; VI تَقَابَلَ ўзаро рўпарама-рўпара ётмоқ (турмоқ, ўтирмоқ); қарама-қарши турмоқ; 2) қиёсланмоқ, солиштирилмоқ; 3) рўпара келмоқ, учрашмоқ, тўқнашмоқ; VII انْقَبَلَ қабул қилинмоқ; VIII اقْتَبَلَ (*к. нидир*) учратмоқ, қабул қилмоқ; X اسْتَقْبَلَ 1) (*меҳмонни*) кутиб олмоқ, қабул қилмоқ, (*меҳмонга*) пешвоз чиқмоқ; 2) (*бирор н. га*) юз тутмоқ, юз ўгирмоқ. الشَّمْسَ ~ қуёшга юзини ўгирмоқ; الطَّرِيقَ ~ йўлга тушмоқ, الْقِبْلَةَ ~ қиблага қарамоқ, қибла томон ўгирилмоқ; 3) (*н. нидир*) идишга йиғмоқ

– اسْتِقْبَالٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ 1) (*меҳмонларни*) кутиб олиш; қабул қилиш; ~ـــةُ حَفْلَةِ الـــ қабул маросими (*мас., элчихонада*) غُرْفَةُ الـــ~ـــ меҳмонхона, қабулхона; مَرَاسِمُ الـــ~ қабул тантаналари. يَوْمُ الـــ~ қабул куни; 2) *грам.* келаси замон. حُرُوفُ الـــ~ *грам.* келаси замон юкламалари (لَنْ, سَ, سَوْفَ); 3) *астр.* рўпара туриш, қуёш билан рўпарама-рўпара туриш; الْقَمَرُ فِي الـــ~ тўлган ой, тўлин ой, الْاعْتِدَالَيْنِ ~ прецессия (*икки осмоний жисмнинг рўпарама-рўпара бўлиши*), ◊ جِهَازُ الـــ~ *ёки* جِهَازٌ لَا سِلْكِيٌّ لِلـــ~ *радио* приёмник

– إِقْبَالٌ 1) олдинга чиқиш; ~ وَ إِدْبَارًا орқага ва олдинга; 2) яқинлашиш, яқин келиш; 3) қабул, учрашиш, 4) (*вақтнинг*) кириб келиши, бошланиши; 5) (*бирор н. га*) талаб, эҳтиёж (عَلَى), 6) (*бирор н. га*) қизиқиш (عَلَى); 7) ютуқ, омад, иқбол; муваффақият, катта ютуқ

– قَابِلٌ 1) қабул қилувчи, учратувчи; 2) келаётган, келгуси, келаси. الشَّهْرُ الـــ~ келаси ой; الْأَيَّامِ الـــ~ـــةِ فِي *ёки* فِي الْأَيَّامِ الـــ~ـــةِ яқин

www.ziyouz.com kutubxonasi

келгусида; 3) (*бирор н. га*) имкон берувчи (ـــلـ); 4) (*н. гадир*) яроқли (ـــلـ); ~ غَيْرُ яроқсиз; ~ لِلْأَكْلِ ёнувчан; ~ لِلْاحْتِرَاقِ еса бўладиган, ейишга яроқли; ~ لِلْالْتِهَابِ тез ёнадиган, тез ўт оладиган; ~ لِلتَّجْدِيدِ янгиланадиган; ~ لِلتَّغَيُّرِ ўзгарувчан; ~ لِلتَّلَفِ тез бузиладиган, тез айнийдиган; ~ لِلْحَلِّ ҳал қилиш мумкин бўлган, осон ҳал қилинадиган; ~ لِلشِّفَاءِ тузатса бўладиган, тузаладиган; ~ لِلْعَزْلِ алмаштирса бўладиган, алмаштириладиган; ~ لِلْكَسْرِ тез синадиган, мўрт, синувчан; ~ لِلْمَوْتِ ўладиган

– قَابِلَةٌ[1] *кўп.* قَوَابِلُ доя кампир; акушерка

– قَابِلَةٌ[2] 1) (*газ қабул қилувчи*) приёмник, газоприёмник; 2) бирор нарса тўпланадиган (йиғиладиган) жой (идиш)

– قَابِلَةٌ[3] навбатдаги тун

– قَابِلِيَّةٌ (*бирор н. га*) мойиллик, тарафдорлик, мухлислик, берилганлик (ـــلـ); 2) қобилият; ~ عَدَمُ қобилиятнинг йўқлиги; ~ التَّأَثُّرِ таъсирчанлик, тез таъсирланишлик; ~ التَّحَزُّنِ бўлиниб кетишлик; ~ الرُّؤْيَةِ кўринишлик; ~ الْقِسْمَةِ *мат.* бўлинишлик; ~ لِلْعَزْلِ алмашина олишлик; ~ الْعَوْمِ сузувчанлик; 3) иштаҳа

– قَبَالٌ (*н. нисбатан*) қаршисида, рўпарасида

– قُبَالَةٌ олдида, рўпарасида; ~ جَلَسَ ى у менинг рўпарамда ўтирди

– قَبَالَةٌ 1) кафолат, кафиллик, гаров, гарантия; 2) шартнома; иттифоқ, контракт

– قَبَالَةٌ 1) туғилаётган болани қўлга олиш; 2) доялик

– قَبْلَ ...дан олдин, ...дан илгари; ~ الْحَرْبِ урушдан илгари (олдин); ~ شَهْرٍ бир ой илгари; ~ كُلِّ شَيْءٍ ҳаммадан олдин, ҳаммасидан илгари; زَادَ عَدَدُ الْعُمَّالِ عَنْ ذِى قَبْلُ ишчилар сони илгаригига нисбатан ошди; هُوَ فِى خَطَرٍ إِلَى دَرَجَةٍ أَكْثَرَ مِنْ ذِى قَبْلُ у олдиндагига қиёслаганда кўпроқ хавф-хатар остидадир; ~ مَا التَّأْرِيخِ тарихдан илгариги, ёзма ҳужжатлар, ёдгорликлар қолмаган энг қадимги даврдаги; ~ مِنْ илгари, олдин, бундан олдин; ~ أَنْ ... *ёки* مَا ~ ...дан олдин, ...дан илгари; ~ مِنْذُ ундан олдин, ундан илгари; ~ ا илгари, олдин

– قِبَلَ ...га томон, ...га қараб, бўйлаб; ~ لِى ـــهُ دَيْنٌ у мендан қарздор; ~ مِنْ ... томонидан, ... тарафидан; ~ النَّجَّارِ بُنِيَ الْبَيْتُ مِنْ уй дурадгор томонидан қурилди; ~ الْحُكُومَةِ أُصْدِرَ الْمَرْسُومُ مِنْ фармон ҳукумат томонидан чиқарилди

– قَبَلٌ 1) бошланиш, куртак; 2) олдиндан тайёргарлик кўрмасдан бирор иш қилиш; *мед.* страбизм, ғилайлик

– قَبَلٌ куч, қувват, қудрат; ... ~ لَهُ أَنْ لا унинг ... қилишга кучи етмайди, у ...га қодир эмас

– قُبُلٌ, قَبَلٌ, قِبَلٌ олд томон, олдинги қисм; ~ مِنْ олд томондан; ~ ا *ёки* قَبَلاً *ёки* قِبَلاً олд томондан, рўпарадан

– قُبْلَةٌ *кўп* قُبُلاَتٌ, قُبَلٌ ўпич, бўса; ~ الْحَيَاةِ *сўзма-сўз:* ҳаёт бўсаси (*сувга чўккан одамни "boushe a boushe" усули билан жонлантириш, ҳаётга қайтариш*)

– قِبْلَةٌ 1) қибла; ~ ان *ик. с.* Маккаи мукаррама ва Қуддуси шариф; ~ الْأُولَى Биринчи қибла (*Қуддуси шариф*); 2) токча; 3) жануб; 4) *маж* ўзига тортувчи марказ; وَ أَصْبَحَتْ هَذِهِ الْمَدِينَةُ ~ جَمِيعِ النَّاسِ бу шаҳар барча одамларнинг эътибори қаратилган марказга айланди; وَ لَمْ تُصْبِحْ لَهُ ~ يَسْتَقْبِلُهَا у интиладиган нарса қолмади; صَارَ ~ أَنْظَارِ الْعُلَمَاءِ у олимларнинг диққат-эътибори марказига айланди; ◊ ~ أَهْلُ الْـ мусулмонлар

– قِبْلِيٌّ жанубий; قِبْلِيَّةُ ниманингдир жануб томонига; ◊ الْوَجْهُ ~ الْـ Юқори Миср

– قَبَلِيٌّ = قِبْلِيٌّ

– قَبَلِيَّةٌ қабилавий тартиб-қоида (тузилиш)

– قَبُولٌ[1] шарқ томондан эсадиган шамол (шабада)

– قُبُولٌ, قَبُولٌ[2] 1) (*н. нидир*) қабул қилиш, имкон бериш; (*н. гадир*) рози бўлиш, кўниш; 2) қабул; 3) мойиллик, лаёқат, бирор хоссага эгалик; ~ عَدَمُ التَّحَزُّنِ бўлиниш хусусиятига эга эмаслик; ~ عَدَمُ الْقِسْمَةِ бўлинмаслик

– قَبِيلٌ[1] *кўп* قُبُلٌ нав, тур, хил, сорт; ◊ ~ مِنْ каби, қабилида, ўхшаш; ~ مِنْ هَذَا الْـ шунга ўхшаш; бу томондан; وَ لَيْسَ مِنْ ~ الْمُصَادَفَةِ أَنَّ ... тасодифий эмаски, ...

– قَبِيلٌ[2] олдинда турган нарса; ◊ لاَ يُفَرِّقُ بَيْنَ ـــهِ وَ دَبِيرِهِ у қип-қизил аҳмоқ (*сўзма-сўз:* у олдидагиси билан орқадагисининг фарқига етмайди)

– قَبِيلٌ[3] *кўп* قُبَلاَءُ кафил бўлган одам, кафилга олган киши

– قُبَيْلَ ...дан бироз олдин, ...дан салгина олдин; ... ~ أَنَّ ...ишдан озгина олдин

– قَبِيلَةٌ *кўп* قَبَائِلُ қабила

– قَبِيلِيٌّ қабилавий, қабилага оид

– مُتَقَابِلٌ бир-бирига рўпара турган, бир-бирига қарама-қарши турган; дуч келувчи, рўпарадан келувчи; муқобил; ~ اقْتِرَاحٌ муқобил таклиф

– مُسْتَقْبَلٌ 1) бўлажак, келажак; 2) бўлғуси; الْـ ~ الْأَفْضَلُ (الْأَبْهَجُ) энг бахтли истиқбол; الْـ ~ هُوَ لَهُمْ келажак уларникидир; 2) *грам.* келаси замон

– مُسْتَقْبِلٌ 1) қабул қилувчи, кутиб олувчи

– مُسْتَقْبَلِيٌّ келажакка оид, келажакка тегишли, бўлғуси; شُعَرَاءُ مُسْتَقْبَلِيُّونَ бўлғуси шоирлар

– مُسْتَقْبَلِيَّةٌ футуризм

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُقَابِلٌ 1) (*н. нисбатан*) қаршисида (рўпарасида) турган; (*бирор н. га*) қарши, қарама-қарши; 2) муқобил; ~ اِقْتِرَاحٌ муқобил таклиф; فِي ~ ...га кўра, ...га қиёсланганда; قِيمَةُ الْمُسْتَوْرَدِ مِنْهَا ~ فِي الْعَامِ الْمَاضِي ... четдан келтирилган моллар қиймати ўтган йилгига қиёслаганда ...; 3) ўрнига ишлатиладиган, ўрнини босадиган; 4) эквивалент; эваз, бадал; товон, товон ўрнини қоплаш; فِي ~ أَنْ ... ...иш ўрнига, ...иш бадалига; بِالْـ~ ...га қарши, ...га зид, ...нинг акси ўлароқ; ~ (مِنْ غَيْرِ) بِلاَ бепул, бекорга, текинга; بِـ~ شَيْءٍ бирор нарсанинг бадалига

– مُقَابَلَةٌ 1) қиёслаш, солиштириш, солиштириб кўриш; 2) учрашув, учрашиш, қабул, қабулга кириш; 3) тўлов, эваз, бадал; ~ بِالْمِثْلِ *дип.* ажнабий давлатнинг чораларига жавобан унинг фуқароларига нисбатан худди шундай чораларни кўриш, репрессия; ~ بِالْمِثْلِ عَلَى أَسَاسِ الْـ ўзаро фикрлаш асосида, тенг ҳуқуқлилик асосида; ذَلِكَ ~ فِي бунинг ўрнига (эвазига); 4) *астр.* планеталарнинг Қуёшга юзма-юз туриши; 5) *мат.* тенглама; عِلْمُ الْجَبْرِ وَ الْـ~ алгебра; 6) *ад.* икки тушунча ёки образни бир-бирига қарши қўйиш (қиёслаш); сўзларнинг тегишли тартибда туриши

– مُقْبِلٌ кириб келаётган, бўлғуси, яқинлашиб келаётган; فِي الْأُسْبُوعِ الْـ~ келаси ҳафтада

– مُقَبِّلاَتٌ *кўп.* иштаҳани очадиган егулик, газак, закуска; التَّوَابِلُ وَ الْـ~ ҳар хил зираворлар

– مَقْبُولٌ 1) қабул қилинган, маъқулланган; 2) мақбул, мумкин бўлган; ~ غَيْرُ номақбул, номаъқул, қониқарсиз; ~ـَـةٌ صِيغَةٌ маъқул бўлган шакл; عَرَفَ الْـ~ مِنَ الْمَرْدُودِ маъқул ва номаъқулнинг фарқига бормоқ; 3) ёқимли; 4) "ўрта", "уч" (*мактабда қўйиладиган баҳо*); ~ تَأْلِيفٌ اعْتِيَادِيٌّ товушларнинг оҳангдошлиги; ~ عُذْرٌ узрли сабаб

– مَقْبُولِيَّةٌ маъқуллик, мақбуллик; ~ عَدَمُ номаъқуллик, номақбуллик

– مُقْتَبَلٌ: الْعُمْرِ ~ فِي навқирон ёшда, навқирон ёшликда

(قبن) II قَبَّنَ 1) тошсиз тарозида тортмоқ; 2) оғирликни қўлда чамалаб кўрмоқ

– قَبَّانٌ тошсиз тортадиган тарози; катта ҳажмли (*мас., автоюкларни тортадиган*) тарози; ~ حِمَارُ *ёки* ~ عِيرُ *зоол.* а) эшакқурт; б) бузоқбоши

– قَبَّانَةٌ 1) тарозида тортиш, тарозибонлик; 2) тарози ҳақи

– قَبَّانِيٌّ *кўп.* قَبَّانِيَّةٌ тарозибон; ~ مِيزَانُ الْـ тарози

I (قبو) قَبَا (*у*) قَبْوٌ 1) томни қубба шаклида қилмоқ; 2) эгмоқ, букмоқ; V تَقَبَّى устки кийимни (*қар.* قَبَاءٌ) киймоқ

– قَبَا *халқ.* қўпол

– قَبَاءٌ *кўп.* قَبَاوَاتٌ, أَقْبِيَةٌ 1) устки кийим; 2) халат, чакмон; إِنَّ السَّمَاءَ لاَ تُغَطَّى بِالْـ~ ойни этак билан ёпиб бўлмас (*сўзма-сўз:* осмон чакмон билан ёпилмайди)

– قُبَاءٌ *Ҳижоздаги жой номи*

– قَبَاءٌ оралиқ масофа, интервал, ора

– قَبْوٌ *кўп.* أَقْبِيَةٌ 1) қубба, гумбаз; 2) қубба шаклидаги ертўла; ~ التَّحْشِيشِ қовоқхона, наша чекиладиган жой; 3) турмадаги қийноқхона, зиндон

– قَبْوَةٌ *кўп.* قَبَوَاتٌ кичкина гумбаз; *геол.* ерости бўшлиғи

قَبُودَانٌ *кўп.* ـَـ اتٌ 1) кема қўмондони; 2) *шунингдек:* ~ مِينَاءٍ порт бошлиғи

– قَبُودَانِيَّةٌ порт бошлиғи мансаби (лавозими)

(قبى) II قَبَّى (*н. нидир*) гумбаз шаклида қурмоқ

– مَقْبِيٌّ гумбаз шаклидаги; қуббасимон

I قَتَّ (*а/у*) قَتٌّ 1) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ; ёлғон изоҳламоқ, нотўғри баён қилмоқ; 2) (*н. нисбатан*) аҳамиятини ерга урмоқ (пасайтирмоқ); II قَتَّتَ 1) йиғмоқ, тўпламоқ, жамламоқ; 2) боғламоқ, боғлам қилмоқ, бойламоқ; VIII اِقْتَتَّ илдизи билан суғурмоқ

– قَتٌّ *халқ.* сомон, похол; поя

– قَتَّاتٌ бўҳтончи, ғийбатчи; ёлғончи

– قَتَّةٌ[1] тарра

– قَتَّةٌ[2] *кўп.* قَتٌّ йўнғичқа, беда

قَتَبٌ *кўп.* أَقْتَابٌ 1) аравакаш эгари, юк эгар; 2) букур; ~ أَبُو *ёки* ~ ذُو букри

قَتَادٌ *бот.* танаси қаттиқ тиканли дарахт; مِنْ دُونِ ذَلِكَ خَرْطُ الْـ~ буни бажариш жуда қийин (*сўзма-сўз:* буни бажаришдан قَتَادٌ ни кесиш осонроқдир); ◊ مَا حَكَى مِنْ وَرَاءِ ذَلِكَ إِلاَّ شَوْكَ الْـ~ бу иш унинг учун яхшилик билан тугамади (*сўзма-сўз:* бунинг орқасидан унинг тергани قَتَادٌ нинг тикани бўлди)

– قَتَدٌ *кўп.* أَقْتَادٌ, قُتُودٌ эгарнинг ёғоч қисми

I قَتَرَ (*u, y*) قَتْرٌ бахиллик қилмоқ; (*мас., оилага*) пул бермай қўймоқ (عَلَى); II قَتَّرَ қурумсоқлик қилмоқ, ўта тежамкор бўлмоқ; IV أَقْتَرَ қашшоқлашмоқ, камбағаллашмоқ

– تَقْتِيرٌ 1) қурумсоқлик, бахиллик, ўта тежамкорлик; хасислик; 2) камбағаллик, қашшоқлик

– قَاتِرٌ хасис, бахил

– قُتَارٌ қовурилган гўштнинг ҳиди

– قُتْرٌ томон, тараф

– قَتَرَةٌ *кўп.* قَتَرٌ ғубор, чанг

– قَتِيرٌ катта қалпоқли мих

– مُقْتِرٌ камбағал, қашшоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُقَتِّرٌ 1) бахил, хасис; 2) қурумсоқ, қоқбош

I **قَتَلَ** (*у*) قَتْلٌ ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ, ҳаётдан бенасиб қилмоқ, қатл қилмоқ, نَفْسَهُ ~ ўзини ўзи ўлдирмоқ; ◊ الْجُوْعَ ~ очликни босиб турмоқ (енгмоқ); الْوَجْعَ ~оғриқни юмшатмоқ, оғриқни босмоқ; ~ الْحَمْرَةَ шаробга сув қўшмоқ; الْوَقْتَ ~ вақтни ўтказмоқ; ~ـــهُ الْحَرُّ у жуда иссиқлади, ~ـــهُ بَحْثًا ниманингдир таг-тагигача текшириб ўрганмоқ; II قَتَّلَ 1) кўпчиликни ўлдирмоқ, кўплаб ўлдирмоқ; 2) хунрезлик қилмоқ, қирғин-барот қилмоқ; III قَاتَلَ 1) курашмоқ, жанг қилмоқ, урушмоқ; 2) жанжаллашмоқ, айтишмоқ, баҳслашмоқ; قَاتَلَهُ اللّٰهُ مَا أَعْذَبَ لِسَانَهُ! Аллоҳ уни яксон қилсин, унинг тили қандай ширин! (*мақтов ифодаси*); V تَقَتَّلَ 1) ғамза қилиб юрмоқ, солланиб-солланиб юрмоқ (*аёл ҳақида* – فِي مَشْيَتِهَا); 2) (*н. нидир*) қилиш учун ҳамма имкониятни ишга солмоқ (فِي); VI تَقَاتَلَ ўзаро жанг қилмоқ, ўзаро олишмоқ; (*н. нидир деб*) жанжаллашмоқ (عَلَى); биргалашиб жанг қилмоқ; VIII اقْتَتَلَ жанг қилмоқ, курашмоқ, жанжаллашмоқ, муштлашмоқ; X اسْتَقْتَلَ жонини фидо қилмоқ, ўз жонини ҳам аямай қўймоқ, жасорат кўрсатмоқ

– قَتْلٌ хунрезлик қилиш, қирғин; جَمَاعِيٌّ ~ оммавий қирғин

– قَاتِلٌ 1) қотил, қатл қилувчи, ўлдирувчи; الْحَشَرَاتِ ~ ҳашоратларга қарши қўлланадиган заҳарли модда; 2) ўлимга олиб келувчи, ўлдирадиган; ~ـــةٌ ضَرْبَةٌ ўлим зарбаси; 3) *кўп.* قَتَلَةٌ, قُتَّالٌ қотил

– قَتَّالٌ = قَاتُولٌ

– قَاتُولِيٌّ ўлимга олиб келувчи; ўлдирувчи; ~ـــةٌ ضَرْبَةٌ ўлим зарбаси

– قَتَّالٌ ҳалокатли, ҳалокатга олиб келувчи, ўлдирадиган

– قِتَالٌ жанг, кураш

– قَتْلٌ қатл қилиш, қатл, (نَفْسِهِ) الذَّاتِ ~ ўзини-ўзи ўлдириш; قُتِلَ ~ـــهُ у ўлдирилди

– قَتْلٌ *кўп* أَقْتَالٌ ашаддий душман

– قَتْلَةٌ ўлдириш, қатл қилиш

– قِتْلَةٌ ўлдириш услуби

– قَتُولٌ ўлимга олиб келадиган, ҳалокатли

– قَتِيلٌ *кўп* قَتْلَى 1) қатл этилган, ўлдирилган, жангда ўлган, 2) (*жиноят*) қурбони; قَتَلَ ~ـــهُ у киши одам ўлдирди

– مُسْتَقْتِلٌ ўз жонини ҳам аямайдиган; жасорат билан жанг қилувчи, таптортмас

– مُقَاتِلٌ 1) жангчи; 2) жанг қатнашчиси; аскар

– مُقَاتَلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ жанг, кураш, олишув

– مُقَاتَلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ қирувчи самолёт

– مُقْتَتَلٌ жанг майдони

– مَقْتَلٌ *кўп* مَقَاتِلُ 1) қотиллик; 2) тананинг урса ўладиган жойи; ~ الْإِنْسَانِ بَيْنَ فَكَّيْهِ инсоннинг ўлимига сабаб бўладиган нарса унинг тилидир

– مُقْتَلٌ тажрибали

– مَقْتَلَةٌ хунрезлик, қирғин-барот

– مَقْتُولٌ 1) қатл этилган, ўлдирилган; 2) қурбон

I **قَتَمَ** (*у*) قَتْمٌ кўтарилмоқ (*тутун, чанг ҳақида*); II قَتَّمَ қоронғи қилмоқ, қоронғилатмоқ, қоронғилаштирмоқ; IX اقْتَمَّ қораймоқ, қора рангга кирмоқ, тўқланмоқ

– قَاتِمٌ тўқ, тўқ рангда; қора; ~ أَسْوَدُ тим қора, қопқора; ~ ظَلَامٌ тим қоронғилик

– قَتَامٌ, قَتَامَةٌ қора ранг, қоралик; қоронғилик

– قَتَامٌ = قَتَمَةٌ, قُتْمَةٌ

I **قَثَّ** (*а/у*) قَثٌّ илдизи билан суғурмоқ, таг-туби билан суғуриб ташламоқ; VIII اقْتَثَّ = I

– قُثَّاءٌ *жам* тарралар

– قُثَّايَةٌ *кўп* اتٌ ـــ тарра

– مَقْثَأَةٌ томорқа; тарра экилган полиз

– قَثَّةٌ таррага ўхшаш полиз маҳсулоти

– قَثْطَرَةٌ *кўп* قَثَاطِرُ *мед* қовуқни бўшатиш ёки қовуққа дори юбориш учун ишлатиладиган асбоб, катетер

I (قحّ) **قَحَّ** (*а/у*) قُحُوحَةٌ, قَحَاحَةٌ 1) соф бўлмоқ, тоза бўлмоқ; насли тоза бўлмоқ, насаби тоза бўлмоқ, зотли бўлмоқ; 2) йўталмоқ

– قُحٌّ *кўп* أَقْحَاحٌ ҳақиқий, тоза, соф, асил; насл-насаби улуғ, зотдор

– قُحَّةٌ йўтал

– وقح *қар.* قحة

I **قَحَبَ** (*у*) قَحْبٌ 1) одобсизлик қилмоқ, уят иш қилмоқ; 2) йўталмоқ (*туя, от ҳақида*)

– قَحْبَةٌ *кўп* قَحَابٌ фоҳиша, бузуқи, ғар

I (قحط) **قَحَطَ** (*у*) قَحْطٌ арчимоқ, қирмоқ, артмоқ, тозаламоқ; قَحِطَ (*а*) قَحَطٌ қурғоқчилик бўлмоқ, қуруқ келмоқ, ёмғирсиз бўлмоқ (*йил ҳақида*); ~ الْمَطَرُ ёғин бўлмади, ёғингарчилик бўлмади; II قَحَّطَ 1) арчимоқ, қирмоқ, артмоқ, тозаламоқ; 2) ўсимликни чанглатмоқ; IV أَقْحَطَ = قَحِطَ

– قَاحِطٌ[1] қуруқ, қурғоқ, қурғоқчил, ёмғирсиз

– قَاحِطٌ[2] *кўп* قَوَاحِطُ бульдозер

– قَحْطٌ 1) қурғоқчилик, ёмғирсизлик; ~ـــهُ كَأَنَّهُ مَطَرٌ بَعْدَ الْـ қурғоқчиликдан кейинги ёмғирдек; 2) очлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

– قَحْطَانُ *ат. оп, мз.* Қаҳтон (*жанубий арабларнинг отаси*); بَنُو ~ жанубий араблар; ~ لُغَةٌ жанубий араб тили

– قَحْطَانٌ оч қолган, қорни оч; очкўз, мечкай, суқ

– قَحْطَانِيٌّ жанубий араблар вакили

I قَحَفَ (*а*) قَحْفٌ 1) бошга урмоқ, бошга саваламоқ; 2) биратўла ичмоқ, бир нафасда ичмоқ, сипқармоқ, қоқламоқ; 3) ўзи билан оқизиб кетмоқ, ювиб кетмоқ (*сел ҳақида*)

– قُحَافٌ *кўп.* قَحْفٌ шиддатли оқим

– قَحْفٌ *кўп.* قُحُوفٌ 1) бир бош хурмоси бор бўлган шох; 2) қўпол одам, тарбия кўрмаган; қўпол

– قَحْفٌ *кўп.* قُحُوفٌ, أَقْحَافٌ, قَحَفَةٌ 1) бош суяги, бош косаси, бош суягининг (*саккиздан бири*); 2) ёғочдан ишланган идиш

I قَحِلَ (*а*) قَحْلٌ *ёки* قَحَلَ (*а*) قُحُولٌ қуруқ бўлмоқ, қуримоқ, қақшамоқ; الشَّيْخُ ~ чолнинг эти суягига ёпишиб қолди; IV أَقْحَلَ 1) қуритмоқ, сувини қочирмоқ; 2) чўлга айланмоқ, сувсизликдан ҳаёт асари тугамоқ; V تَقَحَّلَ = I

– إِنْقِحْلٌ қари, жуда кекса

– قَحِلٌ, قَاحِلٌ қуриган, қуруқ, қақшаган; унумсиз, ҳосил бермайдиган

– قَحْلٌ ~ شَيْخٌ жуда кекса одам

– قَحَلٌ қуруқлик, сувсизлик; ҳосилсизлик, унумдорликнинг йўқлиги

– قَحْلَاءُ *мн.* қуриган, қақшаган; ~ أَرْضٌ унумсиз ер

– قَحَلٌ = قُحُولَةٌ

I قَحَمَ (*у*) قُحُومٌ бостириб бормоқ, тўппа-тўғри бормоқ, мардларча ташланмоқ; сапчимоқ, ҳамла қилмоқ; ташланмоқ; II قَحَّمَ ташлатмоқ, ҳамла қилдирмоқ; мардларча от солмоқ; IV أَقْحَمَ 1) (*н. нидир қаергадир*) киритмоқ, суқмоқ, тиқмоқ (فِي ,عَلَى); (*бирор н. га*) тортмоқ, жалб қилмоқ (فِي); қўшмоқ, аралаштирмоқ; 2) (*н. нидир к. гадир*) боғламоқ, ўраб-чирмамоқ, тақмоқ (عَلَى); ... نَفْسَهُ إِلَى ~ (*қаергадир*) бурнини тиқмоқ; V تَقَحَّمَ (*бирор ерга*) мардларча ташланмоқ (فِي); VII اِنْقَحَمَ жасорат билан олдинга ташланмоқ; VIII اِقْتَحَمَ 1) (*к. нингдир, н. нингдир устига*) мардона ташланмоқ, (*к. нингдир, н. нингдир устига*) ўйлаб ўтирмасдан ташланмоқ; 2) (*тўсиқни*) босиб ўтмоқ, эгалламоқ, ўлим хавфи бўлса ҳам (*н. нингдир*) орасидан ўтмоқ, ёриб ўтмоқ; *ҳарб.* жанг билан енгмоқ, штурм қилмоқ; الْأَخْطَارَ ~ хавф-хатарни енгмоқ, хавф-хатарга назарписанд қилмай қарамоқ; الْجَوَّ ~ *ав.* ҳавони (баландликни) бўйсундирмоқ; الدَّارَ (الْحُجْرَةَ) ~ ҳовли (хона)га бостириб кирмоқ; ~ الْعِقَابَاتِ тўсиқларни енгиб ўтмоқ; 3) синдирмоқ, бузмоқ, бузиб ташламоқ; أَبْوَابَ الْغُرْفَةِ ~ хона эшикларини бузмоқ; أَبْوَابًا ~ مَفْتُوحَةً *маж.* ҳаммага маълум нарсани ҳадеб маъқулламоқ (*сўзма-сўз.* очиқ эшикни итармоқ); 4) ҳазар қилмоқ, нафратланмоқ; تَقْتَحِمُهُ الْعَيْنُ (*к. гадир*) қарашга жирканади киши

– اِقْتِحَامٌ 1) мардлик, жасорат, баҳодирлик; 2) штурм, ҳужум, атака; 3) жиловланмаганлик; 4) эҳтиётсизлик; бемаънилик

– قُحْمَةٌ *кўп.* قُحَمٌ хавфли иш, хавфли ўйин; қийинглик, қийинчилик

– مِقْحَامٌ *кўп.* مَقَاحِيمُ жасур, баҳодир, мард, қўрқмас

– مُقْحَمَاتٌ *кўп.* қўшиб қўйилган элементлар, қўшимча нарсалар

وقح *қар.*

قَحْوَانٌ *кўп.* أَقَاحِيُّ *жам.* 1) *шунингдек:* أَصْفَرُ ~ мойчечак; 2) дасторгул; 3) хризантема

قَدْ 1) (*ўтган замон феъли олдида*), *шунингдек:* ~ لَـ ёки ~ فَـ энди, аллақачон; 2) (*ҳозирги-келаси замон олдида*) баъзан, гоҳо, эҳтимол, мумкин; бироз, бирмунча; يَتَأَخَّرُ هَذَا الْعَمَلُ ~ бу иш бирмунча сурилади шекилли

I قَدَّ (*а/у*) قَدٌّ 1) кесмоқ, кесиб майдаламоқ, тилим-тилим қилиб кесмоқ, (*мас., мармардан*) ўйиб нақш солмоқ; йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; الدُّنْيَا ~ а) дунёни кезмоқ; б) тажрибали бўлмоқ; II قَدَّدَ (*қуритиш учун*) тилим-тилим қилиб кесмоқ; (*гўштни, балиқни*) қуритмоқ, консерва қилмоқ; V تَقَدَّدَ майда-майда қилиб кесилмоқ; 2) йиртилмоқ, йиртиқ бўлмоқ; 3) қуримоқ; VII اِنْقَدَّ йиртилиб кетмоқ; VIII اِقْتَدَّ майда бўлакларга бўлмоқ, кесмоқ

– قَدٌّ *кўп.* قُدُودٌ 1) қомат, қад, гавда; 2) ўлчов, меъёр, миқдор; عَلَى ~ унинг размерида, унга мос келадиган; унга рост; مَا ~ қанчалик, нечоғлик

– قَدْ *халқ* миқдор, меъёр; عَلَى ~ لِحَافِكْ (بِسَاطِكْ) مَدِّ رِجْلَيْكْ қанча, *мкл.* кўрпангга қараб оёқ узат; ~ إِيهْ *ёки* ~ إِيهْ *халқ* қанча, ~ دُ *халқ* унга ўхшаб, у каби

– قَدٌّ *шунингдек* ~ سَمَكٌ балиқ турларидан бири, треска

– قَدٌّ *кўп.* أَقُدٌّ камар, тасма; қамчин

– قِدَّةٌ *кўп.* قِدَدٌ 1) камар, тасма; 2) тахтача, планка; *мед.* тахтакач; 3) бўлак, бурда, тилим; 4) турли дунёқарашдаги одамлар гуруҳи; 5) йўналиш, маршрут

– قَدِيدٌ бўлиб-бўлиб қуритилган гўшт; حَصَلَ بِشِقِّ الْأَنْفُسِ عَلَى ~ ...ـنْ қатта қийинчилик билан тирикчилик қилмоқ (*сўзма-сўз.* жонни қийнаб-қийнаб қуриган гўштга эга бўлмоқ)

– مُقَدَّدٌ қуритилган; ~ اللُّحُومُ الـ гўшт консервалари; خُبْزٌ ~ (عَيْشٌ) бўғирсоқ

– مُقَدَّدَاتٌ *кўп.* гўшт ёки балиқ консерваси

I قَدَحَ (*а*) قَدْحٌ 1) чақмоқлаб ёндирмоқ; تْ عَيْنَاهُ الشَّرَرَ ~ *кўч. м.* кўзларидан ўт чақнаб кетди; زِنَادَ فِكْرِهِ ~ *маж.* бутун диққат-эътиборини қаратмоқ; 2) (*к. нидир*) таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ, ёмонламоқ (فِي); обрў-эътиборини пасайтирмоқ (فِي); 3) еб илма-тешик қилмоқ, еб ташламоқ (*қурт ҳақида*); 4) қиздирмоқ, эритмоқ, السَّمْنَ ~ (*товада*) ёғни қиздирмоқ (эритмоқ); VII اِنْقَدَحَ учқун

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқмоқ; VIII اِقْتَدَحَ олов ёндирмоқ, учқун чиқармоқ: اَلْأَمْرَ ~ *маж.* масалани яхшилаб фикрламоқ

– قَادِحٌ 1) чақмоқ тош билан ўт чиқарувчи, учқун чиқарувчи; قَصَّةٌ ~ــةٌ *маж.* қизиқарли қисса; 2) отиш қуролларида тепкининг пистон чақадиган учи, найзаси, боёк

– قَادِحَةٌ *кўп.* قَوَادِحُ қурт

– قَدَّاحٌ 1) чақмоқтош; кремен; 2) тошга ишқаб учқун чиқарувчи

– قَدَّاحَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) зажигалка; 2) милтиқ чақмоғи

– قَدْحٌ ёмонлаш, ҳақоратлаш, ҳақорат, таҳқир

– قَدَحٌ *кўп.* أَقْدَاحٌ 1) стакан; 2) қадаҳ, бокал, рюмка; 3) қадаҳ (*1/96 ардаб, қар* أَرْدَبٌ *ёки 2,0625 литрга тенг бўлган ҳажм ўлчов бирлиги*; ~ الـــ نِصْفُ 1/2 *қадаҳ* (قَدَحٌ) *ёки 1, 0312 литрга тенг ҳажм ўлчов бирлиги*)

– قِدْحٌ *кўп* أَقْدُحٌ, قِدَاحٌ 1) ўқ (*камондаги – ўйин учун*): ضَرَبَ الْـــ ~ الْمُعَلَّى الْقِدَاحَ ўққа қараб фол очиш; 2) ютуқнинг улуши; صَاحِبُ الْـــ ~ الْمُعَلَّى ютуқнинг энг катта улуши: биринчи ўрин, биринчи мукофот; لَهُ الْـــ ~ الْمُعَلَّى *ёки* ذُو الْـــ ~ الْمُعَلَّى биринчи ўрин соҳиби; الْمُعَلَّى فِي هٰذَا الْعَمَلِ *маж.* бирор ишда бош бўлмоқ, бошчилик қилмоқ

– قَدْحَةٌ ёгда қовурилган саримсоқ, лози

– قُدَيْحٌ *бот.* косача (*мас., гулдаги*)

– مِقْدَحَةٌ *кўп* مَقَادِحُ зажигалка; حَجَرُ الْـــ ~ зажигалкадаги чақмоқтош

I قَدَرَ (*u*) قُدْرَةٌ, قَدْرٌ 1) (*н. дир қилиш*) қўлидан келмоқ (*н. нидир қилишга*) кучи етмоқ (عَلَى); تَقْدِرُ عَلَى أَنْ تُمَيِّزَ الْغَثَّ مِنَ السَّمِينِ яхши-ёмоннинг фаркига дурустгина етади; 2) (*к. гадир*) ўлчаб кўрмоқ; ~تُ عَلَيْهِ الثَّوْبَ унга кийимни ўлчаб кўрдим; ◊ إِذَا عَمَّ عَلَيْكُمُ الْهِلَالُ فَاقْدِرُوا لَهُ *ҳад.* агар тугаётган ойни булут босган бўлса (ва уни кўришга имкон бўлмаса), ўттизинчи кунни ҳам эътиборга олинглар (*рамазон ойида*); عَلَى الْعِيَالِ ~ аҳли аёлларига муносабатда хасис бўлмоқ; II قَدَّرَ 1) аниқламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ; ҳажмини ўлчаб кўрмоқ; миқдорини айтиб бермоқ; 2) баҳоламоқ, баҳо қўймоқ, нарх белгиламоқ; тақдир этмоқ, тан бермоқ; لَا يُقَدَّرُ بِثَمَنٍ бебаҳо; هُ حَقَّ قَدْرِهِ ~ кимгадир тўғри баҳо бермоқ; الضَّرَائِبَ ~ солиқлар миқдорини аниқламоқ; 3) (*к. нидир бирор н. билан*) тақдирламоқ; 4) тахмин қилмоқ, гумон қилмоқ; фаҳмламоқ, кўзда тутмоқ; 5) (*жамоатчилик фикрини*) ҳосил қилмоқ (шакллантирмоқ); 6) тақдирни олдиндан белгиламоқ, аниқламоқ; ... قَدَّرَ لَهُ أَنْ унинг пешонасига ...иш насиб қилган; مَا قَدَّرَ يَكُونُ пешонага ёзилгани бўлади; اللهُ ~ لَا худо кўрсатмасин!, худо асрасин!; IV أَقْدَرَ 1) олдиндан белгиламоқ, пешонага ёзмоқ; 2) (*к. нингдир*) қобилиятини (*бирор томонга*) ривожлантирмоқ (عَلَى), 3) (*к. гадир н. нидир қилишга*) имкон бермоқ, имконият яратмоқ (عَلَى); تَقَدَّرَ V 1) аниқланмоқ, белгиланмоқ; 2) тайёрламоқ, ҳозирламоқ; VII اِنْقَدَرَ рост келмоқ, мос келмоқ, тўғри келмоқ (*мас., кийим*) VIII اِقْتَدَرَ қўлидан келмоқ, кучи етмоқ; عَلَى نَفْسِهِ ~ кучга киримоқ, куч йиғмоқ; X اسْتَقْدَرَ اللهَ خَيْرًا ~ Аллоҳдан эзгуликларни насиб этишни сўрамоқ; اسْتَقْدِرِ اللهَ خَيْرًا! Аллоҳдан эзгуликлар сўранг!

– اقْتِدَارٌ 1) куч, ғайрат; 2) иқтидор, талант; ~ ـٍ маҳорат билан; 3) қодирлик, қурби етиш

– أَقْدَرُ энг кучли, энг қудратли; энг иқтидорли, энг моҳир

– تَقْدِيرٌ *кўп* تَقَادِيرُ 1) меъёрни аниқлаш (ҳисоблаш); 2) (*хизматни*) тақдирлаш; баҳо бериш; ا~ لِفَضْلِهِ унинг хизматини тақдирлаш сифатида; الْمَوْقِفِ ~ вазиятни аниқлаш, вазиятга баҳо бериш. 3) тахмин, фараз: تَحْمِينِ ا~ тахминан; 4) *грам.* сўз тартиби; 5) *линг.* сўзнинг тушиб қолиши; ◊ عَلَى أَقَلِّ الـــ ~ ақалли, лоақал, ҳеч бўлмаса

– تَقْدِيرَاتٌ *кўп* смета

– تَقْدِيرِيٌّ тақдирлашга оид; جَائِزَةٌ ~ــةٌ тақдирлаш мукофоти

– قَادِرٌ 1) кучли қудратли; 2) (*бирор н. га*) қобилиятли (عَلَى); غَيْرُ ~ а) кучсиз, қувватсиз; б) қобилиятсиз; ◊ بِقُدْرَةِ ~ жуда катта куч билан

– قَدْرٌ *кўп.* أَقْدَارٌ 1) миқдор, ҳажм, меъёр; даража; қадр-қиймат; ҳад; هُ ~ *ёки* هُ عَلَى ... миқдорича; عَلَى ~ الْكِسَاءِ مَدَّ رِجْلَيْهِ кўрпага қараб оёқ узатмоқ; 2) тақдир, қадар, қисмат; ~ الـــ سُورَةُ *Қур.* Қадр сураси (*97 сура*); لَيْلَةُ الـــ Лайлату-л-қадр, Қадр кечаси (*рамазон ойининг 27-кечаси*); عَلَى ~ الْحَاجَةِ керак бўлган миқдорда, керак бўлганича; عَلَى ~ الْإِمْكَانِ *ёки* عَلَى ~ الْإِمْكَانِيَّةِ *ёки* ~ қуч етганича, имкон борича; ... مَا ~ بِـــ ... ~ بِـــ бўлишига қараб, ...га мувофиқ равишда; мумкин қадар, мумкин бўлганича; ~ مَا بِـــ رَخُصَ إِنْتَاجُ الطَّاقَةِ الذَّرِّيَّةِ بِـــ~ مَا يَتَّسِعُ بِنَاءُ الْمَحَطَّاتِ الْكَهْرَذَرِّيَّةِ атом энергияси ишлаб чиқаришнинг арзонлашишига мувофиқ равишда атом электростанцияларини қуриш кенгая боради; ~ مَا تَسْتَطِيعُ بِـــ ~ مَا اسْتَطَاعَ *ёки* عَلَى ~ مَا اسْتَطَاعَ кучи етганича; اسْتِطَاعَتِكَ بِـــ~ кучинг етганича

– قَدَرٌ *кўп* أَقْدَارٌ тақдир, қадар; الْـــ ~ الْمَحْتُومُ қочиб қутилиб бўлмайдиган ниҳоя, ўлим; ا~ قَضَاءً وَ بِالْقَضَاءِ وَ الـــ ~ *ёки* ўз-ўзидан, тасодифан; тақдир тақозоси билан; الْاعْتِقَادُ بِالْقَضَاءِ وَ الـــ~ фатализм

– قَدْرٌ *из мн. кўп.* قُدُورٌ тувак, қозон, қозонча

– قَدْرَةٌ *кўп* قِدَرٌ тувак; қозонча, кўза

– قَدَرَةٌ кўзача

www.ziyouz.com kutubxonasi

– قُدْرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) куч, қувват, қудрат; ~ اَلْمَصْنَعِ завод қуввати; 2) қобилият; ~ عَلَى الْعَمَلِ ишга яроқлилик; ~ عَلَى عَدَمُ ~ اَلْعَمَلِ ишга яроқсизлик; ~ اَلدَّوْلَةِ عَلَى الدِّفَاعِ мамлакатнинг ўзини мудофаа қила олишлиги; ~ قِتَالِيَّةٌ ~ دِفَاعِيَّةٌ мудофаа қобилияти; ~ عَلَى الشِّرَاءِ ~ شِرَائِيَّةٌ *ёки* харид қилиш қобилияти

– قَدَرِيٌّ *кўп.* قَدَرِيَّةٌ 1) *тар.* қадарий (*исломдаги инсон эркини ҳимоя қилувчи оқим тарафдори*); 2) *фалс.* детерминист

– قَدَرِيَّةٌ: ~ اَلْـــ а) *тар.* Қадарийя, қадарийлик (*исломдаги инсон эркини ҳимоя қилувчи оқим; сол.* اَلْجَبْرِيَّةُ); б) *фалс.* детерминизм

– قَدِيرٌ 1) қудратли, кучли; ҳамма нарсага қодир (*Аллоҳ*); 2) қобилиятли, қўлидан келадиган

– مُقْتَدِرٌ 1) қудратли, кучли; 2) қобилиятли, қўлидан келадиган; ~ عَلَى الْعَمَلِ меҳнатга лаёқатли; 3) ўзига тўқ, давлатманд, бадавлат

– مِقْدَارٌ *кўп.* مَقَادِيرُ 1) миқдор, сон; ~ سَاعَةَ бир соатча, لَنْ يُؤَثِّرَ هٰذَا ~ دَرَّةَ عَلَى (فِي) ... бу ...га заррача таъсир қилмайди; 2) *мат.* миқдор; ◊ ~ مَا ـــ а) ... миқдорича, ... миқдорида; б) ...нинг боришига қараб, ...га мувофиқ равишда; ~ بِهٰذَا الْـــ шу миқдорда

– مِقْدَرٌ1) аниқловчи, белгиловчи; ~ اَلْمَسَافَةِ узоқликни ўлчовчи, дальнометр

– مُقَدَّرٌ 1) аниқланган, белгиланган; нархи белгиланган; 2) назарда тутилган, фараз қилинган; 3) олдиндан аниқлаб қўйилган, олдиндан ҳал қилинган; ~ اَلْعَدَدُ الْـــ тасдиқланган (зарур бўлган) миқдор, ... أَنْ ~ مِنَ الْـــ шу нарса олдиндан ҳал этиб қўйилганки...

– مُقَدَّرَاتٌ *кўп.* қадриятлар; ~ اَلْأُمَّةِ халқ қадриятлари

– مَقْدَرَةٌ, مَقْدِرَةٌ, مَقْدُرَةٌ 1) куч, қудрат; 2) (*қўшин*) сони, адади, потенциал; 3) қобилият; ~ اَلدَّوْلَةِ عَلَى الدِّفَاعِ мамлакатнинг мудофаа қобилияти; ◊ مَالِيَّةٌ ~ моддий бойлик, бойлик, мол-мулк

– مُقَدَّرٌ 1) олдиндан белгилаб (аниқлаб) қўйилган; 2) имкони бор, мумкин, ... كَانَ فِي ~ أَنْ ...га имкони бор эди, ...(и)ши мумкин эди, ... لَيْسَ فِي ~ أَنْ ...га имкони йўқ, ҳеч ким ...ни ҳила олмайди; 3) *кўп.* مَقَادِيرُ тақдир

I قَدُسَ (*у*) قَدَاسَةً муқаддас бўлмоқ, муқаддаслашмоқ II قَدَّسَ 1) муқаддас ҳисобламоқ, муқаддас деб билмоқ, муқаддас деб эълон қилмоқ; 2) бағишламоқ, табаррук қилмоқ; !اَللّٰهُ سِرَّهُ ~ унинг тупроғи табаррук бўлсин! (*бирор вафот этган авлиё ёки тақводор одамга нисбатан айтилади*); V تَقَدَّسَ 1) муқаддас билиб ҳурматламоқ; 2) муқаддасланмоқ

– تَقْدِيسٌ 1) буюк ҳурмат, улуғлаш; муқаддаслаш; 2) бағишлаш; 3) қадрлаш, табаррук ҳисоблаш; 4) поклаш, покизалаш

– قَادُوسٌ *алиф.б.қ.*

– قُدَّاسٌ *кўп.* اتٌ, قَدَادِيسُ ـــ ибодат (*христианларда*); ~ اَلْمَيِّتِ ўлганга жаноза ўқиш

– قَدَاسَةٌ 1) муқаддаслик; 2) ҳазрат, жаноб (*христиан руҳонийлари исми олдига қўшиб айтиладиган сўз*); ~ صَاحِبُ الْـــ اَلْبَطْرِيرَكُ патриарх жаноблари; ~ اَلْمَطْرَانُ митрополит ҳазратлари; папа жаноблари (*Рим папаси*)

– قُدْسٌ муқаддаслик, бенуқсонлик, беқусурлик; ◊ ~ اَلْأَقْدَاسِ муқаддасларнинг муқаддаси; ~ بَدْلَةُ الْـــ *черк.* ибодат пайтида христиан руҳонийлари киядиган либос; ~ اَلْـــ Қуддуси шариф; ~ حَظِيرَةُ الْـــ жаннат

– قُدُسٌ муқаддаслик; ~ رُوحُ الْـــ а) муқаддас руҳ (*христианларда*); б) Жаброил алайҳиссалом (*ислом динида*)

– قُدْسِيَّةٌ муқаддаслик

– قُدُّوسٌ муқаддас, авлиё; 2) пок, покиза; Аллоҳ таолонинг исми-шарифларидан бири

– قِدِّيسٌ муқаддас; авлиёларнинг исмига қўшиб айтиладиган сўз (*христианларда*)

– مُتَقَدِّسٌ муқаддас, муқаддаслашган

– مَقْدِسٌ *кўп* مَقَادِسُ қадамжо, зиёратгоҳ, ибодатхона; ~ بَيْتُ الْـــ Қуддуси шариф

– مُقَدَّسٌ 1) муқаддас, авлиё; дахлсиз; ~ اَلْكِتَابُ الْـــ *черк.* Муқаддас китоб; ◊ اَلْأَرْضُ الْـــةُ Фаластин (*сўзма-сўз:* Муқаддас Ер), اَلْأَرَاضِي الْـــةُ Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара; ~ اَلْبَيْتُ الْـــ Қуддуси шариф 2) *кўп.* ـــ авлиёлар ўтган жой, қадамжо

– مُقَدِّسٌ Қуддуси шарифга келган зиёратчи

– مَقْدِسِيٌّ 1) Қуддус шаҳрига оид; 2) қуддуслик киши

I قَدَعَ (*а*) قَدْعٌ (*н. дандир*) ушлаб қолмоқ, тўхтатиб қолмоқ (عَنْ), VI تَقَادَعَ ёпирилмоқ, ташланмоқ

I قَدَفَ (*и*) قَدْفٌ (*сон* قَذْفٌ) 1) отмоқ, ирғитмоқ, этиб юбормоқ; 2) эшкак билан эшмоқ, II قَذَّفَ = I 1)

I (قدم) قَدِمَ (*а*) قَدُومٌ, مَقْدَمٌ 1) (*бирор жойга*) келмоқ, етиб келмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. га*) журъат этмоқ, ботинмоқ, жасорат қилмоқ, бормоқ (عَلَى), قَدَمَ (*у*) قَدَمٌ олдинда бормоқ; олдинда бўлмоқ; олдинламоқ, قَدُمَ (*у*) قِدَمٌ эски бўлмоқ, қадимги бўлмоқ; II قَدَّمَ 1) муқаддима қилмоқ, кириш сўзи билан бошламоқ; ~ اَلْكِتَابَ *ёки* ~ اَلْكِتَابَ китобга кириш сўзи ёзмоқ; 2) (*н. дандир*) олдин бажармоқ (عَلَى), كَمَا ~ سَابِقًا олдин айтиб ўтганимиздек; 3) олдинга сурмоқ; ~ رِجْلاً وَ أُخْرَى أُخْرَى а) оёқни зўрға кўтариб босмоқ; б) қатъиятсизлик кўрсатмоқ; ~ اَلثَّمَنَ олдиндан тўлаб қўймоқ; ~ اَلسَّاعَةَ عِشْرِينَ دَقِيقَةً соатни йигирма минут олдинга суриб қўймоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ـــت السَّاعَةُ соат олдинлаб кетибди; ~ مُرَشَّحًا (*к. нидир*) номзод қилиб кўрсатмоқ; 4) ривожлантирмоқ, ўстирмоқ, кўтармоқ; 5) тақдим қилмоқ; ~ أَوْرَاقَ اعْتِمَادِهِ إِلَى ... ишонч ёрлиғини топширмоқ (тақдим этмоқ); ~ اسْتِقَالَتَهُ истеъфо бермоқ; ~ خِدْمَةً хизмат кўрсатмоқ, ёрдам қилмоқ; ~ الشَّكْوَى шикоят қилмоқ; ~ لِلْمُحَاكَمَةِ судга бермоқ; 6) тортиқ қилмоқ; ~ مُسَاعَدَةً (*к. гадир*) ёрдам қилмоқ (ـــ); 7) таклиф қилмоқ; ~ ثَمَنًا баҳо (нарх) таклиф қилмоқ; 3) (*к. нидир к. гадир*) таништирмоқ (ـــ لـــ *ёки* عَلَى *ёки* إِلَى); ~ نَفْسَهُ إِلَى ... а) кимнингдир ихтиёрига келмоқ; б) кимгадир ўзини танитмоқ; 9) (*к. дандир*) афзал (ортиқ) кўрмоқ (عَلَى); 10) бош қилиб қўймоқ, бошлиқ қилмоқ; IV أَقْدَمَ олдинга чиқмоқ; (*н. нидир*) олдинга сурмоқ (ب); 2) (*бирор н. га*) киришмоқ (عَلَى); (*бирор н. га*) журъат этмоқ, журъат кўрсатмоқ (عَلَى); (*бирор н. га*) жасорат билан ташланмоқ (عَلَى); (*к. нидир к. нингдир олдига*) олиб келмоқ (إِلَى); V تَقَدَّمَ 1) олдинга чиқмоқ (сурилмоқ); 2) биринчи ўринда юрмоқ, олдинда юрмоқ (бўлмоқ); ~ بِهِ السِّنُّ ёши ўтмоқ, қаримоқ; 3) олдинга ҳаракат қилмоқ, ривожланмоқ, прогрессив бўлмоқ; ~ كَمًّا وَ كَيْفًا миқдор ва сифат жиҳатидан ривожланмоқ; 4) (*бирор к. ёки н. нинг*) олдига яқин келмоқ, яқинлашмоқ (إِلَى, مِنْ); ~ بَيْنَ يَدَيْهِ кимнингдир олдида ҳозир бўлмоқ; 5) (*к. гадир бирор масалада*) мурожаат қилмоқ (ب, إِلَى); ~ بِاقْتِرَاحٍ таклиф киритмоқ; 6) (*к. гадир*) тушмоқ, келмоқ (*қоғоз, шикоят ҳақида* – إِلَى); 7) тақдим (таклиф) қилмоқ; ◊ ~ كَمَا илгари айтилганидек; ~ مَا ўтган, ўтиб кетган; VI تَقَادَمَ эски бўлмоқ, қадимги бўлмоқ, эскирмоқ; ~ عَلَيْهِ الْعَهْدُ у қариб қолди; X اسْتَقْدَمَ 1) келишни сўрамоқ, илтимос қилмоқ; 2) чақирмоқ, таклиф қилмоқ, талаб қилмоқ (مِنْ)

– إِقْدَامٌ 1) (*н. нидир бажаришга*) киришиш (عَلَى); ~ وَ إِحْجَامٌ (*бирор масалада*) иккиланмоқ, қатъиятсиз бўлмоқ (مِنْ); 2) жасорат, ботирлик, мардлик

– أَقْدَمُ энг қадимги, энг эски

– أَقْدَمُونَ *кўп.* ~ـــ қадимги халқлар

– أَقْدَمِيَّةٌ 1) катталик, юқорилик, биринчилик; 2) стаж

– تَقَادُمٌ *шунингдек* ~ الزَّمَنِ қадимийлик, ~ الْعَهْدِ а) қадимийлик, б) кексалик; ~ بِالـــ *юр.* вақт ўтганлиги (эскирганлиги) сабабли

– تَقَادُمِيٌّ *юр.* вақт ўтганлигига асосланган

– تَقَدُّمٌ 1) олдинга ҳаракат қилиш; силжиш, ҳаракат қилиш; олдинга ўтиш, олдинлаш; 2) тараққиёт, прогресс; 3) катталик, улуғлик; биринчилик, биринчи ўрин; ~ فِي السِّنِّ кексалик, ёши улуғлик

– تَقْدِمَةٌ *кўп.* ـــات, تَقَادِمُ тортиқ, ҳадя; 2) қурбон; 3) муқаддима, сўзбоши

– تَقَدُّمِيٌّ 1) олдинги, илғор, прогрессив; ~ـــة الْإِنْسَانِيَّةُ илғор инсоният; 2) илғор фикрли одам

– تَقَدُّمِيَّةٌ прогрессивлик

– تَقْدِيمٌ 1) олдинга суриш, олдинга чиқариш; 2) (*мас., таклиф*) киритиш; 3) тақдим этиш, тақдим; 4) (*к. нидир к. гадир*) таништириш (ـــ لـــ *ёки* عَلَى); 5) тортиқ қилиш, тортиқ; 6) сўз боши, муқаддима; ◊ ~ وَ لَا تَأْخِيرٍ эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас – икки ойдан кейин

– قَادِمٌ келаётган, кириб келаётган, олдинда турган, навбатдаги; бўлажак, келгуси; ~ـــة الْأَجْيَالُ الْ келгуси авлодлар; ~ الشَّهْرِ الْـــ келаси ойда

– قَادِمَةٌ *кўп.* قَوَادِمُ 1) олдинги қисм; 2) *кўп.* (*қуш қанотининг*) олдинги патлари

– قُدَّامٌ олд. олд томон, олдинги қисм; ~ـــهُ унинг олдида

– قُدَّامَانِيٌّ олдинги, олдинда турган

– قَدَمٌ *мн. мз. кўп.* أَقْدَامٌ 1) оёқ тағи, оёқ кафти; оёқ; ~ طِبُّ الْأَقْدَامِ оёқ қадоқларини кесиш, педикюр; 2) қадам; ~ـــ الْـــ *қар.* سَمْتٌ; 3) фут (*узунлик ўлчови, тахминан 30 см. га тенг*); ~ مُرَبَّعَةٌ квадрат фут; ◊ مَشَى ~ـــ لـــ (*бирор киши билан*) кадам бақадам юрмоқ (مَعَ); عَلَى أَطْرَافِ قَدَمَيْهِ оёқ учида; ~ عَلَى الْاسْتِعْدَادِ тайёр бўлмоқ, шайланиб турмоқ; ~ لَهُ رَاسِخٌ فِي الطِّبِّ у тиббиётнинг катта билимдонидир; ~ عَلَى الْمُسَاوَاةِ тенглик асосида; وَضَعَهُ مَعَ ... عَلَى ~ الْمُسَاوَاةِ кимнидир ким биландир тенглаштирмоқ; وَ ضَعَهُ إِيَّاهُ عَلَى ~ الْمُسَاوَاةِ бировни биров билан тенглаштирмоқ

– قَدَمًا тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракат қилиш; ~ـــ тўғрига, олдинга; ~ـــ فِي ... سَارَ (*маъно*) (*бирор масалада*) олдинга ҳаракат қилмоқ (силжимоқ)

– قِدَمٌ қадим замон; ~ـــ қадим замонда

– قَدَمٌ 1) қадим замон, 2) абадийлик; 3) муддат, муҳлат; катталик, юқорилик, стаж; 4) эскирганлик; ◊ ~ـــ مُنْذُ الْـــ *ёки* مِنَ الْـــ узоқ замондан

– قَدَمَةٌ 1) поданинг олдида юрадиган қўй; 2) *арх.* бино деворининг пастки қисми, сокол; пойдевор

– قَادُومٌ, قَدُومٌ[1] *кўп.* قَوَادِيمُ 1) болға; 2) ўроқранда, теша (*сол.* قَادُومٌ *алиф б.қар*)

– قَدُومٌ[2] *кўп.* قُدُمٌ жасур, мард, қўрқмас

– قَدُومٌ етиб келиш; келиш, кириб келиш; пайдо бўлиш

– قُدُومِيَّةٌ[1] *кўп.* ـــات — сўқмоқ йўл, тоғдаги ёлғизоёқ йўл

– قُدُومِيَّةٌ[2] пешқадамлик, биринчилик

– قَدِيمٌ *кўп.* قُدَمَاءُ, قُدَامَى 1) эски, кўҳна, қадимги; الْمِصْرِيُّونَ الْقُدَمَاءُ қадимги мисрликлар; الْقُدَمَاءُ қадимги халқлар; الْمُحَارِبُونَ

www.ziyouz.com kutubxonasi

الْعُمَّالُ الْقُدَمَاءُ *ёки* الْـ~ قُدَامَى уруш фахрийлари; 2) меҳнат фахрийлари; 2) қадимдан қолган, антик; 3) тўзиган, эскирган; ◊ الضُّبَّاطُ الْقُدَامَى катта командирлар состави; مُنْذُ الْـ~ *ёки* مِنَ الْـ~ узоқ вақтдан буён; فِي الْـ~ *ёки* ~ илгари, қадимда; الْعَهْدُ الْـ~ Таврот; الْـ~ абадий, мангу (*Аллоҳ сифатларидан бири*)

– قَيْدُومٌ 1) олдинда турган, олдинги; 2) раҳбар, йўлбошчи; 3) السَّفِينَةِ ~ кеманинг олд қисми

– مُتَقَادِمٌ эски; الْعَهْدِ ~ қадимги

– مُتَقَدِّمٌ 1) олдинда борувчи; 2) бундан олдинги; 3) олдинлаб кетувчи; ривожланувчи, илғор; 4) бўшаб қолган мансабга (амалга) даъвогар; 5) бошлиқ; (الْعُمْرِ) فِي السِّنِّ ~ ёши ўтиб қолган, ёши бир жойга борган; ذِكْرُهُ الْـ~ юқорида эслаб ўтилган

– مِقْدَامٌ *кўп.* مَقَادِيمُ мард, жасур, қўрқмас

– قُدُومٌ = مِقْدَمٌ

– مُقْدَمٌ (*кеманинг*) олд қисми

– مُقْدَمٌ الْعَيْنِ ~ кўзнинг бурунга яқин қисми

– مُقَدَّمٌ 1) олдинга қўйилган, 2) заколат (аванс) сифатида тўланган; الْمَصْدَاقِ ~ қалиннинг биринчи қисми; ~ олдиндан, аванс сифатида, заколат сифатида; 3) (*кеманинг*) олдинги қисми; 4) бошлиқ, раҳбар, йўлбошчи; 5) *ҳарб.* подполковник; майор (*Ливанда*); 6) *грам.* антецедент; ◊ وَضَعَ مَسْأَلَةً فِي الْـ~ масалани олдинга қўймоқ

– مُقَدِّمٌ 1) тақдим қилувчи, узатувчи; الطَّلَبِ ~ ариза берувчи; ~ بَرْنَامَجٍ (*кечани, концертни*) олиб борувчи, конферансье; مُقَدِّمُوهُ فُلَانٌ وَ فُلَانٌ وَ فُلَانٌ يَتَعَرَّضُ لَكُمْ مَا يَلِي мазкурни тақдим қилувчи фалончи, писмадончи ва бошқалар сизга шуни маълум қиламизки.

– مُقَدِّمَةٌ *кўп.* ~ات 1) (*кема, поезд ва ҳ. к. ларнинг*) олдинги қисми, 2) эшик олди, кираверши, муқаддима, кириш, дебоча; 3) (*битимнинг*) кириш қисми; 4) хулоса асоси; الْـ~ وَ النَّتِيجَةُ *адab.* асос ва хулоса; 5) *мат.* теорема; 6) авангард, олдинги қисм

I (قدو) قَدَا ~ ширин тамли бўлмоқ, тами ширин бўлмоқ; قَدِيَ (*а*) قَدَاوَةً = قَدَا; II قَدَّى етмоқ, етарли бўлмоқ, кифоя қилмоқ; VIII اقْتَدَى (*к. нингдир*) орқасидан (изидан) бормоқ, орқасида бўлмоқ (ب); (*к. гадир*) тақлид қилмоқ (ب); иқтидо қилмоқ (ب)

– اقْتِدَاءٌ тақлид қилиш, изидан бориш (ب)

– قُدْوَةٌ, قِدْوَةٌ, قَدْوَةٌ тақлид қилиш объекти, тақлид қилинадиган нарса

– قَدِيٌّ *мажал.* тотли, ширин, таъми ширин

(قدر) I قَدُرَ (*у*) قَدَارَةً ифлос бўлмоқ, ифлосланмоқ; قَذِرَ (*э*) قَذَرٌ ёмон кўрмоқ, жирканмоқ; II قَذَّرَ ифлос қилмоқ, ифлослантирмоқ; V تَقَذَّرَ ёмон кўрмоқ, жирканмоқ; X اسْتَقْذَرَ ҳаром (ифлос, мурдор) ҳисобламоқ

– قَاذُورَاتٌ *кўп.* чиқинди, ахлат, нажас

– قَاذُورَةٌ *кўп.* ~ات ярамас иш, бемаъни қилиқ

– قَذَارَةٌ ифлослик, нопоклик

– قَذَرٌ *кўп.* أَقْذَارٌ = قَذَارَةٌ

– قَذِرٌ ифлос, кир, ҳаром; الْحَرْبُ الْـ~ةُ жирканч уруш

– قَذُورَاتٌ *кўп.* = قَاذُورَاتٌ

– مَقَاذِرُ *кўп* = قَاذُورَاتٌ

I قَذَعَ (*а*) قَذْعٌ сўкмоқ, уришмоқ, койимоқ; III قَاذَعَ ўзаро уришишмоқ, сўкишишмоқ; жанжаллашмоқ; IV أَقْذَعَ (*к. нидир*) сўкмоқ, уришмоқ, таҳқирламоқ (*туш. к. ёки* لـ)

– قَذِيعَةٌ сўкиш, таҳқирлаш

– مُقْذِعٌ сўкувчи, уришувчи, таҳқирловчи; كَلِمَاتٌ ~ةٌ ҳақоратомуз сўзлар; сўкиш сўз

– مُقْذِعَاتٌ *кўп.* таҳқирлаш, сўкиш

I قَذَفَ (*и*) قَذْفٌ 1) (*н. нидир*) ирғитмоқ, отмоқ, итқитмоқ, улоқтирмоқ (*туш. к. ёки* ب); 2) ташламоқ, ташлаб юбормоқ; ~ بِالْقَنَابِلِ бомбардимон қилмоқ, бомба ташламоқ; ~ بِهِ إِلَى (فِي) кимнидир кўчага ҳайдамоқ, кўчага улоқтирмоқ (*уй соҳиби ҳақида*); 3) қўпормоқ, қўпориб олмоқ; 4) (*к. нидир*) айбламоқ, ёмонламоқ, ёмонга чиқармоқ (فِي); (*к. гадир*) бўҳтон қилмоқ (فِي); ~ عَلَنًا فِي حَقِّهِ кимнидир ошкора бадном қилмоқ, иснод қилмоқ; 5) эшкак эшмоқ; ◊ ~ السَّحَّةَ فِي قَلْبِهِ кимнингдир юрагига ўт ташламоқ; ~ فِي قَلْبِهِ الرُّعْبَ кимнингдир юрагига хавф солмоқ; II قَذَّفَ эшкак эшмоқ; VI تَقَاذَفَ 1) (*н. нидир*) бир-бирига ўзаро отишмоқ (ب); ~ الْأَمْوَاجُ тўлқинлар уни ҳар томонга тортиб кетди; 2) бир-бири билан айтишмоқ, сўкишмоқ; VII انْقَذَفَ (*бирор томонга*) ирғитилмоқ, отилмоқ, урилиб кўрилмоқ

– قَذِيفٌ эшкак эшиш

– قَاذِفٌ 1) ирғитувчи, отувчи; قَاذِفَاتُ اللَّهَبِ *ҳарб.* ўтсочар, огнемёт; 2) ташловчи, ташлаб юборувчи; قَاذِفَاتُ الْقَنَابِلِ бомбардимончи (*самолётлар ҳақида*); قَاذِفَاتُ الْأَلْغَامِ миномет; 3) сўкувчи, таҳқирловчи

– قَاذِفَةٌ *кўп.* ~ات бомбардимончи

– قَاذُوفٌ 1) ёй; 2) камонга ўхшаш қадимий қурол, арбалет

– قَذَّافٌ отувчи, ирғитувчи, ташловчи

– قَذْفٌ 1) ирғитиш, отиш, улоқтириш; الْجُلَّةِ ~ *спорт.* ядро ирғитиш; الْقَنَابِلِ بِالْـ~ 1) бомбардимон қилиш; 2) таҳқирлаш, бўҳтон қилиш, ҳақоратлаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– قُذْفَةٌ *кўп.* قَذَافٌ, قُذَفَاتٌ, قُذُفٌ балкон; айвон

– قَذَفِيٌّ бўхтоннамо, таҳқирли

– قَذِيفَةٌ *кўп.* قَذَائِفُ тўп ўқи. замбарак ўқи; отилган снаряд; ракета, قَذَائِفُ مُوَجَّهَةٌ (مُسَيَّرَةٌ) ~ حَارِقَةُ الدُّرُوعِ бронтешар снаряд; бошқариладиган снарядлар; قَذِيفَةٌ كَوْنِيَّةٌ مُوَجَّهَةٌ ~ бошқариладиган космик ракета; ~ كـ انْطَلَقَ *маж.* ўқдек учиб кетмоқ

– مِقْذَافٌ *кўп.* مَقَاذِيفُ эшкак; ◊ بَيْتُ الـ~ эшкак қулоғи (*қайиқ ёнига эшкак ўрнатиладиган айри*)

– مِقْذَفٌ *кўп* مَقَاذِفُ эшкак

– مَقْذُوفٌ 1) ташланадиган; 2) ташлаб юбориладиган, ирғитиладиган; улоқтириладиган; 3) (*гильзасиз*) снаряд, бомба; ~ نَارِيٌّ отиладиган снаряд, ўқ; سَهْمِيٌّ ~ стабилизаторли снаряд

– مَقْذُوفَاتٌ *кўп.* (*заҳарли моддалар ва ҳ. к. лар билан тўлдирилган*) снарядлар, бомбалар

قَذَالٌ *кўп.* أَقْذِلَةٌ, قُذُلٌ энса. гардан

– قَذَالِيٌّ энсага, гарданга оид

– قَذَلٌ нуқсон, камчилик, айб

I **قَذِيَ** (*а*) قَذًى чўп тушмоқ, чанг тушмоқ; ~ تِ الْعَيْنُ кўзга бир нарса тушди; II قَذَّى кўзга ниманидир туширмоқ, кўзни ифлос қилмоқ; 2) (*кўздаги ёки сувдаги*) гардни олиб ташламоқ, IV أَقْذَى = II 1); 2) чанг туширмоқ, гард туширмоқ, чўп туширмоқ

– قَذَاةٌ *кўп.* قَذًى (*кўзга тушган*) гард; رَأَى الـ~ فِي عَيْنِ أَخِيهِ وَ *қар.* جِذْعٌ; فِي الْعَيْنِ ~ *кўч. м.* ошга тушган пашша

– قَذًى *жам. кўп* أَقْذَاءٌ, أَقْذَايَةٌ чўп. хас, гард; ~ أَغْضَى عَلَى الـ хафачиликни яширмоқ (*сўзма-сўз:* хас тушган кўзни юммоқ)

– قَذِيٌّ гард тушган, хас тушган; رَجُلٌ ~ الْعَيْنِ кўзига бирор нарса кирган одам

I (قرّ) **قَرَّ**[1] (*а/и*) قَرَارٌ 1) қолмоқ, қарор топмоқ; (*қаергадир*) кўчиб келмоқ, турғун бўлиб қолмоқ (ب ,في); 2) тўхтамоқ, тинмоқ, босилмоқ, тинчиб қолмоқ; لَهُ ~ قَرَارٌ у тинчиди; 3) дам олмоқ; 4) иқрор бўлиб, бўйнига олмоқ, эътироф қилмоқ; 5) хирилламоқ, хур-хур қилмоқ; гулдирамоқ, қулдирамоқ; بَطْنُهُ ~ تْ унинг қорни қулдирамоқда; ◊ ... رَأْيُهُ عَلَى ~ у шундай хулосага келдики, ...; قَرَّ[2] (*u/a, u*) قُرٌّ 1) совуқ бўлмоқ, совимоқ, салқин бўлмоқ; 2) мусаффо бўлмоқ, тозаланмоқ; ◊ عَيْنُهُ ~ تْ *ёки* عَيْنًا ~ у (*н. дандир*) мамнун (ب); II قَرَّرَ 1) қарор қилмоқ, ҳал қилмоқ, келишмоқ; *юр.* муҳокамага қўймоқ, тавсия қилмоқ; 2) аниқламоқ, белгиламоқ; يُقَرِّرُ الشَّعْبُ مَصِيرَهُ халқ ўз тақдирини ўзи белгилайди; 3) тасдиқламоқ, тасдиқлаб бермоқ; 4) қайд қилмоқ, таъкидламоқ; الْوَاقِعَ ~ фактни қайд қилмоқ; 5) тайинламоқ, жорий қилмоқ; 6) доклад қилмоқ; ҳисобот тақдим қилмоқ; 7) гувоҳлик бермоқ (*судда-гувоҳ ҳақида*); бўйнига қўймоқ, тан олдирмоқ; 8) жойлаштирмоқ; 9) совутмоқ, салқин қилмоқ; III قَارَّ ҳаракатсиз бўлмоқ, турғун бўлмоқ, ҳаракатсиз ўтириб қолмоқ; IV أَقَرَّ 1) ўрнатмоқ, қўймоқ; 2) (*к. нидир қаергадир*) жойлаштирмоқ, ўрнаштирмоқ (في); 3) (*қарорни*) тасдиқламоқ; 4) (*н. нидир*) бўйнига олмоқ, тан олмоқ (ب), (*н. нидир*) эътироф қилмоқ (ب); ~ بِالْحَقِّ ҳақиқатни тан олмоқ; ~ بِالْجَمِيلِ кимгадир миннатдорлик изҳор қилмоқ; 5) тозаламоқ, янгиламоқ; (*к. нидир*) хурсанд (мамнун) қилмоқ; ~ عَيْنَهُ кўзни қувонтирмоқ; V تَقَرَّرَ 1) ўрнатилмоқ, барқарор бўлмоқ; 2) қарор қилинмоқ, ҳал қилинмоқ; X اسْتَقَرَّ 1) тасдиқ бўлмоқ, тасдиқланмоқ; قَرَارٌ ~ қарор қатъийлашди, қатъий тусга кирди; مَعْنَى شَيْءٍ ~ ниманингдир маъносини аниқламоқ, 2) (*қаергадир*) жойлашмоқ, ўрнашмоқ (في); ~ فِي مَكَانِهِ жойлашиб ўтириб олмоқ; 3) мустаҳкам (барқарор) бўлмоқ, стабиллашмоқ; 4) хотиржам бўлмоқ, кўнгли жойига тушмоқ; 5) ҳаракатсиз бўлмоқ; 6) кўчмас бўлмоқ (*мулк ҳақида*)

– اسْتِقْرَارٌ 1) ҳаракатсизлик; 2) барқарорлик, стабиллик, мустаҳкамлик; ~ عَدَمُ беқарорлик, чидамсизлик; ~ الْأَحْوَالِ вазиятнинг барқарорлашиши

– إِقْرَارٌ 1) йўл қўйиш, рухсат бериш; 2) ўрнатиш, жорий қилиш; ~ السَّكِينَةِ тинчитиш, яраштириш, битиштириш; ~ السَّلَامِ тинчликни барқарорлаштириш, 3) тан олиш, эътироф қилиш; ~ السُّكُوتُ مِنَ الـ сукут – аломати ризо (*сўзма-сўз:* сукут сақлаш эътироф қилишдандир); ~ جُمْرُكِيٌّ *савдо.* божхонада бож олиниши керак бўлган моллар декларацияси; 4) жойлаштириш, ўрнаштириш; 5) иқрор қилиш

– تَقْرِيرٌ *кўп.* ~ اتٌ ,تَقَارِيرُ 1) қарор; 2) доклад, ҳисобот; ~ الْمَصْرِفِ банк ҳисоботи; ~ سَنَوِيٌّ йиллик ҳисобот; 3) билдириш, билдиришнома; ~ قَدَّمَ (*бирор н. ҳақида*) рапорт тақдим қилмоқ (عَنْ); ◊ ~ الْمَصِيرِ а) тақдирни аниқлаш; б) ўз тақдирини ўзи белгилаш

– قَارٌّ 1) совуқ, салқин; 2) ҳаракатсиз, турғун

– قَارَّةٌ *кўп* ~ اتٌ ـــ қитъа, материк; ~ السَّوْدَاءُ Африка; ~ الْقَارَّاتُ الْخَمْسُ дунёнинг беш қитъаси; ~ حَافَّةُ الـ~ السَّادِسَةُ олтинчи қитъа (Антарктида); қитъанинг сув чегараси

– قَارِّيٌّ қитъа (материк) га оид; ~ الْجَرْفُ الـ~ *қар.* جَرْفٌ; ~ الـ~ النِّظَامُ *тар.* континентал система

– قَارُورَةٌ *кўп* 1) бутилка; 2) *кўч. м.* аёл киши, رِفْقًا بِالْقَوَارِيرِ *кўч. м.* аёлларга муносабатда юмшоқ бўлайлик!

– قُرٌّ[1] совуқ; салқин

– قُرٌّ[2] يَوْمُ الـ~ қурбонликдан кейинги кун

– قُرٌّ совуқлик, салқинлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

– كَهْرَبَائِيٌّ 1. электрик, электрга оид; ~ نُورٌ электр нури; الطَّاقَةُ الْـ~ـَةُ электр энергияси; ~ آلَاتٌ ~ـَةٌ электр асбоблари; ~ مَائِيٌّ гидроэлектрик; 2 электрчи, электротехник; ~ الْمَصَاعِدِ электротехник, лифтлар бўйича мутахассис

– كَهْرَبَائِيَّةٌ электр; الدِّينَامِيكِيَّةُ الْـ~ динамик электр; الْـ~ السَّاكِنَةُ статик электр; ~ مِكْشَافُ (كَشَّافُ) الْـ~ электроскоп

– كَهْرَبَةٌ 1) электрлашиш; 2) электрлаштириш

– كَهْرَبِيٌّ электрик; التَّحْلِيلُ الْـ~ электролиз; التَّيَّارُ الْـ~ электр токи; الشَّحْنَةُ الْـ~ـَةُ электр сиғими; السَّعَةُ الْـ~ـَةُ электр заряди; الْعَازِلُ الْـ~ диэлектрик; الْقَاطِرَةُ الْـ~ـَةُ электровоз; الْكِيمِيَاءُ الْـ~ـَةُ электрокимё; الْمِثْقَبُ الْـ~ электробур (*ер кавлайдиган қурилма*); الْمُجَمِّعُ الْـ~ *ел.* аккумулятор; الْمُحَرِّكُ الْـ~ электромотор; الْمِرْوَحَةُ الْـ~ـَةُ электр вентилятори (*елпиғич*); الْمِصْبَاحُ الْـ~ электр чироғи; الْإِعْدَامُ الْـ~ электр курсисидаги қатл

– كَهْرَبِيَّةٌ электр; الْإِيجَابِيَّةُ الْـ~ мусбат электр; السَّلْبِيَّةُ الْـ~ манфий электр

– كَهْرَبٌ *кўп.* اتٌ ~ـَ *қар.*

– مُكَهْرَبٌ электрланган, электрик заряд олган; الْحَالَةُ الْـ~ـَةُ *кўч. м.* чирсиллаб турган шароит, портлаш олдида турган ҳолат

كَهْرَحَرَارِيٌّ электротермик; مَحَطَّةٌ ~ـَةٌ иссиқлик электр станцияси

كَهْرَذَرِّيٌّ электроатомга оид; الْمَحَطَّةُ الْـ~ـَةُ атом электр станцияси

كَهْرَطِيسٌ электромагнит

– كَهْرَطِيسِيٌّ электромагнитга оид; الْأَمْوَاجُ الْـ~ـَةُ электромагнит тўлқинлари

– كَهْرَطِيسِيَّةٌ электромагнитизм

كَهْرَمَائِيٌّ гидроэлектрик; مَحَطَّةٌ ~ـَةٌ гидроэлектростанция

كَهْرَمَانٌ каҳрабо; الْـ~ الْأَسْوَدُ қора каҳрабо, гагат

كَهْرَمْغْنَاطِيسٌ электромагнитга оид

– كَهْفٌ *кўп.* كُهُوفٌ ғор; чуқурлик; ~ رِئَوِيٌّ *мед.* каверна (*бирор ички аъзодаги, мас., ўпкадаги, тешик*); ◊ أَهْلُ ~ الْـ أَصْحَابُ الْـ *еки қур.* аҳлул-каҳф (*горга яширинган етти художўй*)

I كَهَلَ (*у*) كُهُولَةٌ катта бўлмоқ; етук ёшга чиқмоқ; III كَاهَلَ = I; VIII اكْتَهَلَ етуклик ёшига бормоқ

– كَاهِلٌ *кўп.* كَوَاهِلُ елка; гардан; ◊ ثَقُلَ ~ـُهُ بِالْمَسَائِلِ кимнидир саволлар билан қийнамоқ, безовта қилмоқ; أَلْقَى (نَقَضَ) عَنْ ~ـِهِ الْقُيُودَ ўз елкасидан кишанларни олиб ташламоқ

– كَهْلٌ *кўп.* كُهُولٌ, كُهْلَانٌ етук ёшга борган; ўрта яшар (*30 дан 50 гача*)

– كُهُولَةٌ, كُهُولِيَّةٌ етуклик, етук ёш

كَهَامٌ 1) чарчаган, ҳорган; 2) кучсиз, мадорсиз, мўнкиллаб қолган; 3) бечора, одамнинг раҳми келадиган; 4) ўтмас (*мас., қилич*)

– كَهَامَةٌ 1) кучсизлик, ҳорганлик, чарчоқлик; 2) ўтмаслик

I (كهن) كَهَنَ (*а*) كَهَانَةٌ башорат қилмоқ, олдиндан айтмоқ; كَهُنَ (*у*) كَهَانَةٌ коҳин, руҳоний бўлмоқ; V تَكَهَّنَ 1) коҳин, руҳоний бўлиб олмоқ; 2) башорат қилмоқ, (*н. нидир*) олдиндан айтмоқ, олдиндан кўрмоқ (ب)

– كَاهِنٌ *кўп.* كَهَنَةٌ, كُهَّانٌ 1) коҳин, руҳоний; кашиш; رَئِيسُ الْكَهَنَةِ *библ.* бош коҳин, бош руҳоний, الْمُتَقَدِّمُ فِي الْكَهَنَةِ протопресвитер (*христианларда юқори мансабдаги руҳоний*); 2) башоратчи, олдиндан айтувчи, келажакдан хабар берувчи

– كَهَانَةٌ башорат қилиш, олдиндан айтиш, келажакдан хабар бериш

– كَهَانَةٌ коҳинлик

– كُهْنَجِيٌّ *кўп.* كُهْنَجِيَّةٌ эскифуруш, эски-туски билан савдо қилувчи

– كُهْنَةٌ 1. эскирган, кийилган; 2. эски-туски нарсалар

– كَهَنُوتٌ = كَهَانَةٌ; ~ رِجَالُ الْـ руҳоний кишилар

– كَهَنُوتِيٌّ коҳинликка оид; руҳонийликка оид

– كَهِينٌ айёр, қув, муғомбир, ҳийлагар, маккор, фирибгар, устамон

كَوَافِيرُ аёллар сартароши

كُوبٌ *кўп.* أَكْوَابٌ стакан; қадаҳ; пиёла; حَامِلُ الْـ~ стакандон

– كُوبَةٌ 1) стакан, пиёла; 2) кели (ўғир) дастаси; кичкина келидаста; 3) шахмат; 4) карт. таппон

كُوبَلْتٌ = كُوبَالْتٌ

كُوبَرْتَه = كُوبَرْتَا

www.ziyouz.com kutubxonasi

كُبْرِي = كُوبْرِي

كُوبْسٌ эл. эрийдиган сақлағич, плавка

كُوبَلْتٌ *кимё* кобальт

كُوبُونٌ *кўп.* اتٌ ـــ купон; اَلْأَقْمِشَةِ ~ мато парчаси, қирқим, қийқим

كُوبِيَا нусха, копия; ~ حِبْرُ الْـــ нусха кўчирадиган сиёҳ

كُوتٌ қирғоқ (соҳил) даги қишлоқ

كُوتْشَيْنَةٌ (*ўйналадиган*) карта

كُوَيْتِيٌّ 1. Кувайтга оид; اَللَّهْجَةُ الْـــ~ـــةُ Кувайт лаҳжаси, шеваси; ~ الدِّينَارُ الْـــ Кувайт динори; 2. кувайтлик одам

كَوْثَرٌ[1] 1. сероб, мўл-кўл, маъмур; ~ الْـــ *қур.* Ал-Кавсар (*жаннатдаги дарё*); 2. сероблик, мўл-кўллик; ~ لَمْ يَرَ مِثْلَهُ مِنْ الْحَنَانِ у она эркалатишини билмади (кўрмади)

– كَوْثَرٌ[2] бағри кенг улуғ одам

كَوْثَلٌ ем-хашак, емиш

كَوْثَلَةٌ 1) ҳосил; 2) мўллик, мўл-кўллик, маъмурлик, сероблик

كُوخٌ *кўп.* أَكْوَاخٌ кулба, каталак

(كوح) III كَاوَحَ сўкишмоқ, бақиришмоқ, қаттиқ овоз билан муомала қилмоқ; VI تَكَاوَحَ бир-бирига ёмонлик қилмоқ, ўзаро адоватда бўлмоқ

I (كود) **كَادَ** (*а*) كَوْدٌ яқин бўлмоқ, бирор нарса арафасида турмоқ (*нақ бўлмаса, деярли (сўзлари маъносини ифодалайди)*); ~ يَمُوتُ у нақ бўлмаса ўлаёзган эди; فَمَا ~ يُبْعِدُهُ عَنْ ... حَتَّى у ...дан уни деярли узоқлаштирганда, бирдан ...; ~ كَمَا ذَاعَ أَوْ деярли ҳамма ёққа тарқалган каби; II كَوَّدَ устма-уст қалаштирмоқ, тўпламоқ

– بِالْـــ~: كَادٌ деярли

– كَوْدَةٌ тўп, тўппак

كَوْدَنٌ *кўп.* كَوَادِنُ арғумоқ; зотли учар от

(كور) I كَارَ (*у*) كَوْرٌ ўрамоқ, айлантирмоқ; اَلْعِمَامَةَ ~ саллани ўрамоқ; II كَوَّرَ 1) юмалоқламоқ, юмалоқ, шарсимон шакл бермоқ; 2) ўрамоқ, айлантириб ўрамоқ; اَلْعِمَامَةَ ~ салла ўрамоқ; كُوِّرَ ўралмоқ, туғилмоқ; إِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ *қур.* агар қуёш нур сочишдан тўхтаса, ...; V تَكَوَّرَ 1) юмалоқланмоқ, шарсимон шаклга кирмоқ, 2) ўралмоқ, айланиб ўралмоқ; تَكَوَّرَتِ الْعَاصِفَةُ فَوْقَ رَأْسِهِ *маж.* унинг бошига булутлар тўпланди

– كَارَةٌ туғун, боғлам

– كَوَارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ كَوَائِرُ ари уяси, ини

– كَوَّارَةُ النَّحْلِ: ~ асал муми

– كَوْرٌ *кўп.* أَكْوَارٌ салланинг бошдаги бир айланиши

– كُورٌ *кўп.* أَكْوَارٌ, كِيرَانٌ 1) темирчилик ўчоғи, дам босқон, 2) туя эгари

– كُورَةٌ *кўп.* كُورٌ 1) туман, район, округ, вилоят (область); 2) шар

– مَكْوَارٌ *кўп.* مَكَاوِيرُ таёқ, сўйил, тўқмоқ, гаврон (*Ироқда*)

– مَكْوَرَةٌ салла

كُورَالٌ хор, хорал (*кўп овоз бўлиб айтиладиган қўшиқ ва шу шаклдаги мусиқа асари*)

كَوْرَجَةٌ *ёки* بِالْـــ~: كُورَجَةٌ умуман, бутунлай; бир бутунҳолда

كُورْدُونٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) тасма; лента, 2) кордон (гуруҳ); ~ صِحِّيٌّ саломатик (санитар) кордони (гуруҳи)

كُورْسٌ хор

كُورْسِيهَاتٌ *кўп* كُورْسِيهٌ корсет, белдамча, қуллоб

كُورَنْتِينَةٌ, كُورَنْتِيَا карантин (*касаллик тарқалмаслиги учун вақтинча ажратиб қўйиш*)

كُورْنُو *муз* карнай

كُورْنِيشٌ 1) карниз; 2) соҳил

كُورِيرَةٌ *халқ* вабо, ўлат, холера

كُورِيكٌ курак, белча

كُوزٌ *кўп* أَكْوَازٌ, كِيزَانٌ кўза; ◊ اَلدُّرَّةِ ~ маккажўхори сўтаси; ~ الصَّنَوْبَرِ арча (санобар) ғуддаси

– مُكَوَّزٌ узунбўй, дароз, новча, узун, найнов

(كوس) II كَوَّسَ ағдармоқ, тўнтармоқ, тес томонини ўгирмоқ

– كُوسٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) ноғора; 2) *тех.* учбурчак (*ром, эшик кабиларнинг бурчагига қоқиладиган темир*)

كُوسَا, كُوسَى *шунингдек:* كُوسَةٌ كَبِيرَةٌ *жам. бот.* салла ошқовоқ; қовоқча (*кабачка – ошқовоқнинг чўзинчоқ майда бир тури*)

– كُوسَايَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ салла ошқовоқ; қовоқча

كُوسَجٌ қилич балиқ

كُوسْمُوبُولِيتِيٌّ 1. космополитик, 2. космополит

بِالْـــ~: كُوسْمُوبُولِيتِيَّةٌ космополитизм

كُوشَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ 1. кат, қалавот; 2. никоҳга кираётганлар учун мўлжалланган тахт (*христианларда*); 3. гўшанга

– كُوشَةٌ[2] *кўп.* كُوشٌ хумдон, печ (*мас., оҳак пиширадиган*)

(كوع) II كَوَّعَ тирсакка таяниб ётмоқ

– كُوعٌ *кўп* أَكْوَاعٌ, كِيعَانٌ 1) тирсак; 2) букилма, чағаноқ (*трубадаги*), 3) *анат* билакнинг панжага бирлашадиган жойи

I (كوف) **كَافَ** яқин бўлмоқ, бирор нарса арафасида бўлмоқ (*деярли, зўрға, нақ бўлмаса каби сўзлар маъносини билдиради*); ~ لَا يَحْرُؤُ النَّظَرَ عَلَيْهَا у унга (*мн.*) қарашга зўрға юрак қилади; V تَكَوَّفَ тўпланмоқ, тўп, тўппак ҳосил қилмоқ

– كُوفَةٌ қизил қум

– كُوفِيٌّ 1. куфий; الْخَطُّ الْـــ куфий хати, куфий ёзуви; 2. *тар.* грамматикларнинг куфий мактаби вакили

– كُوفِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — 1) ипак рўмол (*уқол – қар.* عُقَالٌ *ердамида бошни бекитадиган*); 2) (*атрофига салла ўраладиган*) сўпи дўппи

كُوكٌ *шунингдек:* ~ فَحْمٌ кокс; مَصْنَعُ الْـــ кокс заводи

كُوكَايِينٌ кокаин

كَوْكَبٌ *кўп.* كَوَاكِبُ 1) еритқич, юлдуз, сайёра: الْكَوَاكِبُ الثَّابِتَةُ қўчмас юлдузлар; الْكَوَاكِبُ السَّيَّارَةُ сайёралар; نِظَامُ الْكَوَاكِبِ юлдузлар системаси; الْـــ الْأَرْضِيُّ Ер; (الصُّبْحِ) الْـــ *астр.* Зуҳра (Венера); 2) оқ (*кўздаги*); 3) нур, ёғду: ~ الْوَضَّاءَةِ жаннатнинг нури; ~ الْأَرْضِ талк (*оқ еки кўкиш рангли минерал*); ~ السَّيْفِ нарсаларнинг энг каттаси

– كَوْكَبَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) юлдуз: юлдузлар туркуми; 2) отряд, эскорт; бўлинма; *ҳарб.* эскадрон; الْـــ الثُّرَيَّا ярқишунослар плеядаси

– كَوْكَبِيٌّ 1. 1) юлдузларга оид, кавкабий: ~ بَيْنَ юлдузлараро; 2) космополитик; 2. космополит

كُولٌ еқа; قَلَّابَةُ ~ қайирма еқа

كَوْلَانٌ, كُولَانٌ *бот.* 1) попишак; 2) қамиш

كُولْخُوزٌ *кўп.* اتٌ — колхоз

– كُولْخُوزِيٌّ 1. колхозга оид; 2. колхозчи

كُولِيسْتِرِينٌ холестерин

كُولُودٌ = كَيْلُودٌ

كُولُونْيَا *шунингдек:* ~ مَاءُ одеколон

كُولُونْيَالِيَّةٌ: الْـــ колониализм; الْـــ الْجَدِيدَةُ неоколониализм янги колониализм

كُولُونِيلٌ *кўп.* اتٌ — полковник

كُولِيرَا холера (вабо, ўлат)

كُولِيسٌ *кўп.* كَوَالِيسُ кулиса (*саҳна орқаси*); الْـــ (وَرَاءَ) خَلْفَ саҳна орқасида; *кўч. м.* махфий, яширин

(كوم) II كَوَّمَ йиғмоқ, бир жойга тўп қилмоқ, бир-бирининг устига ташламоқ; тўппак қилиб йиғмоқ; V تَكَوَّمَ 1) тўп бўлиб йиғилмоқ, устма-уст бўлиб ташланмоқ; 2) ўралиб, жипслаииб, юмалоқ бўлиб тўпланмоқ

– كَوْمٌ *кўп.* أَكْوَامٌ тўп, тўппак: ~ بَالَغَ بِالْـــ тўп-тўп қилиб сотмоқ

– كَوْمَةٌ, كُومَةٌ *кўп* أَكْوَامٌ, كِيمَانٌ тўп: ~ مِنْ جِلْدٍ وَ عَظْمٍ қоқ тери ва суяк

– كُوَيْمَةٌ кичикина тўппак

كُومْبِينَةٌ *кўп.* اتٌ — комбинат: ~ الْمَعَادِنِ металлургия комбинати

كُومْسَارِيٌّ *кўп.* كُومْسَارِيَّةٌ кондуктор

كُومْسُومُولٌ: الْـــ *тар.* комсомол

– كُومْسُومُولِيٌّ *тар.* 1. комсомолга оид; 2. комсомол аъзоси

كُومِسْيُونٌ (*сол.* قُومِسْيُونٌ,) *кўп* اتٌ — комиссия

كُومَانْدَانٌ *кўп.* اتٌ — комендант; қўмондон

كُومَنْوَلْثٌ: الْـــ Британия ҳамдўстлиги

كُومُودٌ комод (*кийим-кечак турадиган яшикли жавон*)

– كُومُودِينُو кичкина комод, тумбочка

كُومُونَةٌ *кўп* اتٌ — коммуна; بَارِيسُ ~ *тар.* Париж коммунаси

كُومِيدِيٌّ комедияга оид, комик, комедиявий

– كُومِيدْيَا комедия

كُومِينْتَرْنٌ: الْـــ Коминтерн, Коммунистик Интернационал

I كَانَ (كون) (*у*) كَوْنٌ 1) бўлмоқ, мавжуд бўлмоқ; (*к. дадир*) бор бўлмоқ (لِـــ); ~ أَيُّ مَنْ ким бўлса ҳам, ҳар ким; ~ كَمَا لَوْ гўё, у бу ерда бўлгандай; ... مَنْ تَكُونُ أَنْتَ حَتَّى сен кимсанки, ..., сен қандай одамсанки, ...; وَ لَيْكُنْ بَعْدَ ذَلِكَ مَا يَكُونُ! бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар!; ~ وَ ... مَا أَرَادَ خَيْرٌ ... у хоҳлаган нарсасини олди; ~ مِنْ أَمْرِهِ مَا ... мана ундан нима келиб чиқди; *халқ.* бир бор экан, бир йўқ экан (*эртакларнинг анъанавий бошланмаси*); ... مَا يَكُونُ ...нинг бўлиши мумкин бўлган ҳолдаёқ; هَذَا أَمَدٌ مَا يَكُونُ حَذِرٌ у ғоят эҳтиёткор; وَ نَحْنُ أَخْرَجُ مَا يَكُونُ عَنِ الصِّحَّةِ бу ҳақиқатдан жуда узоқ; لَدَيْكَ ... لَمْ يَكُنْ إِلَيْكَ бизнинг ҳаммадан ҳам сенга эҳтиёжимиз бор; ~ كِتَابٌ قَطُّ إِلَّا اسْتَوْفَى قِرَاءَتَهُ كَائِنًا مَا ... унинг қўлига ки... тушган ҳамоноқ, унинг қандай бўлишидан қатъий назар, уни ... ўқиб чиқарди; 2) бўлиб ўтмоқ; ~ لَهُ إِلَّا أَنْ جَلَسَ ... унинг ўтиришидан бошқа иложи қолмади; 3) *турли замонларни кўрсатишда ёрдамчи феъл вазифасини бажаради* يَكُنْ ~ у (*олдин*) ёзарди (*давом феъли ўтган замон*); كَتَبَ ~ у ёзиб бўлганди (*узоқ ўтган замон*); ◊ يَكُونُ якун. II كَوَّنَ яратмоқ, ташкил қилмоқ, тузмоқ. V تَكَوَّنَ яралмоқ, ташкил қилинмоқ, тузилмоқ; пайдо бўлмоқ, юзага чиқмоқ, (*н. дадир*) иборат бўлмоқ (مِنْ); X اسْتَكَانَ (*к. гадир*) бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ (لِـــ)

– اسْتِكَانَةٌ бўйсуниш, бўйсунганлик, ювошлик

– تَكَوُّنٌ пайдо бўлиш, шаклланиш

– تَكْوِينٌ 1) яратиш, ижод қилиш, 2) шакл; *шунингдек:* الْـــ الْجُسْمَانِيُّ тан тузилиши; ~ جَمِيلُ الْـــ келишган, чиройли; ~ نَحِيفُ الْـــ ориқ; 3) *кўп* اتٌ — تَكَاوِينُ тузилиш, структура; ~ جُمَلٍ *грам.* гап тузилиши (структураси); التَّكَاوِينُ الْجِيُولُوجِيَّةُ геологик структуралар; ~ سِفْرُ ◊ الْـــ *библ.* Борлиқ Китоби (*Моисейга нисбат бериладиган беш китобнинг биринчиси*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– كَائِنٌ[1] мавжуд бўлган, бор бўлган; كَانَ مَنْ ~ қандай (ким) бўлишига қарамай; كَانَ مَا ~ нима бўлишидан қатъий назар

– كَائِنٌ[2] *кўп.* اتٌ — борлиқ, хилқат; حَيٌّ ~ жонивор, жонли хилқат; الْبَشَرِيُّ ~ одамзот; *кўп.* ҳамма борлиқ, барча мавжудот, бутун олам

– كَوْنٌ 1) бор бўлиш, мавжуд бўлиш, мавжудлик; ҳолат; وَلَيْسَ أُخْفِي عَلَيْكُمْ حَقِيقَةَ ~ي عَسْكَرِيًّا ва мен сиздан ҳарбий киши эканлигимни яширмайман; 2) *кўп.* أَكْوَانٌ олам, коинот, космос; الْـ~ космос; ◊ مَعَ ~ـهِ فَقِيرًا لِـ~ـهِ чунки у камбағал; يُحْتَفَى هَذَا الرَّجُلُ رِضَاءُ لِـ~ـهِ бу одам унинг меҳрини қозонган, чунки у унинг мақсадларини амалга ошириб юради

– كَوْنِيٌّ борлиққа, мавжудотга, коинотга оид, космик, الْأَشِعَّةُ الْـ~ـيَّةُ космик нурлар ~ رَائِدٌ *ики* ~ لَيَّارٌ космонавт, фазогир, الْفَضَاءُ الْـ~ *қар* فَضَاءٌ ; الْأَرْقَامُ الْـ~ـيَّةُ астрономик рақамлар (*ҳаддан ташқари катта рақамлар*)

– كَيَانٌ *1)* бор бўлиш, мавжуд бўлиш; 2) таъб, табиат

– كَيْنُونَةٌ бор бўлиш, мавжуд бўлиш

– مَكَانٌ *кўп* أَمْكِنَةٌ, أَمَاكِنُ 1) жой, ўрин, ер, макон; ~ الْحَادِث ҳодиса рўй берган жой; أَمَاكِنُ عُمُومِيَّةٌ жамоат жойлари; ~ كُلِّ ~ي ҳамма жой (*ер*) да; ~ـهُ унинг ўрнига, ~ـهُ قَامَ кимнидир алмаштирмоқ; ... ~كَ لَـ... لَوْ كُنْتُ ~ي агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда, ... ~كَ يَا тўхта!, кутиб тур!, 2) даража, аҳамият; مِنَ الْغَرَابَةِ ~ـهِ إِنَّ هَذَا бу ғоят даражада ғаройиб (ажойиб, ғалати) 4, مِنَ الْأَهَمِّيَّةِ ~ـهِ هَذَا الْعَمَلُ бу иш жуда аҳамиятли, муҳим, 3) минтақа; 4_) тутган ўрин, вазифа; шаън, қадр-қиймат; هُوَ رَفِيعُ الْـ~ юксак ўрин тутмоқда, у юксак вазифани эгаллаётир, 5) борилган жой, турилган жой, яшайдиган жой

– مَكَانَةٌ 1) жой, ўрин, макон, 2) эгаллаб турилган ўрин, мавқе, аҳамият

– مَكَانِيٌّ маҳаллий, локал

– مُتَكَوِّنٌ, مُكَوَّنٌ шакллантирилган, тузилган; (*состоя́ н. дан*) иборат бўлган (مِنْ)

– مُكَوِّنٌ 1) ижодкор, яратувчи; 2) *кўп* اتٌ — компонент, таркибий қисм, таркибий элемент, ингредиент

كُونْت *кўп* اتٌ — граф

– كُونْتِسَةٌ *кўп.* اتٌ — граф аёл, графиня

كُونْتِرَاتٌ контракт, битим

كُونْسْتَابِلٌ *кўп* اتٌ — констебль, полиция амалдори

كُونْسِرْفَاتُوَارٌ консерватория

كُونْسِرْوَة консерва

كُونْسُولَتُو консилиум, مِنْ أَطِبَّاءَ ~ врачлар консилиуми

كُونْشِرْتُو концерт; ~ الْبِيَانُو وَ الْأُورْكِسْتَرَا фортепьиано ва оркестр учун концерт

كُونْصُولٌ *кўп* اتٌ — *архит.* консоль, кронштейн, тўсиннинг девордан чиқиб турган қисми

كُونْكُورْدَاتُو битим, шартнома (*бой бўлмаган қарздор билан қарз берувчи ўртасида тузилган*)

كُونْيَاكٌ коньяк (*спиртли ичимлик*)

كُوَّةٌ *кўп* كُوًى, ـــ اتٌ кичкина дераза; иллюминатор (*самолёт, кемалар ойнаси*); فِي السَّقْفِ ~ юқоридан тушадиган ёруғлик; люк; حَرَكِيَّةٌ ~ туйнук (*истеҳкомлардаги*)

I كَوَى (*и*) كَيٌّ 1) қуидирмоқ, ендирмоқ; *мед.* ўткир дори суртиб куйдирмоқ; 2) (*куйдириб*) тамға босмоқ, 3) дазмолламоқ, 4) чақмоқ (*мас., ари ҳақида*); 5) еб ташламоқ (*мас., кислота ҳақида*); ◊ هَذَا ~ قَلْبَهُ бу унинг юрагини кемириб (еб) ташлади; VII انْكَوَى 1) куйдирилган бўлмоқ, 2) дазмолланган бўлмоқ; VIII اكْتَوَى 1) ўзини дори суртиб (*ёки б. ёр билан*) куйдирмоқ; ўзини куйдириб олмоқ, 2) куйиб қолмоқ, 3) дазмолланган бўлмоқ, ◊ بِنَارِ الْغَلَاءِ ~ қимматчиликдан азоб чекмоқ (қийналмоқ)

– كَاوٍ *мн.* كَاوِيَةٌ куйдирадиган, куйдирувчи; صُودَا كَاوِيَةٌ *қар.* صُودَا

– كَوَّاءٌ 1) дазмолловчи; 2) ғийбатчи

– كَوَّايَةٌ 1) дазмолловчи аёл; 2) ғийбатчи аёл

– كَوَّةٌ *кўп* كَوَّاتٌ деворнинг тешиги

– كَوْيٌ 1) куйдириш, 2) дазмоллаш

– كَيٌّ 1) дазмол босиш, дазмоллаш, 2) тамға; 3) куйдириш; حَجَرُ ~ الْكَوَّاءِ ляпис, кумуш нитрати, оловда, чўғда куйдириш; *қар.* مَكْوَاةٌ

– كَيَّةٌ 1) бир марталик куйдириш; 2) куйдириладиган жой

– مَكْوَاةٌ *кўп* مَكَاوٍ, مَكْوِيَاتٌ 1) дазмол; الْـ~ الْكَهْرَبَائِيَّةُ электр дазмол, 2) лекален (*куйдириш учун суртиладиган нарса*); ~ الشَّعْرِ (*сочларни жингалак қилишда ишлатиладиган*) қисқичлар; ~ السَّمْكَرِيِّ *ики* ~ الْلِّحَامِ паяльник (*кавшарлашда ишлатиладиган асбоб*); ◊ آخِرُ الدَّوَاءِ الْـ~ энг сўнгги воситани синаб кўриш керак!

– مَكْوَجِيٌّ *кўп.* مَكْوَجِيَّةٌ дазмолловчи (*кир ювадиган корхонада*)

– مَكْوَى *халқ.* = مَكْوَاة

– مَكْوِيٌّ *кўп* مَكَاوٍ дазмол

– مَكْوِيٌّ 1) куйдирилган; 2) дазмолланган

كُوِيْرْتَة *халқ* палуба

كَيْ учун, ...син деб; ~ لـــ ...иши учун; كَيْلَا *ёки* لِكَيْلَا ...масин учун, ...маслиги учун, ...масин деб; كَيْمَا *ёки* لِكَيْمَا ...син учун, ...син деб

(كيت) II كَيَّتَ (*асбоб-ускунани*) ҳозирламоқ, тайёрламоқ, созламоқ

– كَيْتَ *ёки* كَيْتَ ~ وَ ~ шундай-шундай, ундоқ-бундоқ

I (كيد) **كَادَ** (*и*) كَيْدٌ 1) алдамоқ, фириб бермоқ, панд бермоқ, доғда қолдирмоқ; 2) ёмон мақсад (ният) қилмоқ; (*к. гадир*) макр-ҳийла тузоғини қўймоқ (لـــ); 3) жонга тегмоқ, асабни қўзғатмоқ; III كَايَدَ алдамоқ, панд бермоқ, доғда қолдирмоқ

– كَيْدٌ 1) *кўп* كُيُودٌ ёлғон; макр-ҳийла; фириб; 2) жонга тегиш, асабни қўзғаш

– كَيْدِيٌّ маккор; دَعْوَى ~ـــةٌ *юр.* маккорона даъво (*қонуний асоси бўлмаган, аммо қарши томонга ёмонлик қилиш мақсадидаги даъво*)

– مَكِيدَةٌ *кўп.* مَكَائِدُ ёмон мақсад (ният) лар, макр-ҳийлалар; фирибгарликлар; фитна-фасодлар; دَرْءُ الْمَكَائِدِ макр-ҳийлалар тузоғини қўймоқ

كَيْدَبَانٌ, كَيْدَبَانٌ *қар* كدب

كَيَّارٌ *кўп* أَكْيَارٌ темирчи босқони

كَيْرُسِينٌ керосин

I (كيس) **كَاسَ** (*и*) كَيَاسَةٌ 1) зийрак (зеҳнли, айёр) бўлмоқ; 2) чиройли (келишган) бўлмоқ; II كَيَّسَ 1) чиройли (келишган, гўзал) қилмоқ; 2) (*ҳаммомда*) хадмигарлик қилмоқ; V تَكَيَّسَ хадми қилдирмоқ

– أَكْيَسُ 1) энг чиройли, энг гўзал, энг келишган; 2) зийракроқ, зеҳнлироқ

– كَوَيِّسٌ 1. ёқимли, ширингина, чиройлигина. 2. яхши, аъло

– كَيَاسَةٌ 1) зийраклик; зеҳнлилик; топқирлик; чаққонлик, айёрлик; 2) чирой, гўзаллик; келишганлик

– كِيسٌ *мн.* أَكْيَاسٌ, كِيسَةٌ *мн. кўп* 1) халта, қопча, чўнтак; ~ الدَّرَاهِمِ катмон; ~ التَّبْغِ тамакидон; ~ الْوِسَادَةِ (الْمِخَدَّةِ) ёстиқ жилди; عَلَى ~ـــهِ а) ўз ҳисобидан; б) унинг ҳисобидан; 2) ҳадмигар қўлқопи (*ҳаммомда*); 3) *шунингдек,* ~ الْحَصَيَيْنِ *анат.* мояк халтаси; ~ الْأَمْنِيُوسِ *анат.* ҳомила пусти (қопламаси); ~ الزَّعْفَرَانِ сафро пуфаги; ~ الْكُرَيَّاتِ уруғланган, тухумланган ташқи қобиғи; 4) *мед.* киста (*сариқ сув олган шиш ўсимта*); ~ شَحْمِيٌّ ёғ бези, липома; 5) *шунингдек:* ~ كَامِلٌ *тар. жами 500 пиастр бўлган пул*

– كَيِّسٌ 1) чаққон, топқир, айёр; 2) чиройли, гўзал, келишган

– مُكَيَّسٌ = كَيِّسٌ

– مُكَيِّسٌ хадмигар, ҳаммомчи

– مُكَيِّسَاتِيٌّ *кўп.* مُكَيِّسَاتِيَّةٌ хадмигар (*ҳаммомдаги*)

(كيع) I كَاعَ (*у, а*) كَيْعٌ = كَعَّ; II كَيَّعَ қийнамоқ, жондан безор қилмоқ

(كيف) II كَيَّفَ 1) (*кўринишини*) ўзгартирмоқ; (*қандайдир бирор*) шакл бермоқ, шакллантирмоқ; ишлов бермоқ; الْهَوَاءَ ~ ҳавони тозалаб-совутмоқ (кондициялаштирмоқ); 2) (*бирор н. га*) мосламоқ (لـــ); ~ نَفْسَهُ (*бирор н. га*) ўзини мосламоқ, мосланмоқ, мослашмоқ; 3) роҳатлантирмоқ, хурсанд шод қилмоқ; 4) маст, кайф қилмоқ (*наркотик моддалар ҳақида*); V تَكَيَّفَ 1) (*кўриниши*) ўзгарилмоқ, шаклланмоқ; الْهَوَاءُ ~ тозаланган, кондицияланган бўлмоқ (*ҳаво ҳақида*); 2) (*бирор н. га*) мосланмоқ (مَعَ, لـــ); 3) (*н. дадир*) ўзбошимчалик қилмоқ, (*н. нидир*) ўз билганича қилмоқ (فِي); 4) роҳатланмоқ, тинч ётиб роҳат-фароғат қилмоқ, кайф қилмоқ; 5) маст бўлмоқ (*наркотик билан*)

– تَكْيِيفٌ 1) кўринишни ўзгартириш, бирор шакл бериш; صِنَاعَةُ الْمَعَادِنِ ~ металлни қайта ишлаш саноати, 2) мослашиш, адаптация; جِهَازُ الْـ~ الذَّاتِيُّ *ёки* جِهَازُ الْهَوَاءِ الذَّاتِيُّ ҳавони кондициялайдиган автоматик қурилма (жиҳоз)

– كَيْفَ қандай?, қанқай қилиб?, حَالُكَ؟ ~ аҳволингиз қандай?, қандай яшаяпсан?, нечуксан?; يَكْتُبُ ~ у қандай ёзишни билади; يَهْتَمُّ بِالْـ~ قَبْلَ الْكَمِّ у энг аввало миқдор билан эмас, сифат билан қизиқади; مِنْ حَيْثُ الْـ~ сифат нуқтаи назаридан; مَسْأَلَةُ الْـ~ сифат масаласи; ... مَا~ қандай ...ганда ҳам; مَا~ كَانَ нима қилиб бўлса ҳам, нима бўлганда ҳам, ҳамма ҳолда ҳам, ... مَا~ عَالَجْنَا الْمَسْأَلَةَ نَرَى أَنَّ биз бу масалага қандай ёндошмайлик, кўрамизки, ...; مَا~ اتَّفَقَ қандай тўғри келса, ўнг келганича; қўл учида, наридан бери

– كَيْفٌ[1] 1) фароғат, роҳат, кайф, кайфу сафо; роҳатланиш, қониқиш; نَفْسُ ~ مَلَآنُ *халқ мақли* тўқ қорин-тўла фароғат; عَلَى ~ـــكَ сенга ёққанидай бўлсин, сенингча бўлсин; لَعِبَ عَلَى الْـ~ ўз хоҳишича ўйнамоқ (*мас. футболчи ҳақида*); 2) кўтаринки кайфият

– كَيْفٌ[2] *кўп.* كُيُوفٌ наркотик, банг; ◊ ابْنُ ~ наркотик модда истеъмол қилувчи, наркоман, банги, гиёҳванд

– كَيْفِيٌّ 1) ихтиёрий; ~ـــةٌ صُورَةٌ ихтиёрий сувратда; 2) сифатли, ~ تَحْلِيلٌ сифатли таҳлил, анализ

– كَيْفِيَّةٌ 1) равиш, усул; кўриниш, шакл; ~ـــةٌ غَرِيبَةٌ ғалати равишда (*кўринишда*); ~ـــةٌ سَاطِعَةٌ ёрқин, қойил мақом; ~ـــةٌ طَوْرِيَّةٌ вақти-вақти билан; 2) сифат; ишнинг ҳолати, аҳволи; مَسْأَلَةُ الْعَمَلِ ~ қандай ҳаракат (иш) қилиш ҳақидаги масала

– كَيَّافٌ билағон, уста, билимдон

– مُكَيِّفٌ 1) кўринишни ўзгартирувчи; الْهَوَاءِ ~ـــةُ *ёки* الْهَوَاءِ ~ ҳавони кондицияловчи қурилма, кондиционер; 2) кайф қиладиган (қилдирадиган)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُكَيِّفَاتٌ *кўп.* наркотик моддалар, тетиклантирувчи воситалар (*мас., кофеин, теин ва б. лар*)

كَيْهَلٌ = كَيَاكٌ

كَيْكَةٌ *кўп.* كَيَاكِي тухум

كَيْكَةٌ бекинмачоқ (*болалар ўйини*)

كَالَ (كيل) (*и*) كَيْلٌ, مَكَالٌ, مَكِيلٌ 1) ўлчамоқ, ченамоқ, ўлчаб бермоқ; 2) (*зарба*) бермоқ, етказмоқ; 3) ёғдирмоқ (*сўкиниш, ҳақорат ҳақида*); لَهُ آيَاتِ الْمَدِيحِ ~ кимгадир мақтов ёғдирмоқ; ~ لَهُ الضَّرْبَةَ تِلْوَ الضَّرْبَةِ кимгадир зарба кетидан зарба бермоқ; ~ لَهُ الضَّرَبَاتِ عَشْوَاءَ кимнингдир тўғри келган жойига зарба бермоқ (урмоқ); ~ الْاِتِّهَامَاتِ туҳматлар ёғдирмоқ; ~ لَهُ الْوُعُودَ кимгадир ваъдаларни ёғдириб ташламоқ; ~ (السِّبَابَ) الشَّتَائِمَ ҳақоратларга кўмиб ташламоқ; كِيلَ الطَّعَامُ ўлчаб берилган овқат киши тўярли бўлди, II كَيَّلَ ўлчамоқ, ченамоқ; ўлчаб бермоқ; III كَايَلَ қилмишига яраша қилмоқ, саломига қараб алик олмоқ; VI تَكَايَلَ = III; VIII اكْتَالَ (*тарозида*) тортилган, ўлчанган нарсани олмоқ

– كَيَّالٌ ғалла ўлчовчи, тортиб берувчи

– كَيَالَةٌ 1) ўлчаш, тортиш, ченаш; 2) тарозидор, ўлчовчи ҳақи

– كَيْلٌ *кўп.* أَكْيَالٌ ўлчов, ~ الْـ طَفَحَ *кўч. м.* (*бирор н* нинг) косаси тўлиб кетди

– كَيْلَةٌ *кўп* ـَاتٌ ـــ қайла (*Мисрда: 8 қадаҳ (қар.* قَدَحٌ) *ёки 1/12 ардабб (қар* أَرْدَبٌ) *ёки 16,51 л га тенг ўлчов бирлиги-қумсимон моддалар учун*)

– كَيْلَةٌ ўлчаш, тортиш (*тарозида*)

– كَيُّولٌ сафланган одамларнинг охирги қатори

– مِكْيَالٌ *кўп.* مَكَايِيلُ микёл (*қумсимон моддалар ўлчови*). • جَدْوَلُ الْمَوَازِينِ وَ الْمَكَايِيلِ оғирлик ва ўлчовлар жадвали

– مِكْيَالٌ *кўп.* مَكَايِيلُ = مِكْيَالٌ

كِيلَادٌ омбор, омборхона

كِيلُو, كِيلُوغْرَامٌ *кўп.* كِيلُوغْرَامَاتٌ кило, килограмм; ~ صَافٍ килонетто (*соф кило*); ~ قَائِمٌ килобрутто (*идиши билан кило*)

كِيلُوَاطٌ, كِيلُووَاطٌ киловатт; ~ سَاعِيٌّ *ёки* ~ سَاعَةٍ киловатт-соат

كِيلُوسٌ *физиол.* сут шираси; хилус

كِيلُوغْرَامٌ *қар.* كِيلُو

كِيلُومِتْرٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ километр; ~ مُرَبَّعٌ квадрат-километр

كَوَالِينُ *кўп* كَيْلُونٌ эшик орасига ўрнатиладиган қулф

كَوَالِينِيَّةٌ *кўп* كَوَالِينِيٌّ слесарь

كِيمَاوِيٌّ 1. кимёвий, 2. кимёгар

– كِيمَاوِيَّاتٌ *кўп* химикатлар, кимёвий маҳсулотлар, моддалар

– الْـ~ الْعُضْوِيَّةُ органик кимё; ~ الْـ التَّحْلِيلِيَّةُ аналитик (таҳлилий) кимё; ~ الْـ الْحَيَوِيَّةُ биохимия; ~ الْـ الصَّيْدَلَانِيَّةُ фармацевтик кимё

– الْمُرَكَّبَاتُ الْـ~ـةُ = كِيمَاوِيَّةٌ; كِيمِيَاءُ, كِيمِيَا кимё; ~ الْـ اللَّاعُضْوِيَّةُ ноорганик (анорганик) кимё

– كِيمَاوِيَّاتٌ *кўп* = كِيمِيَاوِيَّاتٌ

– كِيمِيَائِيٌّ = كِيمِيَاوِيٌّ

I (كين) **كَانَ** (*и*) كَيْنٌ бўйсунмоқ, таслим бўлмоқ; X اسْتَكَانَ = I

كِينِينٌ, كِينِينَا хинин (*безгак дори*); شَجَرَةُ الْكِينَا хинин дарахти (*Жанубий Америкада ўсадиган, пўстлоғида хинин бўладиган дарахт*)

كَيْهَكٌ *шунингдек:* كَيَاكٌ киёк (*қибт тақвимининг 4-ойи*)

كَيْوَانُ *астр.* Кайвон, Сатурн

ل

لَ (لَامٌ) *кўп.* اتٌ ـــ лом (*араб алифбосининг йигирма учинчи ҳарфи, абжадда –30*)

لَ 1) شَوَّالٌ шаввол (*ой номи*) сўзи қисқартмаси; 2) لِيرَا سُورِيَّةٌ Сурия лираси сўзларининг қисқартмаси

لَـــ ... لَـــ 1) ҳақиқатдан ҳам, шубҳасиз, 2) ...ганда ...са эди لَوْ ... لَوْ لَا у бўлмаганда, биз ҳалок бўлган бўлардик; لَوْ لَايَ ... لَـــ ... мен бўлмаганимда ...; 3) қасам *юкламаси*; қасам ичаманки ..., қасамки ...: لَعَمْرُكَ умринг ҳаққи қасам ичаман; умрингга қасамки ... 4) *ажабланиш юкламаси*; қандай! لَلْعَجَبِ يَا қандай ажойиб!; يَا لَهُ مِنْ عَمَلٍ حَسَنٍ бу қандай ажойиб иш!; 5) *гапнинг кейинги қўшилувчи таъкид юкламаси*; ... لَـــ ... إِنَّ чиндан ҳам, إِنَّ رَبَّكَ لَبِالْمِرْصَادِ *қур.* шубҳасиз, парвардигорингиз (*барча нарсани*) кузатиб тургувчидир; 6) гапнинг эгасига қўшилувчи таъкид юкламаси لَزَيْدٌ أَفْضَلُ مِنْ عَمْرٍو албатта, Зайд Амрдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

афзалдир.

لـِ 1) олд юклама, предлог; *от ва олмош таркибида келганда, жўналиш келишигига мос бўл ади* (*1 шахс бирликдаги олмошдан бошқа ҳолларда фатҳали* (لَـ) бўлади); لَهُ а) унга; б) унда бор; لَهُ كِتَابٌ унинг китоби бор; б) *бухг.* кредит; لَنَا а) бизга; б) бизда бор; مَا لَهُ وَ مَا عَلَيْهِ а) нима уники-ю, нима бизники (*яъни, биз томонда нима-ю, у томонда нима*); б) унинг бойлиги ва унинг қарзи; كِتَابُ الْبُخَلَاءِ لِلْجَاحِظِ Жоҳизнинг "Бахиллар ҳақида китоби"и; جَدُّهُ لِأَبِيهِ унинг ота томонидан бобоси; لِي عَلَيْهِ унинг мендан қарзи бор; لَهُ أَنْ ... унинг ...га ҳаққи бор, у ...ни қила олади; لَيْسَ لَهُ أَنْ ... у эплолмайди, унинг қилиши мумкин эмас; 2) сабабли, ...нинг натижасида, оқибатида, учун; لِأَجْلِ ... ...ни деб, сабабдан; لِمَا ... ...гани учун, сабабли, сабабдан; لِأَنَّ чунки, шу сабабдан; لِمَا؟ *ёки* لِمَاذَا нима учун?; لِهَذَا *ёки* لِذَا шунинг учун; لِذَلِكَ шу сабабли; 3) қарши; تَغَلَّبَ فَرِيقُنَا بِثَلَاثِ إِصَابَاتٍ لِلَاشَيْءٍ бизнинг командамиз (қаршидагини) 3:0 ҳисобида ютди; 4) *шунингдек* لِأَنْ *ва* لِكَيْ ...ш (*иш*) учун لِئَلَّا (لِأَنْ + لَا) ...масин учун, ...масин деган ниятда; 5) биринчи لِأَوَّلِ وَهْلَةٍ ◊ ;!... لِيَعِشْ ... яшасин ...!; لِيَكْتُبْ у ёзсин; ...син; қарашда; لِلْمَرَّةِ الْأُولَى биринчи марта; (حَلَّتْ) مَضَتْ تَقْرِيبًا لِسَنَةٍ тахминан бундан бир йил олдин; هَلْ لَكَ أَنْ تُرَافِقَنِي؟ мени кузатиб қўйишни истамайсизми?

لَا 1) ...мас, йўқ; هَلَّا (هَلْ + لَا) ...масми? ...ми?; هَلَّا أَخْبَرْتَنِي كَمِ السَّاعَةُ الْآنَ؟ (هَلَّا) أَلَا менга айтиб беролмайсанми, ҳозир соат неча?; أَلَا بُحْتَ إِلَيَّ بِهَذَا السِّرِّ؟ менга бу сирни очмайсанми?; لَا وَاللهِ لَا فَعَلْتُ йўқ, Оллоҳ ҳаққи, мен бу ишни қилолмайман!; لَا أَدْرِي мен билмайман!; لَا عَلَيْكَ безовта бўлма!; لَا زِلْتَ سَعِيدًا бахтли бўл!; لَا هَذَا وَلَا ذَلِكَ бу ҳам эмас, у ҳам эмас; أَتَعْرِفُهُ؟ - لَا أَعْرِفُهُ сен уни танийсанми (биласанми)? -- йўқ, мен уни танимайман (билмайман); أَلَا ахир ...масмиди; لَا تُقْلِقْ بَالَكَ безовта бўлма!; لَا أَحَدٌ يَعْرِفُهُ حَتَّى الْآنَ шу вақтга қадар у (*бу*) ни ҳеч ким билмайди; 2) йўқ, мутлақо йўқ, ҳеч йўқ (*ўзидан кейин келадиган артиклсиз, аммо аниқ ҳолатдаги тушум келишигидаги от билан келиб мутлақ инкорни англатади*); لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللهِ *кар* ﴿; لَا جَدِيدَ بِدُونِ قَدِيمٍ! ;لَيْسَ لَا لَبْسَ فِيهِ وَلَا إِبْهَامَ *кар* تَشْهَدُ эскисиз янги йўқ; لَا بُدَّ مِنْهُ бунинг бўлмоғи муқаррар, бўлмаслиги мумкин эмас; أَلَّا (أَنْ + لَا) ...масин учун; ...масин деб; 3) ...сиз, бе..., но... қарши, зид; لَا نِهَائِيٌّ сўнгсиз, ниҳоясиз; لَا اجْتِمَاعِيٌّ жамиятга, жамоатчиликка қарши; لَا حِزْبِيٌّ партиясиз; لَا سِلْكِيٌّ симсиз (*радио ҳақида*); لَا شُعُورِيٌّ онгсиз; لَا طَبَقِيٌّ синфсиз; لَا فَقْرِيٌّ умуртқасиз; لَا قَانُونِيٌّ ноқонуний; لَا مَحْدُودٌ чексиз, чегарасиз, ҳудудсиз; لَا مَسْئُولٌ масъулиятсиз; لَا مَعْقُولٌ ақлсиз; اللَّاأُبَالِيَّةُ *ёки* اللَّامُبَالَاةُ бефарқлик; اللَّانِهَائِيَّةُ чексизлик; اللَّامَسْئُولِيَّةُ масъулиятсизлик; اللَّاسِيَاسِيَّةُ сиёсатга бефарқлик; اللَّاأَدْرِيَّةُ агностицизм (*дунёни билиш мумкин эмас деб ҳисобловчи фалсафа*); اللَّادِينِيَّةُ динсизлик, худосизлик; اللَّاسَامِيَّةُ антисемитизм (*яҳудийларга қарши кураш ҳаракати*); ◊ لَا سِيَّمَا айниқса; لَا شَكَّ шаксиз, шубҳасиз; لَا شَيْءَ ҳеч нима; بِلَا ...сиз; إِلَّا ... لَا ...дан бошқа; لَا ... سِوَى *ёки* لَا ... إِلَّا ... фақат, фақатгина; لَا ... وَلَا ... на ..., на ... *ёки* لَا ... غَيْرُ ...

لَابَةٌ лава (*вулқонлардан отилиб чиқадиган суюқ чўғ модда*).

اللَّاتُ وَالْعُزَّى ал-Лот ва ал-Уззо (*жоҳилия давридаги арабларнинг санамлари оти*)

لَارِقْسٌ *бот* тилоғоч (*игнабарглиларга мансуб дарахт*)

لَازَوَرْدٌ *мин.* ложувард тош

لَازَوَرْدِيٌّ ложувард рангли

لَاسَةٌ *кўп.* اتٌ — ўрама (*бошдаги*), ~ تَعَمَّمَ بِـ саллага ўхшатиб бошга ўрамоқ

لَامَا *зоол* лама (*кийиксимон ҳайвон*)

لَامْبَةٌ *кўп.* اتٌ — лампа чироқ (*сол.* لَمْبَةٌ)

لَاهُوتٌ 1) илоҳий табиат, илоҳийлик; 2) илоҳ; عِلْمُ الـ~ илоҳиёт, теология

لَاهُوتِيٌّ 1. 1) илоҳий; 2) илоҳиётга, теологияга оид; الْعِلْمُ الـ~ илоҳиёт, теология; الْمَذَاهِبُ الـ~ـةُ илоҳиёт йўналишлари; 3) руҳоний; مَدْرَسَةٌ ~ـةٌ диний ўқув юрти; 2. илоҳиётшунос, теолог

أَلْأَكَ، أَلَاكَ IV (لأك) хабарчи қилиб жўнатмоқ

– مَلَأَكٌ *кўп* مَلَائِكَةٌ фаришта (*сол.* مَلَكٌ)

– مَلَائِكِيٌّ фариштага, малоикага оид

لَأْلَأَ ялтилламоқ, ялтирамоқ, нур сочмоқ; ~ بِذَنَبِهِ думни ликиллатмоқ (*ит ҳақида*); لَأْلَأَ = تَلَأْلَأَ

– تَلَأْلُؤٌ ялтираш, ялтиллаш нур сочиш

– لَأْآلٌ марваридфуруш

– لَأْلَاءٌ، لَأْلَأَةٌ ялтиллаш, йилтиллаш, нур сочиш

لُؤْلُؤٌ *жам* марварид; مَغَاصُ الـ~ марварид қидириладиган жой; زَهْرُ الـ~ *жам бот* дасторгул, саллагуллар; زَهْرَةُ الـ~ саллагул, дасторгул; عِرْقُ الـ~ садаф

– لُؤْلُؤَةٌ *кўп* لَآلِئُ бир дона марварид

– لُؤْلُئِيٌّ، لُؤْلُوِيٌّ марваридга оид, марварид рангидаги; ~ شَعِيرٌ арпа ёрмаси

– مُتَلَأْلِئٌ нур сочувчи, ялтилловчи

I (لأم) لَأَمَ (а) 1) (*ярани*) боғламоқ; 2) тузатмоқ, тўғриламоқ; 3)

тех. кавшарламоқ; لَوْمٌ (у) لُؤْمٌ, مَلْأَمَةٌ, لَآمَةٌ 1) тубан, разил бўлмоқ; 2) хасис, қурумсоқ бўлмоқ; III لَاءَمَ 1) мос келмоқ; ёрдам бермоқ; тўғри келмоқ; ярамоқ; ярашмоқ, тўғри келмоқ (*кийим ҳақида*); 2) (*к-ни к. биландир*) яраштирмоқ (لَيْنٌ); 3) тузатмоқ, тўғриламоқ. 4) кавшарламоқ; IV أَلْأَمَ тубанлик, разиллик қилмоқ VI تَلَاءَمَ 1) тубанлик, разиллик қилмоқ; 2) тузатилмоқ, тўғриланмоқ; 3) мос, тўғри келмоқ; ҳамоҳанг бўлмоқ, VIII اِلْتَأَمَ 1) тўпланмоқ, бирлашмоқ, жипслашмоқ (*саф ҳақида*); جَمَاعَةٌ ~ тўп-тўп, гуруҳ-гуруҳ бўлиб йиғилмоқ; اَلْمَجْلِسُ ~ мажлис бўлиб ўтди; 2) битмоқ, битиб кетмоқ; اَلْجَرْحُ ~ жароҳат, яра битди, битиб кетди; 3) кавшарланмоқ (*металл ҳақида*); 4) тузатилмоқ, тўғриланмоқ, X اِسْتَلْأَمَ 1) совут боғламоқ, киймоқ; 2) жипслашмоқ

– تَلَاؤُمٌ 1) бирлашиш, иттифоқ бўлиш, тинчлик

– لَأْمَةٌ *кўп.* لُأَمٌ совут

– لُمَةٌ (*к нингдир. н нингдир*) хили, тенги, муносиби; لِيَتَزَوَّجْ الرَّجُلُ ~ـــهُ *ҳад.* эркак киши ўзининг тенгига уйлансин!

– لُؤْمٌ 1) тубанлик, пасткашлик, разиллик, 2) қизғончиқлик, хасислик, қурумсоқлик

– لَئِيمٌ *кўп.* لُؤَمَاءُ, لِئَامٌ, لُؤَمَانٌ 1) тубан, разил, пасткаш; 2) қизғончиқ, хасис, пасткаш; أَمَرُّ مِنْ سُؤَالِكَ لِـــئِيمٍ *мит* қизғончиқ учун сенинг илтимосинг сабр (алоэ)дан ҳам аччиқроқ!

– مُلْأَمٌ = مِلْأَمٌ

– مِلْأَمٌ пасткашликни кечирувчи

– مُلَائِمٌ 1) мос, тўғри келадиган, (*бирор н учун*) яхши шароит, яроқли; ~ غَيْرُ яроқсиз; 2) ярашган, тузуккина

– مُلَاءَمَةٌ 1) тўғри, мос келадиган, яроқли; 2) ярашганлик, тузуккиналик; 3) мос келишлик, ҳамоҳанглик, гармония; 4) иттифоқлик, якдиллик

– مُلْتَئِمٌ 1) тўпланганлар, йиғилганлар; 2) битаётган, битиб бораётган (*яра ҳақида*)

لَانَ *қар* لَيَانٌ 2)

لَئِنْ *қар* إِنْ

لَأْوَاءُ *поэт.* офат, مَنْ كَانَتْ لَهُ ثَلَاثُ بَنَاتٍ فَصَبَرَ عَلَى ~ـــهِنَّ كُنَّ لَهُ *ҳад* ҳар кимда учта қиз бор бўлиб, уларнинг ташвишларига чидаса, ўша қизлар оталарини жаҳаннамдан ажратиб турувчи тўсиқ бўладилар

لَأْيٌ оғир, машаққатли аҳвол, қийинчилик; مَا عَرَفْتُهُ ~ـــ мен уни зўрға танидим; بَعْدَ ~ وَ بَعْدَ تَرَدُّدٍ катта қийинчилик ва узоқ тараддуддан сўнг

I (لَبَّ) لَبَّ[1] (*u/a*) لَبَابَةٌ, لُبٌّ зеҳнли (ақлли, фаросатли) бўлмоқ.

لَبَّ[2] (*a/u*) لَبٌّ, لُبُوبٌ 1) (*қаердадир*) қолмоқ, турмоқ (ب). 2) вайсақилик қилмоқ, кўп гапирмоқ; 3) чақмоқ, чақиб емоқ (енгоқ, пистани); II لَبَّبَ 1) бошоқламоқ, дон бермоқ (*мас., донли экинлар*). 2) тутмоқ, тутиб олмоқ. IV أَلَبَّ (*қаердадир*) яшамоқ, истиқомат қилмоқ (ب); V تَلَبَّبَ (*н. гадир*) киришмоқ, тайёрланмоқ (ـــلِ)

. -- تَلْبِيبٌ 1) *кўп* تَلَابِيبُ ёқа; بِتَلَابِيبِهِ أَخَذَ кимнингдир ёқасидан тутмоқ

لَبَّيْكَ = ~ـــاَ لَكَ! لَبِّ

– لُبٌّ *кўп* لُبُوبٌ 1) мағиз; (*ҳар нарсанинг ичидаги*) мағзи; (*ёнғоқ*) мағзи; اَلْحَشَبِ ~ дарахтнинг пўстлоқ билан ўзак ўртасидаги қаттиқ қисми; 2) уруғ; اَلْأَسْمَرُ ~ـــ тарвуз уруғлари; اَلْأَبْيَضُ ~ـــ ошқовоқ уруғлари; 3) мазмун, моҳият; اَلْقَضِيَّةِ ~ масаланинг моҳияти

– لُبٌّ[2] 2) *кўп* أَلْبَابٌ, أَلُبٌّ 1) ақл, фаросат; ذَوُو أُولُو الْأَلْبَابِ *ёки* الْأَلْبَابِ ақл эгалари; 2) жон, юрак; مُشَرَّدُ ~ـــ паришонхотир; أَخَذَ ~ـــهُ (*к нидир*) мафтун қилмоқ, қойил қолдирмоқ; кимгадир ёқмоқ. طَارَ ~ـــهُ у ўзини йўқотиб қўйди, нима қилишини билмай қолди

– لُبٌّ 1) ақл, фаросат; 2) жон, юрак, 3) ҳар қандай яхши, танлаб олинган нарсалар; хабарларнинг моҳияти

– لُبَّةٌ *кўп* أَلْبَابٌ кўкракнинг юқори (тепа) қисми

– لَبَّةٌ, اتٌ ـــ 1) кўкракнинг юқори (тепа) қисми, 2) бўйин, бўғиз (*ҳайвон сўйилганда пичоқ тортиладиган жой*); 3 (*бола учун тайёрланган*) бўтқа, каша

– لُبَابٌ *кўп.* لَبَابٌ (олтин) шода, маржон

– لَبِيبٌ кўп أَلِبَّاءُ ақлли, фаросатли, доно

(لبأ) II لَبَّأَ ҳаж маросимида لَبَّيْكَ сўзи билан бошланадиган иборани такрорламоқ (*қар* II لَبَّى)

– تَلْبِئَةٌ = تَلْبِيَةٌ

– لَبَأٌ оғизсут, оғиз сути

– لَبُؤَةٌ кўп اتٌ ـــ ургочи шер

I لبث (*a*) لَبَثٌ, لُبَاثٌ 1) (*қаердадир*) бўлмоқ, қолмоқ (ب); 2) имилламоқ, секинаклик қилмоқ; لَمْ أَلْبَثْ (مَا لَبِثْتُ) أَنْ كَتَبْتُ الْمَكْتُوبَ мен кечиктирмай (имиллаб ўтирмай, дарров) хат ёздим; (لَمْ أَلْبَثْ) أَنْ رَأَيْتُ ... мен дарров (тезда) кўрдимки, .., 3) давом этмоқ. بِهَا ~ у (*киз*) ни кузатишда давом этди; V تَلَبَّثَ 1) (*қаердадир*) бўлмоқ, қолмоқ. тутилиб қолмоқ (ب); 1) имилламоқ, секинлик қилмоқ

– لَابِثٌ (*қаердадир*) яшовчи, истиқомат қилувчи

– لُبْثٌ, لَبْثٌ, لِبْثٌ 1) бўлиш, қолиш; 2) тутилиб қолиш

– لَابِثٌ = لَبِثٌ

– لُبْثَةٌ бир он тўхташ тўхтаб туриш, пауза

I لبخ (*a*) لَبْخٌ урмоқ, саваламоқ, муштламоқ; II لَبَّخَ оғриган жойига суюқ дори *ёки* иссиқ сувга ҳўлланган пахта *ёки* бинт қўймоқ; 2) (*бирор н-ни*) пахта *ёки* бинтга ўхшатиб қўймоқ, 3) сувамоқ (*Ироқда*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– لَبَخٌ *жам. бот.* лабах (*Мисрда ўсадиган акас-акация*)

– لَبَخَةٌ *кўп* ـَـ ـاتٌ *бот.* Миср акаси, акацияси

– لُبْخٌ, لَبَخَاتٌ кўп 1) ҳўлланган (дориланган) пахта ёки бинт босиш; 2) бўтқа, каша

– لَبِيخٌ сергўшт, семиз

I لَبَدَ (*у*) 1) لُبُودٌ (*бирор н. га*) қапишмоқ, ёпишмоқ. (*н. гадир*) қапишиб, ёпишиб олмоқ (ب). 2) (*қаердадир*) кўринмай, яшириниб олмоқ (ب); 3) кигиз босмоқ. II لَبَّدَ 1) кигиз босмоқ, юмалатмоқ; 2) кигиз билан ёпмоқ, бекитмоқ; 3) ўт-алафни босмоқ эзгиламоқ, топтамоқ; 4) соч ҳурпайиб кетмаслиги учун бошга ёпишқоқ модда суртмоқ (*ҳаж зиёрати вақтида*). IV أَلْبَدَ (*н. гадир*) қапишмоқ ёпишмоқ (ب). V تَلَبَّدَ 1) босилмоқ, эзгиланмоқ; 2) зич бўлиб кетмоқ (*торф ҳақида*) 3) (*н. гадир*) ёпишмоқ; (*н. нингдир устида*) босилиб ётмоқ (عَلَى-*қор ҳақида*); 4) тўпланмоқ, йиғилмоқ, босмоқ (*булут ҳақида*), (*булутлар билан*) қопланиб, босилиб кетмоқ (*осмон ҳақида* – ب). ت السَّمَاءُ بِالْغُيُومِ ~ осмон булутлар билан қопланди; ت السَّحْبُ فَوْقَ رُؤُوسِنَا ~ бошимиз устида булутлар осилиб турарди

– لَبَّادٌ кигиз босувчи

– لُبَّادٌ кигиз, ~ بُرْنُطَةٌ مِنْ кигиз (фетр) шляпа

– لُبَّادَةٌ *кўп* ـَـ ـاتٌ ـَـ терлик (*тўқим остидаги*)

– لُبَّادَةٌ кўп لَبَابِيدُ кигиз тақя

– لُبَدٌ 1) кўпдан-кўп (*бойлик ҳақида*), 2) *миф. ат. от. из* Лубад (*Луқмони ҳакимнинг еттита бургутларидан бири; бургутлар ўлгач, улар яшаган йилларнинг жами Луқмон умрини белгилайди*) ~ أَحْنَى عَلَيْهِ الَّذِي أَحْنَى عَلَى *маж* унинг бошиг Лубаднинг куни тушди (яъни, ўлди)

– لَبَدٌ босилган, эзилган жун; ~ وَقُودُ *ёки* النَّبَاتِ ~ торф

– لِبْدٌ босилган, эзилган

– لُبْدٌ кигиз, босилган жун

– لُبْدَةٌ *кўп* لُبَدٌ 1) ёл (*шерники*); 2) сочлар

– لِبْدَةٌ *кўп* لُبَدٌ 1) кигиз тақя; 2) ёл (*шерники*)

– لُبُودِيٌّ (*жун, пахталарни*) таровчи

– لَبِيدٌ таровчи

– مُتَلَبِّدٌ 1) эзилган, янчилган, босилган; 2) осилиб турган, осмонни тўсиб турган (*булут ҳақида*)

I (لبس) لَبَسَ (*и*) لُبْسٌ (*к. учундир*) туманли, тушунарсиз, ноаниқ қилмоқ (عَلَى). لَبِسَ (*а*) لُبْسٌ киймоқ, кийинмоқ. النَّظَّارَةَ ~ кўзойнак тақмоқ, тақиб юрмоқ. II لَبَّسَ кийинтирмоқ, кийдирмоқ. لَهَا الْخَاتَمَ ~ у у (аёлга) узук тақиб қўйди; الْبَاطِلَ بِالْحَقِّ ~ ёлғонни рост деб кўрсатмоқ, ўтказмоқ; 2) (*н. биландир*) босмоқ, ёпмоқ, қопламоқ (ب); بِالذَّهَبِ ~ зар қопламоқ, بِالرُّخَامِ ~ мармар қопламоқ. ~ الْخَشَبَ (*бирор н. билан*) ёғочга қоплаб нақш бермоқ (ـ). 3) чигаллаштирмоқ, (*к. учундир*) ноаниқ, тушунарсиз қилмоқ (عَلَى); (*к. нидир*) алдамоқ (عَلَى); III لَابَسَ 1) (*к. нидир*) кийинтирмоқ. 2) (*н-гадир*) хос бўлмоқ, (*н. биландир*) боғлиқ бўлмоқ (ـ); бирга (йўлдош) бўлмоқ; 3) (*н. -нингдир*) изидан юрмоқ. (*н. гадир*) амал қилмоқ (ـ); لِلْحَقِيقَةِ ~ ҳақиқатга амал қилмоқ, ҳақиқатчи бўлмоқ; 4) (*к. биландир*) алоқада бўлмоқ, яқин муносабатда бўлмоқ; 5) аралаштирмоқ, чалкаштирмоқ; 6) (*к. нингдир*) ички сирини билмоқ. IV أَلْبَسَ 1) (*к. нингдир*) устига (*кийимни*) ташламоқ; кийинтирмоқ, (*н. биландир*) ёпмоқ (ب); 2) чигаллаштирмоқ. V تَلَبَّسَ 1) кийинмоқ, ясанмоқ; 2) (*бирор н. га*) аралашган, тортилган бўлмоқ (ب); 3) (*к. учундир*) тушунарсиз, қоронғи, туманли бўлмоқ (عَلَى). 4) ақлдан озган бўлмоқ; فِي لِبَاسِ الْعِلْمِ ~ ўзини олим деб кўрсатмоқ. بِلِبَاسِ (الْعُرُوبَةِ) الْوَطَنِيَّةِ ўзини (араб дунёси) ватанпарвар қилиб кўрсатмоқ; شَخْصِيَّةٍ ثَانِيَةٍ ~ бошқа шахс қиёфасига кирмоқ. ~ الْإِنْسَانِ инсон киёфасига кирмоқ. VIII الْتَبَسَ 1) (*к. учундир*) қоронғи, ноаниқ, чигал бўлмоқ (عَلَى); عَلَيْهِ الْأَمْرُ ~ у бу ишда мутлақо чигал аҳволга тушиб қолди; 2) адаштирмоқ; (*бошқа одам деб*) қабул қилинмоқ (ب) 3) яширмоқ, пинҳон тутмоқ

– لَبَسٌ ноаниқлик, чалкашлик, шубҳалилик, чигаллик

– تَلَبُّسٌ жиноятга алоқадорлик; ~ فِي حَالَةِ الـ жиноят устида

– تَلْبِيسٌ 1) кийиш, кийиниш; 2) (*бирор н.* билан) қоплаш, ~ الْخَشَبِ мозаик қоплама; ёғоч устига қоплама қилиш, фириб

– تَلْبِيسَةٌ *мед.* суппозиторий; пессарий (*йўғон ичакка тиқиб қўйиб даволайдиган малҳам*)

– لَابِسٌ кийинаётган, кийинган

– لَبَّاسٌ кийим кечаги кўп, кўп кийим-кечакли

– لِبَاسٌ[1] 1) *кўп* لُبُسٌ, أَلْبِسَةٌ, кийим, кийим-кечак, либос. ~ التَّقْوَى а) дин, имон; б) тақводорлик; رَسْمِيٌّ ~ расмий кийим (форма); ~ فَضَائِيٌّ عَسْكَرِيٌّ ҳарбий кийим (форма); ~ фазогир (космонавт) скафандри; ~ الْمَيْدَانِ жанг (поход) кийими. ~ الْمَرْأَةِ а) аёллар иштони (шими); б) аёлнинг эри. ~ الرَّجُلِ а) эркаклар иштони (шими); б) эркак кишининг хотини. ~ التَّقْوَى ҳаё уялиш. ~ كَانَ فِي الْمَيْدَانِ *маж* жанговар тайёр ҳолда бўлмоқ

– لِبَاسٌ[2] 2) ноаниқлик

– لَبَّاسَةٌ *кўп* ـَـ ـاتٌ ـَـ (*оёқ кийимини кийиш учун ишлатиладиган*) қошиқ

– لُبْسٌ, لُبْسٌ, мажҳуллик, чигаллик, ноаниқлик; لَا شُبْهَةَ وَلَا إِبْهَامَ бу нарсада ноаниқлик ҳам, дудмаллик ҳам йўқ, бу мутлақо равшан

– لُبُوسٌ *кўп* لُبُوسٌ кийим-кечак, кийим, кўйлак; السَّوَادِ ~ азадорлик кийими, қора кўйлак; الْكَعْبَةِ ~ Каъба устига ёпилган парда, каъбапўш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– لِبْسَةٌ[1] = لِبْسٌ

– لُبْسَةٌ[2] ноаниқлик, мавҳумлик

– لِبْسَةٌ 1) *қар.* لِبْسٌ; 2) кийиниш одати

– لُبْسٌ *кўп* أَلْبُسٌ 1) кийим, кийим-кечак; ~ الْمَحَافِلِ меҳмондорчилик, кўча кийими; 2) суппозиторий (*қар.* تَلْبِيسَةٌ)

– لُبُوسَةٌ, لُبُوسَةٌ ноаниқлик

– لَبِيسٌ 1. 1) ишлатилган; 2) кийиб эскитилган. 2. *кўп.* لُبُسٌ эски-тускі

– مُلَبَّسٌ 1) жиноятга аралашган, қатнашган: قَبَضُوا عَلَيْهِ ـــ بِجَرِيمَةٍ уни жиноят жойида қўлга олдилар; 2) ноаниқ, қоронғи

– مُلَابَسَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) (*бирор н. билан*) боғлиқ ҳодиса; қўшимча равишда юзага келган ҳолат; 2) қийинчилик; кўп пайдо бўлган ҳолатлар, аҳвол; коньюнктура (*бозорнинг аҳволи*)

– مَلْبَسٌ *кўп* مَلَابِسُ кийим-кечак, кийим, кўйлак: ~ رَسْمِيٌّ расмий кийим; مَلَابِسُ سُفْلِيَّةٌ *ёки* مَلَابِسُ تَحْتَانِيَّةٌ *ёки* مَلَابِسُ دَاخِلِيَّةٌ ички кийим; مَلَابِسُ مُحَيَّطَةٌ тайёр кийим

– مُلَبَّسٌ[1] 1) қопланган, қоплама қилинган

– مُلَبَّسٌ[2] 2) *кўп* ـَاتٌ ـــ қандлар, қанд-курслар, ширинликлар

– مُلَبَّسَةٌ 1) *кўп* ـَاتٌ ـــ қанд

– مَلْبُوسٌ[1] 1. 1) ишлатилган; 2) ақлидан ажраган, тентак: ~ جِنٌّ жин чалган одам

– مَلْبُوسٌ[2] 2) *кўп* ـَاتٌ ـــ 1) кийим, кўйлак. 2) *ҳарб.* ҳарбий кийим-кечак

– مُلْتَبِسٌ ноаниқ, шубҳали

(لبش) II لَبَّشَ 1) адаштирмоқ, енгиллаштирмоқ; саросимага туширмоқ, хижолат қилмоқ; 2) йиғмоқ, боғламоқ, тугмоқ 3) қирғоқни қамиш шох-шаббаси билан мустаҳкамламоқ

– لُبَّشَةٌ *кўп* لُبَشٌ 1) қамишдан тайёрланган шох-шабба 2) балиқчилик аслаҳалари, асбоб-ускуналари

I لَبَطَ (*у*) لَبْطٌ 1) ерга ағанатмоқ (*туш. к. ёки* ب); 2) туртмоқ, сузмоқ; II لَبَّطَ перони сиёҳга теккизмоқ; III لَابَطَ курашмоқ: لَابِطْهُ الْبَدَوِيَّ وَلَا تُحَارِبْهُ *халқ мтл.* бадавий билан кураш, лекин у билан югуришга беллашма

– لَبْطَةٌ 1) тепки, 2) тумов

– لَبَطَةٌ сакраб чопиш, елиш (*от ҳақида*)

– مُلَابَطَةٌ кураш

I لَبِقَ (*а*) لَبَقٌ *ёки* لَبْقٌ (*у*) لَبَاقَةٌ 1) меҳрибон (ақлли, одобли) бўлмоқ, 2) бежирим бўлмоқ, 3) (*к. гадир*) ярашмоқ (ب: لَبِقَ بِهِ الثَّوْبُ кийим унга лойиқ келди, рост келди; II لَبَّقَ ярашмоқ, мос қилмоқ, мосламоқ, тўғриламоқ, рост келтирмоқ

– لَبَاقَةٌ 1) одоб, одоблилик; ~ بِـــ *ёки* ~ فِي одоб билан; ~ دِبْلُومَاسِيَّةٌ дипломатик одоб; 2) мос келиш, яроқлилик; ~ طِبِّيَّةٌ соғлиғи бўйича яроқлилик. 3) малака, чаққонлик; 4) меҳрибонлик, мулойимлик, 5) бежиримлик, назокатлилик

– لَبِقٌ 1) одоб, одоблилик; 2) мослик, мос келиш; 3) малака, чаққонлик

– لَبِقٌ 1) меҳрибон, ақлимтой; одобли; одамнинг қўлидан ишини оладиган, ҳожатбарор; 2) малакали, чаққон; 3) бежирим, назокатли. 4) (*бирор н. учун*) яхши, қулай, мос (*сабаб, баҳона*)

– لَبِيقٌ 1) меҳрибон, ақлимтой, 2) чаққон; 3) бежирим, назокатли

I (لبك) لَبَكَ (*у*) لَبْكٌ 1) алмаштирмоқ, алмаштириб юбормоқ; 2) чалкаштирмоқ; хафа қилмоқ, саросимага туширмоқ, солмоқ; 3) қисмоқ, қийинчиликка солмоқ; لَبَكَ чалкаш бўлмоқ; II لَبَّكَ = I; V تَلَبَّكَ 1) чалкаш бўлмоқ; 2) хафа бўлмоқ, VIII الْتَبَكَ 1) чалкашинмоқ, аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ; 2) мураккаблашмоқ, қийинлашмоқ

– لَبْكٌ 1) чалкашлик; 2) бузилиш: ~ الْمَعِدَةِ ошқозоннинг бузилиши

– لَبَكٌ 1) аралашма; 2) тартибсизлик; 3) чигаллик, бош-учи йўқлик

– لَبْكَةٌ 1) саросималик, бош-бошдоқсизлик, 2) қийинчилик

– مَلْبُوكٌ чалкаш; чалкашиб кетган

لَبَّنَ (*болани*) бағрига босмоқ, эркалатмоқ (ب)

– لَبَّانٌ 1) *бот.* зарпечак, девпечак, ~ كَبِيرٌ *ёки* ~ شَجَرِيٌّ (*чиройини ҳам ўтказиб ўсадиган*) печак, 2) *бот.* Миср ловияси

– لَبَّنٌ, لَبَّنٌ 1) меҳрибон, севувчи; 2) эҳтиром кўрсатувчи

– لَبُونَةٌ она эркалатиши

– لَبُونٌ *кўп* لَبَايِنُ новда

(لبن) II لَبَّنَ ғишт қуймоқ, IV أَلْبَنَ сут ажратмоқ, сут чиқармоқ; VIII اِلْتَبَنَ сут эммоқ (сўрмоқ), X اِسْتَلْبَنَ болалар *ёки* меҳмонлар учун сут қидирмоқ

– لِبَانٌ сутнинг ажралиши, чиқиши, лактация

– لَبَانٌ эмчак, мамма, кўкрак

– لَبَانٌ[1] 1) эмизиш, эмиш; أَمَّهُ ـــ هُوَ أَخُوهَا у (*аёл*)нинг кўкалдоши, эмишгани; ~ الْمَرْكَبِ пишиқ арқон, арғамчи; буксир қиладиган трос

– لُبَانٌ[2], لُبَانَى 1) *бот.* босвеллия (*дарахт*); ـــ الشَّامِيُّ *бот* каммифора (*елим дарахти*); 2) *шунингдек* ~ ذَكَرٌ муаттар елим, падан (*ёқимли ҳид чиқарувчи елим*). 3) *шунингдек* ~ أَمْرِيكِيٌّ резинка сақич

– لَبَّانٌ 1) ғишт қуювчи, 2) сутфуруш

– لَبَّانَةٌ[1] сақич *ёки* чайналадиган резинка, ~ مَضْغٌ ـــ резинка чайнамоқ, (مَعْرِبِيَّةٌ) سَوْدَانُ ~ *бот.* сутлама ихрож (*захарли сут чиқарадиган ўт*)

– لَبَانَةٌ[2] *кўп* ـَاتٌ ـــ 1) иш, вазифа, топшириқ; 2) истак, талаб. ◊ قَضَى ـــهُ у ўз мақсадига эришди

– لَبَانَةٌ[1] сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш

– لَبَانَةٌ[2], لُبَانَةٌ 1) муаттар ҳидли елим, падан; شَامِيَّةٌ ~ канифоль

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*чолғу камончаларига ишлатиладиган елим*); 2) чайналадиган резинка

– لَبَنٌ *кўп.* أَلْبَانٌ 1) сут; الإِبِلِ ~ туя сути; هَامِضٌ ~ *ёки* زَبَادِيٌّ ~ қатиқ; حَلِيبٌ ~ янги соғилган сут; الْحَضَّ ~ кув қилинган сут; ~ رَائِبٌ ивиган сут; عُلَبٍ ~ банкадаги сут; مُجَمَّدٌ ~ қуюлтирилган сут; مُجَفَّفٌ ~ қуритилган сут, مَقْطُوعٌ ~ сузма, қатиқ; ~ الـ مَصْلُ зардоб; ~ الـ مِيزَانُ лактометр; ~ الـ أَبْيَضُ كَالـ сутдай оқ; صَارَ مِثْلَ ~ الـ عَلَى الْعَسَلِ *маж.* (*к. гадир*) мулойим муносабатда бўлмоқ (*ёки*); 2) *шунингдек:* ~ الـ النَّبَاتُ *ёки* النَّبَاتِيُّ ~ الـ *бот.* Сут шираси; ~ الـ مِسْمَارُ оғиз сут, оғиз сути; ~ الـ سِنُّ сут тиш

– لَبِنٌ, لِبْنٌ *жам.* хом, пиширилмаган ғишт; сомонли гувала

– لَبَنَاتٌ *ким.* лактат, сут кислотали туз

– لَبِنَةٌ[1], لِبْنَةٌ *кўп.* ـاتٌ — (*бир дона*) хом ғишт

– لَبِنَةٌ[2] الْقَمِيصِ ~ кўйлакнинг ёқаси

– لَبَنِيٌّ сутли, сутга сид, сутранг; ~ الـ غُدَّةٌ сут безлари

– لُبْنَى *бот.* 1) сут дарахти; 2) семиз ўт

– لَبَنِيٌّ сутга оид; ~ الـ الْحَامِضُ сут кислотаси

– لَبَنِيَّةٌ сутли овқат

– لَبَنِيَّاتٌ *кўп.* сут маҳсулотлари

– لَبُونٌ сут берувчи, сутли; ~ اِبْنٌ икки ёшга тўлиб, учга ўтган бўталоқ (*мн* ~ اِبْنَةٌ)

– لَبُونَاتٌ *кўп.* сут эмизувчилар

– لُبَيْنَةٌ *бот.* семиз ўт

– مِلْبَنٌ[1] 1) эшик кесакиси, ёғ ори; 2) (*дераза*) роми

– مِلْبَنٌ[2] *шунингдек:* ~ تُرْكِيٌّ роҳат-лукум (*ширинлик*); ширинликлар, қандлар

– مِلْبَنٌ 1) сут сузғич; 2) ғишт қолип

– مَلْبَنَةٌ 1) сут фермаси; 2) сут ва сут маҳсулотлари дўкони; 3) сутнинг кўпайишига сабаб бўладиган; ~ هٰذَا الْعُشْبُ бу ўт (*ҳайвоннинг*) сутини кўпайтиради

– مَلَابِنُ *кўп.* қошиқ

لَبْنَنَ Ливанлаштирмоқ, Ливанга оид қилмоқ تَلَبْنَنَ ливанликларга ўхшамоқ

– لُبْنَانِيٌّ 1. Ливанга оид; 2. ливанлик

– لَبْنَنَةٌ ливанлаштириш

لُبُوءَةٌ *кўп* لَبُوَاتٌ = لَبُوءَةٌ

(لبى) II لَبَّى 1) لَبَّيْكَ "мана, мен рўпарангдаман, олдингдаман" сўзларини айтмоқ, (*бирор нарса*) таклиф қилмоқ, ~ الـ دَعْوَةَ таклифни қабул қилмоқ; 3) (*чақириққа*) бўйсунмоқ, бормоқ

– تَلْبِيَةٌ 1) لَبَّيْكَ "мана, мен рўпарангдаман, олдингдаман" сўзларини айтиш; 2) (*таклифни*) қабул қилиш, 3) тайёрлик, тайёр бўлиб туриш, раҳмдиллик, кўнгилчанлик

– لَبَّيْكَ мана, мен рўпарангдаман, олдингдаман (*ҳаж мавсумида айтилади*)

I لَتَّ (*а/и*) لَتٌّ 1) талқон қилиб туймоқ; 2) қормоқ (*хамирни*); 3) ~ وَ عَجَنَ فِي كَلَامِهِ латтачайнарлик қилмоқ, вайсақилик қилмоқ, тилнинг қичиғини босмоқ

– لَتٌّ вайсақилик, бефойда гаплар; صَبَرَ لَتَّهُ وَ عَجَنَهُ кимнингдир латтачайнарлигига тоқат қилмоқ

– لَتَّاتٌ латтачайнар, вайсақи, сергап

– لَتَّةٌ *кўп.* اتٌ — арзимас, бефойда нарса

I لَتَأَ (*а*) لَتْءٌ туртмоқ, итармоқ; ~ تُ زَيْدًا فِي صَدْرِهِ Зайдни кўкрагидан итардим; ~ تْ بِهِ أُمُّهُ — онаси уни туғди ~ بِحَجَرٍ тош билан урмоқ; إِلَيْهِ بِعَيْنِهِ ~ унга тикилиб қаради; ~ تْ — لَعَنَ اللّٰهُ أُمًّا !ва уни туққанни Оллоҳ лаънатига дучор қилсин

لِتْرٌ *кўп* اتٌ — литр

لِتْمُوسٌ *ким.* лакмус

(لتن) II لَتَّنَ лотинлаштирмоқ

– لَاتِينٌ *жам.* 1) *тар.* Лотинлар; 2) *эск.* католик динидагилар

– لَاتِينِيٌّ лотинга оид, лотинча; الْحُرُوفُ الـ ـَّةُ лотин ҳарфлари, лотин алифбоси; الـ ـَّةُ лотин тили

– مُلَتَّنٌ лотинлаштирилган (*алифбо ҳақида*)

اللَّوَاتِي *кўп.* الَّتِي *қар.* أ

(لث) IV أَلَثَّ (*қаердадир*) яшамоқ, истиқомат қилмоқ (ب). لَا تُلِثُّوا بِدَارِ مَعْجَزَةٍ *ҳад.* тирикчилигингиз қийин бўлган юртда яшамаганлар

I لَثَغَ (*а*) لَثَغٌ чучук тилли бўлмоқ, "с" ўрнига "ш", "з" ўрнига "ж", "р" ўрнига "й" талаффуз қилмоқ

– أَلْثَغُ *мн.* لُثْغَاءُ *кўп.* لُثَغٌ чучук тилли, чучук тил

– لَثَغٌ, لُثَغَةٌ чучук тиллилик

I لَثَمَ (*и*) لَثْمٌ ўпмоқ, пешонадан ўпмоқ; 2) юзни парда билан яширмоқ (*аёл ҳақида*); II لَثَّمَ юзни яширтирмоқ, бекиттирмоқ (*аёл ҳақида*); ниқобламоқ (*жарроҳ ҳақида*) III لَاثَمَ ўпишмоқ; V تَلَثَّمَ (*н билан*) ўзини яширмоқ, бекитмоқ (ب); VIII الْتَثَمَ парда билан юзни яширмоқ

– لِثَامٌ *кўп.* لُثُمٌ парда, чимчат, ёғди. ~ الـ خَاطَ ... еки ... ~ الـ (*ўрта*) *кўпи* ... нинг юзидан пардани (ниқобни) олиб ташламоқ

لَثَمَةٌ = لُثَمَةٌ

– ... *кўп.* ... ўпиш, ўпиб олиш, муаттар

– مَلْثَمٌ, مَلْثَمَةٌ парда (*ниқоб*), ёпқич, ёпиладиган, ёпиб қўйиладиган

لِثَةٌ *кўп* لِثَاتٌ, لِثًى — милк

www.ziyouz.com kutubxonasi

– لَثَوِيٌّ милкка оид, *фон.* тишлар орасида ҳосил бўладиган товуш; الْحُرُوفُ الـــ~ـــةُ тишлар орасида ҳосил бўладиган ундош товушлар (ث, ذ, ظ)

I لَثِيَ (*а*) لَثًى шира (шарбат, сув) томчитмоқ (*дарахт ҳақида*)

– لَثًى шира, шарбат, сув

I لَحَّ (*u/a*) لَحٌّ, لَحَاحٌ, لَحَاحَةٌ 1) (*н. дадир*) сабот, қунт-матонат кўрсатмоқ (فِي); (*н. дадир*) қаттиқ туриб олмоқ (عَلَى); 2) хиралик қилмоқ; (*к. нингдир*) жонига тегмоқ (عَلَى); 3) (*к. гадир*) тазйиқ ўтказмоқ, малол келмоқ, азоб бермоқ (عَلَى); II لَحَّحَ кечиб ўтмоқ; ~ـــت السَّفِينَةُ кема очиқ денгизга чиқди; III لَاحَّ тортишмоқ, айтишмоқ; узоқ вақт жанжаллашмоқ, тортишишда узоқ давом этмоқ; VIII الْتَحَّ шовулламоқ, пўртанага келмоқ (*денгиз ҳақида*)

– لَاحٌّ саботли, қунт-матонатли

– لُحٌّ *кўп* لُحُحٌ тубсизлик, қаър; мўл-кўл сув

– لُحَاحٌ 1) тубсиз; 2) пўрталаниб турган

– لُحَاحَةٌ сабот, қунт-матонат

– لَحُوحٌ = لُحَحَةٌ

– لُحُوحٌ 1) саботли, қунт-матонатли; 2) жонга тегадиган; 3) пўртанали

– لُحَّةٌ шовқин, шовуллаш

– لُحَّةٌ *кўп* ـــاتٌ لُحَحٌ тубсизлик, қаър; мўл-кўл сув; عَلَا عَلَيْهِ ~ بَعْدَ الْمَاءُ унинг устига пешма-пеш сув тўлқинлари босиб келди

– لَحَةٌ *қар.* لَحٌّ

– لُحِّيٌّ тубсиз, қаърли; пўртанали; ~ بَحْرٌ пўртанали денгиз

I لَحَأَ (*а*) لُحُوءٌ, لُجْءٌ 1) бошпана қидирмоқ; 2) (*к. гадир, н. гадир*) мурожаат қилмоқ (إِلَى), إِلَى الْمَدَاوَرَةِ وَالْخِدَاعِ ~ ҳийла-найранг ва ёлғонга таянмоқ; 3) (*қаергадир*) қочмоқ (إِلَى); II لَحَّأَ (*бирор н. га*) таянишга *ёки* мурожаат этишга мажбур қилмоқ (إِلَى); IV أَلْحَأَ 1) бошпана қидиртирмоқ, қидиришга мажбур бўлмоқ; 2) (*бирор н. га*) таянишга *ёки* мурожаат этишга мажбур қилмоқ (إِلَى) 3) яширмоқ, бекитмоқ, бошпана бермоқ, ҳимоя қилмоқ; ~ أَمْرَهُ إِلَيْهِ ўз ишини кимгадир ишониб топширмоқ; Оллоҳга тақя қилмоқ, худога солмоқ; VIII الْتَحَأَ 1) яширинмоқ, бекинмоқ, 2) (*к. дандир*) бошпана изламоқ (إِلَى); таянмоқ (إِلَى)

– مَلْحَأٌ бошпана, ҳимоя қидириш; مَنَحَهُ حَقَّ الـــ~ السِّيَاسِيَّ кимгадир сиёсий бошпана ҳуқуқини бермоқ

– لَاجِئٌ 1 бошпана, хона қидирувчи; 2 кочқин, эмигрант

– لَحَأَةٌ тошбақа

– لُحُوءٌ бошпана қидириш, излаш, (*бирор н. га*) таянич, асосланиш (إِلَى); ~ السِّيَاسِيُّ أَعْطَاهُ حَقَّ الـــ~ кимгадир сиёсий бошпана ҳуқуқини бермоқ

– مُلْتَجِئٌ = لَاجِئٌ ~ سِيَاسِيٌّ сиёсий эмигрант

– مَلْجَأٌ *кўп* مَلَاجِئُ 1) бошпана; الْأَيْتَامِ ~ етимхона, الشُّيُوخِ ~ (الْعَجَزَةِ) ғарибхона, мискинлар уйи; الْعُمْيَانِ ~ кўзи ожизлар уйи; ~ الْعَاهِرَاتِ (*тузалган фоҳишалар учун*) профилактория; 2) бошпана, бомбадан сақланадиган бошпана

I لَجِبَ (*а*) لَجَبٌ пўртаналанмоқ, шовулламоқ, мавжга келмоқ (*денгиз, оламон ҳақида*)

– لَجَبٌ шовқин, шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ

– لَجِبٌ 1) шовқинли; 2) ҳисобсиз, кўп сонли (*қўшин ҳақида*)

لَحْلَحَ тутилиб гапирмоқ; ноаниқ, т ушунарсиз гапирмоқ; ғулдирамоқ; تَلَحْلَحَ = لَحْلَحَ

– لَحْلَحَةٌ = تَلَحْلُحٌ

– لَحْلَاحٌ 1. ноаниқ, тушунарсиз гапирадиган; 2 тутилиб гапирадиган одам

– لَحْلَحٌ чигал, ноаниқ гапирувчи; ~ الْحَقُّ أَبْلَجُ وَالْبَاطِلُ *қар.* بلج

– لَحْلَحَةٌ тутилиб гапириш, ғудурлаш

I لَحَمَ (*у*) لَحْمٌ 1) тиқмоқ, баҳялаб тикмоқ; 2) тиймоқ, тийиб қўймоқ; الْمُعْتَدِينَ ~ агрессорларни тийиб қўймоқ; II لَحَّمَ нўхталамоқ, жиловламоқ (*отни*), IV أَلْحَمَ нўхта солмоқ, нўхталамоқ, الْمَسْعُورِينَ ~ *маж.* қутурганларни, ваҳшийларни нўхталамоқ, жиловламоқ, тўхтатмоқ; لِسَانَهُ ~ *маж.* а) тилни тиймоқ, б) бирор кишининг тилини тийдирмоқ; V تَلَحَّمَ 1) нўхталанган, жиловланган бўлмоқ (*от ҳақида*); 2) нўхталанмоқ, жиловланмоқ; 3) латта тасма боғлаб юрмоқ (*ҳайз кўрган аёл ҳақида*)

– لَحَامٌ *кўп* ـــاتٌ أَلْحِمَةٌ, لُحُمٌ 1) нўхта, жилов; حَدِيدٌ ~ сувлик; 2) ҳайз кўрган аёллар боғлаб юрадиган латта тасма

– مُلْحَمٌ, مَلْحُومٌ нўхталанган, жиловланган

I لَجِنَ (*а*) لَجَنٌ (*бирор н. га*) ёпишиб олмоқ, ёпишмоқ (ب)

– لَجْنَةٌ *кўп* لِجَانٌ 1) комитет, қўмита; تَنْفِيذِيَّةٌ ~ *ёки* إِجْرَائِيَّةٌ ~ ижроия комитети; الْمَرْكَزِيَّةُ الـــ~ марказий комитет, الدَّوْلَةِ ~ давлат мудофаа комитети; لِلدِّفَاعِ الْاعْتِصَابِ ~ ишташлаш (стачка) комитети; 2) комиссия; الْعَامَّةُ الـــ~ комиссия пленуми, мажлиси; ~ الْعَلَاقَاتِ الْخَارِجِيَّةِ (*парламент ҳузуридаги*) ташқи ишлар бўйича комиссия; التَّجْنِيدِ ~ (*ҳарбийга*) чақирув комиссия, طِبِّيَّةٌ ~ тиббиёт комиссияси; فَرْعِيَّةٌ ~ кичик комиссия, الْمُرَاقَبَةِ ~ назорат комиссияси; دَائِمَةٌ ~ доимий комиссия; الْأُمُورِ الْحُقُوقِيَّةِ ~ ҳуқуқий (юридик) масалалар бўйича комиссия; مَشَارِيعِ الدَّوْلَةِ ~ давлат режалаштириш (план) комиссияси; 3) лига, иттифоқ, бирлашма

– لُجَيْنٌ кумуш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– لُحَيْنِيٌّ кумуш рангли, кумушли

I **لَحَّ** (а/и) яқин бўлмоқ (*қариндошлик ҳақида*). IV أَلَحَّ (*н. нидир*) қатъий, қаттиқ талаб қилмоқ (عَلَى); (*н. дадир*) собит, қаттиқ талаб қилувчи бўлмоқ (عَلَى, فِي); тазйиқ ўтказмоқ (عَلَى). ~ فِي الْمُطَالَبَة қатъий талаб қилмоқ

إِلْحَاحٌ қатъийлик, собитлик; қаттиқлик; ~ شَدِيدُ الـ хира, елим, шилқим; ~ فِي қатъий, қаттиқ, орқага чекинмай, қатъият билан

– لَاحٌّ тор, танг, камбар

– لَحٌّ яқин қариндошлик

– لَحِحٌ тор, танг, камбар

– لَحُوحٌ саботли, собит, қатъийли, талабчан

– مُلِحٌّ 1) талаб қилувчи; саботли, собит. 2) кечиктириб бўлмайдиган

– مُلْحَاحٌ 1) собитли, собит, қатъиятли, 2) хира, елим, шилқим, жонга тегувчи

I **لَحَبَ** (*а*) لَحْبٌ (*бирор н. билан*) урмоқ, зарба бермоқ (بـ): ~ بِالسَّوْطِ қамчи билан урмоқ, қамчиламоқ

– لَوَاحِبُ *кўп* 1) кенг йўл; 2) *эл.* электрод

I **لَحَدَ** (*а*) لَحْدٌ 1) кўммоқ, дафн қилмоқ. 2) қабр, гур кавламоқ. 3) диндан қайтмоқ (فِي الدِّينِ) (*н. дандир*) чекинмоқ, юз ўгирмоқ; ~ فِي رَسْمِهِ кимнидир қабрга қўймоқ; 2) (*н. дандир*) четга чиқмоқ, қайтмоқ (عَنْ); бедин бўлмоқ. худосиз (атеист) бўлмоқ. ~ عَنِ الدِّينِ диндан қайтмоқ. ~ فِي الْحَرَمِ хотинга зулм ўтказмоқ. VIII اِلْتَحَدَ (*н. дандир*) чекинмоқ, воз кечмоқ, ажралмоқ (عَنْ); ~ عَنِ الدِّينِ диндан қайтмоқ; 2) (*н. гадир*) мойил бўлмоқ (إِلَى)

– إِلْحَادٌ 1) кофирлик; 2) худосизлик, динга ишонмаслик, атеизм

– إِلْحَادِيٌّ атеистик, атеизмга оид; ~ الـمَذْهَبُ الـ атеизм

– إِلْحَادِيَّةٌ атеизм

– لَحَّادٌ гўркав, қабр ковловчи

– أَلْحَادٌ, لُحُودٌ, لُحُدٌ, لَحْدٌ *кўп* қабр учун кавланган чуқур: қабр, лаҳад. ~ مِنَ الْمَهْدِ إِلَى الـ *мисл* бешикдан қабргача. ~ بَعَثَ مِنْ бирор нарсани тирилтирмоқ

– مُلْحِدٌ *кўп* مَلَاحِدَةٌ 1) кофир; 2) худосиз, атеист

I (хис) **لَحَسَ** (*а*) لَحْسٌ, لَحْسَةٌ, لُحْسَةٌ 1) яламоқ. 2) еб битирмоқ, йўқ қилмоқ. 3) *мажз.* ақлдан озган бўлмоқ; тентак бўлмоқ. ~ بِالْكُرْبَاجِ қамчи билан саваламоқ. ~ وَعْدَهُ ваъдани бузмоқ. لحس (*а*) لَحْسٌ яламоқ, чапиллатиб ичмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*)

– لَحْسٌ ялаш; чапиллатиб ичиш (*ҳайвонлар ҳақида*)

– لَحْسَةٌ 1) (*бир марта*) ялаш; 2) (*ақлан*) айниш

– مَلْحُوسٌ 1. 1) яланган; 2) енгилтабиат; ақли жойида бўлмаган, жиннибашара; 1. тентак, ақлсиз

لَحْسَنَ *халқ.* чунки, сабабли; акс ҳолда; ~ الْحَقَّه خُذْ يَسَارَكَ شُوَيَّةً لَحْسَنَ الَّلِي قَدَّامَكَ غَرِيقَه бир оз ўнгга бурил, чунки сендан олдингги жой чуқур!

I **لَحَظَ** (*а*) لَحْظٌ 1) боқмоқ, қарамоқ, тикилмоқ; эътибор бермоқ, сезиб колмоқ; 2) амал қилмоқ, риоя қилмоқ; 3) кўз қири билан қарамоқ; III لَاحَظَ 1) диққат билан қарамоқ, тикилмоқ, кузатмоқ, эътибор бермоқ; ... بِلَاحَظْ أَنَّ шуни кўриш мумкинки, ...; афтидан ...га ўхшайди, кўринишидан ...га ўхшайди; 2) (*н -нидир*) кузатмоқ, кузатиб (назорат қилиб) турмоқ; 3) бошқармоқ, раҳбарлик қилмоқ; 4) танбеҳ бермоқ, койимоқ, фикр билдирмоқ. VI تَلَاحَظَ бир бирига қарамоқ

– لَوَاحِظُ *кўп* لَاحِظَةٌ кўз (*биттаси*)

– لَحَّاظٌ, لَحَاظٌ *кўп* لَحْظٌ кўз қуймочи

– أَلْحَاظٌ *кўп* لَحْظٌ қараш, боқиш, назар

– لَحَظَاتٌ *кўп* لَحْظَةٌ лаҳза, он, пайт, момент; ~ فِي бир онда; кўз юмиб-очгунча. ~ شُوَيَّةً ўша онда; ~ فِي أَيِّ сўнгги онда; لَحْظَتَئِذٍ ўша лаҳзада

– لَحْظِيٌّ лаҳзага, онга, пайтга оид

– مُلَاحَظٌ эътибор берилаётган, кузатилаётган. ~ أَنَّ кўриш мумкинки ..., маълум бўладики, ...

– مُلَاحِظٌ 1. кузатиб турадиган, кузатадиган. ~ ناظِرُ, инспектор; контролер (*мас. цехда*)

– مُلَاحَظَةٌ *кўп* ـاتٌ 1) назорат, кузатув; 2) мулоҳаза, фикр

– مُلَاحَظٌ *кўп* مَلَاحِظُ 1) боқиш, нуқтаи назар; 2) мулоҳаза

– مَلْحُوظَةٌ *кўп* ـاتٌ мулоҳаза, фикр

I **لَحَفَ** (*а*) لَحْفٌ кўрпа ёпмоқ. IV أَلْحَفَ 1) кўрпа ёпмоқ. 2) шилқимлик қилмоқ; саботлилик, қатъият кўрсатмоқ; ~ عَلَيْهِ жуда қатъиятли бўлмоқ. V تَلَحَّفَ кўрпа ёпинмоқ. VIII اِلْتَحَفَ (*бирор н. дан*) кўрпа сифатида фойдаланмоқ, (*бирор н. га*) ўраниб олмоқ (*туш. к. еки* ب); ~ الْحَرَّ бошпанасиз бўлмоқ

– إِلْحَافٌ шилкимлик, қатъиятлилик

– لُحَافٌ *кўп* أَلْحِفَةٌ, لُحُفٌ кўрпа, ёпинғич, адел

– لَحْفٌ (*тог*) остонаси

– لَحَّافٌ = مَلَاحِفِيٌّ *кўп* مُلْحِفٌ

– مُلْحَفَةٌ *кўп* مَلَاحِفُ 1) кўрпа, ёпинғич адел; 2 плаш, ёмғирпўш

I **لَحِقَ** (*а*) لَحَاقٌ, لُحُوقٌ 1) (*к. нидир*) қувиб етмоқ (بـ). 2) ўз вақтида етиб келиоқ (*мас. поездга*); حَتَّى أُلْحَقَ لِيَلْحَقَ أَوَّلَ مُحَاضَرَةٍ лекцияга кеч қолмаслик учун шошилмоқ; 3) (*к. н инадир*) қисматига тушмоқ; (*к. гадир*) насиб бўлмоқ (بـ); 4) босмоқ, юқмоқ

(*беморлик ҳақида*); ~ـــهُ الأَضْرَارُ унда ўзгариш бўлди; ~ـــهُ التَّغْيِيرُ унга зарар етказилди; 5) (*к. гадир, н. гадир*) эргашмоқ, қўшилмоқ, бирлашмоқ (ب) ~ بِالْخِدْمَةِ ишга (хизматга) кирмоқ; ~ بِعَالَمِ الْخُلُودِ *маж.* ўлмоқ; 6) (*к. ёки н гадир*) эргашмоқ; (*к. ёки н. нигадир*) изидан бормоқ, ортида бўлмоқ; 7) (*н. гадир*) хос, мансуб бўлмоқ (إِلَى); 8) (*бирор н. ни*) олдин, эртароқ қилмоқ; III لَاحَقَ 1) (*к. биландир*) доим бирга бўлмоқ; 2) кузатмоқ; қувғин қилмоқ; 3) (*к. нидир*) қувиб етишга интилмоқ, (*к. гадир*) эргашмоқ; لَمْ يُلَاحِقْهُ у унга етолмасди; 4) (*к. нидир*) диққат-эътибор билан кузатмоқ ~ تَحْصِيلَهُ بِمُطَالَعَةِ الْكُتُبِ у китоб ўқиб, ўз маълумотини ошириш билан шуғулланди; IV أَلْحَقَ 1) (*бирор н.* га) бирлаштирмоқ, қўшмоқ (ب); босиб олмоқ, забт этмоқ; 2) (*нашрга*) илова қўшмоқ; 3) (*к. гадир, мас. зарар*) етказмоқ келтирмоқ; ~ بِهِ خَسَائِرَ فَادِحَةً кимгадир қаттиқ зарар етказмоқ; ~ بِهِ أَضْرَارًا кимгадир зарар келтирмоқ, 4) (*бирор н. учун*) иш хизматига (*командировкага*) юбормоқ (ب); ~ـــهُ بِالْمَدْرَسَةِ кимнидир мактабга жойлаштирмоқ; 5) уламоқ, тиркамоқ (*мас. вагонни паровозга* - ب); VI تَلَاحَقَ 1) жуда яқин бўлмоқ (*мас. хавф-хатар ҳақида*); 2) бир жойга тўпланмоқ; 3 бир-бирини қувиб етмоқ; бир-бири билан изма-из бормоқ; кетма-кет келмоқ, узлуксиз юрмоқ, кетма-кет бўлмоқ, юзага чиқмоқ, содир бўлмоқ; ~ اَلْأَنْفَاسُ тез-тез нафас олмоқ, бўғилмоқ, нафас қисмоқ; VIII اِلْتَحَقَ (*н. гадир*) бирлашмоқ, қушилмоқ (ب); (*н. гадир*) кирмоқ (في), (*қаергадир*) кирмоқ (ب); ~ بِالْخِدْمَةِ хизматга (ишга) кирмоқ), ~ بِالْمَدْرَسَةِ мактабга (ўқишга) кирмоқ; ~ بِالرَّفِيقِ الْأَعْلَى ~ *еки* ~ بِجِوَارِ رَبِّهِ вафот этмоқ; X اِسْتَلْحَقَ 1) жалб қилмоқ, қўшиб олмоқ; ~ـــهُ *юр.* кимнидир уз ўғли деб эълон қилмоқ; 2) қўшилмоқ

– اِلْتِحَاقٌ қўшиб олиш, қўшилиш, кириш; ~ طَلَبَاتُ الْـــ (*мас. университетга*) кириш шартлари

– إِلْحَاقٌ 1) қўшиш, қўшиб қўйиш; забт қилиб қўшиб олиш; 2) хизмат сафари (*командировка*)га жўнатиш; ~ـــا لِـــ (*бирор н.* га қилинган) қўшимча

– لَاحِقَاتٌ *кўп.* 1) забт қилиб қўшиб олинганлар; 2) қўшимчалар

– لَاحِقٌ 1) етиб олаётган; 2) қўшилаётган, 3) ортда келаётган, кечикиб келаётган, кечки; ~ـــ اَلنَّشَاطُ кейинги фаолият; ~ سَابِقٌ وَ а) собиқ ва ҳозирги; б) халаф ва салаф; ~ـــا وَسَابِقًا олдин ва бундан кейин; 4) *мав.* مُعَاوِيَةُ بْنُ أَبِي سُفْيَانَ *минган отнинг номи*

– لَاحِقَةٌ *кўп.* لَوَاحِقُ 1, иккинчи даражали *еки* бирор нарса билан боғлиқ ҳолат. 2) кейин пайдо бўлган воқеа; سَوَابِقُهُ وَلَوَاحِقُهُ унинг бошига тушган олдинги ва кейинги воқеалар; 3) *грам.* суффикс

– لَحَاقٌ 1) етиб бориш (олиш); 2) (*бирор н. билан*) қўшилиш, бирлашиш (ب)

– لَحَاقٌ = لَحْقٌ

– لَحَقٌ 1) илова (*мас. журналга*); 2) *жам.* ҳамфикрлар, тарафдорлар

– مُتَلَاحِقٌ 1) бир-бирини қувиб етувчи, бир-бирининг орқасидан яқин эргашиб келаётган; 2) кетма-кет чиқаётган (*мас. китоб*), رَدَّدُوهُ فِي أَلْفَاسٍ مُتَلَاحِقَةٍ улар ҳансираб буни такрорладилар

– مُلَاحَقَةٌ таъқиб қилиш, қувғин қилиш

– مُلْحَقٌ 1. 1) қўшиб олинган; забт қилиб қўшиб олинган; 2) қўшилган, қўшимча; 2. 1) атташе (*дипломатик ходим*); вакил, агент: ~ بَحْرِيٌّ денгиз атташеси, ~ تِجَارِيٌّ савдо атташеси, ~ ثَقَافِيٌّ маданият атташеси; ~ صُحُفِيٌّ матбуот атташеси, ~ عَسْكَرِيٌّ харбий атташе, 2) *кўп.* ـــات ~ қўшимча, илова (*мас. газета, журнал ва б*); اَلْمَبَانِي وَمُلْحَقَاتُهَا бўеқлар ва қушимча материаллар; اَلرُّومَاتِزْمُ وَمُلْحَقَاتُهُ ревматизм ва у билан боғлиқ оғриқлар, *кўп.* қўшиб олинган ерлар, аннекциялар

– مُلْحَقٌ *кўп.* مَلَاحِقُ ـــات الْإِمْتِحَانَاتِ مَلَاحِقُ такрорий (қўшимча) имтиҳонлар, қайта имтиҳон ўтказиш

– لَحَقٌ 1) кетмоқ, узоқлашмоқ; 2) (*ўз ўрнидан*) жилдирмоқ, сурмоқ (عَنْ); 3) серҳаракат, тиниб-тинчимас бўлмоқ, تَلَحَّقَ жилмоқ, жилдирмоқ

– لَحَقٌ *бот.* қушқўнмас (*тиконли ёввойи ўсимлик*)

– لَحَقٌ серҳаракатлилик, тиниб-тинчимаслик

– مُلْحَقٌ серҳаракат, тиниб-тинчимас

I (حم) لَحَمَ (у) لَحْمٌ 1) кузатмоқ, ямамоқ, бирлаштирмоқ, маштирмоқ, боғламоқ; اَلْحَدِيثَ ~ суҳбатни тўхтатмай турмоқ, гапни гапга улаб турмоқ, 2) (*металлни*) ямамоқ, кавшарламоқ; ~ بِالْكَهْرَبَاءِ электрда кавшарламоқ; 3) битмоқ (*яра, жароҳат ҳақида*), 4) ич-этини еб қўймоқ (*нафрат, ғазаб ҳақида*), 5) *мажз* йиғирилмоқ; اَلْعَظْمُ ~ суякни тозаламоқ, суякдаги гўштларни ажратмоқ, لَحِمَ (у) لَحَامَةً сергўшт, семиз бўлмоқ, لَحِمَ (а) لَحَمٌ 1) этхўр бўлмоқ, йиртқич бўлмоқ; 2) (*бирор н.* га) ёпишмоқ (ب); (*қаергадир*) қолмоқ (ب), 3) гуштни яхши курмоқ, III لَاحَمَ 1) бирга ётирмоқ; 2) (*металлни*) ямамоқ, кавшарламоқ; IV أَلْحَمَ = III

– اَلثَّوْبَ ~ газламани тўқимоқ, أَلْحَمَ مَا أَشَابَتْ *мкл* ишни бошладингми-охирига етказ! (*сўзма-сўз* ўришини тортдингми-газламасини тўқи!), VI تَلَاحَمَ 1) уришмоқ, жанг қилмоқ; 2) бирлашмоқ, улашмоқ, жипслашмоқ; қўшилмоқ; пайваста бўлмоқ, 3) ямамоқ, кавшарламоқ (*металл ҳақида*), VIII اِلْتَحَمَ 1) (*к. биландир*) уришмоқ, жанг қилмоқ (ب), 2) бирлашмоқ, уланмоқ; 3) битмоқ (*жароҳат ҳақида*); уланиб тузалмоқ (*суяк ҳақида*)

– لَحْمٌ 1) уруш, жанг, яқин олишув, қўл билан олишув; 2) алоқа бирлашиш; пайваста бўлиш; битиб кетиш; 3) *физ* уланиш кучи

– لُحْمَةٌ 1) жанг, уруш; 2) бирлашиш, уланиш; 3) ямаш, пайвандлаш кавшарлаш, ямоқ, пайванд кавшар; 4) жипслик, бирлашганлик

– لَوَاحِمُ *кўп* لَاحِمٌ 1 этхўр, ваҳший

www.ziyouz.com kutubxonasi

– لاَحِمٌ[2] кавшарловчи, пайвандчи

– لِحَامٌ[1] ямоқ, пайванд, кавшар; ямаш, пайвандлаш, кавшарлаш; بِالْكَهْرَبَاءِ ~ электрпайвандлаш, электркавшарлаш; ~ بِالْأُوكْسِيجِينِ кислородли пайвандлаш (кавшарлаш); ذَاتِيُّ ~ газли пайвандлаш (кавшарлаш); ~ الـ وَابُورٌ ямаш лампаси;

– لِحَامٌ[2] *кўп.* اتٌ ـــ кавшарлаш, пайвандлаш учун ишлатиладиган металл қоитшма

– لَحَّامٌ 1) қассоб, гўшт сотувчи; 2) пайвандчи, кавшарловчи; ~ كَهْرَبَائِيٌّ элетрпайвандчи; ~ أُوكْسِيجِينِ وَكَهْرَبَاءٍ электргазпайвандчи

– لَحَامَةٌ сергўштлик, семизлик

– لِحَامَةٌ пайвандчилик касби; عَامِلُ الـ~ пайвандчи, кавшарловчи

– لَحْمٌ сергўшт, семиз

– لَحْمٌ[1] ямаш, пайвандлаш, кавшарлаш; ямоқ, пайванд, кавшар

– لَحْمٌ[2] *кўп.* لُحُومٌ, لِحْمَانٌ 1) гўшт, тана, лаҳм; أَبْيَضُ ~ оқ гўшт (*қуш, балиқ ва б.лар ғўшти*); أَحْمَرُ ~ ёғсиз гўшт; الْبَقَرِ ~ *ёки* الـ~ الْبَقَرِيُّ мол гўшти; الْجَمَلِ ~ туя гўшти; الْجَامُوسِ ~ буйвол гўшти; الْخِنْزِيرِ ~ чўчқа гўшти; الْعِجْلِ ~ *ёки* الْعَجَالِيُّ الـ~ бузоқ гўшти; الْغَنَمِ ~ *ёки* الضَّأْنِ ~ қўй гўшти; مَفْرُومٌ ~ қийма; اللَّحُومُ الْمُقَدَّدَةُ консерва қилинган гўшт; اللَّحُومُ الْمُثَلَّجَةُ музлатилган гўшт; 2) (*меванинг*) гўшти, эти; الْأَسْنَانِ ~ милклар; وَدَمًا ~ـــا қони ва эти бўйича; أَكَلَ ~ـــهُ عَلَى بَطْنِهِ ~ ҳеч нарса емай; оч-наҳор; оч қоринга

– لَحْمَةٌ 1) гўшт парчаси, бўлаги; 2) бирлаштирадиган, ёпиштирадиган моддалар (*елим, оҳак ва б. лар*); 3) арқоқ (*газламада*)

– لُحْمَةٌ 1) қариндошлик, қариндош; 2) арқоқ (*газламада*); ~ الْبَازِي тутилган овдан лочинга берилган улуш

– لَحْمِيٌّ гўштли

– لَحْمِيَّةٌ *мед.* грануляция (*битган ярадаги янги эт*); бегона эт (*узоқ битмаган ярада ҳосил бўлади*); الْأَنْفِ ~ *мед.* аденоидлар (*бурун ичидаги касаллик*); الْعَيْنِ ~ *анат.* конюктива (*кўз жилди, шилимшиқ пардаси*)

– لَحْمِيَّاتٌ *кўп.* этхўрлар, ваҳший ҳайвонлар

– لَحِيمٌ = لَحِمٌ

– مُتَلَاحِمٌ жипслашган, уланган

– مُتَلَاحِمَةٌ бошдаги этга теккан, лекин тўқималарга етиб бормаган яра

– مُلْتَحِمَةٌ *анат.* конюктива (*қар.* لَحْمِيَّةٌ): 2) *шунингдек:* الْتِهَابُ الـ~ *мед.* конюктивит (*кўз жилди, шиллиқ пардасининг яллиғланиши*)

– مُلْحَمٌ кийим турларидан бири

– مَلْحَمَةٌ *кўп.* مَلَاحِمُ 1) қонли жанг, уруш, қирғин; 2) *адаб.* қаҳрамонлик достони, эпопея

– مَلْحَمِيٌّ қаҳрамонликка, эпопеяга оид

I (لحن) **لَحَنَ** (*а*) لَحْنٌ 1) нотўғри, ғализ гапирмоқ; грамматик қоидаларга риоя қилмай (*асосан, отлардаги флексия келишикларига амал қилмай*) гапирмоқ; 2) (*к. гадир*) пичинг, ишора қилмоқ (لـــ); 3) бирор оҳангга солиб, хиргойи қилган каби ўқимоқ; 4) бошқаларга билдирмай (*к. гадир*) тушунарли қилиб гапирмоқ (لـــ); لَحِنَ (*а*) لَحَنٌ тушунмоқ; II لَحَّنَ 1) музикага солмоқ, гармониялаштирмоқ; فِي الْقِرَاءَةِ ~ қироат билан ўқимоқ; 2) куйламоқ, ашула айтмоқ; 3) хато қилмоқ, хатога йўл қўймоқ; III لاَحَنَ ишора қилмоқ, тушунишга ишора қилмоқ

– تَلْحِينٌ *кўп.* تَلَاحِينُ 1) гармонизациялаш, мусиқий композиция; 2) маълум интонация билан ижро этиш; 3) куйлаш

– لَحَّانٌ мн لَحَّانَةٌ грамматик қўшимчаларни бузиб гапирувчи

– لَحْنٌ *кўп.* أَلْحَانٌ, لُحُونٌ 1) товуш, овоз (*музиканики*); 2) оҳанг, куй, мотив; тон, мелодия; السَّيْرِ ~ *муз.* марш; جَنَائِزِيٌّ ~ мотам марши; 3) нутқ, тил, шева; لَيْسَ هٰذَا بِـ~ـــهِ у бундақа гапирмайди; 4) хато, нотўғри (*гапириш ҳақида*); 5) мазмун, моҳият, мағз; الْقَوْلِ ~ айтилган фикрнинг моҳияти, мағзи

– لَحِنٌ тушунадиган, фаросатли

– مَلَاحِنُ *кўп.* шартли тил, арго

– مُلَاحَنَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ арго (*бирор гуруҳнинг ўзигина тушунадиган шартли тил*) жаргон

– مُلَحِّنٌ 1) бастакор, композитор; 2) қўшиқчи, ашулачи

– مَلْحُونٌ нотўғри

I (لحو) **لَحَا** (*у*) لَحْوٌ *ёки* لَحَى (*а*) لَحْيٌ 1) пўстни арчмоқ; 1) таъна қилмоқ, койимоқ; сўкмоқ; ҳақорат қилмоқ; III لاَحَى 1) ўзаро урушмоқ, жанжаллашмоқ, бир-бирини койимоқ, айбламоқ; тортишмоқ, даҳанаки жанг килмоқ; 2) курашмоқ; V تَلَحَّى саллани иякнинг пастидан ўтказиб ўрамоқ; VI تَلَاحَى ўзаро сўкишмоқ; VIII الْتَحَى соқолли бўлмоқ, соқол қўйиб юбормоқ

– أَلْحَى соқолли

– لِحَاءٌ[1] кўп أَلْحِيَةٌ, لُحِيٌّ пўст, жилд, пўчоқ; الـ~ الْمُخِّ бош мия пўсти

– لِحَاءٌ[2] бир-бирини айблаш, сўкишиш; ўзаро тортишиш

– لَحْيٌ[1] لَحْوٌ, танбеҳ, сўкиш, ҳақорат

– لَحْيٌ[2] *кўп.* أَلْحٍ, لُحِيٌّ 1) жағ; 2) ияк, энгак

– لَحْيَانِيٌّ = أَلْحَى

– لِحْيَةٌ *кўп.* لِحًى соқол; فِي يَدِهَا ~ـــهُ *маж.* хотини унинг бурнидан ип ўтказиб етаклаб юради

– مُلَاحَاةٌ 1) жанжал, сўкишиш; тортишув, 2) кураш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُلْتَحِم = أَلْحَى النَّسْرُ الـ~ـي *зоол.* калхат, қорақуш

لَحْوَسَ яламоқ

– لَحْوَسَةٌ ялаш

IV أَلَخَّ (بِخ) (*бирор н. ни*) андимоқ, суриштириб билмоқ (عَلَى)

لَخْبَطَ аралаштирмоқ, аралаштириб юбормоқ; чигаллаштирмоқ, тартибсиз ҳолга келтирмоқ, бузмоқ; تَلَخْبَطَ аралашмоқ, аралаштириб юборилмоқ, чигаллаштирилмоқ, тартибсиз ҳолга келмоқ; бузилмоқ

– لَخْبَطَةٌ 1) чигаллик, аралаш-қуралашлик, тартибсизлик, бузилиш; 2) тиқилинчлик, тирбандлик

– مُلَخْبَطٌ тартибсиз, аралаш-қуралаш, чалкаш; 2. дурагай, хашаки, чатишма

II لَخَّصَ (لخص) қисқача баён қилмоқ, моҳиятни баён қилмоқ, умумлаштирмоқ, якунламоқ; نَتَائِجَ الْعَمَلِ ~ иш якунини чиқармоқ; V تَلَخَّصَ 1) қисқача баён қилинмоқ, умумлаштирилмоқ, якунланмоқ; 2) (*бирор натижага*) олиб келинмоқ (فِي)

– تَلْخِيصٌ қисқача баён, қисқача мазмунни бериш

– مُلَخَّصٌ 1. қисқача баён қилинган; 2. қисқача баён қилиш, моҳият; ахборот, маълумотнома (справка)

– مُلَخَّصَاتٌ *кўп.* кўчирмалар, иқтибослар (цитаталар)

لَخْفَنَ чалқаштирмоқ, бузмоқ

لَخْفَةٌ *кўп.* لِخَافٌ ясси оқ тош

لُخْفُوقٌ *кўп.* لَخَافِيقُ ин, уя, ғор

لَخْلَخَ қимирлатмоқ, бўшаштирмоқ; تَلَخْلَخَ қимирлатилмоқ, бўшаштирилмоқ, бўшашмоқ

– لَخْلَخَانِيَّةٌ *фон.* ёмон арабча талаффуз

– لَخْلَخَةٌ 1) қимирлатиш; 2) қимирлашлик, бўшашганлик, кучсизланганлик

I لَخَمَ (*у*) لَخْمٌ 1) шапалоқламоқ; 2) қийин ҳолга солмоқ, қисиб қўймоқ, қисмоқ, сиқмоқ

– لُخْمٌ акула

– لَخَمَةٌ, لُخَمَةٌ 1. лапашанг, эпсиз, қўпол; 2. ландовур, бўшанг, мағзава (*одам*)

– لَخْمَةٌ 1) бетоблик; ~ ҳ унинг тоби йўқ; 2) ўзини йўқотиб қўйиш, саросималик, қийинчилик, мушкуллик

– لُخَمِيَّةٌ лапашанглик, эпсизлик, ландовурлик

– لَخْمِيُّونَ الـ~ *тар.* Лахмийлар

I لَخَنَ (*а*) لَخَنٌ сасимоқ, ёқимсиз ҳид чиқармоқ

– أَلْخَنُ мн لَخْنَاءُ *кўп.* لُخْنٌ 1) сассиқ, сассиқ ҳид таратувчи; 2) хатна қилинмаган

I لَدَّ (*а/у*) لَدٌّ ёвлашмоқ, урушмоқ; II لَدَّدَ 1) (*к. нидир*) шарманда қилмоқ, айбламоқ (ب); 2) саросимага солмоқ, хижолат қилмоқ; III لَادَّ 1) қаттиқ ёвлашмоқ, қаттиқ уришмоқ; 2) (*к. нидир*) ҳимоя қилмоқ (عَنْ); V تَلَدَّدَ (*ҳайратдан*) қотиб қолмоқ, эсни йўқотмоқ

– أَلَدُّ *мн.* لُدَّاءُ *кўп.* لُدٌّ ашаддий (*душман ҳақида*)

– لَدَدٌ ёвлик, ашаддий душманлик, ашаддийлик

– أَلَدُّ = لَدُودٌ, لَدِيدٌ

– مُلَادَّةٌ қаттиқ, ашаддий душманлик

I لَدَغَ (*а*) لَدْغٌ, تَلْدَاغٌ 1) тишламоқ, қопмоқ, чақмоқ; 2) аччиқ гапирмоқ, заҳар қўшиб гапирмоқ; 3) чучук тил бўлиб гапирмоқ; V تَلَدَّغَ чақилган, қопилган, тишланган бўлмоқ

– أَلْدَغُ *мн.* لُدْغٌ *кўп.* لُدْغٌ чучук тил бўлиб гапирадиган

– لَدْغَةٌ 1) чақиш, ниш уриш; 2) чучук тиллилик

– لَدِيغٌ *кўп.* لَدْغَاءُ, لَدْغَى чақилган (*ари, илон ва б. лар томонидан*)

– مَلْدُوغٌ чақилган, тишланган, қопилган

I لَدَمَ (*и*) لَدْمٌ тарсаки (шапалоқ) солмоқ, шовқин-сурон чиқариб урмоқ

– لَدْمٌ тош ва шунга ўхшаш нарсанинг ерга тушгандаги овози

– مِلْدَمٌ ~ أُمُّ *мед* безгак, иситма

I لَدُنَ (*у*) لُدُونَةٌ, لَدَانَةٌ 1) юмшоқ, мулойим бўлмоқ; 2) эгилувчан, букилувчан, юмшоқ бўлмоқ; II لَدَّنَ юмшатмоқ, мулойимлаштирмоқ; الْخُبْزَ ~ нонни (*печкада*) қуритмоқ, қотирмоқ

– لَادَنٌ, لَادَنٌ ладан, муаттар бўй таратувчи смола (елим)

– لَدَانَةٌ 1) юмшоқлик; 2) эластиклик, эгилиб-букилувчанлик

– لَدْنٌ *кўп.* لُدْنٌ, لِدَانٌ 1) юмшоқ, мулойим; 2) эластик, эгилиб-букилувчи

– لَدُنْ 1) ...да, ...дан, томонидан, ...ган ҳолда; لَدُنِّي менда; مِنْ ~ـهُ кимдандир, кимнингдир томонидан; 2) ...ганда, ...ган бўлса, ...ган вақтда; ... مَا ذَا تَفْعَلُ أَنْتَ ~ ...ган вақтда сен нима қиласан?; ~ مِنْ ...ган вақтдан бошлаб

– لَدُنِّيٌّ мистик, мистикага оид, ғайритабиий, ғайриоддий

– لَدَائِنُ = لُدُونَةٌ

– لَدِينَةٌ *кўп.* لَدَائِنُ пластик модда, пластмасса

لِدَّةٌ *қар.* ولد

لَدَى 1) олдида, қошида; لَدَيْهِ унда (*бор*), унда; لَدَيْنَا бизда (*бор*), бизда; لَيْسَ (مَا) لَدَيَّ وَقْتٌ менинг вақтим йўқ, менда вақт йўқ; 2) ...ганда, ...ган вақтда; ... وُصُولِي إِلَيْهِ ~ мен унинг олдига келганимда, ...; мен унинг олдига келган вақтда, ...

I لَذَّ (*и/а*) لَذَاذَةٌ ёқимли, лаззатли, лазиз, ширин, қойил қолдирадиган бўлмоқ; II لَذَّذَ лаззат бермоқ, лаззатлантирмоқ, роҳатлантирмоқ; V تَلَذَّذَ лаззатланмоқ, роҳатланмоқ; VIII الْتَذَّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаззат олмоқ; X اِسْتَلَذَّ лаззатли деб ҳисобламоқ; лаззатланмоқ

– لَذٌ[1] = لَذِيذٌ

– لَذٌّ[2] уйқу

– لَذَاذَةٌ *кўп.* لَذَائِذُ лаззатлилик, ёқимлилик

– لَذَّةٌ *кўп.* ـَـاتٌ лаззатлилик, ёқимлилик; лаззат, ҳузур; *кўп.* малоҳатлар, жозибалар, ажойибликлар

لَذِيذٌ *кўп.* لِذَاذٌ 1) лазиз, лаззатли, ёқимли, ширин, қойил қолдирадиган; 2) нафис, гўзал, латиф, жозибали

– مَلَذَّةٌ *кўп.* مَلَاذُّ, ـَـاتٌ лаззатланиш, роҳатланиш; роҳат, лаззат; *кўп.* малоҳатлар, жозибалар, ажойибликлар

I **لَذَبَ** (*а*) لَذْبٌ (*н. гадир*) ёпишмоқ, қапишмоқ (ب)

– لَاذِبٌ ёпишиб олган, қапишиб олган; ~ ضَرْبَةٌ *қар* لَاذِبٌ

I **لَذَعَ** (*а*) لَذْعٌ 1) чақмоқ, тишламоқ; ~ـُهُ بِلِسَانِهِ *маж.* тил билан (*к. нидир*) чақмоқ; 2) куйдирмоқ, ёндирмоқ

– لَاذِعٌ 1) куйдирувчи; жуда иссиқ ҳароратли; 2) ёндирувчи; 3) ўткир, кескир, санчиб оладиган; ~ نَقْدٌ ўткир танқид; ~ـَـةٌ عِبَارَاتٌ санчиқли гаплар

– لَاذِعَةٌ *кўп.* لَوَاذِعُ 1) чақиш, санчиш; 2) *кўп. шунингдек:* لَوَاذِعُ الْكَلَامِ санчиқли, ўткир, куйдирувчи гаплар

– لَذَّاعٌ санчиқли, ўткир, куйдирувчи

– لَذْعَةٌ *кўп.* لَذَعَاتٌ 1) чақиш; 2) куйдириш

I **لَذَى** (*а*) لَذًى 1) (*к. гадир, н. гадир*) ёпишмоқ, хиралик қилмоқ (ب); 2) (*н. гадир*) қаттиқ амал (*риоя*) қилмоқ (ب)

لَدَى الَّذِي *кўп.* أَ الَّذِينَ *қар.*

I **لَزَّ** (*а/у*) لَزٌّ 1) (*н. биландир*) бирлаштирмоқ, боғламоқ, маҳкамламоқ (ب); 2) жипс, зич қилмоқ (*мас, ёзилаётган ҳарфларни*); ~ الْحُرُوفَ майда ҳарфлар билан зич қилиб ёзмоқ; 3) (*н. гадир*) мажбур қилмоқ (إِلَى); II لَزَّزَ қаттиқ жипслаштирмоқ, зичлаштирмоқ; III لَازَّ ўзаро жипс бўлмоқ, бир-бирига киришиб кетмоқ; VIII الْتَزَّ (*к. нингдир, н. нингдир*) изидан бормоқ; эргашмоқ; (*к. ёки н. биландир доим*) бирга бўлмоқ (ب)

– لَزَّةٌ, لَزٌّ ҳалқали бурама мих (винт)

– لِزَازٌ, لَزَزٌ зулфин, лўкидон

– مُلَزَّزٌ зич, жипс, қалин, қуюқ

– مَلْزُوزٌ зич, жипс; ~ـَةٌ صُفُوفٌ жипс сафлар

I (لز ب) **لَزَبَ** (у) لُزُوبٌ 1) қаттиқ бўлмоқ, савлатли бўлмоқ; 2) (*н. гадир*) қапишган, ёпишган бўлмоқ (ب); لَزِبَ (*а*) لَزَبٌ 1) боғланган, бирлаштирилган бўлмоқ; 2) еқимли (кўркам) бўлмоқ

– لَازِبٌ 1) қаттиқ, савлатли; 2) қапишган, ёпишган; ~ ضَرْبَةٌ мутлақо зарур, керак бўлган, узвий; ~ صَارَ ضَرْبَةَ мутлақо зарур, керак бўлмоқ

– لَزِبٌ оз, аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган

– لَزْبَةٌ *кўп.* ـَـاتٌ, لَزَبٌ бало, офат; ғам-алам

I **لَزَجَ** (*а*) لَزَجٌ, لُزُوجٌ (*н. гадир*) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, елимлик қилмоқ (ب); V تَلَزَّجَ ёпишқоқ, елимли бўлмоқ

– لَزَاجَةٌ ёпишқоқлик, ёпишишлик

– لَزِجٌ ёпишқоқ, елимлик

– لُزُوجَةٌ ёпишқоқлик, елимлилик

I **لَزِقَ** (*а*) لُزُوقٌ (*н. гадир*) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ, елимлик қилмоқ (ب); II لَزَّقَ 1) ёпиштирмоқ, елимламоқ; لَهُ ~ *жонли т.* (*н. нидир*) бирор кимга (*қўярда-қўймай*) бермоқ, ўтказмоқ, қўлига тутқазмоқ; 2) (*бирор н.* ни) қўл учида қилмоқ; IV أَلْزَقَ елимламоқ; VI تَلَازَقَ бир-бирига елимламоқ, ёпиштирилмоқ; VIII الْتَزَقَ (*бирор н. га*) ёпишмоқ, ёпишиб колмоқ (ب)

– لَازُوقٌ ҳўл латта (*бинт*); пластир

– لَزَاقٌ ёпиштирадиган модда (*мас, цемент каби*)

– لَزِقٌ ёпишқоқ, елимсимон

– لَزْقٌ қўшни, ёнма-ён, туташ; بَيْتِهِ ~ بَيْتِي менинг уйим унинг уйига туташ

– لَزْقَةٌ *кўп.* لُزَقٌ ҳўл латта (бинт), пластир; ~ خَرْدَلٍ горчичник, хандал

– لَازُوقٌ = لَزُوقٌ

– لَزِيقٌ ـِـي ёнгинамда

I **لَزِمَ** (*а*) لُزُومٌ 1) лозим (керак, зарур) бўлмоқ; يَلْزَمُهُ هَذَا الشَّيْءُ бу нарса унга керак; 2) керак (лозим) бўлмоқ; كَمَا يَلْزَمُ лозим бўлганидай; 3) ажралмаслик, ажралмаган бўлмоқ; 4) (*н. дандир*) мантиқан келиб чиқмоқ (عَنْ); الْأَدَبَ ~ одоб сақламоқ; بَيْتَهُ ~ *ёки* ~ دَارَهُ уйда қолмоқ (ўтирмоқ); (حُدُودَهُ) حَدَّهُ ~ (*одоб*) доирасидан чиқмаслик; الصَّمْتَ ~ жимлик (сукут) сақламоқ; ~ـُهُ الْفِرَاشَ кўрпада ётмоқ (*бемор ҳақида*); II لَزَّمَ 1) ижарага бермоқ; 2) пудратга бермоқ; 3) гаровга бермоқ; III لَازَمَ 1) (*к. дандир*) ажралмас бўлмоқ, доимо (*к. нингдир*) ёнида бўлмоқ, (*к. гадир*) доимо эргашмоқ, эргашиб юрмоқ, (*к. нингдир*) ёнида доимо юрмоқ; ~ـُهُ مُلَازَمَةَ الظِّلِّ لِصَاحِبِهِ кимгадир соядай эргашиб юрмоқ; 2) (*н. гадир*) хос бўлмоқ (لِـ); 3) (*н. гадир*) риоя (амал) қилмоқ; ~ الصَّبْرَ сабр қилмоқ, чидамоқ; الصَّمْتَ ~ сукут сақламоқ; IV أَلْزَمَ (*н. нидир*) мажбурият қилиб юкламоқ, вазифа қилиб бермоқ (ب) (*н. учундир*) масъул қилмоқ (ب);. (*н. гадир*) мажбур қилмоқ (ب); ~ـُهُ الْفِرَاشَ кимнидир кўрпага михлаб қўймоқ (*касаллик ҳақида*); VI تَلَازَمَ ўзаро жипс боғланган бўлмоқ, бирбиридан ажралмас бўлмоқ; VIII الْتَزَمَ 1) бирор нарсани ўзи учун мажбурий деб ҳисобламоқ; (*бирор н. га*) риоя килмоқ; амал қилмоқ; ~ سِيَاسَةَ الْحِيَادِ қўшилмаслик сиёсатига

www.ziyouz.com kutubxonasi

амал қилмоқ; أَمَاكِنَهُم ~ ўз жойларида қолмоқ; 2) (*бирор фикрга*) қўшилмоқ; 3) амал (риоя) қилмоқ; الأَدَبَ ~ одоб қоидаларига риоя қилмоқ; الاحْتِرَاسَ ~ эҳтиёткор бўлмоқ; الْكِتْمَانَ ~ сир сақламоқ; 4) (*бирор ишни*) ўз зиммасига олмоқ; (*ўз устига*) мажбурият (пудрат) олмоқ; концессия (*давлат билан бирор ишни бажариш ҳақида шартномани бажаришни*) олмоқ; X اسْتَلْزَمَ 1) лозим деб ҳисобламоқ, талаб қилмоқ; (*бирор н. нинг*) заруратини келтириб чиқармоқ

– الْتِزَامٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) зарурат; бурч; 2) масъулият; 3) мажбурият, контракт, концессия

– إِلْزَامٌ мажбурият қилиб юклаш; мажбур қилиш

– إِلْزَامِيٌّ 1) мажбурий; التَّعْلِيمُ الْـــ~ мажбурий таълим; 2) мажбур қилинган

– إِلْزَامِيَّةٌ мажбурийлик

– تَلْزِيمٌ 1) киракашликка, ижарага бериш; 2) пудратга бериш; 3) гаровга бериш

– لاَزِمٌ 1. 1) лозим бўлган, керакли, зарур; غَيْرُ ~ лозим (керак) бўлмаган, ортиқча; قَدْ أَصْبَحَ مِنَ الـــ~ اللاَّزِبِ أَنْ... (*фалон н. ни*) қилиш жуда зарур бўлиб қолди; كَالـــ~ лозим бўлганидай; 2) *грам.* ўтимсиз (*феъл*); 2. *халқ.* афтидан, кўринишича; билишимча; حَضْرَتَكْ ~ تَعْرُفُه сиз, афтидан, уни биласиз шекилли

– لاَزِمَةٌ *кўп.* لَوَازِمُ 1) лозим нарсалар, воситалар; таркибий қисм; 2) (*машина*) қисми, детали; 3) (*оғзаки нутқ ичида келадиган*) ортиқча (*паразит, гапга алоқаси йўқ*) сўз; 4) *муз* нақорат

– لِزَامٌ 1. зарурий, керакли; 2. зарурат

– لُزْمَةٌ *кўп.* لُزَمَاتٌ музд, бадал

– لُزُومٌ зарурат, эҳтиёж, талаб; عِنْدَ الـــ~ лозим бўлиб қолган; حَسَبَ الـــ~ заруратга қараб

– لَوَازِمَاتٌ *кўп.* 1) барча зарур, лозим нарсалар, (*бирор н.* учун) лозим бўлган нарсалар; асбоб-қуроллар; الْـــ~ الْمَكْتَبِيَّةُ идора (*канцелярия*) ашёлари; 2) вазифалар

– مُلاَزِمٌ[1] 1) зарур, зарурий, лозим бўлган; мустаҳкам алоқадаги, узвий; 2) (*н. гадир*) хос бўлган (ـــلِ); 3) ажралмас, ажралмайдиган, кетмайдиган; الْفِرَاشِ ~ кўрпадан туролмайдиган (*бемор ҳақида*)

– مُلاَزِمٌ[2] кичик офицер (зобит); лейтенант; أَوَّلُ ~ катта лейтенант; ثَانٍ ~ кичик лейтенант

– مُلاَزَمَةٌ 1) чекинмаслик, бўлинмаслик; 2) ажралмаслик, хослик; 3) доимий эргашиш; бирга юриш; 4) саботлилик; ғайрат

– مُلْتَزَمٌ 1) мажбур бўлган; 2) (*бирор н. учун*) масъул бўлган

– مُلْتَزِمٌ 1) концессионер; 2) аҳолидан солиқ ундириб олиш ҳуқуқини сотиб олган одам

– مَلْزَمٌ, مِلْزَمَةٌ *кўп.* مَلاَزِمُ *тех.* исканжа, тахтакач

– مَلْزَمَةٌ *кўп.* مَلاَزِمُ чиқарилиш (*босилаётган асарнинг қисми*)

– مَلْزُومٌ 1) мажбур бўлган; 2) (*бирор н. учун*) масъул бўлган

– مَلْزُومِيَّةٌ 1) вазифа; 2) масъулият

لَسَّا (لِلسَّاعَة *сўзи қисқартмаси*) *халқ.* ҳали, ҳалигача, ҳозиргача, ҳозирча ...мади

لَسْتِيكٌ, لَسْتِكٌ каучук, резинка

I لَسَعَ (*а*) لَسْعٌ 1) чақмоқ, тишламоқ; بِلِسَانِهِ ~ـــ кимгадир аччиқ гапирмоқ, кимнидир ўйиб олмоқ; عَلْقَةً ~ـــ кимнидир адабини бермоқ; ظَهْرَ الْحِصَانِ بِسَوْطِه ~ у отни қамчи билан савалади; 2) аччиқ, аччиқ гапирмоқ, ўйиб-ўйиб олмоқ

– لاَسِعٌ 1) чақувчи, чақадиган; 2) ўткир, аччиқ

– لَسْعَةٌ *кўп.* لَسْعَاتٌ чақиш

– لَسِيعٌ чақилган, қопилган

– لَسِيعٌ = مَلْسُوعٌ

I لَسِقَ (*а*) لَصَقٌ = لُسُوقٌ (*а*) لُصُوقٌ; IV أَلْسَقَ = أَلْصَقَ; VIII الْتَسَقَ = الْتَصَقَ

– لِصْقٌ = لِسْقٌ

– لَصِيقٌ = لَسِيقٌ

I لَسَمَ (*у*) لَسْمٌ, لِسَامٌ татиб кўрмоқ, мазасини татиб кўрмоқ

I لَسَنَ (لسن) (*у*) لَسْنٌ 1) ғийбат, фисқ-фасод қилмоқ, сўкмоқ; 2) (*к. нидир*) ғийбат қилмоқ; لَسِنَ (*а*) لَسَنٌ нотиқлик билан ажралиб турмоқ; чиройли гапирадиган бўлмоқ; II لَسَّنَ 1) ўткир гап қилмоқ; 2) (*к. нидир*) устидан кулмоқ (عَلَى); III لاَسَنَ гап отишмоқ; сўкишмоқ, гап талашмоқ

– أَلْسَنُ *мн.* لَسْنَاءُ *кўп.* لُسْنٌ чиройли гапирувчи, нотиқ

– أَلْسُنِيٌّ тилшунос, лингвист

– أَلْسُنِيَّةٌ тилшунослик, лингвистика الْـــ~ السَّامِيَّةُ الْمُقَارَنَةُ қиёсий семий тилшунослиги

– تَلَسُّنَاتٌ *кўп* қўлтиқлар, бухталар (*денгизда*)

– لِسَانٌ *мз. мн.* (*баъзан*) *кўп.* لُسُنٌ, أَلْسِنَةٌ, أَلْسُنٌ тил; الْـــ~ الْعَرَبِيُّ араб адабий тили; أَصْبَحَ دَارَ (جرَى) عَلَى أَلْسِنَةِ النَّاسِ ёки الْفَصِيحُ ёки هَذَا السُّؤَالُ هُوَ ҳамманинг оғзига тушиб кетмоқ; وَشْفَةَ عَلَى كُلِّ ~ ҳамманинг тили учида турибди; عَلَى كُلِّ وَاحِدٍ ~ ахир бу савол ҳамманинг тили учида турибди; أَحَدَ (سَمِعَ) عَنْ أَلْسِنَتِهِم бевосита уларнинг ўз оғзидан эшитмоқ; ضَرَبَ بِالـــ~ оғзаки; жаврайвермоқ; طَوِيلُ الـــ~ тили узун; الْأَلْسِنَةُ الطَّوِيلَةُ ғийбатчилар; مَعْقُودُ الـــ~ тили тутилиб колган, тили айланмайдиган; مُنْطَلِقُ الـــ~ сергап, вайсақи; طَلاَقَةُ الـــ~ чиройли гапирувчи, сўзга уста; طَلْقُ الـــ~ сўзга усталик, нотиқлик; الْحَالِ ~ расмий матбуот органи; مُتَحَدِّثٌ (نَاطِقٌ, مُتَكَلِّمٌ) партиянинг (*матбуот*) органи; وِزَارَةِ الْخَارِجِيَّةِ بِـــ~ ташқи ишлар вазирлиги номидан гапирувчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташқи ишлар вазирлигининг вакили; الْقَوْمِ ~ вакил, делегат; عَلَى ـــه ~ унинг номидан; ... حَالِهِ يَقُولُ إِنَّ ~ ҳаммаси кўрсатиб турибдики, ...; ـــيْنِ ~ ذُو а) зуллисонайн, икки тилли; б) икки юзлама, тили иккита; الْأَرْضِ ~ бурун (*денгизда*); الْبَحْرِ ~ қўлтиқ (*денгизда*); الْقُفْلِ ~ қулф сурмаси, лўкидони; الْمِفْتَاحِ ~ калит тили; الْمِيزَانِ ~ тарози тили; أَلْسِنَةُ النَّارِ аланганинг тиллари; ~ وَنَقْرٌ қисқич ва унинг тиллари ораси (ёриғи); الْحَمَلِ ~ *бот.* баргизуб, зубтурум; الْحَمَلِ الْكَبِيرُ ~ *бот.* катта баргизуб; ~ الْعَصَافِيرِ *бот.* ёввойи шумтол; الْكَلْبِ ~ *бот.* итузум

– لِسَانِيٌّ лисоний, тилга оид; الصِّنَاعَةُ الـــهُ нутқ сўзлаш, нотиқлик санъати

– لَسَنٌ чиройли гапириш, нотиқлик

– أَلْسَنُ = لَسِنٌ

– لُسُنِيٌّ 1. тилларга оид; лингвистик; 2. тилшунос, лингвист

– لُسُنِيَّةٌ *шунингдек:* عِلْمُ الـــ тилшунослик, лингвистика

– مُلَاسَنَةٌ даҳанаки жанг, сўкишиш; ~ دَخَلَ فِي жанжалга аралашмоқ, киришмоқ

لَسْوَعَ саваламоқ, урмоқ

نشمانيا: الْجِلْد ~ *мед.* лешмониоз

(لشى) III لَاشَى йўқ қилмоқ, қириб ташламоқ; VI تَلَاشَى ҳалок бўлмоқ, йўқ бўлмоқ, ўз ҳаётини тугатмоқ; йўқ ҳолга келмоқ; тинмоқ, тинчимоқ (*овоз, товуш ҳақида*)

– تَلَاشٍ ҳалокат, йўқ бўлиш, битирилиш; (*овоз. товуш ҳақида*)

– مُلَاشَاةٌ йўқ бўлиш, йўқ қилиш, йўқ қилиниш

I **لَصَّ** (*a/y*) لَصٌّ 1) ўғирламоқ, ўғирлик қилмоқ; 2) (*бирор н. ни*) яширинча бермоқ; II لَصَّصَ (*иморатни*) маҳкамламоқ, мустаҳкамламоқ; V تَلَصَّصَ 1) ўғри бўлмоқ, ўғрилик билан шуғулланмоқ; 2) (*қаергадир*) яширинча кирмоқ, бормоқ (إِلَى); 3) кузатиб юрмоқ, жосуслик қилмоқ

– لُصُوصٌ *кўп* لِصٌّ, لَصٌّ, لُصٌّ ўғри, қароқчи; ~ الْبَحْرِ денгиз қароқчиси

– لُصُوصِيَّةٌ 1) ўғрига ўхшашлик; яширинчалик; 2) ўғирлик, қароқчилик, ўғирлик қилиш

– مُتَلَصِّصٌ яширинча, ўғирликча кираётган; ... دَخَلَ ~ـــًا إِلَى қаергадир яширинча кирмоқ

– مَلَصٌّ: أَرْضٌ ~ـــةٌ ўғрилар кўп учрайдиган жой

I **لَصَفَ** (*y*) لُصُوفٌ 1. ёришмоқ, нур чиқармоқ; 2. *мин.* турли рангда товланмоқ (*минерал тош ҳақида*)

– لَصْفٌ нурланиш, флюоресценция

– مِلْصَافٌ флюороскоп (*нурланишни ўлчайдиган асбоб*)

I **لَصِقَ** (*a*) لُصُوقٌ (*бирор н. га*) ёпишмоқ, ёпишиб қолмоқ (ب); II لَصَّقَ (*бирор н.* га) ёпиштирмоқ, бирлаштирмоқ (إِلَى) III لَاصَقَ 1) қўшни, бир-бирига ёнма-ён бўлмоқ; 2) бир-бирига жипслашмоқ; 3) етиб бормоқ, қувиб етмоқ; 4) (*аёл кишига*) хиралик, елимлик қилмоқ; IV أَلْصَقَ 1) елимламоқ, ёпиштирмоқ; 2) (*к. гадир*) елимламоқ, ёпиштирмоқ; (ب); بِهِ عَمْدًا وَقَصْدًا ~ кимгадир атайлаб (*н. нидир*) ёпиштирмоқ; 3) (*к. гадир*) зўрлаб юкламоқ (ب); IV تَلَاصَقَ қўшни, ёнма-ён бўлмоқ; бир-бирига жипс бўлмоқ; VIII الْتَصَقَ 1) (*н. дир*) ёпишиб қолмоқ, елимланмоқ, ёпишмоқ (ب); 2) (*бирор н. га*) қапишмоқ, суянмоқ – ب; 3) (*к. гадир, н. гадир*) ёпишмоқ, ёпишиб олмоқ (ب); (*н. биландир*) боғланмоқ, муносабатда бўлмоқ (ب); 4) (*к. биландир*) муомалада бўлмоқ, гаплашмоқ (ب)

– الْتِصَاقٌ 1) ёпишиш, бирлашиш, қапишиш; 2) муомала-муносабатда бўлиш

– تَلَاصُقٌ бир-бири билан жипс ёпишиб туриш; жипс ёпишган бўлиш; وَازْدِحَامٌ ~ тиқилинчлик, ур-йиқит

– لَاصِقٌ 1. 1) ёпишадиган, жипс ёпишиб турадиган; الشَّرِيطُ اللَّغَاتُ الـــهُ ~ лейкопластирь; 2) агглютинация бўлувчи; *лингв.* агглютинатив тиллар (*сўзлари агглютинация йўли билан ясалувчи ва ўзгарувчи тиллар*); 2. *мед.* тампон, ҳўллаб яра устига қўйиладиган пахта

– لَاصِقَةٌ *кўп.* لَوَاصِقُ *лингв.* аффикс, қўшимча

– لَصِقٌ ёпишқоқ

– لَصْقٌ 1) қўшни бўлган, яқин турган; زَحْزَحَ شَيْئًا ~ـــهُ бирор нарсани бошқа бирор нарсага жипс қилиб сурмоқ, жойлаштирмоқ; ـــه ~ـــ ـــه *ёки* ~ـــهُ бирор ким *ёки* нимага жипс ҳолда, яқин ҳолда; لَبَدَ ~ـــهُ кимгадир яқин, епишиб ўтирмоқ; 2) ажралмас

– لَصْقَةٌ *кўп.* لُصَقٌ ярага босадиган пахта, бинт; пластир

– لَصُوقٌ 1. (*бирор н. га*) ёпишган, ёпишиб қолган (ب); 2. ярага босадиган пахта, бинт; пластир

– لَصِيقٌ 1) жипс ёпишиб турган; 2) яқин, энг яқин; ~ جَارٌ энг яқин қўшни; 3) (*бирор н. билан*) қаттиқ боғланган (ب)

– مُتَلَاصِقٌ бир-бирига жипс турган

– مُلَاصِقٌ ёнма-ён қўшни турган

– مُلَاصَقَةٌ 1) қўшнилик, ёнма-ёнлик, туташганлик; 2) *физ.* ўзаро тортишиш

– مُلْصَقٌ елимланган, ёпиштирилган

– مُلْصَقَاتٌ эълонлар, афишалар, плакатлар, расмлар

لَصْلَصَ қимирлатмоқ, тебратмоқ

– لَصْلَصَةٌ қимирлатиш, тебратиш

(لصم) II لَصَّمَ 1) қўл учида тузатмоқ, тўғриламоқ; 2) қўл учида, наридан-бери қилмоқ

I (**لضم**) II لَضَّمَ 1) (*мунчоқ доналарини*) ипга ўтказмоқ, тизмоқ; ~ السُّبْحَةَ тасбеҳ доналарини ипга ўтказмоқ; 2) ипни ўтказмоқ;

www.ziyouz.com kutubxonasi

الإِبْرَةَ нинага ип ўтказмоқ

– مَلْطُومٌ 1) ўтказилган (*мунчоқ доналари ҳақида*); 2) ўтказилган (*нинага ўтказилган ип ҳақида*)

I (لطّ) **لَطَّ** (*а/у*) (*калтак билан*) урмоқ, саваламоқ, калтакламоқ

– لَطٌّ уриш, калтаклаш, савалаш; ~ــ وَالـ هُوَ دَائِمًا لِلشَّطِّ калтак доимо унинг бошида синади

– مِلْطَاطٌ *кўп.* مَلَاطِيطُ қўл тегирмон

I **لَطَثَ** (*у*) لَطْثٌ тарсаки солмоқ

I **لَطَخَ** (*а*) لَطْخٌ ифлос қилмоқ, кир (доғ) қилмоқ: ~ بِالصَّابُونِ совунламоқ; II لَطَّخَ қаттиқ ифлос (кир) қилмоқ, сачратмоқ (*мас қонни – ب*); ~ سُمْعَتَهُ бирор киши обрўсига доғ туширмоқ; V تَلَطَّخَ ифлос (кир, доғ) бўлмоқ; ~ بِالْعَارِ إِلَى الْأَبَدِ ўзини абадий шармандa қилмоқ

– لُطْخٌ *кўп* لُطُوخَةٌ 1. аҳмоқ, нодон, беақл; 2. анқов, содда

– لُطْخَةٌ *кўп.* لُطَخٌ 1) доғ; 2) сиёҳ доғи, қора доғ

– لُطَخَةٌ, لُطَيْخٌ 1) тентак, нодон, аҳмоқ; 2. тантивой

I **لَطَسَ** (*у*) لَطْسٌ урмоқ; тарсаки (шапалоқ) солмоқ

– مِلْطَاسٌ *кўп.* مَلَاطِيسُ тош майдалайдиган болға, тўқмоқ

I **لَطَشَ** (*у*) لَطْشٌ 1) урмоқ; тарсаки (шапалоқ) ламоқ, тарсаки (шапалоқ) солмоқ; 2) ўғирлаб кетмоқ, ўғирламоқ; ~ الْكُتُبَ (*кутубхона*) китобларини ўқиб бўлмоқ, ўқиб чиқмоқ. II لَطَّشَ 1) дўппосламоқ, қулоқдан чўзмоқ; 2) юзаки билмоқ

– لَطَّاشَةٌ *кўп* ـاتٌ ـــ (*шунингдек*: ~ الذُّبَابِ) пашшаурғич

– لَطْشَةٌ *кўп* لَطَشَاتٌ шапати, тарсаки, шапалоқлаш; ~ الشَّمْسِ офтоб уриш

– مِلْطَشٌ *кўп* مَلَاطِشُ буфер, лаппак (*автомобиль, вагон ва ш к парда урилиш зарбини камайтирувчи мослама*)

I (لطع) **لَطَعَ** (*а*) لَطْعٌ 1) шапатиламоқ, урмоқ, калтакламоқ; 2) ўчириб ташламоқ; 3) ўпмоқ. لَطَعَ (*а*) لَطْعٌ яламоқ, ялаб тозаламоқ

– لُطْعَةٌ *кўп.* لُطَعٌ: ~ ذُؤَابَةِ الْقُطْنِ пахта қуртининг тухумлари (*барганинг ички томонидаги*)

I (لطف) **لَطَفَ** (*у*) لُطْفٌ (*к. гадир*) илтифотли, олийжаноб бўлмоқ (ـــ, ب): اَلْطُفْ يَا رَبِّ вой, худо! (*ҳайрат вақтида айтилади*); لَطُفَ (*у*) لَطَافَةٌ 1) ингичка (юпқа) бўлмоқ; 2) сийрак экилган, сийрак чиққан, сийраклашган бўлмоқ; илтифотли бўлмоқ. II لَطَّفَ юмшатмоқ, пасайтирмоқ; (*аҳволни*) яхшиламоқ, (*оғриқни*) енгиллатмоқ, тинчлантирмоқ; ~ الْكَلَامَ ёқимли гапирмоқ; ~ الْحُكْمَ ҳукмни юмшатмоқ. III لَاطَفَ 1) илтифотли бўлмоқ, мулойим гапирмоқ; 2) (*қўл билан*) эркалатмоқ, силамоқ. 3) йўл бермоқ, эрк бермоқ, ўта эркалатиб юбормоқ. V تَلَطَّفَ 1) илтифотлилик, ширинсуханлик қилмоқ: ~ عَلَيْهِ بِالْكِتَابِ لِلْقِرَاءَةِ илтифот қилиб, у бу китобни унга ўқишга берди; 2) (*к. гадир*) ёқмоқ, бошқалар раъйига қараб иш тутмоқ (ـــ); VI تَلَاطَفَ ўзаро илтифотли бўлмоқ; X اسْتَلْطَفَ илтифотли деб ҳисобламоқ

– تَلَطُّفٌ илтифотлилик, меҳрибонлик, хушмуомалалик

– لَطَافَةٌ 1) мулойимлик, илтифотлик, юмшоқ кўнгиллилик; ёқимлилик; 2) латофат, гўзаллик, чиройлилик; 3) сийраклик, сийраклашганлик

– لَطَفٌ *кўп.* أَلْطَافٌ совға, ҳадя

– لُطْفٌ *кўп* أَلْطَافٌ мулойимлик, латифлик, ширинсуханлик; ёқимлилик; ~ ـــ بِـ илтифот ила; ~ اللهِ Оллоҳнинг лутфи; яхшилиги, меҳрибонлиги; ~ اللهِ مَسَّهُ унинг ақли айниб колди

– لُطْفَةٌ ҳадя, совға; ~ جَاءَنَا مِنْ زَيْدٍ Зайддан бизга совға келди

– لَطِيفٌ *кўп.* لُطَفٌ 1) илтифотли, меҳрибон; юмшоққўнгил, олийжаноб; ширинсўз; ~ الـ меҳрибон (*Оллоҳ сифатларидан бири*); ~ يَا ! худо! 2) сийракланган; 3) латиф; 4) қизиқ, гўзал, латофатли; ~ الْجِنْسُ الـ латофатли (гўзал) жинс (яъни, аёллар)

– لَطِيفَةٌ *кўп* لَطَائِفُ 1) ўткир; لَطَائِفُ الْحِيَلِ ўткир ҳийлалар; 2) топиб айтилган сўз; латифа, ингичка ҳазил; 3) яхшилик, совға, ҳадя

– مُلَاطَفَةٌ меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш, ширинсуханлик

– مُلَطِّفٌ юмшатувчи, пасайтирувчи; тинчлантирувчи

– مُلَطِّفَاتٌ *кўп* тинчлантирувчи воситалар

I **لَطَمَ** (*и*) لَطْمٌ 1) урмоқ, калтакламоқ, муштламоқ; 2) ўз юз-кўзларига урмоқ: ... ~ الْخُدُودَ وَشَقَّ الْجُيُوبَ ўз юз-кўзларига уриб, ўз кийимларини йиртмоқ (*азада йиғлаётган аёл ҳақида*); III لَاطَمَ бир-бирини шапатилаб урмоқ, бир-бирига тарсаки туширмоқ; VI تَلَاطَمَ бир-бирини урмоқ; уришмоқ, муштлашмоқ, тўқнашмоқ; VIII لْتَطَمَ уришмоқ, тўқнашмоқ

– لَطْمَةٌ *кўп* لَطَمَاتٌ уриш, шапалоқ, шапатилаш

– لَطِيمٌ 1) ـــةٌ يَتِيمَةٌ ~ гирт етим; 2) онаси ўлиб, бошқа туянинг сути билан ўсаётган бўталоқ; 3) бошқа аёлни эмиб катта бўлган одам

– لَطِيمَةٌ *кўп.* لَطَائِمُ 1) хушбўй нарсаларни элтувчи карвон; 2) атир-упа бозори

– مُلْتَطَمٌ (*тўлқинларнинг*) тўқнашадиган жойи

– مَلْطَمَةٌ *кўп* مَلَاطِمُ 1) яноқ; 2) оҳак ивитиладиган чуқурлик

I **لَطِيَ** (*а*) لَطْيٌ қимирламай, ҳаракатсиз турмоқ; V تَلَطَّى (*қаердадир*) яшириниб турмоқ яширинмоқ (فِي), (*н. билан дир*) бекинмоқ (ب)

(لظّ) IV أَلَظَّ (*к. билан дир*) айрилмай яшамоқ (ب)

– إِلْظَاظٌ қатъийлик, сабот, матонат

مُلَظْلَظٌ тўлагина, семизгина (*мас. боланинг оёқлари ҳақида*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

I **لَظِيَ** (*а*) لَظًى 1) ёнмоқ, тутамоқ; 2) ғазабдан тутамоқ. V تَلَظَّى енмоқ, тутамоқ; иситма ўтида ёнмоқ; بِنَارِ حُبِّهَا ~ у у (аел)ни ўтли муҳаббат билан севарди; اَلتَّلَظِّي = I, V

لَظًى 1) аланга; 2) дўзах исмларидан бири

لَكَ لَعًا ~ ўрнингдан соппа-соғ туриб олгин! (*йиқилган одамга билдириладиган тилак*); لَكَ ~ا баттар бўл! (*аввалги тилакнинг акси*)

I (لعب) **لَعِبَ** (*а*) لَعْبٌ, لَعِبٌ, لُعْبٌ 1) овунмоқ, вақтичоғлик қилмоқ, шўхлик қилмоқ; (*н. нидир*) ўйнамоқ (*туш. к.* – ب); (*н. дир*) ўйнамоқ (*туш к.* عَلَى); *шахм.* юрмоқ, юриш қилмоқ; اَلْقِمَارَ ~ қимор ўйнамоқ; عَلَى اَلْقَانُونِ ~ қонун (асбобини) чалмоқ; دَوْرَةً ~ роль ижро этмоқ, ўйнамоқ; 3) (*к. нидир*) алдамоқ (عَلَى); ◊ بِالسَّيْفِ ~ қиличбозлик ўйнамоқ; بِعَقْلِهِ ~ кимнингдир бошини айлантирмоқ, اَلْخَمْرُ بِعَقْلِهِ ~ت май унинг ақлини хиралаштирди (ўғирлади); ~ بِالنَّارِ ўт билан ўйнашмоқ, لَعِبَ (*а*) لَعْبٌ шалакай (сўлак) оқизмоқ; II لَاعَبَ ўйнашга мажбур қилмоқ, ўйнатмоқ; اَلْحَاجِبَ ~ қош учирмоқ (ўйнатмоқ); وَجْهَهُ ~ афтни буриштирмоқ; ذَيْلَهُ ~ думни ликиллатмоқ; اَلْأَشْدَاقَ بِغَيْرِ اَلْكَلَامِ ~ у лабларини сўзсиз қимирлатди; عَلَى أَصَابِعِهِ ~ـــهُ кимнидир лақиллатмоқ; III لَاعَبَ 1) (*к. биландир*) ўйнамоқ; بِالشَّطْرَنْجِ بِطَرِيقَةِ اَلتَّتَابُعِ ~ шахматда бир вақтда ўйналадиган сеанс бермоқ; 2) ҳазиллашмоқ, дилхушлик қилмоқ; IV أَلْعَبَ = II; V تَلَعَّبَ (*бирор*) ўйинни ўйнамоқ (*болалар ҳақида* – ب); шўхлик қилмоқ; VI تَلَاعَبَ (*н. нидир,* ўйнамоқ (ب), 2) иккиланмоқ, титрамоқ, қўрқиб турмоқ; 3) алдамоқ, суиистеъмол қилмоқ; (*н. дадир*) виждонсизлик қилмоқ, ҳийла-найранг ишлатмоқ (ب, في); 4) *киноя.* хўжайинлик қилмоқ

– أُلْعُبَانٌ масхара, масхарабоз

– أُلْعُوبَةٌ *кўп* أَلَاعِيبُ 1) ўйинчоқ, овунчоқ; كَانَ ~ فِي أَيْدِيهِمْ кимнингдир қўлида ўйинчоқ (овунчоқ) бўлмоқ; 2) тез, чаққон бажарилган ҳунар, ҳийла, найранг

– تَلَاعُبٌ 1) ўйин. 2) ҳийла, найранг, пўттибозлик, суиистеъмол, ўзиникидай эгалик қилиш; алдамчилик, чайқовчилик, кўзбўямачилик; 3) шов-шув; 4) *киноя.* хўжайинлик қилиш

– تَلْعَابٌ ўйинқароқ, хушчақчақ

– تَلْعَابَةٌ = تَلْعَابٌ

– لَاعِبٌ 1. ўйновчи, ўйинчи, хушчақчақ; اَلشَّطْرَنْجِ ~ шахматчи; 2) спортчи; اَلْجُمْبَازِ ~ гимнаст, гимнастикачи

– لَاعِبَةٌ *кўп* لَوَاعِبُ *мн* لَاعِبٌ *дан*, اَللَّوَاعِبُ اَلْفَتَيَاتُ а) хушчақчақ қизлар; б) спортчи қиз (аёл)лар

– لَعَّابٌ 1. кўп ўйновчи; 2. 1) яхши ўйинчи; 2) фокусчи, кўзбойловчи

– لُعَابٌ сўлак; ... عَلَى ...ـــهُ سَالَ ~ унинг сўлаги оқиб кетди; ~ اَلشَّمْسِ 1) бухор; 2) сароб; اَلنَّحْلِ ~ асал, бол

– لُعَابِيٌّ 1) сўлакка оид; غُدَدٌ ~ـــةٌ сўлак безлари; 2) шилимшиқли, шилимшиққа оид

– أَلْعَابٌ *кўп* لَعْبٌ, لُعْبٌ, لَعِبٌ 1) ўйин; اَلْأَلْعَابُ الْأُولِمْبِيَّةُ Олимпия ўйинлари, Олимпиада; اَلْقِمَارِ ~ қимор, қартабозлик; اَلْوَرَقِ ~ қарта ўйини; اَلنَّرْدِ بِـــ~ нарда ўйини; اَلْأَلْعَابُ الرِّيَاضِيَّةُ спорт ўйинлари, спорт; 2) *шахм.* партия, дебют; اَلْمَفْتُوحُ الـــ~ очиқ дебют; اَلْمَقْفُولُ الـــ~ ёпиқ дебют; نِصْفُ اَلْمَفْتُوحِ الـــ~ ярим очиқ дебют; 3) дилхушлик, эрмак, овуниш, ҳазил, мутойиба; اَلْأَلْعَابُ اَلنَّارِيَّةِ мушакбозлик; 4) машқ (*гимнастика*) номери, أَلْعَابُ الْعَدَدِ гимнастика снарядидаги машқлар; أَلْعَابُ الْفُرُوسِيَّةِ олий чавандозлик машқлари; أَلْعَابُ الْقُوَّةِ (الْقَوَى) الْخَفِيفَةُ (الثَّقِيلَةُ) енгил (оғир) атлетика; أَلْعَابُ الْخَانَةِ отчопар (ипподром)даги машқлар, чопқир от устида қилинадиган чавандозлик машқлари; ~ اَلسَّيْفِ وَ اَلتُّرْسِ қиличбозлик; عَلَى اَلْحَبْلِ ~ дорбозлик, дор устида ўйин кўрсатиш, дор устида юриш; 5) фокус, кўзбоғламачилик, أَلْعَابٌ سِيمِيَاوِيَّةٌ *ёки* أَلْعَابٌ سِيمِيَائِيَّةٌ *ёки* أَلْعَابٌ سِحْرِيَّةٌ фокуслар, кўзбоғламачиликлар

– لَعِبٌ ўйинқароқ, хушчақчақ

– لَعْبَةٌ *кўп* لَعَبَاتٌ 1) ўйин; مُزْدَوِجَةٌ ~ икки томонлама ўйин қилмоқ, мунофиқона йўл тутмоқ; 2) (*моҳирлик, эпчиллик билан бажарилган*) ҳунар, номер; *шахм.* юриш, юриш қилиш

– لُعْبَةٌ *кўп* لُعَبٌ 1) ўйинчоқ; қўғирчоқ; 2) ҳазил; 3) ўйин; ~ اَلدُّبِّ وَ اَلْحَمَلِ اَلْاِسْتِحْمَائِيَةِ *ёки* اَلْاِسْتِغْمَائِيَةِ бекинмачоқ ўйини; сичқон-мушук ўйини (*сўзма-сўз*: бўри ва қўзичоқ ўйини); 4) *шахм.* партия, ўйин

– لَعِبَةٌ ўйин ишқибози

– لُعْبَةٌ 1) *шахм.* ўйин, партия; 2) ўйин усули, йўли

– لَعِبِيٌّ 1. ҳазиломуз, ҳазилакам; 2. *кўп* لَعَبِيَّةٌ 1) ўйинчи; 2) жонглёр (*циркда ўйин кўрсатувчи*)

– لَعُوبٌ 1 шўх, ўйноқи; танноз; ~ اِمْرَأَةٌ танноз аёл. 2 ўйинқароқ, ўйноқи

– لُعَيْبَةٌ *кўп* ـــاتٌ ـــ ўйинчоқ

– لَعِيبٌ *кўп* لَعِيبَةٌ кучли, биринчи даражали ўйинчи (*мас. футболда*)

– مُلَاعِبٌ 1) ўйиндаги рақиб, партнёр, ўйин иштирокчиси (*мас. футболда*); 2) алдамчи, ёлғончи

– مُلَاعَبَةٌ (*к. биландир*) ўйнаш; بِالشَّطْرَنْجِ بِطَرِيقَةِ اَلتَّتَابُعِ ~ шахматда сеанс бериш

– مَلْعَبٌ *кўп* مَلَاعِبُ 1) ўйналадиган, ўйин бўладиган жой, спорт майдони, стадион; اَلتِّنِّسِ ~ корт, теннис майдончаси مُغَطًّى ~ ёпиқ стадион; 2) *шунингдек*; – ~ أَرْضُ саҳна (*театрда*); майдон (*циркда*); 5) театр; цирк; مُتَنَقِّلٌ ~ сайёр цирк; مَلَاعِبُ اَلْجِنِّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

лабиринт

– مَلْعَبَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўйинчоқ

– مَلْعُوبٌ[1] сўлак оқизадиган; 2. сўлаги оқиб турадиган одам

– مَلْعُوبٌ[2] *кўп.* مَلَاعِيبُ моҳирлик, трюк, ҳунар; عَمِلَ عَلَيْهِ ~ـــاً *ёки* لَعِبَ بِهِ (فِيهِ) ~ـــاً ким биландир ҳазил ўйин қилмоқ

لَعْثَمَ тутилиб- тутилиб гапирмоқ, ғудурламоқ, тўнғилламоқ; لَعْثَمَ = تَلَعْثَمَ

– لَعْثَمَةٌ, تَلَعْثُمٌ тутилиб-тутилиб гапириш, ғудурлаш, тўнғиллаш

I **لَعَجَ** (*а*) لَعْجٌ ғамга, азоб-уқубатга солмоқ; III لَاعَجَ аламга солмоқ

– لَاعِجٌ *кўп.* لَوَاعِجُ ғам, алам, азоб-уқубат; الـــ~ُ оташин муҳаббат; لَوَاعِجُ الْحُبِّ муҳаббат азоблари

أَلْعَسُ *мн.* لَعْسَاءُ *кўп.* لُعْسٌ қип-қизил лабли

– لَعَسٌ тўқ қизил рангли лаб

I **لَعِقَ** (*а*) لَعْقٌ яламоқ; جَرَاحَهُ ~ ўз ярасини яламоқ; ◊ إِصْبَعَهُ ~ ўлмоқ; هُ بِلِسَانِهِ ~ـــ бировни тил билан чақиб олмоқ

– لَعْقَةٌ бир марта ялаш

– لُعْقَةٌ *кўп.* لُعَقَاتٌ қошиқ (*ўлчов сифатида, мас. бир қошиқ чой*)

– لَعُوقٌ[1] *мед.* доривор сиқма (паста)

– لَعُوقٌ[2] бахтсиз (бечора) одам

– لَعُوقٌ[3] яланадиган нарса

– مِلْعَقَةٌ = مَلَاعِقِيٌّ أَبُو مِلْعَقَةٍ *қар.*

– مِلْعَقَةٌ *кўп.* مَلَاعِقُ қошиқ; الشُّورْبَةِ ~ овқат ейиладиган қошиқ; الشَّاي ~ чой қошиқ; الْـــ~ مِلْءُ тўла қошиқ (*ўлчов сифатида*); ~ أَبُو *зоол.* қизил оёқли лайлак

– لَعْلٌ 1) *мин.* лаъл; ёқут; 2) бўёқ моддаси, кармин (*оч қизил бўёқ*)

– لَعْلِيٌّ лаълга, карминга оид

لَعَلَّ балки, эҳтимол, афтидан, ундоқ-бундоқ; ◊ وَعَسَى ~ бир гап бўлар; ـــكم بِخَيْرٍ ! تَعَلَّلَ بِعَسَى وَلَعَلَّ ундоқ-мундоқ ўзини оқламоқ; ~ сиз соғ-саломат бўласиз деб умид қиламан!

لَعْلَعَ 1) тарақламоқ; тарқалмоқ (*товуш ҳақида*); чийилламоқ (*ўқ овози ҳақида*); 2) йилтилламоқ, йилтиллаб кўринмоқ; تَلَعْلَعَ узоқдан йилтиллаб кўринмоқ; 2) тилни осилтирмоқ (*чанқаган ит ҳақида*); ◊ جَوْعًا ~ *ёки* مِنَ الْجُوعِ ~ очлик азобини чекмоқ

– لَعْلَعٌ *кўп.* لَعَالِعُ 1) сароб; 2) бўри; 3) отишма бўлиб ўтган тоғ, тепалик

– لَعْلَعَةٌ 1) момақалдироқ, шовқин; 2) отишув, чийиллаш (*ўқ овози ҳақида*)

– مُلَعْلَعٌ 1) ёрқин (*ранг ҳақида*); الْـــ~ُ الْقُمَاشُ ёрқин (рангли) газлама; 2) кучли, жарангдор (*овоз ҳақида*)

I **لَعَنَ** (*а*) لَعْنٌ 1) лаънатламоқ, қарғамоқ; 2) узоқлаштирмоқ, қувмоқ; III لَاعَنَ лаънатламоқ (*ажралиш вақтида ўз айби йўқлигини эр ёки хотин айтиб*); V تَلَعَّنَ 1) ўзини қарғамоқ, лаънатламоқ; 2) бошқа бировни лаънатламоқ; VI تَلَاعَنَ ўзаро лаънатлашишмоқ

– لَعَانٌ 1) *юр. -шар.* лаънатлаш; 2) қасам ичиб ишонтириш (*қар.* III لَاعَنَ)

– لَعْنٌ лаънатлаш أَبَيْتَ الـــ~! *тар.* сенга лаънатлар ёғилмасин! (*подшолар билан саломлашиш*)

– لَعْنَةٌ *кўп.* لَعَنَاتٌ, لَعَانٌ ланатлаш; اللهِ عَلَيْهِ! ~ унга Оллоҳнинг ланати бўлсин!

– لُعْنَةٌ *кўп.* لُعَنٌ лаънати, лаънатланган

– لُعَنَةٌ одамларга тинмай лаънат ўқувчи

– لَعِينٌ 1) лаънатлаган; 2) лаънати; الـــ~ُ шайтон

– مَلْعَنَةٌ *кўп.* مَلَاعِنُ 1) лаънатланишга лойиқ ҳаракат; 2) йўлнинг ўртаси

– مَلْعُونٌ *кўп.* مَلَاعِينُ малъун, лаънатланган; الـــ~ُ шайтон

لَعْوَدَةٌ кўп لَعَوَاتٌ эмчак тугмаси атрофидаги доирача

لَعَيَانٌ: ~ُ النَّفْسِ кўнгил айниш, беҳузур бўлиш, қайт қилиш, келиш

I **لَغِبَ** (*а*) لَغَبٌ жуда чарчаган бўлмоқ, ортиқ чарчаган бўлмоқ; II لَغَّبَ қаттиқ чарчамоқ

– لَاغِبٌ дармондан кетган, чарчаган

– لُغُوبٌ ҳолсизланиш, дармонсизлик

لُغْدٌ *кўп.* أَلْغَادٌ, لُغُودٌ 1) бағбақа; 2) бағбақа (*ҳайвонларники*); бағбақа (*қушдаги, мас., хўроз*)

– لُغْدٌ *кўп.* لَغَادِيدُ = لَغَادُودٌ

I لَغَزَ (*у*) لَغْزٌ тагдор, муаммоли, пичинг қилиб гапирмоқ; III لَاغَزَ = I; IV أَلْغَزَ = I; فِي يَمِينِهِ ~ дудмал, икки маъноли қасам ичмоқ

– لَغَّازٌ туҳматчи

– لُغْزٌ *кўп.* أَلْغَازٌ топишмоқ, сир, асрор, حَلُّ الـــ~ топишмоқ ечмоқ (топмоқ); ~ مُرَابِيٌّ сеҳрли квадрат

– لُغْزٌ *кўп.* أَلْغَازٌ = لُغْزِيٌّ

– لُغْزِيٌّ сирли, сеҳрли

– مُلْغِزٌ = لُغْزِيٌّ

I لَغَطَ (*а*) لَغْطٌ, لَغَطٌ, لِغَاطٌ бақирмоқ; шовқинламоқ, шовқин-сурон кўтармоқ; II لَغَّطَ = I; IV أَلْغَطَ = I; VI تَلَاغَطَ шовқинлашмоқ, бошқалар билан бирга шовқинламоқ

– أَلْغَاطٌ *кўп.* لَغْطٌ, لَغَطٌ бақир-чақир, шовқин, шовқин-сурон

I **لَغَمَ** (*а*) لَغْمٌ 1) мина қўймоқ, миналамоқ; портламоқ; 2) оғзидан кўпик чиқармоқ (*туя ҳақида*); 3) аниқлиги, ростлиги ўзига маълум бўлмаган нарса ҳақида одамларга ҳабар бермоқ; II لَغَّمَ мина қўйдирмоқ; IV أَلْغَمَ 1) мина қўйдиртирмоқ, миналаштирмоқ; 2)

www.ziyouz.com kutubxonasi

симоб билан қопламоқ (*сол.* مَلْغَمَ)

– إِلْغَامٌ симоб билан қоплаш

– لُغَامٌ кўпик (*туядаги*)

– لَغَّامٌ мина қўювчи, минёр

مَخْمَخَ (*суякдан*) иликни олмоқ

مَخْمَصَ оғиз чаймоқ

– مَخْمَصَةٌ оғиз чайқаш

مَخْنَحِيٌّ *кўп* مَخْنَحِيَّةٌ тамаки қоришмаси тайёрлайдиган киши

مَخْوَلَ лол қолдироқ, уялтирмоқ; боши берк кўчага киритиб қўймоқ

– مَخْوَلَةٌ ҳайрат, уялиш

I **مَدَّ** (*а/у*) مَدٌّ 1) ёймоқ, тарқатмоқ, кенгайтирмоқ; ... عَلَى سُلْطَانَهُ ~ ҳокимиятни (салтанатни) ...гача кенгайтирмоқ; بَصَرَهُ ~ назарини (эътиборини) қаратмоқ (йўналтирмоқ); (الْعَوْنَ) يَدَ الْمُسَاعَدَةِ ~ ердам қўлини чўзмоқ (узатмоқ); اللهُ فِي عُمْرِهِ! ~ Оллоҳ унинг умрини узун қилсин!; 2) солмоқ, ўтказмоқ (*йўл ҳақида*); طَرِيقًا ~ йўл солмоқ (ўтказмоқ); خَطًّا حَدِيدِيًّا ~ темирйўл линияси қурмоқ (ўтказмоқ); 3) узайтирмоқ, чўзмоқ (*муддатни*); 4) ёрдам бермоқ, кўмаклашмоқ; мустаҳкамламоқ, асосламоқ; 5) кўпаймоқ, кўпайиб кетмоқ (*сув ҳақида*); النَّهْرُ ~ дарёда сув кўпайди (кўтарилди); ◊ الْأَرْضَ ~ ерни ўғитламоқ; الْقَلَمَ ~ қалам (ручка)ни сиёҳга тегизмоқ; ... الْحِبَالَ لِـ ~ ...га тузоқ қўймоқ; ... عَيْنَهُ إِلَى ~ ...га кўз ташламоқ; جُدْرًا ~ илдиз отмоқ; فِي الْمَشْيِ ~ катта қадам ташлаб юрмоқ; الْمَائِدَةَ ~ стол (дастурхон) безатмоқ; رِقْبَتَهُ ~ бўйин чўзмоқ; II مَدَّدَ 1) чўзмоқ, узайтирмоқ, кенгайтирмоқ; 2) узайтирмоқ, чўзмоқ (*муддатни*); 3) ўтказмоқ (*мас. т. –й. ни*); 4) йиринг чиқармоқ, йирингламоқ, маддаламоқ; III مَادَّ чўзмоқ, чўзиб юрмоқ (*мас, тўловни*); IV أَمَدَّ 1) қўллаб-қувватламоқ, ёрдам (кўмак) бермоқ; 2) (*бирор н билан*) таъминламоқ, (*н. нидир*) бермоқ, келтириб бермоқ (ب); ~ُ اللهُ بِالصِّحَّةِ وَ النَّشَاطِ! Оллоҳ унга соғ-саломатлик ва куч-қувват берсин!; 3) узайтирмоқ; (عُمْرِهِ) اللهُ فِي حَيَاتِهِ ~ Оллоҳ унинг умрини узайтирсин!; 4) мадда (йиринг) ажратиб чиқармоқ; 4) перони сиёҳга ботиришга рухсат бермоқ; V تَمَدَّدَ 1) чўзмоқ, узайтирмоқ; ҳажмини кенгайтирмоқ, катталаштирмоқ; *физ.* кенгаймоқ, 2) чўзилмоқ, 3) ястанмоқ, чўзилмоқ; VIII اِمْتَدَّ 1) узаймоқ, чўзилмоқ, кенгаймоқ, ёйилмоқ; 2) катталашмоқ, чўзилмоқ; *физ.* кенгаймоқ; X اِسْتَمَدَّ 1) ёрдамга (мададга) чақирмоқ, ёрдам (мадад) сўрамоқ, қўллаб-қувватлашни сўрамоқ; 2) таъминланмоқ; 3) (*қаердандир*) олмоқ, қўлга киритмоқ (مِنْ)

– اِمْتِدَادٌ *кўп* اتٌ ـــ муддат, давом, масофа, узунлик; кенглик, фазо; عَلَى ~ الْقُرُونِ асрлар давомида, عَلَى ~ سَاعَتَيْنِ икки соат давомида, ◊ الْعُمْرِ ~ узун (узоқ) умр

– إِمْدَادٌ 1) мадад бериш, қўллаб-қувватлаш; 2) мадад, кўмак, ёрдам, қўллаб-қувватлаш; 3) таъминот; *савдо.* етказиб бериш; إِمْدَادَاتٌ *кўп.* а) *савдо.* етказиб беришлар; б) *ҳарб.* ёрдамчи кучлар

– أَمَدَّهُ ўриш (*илли матода*)

– تَمَدُّدٌ 1) ҳажмнинг катталашуви (чўзилиши); *физ.* кенгайиш; قَابِلِيَّةُ الْـ~ кенгайиш қобилияти (имконияти)

– تَمْدِيدٌ 1) чўзиш, чўзилиш, кенгайиш; 2) узайтириш, чўзиш (*муддатни*); 3) ўтказиш, ётқизиш (*мас, т. -й. ни*); 4) маддаланиш, маддалаш

– مَادٌّ 1) чўзиладиган, узаядиган; 2) ёйилиб ётадиган (*мас, ўсимлик*)

– مَادَّةٌ *кўп* مَوَادُّ 1) модда, материя, нарса; материал; سَامَّةٌ ~ заҳарли модда; مَوَادُّ الْإِعَاشَةِ озиқ-овқат; مَوَادُّ الْغِذَائِيَّةُ озуқа моддалари; ~ أَوَّلِيَّةٌ *ёки* مَوَادُّ أَوَّلِيَّةٌ *ёки* خَامٌ ~ *ёки* مَوَادُّ خَامٌ *ёки* الْمَوَادُّ الْغُفْلُ хомашё; الْـ~ الْحَيَوِيَّةُ *биол* протоплазма; الْمَوَادُّ الْمُشْتَعِلَةُ тез ёнувчи моддалар, ёнилғи; الْمَوَادُّ شِبْهُ الْمَصْنُوعَةِ яримфабрикатлар; الْمَوَادُّ الْإِشْعَاعِيَّةُ (الْمُشِعَّةُ) радиоактив моддалар; الْمَوَادُّ الْبَلَاسْتِيكِيَّةُ пластик моддалар, пластмассалар; قَانُونُ بَقَاءِ الْـ~ *физ.* моддаларнинг сақланиш қонуни; 2) *физ.* модда (*масса*); 3) моддалар, воситалар; مَوَادُّ التَّجْمِيلِ косметик моддалар (воситалар); مَوَادُّ مُضَادَّةٌ لِحَيَاةِ الْمِيكْرُوبَاتِ *мед* антибиотиклар; 4) моҳият, асос, замин, 5) модда (*қонун, шартнома, луғат ва б. лардаги*); 6) ўқув предмети, تَعْلِيمِيَّةٌ ~ таълим предмети; 7) модда; مَوَادُّ اللُّغَةِ лексика, сўз заҳираси (запаси)

– مَادِّيٌّ 1. 1) моддий, ашёвий; بَيِّنَةٌ ~ـــةٌ ашёвий далил; ~ٌ وَ الْمَذْهَبُ الْـ~ моддий ва маънавий; 2) материалистик; أَدَبِيًّا материализм, моддиюнчилик; 2. материалист, моддиюнчи

– مَادِّيَّاتٌ *кўп.*: الْـ~ барча моддий нарсалар

– مَادِّيَّةٌ моддийлик, ашёвийлик; الْـ~ *фалс* материализм, моддиюнчилик; الْـ~ الدِّيَالِكْتِيكِيَّةُ диалектик материализм; الْـ~ التَّارِيخِيَّةُ тарихий материализм

– مَدٌّ 1) давомат; 2) чўзиш, узайтириш; الْبَصَرِ ~ кўриш масофаси; 3) ётқизиш, ўтказиш (*йўл ҳақида*); 4) *грам.* мадда (آ) (*белгиси*); ~ حُرُوفُ الْـ~ чўзиқ унлиларни ифодаловчи ҳарфлар (أَلِفُ الْـ~ وَ وَاوُ الْـ~ وَ يَاءُ الْـ~); 5) *кўп.* مُدُودٌ денгиз сувининг кўтарилиши, وَ جَزْرٌ ~ денгиз сувининг кўтарилиши ва қайтиши; الْـ~ الثَّوْرِيُّ революцион кўтаринкилик; ◊ كَانَ عَلَى يَدِهِ кимгадир яқин бўлмоқ, кимнингдир қўл остида бўлмоқ

– مُدٌّ *кўп.* أَمْدَادٌ, مِدَادٌ мудд. (*18 3/4 л га тенг қумсимон н. лар учун ўлчов бирлиги*)

– مَدَّادٌ ёйилиб ётган (*ўсимлик ҳақида*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مِدَادٌ *кўп.* أَمِدَّةٌ 1) сиёх; ~ قَلَمُ авторучка; 2) гўнг, ўғит. 3) фасон, намуна; ~ وَاحِد على доимо бир хил фасон (намуна) асосида

– مَدَّادَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ *ав.* самолёт қанотининг бўйлама хариси (бруси), ланжерон

– مَدَدٌ *кўп.* أَمْدَادٌ 1) мадад, ёрдам, кўмак, қўллаб-қувватлаш; 2) *ҳарб.* ёрдамга келган қисм

– مَدَّةٌ 1) ўриш (*ипли матода*); 2) *грам.* модда (ـّـ) (*белгиси*)

– مُدَّةٌ[1] *кўп.* مُدَدٌ муддат, вақт оралиғи, период, белгилаб қўйилган вақт; ~ حُكْمِ رَئِيسِ الْجُمْهُورِيَّة президентнинг ваколат муддати, ~ قَصِيرَةٌ қисқа муддат; ~ أُسْبُوعٍ ـِ ҳафта давомида; ~ مَعْلُومٌ маълум муддат; ~ مُنْذُ бундан маълум вақт (муддат) илгари, ~ لِـــ вақтинча, маълум муддатга; ~ الْـــ مُضِيُّ *юр.* белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги; ~ الْـــ بِمُضِيِّ белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги сабабли

– مُدَّةٌ[2] перони сиёҳга ботириш, ботириб олиш

– مَدَّةٌ мадда, йиринг

– مَدِيدٌ 1. узун, узоқ; ~ مِنْ زَمَنٍ аллақачон, ~ عُمْرٌ ўтиб қолган ёш, қарилик; ~ الْقَامَة رَجُلٌ узун бўйли одам; 2. мадид (*шеърий вазн номи*)

– مُسْتَمَدٌّ *кўп.* ـَاتٌ ـــ (*бирор н. нинг*) манбаи

– مُمْتَدٌّ 1. чўзиладиган, ёйилиб ётган; узун, чўзиқ. 2 кенглик, бўшлиқ

– مَمْدُودٌ 1) чўзилган, чўзиб қўйилган, 2) узун, узоқ муддатли; 3) жуда катта (*бойлик ҳақида*); 4) *грам.* мадда ҳаракати қўйилган

– مَمْدُودِيَّةٌ чўзилувчанлик

– مِدَالِيَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ медаль

– مِدَالْيُونٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ медальон

I مَدَحَ (а) مَدْحٌ мадҳ қилмоқ, мақтамоқ; шеърда мақтаб куйламоқ. II مَدَّحَ мақтамоқ, мадҳ қилмоқ. III مَادَحَ (*к. нидир*) мадҳ қилмоқ, мақтамоқ; نَفْسَهُ ~ а) ўз-ўзини мақтамоқ, мадҳ қилмоқ; б) кимнидир мақтамоқ, мадҳ қилмоқ. مَادِحْ نَفْسَهُ فَيَقُولُ لَكَ السَّلَامُ! *мкл.* сен уни мақта, ундан сенга салом келади! V تَمَدَّحَ 1) (*н. биландир*) мақтанмоқ, ўзини мақтамоқ (ب); 2) (*к. нидир, н. нидир*) мақтамоқ, мадҳ қилмоқ, шуҳратини ёймоқ (ب), VI تَمَادَحَ ўзаро бир-бирини мақтамоқ, мақташмоқ; VII اِنْمَدَحَ бошқалар томонидан мақтанилмоқ, мақталмоқ, мақталган бўлмоқ; VIII اِمْتَدَحَ мақтамоқ, мадҳ қилмоқ, юксакларга кўтармоқ

– أُمْدُوحَةٌ *кўп.* أَمَادِيحُ мақтов, мадҳ; мақтовли шеър. қўшиқ, қасида

– مَادِحٌ 1. мақтовчи, мадҳ қилувчи; 2. мақтаб, мадҳ қилиб турувчи, ёзувчи

– مَدَّاحٌ 1) маддоҳ, қасиданавис; 2) худони мадҳ қилувчи гадо, 3) маддоҳ (*кафеда*)

– مَدْحٌ *кўп.* أَمْدَاحٌ мадҳ, мақтов

– مَدْحَةٌ = مَدْحٌ

– مَدِيحٌ мадҳ, мақтов, қасида

– مَدِيحَةٌ *кўп.* مَدَائِحُ мақтовли шеър. қўшиқ қасида

– مَدِيحِيٌّ мақтовли

– مَمَادِحُ *кўп.* мадҳ қилинадиган сифатлар, хусусиятлар

– مُمَدَّحٌ жуда мақтаб юборилган

– مَمْدُوحٌ 1. мадҳ қилинувчи (*қасидада*); 2. *ат. от. мз.* Мамдуҳ

مَدَرٌ *жам.* 1) тупроқ, ер; 2) қишлоқлар, шаҳарлар; ~ أَهْلُ الْـــ ўтроқ аҳоли (أَهْلُ الْوَبَرِ *нинг акси*)

– مَدَرَةٌ *кўп.* مَدَرٌ 1) тупроқ еки лой гувалаги, 2) қишлоқ, шаҳар

مُدْرَاءُ *кўп* مُدِيرٌ *дан; қар.* دور

دَرَى *қар.* مِدْرَةٌ

تَمَدَّلَ V (مدل) рўмолни бошга ўрамоқ ёки салла қилмоқ

مِدَالْيُونٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ = مِدَالْيُونٌ

I مَدَنَ (مدن) (у) مُدُونٌ (*қаердадир*) яшамоқ истиқомат қилмоқ (ب). الْمَدِينَة ~ шаҳарга келмоқ. II مَدَّنَ 1) шаҳарлар қурмоқ шаҳарларга асос солмоқ. 2) маданийлаштирмоқ, маданий қилмоқ; V تَمَدَّنَ маданийлашмоқ маданиятли бўлмоқ

– تَمَدُّنٌ маданият, цивилизация

– تَمَدُّنِيٌّ маданийлаштирувчиликка оид

– مَدَائِنُ: الْـــ ~ Бағдод яқинидаги тарихий шаҳар номи Мадойин (*жоҳилия даврида Эрон шоҳларининг қасри шу ерда жойлашган*)

– مَدَائِنِيٌّ الْمَدَائِنُ *сўзидан нисбий сифат*

– مَدَنِيٌّ 1. 1) маданий. 2) гражданликка оид, ~ الْـــ الطَّيَرَانُ граждан авиацияси; ~ الْـــ الْحَقُّ гражданлик ҳуқуқи; الدَّعْوَى الْـــ гражданлик даъвоси, ~ الْـــ الْقَانُونُ гражданлик кодекси; ~ مُهَنْدِسٌ қурувчи муҳандис (инженер). 3) гражданга, ҳарбий бўлмаган кишига оид. 4) мадиналик. ~ سُورَةٌ *қур.* Мадина сураси. Мадинада нозил бўрган сура. 2. 1) гражданин, фуқаро. 2) шаҳарлик, Мадина шаҳри фуқароси. мадиналик

– مَدَنِيَّةٌ маданият, цивилизация

– مَدِينَةٌ *кўп.* مُدُنٌ, مُدَائِنُ шаҳар. حُرَّةٌ ~ эркин, озод шаҳар. ~ مَكْشُوفَةٌ очиқ шаҳар. ~ السَّلَامِ Тинчлик шаҳри, Дорусалом (*Бағдод ш. нинг сифати*), ~ الْـــ Мадина шаҳри

(مدى) III مَادَى 1) кечиктирилган муддат бермоқ. 2) тенглашмоқ, тенг бўлмоқ. إِنَّهُ لَا يُمَادَى *мажз.* уни ҳеч ким билан тенглаштириб бўлмайди. IV أَمْدَى = III. VI تَمَادَى 1) давом этмоқ, чўзилмоқ. الزَّمَنُ عَلَيْهِ فِي حَدْسَتِهِمْ ~ у узоқ вақт уларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

хизматини қилди; 2) давом эттирмоқ; (*н. нингдир*) устида узоқ вақт тўхтамоқ (فِي); (*н. дадир*) қатъий турмоқ (فِي); (*н. нингдир*) охиригача бормоқ (فِي); فِي الْقَوْلِ ~ гапиришда давом этмоқ

– مَدًى 1) ҳад, чегара; ~ وَصَلَ فِي مَسْأَلَةٍ إِلَى أَقْصَى бирор масалада охирги чегарага бориб қолмоқ; 2) кенглик; муддат; масофа; давр, давом; ~ الْحَوِيُّ ҳаво кенглиги, ҳаво чегараси; ~ الْحَيَوِيُّ ҳаёт мавжуд бўлган жой; ~ السَّنَةِ عَلَى йил давомида; ~ الْحَيَاةِ бутун умр давомида, умр бўйи, бутун умрга; ~ السِّجْنِ умрбод қамоқ; ~ عَيْنَيْهِ кўз (*назар*) етганича; кўриш майдони; ~ الْبَصَرِ кўриш масофаси; ~ عَلَى الْبَصَرِ кўриш имкони етгунча; ~ الصَّوْتِ овоз имконияти (диапазони); 3) ҳажм, ўлчов, соҳа, сфера; ~ التِّجَارَةِ савдо ҳажми, соҳаси, сфераси; 4) ҳаракат масофаси; узоққа ота олиш; ~ بَعِيدُ الْـ узоққа отувчи (*замбарак ҳақида*); узоққа уча олувчи (*самолёт ҳақида*); ~ مُتَوَسِّطُ الْـ ўртача узоққа ота олувчи (*замбарак ҳақида*); ўртача узоқликка уча олувчи (*самолёт ҳақида*); 5) муддат; 6) соҳа, сфера

– مَدَوِيٌّ 1) пичоқчи уста; 2) пичоқфуруш

– مُدْيٌ ўлчов бирлиги

– مِدْيَةٌ, مُدْيَةٌ, مَدْيَةٌ *кўп* ـاتٌ пичоқ, пакки, қаламтарош

تَمَدْيَنَ (مدين) маданийлашмоқ

– مُتَمَدْيِنٌ маданий, маданийлашган

مُنْذُ = مُذْ

I **مَذَرَ** (*а*) مَذْرٌ айнимоқ, бузилмоқ (*тухум ҳақида*); II مَذَّرَ тарқалиб кетмоқ, ҳар томонга ташланмоқ, сочилиб кетмоқ; V تَمَذَّرَ айниган бўлиб қолмоқ, бузилмоқ (*тухум ҳақида*)

– مَاذِرٌ айниган, бузилган, ачиган, чириган

– مَذَرَ: ~ شَذَرَ ҳамма жойда; ҳамма ёққа; ~ ذَهَبَ النَّاسُ شَذَرَ одамлар ҳамма ёққа тарқаб кетишди

– مَذِرٌ бузилган; ачиган, айниган; ифлосланган

I **مَذَقَ** (*у*) مَذْقٌ сув қўшиб қўймоқ, сув аралаштириб қўймоқ; الْوُدَّ ~ муҳаббатда носамимий бўлмоқ, носамимий муҳаббат эгаси бўлмоқ; III مَاذَقَ сидқидил бўлмаслик, икки юзламачи бўлмоқ

– مَذَّاقٌ 1. сидқидил бўлмаган; 2. иккиюзламачи

– مَذِيقٌ, مَذِقٌ, сув қўшилган

– مُمَاذِقٌ = مَذَّاقٌ

I **مَذَلَ** (*а*) مَذَلٌ (*сирли, яширин н. ни*) ишониб ошкор қилмоқ, очмоқ (ب)

تَمَذْهَبَ (مذهب) (*қандайдир таълимотга*) эргашмоқ (فِي ,ب); ~ فِي مَذْهَبِ النَّصْرَانِيَّةِ ислом динини қабул қилмоқ; ~ بِمَذْهَبِ الْإِسْلَامِ христиан динини қабул қилмоқ

مَاذِيٌّ асал, бол

I (مرّ) **مَرَّ**[1] (*а/у*) مَرٌّ, مُرُورٌ 1) бормоқ, (*бирор к. нинг ёнидан*) ўтмоқ (عَلَى ,ب); ~ بِهِ (عَلَيْهِ) مَرَّ الْكِرَامِ кимнингдир ёнидан кеккайиб ўтмоқ; 2) ўтиб бормоқ, ўтиб кетмоқ; 3) (*н. нидир*) кесиб ўтмоқ (مِنْ); 4) топширмоқ (*мас, имтиҳон*); ўтмоқ (*мас, синовдан*); ~ اخْتِبَارَاتِ طِبِّيَّةٍ الْامْتِحَانَ имтиҳон топширмоқ; ~ тиббий кўрикдан ўтмоқ; ◊ أَمُرُّ بِكُمْ بِالْحَوَادِثِ мен бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида гапириб бераман; ~ كَمَا ذَكَرْتُهُ бу ҳақда юқорида айтилганидек, ...

II[2] مَرَّ (*и/а*) مَرَارَةٌ 1) аччиқ бўлмоқ; 2) (*н. нидир*) аччиқ килмоқ; II مَرَّرَ 1) (*қўлдан қўлга, мас, кўриш учун*) бермоқ, узатмоқ; *спорт.* узатмоқ (*мас, тўпни*); 2) (*к. нингдир йўлини*) ёритмоқ, (*чироқ, шам*) олиб келмоқ; 3) йўл бермоқ, (*к. нидир*) ўтказиб юбормоқ; 4) ўтказмоқ (*мас, кемани каналдан ёки бирор масалани парламентдан* – فِي); 5) ҳаётга жорий қилмоқ; ~ الْمُخَطَّطَاتِ режаларни амалга оширмоқ; 6) аччиқ қилмоқ, заҳарламоқ; ~ لَهُ حَيَاتَهُ кимнингдир ҳаётини чидаб бўлмайдиган, заҳар, аччиқ қилмоқ; *к. нингдирг* умрини (ҳаётини) заҳарламоқ; IV أَمَرَّ 1) ўтказиб юбормоқ, йўл бермоқ; 2) (*электр токи*) ўтказмоқ; 3) (*к. кўздан*) ўтказмоқ, кечирмоқ; ~ بِنَظَرِهِ атрофга назар ташламоқ, (*атрофни*) кўздан кечирмоқ; ~ مَشَارِيعَهُ ўз режаларини ҳаётга татбиқ қилмоқ; 4) (*бирор н. билан*) ўраб олмоқ, иҳота қилмоқ (ب); 5) ўрамоқ, букламоқ, тахламоқ; 6) аччиқ қилмоқ; X اسْتَمَرَّ 1) чўзилмоқ, давом этмоқ; 2) (*н. нидир*) давом эттирмоқ (فِي ,ب); ~ فِي تَأْدِيَةِ شَهَادَةٍ кўрсатмалар беришда давом этмоқ; 3) (*н. нидир*) аччиқ деб ҳисобламоқ

– اسْتِمْرَارٌ 1) чўзилганлик, давомийлик, узлуксизлик; ~ بِـ доимий, узлуксиз, кетма-кет; 2) давоми; ~ قُوَّةُ الْـ *физ.* инерция

– أَمَرُّ *мн.* مُرَّى энг аччиқ; ◊ ~ الْـ*ан ик.с.* қашшоқлик ва куч-қувватдан кетганлик; مَنَّهُ الْـ~ (عَانَى, قَاسَى) у унидан кўп балоларни кўрди, у унинг бошига қандай кунларни солмади

– إِمْرَارٌ ўтказиш, ўтказиб юбориш

– تَمْرِيرٌ 1) узатиб, бериб юбориш; 2) ўтказиб қўйиш (*мас. кемани каналдан*); ўтказиш (*мас, бирор масалани парламентдан*); 3) ҳаётга татбиқ қилиш, жорий қилиш

– تَمْرِيرَةٌ *спорт.* узатиш (*мас, тўпни*)

– مَارٌّ *кўп.* مَارَّةٌ 1. ўтиб бораётган (кетаётган); 2. ўткинчи; ◊ ~ الْـ ذِكْرُهُ юқорида зикр қилинган (айтилган)

– مُرٌّ[1] ўтиш, давом; ~ عَلَى الزَّمَنِ (الْوَقْتِ) ~ عَلَى الْأَيَّامِ ёки вақт ўтиши билан, бутун вақт давомида

– مُرٌّ[2] *кўп.* مُرُورٌ 1) курак, бел, учи ўткир белкурак; 2) арғамчи, арқон, чилвир

– مُرٌّ 1. 1) аччиқ (*маза ҳақида*); ~ عُشْبَةٌ *бот.* газак (гажак) ўт; 2) оғир; хафа (ғамгин) қилувчи; 2. *шунингдек*: ~ مَكَّةَ *бот.* мирра (*хушбўй елим берадиган дарахт*); ~ الصَّحَارَى коллоквит (*елим*

ирахти); ~ـــ الْـ خَشَبُ *бот.* кассия (*дуккакли ўсимликлар оиласига энсуб ўсимлик*)

– مَرَّات *кўп.* кўп марта, бир неча марта

– مُرَيْرٌ = مُرَارٌ

– مَرَارَةٌ *кўп.* مَرَائِرُ 1) алам; ~ـــ بـ алам билан; 2) *анат.* ўт, сафро; ўт фаги; ~ـــ حَصْوَةُ الْـ ўт пуфагидаги тош

– مَرَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ, مِرَارٌ бир марта; ~ـــ فِي ёки ذَاتَ ~ـــ مِنَ الْمَرَّاتِ нлардан бир кун, кунларнинг бирида; ~ـــ لِأَوَّلِ биринчи марта; أَكْثَرَ مِنْ кўп марта, бир неча марта; مَرَّتَيْنِ икки марта, икки бор; ثَلَاثَ مَرَّاتٍ уч марта; لِلْمَرَّةِ الْأَخِيرَةِ охирги (сўнгги) марта; ~ـــ أُخْرَى яна бир арта; бошқа сафар; ~ـــ غَيْرَ кўп марта, бир марта эмас; بِالْـ~ـــ тунлай, мутлақо; ~ـــ هٰذِهِ الْـ бу сафар; ~ـــ بَعْدَ мунтазам, доимо; ~ـــ كَمْ неча марта?; مِرَارًا ёки مِرَارِ جُمْلَةَ бир неча марта, кўп марта, из-тез; баъзан, баъзида, гоҳо; ~ـــ وَاحِدَةً бир варакай, бирданига; مِرَارًا وَ تَكْرَارًا кўп марта, бир неча марта

– مُرَّةُ: ~ـــ أَبُو Иблиснинг лақаби

– مُرَّة *кўп.* مُرُور 1) ўт, сафро; 2) куч, қувват; 3) ўткир ақл

– مُرُورٌ 1) ўтиш; ~ـــ الْأَيَّامِ вақтнинг ўтиши; ~ـــ الزَّمَنِ а) белгиланган муддатнинг ўтганлиги; б) *юр.* узоқ муддат фойдаланганлиги эвазига олинган мулк; ~ـــ مِرْصَدُ الْـ *астр.* меридиан доираси; 2) юриш, ҳаракат, бориш; ~ـــ تَذْكِرَةُ الْـ паспорт; рухсатнома; ~ـــ إِدَارَةُ الْـ йўл ҳаракати хизмати; ~ـــ حَرَكَةُ الْـ йўл ҳаракати; ~ـــ نِظَامُ الْـ (*шаҳардаги*) ҳаракат қоидаси; ~ـــ شُرْطِيُّ الْـ ёки ~ـــ عَسْكَرِيُّ الْـ ҳаракатни ошқарувчи; 3) *савдо.* транзит; ~ـــ تِجَارَةُ الْـ транзит савдо

– مُرُورِيٌّ *савдо.* транзитга оид

– مُرَيٌّ (*иштаҳани очиш учун дастурхонга қўйиладиган*) шўр сув

– مُرِيَّاتٌ *кўп.* аччиқ дорилар

– مَرِيرٌ[1] 1) аччиқ; 2) аламли, оғир; 3) кучли

– مَرِيرٌ[2] 1. 1) узоқ давом этган; 2) қатъий, қатъиятли, собит, саботли; 2. 1) қатъийлик, қатъиятлилик; 2) доимийлик, изчиллик; 3) ғайрат, арқон

– مُرَيْرٌ *бот.* оқ баргли ўсимлик

– مَرِيرَةٌ = مَرِيرٌ[2]

– مُسْتَمِرٌّ давом этаётган; узоқ давом этадиган, доимий, узлуксиз; ~ـــ الثَّوْرَةُ الْـ перманент революция (*узоқ давом этадиган, узлуксиз революция*); ~ـــ تَيَّارٌ *эл.* ўзгармас ток; ~ـــ مَوْجَاتٌ *радио* сўниб борувчи тебраниш

– مَمَرٌّ[1] ўтиш; ~ـــ عَلَى الْأَيَّامِ вақтнинг ўтиши билан

– مَمَرٌّ[2] *кўп.* ـَاتٌ ... 1) ўтиш, ўтиш жойи; штольня (*кўмир конлари, шахталарда*); ~ـــ تَحْتَرْضِيٌّ ерости ўтиш жойи, ерости йўли; ~ـــ حَبَلِيٌّ тоғдан ўтиш жойи; ~ـــ ضَيِّقٌ тор тоғ оралиғи, тор дара; 2) йўлак, коридор; ~ـــ الْـ الْجَوِّيُّ ҳаво йўлаги (коридори); 3) хиёбон

– مَمْرُورٌ ўтга (сафрога) оид

I (مرأ) مَرُؤَ (*у*) مُرُوءَةٌ эркак кишига хос хусусиятларга эга бўлмоқ; мард, довюрак бўлмоқ; مَرِئَ (*а*) مَرَاءَةٌ 1) фойда бермоқ; 2) фойдали бўлмоқ (*овқат ҳақида*); مَرُؤَ[2] (*у*) = مَرِئَ; X اسْتَمْرَأَ 1) мазали деб ҳисобламоқ; 2) (*н. дандир*) роҳатланмоқ; 3) (*бирор н. га*) жон деб рози бўлмоқ; ◊ ~ـــ مَرْعَى هَذَيَانَهُ *кўч.м.* чайнайвермоқ, чайналавермоқ

– امْرَأَةٌ (*артикль билан келганда* – الْمَرْأَةُ) *кўп.* نِسْوَانٌ, نِسْوَةٌ, نِسَاءٌ 1) аёл киши; 2) хотин

– امْرُؤٌ, امْرِئٌ (*артикль билан келганда* – الْمَرْءُ) 1) эркак киши; 2) эр

– مَرْءٌ 1) эркак киши; 2) эр; ◊ ... وَ يَكْفِي أَنْ يَعْرِفَ الْـ~ـــ أَنَّ шуни билиш кифояки, ... وَ مِنَ الصَّعْبِ عَلَى الْـ~ـــ أَنْ يَحْزِمَ ... буни ҳал килиш шунинг учун ҳам қийинки, ... أَنْ

– مَرْأَةٌ *кўп.* نِسْوَةٌ, نِسَاءٌ 1) аёл киши; 2) хотин; ~ـــ الْـ الْمُسَلْسَلَةُ *астр.* Андромеда

– مُرُوءَةٌ, مُرُوَّةٌ 1) мардлик, довюраклик, шаън-шавкат; 2) саховат, кенг феъллилик; 3) некахлоқлилик, олийжаноблик

– مَرِيءٌ[1] *кўп.* مُرُوءٌ, أَمْرِئَةٌ қизилўнгач

– مَرِيءٌ[2] фойдали, ёқимли (*овқат ҳақида*); هَنِيئًا مَرِيئًا! ёқимли иштаҳа тилайман!; ош бўлсин!

I مَرَتَ (*у*) مَرْتٌ 1) текисламоқ, силлиқламоқ, текис (силлиқ) қилмоқ; 2) юмшатмоқ, эзғиламоқ, мулойим қилмоқ; 3) уқаламоқ

I مَرَثَ (*у*) مَرْثٌ 1) эммоқ, сўрмоқ (*кўкракни, бармоқни- гўдак ҳақида*); 2) юмшатмоқ, эзғиламоқ, мулойим қилмоқ, 3) силамоқ, эзғиламоқ ишқаламоқ; 4) ҳўлламоқ, эритмоқ (*сувда-мас, дорини*)

I (مرح) مَرَحَ (*а*) مَرَحٌ пароканда (бузилган) бўлмоқ; пароканда ҳолга келмоқ, مَرَحَ (*у*) مَرْحٌ ўтлоққа (яйловга) чиқармоқ; II مَرَّحَ онанизм (капаки) билан шуғулланмоқ; IV أَمْرَحَ (*ҳайвонларни*) исталган жойда ўтлашга қўйиб юбормоқ; ~ـــ فِي نَفْسِهِ (لِسَانَهُ) тилга эрк бермоқ, фитна-фасод қилмоқ; ~ـــ أَعْرَاضِ النَّاسِ ургочи туя қорнидаги янги ҳомиласини тушириб юборди

– تَمْرِيحٌ онанизм, капаки

– مَارِحٌ: مِنْ نَارٍ ~ـــ тутунсиз олов

– مَرُوحٌ[1] *кўп.* مُرُوحٌ ўтлоқ, яйлов

– مَرَحٌ[2], مَرْحٌ пароқандалик, аралаш- қуралашлик, тартибсизлик; ~ـــ وَ هَرْجٌ тартибсизлик, тўс-тўполон, ҳаяжон, ташвиш, бесаранжомлик

– مَرْجَانٌ *жан.* 1) маржон; 2) майда гавҳар, ~ـــ سَمَكُ а) денгиз қалқонбалиғи; б) тилла балиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَرْجَانَةٌ маржон

– مَرْجَانِيٌّ маржонга оид; صُخُورٌ ~ـــةٌ маржон рифлари, маржон қоялар; جَزِيرَةٌ ~ـــةٌ атолл (*ҳалқа шаклидаги маржонлар ороли*)

– مَرِيجٌ аралаш-қуралаш, чалкаш

مَرْجَحَ тебратмоқ; ذِرَاعَيْهِ فِي الْهَوَاءِ ~ қўлни қилич-қилич қилмоқ; تَمَرْجَحَ 1) тебранмоқ; 2) букилмоқ, буралмоқ

– مَرْجَحَةٌ тебраниш

– مُرْجَيْحَةٌ, مَرْجُوحَةٌ *қар.* رجح

(مرجل) تَمَرْجَلَ (*к. гадир*) инжиқлик қилмоқ, тирноқ орасидан кир қидирмоқ (عَلَى); (*к. гадир*) сурбетлик, бетакаллуфлик қилмоқ (عَلَى)

مَرْجُونَةٌ *кўп.* اتٌ — тўқилган сават

I مَرِحَ (*а*) مَرَحٌ хурсанд бўлмоқ, шод бўлмоқ, қувонмоқ; дилхушлик қилмоқ, ўйнамоқ; шўхлик қилмоқ, чопқилламоқ (*тойчоқ ҳақида*); ~ سَرِحَ وَ озод (бўш) юрмоқ; IV أَمْرَحَ жуда хурсанд қилмоқ, беҳад шод қилмоқ

– مَرَاحٌ шодлик, хурсандлик, хуррамлик

– مَرَحٌ шодлик, хурсандлик; ~ فِي فَرَحٍ وَ катта шодликда, хурсандликда

– مَرِحٌ *кўп* مَرَاحَى, مَرْحَى шод, хурсанд, хуррам, хушчақчақ

– مَرْحَى офарин!

– مَرِيحٌ жуда шод, жуда хушчақчақ

– مِمْرَاحٌ хушчақчақ, шод, хуррам

مَرْحَبَ марҳабо!, хуш келибсиз! деб айтмоқ

I مَرَخَ (*а*) مَرْخٌ ёғламоқ, ёғ суртмоқ; II مَرَّخَ 1) ёғламоқ, ёғ суртмоқ; 2) хамирга сув қуймоқ, аралаштирмоқ; V تَمَرَّخَ ёғланмоқ, ёғ суртилмоқ

– مَرِخٌ 1) юмшоқ, мулойим; 2) сўлиган, сўлғин; лоҳас, ланж, суст

– مَرُوخٌ малҳам, малҳам дори; мой

– مَرِّيخٌ *шунингдек:* ~ الـــ *астр.* Миррих, Марс; مَحَطَّةُ الـــ ~ رَقْمٌ 1 "Марс-1" (*сайёралараро*) станцияси

I (مرد) مَرَدَ (*у*) مُرُودٌ 1) (*к. гадир қарши*) қўзғолон, исён кўтармоқ (عَلَى); 2) (*н. нидир қилишда*) давом этмоқ; مَرْدٌ (*у*) улкан, баланд бўйли бўлмоқ; II مَرَّدَ 1) (*шохдаги*) баргларни узмоқ; 2) (*бинони*) жуда баланд қурмоқ; (*иморатни*) силлиқламоқ; V تَمَرَّدَ 1) (*к. гадир қарши*) исён қилмоқ, қўзғолон кўтармоқ (عَلَى); 2) туғёнга келмоқ, кучайгандан кучаймоқ (*бўрон ҳақида*); 3) ўзини киши ғашига тегадиган ҳолда тутмоқ

– أَمْرَدُ *мн.* مَرْدَاءُ *кўп.* مُرْدٌ қўса, соқолсиз; ◊ شَجَرَةٌ مَرْدَاءُ баргсиз дарахт; رَمْلَةٌ مَرْدَاءُ ўсимлик ўсмайдиган қумлоқ ер

– تَمْرَادٌ *кўп.* تَمَارِيدُ каптархона

– تَمَرُّدٌ норозилик, нафратланиш, ғазабланиш; фитна, ғулғула, ғалаён, исён

– مَارِدٌ *кўп.* مَرَدَةٌ 1. 1) исёнкор, бўйсунмовчи; 2) улкан, ғоят катта, гигант; 2. 1) новча, узун бўйли, ғоят баланд бўйли; 2) иблис, жин; 3) ҳаёсиз, одобсиз, беҳаё

– مُتَمَرِّدٌ 1. қўзғолон кўтарган; ғазабга келган; бўйсунмаган; 2. исёнчи

– مَرَادٌ, مَرَّادٌ, مَرَارِيدُ кўп бўйин, гардан

– مَرْدِيٌّ бахтсиз, бадбахт, бечора

– مُرْدِيٌّ *кўп* مَرَادِيُّ 1) хода, узун ингичка ёғоч; 2) ғарпун (*кит ва б. катта балиқлар овлашда ишлатиладиган яроғ*)

– مَرِيدٌ ҳаёсиз, одобсиз, беҳаё

– مِرِّيدٌ тез жаҳли чиқадиган одам

– مُمَرَّدٌ ўта катта, гигант, жуда баланд; ~ صَرْحٌ жуда баланд бино

مَرْدَقُوشٌ *бот.* маёран (*хушбўй ўтсимон ўсимлик*) (*сол* بَرْدَقُوشٌ *ва* مَرْزَنْجُوشٌ)

مِرْزَا мирза, мирзо

مَرْزُبَانٌ *кўп* مَرَازِبَةٌ *тар.* чегарага яқин ноҳия ҳокими (*Эронда*); сатрап (*вилоят ҳокими*)

مِرْزَبَّةٌ *кўп.* اتٌ — *ёки кўп.* مَرَازِبُ темирчи болғаси

– مَرْزَنْجُوشٌ = مَرْدَقُوشٌ

I مَرَسَ (*у*) مَرْسٌ ҳўлламоқ; намламоқ; эритмоқ; ~ يَدَهُ بِالْمِنْدِيلِ қўлни дастрўмол билан артмоқ; III مَارَسَ (*қандайдир касб билан*) шуғулланмоқ; (*н. билан дир*) машғул бўлмоқ, шуғулланмоқ; (*н нидир*) амалга оширмоқ, бажармоқ; (*бирор н. устида*) ишламоқ, юзага чиқармоқ; иш кўрсатмоқ; қилмоқ; ~ الْعَمَلَ иш бажармоқ; ~ تَأْثِيرًا ثَوْرِيًّا (*к. гадир н гадир*) революцион таъсир кўрсатмоқ (عَلَى); V تَمَرَّسَ (*н. гадир*) суйканмоқ (*мас, мушук ҳақида*); 2) (*н. билан дир*) артилмоқ (ب); (*к. ёки н. билан дир*) тўқнашиб кетмоқ (ب) 4) тажриба, сабоқ олмоқ; VI تَمَارَسَ 1) курашмоқ, жон-жаҳд билан уринмоқ, жанг қилмоқ; 2) ўзаро келишмоқ, тортишмоқ (*мас., нарх, баҳо ҳақида*), савдолашмоқ

– مَارِسٌ *кўп* مَوَارِسُ экин экилган ер бўлаги

– مَارْسٌ *алиф. б. қар*

– مُتَمَرِّسٌ 1. 1) амалиёт (практика) ўтаётган; 2) практикант

– مِرَاسٌ куч, қувват, ғайрат, энергия; ◊ ~ الـــ سَيِّئُ гапга кўнадиган, итоаткор, ён берадиган; ~ الـــ صَعْبُ қатъиятли, бўйсунмайдиган; ўжар, қайсар, саркаш; ~ الـــ شِدَّةُ чидам, тоқат, сабот

– مَرَاسَةٌ куч, қувват, ғайрат, энергия

– مَرِسٌ 1) ғайратли; 2) тажрибали

– مَرَسَةٌ *кўп* أَمْرَاسٌ, مَرَسٌ арғамчи, эркон; трос (*металл арқон*)

– مَرِيسٌ: ~ الـــ رِيحُ жанубий шамол

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَرِيسَةٌ мариса (*арпадан тайёрланадиган пиво нави*)

– مَرِيسِيٌّ жанубий шамол

– مَمَارَسَةٌ 1) амалга ошириш, юзага чиқариш; (*ишни*) бажариш; машғулот; машқ; 2) тажрибалилик; ◊ ~ بَيْعٌ بِالْـــ дўстона келишувга асосан сотиш; ~ شِرَاءٌ بِالْـــ дўстона келишувга асосан сотиб олиш

مَرْسِينٌ *бот.* мирт (*доимо яшил, хушбўй бута*)

I **مَرَشَ** (*у*) مَرْشٌ тимдаламоқ

مَرْشَالٌ *кўп.* اتٌ ـــ маршал

مَرْشَبٌ биринж, бронза

I **مَرِضَ** (*а*) مَرَضٌ касал (бемор) бўлмоқ, касалланмоқ; II مَرَّضَ 1) касал боқмоқ, касалга қарамоқ, касални кўргани бормоқ; 2) касаллантирмоқ; IV أَمْرَضَ касаллантирмоқ; V تَمَرَّضَ кучсиз бўлмоқ; касалванд бўлмоқ; касалга чалинмоқ; VI تَمَارَضَ ёлғондан ўзини касал деб кўрсатмоқ, ўзини касалликка солмоқ; ёлғонкасал бўлмоқ; X اسْتَمْرَضَ = VI

– تَمَارُضٌ ёлғон касаллик

– تَمْرِيضٌ касал (бемор) ларга қараш, касал боқиш; ~ مَدْرَسَةُ الـــ фельдшерлик мактаби; тиббиёт ҳамширалари мактаби

– مُتَمَرِّضٌ кучсиз, камқувват, касалванд

– مَرَضٌ *кўп.* أَمْرَاضٌ касаллик, беморлик; ~ مُعْدٍ юқумли касаллик; ~ وَبَائِيٌّ эпидемик касаллик; أَمْرَاضٌ بَاطِنِيَّةٌ ички касалликлар; أَمْرَاضُ الْعَيْنِ кўз касалликлари; أَمْرَاضُ الْقَلْبِ юрак касалликлари; أَمْرَاضُ النِّسَاءِ аёллар касалликлари; أَمْرَاضٌ سِرِّيَّةٌ венерик (таносил) касалликлари; أَمْرَاضٌ مِهَنِيَّةٌ касб касалликлари; أَمْرَاضٌ عَصَبِيَّةٌ асаб касалликлари

– مَرَضٌ *кўп.* مَرَاضٌ касал, бемор

– مُرْضٍ *қар.* رضى

– مَرْضَانٌ 1) касал, бемор; 2) бечора, бечораҳол

– مَرْضِيٌّ касалликка оид; ~ إِجَازَةٌ ـــَـــةٌ касаллик сабаби билан берилган таътил

– مَرِيضٌ *кўп.* مَرْضَى 1. касал, бемор одам; ~ الْحُبِّ севги, муҳаббат азобини тортаётган; ~ نَفْسِيٌّ психик касал, бемор; 2. мижоз, пациент

– مِمْرَاضٌ тез-тез касалланиб турадиган, касалванд

– مُمَرِّضٌ фельдшер, санитар

– مُمَرِّضَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ оғир беморга қаровчи аел; ҳамшира; санитарка

– مَمْرُوضٌ касалванд, камқувват, қувватдан кетган

I مَرَطَ (*у*) مَرْطٌ юлмоқ, юлиб олмоқ; II مَرَّطَ 1) кўп миқдорда юлмоқ; 2) узмоқ, (*мас, баргларни*); V تَمَرَّطَ тушмоқ, тушиб кетмоқ (*соч ҳақида*)

– أَمْرَطُ *мн.* مَرْطَاءُ *кўп.* مُرْطٌ жуни (туки) йўқ, туксиз, жунсиз

– مِرْطٌ *кўп.* مُرُوطٌ чопон, ёмғирпўш (*аёлларники*)

– أَمْرَطُ = مَرِيطٌ

– مُرَيْطَاءُ *мн. анат.* киндикдан қовуққача бўлган қисм

مَرْطَبَانٌ *кўп.* اتٌ ـــ кўза

I مَرَغَ (*а*) مَرْغٌ 1) бўямоқ, сувамоқ (*н. нидир*) суртмоқ (ب); 2) эркалатмоқ, (*тарбияни*) бузмоқ; 3) йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; مُرُوغٌ (*у*) مَرَاغَةٌ ўт-ўланга сероб бўлмоқ, кўкаламзор бўлмоқ; IV أَمْرَغَ ўсимликлар билан қалин қопланган бўлмоқ; VII انْمَرَغَ йиртилган, йиртиб ташланган бўлмоқ

– أَمْرَاغٌ *кўп.* مَرْغٌ яйлов

– مُرْعَةٌ ёғ, мой

– مَرْعًى *қар.* رعى

– مَرِيغٌ 1) ёғли, мойли; ёғга, мойга оид; 2) ўсимликларга бой (*жой*)

– مَرِيعٌ = مَرِيغٌ

– مَمْرُوغٌ кеккайган, такаббур, бурни кўтарилган

(مرغ) II مَرَّغَ 1) қолмоқ, ётмоқ (*чанг, тупроқда*); ~ هَيْئَتَهُ кимнингдир обрў-эътиборини оёқости қилмоқ, топтамоқ, ерга урмоқ; 2) ифлос қилмоқ, чапламоқ, доғ қилмоқ, доғ қилдирмоқ; ~ رَأْسَهُ бошга ёғ (мой) суртмоқ, чапламоқ; 3) чўзмоқ, кечиктирмоқ, кейинга қолдирмоқ, IV أَمْرَغَ чапламоқ, доғ қилмоқ, доғ қолдирмоқ; V تَمَرَّغَ ағнаб ётмоқ, юрмоқ (*чангда, тупроқда*); ◊ ~ فِي التَّرَفِ وَ الْبَذَخِ дабдабали, ҳашамда тўлиб-тошиб яшамоқ

– مُتَمَرِّغٌ чангга ботган, тупроққа беланган

– مُتَمَرَّغٌ = مَرَاغٌ

– مَرَاغَةٌ = مَرَاغٌ

مَرْغَرِينٌ маргарин

مَرْفَعِينٌ *зоол.* сиртлон, ёлдор бўри (*Суданда*)

مُرْفِينٌ морфий

I **مَرَقَ** (*у*) مُرُوقٌ 1) тешмоқ, тешиб ўтмоқ; السَّهْمُ مِنَ الرَّمِيَّةِ ~ камоннинг ўқи ҳайвонни тешиб, нариги томонидан чиқди; 2) лип этиб ўтиб кетмоқ, елиб ўтиб кетмоқ; ◊ مِنَ (عَنْ) الدِّينِ ~ диндан қайтмоқ, динга хиёнат қилмоқ; مَرْقٌ (*у*) مَرَقٌ الْقِدْرُ ~ қозонда қайнаётган сувни кўпайтирмоқ; II مَرَّقَ 1) куйламоқ, қўшиқ (ашула) айтмоқ; 2) (*хамирга*) сув қўшмоқ; 3) ўтказиб юбормоқ, ўтишга рухсат бермоқ; IV أَمْرَقَ الْقِدْرُ ~ қозонда қайнаётган сувни кўпайтирмоқ

– مَارِقٌ *кўп* مُرَّاقٌ, مَرَقَةٌ 1. (*шунингдек*: ~ عَنِ الدِّينِ) тўғри йўлдан четга чиқувчи, тўғри йўлдан адашувчи; диндан қайтувчи, 2. 1) динсиз, радди мардум, радди маърака, якка мохов; 2) хоин, муртад

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَارِقَةٌ *кўп. тар.* хорижийлар

– مَرَقٌ 1) гўштли, қайнатилган шўрва, бульон; 2) қайла, соус

– مِرِقٌّ юмшоқ; нозик, эркa, нозиктабиат

– مَرَقَةٌ 1) қайла, соус; 2) гўштли қайнатилган шўрва, бульон

– مُرُوقٌ четга чиқиш, диндан четга чиқиш; диндан қайтиш; динсизлик, куфр

مُرْقُصٌ, مُرْقُسٌ *ат. от. мз.* Марк; اَلْكَرَازَةُ الْـــيَّةُ қибт патриархининг патриархияси (*унга қарашли ер-мулк, диний жамоалар*)

تَمَرْقَعَ, مَرْقَعَ 1) нозиклик, эркалик, нозиктабиатлилик қилмоқ; 2) нозик, эркa, нозиктабиат бўлмоқ; назокатли бўлмоқ, аёллик назокати эгаси бўлмоқ

– مَرْقَعَانٌ нодонтабиат, нодонсифат, нодонроқ, ақлсизроқ, жиннибашара

– مَرْقَعَةٌ 1) назокат, эркалик, нозиктабиатлилик; 2) аёллар назокати эгаси бўлиш

مَرْكَزَ марказлаштирмоқ; марказга қўймоқ (жойламоқ); бир ерга тўпламоқ; تَمَرْكَزَ марказлашмоқ, марказга қўйилмоқ, жойлашмоқ, ерга тўпланмоқ

– تَمَرْكُزٌ марказлашиш; бир ерга тўпланиш

– مَرْكِيزٌ маркиз

تَمَرْكَسَ марксист (марксчи) бўлмоқ

مَرْكُشِيٌّ 1. Марокашга оид; 2. марокашлик

مَرْمَتُونٌ *кўп.* اتٌ ـــ ошпаз бола, ошпазнинг шогирди

مَرْمَرَ 1. 1) аччиқланмоқ, хафа бўлмоқ; 2) аччиқ бўлмоқ; 3) заҳарламоқ (*мас. ҳаётни*); تَمَرْمَرَ 1) тўлқинсимон бўлиб кўтарилмоқ, жилмоқ, кўчмоқ (*қум ҳақида*); 2. нолимоқ, зўрланмоқ, ҳасрат (шикоят) қилмоқ

– مَرْمَرٌ 1) алебастр; 2) мармар

– مَرْمَرِيٌّ мармарга оид, ~ تِمْثَالٌ мармар ҳайкал

مَرْمَطَ ифлос қилмоқ, чапламоқ, кир қилмоқ, булғамоқ

– مَرْمَطَةٌ ифлос қилиш, чаплаш, кир қилиш, булғаш

– مُمَرْمَطٌ ифлос, кир бўлган, булғанган; ـــةٌ ~ بَذْلَةٌ кир костюм

مَرْمَتُونٌ = مَرْمَطُونٌ

مَرْمُوطٌ *зоол.* суғур (*ҳайвон*)

مَرْمَغَ ағнатмоқ, судрамоқ (*чангда, тупроқда*); *кўч м.* тупроққа белаб ташламоқ, оёқ ости қилмоқ

مَرْمَلَادٌ мармелад (*ширинлик*)

مَرْمِيسٌ каркидон

I **مَرَنَ** (*у*) مَرَانَةٌ, مُرُونَةٌ 1) эгилиб, букилувчан (эластик) бўлмоқ; 2) (*н. гадир*) ўрганиб колмоқ (عَلَى); 3) учиб ўтмоқ; ўтиб кетмоқ, ёнгинадан чопиб ўтмоқ; II مَرَّنَ 1) ўқитмоқ, (*н. гадир*) ўргатмоқ (عَلَى); 2) машқ қилдирмоқ; 3) эгилувчан қилмоқ; V تَمَرَّنَ 1) амалиёт (практика) ўтказмоқ, стажировкадан ўтмоқ; 2) (*н. гадир*) ўрганиб колмоқ (عَلَى); 3) машқ қилмоқ, гимнастика қилмоқ

– تَمَرُّنٌ 1) амалиёт; практика, стажировка; 2) ўқиш, ўрганиш

– تَمْرِينٌ *кўп.* اتٌ, تَمَارِينُ ـــ 1) амалиёт, практика; ~ تَحْتَ الـــ амалиётда ўрганаётган, стажёр; 2) машқ; تَمْرِينَاتٌ رِيَاضِيَّةٌ гимнастика машқлари

– مَارِنٌ бурунниng юмшоқ қисми

– مُتَمَرِّنٌ 1) амалиёт ўтказаётган; 2. амалиётчи, практикант

– مِرَانٌ амалиёт, практика

– مَرَانَةٌ 1) амалиёт, практика; 2 эгилиб-букилувчанлик, эластиклик

– مُرَّانَةٌ *кўп.* مُرَّانٌ найза

– مَرِنٌ юмшоқ, эгилиб-букилувчи, эластик; ~ صَمْغٌ каучук

– مُرُونَةٌ юмшоқлик, эгилиб-букилувчанлик, эластиклик; 2) *ҳарб.* маневр қила олишлик

– مُمَرَّنٌ 1) ўрганган, тажрибали; 2) машқ қилган, машқдан ўтган, машқини олган

– مُمَرِّنٌ тренер, инструктор, машқ қилдирувчи, ўргатувчи

مَرْوٌ *жам.* 1) *ге ол.* кремень (*чақмоқтош*), кварц; 2) *бот.* Миср майорани (*қар* مَرْدَقُوشٌ)

– مَرْوَةٌ кремень, парчаси, кварц парчаси

مَرْوَءَةٌ, مُرُوَّةٌ *қар* مرأ

مَرْوِيٌّ, مَرْوَزِيٌّ Марв шаҳрида яшовчи киши, марвлик

I **مَرَى** (*и*) مَرْيٌ тан олмаслик, танимаслик; баҳслашмоқ, курашмоқ, талашмоқ; حَقَّهُ ~ кимнингдир ҳуқуқини тан олмаслик; III مَارَى 1) (*н. гадир*) шубҳа билан қарамоқ (ب); 2) баҳслашмоқ, курашмоқ, талашмоқ; 3) баҳслашмоқ, жанжаллашмоқ; VI تَمَارَى ўзаро баҳслашишмоқ; VIII اِمْتَرَى 1) (*н. дандир*) шубҳаланмоқ (فِي). 2) чиқариб олмоқ. 3) соғиб олмоқ

– اِمْتِرَاءٌ (*бирор н. га*) шубҳаланиб, шубҳа билан қараш (فِي)

– اِمْتِرَاءٌ = تِمَارٍ

– مِرَاءٌ шак, шубҳа, فِيهَا ~ حَقِيقَةٌ لَا шак-шубҳасиз ҳақиқат, لَا جِدَالَ فِيهِ وَ لَا ~ فِي أَنَّ ... шу нарсага шак-шубҳа йўқки, ... бу мутлақо шак-шубҳасиздир; لَا شَكَّ وَ لَا ~ فِي ذَلِكَ ما бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ

– مِرْيَةٌ = مِرَاءٌ

– مُمَارَةٌ 1) шак, шубҳа; 2) тан олмаслик, баҳслашиш, талашиш

مَرْيَمُ *ат. от. мн.* Марям, اَلْعَذْرَاءُ ~ Бокира Марям. Бокира Мария; اَلْمَجْدَلِيَّةُ ~ Мария Магдолина; ◊ ~ بُخُورٌ *бот.* циклямен (*Алп бинафшаси*)

مَرْيَمِيَّةٌ *бот.* шалфей. доривор маврак, мармарак

www.ziyouz.com kutubxonasi

مَرِينُو, مَرِينُوس *зоол.* меринос (*майин жунли қўй, унинг жуни ва ундан тўқилган мато*); ~ أَغْنَامُ الـــ меринос қўйлар

I (مزّ) **مَزَّ**[1] (*u/a*) مُزُوزَةٌ, مَزَازَةٌ 1) нордон (нордонсифат, нордон-ширин) бўлмоқ; 2) мазасиз бўлмоқ, таъмсиз (бемаза) бўлмоқ; **مَزَّ**[2] (*a\y*) مَزٌّ эммоқ, сўрмоқ; ҳўплаб ичмоқ

– مَزٌّ, مُزٌّ нордонсифат, нордон-ширин

– مَزَّةٌ *кўп.* ـَاتٌ — нордон, шўртак, тузланган, газак (*мас, пивога*)

I **مَزَجَ** (*u*) مَزْجٌ аралаштирмоқ, аралаштириб юбормоқ, (*н. нидир н. биландир*) бирлаштирмоқ; III مَازَجَ 1) аралаштирмоқ, аралаш-қуралаш қилмоқ; аралаштириб қўймоқ; ~ النَّهَارَ بِاللَّيْلِ *маж* кечаси-ю кундузи ишламоқ, меҳнат қилмоқ; тиним билмаслик; 2) қурамоқ, бир-бирига мосламоқ (*рангларни*); 3) (*одамлар билан*) муомала-муносабатда бўлмоқ; 4) банд қилиб турмоқ, кўнгил олиб турмоқ; VI تَمَازَجَ 1) аралашиб кетмоқ, ўзаро аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ; 2) ўзаро мос келмоқ (*мас, кийимларнинг ранги ҳақида*); VIII اِمْتَزَجَ (*н. биландир*) аралашиб кетмоқ, бирлашиб қўшилиб кетмоқ (ب); X اِسْتَمْزَجَ суриштириб билмоқ, аниқлаб билиб олмоқ, суриштирмоқ; ~ رَأْيَهُ кимнингдир раъйини (фикрини) суриштирмоқ, кимнингдир юрагига қўл солиб кўрмоқ

– اِمْتِزَاجٌ аралашиш, бирлашиш, аралашма

– تَمَازُجٌ 1) аралашиб кетиш, бирлашиб, қўшилиб кетиш; 2) ўзаро мос келиш (*мас, кийим ҳақида*)

– مِزَاجٌ *кўп.* أَمْزِجَةٌ 1) мижоз, темперамент, хулқ, атвор, табиат; ~ دَمَوِيٌّ сангвиник мижоз; ~ سَوْدَاوِيٌّ меланхолик мижоз; ~ صَفْرَاوِيٌّ холерик мижоз; ~ لِمْفَاوِيٌّ *ёки* ~ بَلْغَمِيٌّ флегматик мижоз; ~ حِدَّةُ الـــ жаҳлдорлик, 2) кайфият, ҳолат, руҳий ҳолат; ~ مُعَكِّرُ الـــ кайфияти йўқ (ёмон, бузуқ); ~ مُنْحَرِفُ الـــ ёмон кайфиятда; ўзининг касал эканини сезаётган; ~ عَصَبِيُّ الـــ асабий, асабга оид, 3) тан тузилиши, конституция; 4) мижоз; ~ الْبَدَنِ организм мижози

– مِزَاجِيٌّ рўмол, аёллар бошга ўрайдиган рўмол

– مَزْجٌ силжиш, жилиш, жойдан қўзғалиш; ~ وَ الْخَلْطُ حِسَابُ الـــ *мат* силжитиш қоидалари

– مَزْجِيٌّ силжишга оид; қўшилган, қўшилиб кетган, ~ التَّرْكِيبُ الـــ *ёки* ~ الْمُرَكَّبُ الـــ *грам.* икки сўзнинг бир маъно берадиган бўлиб қўшилиши, қўшма сўз (*мас,* أَلِفْبَاءٌ *алифбо*)

– مَزِيجٌ 1) силжиган, жилган; 2. 1) таркиб; 2) аралашма; 3) аралаштириб эритилган

I **مَزَحَ** (*a*) مَزْحٌ ҳазиллашмоқ, ҳазил-мазах қилмоқ; III مَازَحَ (*к. биландир*) ҳазиллашмоқ, ҳазиллашишмоқ; أَنَا لَا أُمَازِحُكَ! мен ҳазиллашаётганим йўқ!; VI تَمَازَحَ ҳазиллашмоқ. ўзаро ҳазил қилишмоқ, ҳазиллашишмоқ

– مَازِحٌ 1. ҳазил-мазах қилувчи; ҳазилга оид; 2. ҳазилкаш

– مَزَّاحٌ катта (уста) ҳазилкаш, аскиячи, чечан

– مُزَاحَةٌ, مَزَاحٌ ҳазил, мазах

– مَزْحَةٌ ҳазил (мазахли) сўз

~ الـــ: مَزْدَكِيَّةٌ маздакийлик, маздакизм

I **مَزَرَ** (*y*) مَزْرٌ (мазасини, таъмини билиш учун) ичиб кўрмоқ

– مَازُورٌ *зоол.* кўктўрғоқ (*қуш*)

– مِزْرٌ мизр (*пиво нави*)

– مُزَيْرَةٌ аёл қиёфасидаги жин, ажина (*сол.* عِفْرِيتَةٌ)

I **مَزَعَ** (*a*) مَزْعٌ 1) тез юрмоқ, ҳаракат қилмоқ; 2) узмоқ, йиртмоқ, йиртиб, майдалаб ташламоқ; 3) ёлғон гапирмоқ, мақтамоқ; II مَزَّعَ 1) майдалаб йиртиб ташламоқ, парчалаб ташламоқ; 2) титмоқ (*мас. пахтани, жунни*); V تَمَزَّعَ йиртилмоқ, майдаланмоқ

– مَزْعٌ ёлғончилик, мақтанчоқлик

– مُزَعٌ *кўп.* مِزْعَةٌ, مُزْعَةٌ бурда, парча

I **مَزَقَ** (*u*) مَزْقٌ йиртмоқ, йиртиб ташламоқ; II مَزَّقَ йиртиб ташламоқ, парчаламоқ, парчалаб ташламоқ, бурдалаб ташламоқ; ~ عِرْضَهُمْ таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ; ~ شَرَّ مُمَزَّقٍ бурдалаб ташламоқ; бутунлай йўқ қилмоқ, тор-мор келтирмоқ (*қўшинни*); ~ إِرْبًا إِرْبًا парча-бурон қилмоқ; ~ شَمْلَهُمْ тарқатиб юбормоқ, қувиб юбормоқ; ~ الْقِنَاعَ عَنْ وَجْهِهِ (*к. нингдир*) ниқобини йиртиб ташламоқ; V تَمَزَّقَ парча-парча қилиб ташланмоқ; йиртиб ташланмоқ; ~ حِقْدًا وَ قَلَقًا (*н. дандир*) қаттиқ ғазаб ва ҳаяжонга тушмоқ (مِنْ)

– تَمَزُّقٌ йиртилганлик, парча-парча бўлганлик; узилиш, чўзилиш; ~ الْعَضَلِيُّ الـــ пайларнинг чўзилиши

– تَمْزِيقٌ узилиш, узилиб кетиш, ~ الْعَضَلِيُّ الـــ пайларнинг чўзилиши

– مَزْقٌ 1) узилиш, йиртилиш; 2) тешик, йиртиқ

– مِزْقَةٌ *кўп* مِزَقٌ парча; مُشَتَّتَةٌ مِزَقٌ сочилиб кетган, сочиб юборилган парчалар

– مُمَزَّقٌ 1. парчалаб ташланган; йиртиб ташланган; 2. узилиш, йиртилиш

– مِزْلَفَانٌ *кўп* ـَاتٌ — 1) тўғон, тўсиқ, дамба; 2) қиялик, яндама, енбағир; 3) темир йўлни кесиб ўтган йўл, темир йўлдан ўтиш жойи

مَزْمَزَ 1) кичик-кичик ҳўплаб ичмоқ; 2) қимирлатмоқ, лиқиллатмоқ

– مَزْمَزَةٌ 1) кичик-кичик ҳўплаб ичиш; 2) қимирлатиш, лиқиллатиш

مُزْنٌ *жам.* ёмғирли булутлар; ◊ ~ حَبُّ الـــ дўл

– مُزْنَةٌ *кўп* مُزَنٌ 1) ёмғирли булут; 2) ёмғир; жала, қаттиқ ёмғир

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَزِيَّةٌ = ـــَ اتٌ *кўп.* مَازِنَةٌ

– مَزِيَّةٌ *кўп.* مَزَايَا 1) ортиқлик, имтиёз, фавқулодда ҳуқуқ; 2) хусусият, хос хусусият; 3) фазилат, кўрсатилган хизмат; ◊ الـــ~ *халқ.* елимшак

I **مَسَّ** (*и, а*) مَسٌّ 1) тегмоқ, тегиб кетмоқ, суртинмоқ; 2) тушмоқ (*бало-офат., ёмон кун ҳақида*); ~ـــهُ سُوءٌ унинг бошига ёмон кун тушди; 3) (*бирор н га*) тегиб кетмоқ, тегиб ўтмоқ (ب); (*бирор н ни*) тилга олмоқ, зикр килмоқ (ب); بِالْحُرِّيَّاتِ ~ ҳурлик (эрк) ка дахл қилмоқ; 4) (*н. дир қилиб*) таҳқирламоқ, иззат-нафсига тегмоқ; 5) қатъий талаб килмоқ; (*н. гадир*) мажбур қилмоқ (*шароит ҳақида*); ◊ الْمَرْأَةَ ~ аёлни жимо қилмоқ, аёл билан жинсий алоқа қилмоқ; بِسُوءٍ (بِأَذًى) кимгадир дилозорлик, ёмонлик қилмоқ; III مَاسَّ тегишиб кетмоқ, ўзаро тегишиб кетмоқ; VI تَمَاسَّ ўзаро тегишиб турмоқ, алоқа (контакт) да бўлмоқ

– أَمَسُّ энг кечиктириб бўлмайдиган; (*н. гадир*) ортиқ даражада зарурат сезувчи (إِلَى); ... الْحَاجَةِ إِلَى ~ فِي هُوَ у ...га жуда-жуда ҳожатманд, унга ... жуда ҳам зарур

– تَمَاسٌّ 1) тегиб кетиш; 2) ўзаро тегиб туриш, алоқа (контакт)

– مَاسٌّ 1) тегиб турувчи, алоқадаги; كَهْرَبَائِيٌّ ~ *эл.* қисқа туташув; بَيْنَهُمَا رَحِمٌ ~ـــةٌ у иккиси жуда яқин қариндошдир; 2) кечиктириб бўлмайдиган, қатъиятли; ~ـــةٌ حَاجَةٌ ўта зарурат, катта эҳтиёж

– مَسٌّ 1) тегиб туриш, тегиш; كَهْرَبَائِيٌّ ~ *эл.* қисқа туташув; 2) ақлдан озиш, телбалик, жиннилик

– مَسَّاسٌ қўлида учи найзали калтак тутган пода ҳайдовчи

– مِسَاسٌ 1) тегиб туриш, тегиш; 2) ҳожат, зарурат, عِنْدَ الْحَاجَةِ ~ ҳожат (зарурат) бўлиб қолганда

– مَسَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ (*бир марта*) тегиб кетиш

– مَسِيسٌ тегиш, тегиб туриш

– مَمْسُوسٌ ақлдан озган, тентак

– مِسْتَرٌ мистер, жаноб

– مُسْتَرْدَةٌ *халқ.* хантал, горчица

– مَسْتَكَةٌ 1) мастика (*мумсимон модда*); 2) мастика эритмаси; 3) *бот* мастика дарахти (*мумсимон бўёқ, замазка кабилар тайёрланадиган модда берувчи дарахт*)

– مَسْتَلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ ёғочдан ясалган тик бочкасимон идиш

I **مَسَحَ** (*а*) مَسْحٌ 1) (*н. биландир*) бўямоқ, суртамоқ, ёғламоқ (ب); ~ جِرَاحَ الْحَرْبِ *маж.* уруш яраларини даволамоқ; 2) *черк.* ёғ суртиш маросимини ўтказмоқ (*одатда пешонага бут шаклида зайтун ёғи суртилади*); الْمَرِيضَ بِالْمَسْحَةِ ~ *черк.* ўлаётган ёки оғир касал етган одам баданини зайтун ёғи билан мойламоқ; 3) тозаламоқ, мойламоқ (*этикни*), أَحْذِيَتَهُ ~ *кўч.м.* кимнингдир олдида ялоқилик қилмоқ, хушомад, лаганбардорлик, тилёғламалик қилмоқ; 4) (*қўлда*) артмоқ (*мас. кўз ёшини*); نَظَّارَتَهُ ~ кўзойнакни артмоқ; 5) (*н. дандир*) ювиб ташламоқ, артиб ташламоқ (عَنْ); тахтани рандаламоқ; ~ فُلَانٌ رَقْمَ الْعَالَمِ بِالسَّيْفِ қилич солмоқ, қиличдан ўтказмоқ; ◊ فِي النَّرْدِ بِالْيَدَيْنِ фалончи икки қўлда силтаб кўтаришда (*янги*) жаҳон рекорди ўрнатди; الدَّرْبُكَةَ ~ тамбурин (*ноғорага ўхшаш музика асбоби*) чалмоқ; لِحْيَتَهُ ~ соқолни силамоқ, текисламоқ; الْأَرْضَ ~ а) ерни ўлчамоқ, топографик жадвал (съёмка) қилмоқ; б) *шунингдек:* الْبَلَاطَ ~ пол ювмоқ; بِزَوْجِهَا الْبَلَاطَ ~ـــتْ *маж.* ўз эрига зулм қилмоқ, ўз эрини хўрламоқ, оёқости қилмоқ; رَأْسَهُ ~ бошни силамоқ, кўнгилга қарамоқ, айтганини килмоқ, эркалатиб юбормоқ; النِّيلَ ~ (*чўкиб кетганларни топиш мақсадида*) Нилни кавлаштирмоқ; كُلُّ شِبْرٍ فِي مَكَانِ الْحَادِثِ ~ воқеа-ҳодиса юз берган жойнинг ҳар қаричини (*қаттиқ синчиклаб*) текшириб чиқмоқ; II مَسَّحَ яхшилаб артмоқ, тозаламоқ; V تَمَسَّحَ 1) (*н. биландир*) артинмоқ (ب); 2) (*н. гадир, мас, мушукка*) сурканмоқ (ب); ◊ لِلصَّلَاةِ ~ таҳорат олмоқ; (بِالرَّمْلِ) بِالْأَرْضِ ~ тупроқ (*қум*) билан таяммум қилмоқ; بِالْمَاءِ ~ ювинмоқ; بِأَذْيَالِهِ ~ *ёки* ~ بِالْأَعْتَابِ وَ الْأَقْدَامِ (*бирор к. олдида*) эмакламоқ, хушомад қилмоқ; VIII امْتَسَحَ 1) артилган, тозаланган бўлмоқ; 2) чиқармоқ, чиқариб олмоқ, ажратиб олмоқ

– أَمْسَحُ *мн.* مَسْحَاءُ *кўп.* مُسْحٌ силлиқ, текис, япасқи; لَوْحَةٌ مَسْحَاءُ tabula rasa-текис (силлиқ) тахта (*эмиш: инсон янги туғилганда, текис, силлиқ тахта каби бўлар, кейинчалик у ифлосланар, яъни гуноҳкор бўлар экан*)

– تِمْسَاحٌ *кўп.* تَمَاسِيحُ тимсоҳ; أَمِيرِكَا ~ аллигатор (*йирткич тимсоҳ*); ◊ دُمُوعُ التَّمَاسِيحِ ёлғон йиғи

– مَاسِحٌ 1. 1) ёғловчи, ёғлаб турувчи; 2) тозаловчи, артувчи; ~ الْأَحْذِيَةِ *маж.* лаганбардор, хушомадгўй; 2. мойловчи; пойабзал мойловчи

– مَسَّاحَةٌ *кўп* اتٌ ـــ ўчирғич, резинка

– مِسَاحَةٌ 1) топографик жадвал (съёмка); تَثْلِيثِيَّةٌ ~ тригонометрик съёмка; مَصْلَحَةُ الْـــ~ топографик бошқарма; عِلْمُ الْـــ~ топография; 2) *кўп* اتٌ ـــ кенглик, майдон, ҳудуд, масофа; 3) *шунингдек:* الْخَشَبِ ~ қиринди, пайраҳа

– مَسْحٌ 1) ёғлаш; 2) *черк.* ёғ суртиш маросими (*қар.* مَسَحَ 2); 3) кир ювиш, тозалаш, артиш; 4) *кўп.* مُسُوحٌ ўлчаш; топографик жадвал (съёмка); الْـــ~ الْجِيُولُوجِيُّ геологик жадвал (*съёмка*)

– أَمْسَاحٌ, مُسُوحٌ *кўп.* مِسْحٌ 1) дағал мато, дағал каноп мато, 2) роҳиб (монах)лар кийими

– مَسْحَةٌ 1. 1) рангдаги нозик фарқ, асар, из, аломат, عَلَيْهَا ~ مِنَ الْجَمَالِ у (*аёл*) деярли гўзалдир; 2) мўйқалам билан берилган бўёқ; 3) *черк.* мой суртиш маросими; 2) оз-моз

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مَسِيحٌ 1) бўялган, суртилган; 2) *черк.* мой суртиш маросимидан ўтган; ~ الْـ Масиҳ; ~ عِيسَى الْـ Исо Масиҳ алайҳиссалом; قَبْلَ الْـ ~ милоддан аввал; بَعْدَ الْـ ~ милоддан кейин; الْـ ~ الدَّجَّالُ дажжол, иблис; 3) сийқа (*танга, чақа ҳақида*)

– مَسِيحِيٌّ 1. масиҳий, христианликка оид; الدِّينُ الْـ ~ масиҳийлик, христианлик; 2. христиан динидаги киши

– مَسِيحِيَّةٌ: الْـ ~ масиҳийлик, христианлик

– مِمْسَحَةٌ, مِمْسَحٌ *кўп.* مَمَاسِحُ 1) полювғич (*ёғочдан қилинган асбоб*), швабра; 2) латта; ~ الْأَرْجُلِ дағал пойандоз, оёқартқич

– مَمْسُوحٌ 1) бўялган, ёғланган; 2) сийқа (*танга, чақа ҳақида*); ўчиб кетган; ~ مِنَ الْمَعْنَى бемаъни, маъносиз; 3) силлиқ, рандаланган (*тахта ҳақида*)

I (مسخ) **مَسَخَ** (*а*) مَسْخٌ 1) таниб бўлмайдиган қилмоқ, бузмоқ, бузиб кўрсатмоқ, қоронғи (туманли) қилмоқ (*маъно, фикр ҳақида*); ~ الطَّعَامَ овқатни бемаза тайёрламоқ; 2) *фольк.* ўзгартирмоқ, айлантирмоқ (*қандайдир бир ҳайвонга*); ~ اللهُ قِرْدًا ~ـهُ Оллоҳ уни маймунга айлантирсин!; مُسِخَ *мажҳ.* мазасиз, бемаза қилиб тайёрланмоқ (*овқат ҳақида*); مَسُخَ (*у*) مَسَاخَةٌ мазасиз, бемаза бўлмоқ (*овқат ҳақида*); VII اِنْمَسَخَ 1) таниб бўлмайдиган, бузилган бўлмоқ; қоронғи, туманли бўлмоқ (*маъно, фикр ҳақида*); 2) ўзгармоқ, айланмоқ (*мас., қандайдир бирон ҳайвонга*)

– أَمْسَخُ жуда бемаза; ~ مِنَ الطِّيخِ الشَّايِطِ *қар* شيط

– مَاسِخٌ[1] *кўп* مُسَّاخٌ 1. бузадиган; 2. бузувчи

– مَاسِخٌ[2] мазасиз, бемаза

– مَسَاخَةٌ дидсизлик

– مَسْخٌ 1) бузиш; майиб қилиш; 2) ўзгариш, айланиш, бошқа шаклга кириш, метаморфоза; 3) *дин.* жон (руҳ) ларнинг кўчиши

– مَسْخٌ *кўп* مُسُوخٌ фольк. 1. (*бирор ҳайвонга*) айланган; 2. 1) майиб, бадбашара; 2) тусини ўзгартирувчи, иккиюзламачи, мунофиқ

– مُسْخَةٌ масхара, масхарабоз

– مَسِيخٌ 1) бузилган, ўзгартирилган; الْفَرَنْسَوِيَّةُ الْـ ~ـةُ бузилган француз тили

– مَمْسُوخٌ 1) бузилган, бузиб кўрсатилган; майиб (мажруҳ) қилинган; 2) бадбашара; 3) ориқ (*от ҳақида*)

مَسْخَرَ (*к. нидир, н. нидир.*) масхара қилмоқ, устидан кулмоқ, تَمَسْخَرَ (*к. нингдир*) устидан кулиб, масхара қилмоқ (عَلَى)

– مَسْخَرَةٌ *кўп* مَسَاخِرُ 1) масхара қилинаётган нарса, устидан кулиш; 2) масхарабозлик; 3) маскарад

I (مسد) **مَسَدَ** (*у*) مَسْدٌ эшмоқ, ўрмоқ, الْحَبْلَ ~ арқон эшмоқ, II مَسَّدَ ишқамоқ, ишқаламоқ, силамоқ (*массаж қилмоқ*); ◊ الشَّعْرَ ~ сочларни силамоқ, текисламоқ; V تَمَسَّدَ ишқаланмоқ, массаж қилинмоқ

– تَمْسِيدٌ массаж, силаш, ишқалаш

– مَسَدٌ кўп أَمْسَادٌ 1) ювинғич (мочалка); 2) хурмо толаси, арғамчи, арқон (*хурмо толасидан ясалгани*); 3) туянинг жунидан тўқилган арқон; ~ شَدَّهُ إِلَى ... بِحِبَالٍ مِنْ ...га арқон билан қаттиқ боғлаб қўймоқ

مَسْرَى мисро (*қибт тақвимининг 12-ойи*)

I **مَسَطَ** (*у*) مَسْطٌ бармоқлар билан эзиб чиқармоқ (*мас., мева ширасини, сувини*); сиқмоқ (*ювилган кийим-кечакни*)

қар. مَسْطَرِينٌ سطر

I **مَسَكَ** (*и*) مَسْكٌ 1) (*н. нидир*) олмоқ, ушлаб турмоқ (ب); 2) тутиб олмоқ, тутмоқ; 3) *мажҳ.* тутилган бўлмоқ; 4) (*бирор н. ни*) тутиб, уни ушлаб турмоқ (*мас., йиқилиб кетмаслиги учун* –ب); 5) *мед* қабзият келтириб чиқармоқ; ◊ الْحِسَابَ ~ ҳисоб юритмоқ; ~ـتِ النَّارُ بِالْبَيْتِ олов уйни ўраб олди, уй олов ичида қолди; لِسَانَهُ ~ жим турмоқ, тилни тиймоқ; يَدَهُ ~ қизғончилик қилмоқ, қурумсоқлик қилмоқ; II مَسَّكَ 1) бермоқ ёки ушлаб (тутиб) туришга мажбур қилмоқ; 2) мушк сепмоқ; IV أَمْسَكَ 1) олмоқ, ушлаб (тутиб) турмоқ; ушлаб (тутиб, илиб, чангаллаб) олмоқ; (*н. нидир*) суяб, кўтариб турмоқ (*туш. к. ёки* ب); زِمَامَ ~ *маж* ўзини тутиб олмоқ, ўзини қўлга олмоқ; بِهِ الرَّمَقَ ~ *ёки* بِهِ نَفْسَهُ ~ бирор нарса ёрдамида ҳаётини сақлаб қолмоқ; عَلَيْهِ الْأَوَدَ ~ кимнидир (*моддий томондан*) қувватламоқ; 2) (*н. нидир*) тутиб турмоқ, (*н. нидир*) қайтармаслик, қайтариб бермаслик; 3) (*н. дандир*) ўзини тиймоқ, воз кечмоқ (عَنْ); 4) (*н. нидир*) тўхтатмоқ, бас қилмоқ (عَنْ); عَنِ الْكَلَامِ ~ гапирмаслик, жим турмоқ; عَنِ الْبُكَاءِ ~ йиғлашдан тўхтамоқ; عَنِ التَّصْوِيتِ ~ овоз беришдан ўзини тўхтатмоқ, овоз бермаслик; ◊ الدَّفَاتِرَ ~ ҳисобчилик дафтарини юритмоқ, бухгалтерия ҳисобини юритмоқ; ~ـهُ فِي سِينٍ وَ جِيمٍ кимнидир сўроқ қилмоқ; V تَمَسَّكَ 1) (*н. гадир*) амал қилмоқ, суянмоқ; (*н. гадир*) тарафдор бўлмоқ (ب); (*н. гадир*) эргашмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) қаттиқ тутмоқ (ب); (*н. гадир*) епишиб олмоқ (ب); (*н. нидир*) қатъий талаб қилмоқ (ب) VI تَمَاسَكَ бир-бирига суянмоқ; бирлашган, жипслашган бўлмоқ, ўзаро боғлиқ бўлмоқ; 2) ўзини тутмоқ, ўзини тутиб тура олмоқ; ◊ مَا ~ عَنْ أَنْ ... ни қилмасликдан ўзини тутиб тура олмади, VII اِنْمَسَكَ 1) (*к. нингдир*) қўлларида бўлмоқ; 2) тутилган, қўлга туширилган бўлмоқ; X اِسْتَمْسَكَ 1) (*к. гадир, н. гадир*) таянмоқ, қаттиқ амал қилмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) ушлаб турмоқ, сақлаб турмоқ (ب); 3) (*н. дандир*) ўзини тутмоқ, тийиб турмоқ (عَنْ, مِنْ); ◊ اسْتَمْسَكَ بَوْلُهُ унинг сийдиги тутилиб қолган

– إِمْسَاكٌ 1) қизғончиқлик; 2) иқтисод; рад этиш, тийилиш; 3) *дин* рамазон ойида рўзанинг бошланиши; 4) *мед.* қабзият; ~ الْـ الْمُزْمِنُ сурункали қабзият; ◊ الدَّفَاتِرِ ~ ҳисоб-китоб дафтари юритиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– إِمْسَاكِيَّةٌ (*рамазон ойида қачон оғиз ёпиш, қачон оғиз очиш соатлари кунма-кун кўрсатиб қўйилган*) календарь, тақвим

– تَمَاسُكٌ 1) бирлашганлик, боғлиқлик, жипслашув; уланганлик, уланиш; ~ الـ قُوَّةُ уланиш қуввати, кучи; 2) бутунлик, компактлилик; 3) йиғинчоқлик, ўзини тута билиш; руҳий мувозанат

– تَمَسُّكٌ 1) тарафдорлик, издошлик; 2) доимийлик (*баҳо, нарх ҳақида*)

– مَاسِكٌ 1. 1) ушлаб турган; тутиб олган, тутиб олаётган; 2) қаттиқ; 2. (*бирор н. га*) эга, қўлида тутиб турувчи; ◊ يَدُهُ ~ـةٌ у қизғончиқроқ; ~ الدَّفَاتِرِ ҳисобчи, бухгалтер

– مُتَمَاسِكٌ 1) бирлашган, жипслашган; 2) (*қаттиқ*) жипслашган; ~ـةٌ بَيَادِقُ *шахм.* маташган пиёдалар; 3) ихчам, ўзини тутиб олган

– مَسَاكٌ *кўп.* اتٌ ـ тўғон, дамба

– مِسَاكٌ 1) бирикиш, жипслашиш кучи; 2) қисқич, бириктиргич

– مَسَاكَةٌ 1) қизғончиқлик; зиқна, хасис; 2) ҳеч нарсани (*мас., нурни, товушни*) ўтказмаслик

– مَسَّاكَةٌ *кўп.* اتٌ ـ қисқич (скрепка)

– مَسْكٌ 1) тутиш, қўлга тушириш, қўлга олиш; 2) юритиш (*ҳисоб-китобни*); ~ الدَّفَاتِرِ التِّجَارِيَّةِ бухгалтерия, ҳисоб-китоб; ~ الْحِسَابَاتِ ҳисоб-китоб юритиш, ҳисобчилик

– مُسُكٌ қизғанчиқроқ, зиқнароқ, хасисроқ

– مِسْكٌ мушк; – رُومِيٌّ ~ *бот.* тубероза, табаргул (*хушбўй оқ гулли ўсимлик*); ~ الـ غَزَالُ *зоол.* Хитой (Чин) кийиги (*одатда унинг киндиги ёнидан мушк олинади*); ~ الـ فَأْرَةُ ондатра; ~ الـ قُنْدُسُ ёки ~ الـ نَمْسُ қоракўзан

– مِسْكَانِيٌّ *бот.* мускат (*узум нави*)

– مَسَاكِينُ *кўп.* مِسْكَانٌ бай пули, бўнак, заколат

– مَسَكَةٌ *кўп* اتٌ ـ қоплама, покришка (*автомобиль ғилдирагида*)

– مَسْكَةٌ, مُسْكَةٌ *кўп.* مُسَكٌ 1) ручка, даста; ~ الرِّيشَةِ (пероли) ручка, 2) таянч, суянчиқ; 3) шиқ-шиқ қулф, лўкидон, зашёлка; ◊ لَيْسَ لَهُ وَ لَوْ ~ مِنَ الْعَقْلِ унинг бир томчи (зиғирча) ҳам ақли йўқ; 4) қолдиқ; 5) тош, гиря (*машқ қилиш учун ишлатиладиган 5кг гача*)

– مُسُكَةٌ 1) қизғанчиқ, мумсик, зиқна, хасис; 2) чаққон, тутсакесар, саботли

– مُسُكَةٌ = مَسَاكَةٌ

– مِسْكَةٌ[1] гўнг, тезак

– مِسْكَةٌ[2] *кўп.* مِسَكٌ мушк парчаси

– مِسْكِيٌّ мушкли, мушкка оид

– مِسْكِيَّةٌ мушк бўйи, ҳиди

– مَسِيكٌ 1) қаттиқ ушлаб турган, 2) қизғанчиқ, мумсик, зиқна, хасис; 3) сув ўтказмайдиган, нам тортмайдиган

– مُمْسِكٌ 1) ушлаб, тутиб турадиган; 2) ғоят тежамкор, тежабтерговчи; мумсик, хасис, қизғанчиқ, зиқна

– مُمَسَّكٌ мушк суртилган; мушк бўйи таратаётган; ~ صَابُونٌ атр совун

مَسْكَنَةٌ қашшоқлик, камбағаллик, гадолик

– مَسَاكِينُ *кўп* مِسْكِينٌ мискин, камбағал; бебахт, бечора

مَسْمَرَ михламоқ; تَمَسْمَرَ 1) михланган бўлмоқ; 2) *кўч.м.* михланиб қўйилмоқ; ◊ تَ~ الْبَدْلَةُ عَلَى جِسْمِهِ унга костюм қуйиб қўйгандай тушди

– مَسَامِيرُ *кўп.* مِسْمَارٌ *қар.* سمر

(مسى) II مَسَّى хайрли оқшом тиламоқ; مَسَّاكُمُ اللهُ بِالْخَيْرِ! оқшомингиз хайрли бўлсин!; III مَاسَى (*бирор н.* ни) кечқурун, оқшомда кутиб олмоқ; IV أَمْسَى 1) оқшом тушмоқ; 2) бўлмоқ, қилинмоқ; 3) кечқурун, оқшомда (*бирор жойда*) бўлмоқ

– أَمْسِيَّةٌ *кўп.* أَمَاسِيُّ, اتٌ ـ кечки пайт, оқшом

– مَسَاءٌ *кўп.* أَمْسَاءٌ, أَمْسِيَةٌ оқшом; ~ الـ «ал- Масо» (*Қоҳира газеталаридан бирининг номи*); ~ أَمْسِ кеча кечқурун, кеча оқшомда; ~ الْخَيْرِ! *ёки* مَسَاؤُكُمْ بِالْخَيْرِ! оқшомингиз хайрли бўлсин!; ~ صَبَاحُ *қар.* صَبَاحٌ

– مَسَائِيٌّ кечки, оқшомги; الصُّحُفُ الـ~ـةُ кечки газеталар; الْجَامِعَةُ الـ~ـةُ кечки университет

– نَاحٍ *мн.* نَاحِيَة *кўп.* نُحَاة, نَاحُون қутилиб қолган, қутқариб қолинган

– نَحَاء қутқарилиш, нажот топиш, халос бўлиш

– نَحَاة нажот, халос бўлиш, қутулиш; ~ حَبْلُ الـــ тортиб чиқариб қутқариб қоладиган арқон; ~ طَوْقُ الـــ чўкаётган одамни қутқариш учун ташланадиган чамбарак; 2) бутунлик, жой-жойидалик

– نَحْوٌ[1] *кўп.* نُحَاء нажас, нажосат, ахлат

– نَحْوٌ[2] тепалик жой, баланд жой

– نَحْوٌ[3] икки киши ўртасидаги махфий сир

– نَحْوَة *кўп.* نَحَاء тепа жой, тепалик, адир, пасттекислик; ~ إِنَّنَا فِي *маж.* бизларда бу нарса содир бўлолмайди; ~ هُوَ بِـــ مِنْ كُلِّ هٰذَا ... مِنْ ... *маж.* у ...дан омондадир; у ...дан четдадир

– نَحْوَى *кўп.* نَحَاوَى 1) махфий ибодат, муножот; 2) яширин суҳбат, махфий маслаҳат, махфий кенгаш; ўз-ўзича овоз чиқариб гаплашиш; 3) сир, махфий иш, махфий нарса

– نَحِيٌّ[1] *кўп.* أَنْحِيَاء энг яқин (сирдош) дўст; ишончли сирдош дўст (шахс)

– نَحِيٌّ[2] *кўп.* أَنْحِيَة сир, махфий иш, махфий нарса

I **نَحَبَ** (*а*) نَحْبٌ, نَحِيبٌ ҳўнграб йиғламоқ, ўпкаси тўлиб зор-зор йиғламоқ; VIII اِنْتَحَبَ йиғи-сиғи қилмоқ, йиғламоқ

– نَحْبٌ[1] ҳўнграб йиғлаш, тўлиб-тўлиб йиғлаш

– نَحْبٌ[2] 1) муддат, вақт; 2) назр-ниёз; 3) ўлим ~ قَضَى نَحْبَهُ а) ваъдасининг устидан чиқмоқ; б) ўлмоқ, вафот этмоқ

– نَحِيبٌ ҳўнграб йиғлаш, тўлиб-тўлиб йиғлаш

I **نَحَتَ** (*и, у*) نَحْتٌ 1) (*тош*) йўнмоқ, (*тошга*) ўйиб нақш солмоқ, ёзмоқ; ўйма нақшлар ясамоқ; ~ تِمْثَالاً ҳайкал ясамоқ; ~ كَلِمَةً *грам.* янги сўз ҳосил қилмоқ (яратмоқ); 2) (*маккажўхорини*) қайирмоқ; ◊ ~ بِلِسَانِهِ бирор кишини ёмонлаб гапирмоқ, ёмонламоқ, ачитиб ғийбат қилмоқ

– مِنْحَتٌ *кўп.* مَنَاحِتُ ҳайкалтарош қалами

– مَنْحُوتٌ йўнилган; ўйиб нақш солинган; *грам.* янги ҳосил қилинган, янги яратилган (*сўз*)

– مَنْحُوتَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ҳайкал

– نَحَّاتٌ 1) тош йўнувчи, 2) ҳайкалтарош

– نُحَاتَةٌ синиқ, парча, синиқ парчаси; кесик

– نَحَاتَةٌ ҳайкалтарошлик, ҳайкалтарошлик санъати

– نَحْتٌ ўйиш, йўниш, кесиш, ҳайкал ясаш; ~ الْكَلَامِ *грам.* сўзларнинг яратилиши, пайдо бўлиши, ясалиши

– نَحِيتٌ йўнилган; ўйиб нақш солинган; ўймакорлик қилиб ишланган

I **نَحَرَ** (*а*) نَحْرٌ (*ҳайвон*) сўймоқ; VI تَنَاحَرَ 1) бир-бирини сўйишмоқ; 2) курашмоқ, жанг қилмоқ; тўқнашмоқ, (*н. нидир деб*) ўзаро душманлик қилмоқ (عَلَى); VIII اِنْتَحَرَ 1) ўзини ўлдирмоқ, ўз жонига ўзи қасд қилмоқ; 2) хасталик (бахиллик) қилмоқ

– اِنْتِحَارٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўзини ўзи ўлдириш; ~ يَابَانِيٌّ харакири

– اِنْتِحَارِيٌّ ўзини ўзи ўлдиришга оид

– تَنَاحُرٌ кураш, тўқнашув; келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик; ~ الْأَحْزَاب фирқалар (партиялар) кураши; ~ عَلَى الْحَيَاة ҳаёт (яшаш) учун кураш

– مُنْتَحِرٌ ўзини ўзи ўлдирувчи, ўз жонига ўзи қасд қилувчи

– مَنْحَرٌ *кўп.* مَنَاحِرُ бўйин, томоқ (*ҳайвонларни бўғизлаганда пичоқ тортиладиган жой*)

– مَنْحُورٌ 1) сўйилган, пичоқ тортилган; 2) ғазабланган, аччиқланган, ғижинган, асабийлашган

– نَحْرٌ[1] сўйиш; ~ عِيدُ الـــ қурбон ҳайити (*зулҳижжа ойининг 10-куни*)

– نَحْرٌ[2] *кўп.* نُحُورٌ 1) бўйин, томоқ; кўкракнинг юқори қисми; 2) бошланиш; 3) *архит.* тахта буюмларда ранда воситаси билан ўйилган ариқчага ўхшаш чуқурлик; ◊ ~ه ارْتَدَّ هَذِهِ عَلَى бу нарса унинг ўзгинасига қайтди; ~ه رَدَّ كَيْدَهُ عَلَى кимнидир ўзининг қуроли билан урмоқ, у қилгандай иш билан жавоб қилмоқ

– نَحْرِيرٌ билимдон, зўр иқтидор соҳиби (*олимларга қўйиладиган лақаб*)

– نَحْرِيرٌ *кўп.* نَحَارِيرُ = نَحْرٌ

– نَحِيرٌ сўйилган

I **نَحَزَ** (*а*) نَحْزٌ кукунга айлантирмоқ, туймоқ, янчмоқ, туйиб майдаламоқ

– مِنْحَازٌ *кўп.* مَنَاحِيزُ кели (ўғир) дастаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نَحِيزَةٌ *кўп* نَحَائِزُ табиат, характер; ~ طَيِّبُ الـــ хушхулқ; ~ كَرِيمُ الـــ оқсуяк, аслзода

I (نحس) **نَحُسَ** (*у*) نَحَاسَةٌ *ёки* نَحِسَ (*а*) نَحَسٌ бахтсиз бўлмоқ, бадбахт бўлмоқ; نَحَسَ (*у*) نَحْسٌ бахтсизлик келтирмоқ, бало олиб келмоқ, офат келтирмоқ; II نَحَّسَ 1) мис билан қопламоқ; 2) қаттиқлашмоқ, қотмоқ

– أَنْحَسُ энг бахтсиз, энг бахти қора; إِنَّهُ ~ مَخْلُوقٌ عَلَى وَجْهِ الْأَرْضِ у ер юзидаги энг бахтсиз махлуқдир

– تَنْحِيسٌ мис билан қоплаш

– مَنَاحِسُ *кўп.* бадбахтлик, бахтсизлик олиб келадиган нарсалар

– مُنَحَّسٌ мис билан қопланган, устига мис юритилган

– مَنْحُوسٌ *кўп* مَنَاحِيسُ бахтсиз, бадбахт, الطَّالِعِ ~ бахти қора

– نَحَّامٌ мискар, мискор

– نُحَاسٌ 1) мис; الْأَصْفَرُ الـــ ~ сариқ мис, жез (*мис ва рух қоришмаси*); الْأَحْمَرُ الـــ ~ қизил мис; 2) табиат, характер; 3) алангаси йўқ тутун

– نَحَاسَةٌ мискорлик, мискорлик касби

– نُحَاسَةٌ 1) мис танга, мис чақа; 2) мисдан ишланган идиш

– نُحَاسِيٌّ 1) мисга оид; الْآلَاتُ الـــةُ *муз* мис чалғу асбоблари; 2) мис рангли

– نَحَّاسِيٌّ *кўп* نَحَاحِسَةٌ *тар* Наҳҳос пошо тарафдори, Наҳҳос пошонинг изидан борувчи

– نَحْسٌ[1] *кўп* نُحُوسٌ бахтсизлик, бадбахтлик, омадсизлик; عَجُوزُ ~ ёвуз кампир, ялмоғиз кампир

– نَحْسٌ[2], نَحِسٌ бахтсиз, бадбахт; омади юришмаган, омадсиз; ~ يَوْمٌ машъум кун

– نُحُوسَةٌ бахтсизлик, бадбахтлик, машъумлик

– نُحْصٌ тоғ этаги, тоғнинг ости

I **نَحُفَ** (*у*) نَحَافَةٌ озмоқ, озиб кетмоқ, ориқламоқ; IV أَنْحَفَ оздирмоқ, оздириб қўймоқ, ориқлатмоқ, ҳолдан тойдирмоқ, тинкасини қуритмоқ

– مَنْحُوفٌ ориқ, озғин, озиб кетган

– نَحَافَةٌ ориқлик, озғинлик, нимжонлик; ҳолдан кетганлик, ~ الْقُوَى қомати келишганлик

– نَحْفٌ ориқлик, озғинлик

– نَحِيفٌ *кўп* نِحَافٌ, نُحَفَاءُ ориқ, озғин, ҳолдан тойган; ~ الْقُوَى қомати келишган

I (نحل) **نَحَلَ**, نَحِلَ (*у*) *ёки* نَحَلَ (*а*) نُحُولٌ озмоқ, озиб кетмоқ, тинкаси қуримоқ; نَحَلَ (*а*) نَحْلٌ, نُحْلٌ 1) (*к. гадир*) бермоқ, тақдим этмоқ, ҳадя этмоқ; الْمَرْأَةَ مَهْرَهَا ~ хотинга маҳрини бермоқ; 2) (*к гадир*) нисбат бермоқ, тегишли деб билмоқ, тўнкамоқ, ағдармоқ, тақмоқ (إِلَى, عَلَى), 3) ёлғон тўқимоқ, уйдирма қилмоқ; 4) эскирмоқ, тўзимоқ (*кийим ҳақида*), 5) соч тўкилмоқ; II نَحَّلَ 1) оздирмоқ, ориқлатиб юбормоқ, ҳолдан кетказмоқ; 2) сочнинг тўкилишига сабаб бўлмоқ, сочни тўкиб юбормоқ; IV أَنْحَلَ = II; V تَنَحَّلَ ўзиники қилиб олмоқ, ўзлаштириб юбормоқ, кўчирмачилик (плагиат) қилмоқ; VIII اِنْتَحَلَ 1) ўзига бошқа ном қабул қилмоқ; ~ شَخْصِيَّتَهُ ўзини ... қилиб кўрсатмоқ; ... لِنَفْسِهِ صِفَةَ ~ ўзига ...лик белгисини қабул қилмоқ; 2) динга эътибор қилмоқ, қабул қилмоқ; الْإِسْلَامَ ~ исломга кирмоқ; ҳаққи йўқ нарсани ўзига ўзлаштирмоқ, ўзиники қилиб кўрсатмоқ, кўчирмачилик (*плагиат*) қилиб; ~ الْأَعْذَارَ لِـــ... (*к. нидир*) асоссиз равишда кечирмоқ; баҳоналар тузмоқ, важи корсон кўрсатмоқ, важи корсон қилмоқ

– إِنْتِحَالٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) ўзиники қилиб олиш, ўзлаштириш; кўчирмачилик, плагиаторлик; 2) асоссиз равишда тасдиқлаш; ~ الْأَعْذَارِ баҳоналар тўқиш, важи корсон кўрсатиш; 3) (*динга*) кириш, (*динни*) қабул қилиш

– مُنْتَحَلٌ ноқонуний ўзлаштирилган, асоссиз ўзиники қилиб олинган; ~ اسْمٌ тахаллус, лақаб, яхшироқ ном

– مُنْتَحِلٌ бошқаларнинг ишини ўзиники қилиб олувчи, плагиатор

– مَنْحَلٌ *кўп.* مَنَاحِلُ асалари яшиклари қўйилган жой

– مَنْحُولٌ 1) ўйлаб топилган, ичдан тўқилган; الرِّوَايَاتِ الـــةُ ~ ичдан тўқилган (ясама) ҳикоялар; 2) эскиган, тўзиган

– نَاحِلٌ ориқ, озғин, тинкаси қуриган, мажолсиз

– نَحَّالٌ асаларичи, асалари парвариш қилувчи одам

– نَحَّالَةٌ асалари кўпайтирувчи, асаларичилик

– نُحْلٌ 1) бериш, тақдим этиш, ҳадя қилиш; 2) совға, туҳфа

– نَحْلٌ *жам.* асаларилар; طَنَّانُ ~ сариқ арилар; ذَكَرُ الـــ эркак асалари; فَقِيرُ الـــ арихона, асалари яшиги; مَلِكَةُ الـــ, *кар* مَلِكَةٌ, تَرْبِيَةُ الـــ асаларилларни парвариш қилиш (боқиш), асаларичилик

– نَحْلَاتٌ *кўп* نَحْلَةٌ асалари

– نُحْلَةٌ *кўп.* نَحَلٌ пилдироқ, бизбизак (*шунингдек*: الصَّبِيِّ ~)

– نَحْلَةٌ[1] *кўп* نَحَلٌ 1) дин аҳкомлари, диний таълимот; 2) эътиқод, динга эътиқод қилиш; 3) совға, ҳадя; ~ ўз ихтиёри билан (бериш), ўрнига ниманидир талаб қилмасдан (бериш)

– نَحْلَةٌ[2] даъво

– نُحْلَى ҳадя, ҳадя этиш, инъом қилиш, инъом

– نُحُولٌ ориқлик, озғинлик, тинкаси қуриганлик

– نَحِيلٌ *кўп* نَحْلَى 1) ориқ, озғин, тинкаси қуриган; ~ الْقُوَى қомати келишган; 2) бечора

I **نَحَمَ** (*и*) نَحِيمٌ, نَحْمٌ йўталиб балғам ташламоқ, йўталиб балғам кўчирмоқ, томоқ қирмоқ, йўталиб қўймоқ

– نُحَامٌ *жам.* қизил ғозлар, фламинголар

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نُحَامَةٌ қизил ғоз, фламинго

نَحْمِيَا *библ.* Несмия

نَحْنُ биз; الْمُوَقِّعِينَ ~ биз, қуйида имзо чекувчилар

نَحْنَحَ йўталиб балғам ташламоқ, йўталиб балғам кўчирмоқ, томоқ қирмоқ, йўталиб қўймоқ; تَنَحْنَحَ = نَحْنَحَ

– نَحْنَحَةٌ йўталиб балғам кўчириш, йўталиб балғам ташлаш

I (хо) **نَحَا** (*y*) نَحْوٌ 1) (*қаергадир*) бормоқ, йўналмоқ, йўл олмоқ, мурожаат қилмоқ (*туш. к. ёки* إِلَى *ёки* نَحْوَ); بَصَرَهُ ~ кимнингдир изидан бормоқ; هَذَا النَّحْوَ ~ у шундай йўл тутди; بَصَرَهُ إِلَيْهِ ~ унга назар ташлади; 2) бир четга қўймоқ, бир четга суриб қўймоқ; (*н. дандир*) четлатмоқ, узоқлаштирмоқ (عَنْ); ~ فِي زَاوِيَةٍ ниманидир бир четга суриб қўймоқ. II نَحَّى 1) бир четга қўймоқ,бир четга суриб қўймоқ (*туш. к.*); 2) (*н. дандир*) четлатмоқ, узоқлаштирмоқ (عَنْ); ~ قَضِيَّةً عَنْ جَدْوَلِ الْأَعْمَالِ масалани кун тартибидан чиқармоқ (олиб ташламоқ); 3) (*н. нидир қилишга*) йўл бермай қўймоқ (عَنْ); III نَاحَى (*н. нингдир*) яқинида (атрофида) мавжуд бўлмоқ; IV أَنْحَى 1) (*бирор н га*) йўналтирмоқ (عَلَى); ~ عَلَيْهِ ضَرْبًا кимгадир мушт билан ташланмоқ; ~ بِاللُّؤْمَةِ (بِاللَّوْمِ) (*к. нидир*) маломатларга кўмиб ташламоқ (عَلَى); 2) (*н. дандир*) тиймоқ, (*н. гадир*) йўл бермай қўймоқ (عَنْ); ~ بَصَرَهُ (*н. дандир*) назарини ўгирмоқ, кўзини узмоқ (عَنْ); V تَنَحَّى 1) *шунингдек*; ~ جَانِبًا четга сурилмоқ, ўзини четга (чеккага) олмоқ; 2) кетмоқ, узоқлашмоқ, четлатилмоқ; 3) (*н. нидир*) рад этмоқ, қайтармоқ (عَنْ); (*н. дандир*) воз кечмоқ, қайтмоқ (عَنْ); (*н. нингдир*) баҳридан ўтмоқ (عَنْ); ... لَهُ ~ (*н. дадир*) кимгадир ён бермоқ, кимгадир ён босмоқ; VIII انْتَحَى 1) узоқлашмоқ, кетмоқ; ёнлаб ўтмоқ, ўзини чеккага тортмоқ; 2) (*бирор н томон*) йўл олмоқ; ~ الْقَاعِدَةَ қоидага амал (риоя) қилмоқ; 3) (*к. гадир. н гадир*) суянмоқ, таянмоқ, ишонмоқ, орқа қилмоқ (عَلَى); 4) (*бирор н га*) жон-жаҳди билан киришмоқ, интилмоқ (فِي)

– انْتِحَاءٌ йўналишни танлаб олмоқ; йўналганлик, *биол* ўсимликларнинг ёруғликка интилиш қобилияти

– تَنْحِيَةٌ 1) четга, чеккага қўйиш, 2) (*н. дандир*) четлатиш (عَنْ); ўзоқлаштириш, йироқлаштириш; ~ عَنْ مَنْصِبِهِ вазифасидан олиб ташлаш; 3) (*н. гадир*) йўл қўймаслик (عَنْ)

– مَنْحًى *кўп.* مَنَاحٍ томон, тараф, تَغْيِيرَاتٌ جِذْرِيَّةٌ فِي جَمِيعِ مَنَاحِي الْحَيَاةِ ҳаётнинг барча соҳаларида таг-тубидан қилинган ўзгаришлар; دَرَسَ الْمَشْرُوعَ فِي مَنَاحِيهِ الْعَدِيدَةِ лойиҳани ҳар томонлама ўрганмоқ

– نَحَّاةٌ *кўп* نَاحِيَةٌ *мн* نَحْوِيٌّ грамматика мутахассиси, грамматист

– نَاحِيَةٌ *кўп.* نَوَاحٍ, ـَـاتٌ 1) томон, тараф; ~ هَذِهِ مِنْ бу томондан, бу масалада; ~ مِنْ جَمِيعِ النَّوَاحِي ҳамма томондан; ~ مِنْ ... مِنْ ~ أُخْرَى (ثَانِيَةً) бир томондан ..., иккинчи томондан; ~ تَرَكَ четга суриб қўймоқ, кейинга қолдирмоқ; 2) нуқтаи назар; ~ اقْتِصَادِيَّةٌ иқтисод нуқтаи назаридан; ~ قَانُونِيَّةٌ қонун асосида, қонуний, расман; ~ وَاقِعِيَّةٌ дарҳақиқат, ҳақиқатда, амалда; 3) ноҳия (*маъмурий ҳудуднинг номи*), туман, район

– أَنْحَاءٌ *кўп* نَحْوٌ 1) 1) томон, тараф; ~ مِنْ мен томонимдан; 2) чекка, қирғоқ; бурчак; 3) жой, район; فِي جَمِيعِ أَنْحَاءِ الْبِلَادِ мамалакатнинг ҳамма ерларида, барча жойларда, барча жойда; 4) услуб, тур, кўриниш; ~ وَ *ёки* ~ ذَالِكَ وَ ва шунга ўхшашлар; عَلَى ~ هَذَا الـ шу тариқа, шундай қилиб; عَلَى ~ وَاضِحٍ маълум бўлган ҳолатда, тушунарли, ... عَلَى ~ ...дек; عَلَى ~ مَا تَرَى кўриб турганингдек; عَلَى ~ طَيِّبٍ жуда гўзал, ажойиб вазиятда; عَلَى ~ أَفْضَلَ энг яхши йўл билан; 5) грамматика, синтаксис; ~ عِلْمُ الـ грамматика; ~ الصَّرْفُ وَ الـ морфология ва синтаксис

– نَحْوَ 1) (*предлог сифатида*) ~ а) унинг ёнида; б) унга томон, у томон; в) унга нисбатан, унинг масаласида; 2) тахминан, қарийиб

– نَحْوِيٌّ 1) грамматикага оид; 2) грамматика билан шуғулланувчи, грамматист

– أَنْحَاءٌ *кўп* نَحِيٌّ меш, саноч (*мой учун*)

I **نَحَّ** (*a/y*) نَحٌّ 1) чўкмоқ, тиззаси билан чўкиб ўтирмоқ (*туя ҳақида*); 2) إِخْ إِخْ деб туяни чўктирмоқ; ◊ ~ الْإِبِلَ туяни шиддат билан ҳайдамоқ, тез етакламоқ; II نَحَّخَ = I

– نُحٌّ[1] суяк ичидаги илик

– نُحٌّ[2], أَنْحَاحٌ *кўп* نِحَاحٌ узун тўқилган гилам; бўйра

– نَحَّةٌ йирик шохли мол

– نُحَّةٌ = نَحَّةٌ

– نُحَاحَةٌ = نُحٌّ[1]

I **نَخَبَ** (*y*) نَخْبٌ танламоқ, сайламоқ, танлаб олмоқ, танлов қилмоқ; نَخِبَ (*a*) نَخَبٌ қўрқмоқ, қўрқоқ бўлмоқ, қўрқоқлик қилмоқ; VIII انْتَخَبَ 1) танламоқ, сайламоқ; 2) сайлов ўтказмоқ

– انْتِخَابٌ *кўп* ـَـاتٌ 1) сайлов; حُرِّيَّةُ الِانْتِخَابَاتِ сайлаш эркинлиги; ~ الـ *ёки* أَهْلِيَّةُ الـ сайлаш ҳуқуқи; ~ الـ умумсайлаш ҳуқуқи; (نِيَابِيَّةٌ) انْتِخَابَاتٌ بِرْلَمَانِيَّةٌ парламентга сайлов; انْتِخَابَاتٌ بَلَدِيَّةٌ шаҳар (қишлоқ) бошқарувига сайлов; انْتِخَابَاتٌ عَامَّةٌ *ёки* انْتِخَابَاتٌ حُرِّيَّةٌ қисман ўтказилган сайловлар; انْتِخَابَاتٌ عُمُومِيَّةٌ умумий сайловлар, ~ إِعَادَةُ الـ қайта сайлов; ~ تَذْكِرَةُ (وَرَقَةُ) الـ сайлов бюллетени; ~ دَائِرَةُ الـ сайлов округи; قَانُونُ الِانْتِخَابَاتِ сайловлар ҳақидаги қонун; ~ نِصَابُ الـ сайлов

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳуқуқини чеклайдиган шарт; غَيْرُ لَائِقٍ لِلْـــ~ сайлашга арзийдиган; لَائِقٍ لِلْـــ~ сайлашга арзимайдиган, сайлашга нолойиқ; 2) танланиш; الْـــ~ الطَّبِيعِيُّ *биол.* табиий танланиш

– اِنْتِخَابِيٌّ сайловга оид; عَامِلٌ ~ حَقٌّ қонун чиқарувчи ҳокимият органларига вакиллар сайлаш ҳуқуқи; حَمْلَةٌ (حَرَكَةٌ, مَعْرَكَةٌ) ~ـــةٌ сайлов компанияси; دَائِرَةٌ ~ـــةٌ сайлов округи; لَجْنَةٌ ~ـــةٌ сайлов комиссияси

– اِنْتِخَابِيَّةٌ танланишлик, сайланишлик

– مُنْتَخِبٌ сайловчи

– مُنْتَخَبٌ сайланган, танланган; 2) сараланган; 3) *спорт.* терма

– مُنْتَخَبَاتٌ *кўп.* танланган асарлар; 2) кўпчиликнинг фикрича пойгада биринчиликни олиши мўлжалланган от

– مَنْخُوبٌ қўрқоқ; الْفُؤَادِ ~ юраксиз, ҳурковуч

– مُنْتَخِبٌ = نَاخِبٌ

– نَخْبٌ[1] танлаш, саралаш

– نَخْبٌ[2] *кўп.* أَنْخَابٌ қадаҳ кўтариш, тост; وُدِّيَّةٌ أَنْخَابٌ дўстлик, биродарлик тостлари; شَرِبَ ~ـــهُ кимнингдир соғлиғи учун ичмоқ; شَرِبَ ~ نَجَاحَه кимнингдир муваффақияти шарафига ичмоқ; تَبَادَلَ أَنْخَابَ الشُّرْبِ (*бирор киши билан*) ўзаро қадаҳ кўтаришмоқ (مَعَ)

– نُخْبَةٌ (*н. нисбат*) энг сараси, қаймоғи

– نُخَبَةٌ *кўп.* نُخَبٌ = نُخْبَةٌ

– (نخر) نَخَرَ[1] (*у*) نَخْرٌ еб тешмоқ, еб қирқмоқ, емоқ, кемирмоқ, ямламоқ (*қурт ҳақида*), نَخَرَ[2] (*у*) نَخِيرٌ хуррак отмоқ, хуррак тортмоқ; نَخِرَ (*а*) نَخَرٌ чиримоқ, чириб кетмоқ, чириб бузилмоқ; *мед.* чириш касалига мубтало бўлмоқ (*тиш ёки суяк*)

– مَنْخَارٌ *кўп.* مَنَاخِيرُ бурун тешиги, бурун каваги, бурун

– مِنْخَرٌ = مَنْخِرٌ

– مَنْخَارٌ = مَنْخِرٌ, مَنْخَرٌ, مِنْخَرٌ, مُنْخُرٌ *кўп.* مَنَاخِرُ

– مَنْخُورٌ 1) еб ташланган, кемирилган, кемириб ташланган; 2) чириган, чириб кетган; *мед.* чириш касалига дучор бўлган

– مُنْخُورٌ *кўп.* مَنَاخِيرُ = مُنْخَرٌ

– نَاخِرٌ чириётган, чирий бошлаган; *мед.* чириш касали билан оғриган

– نَخِرٌ 1) чириётган, чирий бошлаган; 2) нураб битган (*тоғ жинслари ҳақида*)

– نَخْرٌ бузилиш, чириш; الْعِظَامِ ~ суяк чириши; суяк чириш касали, оқма

– نَخِيرٌ хуррак

– نَخِيرَةٌ суяк чириши; суяк чириш касали, оқма

نَخْرَبَ тешмоқ, тешик ҳосил қилмоқ

– نُخْرُوبٌ *кўп.* نَخَارِيبُ 1) тешик; арихонанинг асаларилар кириб-чиқадиган тешиги; 2) асаларининг мум катаги; ўйиқ, чуқурча (*сол.* خرب *қар.* نُخْرُوبٌ)

I نَخَرَ (*а*) نَخْرٌ санчмоқ, санчиб тешмоқ, суқмоқ, суқиб олмоқ, санчиб олмоқ; بِكَلِمَاتٍ ~ аччиқ сўз айтмоқ, аччиқ-тизиқ гап қилмоқ

I نَخَسَ (*а, у*) نَخْسٌ 1) санчмоқ, санчиб тешмоқ; 2) хивич билан ҳайдамоқ (*ҳайвонни*); II نَخَّسَ = I; VIII اِنْتَخَسَ укол қилинавермоқ

– مِنْخَاسٌ *кўп.* مَنَاخِيسُ хивич; учи ўткир таёқ, калтак

– مِنْخَسٌ *кўп.* مَنَاخِسُ = مِنْخَاسٌ

– نَخَّاسٌ 1) молфуруш, ҳайвонфуруш, чайқовчи, олибсотар; 2) қулфуриш, қул олиб сотувчи; чўрифуруш, чўри олиб сотувчи

– نَخَّاسَةٌ *кўп.* اتٌ — шпора (*отни ниқталаш учун этик пошнасига ўрнатилган жиҳоз*)

– نَخَاسَةٌ 1) чайқовчилик, олибсотарлик; 2) қулфурушлик

– نَخْسَةٌ *кўп.* نَخَسَاتٌ укол

I نَخَشَ (*а*) نَخْشٌ ҳайдамоқ, ҳайдаб бормоқ, ҳайдаб киргизмоқ, ниқтаб, уриб қадамини тезлаштирмоқ

– نَخْشُوشٌ *кўп.* نَخَاشِيشٌ жабра; 2) бурун катаги

I نَخَعَ (نُخُوعٌ) (*а*) نُخُوعٌ 1) (*н. нисбат*) тан олмоқ, инобатга олмоқ (ب); لَهُ بِحَقِّهِ ~ кимнингдир ҳуқуқини тан олмоқ; نَخَعَ (*а*) نَخْعٌ 1) сўймоқ, сўйиб ташламоқ, сўйиб ўлдирмоқ; 2) силкитмоқ, тебратмоқ, титратмоқ; V تَنَخَّعَ йўталиб балғам кўчирмоқ, тупуриб ташламоқ, балғам ташламоқ, балғам тупламоқ

– نُخَاعٌ *шунингдек*; شَوْكِيٌّ ~ орқа мия; الْعَظْمِ ~ илик; الْـــ~ الْمُسْتَطِيلُ чўзинчоқ мия, чўзиқ мия

– نُخَاعَةٌ балғам, шиллиқ, шилимшиқ

I نَخَلَ (*у*) نَخْلٌ эламоқ, элакдан ўтказмоқ; V تَنَخَّلَ эланиб, элакдан ўтиб тозаланмоқ; VIII اِنْتَخَلَ) элакдан ўтказмоқ; 2) танламоқ, сараламоқ

– مَنَاخِلِيٌّ *кўп.* مَنَاخِلِيَّةٌ элакфуруш, элак сотувчи

– مِنْخَلٌ, مُنْخَلٌ *кўп* مَنَاخِلُ элак; سِلْكٍ ~ сим элак

– نُخَالَةٌ кепак, элаганда чиққан чиқит; ◊ سَمُّ الْـــ~ маргумуш, сичқон дори

– نَخْلٌ *жам.* хурмо дарахтлари; جَوْزِ الْهِنْدِ ~ кокос пальмаси; عَلَى الْـــ~! жуда зўр, аъло даражада (*Ироқда*)

– نَخْلَةُ[1] Михаил (*ёки* مِيخَائِيلُ *сўзидан қис. с.*)

– نَخْلَةٌ[2] *кўп.* نَخِيلٌ, نَخَلَاتٌ пальма; الشَّمْعِ ~ шам олинадиган пальма

– نَخِيلٌ *мн. жам.* пальмалар; رَيْتُ الْـــ~ пальма мойи

I نَخِمَ (*а*) نَخَمٌ балғам ташламоқ, балғам тупурмоқ; V تَنَخَّمَ = I

– نُخَامَةٌ балғам, шиллиқ, шилимшиқ

– نُخَامِيٌّ балғамга оид; ◊ الْغُدَّةُ الْـــ~ـــةُ гипофиз

نَخْنَخَ туяни чўккалатмоқ (чўктирмоқ)

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (نخو) **نَخَا** (*у*) نَخْوَةٌ 1) керилмоқ, гердаймоқ, димоғдорлик қилмоқ; 2) юмшатмоқ, камайтирмоқ, босмоқ, енгиллаштирмоқ (*мас., ғазабни*); VIII اِنْتَخَى 1) керилмоқ, гердаймоқ, димоғдорлик қилмоқ; (*к. дандир*) ўзининг устунлигини кўрсатмоқ (عَلَى); 2) юмшамоқ, камаймоқ, енгиллашмоқ

– نَخْوَةٌ 1) фахрланиш, ўз ориятини сеза билиш; димоғдорлик; 2) мардлик, жасорат, жасурлик

I **نَدَّ** (*а/u*) نَدِيدٌ, نُدُودٌ, نَدٌّ (*қаердандир*) қочмоқ, қочиб кетмоқ, қочиб қутулмоқ, жўнаб қолмоқ (عَنْ); يَجِبُ أَلاَّ يُنَدَّ عَنِ الْبَالِ أَنَّ ... шуни эсдан чиқармаслик керак, ...; шуни назарда тутиш керак, ...; II نَدَّدَ (ضَحِكَهُ) نَدَّدَتْ عَنْهُ صَرْحَةٌ у бирдан бақириб (кулиб) юборди; II نَدَّدَ 1) (*н. нидир*) сўкмоқ, койимоқ, таҳқирламоқ (ب); (*к. нидир*) қаттиқ танқид қилмоқ (ب); 2) (*сирни*) ошкор қилмоқ; VI تَنَادَّ тарқалмоқ, атрофга тарқалишиб кетмоқ; ажралишиб кетмоқ

– تَنَادٌّ тарқалиш,ёйилиб кетиш; يَوْمُ الـ~ қиёмат

– تَنْدِيدٌ таҳқирлаш, қаттиқ танқид

– نِدٌّ *кўп.* أَنْدَادٌ 1) тенг, ўхшаш, бир хил; مَا لَهُ ~ унинг тенги йўқ, у бемислдир; حَدِيثُ لَـ~ ~ инсоннинг ўз тенги билан суҳбати; وَقَفَ مَوْقِفَ لَـ~ ўзини ўз тенгдоши билан тургандай тутмоқ; 2) тенг одам, тенгдош одам

– نَدٌّ *бот.* алоэ

– نَدِيدٌ тенг, ўхшаш, бир хил

I (ندب) **نَدَبَ** (*у*) نَدْبٌ 1) йиғламоқ, ўлганга йиғламоқ; 2) вакил (делегат) қилиб жўнатмоқ, 3) топширмоқ; вакил қилмоқ, ваколат бермоқ, 4) (*к. нидир н. гадир*) жалб қилмоқ, чорламоқ, даъват этмоқ (إِلَى , عَلَى); 5) (*к. гадир*) бағишламоқ, бахш етмоқ; نَدَبَتْ فَاطِمَةُ نَفْسَهَا إِلَى ابْنِهَا Фотима ўзини ўғлига бағишлаган; نَدَبَ (*а*) نَدَبٌ битмоқ, тузалмоқ (*яра ҳақида*); II نَدَّبَ (*қирқ кун давомида ўлганга*) аза тутмоқ; ўлганни хотираб маъракa ўтказмоқ, худойи қилмоқ; IV أَنْدَبَ = نَدَبَ; VIII اِنْتَدَبَ 1) жўнатмоқ, командировка қилмоқ, ўзидан вакил қилиб жўнатмоқ; 2) вакил қилмоқ, ваколатни тасдиқловчи ҳужжатни бермоқ

– اِنْتِدَابٌ *кўп.* ـَاتٌ ـــ 1) делегация қилиш; 2) ваколат, мандат; 3) *сиёс.* бирор мустамлакани бошқариш ҳуқуқи

– اِنْتِدَابِيٌّ мандатга оид; مِنْطَقَةٌ ~ـــ мандат доираси, мандат ҳуқуқи берадиган чегара

– تَنْدِيبٌ (*ўлган одамга қирқ кун давомида*) аза тутиш; ўлганнинг хотираси учун қилинган маърака, худойи

– مُنْتَدَبٌ делегат қилмоқ жўнатилган; вакил қилинган; الْحُكُومَةُ الْـ~ـــةُ *ёки* الدَّوْلَةُ الْـ~ـــةُ мандатли давлат, бирор жойни бошқариш учун ҳужжат олган мамлакат; عُضْوُ الْإِدَارَةِ الْـ~ـــ бошқарманинг ваколат олган аъзоси

– مُنْتَدِبٌ делегат қилиб жўнатувчи (юборувчи); мандат берувчи

– مَنْدَبٌ йиғи, ўлганга йиғлаш

– مَنْدَبَةٌ ўлган одамга мотам учун йиғилган одамлар гуруҳи

– مَنْدُوبٌ 1) *шар.* тавсия қилинган; 2) вакил, делегат; الْـ~ الْمُفَوَّضُ мухтор вакил; الْـ~ الْجَرِيدَةِ газета мухбири; 2) комиссар; الْـ~ السَّامِي олий комиссар

– نَادِبٌ 1) ўлган одамга мотам тутиб йиғловчи; 2) йиғичи, гирянда

– نَادِبَةٌ *кўп.* نَوَادِبُ йиғичи аёл,гирянда аёл

– نَدَّابٌ йиғичи, гирянда

– نَدَّابَةٌ йиғичи аёл, гирянда аёл

– نَدْبٌ чаққон, эпчил; رَجُلٌ ~ чаққон одам

– نَدَبٌ *кўп.* نُدُوبٌ, أَنْدَابٌ кесилган (тиғ теккан) жой; чандир, ямоқ

– نَدَبٌ – نُدْبَةٌ *кўп.*

– نُدْبَةٌ 1) ўлган одамга мотам тутиб йиғлаш; 2) мунгли лирик куй; 3) дафн маросимида куйланадиган қўшиқ

I **نَدَحَ** (*а*) نَدْحٌ кенгайтирмоқ

– مُنْتَدَحٌ кенглик, эркинлик, ҳурлик, ҳуррият; فَلاَ ~ مِنْ ... шунинг учун муқаррарки, ...; шунинг учун шу нарса зарурки, ...; لاَ ~ عَنْهُ албатта юз берадиган, бўлмасдан қолмайдиган

– مَنْدُوحَةٌ = مُنْتَدَحٌ; أَصْبَحَ لاَ ~ عَنْ ... муқаррар бўлмоқ, юз бериши аниқ бўлмоқ; لاَ ~ عَنْ مِنْ *ёки* لاَ ~ عَنْ муқаррар ҳолатда, жуда-жуда зарур бўлган ҳолда; هَذِهِ مَعْلُومَاتٌ لاَ ~ لَهُ عَنْهَا бу унга жуда-жуда зарур бўлган маълумотлардир; لَمْ يَجِدْ ~ عَنْ ... у ...дан қочиб қутилолмади; اسْتَرِحْ قَلِيلاً فَفِي الْوَقْتِ ~! бироз дамингни ол, вақт ҳали етарли!

– نَدْحَةٌ, نُدْحَةٌ кенглик, бепоёнлик

I **نَدَرَ** (*у*) نُدُورٌ, نَدْرٌ 1) нодир (камёб) бўлмоқ, кам учрамоқ; 2) оз, оз сонли бўлмоқ; 2) (*н. дандир*) тушиб колмоқ, тушиб, кўриниб қолмоқ; III نَادَرَ (*к. нидир*) латифалар айтиб овутмоқ, банд қилмоқ; IV أَنْدَرَ туширмоқ (*н. дандир*) тушириб юбормоқ; V تَنَدَّرَ (*бирор н ҳақида*) латифалар айтмоқ (ب); VI تَنَادَرَ ўзаро латифалар айтишмоқ, қизиқ ҳикоялар, латифалар билан бир-бирини овутмоқ

– أَنْدَرُ *кўп.* أَنَادِرُ хирмон

– مَنْدَرَةٌ *кўп.* مَنَادِرُ қишлоқ уйларида меҳмон қабул қилинадиган хона, меҳмонхона, зал

– نَادِرٌ 1) нодир, камёб, кам учрайдиган; الْوُقُوعِ ~ кам содир бўладиган; ~ فِي الـ *ёки* ~ баъзи-баъзида, гоҳ-гоҳ; مَعَادِنُ ~ـةٌ камёб металлар; وَ الـ~ لاَ حُكْمَ لَهُ *мтл.* истисно-қоида эмас; 2) ғайриоддий, одатдан ташқариги

– نَادِرَةٌ *кўп.* نَوَادِرُ 1) ноёб нарса, кам учрайдиган нарса, ажиб нарса, ғалати нарса; 2) қизиқарли воқеа, ажойиб ҳикоя, латифа; 3) ғайритабиий воқеа; ◊ نَوَادِرُ الْمُحْتَالِينَ ўғриларнинг ҳийла-найранглари

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نَدَارَةٌ 1) камёблик; 2) оз сонлилик, етишмаслик

– نَدْرٌ кам учрайдиган, ноёб

– نَدْرَةٌ[1], نُدْرَةٌ 1) камёблик; 2) оз сонлилик; ~ ـــِ فِي ـــ ёки баъзан, гоҳо, гоҳида

– نَدْرَةٌ[2] *кўп.* نَدَرَاتٌ олтин ёки кумуш заррачаси

– نَدَرًا баъзан, баъзи ҳолатларда

– نُدُورَةٌ оз сонлилик, арзимаслик; (*н. нингдир*) камлиги

(ندع) II نَدَّعَ: ~ تِ السَّمَاءُ майдалаб ёмғир ёғаяпти

I نَدَغَ (*а*) نَدْغٌ (*н. нингдир устига*) сепмоқ (*мас, шакарни*); II نَدَّغَ = I

– نَدَّاغَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ (*мас, шакарни*) сепишга мосланган идиш

I نَدَفَ (*и*) نَدْفٌ (*мас. пахтани*) титмоқ, тозаламоқ; ~ تِ السَّمَاءُ بِالثَّلْجِ қор ёғди

– مِنْدَفٌ, مِنْدَفَةٌ *кўп* مَنَادِفُ (*пахта титадиган*) тароқ

– مَنْدُوفٌ титилган, тозаланган

– نَدَّافٌ титувчи, тозаловчи

– نُدْفَةٌ *кўп* نُدَفٌ тутам, даста; *кўп* парча-парчз, паға-паға

– نَدِيفٌ 1) титилган, тозаланган, 2) титилган пахта

I نَدَلَ (*у*) نَدْلٌ ушлаб олмоқ, тутиб олмоқ, илиб кўтармоқ; V تَنَدَّلَ: ~ بِالْمِنْدِيلِ 1) дастрўмолга артинмоқ; 2) дастрўмолни бошга ўрамоқ

– مِنْدَالَةٌ *кўп.* اتٌ ـــَ қозиқ қоқувчи машина, шиббаловчи машина

– مَنْدَلٌ *кўп.* مَنَادِلُ тилсим билан фол очиш, олдиндан билиш, олдиндан кўриш; ~ـــَ فَتَحَ الـــ фол очмоқ, фол кўрмоқ, олдиндан айтмоқ, олдиндан айтиб бермоқ

– مَنْدَلِيٌّ атир турларидан бири

– مِنْدِيلٌ *кўп* مَنَادِيلُ дастрўмол, рўмолча; ~ الْجَبِينِ қоғоноқ (*она қорнидаги болани ўраб олган парда*)

– نَادِلٌ *кўп* نُدُلٌ официант; қарол, уй хизматкори

– نَدْلٌ кўп أَنْدَالٌ = نَدْلٌ

I نَدِمَ (*а*) نَدَمٌ (*н. дандир*) пушаймон емоқ, (*н. гадир*) афсусланмоқ (عَلَى): ... ~ النَّدَمَ الْمُرَّ عَلَى ёки نَدِمَ آدَمَ ~ (*н. дандир*) қаттиқ пушаймон бўлмоқ; II نَدَّمَ афсусланишга олиб келмоқ, пушаймон едирмоқ; III نَادَمَ улфатчилик қилмоқ, биргалашиб ичишмоқ; V تَنَدَّمَ (*н. дандир*) пушаймон бўлмоқ (عَلَى); VI تَنَادَمَ биргалашиб ичкиликда қатнашмоқ

– تَنَدُّمٌ афсусланиш, пушаймон бўлиш

– مُنَادِمٌ дўст, ошна, жўра, улфат, ҳамтовоқ, бирга ичишадиган одам

– مُنَادَمَةٌ 1) дўстона муносабатлар, улфатчилик; 2) ичкиликбозлик; базми жамшид; 3) суҳбат, гурунг

– مَنْدَمٌ афсусланиш, пушаймон бўлиш

– نَادِمٌ *кўп.* نُدَّامٌ пушаймон бўлган одам

– نَادِمَةٌ *кўп.* نَوَادِمُ пушаймон аёл

– مَنْدَمٌ = نَدَامَةٌ

– نَدَمٌ афсус, надомат, пушаймон; آدَمَ ~ نَدِمَ *қар.* نَدِمَ

– نَدْمٌ бир томони чарм билан копланган ноғора

– نَدْمَانُ *мн.* نُدَامَى *кўп.* نُدَامَى афсусланувчи, пушаймон бўлувчи

– نَدْمَانٌ *кўп.* نَدَامَى ичкиликбозликда қатнашган, ҳамтовоқ, улфат

– نَدْمَانٌ = نِدَامٌ, نُدَمَاءُ *кўп.* نَدِيمٌ

I نَدَهَ (*а*) نَدْهٌ 1) ҳайдамоқ, ҳайдаб бормоқ, ҳайдаб киргизмоқ; اذْهَبِي فَلاَ أَنْدَهُ سِرْبَكِ *жоҳилия даврида талоқ қилиш ифодаси* (*сўзма-сўз:* боравер, подангни ҳайдамайман); 2) бақирмоқ, (*к. нидир*) чақирмоқ

– نَدْهَةٌ *кўп.* نَدَهَاتٌ чақириқ, даъват, нидо, қичқириқ

I (ندو) نَدَا (*у*) نَدْوٌ 1) жамланмоқ, тўпланмоқ, йиғилишмоқ, йиғинга бормоқ; 2) сахий (қўли очиқ) бўлмоқ; نَدِيَ (*а*) نَدًى, نَدًا 1) нам бўлмоқ, ҳўлланмоқ, ивимоқ, ивиб кетмоқ; 2) баланд бўлмоқ (*овоз ҳақида*); ◊ يُنْدَى لَهُ جَبِينُهَا حِزْيًا у (аёл) бундан уяляпти; II نَدَّى ҳўлламоқ, намламоқ; III نَادَى 1) қичқирмоқ, чақирмоқ, чорламоқ; ~ الْأَسْمَاءَ фамилия билан чақирмоқ, йўқлама қилмоқ; 2) (*гувоҳни судга*) чақирмоқ (عَلَى); (*радио орқали*) чақирмоқ, даъват қилмоқ; 3) (*к. ҳақдадир*) эълон қилмоқ, жарчи солиб хабар қилмоқ (ب); نُودِيَ بِهِ مَلِكًا у қирол деб эълон қилинди; 4) (*к. биландир*) клубда бирга ўтиришмоқ; ◊ ... نَادَاهُ بِكَلِمَةِ السَّيِّدِ кимгадир "саййид" *ёки* "жаноб" деб мурожаат этмоқ; ~ بِالْوَيْلِ وَ الثُّبُورِ عِظَامَ الْأُمُورِ жанжал кўтармоқ; IV أَنْدَى 1) тўполон кўтармоқ; ҳўлламоқ, намламоқ; 2) сахий бўлмоқ, бағри кенг бўлмоқ; V تَنَدَّى 1) ҳўл бўлиб қолмоқ, нам бўлмоқ, суғорилмоқ, намиқиб қолмоқ, нам тортмоқ; 2) сахий бўлмоқ; VI تَنَادَى 1) (*клубда*) тўпланмоқ, йиғилишмоқ; 2) (*н. гадир*) бир-бирини ўзаро чорламоқ, даъват этмоқ (إِلَى); 3) биргалашиб эълон қилмоқ, хабар бермоқ; 4) (*қандайдир ном билан*) аталмоқ (ب); VIII انْتَدَى 1) шамолланмоқ, янгиланмоқ, салқин бўлмоқ; 2) (*клубда*) тўпланмоқ, йиғилишмоқ;

– تَنَادٍ даъват, чорлов, чақириқ (*қар.* VI تَنَادَى) ◊ يَوْمُ التَّنَادِي қиёмат куни, сўроқ-жавоб куни

– تَنْدِيَةٌ ҳўллаш, намлаш

– مُنَادٍ *мн.* مُنَادِيَةٌ 1) жарчи, хабарчи; 2) Нил дарёсида сув тошқини ҳақида хабар берувчи одам

– مُنَادَاةٌ 1) эълон қилиш, хабар бериш; 2) чақириш, чақирув (*мас. радио орқали ёки гувоҳни судга ва ҳ. к.*)

– مُنَادًى *грам.* ундалмада мурожаат қаратилган шахс

– مُنْتَدَيَاتٌ *кўп.* клуб

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُنَدَّدٌ мн. مُنَدِّيَةٌ ҳўлловчи, намловчи; ◊ الصُّوَرُ الْمُنَدِّيَةُ لِلْجَبِينِ беҳаё суратлар, уятсиз суратлар, парнографик суратлар

– مُنَدًّى ҳўлланган, намланган, ҳўл, нам

– مُنْدِيَةٌ кўп. اتٌ ـَـ уятсиз, беҳаё сўз ёки иш

– نَادٌ[1] кўп. نَوَادٍ, أَنْدِيَةٌ клуб; йиғин, мажлис; ◊ فِي كُلِّ ~ وَ وَادٍ ҳамма жойда, ҳамма ерда

– نَادٌ[2] шерик, улфат, ҳамнишин

– نَدٌ мн. نَدِيَّةٌ нам, ҳўл, зах

– نَدًّا[1] шудринг, шабнам

– نَدًّا[2] товушнинг етиб бориш масофаси

– نِدَاءٌ кўп. اتٌ ـَـ хитоб, мурожаат; нидо, наъра, ҳайқириқ, даъват, чақириқ; шиор; ~ـَـ تَوَجَّهَ بِـ (к. гадир) хитоб қилмоқ, мурожаат қилмоқ (إِلَى); ~ حَرْفُ грам. ундалма юкламаси

– نَدَاوَةٌ, نُدُوَّةٌ намлик, ҳўллик, захлик

– نَدْوَةٌ кўп. نَدَوَاتٌ 1) йиғин ўтказиладиган жой; форум; анжуман, симпозиум; ~ـَـ الشَّبَابِ الْعَالَمِيَّةُ жаҳон ёшлари анжумани; ~ـَـ الْعِلْمِيَّةُ илмий анжуман, илмий симпозиум; 2) клуб; ~ـَـ الْأَدَبِيَّةُ адабиёт клуби, адабий клуб; 3) жамият, йиғин; ~ـَـ دَارُ парламент; ◊ ~ـَـ الْعَسَلِيَّةُ шира (ўсимликлардаги касаллик); دُودَةُ الْعَسَلِيَّةِ ~ـَـ шира, ўсимлик бити

– نَدًى кўп. أَنْدَاءٌ 1) намлик, ҳўллик, захлик; 2) шудринг, шабнам; 3) саховат, бағри кенглик

– نَدِيٌّ 1) ҳўл, нам, зах; 2) хотин-қизларнинг энг баланд овози, сопрано; 3) овоз кучайтирувчи карнай; 4) клуб, 5) одамлар йиғини; ◊ ~ الْكَفِّ сахий, саховатли; ~ الصَّوْتِ а) овози баланд, баланд овозли; б) овоз кучайтирувчи карнай, мегафон

– نَدْمَانُ 1) ҳўл, нам, зах; 2) сувли, сершув (*мевалар ҳақида*)

I (نذر) **نَذَرَ** (*u, y*) نَذْرٌ, نُذُورٌ тантанали равишда сўз бермоқ, назр атамоқ; نَذْرًا لِلّٰهِ ~ Аллоҳ йўлида назр атамоқ; نَفْسَهُ ~ (*н. гадир*) ўзини бағишламоқ, бахшида қилмоқ; نَذَرَ (*а*) نَذَرٌ (*бирор н. ҳақида*) огоҳлантирилмоқ (ب); IV **أَنْذَرَ** 1) кўндирмоқ, унатмоқ, ишонтирмоқ; огоҳлантирмоқ, эҳтиёт қилмоқ; хабар қилмоқ, билдирмоқ, дарак бермоқ; 2) олдиндан хабар бериб қўймоқ, олдиндан огоҳлантирмоқ; بِالْخَطَرِ ~ хавф-хатар ҳақида олдиндан хабар бермоқ; VI **تَنَاذَرَ** бир-бирини огоҳлантирмоқ, бир-бирига хабар бермоқ; VIII **انْتَذَرَ** назр қилишни ўзига вожиб кўрмоқ

– إِنْذَارٌ кўп. اتٌ ـَـ 1) кўндириш, унатиш; огоҳлантириш; ~ نِهَائِيٌّ таҳдид билан қилинган талаб, ультиматум; ~ دُونَ سَابِقِ إِنْذَارٍ ҳеч қандай огоҳлантиришсиз; 2) тревога; ~ النَّارِ ёнғин тревогаси; ~ـَـ أَجْرَاسُ الْـ одам тўплаш учун уриладиган қўнғироқ; صَفَّارَاتُ ~ـَـ الْـ ҳаво тревогаси

– مُنْذِرٌ 1) кўндирувчи, унатувчи; огоҳлантирувчи; сигнал бериш асбоби; 2) ~ـَـ ابْنُ الْـ тар. Ибн ал-Мунзир (*араб подшоларидан бирининг номи*); الْمَنَاذِرَةُ кўп. Ибн ал-Мунзир асос солган шажара (династия)

– مَنْذُورٌ назр қилинган; (*Оллоҳга*) аталган, бахш этилган (لِلّٰهِ)

– نَاذِرٌ назр қилувчи

– نَذْرٌ кўп. نُذُورٌ 1) назр қилиш, назр; ~ـَـ أَوْفَى الْـ ният қилган назрини адо этмоқ, бажармоқ; 2) назр қилинган, аталган нарса

– نُذْرٌ огоҳлантириш, хабар бериш, билдириш

– نُذُرٌ = إِنْذَارٌ

– نَذِيرٌ кўндирувчи, унатувчи; 2) даракчи, олдиндан хабар берувчи

– نَذِيرَةٌ кўп. نَذَائِرُ назр қилинган нарса

I **نَذُلَ** (*y*) نُذُولَةٌ, نَذَالَةٌ 1) пасткаш (разил, аблаҳ) бўмоқ; 2) қўрқоқ бўлмоқ

– نَذَالَةٌ 1) пасткашлик, разиллик, аблаҳлик; 2) қўрқоқлик

– نَذْلٌ кўп. أَنْذَالٌ 1) пасткаш, разил, аблаҳ; 2) қўрқоқ

– نَذَالَةٌ = نُذَالَةٌ

– نَذْلٌ = نُذَلَاءُ نَذِيلٌ кўп.

نَرْبِيجٌ кўп نَرَابِيجُ 1) шланг, резина ичак; ~ السَّقَايَةِ сув сепадиган шланг (*Сурияда*); 2) чилимнинг оғизга олиб ичга тортиладиган ичаги

نَرْبِيجٌ = نَرَابِيشُ кўп. نَرْبِيشٌ

نَرْجِسٌ, نَرْجِسٌ бот. наргиз (*гул*)

– نَرْجِسِيَّةٌ, نَرْجِسِيَّةٌ *шунингдек:* ~ الذَّاتِ ўзига бино қўйишлик, ўзини яхши кўришлик

نَرْجِيلَةٌ кўп. نَرَاجِيلُ чилим (*сол.* نَارْجِيلَةٌ[2])

نَرْدٌ жам. 1) олти қиррали ўйин тоши, соққа; ~ـَـ لُعْبَةُ الْـ нард ўйини; 2) нард

نَارْدِينُ = نَرْدِينُ

– نَارْدِينِيٌّ = نَرْدِينِيٌّ

نَرْفَزَ асабийлаштирмоқ, асабига тегмоқ, аччиғини чиқармоқ

– نَرْفَزَةٌ асабийлантириш, асабийлик, тажанглик; ~ فِي асабий ҳолатда, тажанглик билан

نَرْكِيلَةٌ кўп نَرَاكِيلُ = نَرْجِيلَةٌ

نَرَنْجٌ жам. нордон апельсинлар

نَرْوِيجِيٌّ, نُرْوِجِيٌّ 1) Норвегияга оид; ~ـَـ الْـ норвегияликлар тили, 2) норвегиялик

نَرْوَزَةٌ асабийлик, тажанглик

نَرْوَلٌ зоол. нарвал, яккашох (*тумшуғида битта шохсимон аъзоси бор ҳайвон*)

I **نَزَّ** (*a/u*) نَزٌّ, نُزُوزٌ 1) томчилаб турмоқ, томиб турмоқ, сизиб ўтмоқ, тошмоқ, чиқиб кетмоқ (*сув ҳақида*); 2) тебранмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

дирилламоқ, титрамоқ (*тор ҳақида*); ◊ عَلَيْهِ اللُّومْبَاغُو فَجْأَةً ~ белида бирдан оғриқ пайдо бўлди; IV أَنْزَّ = I

– نَزٌّ 1) жонсарак, ҳаракатчан, серҳаракат; 2) сизиб турган (томиб турган) сув

– نَزَازَةٌ = نَزٌّ

– نُزَازَةٌ сизиб турган, томиб турган сув

– نُزَازَةٌ = نَزَزٌ

– نَزَّةٌ сезгирлик, жинсий майл, ҳирс, эҳтирос

– نَزِيزٌ 1) жонсарак, ҳаракатчан, серҳаракат; сезгир, ҳирсий, эҳтиросли

– مِنَزٌّ бешик

I نَزَحَ (*a, u*) نَزْحٌ, نُزُوحٌ 1) узоқ бўлмоқ, узоқда бўлмоқ, узоқлаштирмоқ; 2) сувини олиб ташлаб, қуритиб тозаламоқ (*қудуқни*); لاَ يُنْزَحُ битмас-туганмас; الْمِيَاهَ ~ (*қаердадир*) сувни кетказмоқ (مِنْ); 3) (*қаердандир, қаергадир*) кўчиб ўтмоқ, кўчиб кетмоқ, ўтиб олмоқ (إِلَى, عَنْ); (*қаердандир, қаергадир*) кўчиб кетмоқ, эмиграция қилмоқ (إِلَى, عَنْ) (*шунингдек:* نُزِحَ بِهِ); (*қаергадир*) ўтмоқ, ўтиб кетмоқ (*мас. олтин ҳақида*); IV أَنْزَحَ (*қудуқни*) қуритмоқ, тозаламоқ; (*мас, қайиқдан*) сувни чиқазиб ташламоқ, олиб ташламоқ (مِنْ); VIII اِنْتَزَحَ 1) олиб ташланмоқ, тозаланмоқ; 2) (*қаердандир*) узоқлашмоқ, кўчиб кетмоқ (عَنْ)

– نَازِحٌ 1) узоқ, узоқдаги, узоқлашган; 2) тозаловчи, сувини қуритувчи, الْمَاءِ ~ а) қайиқдаги сувни олиб ташловчи; б) *денг.* буғ кучи билан ишлайдиган насос; الْمَجَارِيرِ ~ ахлатларни (нажасларни) тозаловчи одам; 2) эмигрант

– نَزَّاحٌ ахлатларни (нажасларни) тозаловчи одам

– نَزَحٌ *кўп.* أَنْزَاحٌ лойқа сув

– نَزِيحٌ, نُزُوحٌ узоқ, узоқдаги, узоқлашган

– نُزُوحٌ (*қаердандир, қаергадир*) кетиш, жўнаш, эмиграция; (*мас, олтиннинг*) ўтиб кетиб қолиши

I نَزُرَ (*y*) نَزْرٌ кам учрамоқ, кам топилмоқ, камёб бўлмоқ; оз бўлмоқ, оз сонли бўлмоқ

– مَنْزُورٌ оз миқдордаги, оз

– نَزْرٌ, نَزِيرٌ 1) оз сонли; оз миқдордаги; يَسِيرٌ ~ а) оз миқдордаги; б) оз, озгина; 2) оз миқдор, оз сон

I (نزع) نَزَعَ[1] (*u*) نَزْعٌ 1) узоқлаштирмоқ, четлатмоқ; ишдан олмоқ, амалдан бўшатмоқ; نُزِعَ عَنْ وَظِيفَتِهِ уни амалдан бўшатдилар; 2) суғуриб олмоқ, ажратиб олмоқ, йиртиб олмоқ, суғуриб чиқармоқ; يَدَهُ مِنَ الطَّاعَةِ ~ *маж.* кимгадир бўйсунмай қўймоқ; 3) (*н. дандир*) маҳрум қилмоқ, айирмоқ (مِنْ); (*к. дандир*) тортиб олмоқ, олиб қўймоқ, зўрлик билан тортиб олмоқ, зўрлик билан ажратиб олмоқ (مِنْ);مِنْهُ حَقَّهُ ~ кимнидир ҳуқуқидан маҳрум қилмоқ; السِّلاَحَ (التَّسْلِيحَ) ~ қуролсизлантирмоқ; مُلْكِيَّةً ~ мол-мулкини тортиб олиб қўймоқ; الرُّتْبَةَ ~ *ҳарб.* унвонини пасайтирмоқ; 4) (*кийимни*) ечмоқ; الْقِنَاعَ ~ *кўч.м.* ниқобни олмоқ, ниқобни олиб ташламоқ; ثِيَابَهُ ~ ечинмоқ; عَنْ غَيْرِهِ ثِيَابَهُ ~ *ёки* عَنْهُ الثِّيَابَ ~ кимнидир ечинтирмоқ; 5) (*терини*) шилмоқ, шилиб олмоқ; 6) (*қайсидир ишни*) бажаришдан тўхтамоқ (عَنْ); 7) *мед.* жон талашмоқ, ўлим талвасасида бўлмоқ; نَزَعَ[2] (*u*) نُزُوعٌ 1) (*н. нидир*) хоҳламоқ, истамоқ; (*н. гадир*) интилмоқ, ҳаракат қилмоқ (إِلَى); (*қандайдир*) тамойилда (тенденцияда) бўлмоқ, (*н. дир қилишни*) ўз олдига мақсад қилиб қўймоқ (إِلَى); (*н. нидир*) кўзламоқ (إِلَى), (*н. гадир*) қараб бормоқ (إِلَى); 2) (*н. нидир*) йўналтирмоқ, отмоқ, жўнатмоқ (ب); بِالسَّهْمِ ~ (*ёйдан*) ўқ отмоқ; 3) (*к. гадир*) ўхшамоқ (*туш.к. ёки* إِلَى); ◊ الْفُرْصَةَ ~ фурсатдан фойдаланмоқ; II نَزَّعَ узоқлаштирмоқ, четлатмоқ, тортиб олмоқ, тортиб олиб қўймоқ; III نَازَعَ бошлашмоқ, талашмоқ, эътибор билдирмоқ, қарши чиқмоқ, олишмоқ, довлашмоқ; 2) курашмоқ, жанг қилмоқ; тортиб олишга интилмоқ; 3) *мед.* жон талашмоқ, жон талвасасида бўлмоқ; ~ت اَلنَّفْسُ إِلَى شَيْءٍ бирор нарсани соғинмоқ; VI تَنَازَعَ 1) баҳслашмоқ, олишмоқ, довлашмоқ; 2) бир-бири билан жанг қилмоқ, олишмоқ; VIII اِنْتَزَعَ 1) тортиб олиб қўймоқ; маҳрум бўлмоқ; 2) четлатилмоқ, олиб ташланмоқ; 3) узоқлаштирмоқ; суғурмоқ, суғуриб чиқармоқ; узиб ташламоқ, йиртмоқ; ◊ الْفُرْصَةَ ~ фурсатдан фойдаланмоқ

– اِنْتِزَاعٌ тортиб олиш, маҳрум бўлиш; узоқлашиш

– أَنْزَعُ *мн.* نُزْعَاءُ *кўп.* نُزْعٌ: ~ رَجُلٌ пешонасининг икки томонидан сочи тўкилган одам

– تَنَازُعٌ 1) баҳс, жанжал; 2) кураш; الْبَقَاءِ ~ *биол.* яшаш учун кураш

– مُتَنَازَعٌ: عَلَيْهِ (فِيهِ) ~ баҳсга мавзу бўлган, талашилган, тортишилган

– مُنَازَعٌ: عَلَيْهِ (فِيهِ) ~ а) жанжалли, баҳсли; б) довлашиш, олишишга сабаб бўлган нарса

– مُنَازِعٌ 1) курашувчи, олишувчи, бахслашувчи; ~ بِلاَ шак-шубҳасиз; 2) жон талвасасига олиб келувчи

– مُنَازَعَةٌ *кўп.* ـاتٌ — 1) баҳс, жанжал, зиддият; 2) кураш, олишиш, довлашиш; 3) *мед.* жон талвасаси

– مَنْزَعٌ *кўп.* مَنَازِعُ 1) мақсад, интилиш; 2) йўналиш, оқим; ◊ لَمْ ~ يَعُدْ لِلصَّبْرِ ортиқча тоқат килиб бўлмайди

– مِنْزَعٌ ўқ (*ёйники*)

– مَنْزُوعٌ 1) тортиб олинган, олиб қўйилган; 2) (*н. дандир*) маҳрум бўлган, маҳрум қилинган;

مَنْطَقَةٌ ~ـــةُ السِّلاَحِ истеҳкомлар қуриш ва аскар сақлаш таъқиқланган жой (ер)

– نَازِعٌ *кўп.* نُزَّاعٌ, نَزَعَةٌ 1) бегона; 2) тортиб олувчи, суғуриб олувчи

– نَازِعَةٌ *кўп.* نَوَازِعُ интилиш, майл, эҳтирос, ҳавас; نَوَازِعُ نَفْسِيَّةٌ самимий истаклар, самимий тилаклар

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نَزَّاعٌ (*н. гадир*) интилувчи (إِلَى); (*н. гадир*) мойил (إِلَى)

– نِزَاعٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) баҳс, жанжал, зиддият; ~ لاَ шак-шубҳасиз; قَضَائِيٌّ ~ суд орқали олишув, тортишув; لاَ ~ عَلَيْهِ (فِيهِ) шубҳасиз, эътироз қилинмайдиган;; ~ (فِيهِ) عَلَيْهِ жанжалли, ҳал қилинмаган, ихтилофли; ~ مَثَارُ мунозарага сабаб бўлган мавзу; 2) кураш; ~ الطَّبَقَاتِ синфий кураш; 3) *мед.* жон талвасаси, ўлим олдидаги талваса

– نِزَاعَةٌ жанжал, тортишиш

– نِزَاعِيٌّ жанжал (тортишув, мунозара) га оид

– نَزْعٌ 1) узоқлаштириш, четлатиш; олиб ташлаш; 2) тортиб олиш, маҳрум қилиш; ~ السِّلاَحِ қуролсизланиш; ~ السِّلاَحِ العَامُّ (الشَّامِلُ) التَّامُّ умумий қуролсизланиш; ~ السِّلاَحِ مُؤْتَمَرُ қуролсизланиш бўйича конференция; ~ المُلْكِيَّةِ мол-мулкни тортиб олиш; ~ الثِّقَةِ ишончсизлик билдириш; 3) *мед.* жон талвасаси, ўлим олдидаги талваса

– نَزْعَةٌ *кўп.* نَزَعَاتٌ 1) ўзига хос хусусият, ўзига хослик; 2) интилиш, мақсад; 3) (*мас. адабиётдаги*) йўналиш, оқим; тенденция; 4) хусусият; мойиллик; дид; фикр, ишонч; ~ الجُمُودِ الْعَقَائِدِيِّ догматизм, ~ الشُّوفِينِيَّةِ шовинизм; ~ الذَّاتِيَّةِ *фалс.* субъективизм; ذُو ~ الرُّوسِيَّةِ русофил (*руслярга оид ҳар нарсани улуғловчи, унга тиз чўкувчи*)

– نَزَعَةٌ *ик. с.* نَزَعَانِ пешонанинг соч тўкилиши мумкин бўлган қисми

– نُزُوعٌ (*н. гадир*) интилиш, хоҳиш; тортилиш

– نَزِيعٌ *кўп.* نُزَّاعٌ бегона, ёт, чет киши

I نَزَغَ (а) نَزْغٌ (*к. ларнингдир орасига*) адоват солмоқ (بَيْنَ); (*к. нидир н. гадир*) васваса қилмоқ, қизиқтирмоқ (*туш.к.* إِلَى)

– نَزْغَةٌ *кўп* نَزَغَاتٌ 1) ёмон ният, бемаъни ният; نَزَغَاتُ السُّوءِ ёмон фикр-хаёллар; 2) қизиқтириш, мафтун қилиш, васваса қилиш, йўлдан оздириш; نَزَغَاتُ الشَّيْطَانِ шайтон васвасаси

I نَزَفَ (*и*) نَزْفٌ 1) қориқ билан қон олмоқ; 2) (*қудуқнинг*) сувини олиб тугатмоқ; 3) кўп қон кетмоқ, кўп қон йўқотмоқ; IV أَنْزَفَ 1) қориқ билан қон олмоқ; 2) сувсиз қолмоқ, сув қуриб қолмоқ; X اسْتَنْزَفَ 1) сарфламоқ, тамом қилмоқ, тугатмоқ; 2) чўмичлаб олиб сувини тугатмоқ, эмиб *ёки* шимиб битирмоқ

– اسْتِنْزَافٌ тамом қилиш, тугатиш; (*мас. ресурсларни*) ишлатиб тугатиш

– اسْتِنْزَافِيٌّ тамом қилувчи, тугатувчи; حَرْبٌ ~ةٌ тинкани қуритувчи уруш

– مَنْزَفَةٌ садуф (*қудуқдан сув чиқариш учун мослама*)

– مَنْزُوفٌ тинкаси қуриган, мадорсиз; кўп қон йўқотиб ҳолдан кетган; الطَّاقَةِ ~ ҳолсиз, мадорсиз

– نُزَافٌ *мед* қон кетиш касали

– نَزْفٌ қувватнинг кетиши, мадорсизлик; қон кетгандан кейинги ҳолсизлик; الدَّمِ ~ қон кетиш

– نُزْفَةٌ *кўп.* نُزَفٌ озгина миқдор; مِنَ الْمَاءِ ~ озгина сув

– نَزِيفٌ[1] қон қуйилиши; ~ الْمُخِّ *ёки* الـــ~ الْمُخِّيُّ мияга қон қуйилиши

– نَزِيفٌ[2] = مَنْزُوفٌ

I نَزَقَ (*а*) نَزَقٌ 1) енгилтак бўлмоқ, тентакланмоқ, бемулоҳаза бўлмоқ; 2) сержаҳл (жиззаки) бўлмоқ

– نَزَقٌ 1) енгилтаклик, бемулоҳазалик,тадбирсизлик; 2) сержаҳллик, жиззакилик; 3) қизғинлик, ошиқиш, ҳовлиқиш, шиддат

– نَزِقٌ 1) енгилтак, бемулоҳаза, тадбирсиз; 2) сержаҳл, жиззаки

I نَزَكَ (*у*) نَزْكٌ санчмоқ, суқмоқ, санчиб тешмоқ, санчиб ўтказмоқ

– نَيْزَكٌ *алиф. б. қар.*

I (نزل) نَزَلَ (*и*) نُزُولٌ 1) (*н. дандир*) тушмоқ, пастламоқ (مِنْ); етган жойга бориб тушмоқ; *дин.* нозил бўлмоқ (*Қуръони Карим ҳақида*); 2) (*к. нидир*) туширмоқ, пастлатмоқ, етган жойга туширмоқ (ب); 3) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх ҳақида*); босилмоқ, сусаймоқ, тинчиб қолмоқ (*вабо ва ш. к. лар ҳақида*); 4) ётмоқ (*ётгир ҳақида*); 5) (*меҳмонхонага*) тушмоқ, қўнмоқ, жойлашмоқ (فِي ,ب); 6) (*бирор н га*) қўнмоқ (*қуш, самолёт ҳақида*); 7) (*бирор н. га*) марҳамат қилмоқ, илтифот кўрсатмоқ (عِنْدَ); (رَغْبَتِهِ) عِنْدَ مَصْلَحَتِهِ ~ кимнингдир талабини (хоҳишини) қондирмоқ; 8) (*н. гадир*) қўшилмоқ (عَلَى); (رَأْيِهِ) عَلَى حُكْمِهِ ~ кимнингдир қарорига (фикрига) қўшилмоқ; 9) дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ. бошга тушмоқ (*фалокат ҳақида*, ب); 10) (*н. нидир*) рад қилмоқ, қайтармоқ (,مِنْ ب), (*н. дандир*) қайтмоқ (مِنْ ,عَنْ), (*н. дир к. нингдир фойдасига*) ўтиб бермоқ, камитмоқ, чегирмоқ (عَنْ ,لِـــ); 11) (*к. гадир*) ташланмоқ (عَلَى); 12) (*қаергадир*) кирмоқ; ضَيْفًا ~ (*к. никигадир*) меҳмон бўлиб келмоқ (عَلَى); حَسَنًا مَنْزِلاً مِنْهُ فَاطِمَةُ ~تْ Фотима унда яхши таассурот қолдирди; نَزْلَةٌ (*а*) نَزْلٌ шамолламоқ, шамоллаб қолмоқ; пилла чиқмоқ (тиш милки йирингламоқ, газак олмоқ) II نَزَّلَ (*тўлов миқдорини*) туширмоқ, пайсайтирмоқ, (*нархни*) арзонлаштирмоқ; (*нархни ёки оғирликни*) пайсайтирмоқ, скидка қилмоқ; 2) *мат.* айирмоқ, олмоқ; 3) туширмоқ, пасайтирмоқ; 4) (*меҳмонни*) жойлаштирмоқ, жойламоқ; 5) (*бирор н. қадаб*) нақш солмоқ (ب). олтин қадаб нақш солмоқ; 6) *дин* (*бирор н*) нозил қилмоқ; ◊ مِنَ الْعَرْشِ ~ тахтдан туширмоқ; دَرَجَتَهُ ~ мансаб *ёки* унвонни пасайтирмоқ; دَفْنَهُ ~ соқол қўймоқ; آيَاتِ السُّخْطِ عَلَى ~ (*бирор к. га нисбатан*) ғазаб қўзғатмоқ; III نَازَلَ (*к. билан*дир) олишмоқ, курашмоқ, уришмоқ; IV أَنْزَلَ 1) (*мас., кемадан*) тушмоқ (مِنْ); الْجُيُوشِ ~ қўшин. десант туширмоқ; 2) туширмоқ, пастлатмоқ; байроқни туширмоқ; 3) (*қаергадир*) жойлаштирмоқ, жойламоқ (ب); 4) пастлатмоқ; السِّعْرَ ~ нархни туширмоқ; ~

www.ziyouz.com kutubxonasi

الضَّابِطَ عَلَى الْعَسْكَرِيِّ зобит (офицер) ни оддий солдатликка тушириб қўймоқ; 5) *дин.* (*бирор н.*) нозил қилмоқ; ◊ ~ بِهِ الْخَسَارَةَ кимгадир зарар келтирмоқ; ... ضَرْبَةً قَاصِيَةً فِي ~ ...га қақшатқич зарба бермоқ; ~ عِقَابًا بِهِ кимгадир жазо бермоқ; V تَنَزَّلَ (*н. дадир*) ён бермоқ, тан бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; (*н. дандир*) қайтмоқ, орқага қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); 2) секин-аста пастламоқ, пастга тушмоқ; *кўч.м.* (...*гача*) пастламоқ, тушмоқ (إِلَى); VI تَنَازَلَ 1) (*н. биландир*) марҳамат қилмоқ, илтифот қилмоқ (بِ); (*н. гадир*) ён бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; тан бермоқ, (*н. гадир*) кўнмоқ, рози бўлмоқ; (*н. дандир*) қайтмоқ, орқага қайтмоқ, чекинмоқ (عَنْ); عَنِ الْعَرْشِ ~ тахтдан воз кечмоқ; 2) курашмоқ, жанг олиб бормоқ; ◊ فَتَنَازَلْ بِالْبَحْثِ! марҳамат қилиб қидиринг!; X اسْتَنْزَلَ 1) тушишни илтимос қилмоқ (сўрамоқ); اللَّعَنَاتِ ~ лаънат ёғдирмоқ, қарғамоқ; الْأَرْوَاحَ ~ руҳларни чорламоқ; 2) (*н. нидир*) юқоридан ташламоқ, туширмоқ; 3) (*н. нидир*) юқоридан, тепадан олмоқ; 4) *мат.* айирмоқ, олмоқ; 5) اسْتِنْزَلَ мансаби *ёки* унвони пастлатилмоқ

– إِنْزَالٌ 1) тушириш; *ҳарб.* (*қўшин*) тушириш. десант; 2) жойлаштириш; жой бериш; 3) *дин.* нозил қилиш

– تَنَازُلٌ (*н. дандир*) қайтиш, чекиниш (عَنْ); ён бериш, тан бериш, кўниш, рози бўлиш; ўтказиш; 3) марҳамат қилиш, илтифот; 4) кураш, жанг

– تَنَازُلِيٌّ аста-секин пастловчи, ~ـةٌ ضَرِيبَةٌ муносиб равишда пасайиб борувчи солиқ

– تَنْزِيلٌ 1) тушириш, пастлатиш; 2) тушириш, пастлатиш; ~ الْأَثْمَانِ нархларни тушириш; ~ الْمَقَامِ мансаб *ёки* унвонни пастлатиш; 3) чегириш, айириб қолиш; 4) *мат* айирув, олув, 5) нақш бериш, зеб бериш; 6) *дин.* нозил қилиш, нозил қилинган нарса; ~ الْعَزِيزِ Қуръони Карим

– مُتَنَازَلٌ узатилган, тан берилган, ён босилган; إِلَيْهِ ~ (*н. дир*) узатилган киши; ваколатли шахс, ишончли одам

– مُتَنَازِلٌ 1) (*н. дандир*) қайтувчи (عَنْ), (*н. нидир*) рад этувчи (عَنْ); 2) ён босувчи, тан берувчи, кўринувчи, рози бўлувчи; 3) ишонч билдирган шахс

– مُنْزَلٌ *дин* нозил бўлган,нозил қилинган; ~ الْكَلَامُ الْـ *ёки* ~ الْكِتَابُ الْـ Қуръони Карим; الْكُتُبُ الْـ~ـةُ нозил бўлган муқаддас китоблар

– مَنْزِلٌ *кўп* مَنَازِلُ 1) турар жой; квартира; хонадон; уй; صَاحِبُ ~ الْـ уй соҳиби (эгаси); أَهْلُ الْـ~ оила; عِلْمُ تَدْبِيرِ الْـ~ уй ишларини юритиш билимлари; 2) *астр.* ойнинг ҳолати; 3) ҳайвон ва қушлар сув ичадиган жой

– مَنْزِلَةٌ *кўп* مَنَازِلُ 1) даража. унвон; 2) (*ижтимоий*) ҳолат. обрў. ҳурмат. эътибор

– مَنْزِلِيٌّ уйга оид; التَّدْبِيرُ الْـ~ уй хўжалиги

– مَنْزُولٌ *кўп* مَنَازِيلُ 1) наркотик модда (*афюннинг бошқа наркотик моддалар билан қоришмаси*); 2) фоҳишахона. исловатхона (*Ироқда*)

– مَنْزُولِيٌّ наркотик модда истеъмол қилувчи, гиёҳванд

– نَازِلٌ *кўп* نُزَّالٌ 1) (*қаердандир*) тушувчи, тушиб келувчи; 2) турар жойни ижарага олувчи; ҳамхона

– نَازِلَةٌ *кўп* نَوَازِلُ фалокат, бало, офат; ~ بِهَا نَزَلَتْ унинг бошига фалокат тушди; ~ الْمَالِيَّةُ молиявий кризис

– نَزَالِ пастга тушинг!

– نِزَالٌ жанг, кураш, олишув

– نِزَالَةٌ бадарға, сургун; колония; эммигрантлар, чет элдан келиб яшовчилар

– نَزْلٌ *кўп* أَنْزَالٌ саховат. яхшилик, фазилат; رَجُلٌ كَثِيرُ الْـ~ қўли очиқ одам

– نُزُلٌ[1], نَزْلٌ *кўп* أَنْزَالٌ меҳмонхона, карвонсарой, қовоқхона

– نُزْلٌ[2] (*н. нингдир*) энг олди, энг яхшиси

– نُزُلٌ *кўп* أَنْزَالٌ 1) меҳмон учун ҳозирланган зиёфат; 2) озиқ-овқат

– نَزْلَةٌ *кўп* نَزَلَاتٌ 1) тушиш, пастлашиш; келиш, етиб келиш; ~ الْحَجِّ *дин.* Маккаи мукаррамадан маҳмалнинг (*қар.* مَحْمَلٌ[1]) Қоҳирага етиб келишига бағишланган тантанали маросим; 2) пастлик, қиялик, нишаб; ~ كُلُّ طَلْعَةٍ وَ لَهَا *мкл* ҳар бир тепаликнинг пастлиги ҳам бўлади (ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғдир); 3) шамоллаш; яллиғланиш, катар; ~ الْبَرْدِ тумов; ~ الْـ *ёки* الشُّعَبِيَّةُ الصَّدْرِيَّةُ бронхит; ~ الْـ الْوَافِدَةُ грипп; ~ الْـ الْمَعِدِيَّةُ ошқозон яллиғланиши, гастрит; 4) марта, бор, сафар, гал; ~ أُخْرَى бошқа гал, нариги сафарда

– نُزْلَةٌ зиёфат, меҳмоннавозлик

– نُزُولٌ 1) чиқиш, келиш; тушиш; ~ عِنْدَ (عَلَى) رَغْبَتِهِ унинг хоҳишига қараб; ~ عَلَى مَشِيئَتِهِ فَعَلَ هَذَا у бу ишни унинг раъйига қараб қилди; ~ الْأَمْطَارِ ёмғир ёғиши, ёғингарчилик; 2) (*самолётнинг*) қўниши, келиши; (اضْطِرَارِيٌّ) ~ إِجْبَارِيٌّ носиложликдан қўниш; 3) (*нархнинг*) тушиши); ~ مُضَارِبٌ عَلَى الْـ чайқовчи, олибсотар, 4) яшаш, турар жойда яшаш; ~ أُجْرَةُ الْـ яшаш учун тўланадиган тўлов, квартира ҳақи; 5) шамоллаш, яллиғланиш; ~ نَزَلَ عَلَيْهِ الْـ унинг мазаси қочиб қолди

– نُزُولٌ مُضَارِبٌ عَلَى النُّزُولِ = نُزُولِيٌّ *қар.*

– نَزِيلٌ *кўп* نُزَلَاءُ 1) меҳмон; 2) ҳамхона, яшовчи; Мисрда яшовчи; ~ الْمُسْتَشْفَى касалхонада даволанувчи бемор

نَزْنَزَ гўдак болани қўлда аллаламоқ (*она ҳақида*); парвариш қилмоқ, тарбияламоқ

– نَزْنَزَةٌ тарбиялаш, парваришлаб вояга етказиш

I نَزُهَ (*у*) نَزَهَ (*а*) نَزَاهَةٌ 1) (*ҳаво, иқлим ёки бирор жой*) тоза бўлмоқ, мусаффо бўлмоқ; 2) софдил (тўғри, ҳалол) бўлмоқ; бенуқсон (тўкис, бежирим) бўлмоқ, алоқаси (иштироки) йўқ бўлмоқ; порага учмайдиган бўлмоқ, сотилмайдиган бўлмоқ; 3) (*ёмон н. лардан*) узоқ (холи) бўлмоқ, пок бўлмоқ (عَنْ); نَزِهَتِ الْأَرْضُ ер ўт-ўланлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан безанди; II نَزَّهَ 1) тозаламоқ, мусаффо қилмоқ, тузатмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқлаштирмоқ, озод (холи) қилмоқ, диққатини бошқа ёққа бурмоқ (عَنْ); الْوَلَدَ عَنِ الْمَدْرَسَةِ ~ болани мактабга бермай қўймоқ, болани мактабда ўқитмай қўймоқ; 3) сайр қилдирмоқ, ўйнатиб келмоқ; кўнглини очмоқ, хурсанд қилмоқ; 4) мавҳумлаштирмоқ; V تَنَزَّهَ 1) сайр қилмоқ, ўйнаб келмоқ; 2) (*н. дандир*) узоқда бўлмоқ, узоқлашмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) ўзини тиймоқ (عَنْ); (*н. нидир*) рад этмоқ (عَنْ); (*н. дандир*) қайтмоқ (عَنْ); 3) кўнгилхушлик қилмоқ, хурсандчилик қилмоқ; 4) мавҳумлашмоқ

– تَنْزِيهٌ 1) (*барча ёмон н. лардан*) узоқлаштириш; 2) тозалаш, озода қилиш; 3) сайр қилдириш, хурсанд қилиш, кўнглини очиш; 4) мавҳумлаштириш

– تَنَزُّهٌ *кўп.* اتٌ ـــ сайр қилиш, ўйнаб келиш; дилхушлик қилиш

– مُتَنَزَّهٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) бирор ўйин ўйнаш учун ажратилган майдонча; сайр қиладиган жой; 2) шоҳ кўча, проспект; 3) истироҳат боғи, парк

– مُتَنَزِّهٌ сайр қилувчи, ўйнаб юрувчи

– مُنْتَزَهٌ *кўп.* اتٌ ـــ бирор ўйин ўйнаш учун ажратилган майдонча; сайргоҳ, сайлгоҳ; боғ, парк

– مَنْزَهٌ сайргоҳ, сайлгоҳ; боғ, парк

– مُنَزَّهٌ 1) мусаффоланган, тозаланган, тоза; 2) (*н. дандир*) холи (مِنْ,عَنْ); عَنِ الْخَطَأِ ~ гуноҳдан пок

– نَزَاهَةٌ ҳимматлилик, саховатлилик, поклик, виждонлилик, порага учмаслик, сотилмаслик; бетарафлик, холислик, беғаразлик; ~ فِي виждонан

– نَزَهٌ = نَزَاهَةٌ

– نَزِهٌ *кўп.* نَزِهُونَ ҳимматли, саховатли; пок, виждонли, порага учмайдиган, сотилмайдиган; бетараф, холис, беғараз

– نُزْهَةٌ *кўп.* نُزَهٌ 1) сайр, сайл, саёҳат, экскурсия; дилхушлик, хурсандчилик; ~ الـــ مَوَاضِعُ (أَمَاكِنُ) кўнгилхушлик (дилхушлик) қиладиган жойлар; 2) қувонч, севинч, шодлик; 3) узоқдалик; هُوَ ~ بِـــ عَنْ كُلِّ مَا قِيلَ بِحَقِّهِ у ўзига нисбатан айтилган нарсаларнинг барчасидан узоқдадир

– نُزْهِيٌّ *кўп* نُزْهِيُّونَ 1) ўз роҳатинигина кўзлаб яшовчи; 2) исрофгар, исрофчи

– نَزِيهٌ[1] *кўп.* نُزَهَاءُ = نَزِهٌ

– نَزِيهٌ[2] холи,ҳеч ким маъжуд бўлмаган; ~ مَكَانٌ холи жой

I نَزَا (نزو) (*у*) نُزُوٌّ, نَزَوَانٌ 1) сакрамоқ, ирғимоқ; 2) (*урғочи ҳайвонни*) қочирмоқ (عَلَى); الْفَحْلُ ~ عَلَى айғир сакради (ирғиди, чопди), қочирди; 3) (*к. нидир*) қизиқтирмоқ (ب); بِهِ قَلْبُهُ ~ (*к. гадир томон*) интилмоқ (إِلَى); 4) (*к. дандир, н дандир*) қочмоқ, қочиб қутилмоқ, жўнаб колмоқ (إِلَى); IV أَنْزَى қочирмоқ, чотирмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); V تَنَزَّى 1) ўйноқламоқ, сакраб кетмоқ, безангламоқ; 2) урмоқ, тепмоқ (*юрак ҳақида*); кўтарилмоқ (*кўкрак ҳақида*)

– نِزَاءٌ (*урғочи ҳайвонни*) қочириш

– نَزْوٌ (*урғочи ҳайвонни*) қочириш; 2) урғочи ҳайвонларнинг куйикиш даври

– نَزَوَانٌ 1) сакраш, чопиш; ирғиш, сапчиш; 2) шиддат, тутақиш, ўртаниш

– نَزْوَةٌ *кўп.* نَزَوَاتٌ 1) ирғиш, сапчиш; 2) шиддат, тутақиш, ўртаниш; 3) инжиқлик, қайсарлик; фантазия, тантиқлик, ғалатилик

– نَازِيٌّ 1) национал-социалистик; شَارَةٌ ~ــةٌ учлари қайрилган салб, свастика, фашистлар рамзи; 2) национал-социалист, нацист

– نَازِيَّةٌ: ~ الـــ нацизм

I نَسَأَ (*а*) نَسْءٌ 1) орқага сурмоқ, кейинга қолдирмоқ, муддатни чўзмоқ (узайтирмоқ); 2) қарзга (насияга) мол сотмоқ IV أَنْسَأَ насияга (кредитга) мол сотмоқ

– مِنْسَأَةٌ ҳасса, асо, чўпонлар калтаги

– نَسَاءٌ 1) узоқ умр кўришлик, узоқ яшашлик; 2) = نَسِيئَةٌ

– نُفُوذٌ 1) таъсир; ~ ذُو таъсирли, таъсирчан; مَنَاطِقُ الـ~ таъсир доираси; 2) амал, фаолият, таъсирчанлик; 3) обрў, эътибор; 4) кириш, суқулиб кириш

I **نَفَرَ** (*и, у*) نَفَارٌ, نُفُورٌ 1) (*н. дандир*) қўрқмоқ, хавфсирамоқ (مِنْ); تَنْفِرُ مِنْهُ الْأُذُنُ қулоққа бу нарса ёқади (*сўзма-сўз:* бундан қулоқ қўрқмайди); 2) қочмоқ, қочиб кетмоқ; الدَّمُ ~ қон оқиб турибди, қон тирқираб оқмоқда; 3) (*қаергадир*) шошилмоқ (إِلَى); (*н. дандир*) четланмоқ, (*н. дандир*) узоқлашмоқ, йироқлашмоқ (عَنْ); 4) (*к. дандир*) нафратланмоқ, (*к. нидир, н. нидир*) ёмон кўрмоқ (مِنْ); 5) шошмоқ, шошиб кетмоқ; 6) бўртиб чиқмоқ, бўртма бўлмоқ; ◊ ~ الحَاجُّ مِنْ مِنًى ҳожи Минодан Маккага қайтди; II نَفَّرَ 1) қўрқитмоқ, хавф солмоқ; (*н. дандир*) чўчитиб ҳайдамоқ, кеткизмоқ (مِنْ); 2) ўзидан нарига итармоқ, туртмоқ; (*бирор кишига нисбатан*) нафрат уйғотмоқ, нафлатлантирмоқ; (*к. лар биландир*) алоқани уздирмоқ, узоқлаштирмоқ (بَيْنَ); ◊ بَصَرَهُ إِلَيْهِ ~ нимагадир кўз ташламоқ; النَّافِرُونَ ~ (*сафарбарлик эълон қилиб*) карнайчилар карнайларини чалдилар; III نَافَرَ 1) бир-биридан нафратланмоқ; бир-бири билан бегоналашиб кетмоқ, ўзаро можаролашмоқ, жанжаллашмоқ; 2) судлашмоқ, судда гапирмоқ; 3) қадр-қийматда ўзаро беллашмоқ; هُ~ فِي الْحَسَبِ وَ النَّسَبِ ким биландир насл-насабда беллашмоқ, тортишишмоқ; IV أَنْفَرَ қўрқитмоқ, чўчитмоқ, ҳуркитмоқ; қочириб юбормоқ; VI تَنَافَرَ ўзаро бир-биридан нафратланмоқ; муросаси келишмай қолмоқ; ўзаро мувофиқ (тўғри) келмай қолмоқ; *физ.* ўзаро бир-бирларидан қочмоқ; X اسْتَنْفَرَ 1) (*к. гадир қарши*) қўзғамоқ (عَلَى); (*н. гадир*) ҳавас уйғотмоқ (لِـ); сафарбар қилмоқ; 2) безовта бўлмоқ, изтиробга тушмоқ, сесканиб кетмоқ; 3) кўрқиб қочмоқ

– اسْتِنْفَارٌ сафарбарлик

– تَنَافُرٌ ўзаро нафратланиш; ихтилоф, жанжал; ўзаро қарама-қаршилик; *муз.* оҳангнинг бузилиши, оҳангдаги уйғунсизлик; *физ.* бир-биридан қочиш; الْمَغْنَطِيسِيُّ الـ~ магнит таъсирида бир-биридан қочиш; الْأَلْوَانِ ~ бўёқлардаги уйғунсизлик; الْأَصْوَاتِ ~ *муз* оҳангдаги уйғунсизлик; الْقُلُوبِ ~ *маж.* можаролар, ихтилофлар

– تَنْفِيرٌ 1) чўчитиб ҳайдаш; 2) нафрат уйғотиш; 3) бегоналашганлик, узоклашиб кетганлик

– مُتَنَافِرٌ оҳангдошликни бузадиган (*овоз ҳақида*); номувофиқ, бир-бирига тўғри келмайдиган; ножўя, номаъқул (*ибора ҳақида*)

– مُسْتَنْفِرٌ 1) қўрқиб қочувчи; 2) қочоқ, қочқин

– مُنَافَرَةٌ 1) адоват, муросасизлик; 2) обрў-эътиборда бир-биридан ўтиш, манмансираш; الشِّعْرِ ~ шоирлик маҳорати бўйича мусобақа, мушоара

– مُنَفِّرٌ ўзидан нари қилувчи, ўзидан узоқлаштирувчи, жиркантирадиган, нафратлантирадиган

– نَافِرٌ 1) жирканувчи, жирканиб узоқлашувчи, норози; 2) ёқимсиз, нохуш; ~ تَأْلِيفٌ *муз.* оҳангнинг бузилиши, оҳангнинг йўқлиги, 3) юраксиз, ҳадикчи, чўчийдиган; 4) шишиб кетган, қавариб кетган, қаварик; 5) дўппайиб чиқиб турган; бўртма, бўрттириб ишланган

– نَافُورَةٌ фаввора, фонтан

– نَافُورِيٌّ фонтанга (фавворага) оид; ◊ طَائِرَةٌ ~ـةٌ реактив

www.ziyouz.com kutubxonasi

тайёра (самолёт)

– نَفَارٌ 1) ўзаро нафратланиш, адоват (хусумат) ҳисси; адоват, душманлик; нафрат, нафратланиш; 2) қайсарлик, ўзбилармонлик; 3) қочиш, жуфтакни ростлаш; 4) қўрқиш

– نَفْرٌ: يَوْمُ الـــ~ ҳожилар Минодан қайтадиган кун

– نَفَرٌ *кўп.* أَنْفَارٌ 1) бир неча одамлар, одамлар гуруҳи, гуруҳ; بِضْعَةُ أَنْفَارٍ مِنَ الْعَرَبِ бир неча араблар; أَنْفَارٌ مُسَلَّحُونَ қуролланган одамлар; 2) битта одам; 3) солдат; قُرْعَةٍ ~ аскарликка олинган янги солдат; الدَّرِيسَةِ ~ *т-й.* таъмир бригадаси ишчиси; ◊ يَوْمُ نَفْرٍ = يَوْمُ النَّفْرِ = الـــ~; *қар.* نَفْرٌ

– نَفْرَةٌ нафрат, жирканиш

– نُفْرَةٌ қўзмунчоқ, тилсим (*суқдан сақлайдиган*)

– نَفُورٌ қўрқоқ, ҳуркак, ҳадикчи, ёввойи

– نُفُورٌ 1) = نَفَارٌ; 2) = يَوْمُ النَّفْرِ = يَوْمُ الـــ~; *қар.* نَفْرٌ

– نَفِيرٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ карнай, бурғу; يَوْمُ الـــ~ *дин* ҳожиларнинг Мино водийсидан Маккаи мукаррамага қайтадиган куни; الـــ~ العَامُّ а) умумий сафарбарлик; б) тревога

– نَفِيرٌ[2] 1) гуруҳ, группа; 2) кўнгиллилардан иборат қўшин; ердам, мадад, кўмак; ~ عِيرٌ لَا (لَيْسَ) فِي الْعِيرِ وَ لَا فِي الـــ~ *қар.*

– نَوْفَرَةٌ *кўп.* نَوَافِرُ = نَافُورَةٌ

نَفْرُ الْحَيَا *мед* невралгия

I (نفس) **نَفُسَ** (*у*) نَفَاسَةٌ қимматбаҳо бўлмоқ, қиммат бўлмоқ; نَفُسَ (*а*) نَفَسٌ 1) (*н. нидир*) сақлаб турмоқ, ушлаб турмоқ (ب); 2) *шунингдек:* نُفِسَ 1) кўзи ёримоқ; 2) туғилмоқ; 3) (*к. гадир. н. гадир*) ҳавас қилмоқ (عَلَى), تَنْفَسُ عَلَى أُخْتِهَا جَمَالَ صَوْتِهَا у (аёл) синглисининг чиройли овозига ҳавас қилади; II نَفَّسَ 1) тарқатмоқ (*ғамни*); ҳурсанд қилмоқ, хушламоқ; тасалли бермоқ, ~ عَنْ كُرْبَةٍ ўз ғам-ташвишини тарқатиб юбормоқ, ~ عَنْ غَضَبِهِ فِي ғазабини ...-га тўкиб солмоқ, ~ عَنْ نَفْسِهِ юрагидагини баён қилмоқ, ифода этмоқ; 2) дамини чиқармоқ (*мас.. шарнинг*); 3) кўзи ёримоқ, ҳомиладан бўшалмоқ, туғмоқ; III نَافَسَ рақобат қилмоқ, беллашмоқ, (*н. нидир деб*) курашмоқ (عَلَى). IV أَنْفَسَ қимматбаҳо бўлмоқ, қиммат бўлмоқ; V تَنَفَّسَ нафас олмоқ, нафасни ростлаб олмоқ, дам олмоқ: بِعُمْقٍ ~ чуқур нафас олмоқ; الصُّعَدَاءَ ~ енгил нафас олмоқ; النَّفَسَ الْأَخِيرَ ~ сўнгги нафасини чиқармоқ; ◊ ~ الصُّبْحُ тонг отди, VI تَنَافَسَ ўзаро рақобат қилишмоқ, мусобақалашмоқ, беллашмоқ

– أَنْفَسُ энг қиммат, энг қимматбаҳо

– تَنَافُسٌ рақобат, беллашув, мусобақа

– تَنَفُّسٌ нафас олиш: أَعْضَاءُ الـــ~ *анат* нафас олиш аъзолари, تَشْغِيلُ الـــ~ الصِّنَاعِيِّ ҳавосиз нафас олиш; اللَّاهَوَائِيُّ (الْاصْطِنَاعِيُّ) сунъий нафас олдириш; مِيزَانُ الـــ~ спирометр

– تَنَفُّسِيٌّ нафас олишга оид

– تَنْفِيسٌ ҳаво чиқариш; ثُقْبُ الـــ~ туйнук, ҳаво йўли, ҳаво тортадиган тешик

– مُتَنَفَّسٌ 1) *анат.* ҳаво чиқарадиган тешик; ҳаво йўли; 2) ҳаво йўли, чиқиш жойи; ~ فَتَحَ (*н. гадир*) туйнукни очмоқ (لِـــ)

– مُنَافِسٌ рақобатчи, рақиб

– مُنَافَسَةٌ рақобат, рақиблик, беллашув, кураш; ~ دُونَ рақобатсиз

– مَنْفَسٌ *кўп.* مَنَافِسُ 1) *анат.* ҳаво чиқадиган тешик; ҳаво йўллари; 2) оғиз; 3) туйнук, ҳавони тортадиган тешик; ҳаво йўллари; 2) оғиз; 3) туйнук, ҳавони тортадиган тешик; 4) вентилятор

– مَنْفُوسٌ туғилган, дунёга келган

– مُنَافَسَةٌ = نِفَاسٌ[1]

– نِفَاسٌ[2] туғиш, кўз ёриш; кўз ёргандан кейинги покланиш; حُمَّى الـــ~ *мед* туғаётган хотинларда бўладиган оғир инфекцион касаллик

– نَفَاسَةٌ қимматлик, қимматбаҳолик

– نِفَاسِيٌّ 1) туғишга оид; الْحُمَّى الـــ~ةُ *мед* туғаётган аёлларда бўладиган инфекцион касаллик; 2) туққандан кейинги, туққандан кейин бўладиган; السَّائِلُ الـــ~ кўзи ёриётган пайтдаги оқадиган суюқлик

– نَفَسٌ *кўп.* أَنْفَاسٌ 1) нафас олиш, нафас طُولُ الـــ~ чуқур нафас олиш, чуқур олинган нафас; *кўч. м.* куч, қувват, иқтидор; قَصْرُ الـــ~ зўрға нафас олиш, зўрға олинган нафас; нафас сиқилиш, ҳарсиллаш; *кўч.м* заифлик, ожизлик, иқтидорсизлик; طَوِيلُ الـــ~ ўпкаси соғлом, соғлом ўпкали, *кўч.м.* кучли, қувватли; قَصِيرُ الـــ~ ўпкаси носоғ, носоғ ўпкали, *кўч.м.* заиф, иқтидорсиз; ~ دُخَانٍ тамаки тутунини ичга тортиш, أَخَذَ ~ـــهُ дам олмоқ, нафасни ростлаб олмоқ; أَرْسَلَ ~ا нафас чиқармоқ; أَمْسَكَ أَنْفَاسَهُ нафасни ичига ютмоқ; الْأَنْفَاسُ (اخْتَنَقَتِ) تَعَلَّقَتِ ҳамманинг дами ичига тушиб кетди; 2) буғ (*сувники*); 3) *ад.* услуб, стил; ◊ لَفَظَ ~ـــهُ الْأَخِيرَ жон бермоқ, жони узилмоқ; حَتَّى ~ـــهِ сўнгги нафасгача, жони узилгунча; فَاضَتْ أَنْفَاسُهُ у вафот этди; شَمَّ ~ـــهُ ўз кучини ҳис қилиб кўрмоқ; ~ا وَاحِدًا бира тўла, бирданига

– أَنْفُسٌ *мн. кўп.* نُفُوسٌ, 1) дил, қалб, кўнгил, юрак; بَشَقٌّ (النَّفْسِ) الْأَنْفُسِ[1] *қар.*; كَبِيرُ الـــ~ бағри кенг,олийжаноб, олийҳиммат, мард; صَغِيرُ الـــ~ пасткаш, разил, тубан; مَشْغُولُ الـــ~ ташвишли, ташвишга тушган, مُنْقَبِضُ الـــ~ қайғули, ғамгин, жуда хафа бўлган, تَرْوِيحُ الـــ~ дам, истироҳат, ҳордиқ чиқариш;

www.ziyouz.com kutubxonasi

ضَبْطُ الـــ~ совуққонлик, вазминлик; طِبُّ الـــ~ психиатрия; عِلْمُ الـــ~ психология; عَالِمُ الـــ~ وَ النَّفِيسَ психолог; بَدَلَ الـــ~ қар. بَذَلَ; ~ لَهُ تَهْدَأُ لَنْ унинг кўнгли ҳеч таскин тополмаётир; 2) қон, 3) одам, киши; 4) *грам.* шахс; 5) хоҳиш, ирода, ният, истак; иштаҳа, فَتَحَ ~ـَهُ иштаҳани очмоқ, иштаҳани қўзғатмоқ; ~ لَهُ لَيْسَ унинг иштаҳаси йўқ; فِي ~ـِي أَنْ جَاءَ مِنْ ~ـِه у ўз ихтиёри билан келди; أَحَدَثُ ~ـِي بِـــ (فِي) ... *ёки* ... мен хоҳлайманки ... ; мен ... ни хоҳлайман; 6) тиришиш, жаҳд, интилиш, жаҳду жадал; 7) манманлик, кибр, ғурур, фахр, ифтихор; كَسَرَ ~ـَهُ ерга урмоқ, таҳқирламоқ, камситмоқ, хўрламоқ; 8) (*н. нингдир*) моҳияти; فِي ~ الْأَمْرِ аслида, аслини олганда; ҳақиқатан; 9) суқ, кўз тегиш, кўзикиш; 10) ўз, ~ـُهُ унинг ўзи; ~ـِـــه у ўзи, ўз кучи билан; مَحَبَّةُ الـــ~ ўзинигина яхши кўриш, худбинлик; الْاِعْتِمَادُ عَلَى الـــ~ ўзига ишониш, ўз кучига ишониш; الثِّقَةُ بِالـــ~ ўзига ишониб катта кетиш, гердайиш; الْبَلَدِ ~ فِي шаҳарнинг ўзгинасида, шаҳар марказида; حَصَلَ الْعِلْمَ عَلَى الْإِنْسَانُ سَيِّدُ ~ـِه инсон ўзига ўзи хўжайиндир; ~ـِه мустақил илм олмоқ (ўрганмоқ); 11) ўша-ўша нарса; ~ُ الشَّيْءِ а) ўша нарса, ўша нарсанинг ўзи; б) барибир; ~ُ الْكَلَامِ ўша гапнинг ўзи; ~ُ الرَّجُلِ а) одам ўзи; б) ўша одам, ўша одамнинг ўзи; ◊ بَيْنَ وَ بَيْنَ ~ـِه ўзига ўзи, ичида

– نَفْسَاءُ ой-куни яқинлашган аёл

– نُفَسَاءُ *кўп* نَفَسَاوَاتٌ, نَفَاسٌ = نَفْسَاءُ

– نَفْسَانِيٌّ 1) руҳий, 2) психик, психологик, ~ عَالِمٌ психик жиҳатдан; психолог; 3) сезиладиган, сезиб бўладиган; 4) эгоистик

– نَفْسَانِيَّةٌ 1) эгоизм, худбинлик, 2) адоват, хусумат, ғараз

– نَفْسِيَّةٌ = نَفْسَاءُ

– نَفْسِيَّةٌ муҳлат, нафасни ростлаб олиш

– نَفْسِيٌّ = نَفْسَانِيٌّ ~ عَالِمٌ психолог; ~ تَحْلِيلٌ психологик таҳлил, анализ; ~ـَةٌ حَالَةٌ кайфият, ~ психологик жиҳатдан

– نَفْسِيَّاتٌ *кўп* 1) психологик ҳолатлар, 2) психологияга оид масалалар, 3) руҳий ҳолат

– نَفْسِيَّةٌ руҳият, психология, руҳий ҳолат

– نُفُوسٌ *кўп* аҳоли, халқ, нуфус; ~ـُ دَفْتَرُ الـــ *қар.* دَفْتَرٌ

– نَفِيسٌ қимматбаҳо, қиммат

– نَفِيسَةٌ *кўп* نَفَائِسُ қимматбаҳо нарса

I **نَفَشَ** (*у*) نَفْشٌ 1) тутмоқ, тарамоқ, юлмоқ, термоқ (*мас. жунни, пахтани*), 2) (*патларини*) ҳурпайтирмоқ, тиккайтирмоқ (*қушлар ҳақида*); (*жунларини*) ҳурпайтирмоқ (*мушук ҳақида*); 3) бўртмоқ, шишмоқ, кўпчимоқ, кўтарилмоқ; نَفَشَ (*у*) نُفُوشٌ тунда подачисиз ўтламоқ (*қўй ёки туя ҳақида*). II نَفَّشَ (*пахтани*) титмоқ, тарамоқ. IV أَنْفَشَ тунда (*қўй ёки туяни*) ўтлатишга қўйиб юбормоқ; V تَنَفَّشَ 1) бўртмоқ, шишмоқ; 2) патларини ҳурпайтирмоқ (*қуш ҳақида*); VIII اِنْتَفَشَ 1) бўртмоқ, шишмоқ, 2) ҳурпаймоқ, тиккаймоқ

– مُنْتَفِشٌ 1) кўтарилган, ҳурпайган; 2) тик турган, ғўдайиб турган; ~ شَعْرٌ пахмайган, ҳурпайган соч; ~ أَنْفٌ кўтарилган бурун

– نَفَّاشٌ наффош (*лимоннинг йирик нави*)

– نَفْشٌ юнг, жун; ◊ ~ عَفْشٌ эски-туски

I **نَفَضَ** (*у*) نَفْضٌ 1) силкитмоқ, қоқмоқ, қоқиб туширмоқ (*чангни*); ~ الشَّجَرَةَ عَنْ ... الْغُبَارَ ...нинг чангини қоқмоқ; ~ дарахтни силкитиб мевасини қоқмоқ; ~ مِنْ مَرَضِهِ тузалмоқ, соғаймоқ; 2) қалтиратмоқ, титратмоқ (*безгак ҳақида*), 3) (*н. нидир*) рад қилмоқ, қайтармоқ (عَنْ); (*н. дандир*) четлатилмоқ; ~ يَدَهُ مِنَ الْأَمْرِ *маж* қўлни ювиб қўлтиққа урмоқ; нимадандир воз кечмоқ, нимадандир қўл силтамоқ; ~ يَدَهُ مِنَ الْمَسْؤُولِيَّةِ масъулиятдан бош тортмоқ; 4) (*ўғлни*) суриштириб билмоқ; 5) қашшоқлашмоқ, қашшоқ бўлмоқ; II نَفَّضَ қаттиқ силкитмоқ, роса қоқиб тозаламоқ; тозаламоқ; ~ عَنْ كَاهِلِهِ نِيرَ الْاِسْتِعْمَارِ империализм зулмини елкасидан итқитиб ташламоқ; ~ عَنْهُ الْكَسْلَ ўзидан дангасалик ни олиб ташламоқ, дангасаликдан қутулмоқ; IV أَنْفَضَ 1) сарф қилмоқ, сарфламоқ, харж қилмоқ, харжламоқ, 2) озиқ-овқатдан қийналиб қолмоқ, қашшоқлашмоқ; V تَنَفَّضَ силкитилмоқ, тозаланмоқ; VIII اِنْتَفَضَ 1) силкинмоқ қоқилмоқ; 2) титрамоқ, қалтирамоқ, сесканмоқ, сесканиб кетмоқ; 3) (*бирор кишига қарши*) қўзғолмоқ, кўтарилмоқ; 4) сакрамоқ, сапчимоқ

– اِنْتِفَاضٌ қўзғолиш, кўтарилиш; ~ مُسَلَّحٌ қуролли қўзғолон

– اِنْتِفَاضَةٌ *кўп* ـَاتٌ 1) қўзғолон; инқилобий қўзғолон; 1) титраш, қалтираш

– إِنْقِبَاضٌ қашшоқланиш, муҳтожлик; حَالَى الْوِقَاضِ بَادِي ~ـِه *қар* وِقْضَةٌ

– أُنْقُوضَةٌ *кўп* أَنَافِيضُ қоқилган, тўкилган мевалар

– مِنْفَضٌ *кўп* مَنَافِضُ дон совурадиган машина, катта сим ғалвир

– مِنْفَضَةٌ *кўп* مَنَافِضُ кулдон

– مِنْفَضَةٌ *кўп* مَنَافِضُ (*бирор н. ни*) силкиш, қоқиш учун мослама; ~ لِلسَّجَائِرِ кулдон

– نَافِضٌ حُمَّى ~ـَةُ баданни қалтиратадиган безгак

– نَفَاضٌ безгак, титраш, қалтираш

– نَفَّاضٌ болалар ошхўраги

– نُفَاضَةٌ, نُفَاضٌ қоқиладиган, силкитиладиган нарса (*мас. барглар, мевалар ва ҳ. к*)

– نَفْضٌ زَيْتُ الـــ~ скипидар

– نَفِيضٌ қоқилган, силкитилган (*барглар, мевалар ва ҳ. к.*)

– نَفِيضَةٌ болалар ва ёшларнинг ҳарбий-сиёсий ташкилоти аъзолари, разведкачилар, патрул, соқчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نُفْضَةٌ, نُفَضَةٌ титраш, қалтираш

-- نَفَضَةٌ *кўп.* نَفَائِضُ = نَفِيضَةٌ

I (نفط) **نَفَطَ** (*а*) نَفْطٌ қавариқ (пўрсилдоқ) билан қопланмоқ; نَفَطَ (*и*) نَفْطٌ 1) қайнамоқ; 2) ғазабланмоқ; аччиқланмоқ, аччиғи келмоқ; II نَفَّطَ қавартирмоқ, пўрсилдоқ билан қоплатмоқ; V تَنَفَّطَ 1) қавариқ (пўрсилдоқ) билан қопланмоқ; 2) ғазабланмоқ, аччиқланмоқ, аччиғи келмоқ

– مُنَفِّطٌ *кўп.* ـاتٌ йиринг тортадиган малҳам, ярани ёрадиган дори

– نَفَّاطٌ *кўп.* نَفَّاطُونَ, نَفَّاطَةٌ нефтчи

– نَفَّاطَةٌ 1) нефть бор жой, нефтга бой ер; 2) нефть кони

– نَفَّاطَةٌ нефтчилик, нефтчилик касби

– نَفْطٌ[1], نِفْطٌ нефть; نَفْطُ الْحَامُ ~ хом нефть; آبَارُ ~ нефть қудуқлари; مَنَابِعُ ~ нефть манбалари; زَيْتُ ~ скипидар

– نُفُطٌ[2] *жам.* қаварикдар, пўрсилдоқлар

– نُفْطٌ *гоҳо* نَفْطٌ ёғ, мой, жир

– نَفْطَةٌ қавариқ, пўрсилдоқ

– نُفَطَةٌ сержаҳл, серзарда, жиртаки, жиззаки

– نَفْطِيٌّ нефтга оид

I **نَفَعَ** (*а*) نَفْعٌ фойдали бўлмоқ, фойдаси бўлмоқ, фойда келтирмоқ; (*бирор н. га*) ярамоқ (لـ); لَا يَنْفَعُ бефойда: لَا يَضُرُّ وَ لَا يَنْفَعُ у ҳеч нарсага ярамайди, унинг қўлидан ҳеч нарса келмайди; II نَفَّعَ фойда чиқармоқ, ишлатмоқ; (*к. садр*) фойда келтирмоқ, фойда бермоқ (لـ); VIII اِنْتَفَعَ 1) (*н. дандир*) фойда олмоқ, фойда чиқармоқ (مِنْ); 2) фойдаланмоқ, (*н. нидир*) ишлатмоқ (بـ); X اِسْتَنْفَعَ ишлатмоқ, фойдаланмоқ; фойдали равишда ишлатмоқ

– اِنْتِفَاعٌ 1) фойдаланиш, ишлатиш; 2) фойда, ютуқ, манфаат; حَقُّ ~ *юр.* узуфрукт

– مُنْتَفِعٌ ишлатувчи, фойдаланувчи; *юр.* узуфруктдан фойдаланувчи

– مَنْفَعَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) манфаат, фойда, ютуқ, даромад, кирим; عَلَى أَسَاسِ تَبَادُلِ الْمَنَافِعِ وَ الْـ~ ҳар икки томоннинг манфаати ва фойдаси асосида; 2) яхшилик, эзгулик; ◊ اَلْمَنَافِعُ الْعُمُومِيَّةُ *ёки* اَلْمَنَافِعُ الْعَامَّةُ а) ижтимоий ишлар, б) жамоат манфаати, эҳтиежи; اَلْمَنَافِعُ الْمَادِّيَّةُ وَ الْاِقْتِصَادِيَّةُ маънавий ва моддий қадриятлар; مَنَافِعُ الْبَيْتِ уйдаги хўжалик хоналари (*омбор, оғилхона ва ҳ.к.*), مَنَافِعُ الْغُرْفَةِ хонадаги зарурий жиҳозлар; مَنَافِعُ صِحِّيَّةٌ санитария муассасалари, مَنَافِعُ الدَّوْلَةِ давлат ташкилотлари

– مَنْفَعِيٌّ 1) манфаатпараст, фойданигина кўзда тутадиган; 2) манфаатпараст одам

– نَافِعٌ фойдали, фойдаси тегадиган; ◊ اَلـ~ـةُ ижтимоий ишлар

– نَفَّاعٌ фойдаси кўп тегадиган, кўп фойда келтирадиган

– نَفْعٌ 1) наф, фойда, ютуқ; 2) яхшилик, эзгулик; اَلـ~ اَلْعَامُّ умум манфаати

– نَفَعِيٌّ ҳамма нарсадан фойда кўзловчи, ғаразгўй, тамаъгир

– نَفَعِيَّةٌ 1) фойдалилик; манфаатпарастлик; 2) ғаразгўйлик, таъмагирлик

– نَفُوعٌ жуда фойдали

I (نفق) **نَفَقَ**[1] (*у*) نَفَاقٌ 1) бозори чаққон бўлмоқ, сотилиб кетмоқ (*товар ҳақида*); 2) қизимоқ (*бозор, савдо ҳақида*); 3) сарф бўлмоқ, тамом бўлмоқ, битмоқ; نَفَقَ[2] (*у*) نُفُوقٌ қирилиб кетмоқ, қирилиб битмоқ, ҳаром ўлмоқ (*ҳайвонлар ҳақида*); II نَفَّقَ сотмоқ, ўтказмоқ; III نَافَقَ мунофиқлик қилмоқ, муғомбирлик қилмоқ; IV أَنْفَقَ 1) сарфламоқ, сарф қилмоқ, кеткизмоқ, совурмоқ, исроф қилмоқ; 2) (*ёшликни*) ўтказмоқ; 3) қашшоқлашмоқ, камбағаллашмоқ; X اِسْتَنْفَقَ сарфламоқ, сарф қилмоқ, кеткизмоқ, совурмоқ, исроф қилмоқ; тамом қилмоқ, тугатмоқ, соп қилмоқ

– إِنْفَاقٌ 1) сарф қилиш, кетказиш, исроф қилиш; كُلُّ شَيْءٍ يَنْقُصُ بِالْـ~ إِلَّا الْعِلْمَ *мтл.* илмдан бошқа ҳамма нарса сарф қилиш билан озаяди. 2) қашшоқлашиш, камбағаллашиш

– مُنَافِقٌ мунофиқ, товламачи, иккиюзламачи; муғомбир

– مُنَافَقَةٌ мунофиқлик, иккиюзламачилик, товламачилик; муғомбирлик

– مُنْفَاقٌ исрофгар, нобудгар

– نَافِقٌ бозори чаққон, бозори илдам, харидоргир

– نَفَاقٌ бозори чаққонлик, харидоргирлик

– مُنَافَقَةٌ = نَفَاقٌ

– نَفَقٌ *кўп* أَنْفَاقٌ ерости йўли, туннель; الْـ~ اَلْقُطُرَاتِ темир йўл туннели; الْـ~ اَلْهَوَائِيُّ *ёки* ~ اَلْهَوَاءِ аэродинамик труба

– نَفَقَةٌ *кўп.* ـاتٌ 1) сарфлаш, сарф қилиш, кетказиш; чиқим, сарф, харажат, عَلَى ~ـهِ кимнингдир ҳисобидан; ~ اَلْمَعِيشَةِ тирикчилик қилиш учун зарур бўлган нарса; 2) *шунингдек* ~ شَرْعِيَّةٌ алимент, нафақа, طَالَبَتِ الزَّوْجَةُ لِإِبْنِهَا ~ аел ўғли учун нафақа талаб қилди

(نفل) II نَفَّلَ ҳадя сифатида бермоқ, зиеда қилиб бермоқ; V تَنَفَّلَ 1) (*н. нидир*) керагидан ортиқ бажармоқ; 2) нафл намозини ўқимоқ; VIII اِنْتَفَلَ = V

– نَافِلَةٌ *кўп* نَوَافِلُ (*вазифадагидан, мажбуриятдагидан ортиқ*) қўшимча бажарилган (*н.*); ... اَلْقَوْلُ إِنَّ ~ وَ مِنْ ~ اَلْقَوْلِ إِنَّ *ёки* ... яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, ...; 2) *дин* қўшимча ўқиладиган намоз, нафл намози; 3) ато, инъом; 4) ўлжа; 5) фарзаднинг фарзанди, набира, невара

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نَفَلٌ *кўп.* أَنْفَالٌ, نُفُولٌ 1) совға, ҳадя, инъом, туҳфа; 2) ўлжа, ғанимат; 3) *бот.* беда; ~ الْمَاءِ сувда ўсадиган учбарглик ўсимлик; 4) *бот.* қашқар беда

نَفْنَفَ шишмоқ, қавармоқ, бўртмоқ

– مُنَفْنَفٌ шишган, қаварган, териси халта бўлиб осилиб турган

– نَفْنَفٌ 1) атмосфера, ҳаво; 2) *кўп.* نَفَانِفُ қоятош; 3) икки тоғ ораси, дара

– نَفْنَفَةٌ шишганлик, қаварганлик

– نَفْنُوفٌ *кўп.* نَفَانِيفُ аёллар кўйлаги; ~ الْعِيدِ байрам кўйлаги

I (نفو) **نَفَا** (*у*) نَفْوٌ = نَفَى

– نَفَاوَةٌ ахлат, супуринди, чиқинди

I **نَفَى** (*и*) نَفْيٌ 1) инкор қилмоқ, рад этмоқ; ~ نَفْيًا بَاتًّا қатъиян рад этмоқ; 2) сургун қилмоқ, бадарға қилмоқ; ҳайдамоқ, ҳайдаб чиқармоқ; III نَافَى 1) (*к. гадир*) гап қайтармоқ, эътироз қилмоқ, эътироз билдирмоқ; (*бирор н. билан*) тўғри келмай қолмоқ, мувофиқ келмай қолмоқ; 2) таъқиб қилмоқ, таъқибга учратмоқ; VI تَنَافَى мувофиқ келмай қолмоқ; (*к. биландир*) зиддиятда бўлмоқ (مَعَ); VIII انْتَفَى 1) инкор этилмоқ, рад этилмоқ; 2) сургун қилинмоқ, бадарға қилинмоқ; 3) четлатилмоқ, йўқ бўлмоқ, ғойиб бўлмоқ; 4) ҳайдаб юбормоқ, ҳайдаб чиқармоқ, узоқлаштирмоқ; 5) (*н. дандир*) тонмоқ, қайтмоқ, воз кечмоқ, баҳридан ўтмоқ (مِنْ); 6) тўкилмоқ (*соч ҳақида*); 7) тинчимоқ, тўхтамоқ (*кураш ҳақида*); X اسْتَنْفَى ирғитмоқ, ирғитиб юбормоқ

– انْتِفَاءٌ 1) инкор этилиш, рад этилиш; 2) сургун, бадарға; 3) йўқлик, ғойиблик, мавжуд эмаслик; 4) тониш, қайтиш

– تَنَافٍ тўғри келмаслик, мувофиқ келмаслик, номувофиқлик

– مُنَافٍ *мн* مُنَافِيَةٌ (*бирор н. га*) қарама-қарши, (*бирор н. билан*) зиддиятли, (*бирор н. га*) мувофиқ келмайдиган (لِـ); ~ لِلْآدَابِ адабсиз, беадаб, ахлоқсиз

– مُنَافَاةٌ номувофиқлик, мос келмаслик

– مُنْفَاةٌ (*н. нидир*) четлатувчи, узоқлаштирувчи, ~ الْهُمُومِ ғамни даф этувчи; ~ النَّعِيمِ бу ташвиш туғдиради ва роҳатни бузади

– مَنْفًى *кўп* مَنَافٍ сургун қилинадиган, бадарға қилинадиган жой

– مَنْفِيٌّ 1) сургун қилинган, жўнатиб юборилган; 2) рад этилган, инкор қилинган; 3) манфий; ~ إِلَى ... أَرْسَلَهُ кимнидир ...га сургунга юбормоқ

– نَفَاةٌ, نَفَاءٌ чиқинди, супуринди, ахлат, нишхўрд

– نَفَاءٌ = ـَـ اتٌ *кўп* نُفَايَةٌ

– نَفْيٌ 1) инкор қилиш, рад этиш; ~ (أَدَاةُ) الـ حَرْفُ *грам.* инкор юкламаси; ~ شَهَادَةُ الـ *юр.* ҳимоячи томони гувоҳи; ~ أَجَابَ بِالـ *юр.* қарама-қарши гувоҳлик бериш; ~ رَدَّ بِالـ рад жавоб бермоқ, салбий жавоб бермоқ; 2) сургун, бадарғалик

– نَفِيٌّ 1) рад этилган, инкор қилинган; 2) сургун қилинган, бадарға қилинган

– نَفْسِيٌّ манфий, салбий

I **نَقَّ** (*а/и*) نَقِيقٌ 1) қурилламоқ, вақвақламоқ; 2) қурилламоқ, қағқағламоқ, қақақламоқ; 3) ҳасрат қилмоқ, нола қилмоқ, зорланмоқ, инграмоқ; (*тақдирдан*) нолимоқ

– نَقِيقٌ = نَقٌّ

– نَقَّاقٌ 1) қурилдоқ, қурилловчи, 2) йиғлоқи одам, доим зорлариб юрадиган одам

– نَقَّاقَةٌ *кўп* ـَـ اتٌ қурбақа, бақа

– نَقِيقٌ 1) қурилдаш, вақвақлаш; 2) қағқағлаш., қақағлаш; ~ зорланиш, нолиш

I (نقب) **نَقَبَ** (*у*) نَقْبٌ 1) ер тагини ковлаб йўл қилмоқ, тагини ковлаб бормоқ; 2) тешик очмоқ, уриб тешмоқ; 3) кавламоқ, қазимоқ, қазиш ишларини олиб бормоқ, (*н. нидир*) қидирмоқ, разведка қилмоқ (عَنْ); ~ فِي الْأَرْضِ саёҳат қилмоқ, кезмоқ, жаҳонгаштталик қилмоқ; نَقِبَ (*а*) نَقَبٌ йиртилмоқ, тешилмоқ; نَقُبَ (*у*) نَقَابَةٌ одамларга бош бўлмоқ; II نَقَّبَ қазув-қидирув ишларини олиб бормоқ; (*мас. нефть қидириб*) бурғуламоқ, пармалаб кавламоқ; 2) ниманингдир остидан (остини), тагидан (тагини) кавламоқ; 3) текширмоқ, тафтиш қилмоқ; ◊ ~ فِي الْبِلَادِ бошпана қидириб юртма-юрт кезмоқ; III نَاقَبَ ўз обрўсини оширишга интилмоқ; V تَنَقَّبَ (*н. нидир*) текширмоқ, тафтиш қилмоқ (عَنْ); ҳижоб ёпинмоқ, чиммат тутмоқ; бурканмоқ, ёпиниб олмоқ, яширинмоқ; 3) ўвада бўлмоқ, эскимоқ, тўзимоқ; VIII انْتَقَبَ ҳижобга кирмоқ

– تَنْقِيبٌ *кўп.* ـَـ اتٌ 1) текшириш, тафтиш қилиш, қидириш, излаш; (*мас., нефть қидириб*) бурғулаш, пармалаб кавлаш; ~ الـ الْجِيُولُوجِيُّ геологик қидирув; ~ عَلَى الْبِتْرُولِ нефть қидириш, разведка қилиш; أَعْمَالُ الـ қидирув ишлари; 2) қазилган жойлар

– مَنْقَبٌ *кўп* مَنَاقِبُ тоғ йўли

– مِنْقَبٌ, مِنْقَبَةٌ *кўп* مَنَاقِبُ 1) курак, белкурак; 2) лом, мисранг; 3) парма

– مُنَقِّبٌ қазув-қидирув ишларини олиб борувчи; археолог; қидирувчи, изловчи

– مَنْقَبَةٌ *кўп* مَنَاقِبُ 1) обрў, иззат,мақтовга муносиб сифат; тақдирланарли иш; 2) тоғ йўли

– نَاقِبٌ[1] қазув-қидирув ишларини олиб борувчи

– نَاقِبٌ[2], نَاقِبَةٌ узоқ ётиш натижасида жонсиз бўлиб қолган *ёки* шилиниб кетган жой

– نِقَابٌ *кўп.* نُقُبٌ ҳижоб, ниқоб; тўр, чиммат; كَشَفَ الـ عَنْ ... *кўч.м* (*н. дандир*) ниқобни кўтармоқ; фош қилмоқ

– نِقَابٌ *ҳарб.* инженерлик қўшинлари аскари, сапёр

– نِقَابَةٌ *кўп.* ـَـ اتٌ бирлашма; касаба уюшмаси; الْاِتِّحَادُ الْعَامُّ لِنِقَابَاتِ عُمَّالِ الْقُطْرِ الْمِصْرِيِّ *тар.* Миср ишчилар касаба уюшмасининг бош бирлашмаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نِقَابِيٌّ 1) касаба уюшмасига оид; ~ الْوَفْدُ الـــ касаба уюшмаси делегацияси; 2) касаба уюшмаси арбоби

– نِقَابِيَّةٌ синдикализм (*ишчилар ҳаракатидаги оқим*)

– نَقْبٌ *кўп.* أَنْقَابٌ 1) тешик ёриқ; 2) тагидан (тагини) кавлаш

– نُقْبَةٌ *кўп.* نُقَبٌ юбка

– نُقْبَةٌ[1] *кўп.* نِقَبٌ из

– نُقْبَةٌ[2] ҳижоб ёпинишнинг йўли

– نَقِيبٌ *кўп.* نُقَبَاءُ 1) бошлиқ, раҳбар, раис; ~ الْكُلِّيَّة декан; ~ الْأَشْرَاف Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари бошлиғи; 2) шайинқисқич (*тарозудаги*); 3) *ҳарб.* капитан; (*флотда*) катта лейтенант

– نَقِيبَةٌ 1) қалб, жон, руҳ; 2) табиат, характер; مَيْمُونُ الـــ босиқ, хотиржам

I نَقَحَ (*а*) نَقْحٌ 1) (*ортиқча шохларни*) кесиб ташламоқ; 2) чертмоқ, урмоқ; II نَقَّحَ 1) қайта кўриб чиқмоқ; тўғриламоқ (*хатони*); (*лойиҳага*) тузатиш киритмоқ; 2) кўп марта урмоқ; الشِّعْرَ ~ шеърга тузатиш киритмоқ; V تَنَقَّحَ қайта кўриб чиқилмоқ; тўғриланмоқ (*хато ҳақида*)

– تَنْقِيحٌ қайта кўриб чиқилмоқ; тўғрилаш; ревизия

– نَقْحَةٌ *кўп.* نَقَحَاتٌ уриш, зарба, чертиш, чертки

نُقَاحٌ тиниқ яхна сув

I (нақд) نَقَدَ (*у*) نَقْدٌ 1) танламоқ, танлаб олмоқ; 2) танқид қилмоқ, танқидий мулоҳаза, юритмоқ; 3) нақд пул бермоқ, нақд пул билан тўламоқ; 4) чўқимоқ, чўқиламоқ; ◊ ~ ه بِنَظَرِه кимгадир яширинча қарамоқ; نَقَدَ (*а*) نَقَّدَ чиримоқ, уваланмоқ (*тиш ҳақида*); III نَاقَدَ 1) *к. дандир*) ҳисобот талаб қилмоқ, сўрамоқ; 2) баҳслашмоқ, тортишмоқ; IV أَنْقَدَ пулни санаб қўймоқ, нақд пул билан тўламоқ; VIII انْتَقَدَ 1) танқид қилмоқ, танқидий мулоҳаза юритмоқ, танбиҳ бермоқ, койимоқ; 2) нақд пул билан олмоқ; ◊ ~ نَفْسَهُ مِنْ ... ўзини ...дан ажратмоқ; الدَّرَاهِمَ ~ қалбаки тангаларни ажратмоқ, бўлакламоқ; X اسْتَنْقَدَ нақд пул олишга эришмоқ

– انْتِقَادٌ *кўп.* ات ـــ танқид, рецензия; танбиҳ бериш, койиш; الـــ الذَّاتِيُّ ўз-ўзини танқид

– انْتِقَادِيٌّ танқидий; ... مِنْ ~ مَوْقِفٌ ...га танқидий кўз билан қараш

– مُنْتَقَدٌ танқид остидаги, танқидга учраган; койишга лойиқ

– مُنْتَقِدٌ танқидчи, мунаққид

– مِنْقَادٌ *кўп.* مَنَاقِيدُ тумшуқ (*қушларда*)

– مِنْقَدٌ *кўп.* مَنَاقِدُ манқал, манқалдон

– نَاقِدٌ *кўп.* نُقَّادٌ, نَقَدَةٌ 1) танқидчи, мунаққид; 2) рецензиячи

– مُنْتَقِدٌ = نَقَّادَةٌ, نَقَّادٌ

– نُقْدٌ *бот.* рум мойчечаги

– نَقْدٌ[1] танқид, танқидий таҳлил; қоралаш, ёмонлаш, айблаш; ~ نَفْسِه بِنَفْسِهِ ёки ذَاتِيٌّ ўз-ўзини танқид

– نَقْدٌ[2] *кўп.* نُقُودٌ 1) нақд пул, танга, чақа; ~ بالـــ нақд пул билан, нақд пулга; ~ ا нақд пул билан, нақд пулга; ~ أَوْرَاقُ الـــ қоғоз пул; ~ الْعُمْلَة تَضَخُّمُ أَوْرَاق الـــ инфляция; 2) *шунингдек*: валюта; ~ الْمَحَلِّيُّ الـــ الْأَجْنَبِيُّ чет эл валютаси; ~ الـــ النَّادِرُ маҳаллий валюта; камёб валюта

– نَقْدِيٌّ[1] танқидий, танқидга бағишланган; ~ مَقَالٌ танқидий мақола

– نَقْدِيٌّ[2] 1) пулга оид; ~ جَزَاءٌ пул билан тўланадиган жарима; ~ نِظَامٌ пул тизими, пул системаси; 2) тангага оид

– نَقْدِيَّةٌ[1] танқидий кўз билан

– نَقْدِيَّةٌ[2] нақд (*пул*)

I (نقد) نَقَدَ (*у*) نَقْدٌ қутқармоқ, қутқариб қолмоқ; نَقَدَ (*а*) نَقَدٌ қутулмоқ, қутулиб қолмоқ, қутқарилмоқ; IV أَنْقَذَ қутқазмоқ, озод қилмоқ; نَفْسَهُ ~ қутулмоқ, қутулиб қолмоқ, жон сақламоқ; X اسْتَنْقَذَ (*к. нидир*) қутказишга эришмоқ; ҳожат чиқармоқ

– إِنْقَاذٌ қутқариш, қутқазиш, халос қилиш; *кўч.м.* сўнгги чора, охирги умид

– مُنْقِذٌ қутқарувчи, нажоткор

– إِنْقَاذٌ = نَقْذٌ

– نَقَرَ (نقر) (*у*) نَقْرٌ 1) тақиллатмоқ, тарақлатмоқ; عَلَى الْبَاب ~ эшикни тақиллатмоқ; 2) тақиллатиб (тиқиллатиб) чалмоқ; 3) (*ноғора*) чалмоқ (عَلَى); (*торларни*) чертмоқ (عَلَى); عَلَى أَوْتَار ~ *кар* الرَّحْمَة *кўч.м.* одамнинг нозик торларини чертмоқ; فِي النَّاقُورِ ~ 4) чўқимоқ, чўқиламоқ, чўқилаб ташламоқ (*қуш ҳақида*); (*мас, тумшуқ билан*) тешмоқ, уриб тешмоқ; 5) ўйиб гул туширмоқ, ўйиб гул солмоқ; (*тошга*) ўйиб нақш солмоқ (فِي); 6) суқмоқ, санчмоқ, суқиб тешмоқ; 7) (*чуқурни, қудуқни*) кавламоқ; кавлаб олмоқ, қазиб чиқармоқ, (*н. нидир*) қидириб кавлаб ташламоқ; (*н. нидир*) излаб топмоқ, қидириб топмоқ; 9) (*сабзавотни*) кўммоқ; 10) (*бармоқни*) шақиллатмоқ, қарсиллатмоқ, (*тилни*) тақиллатмоқ; 11) танбеҳ бермоқ, койимоқ; ҳақорат қилмоқ, сўкмоқ; نَقِرَ (*а*) نَقَرٌ (*к. дандир*) жаҳли чиқмоқ, аччиғи келмоқ (عَلَى); II نَقَّرَ 1) кўп марта тақиллатмоқ; 2) жуда кўп чўқимоқ, тез-тез чўқимоқ; 3) билиб олишга уринмоқ; қидирмоқ, текширмоқ, тадқиқ қилмоқ; III نَاقَرَ баҳслашмоқ, жанжаллашмоқ, айтишмоқ, тортишмоқ; IV أَنْقَرَ (*бирор н. ни бажаришни*) бас қилмоқ, тўхтатмоқ (عَنْ); VI تَنَاقَرَ ўзаро баҳслашмоқ, бир-бири билан айтишмоқ; VIII انْتَقَرَ тешилмоқ, уриб тешилмоқ

– تَنَاقُرٌ баҳслар, ихтилофлар, зиддиятлар

– تَنْقِيرٌ 1) кўп марта тақиллатиш; 2) чўқиш; 3) қидириш,

www.ziyouz.com kutubxonasi

текшириш

– مُنَاقَرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ айтишув, тортишув, жанжал; мунозара

– مِنْقَارٌ *кўп.* مَنَاقِيرُ 1) тумшуқ; 2) (*ҳайкалтарош*) қалами, искана; исканасимон пўлат асбоб, зубило; ◊ ~ أَبُو دَنِيز балиғининг бир тури

– مِنْقَرٌ *кўп.* مَنَاقِرُ 1) чўкич, кирка, кетмон; 2) (*ҳайкалтарош*) қалами, искана; исканасимон пўлат асбоб, зубило

– نَاقِرَةٌ *кўп.* نَوَاقِرُ 1) тортишув, мунозара; даҳанаки жанг, уришиш, сўкишиш; 2) фалокат, офат

– نَاقُورٌ *кўп.* نَوَاقِيرُ *қур.* карнай; ~ نَقَرَ فِي الـــ карнай чалмоқ, жар солмоқ, овоза қилмоқ

– نِقَارٌ тортишув, мунозара, баҳс, жанжал

– نَقَّارٌ 1) қидирувчи, тадқиқотчи; 2) ўйиб нақш солувчи; 3) бурғи, тоғпарма; ◊ ~ الْخَشَبِ қизилиштон (*қуш*)

– نَقَّارَةٌ унча катта бўлмаган қўшноғора

– نَقَّارِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ қўшноғора

– نَقْرٌ[1] 1) ўйиб нақш қилиш; (*тошга*) ўйилган нақш; 2) чўқиш; 3) (*ноғора*) чалиш, (*ноғорани*) тарақлаши; ~ آلاتُ الـــ *муз.* уриб чалинадиган чолғу асбоблари; ~ الْأَصَابِعِ бармоқларни қарсиллатиш

– نَقْرٌ[2], نُقْرٌ 1) тешикча; 2) чуқурлик, чуқурча; ёриқ, тирқиш; ёғочнинг учи кириб турадиган тешик (*икки ёғоч қисмни бириктириш учун*); ~ وَ (خَشَبِيٌّ) لِسَانٌ тиқин ва тешик

– نَقِرٌ ғазабланган, аччиқланган

– نَقْرَةٌ *кўп* نَقَرَاتٌ 1) зарба; чўқиш, тумшуқ билан уриш; 2) тақиллаш, телеграф аппаратининг такиллаши

– نُقْرَةٌ *кўп* نُقَرٌ 1) ўйилган жой, чуқур, чуқурча; кемтик; ~ الْعَيْنِ *анат.* кўз косаси, кўз чаноғи; 2) қуйилган нарса, қуйма нарса

– نَاقِرَةٌ *қар.* نَاقُورٌ

– نَقْوَارٌ ҳазилкаш, қизиқчи, масхарабоз; тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилаверувчи

– نَقْوَرَةٌ тўғри-нотўғрисини суриштирмай танқид қилиш, калака қилиш

– نَقِيرٌ 1) хурмо данагидаги ариқча; 2) *маж.* арзимас бирор нарса; ~ لَا يَمْلِكُ شَرْوَى ёнида ҳемири йўқ; ~ لَا يُسَاوِي ҳеч нарсага арзимайди; 3) зот, нав насл-насаб; ~ كَرِيمُ الـــ оқсуяклардан, аслзодалардан; ~ لَا يُظْلَمُونَ وَ *қур.* улар заррача ҳам (зиғирча ҳам) зулм кўрмайдилар

– نَقِيرَةٌ *кўп.* نَقَائِرُ кемача, кичик кема

– نُقَّارِيَّةٌ = نُقَّارِيَّةٌ

نَقْرَزَانٌ унча катта бўлмаган қўшноғора: ноғорача

نَقْرِسٌ *мед.* бўғин ва оёқ бармоқлари оғриғи; бўғин яллиғланиши

– نَقْرِيسٌ тажрибали, малакали, билимдон (*мас. врач*)

I **نَقَزَ** (*у*) نَقْزٌ, نَقَزَانٌ 1) сакрамоқ, ирғимоқ; 2) қалтирамоқ, титрамоқ; II نَقَّزَ (*гўдакни*) тебратмоқ

نَقْزٌ *кўп.* نُقُوزٌ барглари тўкилган шох

– نَقْزَةٌ *кўп.* نَقَزَاتٌ 1) сакраш, ирғишлаш; 2) титраш, қалтираш

– نَقِيزٌ оғриқ (*мас, тишники*)

I (نقس) **نَقَسَ** (*у*) نَقْسٌ (*қўнғироқ*) чалмоқ (النَّاقُوسَ); نَقِسَ (*а*) نَقْسٌ (*к. нингдир устидан*) кулмоқ; II نَقَّسَ الدَّوَاةَ ~ сиёҳдонга сиёҳ қуймоқ; VIII = نَقَسَ انْتَقَسَ

نَاقُوسٌ *кўп.* نَوَاقِيسُ қўнғироқ, сигнал учун ишлатиладиган занг; *муз.* зарб уриб чалинадиган лаппаксимон музика асбоби; ◊ قَرَعَ (دَقَّ) ~ الْخَطَرِ бонг урмоқ, сурон солмоқ, тревога кўтармоқ

– نَاقُوسِيٌّ қўнғироққа оид; ~ الشَّكْلِ қўнғироқсимон

– نَقْسٌ *кўп.* أَنْقَاسٌ, أَنْقُسٌ сиёҳ

I **نَقَشَ** (*у*) نَقْشٌ 1) нақш солмоқ; ~ الْفَصَّ (*узукка ўйиб*) нақш чизмоқ; ~ التِّمْثَالَ ҳайкал тарошламоқ; 2) тасвирламоқ, 3) ранг бермоқ, нақшламоқ; 4) зирапчани олиб ташламоқ; (*сочни ёки жунни*) юлиб олмоқ; ~ الشَّوْكَةَ مِنْ رِجْلِهِ оёғидаги тиконни олиб ташламоқ; II نَقَّشَ нақшламоқ; III نَاقَشَ муҳокама қилмоқ; фикр олишмоқ; музокара олиб бормоқ; баҳслашмоқ; نُوقِشَتِ الرَّسَائِلُ الْجَامِعِيَّةُ диссертациялар муҳокама қилинди; ~ هُ الْحِسَابَ кимдандир ҳисобот талаб қилмоқ; VI تَنَاقَشَ бир-бири билан баҳслашмоқ, биргалашиб муҳокама қилмоқ; VIII انْتَقَشَ 1) нақш солинмоқ; 2) тасвирланмоқ; 3) (*зиралча ва ҳ.к. ларни*) чиқармоқ,

– مُنَاقِشٌ музокарада иштирок этувчи

– مُنَاقَشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ муҳокама, дискуссия; музокара; ~ بَرْلَمَانِيَّةٌ парламентдаги муҳокама; ~ فَتَحَ بَابَ الـــ музокарани очмоқ (бошламоқ)

– مِنْقَاشٌ *кўп.* مَنَاقِيشُ 1) ўймакорнинг қалами, наққошнинг қалами; (*бўёқчининг*) мўйқалами; 2) мўйчинак

– مِنْقَشٌ = مِنْقَاشٌ *кўп.* مَنَاقِشُ

– مَنْقُوشٌ 1) нақшланган, нақш туширилган; 2) бўяб гул солинган; ранг-баранг, турли рангдаги

– مَنْقُوشَةٌ 1) مَنْقُوشٌ сўзининг муаннаси; 2) пирожний навларидан бири

– نَقَّاشٌ баҳс, тортишув, музокара; وَضَعَ الْقَضِيَّةَ عَلَى بِسَاطِ الـــ масалани муҳокамага қўймоқ

– نَقَّاشٌ 1) наққош, ўйиб нақш солувчи; ~ التَّمَاثِيلِ ҳайкалтарош, скульптор; 2) бўёқчи

– نَقَّاشَةٌ 1) наққошлик касби; 2) бўёқчилик касби

– نُقُشٌ *кўп.* نُقُوشٌ 1) нақш, безак; نُقُوشٌ تَزْيِينِيَّةٌ газламадаги гуллар; 2) ўйиб солинган нақш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نُقُوشَاتٌ *кўп.* ўйма нақшлар

I **نَقَصَ** (*у*) نُقْصَانٌ, نَقْصٌ 1) эга бўлмай қолмоқ; кам бўлмоқ, етмай қолмоқ; ... لاَ يَنْقُصُهُ إِلاَّ унга ...гина етишмайди; لاَ يَنْقُصُهُ شَيْءٌ унинг ҳамма нарсаси бор; 2) озаймоқ, қисқармоқ; пасаймоқ, тушмоқ (*сув ҳақида*); 3) озайтирмоқ, пасайтирмоқ; (*обрўни*) тўкмоқ, туширмоқ; II نَقَّصَ озайтирмоқ, қисқартмоқ; пас айтирмоқ, туширмоқ; الثَّمَنَ ~ нархни туширмоқ; III نَاقَصَ савдо белгиламоқ, савдо эълон қилмоқ; IV أَنْقَصَ озайтирмоқ, қисқартирмоқ; VI تَنَاقَصَ аста-секин озаймоқ, секинлик билан қисқармоқ, камаймоқ; الْقَمَرُ ~ охирги фазага етмоқ (*ой ҳақида*); VIII انْتَقَصَ 1) озаймоқ, камаймоқ, қисқармоқ; 2) озайтирмоқ, қисқартирмоқ, камайтирмоқ; 3) (*обрўни*) тўкмоқ, туширмоқ; (*к. нидир*) бадном қилмоқ, ёмонотлиқ қилмоқ; ~ مِنْ قَدْرِهِ кимнингдир обрўсини тўкмоқ; X اسْتَنْقَصَ 1) (*н. нидир*) озайтиришни сўрамоқ; 2) оз, кам, етарли эмас деб ҳисобламоқ

– انْتِقَاصٌ озайтириш, камайтириш; مِنَ الْقَدْرِ ~ обрўни тўкиш

– إِنْقَاصٌ озайтириш, камайтириш, пасайтириш

– أَنْقَصُ энг оз, энг тақчил, энг кам; ... مِنْ ~ дан оз

– إِنْقَاصٌ = تَنْقِيصٌ

– مُتَنَاقِصٌ аста-секин озаювчи, пастловчи, тушувчи

– مُنَاقَصَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — савдо-сотиқ

– مَنْقَصَةٌ *кўп* مَنَاقِصُ нуқсон, айб, иллат, камчилик

– مَنْقُوصٌ 1) озайтирилган, камайтирилган; кам, етарли эмас; 2) мукаммал эмас, нуқсонли, номукаммал

– نَاقِصٌ 1) озайтирилган; етарли эмас, номукаммал, ноқис, камчил, тақчил; ~ غَيْرُ تَامَّةٍ тўла, мукаммал; ~ صُورَةٌ охирига етказилмаган картина; ~ فِعْلٌ *грам* ноқис феъл; 2) нуқсонли, иллатли; ~ الْعَقْلِ беақл, ақлсиз, ноқисулақл; 3) номукаммал, тўла эмас; ~ مَخْرُوطٌ *мат.* кесик конус; ~ هَرَمٌ *мат.* кесик пирамида; 4) чегириб ташланган; 5) *мат.* минус (-)

– نَاقِصَةٌ *кўп* نَوَاقِصُ камчилик, иллат; صَحَّحَ نَوَاقِصَهُ кимнингдир камчилигини тузатмоқ

– نَقْصٌ 1) камчилик, етишмовчилик, кам чиқиш, кам келиш, етмай қолиш; 2) камайиш, озайиш, пасайиш; 3) нуқсон, айб; أَمْرَاضُ ~ *мед.* авитаминоз (*витамин етишмаслиги*) касалликлари (*синга, зангла, пеллагра, рахит ва ҳ.к.*)

– نُقْصَانٌ 1) камайиш, озайиш; 2) нуқсон, айб, камчилик

– مَنْقَصَةٌ *кўп* نَقَائِصُ = نَقِيصَةٌ

I **نَقَضَ** (*у*) نَقْضٌ 1) (*мас. шартномани*) бекор қилмоқ, бузмоқ, тўхтатиб қўймоқ; (*ваъдага*) хилоф иш тутмоқ, (*қонундан*) четга чиқмоқ; 2) (*иморатни*) бузмоқ, бузиб ташламоқ; 3) (*дарду ғамдан*) сочларини ёймоқ (*аёллар ҳақида*); 4) (*мас. калавани*) чувамоқ, ёзмоқ; 5) (*айбни*) рад қилмоқ, йўққа чиқармоқ; لاَ يُنْقَضُ рад этиб бўлмайдиган; 6) (*суд қарорини*) бекор қилмоқ, нотўғри деб топмоқ; 7) йўққа чиқармоқ; ҳақиқий эмас деб эълон қилмоқ, бекор қилмоқ; وُضُوءَهُ ~ *шар.* таҳоратни яроқсизга чиқармоқ; ◊ الْوَلاَءَ ~ бўйсунишни бас қилмоқ, итоат этмай қўймоқ; III نَاقَضَ зид бўлмоқ, ихтилофда бўлмоқ; الْعَقْلَ السَّلِيمَ ~ соғлом ақлга тўғри келмай қолмоқ, зид келмоқ; IV أَنْقَضَ оғир иш юклаб қийнамоқ; الظَّهْرَ ~ елкага вазминлик қилмоқ (*юк ҳақида*); ◊ الأَصَابِعَ ~ бармоқларни қисирлатмоқ; الْعِلْكَ ~ сақични қарсиллатмоқ V تَنَقَّضَ 1) бузиб ташламоқ, текислаб ташламоқ (*иморат ҳақида*); 2) рад этилмоқ, бекор қилинмоқ; 3) чувалмоқ, чўзилмоқ; VI تَنَاقَضَ 1) бир-бирига зид келмоқ, бир-бири билан келишмай қолмоқ; 2) фарқ қилмоқ, кўзга ташланадиган даражада фарқ қилмоқ; VIII انْتَقَضَ 1) бекор қилинмоқ, бузилмоқ (*мас, шартнома ҳақида*); 2) риоя қилинмай қолмоқ; 3) бузиб ташланмоқ, вайрон бўлмоқ; 4) (*к. ёки н. гадир қарши*) қўзғалмоқ, кўтарилмоқ (عَلَى); 5) рад этилмоқ, бекор қилинмоқ; 6) чувалмоқ, ёзилмоқ, чўзилмоқ

– انْتِقَاضٌ 1) (*мас. шартноманинг*) бекор қилиниши, бузилиши; 2) қулаш, ағдарилиш, ўпирилиш; 3) қўзғолон, исён; 4) катаболизм

– أَنْقَاضٌ *кўп* харобазорлар, вайроналар

– تَنَاقُضٌ *кўп.* ـَاتٌ — 1) ўзаро зиддият; ихтилоф, мослашмаганлик, номувофиқлик; وَقَعَ فِي الـ~ зиддиятга учрамоқ; 2) фарқ, кўзга яққол кўриниб турадиган фарқ; тўғри келмаслик; ~ ظَاهِرِيٌّ умум қоидаларга мувофиқ келмайдиган ғалати фикр, парадокс

– مُتَنَاقِضٌ 1) ўзаро қарама-қарши, зиддиятли; (*к. ёки н. гадир*) мос келмайдиган, номувофиқ; ~ الظَّاهِرِ умум қоидага мувофиқ келмайдиган, парадоксал; 2) тескари, зид, бошқача

– مُتَنَاقِضَاتٌ *кўп.* 1) қарама-қаршиликлар; 2) зиддиятлар

– مُنَاقِضٌ қарама-қарши; номувофиқ, мос келмаган; ~ ذَاتِهِ ўзига ўзи қарши чиқувчи

– مُنَاقَضَةٌ *кўп.* ـَاتٌ — зиддият; номувофиқлик, мослашмаганлик

– مَنْقُوضٌ 1) бузилган, синдирилган, вайрон қилинган; 2) чувалган, ёзилган (*калава ҳақида*); 3) риоя қилинмаган

– نَاقِضٌ *кўп* نَوَاقِضُ *юр.* ниманингдир кучини йўқотувчи, бекор қилувчи нарса

– نُقَاضَةٌ 1) шағал; 2) ўралган сочнинг ёзилиб кетган қисми

– نَقْضٌ 1) йўқ қилиш, бузиш, вайрон қилиш; 2) (*қонунни*) поймол қилиш, оёқости қилиш; 4) рад этиш; ~ الْمَحْكَمَةُ الـ وَ الْإِبْرَامِ суднинг ҳукмини бекор қилишга ҳақли бўлган юқори суд; ~ حَقُّ الـ вето

– نَقْضٌ, نُقْضٌ *кўп* أَنْقَاضٌ 1) синган, синиб тушган нарса; парча, бўлак, синиқ; 2) чақилган тош, майдаланган тош

– نَقِيضٌ 1) (*бирор. н га*) тескари, зид, қарама-қарши; 2) қарама-қаршилик, фарқ; ~ طَرَفَا икки бир-бирига тескари томон; عَلَى طَرَفَيْ ~ бутунлай қарма-қарши, ~ هُمَا عَلَى طَرَفَيْ у иккиси бутунлай бир-бирининг тескариси; ~ نَفْسِهِ تَحَوَّلَ لِـ ўзининг тескариси бўлиб қолмоқ; ~ مِنْ ذَلِكَ وَ عَلَى الـ бунга қарама-қарши равишда

www.ziyouz.com kutubxonasi

...; 3) туя устидаги тахтиравоннинг *ёки* эгарнинг ғирчиллаган овози

– نَقِيضَةٌ *кўп.* نَقَائِضُ 1) қарама-қаршилик, зиддият, фарқ, контраст; ~ الْأَخْلَاقِ турли-туман характерлар; 2) *тар.* бошқа шоирнинг шеърини рад қилувчи шеър; 3) *фалс.* зиддият, антиномия

I **نَقَطَ** (*у*) نَقْطٌ 1) нуқта қўймоқ (*шунингдек; диакритик нуқталарни ҳам*); 2) томмоқ, томчиламоқ; II نَقَّطَ 1) нуқталар қўймоқ (*шунингдек; диакритик нуқталарни ҳам*); пунктир чизиқ чизмоқ; 2) томчиламоқ, томчилаб турмоқ; доғ қилмоқ, доғ туширмоқ; 3) (*мас, дорини*) томизмоқ; 4) (*янги келин-куёвга*) совға тутмоқ; (*янги келин-куёв олдига*) тангалар сочмоқ; 5) томмоқ, томчилаб оқмоқ

– مُنَقَّطٌ нуқталар билан қопланган; доғи бор, доғли; بِسَوَادٍ ~ қора нуқталар билан қопланган

– مَنْقُوطٌ 1) хол-хол, холдор; доғи бор, доғли, 2) нуқтали (*мас, ҳарф*) الْـــةُ (الشَّوْلَةُ) الْفَصْلَةُ *грам.* нуқтали вергул (;)

– نَقَّاطَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ томизадиган найча

– نُقْطٌ *зоол.* хонбалиқ

– نُقْطَةٌ[1] *кўп.* نُقُوطٌ 1) янги келин-куёвга қилинган совға; 2) чойчақа; итга, ҳайвонга бериладиган луқма, бурда

– نُقْطَةٌ[2] *кўп.* نُقَطٌ, نِقَاطٌ 1) нуқта, пункт; الْاِتِّصَالِ ~ алоқа пункти, туташ жой, туташган жой; الْاِرْتِكَازِ ~ таяниш нуқтаси, таянч пункти; التَّجَمُّدِ ~ *физ.* музлаш нуқтаси; الْغَلَيَانِ ~ *физ.* қайнаш нуқтаси; الْبَدْءِ ~ *ёки* الْبِدَايَةِ ~ *ёки* الْـــ الْانْطِلَاقِيَّةُ *ёки* الْاِبْتِدَاءِ ~ бошланиш нуқтаси, старт, жўнаш нуқтаси; النِّهَايَةِ ~ финиш; الْإِرْشَادِ ~ йўлни, томонни кўрсатувчи белги, ориентир; الْحُدُودِ ~ чегара нуқтаси (пункти); ... حَدَثَ لِـــ ~ га тортувчи нуқта; جَوْهَرِيَّةٌ ~ муҳим нуқта, аҳамиятли нуқта; الْخِلَافِ ~ ихтилофлар, зиддиятлар нуқтаси; الضَّعْفِ ~ заиф нуқта; الْوُصُولِ ~ бориш жойи, бориладиган жой; الدَّائِرَةِ ~ *мат.* айлана маркази; (الرَّأْسِ) الذَّنَبِ ~ *астр.* бирор планета *ёки* комета йўлининг Қуешдан энг узоқ (яқин) нуқтаси; النَّظَرِ ~ нуқтаи назар; 2) соқчилик вазифасини бажарадиган жой, пост; أَمَامِيَّةٌ ~ олдинги пост; الْبُولِيسِ ~ полиция пости; الْحِرَاسَةِ ~ соқчилик пости, 3) *грам.* диакритик нуқта; الـــانِ ~ *ик.с.* икки нуқта (:) 4) томчи; نُقَطٌ لِلْأَنْفِ бурунга томизиладиган томчи; 5) *спорт.* очко; تَغَلَّبَ عَلَيْهِ بِالنُّقَطِ кимнингдир устидан очколар йиғиндиси бўйича ғолиб келмоқ; 6) *шунингдек:* دَاءُ الـــ *мед.* мияга қон қуйилиши; 7) бир оз, озгина, жиндай; 8) *кўч.м.* туз; ◊ عَيْنِ ~ хол, السَّوْدَاءُ الـــ шармандалик доғи, الْعَيْنِ ~ кўзга тушган оқ, оқ тушган кўз; النُّقَطُ الْأَرْبَعُ дунёнинг тўрт томони (*Шимол, Жануб, Шарқ, Ғарб*); وَضَعَ النُّقَطَ عَلَى الْحُرُوفِ 1) ҳеч бир ноаниқ ерни қолдирмай изоҳлаб бермоқ; 2) охирига етказмоқ, яна у масалага қайтмайдиган қилмоқ; ~ وَ هَدَّدَ مِنْ بَحْرٍ бу денгиздан томчи холос

– نُقْطِيٌّ нуқтага оид; لَا نُقْطِيَّةٌ *мед.* кўзнинг равшан кўрмаслик ҳолатларидан бири, астигматизм

– نُقَيْطَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ кичик бир томчи

I **نَقَعَ** (*а*) نَقْعٌ 1) ҳўлламоқ, намламоқ, ивитмоқ, бўктирмоқ; ~ بِالْمَاءِ чанқоғи босилмоқ; тўйиб сув ичмоқ; 2) (*ўт-ўланлардан*) ичимлик (настойка) тайёрламоқ; 3) бузилмоқ, айнимоқ (*сув ҳақида*); ◊ الْغُلَّةَ ~ *ёки* الْعَطَشَ ~ *ёки* الْغَلِيلَ ~ чанқоқни босмоқ, ташналикни қондирмоқ; *кўч.м.* (*мас, истакни*) бажо келтирмоқ, қониқтирмоқ; غُلَّةَ قَلْبِهِ ~ ғазабини тўкиб солмоқ; IV أَنْقَعَ = I; VIII اِنْتَقَعَ *ёки* اِمْتَقَعَ لَوْنُهُ ранги ўзгармоқ; X اِسْتَنْقَعَ туриб қолмоқ, кўлмак бўлиб қолмоқ (*сув ҳақида*); ботқоққа айланмоқ

– أَنْقَعُ: ~ الرَّشْفُ *мтл.* қимирлаган қир ошар (*сўзма-сўз:* секин-секин ичиш чанқоқни тез қондиради)

– مُسْتَنْقَعٌ *кўп.* اتٌ ـــ ботқоқ, ботқоқлик, сизот; حُمَّى الْمُسْتَنْقَعَاتِ тўқай иситмаси, безгак; غَازُ الْمُسْتَنْقَعَاتِ ботқоқ гази

– مَنْقَعٌ *кўп.* مَنَاقِعُ ботқоқлик, ботқоқлик жой

– مُنْقَعٌ қуриган, қуритилган мевалар

– مَنْقُوعٌ ивитма, настой

– نَاقِعٌ 1) ивитувчи, ҳўлловчи, намловчи; 2) кучли, ўлдирадиган (*заҳар ҳақида*); 3) куч-қувват бахш этадиган (*ичимлик ҳақида*); مَاءٌ ~ чанқоқ босадиган сув

– مَنْقُوعٌ = ـــ اتٌ نُقَاعَةٌ *кўп.*

– نُقَاعِيٌّ микроскопик; الْحَيَوَانُ الـــ микроорганизм

– نُقَاعِيَّاتٌ *кўп.* фақат микроскопда кўринадиган бир ҳужайрали кичик жонивор

– نَقْعٌ[1] 1) ивитиш, бўктириш; 2) ивитма (настой) тайёрлаш

– نَقْعٌ[2] *кўп.* نُقُوعٌ, نِقَاعٌ 1) чанг, гард; 2) *кўп.* أَنْقُعٌ, نِقَاعٌ туриб қолган сув, кўлмак; 3) қудуққа тўпланган сув

– نُقُوعٌ қуриган, қуритилган мевалар

– نَقِيعٌ қуриган мевалардан тайёрланган ивитма (настой)

I **نَقَفَ** (*у*) نَقْفٌ 1) урмоқ, шикастламоқ, майиб қилмоқ; зарба бермоқ; ـــهُ بِالْإِصْبَعِ ~ кимнидир чертмоқ; 2) тухумдан чиқмоқ

– أَنْقَافٌ *кўп.* نَقْفٌ эндигина тухумдан чиққан жўжа

I **نَقَلَ** (*у*) نَقْلٌ 1) кўчирмоқ, ўтказмоқ; ташимоқ, бир жойдан бошқа жойга элтиб қўймоқ; олиб ўтмоқ; الْحِسَابَ ~ *бухг.* ҳисобга ёзиб қўймоқ, тиркаб қўймоқ; الزَّرْعَ ~ экилган нарсани кўчириб ўтказмоқ, الْمَرَضَ ~ (*к. гадир*) касалликни юқтирмоқ (إِلَى); 2) иш жойини ўзгартирмоқ; 3) (*бир тилдан бошқа тилга*) ўгирмоқ, таржима қилмоқ; 4) кўчириб ёзмоқ; 5) нақл қилмоқ; ҳикоя қилмоқ; الْحَدِيثَ ~ (*кимнингдир тилидан*) ҳадисни нақл қилмоқ (عَنْ); مُلْكِيَّةَ الْأَشْيَاءِ ~

www.ziyouz.com kutubxonasi

(*к. гадир*) нарсаларни мулк қилиб бермоқ (إِلَى); 6) иқтибос (цитата) келтирмоқ,айнан ўзини айтмоқ; (*қаердандир*) ўзлаштирмоқ, қабул қилмоқ (عَنْ); 7) (*қаердандир*) кўчиб кетмоқ (إِلَى); II نَقَّلَ 1) кўчирмоқ, ўтказмоқ, ўрнини ўзгартирмоқ; кўп марталаб ташимоқ; ~ طَرْفَهُ بَيْنَ ... و ... гоҳ унга, гоҳ бунга қарамоқ; ~ الْأَشْيَاءَ нарсаларни бир жойдан бошқа жойга кўчирмоқ; ~ حَبَّاتِ السُّبْحَةِ тасбеҳ ўгирмоқ; 2) узатмоқ, узатиб бермоқ; 3) диктовка қилмоқ; 4) *шахм.* юрмоқ; III نَاقَلَ бир-бирига узатмоқ; (*н. нидир*) ўзаро алмаштирмоқ; 2) ўзаро бир-бирига ташишмоқ; V تَنَقَّلَ 1) кўчмоқ, ўрин алмашмоқ; кўчиб юрмоқ; бир жойдан бошқа жойга кўчмоқ; 2) нақл қилинмоқ, эълон қилинмоқ (*янгиликлар, миш-мишлар ҳақида*); VI تَنَاقَلَ бир-бирига ҳикоя қилишмоқ, нақл қилишмоқ, алиштиришмоқ; ~ الْأَلْسُنُ у оғиздан-оғизга кўчиб юрибди; ~ الْأَيْدِي у қўлдан-қўлга ўтиб юрибди; ~ إِلَيْنَا الْأَنْبَاءُ бу хабарлар бизга етиб келди; VIII اِنْتَقَلَ 1) кўчиб ўтмоқ, кўчиб юрмоқ; (*қаёққадир*) кўчиб ўтмоқ (إِلَى); 2) (*қаёққадир*) жўнамоқ, жўнаб кетмоқ; 3) (*к. гадир*) ўтмоқ (*мас, мерос* إِلَى); бир қўлдан бошқа қўлга ўтмоқ (*мулк ҳақида*); 4) (*н. гадир*) ўтмоқ (إِلَى); ~ إِلَى الْهُجُومِ ҳужумга ўтмоқ; ~ إِلَى الدِّفَاعِ ҳимояга (мудофаага) ўтмоқ; ◊ ~ إِلَى جِوَارِ رَبِّهِ *ёки* ~ إِلَى الرَّفِيقِ الْأَعْلَى *ёки* ~ إِلَى رَحْمَةِ اللهِ *ёки* ~ إِلَى دَارِ الْآخِرَةِ вафот этмоқ, куни битмоқ

– اِنْتِقَالٌ 1) (*қаердандир қаергадир*) ўтиш, кўчиб ўтиш (إِلَى ,مِنْ); 2) бериш, узатиш; 3) жўнаб кетиш, жўнаш; 5) вафот этиш

– اِنْتِقَالِيٌّ ўтишга оид; ~ عَهْدٌ ўтиш даври; ~ حُكُومَةٌ муваққат ҳукумат

– تَنَقُّلٌ *кўп.* ـَاتٌ ўтиш, кўчиб ўтиш; ўрин алмаштириш; ~ حُرِّيَّةُ الـ *дип.* кўчиб ўтиш эркинлиги

– مُتَنَقِّلٌ 1) кўчиб юрувчи, кўчиб ўтувчи; 2) кўчма, сайёр, юртма-юрт юрадиган, кўчманчи, саёқ; ~ الْمَسْرَحُ الـ сайёр театр

– مُنْتَقِلٌ 1) кўчма, кўчиб юрадиган, сайёр; 2) юқумли; 3) ҳаракатланадиган, силжима

– مَنْقَلٌ *кўп.* مَنَاقِلُ 1) кўчма ўчоқ, манқал; 2) эскирган оёқ кийими

– مَنْقَلَةٌ 1) ўтиладиган жой, (*йўлнинг*) бир этапи; 2) манқала (*ўйин номи*)

– مِنْقَلَةٌ *кўп.* مَنَاقِلُ транспортир

– مَنْقُولٌ 1) нақл қилинадиган, ўтказиладиган; 2) кўчириладиган; ташиб юриладиган; 3) кўчма, ҳаракатдаги (*мулк ҳақида*); ~ غَيْرُ кўчмас; ~ أَمْوَالٌ ـَةٌ *ёки* ~ مُلْكٌ уй анжомлари (*ташиб юриш мумкин бўлган мулк*); ~ مُلْكٌ غَيْرُ кўчмас мулк; 4) (*қаердандир*) ўзлаштирилган, қабул қилинган (عَنْ); 5) кўчирилган, кўчириб ёзилган

– مَنْقُولَاتٌ *кўп.* уй анжомлари (*ташиб юриш мумкин бўлган мулк*); ~ مَنْزِلِيَّةٌ *ёки* ~ الْمَنْزِلِ уй анжомлари

– مَنْقُولِيَّةٌ ташиш, узатиш, ўтказиш имконияти

– نَاقِلٌ *кўп.* نَقَلَةٌ, نُقَّالٌ 1) нақл қилувчи, узатувчи; ~ الْحَرَكَةِ узатмалар қутиси; 2) элтувчи, ташувчи; 3) тилмоч, таржимон; 4) *эл.* ўзидан электр токи ўтказувчи; *радио.* сигналларни узатувчи, тарқатувчи; ~ الصَّوْتِ микрофон; 5) кўчириб ёзувчи, нусха кўчирувчи

– نَاقِلَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ 1) узатувчи, нақл қилувчи; 2) элтувчи, ташувчи; ~ مُتَحَرِّكَةٌ конвейер; 3) транспорт, транспорт кемаси; ~ الْبُتْرُولِ (النَّفْطِ) нефть ташувчи танкер; ~ الْجُنُودِ қўшинлар ташиладиган транспорт

– نَاقِلِيَّةٌ 1) юк ташиш ҳақи, кира ҳақи; 2) *эл.* ток ўтказувчанлик

– نَقَّالٌ беморларни ташувчи (санитар)

– نَقَّالَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ 1) беморларни ташишга мўлжалланган замбил, носилка; 2) беморларни ташийдиган арава; 3) транспорт кемаси

– نَقَّالِيٌّ ҳаракатчан, кўчма, кўчиб юрувчи

نَقْلٌ *кўп.* نُقُولٌ бир жойдан бошқа жойга кўчиш; бир жойдан бошқа жойга ўтиш, олиб ўтиш, ташиш; 2) транспорт; ~ الـ النَّهْرِيُّ дарё транспорти; ~ الـ الْجَوِّيُّ ҳаво транспорти; ~ مَصَارِيفُ الـ транспорт харажати; ~ وَسَائِلُ الـ транспорт воситалари; ~ سَيَّارَةُ الـ юк автомобили; ~ مَرْكَبُ транспорт, транспорт кемаси; 3) кўчириш, узатиш; ~ جِهَازُ الْحَرَكَةِ *тех.* трансмиссия; 4) ўзлаштириш; ~ عَنْ ... (*к. нингдир*) гапига кўра ...; 6) кўчириб ёзиш, нусха олиш; 7) копия, нусха, кўчириб олинган нақш; 8) анъана, традиция; ◊ ~ الدَّمِ қон қуйиш; ~ عَمَلِيَّةُ الْكُلَى *мед* буйракни кўчириб ўтказиш операцияси (амалиёти)

– نَقَلٌ майдаланган тош, шағал

– نُقْلٌ *жам. кўп* نُقُولٌ 1) ёнғоқлар; ~ كَسَّارَةُ الـ ёнғоқ чақадиган омбир; 2) қуруқ, қуритилган мевалар; 3) ширинликлар; десерт

– نَقْلَةٌ *кўп.* اتٌ ـَ *шахм.* юриш

– نَقْلَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـَ 1) бир жойдан бошқа жойга кўчиш, кўчиб ўтиш; 2) *шахм.* юриш

– نَقْلَةٌ[2] *кўп* қўл билан кўчирилган (ёзилган) қисм

– نَقْلَةٌ[3] *кўп* نَقْلٌ бўҳтон, чақимчилик, ғийбат, фисқ-фасод

– نُقَلِيٌّ *кўп* نُقَلِيَّةٌ ёнғоқфуруш, қуруқ меваларни сотувчи

– نَقْلِيٌّ 1) анъанавий, традицион; 2) транспортга оид

– نَقْلِيَّةٌ 1) транспорт; 2) қовурилган саримсоқ пиёз (*таом*)

– نَقْلِيَّاتٌ *кўп.* 1) анъанавий фанлар, традицияга асосланган фан соҳалари; 2) транспорт

– نَقِيلَةٌ *кўп* نَقَائِلُ оёқ кийимига солинадиган ямоқ

I نَقَمَ (*и*) نَقْمٌ (*к. нидир*) айбламоқ, (*к. дандир*) гина қилмоқ (عَلَى); 2) (*к. дандир*) қасос олмоқ (عَلَى ,مِنْ); 3) (*к. гадир*) кек сақламоқ, (*к. гадир қарши*) тиш қайрамоқ (مِنْ); II نَقَّمَ (*к. дандир*) қасос олмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

(عَلَى); VIII اِنْتَقَمَ (*к. дандир*) қасос олмоқ (مِنْ); (*бирор н. учун*) қасос олмоқ (لِـ)

– اِنْتِقَامٌ интиқом, қасос, ўч; қасос олиш, ўч олиш; қаримта қайтариш, реванш

– اِنْتِقَامِيٌّ 1) қаримта қайтариш (*реванш*) га оид; 2) қаримта қайтарувчи, реваншист

– اِنْتِقَامِيَّةٌ реваншизм

– مُنْتَقِمٌ интиқом (қасос., ўч) олувчи, қасоскор

– نَاقِمٌ 1) қасос олувчи, қасоскор; 2) (*к. дандир*) норози, (*к. дандир*) аччиқланган (عَلَى) كَانَ ~ا عَلَى زَيْدٍ у Зайддан аччиқланиб юрибди; 3) қасоскор

– نَقْمٌ қасос, ўч; кек, адоват; صَبَّ الـ~ عَلَى ... ғазабини ...га тўкиб солмоқ (...га сочмоқ)

– نَقْمَةٌ *кўп.* نَقَمٌ *ёки* نَقْمَةٌ *кўп.* اتٌ — 1) қасос, ўч; 2) кек, адоват, қаҳр, ғазаб, хусумат, ғараз; норозилик; нафрат, 3) жазо, азоб, 4) офат, бало

– نَقِيمَةٌ ~الـ مَيْمُونُ النَّقِيبَةِ = مَيْمُونُ النَّقِيمَةِ *қар*

نَقْنَقَ 1) вақвақламоқ, вақилламоқ; 2) иштаҳа йўқлигидан хоҳламай оз-оздан чимчилаб овқат емоқ

– نَقَانِقُ колбаса,сосиска

– نَقْنَقَةٌ1) вақвақлаш, вақиллаш; 2) иштаҳасизлик билан овқатланиш

I **نَقِهَ** (*а*) نَقَهٌ соғаймоқ, тузалмоқ; زَيْدٌ لاَ يَفْقَهُ وَ لاَ يَنْقَهُ Зайд ҳеч нарсани тушунмайди; IV أَنْقَهَ даволамоқ, шифо бермоқ, тузатмоқ, VIII اِنْتَقَهَ = I

– نَاقِهٌсоғаювчи, тузалувчи

– نَقَاهَةٌ соғайиш, тузалиш

– نَقَاهَةٌ = نَقَهٌ

– نُقُوهَةٌ = نَقَاهَةٌ

نَقْوَارٌ масхарабоз, қизиқчи

– نَقْوَرَةٌ 1) масхара қилиш, мазах қилиш, калака қилиш; 2) ғийбат, гап-сўз, ғиди-биди, миш-миш

I **نَقِيَ** (*а*) نَقَاءٌ, نَقَاوَةٌ, نُقَاوَةٌ тоза бўлмоқ, покиза бўлмоқ; II نَقَّى 1) тозаламоқ, пўстини олмоқ, оқламоқ, арчмоқ; 2) ажратмоқ, навларга ажратмоқ; IV أَنْقَى тозаламоқ, артмоқ, ◊ أَنْقَتِ الْإِبِلُ туя симирди; V تَنَقَّى тозаланмоқ, артилмоқ; VIII اِنْتَقَى 1) танлаб олмоқ, танламоқ, сараламоқ; 2) *биол.* танламоқ, ҳайвон *ёки* ўсимликнинг навини яхшилаш чорасини кўрмоқ

– اِنْتِقَاءٌ 1) саралаш, танлаш; 2) *биол.* селекция

– تَنْقِيَةٌ 1) оқлаш, тозалаш, пўстини олиш; 2) танлаш

– مُنْتَقًى *мн.* مُنْتَقَاةٌ танланган, сараланган

– نَقَاءٌ = نَقَاوَةٌ

– نُقَاوَةٌ, نَقَاوَةٌ 1) тозалик, поклик; 2) энг яхши, сараланган, танлаб олинган

– نَقَائِيَّةٌ ахлоқни пок ва қаттиқ сақлашга уриниш, пуризм

– نُقَايَةٌ *кўп.* نُقَاءٌ, نَقَايَا 1) танлаш, саралаш; 2) (*меванинг*) данаги, уруғи

– نَقْيٌ *кўп.* أَنْقَاءٌ илик, суяк илиги

– نَقِيٌّ тоза, покиза, доғ тушмаган, ҳеч нарса аралашмаган

– نَقْيٌ = نَقِيٌّ

I **نَكَأَ** (*а*) نَكْءٌ 1) йиринг бойлаган ярани тешмоқ; 2) ярага тегиб оғритмоқ, ярани оғритмоқ; 3) зарба бермоқ

– نَارٌ *мн. кўп.* أَنْوُرٌ, نُورٌ, نِيرَانٌ 1) ўт, олов, аланга; بَابُ النَّارِ ўтхона эшиги; ~ عِبَادَةُ الْـــ ўтга чўқиниш; شَرِيطُ النَّارِ ўтни илаштирадиган шнур; 2) ёнғин; 3) *ҳарб.* ўт очиш, отиш, отишма; ~ الْمَدَافِعِ тўпдан отилган ўқ, замбарақдан отилган ўқ; ~ الْـــ الْيُونَانِيَّةُ юнон ўти (*селитра, олтингугурт, елим ва ёниши осон ёғлардан тайёрланиб, қадимда урушларда қўлланилган ёндирувчи аралашма*); ~ وَقْفُ إِطْلَاقِ الْـــ ўқ узиш, ўқ отиш; ~ الْـــ وَ لَا عَمْيَانُ *қар.* أَطْلَقَ عَلَى الْعَمْيَانِيِّ الْـــ الْعَارُ *мқл.* шарманда бўлгандан ўлган яхши (*сўзма-сўз: шармандаликдан дўзах яхши*); ◊ ~ الْـــ дўзах; أَهْلُ الْـــ дўзахийлар, дўзахга тушувчилар; ~ حَبْلُ الْـــ вулқон; ~ حَجَرُ الْـــ *мин.* олтингугурт ва темирдан иборат минерал; ~ بَيْنَ وَ بَيْنَ ~ عَيْنِ икки ўт орасида; ~ الْـــ! *ҳарб.* ўт оч; ўқ узилсин!; ~ قَعَدَ عَلَى чўғ устида ўтиргандек бўлмоқ; ~ أَوْقَدَ الْحَرْبِ уруш оловини ёқмоқ; ~ لَعِبَ بالْـــ ўт билан ўйнашмоқ

– نَارِيٌّ 1) оловли, оловга оид; 2) вулқонга оид; 3) ўқ отадиган; ~ سِلَاحٌ ўқ отадиган қурол; 4) ўтга чидамли; ~ طُوبٌ ўтга чидамли ғишт; ◊ ~ أَلْعَابٌ ~ الْـــةٌ ёки أَسْهُمٌ мушакбозлик, фейерверк; ~ خِطَابٌ алангали нутқ

– نُوَّارٌ *жам. кўп.* نَوَاوِيرُ гуллар; ~ اللَّيْلِ *бот.* намозшомгул

– نُوَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ гул

– نُوَّارٌ = أَنْوَارٌ *жам. кўп.* نَوْرٌ

– نُورٌ *жам.* 1) лўлилар; 2) дайдилар, саёқлар

– نُورٌ *кўп.* أَنْوَارٌ нур; ~ الشَّمْسِ қуёш нури; ~ الْقَمَرِ ой нури; ~ أَلْقَى عَلَى ...ни ойдинлаштирмоқ, равшанлаштирмоқ; ~ خَرَجَ إِلَى الْـــ босилиб чиқмоқ (*китоб ҳақида*); ◊ ~ الْعُيُونِ (*кўзнинг*) кўриши; ~ عَلَيْكَ офарин!; ~ يَا عَيْنِي азизим, кўзимнинг нури!; ~ سَبَتُ الْـــ *дин.* (*христианларда*) байрам олдидаги шанба; ~ الْـــ الْأَخْضَرُ яшил чироқ (*транспортнинг ҳаракати учун*)

– نُورَانِيٌّ нур сочиб турган, ёритиб турган; ярақлаб турган, порлаб турган, нуроний; ~ الْـــةُ الْآيَاتُ Қуръони каримнинг порлаб турган оятлари (*нур сўзи қўшилиб келган оятлари*)

– نُورَانِيَّةٌ нурланиш, ёруғлик сочиш; ярақлаш, ялтираш; шуъла, товланиш; ёруғлик

– نَوَّارَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ = نَوْرَةٌ

– نُورَةٌ 1) оҳак; 2) бадандаги тукларни тўкадиган дори

– نُورِيٌّ, نَوَرِيٌّ 1) лўли; 2) дайди, саёқ

– نُورِيٌّ ёруғликка оид; ~ الْـــةٌ سَنَةٌ *астр.* ёруғлик йили (*нурнинг бир йил ичида босиб ўтадиган йўли*); ~ (جِرْمٌ) جِسْمٌ *астр.* осмон ёритгичи

– نَيِّرٌ 1) нур сочувчи; ёруғ, товланувчи, порловчи; ~ عَقْلٌ ажойиб ақл; 2) шаффоф; 3) маърифатли; 4) *кўп.* اتٌ ـــ ёритгич; ~ الْـــانِ *ик. с.* Қуёш ва Ой; ~ الْـــ الْأَعْظَمُ Қуёш

نَوْرَجٌ *кўп.* نَوَارِجُ навраж (*ғаллани янчиш қуроли*)

نَوْرَسٌ, نَوْرَسٌ денгиз (оқ чорлоғи) чайкаси (*балиқчи қуш*)

نُورَسْتَنِيَا *med* чарчаш ва озиш натижасида пайдо бўладиган асабий касаллик, неврастения

– نَوْرُوزٌ наврўз (*шарқ мамлакатларида янги йил бошланадиган кун*); ~ عِيدُ الْـــ янги йил байрами

I (нос) **نَاسَ** (*у*) نَوْسٌ, نَوَسَانٌ осилмоқ, осилиб турмоқ; чайқалиб, силкиниб турмоқ, тебраниб турмоқ; IV أَنَاسَ тебратмоқ, чайқатмоқ, силкитмоқ; V تَنَوَّسَ = I

– نَاسٌ *ёки* أُنَاسٌ (*аниқ ҳолатда фақат* النَّاسُ; *қар.* إِنْسَانٌ) одамлар; ~ كَلَامُ ... одамлар нутқи; ~ كُنْ مِثْلَ الْـــ! одамга ўхшагин!; ◊ ~ ابْنُ الْـــ яхши оилада тарбия кўрган бола

– نَاسُوتٌ *кўп.* نَوَاسِيتُ *алиф. б. қар.*

– نَاسُوتِيَّةٌ *алиф. б. қар.*

– نَاوُوسٌ *алиф. б. қар.*

– نُوَاسٌ осилиб турган кокил

– نَوَّاسٌ силкиниб турган, чайқалиб турган, тебраниб турган

نَوْسَرَ оқмоқ, оқиб тешик ҳосил қилмоқ (*яра ҳақида*)

– نَاسُورٌ *кўп.* نَوَاسِيرُ жароҳатнинг кўзи, оқма яра (*сол.* نَاسُورٌ)

I (нош) **نَاشَ** (*у*) نَوْشٌ 1) ушламоқ, ушлаб олмоқ; 2) қамраб олмоқ, ўраб олмоқ (*хиссиёт ҳақида*); безовта қилмоқ, ножам қилмоқ; III نَاوَشَ 1) тўқнашмоқ, олишмоқ, урушмоқ; VI تَنَاوَشَ 1) душман билан тўқнашмоқ, жангни бошламоқ; 2) олмоқ, ушламоқ, қўлга киритмоқ; VIII انْتَاشَ 1) олмоқ, қабул қилмоқ; 2) олиб чиқмоқ, судраб

www.ziyouz.com kutubxonasi

иқармоқ; ~ـــهُ مِنَ الْهَلَاكِ кимнидир ҳалокатдан қутқармоқ

– مُنَاوَشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тўқнашиш, олишув, тўқиниш, жанг

– مُنَاوِشِيٌّ қизғиш-гунафша рангли

– نَوْشَةٌ, نُوْشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ичак терлама касаллиги

نُشَادِرٌ = نُوشَادِرٌ

I (نوص) **نَاصَ** (*у*) نَوْصٌ 1) (*н. дандир*) ўзини олиб қочмоқ, (*н. дандир*) бош тортмоқ; бўйин товламоқ (عَنْ); 2) пасаймоқ, хиралашмоқ (*мас, лампанинг ёруғи*); VIII انْتَاصَ пасаймоқ, хиралашмоқ (*мас, лампанинг ёруғи*); (*н. дандир*) кечикмоқ

– مَنِيصٌ, مَنَاصٌ 1) бош тортиш, бўйин товлаш; 2) қочиб борадиган жой, бошпана; لَا ~ مِنْهُ муқаррар, қочиб қутилиб бўлмайдиган; لَمْ يَجِدْ ~اً مِنْ у ...дан қочиб қутилмайди

– نَوَّاصَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ тунда ёқиб қўйиладиган кичик чироқ

– نَوْصٌ *зоол.* ёввойи эшак

I (نوط) **نَاطَ** (*у*) نَوْطٌ 1) осиб қўймоқ, илиб қўймоқ; 2) (*н. нидир*) ишониб топширмоқ (ب); نِيطَ بِهِ бирор нарсага оид бўлмоқ; نِيطَ عَلَيْهِ унга ишониб топширилган эди; II نَوَّطَ 1) осиб қўймоқ, илиб қўймоқ; 2) (*бирор н. га*) тобе қилиб қўймоқ, (*бирор н. билан*) боғлиқ қилиб қўймоқ (ب); 3) (*н. нидир*) топширмоқ, буюрмоқ, вазифа қилиб топширмоқ (ب); IV أَنَاطَ = II

– تَنُّوطٌ *жам. зоол.* тўқимачи (*қуш*)

– مَنَاطٌ 1) илиб ёки осиб қўйиладиган жой; 2) умид қилинган ёки севиладиган нарса; ~ الْآمَالِ орзу қилинган нарса; ~ الْفَزَعِ хавф-хатар манбаи; هُوَ بَعِيدٌ مِنَّى ~ الثُّرَيَّا *маж.* у мендан жуда-жуда узоқда; ~ الْآمَالِ عُدَّ ундан умидлар жуда катта

– مَنُوطٌ (*бирор н. га*) тобе, (*н. билан дир*) боғлиқ (ب)

– نَوْطٌ *кўп.* أَنْوَاطٌ 1) осиш, тортиш; 2) медальон; 3) алоҳида ютуқ белгиси (*шунингдек:* ~ الْامْتِيَازِ ёки ~ الْجَدَارَةِ); медаль, орден; ~ الْوَاجِبِ الْعَسْكَرِيِّ "Ҳарбий соҳадаги ютуқлари учун" медали (*Миср Араб Республикаси*); 4) брелок (*калитлар ҳалқаси*)

– نُوطَاتٌ *кўп.* ёзма ҳабар ёки маълумот, ёзув-чизув

– نِيَاطٌ *анат.* сотомир, аорта; ~ الْقَلْبِ ـــ *маж.* ич-ичидан, юрак-юрагидан

(نوع) II نَوَّعَ 1) турли шаклга солмоқ, кўринишини ўзгартирмоқ; 2) сараламоқ, хилламоқ; туркумламоқ, туркумларга ажратмоқ; V تَنَوَّعَ 1) турли-туман бўлмоқ, ҳар хил бўлмоқ; 2) турли навларда бўлмоқ; 3) ўз шаклини ўзгартирмоқ

– تَنَوُّعٌ ҳар хиллилик, ҳар хил навда бўлишлик

– تَنْوِيعَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ *шахм.* вариант

– مُتَنَوِّعٌ ҳар хил, турли шаклдаги

– مُنَوَّعٌ ҳар хил, турли хил

– مُنَوَّعَاتٌ *кўп.* турли-туман хабарлар (*газета рубрикаси*)

– نَوْعٌ *кўп.* أَنْوَاعٌ 1) нав, турли навлар; сорт; категория; عَلَى اخْتِلَافِ أَنْوَاعِهِمْ ҳар хил навдаги; 2) сифат; ◊ ~ الْإِنْسَانِيُّ инсон насли; ~اً مَا маълум даражада; ... مِنْ ~ ...га ўхшаш бирон нарса; خَاصٌّ بِـــ ~ хусусан

– نَوْعِيٌّ 1) турга оид; 2) сифатга оид; ~اً сифат нуқтаи назаридан; ◊ ~ ثَقْلٌ *физ.* солиштирма оғирлик

– نَوْعِيَّةٌ 1) сифат; 2) ҳар хиллилик, ҳар хил навда бўлишлик; 3) усул, восита

– نَوْعِيَّاتٌ *кўп.* хилма-хилликлар

– نُوَيْعٌ *кўп.* اتٌ ـــ кенжа тур

I (نوف) **نَافَ** (*у*) نَوْفٌ 1) юқори бўлмоқ, баланд бўлмоқ; 2) (*н. дандир*) орттириб юбормоқ, ошмоқ (عَلَى); II نَيَّفَ (*н. дандир*) ошиб кетмоқ, аъло бўлмоқ (عَلَى); IV أَنَافَ (*н. нингдир устида*) юксак бўлиб турмоқ (عَلَى); 2) (*н. дандир*) устун бўлмоқ, ошиб кетмоқ (عَلَى)

– نِيَافَةٌ = إِنَافَةٌ

– مُنِيفٌ баланд, юқори

– نَافٌ *кўп.* اتٌ ـــ бўйинтуруқ

– نَيَّافٌ баланд, юқори; қомати келишган, ҳушбичим

– نَيَافَةٌ ҳазрат (*олий даражадаги дин пешволарига мурожаат қилинганда ишлатилади*)

– نَيِّفٌ ортиқча, ошиқча; ~ وَ عَشَرَةٌ ўндан ортиқ; مَا بِـــ ~ عَلَى ... ...дан ортиқ

نِيلُوفَرٌ *бот.* = نَوْفَرٌ

نَوْفَرَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ фонтан, фаввора

نُوفَمْبَرُ ноябрь

(نوق) V[1] تَنَوَّقَ (*н. дадир*) назокат, нафосат изҳор қилмоқ, ораста бўлмоқ; V[2] تَنَوَّقَ = تَنَيَّقَ; X اسْتَنْوَقَ урғочи туяга ўхшаб қолмоқ, урғочи туя каби бўлмоқ; *маж.* илгариги куч-қудратдан қолмоқ; ~ الْجَمَلُ *маж.* у илгариги шон-шавкатини ва мол-дунёсини қўлдан бой берди; قَدْ يَسْتَأْسِدُ وَ يَتَنَمَّرُ جِبَانٌ يُوَاجِهُ النَّاسَ الْمُسَالِمِينَ وَ لَكِنَّهُ يَسْتَنْعِجُ وَ يَسْتَوْنِقُ أَمَامَ الْأَقْوِيَاءِ ювош одамлар орасида у ўзини шер ва йўлбарсдек тутади, бақувват одамлар олдида эса қўйга *ёки* урғочи туяга айланади

– نَاقَةٌ *кўп.* أَيْنُقٌ, أَوْنُقٌ, نِيَاقٌ, نُوقٌ, اتٌ ـــ урғочи туя; لَيْسَ لَهُمْ فِي الْأَمْرِ جَمَلٌ *қар* جَمَلٌ; ~ الْبَحْرِ *зоол.* дюгонь (*ҳайвон*)

– نَيِّقٌ 1) нафис, нозик, кўркам, ораста, зебо; 2) аниқ, равшан, очиқ, тушунарли

www.ziyouz.com kutubxonasi

I (نول) نَالَ (у) نَوْلٌ (*к. гадир н. нидир*) бермоқ, ато этмоқ, ҳадя қилмоқ (ب ,عَلَى *ёки туш. к.*); II نَوَّلَ бермоқ узатмоқ, узатиб юбормоқ; III نَاوَلَ 1) топширмоқ, бермоқ; 2) *спорт.* узатмоқ, қўлдан-қўлга бермоқ; IV أَنَالَ бермоқ, тақдим қилмоқ; VI تَنَاوَلَ 1) ўз ичига олмоқ, қамраб олмоқ, тўхтаб олмоқ (*бирор масала ҳақида*), алоқадор бўлмоқ; بِالنَّقْدِ ~ танқидга дучор қилмоқ, танқид қилдирмоқ; 2) олмоқ, қабул қилмоқ; 3) емоқ, овқатланмоқ; طَعَامَهُ ~ овқат емоқ; الْغَدَاءَ ~ тушлик қилмоқ; 5) (*дори-дармон*) қабул қилмоқ; 6) (*чой. қаҳвани*) ичмоқ

– مُتَنَاوَلٌ етишиш даражасидаги; يَدِنَا فِي ~ هَذَا бу қўлимиз остида турибди; ~ سَهْلُ الْـ етишиш осон бўлган ◊ فَوْقَ الظُّنُونِ ~ وَ الشُّبُهَاتِ ҳар қандай шак-шубҳадан ташқари

– مُنَاوِلٌ кучни ғилдирак ва тасмалар орқали иш машиналарига узатувчи вал

– مُنَاوَلَةٌ 1) топшириш, тақдим қилиш; 2) *спорт.* узатиш, қўлма-қўл қилиш

– مِنْوَالٌ *кўп.* مَنَاوِيلُ 1) тарз, тариқа, сифат; عَلَى ~ـهِ нимадир каби, нимагадир ўхшаш; ~ـهِ عَلَى هَذَا الْـ шу тариқа, шу йўл билан; عَلَى ~ وَاحِدٍ бир усулда, бир хил йўл билан; ~ـهِ نَسَجَ عَلَى *маж.* кимгадир тақлид қилмоқ; عَلَى ~ وَاحِدٍ هُمْ улар мутлақо бир хилдир; 2) тўқув дастгоҳи, тўқув дўкони; ◊ !أَلاَّ تَفْعَلَ هَكَذَا ~كَ сен бундай қилмаслигинг керак!

– مِنْوَالٌ *кўп.* مَنَاوِلُ тўқув дастгоҳи, тўқув дўкони

– نَوَالٌ 1) ато, ҳадя, хайр-эҳсон, инъом; 2) олиш, қабул қилиш, эга бўлиш, эришиш, топиш; ютуқ, ютуққа эришиш; ◊ ... أَنْ ~كَ сен ...(и)шинг керак

– نَوْلٌ *кўп.* أَنْوَالٌ = مِنْوَالٌ; أَنْ تَفْعَلَ كَذَا) وَ لاَ ~ـكَ) مَا ~كَ сен бундай қилишинг керак эмас

نَوْلُونٌ юк ташиш ҳақи, кира пули

I (نوم) نَامَ (а) نَوْمٌ 1) ухламоқ; ухлаш учун ётмоқ; уйқуга кетмоқ; тинч ётмоқ; نِمْتَ وَ أَدْلَجَ النَّاسُ сен ухлаб қолдинг; 2) тинчимоқ, тўхтамоқ (*денгиз, шамол ҳақида*); очмоқ (*олов ҳақида*); сусаймоқ, юришмай қилмоқ (*савдо ҳақида*); 3) донг қолмоқ, эсанкираб қолмоқ, қотиб қолмоқ; 4) (*н. нидир*) кўрмай қолмоқ, (*н. гадир*) эътибор бермай қўймоқ, (*бирор н. га нисбатан*) бепарво бўлмоқ (عَنْ); 5) (*к. гадир*) итоат қилмоқ, бўйсунмоқ (إِلَى); 6) (*к. гадир*) ишонмоқ, суянмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); ◊ عَلَى ~ مِلْءِ أَكَالِيلِ النَّصْرِ эришилган ғалаба билан хотиржам бўлмоқ; ~ عَلَى أُذُنَيْهِ жуда қаттиқ ухламоқ, қотиб ухламоқ; *қар.* أُذُنٌ; II نَوَّمَ 1) ётқизмоқ, ухлатмоқ; ухлатиб қўймоқ, ~ بِالْكُلُورُوفُرْمِ хлороформ ёрдамида ухлатмоқ (*беҳуш қилмоқ*); 2) гипноз қилмоқ; IV أَنَامَ 1) ухлатмоқ; 2) ухлатиб қўймоқ; V تَنَوَّمَ уйқуда эҳтилом бўлмоқ, уйқуда булғаланиб қолмоқ; VI تَنَاوَمَ 1) ўзини ухлаганга солмоқ, ўзини ухлаган қилиб кўрсатмоқ; 2) (*бирор н. га*) ишонмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); X[1] اسْتَنَامَ 1) (*к. гадир*) ишонмоқ, орқа қилмоқ, умид боғламоқ (إِلَى); إِلَى الصُّدْفَةِ ~ тасодифга умид боғламоқ; 2) (*бирор н. га*) қаттиқ берилмоқ, қунт билан киришмоқ (إِلَى); إِلَى الْحَدِيثِ ~ суҳбатга берилиб кетмоқ; إِلَى اللَّعْبِ ~ ўйинга берилиб кетмоқ 3) (*бирор н. га*) кўнмоқ тан бермоқ (لِـ); 4) ухлаб қолмоқ, эътиборсизлик қилмоқ; X[2] اسْتَنْوَمَ уйқуда эҳтилом бўлмоқ, уйқуда булғаланиб қолмоқ

– إِنَامَةٌ 1) ухлашга ётқизиш; 2) ухлатиш; يَقْظَةٍ ~ ғафлатда қолдириш

– تَنْوِيمٌ 1) ухлашга ётқизиш; 2) ухлатиш; ◊ مَغْنَطِيسِيٌّ ~ гипноз

– مَنَامٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) уйқу; 2) туш кўриш; 3) ухлаш хонаси, хобгоҳ; мактаблар хузуридаги ётоқхона

– مَنَامَةٌ 1) тунги куйлак, пижама; 2) ичида ухлайдиган қоп

– مُنَوِّمٌ ухлатувчи, уйқуга ётқизувчи, уйқу келтирадиган; ~ دَوَاءٌ уйқу дори; ~ـَةُ الْحُبُوبُ الْـ уйқу ҳапдориси

– مُنَوِّمَاتٌ ухлатадиган воситалар

– مَنْوَمَةٌ ухлатадиган нарса

– مُنِيمٌ *кўп.* مَنَائِمُ *тех.* таглик, бирор нарсанинг остига қўйиладиган таглик, бирор нарсанинг устига қўйиладиган устлик

– نَائِمٌ *кўп.* نِيَامٌ, نُوَّامٌ 1) ухловчи, ухлаётган, уйқудаги; 2) карахт бўлган, қотиб қолган; ~ لَيْلٌ ҳамма ухлаб ётган тун

– نَؤُومٌ 1) уйқули; 2) уйқучи одам

– نُوَامٌ 1) ўта уйқучилик, жуда кўп ухлашлик; 2) уйқу касали; узоқ ухлаб қолишлик касали, летаргия

– نَوَّامٌ уйқучи одам

– نَوْمٌ уйқу; ~ أَهْلِ الْكَهْفِ *маж.* қаттиқ уйқу, узоқ уйқу (*қар.* كَهْفٌ); ~ـِ قِلَّةُ الْـ уйқусизлик, бедорлик, камуйқулик; ~ـِ قَمِيصُ الْـ тунда кийиладиган кийим; ~ـِ غُرْفَةُ الْـ ухлаш хонаси, хобгоҳ, хобхона, ~ـِ مَرَضُ الْـ енгил уйқу касали; мудроқлик, уйқучилик; ◊ ~ مَغْنَطِيسِيٌّ гипноз; ~ـِ أَبُو الْـ *бот.* кўкнор

– نَوْمَانُ: ~ يَا! ҳой, уйқучи одам!, эй, серуйқу одам!

– نَوْمَةٌ *кўп.* ـَاتٌ ـَـ 1) қисқа муддатли уйқу; 2) уйқу характери; نَامَ ~ أَهْلِ الْكَهْفِ *маж.* жуда қаттиқ ухламоқ (*қар.* كَهْفٌ)

– نُوَمَةٌ уйқучи одам

– نَوْمِيٌّ уйқуга оид; уйқули; ~ـَةُ الْيَقْظَةِ الْـ *мед.* уйқуда юриш, уйқуда беихтиёр турли ишлар қилиш

– نِيمٌ = مَنَامَةٌ

II (نون) نَوَّنَ *грам.* танвин ҳаракатини қўймоқ

– تَنْوِينٌ *грам.* танвин ҳаракати

– نُونٌ *кўп.* نِينَانٌ, أَنْوَانٌ 1) катта балиқ; 2) кит; 3) *кўп.* نُونَاتٌ, أَنْوَانٌ нун (ن) ҳарфи; ◊ ~ ذُو الْـ Зуннун

www.ziyouz.com kutubxonasi

– نُوَيَّة юздаги кулдиргич

– نُونِيّ нун (ن) ҳарфига ўхшаш, нун (ن) каби

نَوْنَوَ миёвламоқ

– نُونُو гўдак, чақалоқ

– نَوْنَوَة миёвлаш

(نود) I نَادَ (*у*) نَوْدٌ кўтарилмоқ, бош кўтармоқ; النَّبَاتُ ~ ўсимлик бош кўтарди; II نَوَّدَ 1) (*бирор н. га*) ишора қилмоқ (ب); (*н. нидир*) эсламоқ, эслаб ўтмоқ, кўрсатиб ўтмоқ, эслатиб ўтмоқ (ب); 2) (*бирор н. га*) имо-ишора қилмоқ, шама қилмоқ (ب); 3) (*к. ни дир*)) мақтамоқ, мадҳ қилмоқ (ب)

– تَنْوِيهٌ 1) эслатиб ўтиш, кўрсатиб ўтиш; имо-ишора, шама; 2) мақташ, мақтов, мадҳ

– مُنَوَّهٌ (*бирор к. томонидан*) кўрсатиб ўтилган, эслатиб ўтилган (ب); ◊ عَنْهُ ~ шама, имо-ишорага сабаб бўлган нарса

I نَوَى (*и*) نِيَّةٌ 1) ният қилмоқ, бел боғламоқ; (*бирор н. га*) қасд қилмоқ, қаттиқ уринмоқ; 2) узоқлашмоқ; (*н. дандир*) узоқда бўлмоқ, узоқ бўлмоқ (عَنْ); II نَوَّى 1) ядро ташкил этмоқ; 2) миёвламоқ; III نَاوَى душманлик қилмоқ, душман бўлмоқ, VIII اِنْتَوَى ният қилмоқ, қарор қилмоқ

– اِنْتِوَاءٌ ният, ният қилиш, маҳкам бел боғлаш, кескин қарор бериш

– نَوَاةٌ[1] *кўп.* نَوًى 1) данак, (*меванинг*) уруғи; ядро; ذَرِّيَّةٌ ~ *физ.* атом ядроси; تَحْطِيمُ الذَّرَّةِ ~ атом ядросини парчалаш; 2) *тех.* ўзак, ўқ

– نَوَاةٌ[2] набот (*5 дирҳамга тенг оғирлик ўлчови*)

– نُوَايَةٌ *кўп.* اتٌ — (*меванинг*) данаги, уруғи

– نَوَوِيٌّ ядрога оид; الْفِيزْيَاءُ الـ~ ядро физикаси; الْمُفَاعِلُ الـ~ ядро реактори; التَّفَاعُلاَتُ الـ~ـةُ ядро реакциялари; الاِنْدِمَاجُ الـ~ـيُّ ядро синтези; الأَبْحَاثُ الـ~ـةُ ядровий тадқиқотлар; غِشَاءٌ ~ـةٌ ядро қобиғи; جِلْنَةٌ ~ـةٌ ядро плазмаси; الطَّاقَةُ الـ~ـةُ ядро энергияси; الْقِوَى الـ~ـةُ ядро таркибидаги кучлар; السِّلاَحُ الـ~ ядро қуроли; الرُّؤُوسُ الـ~ـةُ ядровий каллаклар

– نَوًى 1) олислик, узоқлик, йироқлик; 2) (*саёҳатдан кўзланган*) ният, мақсад

– نُوَيَّةٌ *кўп* اتٌ — ядроча

– نِيَّةٌ *кўп.* اتٌ نَوَايَا ният, мақсад, фикр; حُسْنُ الـ~ эзгу ният, беғаразлик; عَنْ حُسْنِ الـ~ эзгу ният билан, яхши мақсад йўлида, ~ـِ سُوءُ ғаразгўйлик, ёмонлик; عَقَدَ الـ~ عَلَى ... ..ни ният қилмоқ; صَحَّتِ الـ~ عَلَى ...(и)ш яхши нияти бор эди; بَيَّتَ ~ـَ عَلَى فِعْلِ شَيْءٍ ниманидир қилишни ният этмоқ; ◊ سَلاَمَةُ الـ~ соддалик, оддийлик, табиийлик; عَلَى نِيَّاتِهِ а) содда, оқ кўнгил, ишонувчан; رَجُلٌ عَلَى نِيَّاتِهِ оқ кўнгил одам; б) тажрибасиз, ғўр

I (نيأ) نَاءَ (*и*) نَيْءٌ хом бўлмоқ; II نَيَّأَ 1) хом қўймоқ, хомлигича қолдирмоқ; 2) (*ишни*) чала (*охирига етказмай*) ташлаб қўймоқ

– نِيءٌ, نَيٌّ 1) пишмаган, хом, пишиб етилмаган; 2) охирига етказилмаган, чала, охиригача ишланмаган

I (نيب) نَابَ (*у*) نَيْبٌ қозиқ тишига зарар етказмоқ; II نَيَّبَ тишламоқ, тиши билан илиб олмоқ

– نَابٌ *кўп.* أَنْيَابٌ, نُيُوبٌ қозиқ тиш; ◊ الْجَمَلِ ~ *бот.* бўтакўз, كَشَرَ ~ـُهُ أَزْرَقُ у ёмон одам, у нияти бузуқ одам; ~ـِ الـ قَارَعَ بِالظُّفْرِ وَ أَنْيَابِهِ عَنْ тишларини иржайтирмоқ, тиржайтирмоқ; бор кучи билан солишмоқ, урушмоқ

نِيبْتُونٌ *астр.* Нептун

نِتْرَاتٌ = نِيتْرَاتٌ

نِيتْرُوجِينٌ *кимё.* азот

نِيتْرُونٌ *кўп.* اتٌ — нейтрон

نِيتْرِيكٌ азотли, азотга оид; حِمْضُ ~ азот кислатаси

(نيح) II نَيَّحَ ўлим бермоқ, ўлдирмоқ (*Оллоҳ ҳақида*); V تَنَيَّحَ вафот этмоқ, ўлмоқ

– مُتَنَيِّحٌ ўлган, вафот этган

– نَيَاحٌ ўлим, вафот этиш; (*христианларда*) ўлим (*шунингдек, қар:* نوح)

نِيرٌ *кўп.* أَنْيَارٌ зулм, истибдод; تَخَلَّصَ مِنْ ~ الاِسْتِعْمَارِ وَ الاِسْتِغْلاَلِ империализм ва эксплуатация зулмидан қутулмоқ

– نِيرَةٌ милк, тиш милки

نَوْرُوزٌ = نَيْرُوزٌ

نَيْزَكٌ *кўп.* نَيَازِكُ 1) найза; 2) *астр.* учар юлдуз; метеор

– نَيْزَكِيٌّ метеорга оид

نِيسَانُ найсон, апрель; كِذْبَةُ ~ биринчи апрель ҳазили

نِشَانٌ = نَيَاشِينُ *кўп.* نِيشَانٌ

نِيصٌ *зоол.* жайра

نِيطٌ *қар.* نوط

نِيفٌ *қар.* نوف

سِرْوَالُ ~ـِ شалвор *ёки* иштоннинг кенг қисми

– نِيفَةٌ қовурма гўшт

نِيقٌ *қар.* نوق

(نيق) V تَنَيَّقَ (*шунингдек, қар.* تَنَوَّقَ) (*н. дадир*) синчков бўлмоқ (فِي); табъи нозик бўлмоқ, диди нозик бўлмоқ (فِي)

I (نيك) نَاكَ (*и*) نَيْكٌ жинсий алоқа қилмоқ

– مَنْيُوكَةٌ *кўп.* اتٌ — бузуқ аёл, ғар, фоҳиша

www.ziyouz.com kutubxonasi

نِيكَلٌ никель

– مُنَكَّلٌ никелланган

نِيكُوتِينٌ никотин

I (نيل) **نَالَ** (*а*) نَيْلٌ 1) олмоқ, қабул қилмоқ, эга бўлмоқ, касб этмоқ; эришмоқ, етишмоқ; (*ўйинда*) ютмоқ, ғолиб бўлмоқ, қўли баланд келмоқ; ~ بُغْيَتَهُ ниятига етмоқ, орзу қилган нарсасига етишмоқ; ~ حُظْوَةً (*к. нингдир*) марҳаматига сазовор бўлмоқ (لَدَيْهِ); ~ جَائِزَةً мукофот олмоқ; ~ حَقَّهُ ўз ҳуқуқини қўлга киритмоқ; ~ حُرِّيَّتَهُ озодликка эришмоқ; ~ دَرَجَةَ الدُّكْتُورَاه доктор даражасини олмоқ; ~ رِضَاهُ кимнингдир илтифотига сазовор бўлмоқ; ~ عَطْفَهُ (*к.нингдир*) меҳрига сазовор бўлмоқ; ~ نَجَاحًا فِي ... (*н. дадир*) ютуққа эришмоқ; 2) бошига тушмоқ (*мас., бахтсизлик*); ~ـــهُ الْفَقْرُ унинг бошига қашшоқлик ва очлик тушди; ~ـــهُ التَّغَيُّرُ у ўзгариб кетди; 3) (*к. гадир*) тегишли бўлмоқ; 4) (*н. нидир*) озайтирмоқ, камайтирмоқ (مِنْ); 5) (*к. нидир*) хафа қилмоқ, ранжитмоқ, сўкмоқ, ҳақоратламоқ (مِنْ); (*к. гадир*) ёмонлик қилмоқ, зарар келтирмоқ (*туш. к ёки* مِنْ); مِنْ عِرْضِهِ ~ кимнидир бадном қилмоқ, қораламоқ; ~ـــهُ بِسُوءٍ кимгадир зарар келтирмоқ, ёмонлик қилмоқ; 6) (*бирор н. га*) кўз олайтирмоқ, тажовуз қилмоқ; ◊ مِنْهُ الشَّيْبُ ~ унинг соч-соқоли оқарди; مِنْ نَفْسِي هَذَا الْحَدِيثُ ~ бу сухбат менда таассурот қолдирди; II نَيَّلَ 1) Нил бўёғи билан бўямоқ; 2) (*ерни*) Нил дарёси суви билан суғормоқ; IV أَنَالَ 1) бермоқ, тақдим қилмоқ; 2) бировнинг қўлини баланд қилмоқ, бировнинг ютишига имкон яратмоқ; V تَنَيَّلَ Нил бўёғи билан бўянмоқ

– تَنْيِيلٌ (*ерни*) Нил дарёси суви билан суғориш

– مَنَالٌ олиш, қўлга киритиш, етиштириш; ~ـــ الْ عَسِيرُ صَعْبُ ёки етишиш қийин бўлган, қўлга киритиш мушкул бўлган (*н.*); ~ـــ الْ سَهْلُ етишиш осон бўлган, қўлга киритиш осон бўлган (*н.*) ~ـــ الْ قَرِيبُ эришиладиган, эришилиши осон бўлган; ~ـــ الْ بَعِيدُ етишиб бўлмайдиган, етиб бўлмайдиган

– مَنْيَلٌ Нил дарёси сувини ўлчайдиган асбоб

– نَائِلٌ 1) олувчи, қабул қилувчи, қабул қилиб олувчи; 2) совға, ҳадя; 3) ютуқ, фойда; ~ـــ بِـ لَمْ يَظْفَرْ у ҳеч бир фойда олмади

– نَيْلٌ 1) олиш, қабул қилиш, қабул қилиб олиш; етишиш, эришиш; 2) имтиёз, фойда; 3) ғалаба, муваффақият

– نِيلٌ Нил бўёғи

– نِيلُ Нил дарёси; ◊ ~ـــ الْ بَنُو мисрликлар; ~ـــ الْ نَهْرُ ёки Нил дарёси; ~ـــ الْ عَرَائِسُ *қар.* عَرُوسٌ

– نِيلَةٌ Нил бўёғи; ~ـــ الْ زَهْرَةُ очкўк бўёқ, синька

– نِيلِيٌّ[1] кўк, мовий

– نِيلِيٌّ[2] 1) Нил дарёсига оид; ~ سَمَكٌ Нил балиғи; 2) Нил дарёсининг тошишига оид; ◊ ~ـــ الْ ذُرَّةُ *бот.* дурра (*жўхорининг бир нави*)

نِيلَجٌ 1) тери остига нақш (*татуировка*) чизиладиган бўёқ; 2) Нил бўёғи

نِيلُوفَرٌ *бот.* нилуфар

نَيْلُونٌ нейлон; ~ـــ الْ جَوَارِبُ нейлон пайпоқ

نيم *қар.* نوم

نِيمْبِرِشْتٌ *халқ.* чала пиширилган (*тухум*)

نِينَةٌ она

نِيَّةٌ *қар.* نوى

نِيُوبِيمٌ *кимё.* ниобий

نِيُوتْرُونٌ *физ.* нейтрон

نِيُونٌ неон; ~ـــ الْ أَضْوَاءُ неон нурлари; ~ـــ الْ أَنَابِيبُ неон найчалари (*рекламалардаги*)

– نِيُونِيٌّ неонга оид; ~ـــةٌ الْأَضْوَاءُ неон нурлари

ه

ه (هَاءٌ) ҳо (*араб алифбосининг йигирма олтинчи ҳарфи, абжадда* - 5)

ـــهـ *қисқ.* (سَنَةٌ) هِجْرِيَّةٌ *дан* ҳижрий (*йил*)

ـــهُ ... ـــه: III- шахс *бирикма олмоши*; унинг (мз.); كِتَابُهُ унинг китоби, 2) кишилик олмоши, III- шахс, туш.к. қўшимчаси; أَخَذْنَاهُ биз уни олдик.

هَا... унинг (*мн*); уни (*мн*), уларни (*жонсиз предметлар ҳақида*); كِتَابُهَا унинг (*мн.*) китоби; أَخَذْنَاهَا уни (*мн.*) олдик; биз уларни (*мас. китобларни*) олдик.

هَا мана; هَا هُوَ мана у; هَا أَنَا ذَا мана мен; هَا أَنَا قَائِمٌ мана мен ҳам; وَ هَاكَ مَثَلاً ҳозир; وَ мана сенга бошқа бир мисол; هَا هُنَا мана бу ерда; إِذَا شِئْتَ دَلِيلاً فَهَاكَهُ агар далил хоҳласанг, мана у

هَذَا (هَا+ذَا) бу (*мз.*)

هَذِهِ бу (*мн.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

هَؤُلَاءِ булар

هَكَذَا хуллас, шундай қилиб

هَابِيل *Қур., ат. от, мз.* Ҳобил; *библ.* Авель

هَات *мн.* هَاتِي бер!; هَاتُوا *мн.* هَاتِينَ беринглар!

هَاتُور 1) Ҳотир (*Қадимги мисрликлар* илоҳаси) 2) Ҳотир (*қибт тақвимининг учинчи ойи*)

هَاجَر *қур., ат. от. мн.* Ҳожар, *библ.* Агарь

هَارْمُونِي гармония, ҳар томонлама мутаносиблик, мослик

هَارُون *ат. от. мз.* Ҳорун, ~ أَبُو булбул

هَال *бот.* ҳил, кардамон (*занжабилгуллилар оиласига мансуб ўтсимон доривор ўсимлик*), ~ حَبُّ الْـــ *қар.* حَبٌّ

هَالُوكٌ *бот.* Шумғия, шумгиёҳ

هَالْيُومْ *кимё.* гелий

هَامُوشٌ *жам.* майда чивинлар

هَامُوشَةٌ *кўп.* اتٌ — майда чивин

هَانِمٌ *кўп.* هَوَانِمُ хоним, аёл

هَاوْسَا ~ الْـــ ҳовус тили

هَاوُونٌ *кўп.* هَوَاوِينُ *қар.* هون

هَأْهَأَ ҳоҳоламоқ, қаттиқ кулмоқ

– هَأْهَأَةٌ ҳоҳолаш, қаттиқ кулиш

هَبْ *қар.* وهب

I (هبّ) **هَبَّ**[1] (*a/u*) هَبِيبٌ, هُبُوبٌ 1) қутурмоқ, эсмоқ (*шамол ҳақида*) 2) чиқмоқ (*ёнғин, уруш ва б.лар ҳақида*) ~ـــت النَّارُ ёнғин чиқди. ~ـــت الْعَاصِفَةُ бўрон бошланиб кетди 3) уйғонмоқ, уйқудан турмоқ, ~ مِنْ نَوْمِهِ уйқудан турмоқ, уйқудан уйғонмоқ. هَبَّ[2] (*a/u*) هَبٌّ 1) (*к. дир қарши*) кўтарилмоқ (فِي) (*к. гадир*) хужум қилмоқ, ташланмоқ ~ فِيهِ الْكَلْبُ (فِي) унга ит ташланди. ~ وَاقِفًا ирғиб туриб кетмоқ. ~ فِي وَجْهِهِ الْمُعَارِضُونَ оппозициячилар қарши чиқдилар, 2) (*бирор н. га*) киришмоқ, (*бирор н. ни*) бошламоқ (إِلَى); ~ يَكْتُبُ у ёза бошлади, ёзишга киришди; 3) тез юрмоқ (*қаергадир*) шошмоқ (إِلَى); ~ وَدَبَّ كُلُّ مَنْ *маж.* ҳар бир одам, ким бўлса ҳам, исталган бир одам. ~ وَدَبَّ؟ هَلْ هَذَا مُبَاحٌ لِكُلِّ مَنْ ҳар бир дуч келган одам бу ишни қилаверадими? ~ لِلْحَرْبِ қўлга қурол олмоқ ~ فِي الْحَرْبِ енгилмоқ, мағлуб бўлмоқ II هَبَّبَ 1) суғурмоқ, олмоқ, олиб ташламоқ, узмоқ, йиртмоқ 2) шошиб қилмоқ, қўл учида қилмоқ, 3) қурум (куя) суртмоқ, қора қилиб қўймоқ, қора қилмоқ. IV أَهَبَّ уйғотмоқ V تَهَبَّبَ 1) йиртилиб - титилиб кетмоқ; эскирмоқ (*кўйлак ҳақида*); 2) қурум (куя) суртилган бўлмоқ

– مَهَبَّةٌ, مَهَبٌّ *кўп.* مَهَابُّ шамолли томон, шамол уриб турган жой مِنْ أَيِّ مَهَبَّةٍ جَاءَتِ الْعَاصِفَةُ؟ бўрон қайси тарафдан келди?

– مُهَبَّبٌ қурум (куя) билан қопланган. ~ نَهَارٌ қора (бадбахт) кун

– هُبَابٌ жуда майда чанг

– هَبَابٌ қурум, куя, ~ الْمِصْبَاحِ чироқ қуруми. ~ الرَّجُلِ эркаклар жинсий аъзоси, олати; ~ الْمَرْأَةِ аёллар жинсий аъзоси

– هَبَّةٌ *кўп.* اتٌ — шамол шиддати, енгил шамол эсиши

– هَبَةٌ *қар.* وهب

– هَبَّةٌ эркак ҳайвоннинг мастлиги, кўзининг қонга тўлиши

– هَبُوبٌ қум ва чанг тўзитадиган кучли шамол; чанг-тўзонли бўрон

– هُبُوبٌ шамолнинг увиллаши, чийиллаши

– هَبُوبَةٌ = هَبُوبٌ

I **هَبَتَ** (*u*) هَبْتٌ 1) (*бирор н. билан*) қаттиқ зарба бермоқ, қаттиқ урмоқ (ب); 2) ерга йиқитмоқ, ташламоқ, урмоқ; 3) *мажх.* а) аҳмоқ, нодон бўлмоқ; б) қўрқоқ, юраксиз бўлмоқ

– هَبِيتٌ 1) нодон, аҳмоқ; 2) қўрқоқ, юраксиз

I **هَبَجَ** (*a*) هَبْجٌ (*н. билан дир*) урмоқ, зарба бермоқ (ب). ~ـــهُ بِالْعَصَا кимнидир ҳасса билан урмоқ

مِهْبَجٌ кўп. مَهَابِجُ оғир (кели) дастаси (сопи)

– هَبَجٌ туя елинида учрайдиган шиш

I **هَبَدَ** (*u*) هَبْدٌ 1) (*бирор нарса билан*) урмоқ (ب); 2) пастга ташламоқ, тушириб юбормоқ; VII انْهَبَدَ 1) зарба емоқ 2) ташлаб юборилган, туширилган бўлмоқ

– هَبْدَةٌ 1) (*бирор нарса тушиб кетганда. йиқилганида чиқадиган*) бўғиқ овоз; 2) оғир йиқилиш

I (هبر) **هَبَرَ**[1] (*y*) هَبْرٌ катта-катта бўлакларга ажратмоқ (*мас., гўштни*) هَبَرَ[2] (*y*) هَبْرٌ (*к. гадир*) ҳужум қилмоқ, ташланмоқ (فِي)

– هَبَارِيَةٌ соч кепаги

– هُبَارِيَّةٌ. ~ رِيحٌ чангли шамол

– هَبْرٌ талиқ, ёғсиз гўшт, қора кесак (гўшт)

– هَبْرَةٌ 1 *кўп.* هَبَرَاتٌ гўшт парчаси

– هَبْرَةٌ 2 ҳужум, ташланиш

– هُبَارِيَةٌ = هَبَارِيَةٌ

– هُبَيْرَةٌ зоол. сиртлон, ёлдор бўри; ◊ ~ أَبُو қурбақа (*эркаги*); ~ أُمُّ қурбақа (*урғочиси*)

I **هَبَشَ** (*u*) هَبْشٌ 1) тез юрмоқ, тўпламоқ; 2) (*қўлда. тирноқли чангалда*) тутмоқ, қаттиқ қисиб олмоқ; II هَبَّشَ эҳтиёткорлик билан йиғмоқ, тўпламоқ, ~ الْأَرْزَ шоли оқламоқ, V تَهَبَّشَ 1) тўпламоқ 2) тўпланмоқ, жамламоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– مُهَبَّشٌ оқланган; ~ الْأُرُزُّ الْـــ оқланган шоли

– هَابُوشٌ *жам.* майда чивинлар

– هَابُوشَةٌ *кўп.* اتٌ — чивин

– هَبَّاشٌ осонлик билан жамлаб, эгалик қилувчи

هَبْصَةٌ бир тўп пул, кўпгина пул

I (هبط) **هَبَطَ**[1] (*у, и*) هُبُوطٌ 1) тушмоқ, пастга тушмоқ; пастламоқ, қўнмоқ (*қуш ҳақида*); пасаймоқ, ерга қўнмоқ (*самолёт ҳақида*); ~ السُّلَّمَ шоти (нарвон) дан пастга тушмоқ; بِالْمَظَلَّة ~ парашютда тушмоқ; 2) пасаймоқ, тушмоқ (*нарх-наво ҳақида*), пасаймоқ (*сатҳ ҳақида*); 3) пасаймоқ, тушмоқ (*шэмол ҳақида*); 4) (*н. нидир*) пастга туширмоқ (ب); 5) тушиб кетмоқ (*мас., уй томи*), йиқилмоқ (*девор ҳақида*); 6) (*бирор жойдан*) келмоқ; 7) (*қаергадир*) жўнамоқ (إِلَى); ~ جِسْمُهُ مِنَ الْمَرَضِ إِلَيْهِ الْوَحْيُ *унинг илҳоми келди*; ~ у касалликдан озиб кетди; إِلَى قَاعِ الْهَوَانِ ~ маънавий жиҳатдан тубанлашмоқ; هَبَطَ[2] (у) هَبْطٌ 1) туширмоқ, пасайтирмоқ, 2) мадордан, қувватдан кетказмоқ (*касаллик ҳақида*); IV أَهْبَطَ 1) тушишга мажбур қилмоқ; туширмоқ; 2) туширмоқ, пасайтирмоқ (*нарх-наво ҳақида*); X اسْتَهْبَطَ чорламоқ, чақирмоқ, келтирмоқ (*илҳомни*)

– أَهَابِيطُ *кўп.* парашютчилар

– إِهْبَاطٌ пасайтириш

– مَهْبَطٌ[1] пасайиш, қўниш

مَهْبِطٌ, مَهْبَطٌ[2] кўп مَهَابِطُ 1) (*бирор н. нинг*) пайдо бўлиш жойи, ўрни; 2) манба; 3) *кўч.м.* бешик, ватан; 4) қўнадиган жой, қўниш майдони; 5) одамлар зиёрат қиладиган, кўриб кетадиган жой; هُوَ ~ السُّيَّاحِ مِنْ جَمِيعِ أَنْحَاءِ الْعَالَمِ бу шундай жойки, бу ерда оламнинг ҳамма жойидан саёҳатчилар келадилар; 6) *эл.* катод; ~ مَصْعَدٌ وَ анод ва катод; ~ أَشِعَّةُ الْـــ катод нурлари; ◊ مُنْذُ طَلْعَةِ الصُّبْحِ حَتَّى ~ اللَّيْلِ эрта тонгдан қоронғи кечгача

– مَهْبَطَةٌ *кўп.* مَهَابِطُ парашют

– مَهْبُوطٌ ҳолдан тойган; ориқ, озғин

– هَابِطٌ 1. 1) пастга тушиб кетаётган, пастлаётган; بِالْمَظَلَّة ~ парашютчи; 2) ҳолдан тойган; ориқ, озғин; 2. *кўп.* هَوَابِطُ *геол.* сталактит (*ғор шипида ҳосил бўлиб, осилиб турадиган сумалаксимон оқиқ-томчи ҳосилалар*)

– مَهْبَطَةٌ *кўп.* هَابِطَةٌ = هَوَابِطُ

– هَبْطٌ 1) камайиш, озайиш; пасайиш; 2) пастлик, жарлик, жар

– هُبُوطٌ яндама, қиялик

– هُبُوطٌ 1) пасайиш, тушиш, қўниш (*самолёт ҳақида*); ~ اضْطِرَارِيٌّ ғайриихтиёрий, мажбурий қўниш; ~ بِرُفْقٍ юмшоқ қўниш (*космик кема ҳақида*); 2) пасайиш (*нарх-наво ҳақида*); тушиш, пасайиш, озайиш; ~ الدُّولَارِ доллар курсининг пасайиши; 3) келиш; 4) зиёрат қилиш, визит; 5) *мед.* а) коллапс (*юрак фаолиятининг кескин пасайиши, ҳолдан кетиши*); б) пролапс (*шу касалликнинг бошланиш нуқтаси*); в) пастга тушиб қолиш (*бачадон*)

– مَهْبُوطٌ = هَبِيطٌ

I (هبل) **هَبَلَ** (*у*) هَبْلٌ нодон, аҳмоқ қилмоқ; هَبُلَ (*у*) هَبَالَةٌ аҳмоқ, нодон бўлмоқ; هَبِلَ (*а*) هَبَلٌ (*болани*) йўқотиб қўймоқ (*она ҳақида*); ◊ أُمُّهُ ~ ـــه у қандай ақлли; II هَبَّلَ 1) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ; 2) калта фаҳм, бефаросат, аҳмоқ қилмоқ; 3) буғламоқ, буғда пиширмоқ; 4) гўштдор бўлмоқ, мускуллари қават-қават бўлмоқ; V تَهَبَّلَ 1) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ; 2) ваннада чўмилмоқ, ванна қабул қилмоқ; шунингдек: بِالْبُخَارِ ~ буғланмоқ; VII انْهَبَلَ аҳмоқ бўлмоқ, VIII اهْتَبَلَ 1) (*к. учундир*) ишлаб топмоқ, қўлга киритмоқ (لِ); 2) (*к. гадир*) ғамхўрлик қилмоқ (ب), 3) (*ёвни*) алдамоқ, (*унга*) чап бермоқ; ◊ الْفُرْصَةَ ~ фурсатдан фойдаланиб қолмоқ; ~ لَكَ қар. هَبَلٌ

– أَهْبَلُ мн. هُبْلَاءُ кўп. هُبْلٌ 1. аҳмоқ, бефаросат, нодон; 2) овсар, эси паст, каллаварам

– مِهْبَلٌ енгил, ҳаракатчан

– مَهْبَلٌ кўп. مَهَابِلُ *анат.* мойлиқ, ҳазна, қин

– مُهَبَّلٌ жуссали, норғил, гавдаси катта

– مَهْبَلِيٌّ қинга оид

– مَهْبُولٌ кўп. مَهَابِيلُ нодон, ақлсиз, калтафаҳм, эси паст

– هَابِيلُ *алиф б.қар.*

– هَبَالَةٌ ақлсизлик, калтафаҳмлик, идиотизм, эси пастлик

– هَبَلٌ[1] калтафаҳмлик, эси пастлик, овсарлик

– هَبَلٌ[2] иш, машғулот; اهْتَبِلْ ~ ـــكَ бор ўз ишингни қил, бор йўлингдан қолма!

– هُبَلُ Ҳубал (*қадимги араблар илоҳи номи*), Каъбадаги бутлардан бирининг номи (*жоҳилият даврида*)

– هَبِيلٌ баланд бўйли, дароз, новча одам

– هَبْلَةٌ 1) сув буғи; 2) ҳаммом

– هَبْوَلِيٌّ. ~ بَالِـــ *кўп.* кўп (катта миқдорда)

– هَبِيلٌ = هَابِيلُ

– هَبِيلٌ аҳмоқ, бефаросат

هَبْهَبَ 1) йилтиллатмоқ, пирпиратмоқ, учирмоқ, тебратмоқ, 2) вовулламоқ, ҳурмоқ

– هَبْهَابٌ[1] сароб

– هَبْهَابٌ[2] тез, тезюрар

– هَبْهَبَةٌ 1) йилтиллаш, пирпираш, учириш; 2) вовуллаш, ҳуриш

– هَبْهَابٌ[2] = هَبْهَبِيٌّ

I (هبو) **هَبَا** (*у*) هُبُوٌّ 1) ҳавода учиб юрмоқ (*чанг ҳақида*); 2) қочмоқ, тум-тарақай бўлиб кетмоқ

– هَبَاءٌ *кўп.* أَهْبَاءٌ (*ҳавода учиб юрган*) энг майда чанг; тўзон; ◊

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ ضَيَّعَ الوَقْتَ вақтни зое кетказмоқ. (مَشْؤُوم) ~ (ضَاع) ذهب зое кетмоқ. шамолга совурилмоқ. مَشْؤُوماً ~ كَانَ هٰذَا الْوَعْدُ бу шамолга учирилган ваъда эди. ~ به ذهب бирор нарсани совурмоқ (зое кетказмоқ)

– هَبَاءَة *кўп* ـَات ~ чанг зарраси, энг кичик зарра

– هَبْوَة *кўп* هَبَوَات، أَهْبَاء ҳавода учиб юрган чанг

I **هتّ** (*a/u*) هَتٌّ 1) таҳдид қилмоқ, қўрқитмоқ (*к. гадир*) даҳшат солмоқ (*туш. к. ёки* على), 2) (*н. учундир*) сўкмоқ, таъна (миннат) қилмоқ (ب), 3) обрўсизлантирмоқ

I **هتر** (*u*) هَتْر 1) ақлни хиралаштирмоқ (*қарилик ҳақида*), 2) парчалаб йиртмоқ, йиртиб ташламоқ, 3) қораламоқ, айб тақамоқ, емонламоқ. III هَاتَرَ сўкинишмоқ, айтишмоқ, сўкишишмоқ. IV أَهْتَرَ 1) *шунингдек мажх* ақлдан махрум бўлмоқ, калтафаҳм бўлиб қолмоқ, 2) тантирамоқ, алжирамоқ. VI تَهَاتَرَ 1) сўкишишмоқ, жанжаллашиш вақтида бир-бирини айбламоқ, 2) (*гувоҳлик беришда*) ўзаро зид фикрлар айтмоқ. X اِسْتَهْتَرَ 1) ўйламай иш тутмоқ, 2) (*бирор н. га*) беписанд муносабатда бўлмоқ (ب), (*н. нидир*) оёқости қилмоқ, бузмоқ (ب), بِالْقَانُون ~ қонунни бузмоқ, 3) узбилармон, бебош бўлмоқ, (*н. дадир*) бетакаллуфлик қилмоқ, (*н. нидир*) суиистеъмол қилмоқ (ب), بِالْقُوَّة ~ кучни суиистеъмол қилмоқ, 4) (*н. нидир*) аямаслик, (*н. гадир*) беписанд муносабатда бўлмоқ, эътиборсиз бўлмоқ (ب), (*н. биландир*) ҳисоблашмаслик (ب), 5) безорилик қилмоқ, 6) *мажх* (*н. гадир*) кўр-кўрона, чин дилдан берилмоқ, (*бирор н. га*) қизиқмоқ (ب)

– اِسْتِهْتَار 1) ақлсизлик, фаросатсизлик, ўйламай иш қилиш, 2) бебошлик, ахлоқсизлик, юзсизлик, 3) назар-писанд қилмаслик, ҳурматсизлик

– مُسْتَهْتِر 1) алаҳлаётган, босинқираётган, 2) (*бирор н. билан*) ўйламай, кўркўрона қизиққан (ب)

– مُسْتَهْتِر 1) ўйламай иш қиладиган, бемулоҳаза, 2) ҳеч нарса билан ҳисоблашмайдиган, 3) безорилик қиладиган

– مُهَاتَرَة *кўп* ـَات ~ ўзаро сўкишиш, гап талашиш, жонга тегадиган, зерикарли тортишув

– مُهْتَرّ ақлдан озган, бегона бўлган

– هَتْر *кўп* أَهْتَار 1) аҳмоқона вайсақилик, 2) бемаънилик, тутуриқсизлик, هَاتِر ~ ўта бемаънилик

I **هتف** (*y*) هَتْف 1) бақирмоқ, хитоб қилмоқ, ҳайқирмоқ, بِالْعَيْب ~ кимнидир сўз билан таҳқирламоқ, فِي حَقِّه кимнидир 2) (*кимнидир*) чақирмоқ (ب), 3) (*к. нидир*) бақириб, қичқириб табрикламоқ, ура! деб қичқирмоқ (لـ), بِحَيَاتِه ~ кимгадир «яшасин!» деб қичқирмоқ, بِسُقُوطِه ~ кимгадир «йўқолсин!», "битсин!» деб қичқирмоқ, 4) шивирламоқ (*пинҳоний, яширин гап ҳақида*), 5) ғувғувламоқ (*мас. каптарлар ҳақида*)

– هَاتِف кўп هَوَاتِف 1 қичқираётган, хитоб қилаётган, 1) пинҳоний овоз (*виждон, кўнгилга келиш ҳақида*), اَلْقَلْبِيّ ~ اَلنَّفْسِيّ халқ овози هَوَاتِفُ التَّأْنِيب таъна, гинани ичдан ҳис қилиш, هَوَاتِفُ الْخَوْف қўрқинчни, хавфни ҳис қилиш, ... ~ فِيمَنْ به унга ҳотифдан хабар келдики, ... 2) телефон 3) *фольк.* чўл-биёбондаги кўзга кўринмайдиган яхши, олийжаноб руҳ (*у ёки сайёҳга қутулиш йўлини айтиб берар эмиш*)

– هَاتِفِيّ телефонга оид; ~ خَطّ телефон линияси ~ مَرْكَز телефон маркази (станцияси); ~ اِتَّصَلَ بِـ (*к. биландир*) телефонда боғланмоқ (ب)

– هُتَاف кўп ـَات ـــ 1) овоз, ҳайқириқ, қичқириқ, اَلْحَرْب ~ жанговар ҳайқириқ, 2) хитоб, баланд овоз билан шарафлаш, ~ اَلاِسْتِحْسَان маъқулловчи баланд овозлар, اَلْفَرَح ~ шодлик, хурсандлик қичқириқлари, овация

– هَتَّاف 1 (*тор сингари*) жарангловчи, овоз чиқарувчи, 2. телефончи, телефонист

– هَتَّافَة = هَتَّاف

– هَتْفَة товуш, овоз, қичқириқ, хитоб

I **هتك** (*u*) هَتْك 1) юлмоқ, юлиб олмоқ, узмоқ, йиртиб, парча-парча қилиб ташламоқ; سِتْرَه ~ кимнидир фош қилмоқ, ҳақиқий башарасини ошкор қилмоқ, 2) айбдор қилмоқ, шаънини булғамоқ, шарманда қилмоқ, 3) номусга тегмоқ, зўрламоқ, عِرْضَ الْفَتَاة ~ қизнинг номусига тегмоқ. II هَتَّكَ 1) шарманда қилмоқ, обрўсизлантирмоқ, сўкмоқ, таҳқирламоқ, ҳақорат қилмоқ ~ اَلْأَسْتَار фош қилмоқ, 2) парчаламоқ, майда-майда қилиб йиртмоқ, 3) йўқ қилмоқ, қириб ташламоқ; V تَهَتَّكَ 1) йиртилган бўлмоқ, 2) ўзини шармандаю шармисор қилмоқ, ҳар қандай уятдан бегона бўлмоқ, ахлоқсиз-одобсиз бўлмоқ, 4) парчаланган, бели синган, вайрон қилинган бўлмоқ. VII اِنْهَتَكَ 1) (*н. гадир*) берилиб кетмоқ, (*н. нингдир ичига*) ботиб қолмоқ (في); 2) парчаланган, бели синган, вайрон қилинган бўлмоқ, 3) шарманда қилинган бўлмоқ, номусига тегилган бўлмоқ (*аёл ҳақида*)

– تَهَتُّك 1) шармандалик, уятсизлик, 2) ахлоқсизлик, бузуқлик, 3) ёрилиш, ерилиб кетиш, очилиб кетган яра

– مُتَهَتِّك 1) уятсиз, номуссиз, сурбет; 2) ахлоқсиз, бузуқ

– هَتْك 1) бузилиш, узилиш; 2) номуссизлик, шармандалик; ~ اَلنِّسَاء хотинларни зўрлаш

– هَتْكَة шарманда қилиш; шармандалик

– هَتِيكَة номуссизлик, шармандалик

I (هتم) **هَتَمَ** (*a*) هَتْم тишсиз бўлмоқ; هَتَّمَ (и) هَتْم олдинги тишларни уриб туширмоқ. IV أَهْتَمَ = I هَتَمَ

– أَهْتَم *мн.* هُتْمَاء *кўп.* هُتْم олдинги тишлари бўлмаган; тишсиз; ~ فَتٌّ هَذَا كَالْفَتِّ لِلْ *қар.* فَتّ

www.ziyouz.com kutubxonasi

هَتْلة парча, (*узиб олинган*) парча

هَتَم тишсизлик, тишнинг йўқлиги

I هَتَنَ (*и*) هَتْن, هَتَانة тўхтовсиз ёки жуда кўп сўкмоқ, ёмон сўзламоқ (*кўз ёшлари, ёмғир ҳақида*). هَتَنَتْ عَيْنُه ~ тўхтовсиз ёмғир ёғарди

هَتُون тўхтовсиз ёзиб ёғаётган ёмғир

هَتُون ~ سَحَاب тўхтовсиз ёзиб ёғаётган ёмғирли булут

هَتُون тўхтовсиз оқувчи, ёғувчи (*кўз ёшлари, ёмғир ҳақида*), мўл, кўп (*ёмғир ҳақида*)

I هَجَرَ, هَجَّ (*а;у*) هَجْر 1) (*бинони*) бузмоқ, йиқитмоқ 2) (*к дандир*) қочмоқ, яширинмоқ (*ов*). (*уз юртини*) ташлаб кетмоқ, эмиграцияга кетмоқ. هَجَّ (*и;у*) هَجِيج оловланмоқ, ёруғ аланга бермоқ (*ўт олов ҳақида*). II هَجَّرَ 1) ватанни тарк этишга мажбур қилмоқ, қувғин қилмоқ. 2) алангалатмоқ, ёндирмоқ (*ўт олов ҳақида*)

I هَجَعَ (*а*) هَجْع ўтиб кетмоқ (*очлик ҳисси ҳақида*). IV أَهْجَعَ қондирмоқ (*очликни*). V تَهَجَّعَ (*соп қар.* هجع) бўғинлаб (*ҳарфма-ҳарф*) талаффуз қилмоқ, ўқимоқ

I هَجَدَ (*у*) هُجُود 1) (*кечаси*) уйғоқ бўлмоқ. 2) (*кундузи*) ухламоқ. II هَجَّدَ ухлатмоқ. V تَهَجَّدَ (*намоз ўқиб*) уйғоқ бўлмоқ

تَهَجُّد таҳажжуд, тунни ухламай ибодат билан ўтказиш

تَهْجِيد ухлатиш

I هَجَرَ (*у*) هَجْر 1) (*машғулотни*) тўхтатмоқ, ташламоқ. أَهْجَرَ ~ ўз ишини ташлаб юбормоқ. 2) (*хотинини*) ташлаб кетмоқ. ~ عَنْ *еки* ~ إِلَى оиласини ташлаб кетмоқ. 3) айрилмоқ, алоқа муносабатларини тўхтатмоқ. هَجَرَ ~ эмиграцияга кетмоқ, ватанни юртни тарк этмоқ. 4) *мажз.* ташланган бўлмоқ, муомаладан чиқиб кетган бўлмоқ, эскирмоқ. 5) алаҳсирамоқ, босинқирамоқ. II هَجَّرَ янги жойларга кўчирмоқ, кучишга мажбур қилмоқ, эмиграцияга кетишга мажбур қилмоқ (*туғилган юртдан сургун қилмоқ*). III هَاجَرَ 1) бошқа ерга кўчиб кетмоқ, эмиграцияга кетмоқ. 2) иссиқ мамлакатларга кетмоқ (*қушлар ҳақида*). IV أَهْجَرَ 1) кетмоқ, тарк этмоқ. 2) бемаъни гапларни айтмоқ, жавраб ётирмоқ. VI تَهَاجَرَ 1) бир-бирини тарк этмоқ, бир-биридан айрилмоқ. 2) бир-биридан қочиб юрмоқ, бир-бирига дуч келмасликка ҳаракат қилмоқ

تَهَجُّر иссиқ кунда кезиш юриш, саир қилиш

تَهْجِير кўчириш, бошқа ёққа кўчириш (*мас., одамларни сув босган ерлардан*). экспатриация (*ўз ватанидан кўчириб юбориш*). иссиқ кунда кезиш, юриш ◊ ~ الْمَال مِن الْبِلَاد мамлакатдан пулни контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш

مُهَاجَرَة *кўп* адабсиз сўзлар, беҳуда гап-сўзларни айтиш, беҳуда сўзлар билан сўкиниш

مُهَاجِر 1 кўчиб кетаётган, эмигрантликка кетаётган. ~ الطُّيُور ~ учиб кетувчи қушлар. 2) муҳожир; эмигрант. ~ *тар* муҳожир (*Маккадан Мадинага Муҳаммад саллалоху алайҳи васаллам билан бирга жўнаб кетган киши*)

مُهَاجَرَة муҳожирлик, кўчиб кетиш, эмиграция

مُهَاجَر *кўп* مُهَاجِر 1) кучиб бориладиган жой. 2) бегона юрт. 3) (*эмигрантлар*) тўп бўлиб, тўпланиб яшайдиган жой, колония

مُهَجَّر 1 кўчишга мажбур бўлган. 2) қочқин, кўчиб кетган (*келган*) киши, эмигрант

مُهَجَّرِيّ 1) бегона юртларда яшаётган. 2) бегона юртга эмигрантликка оид. أَدَب ~ эмигрант ёзувчи. ~ أَدَب эмигрант адабиёти

مَهْجُور 1) ташлаб кетилган, қолдириб кетилган. 2) ташлаб қўйилган, эътиборга арзимайдиган, истеъмолдан чиққан, эскириб қолган, архаик (*сўз ҳақида*). 3) ёлғон, нотўғри, асоссиз, асоси йўқ

~ أَلِف ب *қар.*

~ هَوَاجِر *кўп* هَوْجَر 1) туш пайти, кун ўртаси. 2) туш пайтидаги иссиқ ҳарорат. 3) меридиан. ~ مَغْنَطِيسِيّ магнит меридиани. 4) беҳуда гаплар, беҳуда сўзлар

~ هَاجِرِيّ 1. 1) туш пайтидаги, кун ўртасидаги. 2) меридианга оид. 3) аъло даражадаги, энг яхши. 2. шаҳарлик

هَجْر 1 ҳажр, ташлаб кетиш, қолдириб кетиш, қолдириш. 2) кун ярмидаги иссиқ ҳарорат. 3) босинқираш, алаҳлаш

هُجْر адабсиз сўзлар, ёмон сўзлар, беҳуда гаплар, ғийбат

هُجْر = هَجْر

هِجْرَان қолдириб кетиш, ташлаб кетиш, ҳижрон, айрилиқ

هُجْرَة *кўп* هُجَر янги пайдо бўлган аҳоли яшайдиган жой, катта қишлоқдан ажралиб чиққан янги қишлоқ (*кўпинча ваҳҳобийларда*)

هِجْرَة ҳижрат, кўчиб кетиш, эмиграция. ~ النَّبَوِيَّة *еки* ~ ҳижрат (*Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага 622 милодий йилда кўчишлари, мусулмон тақвими-календарининг бошланиши*). ~ دَار Мадина шаҳри. ~ الطُّيُور қушларнинг (*иссиқ мамлакатларга*) учиб кетиши. ~ طُيُور учиб кетувчи қушлар

هِجْرِيّ ҳижратга оид. السَّنَة ~ ҳижрий йил. ~ عَام янги йил байрами (*ҳижрий йил бўйича*)

هَجِير 1) жазирама, кун қизиғи. 2) кун ярми, туш пайти

I هَجَسَ (*и, у*) هَجْس 1) пайдо бўлмоқ, бошга, мияга келмоқ (*фикр ҳақида*). 2) (*н. нидир*) шивирламоқ (— *пинҳоний суҳбат ҳақида*). تَهْجِس نَفْسُه بِرَجْمَات الظُّنُون қандайдир ички овоз унга ҳар хил гумонларни шивирлаб турарди. 3) (*н. дандир*) ҳаяжонга, ташвишга тушмоқ (—). II هَجَّسَ бемаъни, аҳмоқона гапларни гапирмоқ

هَاجِس *кўп* هَوَاجِس 1) гумон, фараз, фикр, ташвиш, ташвишли фикр. 2) яширин овоз, кўп ташвиш, ҳаяжон; қандайдир ёмонликни олдиндан сезиш

هَجَّاس 1) товламачи, алдамчи, фирибгар; 2) мақтанчоқ

هَجْس 1) фикр, ғоя. 2) шовқин, шилдираш. 3) сафсата, бемаъни, пуч гаплар; ғовур-ғувур

(هجص) II هَجَّصَ сафсата сотмоқ, бемаъни, аҳмоқона гаплар гапирмоқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَهَجُّص сафсата, бемаъни гаплар, ишлар ~ لـ... халқ аҳмоқлик қилма!

مَهْجَاص мақтанчоқ

مَهْجَص бемаънилик, бир пулга арзимайдиган гап (иш)

I **مجع** (а) مَجْع 1) ухламоқ, 2) тинчланмоқ, тўхтамоқ (*бўрон ҳақида*). IV أَمْجَع тинчлантирмоқ, қондирмоқ (*очликни*)

مَمْجَع *кўп* مَمَاجِع хобхона, ётоқхона

– مَاجِع 1) линакка кетаётган, ухлаётган, 2) тинч, осуда, ҳаракатсиз турган

– مَمْجَعَة қисқа уйқу, қуш уйқуси

– مَجْع 1) уйқу, мудраш, 2) енгилланиш (*мас. касаллик*), тинчланиш, тинчиш

– مَجْع туннинг тонгга яқин қисми

I **مجل** (у) مَجْل меҳр билан қарамоқ, кўз сузмоқ (عين)

I **مجم** (у) مَجْم 1) (*к. гадир*) ҳужум қилмоқ (عن), (*к. гадир қарши*) жанг олиб бормоқ (عن), (*н. гадир*) ўраб олмоқ (عن), 2) (*к. нингдир устига*) босиб келмоқ, қутилмаганда босмоқ (عن). ~ ... عنّا қиш жуда эрта келди. 3) жим бўлмоқ, гапирмаслик. II مجّم 1) ҳужум қилишга мажбурламоқ, 2) (*н. гадир*) етакламоқ, бошламоқ (*н. гадир*), қизиқтирмоқ. III ماجم ҳужум қилмоқ, бостириб бормоқ. IV أمجم ҳужумга мажбур қилмоқ. V تمجّم 1) (*к. гадир қарши*) ҳужум қилмоқ (عن), 2) (*к. никигадир*) кутилмаганда келмоқ (عن – *меҳмонлар ҳақида*). VI تماجم 1) ўзаро ҳужум қилишмоқ, жанг қилишмоқ, 2) бостириб келмоқ (*мас. тўлқин ҳақида*), 3) бузилмоқ, ювилиб кетмоқ (*мас. қирғоқлар*). VII انمجم 1) иикилмоқ, вайрон бўлмоқ (*мас. бино*), 2) оқмоқ, тўкилмоқ (*кўз ешлари ҳақида*). ◊ ~ الصُّبْح эрта қаримоқ

– مُهَاجِم ҳужумчи

– مُهَاجَمَة ҳужум, штурм. حَوِيَّة ~ ҳаво ҳужуми

– مَجَّام 1 ҳужумкор, қўрқмас, ботир, 2 илон авровчи

– مَجْسَة *кўп* مَجَسَات қутилмаган ҳужум, босқин, ташланиш, босиб келиш. مُضَادَّة ~ еки مُعَاكَسَة ~ қарши ҳужум, контратака. ~ حَوِيَّة ҳаво ҳужуми. ... عَلَى شَنَّ ~ га қарши жанг олиб бормоқ. الشِّتَاء ~ қишда совуқнинг кучайиши

– مَجُوم 1) кучли шамол, 2) тер ҳайдовчи (чиқарувчи)

– مُجُوم 1) ҳужум, مُعَاكَس ~ еки مُضَادّ ~ қарши ҳужум, контратака. مُفَاجِئ ~ тусатдан қилинган ҳужум, 2) (*касаллик*) хуружи, 3) *спорт* ҳужум

– مُجُومِيّ ҳужумкор, ҳужум қилаётган, ~ عُدْوَان агрессив иттифоқ

– مُجُومِيَّة ҳужумкорлик, ҳужумкор кайфият (руҳ)

I **مجن** (у) مَجْن, مَجَانَة, مُجُونَة 1) айбли, камчиликли бўлмоқ, 2) безот, зотсиз, қони бузилган бўлмоқ. II مجّن 1) айбламоқ, тубан, ёмон, бемаъни деб билмоқ, 2) *биол.* чатиштирмоқ. تـ ~ тилни бузмоқ, ифлослантирмоқ (*мас. нотўғри гап тузиб*). V تمجّن 1) тубан, ёмон деб билмоқ (қисобламоқ), 2) ғайритабиий, ғалати деб билмоқ (ҳисобламоқ), 3) маъқул деб билмаслик, қораламоқ, уятли уятга йўйиладиган ҳисобламоқ

– اسْتِهْجَان маъқулламаслик, қоралаш ~ـــ إثَارَة маъқулламасликни келтириб чиқармоқ

– تَهْجِين чатиштириш, гибридлаштириш

– مُسْتَهْجَن 1) ёмон, беъмани, 2) ғайритабиий, ғалати

– مُهَجَّن чатиштирилган, гибридлаштирилган

– مَجَّان *кўп* مَجَّانَة 1 туяда кетаётган, 2 туя чопарларининг аскари, *ҳарб.* فِرْقَة الْمَجَّانَة туяли аскарлар бўлинмаси

– مَجَّان *мз мн* сара, энг яхши, ҳурматга сазовор

– مَجَن *кўп* مُجُون 1) айб, камчилик, етишмовчилик, 2) нотўғрилик, нотўғри ифода (*нутқда*)

– مَجَانَة ғалатилик, ғайритабиийлик, ғайриадабийлик

– مَجِين *кўп* مَجَانِين, مُجُن 1 қони аралашган, қони бузилган зотсиз, 2 1) аралашган, гибрид, метис. ~ حَيَوَان чатиштирилган (гибрид) ҳайвон, 2) тез юрувчи туя

– مَجِينَة *кўп* مَجَائِن, مُجُن тез юрувчи туя

I (مجو) **هجا** (у) هَجْو, هِجَاء 1) ҳажв қилмоқ, устидан кулмоқ, ҳақоратламоқ, айбламоқ. قَصِيدَة ~ُو қасидада кимнидир ҳажв қилмоқ. بِالنَّثْر ~ُو кимнидир матбуотда айбламоқ, 2) нотўғри уқимоқ, буғинлаб (ҳарфма-ҳарф) ўқимоқ. II هجّى 1) (*сўзни*) транскрипцияламоқ, 2) буғинлаб (*ҳарфма ҳарф*) ўқимоқ. III هاجى бир-бирини айбламоқ, устидан кулмоқ, ҳажв қилмоқ (*шеърда*). V تهجّى тўғри талаффуз қилмоқ, буғинлаб ўқимоқ. VI تهاجى бир-бирини ўзаро ҳажв қилмоқ, устидан кулмоқ

– أُهْجُوَة *кўп* أَهَاجٍ 1) ҳажв, сатира, 2) эпиграмма, пасквиль

– أُهْجِيَّة *кўп* = أَهَاجٍ

– هِجَاء тўғри талаффуз, буғинлаб (ҳарфма-ҳарф) ўқиш. حُرُوف ~ алифбо. كِتَاب الْهِجَاء алифбо китоби

– تَهْجِئَة 1) тўғри талаффуз қилиш. الْحُرُوف ~ ҳарфлар талаффузи, 2) транскрипция. ~ـــ قَامُوس транскрипцияли луғат. ~ـــ صَحِيح орфография

– هَاجٍ *мн* هَاجِيَة 1) устидан кулувчи, 2) бировнинг устидан кулувчи, بِالنَّثْر ~ пасквиль ёзувчи, 3) ҳажвчи, сатирик

– هَجَاء 1) устидан кулиш, ҳақоратлаш, 2) ҳажв, 3) тўғри талаффуз қилиш, ўқиш ~ـــ عَنْ еки ~ـــ صَحِيح орфография.

www.ziyouz.com kutubxonasi

~ حُرُوف الـ~ алифбо, алифбо китоби; ~ حُرُوف الـ~ (حسب) ~ алифбо бўйича

– هِجَائِيّ 1) ҳажвий, сатирик; ~ الشِّعْر الـ~ ҳажвий (сатирик) шеърият, шеър; 2) алифбога оид; ~ الحُرُوف الـ~ алифбо, алифбо китоби; ~ حسب الحُرُوف الـ~ алифбо бўйича жойлаштирмоқ

– هَجْو 1) устидан кулиш, ҳақоратлаш; 2) енгил кулиш; 3) ҳажв сатира; пасквиль

– هَجْوِيّ, هُجَوِيّ 1) кулгили, заҳархандали; 2) ҳажвий, сатирик

– هُجَيَان устидан кулиш, масхара қилишлик

I (هدّ) **هَدَّ** (*a/y*) هَدُّ, هُدُود 1) вайрон қилмоқ, бузмоқ, бузиб ташламоқ (*мас., бинони*); 2) кучдан қолдирмоқ; саломатликни йўқотмоқ; هَدَّ قُوَاهُ ~ бу унинг саломатлигини бузди, йўқотди; هَدَّ (*a/u*) هَدِيد 1) гувиллаб бузилмоқ, вайрон бўлмоқ, ағдарилмоқ; 2) бузилмоқ, йўқолмоқ (*саломатлик ҳақида*); II هَدَّدَ (*бирор н. билан к. гадир*) таҳдид қилмоқ, хад қилмоқ (*ёки туш к.*); V تَهَدَّدَ 1) таҳдид қилмоқ; 2) таҳдид, хавф- хатар остида бўлмоқ; VII اِنْهَدَّ бузилган, вайрон қилинган бўлмоқ, бузилмоқ, йиқилмоқ, ағдарилмоқ; ~ ~ مِحْنَتَهُ унинг соғлиғи ёмонлашди, бузилди

– تَهَدُّد таҳдид, қўрқитиш

– تَهْدِيد кўп ات ـــ таҳдид, қўрқитиш, дўқ-пўписа; ~ الـ~ الذَّرِّيّ атом таҳдиди

– تَهْدِيدِيّ таҳдид қилаётган

– مُتَهَدَّد таҳдид қилинаётган

– مُهَدِّد таҳдид қилувчи, қўрқитувчи

– مُهَدَّدَة кўп ات ـــ лом, мисранг (*ер кавлаш учун асбоб*)

– مَهْدُود 1) вайрон қилинган, бузилган 2) *шунингдек* ~ الْقُوَى ҳолдан тойган, кучдан кетган, умидсизликка тушган

– هَدّ 1) бузиш, бузилиш; 2) тушиб кетиш (*мас. том*)

– هَدَّة 1) юмшоқлик; 2) хотиржамлик; هَدَّتْ هذا секин, хотиржам бўл!

– هِدَّة = هَدّ

– هُدَّة 1) босиб тушиш, тушиб кетиш, ўпирилиш; 2) девор еки шунга ўхшаш нарса қулагандаги гумбурлаш

I هَدَأَ **هَدْء** (*a*) هُدُوء тинчланмоқ, пасаймоқ; لَا يَهْدَأُ لَهُ بَالٌ у тинчлана олмаяпти, ~ت الْعَاصِفَة бўрон тинчиди; ~ت الْعَيْنُ وَالرِّجْلُ *маж.* у ҳамма ухлаб ётган пайтда келди; ~ بِالْمَكَان ўрнашмоқ; II هَدَّأَ тинчлантирмоқ, пасайтирмоқ; (رَوْعَهُ) ~ بَالَهُ кимнидир тинчлантирмоқ; ~ أَعْصَابَهُ (ўз) асабларини тинчлантирмоқ; 2) пасайтирмоқ; ~ السُّرْعَة тезликни пасайтирмоқ; ~ مِنْ رَوْعِهِ *еки* ~ رَوْعَهُ *еки* حَاضِرْ ~ тинчлантирмоқ; هَدِّئْ رَوْعَكَ тинчлан, ўзингни босе!; IV أَهْدَأَ = II

– تَهْدِئَة *шунингдек* ~ الْخَوَاطِر тинчланиш; ~ الرُّوع тинчланиш

– مُهَدِّئ тинчлантирувчи; ~ عَقَافِير ~ тинчлантирувчи дорилар; ~ حُبَّات ~ тинчлантирувчи ҳапдори

– هَادِئ оғир-вазмин, хотиржам, ювош, беозор; ~ النَّفْس *еки* ~ الْبَال хотиржам, оғир-вазмин

– هُدُوء 1) тинчлик, сукунат; 2) туннинг тонгга яқин пайти

– هُدُوّ туннинг тонгга яқин пайти

– هَدْأَة туннинг тонга яқин пайти; ~ مِنَ الدَّهْر бир-оз вақт ўтгандан кейин

– هُدُوء тинчлик, сукунат; ~ ـــ тинч, хотиржамлик билан; ~ الرُّوع хотиржамлик, оғирлик, вазминлик, юраги кенглик; ~ أُسْطُورِيّ ҳеч нарсага парво қилмаслик (*сўзма-сўз*: олимпча хотиржамлик)

I **هدب** (*a*) هَدَب 1) узун киприкли бўлмоқ; 2) узун осилиб турадиган новдали бўлмоқ; II هَدَّبَ 1) попукли шокилали қилиб безатмоқ; 2) новдалар осиб қўймоқ

– أَهْدَب *мн.* هُدْب кўп هُدْبَان 1) узун киприкли; 2) новдалари осилиб турган; ◊ أُذُن هُدْبَاء осилиб турган қулоқ

– هُدْبَان *жам.* бурма, попук, шокила

– هُدْبَة *жам. кўп.* أَهْدَاب 1) киприклар; 2) бурма, попук, шокила; жияк بِأَهْدَابِهِ تَعَلَّقَ бирор нарсага ёпишиб олмоқ

– هَدَب узун киприкли

– هُدْبَة кўп. أَهْدَاب киприк

I **هدج** (*u*) هَدْجَان омонат қадам ташлаб юрмоқ, зўрға оёқ судрамоқ; IV أَهْدَجَ титрашга мажбур қилмоқ, титратмоқ, қалтиратмоқ (*мас. овозни*); титраттирмоқ, қалтираттирмоқ; V تَهَدَّجَ титрамоқ, қалтирамоқ, ўрмоқ, вибрация бўлмоқ

– مُتَهَدِّج титраётган, вибрация бўлаётган

– هَوْدَج *кўп* هَوَادِج (*туя устига ўрнатилган*) аеллар тахтиравони

I (هدر) **هَدَرَ**[1] (*u*) هَدْر, هَدِير 1) шовқинламоқ, гувилламоқ; авжига олмоқ (*мас. ўтхонадаги олов, тўлқин ҳақида*); 2) гумбурламоқ, гулдирамоқ (*мўмақалдироқ ҳақида*); 3) бўкирмоқ (*туя ҳақида*); 4) ғув-ғувламоқ, ғурилламоқ (*каптарлар ҳақида*); 5) қайнамоқ, жуш урмоқ; هَدَرَ[2] (*и, у*) هَدْر 1) беҳуда тўкмоқ (*қонни*); 2) сарфламоқ, исроф қилмоқ; ~ الدَّرَاهِمَ пулни совурмоқ; 3) беҳуда кетказмоқ, йўқ қилмоқ, адо қилмоқ; ~ صِحَّتَهُ ўз саломатлигини адо қилмоқ; ~ كَرَامَتَهُ кимнингдир шаънини булғамоқ, эътиборини туширмоқ; ~ الْإِصَابَة *спорт* хато қилмоқ, аниқ бўлган тўпни уролмаслик; 4) (*н. нингдир*) бахридан ўтмоқ, воз кечмоқ; 5) ҳалок бўлмоқ, беҳуда кетмоқ; II أَهْدَرَ 1) (*бирор н. ни*) унутиб юбормоқ; (*бирор н. ҳақида*) ғамхўрлик қилмаслик; (*бирор н. ни*) ҳисобга

www.ziyouz.com kutubxonasi

олмаслик, назар - писанд қилмаслик; 2) бузмоқ, оёқости қилмоқ; ~ الْأَدَبَ одоб қоидасини бузмоқ; ~ الْقَانُونَ қонунни оёқости қилмоқ (бузмоқ); 3) бекор қилинган деб ҳисобламоқ; 4) бекорга (бефойда) қон тўкмоқ

– مَهْدُورٌ 1) беҳуда тўкилган (*қон ҳақида*); دَمٌ ~ (*жазосиз*) тўкилган қон; ~ الدَّمِ қонини жазосиз тўкиш мумкин бўлган одам; қонундан ташқари одам; 2) беҳуда сарф қилинган; ◊ ~ الشَّرَفِ ор номусни йўқотган, беномус, беор

– هَدَّارٌ тўлқинли, шовқинли (*мас., денгиз*)

– هَدَّارَةٌ кўп. ـَاتٌ — шаршара, шовва

– هَدْرٌ, هَدَرٌ, кераксиз йўқотиш; ~ бекордан бекорга, беҳуда; ~ ذَهَبَ مَالُهُ унинг пуллари беҳуда кетди; ~ ذَهَبَ سَعْيُهُ унинг саъй-ҳаракати беҳуда кетди

– هُدْرٌ оғир (қаттиқ) йиқилиш, тушиб кетиш

– هَدِيرٌ 1) шовқин, бўкириш, тарақа-туруқ; 2) ғув-ғувлаш

هَدْرَجَ *кимё.* гидратламоқ (*бирор кимёвий модданинг сув билан бирикмасини ҳосил қилмоқ*)

– مُهَدْرَجٌ гидратланган; ~ـَةٌ الزُّيُوتُ النَّبَاتِيَّةُ الْـ гидратланган ўсимлик мойи

– هَدْرَجَةٌ *кимё.* гидратлаш, гидрогенлаш

– هِيدْرُوجِينٌ *кимё.* гидроген, водород

I **هَدَسَ** (*u*) هَدْسٌ доимо (*к. ҳақдадир*) уқтиравермоқ (فِي)

I **هَدَفَ** (*y*) هَدْفٌ 1) (*бирор н. олдига*) яқинлашмоқ, келмоқ, (إِلَى); 2) (*н. нидир*) мақсад қилмоқ, (*н. гадир*) интилмоқ, (*бирор н.нинг*) пайида бўлмоқ (إِلَى). IV أَهْدَفَ = I; X اسْتَهْدَفَ (*к. ёки н. гадир*) нишон бўлмоқ (ـلِ), 2) (*н. гадир*) дуч келиб, йўлиқиб қолмоқ (ـلِ); 3) (*н. гадир*) интилмоқ. (*н. нидир*) мақсад қилмоқ (*туш. к. ёки* إِلَى)

– هَدَّافٌ 1) мерган, 2) спорт. натижа келтирган, ютуқ келтирган ўйинчи

I وَرِثَ (*и*) وِرَاثَةٌ (*н. нидир к. дандир*) мерос қилиб олмоқ (عَنْ); II وَرَّثَ васият қилиб қолдирмоқ, кимнидир ворис қилиб таъйинламоқ; بِوَصِيَّةٍ ~ (*н. нидир*) васият қилиб қолдирмоқ; 2) (*таъсир*) кўрсатмоқ, пайдо қилмоқ, юзага чиқармоқ; VI تَوَارَثَ 1) мерос бўлиб ўтмоқ; 2) бир-биридан мерос бўлиб қолмоқ

– إِرْثٌ мерос, мерос бўлиб қолган нарса

– إِرْثٌ = تُرَاثٌ; الْـــ~ الثَّقَافِيُّ маданий мерос; الْـــ~ الْفِكْرِيُّ ғоявий мерос

– تَوَارُثٌ мерос бўлиб ўтиш

– مُوَرَّثٌ мерос қилиб олинган

– مُوَرِّثٌ васият қилувчи, мерос қолдирувчи

– مُوَرِّثَةٌ васият қилувчи аёл, мерос қолдирувчи аёл

– مُوَرِّثَاتٌ *кўп. биол.* генлар

– مَوْرُوثٌ мерос қилиб олинган

– مَوَارِيثُ *кўп.* مِيرَاثٌ мерос

– وَارِثٌ *кўп.* وَرَثَةٌ, وُرَّاثٌ 1. мерос олувчи; 2) ворис, меросхўр; ~ شَرْعِيٌّ қонуний ворис, меросхўр

– وَارِثَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ ворис, меросхўр аёл

– وِرَاثَةٌ 1) мерос олиш; 2) ирсийлик

– وِرَاثِيٌّ ирсий; أَمْرَاضٌ ~ـــةٌ ирсий касалликлар

– وِرَاثِيَّةٌ ирсийлик

– إِرْثٌ = وِرْثٌ

– وِرْثَةٌ 1) мерос; 2) *биол.* ген

– وَرِيثٌ وُرَثَاءُ *кўп.* ворис, меросхўр

– وَرِيثَةٌ ворис аёл, меросхўр аёл

I وَرَدَ (*и*) وُرُودٌ 1) келмоқ, етиб келмоқ; тушмоқ (*фойда ҳақида*); 2) (*к. нингдир*) олдига келмоқ (عَلَى); مِنْهُ الْمَكْتُوبُ ~نِي мен ундан хат олдим; 3) бор бўлмоқ, учрамоқ, ёзилмоқ (*мас, текстда* فِي); 4) (*бирор н. дан*) олмоқ (مِنْ); 5) *мажз.* ўқтин-ўқтин тутадиган безгак билан касалланмоқ; II وَرَّدَ 1) (*товар*) етказиб бермоқ; 2) (*пул*) бермоқ, топширмоқ; 3) (*юзни*) қизартирмоқ; 4) гулламоқ (*дарахт ҳақида*); 5) ёзиб қўймоқ (*мас., кирим-чиқимлар дафтарига*); IV أَوْرَدَ 2) олиб бормоқ, етказиб бермоқ; 2) (*фойда*) етказмоқ, келтирмоқ; 3) иқтибос (цитата) келтирмоқ; V تَوَرَّدَ 1) етказиб берилмоқ; 2) қизармоқ, қизариб кетмоқ; 3) бўялмоқ; VI تَوَارَدَ 1) бошқалар билан биргалашиб бўлмоқ; 2) кетма-кет, бирин-кетин юрмоқ; 3) мос келмоқ, ўхшаш бўлмоқ (*фикр ҳақида*); X اسْتَوْرَدَ (*қаердандир*) олиб келмоқ, келтирмоқ импорт қилмоқ (مِنْ); (*қаердандир*) ёздириб (*товар*) олмоқ (مِنْ); 2) (*қаердандир*) олмоқ (مِنْ)

– اسْتِيرَادٌ олиб келиш, келтириш, импорт; إِجَازَةُ (تَرْخِيصُ، إِذْنُ) الْـــ~ импорт лицензияси

– إِيرَادٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) фойда, кирим; 2) иқтибос олиш, цитата олиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– إِيرَادِجِيٌّ *кўп.* إِيرَادِجِيَّةٌ 1. фойда ҳисобига яшовчи; 2. судхўр

– تَوَارُدٌ 1) биргалашиб ёки бир вақтда келиш; 2) тўғри келиб қолиш; ~ الْخَوَاطِرِ фикрларнинг мос, тўғри келиши

– تَوْرِيدٌ 1) олиб келиш, етказиб бериш; 2) импорт

– تَوْرِيدَاتٌ *кўп.* етказиб берилган (*товарлар*)

– مُتَوَرِّدٌ қизил югурган, қизариб кетган, қизариб кўринган

– مُسْتَوْرِدٌ 1. олиб келувчи, етказиб келувчи; 2. импортёр

– مَسْتُوْرَدٌ олиб келинадиган, импорт қилинадиган; الْبَضَائِعُ الـ~َةُ импорт қилинган моллар

– مَوْرِدٌ *кўп.* مَوَارِدُ 1) манба, ресурслар; مَوَارِدُ طَبِيعِيَّةٌ табиий ресурслар; الرِّزْقِ ~ لَيْسَ لَهُ унинг яшаш учун манбалари йўқ; 2) фойда, маблағ; 3) йўл

– مُوَرَّدٌ қизил, ол; қип-қизил

– مُوَرِّدٌ 1. олиб келувчи; 2) етказиб берувчи, келтирувчи

– مَوْرَدَةٌ 1) (*пода*) сув ичадиган жой; 2) паромни қирғоққа боғлайдиган жой

– وَارِدٌ[1] олиб келинаётган, келаётган

– وَارِدٌ[2] йўл

– وَارِدَاتٌ *кўп.* 1) олиб келинган моллар, импорт; الـ~ُ وَ الصَّادِرَاتُ импорт ва экспорт; 2) фойдалар, киримлар

– وِرْدٌ *кўп.* أَوْرَادٌ 1) манба; 2) (*ҳайвон*) суғориладиган жой; كَرِيهُ الـ~ِ وَ الصَّدْرِ ичишга яроқсиз (*сув ҳақида*); 3) туннинг ибодатга мўлжалланган қисми; 4) Қуръони Каримнинг тунда ўқиладиган қисми; қисқа ибодат, 5) тилхат ёки солиқ тўлангани ҳақида ҳужжат; ◊ ~ الـ حُمَّى *мед.* ўқтин-ўқтин тутадиган безгак

– وَرْدٌ 1) *жам.* атиргуллар; ~ الـ خَشَبُ атиргул дарахти; مَاءُ الـ~ِ атиргулли сув; ~ الـ خُبُّ *бот.* Осиё айиқтовони (*заҳарли ўт*); ~ الـ حِمَارِ *бот.* самбитгул; ~ اللَّيْلِ *бот.* намозшомгул, ~ النِّيلِ *бот.* синил (*гул*); ~ جَبَلِيٌّ *ёки* بَرِّيٌّ ~ *бот.* наъматак, итбурун; 2) тўриқ от; 3) йўлбарс

– وَرْدَانُ: ~ (ابْنُ) بِنْتُ *кўп.* ~ (أَبْنَاءُ) بَنَاتُ суварак, қизғиш суварак

– وَرْدَةٌ[1] *кўп.* اتٌ ـــ атиргул; ~ الرِّيَاحِ *метео.* муайян бир жойда эсувчи шамоллар йўналишини кўрсатадиган тасвир

– وَرْدَةٌ[2] *кўп.* وَرَدٌ шайба, винт ва болт ўртасига қўйиладиган мослама

– وَرْدَةٌ атиргул ранги

– وَرْدِيٌّ атиргул рангли; қизил; ~ الـ طَفْحُ *қар.* طَفْحٌ

– وَرْدِيَّاتٌ *кўп. бот.* атиргулга оид; атиргулдошлар; ~ الـ فَصِيلَةُ атиргулбошлар оиласи

– وَرْدِيَانٌ *кўп.* وَرْدِيَّاتٌ 1) тунги соқчи, қоравул; 2) маёқ қоравули (соқчиси)

– وَرْدِيَّةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) вахта, навбатчилик; смена, навбат (*ишчиларга оид*); қўриқлаш, соқчилик; ~ عَلَى а) соқчиликда; б) навбатчиликда; хизмат вазифасини бажараётган вақтда; تَعْمَلُ الْمَصَانِعُ فِي ثَلَاثِ وَرْدِيَّاتٍ бу заводлар уч сменада ишлайди; 2) *мед.* розеола (*терида баъзи касалликлар вақтида пайдо бўладиган тўқ қизил рангли хол*)

– وُرُودٌ 1) келиш, етиб келиш; ~ الدَّمِ қон қуйилиш; 2) (*ҳайвонлар*) сув ичадиган жой

– وَرِيدٌ *кўп.* أَوْرِدَةٌ вена томири; ~ حَبْلُ الـ الْ~ِ бўйиндаги вена томири; ~ الـ الْبَابِيُّ катта вена (*барча ошқозон-ичак системасидаги қонни тўплаб жигарга юборувчи вена*); بَاتَ هَذَا الْ~ِ الْحَادِثُ مِنَّا بِقُرْبِ حَبْلِ الـ *маж.* бу ҳодиса тумшуқ тагида турибди, яъни яқин-орада бўлади

– وَرِيدِيٌّ вена томирига оид; ~ الـ الدَّمُ الْ~ِ вена томиридаги қон; ~ الـ الالْتِهَابُ الْ~ِ *мед.* вена томирининг шамоллаши, флебит

وَرْدَلٌ баҳя (*оёқ кийимида*)

وَرَّسَ II (ورس) (*сариқ дарахт-Memeceylon tinctorium-дан олинган ранг ёрдамида матони*) сариқ рангга бўямоқ (*қар* وَرْسٌ); IV أَوْرَسَ ~ الْمَكَانُ сариқ дарахт кўпайиб кетмоқ

– وَرْسٌ *бот.* сариқ дарахт (*Memeceylon tinctorium*)

– وَرْسِيٌّ сариқ

– وَرِيسٌ сариқ рангга бўялган

وَرَشَ I (ورش) (*u*) وَرْشٌ (*к. нингдир олдига*) чақирилмасдан келмоқ, таклифсиз кирмоқ (عَلَى); ◊ لَا تَرِشْ عَلَيَّ! гапимни бўлма! (бўлмай тур!); وَرَشَ (يَوْرَشُ) وَرَشٌ ғайратли, шўх бўлмоқ; II وَرَّشَ (*к. нингдир ўртасига*) душманлик солмоқ (بَيْنَ);

– وَارِشٌ чақирилмаган меҳмон

– وَرَشٌ ғайратлилик, шўхлик

– وَرِشٌ ғайратли, жонли, хушчақчақ, шўх; ~ نَوْمٌ нотинч уйқу

– وَرَاشِينُ, وِرْشَانٌ *кўп.* وَرْشَانٌ говкаптар, ёввойи каптар

– وَرْشَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ, أَوْرَاشٌ, وِرَشٌ, وُرَشٌ 1) устахона (*мас. чилангар, рассомники*); 2) фабрика цехи; ~ إِصْلَاحِ السَّيَّارَاتِ авторемонт устахонаси; ~ الْحَرَكَةِ ҳаракатлантирувчи қисмлар цехи; ~ الْخَرَّاطِينَ токарлик цехи; ~ الْعُدَدِ асбобсозлик цехи; ~ الْعَرَبَاتِ вагон цехи; ~ الْمَرَمَّاتِ (الْإِصْلَاحِ) таъмирлаш цехи; 3) фабрика, кичик завод

وَرَّطَ II (ورط) (*бемаъни, ёмон ишга*) қўшмоқ, тортмоқ, аралаштирмоқ (فِي); оғир аҳволга солиб қўймоқ; ~ نَفْسَهُ ёмон ишга аралашиб қолмоқ; IV أَوْرَطَ = II; V تَوَرَّطَ оғир аҳволга тушиб қолмоқ; (*бирор н. га*) кўмиб қўймоқ, ботириб қўймоқ (فِي); (*бирор н.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

га) аралашиб, боғланиб қолмоқ (فِي); فِي الْاسْتِدَانَةِ ~ қарзга ботмоқ; فِي الشَّرِّ ~ камчиликларга кўмилиб кетмоқ; فِي الْخَطَأِ ~ хато қилмоқ; X اسْتَوْرَطَ = V

– مَوْرُوطٌ, مُوَرَّطٌ хижолатли, оғир аҳволга тушиб қолган; бемаъни ишларга аралашиб қолган

– وَرْطَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ وِرَاطٌ, қийин, оғир аҳвол; бало-офат, кўнгилсизлик; ~ فِي أَوْقَعَهُ кимнидир бемаъни ишга аралаштирмоқ

I وَرِعَ (ورع) وُرُوعٌ, (يَوْرُعُ) وَرُعَ وَرَعَ (يَرِعُ, يَوْرَعُ) *ёки* художўй бўлмоқ; V تَوَرَّعَ қўрқмоқ, виждонли бўлмоқ, (*н. нидир*) қилишдан ҳайиқмоқ (عَنْ); диёнатли бўлмоқ

– وَرَعٌ художўйлик, диёнатлилик; بِلَا ~ وَ لَا حَيَاءٍ диёнатсизлик ва беҳаёлик билан

– وَرِعٌ *кўп* أَوْرَاعٌ художўй, диёнатли

I وَرَفَ (*u*) وَرْفٌ 1) яшил бўлмоқ; қуюқ, сербарг бўлмоқ (*дарахт ҳақида*); 2) узун, чўзилган бўлмоқ (*соя ҳақида*); II وَرَّفَ = I; IV أَوْرَفَ = I

– وَارِفٌ 1) яшил, гуллаётган, сербарг, қуюқ бўлган (*дарахт ҳақида*); 2) узун, чўзиқ; ~ الظِّلُّ الـــ узун, чўзиқ соя

I وَرَقَ (*u*) وَرْقٌ 1) барглар билан қопланмоқ (*дарахт ҳақида*); 2) баргларни узмоқ, юлмоқ; ~ الشَّجَرَةَ дарахтлар баргини юлмоқ, узмоқ; II وَرَّقَ 1) барглар билан қопланмоқ (*дарахт ҳақида*); 2) баргларни узмоқ, юлмоқ; ~ الشَّجَرَةَ дарахт баргини узмоқ; 3) қоғоз, обой билан қопламоқ; IV أَوْرَقَ 1) барглар билан қопланмоқ; 2) бой бўлмоқ; 3) имтиҳонда йиқилмоқ; V تَوَرَّقَ қоғоз билан елимланмоқ

– أَوْرَقُ *мн* وُرْقٌ ورْقَاءُ *кўп* кулранг

– وَرَقَةٌ чекилган тангалар

– مُوَرِّقٌ 1) ёзув қоғозлари билан савдо қилувчи киши *шунингдек*: ~ الْحُدْرَانِ (الْحِيطَانِ) деворга обой ёпиштирувчи (қопловчи) уста

– مُوَرَّقٌ барглар билан қопланган (*дарахт ҳақида*)

– وَارِقٌ барглар билан қопланган (*дарахт ҳақида*); яшил

– وَرَّاقٌ 1) қоғозфуруш; девонхона (канцелярия) ёзув-чизув асбоблари билан савдо қилувчи киши; 2) букинист (*эски камёб китоблар йиғувчи, сотувчи*); 3) котиб, (*қўлёзмаларни*) кўчирувчи; 4) тангаси кўп, кўп тангали; ~ رَجُلٌ тангаси кўп одам

– وَرَاقَةٌ 1) қоғоз ишлаб чиқариш; 2) қоғоз савдоси; девонхона (канцелярия) ёзув-чизув асбоблари савдоси

– وَرَقٌ *кўп* أَوْرَاقٌ 1) барглар; ~ تَبْغٍ баргли тамаки سَقَطَ ~ الْخَرِيفِ ـــ *маж* муваффақиятсизликка учрамоқ, ўнгидан келмаслик; 2) қоғоз; ~ أَبْيَضُ оқ қоғоз; ~ التَّمْغَةِ гербли (тамғали) қоғоз; ~ الْحُدْرَانِ (الْحِيطَانِ) *ёки* لِتَغْطِيَةِ الْحِيطَانِ ~ обойлар; ~ الرَّسْمِ الذَّبَّانِ пашша тутадиган елимли қоғоз; ~ السَّجَائِرِ папирос қоғози; ~ شَفَّافٌ шаффоф қоғоз, калка қоғоз; ~ الطَّبْعِ босмахона қоғози; ~ عَبَّادِ الشَّمْسِ *кимё* лакмус қоғози; ~ الْكِتَابَةِ ёзув қоғози; ~ الشَّاهِدَةِ *ёки* الْكَرْبُونِ ~ қора қоғоз *ёки* нусха кўчиришда ишлатиладиган қоғоз; ~ لِلْحَزْمِ وَ الرَّبْطِ ўрайдиган (упаковка қиладиган) қоғоз; ~ لَفٌّ (*бирор н.*) ўраб бериладиган қоғоз; ~ الصَّنْفَرَةِ *ёки* مُرَمَّلٌ эговлаш (наждак) қоғози; ~ الْمُسْتَرَاحِ туалет қоғози; ~ مُسَطَّرٌ чизиқли, чизиқ тортилган қоғоз; ~ مُشَمَّعٌ мумли қоғоз (*нусха кўчириш аппаратларида ишлатилади*); ~ مَصْغُوطٌ папье-маше; ~ مُفَضَّضٌ станиолл (*қалайдан ясалган зар қоғоз*), фольга; ~ مُقَوًّى картон, муқова қоғози; ~ الْمُوسِيقَى нота (музика ёзуви) қоғози; ~ نَشَّافٌ (نَشَّافٌ) босма, сиёҳ шимадиган қоғоз; ~ الْيَانَصِيبِ лотерея билетлари; الْأَوْرَاقُ النَّقْدِيَّةُ қоғоз пуллар; кредит билетлари; الْأَوْرَاقُ الْمَالِيَّةُ қимматбаҳо қоғозлар; أَوْرَاقُ الْانْتِخَابِ овоз бериш бюллетени; أَوْرَاقُ الْاعْتِمَادِ ишонч ёрлиқлари; أَوْرَاقُ الْبُرُوفَاتِ корректура; أَوْرَاقُ اللَّعْبِ *ёки* أَوْرَاقُ الشَّدَّةِ карталар (*ўйнайдиган*); كَشَفَ عَنْ جَمِيعِ أَوْرَاقِهِ ~ ظَلَّ حِبْرًا عَلَى الـــ қоғоздагина бор холос; ҳамма режа, ниятларни очмоқ, маълум қилмоқ; 3) кумуш тангалар, пул; 4) давлат, бойлик

– وُرْقٌ, وِرْقٌ, وَرْقٌ кумуш, кумуш тангалар

– وَرِقٌ 1) = وَارِقٌ; 2) *кўп* أَوْرَاقٌ, وِرَاقٌ чекилган тангалар

– وَرْقَاءُ *кўп* وَرَاقَى каптар

– وَرَقَةٌ *кўп* اتٌ ـــ 1) *бот.* барг, баргча; ~ التُّوتِ гулбарг, ~ النِّيرِ анжир барги; 3) қоғоз варағи; билет; карта; ~ الِامْتِحَانِ имтиҳон билети; ~ الْبَرِيدِ почта картаси; ~ دَعْوَةٍ таклифнома ~ اللَّعِبِ ўйналадиган карта; ~ رَابِحَةٌ кузир (*карта ўйинида*); ~ الْيَانَصِيبِ лотерея белети; ... ~ مُهِمَّةٌ فِي إِنَّهَا *кўч. м.* бу ... дагиларнинг нуфузлиларидан; 3) қоғоз, ҳужжат; ~ الْبَنْكِ банкнот (пул); ~ مَالِيَّةٌ а) кредит билети; б) қимматбаҳо қоғоз; ~ الْاتِّهَامِ айблов ҳужжати; ~ مُرُورٍ пропуск, кириш учун рухсатнома; 4) пластинка; ~ مَعْدَنِيَّةٌ металл пластинка; 5) кичкина газета, газетача

– وَرَقِيٌّ 1) қоғозга оид; ~ نُقُودٌ ـــةٌ қоғоз пуллар; ~ عُمْلَةٌ ـــةٌ қоғоз валюта; ~ فُوطَةٌ ـــةٌ қоғоз дастрўмол, салфетка; 2) баргли; ~ نَبَاتٌ баргли ўсимлик

– وَرِيقٌ сербарг, барги кўп

– وُرَيْقَةٌ *кўп* اتٌ ـــ кичкина газета, газетача

V تَوَرَّكَ (ورك) думбани (*қаергадир*) қўймоқ; ~ عَلَى الْيُسْرَى думбани ўнг оёқ устига қўймоқ, ўнг оёқ устида ўтирмоқ (*намозда*);

www.ziyouz.com kutubxonasi

عَلَى الدَّابَّة ~ бир ённи эгарга қўйиб, оёқни букламоқ (*от устида*)

– أَوْرَاكٌ, وِرْكٌ *мн. кўп.* وَرْكٌ сон, ёнбош

– أَوْرَالٌ, وِرْلَانٌ *кўп.* وَرَلٌ *зоол.* эчкиэмар; النِّيْلِ ~ Нил эчкиэмари; ~ الْأَرْض (*фақат қуруқликдагина яшайдиган*) эчкиэмар

I وَرَمَ (يَرِمُ) وَرَمٌ шишган, шишиб кетган бўлмоқ; ◊ أَنْفُهُ ~ аччиқланмоқ. II وَرَّمَ шиширмоқ, шиш ҳосил қилмоқ; ◊ بِأَنْفِه ~ кеккаймоқ, керилмоқ; أَنْفَهُ ~ кимнидир аччиқлантирмоқ, хафа қилмоқ. V تَوَرَّمَ шишмоқ, шишиб кетмоқ; аланга олдирмоқ

– مُوَرَّمٌ шишган, шишиб кетган; الْأَقْدَام ~ оёқлари шишиб кетган

– وَارِمٌ шишган, шишиб кетган

– وَرَمٌ *кўп.* أَوْرَامٌ шиш, ғурра, ўсма; سَلِيمٌ ~ *ёки* حَمِيدٌ ~ зарарсиз шиш; خَبِيثٌ ~ ҳалокатли шиш; سَرَطَانِيٌّ ~ саратон (рак) шиши; ~ شَحْمِيٌّ *ёки* دُهْنِيٌّ ~ липома, ёғлиқ шиш, ёғ тўқималаридан иборат ўсма; عَظْمِيٌّ ~ остеома; غُدِّيٌّ ~ *ёки* غُدَدِيٌّ ~ аденома; لَحْمِيٌّ ~ саркома; لِيفِيٌّ ~ фиброма; وِعَائِيٌّ ~ ангиома

وِرْلٌ *жам. зоол.* эчкиэмарлар

– وَرِلَةٌ *кўп* اتٌ ـــ эчкиэмар

وِرْنَشَ локламоқ, лок билан бўямоқ

– وِرْنِيشٌ локлаш, лок; أَحْدِيَة ~ этик мойи, гуталин; ~ بِالـــ локламоқ, лок билан бўямоқ

وَرْنَكٌ *зоол.* скат (*думи ингичка япалоқ денгиз балиғи*)

وِرْنِيَّةٌ *тех.* верньер

I **وره** (يَوْرَهُ) وَرَهٌ аҳмоқ (нодон, ақли калта) бўлмоқ

– أَوْرَهُ *мн.* وَرْهَاءُ *кўп* وُرْهٌ аҳмоқ, нодон, ақли калта, ақлсиз

– وَرَهٌ аҳмоқлик, нодонлик, ақлсизлик

I **وَرَى** (*и*) وَرْيٌ 1) учқун чиқармоқ (*чақмоқтош ҳақида*). 2) яра босмоқ, жароҳат тошмоқ; الْقَيْحُ جُرْحَهُ ~ унга бутунлай яра тошиб кетди; II وَرَّى 1) (*н. нидир*) яширмоқ, пинҳон тутмоқ, беркитмоқ (*туш. к ека* ب); 2) (*н. ҳақидадир*) ноаниқ, имо-ишоралар, шама, қочиримлар билан гапирмоқ (في). 3) (*одамлар диққатини асосий мақсаддан четга тортиш ниятида н. нидир*) ёлғондан қилмоқ, қилаётганга солмоқ (عَنْ ,ب); 4) учқун, ўт чиқармоқ; 5) *халқ* кўрсатмоқ; وَرِّنِي! кўрсат менга!; III وَارَى пинҳон тутмоқ, яширмоқ; الْمَيِّتَ الثَّرَابَ ~ маййитни тупроққа топширмоқ; أَنْمَيِّتَ فِي مَقَرِّهِ ~ маййитни дафн этмоқ; الْحُثْمَانَ الثَّرَى ~ (*маййит*) танасини (*қаердадир*) тупроққа топширмоқ (في); IV أَوْرَى 1) ўт, учқун чиқармоқ. 2) *халқ* кўрсатмоқ; V تَوَرَّى 1) яширинмоқ, яшириниб юрмоқ; йўқолмоқ, кўздан пинҳон бўлмоқ; (الْأَبْصَارِ) عَنِ ~ кўздан яширинмоқ, кўзга кўринмаслик; X اسْتَوْرَى ўт, учқун чиқармоқ; ◊ زِنَادَ غَيْظِهِ ~ кимнингдир ғазабини қўзғамоқ

– تَوْرَاةٌ Таврот; أَهْلُ الْـــ ~ яҳудийлар

– تَوْرِيَةٌ 1) яшириш, пинҳон тутиш, беркитиш; муғомбирлик, айёрлик, ёлғондакамлик. 2) иккиюзламачилик, мунофиқлик, фирибгарлик. 3) имо-ишора, шама; сўз ўйини; ~ بِالْـــ имо ишора билан, шама қилиб; 5) *халқ* кўрсатиш, кўрсатиб туриш

– مُوَارَاةٌ яшириш, беркитиш, пинҳон тутиш; ~ بِلَا яширмай, очиқчасига

– مُوَرٍ *мн.* مُورِيَةٌ ўт, чақмоқ чиқарувчи

– وَرَاءُ орқа. орқа томон; ~ هُ кимнингдир, ниманингдир томонидан; ظَهْرِهِ ~ مِنْ кимнингдир орқасидан, кимнидир орқа қилиб; الْبِحَارِ ~ денгизлар ортидан; الطَّبِيعَةِ ~ مَا а) қандайдир ғайритабиий нарса; б) метафизика; ~ الْـــ إِلَى орқага; ~ هُ تَرَكَ ўзидан кейин колдирмоқ; ذَلِكَ ~ وَقَفَ бу нарсанинг ортида (*яширин туртки бериб*) турувчи бўлмоқ; هَذِهِ الْحَوَادِثِ ~ إِنَّهُ هُوَ бу ҳодисаларнинг ортида мана ким турган экан; هَذَا ~ أَصَابِعُهُمْ الْأَمْرِ бу ишга улар ҳам аралашганлар. ◊ ~ ~ аста-секин; ~ مِنْ هَذَا مِنْ ~ ... ذَرِيعَةَ الدِّفَاعِ ни ҳимоя қилиш баҳонаси билан; قَدْ أَيْقَنْتُ أَنَّ ~ أَكْمَةَ مَا ~ هَا *қар.* قَوَادُ бунга унинг қуввати етмайди; أَكْمَةَ ... ذَلِكَ ~ مِنْ الْغَرَضُ унинг мақсади шуки ... ; ~ مِنْ حَتَّى ... ذَلِكَ бунинг натижасида у ...ни олди; ~ سعى ...га интилмоқ; صَدَاقَتِهِ ~ سعى кимнингдир дўстлигига эришмоқ

– وَرَائِيٌّ орқада турувчи, орқадаги; ~ مَا нариги тарафдаги, у дунёдаги

– وَرَى ~ الْـــ одамлар, одам зоти

I **وَزَّ** (*а/у*) وَزٌّ (*к. гадир қарши*) гижгижламоқ (عَلَى)

– إِوَزٌّ, وِزٌّ *жам.* ғозлар, عِرَاقِيٌّ ~ оққушлар. ◊ ~ رِجْلُ الْـــ олабута, шўра

– وَزَّةٌ *кўп* اتٌ ـــ ғоз; ~ فَرْخُ الْـــ ғоз боласи, жўжа ғоз, ғозча

I **وَزَبَ** (*и*) وُزُوبٌ оқмоқ, оқиб турмоқ, оқиб тушиб кетмоқ (*сол.* أَزَبَ)

– مِيزَابٌ *кўп* مَيَازِيبُ 1) нов, тарнов. 2) (*милтиқ стволи ичидаги*) чизиқ чуқурча. ◊ انْفَتَحَتْ مَيَازِيبُ السَّمَاءِ осмоннинг таги тешилди, ёмғир шаррос (челаклаб) қуяяпти

I **وَزَرَ** (*и*) وَزْرٌ, وِزْرٌ 1) оғир юкни, оғирликни ташимоқ, олиб юрмоқ. 2) гуноҳ, айб қилмоқ; وَزَرَ (يَوْزَرُ) وَزْرٌ, وِزْرٌ, وَزَرَةٌ гуноҳ қилмоқ, ёмон иш қилиб қўймоқ. II وَزَّرَ вазир (министр) этиб таъйинламоқ. III وَازَرَ ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ (*сол.* أَزَرَ); ~ هُ ... муносабати билан кимгадир ҳамдардлик қилмоқ. V تَوَزَّرَ ... في

www.ziyouz.com kutubxonasi

вазир (министр) бўлмоқ; VIII اتَّزَرَ 1) гуноҳ, айб қилиб қўймоқ; (*н. биландир*) ўзига боғлаб, танғиб олмоқ (ب); пешбанд боғлаб олмоқ (أَزَرَ *сол.* وِزْرَةٌ); X اسْتَوْزَرَ 1) вазир этиб тайинламоқ; 2) вазирликка эришмоқ; 3) вазир бўлмоқ

– اسْتِيزَارٌ вазир этиб таъйинланиш (таъйинлаш)

– وِزَارَةٌ *кўп.* اتٌ — вазирлик, вазорат; ~ الْأَشْغَالِ الْعُمُومِيَّةِ ижтимоий ишлар вазирлиги; ~ الْأَوْقَافِ вақфлар вазирлиги; ~ الْبَحْرِيَّةِ денгиз флоти вазирлиги; ~ التِّجَارَةِ савдо вазирлиги; ~ التَّمْوِينِ таъминот вазирлиги; ~ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазирлиги; ~ الدَّاخِلِيَّةِ ички ишлар вазирлиги; ~ الزِّرَاعَةِ қишлоқ хўжалиги вазирлиги; ~ الْحَرْبِيَّةِ ҳарбий вазирлик; ~ الْعَدْلِ *ёки* ~ الْحَقَّانِيَّةِ адлия вазирлиги; ~ الْمَالِيَّةِ молия вазирлиги; ~ التَّرْبِيَةِ وَ التَّعْلِيمِ *ёки* ~ الْمَعَارِفِ маориф вазирлиги; ~ الصِّحَّةِ الْعُمُومِيَّةِ соғлиқни сақлаш вазирлиги; ~ الْمُوَاصَلَاتِ алоқа йўллари вазирлиги; 2) вазирлар маҳкамаси (кабинети); ~ رَئِيسُ الْـ вазирлар маҳкамаси (кабинети) раиси; ~ وَكِيلُ الْـ вазир ўринбосари (ёрдамчиси); ~ وَكِيلُ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазири ўринбосари

– وِزَارِيٌّ вазирликка оид; ~ـةٌ لَجْنَةٌ вазирлик комиссияси

– وِزْرٌ 1) тоғ; 2) бошпана, қочиб бориладиган жой

– وِزْرٌ *кўп* أَوْزَارٌ 1) оғирлик, юк; وَضَعَتِ الْحَرْبُ أَوْزَارَهَا *маж.* уруш тамом бўлди; 2) гуноҳ, гуноҳ қилиш; 3) масъулият; ~ عَلَيْكَ إِذَا ... агар ... бўлса, сен масъул бўласан (жавобгар бўласан); حَمَّلَهَا ~ هَذَا الْعَمَلِ у бу ишнинг масъулиятини у (*аёл*) ёлкасига юклади

– وِزْرَةٌ *кўп* اتٌ — (*девор*) рахи

– وِزْرَةٌ *кўп.* وِزْرَاتٌ белбоғ, пешбанд

– وَزِيرٌ *кўп* وُزَرَاءُ 1) вазир, министр; ~ الْخَارِجِيَّةِ ташқи ишлар вазири; ~ الدِّفَاعِ мудофаа вазири; ~ الْـ مُفَوَّضُ мухтор вазир; مَجْلِسُ الْوُزَرَاءِ вазирлар мажлиси (совети); ~ بِلَا وِزَارَةٍ портфел (амал)сиз вазир; ~ الْـ أَعْظَمُ *тар.* вазири аъзам; 2) шахм. фарзин

– وَزِيرِيٌّ вазирга қарашли (оид)

I **وَزَعَ** (*а*) وَزْعٌ 1) тутиб турмоқ, тўхтатиб қолмоқ, жиловламоқ; 2) (*н. гадир*) интилтирмоқ, йўлламоқ, чорламоқ (ب); II وَزَّعَ 1) (*к. нигдир ўртасида*) тақсимламоқ, бўлмоқ (*к. гадир*) бўлиб бермоқ, тарқатмоқ (عَلَى); ~ الْأَدْوَارَ (*...лар ўртасида*) ролларни тақсимламоқ (... فِيمَا بَيْنَ); 2) тарқатмоқ; (*низом, йўл-йўриқларни*) жўнатмоқ; (*хатларни хонадонларга*) тарқармоқ (*почтачи ҳақида*); ~ مَنْشُورَاتٍ варақа (прокламация)лар тарқатмоқ; 3) жойлаштирмоқ, ўринлаштирмоқ; *ҳарб.* (*қўшинларни*) жойлаштирмоқ, дислокация қилмоқ; 4) *муз.* оркестрлаштирмоқ; IV أَوْزَعَ 1) кўнгилга солмоқ (*Оллоҳ ҳақида*); 2) (*н. гадир*) йўналтирмоқ, йўлламоқ (ب); V تَوَزَّعَ 1) тақсимланмоқ, бўлинмоқ; 2) тарқатилмоқ (*мас. прокламация*); жўнатилмоқ, юборилмоқ; (*турли жойларга*) юборилмоқ, тарқатилмоқ; 3) жойлашмоқ, ўринлашмоқ; *ҳарб.* дислокация қилинмоқ, жойлашмоқ (*қўшин ҳақида*); 4) қийнамоқ, куйдирмоқ (*туйғулар, ҳислар ҳақида*); VI تَوَازَعَ ўзаро тақсимламоқ, ўзаро бўлиб олмоқ; VIII اتَّزَعَ жиловланмоқ, ушланиб турмоқ, ушланиб қолмоқ; X اسْتَوْزَعَ: ~ اللّٰهَ شُكْرَهُ Оллоҳдан ўзига шукроналик сўрамоқ

– أَوْزَاعٌ аралашма, конгломерат (*хилма-хил н. ларнинг тасодифий аралашмаси*)

– تَوْزُعٌ тақсим, тақсимланиш; жойлашиш, жой-жойига қўйиш; ~ الْقُوَى кучларни жой-жойига қўйиш, жойлаштириш

– تَوْزِيعٌ 1) тақсимлаш, бўлиш, тарқатиш; ~ الْأَرْبَاحِ фойдаларни (девидентларни) тақсимлаш; ~ الْجَوَائِزِ мукофотларни тарқатиш; ~ الضَّرَائِبِ солиқлар улуши; ~ سُوءُ الْـ ёмон тақсим, нотўғри тақсимлаш; ~ لَوْحَةُ الْـ *эл.* тақсимловчи асбоб ўрнатилган тахта; 2) жўнатиш, элтиб (етказиб) бериш (*хат, телеграмма ҳақида*); 3) *ҳарб.* жойлашиш, жойлаштириш, дислокация; 4) оркестрлаштириш, оркестрга мослаш; 5) *кўп.* اتٌ — *спорт.* комбинация (*ҳаракат ёки юришлар мажмуи*); حَضَّرَ بَعْضَ التَّوْزِيعَاتِ комбинациялардан бирини тайёрламоқ

– مُوَزَّعٌ бўлинувчи, тақсимланувчи; тақсимланадиган; азоб чекаётган (*ҳис, туйғулардан*); كَانَ قَلْبُهَا ~ـًا بَيْنَ سَعَادَةٍ وَ خَوْفٍ у (*аёл*) нинг қалбини гоҳ шодлик, гоҳ қўрқув пармаларди

– مُوَزِّعٌ 1) тақсимловчи, бўлувчи; 2) юборувчи, жўнатувчи; элтиб, етказиб берувчи; ~ الْبَرِيدِ почтачи, почтальон

– وَازِعٌ 1) ўзини тутиб туриш манбаи; 2) бирор нарсага ундовчи сабаб, стимул, манфаат; ~ نَفْسِهِ ўз ихтиёри билан, ўз истаги билан; 3) ибратли мисол; 4) *кўп.* وَزَعَةٌ сафни тўғрилаб тартибга солувчи (*армияда*)

– وَزِيعَةٌ *кўп.* وَزَائِعُ улуш, бўлак

وَزْعَةٌ *кўп.* وِزْعَانٌ, أَوْزَاعٌ, وَزَعٌ қурт турларидан бири

I **وَزِفَ** (*и*) وَزِيفٌ шошилмоқ, тезлашмоқ

– وَزِيفٌ тез юриш, шошилиб юриш

وَزَالٌ *бот.* сариқ гулли, дуккакли чўл ўсимлиги

– وَزَلٌ = وَزَالٌ

I **وَزَنَ** (*и*) وَزْنٌ (وزن) 1) тортмоқ, оғирлигини ўлчаб, тортиб кўрмоқ; (*к. гадир*) тортиб бермоқ, вазнига қараб сотмоқ (ـلِ); 2) *бухг.* балансламоқ, кирим-чиқимларни балансга келтирмоқ; 3) *адаб.* шеърни вазнга мос қилиб ўқимоқ (*мас. арузда*); ◊ ~ الْمَسْأَلَةَ بِمُخْتَلِفِ الْمَوَازِينِ масалани ҳар томонлама ўйлаб кўрмоқ (тарозига солмоқ); ~ الْحَائِطَ деворни адилак (шоқул) асбоблари ёрдамида

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғрилаб урмоқ (тикламоқ); وَزْنَ (يَوْزُنُ) وَزَانَةً 1) совуққон, жиддий бўлмоқ; соғлом фикр эгаси бўлмоқ; 2) вазни оғир бўлмоқ; III وَازَنَ 1) (*н. ни н. биландир*) солиштирмоқ, қиёсламоқ; (*н нинг н. дандир*) фарқини аниқламоқ (... وَ ... بَيْنَ); 2) вазни (оғирлиги) бир хил бўлмоқ; тенг қилмоқ; 3) бошқармоқ; 4) *бухг.* баланслаштирмоқ. VI تَوَازَنَ тенг қилмоқ; тенг, баробар бўлмоқ; VIII اتَّزَنَ 1) тенг бўлмоқ, тенглашмоқ; 2) мувозанатини сақламоқ; 3) бир текисда, доимий бўлмоқ

– اتِّزَانٌ 1) мувозанат, حَفِظَ الـــ~ мувозанатни сақламоқ; 2) ўзини босиб олмоқлик, босиқлик; الْعَقْلِ ~ босиқлик, совуққонлик, 3) бир текислик, мунтазамлик; رَتِيبٍ ~ بـــ а) бир текисда; б) мунтазам

– تَوَازُنٌ мувозанат, тенглик; الْقُوَى الدُّوَلِيَّةِ ~ *ёки* الـــ~ الدُّوَلِيُّ *ёки* الـــ~ السِّيَاسِيُّ сиёсий мувозанат; الْقُوَى ~ *физ.* кучлар мувозанати; عِلْمُ الْقِوَى ~ статика (*механиканинг жисмлар мувозанати ҳақидаги бўлими*); عِلْمُ الْمَوَائِعِ (السَّوَائِلِ) ~ гидростатика

– زِنَةٌ 1) (*тарозида*) тортиш; 2) оғирлик, вазн

– مُتَّزِنٌ 1) бир текисда, бир ўлчовда, тенг миқдорда тенг; 2) босиқ, совуққон

– مُوَازِنٌ 1. босиқ, совуққон қиладиган, тенг ўлчовли; (*бирор н билан*) тенглашадиган, баробарлашадиган, тенг. 2. стабилизатор

– مُوَازَنَةٌ 1) қиёслаш, солиштириш; 2) босиқлик, совуққонлик; 3) мувозанат, 4) баланс чиқариш, баланс; 5) посанги

– مَوْزُونٌ 1) ўйлаб кўрилган; 2) ҳар томонлама, чуқур ўйланган; 3) арзирли, арзийдиган; 4) босиқ, совуққон; 5) бир текисда, оҳангдор талаффуз; بِخُطًى ~ـــة سَارَ бир текисда қадам ташлаб бормоқ. 6) маст бўлган, маст

– مِيزَانٌ *кўп* مَوَازِينُ, مَيَازِينُ 1) тарози; مُثَلَّثَةٌ ~ платформа-тарози. الدَّيْنُونَةِ ~ *дин* ҳақиқат тарозиси; 2) ўлчов; الثِّقْلِ النَّوْعِيِّ ~ ареометр; لِلسَّوَائِلِ ثِقْلِ الْهَوَاءِ ~ барометр, الْحَرَارَةِ ~ термометр ~ ضَغْطِ الْبُخَارِ манометр; الْقُوَّةِ ~ динамометр; الْحَائِطِ ~ *ёки* الْبَنَّاءِ ~ шоқул; الْمَاءِ ~ шайтон, сув сатҳини ўлчаш асбоби; ватерпас, 3) баланс, (التِّجَارِيُّ) الـــ~ الْحِسَابِيُّ ҳисоб (савдо) баланси; الْمَدْفُوعَاتِ тўлов баланси; 4) адолат, одиллик, холислик; 5) *муз адаб* ўлчов. вазн, الْمَوَازِينُ الثُّنَائِيَّةُ *муз* 1/2 ўлчов; الْمَوَازِينُ الثُّلَاثِيَّةُ *муз* 3/4 ўлчов; ◊ بُرْجُ الـــ~ *астр.* Мезон буржи

– مِيزَانِيَّةٌ *кўп* ـــاتٌ 1) бюджет; الْحُكُومَةِ ~ давлат бюджети; أَبْوَابُ الـــ~ бюджет моддалари (боблари), 2) тенглик, мувозанат; ◊ الْحِسَابَاتِ ~ баланс; الْأَرَاضِي ~ нивелирлаш (*ер сатҳининг паст баландлигини ўлчаш*)

– وَازِنٌ *1.* тортувчи, ўлчовчи; 2) тарозидор; 3) тош босадиган. ~ دِرْهَمٍ соф, қадрли танга

– وِزَانٌ *грам* ... билан мос, ... парадигмасига (шаклига) мувофиқ; رَسُولٌ ~ وَ أَتُونٌ сўзи رَسُولٌ шаклига мувофиқ (мос равишда) тузилган

– وِزَانَةٌ тарозибонлик касби

– وَزَّانٌ тарозибон

– وَزْنٌ[1] (*тарозида*) тортиш

– وَزْنٌ[2] *кўп* أَوْزَانٌ 1) вазн, оғирлик; الْـــ~ الْعَدَمُ вазнсизлик; الْـــ~ الْجَوْهَرِيُّ *ёки* الْـــ~ النَّوْعِيُّ солиштирма оғирлик; الْـــ~ الذَّرِّيُّ *физ* атом оғирлиги; الْـــ~ الصَّافِي соф оғирлик (нетто); الْـــ~ الْفَارِغُ الْقَائِمُ идиш билан биргаликдаги оғирлик (брутто); الْـــ~ الْمَطْرُوحُ *ёки* الْـــ~ الْخَفِيفُ идиш, тара; الْـــ~ *спорт.* енгил вазн; الْـــ~ الثَّقِيلُ *спорт.* оғир вазн; الْـــ~ الْمُتَوَسِّطُ *спорт.* ўрта вазн; نِصْفُ الْمُتَوَسِّطِ *спорт.* ярим ўрта вазн; الْوَرَقَةِ ~ *спорт.* варақ вазни; الرِّيشَةِ ~ *спорт.* пат вазни; الدِّيكِ ~ *спорт.* хўроз вазни; الذُّبَابَةِ ~ *спорт.* пашша вазни 2) аҳамият; مَا ~ًا أَقَامَ لَهُ бирор нарсага қандайдир аҳамияти бор деб қарамоқ; ~ لَهُ а) салмоқли; б) аҳамиятли, муҳим; عَدِيمُ الـــ~ а) салмоқсиз; б) аҳамиятсиз, муҳим бўлмаган, لَهُ ~ لَا бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ; 3) *муз.* ўлчов; 4) *грам* парадигма, шакл, сўз ясаш қолипи; 5) *адаб.* вазн, шеърий ўлчов

– وَزْنَةٌ وَزَنَاتٌ *кўп* 1) тарози тош, қадоқ тоши; 2) *тар.* талант (*Юнонистон ва Сурияда пул ва оғирлик ўлчов бирлиги*)

– وَزِينٌ тоши оғир, ишончтирадиган (*мас, сабаб*), ◊ الْحُظَى ~ савлатли, басавлат, обрў-эътиборли; الرَّأْيِ ~ босиқ, совуққон; الرَّأْيِ ~ соғлом (*мас. фикр, муҳокама*)

I وزى (*и*) وَزْيًا тораймоқ, қисқармоқ, буришиб қолмоқ, тортилмоқ (*мас. ювилгандаги мато*); III وازى 1) мос, мувофиқ келмоқ, ўхшамоқ; 2) параллел юрмоқ, параллел бўлмоқ, 3) (*бирор н. нинг*) қаршисида, рўпарасида бўлмоқ, турмоқ; VI تَوَازَى параллел бормоқ, параллел бўлмоқ

– تَوَازٍ параллеллик, параллелизм; الْقُوَى تَوَازِي *мат* кучлар параллелограми

– تَوَازِيَّةٌ параллелизм

– مُتَوَازٍ *мн* مُتَوَازِيَةٌ параллел; الْأَضْلَاعِ الْمُتَوَازِي (الشَّكْلُ) параллелограм; الْمُتَوَازِي السُّطُوحِ (الْجِسْمُ) параллелепипед; خُطُوطٌ مُتَوَازِيَةٌ параллел чизиқлар; الْمُتَوَازِيَانِ *икки. с спорт* параллел бруслар (*гимнастика жиҳози*); الْمُتَوَازِيَانِ الْمُسْتَقِيمَانِ икки параллел тўғри чизиқ

– مُتَوَازِيَاتٌ *кўп. геогр.* параллеллар

– مُوَازٍ *мн* مُوَازِيَةٌ параллелга оид, параллел (*равишдаги*)

– مُوَازَاةٌ параллеллик; ~ عَلَى параллел равишда (ҳолда)

www.ziyouz.com kutubxonasi

I وَسِخَ (يَوْسَخُ) وَسَخٌ ифлос, лой чапланган бўлмоқ; II وَسَّخَ ифлос қилмоқ, лой чапланган бўлмоқ; ◊ اسْمَهُ ~ кимнингдир номусини булғаламоқ, номига доғ туширмоқ, обрў-эътиборини булғаламоқ; IV أَوْسَخَ = II; V تَوَسَّخَ булғанмоқ, ифлос бўлмоқ, лой чапланган бўлмоқ; VIII اتَّسَخَ = V

– اتِّسَاخٌ ифлосланганлик, булғанганлик, лой чапланганлик

– مُتَّسِخٌ ифлос, булғанган, лой чапланган

– وَسَاخَةٌ булғанганлик; иссиқтлик, пала-партишлик; وَسَائِخُ *кўп.* лой, ифлослик, кир-чир

– وَسَخٌ *кўп.* أَوْسَاخٌ ифлослик, кир-чир; ~ الْأُذُنِ қулоқ кири

– وَسِخٌ иссиқрт, пала-партиш; ифлос, булғанган, кирланган

(وسد) II وَسَّدَ 1) бош остига (*бирор н.*) қўймоқ; 2) (*ухлашга*) ётқизмоқ; 3) (*к. гадир*) юкламоқ, топширмоқ (عَلَى); الْوَظِيفَةَ ~ (*к. гадир*) лавозим, мансаб бермоқ (إِلَى); V تَوَسَّدَ ўз боши остига (*бирор н.*) қўймоқ; ◊ الثَّرَى ~ ўлмоқ, вафот этмоқ, тупроққа бош қўймоқ

– مُوَسَّدٌ текисланган, текис

– وِسَادٌ *кўп.* وُسُدٌ, وُسْدٌ ёстиқ, болиш

– وِسَادَةٌ *кўп.* ـاتٌ ـــ *ёки* وُسَادَةٌ, وَسَادَةٌ, وِسَادَةٌ болиш, ёстиқ, ~ هَوَائِيَّة ҳаво ёстиғи (*техникада*)

I وَسَطَ (*и*) وَسَطٌ ўртада, марказда турмоқ (бўлмоқ); II وَسَّطَ 1) ўртага, марказга ўтқизмоқ, жойламоқ; 2) (*к. нидир*) даллол қилмоқ, ўртачи, воситачи қилмоқ; 3) (*н. нидир*) тенг иккига бўлмоқ; V تَوَسَّطَ ўртани, марказни эгалламоқ; ўртада, марказда турмоқ, бўлмоқ; (*бирор н. да*) ўртача йўл тутмоқ (فِي); 2) (*к. ларнингдир ўртасида*) даллол, воситачи бўлмоқ (ـــ لِـ, بَيْنَ); (*н. дадир*) воситачилик қилмоқ (فِي); VI تَوَاسَطَ марказга, ўртага етиб бормоқ, аста-секин ўртани эгалламоқ; ўртада бўлмоқ

– أَوْسَطُ *кўп.* أَوَاسِطُ *мн.* وُسْطَى *кўп.* وُسَطٌ 1. ўртадаги, ўртада жойлашган; ўрта; أَوَاسِطُ الشَّهْرِ ой ўртаси; أَوَاسِطُ إِفْرِيقِيَا Африканинг марказий вилоятлари; الطَّبَقَةُ الْوُسْطَى ўрта табақа; الْعُصُورُ الْوُسْطَى *ёки* الْقُرُونُ الْوُسْطَى ўрта асрлар; الْوُسْطَى ўрта бармоқ. 2. *муз.* терсия

– تَوَسُّطٌ 1) марказлилик, ўртача ҳолат; 2) даллоллик, воситачилик; 3) ўрта-миёналик, одамийлик

– مُتَوَسِّطٌ 1. 1) ўртани, марказни эгаллаб турган; 2) ўрта; الْمَوْجَاتُ الـــةُ *радио.* ўрта тўлқинлар; ~ الْحَجْمِ ўрта ҳажмдаги, ўлчовдаги; ~ الْقَامَةِ ўрта бўйли; ~ النَّوْعِ ўртача навли, иккинчи нав (сорт)ли; الْأَصْوَاتُ الـــةُ *фон* ўрта ундошлар (ر, ل, م, ن). 3) даллоллик қилувчи, воситачилик қилувчи, 2. 1) ўртаҳол (*деҳқон ҳақида*); 2) ўртача катталик, ўртача даража *мат.* ўрта арифметик; 3) даллол, воситачи

– وَاسِطٌ Восит (*Куфа билан Басра ўртасидаги қишлоқ номи*)

– وَسَائِطُ *кўп.* 1) восита; ёрдам, усул, йўл; ... ~ بِـــ (*бирор н.*) воситасида, ёрдамида; ~ الـــ بِهَذِهِ шунинг ёрдамида, шунинг учун; ~ النَّقْلِ транспорт воситаси; اتَّخَذَ الْوَسَائِطَ اللَّازِمَةَ зарур чораларни кўрмоқ; 2) (*шода*) ўртасидаги энг йирик марказий гавҳар; ◊ هُوَ ~ عِقْدِهِمْ *ёки* هُوَ ~ قِلَادَتِهِمْ улар орасида у энг эътиборли шахсдир

– وِسَاطَةٌ, وَسَاطَةٌ воситачилик; (*ҳимоя қилиб*) ўртага тушиш, илтимос, илтимос билан мурожаат этиш; بِـــ ـــهِ бирор нарса воситаси билан, воситасида; قَدَّمَ ~ ـــهُ (*к. гад ир*) ўз воситачилигини таклиф қилмоқ (لِـــ)

– وَسْطٌ ўрта; جَلَسَ وَسْطَهُمْ у улар орасида ўтирарди

– وَسَطٌ *кўп.* أَوْسَاطٌ 1) ўрта, марказ; ~ الشِّتَاءِ қиш ўртаси; ~ اللَّيْلِ йўл ўртаси; فِي ~ тун ўртасида, ярим кечада; فِي ~ ـــا الْمَدِينَةِ шаҳар марказида; 2) шароит, соҳа, доир; فِي ~ ـــا орамизда, бизнинг шароитимизда; الْأَوْسَاطُ الدِّبْلُومَاسِيَّةُ дипломатик доиралар, الْأَوْسَاطُ التِّجَارِيَّةُ савдо (тижорат) доиралари; 3) ўртача сон; ~ الـــ الْحِسَابِيُّ ўртача арифметик (*сон*); ~ الـــ الْهَنْدَسِيُّ ўртача геометрик (*сон*); ~ الـــ الْمُنَاسِبُ ўртача пропорционал; 4) (*изоҳловчи вазифасида*) ўрта; ~ الـــ الْحَالُ компромис. ўртадаги (ўзаро) келишув; ~ الـــ الْأَمِيرْكِيُّ ўртаҳол америкалик; ~ الـــ السَّبِيلُ ўрта йўл, ўрта чизиқ; ~ الـــ الْأَشْيَاءُ ўртамиёна, одми нарсалар

– وُسْطَانِيٌّ ўрта, ўртадаги

– وَسَطِيٌّ ўрта; ~ ـــا حَلٌّ компромис; ~ ـــا ўрта ҳисобда, ўртача

– وَسِيطٌ 1. ўрта; ~ الـــ الْعُمْرُ ўртача ёш, ўртача умр; 2. *кўп.* وُسَطَاءُ 1) даллол, ўртачи; воситачи; 2) ҳомий, илтимосчи, орага тушувчи; 3) *савдо.* маклёр, комиссионер (воситачи); 4) медиум (*спиритлару - дунёдаги ўлганлар руҳи билан сўзлашамиз дегувчилар фаолиятида*)

وَسْطَنَ ўртага, марказга қўймоқ, ўтқазмоқ; تَوَسْطَنَ ўртага, марказга ўтирмоқ; ўрта (марказий) ўринни эгалламоқ

I وَسُعَ (وسع) وَسْعٌ (يَوْسُعُ) وَسَاعَةٌ кенг, кенгу мўл бўлмоқ; سَعَةٌ, وُسْعٌ (يَسَعُ) وَسِعَ 1) кенг, кенгу мўл бўлмоқ; кўп нарса сиғадиган бўлмоқ; сиғдирмоқ, эгалламоқ; 2) имкон берилган, имконли бўлмоқ; وَ الدُّنْيَا لَا تَسَعُ فَرَحَهُ! унинг хурсандлиги бутун дунёга сиғмасди!, لَا يَسَعُكَ أَنْ تَفْعَلَ هَذَا а) буни қилолмайсан; б) сен буни қилмаслигинг керак; لَا يَسَعُنِي ... мен қила оламан, менинг кучим етади; لَا يَسَعُنَا ... биз ...ни қила олмаймиз; لَا يَسَعُنَا إِلَّا أَنْ نَقُولَ ... биз фақат айтишимиз мумкинки ...; ~ مَا أَنْ يَفْتَحَهُمَا فتح عَيْنَيْه у имкони борича кўзини очди; II وَسَّعَ 1) кенгайтирмоқ; ~ الْحَرْقَ *харб.* ёриб ўтишни кенгайтирмоқ; 2) (*к. гадир*) жой бермоқ, бўшатмоқ (لِـــ); IV

www.ziyouz.com kutubxonasi

أَوْسَعَ 1) кенгайтирмоқ, кўпайтирмоқ; صَدْرَهُ لِأَسْئِلَته ~ кимнингдир саволларини сабр-тоқат билан тингламоқ; 2) (*н. нидир*) кўп, катта миқдорда қилмоқ; اَلنَّفَقَات ~ катта сарф қилмоқ; ـــهُ دَرْسًا ~ бирор нарсани талаб қилинган даражада ўрганмоқ; شَرْحًا ~ атрофлича, кенг изоҳламоқ, тушунтирмоқ; ضَرْبًا ~ қаттиқ калтакламоқ; 3) бойитмоқ, (*к. гадир*) бойликлар совға қилмоқ (عَلَى); 4) бой бўлмоқ; V تَوَسَّعَ 1) кенгаймоқ, кўпаймоқ; 2) (*н. нидир*) кўп, катта миқдорда қилмоқ (فِي); فِي اَلْكَلَام ~ кўп гапирмоқ, вайсақилик қилмоқ, жаврайвермоқ; فِي اَلنَّفَقَات ~ катта сарфлар қилмоқ; فِي أَشْغَاله ~ ўз ишини кенгайтирмоқ; VIII اِتَّسَعَ 1) кенгаймоқ, кўпаймоқ, ўсмоқ, ошиб бормоқ; 2) (*н. нидир*) етарли даражада жойлаштирадиган, сиғдирадиган бўлмоқ (لِـــ); (*н. нидир*) ўзида сақламоқ, ўз таркибида тутмоқ (لِـــ); 3) бой бўлмоқ; X اِسْتَوْسَعَ 1) кенг, кенгу мўл деб ҳисобламоқ; 2) кенгаймоқ

– اِتِّسَاعٌ 1) кенгайиш, ўсиш; 2) кенглик, бепоёнлик, энлилик; 2) катта ўлчов, ҳажм; сиғдирувчанлик; 4) амплитуда (*тебраниш кенглиги. ҳолатлар орасидаги масофа*); кўлам

– أَوْسَعُ энг кенг. энг бепоён

– تَوَسُّعٌ 1) ҳажмнинг кенгайиши, ўсиши; 2) экспансия (*янги территорияларни босиб олишга интилиш*)

– تَوَسُّعِيٌّ экспансионистик; سِيَاسَةٌ ~ـــ экспансионистик сиёсат

– تَوْسِعَةٌ кенгайтириш, ўстириш, бойитиш

– تَوْسِيعٌ кенгайтириш, ўстириш, бойитиш

– سَعَةٌ 1) кенглик, бепоёнлик; اَلصَّدْر ~ юракнинг кенглиги, кенг бағирлилик, олийжаноблик; اَلْاطِّلَاع ~ *ёки* اَلْمَعْلُومَات ~ *ёки* اَلْمَعْرِفَة ~ кучли эрудиция, юксак маълумотлилик, билимлилик, иқтидорлилик, 2) ҳажм, сиғдира олишлик; كَهْرَبِيَّة ~ *эл.* сиғим; 3) мўл-кўллик, фаровонлик, эркинлик, бойлик; ـــ بِـ *ёки* ~ عَنْ мўл-кўл; ~ ذُو бой; اَلْعَيْش ~ фаровон турмуш; ـــ أَنْفَقَ بِـ кўп сарф қилмоқ, 4) амплитуда; اَلنَّبْض ~ томир уриши амплитудаси; ◊ عَلَى اَلرُّحْب وَ الـــ~! хуш келибсиз!

– مُتَّسَعٌ 1) етарли миқдордаги жой, кенглик; 2) етарли даражадаги вақт, ... سَيَكُونُ لَدَيَّ ~ مِنَ الْوَقْت لِـــ ... учун менинг етарли вақтим бўлади

– مُتَّسِعٌ 1) кенг, бепоён; 2) йўғон (*дарахт ҳақида*)

– مُوسِعٌ бой, фаровон, ўзига тўқ

– مُوَسَّعٌ кенгайтирилган; اَلْاجْتِمَاعُ الـــ~ кенгайтирилган мажлис

– مُوَسِّعَةٌ кенгайтирадиган (*мн.*); пойабзални шонга тортиш учун ишлатиладиган жиҳоз

– مَوْسُوعَةٌ *кўп* اتٌ — энциклопедия, қомус, маълумотнома (справочник), луғат; ◊ حَيَّةٌ ~ هُوَ у тирик қомус

– مَوْسُوعِيٌّ 1. қомусий; 2. қомусчи; ~ أَدِيبٌ қомусий ёзувчи

– وَاسِعٌ *шунингдек*: اَلنِّطَاق ~ кенг, бепоён, кўп нарса сиғдирувчи; اَلْانْتِشَار ~ кенг тарқалган; ~ ثَوْبٌ кенг кийим; ~ سَهْلٌ бепоён текислик; ◊ اَلْحِيلَة ~ топқир

– وَسَعٌ 1) кенглик, бепоёнлик; 2) фазо, очиқ фазо

– وُسْعٌ (*бирор н. қилишга етарли*) куч, қобилият, имконият; فِي لَيْسَ فِي ـــهِ أَنْ ... ...ни у қила олади, ...га унинг кучи етади; بَدَّلَ ~ ـــهِ أَنْ ... ...га унинг кучи етмайди, ...ни у қила олмайди, ~ ـــهُ имкони бор ҳамма нарсани қилмоқ; 2) *эл.* сиғим

– وَسَعَايَةٌ *кўп* اتٌ — очиқ жой, очиқ майдонча

– وُسْعَةٌ 1) кенглик, бепоёнлик; 2) кенглик, ҳажм; 3) етарли миқдордаги (*жой, вақт*); لَمْ يَجِدْ ~ مِنَ الْوَقْت لِـــ ... учун унинг етарли вақти бўлмади; 4) сероблик, мўл-кўллик

– وَسِيعٌ *кўп* وَسَاعٌ кенг, бепоён; сиғимли

I وَسَقَ (*u*) وَسْقٌ 1) юкламоқ; (*к. нингдир елкасига*) қўймоқ, юкламоқ; 2) юк қилиб туширмоқ; уринтирмоқ; IV أَوْسَقَ 1) юкламоқ; اَلْبَعِير ~ туяга юкламоқ; 2) кўп мевали, серҳосил бўлмоқ (*мас, хурмо ҳақида*); VII اِنْوَسَقَ юкланган, юклатилган бўлмоқ; VIII اِتَّسَقَ 1) тўла, тўлин бўлмоқ (*ой ҳақида*); 2) шинам, қулай бўлмоқ; тартибга келтирилган бўлмоқ; 3) уйғунлашган, ўзаро мослашган бўлмоқ, мувофиқлашган бўлмоқ; доимий, бир текисда бўлмоқ; (*н. билан дир*) мувофиқлашган бўлмоқ (مَعَ); 4) тартибга тушмоқ, интизомга тушмоқ; X اِسْتَوْسَقَ 1) тузалмоқ, кучга кирмоқ (*касалдан турган одам ҳақида*); 2) (*к. учундир*) имконли бўлмоқ (لِـــ); ~ لَهُ اَلنَّصْرُ у ғалабага эришди

– اِتِّسَاقٌ 1) шинамлик, қулайлик; тартибга келтирилганлик; 2) мослик, уйғунлик, мунтазамлик, мувофиқлашганлик; ~ عَدَمُ الـــ *мед* артимия (*томирнинг номунтазам уриши*)

– مُتَّسِقٌ 1) шинам, қулай; тартибга келтирилган; мослик, уйғунлик, мувофиқлик, мунтазамлик, доимийлик, бир текисдалик

– مَوْسُوقٌ юкланган, юк ортилган

– وَسْقٌ 1) топшириқ, иш, вазифа; 2) *кўп.* أَوْسُقٌ, وُسُوقٌ юк; (қўл) юки, багаж; اَلْمَرْكَب ~ тоннаж; кема юки, кеманинг юк кўтариш қуввати; 3) туяга юк юклаш

– وَسْقَةٌ кема юки

وِسْكِي виски (*спиртли ичимлик*)

I وَسَلَ (*u*) وَسِيلَةٌ 1) висол истамоқ; 2) висолга эришмоқ; II وَسَّلَ زَيْدٌ إِلَى رَبِّه ~ Зайд ўз тангрисига етишди; V تَوَسَّلَ 1) (*к. нингдир*) васлига эришмоқ (إِلَى); (*к. гадир*) ялинмоқ, ўтинмоқ, илтимос қилмоқ (إِلَى); 2) (*бирор н. дан*) восита сифатида фойдаланмоқ (بِـ); (*бирор н. ни*) ишга солмоқ (بِـ); (*бирор н. дан*) фойдаланмоқ (بِـ)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– تَوَسُّلٌ *кўп.* اتٌ ـــ ўтинч, илтимос

– وَسِيلَةٌ *кўп* وَسَائِلُ восита, усул; асбоб (*восита сифатида*); وَسَائِلُ الْاحْتِيَاطِ эҳтиёт чоралари; وَسَائِلُ الرَّاحَةِ қулайликлар; وَسَائِلُ النَّقْلِ транспорт воситалари; وَسَائِلُ الْمَوَاصَلَاتِ бориш-келиш воситалари; اتَّخَذَ وَسَائِلَ مُضَادَّةً لِلدَّبَّابَاتِ танкка қарши воситалар; ~ هَذَا ... учун у восита сифатида буни танлади; ◊ بِـ~ مَا ... إِلَى қандай (нима) қилиб бўлса ҳам

I **وَسَمَ** (*и*) وَسْمٌ 1) куйдириб тамға (туғро) босмоқ, тамға (туғро) босмоқ; ~ هُ بَصْمَةَ الْعَارِ кимгадир шармандалик тамғасини босмоқ; 2) (*бирор н. билан*) белги қўймоқ, белгиламоқ (ب); وَسُمَ (*у*) وَسَامَةٌ, وَسَامٌ чиройли бўлмоқ, хушрўй бўлмоқ, гўзал юзли бўлмоқ; II وَسَّمَ ҳаж мавсумига шоҳид бўлмоқ; V تَوَسَّمَ 1) кўрмоқ, кузатмоқ; эътибор бермоқ, белгиламоқ, фарқламоқ; 2) диққат билан қарамоқ, тикилмоқ; ~ وَجْهَهُ кимнингдир юзига диққат билан тикилмоқ; 3) кутмоқ; ~ فِيهِ الْخَيْرَ кимдандир хайрли (яхши) нарса кутмоқ; 4) *мажз.* кўринадиган, билинадиган, сезиладиган бўлмоқ; VIII اتَّسَمَ (*бирор н. билан*) фарқланмоқ, хусусиятга эга бўлмоқ (ب); 2) тамғали, туғроли бўлмоқ

– سِمَةٌ *кўп.* اتٌ ـــ 1) тамға, туғро; 2) белги; عِلْمُ السِّمَاتِ *линг.* семиотика; 3) хусусият, сифат; 4) аломат, ифода (*мас, юздаги ғам аломати, ифодаси*); 5) виза; ~ الدُّخُولِ келиш визаси; ~ الْخُرُوجِ *ёки* ~ الْعَوْدَةِ чиқиб кетиш, жўнаб кетиш визаси; ~ الْمُرُورِ транзит виза (*бир мамлакатдан ўтиш визаси*); ~ الْاعْتِمَادِ эркин яшаш ва кўчиб юриш (ҳаракат қилиш) визаси

– مَوْسِمٌ *кўп* مَوَاسِمُ 1) мавсум, вақт, сезон (*йиғим-терим ва б ҳақида*); ~ الْاصْطِيَافِ курорт мавсуми; ~ الْحَجِّ ҳаж мавсуми; ~ الْبَلَحِ хурмо (териш) мавсуми; ~ الْحَصَادِ ўрим мавсуми; ~ الْقُطْنِ пахта (териш) мавсуми; مَيِّتٌ ~ курортларда иш тўхтаган мавсум; 2) байрам; أَيَّامُ الْمَوَاسِمِ وَ الْأَعْيَادِ байрам ва дам олиш кунлари; 3) ярмарка; ~ الْأَدَبِيُّ *мар.* адабий ярмарка

– مَوْسِمِيٌّ мавсумий; الرِّيحُ الْـ~ـةُ муссон; الْعُمَّالُ الْـ~ـونَ мавсумий ишчилар; الْمَطَرُ الْـ~ мавсумий ёмғир

– مَوْسُومٌ 1) тамғаланган, туғроланган; 2) (*н. биландир*) белгилаб қўйилган (ب); بِخَتْمٍ ~ муҳрлаб қўйилган; 3) нишонланган; الذَّرَّاتُ الْـ~ـةُ нишонланган атомлар

– مِيسَمٌ[1] *кўп.* مَوَاسِمُ, مَيَاسِمُ 1) тамға, туғро (*асбоб*)

– مِيسَمٌ[2] *кўп.* مَيَاسِمُ *ёки* مَوَاسِمُ чорва ёки бошқа нарсага тамға (туғро) босиш асбоби; 2) тамға, туғро; тамға изи; وَسَمَ بِـ~ـهِ ўз изини қолдирмоқ; 3) *бот.* тумшуқча, оғизча

– مِيسَمٌ[3] гўзаллик, ҳусн

– وِسَامٌ *кўп.* أَوْسِمَةٌ, اتٌ ـــ орден, медаль; ~ الْأَمِيرِ تَيْمُورَ Амир Темур ордени; ~ الْجُمْهُورِيَّةِ الْعَرَبِيَّةِ الْمُتَّحِدَةِ *мар.* БАР ордени; ~ رَبْطَةِ السَّاقِ шарафли легион ордени; ~ الْـ (صَاحِبُ) حَاصِلُ нишондор, (*орден*) нишондори

– وَسَامَةٌ гўзаллик, ёқимлилик, кўркамлилик, чиройлилик

– وَسْمٌ *кўп.* وُسُومٌ 1) тамға, туғро; тамға изи; 2) белги

– وَسْمَةٌ 1) тамға, туғро; тамға изи; ~ عَارٍ шармандалик тамғаси; 2) *бот.* васма (*кўпйиллик тропик ўсимлик; баргидан нил бўёғи-тўқ кўкранг бўёқ олинади*)

– وَسِمَةٌ = وَسْمَةٌ

– وَسْمِيٌّ баҳордаги биринчи ёмғир

– وَسِيمٌ гўзал, ёқимли, кўримли, чирсйли

I **وَسِنَ** (وَسَنٌ) (يَوْسَنُ) 1) мудрамоқ; 2) (*ёмон ҳид таъсирида*) беҳуш бўлиб йиқилмоқ; X اسْتَوْسَنَ = I

– سِنَةٌ мудраш, енгил (*қуш*) уйқу; مِنَ النَّوْمِ ~ қаттиқ уйқу; أَخَذَتْهُ ~ النَّوْمِ у мудрай бошлади, у уйқуга кетди

– وَسَنٌ = سِنَةٌ

– وَسِنٌ мудрайдиган, уйқучи

– وَسَنَانُ *мн.* وَسْنَى = وَسِنٌ

وَسْوَسَ 1) васваса қилмоқ, (*к. нингдир юрагига*) ёмон ният солмоқ (*шайтон ҳақида*); ~ فِي صُدُورِ النَّاسِ *қур.* инсонларнинг дилларига васваса солмоқ; 2) енгил, паст овоз чиқармоқ, шилдир-шилдир қилмоқ; ◊ ~ الْقُطْنُ куртакламоқ (*пахта ҳақида*); تَوَسْوَسَ 1) ташвишланмоқ, шубҳаланмоқ, васвасага тушмоқ, хавфсирамоқ, шубҳа (ташвиш)га ботмоқ; 2) васвос бўлмоқ, ирим-сиримларга ишонадиган бўлмоқ

– مُوَسْوَسٌ 1) хотиржамлигини йўқотган, ташвишланаётган, хавфсираётган; 2) бадгумон; ҳар нарсадан шубҳаланадиган, ирим-сиримларга ишонадиган; 3) руҳан эзилган, (*бирор н. деб*) ақлидан айрилган

– وَسْوَاسٌ *кўп* وَسَاوِيسُ 1. *қур.* васвос қилувчи (шайтон), васвос (*шайтоннинг сифати*); 2. 1) йўлдан озиш, васвасага берилиш, шайтон васвасаси, ёмон ниятларга берилиш; 2) васваса, (*бирор н. нинг*) васвасасига тушиб қолиш; idee fixe, миядан кетмайдиган фикр; 3) ғамгинлик, меланхолия; 4) хавфсираш, ташвиш, ваҳима; 4) қимматбаҳо металл жаранги; ◊ ~ الْقُطْنِ куртак очиш (*пахта ҳақида*)

– وَسْوَاسٌ, وَسْوَسَةٌ *кўп* وَسَاوِسُ 1) васваса, йўлдан оздириш, йўлдан озиш; ~ رَكِبَهُ الْـ~ у васвасага тушиб қолди; 2) хавфсираш, ташвиш; 3) енгил жиринг (*қимматбаҳо н. лар, идиш ҳақида*); енгил шитирлаш

I **وَسَى** (*и*) وَسْيٌ соқол олмоқ; III وَاسَى кўнгил сўрамоқ; ҳамдардлик изҳор қилмоқ (*сол.* آسَى); IV أَوْسَى соқол олмоқ

– مُوَاسَاةٌ кўнгил сўраш; ҳамдардлик билдириш

– مُوسَى *мз. мн. кўп.* مُوسَيَاتٌ, مَوَاسٍ устара, олмос; (*шунингдек: алиф. б. қар*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

– وَسِيَّةٌ *кўп.* اتٌ — катта мулк (ер)

I **وَشَّ** (*а/и*) وَشِيشٌ (*қулоқда*) чийилламоқ; вишилламоқ; II وَشَّشَ ҳақорат қилмоқ, адабсиз сўзлар билан сўкмоқ; беадаб сўзлар айтмоқ

– تَوْشِيشٌ беадаб сўзларни айтиш

– وَشٌّ, وِشٌّ *кўп* وُشُوش *халқ.* юз, сатҳ; دُهَانُ ~ бўёқ қатлами

– وَشٌّ жаранг, шовуллаш; الْآذَانِ ~ қулоқ шовуллаши

– وَشِيشٌ шовуллаш, вишиллаш

وِشْبٌ *кўп* أَوْشَابٌ 1) оламон, тўда, тўп, қаланғи-қасанғилар; 2) супурунди, ахлат; نَقَّى اللُّغَةَ مِنْ أَوْبَاشِهَا тилни уни бузувчи сўзлардан тозаламоқ; (*сол.* وَبَشٌ *кўп* أَوْبَاشٌ)

I **وَشَجَ** (*и*) وَشْجٌ новда чиқармоқ (*шох ҳақида*); V تَوَشَّجَ ўралиб, шохлаб кетмоқ; VI تَوَاشَجَ ўзаро ўралиб, аралашиб кетмоқ; ўзаро боғланган бўлмоқ

– مُتَوَاشِجٌ ўзаро боғлиқ

– وَاشِجَةٌ ҳамжинслик, қариндошлик, қардошлик

– وَشِيجَةٌ *кўп* وَشَائِجُ қариндошлик алоқалари, занжирлари; وَشَائِجُ النَّسَبِ қариндошлик, насаб занжирлари

(وشح) II وَشَّحَ 1) (*к. нингдир белига*) белбоғ, камар боғламоқ; 2) (*к. нидир*) кийинтирмоқ; 3) безамоқ; 4) (*н. нидир*) олдини олмоқ (ب); (*н. нидир*) муқаддима қилмоқ (ب); V تَوَشَّحَ (*н. нидир елкадан осириб*) киймоқ; 2) ўзига белбоғ, камар боғламоқ; بِسَيْفِهِ ~ қилич боғламоқ; VIII اتَّشَحَ 1) белга боғламоқ; بِالسَّيْفِ ~ белга қилич боғламоқ; 2) (*н. нидир*) киймоқ (ب); بِالثِّيَابِ الْبَيْضَاءِ ~ оқ кийим киймоқ

– تَوْشِيحٌ 1) белни боғлаш; 2) халқ шеърининг бир жанри; تَوَاشِيحُ *кўп* бандлардан тузилган шеър; التَّوَاشِيحُ الدِّينِيَّةُ диний мавзуъдаги шеърлар, қўшиқлар; 3) *муз.* увертюра, прелюдия, муқаддима

– وِشَاحٌ[1], وُشَاحٌ *кўп* أَوْشِحَةٌ, وُشُحٌ, وَشَائِحُ 1) шарф; 2) гулли, гулдор белбоғ, камар; 3) елка орқали боғланадиган тасма, қайиш, боғ

– وِشَاحٌ[2] *кўп* وُشُحٌ, أَوْشِحَةٌ қилич

– وِشَاحَةٌ қилич

I **وَشَرَ** (*и*) وَشْرٌ арраламоқ; الْأَسْنَانَ ~ тишларни ўткирламоқ; VIII اتَّشَرَ тишларни ўткирлаб қўйишни илтимос қилмоқ, X اسْتَوْشَرَ = VIII

– مَوْشُورٌ *кўп* مَوَاشِيرُ призма

– مَوْشُورِيٌّ призмага оид

– مِيشَارٌ *кўп* مَيَاشِيرُ, مَوَاشِيرُ арра

I **وَشَظَ** (*и*) وَشْظٌ маҳкамламоқ, қотирмоқ; الْفَأْسَ ~ болтани дастага (*пона ёрдамида*) маҳкам ўрнатмоқ

– وَشَائِظُ *кўп* وَشِيظَةٌ, وَشِيظٌ пона

I **وَشَعَ** (يَشَعُ) وَشْعٌ (*илни*) ўрамоқ; II وَشَّعَ 1) (*илни*) ўрамоқ; 2) белгиламоқ, белги қўймоқ; الشَّيْبُ ~ـهُ *маж.* унинг сочи оқариб кетди; 3) атрофни (*шохдевор, панжара билан*) тўсмоқ; IV أَوْشَعَ гулламоқ, гуллаб турган бўлмоқ

– وَشِيعٌ (*жонли*) тўсиқ (*кўкариб турган ўсимликлардан ҳосил қилинган тўсиқ*)

– وَشِيعَةٌ *кўп.* وَشَائِعُ 1) моки (*тўқув дастгоҳидаги*); 2) найча; ғалтак (*тикув машиналарида*); الْخَيْطِ ~ ип ғалтаги; التَّأْثِيرِ ~ (التَّحْرِيضِ) *эл.* индикцион ғалтак

I **وَشَقَ** (*и*) وَشْقٌ қуритмоқ, қоқламоқ (*гўштни* - اللَّحْمَ)

– وَشَقٌ *зоол.* силовсин

– وَشِيقٌ, وَشِيقَةٌ *кўп.* وَشَائِقُ қуритилган, қоқланган гўшт

I **وَشَكَ** (يَوْشُكُ) وَشْكٌ тез, тезкор бўлмоқ; II وَشَّكَ = I; IV أَوْشَكَ ... أَنْ ~ ...ни қилиш арафасида бўлмоқ; حَتَّى ~ أَنْ يَنْسَى وَعْدَهُ у ўз ваъдасини унутишига оз қолди

– وُشْكَانٌ, وَشْكَانٌ, وُشْكٌ, وَشْكٌ тезлик, тезкорлик; ... عَلَى ~ ...нинг арафасида, ...га яқин, ... олдида; الصُّدُورِ عَلَى ~ чиқиш арафасида (*мас., нашрдаги китоб ҳақида*)

– وَشِيكٌ яқинда, тез кунда, тез вақт ичида, тезда, الْحُدُوثِ ~ (الْوُقُوعِ) тез кунда амалга ошадиган, воқеъ бўладиган; الْحَلِّ ~ ҳал қилиниши яқинлашган; الصُّدُورِ ~ тез кунда чиқадиган (*мас., нашр ҳақида*); ـــا ~ тез, зудлик билан; عَادَ ~ـــا у зудлик билан (тез, шошиб) ортига қайтди

I **وَشَلَ** (*и*) وَشْلٌ, وَشَلَانٌ томчилаб тушмоқ, томмоқ

– وَشَلٌ *кўп* أَوْشَالٌ (*бирор н. ичидан томиб турган*) сув томчиси; ◊ مِنْ مُحِيطٍ ~ денгиздан томчи, оз, жуда оз

I **وَشَمَ** (*и*) وَشْمٌ 1) баданга игна билан ёзувлар, нақшлар қилмоқ, татуировка қилмоқ; 2) (*бирор н. билан*) белги қўймоқ; II وَشَّمَ = I; X اسْتَوْشَمَ[1] баданга нақш (татуировка) чизишни илтимос қилмоқ

– وَشْمٌ (*баданга*) нақш (татуировка) қилиш; 2) *кўп.* وُشُومٌ, وِشَامٌ (*бадандаги*) нақш, татуировка

– وَشْمَةٌ *кўп* وَشَمَاتٌ татуировкадаги суврат; белги; الْوَشَمَاتُ الزُّرْقُ татуировканинг кўк белгилари

– وَشِيمَةٌ душманлик, ёвлик, кек, ёвузлик, ёмонлик, жаҳл, дарғазаблик

وَشْمَةٌ қуритилган олча, қурук олча

وَشْوَشَ 1) шивирлаб гапирмоқ, шивирламоқ; 2) вишилламоқ (*мас., қайнаётган чойнак ҳақида*); تَوَشْوَشَ (*к. ёки н. ҳақдадир*) шивир-шивир қилмоқ (عَلَى)

– وَشْوَاشٌ эпчил, чаққон, енгил

– وَشْوَشَةٌ 1) шивирлаш; 2) вишиллаш (*мас, чойнак*)

I (وشى) **وَشَى**[1] (*и*) وَشْيٌ 1) гул солмоқ, безамоқ; 2) кашта тикмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

кашта билан безамоқ, чиройли қилмоқ; 3) зийнат бермоқ, зийнатламоқ (*мас., ҳикояни*); ёлғонламоқ, ёлғон гапирмоқ; وَشَى[2] (*и*) وِشَايَةٌ 1) (*к. гадир н. ҳақда*) зимдан хабар бермоқ, чақув қилмоқ, туҳмат қилмоқ (إِلَى ,ب); (*к. нингдир*) ғийбатини қилмоқ (ب); 2) (*н. нидир*) бермоқ. II وَشَّى (*н. ҳақидадир*) гапирмоқ, гувоҳлик бермоқ (عَنْ); مَنْظَرُهُ عَنْ نَدَمٍ لَا يَشِي унинг кўринишидан тавба қилганлиги билинмаётир. 1) (*к. гадир*) туҳмат қилмоқ, туҳмат тўқимоқ (ب) 2) кашта тикмоқ, кашта билан безатмоқ

– تَوْشِيَةٌ 1) туҳмат; 2) кашта, кашта билан безаш, безатиш; 3) йирик нақш, жимжимали гул, безаклар

– شِيَةٌ *кўп* اتٌ ـَـ 1) ола-була ранг, أَلْوَانُ الْخَيْلِ وَ شِيَاتُهَا отларнинг соф (бир хил) ва ола-була ранглари; 2) хол. нишон (*от ҳақида*), айб, қусур, камчилик

– مُوَشًّى кашта қилинган, кашта қилиб тикилган

– مُوْشِيٌّ = مُوَشًّى

– وَاشٍ *мн.* وَاشِيَةٌ *кўп* وُشَاةٌ чақимчи, ғийбатчи, туҳматчи, гап-сўз қилиб юрувчи

– وَشَّاءٌ каштафуруш

– وِشَايَةٌ *кўп* اتٌ ـَ чақув, чақимчилик, туҳмат, ғийбат

– وَشْيٌ *кўп* وُشِيٌّ 1) ола-була ранг, 2) йирик нақш, жимжимали гул, безаклар

I **وَصَبَ** (*а*) وَصْبٌ касал бўлмоқ; тоби қочмоқ, وَصَبٌ (*и*) وُصُوبٌ давом эттирмоқ, барқарор бўлмоқ; II وَصَّبَ қаттиқ касал бўлмоқ; IV أَوْصَبَ касал қилмоқ; V تَوَصَّبَ = I

– وَاصِبٌ сурункали, доимий

– وَصَبٌ *кўп* أَوْصَابٌ касаллик, беморлик, узоқ давом этган касаллик, *кўп* 1) касалликлар, 2) қийинчиликлар, أَوْصَابُ الْحِيَادِ ҳаёт қийинчиликлари

– وَصِبٌ *кўп* وَصَابَى, وِصَابٌ касал, бемор

I **وَصَدَ** (*и*) وَصْدٌ қаттиқ (пухта) бўлмоқ; II وَصَّدَ жуда қаттиқ (пухта) беркитмоқ; IV أَوْصَدَ беркитмоқ, ёпмоқ (*мас. эшикни*)

– مُوَصَّدٌ бекик, ёпиқ, беркитиб, ёпиб қўйилган

– وَصِيدٌ *кўп* وُصُدٌ остона (*эшикники*)

– وِصَادٌ 1) *кўп* أَوْصِدَةٌ алоқа, боғлиқлик; 2) *кўп* أَوْصَادٌ (*мулк эгалари ҳуқуқини берувчи*) ҳужжат

– وَصِيرَةٌ *кўп* وَصَائِرُ (*мулк эгалиги ҳуқуқини берувчи*) ҳужжат

وَصَّاءٌ чумчуқдан ҳам кичик қуш

I **وَصَفَ** (*и*) وَصْفٌ 1) васф қилмоқ, тасвирламоқ فَرْحٌ لَا يُوصَفُ таърифлаб бўлмайдиган хурсандлик; 2) баҳо бермоқ, даражасини белгиламоқ, аниқламоқ, характерламоқ; 3) (*к. гадир дори*) ёзиб бермоқ (لِـ), II وَصَّفَ кенг васф қилмоқ, тасвирламоқ, тавсифламоқ; VI تَوَاصَفَ 1) ўзаро васф қилишмоқ; 2) биргалашиб васф қилишмоқ; VIII اتَّصَفَ (*қандайдир*) хусусиятлар, белгилар, сифатлар билан ажралиб турмоқ, фарқланмоқ (ب); X اسْتَوْصَفَ дори ёзиб беришни сўрамоқ; табибга маслаҳат сўраб мурожаат қилмоқ

– اتِّصَافٌ ўзига хос, характерли белги, характеристика, даража

– تَوْصِيفٌ тавсиф, баҳо, даража

